Жаҳон иқтисодийтида глобал молиявий барқарорликни таъминлаш муаммосини ҳал этиш мақсадида турли тизимлар, хусусан, олтин стандарти, олтин-девиз стандарти, Бреттон-Вудс тизими амал қилди. Шунга қарамай, қўйилган муаммолар тўлиқ ҳал этилмади. Ҳозирги вақтда, яъни жорий жаҳон валюта тизимидаги камчиликлар кетма-кет намоён бўлаётган бир шароитда мазкур мавзу янада долзарблиги муҳим аҳамият касб этмоқда³⁰.

²⁸ International Profiles of Health Care Systems.

²⁹ Most Efficient Health Care: Countries / Bloomberg Visual Data (<http://www.bloomberg.com/visual-data/best-and-worst/most-efficient-health-care-countries>)

³⁰ Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.Қ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари. Жамоавий монография. – Т.: Akademneashr, 2010. – 160 б.

Сўнгги йилларда халқаро валюта муносабатларида сезиларли ўзгаришлар кузатилди: жумладан, ташқи бозорлардаги валюталар ва уларнинг товар таъминоти ўртасидаги алоқадорлик йўқолди; бозор иштирокчилари учун валюталарнинг ликвидлилиги, уларнинг товарга айирбошлаш қобилиятидан кўра муҳимроқ аҳамият касб эта бошлади; мамлакатларнинг тўлов балансидаги капиталлар ва кредитлар ҳаракати жорий операциялар ҳаракатидан ҳажм бўйича кўпайиб, ўрнини алмаштирди; резерв валюта мақоми учун ривожланган мамлакатлар ўртасида рақобат кучайгани кузатилди. Ҳар бир давлат ўз валюта курси режимини барқарорлигини таъминлаш учун юқори ликвидликка эга бўлган хорижий валюталарни захира сифатида йиғишларига, зарурат туғилганда эса, улар ҳисобидан курс шаклланиши жараёнига аралаштиришларига тўғри келди.

Шу каби ҳолатлар халқаро валюта тизимида кескин ислохотларни тақозо этади. Таъкидлаш лозимки, қатор йирик банклар, хусусий, давлат молиявий тизимлари ва институтлари томонидан бу каби тадқиқотларни амалга оширишга катта ҳажмдаги вақт ва маблағларни аямай харажат қилишаётганидан шундай хулосага келиш мумкин. Шу боисдан, “Блокчейн” технологиясига асосланган криптовалюталар халқаро молия муносабатларида ўз ўрнини эгаллади ва янада ривожланиш ҳамда кенгайиш босқичида турибди³¹.

Жаҳон валюта тизимидаги беқарорлик янги жаҳон молиявий архитектурасини яратиш заруратини юзага келтирмоқда. Хусусан, 1998 йилги Жанубий-Шарқий Осиё давлатларидаги инқироз, 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ва шу каби беқарор ҳолатлар жаҳон молиявий архитектурасини қайта қуришга ёки таҳрир қилишга шарт-шароит яратмоқда. Хусусан, 2008 йилдан бошлаб криптовалюталарни жорий этилиши жаҳон валюта тизимида янги трендларни бошланганлигини кўрсатмоқда.

“Блокчейн” технологиялари (маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиялари), “сунъий ақл” суперкомпьютерлар имкониятларидан фойдаланиш, шунингдек, крипто-активлар бўйича фаолият жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларидан бири ҳисобланади. “Блокчейн” технологиялари нафақат иқтисодиётнинг кўплаб секторларига, балки давлат бошқарув тизимига ва бошқа жамоатчилик муносабатларига аста-секин жорий этилмоқда³².

Ҳозирги кунда, жаҳон молия тизимига криптовалюталарни таъсирини, уларни тебранувчанлигини прогноз қилиш ва келажакдаги истиқболларини ўрганиш мақсадида ўнлаб, юзлаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда³³.

Жаҳон валюта тизими мамлакатларга мустақил пул-кредит ва валюта сиёсатини амалга ошириш имконини берсада, ҳақиқатда бу имкониятга эга бўлиш учун етарлича валюта захиралари талаб этилади.

Ҳозирги инқирозли вазиятда жаҳон валюта тизимини ислох қилиш, барча давлатлар манфаатларига хизмат қиладиган валюта тизимини шакллантириш ўз ечимини топа олмаётган долзарб масалалигича қолмоқда. Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг шаклланишига АҚШ валютасининг миллий ва жаҳон пули функциясини бажаришидаги номувофиқликлар ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ваҳоланки, халқаро савдо, инвестиция, капиталлар ҳаракати билан боғлиқ битимларда шартнома валютаси сифатида АҚШ долларининг роли юқориликча қолмоқда.

³¹ Лелу Л. Блокчейн от А до Я. –М.: Эксмо, 2018. –256 с.; Полански А. Эра криптовалюты. –М.: Издательство АСТ, 2018. –320 с.

³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори. ПҚ-3832-сон. Тошкент ш. 2018 йил 3 июль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.

³³ Жумаев Н.Х., Бердияров Б.Т. Тижорат банкларида янги инновацион технологияларни жорий этиш истиқболлари. “Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари” Магистрантларнинг анъанавий XVIII Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ТМИ, 2018 (27 июнь), 5-10 бет.

Шубҳасиз, АҚШ доллари ва евро ислохотлардан кейинги янги валюта тизимида ҳам етакчи позицияни сақлаб қолиши мумкин, бироқ уларнинг жаҳон пули сифатида фойдаланилиш даражаси АҚШ ва Европа Иттифоқининг иқтисодий-валютавий салоҳиятига ҳамда мазкур жаҳон молиявий марказлари ўртасидаги кучлар нисбатига боғлиқ.

Шундай бўлса-да, инқироз шароитида АҚШ долларининг беқарорлиги боис, ундан халқаро тўлов ва захира воситаси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ рисклар ортди. Чунки АҚШда пул эмиссияси ва Ғазначилик қимматли қоғозлари ҳажмини ошириш ҳисобидан инқирозга қарши чоралар дастури молиялаштирилди. Айни пайтда АҚШ ФЗТ томонидан эмиссия қилинган 100 купюралик долларнинг $\frac{2}{3}$ қисмидан АҚШ ҳудудидан ташқарида муомалада фойдаланилмоқда.

Жаҳон валюта тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида АҚШ доллари ва евро муомалада бўлгани ҳолда, халқаро захира валютани ташкил этиш масаласи жиддий баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Назарий жиҳатдан халқаро захира валюта аниқ қоидалар асосида эмиссия қилиниши ва барқарор пул таклифини таъминлай олиши лозим; иккинчидан, унинг таклифи ўзгарувчан талабга ўз вақтида мослаша олиши, яъни етарли даражада эгилувчан (мослашувчан) бўлиши керак; учинчидан, талабга мослашиш учун халқаро захира валютаси таклифида юз берадиган ўзгаришлар муайян бир давлатнинг иқтисодий ҳолати ва манфаатларига боғлиқ бўлмаслиги керак. Жорий инқироз амалдаги молия тизимини ислоҳ қилиш заруратлигини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, глобал иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида барқарор қийматга эга бўлган, маълум эмиссия қоидаларига асосланган ва мослашувчан таклифни таъминлайдиган халқаро захира валютасини ташкил қилиш зарурати кучаймоқда.

Сўнгги навбатдаги кредитор ҳисобланмиш ХВФни тузилмавий ислоҳ қилиш, унинг фаолият юритиш тамойилларини қайта кўриб чиқиш масаласи ҳам қатор иқтисодчилар, экспертлар ва сиёсатчилар томонидан кўтарилмоқда³⁴. Бунга сабаб ХВФнинг кўп йиллар мобайнидаги фаолияти давомида тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорлик, аъзо-давлатларни зарурат туғилганда ўз вақтида кредитлаш, шунингдек, жаҳондаги валюта иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифаларини тўлақонли бажара олмаганлигидир.

Фикримизча, барқарор алмашув курсига эга бўлган, кенг қўламда тан олинадиган янги халқаро валютани шакллантириш узоқ истикболда ҳал этиладиган масалалардан ҳисобланади. Шу боисдан, ҳозирги кунда СДРни оммалаштиришга қаратилган чоралар жаҳон валюта тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида кўриб чиқиши лозим.

Шунингдек, жаҳон валюта тизимидаги янги йўналиш, яъни “Блокчейн” технологияси ва унинг асосидаги криптовалюталарни чуқур ўрганиш давр талабидир.

Хулоса қилиб айтганда, Bitcoin замонавий халқаро молия бозорларининг инновацион таркибий қисми саналади ва ривожланишда юқори салоҳиятга эгадир. Пулларни легаллаштириш, келиб чиқиши шубҳали бўлган пулларни қонунийлаштириш ва тозалаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалалар ўз ечимини топса, Bitcoin билан боғлиқ молиявий рисклар ҳам пасаяди, ўз навбатида криптовалютанинг бу тармоғини кейинги ўсишига олиб келар эди. Демак, жаҳон валюта тизимидаги беқарорлик кузатилаётган, шунингдек, янги инновацион маҳсулотлар яратилаётган даврда ушбу жаҳон валюта тизимининг ривожланиши босқичлари ва янги инновацион йўналишларини ўрганиш давр талаби ҳисобланади.

³⁴ Жумаев Н.Х., Акбаров Х.М. Жаҳон валюта тизимининг ривожланиши босқичлари ва янги инновацион йўналишлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, 2018 йил, №6, 1-13 бет.

МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Яриев Ш.Ш. Тошкент шаҳар

Давлат молиявий назорати бошқармаси бошлиғи.

Мамлакатимизда барча соҳалар каби молиявий назорат тизимида ҳам ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда бюджет ва солиқ сиёсати соҳасида олиб борилаётган ислохотлар давлат бюджетининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, бюджетни шакллантириш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг назоратини амалга ошириш ҳамда мониторингини юритиш, шунингдек, соҳага халқаро стандартлари тизимларини жорий этиш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, халқни бюджет жараёнига жалб қилиш даражасини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон³⁵, 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сонли³⁶ фармонлари, 2017 йил 21 августдаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3231-сон³⁷, 2017 йил 18 мартдаги «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2847-сонли қарорлари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини³⁸ ишлаб чиқиши бевосита молиявий назоратни такомиллаштиришга қаратилгандир.

Молиявий назоратнинг моҳияти нимадан иборат? А.В.Ваҳобов ва Т.С.Маликовнинг фикрига кўра, «барча иқтисодий субъектларнинг (давлат, корхона ва ташкилотларнинг) молиявий фаолияти устидан қонунчилик ва ижроия ҳокимияти органларининг турли даражалари, шунингдек махсус ташкил этилган муассасалар томонидан амалга ошириладиган назоратга молиявий назорат дейилади».³⁹

В.Гришин ва Г. Надарейшвилилар молиявий назоратни, кенг маънода давлат ва нодавлат молиявий назоратга бўлишади.⁴⁰

Мамлакатимиз молиявий назоратининг таркибий қисми бўлиб, давлат молиявий назорати ҳисобланади. Меъёрий ҳужжатларда ва иқтисодий адабиётларда давлат молиявий назорати қандай эътироф этилган? Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 3-моддасида Давлат молиявий назорати — «бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида молиявий назорат объектларининг бухгалтерия, молия, статистика,

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сонли фармони.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3231-сонли қарори.

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси. <https://regulation.gov.uz/uz/document/8746>. 07.10.2019.

³⁹ Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. -Т.: Шарқ, 2010. -Б. 132.

⁴⁰ Гришин В., Надарейшвили Г. Финансовый контроль как инструмент принятия управленческого решения. Ж. Управление. №1 (26)/2013, 37- 42 стр.

банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш ҳамда таққослаш”⁴¹ деб тариф берилган.

М.Х.Темировнинг фикрича: “Давлат молиявий назорати кенг маънода – бу барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари (мансабдор шахслар) ҳамда давлат ташкилотлари ички назорат бўлинмаларининг тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланган давлат молиявий оқимларини бошқариш тартибидаги ва иқтисодий субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятидаги қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича фаолиятдир.”⁴²

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, молиявий назорат, шу жумладан давлат молиявий назорати давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва тўғри ишлатилиши устидан ўрнатилган назорат экан.

Мамлакатимизда йилдан йилга давлат бюджетидан сарфланаётган маблағлар миқдори ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига кўра харажатлар 2015 йилда 36257,3 млрд. сўм, 2016 йилда 40911,3 млрд. сўм, 2017 йилда 49344,9 млрд. сўм ва 2018 йилда эса 79736,1 млрд. сўмни ташкил қилган.⁴³

Ушбу харажатларни тўғри ва мақсадли сарфланиши устидан Молия вазирлигининг давлат молиявий назорати департаменти томонидан белгиланган тартибда текширувлар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2018 йилда Вазирликлар тақсимоотида бюджет ташкилотлари ва муассасаларида бюджет интизомига риоя этилиши юзасидан ўтказилган текшириш ва мониторингларда аниқланган ноўрин харажатлар сони ва суммасини 2017 йилга нисбатан солиштира таҳлили тўғрисида маълумот келтирилган бўлиб, унда аниқ бўлишича, 2017 йил мобайнида Соғлиқни сақлаш вазирлигида 1544 та текшириш ўтказилган бўлса, 2018 йилда эса текширилишлар сони 865 тага камайган, бироқ 17068,2 млн.сўм миқдорида камчиликлар аниқланган.

2019 йилнинг I-ярим йиллигида вазирлик ва идораларнинг ички аудити ва молиявий назорат хизмати томонидан ўтказилган текширишлар натижасида 73 040,2 млн.сўм миқдорида хато ва камчиликлар аниқланган. Энг кўп камчиликлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш (25175,4 млн. сўм), халқ таълими (23073,3 млн.сўм) ва мактабгача таълим (17391,6 млн. сўм) вазирликлари тизимида аниқланган. Аниқланган камчиликларнинг 11 941,3 млн.сўмини пул маблағлари камомати ва ўзлаштиришлар суммаси, 35 908,6 млн.сўмини ноқонуний харажатлар ва ортиқча тўловлар ташкил қилган. Натижалардан кўришиб турибдики, олиб борилаётган молиявий назоратнинг таъсирчанлиги етарли эмас.

Бу эса мамлакатимизда молиявий назоратни халқаро тажрибалардан фойдаланилган ҳолда такомиллаштиришни талаб қилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси, 3-модда. 2013.

⁴² Темиров М.Х. Ўзбекистон Республикасида давлат молиявий тизимини ислоҳ қилишнинг истиқболли йўналишлари. Автореферат. 2019.12 бет.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Чориев Ф. И. Ўз. Р. БМА ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига Давлат бюджетининг лойиҳаси прогноз йили учун келгуси икки йилга оид ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликлари ва ўрта муддатли давр учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози асосида тузилиши кўрсатиб ўтилган.


Давлат бюджетини ўрта муддатли бюджетлаштириш хусусий ва давлат томонидан молиялаштириладиган ташкилотлар учун ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни доимий равишда оширишга имкон беради (Stanciu, 2012).

Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш—бир неча йилга (қоида тариқасида 3-5 йилга) мўлжалланган давлат бюджет лойиҳасини тайёрлашдир.

Давлат бюджетини режалаштириш, молиявий фаолиятини такомиллаштириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва солиқ тизимининг шаффофлигини ошириш каби кўплаб афзалликларга ўрта муддатли бюджетлаштириш орқали эришиш мумкин. Давлат қарзларини белгиланган муддатларда қайтариш ҳамда давлат бюджети ижросида юзага келадиган тақчилликларни бартараф қилиш ўрта муддатли бюджетлаштириш орқали эришиш мумкин (Romania, 2009).

Жаҳон банкининг таъкидлашича, бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг асосий мақсадлари ўрта муддатли келажакда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва бюджет сиёсатини мувофиқлаштириш; стратегик қарорларнинг асослилик даражасини ошириш; бюджетлар жорий ва капитал харажатларининг самарадорлигини макроиқтисодий мувозанатига эришиш, тармоқлар доирасида ва улардан ташқарида ресурслар тақсимотини яхшилаш, тармоқ идоралари ва вазирликлар учун бюджетнинг янада аниқлигини таъминлаш, шунингдек давлат маблағларидан янада самаралироқ фойдаланишни амалга оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг мурожаатномасида давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, давлат молиясини бошқаришда ўрта муддатли бюджетлашга ўтиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб қўйилган⁴⁴.



Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари.⁴⁵

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мерзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги мурожаатлари.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги давлат бюджети ва 2020-2021 йилларга мўлжалланган бюджет параметрлари.

Мазкур белгиланган вазифалардан келиб чикиб, Ўзбекистоннинг ўрта муддатли бюджет прогнози бюджет циклини бюджет йилига нисбатан олдинги бюджет циклида тасдиқланган истикболли (ўрта муддатли) ва молиявий режалаштириш параметрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Режалаштирилган йил ва келгуси 3 йил учун мўлжалланган бюджет лойиҳаларини ишлаб чиқишда, фискал кўрсаткичларга таъсир кўрсатадиган асосий ташқи ва ички омиллар, 2019-2021 йилларга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсати ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019-2021 йилларда асосий макроиктисодий кўрсаткичларининг Давлат бюджети параметрларига мувофиқ, даромадлар тушумлари 2019 йилда 102,62 трлн. сўмни ва 2020-2021 йилларда эса мос равишда 126,16 ва 154,18 трлн.сўмни ташкил этиши прогноз қилинган.

Давлат бюджети харажатлари прогнози 2019 йилда 107,1 трлн. сўмни ташкил этиб ва бу ўтган йилга нисбатан 1,4 бараварга ўсган. Давлат бюджети харажатлари асосан ижтимоий соҳаларга йўналтирилган. Хусусан, ижтимоий харажатлар 57,8 трлн.сўмни ёки умумий харажатларнинг 54 фоизини ташкил этиб, мазкур харажатлар ўтган йилга нисбатан 34,4 фоизга ошган.

Давлатнинг фискал ва пул-кредит сиёсати бўйича ўрта муддатли ва узоқ муддатли истикболлар учун бюджетнинг асосий параметрларини, иқтисодий прогнозларининг ҳақиқийлиги ва ишончлилигини, бюджетни режалаштириш учун зарур шарт-шароитларни ҳамда бюджетлар барқарорлиги мезонларига риоя қилинишини олдиндан белгилаш зарур ҳисобланади. Бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг вазифаларига қуйидагилари киради:

- иқтисодиёт ва молиянинг ривожланиш моделини прогноз қилиш учун кўрсаткич сифатида фойдаланиш учун бюджет жараёнида фойдаланиладиган барча макроиктисодий моделлардан фойдаланиш;

- самарадорликни ошириш, шунингдек, солиқ тизимининг олдиндан айтиб берилиши ва ошкоралигини таъминлаш учун турли хил молиявий стратегияларни ишлаб чиқиш, давлат харажатлари, давлат қарзи, бюджет тақчиллиги ҳамда солиқлардан шаклланадиган даромадларни прогнози.

Ўзбекистонда бюджетни ўрта муддатли режалаштиришга ўтиш орқали бир қанча омиллар, чунончи: бир йилдан кўпроқ муддатга мўлжалланган давлат дастурларининг амалга оширилиши (бу давлат дастурларини уларни бажариш учун зарур бўлган молия ресурслари билан боғлашни талаб этади), ички ва ташқи, шу жумладан, инвестицион ресурсларнинг жамланиши, давлат молия ресурсларини режалаштириш ва бошқариш тартиб-таомилларининг мувофиқлаштирилишини, инвестиция харажатларини бўлғуси жорий харажатлар билан боғлаш, давлат харажатлари самарадорлигини ошириш, бюджет жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш имкониятлари яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси. 2013.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мерзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги мурожаатлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори. Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги давлат бюджети ва 2020-2021 йилларга мўлжалланган бюджет параметрлари.
4. Romania, E. I. o. (2009). Public Finance: Introducing the medium term fiscal-budgetary framework. Strategy and Policy Studies, Bucharest

РИСКИ ГОСУДАРСТВЕННОГО ДОЛГА И ПУТИ ИХ СМЯГЧЕНИЯ

*Угай Д.С. Институт налогово-бюджетной политики
при Министерстве финансов Республики Узбекистан.*

Курс либерализации национальной экономики стал важнейшим шагом в развитии Узбекистана, что предполагало появление позитивных и негативных последствий. Присутствует также вероятность неизбежного сдвига и нарушения макроэкономической сбалансированности. Одним из таких важнейших макроэкономических параметров является *уровень государственного долга (ГД)* в стране, который оказывает сильное воздействие на функционирование экономики.

Вследствие финансирования бюджетного дефицита следует возникновение государственного долга (ГД), уровень которого существенно влияет на эффективное функционирование экономики страны.

В современной научной литературе различают два определения государственного долга в зависимости от сущности:

- совокупная сумма всех положительных бюджетов правительства, с вычетом всех дефицитов. В данном определении акцент направлен на причины возникновения долга;
- совокупность долговых обязательств правительства перед физическими и юридическими лицами, иностранными инвесторами, международными финансовыми организациями и государствами. Источником появления долга выступает механизм его формирования.

Согласно отчета «Бюджет для граждан на 2019 год»⁴⁶, Узбекистан входит в группу стран с умеренной долговой нагрузкой. Государственный долг на 1 января 2019 года достиг 14,8 млрд. долл. США (или 29,4% ВВП). В состав ГД входят прямой государственный долг, то есть заемные средства, поступившие в распоряжение правительства государства, и гарантированный государственный долг, включающий в себя займы, выплаты по которым гарантированы государством.

Как показывает структура ГД, наибольшую долю занимают займы международных финансовых институтов (38%). Далее следуют государственный внутренний долг (33%) и займы стран кредиторов.

По доступным данным до ноября 2018 года правительство Узбекистана не имело прямого внутреннего долга. По прогнозам национальных экспертов, с началом выпуска государственных казначейских облигаций ожидаемый объем прямого внутреннего государственного долга к концу 2019 года будет порядка 1 трлн. сум.

Высокий уровень долгового бремени представляет собой следствие недооценки границ последствий внешних заимствований, что в конечном итоге может привести к нарастанию кризисных явлений в экономике той или иной страны. Государственный долг называется проблемным в том случае, если страна не в состоянии его обслуживать. Однако стоит отметить, ГД оказывает существенное влияние на дальнейшее развитие государства, как положительным, так и отрицательным образом на экономические процессы, протекающие в стране. Основной целью государственных займов во многих случаях является повышение уровня ресурсов экономического развития. Однако присутствует и обратная сторона, что предполагает выплату основной суммы долга, а также уплату процентов. Нарастающий и «давящий» рост государственного внешнего долга негативно воздействует на бюджет и международную кредитоспособность страны. Это в результате может привести к

⁴⁶ Подготовлено в рамках совместного проекта ПРООН и Министерства финансов РУз «Содействие реформе управления государственными финансами в Узбекистане, Ташкент, 2019г.

перманентному росту государственного долга, снижению авторитета страны на международной арене, что сокращает приток иностранных инвестиций.

Как показывает опыт многих стран неэффективность распределения долга относительно сроков погашения, процентных ставок и не обеспеченных резервами условных обязательств стали основополагающими факторами появления или распространения экономических кризисов.

Зачастую источниками возникновения рисков долга заложены в проведении необоснованной экономической политики в бюджетно-налоговой, денежно-кредитной и валютной сферах. Тщательно продуманная и обоснованная политика управления долгом позволяет снизить уязвимость при распространении кризисных явлений и финансовых рисков.

Основополагающими причинами недостаточного уровня государственного финансового мониторинга могут служить:

- отсутствие системного подхода к составлению методической базы контроля за эффективностью и надежностью распределения расходов бюджетных средств;
- несостоятельность системы взаимодействия между органами государственного управления, ответственными за финансовый, аудиторский контроль и правоохранительными органами. Это связано с отсутствием установленных регламентов относительно общих требований к порядку и формату обмена информацией;
- отсутствие жестко регламентирующих законодательных мер ответственности за нарушение статей бюджетного законодательства;
- несостоятельность формирования законодательных и иных нормативных правовых актов, которые определяют ключевые понятия и систему, формы, методы и объекты государственного финансового контроля.

Решения насущных проблем образования и обслуживания государственного долга являются фактором достижения потенциальной макроэкономической стабильности и устойчивости экономического развития в стране. Так как от этого, во многом, зависит макроэкономическое положение, а именно: государственный бюджет, золотовалютные резервы, стабильность национальной валюты, уровень процентных ставок, инфляция, инвестиционный климат и др. показатели.

Стратегия сокращения государственного долга, в первую очередь, предусматривает проведение обоснованной и строго регламентируемой институциональной политики управления государственным бюджетом. Риски, присущие структуре государственного долга, должны тщательно контролироваться и оцениваться⁴⁷.

В странах, где широко используются кредитные рейтинги, управленцам обслуживания долга следует учесть ограничение сферы своих инвестиций лишь объектами, имеющими кредитный рейтинг от независимых рейтинговых агентств, отвечающим заранее установленным минимальным требованиям. Вместе с тем, органы государственного управления ответственны за ограничение размера рисков по отдельным контрагентам, установив лимиты с учетом консолидированной финансовой позиции правительства по операциям. Управление кредитным риском может быть оптимизировано путем диверсификации портфеля по целому ряду финансовых контрагентов. Регулирование расчетным риском предполагает четкие и регламентируемые процедуры расчетов и обязательств (систематизированная база документации). Предполагается установление лимитов на размер платежей, осуществляемых через любой отдельно взятый расчетный банк.

47 «Наставления по управлению государственным долгом», Международный Валютный Фонд и Всемирный Банк, март 2001г.

Регуляторы по управлению долгом должны тщательно оценивать риски, связанные с долговыми обязательствами в иностранной валюте, краткосрочным долгом и долгом с плавающей ставкой, и управлять ими с большой осторожностью.

Для того чтобы не допустить превышение предельного уровня государственного долга, правительству Узбекистана следует принять на вооружение следующие меры при формировании стратегии управления ГС⁴⁸:

- укрепление размеров составляющих (внутреннего и внешнего) ГД на уровне, которые обеспечивают сохранение экономической безопасности страны, а также выполнение государственными органами власти долговых обязательств без существенного вреда (урона) финансированию программ социально-экономического развития;
- уменьшение стоимости долга на базе продления сроков заимствований и снижения доходности государственных ценных бумаг, за счет перехода на другие рынки;
- повышение стабильности и предсказуемости рынка государственного долга;
- повышение адресности и реализация эффективного и целевого использования заимствованных средств, государственных кредитов и гарантированных займов;
- обеспечение своевременного возврата государственных кредитов и уплаты процентов по ним.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

***Қодиров Б. Ф. Ўз. Р. Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси тингловчиси***

Ўзбекистоннинг ўрта муддатли ривожланиш стратегиясида маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини ошириш, харажатлари тизимларини ислоҳ қилиш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, ҳудудлар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш каби муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, мазкур вазифаларни таъминлашда ривожланган давлатлар илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини республикамізда қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳудудларни ривожлантириш борасида фикр юрита туриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев шундай дейди: “Ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмас”⁴⁹. Мамлакатимиз молия-бюджет тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳудудий иқтисодиёт муаммоларининг кескинлашуви шароитида маҳаллий бюджетлар имкониятларини янада оширишга зарурият сезмоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳудудлар эҳтиёжларини қоплаши учун етарли молиявий манбага эга бўлиши, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда илмий асосланган таклиф ва тавсияларни кенг қўллаш орқали масалага тизимли ёндашиш муҳим аҳамият каб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўз тасарруфидаги ҳудудларни барча томондан ва барқарор ривожлантириш, саноатнинг изчил тараққий этишини таъминлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва маҳаллий меҳнат бозорини ташкил қилиш масалаларида

⁴⁸ “Debt Crisis Prevention”, international Monetary Fund, July 2016


⁴⁹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104б.

маҳаллий ҳокимият ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли алоҳида аҳамиятлидир. Бозор муносабатлари шароитида бюджет сиёсатининг аҳамияти, бюджет жараёнларида маҳаллий бюджетларнинг роли, маҳаллий бошқарув органлари фаолияти, молия ва бюджет сиёсати масалалари ҳудудларнинг иқтисодиёт тараққиёти ва маҳаллий бюджетлар муаммоларни ҳал этишнинг долзарб масалаларидир.

Ҳозирги кунда Республикамизда иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг янги босқичи шароитида маҳаллий ҳудудларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашдек муҳим вазифани адо этишда маҳаллий бюджетларни алоҳида аҳамияти мавжудлигини таъкидлаб ўтишимиз ўринлидир. Бу ривожланишнинг янги босқичида амалга оширилаётган туб ислохотлар Давлат молияси тизимини бошқаришнинг бозор механизмларига асосланган бюджет қурилмасини мукаммал шакллантиришни талаб этади. Айнан шу жиҳатдан бюджет тизимидаги ислохотлар ҳам босқичма - босқич иқтисодий ислохотларнинг бош концепциясига мувофиқ равишда амалга оширилмоқда.

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида муҳим таркибий қисми ташкил этади ва маҳаллий ҳукумат органларининг фаолият кўрсатишларида молиявий манба бўлиб ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар харажатлари – бу маҳаллий ҳудудлар даромадлари ҳисобидан қонунчиликда белгиланган соҳаларни молиявий маблағ билан таъминлаш тушунилади. Шунингдек, маҳаллий бюджет асосий молиявий режа сифатида тегишли ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўлиқ қамраб олади.

Маҳаллий бюджетлар умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Унинг вазифалари 1-расмда келтирилган.



Маҳаллий бюджетларнинг вазифалари⁵⁰

Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий томондан мустақил фаолият олиб боришлари уларнинг ўз даромадлар манбаи мавжудлиги билан характерланади. Маҳаллий бюджетлар ўз ҳудудида турли йўналишдаги вазифаларини ҳал қилиш учун етарли бўлган молиявий маблағга эга бўлишлари керак. Хулоса сифатида қуйидагиларни келтириб ўтамиз:

1. Бюджет ташкилотларида бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланишда уларнинг раҳбарлари ва молия-иқтисод бўлими ходимларига алоҳида шахсий жавобгарликни юкловчи ҳуқуқий нормалар тизимини яратиш уларни самарадорлигига хизмат қилади. Ҳозирда Давлатимиз раҳбари томонидан талаб қилинаётган ҳар бир раҳбар ходимнинг шахсий жавобгарлигини ошириш масалаларида шу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратилса мақсадга мувофиқдир.

⁵⁰ Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув қўлланма. Тошкент. Молия. 2007. 17 б.

2. Маҳаллий бюджетларни режалаштиришда ҳаддан ташқари марказлашувнинг мавжудлиги, бунинг натижасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий бошқарув органларининг шахсий масъулият ҳисси кам сезилмоқда, харажатларга оид мажбуриятлари бўйича қарорлар молиялаштириш имкониятини ҳисобга олмаган ҳолда қабул қилинмоқда. Албатта, бунинг натижасида самаравий натижага бўлган интилиш камаяди.

3. Маҳаллий бюджет харажатларини режалаштиришда ҳудудларнинг табиий ва иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш, тасдиқланган харажатларни бажарилиши устидан назортада Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш уларнинг самарадорлигида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ижро самарадорлиги устидан депутатлик кенгашлари ва кенг жамоатчиликнинг алоқадорлигини ва хабардорлигини таъминлаш. Бу борада яна бир муҳим жиҳат маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқарув органлари фаолиятларини ва уларга тегишли ҳукукий нормаларни қайтадан ўрганиш, уларнинг бюджет соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш масалаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

4. Маҳаллий бюджет харажатларининг самарали ижросини таъминлашда харажатларининг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида, мақсадли молиялаштириш, инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ва тегишли даражада сақлаб туришни таъминлаш устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, молия ва солиқ органларининг маъсулиятни ошириш ва жавобгарлигини кучайтириш бу борада муҳим аҳамиятга эгадир. Ижро этиш борасида маълум бир самарадорлик индикаторларини жорий этиш ва уларни бажарганлик ёки бажармаганлик ҳолатларига қараб рағбатлантириш ёки жавобгарликни белгилаш.

5. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали ижросини таъминлаш энг аввало ушбу харажатлар тизимини тўғри ва оқилона режалаштиришдан иборатдир. Бунда бюджет тизими бюджетларининг ўтган йилда эришилган натижалари ва жорий йилда кутилаётган натижалар тўғрисидаги тахлилий ҳисоботларини, бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тузиладиган харажат мажбуриятларининг реестрлари, бюджет буюртмаси ҳисобот-ҳужжатларини тўғри ва ҳаққоний тузилишига ва жараённинг ташкил этилишига эътибор бериш лозимдир. Шунингдек, бу маълумотларнинг шаффофлиги, ошқора ва ҳамма учун тушунарли бўлишига аҳамият қаратиш лозимдир.

6. Маҳаллий бюджет харажатларининг режалаштирилган кўрсаткичларини харажатларнинг ҳар бир тури ва моддаси бўйича тўлиқ ва мақсадли бажарилишига эришиш лозимдир

7. Маҳаллий бюджет харажатларини самарали ижросини таъминлашда маблағларнинг ишлатилмасдан тежаб қолиш жиҳатларига эътибор қаратмасдан, балки уларнинг ижтимоий-иқтисодий самара беришини таъминлашга эришмоғимиз даркордир. Зеро, ўз вақтида ва ҳажмида молиялаштирилмаган харажатлар кейинчалик турлича салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслик лозимдир.

8. Маҳаллий молия органларининг бюджет ижросидаги ролини ошириш, улар тизимидаги фаолият юритаётган кадрларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айниқса, тизимда ишловчи раҳбар ходимларга нисбатан натижавийликга қаратилган шахсий жавобгарликни юклатиш лозимдир.

MAMLAKATIMIZNING JAHON MOLİYAVIY BOZORIGA KIRIB BORISHIDA MAVJUD MAMMOLAR TAHLILI

*Xaydarova M. I. TDIU doktoranti
Yunusova O.A. TDIU Iqtisodiyot
fakulteti talabasi*

Mamlakatni iqtisodiy jihatdan yuksaltirish, uni har bir iqtisodiy tarmog'ini tubdan o'zgartirish, jahonning yetakchi davlatlari qatoridan joy olish bugungi kunning dolzarb masalasi va maqsadi hisoblanadi. Jamiyatni ijtimoiy himoya qilish, yurtimizda turli xil bunyodkorliklarni amalga oshirish davlatning byudjet mablag'lari hisobiga amalga oshadi. Shu sababli byudjet muvozanatini saqlay bilish, uni to'g'ri boshqarish va taqsimlash muhim vazifa sanaladi.

Byudjet tushumi salmog'ini yanada oshirish maqsadida turli xil dasturlar va loyihalar ishlab chiqilmoqda. Muhtaram Prezidentimiz bugungi kunda eksport salohiyatini oshirish, tashqi iqtisodiy aloqalarni mustahkamlash, investitsiyaviy islohotlarni olib borish hamda mamlakat kapital bozorini rivojlantirish bilan bog'liq bo'lgan turli dasturlarni va loyihalarni amalga oshirmoqdalar. Mustaqil mamlakatimiz moliya bozorida, shu jumladan bank-moliya tizimida o'tkazilayotgan islohotlar natijasida zamonaviy jahon andozalariga va talablariga mos keladigan moliya-bank tizimi hamda bozor infratuzilmasi bosqichma-bosqich shakllantirilmoqda, moliya-bank sohasini yanada erkinlashtirishga qaratilgan qator qonunchilik tashabbuslari va ulardan kelib chiquvchi muhim chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Endilikda bank-moliya tizimini rivojlantirish, jahon moliya bozoriga kirib borish iqtisodiy maqsadlarimizdan biri hisoblanadi.

O'zi umuman olganda oldi-sotdi ob'yekti hisoblangan pul, pulga tenglashtirilgan qog'ozlar bo'lgan bozor moliya bozori deb yuritiladi. Bu bozorda moliya mablag'larini vaqtincha haq to'lab ishlatish yoki ularni sotib olish yuzasidan bo'lgan munosabatlar amalga oshiriladi. Ortiqcha mablag'larga ega bo'lgan xo'jalik subyektlari o'z moliyaviy resurslarini mablag'larga muhtoj subyektlarga taklif qiladi. Moliya bozori banklarda, fond birjasida va auksionlarda o'tkaziladi. Qimmatli qog'ozlarning birlamchi va ikkilamchi bozorlarida aksiya, obligatsiya, veksell va boshqa oldi-sotdi jarayoni amalga oshadi. Xo'jalik hayotining bayналminallashuvi natijasida jahon moliya bozori paydo bo'ldi.

So'nggi yillarda mamlakatimiz iqtisodiyotida amalga oshirilayotgan moliya bozoridagi islohotlar hamda O'zbekistonda yaratilgan qulay investitsiyaviy, innovatsion va ishbilarmonlik muhiti makroiqtisodiy barqarorlik va iqtisodiy mutanosiblikni ta'minlab kelmoqda. Ammo shunga qaramay, bir qancha muammolarimiz ham mavjud bo'lib, ularni bartaraf etish bilan bog'liq choralarni ishlab chiqilmoqda. Bunda muammlarga to'xtalar ekanmiz, eksport salohiyatimizni import salohiyatidan past ekanligi birinchi muammolarimizdan bo'lib ko'zga tashlanadi. Milliy valyutaning qadsizlanish sur'atining yuqori ekani natijasida import hajmi yillar davomida qimmatlashib keldi va bu byudjet uchun salbiy ta'sir ko'rsatadi. Bundan tashqari so'mning asosiy tashqi hamkorlarimiz bo'lgan mamlakatlar valyutalariga nisbatan real almashuv kursining oshishi natijasida eksport qilinayotgan mahsulotlar qimmatlashish holatining yuz berayotgani eksport miqdorini kamayishining omili bo'lib xizmat qilmoqda. Bunday xato va kamchiliklarni bartaraf etish maqsadida turli xil ishlar olib borilmoqda. Xususan, eksportni qo'llab-quvvatlash milliy tizimi yaratildi. Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi huzurida Eksportni rag'batlantirish agentligi tashkil etildi. Shuningdek, 205 nomdagi tovarlarni eksport qilishda transport xarajatlarining 50 foizini qoplab berish yo'lga qo'yildi. Bu esa o'z navbatida samara bera boshladi. 2019-yilda tovarlar va xizmatlar eksporti 23 foizga o'sdi. Joriy yilning yetti oyida tovarlar va xizmatlar eksporti 7 milliard 331 million dollarni tashkil etgan, bu o'tgan yilning shu davriga nisbatan 23 foiz ko'pdir. Shu bilan birga, 2019-yilda O'zbekistonga import qilinayotgan mahsulotlar hajmi 32 foiz o'sgan. Importning asosiy qismi

mashina va jihozlar, xususan butlovchi qismlarga (44%), kimyoviy mahsulotlar (13%), va oziq-ovqatga (8%) to'g'ri keladi.⁵¹

Mamlakatda jahon moliyaviy bozoriga integratsiyalashish uchun avvalo mamlakatning kapital boshqaruvi yaxshi tashkillashtirilgan bo'lishi kerak. Ammo bugungi kunda kapital bozorini rivojlanishiga to'sqinlik qiluvchi bir qancha muammolar mavjud. Shulardan biri bu korxonalarga belgilanadigan soliq miqdori hisoblanadi. Jahon moliya bozoriga kirib borish imkoniyatlaridan biri bu korxonalarining birlashib, korporatsiya yoki holding kompaniyalariga aylanishi hisoblanadi. Afsuski, bizning mamlakatimizda bunday birlashgan korxonalar mavjud emas. Ularga to'sqinlik qiluvchi to'siqlardan biri bu soliq muammosi hisoblanadi. Sababi korxonalarining foydasi qancha maksimallashtirilsa ular shuncha ko'p davlatga soliq to'laydilar. Korxonalar esa buni xohlashmaydi. Bundan biz soliq siyosatimizni yana qayta ko'rib chiqishimiz kerak degan xulosaga kelamiz.

Mamlakatimizda mavjud kamchiliklarni topib ularni barataraf etish, samarali loyiha dasturlarini ishlab chiqish maqsadida O'zbekiston kapital bozorini rivojlantirish agentligi tashkil etildi.

Kapital bozorini rivojlantirishda bozorlarni erkinlashtirish ham o'ziga xos o'rin egallaydi. Bozorlarni erkinlashtirish va unga davlat aralashuvini kamaytirish siyosatini qo'llash bu byudjet tizimini yanada ortishiga va eksport hajmini yanayam oshirishga sabab bo'ladi. Rivojlangan mamlakatlarni misol qilib oladigan bo'lsak, AQSH, Nyu York, London hamda Hongkong kabi davlatlar kapital bozorlarida hozirgi kunda eng mashhur modellardan hisoblangan Anglo-sakson modeli mavjud. Bu model davlat aralashuvining juda past darajasini namoyon etish, kuchli xususiy mulk huquqlarini yaratish, tadbirkorlarga to'siqlarsiz erkin savdo qilish imkoniyatini yuzaga keltirish tushunchasini anglatadi. Yuqorida qayd etilgan davlatlarda bu modelga muvofiq iqtisodiyotni moliyalashtirish manbalarining deyarli yarmi kapital bozorlarda shakllanadi.

Misol uchun, AQShda qimmatli qog'ozlar bozorida kapitalizatsiya 30 trillion dollarga yaqin bo'lib, bu mamlakat YaIM (taxminan 19 trillion dollar) summasidan ancha baland. Biz bozorni rivojlantirmoqchi bo'lsak, muvofiq keladigan modelni tanlashimiz zarur. Bunda global va tayyor infratuzilmaga qo'shib, kirishib ketish mumkin. Ikkinchi yo'lni tanlasak, mahalliy va milliy bozorni rivojlantirish ustida ish olib borish kerak. Bulardan farqli ravishda, uchinchi yo'l ham mavjud: dunyo infratuzilmasiga qo'shib, bir vaqtning o'zida mahalliy sharoitlarni soddalashtirib borish orqali mahalliy investitsiya oqimini paydo qilish mumkin.⁵²

Milliy iqtisodiyotning rivojlanishida uning tashqi dunyo bilan aloqalari holati, mamlakatning xalqaro moliya munosabatlaridagi ishtiroki muhim o'rin tutadi. Mamlakatning xalqaro moliya munosabatlaridagi ishtirokining kuchayishida xalqaro moliya munosabatlarini amalga oshirish mexanizmlarini samarali tarzda tashkil etilgani muhim ahamiyat kasb etadi. Xalqaro moliya bozoriga birlashish, bu puxta o'ylangan reja asosida bo'lmog'i lozim. Negaki har bir jahon miqyosidagi davlatlar avvalo o'z manfaatlarini o'ylaydi. Shu sababli ham kelajakda birlashish to'g'risidagi shartnoma, bitimlarni shartlari, qoidalari aynan har ikki davlat uchun ham foyda keltira olishi muhim ahamiyatga ega.

Bugungi kunda xalqaro darajadagi yuksalgan davlatlar qatoriga qo'shilish uchun turli loyiha va dasturlar ishlab chiqilmoqda va amaliyotga tadbiiq qilinmoqda, ya'ni bulardan eng ko'p e'tibor qaratilayotgan sohalaridan biri bu eksport salohiyatini oshirish hisoblanadi. Tashqi hamkorlik aloqalarini yanada mustahkamlash, tashqi savdo aylanmasini salmog'ini yanada ko'tarish, mamlakat kapital bozorini yanada rivojlantirish bu mamlakatning jahon bozoriga kirib borishida bir turtki sifatida xizmat qiladi.

⁵¹ minbar.uz/Oqsayotgan eksport, o'sayotgan import va o'z holiga tashlab qo'yilgan mahalliyashtirish: videoselektorning asosiy mavzulari/13.08.2019

⁵² <https://kun.uz/uz/news/2019/07/14/kapital-bozorni-rivojlantirish-uchun-xususiy-mulk-huquqini-tola-kafolatlash-lozim-agentlik-direktori-bilan-intervyu>

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

БМА тингловчиси Авлаев М.

Республикаимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида давлат молиявий назорати тизимини мазмун ва сифат жиҳатдан замон талаблари асосида такомиллаштириш зарурати келиб чиқмоқда. Буни “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи йўналишида келтириб ўтилган “харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш”га қаратилган бандида ҳам яққол кўриш мумкин⁵³

Давлат молиясини самарали бошқариш ва унда молиявий назоратни такомиллаштиришни ҳозирги замон талабларига мос равишда ташкил этишда дунёдаги ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўпгина тараққий этган мамлакатларда, шу жумладан, Германия, Франция, Австрия, Венгрияда парламент ҳузуридаги ҳисоб палаталари, мисол учун, АҚШда конгресснинг бош назоратчи раҳбарлигидаги Бош бюджет-назорат бошқармаси, Канадада бош назоратчи, Хитойда эса, давлат кенгаши қошидаги назорат вазирлиги томонидан молиявий назоратни олиб боради.

Молиявий назоратни хориж тажрибасининг ўзига ҳос хусусиятларидан бири шундаки, назорат - тафтиш органларининг бошқарув органларидан, бирон-бир сиёсий ва бошқа таъсирлардан, уларга бирон-бир кимса томонидан тазйиқ ўтказилиши имкониятидан мустақиллигининг ишончли ҳуқуқий кафолатлари ҳамда назорат-тафтиш органлари раҳбарининг ва парламентлар томонидан белгилаб қўйилган.

Америка Қўшма Штатларида давлат бюджети ижроси Ҳазначилик ва Маъмурий Бюджет Бошқармаси билан амалга оширилади. Маъмурий Бюджет Бошқармаси бюджетдан маблағ олувчиларга молия йили учун харажатлар сметасини тайёрласа, Ҳазначилик бевосита бюджетга тушумларни ҳамда бюджет харажатларининг бошқарувини таъминлайди. Амалга оширилган бюджет ижроси бўйича давлат бюжети харажатлари ҳисобини ва аудит қисмини конгресснинг бош назоратчи раҳбарлигидаги Бош бюджет-назорат бошқармаси юритади.⁵⁴

Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, АҚШ ҳукуматида ягона маъмурий ҳамда ваколатли молиявий назорат органи яратилмаган, фақатгина ҳисоб палатаси вазифасини бажаришдек Бош бюджет-назорат бошқармаси макродаражада федерал ҳукуматнинг назорат ўтказадиган ташки тафтишчиси саналади. «Бюджет ва молиявий назорат тўғрисида»ги қонун (1921 йилдан буён амал қилиб келмоқда)да ушбу бошқарманинг ҳуқуқ ва ваколатлари белгилаб қўйилган. Унинг таркибида 7 та йирик бўлим жамланган бўлиб, 37 та йўналиш ва соҳаларни ўз ичига қамраб олади.

Буюк Британияда молиявий назоратни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос «Давлат хизмати ва миллий аудиторлик хизмати тўғрисида»ги қонун бўлиб, ушбу фаолиятни Бош назорат тафтишчиси томонидан бошқариладиган Миллий тафтиш бошқармаси олиб боради. Буюк Британияда консолидациялашган фонд томонидан чиқариладиган тўловларни ҳамда ушбу фондга тушадиган барча тушумларни

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).

⁵⁴ Козырин А.Н. Финансовое право и управление публичными финансами в зарубежных странах. М., 2015.

Ғазначилик назорат қилади ва ушбу жараёни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳар ойда, шу ойда амалга ошириладиган фаолият учун қисқа муддатли режа ишлаб чиқилади. Мазкур қисқа муддатли режанинг давлат бюджети режасидан фарқи шундаки, маълум давр учун белгилаб олинган эҳтиёжни реал баҳолашда ҳамда ортқча харажатларни олдини олишда ҳамда молиявий назоратнинг муҳим белгиларидан бўлган, давлат бюджети маблағларини тежамкорлик ҳамда мақсадли сарфланишида муҳим ўрин эгаллайди.⁵⁵

Жанубий Кореяда бюджет харажатлари устидан молиявий назоратни ташкил этиш “тепадан-пастга” (top-down) тарзида амалга оширилади, яъни, бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан фойдаланувчи юқори орган ҳисобланган вазирлик, давлат қўмиталари ҳамда агентликлари, шу юқори органга бўйсинувчи маҳаллий даражадаги ташкилот ва муассасаларнинг бюджет харажатларидан фойдаланиши юзасидан олиб бориладиган молиявий назоратни назарда тутди.

Россия Федерациясида бюджет харажатлари устидан молиявий назоратни амалга ошириш асосан Молия вазирлиги, Федерал Ғазначилиги ва Россия Федерациясининг Ҳисоб палатаси зиммасига юклатилган бўлса-да, Конституцияда ҳокимиятни ташкил қилишнинг бош тамойили бўлган ҳокимиятни тақсимлаш тамойилига асосланиб давлат қурилишини ҳисобга олган ҳолда, ижро этувчи ҳокимиятнинг назорат ва молиявий органлари ҳамда РФ субъектлари қонун чиқарувчи (ваколатли) органларининг назорат органлари ҳам молиявий назорат органлари сифатида ҳисобга олинади.⁵⁶

Ички назорат сифатида ижро этувчи ҳокимият томонидан ташкил этилган молиявий назорат қўрилса, ваколатли ҳокимият томонидан ташкил этилган молиявий назорат эса ташқи назорат ҳисобланади. Ижро этувчи ҳокимият томонидан давлат ресурсларини бошқаришни самарали ташкил этиш мақсадида ўз таркибий тузилмалари фаолияти устидан назоратни англатади, яъни ижро этувчи ҳокимият ичидаги амалга ошириладиган назорат ўз-ўзини назорат қилишни англатади.⁵⁷

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда бюджет харажатлари-нинг молиявий назоратини ривожланган давлатларнинг амалиётидан тажриба олган ҳолда ривожлантириш, молия тизимида олиб борилаётган муҳим ислохотларнинг изчил давоми сифатида баҳоланади.

Юқорида молиявий назоратни амалга оширишнинг АҚШ тажрибасида назорат органларининг ошқоралик тамойили асосида жамоатчилликка таянишини, АҚШнинг Бош бюджет-назорат бошқармасида жамоатчилик билан бир бўлим мунтазам бепул телефон линияси орқали фуқаролар(номи сир тутилган ҳолда)дан бюджет жараёни иштирокчиларининг қонунбузарликларни олдини олиш тўғрисида хабардор бўлган ҳолда алоқадор бўлиб туришини кўриб чикдик. Ушбу жараёни АҚШ тажрибасидан ўрганиб, мамлакатимизнинг назорат органлари фаолиятига тадбиқ қилган ҳолда, фуқаролар мурожаатини кенг йўлга қўйсакки, бюджет жараёни иштирокчиларининг маъсул шахслари томонидан бюджет харажатлари суистеъмол қилинишининг ҳамда коррупцияга оид минглаб ҳолатларнинг олди олинади. Молиявий назорат органлари бу борада нафақат бюджетдан маблағ олувчини жазолайди, балки уларга бюджет харажатларининг мақсадли сарфланиши юзасидан керакли ва зарур кўрсатмаларни беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.-Тошкент:

⁵⁵ Бунге Н.Х. Государственное счетоводство и финансовая отчетность в Англии. СПб., 2013.

⁵⁶ Бюджетный кодекс Российской Федерация. Москва – 2000. 151-статья

⁵⁷ Погосян Н.Д. Счетная палата Российской Федерации. М., 2013. С. 18

Ўзбекистон, 2017-104 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).

3. Нуритдинова В.Ш., Шарапова М.А. Молиявий назорат. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2014.- 380 б.

4. Козырин А.Н. Финансовое право и управление публичными финансами в зарубежных странах. М., 2015.-389 с.

5. Бунге Н.Х. Государственное счетоводство и финансовая отчетность в Англии. СПб., 2013.-436 с.

6. Бюджетный кодекс Российской Федерация. Москва – 2000. -475 с.

ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Атаев Ф.Р. Ўз. Р. Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси тингловчиси*

Халқаро молия институтлари халқаро молия соҳасида давлатлараро (халқаро) битимлар асосида ташкил этилган ташкилот ҳисобланади. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий шакллари тартибга солинувчи давлатлараро ташкилотлар тузиш ғояси 1929-1933 йилларда глобал иқтисодий инқироз таъсири остида пайдо бўлган.

Халқаро молия ташкилотлари жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришдаги айрим муаммоларни ҳал қилиш учун иштирокчи давлатлар томонидан молиявий ресурсларни бирлаштирган ҳолда ташкил этилади.

Ҳамкорликни ривожлантириш, яхлитликни таъминлаш, мураккаб вазиятларни барқарорлаштириш ва жаҳон иқтисодиётидаги қарама-қаршиликларни юмшатиш халқаро молиявий ташкилотнинг мақсади бўлиб ҳисобланади.

Халқаро молия институтлари қуйидаги мақсадларни кўзлайдилар:

- ✓ халқаро молия ва глобал иқтисодиётни барқарорлаштириш учун жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;
- ✓ давлатлараро валюта-кредит ва молиявий тартибга солишни амалга ошириш;
- ✓ биргаликда глобал пул-кредит ва молиявий сиёсат стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришдан иборат.

Жаҳон ҳўжалиги ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилган бир шароитда ҳеч бир давлат алоҳида ўз ривожланиш истикболларини танҳоликка таянган ҳолда белгилай олмайди. Шунинг учун ҳам замонавий мамлакатлар халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга катта эътибор бермоқдалар.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, юксак тараққиётга эришиш учун нафақат ички инвестицияларга умид қилиш кифоя балки, халқаро молия институтларининг кредитлари ҳамда хорижий сармоялардан ҳам самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Албатта биз ҳам мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини инвестиция лойиҳаларига жалб этиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Лекин бу маблағларнинг ҳаммасидан ҳам самарали фойдаландик деб айтиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Энг ёмони,

истикболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига халақит бермоқда. Масалан, мамлакатимизда 25 йил давомида олинган кредитларнинг аксарияти етарлича иқтисодий самара бермаганини турли эксперт ва мутахассислар очик тан олмоқда”⁵⁸.

Бугунги кундаги мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири ҳудудларни ривожлантириш бўлиб, уларда янги иш ўринларини яратиш, иш билан банд фаол аҳоли миқдорини кўпайтириш саналади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун хорижий ҳамкорлар ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилишга эҳтиёж сезилмоқда ва бу борада Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларда Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қиладиган етакчи халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар, халқаро бизнес ва молиявий тузилмалар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда хавфсизликни бўлинмайдиган асосий тамойилга асосланиб Ўзбекистон ҳам Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки ва бошқаларга доимий равишда қўшилиб келмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда охириги 3 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётни либераллаштириш, унда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар сабаб халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистон истеъмол бозорига инвестиция киритиш борасидаги ишончи ортиб бормоқда.

Жумладан Жаҳон банки билан Ўзбекистонда амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳалар йўналиши, асосан энергетика тизимини реконструкция ва модернизация қилиш, ирригация-дренаж тармоқларини қайта қуриш ва реконструкция қилиш, коммунал хўжалиги инфратузилмаларини такомиллаштириш, тиббиёт соҳасини ривожлантириш ҳамда тиббиёт муассасаларини жиҳозлашга қаратилган.

Жаҳон банки билан жорий ҳамкорлик доирасида 2016-2020-йиллар оралиғидаги ҳамкорлик стратегиясига асосланган қиймати 4 миллиард доллар бўлган (3,0 миллиард доллари - Жаҳон банки қарзи) жами

27 инвестиция лойиҳаларини ўз ичига олган Халқаро тараққиёт уюшмасининг имтиёзли кредитлари ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредитлари амалга оширилиши назарда тутилган.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ҳам бир неча йилдан буён иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, таълим, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳасида йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2018 йил ёз ойида Тошкентда бўлиб ўтган “Электр энергетика соҳасидаги ислохотлар ва унинг истикболлари – орттирилган тажриба, хулосалар ва рад этилган афсоналар” мавзусидаги халқаро конференцияда Электр энергетика соҳасида келгусида яна 1 миллиард долларга тенг лойиҳалар ОТБ томонидан молиялаштириш режалаштирилганлигидан бу ташкилотнинг юртимизга киритаётган сармояларини ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон 1992 йил 30 апрелдан буён Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) нинг аъзоси бўлиб ҳисобланади. 2019 йилнинг 10 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Европа тикланиш ва тараққиёт банки раҳбарини қабул қилди. Учрашув давомида томонлар инвестиция лойиҳаларини ва кредитларни ўзлаштиришни тезлаштириш, банкнинг мамлакатдаги иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги қўмагини кенгайтиришни муҳокама қилди.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси <http://parliament.gov.uz/uz/events/other/23320/>

Шу билан бирга банк раҳбари ЕТТБнинг Ўзбекистон билан кўп қиррали шерикликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва давом эттириш борасида интилиши қатъий эканини таъкидлади. Қўшма лойиҳалар портфели кенгайганлиги, заём келишувлари имзоланиб, қиймати жами 600 миллион доллардан зиёд кредит маблағларини жалб этган ҳолда мамлакат ҳудудларида энергетик ва коммунал инфратузилмани модернизация қилиш бўйича устувор инвестиция лойиҳалари тайёрланаётганлиги, хусусий сектор лойиҳаларига 100 миллион доллардан зиёд инвестиция киритилганлиги ва бундан ташқари, умумий қиймати 800 миллион долларга яқин бўлган ижтимоий аҳамиятга эга истиқболли дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиляётганлиги тўғрисида маълум қилинди.

Юқоридагиларга мутаносиб равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.07.2018 йилдаги ПҚ–3857-сон қарори билан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирок этган лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби тасдиқланганлиги ва уларни амалга оширувчи ташкилотларга эса солиқ ва божхона имтиёзлари берилганлиги эса юртимизда ҳар тарафлама бу ҳаракатларни қўллаб қувватланишидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Халқаро молия ташкилотлари кредит линияларидан фойдаланиш самарадорлиги ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, бу самарадорлик йилдан – йилга мамлакатнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ўсишида намоён бўлишини кўриш мумкин.

Хорижий кредит линия маблағларидан янги ишлаб чиқариш соҳаларини кредитлаш натижасида мамлакатга замонавий техника ва технология, инновациялар, ноу-хау ва бошқарув усуллари кириб келишига ёрдам беради.

Шу билан бирга, кредит линияларидан фойдаланиш ҳисобига хусусий сектор вакиллари фаолияти янада кенгайди, ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Натижада ҳудудларда ишсизлик муаммоси камайди, энг муҳими ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ҳисобидан ялпи ички маҳсулот ўсишига эришилади.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

*Атамуродов Т. Т. Тошкент давлат иқтисодиёт
Университети мустақил изланувчиси*

Давлат харидини ташкил этиш жараёнларини бошқариш соҳасида Ўзбекистонда амалга ошириляётган ислохотлар давлат маблағларини самарали бошқариш, шунингдек харид жараёнларида рақобат муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ушбу соҳага кенгроқ жалб этиш каби қатор мақсадларни кўзлайди.

Давлат ва маҳаллий органлар харидининг самараси амалдаги қонунчилик, давлат харидини тартибга солувчи ваколатли органлар фаолияти ҳамда харидни амалга оширувчи ходимларнинг профессионаллик даражаси каби омилларга бевосита боғлиқ⁵⁹.

Бозор иқтисодиёти инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда давлат харидини рақобат асосида ташкил қилиш механизми муҳим ҳисобланади. Ушбу тизим етарли даражада тайёргарликни ва ташкилий, меъёрий-ҳуқуқий, ахборот таъминоти ва кадрлар салоҳияти билан болиқ мураккаб муаммоларнинг ҳал қилинишини талаб этади⁶⁰.

Бу борада, Жаҳон банки дунёдаги йирик халқаро молия институти сифатида, бугунги кунда кўплаб ривожланаётган мамлакатларга давлат харидини ташкил этиш борасида электрон савдолар тизимини жорий этиш бўйича кўмаклашмоқда. Мазкур институт

⁵⁹ Государственные закупки. <http://www.ebrd.com/mssian/Dages/sector/legal/procurement.shtml>.

⁶⁰ Ботоева Г.И. Государственный заказ: состояние и проблемы развития//Известия Иркутской государственной экономической академии. 2009.№5.

материаллари таҳлили давлат харидининг электрон тизимини ташкил этишнинг асосий ривожланиш анъаналарини аниқлаш, айрим намунавий моделлар ва уни ташкил этиш усуллари ўрганишга имкон беради. Бу эса, давлат харидлари тизими халқаро майдонда ҳам ўзининг сезиларли ўрнига эга бўлаётганлигини англатади.

Бизнингча, савдоларни электрон шаклда амалга оширилиши биринчидан, очиқликни таъминлашга ёрдам берса, иккинчидан рақобат муҳитини шакллантиришга шарт-шароит яратиб беради. Давлат харидлари жараёнида рақобат муҳитини таъминланишини бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишга имкон беради. Сабаби, биргина давлат харидлари орқали истеъмол қилинаётган бюджет харажатлари мамлакатлар иқтисодиётида йирик улушларга эга бўлмоқда.

Хусусан, АҚШ, Франция, Буюк Британия ва Германия мамлакатларида давлат харидлари етакчи ўринни эгаллаб, ЯИМга нисбатан улуши 20-27 фоизни ташкил этади⁶¹. Ўтиш иқтисодиёти ва БРИКС мамлакатларида мазкур кўрсаткич 7 фоиздан 12 фоизгача бўлган улушга тенг⁶².

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, давлат буюртмалари тизими тадбиркорлик секторига самарали таъсир қилувчи дастак бўлиб, ушбу тизим орқали давлат эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш, харид ва маҳсулот етказиб бериш амалга оширилади. Давлат буюртмалари мамлакат бюджет-солиқ сиёсатининг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги муҳим омили ҳамда тадбиркорлик фаоллигини ошириш ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда⁶³.

Ривожланган мамлакатларда давлат хариди бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуасини такомиллаштиришга ундаган асосий сабаблар сифатида ҳукуматнинг ўз мажбуриятларини бажаришга бўлган масъулияти, бюджет ижросини тўла-тўқис амалга ошириш, бюджет маблағларини ноқонуний ўзлаштириш ҳолларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни ажратиш кўрсатиш мумкин⁶⁴.

Умуман олганда, давлат харидларини рақобатга асосланган методдан фойдаланиш орқали амалга ошириш устувор аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўз навбатида, БМТ ва Бутунжаҳон савдо ташкилотлари ҳам рақобат муҳитини таъминлаш муҳим эканлигини қайд этишади. Бу борада, БМТнинг халқаро савдо бўйича муассасаси ЮНСИТРАЛ томонидан давлат харидларини тартибга солиш бўйича 1994 йил 15 июнда намунавий қонун қабул қилинди⁶⁵. Мазкур қонун кўплаб мамлакатлар томонидан миллий қонунчиликни ишлаб чиқишда кенг фойдаланилди.

Тадқиқотимиз давомида давлат хариди бўйича баъзи мамлакатларнинг тажрибаларини кўриб ўтсак.

Австралияда махсус идора – Department of Contract and Management Services (CAMS) ташкил этилган бўлиб, у электрон давлат харидига оид барча материалларни интернетда эълон қилиб боради.

Шунингдек, Аргентина, Канада, Колумбия, Корея каби мамлакатларда давлат хариди интернет билан бир қаторда қоғозли матбуотда эълон қилиб борилади. Шуниси эътиборлики, эълонлар интернетда қоғозли вариантга нисбатан анча олдинроқ нашр этилади ва бунга сабаб, интернетда босмаҳоналардаги каби нашр билан боғлиқ вақт йўқотишлари юзага келмайди.

⁶¹ Налбандян А.А. Сравнительный анализ опыта развитых стран в организации системы государственных закупок//Вестник РУДН, серия Экономика. – Москва, 2013. - №5. – С. 118-127.

⁶² Жаҳон банки маълумотлари. <http://data.worldbank.org>

⁶³ Арыкбаев Р.К., Газгиреев Э.Д., Набиев Р.А. Государственный заказ как инструмент регулирования предпринимательской деятельности//Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3: Экономика. Экология. – Москва, 2008. - №2.

⁶⁴ Государственные закупки. <http://www.ebrd.com/English/pages/sector/legal/procurement.shtml>

⁶⁵ Мубаракшина Э.Р. Зарубежный опыт организации государственных закупок//Вестник науки и образования. – Москва, 2018(1). - №16(52). – С.69-73.

Танлов ҳужжатларини олиш ва танлов шартларини аниқлаштириш каби босқичлар интернет орқали самарали амалга оширилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, танлов ҳужжатлари сезиларсиз тўловлар амалга оширилиши билан таъминлаб берилди.

Австралияда давлат харидини электрон тарзда ташкил этиш анча илғор бўлиб, бу ҳам техник жиҳатдан, ҳам буюртмачи ва товар етказиб берувчи ўртасидаги мулоқотнинг замонавий технологиялар асосида ташкил этилганлигида яққол намоён бўлади. Шартномалар ҳақида ахборот мавжуд бўлган веб-сайтдан танлов учун зарур барча ҳужжатлар тўпламини топиш ва ундан фойдаланиш мумкин. Бунда сайтдан фойдаланувчига турли-туман ёрдамлар, аниқликлар яратилган бўлиб, қизиқтирган саволни электрон почта орқали сўраш имконияти мавжуд.

Бизнингча, мамлакатимизда давлат харидларини тартибга солишда буюрмачиларнинг мустақиллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 43-моддасида бюджет буюртмачилари учун электрон дўкон орқали харидни амалга оширишда бир шартнома қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма беш баробаригача бўлган қийматда бўлиши белгиланган. Бу эса, кичик қийматдаги товарларни ҳам электрон харид орқали сотиб олишни англади. Масалан, концелярия маҳсулотлари кабиларнинг тезкорлик билан сотиб олинишига имкон бермайди.

Фикримизча, электрон дўконда хариди амалга ошириш учун минимал нарх талабини ҳам белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу эса, буюртмачилар томонидан кичик қийматдаги товарларни сотиб олишда тўғридан-тўғри етказиб берувчилар билан шартномалар тузишга имкон бериб, бюджет ташкилотлари эҳтиёжларини таъминлаш тезкорлигини оширади.

Фикримизча, мамлакатимизда АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб, давлат харидларини амалга ошириш учун давлатнинг ижтимоий эҳтиёжларини алоҳида, мудофаа эҳтиёжларини алоҳида таъминлашни кўзда тутувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатни қабул қилиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий мамлакатларда давлат харидларини амалга оширишда марказлашган ва марказлашмаган ҳолда амалга оширилиши мавжуд. Бизнингча, марказлашган давлат харидлари йирик миқдордаги (масалан, мудофаа эҳтиёжлари) харидларни амалга оширишга имконият берса, марказлашмаган моделда давлат ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА ЮРИТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Исаматов Б.Ўз. Р. БМА

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда кўплаб ислохотлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Ислохотларнинг мақсади давлатимизнинг стратегик режаларини амалга ошириш ва яқин келажакда тараққий этган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашдир. Шу жумладан, мамлакатимизни молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш ва бунинг натижасида давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан юксалтириш кўзланган. Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш юқоридаги натижаларга эришиш борасидаги амалий тадбирлар сирасига киради.

Бугунги кунда Давлат харидларини амалга оширишни такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар амалиётда қўлланилиб келинмоқда. Қонуннинг асосий мақсади давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, мақсадни амалга ошириш учун ўзига хос тартиб-қоидалар жорий этилган. Яъни давлат

харидлари билан боғлиқ муносабатлар ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб жорий этилиши давлат харидларининг субъектларига қулайликлар яратмоқда.

Давлат харидлари электрон шаклда амалга оширилиб, махсус тамойилларга амал қилади: 1-давлат буюртмачисининг касбий маҳорати; 2-асосланганлик; 3-молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги; 4-очиқлик ва шаффофлик; 5-тортишув ва холислик; 6-мутаносиблик; 7-давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги; 8-коррупцияга йўл қўймаслик. (ЎРҚ, 2018)

Юқорида келтириб ўтилган тамойиллар чуқур ўйланган бўлиб, уларни амалиётга қўллаш механизмини жорий этиш билан боғлиқ баъзи камчиликлар мавжуд. Жумладан, биринчи тамойил бўйича хорижий давлатларда (Масалан, Россия) давлат харидлари билан боғлиқ шартномаларга масъул мутахассис махсус лицензияга эга ўқув марказларида 16 соат таҳсил олиши ташкил этилган. Учинчи тамойилга кўра эса, маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Лекин давлат харидлари иштирокчиларининг биржа савдолари тартиб қоидаларини етарли даражада тушунмаслиги ва натижада савдо жараёнида иштирокчилар сонининг камлиги рақобатни чеклаб, маблағлар тежалишига тескари таъсир этмоқда. Иштирокчилар, яъни товар (иш, хизмат) ни етказиб берувчилар сонининг чекланганлиги ўз навбатида давлат буюртмачиларининг режадагидан юқори нархда харид қилишига сабаб бўлмоқда.

Вохидова(2014), ўз илмий мақоласида биринчи навбатда харид қилишни соддалаштириш ва тартибга солиш зарур деб таъкидлайди. Буюртмачи ва таъминотчиларга халакит эмас, балки ёрдам берадига меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиш муҳим.

Давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солиш бўйича ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳисобланади. Давлат харидларини тартибга солиш юзасидан ҳар иккала орган махсус ваколатларга эга.

Харид тартиб таомилларига кўра давлат харидлари субъектлари қуйидагилардан иборат: 1-давлат буюртмачилари (бюджет ва корпоратив); 2-харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиси (товар (иш, хизмат) етказиб берувчи); 3-давлат харидлари ижрочиси (савдо яқунларига кўра қолиб бўлган товар (иш, хизмат) етказиб берувчи); 4-харид комиссияси; 5-махсус ахборот портали оператори; 6-эксперт.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун (ЎРҚ, 2018) га кўра харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларининг қуйидаги 5 тури мавжуд.

1. Электрон дўкон.

Электрон дўкон махсус талаблар татбиқ этилмайдиган истеъмол ва бошқа товарларнинг (иш, хизматларнинг) давлат харидларини амалга ошириш учун мўлжалланган махсус ахборот порталидаги махсус майдончадир.

Электрон дўконда қуйидаги давлат харидлари амалга оширилиши мумкин:

бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки юз эллик бараваридан (бюджет буюртмачилари учун энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан) ошмайдиган, бироқ бир йилда бир давлат буюртмачиси учун энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз баравари миқдордаги суммадан кўп бўлмаган товарлар;

бир давлат буюртмачиси учун энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан ошмайдиган миқдордаги ишлар, хизматлар.

2. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион.

Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион давлат харидларининг рақобатли усули бўлиб, уни ташкил этишда нарх иштирокчини танлашнинг ягона мезони бўлади ва бунда мазкур норма товарларни белгиланган сифат стандартларига мувофиқ ҳолда етказиб бериш талабини бекор қилмайди.

Товарни эълонда баён этилган шартлар асосида энг паст нарх бўйича етказиб беришни таклиф қилган иштирокчи аукционнинг қолиби бўлади.

Корпоратив буюртмачилар учун товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан, бюджет буюртмачилари учун эса энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак.

3. Танлов.

Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган иштирокчи ғолиб деб топиладиган харид қилиш тартиб-таомилини амалга оширишнинг тури тушунилади.

Корпоратив буюртмачилар учун товар қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорни ва хизматларнинг, ишларнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этади.

Бюджет буюртмачилари учун танловдаги давлат харидлари товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ва ишларнинг, хизматларнинг қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этиши керак.

4. Тендер.

Тендер деганда давлат харидини икки босқичда амалга оширишнинг рақобатли тартиб-таомили орқали ижрочини аниқлаш усули тушунилади. Бунда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ушбу тартиб-таомил натижалари бўйича ғолиб деб топилади.

Корпоратив буюртмачилар учун товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш минг бараваридан ортиқ миқдорни ва бюджет буюртмачилари учун тендердаги давлат харидлари бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг олти минг бараваридан ортиқ суммани ташкил этиши керак.

5. Ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат хариди.

Табиий монополия субъекти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармонларида, қарорларида ва фармойишларида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган субъектлар, шунингдек давлат томонидан харид қилинаётган, бозорда муқобиллари мавжуд бўлмаган ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи ягона етказиб берувчидир.

Юқоридагиларни инобатга олиб шундай хулоса қилиш мумкинки, давлат харидларини амалга ошириш борасидаги ҳуқуқий асос ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб қулай тарзда ишлаб чиқилган. Навбатдаги масала эса уни амалиётда қўллаш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент ш., 2018 йил 9 апрел, ЎРҚ-472-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори. 2018 йил 27 сентябр, № ПК-3953.
3. “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари” Тошкент ш., 2016 йил 22 декабр, №2850.
4. Воҳидов М.(2014) “Давлат харидлари ҳуқуқий асосининг жорий муаммолари” Иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлашда давлат харидларининг ролини ошириш мавзусидаги Республика турдош Олий ўқув юртлариаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, ноябр, 128-бет.
5. Шацкий Д.Е. (2018) «Совершенствование Государственной контрактной системы: Причины возникновения проблем и пути их решения» Вестник Университета №2, 2018 DOI 10.26425/1816-4277-2018-2-120-125.

МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Боронов Б.Ф. Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти таянч докторанти*

Жаҳон иқтисодиётида ресурслар тақчиллиги муаммоси молиявий активлардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Шу боис халқаро ҳисоб амалиётида “молиявий активлар” молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг муҳим объекти сифатида тан олиниб келинади. Бироқ, ҳозирги пайтда халқаро амалиётда қўлланилаётган “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот”да корхоналарнинг молиявий активлари тўғрисида маълумотлари ахборот фойдаланувчиларнинг талабларига тўлиқ мувофиқ деб бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, молиявий ҳисоботларнинг ахборот бериш борасидаги фойдалилик (нафлик) даражасини маълум даражада пасайишига сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳисобот шакллариининг ахборот чекловлари корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ҳолис аудиторлар томонидан баҳолашда ҳам кўплаб қийинчиликларни туғдирмоқда.

Республикамызда фаолият юритаётган корхоналар иқтисодий ресурслари ичида узоқ ва қисқа муддатли моддий активлардан ташқари валюта маблағлари, қимматли қоғозлар, шўъба ва қарам жамиятлар, шунингдек бошқа турдаги субъектлар устав капиталига киритилаётган бадаллар, узоқ ва қисқа муддатли қарзлар ҳамда кредитлар, турли молиявий характердаги дебиторлик қарзларини ҳисобга олишнинг методологик асослари ишлаб чиқилди. Жумладан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) жорий этилиши натижасида корхоналар молиявий активларни янги тамойиллар асосида баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттириш тартиблари жорий этилди. Бироқ, республикамызда мустақиллик йилларида молиявий активларнинг тез суръатлар билан ривожланишига қарамасдан, ушбу мулк турлари ҳисобининг халқаро стандартлар талабларига мос келадиган назарий, ташкилий ва методологик асослари тўлиғича яратилган деб бўлмайди. Жумладан, республикамызда молиявий инструментлар ҳисобига оид миллий стандартлар яратилган эмас. “Молиявий активлар” атамаси ҳисобот шаклларига киритилмаган, молиявий активларнинг ҳисоб ва аудит объектилари сифатидаги моҳияти, тан олиниши, баҳоланиши, таснифи, таркиби, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиблари, молиявий активларнинг реал бозор қийматини аниқлаш усуллари, улар асосида шакллантирилган ахборотларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиблари ишлаб чиқилмаганлиги молиявий ҳисоботлар уйғунлиги ва ишончлигига таъсир кўрсатмоқда. Амалдаги стандартларда белгиланган айрим тартиб-қоидалар халқаро стандартларда белгиланган тартиблардан тубдан фарқ қилади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясида “Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларидаги тафовутларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш ва уларни халқаро молиявий ҳисобот стандартларига тўлиқ мослаштириш”⁶⁶ вазифаси қўйилди. Юқоридагиларнинг барчаси, жумладан молиявий активлар ҳисоби ва аудитининг замон талабларига мос методологиясини ишлаб чиқишнинг объектив зарурияти мазкур йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Ҳозирги иқтисодий глобаллашув шароитида мамлакатимиз томонидан қабул қилинаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурларида белгиланган бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш вазифалари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш ҳамда молиявий активлар ҳисобининг назарий ва концептуал асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилмоқда

⁶⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига 2-илова “Йўл харитаси”.

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини МҲХС билан таққослаш ва уларни халқаро стандартлардаги кейинги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирда ишлаб чиқиш, молиявий инструментларга оид миллий стандартларни ишлаб чиқиш;
- молиявий активлар ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш ва жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан андоза олиш, молиявий ҳисоботнинг принципларини асос бўлувчи принципларга ҳамда фундаментал сифат принципларига таснифлаш;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини ишлаб чиқишда ҳамда молиявий инструментларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришни такомиллаштиришда бухгалтерлар ва аудиторларнинг жамоат профессионал ташкилотларнинг кенг иштирокини таъминлаш;
- БҲМСда ахборот фойдаланувчиларга осон ва тез тушуниладиган атамаларни қўллаш ва маълумотлар тизими билан таъминлаш, молиявий ҳисоботнинг халқаро атамаларини ўзбек тилига профессионал таржима қилиш;
- молиявий активлар ҳисоби ва молиявий ҳисоботда молиявий активларга доир ахборотларни акс эттириш методологиясини такомиллаштириш;
- молиявий активларнинг халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб, янги моделини тузиш;
- корхоналарда бухгалтерия ҳисоби хизмати билан шуғулланувчи кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. https://nrm.uz/contentf?doc=573931_2019_yil
3. Pricewaterhouse Coopers. Все права защищены. Этот материал подготовлен Академией PwC для экзаменов ДипИФР в 2016 году. 3205 с. <https://www.pwc.ru/ru/training/assets/dipifr-dec2014-textbook.pdf>
4. Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари. <https://www.pwc.ru/ru/training/assets/dipifr-dec2014-textbook.pdf>. страница 02046.

ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Гофуров Д. Тошкент молия институти
таянч докторанти*

Хорижий мамлакатларнинг ривожланганлик даражаси бюджет маблағларидан юқори даражада самарали фойдаланиш ва давлат харидлари соҳасидаги катта амалий тажрибанинг мавжудлиги билан тавсифлаш мумкин.

Давлат ва корпоратив харидларни яъни давлат эҳтиёжларини таъминлашда товар (иш ва хизматлар)ларни харид қилиш жараёнини такомиллаштириш бўйича ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш, давлат харидлари соҳасининг ривожланишига хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат харидларини такомиллаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Амалга оширилаётган ишларни самарадорлигини ошириш юзасидан чуқур тадқиқ этилган ва таҳлил қилинган, бизнинг иқтисодиётимизга мос келадиган муқобил хорижий тажрибаларни қўллашимиз зарур.

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида, давлат харидларида рақобатбардош бўлган танлов процедуралари билан ажралиб туради. Давлат харидларини амалга оширишнинг асосий усули сифатида танлов савдоларидан фойдаланилади, халқаро ташкилотлар ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти) ва БМТ (Бирлашган миллатлар ташкилоти)да ҳам танлов савдолари орқали давлат харидларни амалга ошириш тавсия қилинади шунингдек, танлов савдолари ушбу соҳадаги энг самарали савдо усули ҳисобланади.

БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг (УНСИТРАЛ) таклифига биноан 1994 йил 15 июнда харидлар тўғрисидаги наъмунавий қонун қабул қилинган⁶⁷, унинг асосида бир қатор хорижий давлатларнинг давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари шакллантирилди. Албания, Озарбайжон, Афғонистон, Арманистон, Бангладеш, Гамбия, Грузия ва бошқа бир қанча давлатларда УНСИТРАЛ наъмунавий қонуни асосида давлат эҳтиёжлари учун товарлар, иш ва хизматларни сотиб олишни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Иқтисодчи олимлар И.Г.Рзун ва В.В. Рзунлар томонидан ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, АҚШнинг федерал шартнома тизими ўзининг тарихий шаклланишида узоқ йўл босиб ўтганидан сўнг, дунёдаги энг самарали давлат харидлари тизимларидан бири эканлигини таъкидлашган⁶⁸.

Бу тизим етарли даражада мослашувчанлиги ва эгилувчанлиги билан ажралиб туради, тизимнинг асослари аниқ ва батафсил ёритилган тартибга солиш механизми ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- харидларни режалаштириш;
- буюртмаларни жойлаштириш;
- етказиб берувчиларни танлаш ва шартномалар тузиш;
- шартномаларни бажарилишини бошқариш ва мониторинг қилиш;
- шартномани бажариш натижаларини баҳолаш.

АҚШ федерал шартнома тизимининг ривожланганлик даражасини, тизимда давлат харидларини самарали амалга ошириш ва харидлар жараёнини тартибга солиш учун барча асосий таркибий элементларнинг мавжудлиги билан тавсифлаш мумкин. Жумладан:

- харидлар жараёнини ҳуқуқий тартибга солувчи қатъий белгиланган қонун-қоидалар орқали тартибга солиш ва бошқариш;
- федерал шартнома тизимида вазифалари қатъий белгиланган федерал органлар ва мансабдор шахсларнинг ваколат ва мажбуриятларнинг аниқ тақсимланганлиги;
- харидларни режалаштиришнинг ривожланган ва замонавий тизими;
- харид шартномасининг турлари ва усуллариининг хилма-хиллиги;
- наъмунавий ва стандарт техник ҳусусиятга эга бўлган шартномалар реестри;
- етказиб берувчилар ва федерал буюртмачилар ўртасида тузилган шартномалар шартлари, шунингдек шартномада келтирилмаган бошқа параметрлар бўйича маълумотлар баъзаси;

Белгияда давлат эҳтиёжлари учун харидларини амалга оширишда харидлар жараёнининг барча босқичларида давлат харажатларини назорат қилишга эътибор қаратилади, бу назорат қонун-қоидалар ўз навбатида миллий қонунчиликда ўз ифодасини топганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, давлат харидларининг асосий босқичлари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- харидларни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилинади;

⁶⁷ Типовой закон ЮНСИТРАЛ о закупках товаров (работ) и услуг (принят ЮНСИТРАЛ 15 июня 1994 г.) // Комиссия ООН по праву международной торговли. Ежегодник. 1994 год. Т. XXV. Нью-Йорк: Организация Объединенных Наций, 1996. С. 417-440.

⁶⁸ Рзун И.Г., Рзун В.В. Зарубежный опыт проведения государственных закупок услуг строительства // Научные труды Куб ГТУ, 2015. № 9. С. 8-10.

- режалаштирилган харидларни амалга ошириш бўйича бюджет имкониятлари ва харажатларнинг мувофиқлиги таҳлил қилинади;
- харажатлар сметаси тасдиқланади;
- давлат харидлари бўйича тузилган шартномалар юзасидан тўловларни амалга оширилиши назорат қилинади;

Хитойда давлат эҳтиёжлари учун амалга ошириладиган харидларнинг ажралиб турадиган жиҳати сифатида Ф.З. Семенова, М.Б. Борлакова, Л.С. Боташеваларнинг таҳлилларига кўра Хитойда давлат харидларини амалга оширишдан асосий мақсад, миллий ишлаб чиқарувчиларни жаҳон молия бозори конъюктурасига қарамлигини камайитишдан иборатлигини кўриш мумкин.⁶⁹

Хитойда давлат харидлари хорижий давлатларнинг ресурслари ва товар оқимиغا нисбатан очиқлигини таъминлаган ҳолда харидларда иштирок этиш шакллари қатъий тартибга солиниши билан тавсифланади. Шунга кўра давлат харидларини амалга ошириш қуйидаги икки нуқтаи назардан кўриб чиқилади:

- миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ресурслар ва капитал манбаларига технологик ва молиявий қарамлигини камайитиш имконини берадиган восита сифатида;

- миллий экспортни қўллаб-қувватлаш механизми сифатида.

Евроиттифоқ аъзоси бўлган Германияда давлат харидлари тизими, давлат харидлари соҳасини тартибга солувчи Европа Иттифоқининг қонунчилик талабларига жавоб бериши керак. Шунингдек, Германиянинг давлат харидлари тартибини назорат қилиш тизими ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. У икки даражани ўз ичига олади:

1. Апелляция суди - мустақил муассаса шаклида;
2. Суд – давлат органи шаклида.

Германияда давлат буюртмаларини жойлаштириш ва харид натижаларини суд орқали муҳокама қилиш имконияти Германия давлат хариди тизимининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бу эса ўз ўрнида харидларнинг шаффофлигини таъминлайди. Шу билан бирга, етказиб берувчининг хатти-ҳаракатларига қарши шикоятлар тезлаштирилган тартибда кўриб чиқилишига ва шартнома бўйича ажратилган бюджет маблағлари ўз вақтидан кечиктирмасдан етказиб берувчига тўланишига ҳизмат қилади, шунингдек давлат буюртмаси бекор қилинишига йўл қўймайди.

Юқорида келтирилган хорижий мамлакатларнинг давлат харидларини ташкил этиш бўйича тажрибаларини таҳлил қилиш, мамлакатимизда 2018 йил 25-январда қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисидаги қонун”га ушбу қонунни хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда такомиллаштиришга ҳамда зарур бўлган ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритишга ёрдам беради давлат ва корпоратив харидлар соҳасидаги муносабатларни ва харидлар жараёнини тартибга солувчи, шартнома тизимининг замонавий тамойилларини белгиловчи мукаммал тизими яратилишига ҳизмат қилади.

Ўтказилган таҳлил натижасида мамлакатимизда замонавий хорижий тажрибанинг қуйидаги элементларини ҳисобга олиш мумкин деган хулосага келишимиз мумкин:

- давлат харидларини амалга оширишда марказлашган харидлардан фойдаланиш ёки давлат буюртмачиларига зарур бўлган товар (иш, ҳизмат)ларни етказиб беришга ихтисослашган махсус давлат органини ташкил қилиш;
- намунавий шартномалар реестрини тузиш, танлов харидлари бўйича мукаммал методологияни ишлаб чиқиш ва сотиб олинаётган товар (иш, ҳизмат)ларга қўйиладиган талаблар жамланган маълумотлар баъзасини яратиш;

⁶⁹ Семенова Ф.З., Борлакова М.Б., Боташева Л.С. Зарубежный опыт осуществления государственных закупок // Фундаментальные исследования, 2016. № 6. С. 465-469.

- харидлар тартибини, хусусан, харидларни прогнозлаш ва режалаштириш, тендерларни ташкил этиш, соф рақобатни таъминлаш, шартномаларнинг бажарилиши устидан назорат юритиш, шунингдек давлат харидларининг самарадорлигини таҳлил қилиш.

Шундай қилиб, давлат харидлари тизимини ривожлантириш, уни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш умумлаштирилган миллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай ҳолатларда, амалга оширилаётган усулларни амалётга жорий қилишнинг салбий ва ижобий оқибатлари синчковлик билан таҳлил қилиниши керак, акс ҳолда давлат харидларини бошқаришнинг якуний мақсадига яъни, давлат харидларининг самарадорлигини оширишга шунингдек, харидларда шаффофликни таъминлашга эришиб бўлмайди.

УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Давлетов М. БМА тингловчиси

Бозор иқтисодиётини барпо этишдан кўзланган мақсадларга боғлиқ равишда ижтимоий тараққиётнинг янги босқичига ўтилиши муносабати билан ҳаётимизнинг савияси ва фаровонлигини ошириш учун қўйилган мақсад ва вазифаларни ўз билимлари билан рўёбга чиқара оладиган малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда⁷⁰. Бунда умумтаълим муассасаларини молиялаштириш тизимида бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмининг такомиллаштириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Жамиятнинг бугунги ҳолати ҳамда унинг тараққиёт истикболлари нуқтаи назаридан қараганда, таълимнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти фаолиятнинг ушбу турини рақобат бозорининг ихтиёрига ташлаб қўйишга имкон бермайди. Европа Иттифоқининг барча мамлакатларида давлат умумий ва касбий таълим соҳасидаги маълум стандартларга риоя қилишга, умумий таълим минимумини таъминлашга, олий касбий таълим аҳолининг кенг қатламлари учун очиклигига, умумий ва касбий таълим тизимининг ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мутаносиб равишда ривожланишига қаратилган таълим сиёсатини олиб боради⁷¹.

Таълим - бу, баркамол инсонни шакллантиришга қаратилган инвестиция. Жамият ҳам, давлат ҳам, бундай инвестиция киритишдан манфаатдор, чунки таълим сифатини ошириш ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширишга, мавжуд ижтимоий муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Шу боис, таълимга йуналтирилаётган молиявий ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари қўлланилаётгани устувор аҳамиятга эгадир.

Дунёда таълимни молиялаштиришнинг бир қанча моделлари бўлса-да, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

У ёки бу моделии қўллаш албатта, бир қанча омилларга боғлиқ. Хусусан, мамлакатнинг иқтисодий даражаси ва таълим харажатларини амалга ошириш учун давлат бюджетининг молиявий имкониятларига; ҳукуматнинг инсон ривожланиши ва давлатни иқтисодий ривожлантириш мақсади қўйилган аҳолининг таълим даражасини ошириш борасида қағъйлигига; таълим соҳасига давлат бюджета билан боғлиқ

⁷⁰ Азимов А.Э. таълим тизимини молиялаштиришнинг хориж тажрибаси. замонавий таълим / Современное образование 2014, 2.

⁷¹ Европейский Союз: Факты и комментарии. Выпуск 5, июль-сентябрь 2008 г.

бўлмаган молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятига; таълимнинг аҳоли ўртасидаги қадрига, шунингдек, муайян даража ва сифатига эга таълим шулар жумласидандир.



Умумий таълим мактабларини молиялаштириш турлари

Биринчи модель давлат таълимининг барча босқичларини тўлиқ бюджет ҳисобидан амалга оширилиши билан ифодаланади. Ота-оналар фарзандлари мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланиши, мактаб кийими, дарсликлар, ўқув анжомлари, шунингдек, меҳнатга лаёқатли, бироқ, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётгани боис, ишламаётган болаларини таъминлаш учун сарфланган маблағлари бундан мустасно.

Ушбу моделнинг афзаллиги шундан иборатки, у аҳолининг барча катламлари учун моддий аҳволи ёки яшаш жойидан қатъий назар таълим босқичларидан бирдек фойдаланиш имконини яратади. Мазкур моделдан фойдаланган давлатларда иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар саводсиз кишиларнинг деярли йўқлиги, таълим даражаси дунёда энг юқори кўрсаткичлардан бири экани бежиз эмас.

Моделнинг камчиликлари давлат бюджетининг чекланган имкониятлари, айниқса, ўқув юртларини янгилаш ва реконструкция қилиш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун молиявий харажатларнинг чеклангани ажратилган ресурслар ва таълим сифати ўртасидаги боғлиқликнинг пастлиги, таълим соҳасига унинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун қўшимча маблағ жалб қилиш имконияти йўқлиги билан тавсифланади. Таълим харажатларини амалга оширишнинг иккинчи модели биринчисининг мутлақо акси бўлиб, давлат томонидан ажратиладиган маблағлар кўламининг кичиклиги ва таълим хизматлари асосан пулли асосда кўрсатилиши билан ифодаланади.

Учинчи модель ички ҳамда ташқи ҳомийлар маблағлари эвазига амалга ошириладиган харажатлардан ташкил топадиган бошқа тушумларга боғлиқ бўлади. Бу модель, ўз навбатида, бир қанча турларга бўлинади:

- кўп каналли бошқа тушумлар ҳисобига амалга ошириладиган харажатлар таълимнинг барча босқичлари учун хослиги;

- таълимнинг айрим босқичлари (масалан, бошланғич, баъзи давлатларда эса, умумий ўрта таълим ҳам) тўлиқ давлат ҳисобидан молияланади, таълимнинг юқори босқичлари эса аралаш манбалар ҳисобидан молиял аштирилади;

- таълимнинг айрим босқичлари (куйи босқичлари) аралаш манбалар харажатлари ҳисобидан, юқори босқичлари эса, фақат хусусий маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Таълим харажатларининг ушбу модели дунёнинг кўплаб давлатларида жорий этилган. Яъни, моддий таъминот даражаси жиҳатидан бир-биридан ажралиб турадиган барча аҳоли катламларининг билим олиши учун тенг имкониятлар бошланғич ва умумий ўрта мактаб таълимини давлат бюджета харажатлари ҳисобидан амалга ошириш тури кенг эътироф этилмоқда.

Аралаш тушумлар ҳисобидан харажатларни амалга ошириш қолган турларнинг аралашмасидан ташкил топган бўлади. Ушбу моделининг афзаллиги нафақат молиявий маблағларнинг салмоқли қисмига, балки, барқарорликка эга бўлиш имконини берадиган молиявий ресурслар манбаларини табақалаштиришдан ҳам иборатдир. Чунки, ушбу тизим бирон- бир молиявий манбаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил бўлиб боради.

Умуман олганда, молиялаштириш моделини тўғри танлаш маълум даражада иқтисодий ривожланиш моделига боғлиқ бўлиб, бюджет ресурсларининг чекланганлиги таълим муассасаларининг харажатларини молиялаштиришнинг турли манбалардан фойдаланишни тақазо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азимов А.Э. Таълим тизимини молиялаштиришнинг хориж тажрибаси. замонавий таълим / современное образование 2014, 2.
2. Европейский Союз: Факты и комментарии. Выпуск 5, июль-сентябрь 2008 г.

МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИНИ МАМЛАКАТИМИЗГА ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Джалилов Г БМА тингловчиси

“Барчамиз сўзсиз тушунамиз, иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш энг аввало иқтисодий ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигига боғлиқдир. Улар яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга доир стратегик вазифаларни нафақат ишлаб чиқиши, балки амалга оширишни таъминлаши зарур.”⁷²

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Нима учун бюджет харажатларидан фойдаланиш чоғида бюджет жараёни иштирокчиларининг маъсулиятини ошириш ва нима учун молиявий назоратни амалга ошириш зарур?

Ўз-ўзидан маълумки, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар ҳисобидан ажратиладиган маблағларни тақсимловчилар, уни тасарруф этувчилар ва бюджет маблағларидан фойдаланувчиларнинг барчасида бюджет харажатларидан фойдаланиш давомида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун молиявий назорат амалга оширилади ва бу ўз навбатида бюджет жараёни иштирокчиларининг муҳим вазифаларидан бири саналади. Демак, барча эътибор бюджет харажатларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан бюджет жараёнида иштирок этувчи барча органларнинг ушбу фаолиятни салмоқли йўлга қўйишига қаратилади. Иқтисодий ислохотлар ва салмоқли ўзгаришлар орқали бюджет жараёни иштирокчиларининг самарадорлик коэффициентлари ривожлантирилиб борилади.

Бизга маълумки, бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш, ижро этиш, давлат томонидан маблағ жалб қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш соҳасидаги муносабатлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Тадқиқот жараёнида Жанубий Корея Республикасининг молия тизимида ўзига хос хусусиятга эга бўлган молиявий назоратни “тепадан-пастга” (top-down) тарзида амалга оширишнинг тажрибасини ўрганган ҳолда, уни мамлакатимиз молия тизимида амалиётга тадбиқ этиш масаласини атрофлича кўриб чиқмоқчимиз. Бу жараёни молиявий назорат вазифаларининг ташқи маблағлар устидан эмас, балки, натижага

⁷²Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиши керак.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

йўналтиришни назарда тутган ҳолда назоратни ички самарадорлик нуқтаи-назаридан ўзгартириш сифатида баҳолаш мумкин.

Жанубий Корея Республикасида бюджет харажатлари устидан молиявий назоратни ташкил этиш таъкидлаб ўтганимиздек, “тепадан-пастига” (top-down) тарзида амалга оширилади, яъни, бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан фойдаланувчи юқори орган ҳисобланган вазирлик, давлат қўмиталари ҳамда агентликлари, шу юқори органга бўйсинувчи маҳаллий даражадаги ташкилот ва муассасаларнинг бюджет харажатларидан фойдаланиши юзасидан олиб бориладиган молиявий назоратни назарда тутди.

Жанубий Корея Республикасида молия йили учун бюджет маблағлари Давлат молияси бошқармаси билан боғланган ҳолда барча қўмиталар бўйича очиклик, жавобгарлик, профессионаллик тамойили асосида мустақил шакллантирилади. Натижага йўналтирилган бюджетни режалаштириш ўрта муддатли даврни ўз ичига олади. Бюджетни ўрта муддатда режалаштириш ишлари июн-сентябр ойларида амалга оширилади ва бунинг натижасида бюджет маблағларини тақсимлашнинг самарадорлиги кенгайди, бюджетни шакллантириш ҳуқуқининг монополлиги қисқаради, самарасизлик ҳамда ресурсларни тақсимлашда хато ва камчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари камайди ҳамда янги лойиҳалар аниқланади.⁷³

Харажатларни чегарасини аниқлаш 3 босқичда олиб борилади: тайёргарлик, қарор чиқариш, тўғридан-тўғри боғланиш. Январ охирида қўмиталар қисқа муддатли лойиҳалар режасини тақдим қилади. Апрель охирида стратегик келишув асосида ҳамда бюджет харажатларини максимал қиймати (нархи) бўйича харажатлар чегараси аниқланади ва бу жараён вазирлик ва қўмиталар бўйича амал қилинади.

Молиявий назоратни ташкил этиш масалаларини ёритиш жараёнида бюджетни режалаштириш тамойилларига тўхталишимизни сабаби шундаки, Жанубий Корея Республикасида бюджет харажатлари устидан молиявий назоратни ташкил этиш худди бюджетни режалаштириш каби амалга оширилади, яъни ҳар бир соҳанинг юқори органи бўлган вазирлик ёки қўмиталар уларга бўйсунувчи бошқармаларнинг, бошқармалар эса, уларга бўйсунувчи бўлинмаларнинг бюджет харажатлари сарфи устидан молиявий назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 9-бўлимига асосан бюджет харажатларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан молиявий назорат органлари назорат турлари, шакл ва усуллари бўйича тафтиш ва текшириш ишларини олиб борадилар. Мамлакатимизда молиявий назоратни амалга оширувчи органларни ҳар бирининг ўзига юклатилган вазифа ва функциялари мавжуд.

Мамлакатимизнинг бюджет тизими бюджетларида барча молиявий ҳужжатларни алмашишнинг тўлиқ электрон тарзини йўлга қўйган ҳолда, молиявий назоратни амалга оширишни айнан бир молиявий назорат органларининг ваколатларига эмас, балки, барча соҳаларнинг ўз ваколат доираларига киритилса ҳамда уларда ушбу фаолиятни олиб боришни таъминлайдиган бўлим ва уларга мос равишда штатларни ташкил этиш масалалари ҳал этилса, бюджет жараёни иштирокчиларини маъсулиятини ва таъсирини янада ошириш ва бюджет харажатлари сарфи бўйича натижадорликка йўналтиришга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, бюджет харажатларининг бажарилиши устидан амалга ошириладиган молиявий назоратни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш натижасида бир қатор таклиф ва тавсияларимизни келтириб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

1. Кўпгина хориж мамлакатларида молиявий назоратнинг ҳуқуқий асосини

⁷³Жанубий Корея Республикасининг “Давлат молияси тўғрисида”ги қонуни асос қилиб олинди. 2006 йил

яратиш бўйича тўплаган тажрибаларига таянган ҳолда, бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ мақсадларда фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини, штат-смета интизомини мустаҳкамлаш ва бу борада бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мансабдор кишиларининг маъсулиятларини ошириш мақсадида молиявий назоратни ягона стандартга келтирувчи ва қонун ҳужжатларини тўлиқ бир манбада жамловчи «Молиявий назорат» тўғрисидаги қонунни амалиётга жорий этиш бўйича фаолиятни тезлаштириш;

2. Худудий молия ва ғазначилик бўлинмаларида дастлабки ва жорий назорат, Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг худудий бошқармаларида якуний назоратни кучайтириш мақсадида барча ҳужжатларни тўлиқ ҳолда электрон тарзда юборишни мукамал йўлга қўйиш;

3. Барча молиявий ҳужжатларни электрон тарзда юбориш мукамал йўлга қўйилса, молиявий назоратнинг барча турлари бўйича бир қанча молиявий қонунбузарликлар бартараф қилинади ва камчиликларни аниқлаш имконини беради, юқоридаги ҳужжатлар бўйича маълумотларни олиш тезлиги ортади, бюджетдан маблағ олувчилар ва бюджет ташкилотлари масъул ходимларининг худудий молия ва ғазначилик органларига қўлиқ тарзда келиб-кетиш харажатини камайтиради ҳамда қоғоздан кам фойдаланиш оқибатида мақсадсиз харажатларни амалга оширишнинг олди олинади.

Давлат молиявий назорат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, улар билан халқ ўртасидаги очиқ мулоқотни ташкил этиш, молиявий назорат объектлари томонидан бюджет харажатлари сарфи бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдини олиш мақсадида уни тўғри баҳолаш, дастлабки ва жорий назоратни амалга ошириш чоғида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни камайтириш мақсадида бюджетдан маблағ олувчиларнинг молиявий ҳужжатларини ўтказишни тўлиқ электрон вариантга ўтказиш масалалари мамлакатимиз бюджет тизимида молиявий назоратни амалга оширишда рўй бераётган кўпгина ноқулайликларни бартараф этишда кўмаклашади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИНГ МАМЛАКАТ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ТАСИРИ

БМА тингловчиси Обидхонов Ж.

Давлат молияси давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини бажарилиши, давлат маблағларини қайта тақсимлаш ва бозор инфратузилма-сини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда давлат молиясини бошқариш жараёнларини такомиллаштиришни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими тараққиёти-нинг ҳозирги босқичи давлатнинг яхлит бюджет ва ижтимоий сиёсатининг манфаатлари муштараклигини таъминлаш асосидаги ўта масъулиятли вазифаларни самарали бажарилишини талаб этмоқдаки, ушбу вазифанинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатиш муҳимдир:

биринчидан, давлат ижтимоий сиёсатининг жойлардаги ижобий ижроси ёки худудий иқтисодиёт муаммолари кескинлашувининг олдини олиниши;

иккинчидан, маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг кенгайиб бориши шароитида шунга мос тарзда улар имкониятларини яхшилашнинг зарурлиги. Ушбу ҳар икки жиҳатнинг ўзаро боғлиқ тарзда биргаликда олиб борилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги кундаги ўта муҳим муаммосини ижобий ҳал этишга имкон беради.

Кўпчилик рус академик-иқтисодчилари молия тизимини молиявий муносабатларнинг мураккаб соҳаси деб белгилашади.

Матушки ⁷⁴ Давлат бюджетини ижтимоий соҳа ва иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи муҳим восита деб ҳисоблайди. Давлатнинг бюджет миллий даромадни қайта тақсимлаш механизми асосида, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишини ўзгартиради, ижтимоий ислохотларни амалга оширади. Бунда давлат иқтисодиётга тўғридан-тўғри ва билвосита таъсирнинг турли шаклларида фойдаланади:

- ташкилот ва компанияларга субсидиялар;
- давлат инвестициялари;
- илмий-техникавий тараққиёт соҳаларини молиялаштириш.

Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳавфсизлик каби ижтимоий ташкилотлар молиявий механизмини такомиллаштириш асосида ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат бюджети муҳим роль ўйнайди.

Prasetyo ва Zuhdi ⁷⁵ нинг изоҳлашича давлатнинг иқтисодий тизимда иштирок этиши ва унинг самарадорлик натижалари тўғрисидаги мунозаралар Кейнсчилик ва Нео Классиклар давридан бери давом этаётган узоқ тарихга эга ва давлатнинг ушбу иштироки бозор иқтисодиётининг табиатига асосланади.

Молиявий тизим, молиявий муносабатларнинг турли соҳалардаги мураккабликлари, умумий қайта ишлаб чиқаришдаги роли, пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишдаги алоҳида хусусиятлари билан тавсифланишини Ковалев (2001) изоҳлаб берган. Молия тизими бу турли хил молиявий муносабатларнинг бирикмаси, турли хил пул маблағларининг шаклланиш ва фойдаланилиш жараёнидир.

Молия тизимининг биров бошқачароқ кўринишда талқин қилишимиз мумкин: қайта ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари ўртасида ялпи миллий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда пул муносабатларини ташкил этиш шаклидир.

Юқоридаги келтирилган Дробозина ⁷⁶ ва Поляк ⁷⁷ тадқиқотларида кўрсатилган молия тизими тўғрисида фикрларнинг бевосита асосчиси ўлароқ Казак ⁷⁸ нинг молия тизими тўғрисидаги билдирган фикрлари хизмат қилган. Унинг таҳлил натижаларига кўра молия тизими – бу “молия” - умумий объектив туркумида принципиал бирлик доирасида бирлашган турли соҳалар молиявий муносабатларининг мажмуасидир, лекин биринчидан пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишдаги ўзига хос хусусиятлари (даромад), иккинчидан бир бутун сифатида ижтимоий қайта ишлаб чиқариш ва иқтисодий тизимда турли роли (мазмун) билан ифодаланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни давлат молиявий сиёсатнинг янги йўналишларини белгилаб бериш билан бир қаторда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда давлат бюджетининг ролини кучайтирди.

Замонавий шароитларда ҳар қандай давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширади, уни ҳар томонлама ривожлантиришда бевосита ҳамда билвосита давлат бюджетидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ⁷⁹ ги

⁷⁴ Матушкин А.Е.(2008) - Финансы и кредит-Белгород: Изд-во БелГСХА. 168-170.

⁷⁵ Prasetyo A.D. & Zuhdi U. The Government Expenditure Efficiency towards the Human Development. Procedia Economics and Finance, 2013.-5, pp.615–622.

⁷⁶ Дробозина Л. А. “Финансы. Денежное обращение. Кредит”: учеб. для вузов.- М.: ЮНИТИ,-2000.-543 с.

⁷⁷ Поляк Г.Б. (2002) “Финансы. Денежное обращение. Кредит”, М.: ЮНИТИ, 73-82.

⁷⁸ Казак А.Ю. (1994) Финансы и кредит: Учебник - Екатеринбург: МП ПИПП, 56-63

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февраль.

ПФ-4947-сон фармонида асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган бўлиб, ушбу Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи бўлими айнан иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланганлиги бежиз эмас албатта.

Мамлакатда давлат молиясининг тугган ўрни ва иқтисодий ўсишга таъсири даражаси, ҳудудлар иқтисодий ривожланишини таъминлашда бюджет даромадлари ва харажатлари ижроси, давлат харажатларини оширмаган ҳолда асосий мақсадни уларнинг самарадорлигини оширишга қаратиш каби кўриладиган асосий муаммоли масалалар ўрин олган.

Жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда бугунги кунда дунё миқёсида давлат молиясини бошқаришда молия сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида молиявий ресурслардан аҳолининг моддий ва маънавий даражасини оширишда фойдаланиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир. Илмий асосларга таянган иқтисодий қонунлар талаби асосида тўғри ташкил қилинган молия-бюджет сиёсатининг аҳамияти шундаки, бунда жамият ва унинг замирида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг фаровонлиги ошади, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси давлат молиясининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши долзарб масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимиз молия тизимида ушбу мақсадларга эришишга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда, давлатнинг ҳар йили ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган сиёсатининг натижавийлиги авваламбор давлат молиясининг бошқариш ҳолатига ва уни ижро этиш самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Давлат молияси орқали мамлакатдаги давлат аҳамиятига молик ва жамият ҳаёти учун зарур бўлган ижтимоий соҳаларнинг тўлиқ молиявий таъминоти амалга оширилади. Шунинг учун бу борада куйидаги тақлифларни тавсия этамиз:

-молия соҳасидаги маҳаллий ва хориж тажрибаларини уйғунликда олиб боришни таъминлаш;

-молия тизимининг барча бўғинларида даромад ва харажатларни мувозанатлаштириш;

-асосий молия ресурсларини муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириш мақсадида шакллантириш;

-иқтисодий реал секторини яъни ишлаб чиқаришни янада модернизациялаш ҳамда мамлакат ЯИМ ҳажмини ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги шароитдаги иқтисодий модернизациялаштириш шароитида мамлакатимиз молиявий ислохотларини янада жадаллаштиришда ҳамда мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси: Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. -Т.: "Адолат", 2015.-304 б.

3. Дробозина Л. А. “Финансы. Денежное обращение. Кредит”: учеб, для вузов.- М.: ЮНИТИ,-2000.-543 с.
4. Поляк Г.Б. “Финансы. Денежное обращение. Кредит”, М.: ЮНИТИ, 2002.-С.73-82.
5. Казак А.Ю. Финансы и кредит: Учебник - Екатеринбург: МП ПИПП,1994.- С. 56-63
6. Матушкин А.Е. Финансы и кредит-Белгород: Изд-во БелГСХА.2008.- С.168-170.
7. Prasetyo A.D. & Zuhdi U. The Government Expenditure Efficiency towards the Human Development. Procedia Economics and Finance, 2013.-5, pp.615–622.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

БМА тингловчиси: Расулова Х.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича жиддий иш олиб борилмоқда.

Мазкур олиб борилаётган ислохотлар қимматли қоғозлар бозорини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Президент Мирзиёев ўз маърузасида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ҳақида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Яна бир муҳим масала – юртимизда фонд бозори, фонд биржасини янада ривожлантириш учун Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим⁸⁰”. Ўзбекистонда давлат қимматли қоғозларининг шаклланиш ва амал қилиш даври 1992 йиллардан ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур йилларда давлат қимматли қоғозларидан давлат бюджети дефицитини қоплаш мақсадларига йўналтирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 165-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмини чиқариш ва уни тарқатиш тартиби тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган эди. Ундан кўзланган мақсад сифатида Ўзбекистонда давлат қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ҳамда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқ хўжалигини ривожлантириш ва кишиларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини ҳал этиш учун аҳолининг пул маблағларини жалб этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги 51-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёми облигацияларини қабул қилиш ва тўлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эса 1992 йилда чиқарилган заём облигацияларни қабул қилиш ва тўлашни ташкил этиш чора-тадбирларини белигилаб берди. 1996 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Унда қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари, инвестиция муассасаларининг хусусиятлари, шунингдек, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига нисбатан тегишли тартибда жазо чоралари белгиланди. Мазкур қонунга мувофиқ қимматли қоғозлар бозоридаги ҳар бир фаолият тури махсус лицензиянинг берилишини талаб қилади.

Шунингдек, Марказий банкнинг очик бозордаги операцияларини, жумладан, давлат қимматли қоғозлари билан ўтказиладиган РЕПО операциялари қўламини янада

⁸⁰. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармони](#).
Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида : расмий нашр. -Т.: Адолат, 2017. -112 б.

кенгайтириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида низом» янги тахрирда ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 18 майда 1829-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бироқ, давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича етарлича чоралар кўрилмаган ҳамда давлат қимматли қоғозлари 2012 йилдан ҳозирги кунга қадар чиқарилмаган. Бироқ 2018 йилнинг бошида Марказий Банк “Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва ривожлантириш Концепцияси”ни эълон қилди. Мазкур концепцияда пул-кредитнинг макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти, пул-кредит сиёсати режимларини жорий этиш механизмлари ва усуллари, Монетар таргетлаш, валюта курсини таргетлаш, инфляцияни таргетлаш, шунингдек банкнинг очик бозордаги амалиётларини ривожлантириш йўналишларига қаратилган. Мазкур концепция Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштиришнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177 сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур концепциянинг Марказий Банкнинг очик бозордаги амалиётларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Банкнинг очик бозордаги амалиётлари банк тизимида Марказий Банк томонидан ликвидлиликни назорат қилишнинг асосий бозор инструментларидан бири саналади. Пул-кредит сиёсатини фаол босқичга ўтиши кўзда тутилаётган бир пайтда, очик бозорда танланган мақсадли кўрсаткичларга мувофиқ ҳолда тартибга солиб турувчи амалиётларни жорий этиш мақсад қилинган.

Марказий банкнинг очик бозордаги амалиётлари стратегияси қуйидаги омилларнинг устуворлигига асосланади:

- операцион мақсадларга эришиш;
- ликвидлилик оқимларини бартараф этиш;
- бозор фоиз ставкаларини Марказий банк фоиз ставкалари билан яқинлаштириш, мувофиқлигини таъминлаш;
- инструментлар фойдаси ва харажатлари ўртасидаги оптимал мутаносибликни таъминлаш;
- мазкур бозорни янада ривожлантириш.

Марказий Банк очик бозордаги амалиётлари инструментларининг табақаланишига таъсир кўрсатади.

Хусусан, банк тизимидаги мавжуд вазиятдан иктисодий вазиятга келиб чиққан ҳолда, Марказий Банк очик бозордаги амалиётлар ҳажми ва шаклини аниқлаб олади, шу жумаладан:

- Доимий ёки вақтинчалик ставкадаги аукционлар;
- Гаров таъминоти билан миллий валютада кредитлар тақдим қилиш;
- Давлат қарз мажбуриятлари мавжудлиги шароитида РЕПО амалиётларини амалга ошириш;
- Миллий валютадаги муддатли омонатлар қабул қилиш ва бошқалар.

Ҳозирги шароитда, давлат қимматли қоғозлар бозори амалиётда нафақат бюджет дефицитини қоплаш манбаи бўлибгина қолмай, мамлакат молия бозорини ривожлантиришнинг муҳим воситаси саналади.

Ўзбекистонда босқичама-босқич давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш ва хизмат кўрсатиш бўйича барча имкониятлар мавжуд.

Мазкур концепцияда очик бозордаги амалиётларини фаоллаштириш мақсадида Марказий Банк Молия Вазирлиги билан биргаликда 2018 йилда давлат қимматли

қоғозларини чиқариш амалиётини қайта тиклаш бўйича ҳамкорликда иш олиб бориши кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, миллий қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда авваламбор меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш заруратидан келиб чиқиб, «Давлат ва муниципал қимматли қоғозлар тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозоридаги операциялар билан боғлиқ хатарларни суғурталаш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозоридаги ўзини-ўзи тартибга солувчи ташкилотлар тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотнинг ошкор этилиши тўғрисида»ги каби Қонунларни ишлаб чиқиши бозор иштирокчиларининг фаолиятини рағбатлантиради ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қонун (2015) Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” -ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли [Фармони](#). Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида : расмий нашр. -Т.: Адолат, 2017. -112 б.
3. Бутиков, И. (2001) Қимматли қоғозлар бозори, дарслик, Тошкент: Консаудитинформ, 461 б.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИНИ БЕЛГИЛАШГА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

*Сапаров Э.Д. ЎзР Президенти ҳузуридаги
Давлат академияси тадқиқотчиси*

Илмий тадқиқотларимиз жараёнида олиб борилган изланишларимизга таянган ҳолда, бизнингча, маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятининг марказий элементи сифатида маҳаллий даражада ҳал қилинадиган масалалар, хусусан маҳаллий бюджет харажатлари ваколатларини белгилаш намоён бўлади. Ҳар бир маҳаллий ҳудудда аҳоли турмуш даражасининг ўсиши, иқтисодиёт тармоқларининг амал қилиши учун бошқарув ваколатларини энг мақбул тарзда чегаралаш, оммавий-ҳуқуқий тузилмалар ўртасида ваколатлар тақсимоли биринчи даражали муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда оммавий-ҳуқуқий тузилмалар қонун билан ўрнатиладиган масалалар йиғиндиси, жумладан тегишли давлат ҳокимияти органи томонидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлишини ифодаласа, ваколатлар тақсимоли маълум бир масалани ҳал этиш юзасидан ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни чоп этиш ҳуқуқини беради. Жумладан, коммунал хизмат ваколатларини чегаралаш мараказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида даромад манбалари тақсимланиш пропорцияси асосида аниқланишини шарт қилиб қўяди.

Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, умумижтимоий масалаларни ҳал қилиш бўйича ижро ҳокимияти жавобгарлигини аниқлашнинг қатъий белгиланган қоидалари ҳанузгача назарий жиҳатдан асосланмаган ва амалиётда мавжуд эмас, шунга қарамайдан, харажат ваколатларини чегаралашнинг қатор тамойиллари мавжудлигини рад этмаслик лозим. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимиятининг ҳудуд аҳолиси ҳолатини билиши ҳамда маҳаллий аҳоли турмуш фаровонлигини ўстиришнинг заруриятидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий молиянинг барқарор солиқ базасини шакллантириш ва шунга мос равишда кўрсатиладиган хизматлар мажмуини тақдим этиш юзасидан мустақил қарор қабул қилиш имконига эга бўлишини тақозо этади.

Маҳаллий давлат бошқарув органлари ҳуқуқ ва ваколатларига қарамайдан мустақил фаолият юритишлари зарур. Мазкур бўлинмас жавобгарлик принципини

ҳисобга олишни кўзда тутди. Жавобгарликнинг бўлиниши ҳуқуқларнинг камайишини тақозо этади, пировардида турли даражадаги ҳокимиятлар доирасида нотўғри рағбатнинг яратилиши натижасида хато қарорлар ёки уларнинг бажарилмаслиги ҳолатлари бўйича бир-бирини айбдор қилиб кўрсатишнинг авж олишига сабаб бўлади. Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, барча ижтимоий характердаги масалалар имкон даражасида бўлинмас жавобгарлик тамойилига кўра чегараланиши ва унинг оқибатида ваколатлар, хусусан харажат ваколатлари ҳамда уларни амалга оширишда зарур бўладиган даромад манбаларининг чегаралашни назарда тутадиган ҳудудий мувофиқлик тамойили амалга оширилади.

Ваколатларни чегаралашда хизматлар истеъмолчилари ёки ижтимоий неъматлардан фойдаланувчиларининг қамраб олиниши биринчи даражали аҳамият касб этади. Оммабоплик тор доирада маҳаллий молиянинг мустақил тарзда мавжуд бўлишини тақозо этса-да, қонунчилик билан маҳаллий ҳудудларда ижтимоий фаравонликнинг минимал стандартлари бириктирилади. Шу билан бирга, маҳаллий молияга аниқ вазифаларни бириктириш борасида сўз борганда биринчи навбатда ижтимоий неъматларнинг оммабоплиги мавжудлигини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Дарҳақиқат, маҳаллий неъматлардан нафақат маҳаллий ҳудуд доирасида яшовчи аҳоли қатлами шу билан бирга неъматларнинг тури ва аҳолини тақлиф қила олиш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ташқи фойдаланувчилар миқдори ҳам ўзгариб туриши мумкин.

Маҳаллий органлар ҳуқуқига кирувчи неъматлардан ташқи фойдаланувчилар мавжуд бўлганда, уларни тақдим этишнинг бир қатор усуллари келтириш мумкин:

- хизматни тақдим этиш бўйича маблағларни тўлиқ қоплаш доирасида фойдаланувчилардан хизмат учун тўловларни ундириш;
- харажатларни қисман қопловчи маҳаллий тўловлар ва йиғимларни ундириш;
- қўшни маҳаллий органлар билан ихтиёрий ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- юқори турувчи бюджетлар билан биргаликда молиялаштиришни ташкил этиш, жумладан “мақсадли трансфертлар” кўринишида;
- маҳаллий ҳокимиятларга нисбатан юқори даражада функциялар (ваколатлар)ни бериш.

Маҳаллий давлат бошқарув органларининг ваколатларини концептуал жиҳатдан аниқлашга ёндашадиган бўлсак, бунда энг мақбул мезонлардан фойдаланишга эътибор қаратиш зарур. Номарказлашув масалалари бўйича кенгайтирилган илмий адабиётлар мавжуд бўлиши қарамасдан маҳаллий бюджетлар харажатлари юзасидан ваколатлар бўйича ягона ёндашув учрамайди.

Бизнингча, неоклассик иқтисодий ва оммавий танлов назарияси⁸¹ дан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ваколатларни аниқлашнинг ҳам иқтисодий ҳам ноиқтисодий мезонларини ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ваколатларни аниқлаш мезонлар тизими умумдават ва маҳаллий даражадаги хизматлар таркиби, сиёсий шарт-шароитлар ва иқтисодий ривожланиш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, турли мамлакатларда турлича шаклда ўзгариши мумкин.

Фикримизча, иқтисодий мезонларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тақдим этиладиган хизматлар шакли (бу ҳолатда энг яхши натижага қуйи давлат

⁸¹Замонавий неоинституционал иқтисодий назариялардан бири бўлиб, XX-асрнинг 50-60 йилларда шаклланган. Унинг асосчиси америкалик иқтисодчи-олим Дж.Бюкенен бўлиб 1986 йилга келиб тан олинган. Ушбу назария издошлари кейнс ва унинг издошларини танқид қилган ҳолда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви самарасига шубҳа билан қараган. Классик либерализм тамойиллари ва микроиқтисодий таҳлил усуллари билан фойдаланган ҳолда Ҳукумат қарори билан қабул қилинадиган пул-кредит ва молиявий чора-тадбирлар иқтисодиётга таъсир этмаслигини таҳлил объекти сифатида ўрганган (Теория общественного выбора)

бошқарув органига бажара олиш имкониятига ҳисобга олган ҳолда юклатилганда эришилади);

- тақдим этиладиган хизматлар ҳудуди (хизмат асосан маҳаллий ҳудудда кўрсатилганда маҳаллий бошқарув органига бириктириш; хизмат тегишли маҳаллий бошқарув органи ҳудудидан чиқиш ҳолатларида хизмат тақдим этилаётган қўшни маҳаллий бошқарув органлари ҳамкорлигидаги ёки марказий давлат бошқарув органига бириктириш мақсадга мувофиқ);

- тақдим этилаётган хизмат қиймати (хизмат қиймати унинг қўламига боғлиқлиги юқори бўлса нисбатан юқори даражадаги ҳокимият органига ўтказилиши лозим). Бунинг учун хизматнинг ижтимоий фойдалилик даражасини баҳолаш, яъни тақдим этилаётган хизматлар фақат маҳаллий аҳоли ёки ташқи фойдаланувчилар учун муҳимлиги ҳисобга олинади.

Ноиқтисодий мезонларга, бизнинг фикримизча, қуйидагилар киритиш мумкин:

- давлатнинг эгаллаб турган ер майдони ва табиий-географик жойлашувидаги объектив турли-туманлик ҳамда маҳаллий давлат бошқарув органларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси;

- юзага келган тарихий, маданий бойликлар ва аҳолининг менталитети.

Хулоса қиладиган бўлсак, маҳаллий бюджет харажати сифатида олинганда ҳудуд харажати тақдим этилишининг оммабоплиги, фойдалиликни баҳолашда ташқи таъсир ва иқтисод қўламининг пастлиги намоён бўлади. Акс ҳолда харажат марказий давлат бошқаруви ваколатига ўтказилиши зарур бўлади.

Бизнингча, маҳаллий давлат бошқарув органларининг харажатлар бўйича ваколатларини аниқлаш очик, тушунарли ва барқарор бўлиши ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат билан мустаҳкамланган бўлиши керак. Бу маҳаллий давлат бошқарув органлари жавобгарлигининг чегараларини, алоҳида хизматлар бўйича маҳаллий меъёрий ҳужжатларнинг асосий қонунлар билан мувофиқлигини, ўзгармасликни ва бириктиришнинг узоқ муддатли характерини кўзда тутди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дж.Бюкенен . Теория общественного выбора. 1986 г.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕЖБЮДЖЕТНЫХ ОТНОШЕНИЙ КАК НАПРАВЛЕНИЕ ОПТИМИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО ФИНАНСОВОГО УПРАВЛЕНИЯ

*Бабаджанова Л.Ш. УТТТ, преподаватель
Срожиддинова З.Х. к.э.н., доцент БФА*

На современном этапе реформ в системе управления государственными финансами вопросы методологии, в том числе, в части межбюджетного регулирования в целях выравнивания бюджетной обеспеченности территорий, выступают на первый план. Это связано с в первую очередь с кардинальными переменами в налоговой системе предусмотренными в опубликованном для обсуждения проекте Налогового кодекса. В этой связи в условиях углубления международных финансовых отношений весьма важен для нашей практики опыт зарубежных стран в построении системы межбюджетного выравнивания.

В условиях развивающейся экономики для повышения эффективности системы межбюджетного выравнивания и сбалансирования бюджетов бюджетной системы представляется важным соблюдение следующих требований:

1. Использование простой формулы бюджетного выравнивания не требующей большого количества данных.

Выбор формулы межбюджетного выравнивания из используемых в мировой практике вариантов требует учета особенностей нашей страны с точки зрения доходного потенциала территорий, возможности его оценки, а также возможности адаптации и степени эффективности предполагаемой к использованию формулы. Основная проблема в решении данного вопроса - неэффективная статистика. В ее решении важную роль сыграет введение в Узбекистане обязательного порядка оформления счетов фактур всеми хозяйствующими субъектами [1,2].

2. Формула межбюджетного выравнивания должна обеспечивать покрытие структурного (расчетного) дефицита, который рассчитывается для экономики территории с естественным уровнем регионального продукта и безработицы при существующих законодательно установленных ставках налогов и размеров трансфертных платежей. Важно провести анализ эффективности распределения доходов между территориями посредством расчета коэффициента Джини (Gini coefficient) - количественного показателя, показывающего степень неравенства распределения доходов. Подчеркнем, что основная проблема в решении данного вопроса та же - неэффективная статистика.

3. Сохранить заинтересованность и стимулировать местные органы власти к увеличению собственного доходного потенциала. В основе решения данного вопроса – закрепление за местными бюджетами стабильных источников доходов (менее стабильные источники доходов, которые в большей степени зависят от макроэкономической ситуации, чем от условий конкретной территории, должны закрепляться за центральным бюджетом, а более стабильные – за местными бюджетами), а также стабильных трансфертов для обеспечения эффективного распределения доходов между территориями.

4. Гарантия использования простой формулы бюджетного выравнивания без изменений в течение стабильно-длительного периода времени, что важно для достижения желаемых результатов в краткосрочном периоде и стабильного функционирования системы межбюджетного выравнивания в долгосрочном периоде.

В основе реализации 3 и 4 требований лежит политическое решение органов власти в обеспечении стабильно долгосрочного действия законодательства и других нормативно-правовых актов, имеющих непосредственное отношение к обеспечению действия данных требований.

На текущий момент подготовлен и осуществляется обсуждение проекта нового Налогового кодекса Республики Узбекистан положения которого имеют важное значение для реализации третьего пункта требований в обеспечении построения эффективных межбюджетных отношений и формулы межбюджетного выравнивания, это отсутствие в Кодексе положения о налогах закрепляемых за центральным Республиканским бюджетом и местными бюджетами, а также отсутствие перечня сборов и их закрепления за бюджетами центрального и местных уровней. В то время как в действующем Налоговом кодексе ст. 23 [3] разграничивает общеустановленные налоги между центральной властью и властью на местах обособив и выделив общегосударственные налоги и сборы закрепив их за Республиканским бюджетом и местные налоги и сборы – за местными бюджетами. Представляется, что разграничение доходов между бюджетами различного уровня создает необходимые начальные условия для сбалансированности бюджетов на каждом уровне бюджетной системы. В этом случае при соответствующем налоговом потенциале обеспечивается достижение оптимального соотношения доходных источников и расходных полномочий между бюджетами разного уровня, и соответственно реализация принципа построения бюджетной системы Узбекистан - самостоятельность бюджетов бюджетной системы. Наличие собственной закрепленной налоговой базы обязывает местные органы власти

к проведению рациональной бюджетной политики, стимулирует к увеличению доходной базы и минимизирует риск развития иждивенческих настроений.

Отсутствие разграничения налогов между бюджетами центрального и местного уровней и введение единой системы налогов, которые будут распределяться между уровнями бюджетов на долевой основе можно трактовать как усиление роли государства в регулировании и управлении бюджетами бюджетной системы и предусматривает разработку механизма распределения долей налогов и видов сборов на основе расчета нормативов, которые подлежат регулированию со стороны центрального правительства.

Достаточность и стабильность доходов могут достигаться различными методами - местные бюджеты могут иметь собственные источники доходов, могут получать доходы в виде трансфертов из региональных бюджетов или центрального бюджета - от избранного метода наделения доходами местных бюджетов зависит степень самостоятельности местных органов власти. В этой связи важно принимать во внимание, что независимость местных органов власти, уровень децентрализации определяется их полномочиями в сфере управления собственными финансами и этот шаг отразится на процессе фискальной децентрализации в рамках проводимых в стране реформ в сфере управления государственными финансами.

В этой связи представляется важным в построении эффективной методологии межбюджетных отношений и оптимизации государственного финансового управления в Республике Узбекистан учет эффективных зарубежных практик и методологий в части межбюджетного регулирования и выравнивания бюджетной обеспеченности территорий.

Литература

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов государственной налоговой службы» от 26.06.2018 г. № ПП-3802.

2. Проект Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по расширению применения в налоговом администрировании современных информационно-коммуникационных технологий» <http://old.regulation.gov.uz/ru/documents/2856>

3. Налоговый кодекс Республики Узбекистан от 25.12.2007 г. N ЗРУ-136 (введен 01.01.2008) с изм. 2019 г.

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

У.Қобилов Ўз. Р. БМА магистрант

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларда бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, маъмурий ислохотлар концепциясида давлат корхоналари самарадорлигини ошириш тизимини янада ислоҳ қилишга алоҳида тўхталиб ўтилган. Президентимизнинг парламентга тақдим этган Мурожаатномасида эса бу соҳада ечимини қутаётган вазифалар белгилаб берилган.

Қўплаб давлатларда давлат корхоналари макроиктисодий кўрсаткичларда жуда муҳим аҳамият касб этади. Марказий ва Шарқий Европа давлатларида саноат ишлаб чиқаришининг 20 фоиздан 40 фоизгача улуши айнан, давлат сектори ҳиссасига тўғри келади.

Россияда эса давлат корхоналари алоҳида соҳа сифатида макроиктисодий даражада муҳим роль ўйнайди. Мазкур мамлакатда саноат корхоналарининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари умумий ҳажмининг қарийб 30 фоизи давлат корхоналари улушини ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳам давлат корхоналари иқтисодиётнинг етакчи соҳаларида фаолият олиб бормоқда. Мазкур корхоналар сирасида “Ўзнефтвазҳолдинг”, “Узавтосаноат” ва бошқа стратегик аҳамиятга эга соҳаларда фаолият олиб бораётган ташкилотлар, шунингдек, молия секторида Ат Халқ Банки, ТИФ Милий Банки каби йирик давлат банкларини санаб ўтиш мумкин.

Уларнинг молиявий фаолиятини тўғри ташкил этиш эса бевосита иқтисодиётнинг жадал ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Биз ушбу мақолада давлат корхоналарининг молиявий фаолиятини такомиллаштириш орқали уларнинг молиявий ресурслари самарадорлигини ошириш бўйича хориж тажрибалари ва амалиётида юзага келадиган муаммо ва уларнинг ечимлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Давлат корхонасига оид Ўзбекистон қонун ҳужжатларида, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига 1-илова яъни “Давлат корхоналари тўғрисида” ги низмода унга қуйидагича таъриф берилган:

Давлат корхонаси — давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир, у ўзига биркитилган мулкдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдорнинг (ёки унинг топшириғига кўра у ваколат берган давлат органи — муассиснинг) топшириқларига ҳамда эгалик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадида мувофиқ мулкдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади.

Давлат корхонасининг муассиси (кейинги ўринларда муассис деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг томонидан ваколат берилган давлат органлари;

Давлат корхоналари тўғрисида мамлакатимиз айрим иқтисодчи олимларининг ҳам фикрлари мавжуд. Жумладан;

Маликов (2008) ва Хайдаровларнинг 2008 йилда чоп этилган “Иқтисод молия” ўқув қўлланмасида келтирилишича; давлат корхонасига алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзи, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг фирма номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлган корхона дея таърифлаб ўтган. Давлат корхонасининг фирма номида «давлат корхонаси» сўзлари бўлиши керак.

Ривожланган Европа ва АҚШ тажрибасида давлат корхоналари қарийб икки асрлик тарихга эга. Шунинг таъкидлаш керакки, жаҳон амалиётида давлат корхоналари деганда кенг доирадаги институтлар ва ташкилотлари тушунилади. Бу институтларнинг давлат томонидан шакллантирилган асосий тавсифи давлат мулкчилиги номидан савдо фаолиятини юритиш, соҳада муносабатларни тартибга солиш вазифаси юклатилган алоҳида юридик шакл саналади.

АҚШда давлат
корхоналари

Давлатнинг иқтисодий фаолият олиб бориш учун зарур бўлган соҳаларга кириб боришда фойдаланувчи муқобил йўн саналади. Шу сабабли ҳар бир давлат корхонаси учун махсус қонун қабул қилиниши, қонун чиқарувчи аниқ вазифадан келиб чиққан ҳолда давлат корхонасини ташкил этиш имконига эга бўлиши керак бўлади. Умуман олганда АҚШда давлат корхоналарининг келажаги порлоқ эканлиги кўп адабиётларда таъкидланади.

АҚШда давлат корхоналарининг аҳамияти

АҚШ тажрибасида давлат корхоналарининг аҳамияти қуйидаги расмда келтирилгандек талқин этилади (Старченко, 2013):

Хозирги ислохатлар даврида давлат корхоналарининг молиявий фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидагилар амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўларди:

- давлат корхоналарида молиявий менежмент тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни давлат томонидан турли дастаклар ёрдамида тартибга солиниши, давлат корхоналари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

- давлат корхоналарида корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш, ҳамда давлат улуши юқори бўлган корхоналар бошқарувида, стратегик қарорлар қабул қилишда хусусий секторни жалб қилиш;

- давлат корхоналарининг молиявий фаолиятида кузатув кенгашлари ролини ошириш, кузатув кенгаши таркибинининг маълум бир қисмини молиявий менежмент ва корпоратив бошқарув бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш;

- давлат корхоналарини давлат аҳамиятида бўлмаган, давлат улуши 51% дан кам бўлган корхоналарни давлат улушини сотиш, ушбу корхоналарга хусусий секторларни жалб қилиш лозим;

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкунки, давлат корхоналарининг молиявий фаолиятини такомиллаштиришда давлат улушини камайтириш, кузтув кенгаши ролини кучайтириш, молиявий менежментни ва корпоратив бошқарувни ташкил этиш ва ривожлантириш муҳим омиллар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига 1-ИЛОВА. Давлат корхоналари тўғрисида НИЗОМ
2. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни. Ўқув қўлланма / - Т.: “ИҚТИСОД МОЛИЯ”, 2008, 84 б.
3. *Старченко Н. В.* Анализ итогов «малой» приватизации 2010–2013 годов. Доклад на конференции «Актуальные проблемы управления государственной собственностью». М., Торговопромышленная палата, 14 июня 2013 года.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ БЕРУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

*Шеров А. У. Бухоро давлат университети
“Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти*

Ўзбекистонда бюджет харажатлари йўналишларини оптималлаштириш, уларнинг самарадорлигига эришишда нафақат миллий имконият ва шароитларни тадқиқ этиш, балки хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиб чиқиш ҳам муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, тадқиқотимиз давомида бир қатор мамлакатларнинг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиб чиқамиз.

Ўзбекистоннинг чегарош қўшниларидан бири бўлган – Қозоғистон бюджет тизимини тадқиқ этиш учун кўп омилли сабаблар билан изоҳланиши мумкин. Қозоғистон 1991 йил мустақил давлат мақомига эга бўлгандан сўнг, қабул қилинган бюджет тизими тўғрисидаги қонун билан республика ва маҳаллий бюджет ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими аниқлаб олинди. Хусусан, “Қозоғистон Республикаси солиқ тизими тўғрисида”ги қонунга кўра 16 умумдавлат, 10 та умуммажбурий ва 17 та маҳаллий солиқларнинг жорий этилиши билан бюджетнинг даромадлари мустаҳкамлана бошлади. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши иқтисодиётни ислоҳ қилишдаги муҳим қадамлардан бири бўлган бўлсада, жадал ўзгаришлар талабларига жавоб бера олмай қолди. 1994 йилгача бюджет ижросини бир пайтда ҳам Қозоғистон

Миллий банки, ҳам Қозоғистон Молия вазирлиги амалга ошириши бюджет жараёнини қийинлаштирди. Шунингдек, 3045 тача маҳаллий бюджетлар мавжуд эканлиги масаланинг яна бир мураккабликларидан бири эди. Шу боисдан, 2500 маҳаллий (посёлка ва овул) бюджетлар оптималлаштирилди. Шундан сўнг, 1996 йилда “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонун қабул қилинди, бюджетнинг ғазна ижросига ўтила бошланди.

Қозоғистон бюджет тизими тамойиллари

1.	Ягоналик	2.	Ўзлуksизлик
3.	Тўлиқлик	4.	Асосланганлик
5.	Ҳаққонийлик	6.	Ўз вақтидалик
7.	Шаффофлик	8.	Касса ягоналиги
9.	Якунийлик	10.	Самарадорлик
11.	Нативавийлик	12.	Жавобгарлик
13.	Мустақиллик	14.	Манзиллилик ва мақсадлилик

1999 йилга келиб, бюджет тизими тўғрисидаги учинчи қонун қабул қилинди. Унгача 1997 йилда бюджетнинг даромадлар ва харажатлар таснифи бўйича халқаро стандартга ўтилиши муҳим қадамлардан бири бўлди. 2008 йил 4 декабрда Бюджет кодекси қабул қилинди. Унга кўра Қозоғистон Миллий фонди ҳам бюджет тизимининг бир бўғини сифатида қайд этилди. Мазкур кодексга кўра, бюджет сиёсати қуйидаги тамойиллар асосида амал қилади (жадвалга қаранг):

Умуман олганда, бюджет тизимини амал қилиш тамойиллари мамлакатимиз тажрибаси билан киёслаганда кескин фарқланиш даражаси юқори эмас. Шундай бўлсада, Ўзбекистон шароитида бюджет сиёсатини шакллантиришда қуйидаги тамойилларни эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: ўзлуksизлик, асосланганлик ва ўз вақтидалик.

Фикримизча, миллий бюджет сиёсатида харажатларнинг амалга оширилишида вақтинчалик касса узилишига йўл қўймаслик учун бюджет ссудаси амалиёти қўлланилиши мавжуд. Шу боисдан, мамлакатимизда мавжуд тажрибани мазкур тамойилга амал қилиши пассив хусусиятга эга. Уни актив ҳолатда юзага келиши учун мазкур тамойилни ҳам тамойиллар қаторига қўшиш муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, харажатларни ўз вақтида таъминланиши тамойили ҳам амал қилишига имкон яратилади. Шунингдек, асосланганлик тамойилига алоҳида эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Мазкур тамойил ҳар бир бюджет сиёсати элементларини илмий-амалий жиҳатдан ишлаб чиқилишига шарт-шароит яратиб беради. Бизнингча, бюджет сиёсатини ишлаб чиқилишида харажатларнинг ҳар бирини атрофлича асосланиши муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, бюджет харажатлари функционал классификаторига эътибор берсак, Ўзбекистон бюджет таснифида давлат бюджети харажатлари йўналишлари умумий тарзда келтирилган. Қозоғистон бюджет таснифида эса, мазкур ҳолат кенгроқ тарзда берилган. Хусусан, бюджет харажатлари йўналишларининг функционал, гуруҳланиши, кичик гуруҳланиши, бюджет дастурлари маъмурияти, бюджет дастурлари гуруҳи ва кичик гуруҳлари мавжуд. Фикримизча, Қозоғистонда шакллантирилган бюджет таснифи дастурий мақсадли молиялаштиришга тегишли шарт-шароитни яратади. Шу боисдан, мамлакатимизда ҳам дастурий мақсадли молиялаштириш амалиётини жорий этиш учун муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш лозимки, Қозоғистонда марказлашган бошқарув амалиётининг қисқартирилишига қаратилган ислохотларни амалга оширилиши бевосита бюджет

соҳасидаги маҳаллий бошқарувнинг такомиллаштирилиши билан боғлиқдир. Жумладан, 2004 йилда “давлат бошқаруви ва бюджет муносабатлари ўртасида ваколатларни меъёрлаштирилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” қонуни билан ушбу ислохотларнинг дастлабки босқичи амалга оширилди. Натижада, ҳукуматнинг ваколатлари 820 тадан 796 тага камайди, марказий бошқарув органлариники эса 1516 тадан 1612 тага кўпайди⁸².

Фикримизча, бюджет маблағларини тақсимлашда марказий бўғиннинг ролини камайтириш, харажатларни амалга оширувчи органнинг ваколатларини кенгайтириш замонавий иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади, деб ўйлаймиз. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли қарорида “бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари кўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтирилиши назарда тутилган механизми жорий этилиши” белгиланди. Ушбу амалиётнинг киритилиши марказий бошқарувнинг камайтирилишини ўзида акс эттиради.

Шунингдек, бюджетнинг ижтимоий функцияси нафақат Ўзбекистон учун, балки Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари учун устувор аҳамиятга эга эканлиги кўзга ташланади. Бироқ, таъкидлаш лозим, Қозоғистонда мажбурий тиббий суғурта ва давлат ижтимоий суғурта фондларининг фаолияти ижтимоий вазфаларнинг кенг қамровли тарзда амалга оширилишини акс эттиради.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида мамлакатимизда бюджет сиёсатини такомиллаштиришда хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади:

бюджет сиёсатини амалга оширишда якунийлик, натижавийлик ва манзиллилик каби тамойилларга эътибор беришни тақозо этувчи методологик асосларини яратиш;

бюджет даромадларини тор доирадаги манбаларга боғлиқ бўлиб қолмаслигини таъминлаш ва солиқсиз даромадлар улушини ошириб бориш;

бюджет маблағларидан бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатларини молиялаштириш амалиётини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлатнинг стратегик мақсадларидан келиб чиқиб давлатнинг идоралариаро дастурларни амалга ошириш тажрибасини жорий этиш;

бюджет харажатлари мақсад кўрсаткичларининг маълум мезонлар ёрдамида баҳолаиб боришини таъминлаш амалиётини татбиқ этиш;

маҳаллий бюджетлар ижросини таъминлашда молиявий ваколатлар (ҳам даромадлар, ҳам харажатлар бўйича) мувозанатини таъминлаш чораларини кўриш.

Хулоса қилиб айтганда, бюджет сиёсатини амалга оширишда натижавийлик, тизимлилик ва ваколатлар мувозантини ўзида акс эттирган ҳолда амалга оширилиши муҳим аҳамиятга, деб ҳисоблаймиз.

⁸² Халикова Ш.Б. Реформирование системы государственного управления в контексте политической модернизации Республики Казахстан: автореферат ... PhD в политология. – КазНУ им ал-Фараби. Алматы, 2009. – 32 с.

ШАФФОФЛИК- БЮДЖЕТ САМАРАДОРЛИГИНИ ЖАМОАТ НАЗОРАТИ ШАКЛИ

БМА тингловчиси: Эргашов С.Р.

Бугунги кунда мамлакатимизда халқаро молия институтлари мутахассислари, давлат ва хусусий сектор вакиллари ҳамда олимлар билан ҳамкорликда давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, айниқса, давлат молиясини бошқаришда ташқи фойдаланувчиларга очиқ бюджет тамойилларига асосланган бюджет сиёсатини юритиш орқали мамлакат аҳолисини бюджет тизимини бошқарилишига халқ муносабатини ва баҳосини бериш имкониятини яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотларнинг халқ учун шаффофлигини таъминлаш, Бюджетномани тайёрлашда жамоатчилик фикрини инобатга олиш мақсадида ҳужжат лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиш шулар жумласидандир.

Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида ислохотлар янги босқичининг устувор масалаларидан бири сифатида давлат бюджети даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотларни чоп этиш орқали унинг халқ учун очиқ ва ошқора бўлишини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Хусусан, Президентимиз Олий Мажлисга мурожаатномасида қуйидаги жумлаларни келтириб ўтган эдилар: “Биз мамлакатимиз бюджет тизимини қайта кўриб чиқишимиз, бюджет даромадлари ва харажатлари халқимиз учун очиқ ва ошқора бўлишини таъминлашимиз зарур”⁸³

Сўнги йилларда мамлакатимизда бюджет шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида ислохотлар янги босқичининг устувор масалаларидан бири сифатида давлат бюджети даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотларни чоп этиш орқали унинг халқ учун очиқ ва ошқора бўлишини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Худди шу вазифа 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.08.2018 йилдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли қарори бюджет ошқоралигини янада ошириш йўлидаги катта қадам бўлди.

Унга кўра, бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

Шунингдек, “Очиқ бюджет” сиёсатини давлат молиясини бошқаришда баҳолаш мезони сифатида алоҳида ва муҳим аҳамиятга эгалигини Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сонли “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Халқаро бюджет ҳамкорлиги (International budget partnership) томонидан юритилувчи “Бюджет очиқлиги” (Open budget index) индексини Ўзбекистон қонунчиликларига имплементациясини, миллий индексларни ишлаб чиқиш, шунингдек дастлабки даврда индекс кўрсаткичларини таҳлил

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга нўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 16.01.2017.

қилиш ва тавсиялар бериш каби ишларни амалга ошириш учун маъсул Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институтини бириктирилишида ҳам ўз аксини топган.

Бюджет шаффофлиги (очиклиги) муаммолари турли мамлакатларда бир қанча илмий изланувчиларнинг илмий ишларида ёритиб ўтилган. Мисол учун, Ж.Алт⁸⁴ олиб борган илмий тадқиқотида АҚШда фискал шаффофлик муаммоларини ўрганиб чиққан. М.Джармужек⁸⁵ эса иқтисодий ўтиш босқичида бўлган мамлакатларда фискал шаффофликни тадқиқ этган.

А.Чулков⁸⁶ ўз илмий тадқиқот ишларида фискал очикликнинг давлат сиёсатинининг турли жиҳатларига таъсирини таҳлил қилганлар. Бюджет шаффофлиги (очиклиги) мавзуси бўйича қатор илмий тадқиқотлар ИХТТ мамлакатлари доирасида амалга оширилди.

Бундан ташқари, ХВЖ доирасида Россия Федерациясининг бюджет-солиқ тизими шаффофлигини баҳолаш ўтказилди. Мамлакатда бюджетлар очиклигини таҳлил қилишда энг катта улушни Халқаро бюджет ҳамкорлиги келтирган. Россия Федерациясида ҳам бюджет очиклиги (шаффофлиги) бўйича бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Мисол учун, И.Ишина⁸⁷ томонидан олиб борилган тадқиқотлар ана шулар жумласидандир.

Давлат молиясини баҳолашда “бюджет шаффофлиги” ни умумлаштирган ҳолда бир қанча таклифлар ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакатимизда сўнги йилларда Республика даражасида бюджет шаффофлиги даражаси яхшиланиб бораётган бўлса, ҳудудлар миқёсида ханузгача шаффофлик даражаси пастлигича қолмоқда. Бунинг исботи сифатида айрим маҳаллий молия органларининг ҳаттоки шахсий веб-сайти йўқлигини ёки веб-сайти бўлишга қарамадан ундаги маълумотларни эскилигида ҳам келтириш мумкин.

Шунингдек, маҳаллий молия органларининг бюджет натижалари бўйича, бюджет даромад ва харажатлари бўйича ҳам чораклик, йиллик ҳисоботлари сушт эълон қилиб борилишидадир.

Таклиф шундан иборатки, барча даражадаги маҳаллий молия органларининг ўз шахсий сайтларини тўлиқ ишга тушириш, ҳисоботларни ўз вақтида чоп этиш ҳамда барча учун очиклигини таъминлаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришининг асосий яқунлари ва 2017 йилга нўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 16.01.2017.

2. Alt (2006). Fiscal Transparency, Political Parties and Debt in OECD Countries / J.E. Alt, D.D. Lassen // Europe an Economic Review. - Vol. 50. - Issue 6. - pp. 1403–1439.

3. Jarmuzek (2006). Fiscal Transparency in Transition Economies / M. Jarmuzek, E.K. Polgar, R. Matousek, J.Hölscher. - Center for Social and Economic Research. - Warsaw, Poland – 24 p.

⁸⁴ Alt (2006). Fiscal Transparency, Political Parties and Debt in OECD Countries / J.E. Alt, D.D. Lassen // Europe an Economic Review. - Vol. 50. - Issue 6. - pp. 1403–1439

⁸⁵ Jarmuzek (2006). Fiscal Transparency in Transition Economies / M. Jarmuzek, E.K. Polgar, R. Matousek, J.Hölscher. - Center for Social and Economic Research. - Warsaw, Poland – 24 p.

⁸⁶ Чулков (2015). «Бюджет для граждан» как метод повышения прозрачности бюджетной системы / А.С. Чулков // Финансы. – №. - С. 18-22.

⁸⁷ Ишина (2015). Открытость и прозрачность в управлении финансами регионов: проблемы и пути решения / И.В. Ишина // Вопросы региональной экономики. – №4. – С. 122-128.

2-СЕКЦИЯ

КАРПАРАТИВ СЕКТОР КОМПАНИЯЛАРИ, ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА БОШҚА МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИНИНГ РЕСУРС ТАЪМИНОТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

*Бобакулов Т. И. Тошкент молия институти профессори, и.ф.д.
Ибодуллаев Ш. Т. Тошкент молия институти талабаси*

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни кенгайтириш макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартлари сифатида қайд этилган⁸⁸. Ўз навбатида, тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳажмини оширишнинг бирламчи шарти бўлиб, ушбу кредитларнинг етарли даражада ресурс таъминотига эга бўлиши ҳисобланади. Шу сабабли, тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган инвестицияларни молиялаштиришдаги ролини ошириш бевосита уларнинг узок муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари инвестицион кредитларининг ресурс таъминоти билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб, инвестицион кредитларнинг муддатлари билан узок муддатли ресурсларнинг муддатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминланмаганлиги ҳисобланади.

2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, Акциядорлик-тижорат “Асакабанк”да бир йилдан ортиқ муддатга берилган инвестицион кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 72,5 фоизни ташкил этгани ҳолда, бир йилдан ортиқ муддатга жалб этилган депозитларнинг жами мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи атиги 13,7 фоизни ташкил этди⁸⁹. Худди шундай ҳолатни бошқа йирик тижорат банкларида ҳам кузатиш мумкин.

Тижорат банклари инвестицион кредитларининг ресурс таъминоти билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан яна бири – банкларнинг узок муддатли қимматли қоғозларини муомалага чиқариш амалиётининг такомиллашмаганлигидир.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар улар мажбуриятларининг атиги 0,01 фоизини ташкил этди⁹⁰. Ҳолбуки, тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағлари уларнинг мажбуриятлари ҳажмида депозитлардан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Фикримизча, тижорат банкларининг узок муддатли қимматли қоғозларини чиқариш йўли билан ресурслар жалб қилиш амалиётини такомиллаштиришга тўсқинлик қилаётган асосий омиллар бўлиб, инфляция даражасининг ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги ҳисобланади (жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, республикада инфляция даражаси ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръати нисбатан юқоридир. Бу эса, миллий валютада ёзилган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг реал қийматини

⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №6 (766). – 70-модда.

⁸⁹ АТ “Асакабанк”. Шакллар: 0026AAL; 0024AAL.

⁹⁰ Тижорат банкларининг жамланма баланси. www.cbu.uz.

пасайишига олиб келади ва ушбу қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибadorлигини оширишга тўсқинлик қилади.

Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси ва миллий валютанинг АҚШ доллариға нисбатан номинал алмашув курси⁹¹

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Инфляциянинг йиллик даражаси, %	5,7	14,4	14,3
Миллий валютанинг 1 АҚШ доллариға нисбатан номинал алмашув курси, сўм (хар бир йилнинг 31 декабрь ҳолатиға)	3231, 48	8120,07	8339,55

Инвестицион кредитларнинг ресурс таъминоти билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан яна бири бўлиб, регулятив капиталнинг барқарорлигини таъминлаш муаммоси ҳисобланади. Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, биринчидан, девальвация захираси тижорат банклари капиталининг биринчи даражали капитали таркибига киритилган (Базель стандартига кўра, девальвация захирасини тижорат банкларининг капитали таркибига киритиш мумкин эмас); иккинчидан, республикамик тижорат банкларида эмиссион даромад мавжуд эмас.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари инвестицион кредитларининг ресурс таъминотини яхшилаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалға ошириш мақсадға мувофиқдир:

1. Тижорат банклари инвестицион кредитларининг муддатлари билан узок муддатли ресурсларнинг муддатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш мақсадида улар томонидан икки йилдан ортиқ муддатға чиқарилган облигацияларни Марказий банк томонидан субординациялашган қарз мажбуриятлари сифатида тан олиш лозим.

Бунинг натижасида, биринчидан, узок муддатли ресурсларнинг тижорат банклари пасивлари ҳажмидаги салмоғи ошади, иккинчидан, банкларнинг регулятив капитали миқдори кўпаяди, чунки субординациялашган қарз мажбуриятлари иккинчи даражали капитал таркибида ҳисобға олинади. Пировард натижада, узок муддатли инвестицион кредитларнинг ресурс таъминоти сезиларли даражада яхшиланади.

2. Инфляция даражасини пасайитириш ва миллий валютанинг номинал алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш йўли билан тижорат банклари томонидан муомалаға чиқариладиган узок муддатли қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибadorлик даражасини ошириш зарур.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инфляция даражасини пасайитириш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш амалға оширилиши шарт бўлган муҳим чора-тадбирлар сифатида белгиланган. Аммо, 2019 йилнинг сўнггида ҳам мазкур чора-тадбирнинг ижроси таъминланмади.

3. Тижорат банклари регулятив капиталининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида, биринчидан, девальвация захирасини тижорат банкларининг регулятив капитали таркибидан умуман чиқариб ташлаш керак; иккинчидан, банкларнинг оддий ва имтиёзли акцияларининг бозор баҳоларини ошишиға эришиш йўли билан уларнинг эмиссион даромадлари миқдорини кўпайитириш лозим.

⁹¹ Жадвал муаллифлар томонидан www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) сайи маълумотлари асосида тузилган.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Додиев Ф.Ў.– Ўз. Р. БМА
“Банк иши” кафедраси мудири, и.ф.н.*

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлаш учун иқтисодиёт тармоқларини таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва илмий сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим. Шундагина иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ошади, экспорт ҳажми кўпаяди ва савдо баланси ижобий қолдиқда бўлади. Буларга эришиш учун катта ҳажмдаги инвестицияларни иқтисодиётга оқилона ва самарали равишда қўйиш лозим. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилганидек, “ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш”⁹² лозим. Ушбу жараёнда тижорат банклари республикадаги асосий инвестиция институти сифатида муҳим роль ўйнайди. Чунки мамлакатимизда бошқа молия институтлари, хусусан, инвестиция фондлари яхши ривожланганмаган. Мазкур ҳолат тижорат банклари инвестиция фаолиятини ривожлантиришни тақоза этади.

Республикада тижорат банклари инвестиция фаолияти асосан давлат дастурларига киритилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилган. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадларига тижорат банклари томонидан 2018 йилда 38,8 трлн. сўм ёки 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди⁹³. Ушбу инвестицион кредитлар банкларнинг жами кредитларининг 23,5%ни, жами активларининг 18,1%ни ташкил этади⁹⁴.

Тижорат банклари активлари таркиби

Кўрсаткичлар номи	01.09.2018 й.		01.09.2019 й.		Ўзгариши, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	4 530	2,3%	7 420	2,6%	63,8%
Марказий банк ва бошқа банклардаги маблағлар	36 542	18,75%	31 980	11,2%	-12,5%
Инвестициялар ва бошқа қимматли қозғозлар	1 680	0,9%	3 386	1,2%	101,6%
Кредит қўйилмалари, (соф)	141 021	72,5%	226 134	79,4%	60,4%
Асосий воситалар, (соф)	2 895	1,5%	4 813	1,7%	66,3%
Бошқа активлар	7887	4,1%	11189	3,9%	41,9%
Жами активлар	194 555	100%	284 923	100%	46,4%

⁹² <http://lex.uz/docs/3107036>

⁹³ <http://cbu.uz/uzc/statistics/financing/2019/01/155295/>

⁹⁴ Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Ўзбекистон тижорат банклари инвестиция фаолияти хусусияти шундан иборатки, улар фақатгина кредитлар билан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этишмоқда. Банкларнинг корхоналар устав капиталига қатнашган ҳолда ёки уларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш билан боғлиқ инвестиция фаолияти ривожланмаган. Буни тижорат банклари активлари таркибидан ҳам кўриш мумкин. 2019 йил 1 август ҳолатига банкларнинг инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозларга қилинган қўйилган маблағлари банк активларининг 1,2%ни, кредит қўйилмалари эса 79,4%ни ташкил этади (жадвал).

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 7-моддасида “Банкларга юридик шахсларни ташкил этиш ва юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади” деб ёзилган. Аммо бошқа молия институтлари ва уларга хизмат қилувчи юридик шахслар ҳамда қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно дейилган. Ушбу ҳолат республикаимиз корхоналарини инвестицияларга эҳтиёжи юқори бўлган шароитда тижорат банклари инвестиция фаолиятини чегаралайди.

Шунингдек, корхоналар инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари кредитларидан фойдаланишлари учун фоиз ставкалари даражаси юқорилик қияпти. 2018 йил декабрда миллий валютадаги узоқ муддатли банк кредитлари бўйича фоиз ставкалари 21,5%ни ташкил қилган бўлса, 2019 йил июлда 25,5%дан иборат бўлган. Бундай фоиз ставкаларида кредитлардан фойдаланиш учун инвестиция лойиҳаларини рентабеллиги жуда юқори бўлиши лозим⁹⁵.

Чет эл валютасидаги узоқ муддатли банк кредитлари бўйича фоиз ставкалари 2018 йил декабрда 5,9% бўлса, муддати 1 йилдан 5 йилгачаси 7,6-9,4% ташкил этган. Мазкур фоиз ставкалари 2019 йил июль ойида эса 6,4% ва мутаносиб равишда 7,5-11,2 %дан иборат бўлган⁹⁶. Ушбу фоиз ставкалари ҳам хорижий давлатлардаги банкларнинг фоиз ставкаларига нисбатан юқори бўлиб, бу республикаимиздаги инвестиция лойиҳалари натижасида ишлаб чиқиладиган товарларнинг халқаро рақобатбардошлигига салбий таъсир қилади. Масалан, 2019 йил июль ойида чет эл валютасидаги узоқ муддатли банк кредитлари бўйича фоиз ставкалари Белоруссияда 5,4%⁹⁷, Қозоғистонда 5,2%⁹⁸ бўлган. 2019 йил июлда 3 ойлик USD LIBOR ставкаси 2,32%, 6 ойлик USD LIBOR ставкаси эса 2,63%⁹⁹ бўлган.

Бундан яна шундай хулоса қилиш мумкинки, республикаимиз тижорат банклари инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда хорижий кредитларни фаол жалб қилишлари лозим. Бу ерда банклар учун катта имконият бор.

“Ўзбекистоннинг ташқи қарзи 2017 йил охирида тахминан 16,9 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Ташқи қарзнинг ялпи ҳажми бўйича Ўзбекистон Республикаси жаҳонда 99 ўринда жойлашган. Давлат қарзининг ЯИМ билан нисбати паст - 16%. Ўсиш эҳтимоли бор, бу эса халқаро кредитларни жалб қилиш ҳисобига кредитлаш баҳосини туширишга имкон беради¹⁰⁰. Шунингдек, тижорат банклари ресурс базаси мустаҳкамланади. Аммо бу ерда миллий валютанинг девальвация даражаси юқори бўлиши билан боғлиқ валюта риси мавжуд.

⁹⁵ <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/dks/2019/08/174158/>

⁹⁶ <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/dks/2019/08/174160/>

⁹⁷ <https://www.nbrb.by/statistics/CreditDepositMarketRates/>

⁹⁸ <https://nationalbank.kz/?docid=305&switch=russian>

⁹⁹ <https://www.bnb.by/k-delu/finansirovanie/stavki-libor/>

¹⁰⁰ Буюк келажак “Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси”, 20-бет

Хулоса қилиб айтганда, таҳлил натижасида республикамиз тижорат банклари инвестиция фаолиятини ривожлантириш учун қуйидагилар таклиф ва тавсия қиламиз:

- Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунида тижорат банкларига юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш ҳуқуқини бериш лозим;

- Марказий банк қатъий пул-кредит сиёсати юргизиб, инфляция даражасини ва унга мутаносиб равишда қайта молиялаштириш ставкасини пасайтириши зарур. Шундагина инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг муҳим манбаси бўлган банк кредитлари арзонлашади;

- тижорат банклари халқаро молия бозорларидан фаол равишда молиявий ресурсларни жалб қилишлари лозим. Бу бир томондан, чет эл валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкаси тушади, иккинчи томондан, банкларнинг молиявий ресурс базаси мустаҳкамланади. Албатта, бунда валюта rischi ҳисобга олиш ва уни олдини олиш чора-тадбирларини кўриш лозим.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИЛИКНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Тожиев Р. Р. Тошкент давлат иқтисодиёт
университети доценти*

Жаҳон ҳўжалик тизимидаги ўзгаришларнинг миллий иқтисодиётга салбий таъсири тижорат банкларида ликвидлиликни бошқарувида мураккаб вазиятнинг асосий сабабларидан биридир. Шу боисдан, молиявий танглик ҳолатларида ликвидлилик хавфи тижорат банклари юз тутадиган асосий муаммолардан ҳисобланади. Ликвидлиликни самарали бошқарувининг таъминлаш экан, бу ҳолат банкларни ликвидлилик инқирозига, ҳатто банкротликка ҳам дучор қилиши мумкин.

Банкларнинг ликвидлигини бошқаришда йўл қўйилган хатоликлар эса тижорат банкларининг фаолиятига ёмон таъсир кўрсатиб ва мамлакат банк тизими даражасининг салбийлиги ҳам ифодалайди. Натижада эса, банк томонидан мижоз ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятни бажара олмаслик нафақат мазкур банкка бўлган ишончни, умумий банк тизимига бўлган ишончни ҳам пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда “иқтисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга”[1] бўлиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтириш тижорат банкларимиз олдидаги долзарб вазифалардандир.

Шуни таъкидлаш керакки, тижорат банкининг мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиши жамоатчиликнинг унга бўлган ишончини оширади ва бу янги депозитларни жалб қилиш қатор имкониятларни юзага келтиради. Шу боисдан ҳам, қисқа муддатли ликвидликка бўлган талабни қондириш ва юқори фойда олиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш банк бошқаруви олдига қўйиладиган асосий вазифалардан саналади. Айни пайтда, етарли ликвидлиликни таъминлаш зарурияти фойда олишга бўлган интилишни ҳам мувозанатда ушлаб туриши лозим.

Банк менежменти орқали доимий ликвидлик даражасини таъминлаш, ўз навбатида, активлар сифати ва таркиби, пасивлар таркиби, капиталнинг етарлилиги, фоиз ставкаларини ўзгариши riskдан ҳимояланиш, фоиз ставкалари ўзгаришига мойил бўлган активлар ва пасивларнинг мувофиқлигини таъминлаш, валюта позициясини самарали бошқариш, банк қарздорларининг молиявий ҳолати кабиларга чамбарчас боғлиқ.

Банк ликвидлигини бошқариш бўйича қарорларни қабул қилишда жорий ликвидлик ҳолати, ресурсларга бўлган талабнинг даврий равишда ўзгариб туриши,

ресурсларга бўлган талабнинг кутилаётган ўзгаришлари, ресурслар манбалари ва уларнинг қиймати, активларнинг сифати, ресурсларнинг жамланганлиги, банкнинг капитали ва фойдалилигини ҳисобга олган ҳолдаги банкнинг умумий молиявий ҳолати, балансдан ташқари мажбуриятлар ва шартномалар, жумладан, ишлатилмаётган кредит линиялари, аккредитивлар, қимматбаҳо қоғозлар ва валютани сотиб олиш бўйича тузилган шартномалар каби омиллар чуқур таҳлил қилиниши лозим.

Таъкидлаш лозимки, ликвидлилик коэффициентлари ликвидлиликнинг етарлилиги бўйича аниқ маълумот бера олмайди. Шу боисдан, уларга банкка берилаётган умумий баҳонинг бир қисми сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

Шунга қарамай, жорий ликвидлилик коэффициентининг меъёри банк ликвидли активларининг қанча қисми омонатчиларни томонидан депозитлар талаб қилинганда фойдаланилиши мумкинлигини кўрсатади.

Лаҳзали ликвидлилик коэффициентини ҳисоблашда фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги маблағлар инобатга олинади.

Лаҳзали ликвидлилик коэффициенти 2017 йил 1 августдан бошлаб 10 фоиздан, 2017 йил 1 ноябрдан бошлаб 15 фоиздан, 2018 йил 1 январдан бошлаб 20 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Бундан ташқари, тижорат банки 30 кундан 1 йилгача муддатга олинган кредитлар ва бошқа қарз мажбуриятларини қоплаш учун етарли даражада 30 кундан 1 йилгача муддатга эга бўлган активларга ҳам эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 24 июнда тасдиқланган 472-сонли “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2015 йил 22 августдаги 19/10-сонли қарори билан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, ушбу Низомда банк акциядорлари, банк кенгаши ва бошқаруви ўртасидаги муносабатлар, банк фаолиятига оид сиёсатларни ишлаб чиқиш, ижро этиш ва назорат қилиш бўйича жавобгарлик масалалари белгилаб берилган. Унга мувофиқ, Банк кенгаши томонидан бошқарув фаолияти устидан назорат амалга оширилади. Банк кенгаши томонидан маълум турдаги сиёсатлар ўрнатилиб, улар қуйидагиларни қамраб олади:

- актив ва пасивларни бошқариш (маблағларни бошқариш (маблағларни бошқариш бўйича қўмита ташкил этишни ўз ичига олади);
- кредит сиёсати (бу кредит ва кредитларни кўриб чиқиш ички жараёнини ўз ичига олади);
- кадрлар сиёсати (фаолиятни баҳолаш жараёни ва мукофотлар беришни аниқлашни ўз ичига олади);
- дивидендларни тўлаш сиёсати;
- инвестиция сиёсати;
- эмиссия сиёсати.

Шунингдек, Банк кенгаши ликвидлиликни синчковлик билан назорат қилиши керак. Низомга мувофиқ, агар банк ўз мажбуриятларини ўз вақтида катта зарарларсиз таъминласа, хусусан депозитларнинг тўсатдан банкдан олинишида ўз мажбуриятларини бажара олса, банк ликвидли ҳисобланади.

Кенгаш Марказий банк томонидан белгиланган жорий ликвидлилик коэффициентиға минимал талабнинг бажарилишини назорат қилишдан ташқари, ликвидлиликнинг қўшимча коэффициентларни ҳам кўриб бориши лозим.

Банк Кенгаши томонидан ҳар чоракда камида бир марта ликвидлиликни бошқарилиши муҳокама қилиниши ва натижаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниши лозим.

Ҳар бир банкда ликвидлиликни бошқариш қўмитаси тузилиши ҳамда унинг зиммасига ликвидлиликни самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида банкнинг

барча бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилиши ва Қўмита банкнинг бизнес-режаси ҳамда у фаолият олиб бораётган иқтисодий шароитларга асосланиб, ресурсларга бўлган жорий ва истикболдаги эҳтиёжларни кўриб чиқиш учун ҳафтасига камида бир марта йиғилишини ўтказди.

Қўмитага доимий равишда ликвидлилик таваккалчилигини ҳамда юридик шахсларнинг молиялаштиришга бўлган талабларини, фаолиятлари йўналишларини, пул оқимларини назорат қилиши ва мониторингини амалга ошириш зиммасига юклатилган. Мазкур қўмита ликвидлигини таъминлаш учун банк баланс ҳисоботи, фойда ва зарарлар ҳисоботини доимо назорат қилиб туради. Бундан ташқари, банк мажбуриятларини сўндириш вақти билан унинг активларини сўндириш вақти ўртасида ноаниқликлар юзага келмаслиги учун банкнинг даромад келтирувчи активлари ва банк пасивларининг фоиз ставкаси ўртасида балансни ушлаб туришни назорат қилиб туриши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли қарорига[3] мувофиқ, Банк кенгаши аъзолари таркибига миноритар акциядорлар манфаатларини намоён этувчи вакилни мажбурий тарзда кириши талабини амалиётга жорий этиш белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, тижорат банклари корпоратив тузилмасига бевосита Банк кенгашига бўйсунувчи Рискларни назорат қилиш қўмитасини қўшиш, ҳар чорақда Банк кенгаши йиғилишида Бошқарув раиси ва аъзолари, бўлинмалар раҳбарлари ва ички аудитнинг банкнинг активлари, кредит ва инвестиция портфели, банк капитали ўсишини таъминлаш, фойдалилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари, шунингдек, банк тизими олдида қўйилган бошқа устувор вазифаларнинг бажарилиши ҳолати бўйича ҳисоботларини кўриб чиқиш, ички аудит хизматини янада кучайтириш бўйича талаблар белгилаб берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли фармонида ҳам акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш вазифаси барча акционерлик жамиятларга белгилаган[4].

Фикримизча, ҳужжатларда белгиланган вазифалар банкларда ресурсларни бошқариш, активлар сифати ва даромадлигини ошириш, пасивлар бўйича мажбуриятларни бажариш, рискларни назорат қилишни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, банк ликвидлигини самарали бошқариш актив ва пасивларни бошқаришни ўз ичига олиши керак. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш ва уни оқилона бошқариш асосида банк активлари ва мажбуриятлари оқимини, яъни банк маблағларининг манбалари ва бу маблағлардан фойдаланиш муддатларини мувофиқлаштириш ётади. Тижорат банкнинг ликвидлилик бўйича маъсул ходими иккала оқимнинг ўзгаришини олдиндан кўра билиб режалаштириши ва натижада, ликвид маблағларнинг таклифи ва уларга бўлган талаб ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган банкнинг соф ликвид позициясига эришиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://prezident.uz/uz/lists/view/1371>
2. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида низом. <http://www.lex.uz>

3. 2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида. <http://www.lex.uz>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4720-сонли фармони. <http://www.lex.uz>

ИНВЕСТИЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ УЗБЕКИСТАНА: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

*Арзуманян С. Ю. к.э.н., доцент
«РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г.Ташкенте*

Приоритеты развития отечественной экономики связаны с осуществляемой в Узбекистане инвестиционной политикой. Для инвесторов в республике создан благоприятный инвестиционный климат, система льгот и преференций. Обеспечение макроэкономической стабильности и устойчивости экономического роста, повышение конкурентоспособности, инвестиционного и экспортного потенциала отраслей экономики, создание благоприятных условий для развития и защиты предпринимательства, снижение уровня напряженности на рынке труда, рост доходов населения и сокращение малообеспеченности[1].

Инвестиционная деятельность играет существенную роль в функционировании и развитии экономики республики. Активизация деятельности коммерческих банков в инвестиционных проектах является источником капиталобразующих инвестиций в объекты предпринимательской деятельности. Формы инвестиционных вложений в объекты реального инвестирования различны. Инвестиционное кредитование, финансирование инвестиционных проектов, взаимовыгодно, так как предоставляя в кредит определенные инвестиционные ресурсы, коммерческий банк, в свою очередь, финансирует и инвестиционные программы своих заемщиков, удовлетворяя тем самым на определенное время их потребности в финансовых средствах. Коммерческие банки должны стремиться к сотрудничеству с участниками экономической жизни страны, ставит перед собой главной целью удовлетворение разнообразных нужд в банковских продуктах и услугах хозяйствующих субъектов вне зависимости от формы собственности и масштабов деятельности. При этом основной акцент необходимо делать на качество предоставляемых банковских услуг.

Инвестиционная деятельность отечественных банков в настоящий момент осуществляется в рамках Постановления Президента Республики Узбекистан от 28 июля 2009 г. №ПП-1166 «О дополнительных мерах по стимулированию увеличения доли долгосрочных кредитов коммерческих банков, направляемых на финансирование инвестиционных проектов».

Основным критерием инвестирования для любого банка выступает эффективность инвестиционных вложений. И, конечно, приоритетными задачами для банка является активное участие в финансировании строительства крупных промышленных предприятий для производства сырьевых компонентов, расширение масштабов локализованного производства комплектующих, развитие логистических центров, поддержка развития инновационных технологий, обеспечение взаимосвязи науки и реального сектора экономики. На 1 февраля 2019 года банки Узбекистана выдали 2,5 трлн. сумов инвестиционных кредитов, что в 3,6 раза больше, чем за аналогичный период 2017 года.[2]

Однако, несмотря на тенденцию роста инвестиционных кредитов, всё еще имеется ряд проблем в этой сфере. Одной из актуальных проблем в инвестиционной

деятельности банков является возникновение проблемных и просроченных кредитов (non-performing and overdue loans), что неизбежно, в то время как банки активно выдают инвестиционные кредиты за счет иностранных кредитных линий, собственных средств и в соответствии с Инвестиционной программой РУз.

Это объясняется реализацией экономической программы в стране, включающей развитие отраслей экономики, запуск импортозамещающего производства, обеспечение занятости населения и выполнение экспортной программы по поставке готовой продукции.

В связи с этим за последний период, кредитный портфель отечественных банков показал существенный рост в основном за счет долгосрочных вложений в отрасли экономики.

Таблица

Структура кредитов коммерческих банков Узбекистана по срокам[3]

	2014	2015	2016	2017	2018
Кредиты – всего, млрд. сум	32 161	42685	52 596	110 572	167 391
Краткосрочные кредиты, млрд. сум	4 403	4 193	4 244	4 753	8 663
Доля краткосрочных кредитов в общем объеме кредитов, %	13,7	9,8	8,1	4,3	5,2
Долгосрочные кредиты, млрд. сум	27 758	38 492	48 367	105 819	158 728
Доля долгосрочных кредитов в общем объеме кредитов, %	86,3	90,2	91,9	95,7	94,8

Это объясняется широким вовлечением коммерческих банков в процесс финансирования государственных программ. В целях совершенствования инвестиционной деятельности банков необходимо определить следующие задачи:

- Усиление методов и форм экспертизы инвестиционных проектов, финансируемых за счет кредита банка.
- Разработка новых форм и схем финансирования инвестиционных проектов.
- Внедрение новых методов и инструментов в управлении проблемными кредитами и снижение их доли.

Одной из мер, направленных на достижение этих целей является необходимость ускорения процесса создания финансовой компании в структуре банков по выполнению всех видов трастовых операций. К важнейшим из них можно отнести: временное управление делами компании в случае ее реорганизации или банкротства; выполнение функций агента для акционерных компаний и др.

При этом следует усилить роль банка в значительном расширении операций в доверительном управлении предприятиями, особенно по предприятиям, имеющим непогашенные кредиты, превышающие 30% от суммы кредита.

Эти меры будут способствовать выполнению задач Концепции развития республики, которая связана с диверсификацией экономики и предусматривает модернизацию системы производства, поддержку предприятий-экспортеров, кредитное содействие малым и частным предприятиям, что является одним из приоритетных направлений отечественных коммерческих банков. Это развитие связано также со строительством новой инфраструктуры на селе и совершенствованием сельскохозяйственного производства, что должно позитивно отразиться на формировании ВВП и обеспечении занятости населения.

1. Проект Постановления Президента РУз ID-8839 от 07.10.2019 г. «Концепция комплексного социально-экономического развития республики Узбекистан до 2030 года»// <https://regulation.gov.uz>

СДЕЛКИ ПО СЛИЯНИЮ И ПОГЛАЩЕНИЮ КОММЕРЧЕСКИХ БАНК.

*Холмахмадов З.А., к.э.н. доц. ТФИ,
Зуннунова Х.М. базовый докторант БМА РУз.*

Длительный период стагнации, равно как и неблагоприятное изменение экономической ситуации требуют от коммерческого банка повышения эффективности, что в конечном счёте определяет выживание бизнеса на рынке. Одним из стратегических способов достижения преимущества перед конкурентами является проведение сделок по слиянию и поглощению компаний (Mergers and Acquisitions, M&A). Такие сделки обеспечивают для банка возможность скачкообразно улучшить экономические показатели банка, эффективно капитализировать средства и многое другое.

«M&A» сделки («Mergers & Acquisitions», «слияние и поглощение») - это комплекс мероприятий, направленных на объединение двух и более банков в одну корпорацию с единым управляющим органом, который сопровождается передачей контроля по управлению бизнесом от одного банка к другому. Сделки «M&A» - это особый вид инвестирования, основанный на принципах добровольного согласия всех участников процесса и взаимной выгоды. Такое явление как сделки слияния и поглощения возникли вследствие применения мирового опыта корпоративного менеджмента в области реструктуризации компаний.

Сделки M&A в мире¹⁰¹

Годы	M&A число сделок	Сумма M&A сделок (млн. долларов США)
2017	96 082	4 740 969
2016	104 559	4 892 779
2015	109 615	5 871 017
2014	102 746	4 811 910
2013	92 741	3 698 861
2012	85 325	3 329 556

Ситуация в Америке и Азии ясно показывает, что в банковском секторе сейчас как никогда важен масштаб. Он позволяет широко инвестировать в технологические платформы и анализ данных. В Европе слишком много кредитных институтов - 48 банков считаются достаточно значимыми для того, регулярно подвергаться 'стресс-тестам'. Банки винят в этом недостаточную гармонизацию законодательства и регулирования в Европе. Однако это - лишь половина правды. Большинство крупных банков боится потерять свою независимость, а их начальники слишком любят тот статус, который им придаёт должность руководителя крупного кредитного института. Слияние Deutsche Bank AG и Commerzbank AG, а также возможное слияние итальянского банка UniCredit SpA и французского Societe Generale SA – это два возможных влияния в 2019 году. Крупные слияния рассматриваются некоторыми банками как последняя возможность улучшить финансовые показатели и сократить расходы. Слияния помогут решить проблемы с "плохими" активами или отсутствием устойчивой бизнес-модели. Шансы на более мелкие слияния выглядят лучше, поэтому можно прогнозировать, что в новом году будет волна консолидаций на банковском рынке Германии.

Испанские банки Unicaja Banco SA и Liberbank SA уже сейчас ведут переговоры о возможном слиянии. Небольшие британские банки в попытке конкурировать с более крупными конкурентами могут объявить о слиянии.

¹⁰¹ [Отчёты](#) информационной агентствы Bloomberg

Как и все сделки, сделки M&A в общем случае обладают типичными преимуществами и недостатками. И также они характеризуются высоким уровнем рисков при весьма невысокой вероятности достижения успешного результата, что определяет этот вид сделок как сложный.

Плюсы сделок слияния и поглощения очевидны:

- наличие возможности получения прорывного результата в краткосрочном периоде;

- захват новых отраслевых и/или географических сегментов рынка;
- моментальное получение определённой доли рынка;
- снижение конкурентного давления;
- оперативное и комплексное получение стратегических активов, в том числе интеллектуальных;

- вероятность принятия на баланс недооценённых активов;

Минусы сделок говорят сами за себя:

- существенные затраты финансов, поскольку в ряде случаев имеют место выплаты премий акционерам, выходных пособий персоналу и других видов компенсаций;

- не исключено возникновение сложностей с работниками приобретённого банка после заключения сделки;

- несовместимость корпоративных культур, что особенно актуально в случае трансграничных слияний;

- сложности процесса объединения при работе банка в различных сферах;

- значительные риски, в особенности при ошибках в оценке банка.

В заключение хотели привести несколько предложений по улучшению сделок M&A:

- при слиянии или поглощении банки должны выбирать те банки, которые обслуживают одинаковые сферы экономики;

- предварительно определить все расходы по сделке;

- выбрать профессиональную компанию оценки и другие.

При соблюдении вышеуказанных предложений риски по M&A сделкам уменьшаться и эффективность сделок намного увеличится.

Список использованной литературы:

1. Antill, N. and Lee, K. (2009) "Company valuation under IFRS. Interpreting and forecasting accounts using International Financial Reporting Standards", Harriman House Ltd, Norfolk, Great Britain. - 41p.

2. Джозеф Синки-мл. (2007) Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг /; Пер. с англ. — М.: Альпина Бизнес Букс, 118 с.

3. Дамодаран А. (2006) Инвестиционная оценка. Инструменты и методы оценки любых активов: Пер. с англ., 3-е изд. / А.Дамодаран. М.: Альпина Бизнес Букс, - 134 с.

4. Есипова В.Е., Маховика Г.А. (2010) Оценка бизнеса., Питер, 456 с.

5. Коупленд Т. (2005) Стоимость компаний: оценка и управление: Пер. с англ., 3-е изд, перераб. и доп. / Т. Коупленд, Т. Коллер, Дж. Муррин. - М.: Олимп-бизнес, -25 с.

6. Международные стандарты оценки. (1994) Международный Комитет по Стандартам Оценки 24 марта 1994 г. Лондон

7. Роуз П.С. (1995) Банковский менеджмент [Текст] / П.С. Роуз. М.: Дело Лтд, -321 с.

БИРЖАВИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ САВДО ТИЗИМИ ҲАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Мухамедов Ф. Т. иқтисод фан.номз., доц.
Тошкент молия институти.*

Мамлакатимизда биржавий қимматли қоғозлар бозори савдо тизими сифатида “Тошкент” Республика фонд биржаси фаолият кўрсатади. “Тошкент” Республика фонд биржаси ташкил этилишига ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-745 – сонли Фармони ҳисбланади. Мазкур Фармонга кўра “Тошкент” республика фонд биржаси 1994 йил 8 апрелда ташкил топган.

Ҳозирги кунда “Тошкент” Республика фонд биржасининг акциядорлари бўлиб қуйидаги ташкилотлар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги – 50,00% + 1 та акция;
- Корея фонд биржаси – 25,00% - 1 та акция;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат акциядорлик тижорат банки “Асака” банк – 6,25%;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки – 6,25%;
- Очиқ акциядорлик тижорат банки Ўзсанаотқурилишбанк – 6,25%;
- Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки – 6,25%

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 мартдаги “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 1727 - сон Қарори ва мазкур Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2012 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 мартдаги “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 1727 - сон Қарорини амлга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 140-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси (ҳозирги давлат активларини бошқариш агентлиги) ва Корея фонд биржаси (KRX) ўртасида бош шартнома тузилди. Ушбу келишувга асосан бутун республика фонд бозори учун корпоратив қимматли қоғозлар билан савдолар ва депозитар операцияларни амалга оширувчи фонд бозорининг Ягона дастурий-техник комплекси (ЯДТК)ни етказиб бериш ва ишга тушириш эвазига “Тошкент” Республика фонд биржаси давлат акциялар пакетининг бир қисмини, яъни 1 та акция кам 25 фоизи тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси фонд бозорининг ЯДТК қуйидаги тизимларни ўз ичига олади:

- депозитар модулли брокерлик тизими;
- фонд биржанинг савдо тизими;
- биржадан ташқари электрон савдо тизими;
- қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан тақдим этиладиган депозитар тизим;
- “Тошкент” РФБ ҳисоб-китоб клиринг палатаси томонидан тақдим этиладиган клиринг тизими;
- Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китоблар тизими;
- Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг назорат тизими.

Фонд бозорининг Ягона дастурий-техник комплекси жорий этилиши қуйидаги ўзгаришларга сабабчи бўлди:

- ЯДТК қимматли қоғозлар бозорининг барча иштирокчиларини яхлит бир тизимга бирлаштирди;

- қоғоз ҳужжатларининг қисқаришини таъминлади;
- қимматли қоғозлар билан операцияларнинг тезлиги ошди;
- депо ҳисоб варағини бир неча дақиқада очиш имкониятини яратди;
- HTS (home trading system) ва MTS (mobile trading system) тизимлари ишга тушишига;
- ягона интеграллашган маълумотлар базаси яратилишига олиб келди.

“Тошкент” Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти кузатув кенгаши қарори (08.10.2018 йилдаги 5-баённома) билан тасдиқланган ““Тошкент” республика фонд биржасининг биржа котировка рўйхати тўғрисида”ги Низомга мувофиқ биржа котировкаси рўйхатининг 4 та тоифаси мавжуд. Булар А, В, С ва Р тоифалардир.

Биржа котировкасининг “А” тоифаси – биржа листингидан ўтган ва ушбу тоифадаги листинг талабаларига жавоб берадиган эмитентларнинг қимматли қоғозлари рўйхати.

Биржа котировкасининг “В” тоифаси – биржа листингидан ўтган ва ушбу тоифадаги листинг талабаларига жавоб берадиган эмитентларнинг қимматли қоғозлари рўйхати.

Биржа котировкасининг “С” тоифаси – биржа листингидан ўтган ва ушбу тоифадаги листинг талабаларига жавоб берадиган эмитентларнинг қимматли қоғозлари рўйхати.

Биржа котировкасининг “Р” тоифаси – Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан биржа савдоларига қўйиладиган давлат акциялари ва қимматли қоғозлари рўйхати (агар эмитент ва унинг қимматли қоғозлари илгари “А”, “В” ёки “С” тоифаларга киритилмаган бўлса).

“А”, “В”, “С” ва “Р” тоифалари бўйича биржа листингига кириш қуйидаги тартиблар (процедураларни)ни ўз ичига олади:

- қимматли қоғозлар эмитентининг унинг қимматли қоғозларини биржа котировкаси рўйхатига киритиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш;
- қимматли қоғозлар эмитентининг молиявий ҳолатини баҳолаш;
- қимматли қоғозларнинг ликвидлилигини баҳолаш.
- қимматли қоғозларни биржа котировкаси рўйхатига киритиш ва уларни биржа аъзоларига етказиш.

Биржа котировкаси рўйхатига киритилган қимматли қоғозлар биржа савдоларига қўйилган деб ҳисобланади. Қимматли қоғозлар биржа котировкаси рўйхатининг тегишли тоифаларига листинг комиссиясининг хулосасига кўра чиқарилган биржа бошқарув кенгашининг қарорига биноан кейинчалик биржанинг расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали киритилади.

2019 йил 20 июнь ҳолатига “Тошкент” Республика фонд биржасида котировка рўйхатига кирган 105 та эмитент мавжуд. Шундан А тоифада - 14 та эмитент, В тоифада – 10 та эмитент, С тоифада – 69 та эмитент, Р тоифада – 12 та эмитентлар рўйхатга кирган.

Биржа листингидаги корхоналарнинг камайиши паст ликвидли акциядорлик жамиятлари ва “ўлик жон”ларни делистинг бўлганлиги билан изоҳланади.

“Тошкент” Республика фонд биржасининг ҳам жаҳондаги бошқа биржалар каби листинг талаблари мавжуд. Қимматли қоғозларни биржа котировкасининг тегишли тоифасига киритиш учун эмитентларга қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат.

“А” тоифа учун:

- сўнгги йиллик ҳисоботга мувофиқ эмитентнинг устав капитали камида *16 млрд. сўм бўлиши*;

- эмитентнинг акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатиши муддати камида 3 йил, сўнгги уч молиявий йил якунлари бўйича ижобий молиявий натижаларга эга бўлиши;

- эмитентнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари биржа томонидан белгиланган ушбу тоифадаги биржа котировкаси рўйхати талабаларига мувофиқлиги – 80 % ва ундан ортиқ бўлиши;

- эмитентнинг корпоратив веб-сайтининг мавжудлиги;

- давлатга, давлат акциядорлик жамиятларига, холдинг компаниялари ва хўжалик бирлашмаларига тегишли бўлмаган, шунингдек мажбуриятлари юкланмаган, эмитент томонидан чиқарилган акцияларнинг камида 15 фоизи эркин муомалада бўладиган акциялар (*free float*)ни ташкил қилиши;

- эмитент томонидан биржага афилланган шахслар рўйхати ва бошқа муҳим маълумотларни тақдим этилиши;

- эмитентнинг ўз капитали (маблағлари) устав капиталининг камида 120 фоизини ташкил этиши лозимлиги;

- ички аудит хизматининг мавжудлиги;

- корпоратив бошқарув бўйича алоҳида таркибий бўлинманинг мавжудлиги;

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) бўйича ҳисоботларни тузиши;

- корпоратив бошқарув кодексининг мавжудлиги.

“В” тоифа учун:

- сўнгги йиллик ҳисоботга мувофиқ эмитентнинг устав капитали камида 8 млрд. сўм бўлиши;

- эмитентнинг акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатиши муддати камида 2 йил, сўнгги икки молиявий йил якунлари бўйича ижобий молиявий натижаларга эга бўлиши;

- эмитентнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари биржа томонидан белгиланган ушбу тоифадаги биржа котировкаси рўйхати талабаларига мувофиқлиги – 50% - 80 % оралигида бўлиши;

- эмитентнинг корпоратив веб-сайтининг мавжудлиги;

- эмитент томонидан биржага афилланган шахслар рўйхати ва бошқа муҳим маълумотларни тақдим этилиши;

- эмитентнинг ўз капитали (маблағлари) устав капиталининг камида 110 фоизини ташкил этиши лозим.

“С” тоифа учун:

- эмитент устав капиталининг миқдори мазкур тоифага киритиш учун ариза ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган минимал талабларга мувофиқ бўлиши лозим;

- эмитентнинг фаолият кўрсатиш муддати белгиланмаган. Шу билан бирга, агар эмитент икки йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатган бўлса сўнгги икки йил учун, агар икки йилдан кам муддатда фаолият юритган бўлса сўнгги молиявий йил учун, агар эмитент бир йилдан кам муддатда фаолият юритаётган бўлса охириги квартал учун биржа ҳужжатларни ушбу тоифага киритиш учун кўриб чиқади;

- эмитентнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари биржа томонидан белгиланган ушбу тоифадаги биржа котировкаси рўйхати талабаларига мувофиқлиги – 5% - 50 % оралигида бўлиши;

- эмитентнинг корпоратив веб-сайтининг мавжудлиги;

- эмитент томонидан биржага афилланган шахслар рўйхати ва бошқа муҳим маълумотларни тақдим этилиши;

- эмитентнинг ўз капитали (маблағлари) устав капиталининг камида *100 фоизини* ташкил этиши лозим.

“Р” тоифа учун:

- эмитент устав капиталининг миқдори мазкур тоифага киритиш учун ариза ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган минимал талабларга мувофиқ бўлиши лозим;

- Қимматли қоғозлар пакетини сотиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорининг нусхаси;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (илгариги Давлат Рақобат қўмитаси)нинг биржа савдоларида давлат акция пакетларини жойлаштириш тўғрисидаги қарори (буйруғи) нусхаси;

- эмитентнинг корпоратив *веб-сайтининг мавжудлиги* каби талаблар мавжуд.

Хорижий фонд биржаларнинг фаолияти таҳлили листинг тоифаларини оптималлаштириш кераклигини кўрсатмоқда. “Тошкент” Республика фонд биржаси листинг тоифаларини “А”, “В”, “С”, “Р” тоифаларидан халқаро амалиётда бўлгани каби соддалаштириш ҳамда “*Премиум*” ва “*Стандарт*” тоифаларига ўтказиш лозим. Мазкур ўзгаришлар листинг тоифаларини содда, тушунарли бўлишига ва жаҳон амалиёти андозаларига яқинлашишига олиб келади.

Қуйида биз “Тошкент” Республика фонд биржаси котировкаси рўйхати тоифаларига таклиф этилаётган ўзгаришларни келтириб ўтамиз.

“Премиум” тоифа учун:

- сўнгги йиллик ҳисоботга мувофиқ эмитентнинг устав капитали камида *20 млрд. сўм бўлиши*;

- эмитентнинг акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатиши муддати *камида 5 йил*, сўнгги беш молиявий йил якунлари бўйича ижобий молиявий натижаларга эга бўлиши;

- эмитентнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари биржа томонидан белгиланган ушбу тоифадаги биржа котировкаси рўйхати талабаларига мувофиқлиги – *80 % ва ундан ортиқ бўлиши*;

- эмитентнинг корпоратив *веб-сайтининг мавжудлиги*;

- давлатга, давлат акциядорлик жамиятларига, холдинг компаниялари ва хўжалик бирлашмаларига тегишли бўлмаган, шунингдек мажбуриятлари юкланмаган, эмитент томонидан чиқарилган акцияларнинг *камида 10 фоизи эркин муомалада бўладиган акциялар (free float)*ни ташкил қилиши;

- эмитент томонидан биржага *афилланган шахслар рўйхати* ва бошқа муҳим маълумотларни тақдим этилиши;

- эмитентнинг ўз капитали (маблағлари) устав капиталининг камида *120 фоизини* ташкил этиши лозимлиги;

- *ички аудит* хизматининг мавжудлиги;

- *корпоратив бошқарув* бўйича алоҳида таркибий бўлинманинг мавжудлиги;

- *молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)* бўйича ҳисоботларни тузиш;

- корпоратив бошқарув кодексининг мавжудлиги.

“Стандарт” тоифа учун:

- эмитент устав капиталининг микдори мазкур тоифага киритиш учун ариза ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган минимал талабларга мувофиқ бўлиши лозим;

- эмитентнинг фаолият кўрсатиш муддати белгиланмаган. Шу билан бирга, агар эмитент икки йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатган бўлса сўнгги икки йил учун, агар икки йилдан кам муддатда фаолият юритган бўлса сўнгги молиявий йил учун, агар эмитент бир йилдан кам муддатда фаолият юритаётган бўлса охирги квартал учун биржа ҳужжатларни ушубу тоифага киритиш учун кўриб чиқади;

- эмитентнинг ишлаб чиқариш рентабеллиги гуруҳининг камида 3 та кўрсаткичи ва камида 1 та талабларга жавоб бериши;

- эмитентнинг корпоратив веб-сайтининг мавжудлиги;

- эмитентнинг ўз капитали (маблағлари) устав капиталининг камида 100 фоизини ташкил этиши лозим.

Мазкур ўзгаришлар “Тошкент” фонд биржаси листинг тоифаларини соддалаштиришга, жаҳон амалиёти андозаларига яқинлаштиришга, хорижий фонд биржалар билан интеграциясини таъминлаш жараёнида бир хил стандартда фаолият юритишига ва фаолият механизмини такомиллаштиришга олиб келади.

КРЕДИТЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ РИСКЛАР ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

Абдуллаева Ш.З. И.ф.д.,проф. ТМИ

Банк амалиётида кредит бериш барча банк операциялари таркибида энг салмоқли ўринни эгаллайди ва маълумки, мамлакатимиз банклари ўз фойдасининг асосий қисмини кредит операциялари ҳисобидан шакллантирадилар. Шу сабаб, кредитлар билан боғлиқ рискларни камайитириш, уларни самарали бошқариш ва олдини олишга йўналтирилган ва банк амалиётида энг кўп тарқалган чора-тадбирлар қаторига қарз олувчининг кредитни қайтариш қобилиятини тўғри баҳолаш амалиётини киритиш мумкин. Ваҳоланки, қарз олувчиларнинг олган кредит ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни ўз вақтида, кредит шартнома шартларига мувофиқ қайтармаслиги тижорат банкларида муаммоли кредитлар салмоғининг ошишига, банк молиявий аҳволининг ёмонлашувига, банк зарарларининг кўпайишига, кўп сонли мижозлар томонидан олинган кредитларнинг муаммоли кредитларга айланиши эса банкнинг банкрот бўлишига ҳам олиб келиши мумкин. Шу боис, кредит рискин минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кредит риски деганда қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги, яъни кредит суммасининг (қисман ёки тўлиқ) ва у бўйича фоизларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаслиги тушунилади. Кредит рискин аниқлашда қуйидаги формулалардан жуда кенг фойдаланилади:

$$K_{r_1} = \frac{H_{bla}}{Ya_{kh} + L_{bm}}$$

$$K_{r_2} = \frac{H_{chk}}{S_{kh} + L_{bm}}$$

Бу ерда: K_{r_1} ва K_{r_2} – кредит риски даражалари; H_{bla} – ҳаракатда бўлмаган активлар; Y_{kh} – ялпи кредит ҳажми; S_{kh} – соф кредит ҳажми; L_{bm} – лизинг бўйича мажбуриятлар; H_{chk} – ҳисобдан чиқарилган кредитлар. Одатда ҳаракатда бўлмаган активлар деганда – 90 кундан кам бўлмаган ва ундан ортиқ муддат ичида даромад келтирувчи активлар, шу жумладан, кредит қўйилмалари тушунилади. Ҳисобдан чиқарилган кредитлар эса – банкка қайтарилишидан бутунлай умид узилган ва зарарлар сифатида ҳисобдан

чиқарилган кредитларни ўз ичига олади. Банк кредитлари риск даражасининг ошиши ва кредитлар муаммоли кредитларга айланганда уларни бериш белгиларига қараб қуйидаги гуруҳларга таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- банкнинг ўз қарори бўйича берилган кредитлар;
- ҳукумат қарори бўйича берилган кредитлар;
- вазирликлар кафолати бўйича берилган кредитлар;
- бошқа турли қарор ва кафолатлар бўйича берилган кредитлар.

Бизнинг фикримизча, банкларда кредит рискларига муносабат билдириш кредит рискнинг юзага келиш сабабларини аниқлашдан бошланиши лозим. Банк амалиётида кредит рискларнинг юзага келишининг асосий сабаблари сифатида қуйидагини кўрсатиш мумкин:

-мижознинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичлари ва кредит тарихининг ҳар томонлама ўрганилмаслиги;

- кредитлар ажратишда марказлашувга йўл қўйилиши;

- кредитланаётган тармоқнинг хусусиятларини яхши таҳлил қилмаслик;

- қарз олувчилар молиявий ҳолатининг юзаки таҳлил этилиши;

- мижозлар билан банк ўртасида доимий алоқаларнинг мавжуд эмаслиги;

- қарзлар ва қарзларни ҳужжатлаштириш устидан назоратнинг етарли эмаслиги;

- кредит сифатининг ёмонлашуви оқибатида қарз қийматини ошириш имконининг йўқлиги;

-кредит rischi, умуман банк rischi юзага келишини олдиндан чамалаш ва уни ҳисоблаш ва тезкор чоралар кўриш соҳасида банк ходимларининг малака ва кўникмаларининг етарли эмаслиги;

- кредит бўйича зарарларни қоплаш учун резервларнинг лозим миқдорда ва ўз вақтида шакллантирилмаслиги;

- кредит жараёнини самарали назорат қилиш ва аудит қилишда мавжуд камчиликлар ва бошқалар ҳисобланади.

Корхона активлари билан ишлашда унинг асосий воситалари, ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулот, товарлар, бошқа заҳираларни гаровга қўйганида, гаровга қўювчининг кўрсатилган бойликларга бўлган эгалик ҳуқуқига, уларнинг қиймати тегишли баланс моддалари таркибида тасдиқланишига эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, ҳисоб рақамидаги маблағлар қолдиғи ҳисобот санасида олинган банк кўчирмасида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлишига, дебиторлик қарздорликнинг қайтарилиш муддатларига эътибор бериш ҳам муҳим ҳисобланади.

Корхона балансининг пассив қисмида эса олинган кредитлар ва қарзга олинган бошқа маблағлар миқдорини таҳлил қилиш, бунда қопланмаган ссудалар бўйича кредит шартномалари шартларини ўрганиш, бундай кредитлар, бошқа банклардан олинган кредитлар бўйича уларнинг муддати ўтмаганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Мижознинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда балансдаги актив ва пассивларнинг маълум бир элементларини ўзаро таққослаш, корхонанинг мажбуриятларини уларнинг муддатлари бўйича, активлари эса ликвидлиги бўйича гуруҳларга таснифлаб мижознинг молиявий аҳволини баҳолаш ҳам кредит рискини камайтириш омили сифатида катта аҳамият касб этиши мумкин.

Агар банк барча рискни ўзига қабул қилган ҳолда ўзи кредит беришга қарор қилиб, бу кредит бўйича муаммолар юзага келган бўлса, у ҳолда банк бизнинг фикримизча, мижознинг акциядорлик муносабатини кўриб чиқиши лозим. Агар мижоз банкнинг акциядори бўлса, кредитни қайтариш масаласини унинг акциядорлик жамиятидан салмоғи ҳисобидан амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади, аксинча бўлган ҳолда банк барча мижозларга қўллайдиган усулларни қўллаши мумкин деб ўйлаймиз.

O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA INVESTITSİYALAR KIRIB KELISHI HAJMINI OSHIRISH USULLARI

*Maxmudov N. M. i.f.d., prof. TDIU
Avazov N. R. TDIU Iqtisodiyot fakulteti talabasi*

Milliy iqtisodiyotimizda iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirishga yo‘naltirilgan makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o‘sinh sur‘atlarini saqlab qolish, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish bo‘yicha institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish va uning ustuvor mavqeini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag‘batlantirish, hududlar, tuman va shaharlarni kompleks va mutanosib holda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiy ettirish, investitsiyaviy muhitni yaxshilash orqali mamlakatimiz iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy sarmoyalarni faol jalb etish ishlari jadal amalga oshirilmoqda. Bunda eng katta e‘tibor iqtisodiyotga investitsiyalar jalb qilishga hamda kirib kelayotgan investitsiyalardan samarali foydalanish ishlari amalga oshirishga qaratilmoqda. Bu orqali iqtisodiyotda yalpi ishlab chiqarish hajmini oshirish, aholi daromadlarini oshirish, tadbirkorlik hamda kichik biznesni rivojlantirish, ishsizlik darajasini tushirish va iqtisodiyotda maroiqtisodiy barqarorlikni saqlash ishlari amalga oshirilmoqda.

Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev aytib o‘tganlaridek: “Jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, qaysi davlat faol investitsiya siyosatini yuritgan bo‘lsa, o‘z iqtisodiyotining barqaror o‘sinhiga erishgan. Shu sababli ham investitsiya – bu iqtisodiyot drayveri, o‘zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Investitsiya bilan birga turli soha va tarmoqlarga, hududlarga yangi texnologiyalar, ilg‘or tajribalar, yuksak malakali mutaxassislar kirib keladi, tadbirkorlik jadal rivojlanadi”¹⁰². Bundan tashqari O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi farmonida investitsiya bo‘yicha quyidagi ustuvor yo‘nalishlar belgilangan: “Xalqaro iqtisodiy hamkorlikni yanada rivojlantirish, jumladan, yetakchi xalqaro va xorijiy moliyaviy institutlar bilan aloqalarni kengaytirish, puxta o‘ylangan tashqi qarzlar siyosatini amalga oshirishni davom ettirish, jalb qilingan xorijiy investitsiya va kreditlardan samarali foydalanish”¹⁰³. Yuqorida keltirilgan yo‘nalishlar va vazifalar ijrosini ta‘minlash hozirgi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishning eng dolzarb hamda muhim bo‘lagi hisoblanadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqadigan bo‘lsak, hozirgi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotiga investitsiyalar kirib kelishi hajmini oshirish chora-tadbirlarini amalga oshirish muhim hisoblanadi. Jahon amaliyotiga e‘tibor beradigan bo‘lsak, investitsiya kirib kelishiga bir nechta omillar ta‘sir ko‘rsatishi mumkin. Bular qatoriga ijtimoiy omillar, iqtisodiy omillar, siyosiy omillar ham huquqiy omillarni kiritishimiz mumkin. Bunda investorlar investitsiya kiritishda har bir omil ta‘sir ko‘rsatadi. Iqtisodiy omillarga asosan mamlakat iqtisodiyoti darajasini ko‘rsatib turuvchi makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar kiradi. Bunga chuqurroq e‘tibor qaratdigan bo‘lsak, bunda mamlakatdagi inflyatsiya darajasi, banklar tomonidan berilayotga kredit foiz stavkasi darajasi, soliq stavkalari va investitsiyalarga berilayotgan imtiyozlar kiradi. Inflyatsiya darajasining balandligi investitsiya hajmiga ta‘sir qiluvchi eng asosiy omildir. Shuning uchun ham investitsiya darajasini pasaytirish asosida mamlakatimizga kirib kelayotgan investitsiyalar hajmini oshirish mumkin. To‘g‘ri hozirgi kunda mamlakatimizda

102 O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “2019-yil uchun mo‘ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi” // Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr.

103 O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi” to‘g‘risidagi farmoni, PF-4947.

inflyatsiya darajasi meyoridan balandroq hisoblanadi. Buning natijasida mamlakatimizda qayta moliyalashtirish stavkasi ham balanddir. Shuningdek, bank kredit foiz stavkalari ham yuqori hisoblanadi. Agarda miliy iqtisodiyotimizga investitsiya kirib kelishi hajmini oshirmoqchi bo'lsak, eng avvalo, milliy iqtisodiyotimizda inflyatsiya darajasini tushirish talab etiladi. Bunda inflyatsion targetlash usulidan foydalanish samarali hisoblanadi. Bu orqali inflyatsiya darajasini jilovlay olish mumkin. Bundan tashqari yana bir qator iqtisodiy omillar qatori mavjud. Quyida milliy iqtisodiyotimizga jalb qilinayotgan investitsiyalar tahliliga e'tibor qaratadigan bo'lsak, unda quyidagicha holat o'z aksini topadi:

Asosiy vositalarga investitsiyalar¹⁰⁴

(joriy narxlarida, mlrd. so'm)

Yillar	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
O'zbekiston Respublikasi	24455,3	30490,1	37646,2	44810,4	51232,0	72155,2	124231,3
Qoraqalpog'iston Respublikasi	1242,1	2415,0	3990,6	6021,2	3778,3	2822,0	6757,8
<i>viloyatlar:</i>							
Andijon	1379,9	1462,3	1645,0	1956,5	2188,5	2986,0	4711,9
Buxoro	2405,8	2998,7	3583,2	4075,9	5922,9	11613,4	9610,9
Jizzax	792,5	1128,5	1200,9	1304,9	1449,7	1788,2	3606,3
Qashqadaryo	3072,2	3667,8	4721,8	5894,7	7304,4	11175,3	16518,5
Navoiy	1688,0	1696,9	1754,1	1809,1	2963,2	3977,9	10579,5
Namangan	917,3	1205,1	1807,5	2227,5	2824,5	3586,7	8158,1
Samarqand	1586,0	2127,6	2540,4	3237,2	3623,5	4384,2	7061,4
Surxondaryo	980,3	1371,0	1509,1	1843,6	2142,4	3551,0	7240,6
Sirdaryo	663,1	852,8	992,3	1083,3	1322,9	1628,0	2699,3
Toshkent	2005,8	3195,2	4021,7	4428,1	4238,7	5938,4	11226,9
Farg'ona	1505,8	2130,0	2295,3	2542,3	2643,6	2954,5	5539,1
Xorazm	783,4	1256,9	1614,8	1531,5	1560,5	2175,9	3013,8
Toshkent sh.	5433,1	4977,1	5969,5	6854,6	9268,9	13573,7	26435,7

Bu jadvalda Respublikamiz iqtisodiyotiga jalb qilinayotgan investitsiyalar hajmining viloyatlar bo'yicha taqsimlanishi berilgan. Unga ko'ra Respublikamizga 2018-yilda 124231,3 mlrd. so'm ni tashkil qilgan va unda eng katta ulush Toshkent shahriga tegishli bo'lib, u 26435,7 mlrd. so'm ni tashkil qilgan. O'tgan yillarga taqqoslaydigan bo'lsak, 2017-yilda mamlakatimizga 72155,2 mlrd. so'm, 2016-yilda 51232,0 mlrd. so'm, 2015-yilda 44810,4 mlrd. so'm ni tashkil qilgan. Yuqoridagi jadval orqali mamlakatimizga kirib kelayotgan investitsiyalar hajmi yildan-yilga o'sib borayotganligini kuztishimiz mumkin. Bu esa Respublikamizda investitsion muhitning yildan yilga yaxshilanib borayotganligidan dalolatdir.

Yuqorida aytib o'tilgan omil ya'ni inflyatsiya darajasidan tashqari yana bir qator iqtisodiy omillar investitsiya hajmiga ta'sir ko'rsatib keladi. Bulardan biri sifatida soliqni olsak bo'ladi. Soliq stavkasi baland bo'lgan vaqtda investorlar ushbu davlatga investitsiya olib kirishga urinishmaydi. Shuning uchun investorlarga beriladigan soliq imtiyozlari juda muhim hisoblanadi. Yana shuni aytib o'tish kerakki, bank kredit foiz stavkasi ham investitsion muhitga ta'sir ko'rsatadi. Bunda asosan mamlakatda ichki investitsiyalar uchun bank foiz stavkasi juda muhimdir.

Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, investitsion muhitga iqtisodiy omillardan tashqari yana bir qator omillar ya'ni siyosiy, ijtimoiy va huquqiy omillar ta'sir ko'rsatadi. Siyosiy omillarga mamlakatning siyosiy barqarorligi, undagi tinchlik va davlatning iqtisodiyotga ta'siri kabi bir

¹⁰⁴ www.stat.uz O'zbekiston Respublikasi Statistika qo'mitasi rasmiy sayti.

qator unsurlari kiradi. Mamlakatimizda investitsiyaga siyosiy omillarning ta'sirini ijobiy baholay olamiz. Chunki, investitsiya hajmini oshirish masalasida hukumatimiz juda katta imtiyozlar yaratib bermoqda.

Ijtimoiy omillarga mamlakatdagi ishsizlik darajasi, aholi urf-odatlarini, aholining investitsiyaga bo'lgan fikri, yetarlicha bilim va ko'nikmaga ega kadrlarning mavjudligi kabi bir qator unsurlar kiradi.

Yuqorida sanab o'tilgan omillardan yana biri bor-ki, u eng muhim omillardan biri hisoblanadi. Bu mamlakatdagi bozor infratuzilmasining shakllanganlik darajasi hisoblanadi. Bu investorlarning eng katta diqqatini tortuvchi unsurdir. Chunki ishlab chiqarishga investitsiya kiritish va undan yetarlicha foyda ola olish ko'p jihatdan infratuzilmaga bog'liq hisoblanadi. Qanchalik mamlakatda infratuzilma shakllangan bo'lsa, unda bu mamlakatga investitsiya kirib kelishi hajmi ko'p bo'ladi hamda bu davlatga investitsiya kiritgan investor ham bu yerdan yetarlicha foyda ola oladi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda aytishimiz mumkinki, hozirda mamlakatimiz investitsion muhitiga ta'sir ko'rsatayotgan bir qator muammolar mavjuddir. Ular qatoriga quyidagilarni kiritishimiz mumkin:

- mamlakatimizda bozor infratuzilmasining yetarli darjada shakllanmaganligi;
- bilimli va ko'nikmaga ega bo'lgan yetuk mutaxassislarining yetishmasligi;
- inflyatsiya darajasining balandligi va uning investitsion loyihalarga salbiy ta'sir ko'rsatayotganligi;
- marketing va menejment tamoyillarining amaliyotga tadbiiq qilinishi sust darajada ekanligi.

Yuqorida bir qator investitsiya kirib kelish hajmiga salbiy ta'sir ko'rsatayotgan muammolar sanab o'tilgan. Bu kabi muammolarni ijobiy hal qilish orqali mamlakatimiz iqtisodiyotiga kirib kelayotgan investitsiyalar hajmini oshira olamiz.

Aytib o'tilgan muammolar yechimi sifatida quyidagi takliflarni berib qolamiz:

- bozor infratuzilmasini jadal rivojlantirish;
- inflyatsiya darajasini pasaytirishda “inflyatsion targetlash” usulidan foydalanish hamda inflyatsiya darajasini investitsion loyihalarga ta'sirini kamaytirish;
- marketing va menejment tamoyillarining amaliyotga tadbiiq qilinish ishlarini jadal olib borish hamda bu sohada ilmiy-tatqiqot ishlariga imtiyozlar berish;
- investorlarga soliq imtiyozlari berish ishlarini ko'paytirish;
- ta'lim tizimini isloh qilish hamda bu asosda yetuk mutaxassislar yetishtirib chiqarish;

Xulosa qilib shuni aytish mumkin-ki, milliy iqtisodiyotimizga kirib kelayotgan investitsiyalar hajmini oshirishga bir qator omillar ta'sir ko'rsatadi. Shu omillar ta'sirini ijobiy hal qilish orqali iqtisodiyotga kirib kelayotgan investitsiyalar hajmini oshirish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil uchun mo'ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.// Xalq so'zi, 2018 yil 29 dekabr.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi” to'g'risidagi farmoni, PF-4947.

3. www.stat.uz Davlat statistika qo'mitasi rasmiy sayti.

4. B.Mamatov, D.Xujamkulov, O.Nurbekov. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish.—T.:Toshkent, «Iqtisod-Moliya», 2014.

IMPORTANCE OF INVESTMENTS IN ECONOMIC DEVELOPMENT AND LIBERALIZATION: WHY IT IS EFFICIENT TO INVEST IN UZBEKISTAN?

Khasanova Kh.F. – TSUE, base doctorate

In the focus of the reforms carried out in 2017, the State Program on the implementation of the Strategy for Action has taken a special place. As a result of effective implementation of 437 out of 320 items, including 29 laws and more than 900 other normative and legal documents, a number of positive changes have been made in all spheres of state and public life.

In particular, the share of exports of goods with high added value increased from 28.5% to 34.5%, electricity - by 2.4 times, cars - by 3 times, textile products by 1.3%, and leather - exports increased by 14.2%.

In addition, according to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan from August 1, 2018 "About measures on cardinal improvement of investment climate in the Republic of Uzbekistan", according to the Decree No:

a) From October 1, 2018 the following new mechanisms of land parcels for investment activity are introduced:

long-term lease of agricultural land for a term up to 50 years, but not less than stated in the application;

auction sale of the right of permanent possession of the parcels for construction of real estate objects (hotels, commercial objects, cultural-entertaining complexes, objects of service, educational and medical organizations, road infrastructure, etc.) ;

b) the following:

To the district (city) of the Republic of Uzbekistan in accordance with the procedure established by the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan for long-term lease for implementation of investment projects for non-agricultural land parcels with a term of up to 50 years, but not less than indicated in the application to give;

Conclusion of investment agreements with foreign investors in implementation of investment projects with the participation of the Chairman of the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan, khokims of regions and the city of Tashkent in the scope of and within the competence established by the legislation for foreign investment in the amount not exceeding US \$ 10 million;

The Jokargi Kenes of the Republic of Karakalpakstan, the regional and Tashkent city Kengashes of People's Deputies shall not have the right to use state-owned property not exceeding 2000 square meters but not more than 5000 square meters (the Presidential Decree of June 16, 2017 "As well as the objects specified in Appendices 1 and 2 of the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On Measures to Further Improve the Procedures for the Sale of State Property"), the decision on the sale of investment projects were granted the right to participate.¹⁰⁵

It should be noted that a considerable investment climate and favorable investment environment have been created in the year of the growth of investment in our economy. Establishment of free economic zones, industrial parks, small industrial zones has become a major factor in direct foreign investment.

According to statistical data, the economy of Uzbekistan is expected to reach 3 billion US dollars in 2013. and foreign investments and credits (Table 1). In 2015 this figure will be 3.3 billion. or 10% more than in 2013. The share of foreign investments in the total volume of investments fell to 2.07 percentage points. Direct foreign investments have increased by 9.5 percentage points and the share of direct foreign investments in the total volume of

¹⁰⁵«Investitsiyalarauditi» Xodjayeva M.X., Xasanova X.F. Toshkent.: 2019 y.

investments fell by 1.7 percentage points. The share of foreign direct investment in total foreign investment increased by 1 percentage point.¹⁰⁶

Thus, it should be noted that the investment climate and stimulus system created for foreign investments in our country demonstrate practical appeal.


Attracting foreign investment into Uzbekistan's economy.¹⁰⁷

Indicators	Measurement unit	Years			Increase in 2015 (+), decrease (-), percent in 2015
		2013	2014	2015	
Foreign Investments and Loans	billions soums	3	3,1	3,3	+10
Share of Foreign Investments in Total Investment	%	23,07	21,2	21	-2,07
Foreign Direct Investment	billions soums	2,2	2,25	2,41	+9,5
Share of Direct Foreign Investments in Total Investment	%	16,9	15,4	15,2	-1,7
Share of Direct Foreign Investments in Total Foreign Investments	%	72	75	73	+1

Positions of the Republic of Uzbekistan at international ratings¹⁰⁸

The country's progress in improving the business environment has been proven by a number of international indicators. Uzbekistan is a country with a political stability, a low level of corruption, and a great deal of business costs.

Ease of doing business index




Doing Business rating reflects the degree of ease of running small and medium businesses. Altogether, 11 indicators are currently evaluated: ease of creating a new business, obtaining building permits, connecting to electricity, registering property, obtaining loans, protecting minority investors, paying taxes, cross-border trade, contract compliance mechanisms, bankruptcy, as well as regulating the labor market. Doing Business is one of the most popular ratings of countries characterizing the state of the investment climate. In 2018, Uzbekistan was ranked 74th in the ranking. Uzbekistan rose by 92 positions compared with 2012.

¹⁰⁶ ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

¹⁰⁷ Лола ИНАМОВА, Солиқа академияси магистранти, Муhabбат БЕГБУТОВА, Солиқа академияси талабаси

¹⁰⁸ www.uzinvest.uz – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси



The Environmental Performance Index is a combined index of the Center for Environmental Policy and Law at Yale University, which measures the country's achievements in terms of the state of the environment and management of natural resources. Uzbekistan ranked 136th according to the results of 2018 ranking.


Knowledge Economy Index

The Knowledge Economy Index is a comprehensive indicator characterizing the level of development of the knowledge-based economy. It is assumed that the index should be used by states to analyze problematic issues in their policies and measure the country's readiness to switch to a knowledge-based development model. This year Uzbekistan is ranked 105th out of 146 countries of the world.

Rating of the countries of the world in terms of scientific-research activity


The indicator of the level of scientific-research activity is considered one of the key indicators of the country's scientific-technological development and is calculated as the total number of scientific-research articles published in peer-reviewed scientific magazines and publications included in the system of scientific citation index. The indicator of scientific-research activity of the countries of the world is published annually in a special report of the National Science Foundation of the United States called "Science and Engineering Indicators". In 2017, Uzbekistan ranked 82nd among 195 countries of the world.

ICT Development Index




The index was developed in 2007 on the basis of 11 indicators that the International Telecommunication Union uses in its assessments of ICT development. The index brings these indicators into a single criterion, which is designed to compare the achievements of the world countries in ICT development and can be used as a tool for conducting comparative analysis at the global, regional and national levels. In 2017, Uzbekistan ranked 95th in the index.

Growth of GDP and GNP



Taxburdenonbusiness



The main purpose of the research

- Attraction of foreign investments;
- Assistance in various sectors of the economy and regional development;
- Improvement of the investment climate in Turkey;
- Promoting the development of companies with direct investment;
- organization of investment forums, conferences and seminars in Uzbekistan and abroad;
- Participation in tenders for import contracts on investment projects;
- coordination of research and project institutes and preparation of feasibility study of foreign investment projects;
- Developing and implementing a roadmap for further improvement of the legal framework regulating the attraction of foreign investments and the creation of favorable conditions for investment activity in Uzbekistan.

The most important scientific and practical significance is the development and improvement of methods of effective analysis of investment attitudes in the national economy, their effective use and determination of specific directions of investment policy, will work. The above-mentioned scheme, charts and charts provide an overview of which factors should be prioritized. It is important to note that the use of these economic analyzes plays an important role in investing, that is, in the process of attracting investments.

List of references:

1. The State Program on implementation of the Action Strategy in the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 in the "Year of support of the active entrepreneurship, innovative ideas and technologies" dated 22.01.2018 y. PD-5308.
2. Law of the Republic of Uzbekistan "On investment activity". December 9, 2014 No. EAL-380 (new edition).
3. To introduce amendments to the April 11, 2005 No. PD-3594 Decree by the President of the Republic of Uzbekistan "On additional measures to stimulate the attraction of direct foreign investments" dated 18.05.2018, PD-5444.
4. On Additional Measures to Accelerate the Implementation of Investment and Infrastructure Projects for 2018-2019 19.07.2018 y. PD-3874
5. On measures to radically improve the investment climate in the Republic of Uzbekistan 01.08.2018 y. PD-5495
6. The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Additional Measures to Encourage Direct Foreign Investments" of April 4, 2012, No. PD-4434.
7. Measures to Implement the Investment Program of the Republic of Uzbekistan for 2019 19.12.2018 y. PD-4067
8. The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Establishment of the Angren Special Industrial Zone of April 13, 2012, No. PD-4436".
9. Ilkhomov Sh. I. Investment accounting audit. i. f. n. diss. T., 2005. 27 p.
10. NSA 12, Financial Investments. O'BAMA 2003y. 117 p.
11. Issue No: 1 "Accounting Policies and Financial Reporting": TABLE 2003, p. 18-20.
12. Financial-economic activity of managing subjects "Accounting and financial statements of accounting entities". T.: O'BAMA. 2004 y.
13. National Standards of Accounting 12 "Accounting for Financial Investments".
14. Financial instruments IFRS no. 970 p.

МОЛИЯ БОЗОРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Исаков Ж.Я и.ф.д.ТМИ.
Исаков И. Ж.талаба.ТМИ*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашни макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида белгилаб берилганлиги жуда муҳим ва долзарб воқеалик ҳисобланади[1].

Таъкидлаш жоизки, Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари бундан буён ҳам эмиссия қилинмаслиги мумкин. Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида давлат бюджети дефицитига йўл қўйиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаб, жумладан шундай дедилар: “бу борада фақат бюджет профицити ҳақида сўз бориши мумкин ва зарур. Бу муҳокама қилишни эмас, балки сўзсиз бажаришни талаб этадиган стратегик вазифадир” [2].

Хориж тажрибасини ўрганиш натижалари кўрсатадики, Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари билан бир вақтнинг ўзида бошқа турдаги қимматли қоғозлардан ҳам (корпоратив облигациялар, тижорат банкларининг депозит сертификатлари, Марказий банкнинг қимматли қоғозлари) Марказий банк очик бозор операцияларининг объектлари сифатида фойдаланилади.

Пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан яна бири бўлиб, пул массасининг ўсиш суръатларининг юқори эканлиги ҳисобланади.

Пул-кредит сиёсатининг анъанавий инструментларидан бири мажбурий захира сиёсати ҳисобланиб, иқтисодчи олимлар томонидан мазкур инструментнинг аҳамияти хусусида турлича фикрлар билдирилган. Иқтисодчи олимлар ичида биринчи бўлиб, Л. Мизес 100 фоизли мажбурий захира талабномасига асосланган банк тизимини ташкил қилишни таклиф қилган [3]. Шунингдек, М.Фридмен ҳам ушбу инструментни тижорат банкларининг кредит экспансиясини жиловлаш нуктаи-назаридан жуда муҳим деб ҳисоблаган ва тижорат банклари депозитларига нисбатан 100 фоизли мажбурий захира талабномаси жорий қилишни таклиф қилган [4]. Аммо М.Фридмен ўзининг асарларида депозитларга нисбатан 100 фоизли захира талабномалари қўллаш таклифини ундан олдин Л.Мизес айтганлигини эътироф этмайди.

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Ф.Мишкин мажбурий захира сиёсатига нисбатан салбий фикр билдиради. Унинг фикрига кўра, мажбурий захира талабномалари кўп камчиликларга эга бўлиб, жумладан, банкларда ликвидлилик муаммосини юзага келтириши мумкин [5].

Эътироф этиш жоизки, мажбурий захира ставкаси муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, у миллий валютани девальвация қилмасдан туриб, мамлакатга кириб келаётган хорижий валюталар оқимини камайтириш имконини беради. Хусусан, 1979 йилда Бундесбанк (Германия Марказий банки) мамлакат тижорат банкларидаги хорижий валютадаги депозитларнинг ўсган қисмига нисбатан 80 фоизли ставкада мажбурий захира талабномасини жорий қилиш йўли билан, немис маркасини АҚШ доллари ва

бошқа етакчи валюталарга нисбатан девальвация бўлишига йўл қўймаган ҳолда, мамлакатга кириб келаётган хорижий валюталар оқимини камайтиришни таъминлади [6]. Бу вақтда Германияга хорижий валюталар оқими кучли бўлиб, у миллий валютанинг қадрини кескин ошиш хавфини юзага келтирган эди. Гарчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан М2 пул агрегати назорат қилинаётган бўлса-да, пул массасининг ўсиш суръатлари юқорилигича қолмоқда.

Фикримизча, мамлакат иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати самарадорлигини таъминлаш мақсадида, биринчидан, марказлашган дисконт ва ломбард кредитлари бериш амалиётини йўлга қўйиш лозим; иккинчидан, тижорат банкларини Марказий банк томонидан тўғридан - тўғри кредитлашни (овердрафт, кунлик, муддатли шакллардаги кредитлар) узлуксизлигини таъминлаш зарур.

Марказий банкнинг овердрафт кредитлари тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида юзага келган пул маблағлари етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш мақсадида берилади. Кунли кредитлар эса, бир операцион кун давомида берилади.

2. Марказий банк мажбурий захира талабномаларининг базавий ставкасини (15%) пасайтириш ва захира талабномаси суммасини тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисоббарқамларида қолдириш йўли билан банкларнинг муддатли депозитларга фоиз тўлаш имкониятини ва ликвидлилигини ошириш лозим.

3. Халқаро рейтинг агентликларининг юқори кредит рейтингига эга бўлган (камида ВВВ рейтинг баҳога) тижорат банклари ва корхоналарнинг қимматли қоғозлари (депозит сертификатлари, облигациялари) ҳисобидан Марказий банкнинг очиқ бозор операцияларини йўлга қўйиш лозим.

Бунинг учун зарур шарт-шароитларни ҳам яратиш лозим. Масалан, тижорат банкларида Марказий банкка, пул-кредит органи сифатида, ишонч бўлиши лозим. Бундан ташқари, инфляция ва миллий валютанинг қадрсизланиши таъсирида қимматли қоғозларнинг реал қиймати пасаймаслиги керак.

4. М2 пул агрегатининг ўсиш суръатларини назорат қилишнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, инфляцион таргетлашни жорий қилиш йўли билан мамлакатда баҳолар барқарорлигини таъминлаш зарур.

Дастлаб инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи аниқ даража сифатида олиниб, дастлаб бир йиллик муддат ўрнатилиши лозим. Инфляциянинг мақсадли кўрсаткичига эришиш таъминлангандан сўнг, яна уч йиллик даврга инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи белгиланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инфляциянинг мақсадли кўрсаткичини Ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаш хусусидаги розилигини олгандан кейин эълон қилиши лозим. Бунинг сабаби шундаки, республикамизда табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг ўсиши инфляцияни юзага келтиришда муҳим роль ўйнайди. Марказий банк эса, табиий монополияларнинг баҳо сиёсатида аралаштириш ваколатига эга эмас. Уларнинг баҳо сиёсатини Ҳукумат тартибга сола олади.

Фикримизча, инфляцион таргетлашни муваффақиятли амалга ошириш учун айрим шартларга риоя қилиш лозим. Ана шундай шартлардан бири – бу инфляцион таргетлаш жорий этилгандан сўнг айрим кўрсаткичлардан пул-кредит сиёсатининг индикатор сифатида фойдаланмаслик шартидир.

Халқаро валюта фонди экспертларининг фикрига кўра, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичидан пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида фойдаланиш учун иккита

шароит мавжуд бўлиши лозим. **Биринчидан**, Марказий банк мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имкониятига эга бўлиши лозим. Марказий банк ҳукумат мақбул деб ҳисоблаган инфляция даражасига эришиш учун монетар инструментларни эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Мамлакатда бюджет-солиқ сиёсатининг талаблари пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқишда устувор йўналишлар сифатида инобатга олинмаслиги лозим. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатда «бюджет гегемонлиги» тушунчаси мавжуд бўлмаслиги лозим. **Иккинчидан**, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи индикатор сифатида танлаб олиниши учун иш ҳақининг ўсиши, аҳоли бандлиги даражаси ва алмашув курси бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланмаслиги лозим. Бунинг сабаби шундаки, миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан курсининг белгиланиши Марказий банкни, ўзининг пул-кредит сиёсатини, ана шу кўрсаткични бажариш учун мослаштиришга мажбур қилади. Бу эса, ўз навбатида, Марказий банкка инфляциянинг мақсадли кўрсаткичини таъминлаш учун монетар инструментлардан эркин ва тўлиқ фойдаланиш имконини бермайди. Натижада, пул-кредит сиёсатининг тактик мақсадларининг мазмунида икки ёқламалик, қарама-қаршилиқ юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.
- 2.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 9-бет.
3. Mises L. The Theory of Money and Kredit. P. 446-448.
4. Фридмен М. Основы монетаризма. Пер. с англ. – М.: ТЕИС, 2002. – С. 41-43.
- 5.Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. -С. 490.
- 6.Немецкий Федеральный банк: денежно-политические задачи. – Франкфурт-на-Майне, 1993. - №7. <http://www.bundesbank.de>
- 7.Денежно-кредитная политика. <https://www.cbr.ru>; Monetary Policy. [www.ecb. eu](http://www.ecb.eu).

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ АСОСИДА БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Карабаев Н.А.

Маълумки, тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизимида асосида баҳолашда асосий эътибор қаратадиган муҳим кўрсаткичлар уларнинг баланс маълумотлари ҳисобланади. Шу сабабли, банк фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг назарий асосларини чуқур таҳлил этиш ва унинг мазмун моҳиятини амалиётга олиб кириш асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Рейтинг агентликларининг пайдо бўлиши бозор иқтисодиёт талаблари заруриятидан келиб чиқади. Хўжалик алоқаларининг кенгайиши билан эҳтимолий бизнес ҳамкорларнинг молиявий ҳолати ва ишончилигини кўзатиб бориш харажатлари ортиб боради. Рейтинглари шакллантириш бу фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида унга талаб ортиб боради. Бу ишни рейтинг агентликлари олиб боради. Уларнинг асосий вазифаси рейтинг тизимларини ушлаб туриш орқали ахборот воситачилигини амалга ошириш ҳисобланади.

Халқаро рейтинг агентлигининг асосий фаолияти ва ўзига хос хусусиятларига кредит рейтингини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки, кредит рейтинги кўплаб

инвесторлар учун у ёки бу лойиҳага маблағларни киритишда қарор қабул қилишнинг муҳим қуролидир. Кредит рейтинги мустақил, асосли ва малакали муносабатни тақдим этиб, қарз маблағлари ва капиталнинг бошқа манбаларига кенг йўл очиб беради, шу орқали эмитентнинг молиявий имкониятларини оширади.

Рейтинг стандарт жараён бўлиб, ушбу жараёнда жисмоний ва юридик шахснинг тўловга қобилияти объектив тарзда баҳоланади. Рейтинг малакали мутахассислар томонидан қарздорнинг иқтисодий ва ҳуқуқий аҳволи, ўз тўлов мажбуриятларини кенг қўламда ва ўз вақтида бажара олиши ҳақидаги махсус символлар ёрдамида белгиланадиган "тавсиялар шкаласи" ҳисобланади. Шундай қилиб, рейтинг таваккалчиликлар ҳақида ҳа ёки йўқ деб эмас, балки баҳолаш тизими тамойили асосида жавоб беради. Рейтинг ҳарфлар, рақамлар ёки "+", "-" каби бошқа символлар комбинацияси ёрдамида тақдим этилади. Масалан, AAA тўловга қобилликнинг энг юқори белгиси, D энг паст кўрсаткичи ҳисобланади. Етакчи халқаро рейтинглари ишлатадиган символлар жаҳон стандартлари белгиси бўлиб қолди. Капитал бозори шаффофликни талаб қилади, бунга эса айнан умумэътироф этилган ва машҳур рейтинглар томонидан эришилади. Ушбу шаффофлик юқорироқ самарага эришишни тақазо этади. Натижаларни тақдим этишда рейтинг агентликлари кўпинча Standart & Poogнинг баҳолаш тизимига асосланадилар. AAA дан BBB гача бўлган рейтинглар инвестицион даражани кўрсатади. Бу дегани кредит мажбуриятларини бажара олиш эҳтимоли мавжудлигини кўрсатади. BB ва D кўрсаткичи орқали рисклилик даражаси белгиланади. Бунинг маъноси рисклар пайдо бўлишининг эҳтимоли мавжуд ёки рисклар мавжудлигини кўрсатади ва дефолт юзага келишидан дарак беради.

Тижорат банклари учун халқаро қарзлар олишнинг энг кенг тарқалган турлари синдицирлашган кредитлар ва еврооблигацияларни жойлаштиришдир. Маблағларини бирламчи жойлаштириш (IPO) орқали ҳам жалб этиш мумкин. Тижорат банклари ушбу инструментлардан фойдаланиши учун Moody's, Fitch ва S&P йирик халқаро рейтинг агентликларининг ҳеч бўмаганда биттасининг баҳосига эга бўлиши керак. Одатда халқаро инвесторлар икки рейтинг агентлигининг баҳосига эга бўлишни тавсия этадилар. Рейтинг жараёни бэнч маркинг, яъни рақибларнинг нисбий таҳлилига ўхшаб кетади, аммо сезиларли экспертли таркибга эга. Жаҳон молия бозорида рейтингларнинг энг кўп қисмини қарз мажбуриятлари, асосан облигацияларнинг рейтинглари ташкил этади ва улар ўн минглаб миқдорга етади. АҚШда S&P ва Moody's барча чиқарилган акцияларга рейтинглар тақдим этадилар. Рейтингларнинг моҳияти ва аҳамияти улар у ёки бу ҳўжалик субъекти ёки молиявий инструментнинг синфи (гуруҳи)ни аниқлаб беради, бунда ушбу субъектнинг ўз мажбуриятларини бажара олмаслик яъни дефолт эҳтимоллигига билвосита баҳо берилади. Рейтинглар орасидаги катта тафовут ноаниқликка мос келади ва бозор томонидан қўшимча риск сифатида тан олинади. Айтиб ўтиш керакки, рейтинг агентлиги ўз баҳолари учун ҳуқуқий жавобгарликка тортилмайди. Шу билан бирга ҳар доим рейтинг агентлиги ўзининг фикрини акс этиб, эмитентнинг у ёки бу мажбуриятлари ёки у ёки бу молиявий инструментни сотиш ёки сотиб олиш учун тавсия бермаслиги доимо таъкидланиб келади.

Рейтинглар фарқ қилишига таъсир қилувчи икки сабаб кўрсатиб ўтилади: Биринчидан, агар фарқ жуда кескин бўлса, бу рейтинг агентликларининг обрўсига таъсир қилади ва уларнинг даромадини камайтиради. Иккинчидан, агар фарқ жуда кичик бўлса, эмитентлар учун иккита рейтинг сўраш учун сабаб қолмайди ва рейтинг агентликларининг даромадлари тушиб кетади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, рейтинг баҳосининг объективлигини таъминловчи асосий омил агентликнинг бозордаги обрўи ва унга билдирилган ишонч даражаси бўлиб, шунинг ўзи рейтинг агентлигини объективликка ундайди.

Тижорат банклари рейтингини аниқлаш тартиби қуйидагилар билан белгиланади:

- банк фаолияти таҳлил қилинади, барча асосий кўрсаткичлар ҳисобланади ва банкнинг барча ижобий ва салбий тарафлари аниқланади;
- баҳолаш шкаласи ва чегаравий кўрсаткичлар асосида кредитга қобиллик аниқланади.

Жаҳон амалиётида рейтингни аниқлашда турли ёндашишлар мавжуд бўлиб, жаҳон амалиётида рейтинг белгиланишининг 3 та асосий усули мавжуд.¹⁰⁹

1. Тартиблаш (рақамлаш) усули. Банк молиявий фаолиятининг кўрсаткичи муҳим хулоса тузилишлари билан биргаликда олиб борилиши ва аниқланган ҳар бир кўрсаткичлар бўйича рейтинг жойларини белгилаш. Бу усулнинг камчилиги, рақамлаш тизими технологиясига мувофиқ белгиланган омиллар усулида банк молиявий фаолиятининг жараёни аниқ акс этмаган.

2. Балл усули. Банк рейтингини аниқлашда энг қийин методика ҳисобланади. Чунки, банкни иқтисодий фаолиятида аниқланиб тўпланган ҳар бир кўрсаткичлар ҳолати баллда ифодаланиши талаб этилади. Бу тўпланган (ёки йиғилган) балл кўрсаткичлари банкни у ёки бу гуруҳга мувофиқлигини аниқлаб беради.

3. Индекс усули. Дунё банк амалиётида кенг қўлланиладиган усул бўлиб, уни қўллашда банкнинг ҳар бир алоҳида кўрсаткичлар бўйича индексини ҳисоблаш йўли билан белгиланади.

Рейтинг — статистик маълумотларга таянмаган ҳолда, кўрсаткичларни хатарли ҳолатлари билан аниқ томонларини ўрганишни талаб этади¹¹⁰. Банкнинг рейтинги махсус банк ишига ихтисослашган рейтинг агентлиги томонидан белгиланади. Бунда иш юритувчи банк муассасаси рейтинг агентлиги билан келишган шартнома асосида иш олиб бориб, банкнинг салбий томонларини ҳимоя қилиш вазифасини ўтайди¹¹¹. Тижорат банклари рейтингини аниқлашнинг энг муҳим элементлари берилаётган маълумотларнинг ишончли ва объектив эканлиги ҳисобланади. Банк рейтингини аниқлаш бу мустақил рейтинг агентликлари томонидан амалга оширилиб, тижорат банкларини банк бизнесини олиб боришда бозорда унинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилиши зарурлигини белгилаб беради.

2008 йилдаги бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин тижорат банкларини рейтинг агентликлари билан муносабатларини ўзгартиришига олиб келди. Банклар рейтинг агентликларидан уларни кредитга лаёқатлилигини баҳолаш билан чегараланмасдан балки банклар учун юзага келадиган турли ҳолатлардан огоҳ этишни, молиявий ва иқтисодий инқирозларнинг банк фаолиятига таъсири бўйича маълумотлар тақдим этишини талаб этмоқда. Бошқа кредит ташкилотларига нисбатан банклар ташқи рейтинг агентликларига катта муаммо келтириб чиқарадилар. Банклар фаолиятини олиб бориш жараёнида турли рискларга тўғри келади. Бу эса уларнинг ташқи фаолиятига баҳо бериш имкониятини пасайтириб юборади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, рейтинг агентликлари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги ўзаро яқинлик бозорда банклар фаолиятининг суъний равишда юқори рейтинг эълон қилинишига олиб келган¹¹². Рейтинг агентликлари банкларнинг кредитга лаёқатликларини объектив баҳолаши уларнинг узоқ муддатли фаолият олиб боришини

¹⁰⁹ Эрматов М.К. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари. «Иқтисод-молия» 2005, 41-бет.

¹¹⁰ Spyros Pagratissa, Marco Stringab. Modeling Bank Senior Unsecured Ratings: A Reasoned Structured Approach to Bank Credit Assessment//International Journal of Central Banking/ June 2009.

¹¹¹ Morgan, D. (2002). 'Rating banks: risk and uncertainty in an opaque industry', The American Economic Review, 92, 874-888.

¹¹² Griffin, J. and D. Tang (2011). 'Did credit rating agencies make unbiased assumptions on CDOs?', American Economic Review: Papers & Proceedings, 101(3), 125-130.

таъминлашига олиб келади¹¹³. Кейинги йилларда банкларнинг рейтингини аниқлашда рейтинг агентликлари томонидан берилаётган баҳо сифатини ошишига хизмат қилмоқда. Ушбу ҳолатнинг ўзгариши жаҳон глобализация жараёнининг тез ривожланиши бозордаги инвесторларнинг рейтинг агентликлари натижасига “реакция” қилиш жараёнининг тез мослашиши билан баҳолаш мумкин. Олиб борилган айрим тадқиқотларда банк рейтинги маълум бир муддатда аниқ бир компания олдидаги мажбуриятини бажара олиш қобилиятини кўрсатувчи катталик ҳисобланади деб таъкидлаб ўтадилар¹¹⁴. Банк рейтинги бу банк фаолиятини таҳлил қилишнинг бир варианты ҳисобланади. Рейтинг асосида банкни молиявий фаолиятини комплекс баҳолаш ва ушбу таҳлилни барча турдаги инсонлар учун унинг очиклигини таъминлаш ҳисобланади. Бундай таҳлилий маълумотга эга бўлиш банклар, банк миқјозлари–жисмоний ва юридик шахслар ҳамда банкни назорат қилувчи органлар учун зарур ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, банк рейтинги - бу банк балансидаги маълумотларнинг тўғрилигини ифода этувчи, банк фаолиятининг имкониятларини ёритиб берувчи ҳамда бозор иқтисодиёти фаолиятида тутган ўрнини белгилаб, у ҳақда ахборот етказувчи индикатордир. Бу маълумотларни ўз вақтида билиш банкларни бозор конъюнктурасига мослашиш имкониятини тўғдиради ва йирик йўқотишларни олдини олишга хизмат қилади.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ОПЕРАЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ш.Ш.Саипназаров – БМА таянч докторанти

Жаҳон банк тизими амалиёти орқали маълумки, қимматли қоғозлар бозоридаги энг фаол иштирокчиси тижорат банклари бўлиб, айнан шу йўналишда самарали фаолияти юритиши орқали ажралиб туриши билан бир қаторда, улар ўз зиммасига маълум даражада эҳтиёткорлик ва хавфни ҳам олишлари билан аҳамиятлидир.

Тижорат банкларининг мамлакат қимматли қоғозлар бозорининг шаклланишига ортиб бораётган эътибори, миллий иқтисодиётнинг инвестицияларга бўлган тобора ўсиб боровчи эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир, чунки уларсиз ижтимоий ишлаб чиқаришни чуқур қайта қуриш, экспорт салоҳиятини ўстириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш мумкин эмас.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида фаоллашувининг муҳим омили уларнинг устав ва айланма фондларига ўз қимматли қоғозлар эмиссияси асосида қўшимча ресурсларни жалб этишда эҳтиёжнинг кучайиб бораётганидир.

Аммо шунинг билан бирга ҳали бу соҳани ривожлантириш бўйича кўплаб ишлар амалга ошириш зарурлиги Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан кўрсатиб ўтилди. Жумладан, қимматли қоғозлар чиқариб, уларни фонд бозорида сотиш механизмидан самарали фойдаланилмаяпти. Фонд бозоридаги акцияларнинг жами қиймати 25 триллион сўм бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6 фоизга ҳам етмайди. Бу кўрсаткич Сингапурда 188 фоиз, Малайзияда 112 фоиз, Россияда 34 фоизни ташкил этади. Мамлакатда жорий йилда чиқарилган давлат облигациялари валюта биржаси

¹¹³ Bar-Isaac, H. and J. Shapiro (2011a). ‘Ratings quality over the business cycle’, working paper. Bar-Isaac, H. and J. Shapiro (2011b). ‘Credit ratings accuracy and analyst incentives’, The American Economic Review: Papers and Proceedings, 101(3), 120-124.

¹¹⁴ Mathis, J., J. McAndrews and J.C. Rochet (2009). ‘Rating the raters: Are reputation concerns powerful enough to discipline rating agencies?’ Journal of Monetary Economics, 56, 657-74.

орқали фақатгина тижорат банкларига сотилган. Фонд бозори профессионал иштирокчилари сони 100 тага ҳам бормайди¹¹⁵.

Шунинг учун қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида тутган ўрни турли давлатларда турличадир. АҚШда банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри операцияларни амалга ошириши ва фонд биржаларига аъзо бўлиши таъқиқланган. 1933 йилги қонунга мувофиқ тижорат банклар саноат компаниялари акциялари ва облигацияларини чиқаришни ташкил этишда қатнаша олмайди. Банклар ўз маблағларини саноат компаниялари акцияларига инвестиция қилиши ман этилган бўлиб, қарз олувчи-мижознинг тўловга ноқобиллиги билан боғлиқ бўлган йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида қилинадиган инвестициялар бундан мустасно. Аммо ушбу тақиқ банклар томонидан катта ҳажмлардаги траст операцияларини бажариш билан қопланади, мазкур америкача ўзига ҳослик банклар саноат компаниялари акцияларига амалда эгаллик қилишини кўзда тутди. Қонун банкларга давлат қимматли қоғозлари, муниципал облигацияларни чиқариш, турли идоралар ва халқаро ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган қарз мажбуриятларини ташкил этиш, шунингдек, мижозлар ҳисобидан ва уларнинг топшириғига кўра қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳамда сотиш бўйича айрим воситачилик функцияларини бажариш учун рухсат беради.

Хорижий давлатларда тижорат банкларини қимматли қоғозлар бозорига иштирок этишини турли моделлари қўлланилади. Қуйидаги жадвалда айнан шундай моделларни ўзаро солиштириш таҳлили келтирилган.

Бу «англосаксон моделига» (АҚШ ва Буюк Британия) таълуқли бўлиб, уларда банкларга акцияларга инвестиция қилиш ман қилинган ва «Германия модели» (Германия ва Швейцария) да банкларга акциялар билан ҳеч қандай чекловларсиз операция бажаришга рухсат берилган.

Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклар иштирокининг моделлар ўртасида нисбий таҳлил¹¹⁶

№	Иштирок этиш моделининг номланиши	Тижорат банкларига ҚҚБ белгиланган чекловлар	Тижорат банкларнинг ҚҚБдаги инвестицион фаолиятда иштирок этиш даражаси	Воситачилик функциялар ўрнини босишига белгиланган чекловлар даражаси	Тартибга солувчи органлар даражаси	ҚҚБда фаолият юритаётган банкларнинг ихтисослашуви
1	Америкача модел (англосаксон)	Юқори даражада	Тижорат банкларнинг инвестицион фаолияти таъқиқланган	Юқори даражада	Мега-регулятор	Инвестиция банки
2	Немис модел	Паст даражада	Энг юқори	Паст даражада	Мега-регулятор	Универсал банклар

¹¹⁵ <https://daryo.uz/k/2019/10/07/Shavkat-mirziyoyev-fond-bozorini-rivojlantirish-masalalari-boyicha-yigilish-otkazdi/>

¹¹⁶ Добрынина Л.Н., Малявина А.В. Фондовый рынок и биржевая торговля. – М.: Издательство «Экзамен», 2005.- с.111.

Россия Федерациясида банклар қимматли қоғозлар билан ўз операцияларини амалга оширишда қисман чеклаб қўйилган. Масалан, Россия банклари хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларини сотиб олувчи сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас, акциядорлик жамиятлари акцияларида ўз соф активларининг 5 фоиздан ортиғини қўя олмайдилар, ўз мулкида бирор акциядорлик жамияти акцияларининг 10 фоиздан ортиқ қисмига эга бўлиши мумкин эмас¹¹⁷.

Бизда ҳам маълум чекловлар белгиланган бўлиб, уларни олиб ташлаш бўйича Президентимиз қуйидагича вазифалар белгилаб бердилар. "...қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, ортиқча чекловларни бекор қилиш ва фонд бозорида ишлашни соддалаштириш зарур, жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, капитал бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозлар турларини кўпайтириш, қимматли қоғозларга бўлган талабни кўпайтириш, хорижий биржа, брокерлар ва банкларни мамлакат фонд бозорига жалб қилиш ҳамда суғурта компанияларига активларининг маълум фоизини фонд бозорига йўналтириш, банкларга бирламчи бозорда юқори ликвидли қимматли қоғозларни харид қилиш учун рухсат бериш"¹¹⁸.

Айнан юқоридаги вазифаларни бажариш мақсадида ҳозирги мавжуд бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Бизга маълумки, мамлакатимизда фаолият юритадиган тижорат банкларининг аксарияти "Тошкент" Республика фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, уларнинг биржадаги операциялар ҳажмида салмоғи юқори ҳамда "А" тоифадаги листингга киритилган қимматли қоғозлар ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари орасида банклар шу билан ажралиб турадики, улар фонд бозорининг қонунчилик билан рухсат берилган деярли барча молиявий воситаларида: акция, облигация, депозит сертификатлари ва векселларни эмитент сифатида чиқариши мумкин¹¹⁹.

Тижорат банклари «Тошкент» Республика фонд биржаси савдоларида ҳам эмитент сифатида, ҳам инвестор сифатида иштирок этиши туфайли фонд бозорининг энг фаол қатнашчилари ҳисобланишади. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан республика банк тизимининг изчил ривожланишига катта эътибор қаратилаётганлиги ва банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги инвесторларнинг фонд биржасидаги банклар акцияларига бўлган қизиқишларининг тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Банклар акцияларига бўлган қизиқишнинг ортиб бориши уларнинг ишончлилиги, барқарорлиги, даромадлар миқдорининг доимий ошиб бориши каби омиллар билан ўзвий боғлиқдир.

Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операциялар самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларга амалга ошириш лозим:

- қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, ортиқча чекловларни бекор қилиш ва фонд бозорида ишлашни соддалаштириш зарур;
- жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, капитал бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозлар турларини кўпайтириш, қимматли қоғозларга бўлган талабни кўпайтириш, хорижий биржа, брокерлар ва банкларни мамлакат фонд бозорига жалб қилиш;
- суғурта компанияларига активларининг маълум фоизини фонд бозорига йўналтириш, банкларга бирламчи бозорда юқори ликвидли қимматли қоғозларни харид қилиш учун рухсат бериш.

¹¹⁷ <https://economy-ru.info/info/138041/>

¹¹⁸ <https://daryo.uz/k/2019/10/07/Shavkat-mirziyoyev-fond-bozorini-rivojlantirish-masalalari-boyicha-yigilish-otkazdi/>

¹¹⁹ <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/53044-tijorat-banklari-qimmatli-qogozlari-bozor-qiymati-uzgarishinig-iqtisodiy-tahlili>

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИДА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

*Ўз. Р. БМА катта ўқитувчиси Имамова Н.
Расулов Ж. тингловчиси*

Жаҳон амалиётида мавжуд бўлган корпоратив бошқарув моделларини ўрганишдан мақсад Ўзбекистон учун энг мақбулидан фойдаланишдир. Чунки янги технологиялар ва замонавий бошқарув усулларини қўллаш иқтисодий глобаллашув шароитида корхоналарнинг самарадорлигини ошириш, кучли рақобатда жон сақлаш учун замин яратади.

Шулардан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятларида хусусийлаштириш жараёнларини сифатли олиб бориш, хусусийлашган корхоналарни ривожланган мамлакатлар бой тажрибасига таянган ҳолда, мамлакатимиз миллий хусусиятларини эътиборга олиб, замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув моделларининг қиёсий хусусиятларини мамлакатимиз олимларидан О.Б.Мансуров қуйидаги жадвалдаги кўринишда кўрсатиб ўтган. Ушбу таҳлил қилинган моделларнинг кучли ва кучсиз томонларини қуйидагича таърифлаган.

Корпоратив бошқарув моделларининг қиёсий хусусиятлари

Моделларнинг хусусиятлари	Инглиз-Америка модели	Германия модели	Япон модели
Ижтимоий кадриятлар тизими Меҳнат жамосининг роли	Шахсиятпарастлик, танлов эркинлиги Пассив	Ижтимоий ҳамкорлик Фаол	Ҳамкорлик ва ишонч Фаол қатнашув
Молиялаштиришнинг асосий усули	Фонд бозори	Банклар	Банклар
Ахборотлардаги номуносивблик Инвестициялаш муддати Капиталнинг қиймати Капитал бозори Асосий иқтисодий бирлик (йирик бизнес учун)	Менежмент Қисқа муддатли Юқори Юқори ликвидли Компания	Менежмент Узоқ муддатли Ўрта Ликвидли Холдинг	Бош банк Узоқ муддатли Паст Нисбатан ликвидли Молия-саноат гуруҳи
Менежментни тақдирлаш	Юқори	Ўрта	Паст
Акциядорлик капиталининг тузилмаси	Тарқалган	Кучли жамланган	Жамланган

Америка моделининг камчилиги инвесторларнинг қисқа муддатли манфаатларига ортиқча йўналтирилганлик билан изоҳланади.

Германия ва Япония моделларида банкларнинг ўзаро қарама- қарши жараёнларини кузатиш мумкин. Хусусан, банклар ҳам акциядор, ҳам кредитор сифатида намоён бўлиб, манфаатлар ўзаро тўқнаш келиб қолади. Германия ва Япония моделларида давлатнинг роли, уларда рақобат эркинлигига алоҳида аҳамият қаратилган. Бу моделларни ўрганган олимларнинг фикрича "...корпоратив тузилмаларнинг замирида рақобатни жиддий чеклашлар мавжуд бўлиб, бу пировард натижада самарадорлик бой берилишига олиб келади".

Булар, иқтисодиёти энди ривожланиши сари бораётган даврда ижобий ҳолатга эга, бироқ мамлакат ривожланишининг юқори босқичига яқинлашган сайин уларнинг самарадорлиги пасаяди. Ўтган аср охирларида уларнинг иккаласида бу нарса яққол намоён бўлиб, ривожланиш суръатлари кескин пасайиб кетди.

Америка модели анча очик бўлиб, у ривожланишда рақобатга имконият беради. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу модел иқтисодий демократиянинг юқори бўлиши ва жамиятнинг кўпроқ очик бўлишини талаб этади.

Корпоратив бошқариш кенг тус олган бўлсада, унинг мазмун- моҳияти ва потенциал имкониятлари ҳамон сирлигича қолмоқда. Шу боис, мазкур масалани атрофлича ўрганиш иқтисодий жиҳатдан юксалган ва эндигина ривожланаётган давлатлар учун бирдек муҳимдир.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони тасдиқланди. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлар ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш асосий ва долзарб вазифалардан эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Жаҳон амалиётида корпоратив муносабатларни тартибга солиш бўйича бой тажриба тўпланган. Бироқ, мамлакатимизда ҳанузгача корпоратив бошқарувнинг тизими жаҳон стандартлари ва замонавий амалиётга мослаштирилмаган.

Бу эса акциядорлик жамиятларида инвестицион муҳит яратилишига, чет эллик инвесторларни жалб қилишга салбий таъсир этмоқда. Бу муаммоларни тезроқ бартараф этиш учун қуйидаги масалаларга эътибор берилиши лозим:

- акциядорлик жамиятларини бошқаришда ижроия органи, Кузатув кенгашлари масъулиятларини ошириш;
- акциядорлик жамиятлари Кузатув кенгашларини малакали мутахассислар ҳисобига шакллантириш ва уларни бошқаришнинг олий органига айлантириш;
- акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати ҳақида инвесторга етарли ахборот бериш;
- акциядорлик жамиятларидаги мутахассисларни инвестицион лойиҳаларни тузиш бўйича малакаларини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун корпоратив бошқарув бўйича хориж тажрибасини таҳлил этиш, корпоратив бошқарув механизмларини, корпорацияларнинг ташкилий таркибларини, ишлаб чиқариш жараёнини стратегик истикболлаштириш ва корпоратив-акциядорлар маблағларини бошқаришни ташкил этиш соҳаларидаги амалиётлардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Корпоратив муносабатлар иштирокчиларини корхона фаолиятига жалб этиш ҳамда молиявий воситаларидан фойдаланиш учун, биринчи навбатда, корхоналар шаффофлик тизимига асосланган корпоратив бошқарувни жорий этиши ва ривожлантириши лозим. Корпоратив бошқарув муҳитининг хусусиятлари бозорни тартибга солиш сиёсати ва самарадорликни бошқариш, акциядорлар ҳуқуқларини таъминлаш, бизнеснинг очиклиги, масъулият каби компаниянинг ички иши билан аниқланади.

Корпоратив бошқарув қонун устуворлигига асосланган самарали бозор иқтисодиётини шакллантиришда жуда катта роль ўйнайди. Корпоратив бошқарув қоидаларини тушунмаслик ёки етарли даражада қўлламаслик инвестицион муҳитга салбий таъсир қилади, оқибатда мунтазам иқтисодий ўсишни таъминловчи инвестицияларни қўлдан бой беришга олиб келади. Шу билан биргаликда бозор

қонунларига бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатувчи ракобат муҳитини муваффақиятли ташкил этишга тўғаноқ бўлади.

Республикамиз ва ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, акциядорлар ва салоҳиятли инвесторлар учун тўла ва ишончли ахборотларга эга бўлишдан ҳам муҳимроқ нарса йўқ. Улар томонидан қўлга киритилган ахборотларни атрофлича таҳлил қилиш сармояни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади ва мамлакатга нисбатан ишончни мустаҳкамлайди. Шулардан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятларида хусусийлаштириш жараёнларини сифатли олиб бориш, хусусийлашган корхоналарда ривожланган мамлакатлар бой тажрибасига таянган ҳолда мамлакатимиз миллий хусусиятларини эътиборга олиб замонавий бошқарув усулларини қўллаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда корпоратив бошқарув тизими мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг муҳим механизми ва инвестицияларни, жумладан, чет эл инвестицияларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб этишнинг ҳал қилувчи омили сифатида намоён бўлмоқда. Корпоратив бошқарув маҳаллий инвесторларни янада кўпроқ қўллаб-қувватлаш имкониятларини яратади, яъни уларнинг нафақат иқтисодий фаолият иштирокчиси, балки ижтимоий ва сиёсий ҳаёт қатнашчиси сифатидаги имкониятларини оширади, ислохотларда иштирок этиш фаоллигини янада кучайтиради. Бу кабиларнинг барчаси пировард натижада акциядорлик жамиятларидаги бошқарувни янги сифат босқичига олиб чиқишга кўмаклашади ва инвестор(акциядор)ларни мамлакат, корхона иқтисодий фаолиятига жалб этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

2. Мансуров О. Республикада корпоратив бошқарувнинг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари // Ж. Бозор, пул ва кредит. 2006. -№5. -26-28 б.

3. Сабирджанова Д., Туляганова Ш. Совершенствование корпоративного управления // Бозор, пул ва кредит. 2004. -№3.- 38с.

4. Каримов И.А. “Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир”. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. “Ишонч”, 2007 йил 13 февраль.

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСОСИДА МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ УЛУШИЙ КАПИТАЛ НЕГИЗИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ

Зулфиев Ф.Ў., БМА тингловчиси

Ҳар қандай мамлакатнинг ҳозирги замон иқтисодий ўсишининг асосий омили сифатида маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашга ва юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган билимлар иқтисодиётини куриш ҳисобланади. Бунинг учун иқтисодиёт реал секторига инновацион ўсишга эришиш талаб қилинадики, бу эса ўз навбатида йилдан-йилга тобора кўпроқ сармоя киритилишини тақазо қилади. Ўзбекистон бугунги кунда иқтисодиётни бошқаришнинг эскирган усулларида воз кечиб инновацион менежмент, лойиҳавий менежмент каби илғор усулларга юз тутиб, капитал бозорини жаҳон бозорига интеграциясини ошириб бориш йўли билан ривожлантиришнинг янги концепциясини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар самарасини янада ошириш, иқтисодиётнинг реал сектори ва банк-молия секторини бир-бирига монанд равишда ривожлантиришнинг янги истиқболларини очишга хизмат қилмоқда (ПФ-4947, 2017).

Хусусан, мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириб бориш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни ривожлантириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини замонавийлаштириш ва диверсификация қилиш, жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ва экспорт салоҳиятини ошириш, қазилма бойликлар, қишлоқ хўжалигини махсулотлари ва бошқа табиий хом-ашёларни чуқур қайта ишлаш, мамлакат ЯИМ таркибида юқори қўшилган қийматли махсулот ва хизматлар улушини ошириб бориш, хусусий мулкнинг турли шакллари ривожлантириш ва мулкдорларнинг кенг қатламини ҳосил қилиш, инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва иқтисодиётдаги ролини янада кучайтириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотларни давом эттириш борасида қатор чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилганди.

Шу билан бирга, миллий иқтисодиёт секторларига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: "...мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни киритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш зарур"- деб бежиз айтмаган эдилар (Мирзиёев, 2017). Шунингдек, юртбошимиз иқтисодиёт реал секторига инвестицияларни жалб қилиш бўйича ишлар қандай аҳволда экани танқидий таҳлилни талаб этиши тўғрисида айтиб ўтдилар.

Жаҳон амалиётида инвестиция фаолиятининг асосий юритувчиларидан бири тижорат банклари бўлиб, улар нафақат тўғридан-тўғри инвестициялар, балки портфель инвестицияларни ҳам амалга оширмоқдалар. Бунда инвестициялашнинг жуда ҳам самарали ва илғор усуллар қўлланилмоқдаки, уларни мамлакатимиз амалиётга ҳам жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, бугунги кунда мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда стратегик инвестор сифатида ёки фонд биржасида портфель инвесторлар сифатида тижорат банкларининг иштироки имкониятдагига қараганда жуда паст бўлмоқда ҳамда банк сектори миллий иқтисодиётни инвестициялашда муносиб ўрин тутмаяпти. Ушбу соҳадаги тенденция шундан иборатки, жами асосий капиталга инвестицияларда тижорат банкларининг улуши йилдан-йилга секин-асталик билан ўсиб боради йигирма фоиз даражасидан ортмаяпти. Ушбу ҳолатга фақат тижорат банклари айбдор эмас. Гап шундаки, улар "Олмалик ТМК" ОАЖ каби инвестиция киритиши мумкин бўлган иқтисодиёт реал секторининг корхоналари яхши даромадли таклиф билан майдонга чиқмаяптилар, улар эмиссия фаоллиги жуда суст, эмиссия қилган оз ҳажмдаги акциялари ва облигациялари эса даромадлилик, риск даражаси ва ликвидлик жиҳатидан потенциал инвесторларнинг, шу жумладан тижорат банкларининг талабларига жавоб бермайди. Республика фонд бозори инфратузилмаси ва функционал ривожланиш даражаси замон талабларига жавоб бермайди. Шу билан бирга, тижорат банклари инвестиция фаолияти билан кенг қўламда шуғулланишлари учун давлат томонидан рағбатлантирилиши етарли эмас.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг мавжуд бўлиши, Ўзбекистон иқтисодиёти реал сектори асосий тармоқларида маҳаллий хомашё асосида махсулот ишлаб чиқаришни корхоналар устав фондига инвестицияларни молиялаштиришга тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини рағбатлантириш заруриятини келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10

майдаги 268-сонли “Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Қарорга асосан бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклифлар ўтказилиши кўзда тутилган бўлиб, 2018 йилнинг 1 июль санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўтказилга оммавий таклифлар юзасидан маълумот берилиши кўрсатиб ўтилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 268-сонли қарорига Акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотиш бўйича бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклифлар ўтказиш жадвали

№	Акциядорлик жамиятининг номи	Акцияларни оммавий таклиф этиш ташаббускори	Акцияларни оммавий таклиф этиш ташкилотчиси	Сотиш тури
1.	“Кварц” АЖ	“Кварц” АЖ	ТИФ “Миллий банк”	Бирламчи (IPO)
2.	“Шахрисабз вино-ароқ” АЖ	Давлат Рақобат Қўмитаси	АТ “Асакабанк”	Иккиламчи (SPO)
3.	“Қўкон механика заводи” АЖ	“Ўзнефтегазмаш” АК	ТИФ “Миллий банк”	Иккиламчи (SPO)

Манба: www.uzse.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф тайёрланди.

Юқоридан кўриниб турибдики, “Олмалиқ ТМК” ОАЖ каби корхоналар улуший капиталини IPO орқали ошириши мумкин. Бироқ, кўпчилик корхоналар акциялари харидогир эмас. Шунинг учун, қуйидагилар таклиф қилинади:

1. “Олмалиқ ТМК” ОАЖ каби корхона акциялари дивидендларини қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган даражада тўланишига эришиш ва IPO дастурларини оммавий тарзда ўтказиш.

2. Иқтисодиёт реал сектори эмитентлари тўғрисида мажбурий тарзда ошкор қилинадиган қилинадиган маълумотлар ҳажми ва таркибини кескин ошириш.

3. Тижорат банкларининг реал сектор корхоналари қимматли қоғозлари ликвидлигидан ҳавфсирамасдан операциялар қилиши учун республика фонд бозоридаги маркет-мейкерлар фаолиятини 10-20 йилгача барча солиқлардан озод қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Фармон-4947 (2017) “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 февраль.

2. Мирзиёев Ш.М. (2017) Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, – 592 б.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШГА ХОРИЖИЙ ВЕНЧУР ФОНДЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

Қундузов Ж.А., БМА тингловчиси

Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохатлар натижасида Ўзбекистон иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичларини намоён қилди. 2016 йилда жаҳонда ва асосий савдо ҳамкор давлатларда содир бўлган иқтисодий жараёнларни инобатга олиб, уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олишга, ички талаб ва реал сектордаги инвестицион фаолликни рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда барча соҳаларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг кенгайишини таъминлаш орқали мувозанатли


иқтисодий ўсиш суръатларига эришишга қаратилган давомли макроиқтисодий сиёсат юритилди.

2019 йилга мўлжалланган иқтисодиётни ислоҳ этиш, таркибий ўзгартириш, тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда илғор технологиялар ва ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жорий этиш ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши 2019 йилда ҳам иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлади.

Ўзбекистон давлат инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, инновацион технологияларга асосланган янги бизнес турларини ривожлантириш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни таъминлашга қаратилган иқтисодий жараёнларни ташкил қилишда намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга миллий иқтисодиёт реал секторини молиялаштириш бўйича барча имкониятлар ишга солинган деб бўлмайди. Хусусан, бизнесни юқори riskли молиялаштириш соҳасида жаҳон амалиётида кенг тарқалган венчур молиялаштириш республикамиз амалиётида қўлланилмаяпти. Ваҳоланки, венчур молиялаштириш жаҳон капитал бозорларида кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда энг самарали усуллардан бири эканлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда венчур молиялаштиришни йўлга қўйиш учун етарлича даражада мувофиқ ҳуқуқий-тузилмавий, ташкилий-институционал шароит яратилмаган.

Венчур инвестициялар глобал бозорида АҚШ ва Европа ҳудуди етакчилик қилиб бутун бозорнинг 86 фоизини назорат қилмоқдалар (расм).



Битимлар сони бўйича энг катта венчур бозорлари¹²⁰.

Глобал венчур инвестициялари бозорида энг тез ўсаётган мамлакат Россия бўлиб, охири етти йил ичида ўз улушини Ҳитой ва Ҳиндистон каби қудратли иқтисодиёт соҳиблари даражасига етказишга муваффақ бўлган. Ҳозирда венчур инвестициялар асосан ахборот технологиялар, соғлиқни сақлаш, туризм ва истеъмол хизматлари соҳаларига киритилмоқда. Омавий портфель инвесторлардан сармоя жалб қилишда АҚШ венчур фондлари пешқадамлик қилмоқдалар. Бироқ уларнинг эмиссион ва инвестицион фаолияти кўламлигининг ўсиш суръатлари пасайиб қолмоқда бўлиб, бунга глобал инвестициялар бозоридаги рақобатнинг тобора кучайиб бораётгани

¹²⁰ Dow Jones VentureSource.

сабаб бўлмоқда. 2003-2012 йиллар давомида барча венчур фондлари 378,1 млрд. доллар инвестиция жалб қилган бўлиб, венчур фондларининг энг йирик ўнталигида жами инвестицияларнинг 15 фоизи жамланган. Демак, республика иқтисодиётига хорижий венчур фондларини жалб қилиш катта самара бериши мумкин экан. Бироқ, тижорат банкларидек уларнинг республика ичида ҳамкорлари мавжуд бўлмаса хорижий венчур фондлари республика молия бозорига кириб келишга ҳавфсираши мумкин

Шунинг учун қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Ўзбекистон Республикасида венчур молиялаштиришни институционал ривожлантириш ва хорижий венчур фондларини қонуний равишда жалб қилиш учун “Венчур молиялаштириш тўғрисида” Қонун қабул қилиш.

2. Хорижий венчур фондлари улуший иштирокида венчур фондлари ишини ташкил қилиш ва молия қонунчилигига мувофиқ ўзгартиришлар киритиш.

3. Банкларнинг хорижий венчур фондлари билан ҳамкорлик қилиш фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий базани яратиш, хорижий венчур фондларига солиқлардан имтиёзлар бериш, тижорат банкларининг венчур соҳасидаги инвестицион фаолиятини қайта кўриб чиқиш.

4. “Қишлоққурилишбанк” АТБ каби банкларнинг венчур молиялаштириш билан шуғуллана олиш имкониятларини кенгайтириш учун банкнинг юқори даромадли активларини ўстириш лозим бўлади. Шу билан бирга, банкларда риск-менежмент тизимини сифатан янги даражага олиб чиқиш керак.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЛИЗИНГНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Одилжонов И.О., БМА тингловчиси

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларига асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини техник-технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизация қилишни лизинг хизматлари орқали қўллаб қувватлашга катта аҳамият берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидаги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишида ҳам айнан лизинг, суғурта ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида ривожлантириш, халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш”дан (Ҳаракатлар стратегияси, 2017) иборат маҳаллий ишлаб чиқаришни лизинг хизматларидан фойдаланиш орқали ривожлантириш йўллари белгилаб берилди.


Бугунги кунга келиб, кўплаб республикаимизда «Ўзбеклизингинтернешнл», «Ўзавиализинг», «Ўзагролизинг», «Ўзқишлоқхўжаликмаслизинг» каби нуфузли лизинг компаниялари ташкил этилишига қарамадан лизинг хизматлари молиявий хизматларнинг муҳим элементи ва стратегик аҳамиятини ҳисобга олиб лизинг хизматлари бозорини янада ривожлантириш долзарблигича қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 14 январда сўзлаган “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар

фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” деб номланувчи маърузаларида ҳам молиявий секторнинг ривожланишига танқидий баҳо бердилар (Мирзиёев, 2017).

Лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришда ҳамда банкларнинг кўрсатадиган хизматларини диверсификация қилишда банклар томонидан лизинг хизматларини кўрсатиш ва лизинг бозорига кириб бориш масалалари алоҳида эътиборни талаб этади. Банклар томонидан лизинг хизматларини муваффақиятли равишда сотиш, бозордаги ҳолатни тўғри таҳлил қилиш ва унда сотиш ҳажмини оширишда тўғри стратегияни танлаш, ташкилий, молиявий, ҳуқуқий ва маркетинг омилларини баҳолай олиш ҳамда ушбу омиллар элементларини қўллаш ва режалаштиришни такомиллаштириш жуда ҳам долзарб масалалардандир. Рақобатчилар билан кескин курашда банкни бошқариш тизимининг фаолиятида асосий масала унинг фаолияти, стратегия ва тактикасини бозорнинг ва истеъмол соҳасининг узлуксиз ўзгариб турувчи вазиятига иложи борица максимал мослаштиришдан иборат.

Ривожланган бозорларда лизинг хизматларини ва уларни сотишга таъсир қилувчи омилларни ўрганувчи бир қатор тадқиқотлар (Myers, 1977; Bootle, 2002; Robicheaux ва бошқалар, 2008; Ushilova ва Schieurann, 2011) амалга оширилган, хусусан лизинг хизматлари бозорига банкларнинг кириб бориши масалалари ўрганилган. Топ-50 мамлакатлар бўйича янги лизинг бизнесининг ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хозирда лизинг бозори ҳажми 1 трлн. АҚШ доллардан анча катта. Бутун дунёдаги жами лизинг ҳажмининг 90 фоиздан кўпроғи Шимолий Америка, Европа ва Осиё минтақалари ҳиссасига тўғри келади (расм).

Ўзбекистон лизинг бозори иштирокчиларини биз шартли равишда иккига бўлиб таҳлил қилишимиз мумкин. Улар: лизинг компаниялари ва банклар. 2017 йил якунлари бўйича лизинг компаниялари ва банклар томонидан умумий лизингга берилган буюмлар ҳажми 1553,6 млрд сўмни ташкил этмоқда. Янги лизинг битимлари ҳажмининг ўсиш тенденцияси лизинг бозори иштирокчилари ўртасида қуйидаги жадвалда келтирилган



Расм. 2016 йил учун лизинг ҳажмининг минтақалар бўйича тақсимооти
(Gleeson, 2016)

Лизинг бозори иштирокчилари улуши (ULA, 2018)

Йиллар	Лизинг компаниялари		Тижорат банклари		Жами
	мулк қиймати, млрд.сўм	улуши	мулк қиймати, млрд.сўм	улуши	
2011	325,1	67,1	159,4	32,9	484,5
2012	381	64,5	209,6	35,5	590,6
2013	560,2	69,6	244,9	30,4	805,1
2014	592,6	71,7	233,6	28,3	826,2
2015	668,2	78,5	183	21,5	851,2
2016	630,8	64,8	342,3	35,2	973,1
2017	963,8	62,0	589,8	38,0	1553,6

Нима сабабдан лизинг операцияларининг қийматининг улуши кўпроқ лизинг компанияларига тўғри келаяпти деган савол туғилиши табиий, албатта. Сабаби мамлакатимизда лизинг компаниялари сони тобора ортиб бормоқда. Бу ҳам бўлса мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун кенг имкониятларнинг яратилганлигидир.

Шунинг учун, Ўзбекистон тижорат банклари инвестиция фаолиятининг самарадорлигини оширишда лизингнинг ролини ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

1. «Банк лизинг маҳсулоти» ва «банк лизинг технологиялари» тушунчаларига республика норматив базасида аниқлик киритиш талаб қилинади.

2. Ўзбекистонда банклар лизинг бозорида лизинг операциялари ҳажми банкнинг биринчи капитал ҳажмининг 25% дан ошмаслиги кераклиги чекловини олиб ташлаш.

3. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятнинг жадаллашиши лизинг операциялариги эҳтиёжнинг ошишига олиб келмоқда ва ушбу ҳолат банклар учун янги имкониятларни яратади. Жумладан, кўшимча лизинг хизматлари билан боғлиқ хизматларни бозорга таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Фармон-4947 (2017) “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 14 январда сўзлаган “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак” деб номланувчи маърузалари.

3. Myers S. C. (1977) Determinants of Corporate Borrowing. Journal of Financial Economics 5, 147-175.

4. Bootle R. (2002) Real Estate in Business- A Waste of Space? Royal Institution of Chartered Surveyors (RICS), London, available at: www.rics.org.

5. Robicheaux S. H., Xudong F. and Ligon J. A. (2008) Lease Financing and Corporate Governance. The Financial Review 43, 403.

6. Ushilova E. and Schmiemann M. (2011) Access to finance statistics. Data from September 2011. From Eurostat Statistics Explained. http://epp.eurostat.ec.europa.eu/statistics_explained/index.php/Access_to_finance_statistics. October 2011.

7. Gleeson B. (2016) White Clarke Global Leasing Report, www.wly.com 2017.

ЎЗБЕКИСТОН КОРХОНАЛАРИГА ХОРИЖИЙ МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАР ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Ризоев Ф.Х., БМА тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини чуқур ислох қилишнинг муҳим устуворликларидан бири, иқтисодиётга маҳаллий ва жорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали иқтисодиётни модернизациялаш ва чуқур таркибий ўзгартириш ҳисобланади. Бундан мақсад, мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлаган ҳолда аҳоли даромад манбаини мустаҳкамлашдир. Ушбу масаланинг муҳимлиги устида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев алоҳида тўхталиб: “Инсон манфаатларини таъминлашда иқтисодиётимизни юксак суръатлар билан барқарор ривожланишини қандай катта аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши тушунамиз” – деб бежиз айтмаган эдилар (Мирзиёев, 2016). Ўзбекистон иқтисодиёти реал сектор тармоқларининг корхоналарини жаҳон товар ва молия бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш ва ЯИМда чуқур қайта ишланган маҳсулот ишлаб чиқарилиши улушини ошириш масаласи мувофиқ равишда сармояларнинг жалб қилинишини, ушбу ҳолат эса потенциал инвесторлар назарида республика корхоналарининг инвестицион жозибадорлигини оширишни талаб қилади. Мустақиллик йилларида республикаимиз иқтисодиёти реал секторига инвестицияларни жамлаш ва қайта сафарбар этиш механизми сифатида фонд бозори шаклланди, ҳамда замонавий капитал бозорини куриш учун зарур пойдевор яратилди. Шу билан бирга, инвестицияларни нафақат жалб қилиш балки уларни оқилона бошқариш ҳам керак. Акциядорлик жамияти ҳолида барча бошқарув тизимлари асоий бош тизим – корпоратив бошқарув тизимининг самрадорлигига тақалади. Шу жумладан, акциядорлик жамиятида инвестицияларни бошқариш механизмлари ушбу жамият корпоратив бошқарув тизимининг имкониятлари ва салоҳиятига таянади. Шу билан бирга, корпоратив бошқарувнинг корхоналар иқтисодий ва инновацион салоҳиятни тўлиқ юзага чиқариш, ва корхоналар микроиқтисодий кўрсаткичларининг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашда катта имкониятларидан фойдаланилмаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. ушбу хусусда: “Кун тартибида ўта жиддий масалалар турибди. Булар – мамлакатимизда яратилган технологияларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, “ноу-хау” намуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдир” – деб бежиз айтмаган эдилар (Мирзиёев, 2017).

Шу билан бирга, акциядорлик жамиятларида лозим даражада бошқарув тизimini куриш, хусусан, ушбу тизимни инвесторлар манфаатларига монанд қилиб шакллантириш учун корпоратив бошқарувнинг энг илғор амалиётини жорий қилиш талаб қилинади. Шунинг учун, Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида бошқарув ва назорат тузилмалари самарадорлигини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш, инвестицияларни жалб қилишнинг асосий шарти бўлган, қулай инвестиция иқлимини шакллантириш шарт-шароитларини туғдириш манбаи бўлган корпоратив бошқарувнинг лозим даражадаги амалиётини ва корпоратив назоратнинг самарали шакллари республика акциядорлик корхоналарида жорий қилиш йўллари қидириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Дунё мамлакатлари иқтисодиётларининг юқори ривожланиш даражаси улурга инвестицияларнинг жалб қилиниши кўламларига боғлиқ эканлигини қуйидаги жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин:

Жаҳон ЯИМ, асосий капитал жамғарилиши, савдо ва тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг ўсиш суръатлари, фоиз. (UNCTAD, 2018)

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018
ЯИМ	2,5	2,6	2,4	2,2	2,7	2,9
Савдо	2	1,2	2,7	1,2	2,7	3,3
Асосий капитал жамғарилиши	3,2	3,8	2,2	3,2	4,2	
Тўғридан-тўғри инвестициялар	4,6	-16,3	38	-13	10	

Ушбу инвестицияларнинг катта қисми хорижда фаолият кўрсатаётган хорижий молия институтлари, хусусан давлатлар ва нодавлат махсус фондлар, банклар, инвестиция фондлари, пенсия фондлари ва б. томонидан киритилмоқда. Навоий КМК каби республиканинг давлат тасарруфидаги етакчи корхоналарига бундай хорижий молия институтлари инвестицияларини жалб қилиш учун уларнинг мулк шаклини ўзгартириш, акциядорлаштириш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Шу билан бирга, хорижий инвестор ишончига сазовор бўлиши учун янги акциядорлик жамиятларида жаҳонда тан олинган тамойиллар ва стандартлар асосида корпоратив бошқарувнинг самарали тизимини қуриш талаб қилинади.

Шунинг учун, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий молиявий институтлар инвестицияларини жалб қилиш учун қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Навоий КМК каби республиканинг етакчи корхоналарини давлат мулк шаклидан хусусийлаштириш ва акциядорлаштириш.
2. Янги ташкил этилган акциядорлик жамиятларида лозим даражадаги корпоратив бошқарув амалиётини жорий қилиш.
3. Янги акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозлари даромадлилиги ва риск даражасининг хорижий инвесторлар нуктаи назаридан қониқарли даражасига эришиш.
4. Янги акциядорлик жамиятларининг корпоратив облигацияларини жаҳон фонд бозорларида хорижий молиявий институтларга таклиф этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминдаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. www.press-service.uz.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т: Ўзбекистон, 2017, 103 б.
3. www.unctad.com: UNCTAD, World Investment Report 2018. 9 p.


ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАРИДА ИННОВАЦИОН КОРХОНАЛАРНИНГ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Сағатов Д.М., БМА тингловчиси

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг таъсири тобора ортиб бораётган замонда инновацияларни ривожлантириш масаласига жиддий қараш талаб қилинмоқда. Айниқса, акциядорлик жамиятлариденк йирик интеграциялашган корпоратив тузилмаларини ривожлантириш учун модернизация қилиш ва инновацион янгилаш масаласи орқада қолмоқда (Мирзиёев, 2017). Бу эса корхоналар рақобатбардошлигига салбий таъсир қилмоқда. Бугунги кунда, республикамиз корхоналар молиявий ҳолатини мустахкамлаш ва уни янада самарали бошқаришга эришиш миллий иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим масалаларидан бири бўлиб кўрилмоқда. Шу билан бирга, республикамизда шитоб билан кечаётган инновацион жараёнларининг давлат инвестиция сиёсати томонидан қўуллаб-қувватланиши ахамияти тобора ортиб

бормокда. Бунда самарали давлат сиёсати юритилишининг таъминланиши республика иктисодиёти реал секторининг муҳим тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва инновацион янгилаш, замон талаблари асосида иктисодиётни тубдан қўйта ташкил этиш ҳамда жаҳон бозорида республика маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга қаратилаган кенг қўламдаги дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

Жаҳонда амал қилаётган тенденцияни таҳлил қилганимизда 2008 йилда бошланган жаҳон инқироzi даврида бир қадар камайган инвестициялар қўлами кейинги йилларда тобора ўсиб бормокда:



Дунёда инвестициялар оқими динамикаси, млрд.долл. (www.unktd.org)

Сунги йилларда инвестицион муҳитнинг яхшиланиши натижасида мамлакатимиз иктисодиётига инвестицион сармоялар оқими ортиб бормокда. Инвестиция сиёсати жамият иктисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Шундай экан, миллий иктисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизини талаб қилади. Ушбу йўналишда давлат иктисодий сиёсатининг муҳим воситалари сифатида махсус давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳисобланади.

Давлат мақсадли дастурлари иқтисодиётнинг турли соҳаларида инвестиция киритиш йўналишларини аниқлаб асосан икки тойифали манбалардан молиялаштирилади:

1. Марказлаштирилган: бюджет маблағлари, давлат кафолати остида жалб қилинган хорижий инвестициялар, бюджетдан ташқари махсус фондлари маблағлари.
2. Марказлаштирилмаган: аҳоли жамғармалари, корхона маблағлари, хорижий инвестициялар, тижорат банкларининг кредитлари.

Республика иқтисодиёти ўсиш суръатларини ошириш учун биринчи навбатда инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришга қаратилган корхоналарни инвестициялаш керак. Демак, давлат махсус дастурларига инновацион аҳамиятдаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарни киритиш керак экан. Бунда, махсус дастурларга киритиш икки шаклда амалга оширилиши мумкин:

1. Йирик инновацион корхоналарни бевосита махсус инвестиция дастурларига киритиш.
2. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш бўйича махсус давлат дастурлари. Бунда ЭИЗнинг йўналтирилганлиги экспорт ва инновацион салоҳиятнинг ўстирилишига қаратилганлигига алоҳида урғу берилади.

Шунинг учун, давлат мақсадли дастурларида инновацион корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш учун қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Чекланган ҳудудда илм сифими юқори бўлган инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришга кучайтирилишини таъминлаш учун ЭИЗлар ташкил қилиниши керак.

2. Республика микёсида инновацион секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида инвестиция дастурлари шакллантирилиши ва амалга оширилиши керак. Ушбу дастурга инновацион корхоналар уларнинг сўровномасига биноан киритилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т: Ўзбекистон, 2017, 103 б.

2. www.unktad.org.

РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РОЛИНИ ОШИРИШ

Туйбоев Х.И., БМА тингловчиси

Инновациялар иқтисодийтни модернизациялаш ва диверсификациялаш, унинг жадал суръатлар билан ривожланишини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини янада оширишнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу сабабли бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ўз иқтисодийти барқарорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда инновация имкониятларидан кенг фойдаланишга катта эътибор қаратмоқда.

2019 йил Президентимиз томонидан “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинди ва унинг Дастурида инновацияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш, инновацияларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ривожланишининг барча босқичларида молиявий таъминлаш масалалари инобатга олинган.

Инновацияларни амалга ошириш инвестициялар билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли мамлакатимизда инновация сиёсатини олиб боришда инвестицияларнинг самарали иштирокини таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг натижасида миллий иқтисодийтга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми, улар ёрдамида ишлаб чиқаришга жорий этилаётган замонавий ва илғор технологияларга асосланган лойиҳаларнинг сонининг йил сайин ортиб боришини таъминлаш, бунда тижорат банклари узоқ муддатли инвестицион кредитларини кенг қўламда ажратиш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Банклар томонидан инновация фаолияти билан шуғулланидиган корхоналар инновация лойиҳаларинининг риск даражаси жуда юқори, ликвидлилиги паст деган баҳо берилмоқда. Бу ушбу корхоналарга банк кредитларини ажратишда муаммоларни юзага келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўллари, янги лойиҳаларни бошқаришда рискларни бошқариш усуллариининг илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инновация фаолиятини рағбатлантириш, инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш орқали иқтисодийтни янада ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш белгиланган. Бунинг учун базавий соҳаларда ишлаб чиқаришни қайта қуриш, янги ва замонавий технологияларни фаол жорий қилиш ва модернизациялашни жадаллаштириш орқали тармоқлар ва ҳудудларда

тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва мутаносибликни таъминлаш, миллий иқтисодиётни диверсификациялаш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш лозимдир.

Бунда мазкур мақсадга эришишда, хусусан, бугунги куннинг илм-фан ютуқларидан кенг ва самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришда энг илғор ва сўнгги авлод технологияларини жорий этиш, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида инновацияларнинг ривожланишига эътиборни янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда республикада тадбиркорлик фаолияти эркинликлари ва қулай муҳитининг яратилганлиги, очик рақобат шароити ва юқори иқтисодий манфаатдорликка эришиш имкониятлари тадбиркорларнинг ўз фаолиятини ташкил этиш, кенгайтириш ва ўзгартиришларида инновация лойиҳаларини жорий этишга бўлган интилишларини кучайтирмоқда. Бу эса мамлакатимизда инновациянинг мазмун-моҳиятини кенгроқ ўрганиш, инновация фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштиришга бўлган муносабатларнинг ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон банк секторининг инвестицион салоҳиятини тадқиқ қилиш ва банкларнинг инвестиция лойиҳаларини рискли бошқара олиш имкониятларини ўрганиш учун “Қишлоққурилишбанк” АТБ фаолиятини ўрганилди. “Қишлоққурилишбанк” АТБ баланс кўрсаткичларини таҳлил қилиш қуйидаги ҳолатни кўрсатди:

- банк активлари ва инвестиция портфели ҳажми ўсиб борган, бироқ жами активларнинг жуда кичик қисмига тенг;
- активларнинг асосий қисмини кредит портфели ташкил қилади;
- устав фонди ошиб борган, тақсимланмаган фойда ўсмаган.

Банк молиявий кўрсаткичлари ўзгаришидаги тенденция банк жами активлари, кредит портфели, инвестициялари, ўзлик капитали ва мажбуриятлари 2012 йилдан кейин яхши ўсиш суръатларини кўрсатган.

Шу билан бирга, охириги 2017 йилни истисно қилганда банк ўзлик капитали (устав фонди) жуда секин ўсиб бормоқда. Банк инвестицияларининг бошқа асосий кўрсаткичларга нисбати йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундан, банк даромадининг асосий қисмлари банк кредитлари ҳисобига олинаётганини ва инвестициялар банк даромад қисми учун деярли ҳеч нарса бермаётганини кўрамиз. Ушбу ҳолат банкни жаҳон амалиётида банклар учун муҳим даромад манбаи бўлган инвестицион фаолиятдан даромадлардан маҳрум қилмоқда. Қарз олиш ва қарз бериш ставкалари яқин бўлгани учун банкка қолаётган соф маржа кичик бўлгани ва давр харажатлари юқори бўлгани учун устав капиталининг жами активларга нисбати ўсиб бораётгани билан унинг соф фойдаси паст даражада ва ҳатто пасайиб бормоқда.

Ҳозирда мамлакатимиз иқтисодий стратегияси мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришни мақсад қилади (Каримов, 1999). Ушбу ҳолда институционал инвестор бўлган тижорат банки республикадаги инвестицион жараёнларда кенг кўламда қатнашиш имкониятга эга бўлиш учун улар капиталининг рентабеллиги масаласи муҳим аҳамият касб қилади.

Тижорат банкларида инвестицион ва эмиссион фаолият банк корпоратив бошқарув тизими билан чамбарчас боғлиқ бўлиб ушбу тизимни такомиллаштириш орқали банклар кредит, депозит, дивиденд, инвестиция, эмиссия ва бошқа соҳалардаги корпоратив сиёсатларини такомиллаштириш мумкин. “Қишлоққурилишбанк” АТБ мисолида банклар сиёсатларини такомиллаштиришда қуйидаги жиҳатлар эътиборга молик бўлиши мумкин.

Шунинг учун, реал сектор корхоналарининг инновацион ривожланишини инвестициялашда тижорат банклари ролини ошириш учун қуйидагилар таклиф қилинади:

1) 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган вазифаларга мувофиқ республика иқтисодиётида инновацион ривожланиш жараёнларида тижорат банклари иштирокини кенгайтириш.

2) Республика асосий тармоқларини модернизация қилишни, хусусан инновацион аҳамиятдаги инвестиция лойиҳаларини банklar томонидан молиялаштиришда лойиҳавий молиялаштириш усулидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш.

3) “Қишлоққурилишбанк” АТБ инвестиция сиёсатини ва рискларни бошқариш сиёсатини такомиллаштириш, активлар тузилмасида инвестиция активлари улушини ошириш, инвестиция портфели тузилмасини оптималлаштириш, даромад бермайдиган ва риск даражаси юқори активларини сотиш орқали банк активларининг диверсификация даражасини ошириш, банк рискларни бошқариш ҳамда инвестицион фаолият бўлинмаларини ташкилий-тузилмавий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т: Ўзбекистон, 2017, 103 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

3. “Қишлоққурилишбанк” АТБ молиявий ҳисоботи.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 17-б.


КОРПОРАТИВ КОРХОНАНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Холмуродов А.Т., БМА тингловчиси

Ўзбекистоннинг энг янги тарихида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, инвестициялаш ва модернизациялаш дастурлари миллий иқтисодиёти салоҳиятини кучли даражада оширди. Натижада, республикада инвестиция жараёнлари шитоб билан ўсиб борди, иқтисодиётнинг мавжуд секторлари мустаҳкамланди ва умуман янги тармоқларига асос солинди, миллионлик корпоратив мулкдорлар синфи шаклланди, корхоналар модернизация ва инновация эҳтиёжларини молиялаштиришнинг янги механизмлари ишга тушди. Глобал жаҳон иқтисодиётида ҳалибери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Бироқ, корпоратив корхона кўриниши республикамиз шароитида ўзининг имкониятлари ва устунликларини тўлиқ намоён қила олмаяпти. Иқтисодиётнинг асосий саноат тармоқларидаги асосий воситаларни модернизация қилиш ва янги ишлаб-чиқариш қувватларини ишга солиш учун жуда катта инвестиция маблағлари талаб қилинади. Яъни, Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда “Биз ҳаммамиз оддий бир ҳақиқатни англаб етмоғимиз зарур – инвестицияларсиз модернизация ҳам йўқ, янгиланиш ҳам йўқ!”. Акциядорлик жамиятлари менежменти даражаси замон талабларидан орқада қолмоқда, уларнинг иш фаолияти инвесторларни қониқтирмаётгани учун корхоналар инвестиция жозибадорлиги тушиб кетмоқда. Ушбу ҳолга акциядорлик жамиятларидаги менежмент савиясини баҳолаш меъзонлари инвесторлар манфаатлари жиҳатидан яхши аниқланмагани ва қониқарли тарзда ишлаб чиқилган баҳолаш услубиётининг йўқлиги каби жиддий камчиликлар сабаб бўлмоқда.

Республика ҳукумати томонидан ўз вақтида қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши жаҳон инқирозининг таъсирини бирмунча пасайтиришга имкон берди. Инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиш ва ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Республикада иқтисодиёт бўғинларини бошқаришда шароит жуда оғир бўлиб, кўпгина инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш чўзиб юборилмоқда, ички бозоримизнинг кўплаб товарларга бўлган эҳтиёжи 50 фоиз даражасида ҳам қондирилмаяпти, экспорт бўйича топшириқлар барбод қилинган, мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни киритишга доир муаммолар ҳал қилинмаяпти, лойиҳа институтларининг самарасиз фаолиятини қайта кўриб чиқиш талаб қилинади (Мирзиёев, 2017). Шу билан бирга, корхоналар инвестиция жозибадорлигини ошириш учун умумдавлат миқёсда чора-тадбир кўришнинг ўзи камлик қилади. Катта ташкилий ўзгаришлар ҳар бир корхонанинг ўзида амалга оширилиши ва менежмент савиясини кўтариш ишлари акциядорлик жамиятлари даражасидаги корпоратив ҳамжамият томонидан амалга оширилиши керак. Бунинг учун корхонанинг узоқ муддатли молиявий барқарорлигини ошириш, бунга эса менежмент самарадорлигини ошириш зарур. Шунинг учун, республикада корхоналари инвестиция жозибадорлигини оширишга таъсири жихатидан акциядорлик жамиятлари узоқ муддатли молиявий барқарорлигини оширишга масъул бўлган менежменти самарадорлигини ошириш, самарадорликни баҳолаш ва ошириб бориш услубиётини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган ёндашувларни ишлаб чиқиш катта илмий-аҳамиятдаги долзарб масала бўлмоқда.

Корхона узоқ муддатли молиявий барқарорлигини бошқариш ўзи билан узоқ давом этадиган жараённи ташкил қилиб, маълум бир истиқбол назарда тутилган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Бунда маълум бир стратегия ишлаб чиқилади ва қўлланилади. Ушбу стратегияни ишлаб чиқилишида корхона миссияси, яъни стратегик ёндашув танланади ва аниқ мақсадлар аниқланади. Стратегия шаклланиши ва амалга оширилиши бир неча босқичдан иборат:



Муаллиф томонидан тайёрланган корпоратив корхонанинг узоқ муддатли молиявий барқарорлигини ошириш стратегияси шаклланишининг асосий босқичлари

Юқоридагилардан келиб чиқиб корпоратив корхонанинг узоқ муддатли молиявий барқарорлигини ошириш йўллари учун қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Корхона узоқ муддатли молиявий барқарорлигини ошириш учун корхона бизнес-режасини ишлаб чиқиш савиясини кўтариш, ҳамда узоқ истикбол назарда тутилган ҳолда муаллиф таклиф қилган схема асосида маълум бир ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилиши ва қўлланилиши лозим.

2. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ каби компаниялар бошқарувчилик хужжатлари, шу жумладан компания фаолиятини стратегик режалаштириш жиҳатларини кучайтириш лозим.

3. Корпоратив корхона бошқариш тизимида лойиҳавий бошқарув ва инновацион менежмент ташкил этувчилари ҳосил қилинмоғи керак.

4. Компания кадрлар сиёсатини тубдан кўриб чиқиш лозим бўлиб, мутахассисларни молиявий, инвестицион, лойиҳавий ва инновацион менежмент ихтисослиги бўйича ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ҳар бир ходим фаолиятини самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т: Ўзбекистон, 2017, 103 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

O'ZBEKISTONDA BANKLARARO TO'LOV TIZIMI VA HISOB-KITOBLARNI TASHKIL ETISH

Jumanazarov E. – O'z. R.BMA tinglovchisi

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 23 martdagi "Bank xizmatlari ommabopligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-3620-sonli Qarorida bank kartalari asosida naqd pulsiz hisob-kitoblarni amalga oshirish bo'yicha davlat protsessing tashkilotining mavjud emasligi chakana to'lov tizimlarining xavfsizlik, uzluksizlik va ishonchlilik darajasiga ta'sir ko'rsatmoqda va aholining keng qatlamlari uchun ochiq innovasion loyihalarni amalga oshirishda zamonaviy texnologik yechimlarni ilgari surishga to'sqinlik bo'layotganligi keltirib o'tilgan.¹²¹

Ma'lumki, tijorat banklarining asosiy operatsiyalaridan biri bu - hisob-kitob operatsiyalari bo'lib hisoblanadi. Xo'jalik sub'ektlari o'rtasidagi barcha hisob-kitoblar naqd pulsiz ko'rinishda banklar orqali amalga oshiriladi. Iqtisodiyotning rivojlanishi, iqtisodiy aloqalarning kengayishida naqd pulsiz hisob-kitoblar alohida o'rin egallaydi. Respublika iqtisodiyotida oxirgi yillardagi o'sish sur'atlari, jumladan, YalM, sanoat, qishloq xo'jaligi, xizmat ko'rsatish va boshqa sohalardagi yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlashda albatta naqd pulsiz hisob-kitoblarning o'z o'rnini bor, negaki ushbu tarmolarda barcha hisob-kitoblar naqd pulsiz hisob-kitoblar ko'rinishida amalga oshiriladi. Kelajakda iqtisodiyotdagi o'sish sur'atlari, iqtisodiy aloqalarning ortib borishi pirovard natijada, iqtisodiyotda naqd pulsiz hisob-kitoblar hajmining yanada oshishiga zamin yaratadi.

Banklararo to'lov tizimining qoidalari O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan belgilanadi.

¹²¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 23.03.2018 yildagi "Bank xizmatlari ommabopligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-3620-sonli Qarori

Markaziy bankning banklararo to'lov tizimi qo'yidagi normativ-huquqiy hujjatlarga muvofiq amalga oshiriladi:

- O'zbekiston Respublikasi "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi Qonuni (21.12.1995 y., № 154-I)
- O'zbekiston Respublikasi "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi Qonuni (25.04.1996 y., № 216-I)
- O'zbekiston Respublikasi "Elektron to'lovlar to'g'risida"gi Qonuni (16.12.2005 y., № O'RQ-13)
- "Markaziy bankning banklararo to'lov tizimi orqali elektron to'lovlarni amalga oshirish tartibi to'g'risida"gi Nizom (14.02.2006 y., № 1545)
- "O'zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitoblar to'g'risida"gi Nizom (03.06.2013 y. № 2465).

Banklararo to'lov tizimi O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining shaxsiy mulki hisoblanadi.

Markaziy bankning Axborotlashtirish Bosh markazi va Markaziy bankning Hisob-kitoblar markazi banklararo to'lov tizimining ishtirokchilari hisoblanadi. Banklararo to'lov tizimining foydalanuvchilari Markaziy bankning Hisob-kitoblar markazida vakillik hisobvarag'iga ega bo'lgan banklar va moliyaviy institutlar hisoblanadi.

Banklararo to'lov tizimining ishtirokchilari va foydalanuvchilarining huquq va majburiyatlari banklarning vakillik hisobvaraqlarini ochish va xizmat ko'rsatish uchun foydalanuvchi banklarning MB HKM bilan, banklararo to'lov tizimi orqali elektron to'lovlar o'tkazish uchun esa - ABM bilan tuzilgan ikki tomonlama shartnoma asosida tartibga solinadi.

Banklar bank qonunchilik hujjatlari, o'rnatilgan iqtisodiy me'yorlarga rioya qilmagan hollarda, Markaziy bank debet memorial orderlarni shakllantirish yo'li bilan banklarning vakillik hisobvaraqlaridan jarima undirish huquqiga ega.

Kiritilgan pul-hisob-kitob hujjati asosida bankning filialida dasturiy ravishda elektron to'lov hujjatlari shakllantiriladi, u ichki nazoratdan o'tadi, elektron raqamli imzo bilan tasdiqlanadi, shifrlanadi va bankning To'lov (Hisob-kitob) markaziga uzatiladi.

Tashabbuskor bankda, ichki nazorat va elektron raqamli imzo tekshiruvini o'tkazilganidan so'ng, banklararo hisob-kitoblar bo'yicha quyidagi buxgalteriya o'tkazmalari amalga oshiriladi:

1) Tashabbuskor bankning To'lov (Hisob-kitob) markazida filiallardan olingan elektron to'lov hujjatlariga asosan:

Kredit operatsiyalari (OT - 01, 02, 05, 06, 11) bo'yicha:

DEBET	22204 tegishli filial hisobvarag'i;
KREDIT	10301 bankning hisobvarag'i;

Debet operatsiyalari (OT - 14) bo'yicha:

DEBET	10301 bankning hisobvarag'i;
KREDIT	22204 tegishli filial hisobvarag'i;

2) Markaziy bankning ma'lumotlarni qayta ishlash bo'limida Markaziy bankning Hisob-kitob-kassa markazlaridan olingan elektron to'lov hujjatlariga asosan:

Kredit operatsiyalari (OT - 01, 02, 05, 06, 11) bo'yicha:

DEBET	22204 tegishli Hisob-kitob-kassa markazi hisobvarag'i;
KREDIT	11005;

Debet operatsiyalari (OT - 06) bo'yicha:

DEBET	11005;
KREDIT	22204 tegishli Hisob-kitob-kassa markazi hisobvarag'i;

Benefisiar bankda, ichki nazorat va elektron raqamli imzo tekshiruvi o'tkazilganidan so'ng, banklararo hisob-kitoblar bo'yicha quyidagi buxgalteriya o'tkazmalari amalga oshiriladi:

1) Benefisiar bankning To'lov (Hisob-kitob) markazida bankka ETH kelib tushganda: Kredit operatsiyalari (OT - 01, 02, 05, 06, 11) bo'yicha:

DEBET	10301;
KREDIT	22204 tegishli filial hisobvarag'i;

Debet operatsiyalari (OT - 14) bo'yicha:

DEBET	22204 tegishli filial hisobvarag'i;
KREDIT	10301;

2) Markaziy bankning ma'lumotlarni qayta ishlash bo'limida ETH kelib tushganda: Kredit operatsiyalari (OT - 01, 02, 05, 06, 11) bo'yicha:

DEBET	11005;
KREDIT	22204 tegishli Hisob-kitob-kassa markazi hisobvarag'i;

Debet operatsiyalari (OT - 06) bo'yicha:

DEBET	22204 tegishli filial hisobvarag'i;
KREDIT	11005;

Benefisiar bankning To'lov (Hisob-kitob) markazidan kelib tushgan ETHlari filialda ichki nazorat va elektron raqamli imzosi tekshiruvidan o'tadi. Ijobiy natija olinganda, o'tkazmalar filial va uning mijozlarining tegishli hisobvaraqlari bo'yicha aks ettirilgan holda amalga oshiriladi.

Agar mijozning hisobvaraq raqami noto'g'ri ko'rsatilgan bo'lsa, bu holda mablag'lar oluvchi uchun 23206 - «Aniqlanish jarayonidagi transaksiyalar» hisobvarag'iga yoki to'lovchi uchun 17305 - «Aniqlanish jarayonidagi transaksiyalar» hisobvarag'iga o'tkaziladi, undan uch ish kuni mobaynida maqsadi bo'yicha hisobdan o'chirilishi kerak.

Umuman olganda, tijorat banklari tomonidan banklararo hisob-kitoblarni to'la-to'kis olib borish ular tomonidan to'lov tizimining qay darajada tashkil etilganligiga bog'liq. Har bir bank siyosiy, iqtisodiy, tashkiliy va boshqa jihatlarni hisobga olgan holda, va amaldagi qonun-qoidalar asosida banklararo to'lovlarni amalga oshirishi banklararo hisobkitoblarning muhim jihati hisoblanadi. Oqilona to'lov tizimining tashkil etilishi banklararo hisob-kitoblarning sifatining oshirishiga olib keladi.

TIJORAT BANKLARIDA PORTFEL RISKLARINI BOSHQARISH USULLARI

*Maxmudova M.Q.Toshkent Davlat
Iqtisodiyot Universiteti tayanch doktoranti*

Iqtisodiyotda bozor munosabatlarining sog'lom rivojlanishni boshlanishi bilan o'z o'zidan raqobat ham kuchayib boradi. Ana shu raqobat kurashida yengilmaslik uchun ishlab chiqarish jarayoniga texnikaviy, innovatsion yangiliklarni joriy etish sari intilish zarur. Bu esa risk darajasini oshiradi. Umuman olganda, daromad bor joyda riskning paydo bo'lishi tabiiy holatdir. Shunday ekan, bank-moliya bozoridagi ishtiroki, daromadlilik darajasi qancha baland bo'lsa, unga ta'sir etuvchi risklarning yuzaga kelishi va oqibati ham yuqori bo'ladi. Bank faoliyatini izohlagan holda risksiz bank biznesi bo'lishi mumkin emasligini ham ta'kidlab o'tish joizdir.

Portfel risklar tarkibiga kiruvchi moliyaviy risklar ya'ni chayqovchilik risklari natija ham ijobiy, ham salbiy bo'lishi mumkinligi bilan sifatlanadi. Moliyaviy riskning xususiyati shundaki, zarar ko'rish ehtimolligi moliya-kredit va birja sohalarida, fond qimmatli qog'ozlari bilan olib boriladigan biron-bir operatsiyani amalga oshirish chog'ida ushbu operatsiyalarini o'ziga xos xususiyatidan kelib chiqqan holda ro'y beradi.

Bugungi kunda tijorat banklarida portfel risklarini boshqarish usullari orqali bank moliyaviy faoliyati natijasida yuzaga kelish ehtimoli bo'lgan risk darajasini minimallashtirishga erishiladi. Bank portfellari bilan bog'liq yo'qotishlarni oldini olish va risk darajasini kamaytirish uchun chora-tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish riskni boshqarish strategiyasini ishlab chiqish zaruriyatini keltirib chiqaradi. Bu esa bank rivojlanishining barcha imkoniyatlaridan o'z vaqtida, ma'lum bir sxematik foydalanish va ayni paytda risklarni o'ziga qulay va boshqarish mumkin bo'lgan darajada saqlab turish ko'zda tutilgan holda qaror qabul qilish siyosatini ishlab chiqish kerakligini ko'rsatadi. Riskni minimallashtirish- yo'qotishlarga sabab bo'luvchi voqea va hodisalarning ro'y berish ehtimolligini pasaytirish, yuzaga kelish mumkin bo'lgan zararlarining miqdorini kamaytirishga qaratilgan tadbirlar yig'indisini amalga oshirishni nazarda tutadi.

Bugungi kungacha bank amaliyotida portfel riskini boshqarishning bir necha xil usullari mavjud bo'lib, ular quyidagilar:

1. rad etish;
2. aktiv va passivlarni boshqarish;
3. diversifikatsiyalash;
4. xedjirlash;
5. sug'urtalash.

Rad etish-bank tomonidan risk darajasi yuqori bo'lgan operatsiyalarni amalga oshirishdan o'zini olib qochishga aytiladi. Bunda, riskni qabul qilishda zarar tan olinadi, lekin sug'urtalanmaydi. Riskni qabul qilish summasi kam bo'lsa va uni hisobga olmaslik imkoniyati mavjud bo'lganda qo'llaniladi. Bu usulda limitlashtirish ya'ni limit belgilash-xarajatlar, savdo-sotiq, kreditlarning maksimum va minimum summasini o'rnatish orqali erishiladi.

Aktiv va passivlarni boshqarish portfel asosiy parametrlarni dinamik tartibga solish orqali maksimum darajada qochishga yo'naltirilgan bo'ladi. Boshqacha qilib aytganda, bu usul faoliyat yuritish jarayoning o'zida riskka tortilganlik darajasini tartibga solishga qaratilgan. Bundan ko'rinib turibdiki, aktiv va passivlarni boshqarish bank amaliyotida ko'pincha bozor, valyuta va foiz risklarini nazorat qilish uchun qo'llaniladi.

Diversifikatsiya pul mablag'larni bahosi va daromadlilik bevosita bir-biriga aloqador bo'lmagan turli xil aktivlar o'rtasida taqsimlash hisobiga umumiy riskka tortilganlik darajasini pasaytirish usuli hisoblanadi. Diversifikatsiyaning mohiyati bir voqea bo'yicha yo'qotishlarni maksimal darajada pasaytirishda ko'zda tutiladi, lekin nazorat qilish lozim bo'lgan risklar turi va soni ko'payib borishiga olib keladi. Diversifikatsiya kapitalni har xil faoliyat o'rtasida taqsimlash jarayonida riskning bir qismidan qutilish imkonini beradi. Bunga misol qilib, investor tomonidan bitta xo'jalik yurituvchi subyektga tegishli bo'lgan derivativlar o'rniga 5 ta xo'jalik yurituvchi subyektlarning 5 xil qimmatli qog'ozlarini sotib olishi, u tomonidan o'rta darajadagi daromad olish ehtimolligini 5 marta oshiradi va mos ravishda risk darajasini 5 marta pasaytiradi. Diversifikatsiya moliyaviy aktivlar portfeli va bank ssudalari portfelini shakllantirishda tegishli holda bozor va kredit risklarini pasaytirishning eng ommabop mexanizmidir. Ammo, bu usul riskni butunlay yo'q qilish imkonini bermaydi. Bu tadbirkorlik va xo'jalik yurituvchi subyektning investitsion faoliyatiga tashqi faktorlar ta'sir ko'rsatishi bilan bog'liq. Bunday omillarga mamlakat iqtisodiyotidagi o'zgarishlar,

siyosiy, harbiy harakatlar, inflyatsiya, deflyatsiya, Markaziy bank hisob stavkasining o'zgarishi va h.k. kiradi. Bu jarayonlar natijasida vujudga kelgan risklarni diversifikatsiyalash orqali kamaytirib bo'lmaydi.

Xedjirlash usulidan birja, bank va tijorat amaliyotlarida foydalaniladi. Xedjirlash bozor riski va ayrim hollarda kredit riski ta'siri oqibatida qo'yilmalar bo'yicha potensial yo'qotishlarni kamaytirish uchun mo'ljallangan. Xedjirlash tenglashtiruvchi kelishuv tuzish orqali ehtimoliy yo'qotishlar darajasini pasyitirish shaklini o'zida namoyon qiladi. Biroq, xedjirlash bank aylanmasidan qo'shimcha resurslarni band qilishni taqazo etadi.

Riskni sug'urtalashni risk darajasini kamaytirishning klassik usuli deyish mumkin. Sug'urtalash ko'rilishi mumkin bo'lgan zararni qoplash uchun mo'ljallangan resurslarni oldindan rezerv qilish shaklidir. Bunda alohida sug'urta qildiruvchi tomondan ko'rilishi mumkin bo'lgan ziyonning juda kam ulushida belgilangan summada badal to'lash orqali rezerv fondi yaratish va sug'urta hodisasi ro'y berishi bilan sug'urta qoplamasini olish tushuniladi. Ya'ni riskning katta qismi sug'urta qildiruvchi tomondan sug'urtalovchiga o'tkazish amalga oshiriladi.

Izlanishlar shuni ko'rsatmoqdaki, hozirgi kunda respublika (qimmatli qog'ozlar bozori, valyuta operatsiyalari bilan bog'liq operatsiyalar) iqtisodiyotning muhim jabhasi bo'lib kelmoqda. Aynan mana shu yo'nalishdagi operatsiyalarga ta'sir qiluvchi risklarni ta'riflash jarayonida qimmatli qog'ozlar operatsiyalari bilan bog'liq risklarga portfel risklari ham muhim ta'sir o'tkazishini bilish muhimdir.

Yuqoridagilardan xulosa qilib biz shuni ta'kidlamochimizki, risk miqdorining oshishi, o'z navbatida ishbilarmonlik erkinligini ko'payishi bilan ifodalanib, tom ma'noda u o'sha erkinlik uchun to'lanadigan "badal"dir. Uning maqsadi doimo ijobiy natijaga ya'ni daromadga yo'naltirilgan bo'ladi. Shuning uchun yuzaga kelishi mumkin bo'lgan salbiy oqibat (zarar) larni oldini olish maqsadida risklarni yuqorida keltirilgan usullardan foydalangan holda boshqarish maqsadga muvofiq deb o'ylaymiz.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИ ХАМДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ВА КОРПОРАТИВ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ХОЛАТИ ТАХЛИЛИ

Тургунов А.А. Ўз. Р. БМА тингловчиси

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган изчил ижтимоий – иқтисодий ислохотларнинг нечоғлик кўлами кенгайиб, ривожланиб бораётгани, шунингдек унинг самарадорлиги ортиб бориши натижасида иқтисодий тизимнинг ўзаги бўлган корхоналарнинг ўрни, унинг рўли ва аҳамияти шунчалик ортиб бормоқда. Хусусан, давлат улушини камайтириш ва хусусий секторни тез суръат билан жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, республикамиз иқтисодиётида унинг ўзига хос ўрни ва аҳамиятини тубда ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни, хусусан акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизимини такомиллаштириш hozirgi кундаги хал қилиниши зарур бўлган асосий масалалардан бирига айланиб бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш алоҳида эътибор қаратилган. Юқорида келтирилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда корпоратив бошқарув ва корпоратив назоратнинг замонавий усуллари жорий этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ушбу йўналишда

хорижий тажриба ўрганилди, натижада малакатимизда фаолият юритаётган 400 дан ортиқ акциядорлик жамиятларида Корпоратив бошқарув кодекси жорий қилинди. Кодексга асосан 293 та акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизими баҳоланди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, улар орасида 32 та акциядорлик жамиятида ушбу кўрсаткич юқори, 244 тасида кониқарли, қолганлари паст ва кониқарсиздир (Мирзиёев, 2017). Республикамизда халқаро бизнес юритиш тартиб – тамойиллари такомиллаштирилаётгани, корхоналарни давлат тасаррусидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари, акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тамойиллари кенг жорий этилаётганлиги натижасида республикамиз миллий иқтисодиёти тобора барқарор ривожланиб, дунё мамалакатлари ўртасида ўз муносиб ўрнини эгаллашда давом этмоқда.

Хозирги кунда, мамалакатимиз фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат усулларида кенг фойдаланаётган жамиятлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Хорижий капитал ҳамда корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизимининг хорижий усулларига асосланган акциядорлик жамиятлари ҳар томонлама ривож топмоқда. Улар республикамиз миллий иқтисодиётининг истикболини белгилашда ва унинг барқарор ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлгани ҳолда, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, ички бозорни тўйинтириш ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш борасида муҳим ижтимоий – иқтисодий вазифаларни амалга оширмоқда.

Республикамизда давлатнинг корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизимини кенг жорий этиш жараёнларида муҳим иштироки икки томонлама ҳисобланади. Улар, биринчидан корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизимини меъёрий – ҳуқуқий асосини ташкил қилиш ҳамда уни такомиллаштириш ва улар устидан назорат функциясини амалга ошириш бўлса, иккинчидан давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизимида бевосита иштирок этиш ҳамда ҳукумат томонидан “Олтин акция” жорий қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган акциядорлик жамиятининг бошқарувида бевосита қатнашишидир. Давлатнинг акциядорлик жамиятидаги улуши орқали қатнашиши давлат молияси ва корпоратив молия ўртасида ўзаро боғлиқликнинг бир кўриниши ҳисобланади (Элмирзаев, 2019).

Республикамизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари сони



(Манба: www.deponet.uz)

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатдаги баъзи бир акциядорлик жамиятларининг акцияларига давлатнинг эгалик қилишига ягона сабаб бозордаги йўқотишларнинг мавжудлигидир. Давлат улуши юқори бўлган акциядорлик

жамиятларида жамият манфаатлари ва йўқотишлари хусусий манфаат ҳамда йўқотишлардан устун бўлади (Тошмуродова ва бошқалар, 2019)

“Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” Давлат корхонасининг маълумотига кўра, 2015 йилда республикада фаолият юритган 724 та акциядорлик жамиятларининг 219 тасида ёки 30.2 фоиз қисмида давлат улуши бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига ижроси натижасида, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб, мавжуд 715 та жамиятнинг 209 тасида ёки 29.2 фоизда, 2017 йилда 659 та жамиятнинг 158 тасида ёки 24.0 фоизда ва 2018 йилда эса 604 та жамиятнинг 146 тасида ёки 24.2 фоизда давлат улуши мавжуд бўлган.

“Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” Давлат корхонасининг маълумотига кўра 2019 йил 1 январ ҳолатига, республикада фаолият юритаётган 603 та акциядорлик жамиятининг 32.2 фоизи яъни 195 та акциядорлик жамиятида давлат улуши мавжудлигини кўришимиз мумкин. Мазкур давлат улушининг қиймати 47 371.8 млрд.сўмни ташкил қилади. Буларга асосан, давлат бошқаруви органлари, ҳудудий давлат ҳокимияти органлари, давлат унитар корхоналари, давлат муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси акциядор бўлиб турибди. Бугунги кунда Марказий депозитарийда 173 та акциядорлик жамиятининг устав фондида 47 328.7 млрд.сўм қийматида акция давлат улуши ҳисобида юритилади. Жорий йилнинг 3 чорагига келиб устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари сони 2 тага камайди ва давлат улуши ҳажми 122.7 млрд.сўм миқдорида ортди. Хўжалик бошқарув органларининг 279 та акциядорлик жамияти устав фондидаги улуши ҳажми 5 844.9 млрд.сўмни ташкил этади ва чорак давомида хўжалик бошқарув органлари активларининг ҳажми 310.6 млрд.сўмга ортди.

Давлатнинг корпоратив бошқарувдаги иштироки авзалликлари ва камчиликлари

АФЗАЛЛИКЛАРИ	КАМЧИЛИКЛАРИ
- Стратегик аҳамиятга эга иқтисодий соҳа ва тармоқларда самарали давлат назорати ўрнатилади;	- Давлатнинг хаддан ташқари кўп аралашуви корпоратив тузилманинг мустақиллигини чегаралайди;
- Стратегик муҳим тармоқларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилади;	- Олтин акция асосида вето қўйиш ҳуқуқининг берилиши қарорлар қабул қилишнинг ортга сурилишига олиб келади;
- Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширади;	- Вето қўйиш ҳуқуқи давлат вакили томонидан қарорлар қабул қилига аралашиб юбориш ҳолатларига учрайди;
- Йирик акциядорлик жамиятлари банкротлиги олдини олинадиган ва тугатишга йўл қўйилмайди;	- Акциядорлик жамиятларига инвесторларнинг қизиқишлари нисбатан паст бўлади;
- Давлат бюджети солиқлардан бошқа даромадларга эга бўлади;	- Хусусий мулкдорлар синфининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади;
- Монополияни тартибга солиб турилади ва нархлар барқарорлиги таъминланади;	- Бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари чегараланишига олиб келади;
- Профессионал бошқарув амалга оширилади ва бошқалар.	- Дивидент амалиётлари деярли кузатилмайди ва бошқалар

(Манба: S.Elmirzayev “Zamonaviy korporativ boshqaruv”: Darslik –N.: “Iqtisod-moliya”, 2019.-225b.)

Давлатнинг корпоратив бошқарувдаги иштироки стратегик аҳамиятга эга иқтисодий соҳа ва тармоқларда самарали давлат назоратини ўрнатиш орқали аҳолини

ижтимоий – иқтисодий тараққиёт учун муҳим тармоқларнинг ривожлантириш имконини беради (Тошмурадова ва бошқалар, 2019).

Миллий иқтисодиётимизда изчил таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали республикаимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга эришилади. Ушбу кўрсаткичларга эришиш мақсадида мамалакатда йирик корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизими ривожланган акциядорлик жамиятлари фаол иш фаолиятини юритиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, йирик акциядорлик жамиятлари фаолияти аҳоли бандлиги ва уларнинг даромадларини ортишида, давлат ва жамият даромадларининг асосий қисмини шаклланишида, жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган халқаро рақобат шароитида мамлакат импорт ҳажмини камайтириш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда хал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боисдан йирик акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тизимида давлатнинг иштироки кўп жихатдан қулай ҳисобланади.

Ўз навбатида, тезлик билан ривожланиб бораётган халқаро рақобат шароитида давлатнинг корпоратив бошқарув ва назорат тизимидаги фаол иштироки маълум бир муаммоли ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, давлатнинг корпоратив тузилмаларга ҳаддан зиёт кўп аралашуви акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат тузулмасининг мустақиллигини бирмунча чегаралайди.

Хулоса қилиб айтганда, республикаимиздаги акциядорлик жамиятлари умумий устав капиталида давлатнинг улуши хусусий сектор улушига қараганда бир неча маротаба юқори эканлиги хусусийлаштиришни тез суръатлар билан жадаллаштиришни тақозо этади. Шу сабабли, акциядорлик жамиятлари капиталида хусусий мулк улушини кўпайтириш орқали хусусий мулкдорлар синфини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ва бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш орқали давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларининг акциядорлар йиғилиши ва кузатув кенгашларида давлат номида иштирок этувчи давлат вакилининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйишни таклиф қиламиз. Натижада, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат органлари фаолияти самарадорлиги сезиларли даражада таъминланади. Бундан ташқари, давлат улуши бўлган корпоратив тузилмаларнинг давлат улушини фонд биржаси орқали сотишни ташкил қилиш натижасида фонд биржаси фаолияти бир мунча жадаллашади ва инвесторларни кенг жалб қилиш орқали жамиятда қўшимча капитал миқдори ортишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони
5. Мирзиёев Ш.М. "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан 2017 йил 8 августда ўтказилган мажлисдан

МАРКАЗИЙ БАНК ТРАНСМИССИОН МЕХАНИЗМИ ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Абсаламов А.Т.– БМА

Фоиз ставка канали трансмиссион механизм каналлари ичида асосий канал ҳисобланади. Фоиз ставка каналининг фаолияти хўжалик юритувчи субъектларнинг марказий банк фоиз ставкаларига қанчалик таъсирча эканлигига боғлиқ. Агар марказий банк фоиз ставкалари ўзгаришининг пул бозиридаги фоиз ставкаларга таъсири кучли бўлса, бу ўз навбатида юридик шахларнинг инвестицион фаолиятига ҳамда жисмоний шахсларнинг истеъмол харажатларига таъсир этади. Фоиз ставкалари ўзгариши ишлаб чиқариш фаолиятидаги кредит ва капитал ресурсларга ва ишлаб чиқариш рентабеллигига таъсири орқали ЯИМ, инфляция ҳамда ишсизлик даражаларининг ўзгаришига олиб келади.

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, марказий банк реал фоиз ставкаларга таъсир этади деб қаралади. Шу билан бирга ривожланаётган давлатларда алмашинув курсини тартибга солиш мақсади кучлилиги марказий банкларнинг фоиз сиёсати таъсирини сусайтиради. Фоиз сиёсати асосий ролни ўйнайдиган давлатларда эса, марказий банкларнинг индикатив фоиз ставкаси мавжуд бўлади. **Индикатив фоиз ставка** – бу шундай фоиз ставкаки ушбу фоиз ставка иқтисодиётдаги бошқа фоиз ставкалар учун мўлжал вазифасини бажаради. Яъни иқтисодий субъектлар ўзларининг фоиз ставкаларини ушбу марказий банк фоиз ставкасининг ўзгаришига қараб мослаштиради.

Одатда марказий банкларнинг бу фоиз ставкаси кредит ташкилотларини қисқа муддатли кредитлаш фоиз ставкасини билдиради. Индикатив фоиз ставкани ўзгартириш орқали марказий банк иқтисодий субъектларга қандай сиёсат юритаётганлиги ҳақида “сигнал” беради. Индикатив фоиз ставканинг ўзгартирилиши қисқа муддатли бозор фоиз ставкаларининг ўзгаришига ва биринчи босқичда ушбу пул бозоридаги қисқа муддатли фоиз ставкалар ичида банклараро кредит фоиз ставканинг ўзгаришига олиб келади. Кейинчалик ушбу фоиз ставканинг ўзгариши қисқа ва узок муддатли молиявий инструментлар фоиз ставкаларининг ўзгаришига сабаб бўлади. Индикатив фоиз ставка бир вақтнинг ўзида туғридан-туғри ҳамда ўзининг психологик “сигнали” орқали билвосита бозор фоиз ставкаларига таъсирқилиш кучига эга.

Агар индикатив фоиз ставка иқтисодиётда, бозор фоиз ставкаларига таъсири етарли даражада бўлмаса, марказий банк очик бозор операцияси каби бошқа инструментлардан фойдаланиш мумкин. Марказий банкнинг очик бозор сиёсати мамлакатда **давлат қарз мажбуриятларини билдирувчи облигациялар бозори етарли даражада ривожланганлигига боғлиқ**. Агар мазкур қимматли қоғозлар бозори кенг ва ликвид бўлса, ушбу инструмент яхши ишлайди, агарда мамлакатда қимматли қоғозлар бозори ҳажми тор ва ликвид бўлмаса, марказий банкнинг мазкур инструменти ишламайди.

Марказий банк томонидан реал бозор фоиз ставкаларига таъсир этишидан ташқари монетар сиёсатни олиб боришда **битта аниқ мақсадни белгилаб олиш муҳимдир**. Ушбу мақсад монетар сиёсат олиб бориш усулларида яъни таргетлаш турларидан бирини танлаб олишини билдиради. Таргетлашни қўллаганда иккита аҳамиятли жиҳати бор, яъни булар таргетлаш частотасини (коридорини) ҳамда таргетлаш муддатини аниқлаб олиш керак. Монетар сиёсатда таргетлашнинг муҳимлиги шундаки, бунда марказий банк таргетлаш турини танлаш орқали иқтисодий субъектларга келажакда марказий банк қандай сиёсат олиб боришни билдиради. Агар марказий банк бир вақтнинг ўзида бир нечта таргетлашни қўлласа (мисол учуналмашинув курсини таргетлаш ҳамда инфляцияни таргетлаш), унда марказий банкнинг иқтисодиётга таъсири ҳамда иқтисодий субъектларга йўллаётган сигнали

тушунарсиз бўлади ва монетар сиёсат трансмиссион механизм каналларининг таъсири сусаяди. Шундай экан, марказий банк реал фоиз ставкаларга таъсир этиш билан бир вақтда монетар сиёсат таргетини аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин марказий банкларнинг иқтисодиёт-даги аҳамияти кучайиб борди. Улар юқорида келтирган мақсадга эришиш йўлида бир қанча усуллардан фойдаланишган. Аммо 1990 йилдан кейин марказий банклар инфляцияни билвосита эмас балки бевосита тартибга солиш учун тўғридан-тўғри инфляцияни таргетлашга ўтишган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам инфляцияни тўғридан тўғри таргетлашга босқичма-босқич ўтишни ўзининг олдига мақсад қилиб қўйган. Бунга Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли Қарори асос бўлди.

Марказий банк монетар сиёсат трансмиссион механизм фоиз ставка каналининг молия бозорига таъсирини кучайтирувчи омиллардан бири **тижорат банклари пассивларида марказий банкдан олган кредит ресурслари салмоғига ҳам боғлиқ**. Агар тижорат банклари марказий банкдан қайтамолиялаштириш операцияси асосида олган кредитлари умумий баланс пассивида катта салмоққа эга бўлса, у ҳолда марказий банк томонидан фоиз ставканинг ўзгартирилиши банклараро кредит фоиз ставкасининг, тижорат банкларининг депозит ва кредит фоиз ставкасининг ўзгаришига олиб келади.

Марказий банк фоиз сиёсати орқали банклараро кредит фоиз ставкага, қимматли қоғозлар, облигациялар фоиз ставкаларига, шунингдек тижорат банкларининг кредит ва депозит фоиз ставкаларига таъсир қилади. Ушбу фоиз ставкаларининг ўзгариши корхоналарнинг даромадларига, аҳолининг жамғармаларига таъсир этиши натижасида уларнинг ишлаб чиқаришини, инвестицион харажатларини ҳамда истеъмолини ўзгартиради. Марказий банк қайтамолиялаштириш фоиз ставкалари билан юқорида келтирилган реал иқтисодий кўрсаткичлар ўзаро тескари пропорционал ҳисобланади. Агар марказий банк фоиз ставкани оширса, провардида ялпи ишлаб чиқаришни ва нарх даражасини камайтиришга олиб келади ва аксинча.

Ушбу қарашлар неокейнсчиларнинг замонавий макроиқтисодий моделида ҳам кўрсак бўлади. Ушбу макроиқтисодий моделни қуйида учта тенгламалар орқали ифодалаймиз.

Биринчи тенглама неокейнсчиларнинг IS эгри чизигини ифодалайди:

$$x_t = E_t x_{t+1} - \alpha \cdot (i_t - E_t \pi_{t+1}) + u_t \quad \alpha > 0$$

Бу ерда:

x_t —бу жорий ишлаб чиқариш табиий даражасининг узок муддатли ишлаб чиқариш мувозанатидан четлашиши;

$E_t \cdot x_{t+1}$ - келажакда ишлаб чиқариш табиий даражасининг четлашиши;

$E_t \cdot \pi_{t+1}$ - келажакда инфляциянинг кутишлик даражаси;

u_t - фискал сиёсат таъсирида, аҳоли хохишининг ўзгариши натижасида ёки бошқа омиллар сабабли ялпи талабда кескин ўзгариш даражаси;

i_t -реал фоиз ставка.

Неокейнсчиларнинг IS эгри чизигини ифодаловчи тенгламадан кўришимиз мумкинки, ишлаб чиқаришдаги ўзгариш келажакда иқтисодиётдаги кутилаётган ўзгаришларга тўғри пропорционал бўлиб, реал фоиз ставкага ўзгаришига тескари пропорционалдир. Шу билан бирга, жорий ишлаб чиқариш тенденциясига кутилмаган иқтисодий ҳолатлар ҳам ижобий таъсир қилиши мумкин.

Иккинчи тенглама бу неокейнсчиларнинг Филлипс эгри чизигини ифодалайди.

$$\pi_t = \beta E_t \pi_{t+1} + k x_t + e_t$$

e_t – бу ишлаб чиқаришда технологик ўзгаришлар, ресурс нархларининг ўзгариши ёки бошқа омиллар сабабли ялпи таклифдаги кескин ўзгаришларни ифодалайди.

Ушбу Филлипс эгри чизигини ифодаловчи тенглама жорий инфляция даражаси келажакда кутилаётган инфляция даражасига, жорий иқтисодий ўсишга ҳамда кутилмаган ялпи таклифга тўғри пропорционал эканлигини кўрсатади.

Учинчи тенгламамиз макроиқтисодий ўзгаришларга жавобан марказий банкнинг ҳаракатини тушунтиради. Яъни бу тенглама монетар сиёсатнинг мақсадли функциясини билдиради.

$$i_t = \tau \pi_t + \varphi x_t + v_t$$

Ушбу тенглама шунингдек Тейлор қондаси ҳам деб аталади. Тейлор қондаси марказий банкларнинг хатти-ҳаракатларини тушунтиради.

Юқорида келтирилган учта макроиқтисодий модел тенгламаларидан кўрсак бўладики, иқтисодиётда марказий банк томонидан номинал фоиз ставканинг ўзгартирилиши реал фоиз ставкага таъсир қилади. Уй хўжаликлари бунга мос тарзда ўзларининг истеъмолини ўзгартиради ва провардида ялпи ишлаб чиқаришнинг ва нарх даражасининг ўзгаришига олиб келади. Шундай қилиб бу макроиқтисодий модел трансмиссион механизм фоиз ставкаси каналининг самарали фаолият олиб бориши учун иккита омилга боғлиқлигини кўрсатади. Булар **нарх даражасининг кескин ўзгармаслиги ҳамда аҳоли истеъмолининг марказий банк фоиз ставкасига боғлиқлигидир.**

Пул-кредит сиёсатининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига таъсирини М. Barth ва V.Ramey илмий ишларида ҳам кўришимиз мумкин. Улар марказий банк фоиз ставкасининг хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқаришига таъсирини ўрганган бўлиб, бунда фоиз ставканинг ошиши ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига олиб келиши ва натижада мамлакатда ўртача нарх даражасининг ошишига таъсир қилиши тахмин қилинган. Анъанавий неокейнсчилар моделида эса фоиз ставканинг ошиши нархларнинг тушишига сабаб бўлиши келтирилган. Уларнинг гипотезаларида фоиз ставкасининг ўзгариши ялпи талабга қараганда ялпи таклифга кенгроқ таъсир қилади¹²². Шунинг таъкидлаш лозимки, М. Barth ва V.Ramey ишларида уларнинг гипотезалари ўзининг эмперик исботини етарлича топмаган. Ишлаб чиқарилаётган товарлар турларидан ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг катталики даражасидан келиб чиққан ҳолда марказий банк фоиз ставкаси каналининг самарали фаолиятини таҳлил қилиш G.Carlino ва R. DeFina ишларида кўришимиз мумкин¹²³. Муаллифлар АҚШ штатлари кесимида ФЗТ фоиз ставка каналини таҳлил қилган ҳолда унинг фаолиятига таъсир этувчи қуйидаги учта омилни келтиради:

- Ишлаб чиқарилаётган товарлар структураси;
- Катта ва кичик фирмаларнинг нисбати;
- Йирик ва кичик банклар нисбати.

Ишлаб чиқарилаётган товарлар структурасининг монетар сиёсатга таъсири шундаки, бунда қисқа муддатли ва доимий эҳтиёжга эга товарлар монетар сиёсат фоиз ставкасига эластиклиги паст ҳисобланади. Чунки бундай товарларни истеъмол қилиш аҳоли томонидан банк кредитларига ва фоиз ставкасига боғлиқ эмас. Узоқ муддатли истеъмолга эга ва қиммат товарлар аҳоли томонидан ривожланган давлатларда шунингдек бизнинг давлатимизда ҳам охириги йилларда асосан кредит ҳисобига олинади. Агарда марказий банк фоиз ставкани оширса, аҳоли томонидан бундай

¹²²Barth M.J., Ramey V. (2000). The Cost Channel of Monetary Transmission. NBER Working Paper. April. No 7675.

¹²³Carlino G.A., DeFina R.(1998). Monetary Policy and the US States and Regions: Some Implications for European Monetary Union // Federal Reserve Bank of Philadelphia Working Paper. No 17.

товарларнинг истеъмолини кечиктириши мумкин. Фоиз ставка пасайиши бу каби товарларга талабнинг ошишига сабаб бўлади.

Йирик ва кичик корхоналарга келадиган бўлсак, уларнинг ташқи молиявий манбаларга эришиши бир хил кечмайди. Яъни йирик корхоналарда банкдан кредит олишга етарлича гаров бўлиши мумкин. Шунингдек, ушбу тоифадаги корхоналар қимматли қоғозлар бозори ривожланган давлатларда облигация эмиссия қилган ҳолда ресурс жалб қилиш эҳтимоли юқори бўлади. Кичик корхоналарда эса банк кредитларига етарлича гаров ёки бошқа зарур вақтларда активлари бўлмаслиги мумкин. Шунингдек, уларнинг қимматли қоғозлар бозоридан ресурс жалб қилиш ҳам осонлик билан кечмайди. Шундай экан марказий банк монетар сиёсат трансмиссион механизми фоиз ставка каналининг иқтисодий таъсири асосан кичик ва ўрта корхоналар орқали сезиларли бўлади.

Йирик банкларга қараганда кичик ва ўрта банклар ортиқча ликвидликка эришиши қийин кечади. Шундай экан, бу каби банклар марказий банкнинг қайтамолиялаштириш операциясига ёки банклараро кредит бозорига эҳтиёжи катта бўлади. Монетар сиёсат фоиз ставка каналининг кичик ва ўрта банкларга таъсири самарали ҳисобланади.

G.Carlino ва R. DeFina ишларида АҚШнинг ҳар бир штати учун 1958 – 1992 йиллар кварталлик маълумотлари асосида вектор авторегрессия (VAR) модели структураси ишлаб чиқилди. Мазкур моделга Миллий даромад, ФЗТ фоиз ставкаси, истеъмол нархлар индекси, электрэнергия нархи индекси ҳамда иқтисодий ўсиш индикаторлари каби маълумотлар киритилган. Ушбу маълумотлар асосида монетар сиёсатдаги кескин ўзгаришнинг штатлар ялпи ички маҳсулотига кумулятив регрессион таъсири ўрганилган. Таҳлилда ялпи ички маҳсулот таркибида асосан ҳар бир штатдаги иқтисодийнинг саккизта сектори ўртасидаги боғлиқликни, жамладан корхоналарнинг катталиқ даражаси ҳамда банкларнинг статистик маълумотларига эътибор қаратилган. Натижа шундан иборат бўлганки, бунда монетар сиёсатдаги ўзгаришлар штатлар ялпи ички маҳсулоти таркибидаги узоқ муддатга фойдаланиладиган товарлар хажмига боғлиқ бўлган. Яъни **ялпи ички маҳсулот таркибида фоиз ставкага таъсирчан товарлар хажми** қанча кўп бўлса, марказий банк фоиз ставкасига макроиқтисодий кўрсаткичларнинг сезувчанлиги шунчалик катта бўлади.

Марказий банк трансмиссион механизм фоиз ставкаси каналининг иқтисодий самарали фаолият олиб бориш сабабларидан яна бири сифатида ушбу давлатда банк ва молия бозорларининг қанчалик даражада ривожланганлигига боғлиқ. Аммо ушбу омилнинг таъсири асосан механизмнинг банк кредит канали фаолиятига таъсири кучлилигини инобатга олган ҳолда мазкур омилни фоиз ставка канали таҳлил методологиясидан четда қолдирамыз.

Юқоридаги фикрларни жамлаган ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки, марказий банк трансмиссион механизм фоиз ставка канали фаолиятини таҳлил қилиш методологияси қуйидаги босқичларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

1-босқич

- Марказий банкда аниқ бир индикатив фоиз ставканинг бўлиши;
- Давлат қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражаси;
- Марказий банкнинг олдида битта аниқ мақсад (таргет) бўлиши;
- Тижорат банклари баланс пасивида марказий банкдан олган кредитлар салмоғи.

2-босқич

- Аҳоли истеъмол даражасининг фоиз ставкага таъсирчанлиги;
- Қисқа муддатда нарх даражаси ва иш ҳақининг кескин тебранмаслиги;

Фоиз ставкага таъсирчан маҳсулотларнинг ЯИМ таркибидаги улуши.

Бу омилларнинг таъсирини таҳлил қилиш Марказий банк фоиз ставка каналининг иқтисодиётга таъсир этиш жараёнлари тўғрисида керакли хулоса шакллантиришда олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли Қарори.

2. Barth M.J., Ramey V. (2000). The Cost Channel of Monetary Transmission. NBER Working Paper. April. No 7675.

3. Carlino G.A., DeFina R.(1998). Monetary Policy and the US States and Regions: Some Implications for European Monetary Union // Federal Reserve Bank of Philadelphia Working Paper. No 17.

РЕФОРМЫ ДЕЛАЮТ УЗБЕКИСТАН ПРИВЛЕКАТЕЛЬНЫМ ДЛЯ ИНВЕСТОРОВ

Аббасов Б. Р. ИБР 2-курс

Абстракты: Республика Узбекистан - большая быстроразвивающаяся страна в Центральной Азии, в которой проживает почти половина населения региона - более 33 миллионов человек. С точки зрения экономических категорий это самый большой рынок в Центральной Азии.

Узбекистан расположен в центре Центральной Азии и граничит со всеми странами региона, а также с Афганистаном. Другими словами, Узбекистан имеет прямой доступ к большому рынку с населением более 100 миллионов человек. Эти факторы повышают привлекательность Узбекистана для всех его экономических партнеров, включая Китай.

И запуск широкомасштабных реформ наряду с активной внешней политикой президента Шавката Мирзиёева создали новые возможности для углубления узбекско-китайского сотрудничества в торговле.

За последние два года узбекско-китайское сотрудничество в сфере торговли и инвестиций дало качественные результаты. В конце 2018 года объем двусторонней торговли достиг 6,4 миллиарда долларов, что на 35 процентов больше по сравнению с аналогичным периодом прошлого года, а число китайских компаний, работающих в различных секторах узбекского рынка, увеличилось до более чем 1000. Кроме того, прямые инвестиции китайских компаний в Узбекистан превысили 500 миллионов долларов.

В прошлом году во время визита президента Узбекистана в Китай для участия в саммите Шанхайской организации сотрудничества в Циндао, провинция Шаньдун, обе стороны подписали соглашения по 46 инвестиционным проектам на сумму 6,86 миллиарда долларов, из которых 3,11 миллиарда долларов будут являться прямыми инвестициями.

Следующие факторы способствовали углублению китайско-узбекского сотрудничества. Во-первых, личная связь и взаимное доверие между лидерами Узбекистана и Китая сыграли важнейшую роль в укреплении двусторонних отношений, ознаменованных всеобъемлющим стратегическим партнерством.

Во-вторых, Узбекистан и Китай - соседи, дружба и сотрудничество которых насчитывают тысячи лет. Неудивительно, что их всеобъемлющее стратегическое партнерство направлено на углубление многопланового долгосрочного сотрудничества, основанного на принципах равенства, взаимного уважения и взаимной выгоды.

И в-третьих, то, что Узбекистан и Китай работают вместе в рамках ШОС и в рамках экономического пояса Шелкового пути, который является частью Инициативы «Пояс и дорога», предложенной президентом Китая Си Цзиньпином в 2013 году, также

способствовало углублению их сотрудничества. Кроме того, будучи важной страной на древнем Шелковом пути, Узбекистан является естественным партнером Китая в рамках инициативы «Пояс и дорога».

В своем послании Олий Мажлису (узбекскому парламенту) президент Мирзиёев определил 2019 год как год «активных инвестиций и социального развития», что предполагает привлечение иностранных инвестиций в центр экономической политики правительства Узбекистана. Президент наметил ряд задач, направленных на дальнейшее улучшение инвестиционного климата в стране, включая создание необходимых условий для дальнейшего открытия экономики, снижения роли государства в экономике и продолжения либерализации денежно-кредитной политики.

Различные регионы и отрасли будут предлагать иностранным компаниям определенную преференциальную политику и более широкие выгоды, а также юридическую помощь, особенно тем иностранным компаниям, которые инвестируют в свободные экономические зоны и небольшие промышленные зоны. Предпочтение будет отдаваться иностранным инвесторам, которые имеют полномочия в инновационных и высокотехнологичных отраслях и производят товары, ориентированные на экспорт.

Тот факт, что реформы в Узбекистане дали положительные результаты, был признан даже ведущими международными рейтинговыми агентствами, такими как Fitch Ratings и Standard & Poor's. А для дальнейшего улучшения инвестиционной среды правительство Узбекистана работает с такими инвестиционными банками, как JPMorgan Chase, Citibank и Deutsche Bank.

Благодаря активной инвестиционной политике Узбекистан рассчитывает привлечь в 2019 году прямые иностранные инвестиции в размере 4,2 миллиарда долларов, что почти в 1,5 раза больше, чем в прошлом году, что поможет ввести в эксплуатацию 142 современных предприятия.

Китай является одним из важнейших стратегических, торговых и инвестиционных партнеров Узбекистана. Инвестиции китайских компаний в различные отрасли, которые составляют до 9 миллиардов долларов, способствовали модернизации и диверсификации экономики Узбекистана. Приоритетными направлениями сотрудничества с Китаем являются проекты по созданию инфраструктуры, а также сельскохозяйственный, энергетический, текстильный и фармацевтический секторы, поскольку эти области являются ключевыми для увеличения производственных и экспортных мощностей Узбекистана и, таким образом, стимулирования экономики в целом.

Список использованной литературы:

1. Брайан А. Вторая экономика [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.obs.ru/article/1887/> (дата обращения: 14.12.2016).
2. Богнер, Р. Введение в цифровую фильтрацию / Р. Богнер, А. Константи́нидис. - М.: [не указано], 2015. - 468 с.
3. Бодяко, А.В. Проблемы развития методологии учета и контроля в условиях институциональной экономики инновационного типа. Том 3. О перспективах «цифрового формата» учета, контроля и отчетности / А.В. Бодяко. - М.: Русайнс, 2017. - 460 с.
4. Быков, А.Ю. Право цифровой экономики: некоторые народно-хозяйственные и политические риски / А.Ю. Быков. - М.: Проспект, 2018. - 736 с.
5. Евневич, М. А. Клиентоориентированность в цифровой экономике / М.А. Евневич. - М.: Синергия, 2017. - 416 с.
6. Каримов М.М., Ильина Д.Н., Акрамов А.У. Состояние и перспективы развития свободных экономических зон в Республике Узбекистан. ПРООН – Ташкент, 2015.

7. Приложение №1 к Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан 16.01.2018 г. №29 «О мерах по реализации Постановления Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2017 года №ПП-3356 «О дополнительных мерах по повышению эффективности деятельности свободных экономических зон и малых промышленных зон».

ЗАМОНАВИЙ ПУЛ НАЗАРИЯЛАРИНИ РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИДА ҚЎЛЛАШ АҲАМИЯТИ

Аббосов С. Ўз. Р. БМА тингловчиси.

Иқтисодий пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш тўғрисидаги етакчи назарияларнинг моҳиятини тушунмасдан туриб, илмий асосланган пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш, унинг стратегияси ва тактикасини аниқ белгилаб олиш мумкин эмас. Бу ҳолат, Айниқса, ўз мустақиллигини нисбатан яқинда қўлга киритган ва мустақил иқтисодий сиёсат, шу жумладан, пул-кредит сиёсатини амалга ошираётган давлатлар учун жуда муҳимдир.

XX асрнинг бошларида пулнинг миқдорий назарияси иқтисодий назария соҳасида етакчилик қилган ва такрор ишлаб чиқаришнинг неоклассик назариясида асосий роль ўйнаган. Илмий доираларда қоғоз пуллар айланишини таърифловчи пулнинг замонавий миқдорий назариясига А. Маршалл, И. Фишер, Г. Кассель ва Б. Хансенларнинг ишларида асос солинган деб ҳисобланади.

Замонавий иқтисодий назарияда пулнинг миқдорий назарияси хусусида иккита бир-бирига мувофиқ келувчи варианти мавжуд бўлиб биринчи варианти транзакцион йўналиш, иккинчиси кембридж йўналиши. Транзакцион йўналиш XX аср бошларида Ирвинг Фишер томонидан таклиф этилган ва XX асрнинг иккинчи яримида Милтон Фридмен томонидан ривожлантирилган. Ушбу усул асосида алмашув тенгламаси ёки Фишер формуласи ётиб, у қуйидагича ифодаланган $MV=PQ$. Пулнинг товар табиатини инкор этиш И.Фишер назариясининг услубий асосини ташкил этган. У муомаладаги нақд пуллар, пулнинг айланиш тезлиги, баҳоларнинг ўртача тортилган даражаси, товарлар миқдори, банк депозитлари ва депозит-чек айланиш тезлиги орқари аниқланадиган пулнинг харид қувватини тан олган. И.Фишер қисқа муддатли даврлар учун ишлаб чиқариш ҳажми (Q) ва пул айланиши тезлиги (V) барқарорлиги туфайли, пул массаси (M) ва баҳолар (P) ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик мавжуд деб ҳисоблаган.

Иқтисодчилар монетаризмни хўжалик конъюнктурасини шакллантириш ва иқтисодий ривожлантиришда муомаладаги пул массаси асосий омил сифатида кўрувчи назария деб таърифлашган. Ушбу назария муомаладаги пул массаси ва ялпи ички маҳсулот орасида тўғридан-тўғри алоқа борлигини асослаган. Монетаризм 1950 йилларда АҚШда вужудга келган бўлиб, аввал Чикаго мактаби назарияси деб аталган. Унинг асосчиси Милтон Фридман ҳисобланади.

М. Фридман концепциясининг қуйидаги асосий жиҳатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин:

1. Пулнинг миқдорий назарияси ва унга асосланган иқтисодий даврларнинг монетаристик назарияси қабул қилинди, унга мувофиқ хўжалик конъюнктурасининг асосий тебранишлари уни келтириб чиқарган пул массаси ҳажмининг тебранишларига боғлиқ.

2. Пуллар реал иқтисодийга фоиз нормаси орқали эмас, товар баҳолари даражаси орқали таъсир этади, деб ҳисобланади.

3. Монетар қоида ёки К-фоизлар қоидаси киритилиб, унга мувофиқ иқтисодийнинг ҳолати, фазаларнинг даврлари ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар,

муомаладаги пул массасини йилига 4-5 %га автоматик тарзда кўпайтиришни талаб этади.

4. Ташқи иқтисодий алоқаларни автоматик тарзда қўллаб туриш учун сузиб юривчи валюта курси тизимидан фойдаланилади.

5. Пул кўрсаткичлари ва ишлаб чиқаришнинг реал омиллари орасида узилишлар борлиги туфайли иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришдаги фаолияти самарасиздир деган тезис қабул қилинади.¹²⁴

1970 йиллардан бошлаб монетаризм назарияси дунёнинг кўплаб давлатларида қўлланила бошланган. Монетаризм назариясининг асосий намоёндалари А. Блиндер, К. Бруннер, Ф. Кейген, Д. Мейселмен, А. Мельцер, Д. Лейдлер, Р. Солоу, А. Шварц ва бошқалар бўлган.

Пул-кредит тизими орқали бошқаришнинг ҳар қандай шаклига қарши чиқиш Ф. Хайек назариясининг асосини ташкил этади. Хайек пул бирлиги барқарорлигини таъминловчи, баҳолар ўзгармаслиги, пул бозори ва умуман банк тизимини узлуксиз ишлашини таъминловчи механизмни яратишга ҳаракат қилган. У пул айланиш тезлиги ва баҳоларни нисбатан ўзгармас деб ҳисоблаганлиги учун алмашув тенгلامаси $M=Q$ кўринишини олган. Хайек пулни кўп валютали концепцияси мазмунидан мантиқий равишда муомаладаги пул миқдори билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмига тенг бўлиши керак деган хулоса келиб чиқади, деб ҳисоблаган.¹²⁵ Ушбу қарашларга таяниб, Хайек 1970 йилларда К.Векселлнинг муқим пуллар назариясини қайта тиклади ва бу иқтисодий назарияда кенг тарқалиб, монетар ва фискал сиёсат чегарасини белгилашга ёрдам берди.¹²⁶

Пулнинг миқдорий назарияси ривожланиши XX асрнинг бошларида иқтисодий тадқиқотларнинг янги йўналишини – пул-кредит назариялари даврийлигини, яъни ҳўжалик конъюнктураси даврий тебранишларининг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятларини ишлаб чиқиш асосий мақсад бўлиб қолди. Хозирги даврда дунё мамлакатларининг марказий банклари томонидан пул-кредит сиёсатини бошқаришнинг асосий йўналишларини Р.Дж. Хоутри томонидан ишлаб чиқилган. Дж. М.Кейнс билан бир вақтда Р.Дж. Хоутри даврийлик ва инқирозлар назариясини ҳамда пул-кредит орқали бошқариш услубларини ишлаб чиққан, ушбу услубнинг асосий мақсади ривожланиш давридаги инқироз юз бериши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш эди. Хоутри инвестицион жараёнларни бошқариш, иқтисодий цикллارни мувофиқлаштириши ва мувозанатлаштирилган иқтисодий ўсишга эришишнинг дастаги сифатида фоиз ставкалари ва кредит миқдорини ўзгаришдан фойдаланиш кераклигини асослаган. Хоутридан олдинги тадқиқотчилар, жумладан, Г. Кассель инқирозларни қазиб чиқариш йилдан-йилга камайиб бораётганлиги оқибатида олтинга бўлган талабнинг унинг таклифидан кўплигида деб билган. У. Беверидж эса инқирозлар банкларнинг кредит фаолиятдан келиб чиқади деб тушунтирган. Л.Миз инқирозларни банк активлари кўпайиши ёки камайиши оқибатида пул миқдорини ўзгаришидан ҳосил бўлади ҳисоблаган.

Пул назарияси ривожланиши тарихини таҳлил қилиш мобайнида қуйидаги хулосага келиш мумкин, мавжуд иқтисодий мактаб намоёндалари бир хил, яъни биринчидан, пул барқарорлигини таъминловчи тамойилларини асослашга, иккинчидан, пулнинг иқтисодиётни ривожланишига таъсир этиш механизминини ишлаб чиқиш муаммосини ечишга ҳаракат қилишган. Иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бошқарувчилар талабларига мос келадиган, бизнес юритишнинг асосий йўналишларига жавоб

¹²⁴ Словарь-справочник по современным деньгам и рыночным институтам. URL:<http://www.yur.ru/money/sprav/>

¹²⁵ Хайек Ф.А. Частные деньги. – М.: Институт Национальной Модели Экономики, 1996. – 229 б.

¹²⁶ Ўша манба

берадиган, иқтисодиётни бошқариш вазифасини бажарадиган, иқтисодиётни ривожлантиришга ва бир маромда пул айланишини таъминлашга хизмат қиладиган назариялар ҳаётий эканлиги исботланди.

Ҳозирги даврда пулнинг миқдорий назарияси монетар сиёсатни олиб боришда турли усуллар ва дастаклар комбинациясидан кенг фойдаланиш имкониятини яратиб бериши ва уни мамлакатда иқтисодий бошқаришнинг шакллари бирлаштириш мумкинлиги билан изоҳланади. Глобаллашув давридаги асосий масала, пул соҳасини бошқариш бўйича бой назарий ва амалий тажрибадан фойдаланиб, уларни миллий иқтисодиётдаги масалаларни ечишдан ва глобал бозорга интеграциялашувига ёрдам беришни ташкил этишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Туганъ-Барановский М.И. Бумажные деньги и металл. – Одесса: Русская Культура, 1919. – 132 б.
2. Красавина Л.Н. Проблемы денег в экономической науке // Деньги и кредит. 2001.
3. Хайек Ф.А. Частные деньги. – М.: Институт Национальной Модели Экономики, 1996.
4. J.Tobin – Essays in Economics. Vol.1., Macroeconomics. – Amsterdam, London. – 1971

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНКЛАР РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Абдуллаев Ж. БМА тингловчиси

Тижорат банклари мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий “қон томири” ҳисобланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка фаол молиявий кўмак берувчи муассасага айланиши лозимдир. Мазкур вазифаларни бажариш учун тижорат банклари капитал базасини мустаҳкамлаб бориши талаб этилади. Шу ўринда, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва уни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, ҳозирда унинг фаолият кўрсатиши учун тегишли меъёрий-ҳуқуқий асослар ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилган бўлиб, миллий фонд бозоримиз ривожланишида жиддий ўзгаришлар кутилмоқда.

Бозор иқтисодиётида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Бу банкларимизга бўлган ишонч, активларни тўғри жойлаштириш ва жаҳон талабларига мос фаолият олиб борилаётганлигидан далолат беради. Республикамизда 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида қуйидаги операцияларни амалга оширишлари мумкин:

- Қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар, депозит сертификатлар ва бошқалар)ни чиқариш;
- Қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш, сақлаш, улар билан бошқа операцияларни амалга ошириш;
- Товар етказиб бериш ва хизмат кўрсатишдан келиб чиқадиган талаб ҳуқуқини олиш, бундай талабларни инкассация қилиш;
- Мижозлар ишониб топширган операцияларни: маблағларни жалб этиш, жойлаштириш ва қимматли қоғозларни бошқариш ва ҳакоза ишларни бажаради¹²⁷.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида тутган ўрни шундан иборатки, улар бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда, мазкур бозор қатнашчиси сифатида бир вақтнинг ўзида бир неча вазифаларни бажаради. Жумладан: акциялар, депозитлар ва омонатлар (жамғарма) сертификатлари ҳамда банк

¹²⁷Зуннунова Х “Тижорат банклари фонд бозорининг фаол иштирокчиси” – Biznes-Эксперт №8,2016й

векселлари эмитенти сифатида;

бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олувчи сармоядорлар сифатида;

ўз мижозларига маслаҳатлар берадиган, депозитар операцияларини бажарувчи, қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш учун уларга берилган қимматли қоғозлар ва пул маблағларини бошқариш бўйича хизматлар кўрсатадиган инвестиция муассасалари сифатида қатнашиши мумкин.

Тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги улуши кўпайиб бориши, миллий иқтисодиётнинг инвестицияларга бўлган талабининг ўсиб борувчи эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир. Чунки инвестицияларсиз ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришни чуқур қайта қуриш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мумкин эмас.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллашувининг муҳим омили уларнинг устав ва айланма капиталига ўз қимматли қоғозлар эмиссияси асосида қўшимча ресурсларни жалб қилишда эҳтиёжнинг кучайиб бораётганлигидадир.

Республикамиз банк тизимида фаолият юритаётган тижорат банкларининг миллий фонд бозорида иштирокининг бош мақсадлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Банк фаолиятини ташкил қилиш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб этиш (банкнинг пассив операциялари).

2. Бир неча қимматли қоғозларга маблағларни жойлаштиришдан тушадиган даромадга эга бўлиш (банкнинг актив операциялари).

3. Банклар томонидан фонд бозорида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш бўйича мижозларга кўрсатиладиган хизматлардан даромад олиш (банкнинг депозит операциялари).

4. Фонд бозорида муваффақиятли фаолият юритиш орқали нуфузини ошириш ва янги мижозларни жалб қилиш.

5. Қимматли қоғозлар эмитенти томонидан муомалага чиқарилган акцияларнинг назорат пакетини сотиб олиш йўли билан турли тижорат банклари ва бошқа акциядорлик жамиятлари фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш ҳуқуқини олиш.

6. Банк томонидан фонд бозоридаги мижозлари, рақобатчилари, бозор конъюктураси, нархлар котировкаси тўғрисида тўлиқ, ҳаққоний ва тезкор маълумотларни олиш.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида фаоллашувига яна бир сабабчи бўлган омил – бу устав ва айланма фондларига қўшимча ресурсларни жалб қилишга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ва банк қимматли қоғозларини эмиссия қилиш йўли билан эҳтиёжини қондиришидир. Ва ниҳоят, шуни ҳам ҳисобдан чиқармаслик керакки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қимматли қоғозларнинг самарали бўлган тўлов ва гаров воситаси сифатида роли ошиб бормоқда.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни. Т.: «Ўзбекистон». 2015.

2. Алимов И.И. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари : Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2007.-202 б.

3. Баринов Э.А., Хмыз О.В. Рынки: валютные и ценных бумаг. – М.:Экзамен, 2001. – 608 с.

4. Зуннунова Х. “Тижорат банклари фонд бозорининг фаол иштирокчиси” – Biznes-Эксперт- 2016-№ 8.

ВАЛЮТНАЯ ПОЛИТИКА И ЕЁ СОЦИАЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ

*Абдуллаева Ш.З. проф.
Файзибаева А. ТФИ*

Валютная политика — это система мер в области валютных отношений, осуществляемая государством в соответствии с выработанными политическими и экономическими ориентирами. Она направлена на обеспечение достижения главных целей экономической политики в целом — устойчивого экономического роста, сдерживания уровня безработицы и инфляции, поддержание равновесия платежного баланса. Для достижения поставленных целей на разных исторических этапах на первый план выдвигаются конкретные задачи валютной политики:

1. Преодоление валютного кризиса и обеспечение валютной стабилизации,
2. Переход к конвертируемости валюты,
3. Либерализация валютных операций и др.

Конкретные направления и формы валютной политики определяются валютно-экономическим положением страны, эволюцией мирового хозяйства, расстановкой сил на мировой арене.

Как отметил Президент Республики Узбекистан Ш. Мирзиёев «Валютная политика должна полностью отвечать интересам развития бизнеса и экономики, быть положительным стимулом для инвестиционной деятельности¹²⁸».

Либерализация валютной политики — жизненная необходимость. Унификация валютных курсов и распределение ресурсов на основе рыночных принципов позволят Центральному банку перейти к денежно-кредитной политике, ориентированной на поддержание стабильности и способной эффективно контролировать инфляцию. Реформы будут способствовать созданию рабочих мест, экономическому росту за счет повышения конкурентоспособности наших товаров на внешнем рынке, привлечения прямых иностранных инвестиций и совершенствования системы распределения внутренних ресурсов. Полное выполнение приоритетных задач по либерализации валютной политики поднимет значение и престиж национальной валюты — сума, послужит повышению уровня жизни населения.

В современных условиях как инструмент валютной политики девальвация означает относительно значительное снижение рыночного курса валют. Проценты девальвации (Д) «валюты А» относительно «валюты В» могут быть рассчитаны

$$Д_{А/В} = \frac{Кс_{А/В} - Кн_{А/В}}{Кс_{А/В}} \times 100\%$$

следующим образом:

(Формула № 1)

Д_{А/В} - девальвация валюты А относительно валюты В

Кс_{А/В} — старый курс валюты А относительно валюты В

Кн_{А/В} — новый курс валюты А относительно валюты В

Валютную политику характеризуют — открытость, прозрачность, нейтральности экономики. Открытость экономики определяется отношением объема экспорта и импорта к ВВП (национальному доходу): $O = (E + M) / GNP$, где, О — открытость экономики, Е — экспорт, М — импорт.

Количественно степень институциональной открытости может быть измерена следующим отношением (чем выше Ю, тем ниже степень открытости): $Ю = (T + S + Q + F + L) / (E + M)$,

^{1;2} Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 22.12.2017

где: Ю – степень институциональной открытости, Т – непрямые (косвенные) налоги, S – внешнеторговые (экспортные и импортные) субсидии, Q – внешнеторговые (экспортные и импортные) пошлины, F – валютные ограничения, L – лицензии (квоты), E – экспорт, M – импорт.

По мнению экспертов, меры по либерализации валютной политики имеют социальный аспект, предусматривая защиту малообеспеченных слоев населения. В частности, в целях минимизации влияния либерализации обменного курса на внутреннее ценообразование товаров и услуг, особенно товаров народного потребления, поручено кардинально пересмотреть действующие нормы и ставки таможенных платежей. Кроме того, намечено обеспечить стабильность цен и оперативное и полное насыщение рынков потребительскими товарами.



Динамика изменения курса доллара с января по апрель 2018г¹²⁹.

С учетом имеющегося экономического положения нам представляется важным выделить некоторые лежащие в основе позиции, затрагивающие перспективы проведения валютной и параллельно с этим и денежно-кредитной политики в условиях переходного периода экономики:

1. Представляется необходимым смягчение денежно-кредитной политики. Ярким примером может послужить опыт такой быстроразвивающейся страны Сингапур, национальная валюта которой уже стала свободно конвертируемой на мировом рынке. С 2015 года Центральный банк Сингапура ослабевает валютную политику, так как Центральный банк страны использует национальную валюту в качестве инструмента для ослабления инфляционных ожиданий и поддержания роста внутренней экономической деятельности на фоне массивных торговых потоков, проходящих через страну.

2. Стремление к оздоровлению валютно-финансового положения страны, восстановление ее платежеспособности и кредитоспособности, укрепление национальной валюты.

3. Изучая опыт Сингапура, можно также отметить необходимость создания новой организации – аналога Monetary Authority of Singapore (Валютное управление Сингапура), созданное в 1971 году с целью осуществления надзора за финансовыми рынками страны. В полномочия данной организации, как и в Сингапуре, будут входить:

- Проведение денежно-кредитной политики
- Выпуск валюты
- Контроль платежных систем

¹²⁹ Обзор внутреннего валютного рынка Узбекистана за январь-апрель 2018. Источник: www.cbu.uz

- Комплексный надзор за финансовыми услугами компаний, что осуществляют деятельность на территории страны
- Управления валютными резервами Сингапура
- Развитие региона в качестве международного финансового центра.

А главной задачей Центрального Банка при этом, будет являться выступление в роли регулятора, содействие укреплению национальной валюты, защита населения от сотрудничества с мошенническими структурами и стабилизация роста экономики.

В заключении необходимо отметить, что проведение таких преобразований в экономике, особенно в валютных отношениях нашего государства не только оправдывают себя, а также способствуют повышению рейтинга страны в международном уровне.

БАНК КАПИТАЛЛАШУВИНИ ТАЪМИНЛАШДА СТРАТЕГИК МЕНЕЖМЕНТНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

БМА тингловчиси: Абдурахимов М

Республика молия-банк тизими барқарорлигини оширишга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилиши, банклар фаолиятини халқаро меъёрлар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мос ҳолда баҳолаш тизими ва унга ёндашувларнинг ўзгариши шароитида банк стратегик менежменти ҳақидаги билимларга эга бўлиш мақбул бошқарув қарорларини қабул қилишнинг зарурий шартидир. Бугунги кунда замонавий банк бошқарув ва операцион фаолиятнинг бир нечта даражасига эга бўлган ташкилот бўлиб, ушбу даражалар ўртасида ўзаро алоқаларнинг мураккаб тизими мавжуд. Шуларни эътиборга олиб, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”¹³⁰ нинг учинчи йўналишида макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг бир қанча вазифаларидан бири бу - банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истикболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтиришдан иборатдир, деб кўрсатиб ўтилган. Шунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”¹³¹ги қарорига мувофиқ банк хизматларини оммабоплигининг оширилишини ва банк хизматлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларининг ҳимоя қилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг вазифаларидан бири эканлиги белгилаб қўйилди. Юқорида келтирилган қарорга кўра тижорат банклари ўз фаолиятлари учун стратегияларини белгилаб олишди.

Стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фақатгина юқори раҳбарият иштирок этибгина қолмай, жараёнларга банкнинг ҳудудий менежерлари ҳам жалб этилмоқда. Замонавий шароитларда стратегик менежментнинг замонавий банк ва маркетинг технологияларидан фойдаланиши асосида узоқ муддатли рақобат афзалликларига эришиш мақсадидаги вазифалари, шунингдек, функционал стратегиялар (молиявий, маркетинг, кадрларга оид, инвестицион ва ҳ.к.) айнан ҳам юқори, ҳам ўрта бўғин раҳбарларининг


¹³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармони](#). Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида : расмий нашр. -Т.: Адолат, 2017. -112 б.

¹³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

менежерлик функциялари орқали амалга оширилиши билан изоҳланади. Банк фаолиятини кундалик бошқариш жараёнидаги стратегик қарорлар операцион менежмент орқали ўз ечимини топади. Банк менежерларининг фикрича, республика банкларини бошқаришни ташкил қилишдаги энг долзарб муаммолардан бири стратегик ва операцион менежментнинг тизимли ўзаро алоқадорлиги, жаҳоннинг йирик банклари ва маҳаллий банкларнинг менежерлар таркиби функцияларини такомиллаштиришда мавжуд воситалардан самарали фойдаланиш бўйича тажрибасини ўзлаштиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, банк олдига қўйилган вазифаларни бажариш, банк капиталлашув даражасини ошириш, барқарор ресурс базасини шакллантириш, иқтисодиёт тармоқларини, хусусан агросаноат тармоғи корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича самарали инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ушбу орқали аҳоли бандлиги даражасини ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳоловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлган активлар 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 4986 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 1032 млрд. сўмга ёки 126 фоизга ошди. Жами активлар таркибида даромад келтирадиган активлар 3907 млрд. сўмни ёки 78 фоизни ва даромад келтирмайдиган активлар 1075 млрд. сўмни ёки 22 фоизни ташкил этди. Активлар ҳажмининг барқарор ўсишига эришиш мақсадида 2021 йил охирига активлар ҳажмини 11572 млрд. сўмга етказиш режалаштирилган. Активларнинг ўсишида унинг таркибининг мақбуллиги ҳамда активлар сифатининг юқорилигига катта аҳамият қаратилади. Бунда кредит қўйилмалари қолдиғини 9225 млрд. сўмга етказиш режалаштирилмоқда.


Банк активларининг юқори даромадлилигини таъминлаш, умумий ликвидликка эришишга йўналтирилган банкнинг кредит ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш юзасидан чоралар кўрилади. Ўз навбатида, банк маблағларидан самарали фойдаланишнинг муҳим белгиларидан бири - бу банк умумий активлари таркибида даромад келтирмайдиган активлар улушининг мақбул ҳолатини ушлаб туриш билан биргаликда даромад келтирмайдиган активларнинг камайиб бориш тенденциясини сақлаб қолиш ҳисобланади.



1-расм. 2018-2021 йилларда банк активларининг ўсиш суръати¹³², млрд сўмда

Банк умумий мажбуриятларини 2018-2021 йилларда 8598 млрд. сўмга етказилиши кўзда тутилмоқда. Бунда, мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан аниқ чоралар кўрилади. Бунда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда дастурий назорат такомиллаштирилади.


¹³² “Агробанк” АТБнинг 2018-2021 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш СТРАТЕГИЯСИ



2-расм. 2018-2021 йилларда банк мажбуриятларининг ўсиш суръати¹³³, млрд сўмда

Банк депозитлари ҳажмини 2021 йил якунига 2915 млрд. сўм миқдорига бўлиши режалаштирилмоқда. Мижозларнинг кредит маблағларига бўлган талабини ўз вақтида қондириш, бунинг учун талаб этиладиган барқарор ресурслар манбаларини шакллантириш мақсадида хорижий молия институлари ва банкларининг кредит линияларини кенг жалб қилиш бўйича ишлар олиб борилади.

Банк умумий капиталини 2018-2021 йиллар давомида 2974 млрд. сўмга етказишни кўзда тутган ҳолда, капитал етарлилиги даражасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган иқтисодий меъёрлардан кам бўлмаган даражада сақланишини таъминланади.



3-расм. 2018-2021 йилларда банк капиталининг ўсиш суръати¹³⁴, млрд сўмда

Банк капиталининг кўзда тутилаётган ўсишининг асосий манбаи бўлиб, 2018-2021 йиллар давомида қўшимча равишда 1427,0 млрд. сўмлик акцияларни муомалага чиқариш ҳамда олинadиган фойда ҳисобланади. Фойдани кўпайтиришнинг муҳим йўналиши бўлиб актив ва пасивлардан мақбул даражада фойдаланиш, хусусан кредит, инвестиция ҳамда депозит сиёсатларини самарали олиб боришдан иборат. Банкларнинг ҳар бир операциялари маълум даражада таваккалчилик билан боғлиқлиги, яъни фойда даражаси ва хатар бир-бирига тўғри мутаносиб ўсишини ҳисобга олган ҳолда активлар бўйича 2018-2021 йиллар давомида 255,7 млрд. сўмга захира шакллантириш кўзда тутилган.

¹³³ “Агробанк” АТБнинг 2018-2021 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш СТРАТЕГИЯСИ

¹³⁴ “Агробанк” АТБнинг 2018-2021 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш СТРАТЕГИЯСИ

Шунингдек, 2018-2021 йиллар давомида банк инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, филиалларда реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Хулоса қилсак, банк менежменти бошқарувнинг алоҳида соҳаси сифатида фақат бозор иқтисодиёти ривожланган шароитларда шаклланади. Банк операциялари доираси тараккий этган давлатларда қабул қилинган даражага олиб чиқилганда банк хизматларига қимматли қоғозлар, кредит карточкалари, валюта билан боғлиқ операциялар бошқа банклар ва тижорат тузилмалари акцияларини тежашга, мижозларга ўз маблағларини оқилona жойлаштиришга ёрдам беради ва инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, лизинг, факторинг ва бошқа хизматлар киритилади. Бундан ташқари, банкнинг устав капитали бошқа тижорат банклари учун захира фондига айланиши мумкин.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва ресурс базасини шакллантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли Қарори
2. 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада такомиллаштириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
4. “Агробанк” АТБнинг 2018-2021 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш Стратегияси

ВОЗМОЖНЫЕ ПОДХОДЫ К КЛАССИФИКАЦИИ ПРОЕКТОВ ПО МАСШТАБУ

Абуталипов М. Ф. старший преподаватель БМА Р. Уз.

В современных условиях реализации инвестиционных программ и проектов критическую роль играет эффективный обмен информацией, позволяющий своевременно принимать ключевые решения. И немаловажную роль здесь играет структурированность информации, так как она оптимизирует процесс дальнейшей обработки информации. В частности, бывает необходимым осуществить разбиение проектов по их масштабу, например, для группировки проектов в целях оптимизации процессов анализа и управления проектами. Данная классификация может быть использована юридическими и физическими лицами, вовлеченными в процессы анализа и управления портфелями проектов, программами или индивидуальными проектами.

Классификация проектов по масштабу позволяет:

- предоставлять информацию о проектах в структурированном и компактном (агрегированном) виде для ее дальнейшей обработки;
- осуществлять дифференцированный подход к управлению проектами, в особенности, рисками проекта.

Как правило, классификация проектов по масштабу осуществляется на основе определения граничных значений параметров (условно называемых пороговыми или критическими значениями), позволяющих производить различие между данными проектами. Классификация проектов по масштабу может осуществляться как по входным ресурсным параметрам (стоимость, количество людских ресурсов и т.д.), так и по выходным параметрам (объем продукции, воздействие результатов проекта на его окружение и т.д.).

Более крупные проекты обладают отличительными характеристиками (особенностями), обуславливающими в определенных ситуациях необходимость их

выделения из всей совокупности проектов (Таблица 1). Чем крупнее проект, тем более отчетливо проявляются данные особенности. В какой мере крупные проекты отличаются по данным характерным особенностям от средних проектов, в такой же мере средние проекты отличаются от малых проектов.

Таблица 1.

Характерные особенности крупных проектов

Признак проекта	Особенность
Срок реализации	Более длительный
Степень влияния на окружение	Влияние проекта на окружение имеет региональный, страновой или межстрановой уровень. Крупные проекты стоимостью более 1 млрд. долл. США (мегапроекты) оказывают влияние на 1 млн. и более человек и реализуются в течение нескольких лет.
Степень вовлеченности персонала проекта	Команда управляющих проектом обычно осуществляет большую часть планирования, в то время как остальная часть персонала привлекается только когда завершено начальное планирование, на начале разработки/исполнения. Для малого проекта, как правило, имеется только одна команда которая выполняет планирование и исполнение.
Валютный курс и инфляция	Из-за более длительного срока реализации колебания валютных курсов и уровня цен должны быть объектом более пристального внимания и включены в процесс оценки издержек и процесс определения бюджета.
Распределение ответственности	Может использоваться многоуровневая матрица ответственности (МО): например, МО высокого уровня может определять, какая группа или подразделение команды отвечает за определенный компонент иерархической структуры работ (ИСР), в то время как МО более низкого уровня используются в группе для распределения ролей, сфер ответственности и уровней полномочий в отношении конкретных операций.
Обсуждение рисков	Приглашаются спонсоры, заказчики, эксперты в предметной области, продавцы и поставщики, представители заказчика и т.д. Для не крупного проекта достаточно привлечение части команды проекта
Количественный анализ рисков	Использование учитывается в плане управления рисками проекта
Стратегия реагирования на риски	Целесообразно применение математических оптимизационных моделей
Учет удельных затрат на строительные работы (при их наличии)	Преимущество использования дорогостоящих моделей (например, BIM – Building Information Model)
Управление логистикой и сетью распределения	Критическое значение имеет управление потоками материалов
Схема реализации	Преимущественно использование проектного финансирования
Тип планирования	Часто выполняются в итеративной манере с целью сокращения риска, позволяя команде проекта использовать отзывы и извлеченные уроки, полученные между итерациями.

Примером может быть деление проектов на три группы: крупные, средние и малые, где в качестве критериев классификации выбраны следующие числовые характеристики:

- стоимость проекта;

- объем выбросов в окружающую среду;
- кредитный риск;
- объем закупок;
- число стейкхолдеров.

По каждому из этих параметров имеются критические значения I уровня (превышение их может оказать существенное влияние на окружение проекта) и II уровня (превышение их означает повышение внимания для контроля в случае приближения к критическому значению I уровня). Для данного примера критические значения I уровня определены условно в размере 2000 единиц, критические значения II – в размере 1000 единиц (см. Рис. 1).

Проект А имеет значения параметров на уровне равном или выше критических значений I уровня.

Проект В имеет значения параметров преимущественно ниже критических значений I уровня и выше критических значений II уровня.

Проект С имеет значения параметров, ниже критических значений II уровня.

В этом случае Проект А можно назвать «крупным», Проект В – «средним», а Проект С - «малым».




Рис. 1. Пример: параметры проектов и их критические значения.

На размеры капиталовложений влияет также капиталоемкость отраслей. Специфика каждой отрасли обуславливает объемы необходимых капиталовложений для нормального функционирования. Следовательно, масштаб проектов в каждой отрасли экономики определяется по отношению с показателями капиталоемкости этой отрасли.

Целесообразным является группирование отраслей по капиталоемкости следующим образом: А – отрасли с самыми большими капитальными затратами; В – отрасли с большими капитальными затратами, но меньшими чем в группе А; С – отрасли со средними по степени капиталовложений; D - отрасли с наименьшими капитальными затратами.

Ниже приведен пример подобной группировки отраслей (Таблица 2).

Таблица 2.

Пример группировки отраслей по их капиталоемкости

Группа	Отрасли
A	Нефтегазовая, (био-) химическая, горнодобывающая промышленность и разработка карьеров, производство энергии, промышленное машиностроение, коммерческие банки
B	Транспорт, финансы (небанковские организации)
C	Легкая промышленность,
D	ЖКХ, здравоохранение, наука и образование

Допускается разбиение на подгруппы внутри больших групп. Например, для отраслей группы C крупные (от 10 млн. долл. США до 100 включительно) и очень крупные (свыше 100 млн. долл. США).

Таким образом, проблема классификации проектов по их масштабу может быть решена путем предварительного согласования и последующего выбора соответствующих критериев

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ИНВЕТОР СИФАТИДА
РОЛИНИ ОШИРИШ**

Адилов А.З. магистрант БМА

Мамлакатимизда банкларнинг инвестицион кредитлари бу тижорат банкларнинг мижозларга бериладиган ўрта ва узоқ муддатли кредитларидир. Республикаимизда 2004 йилнинг август ойидан бошлаб ўрта муддатли кредитлар тоифаси бекор қилингандан кейин тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари уларнинг инвестицион кредитлари сифатида эътироф этилмоқда.

Хукуматимиз томонидан банкларининг узоқ муддатли кредитлар улушини ошириш бўйича қўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар, банк кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши 2018 йил якунлари бўйича 80 фоиздан ортган.

Банк кредитининг инвестиция фаолиятини молиялашда иштироки шакллари белгиланаётганда мамлакатимиздаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий асос, амалга оширилаётган инвестиция сиёсати, иқтисодиёт алоҳида субъектларининг инвестицион фаоллиги даражаси, инвестицияларни молиялашнинг энг кўп қўлланилаётган механизмлари, солиққа тортишнинг мавжуд қоидаларидан, банк тизими қай даражада ривожлангани, кафолатлар ҳамда имтиёзлар тизими ва бошқалар ҳисобга олиниши керак. Айни пайтда, банк кредитининг инвестиция фаолиятини молиялаш манбаи сифатидаги роли, аввало, мамлакатдаги жамғармалар ҳажми ўсишига, пул ва валюта бозорлари ҳолатига, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигига боғлиқдир. Бундан ташқари, инвестицияларни молиялашдаги тижорат банклари иштирокининг даражаси шу соҳадаги рақобат муҳитига (инвестицияларни молиялашда ўз маблағларидан фойдалана оладиган инвестицион ва бошқа тузилмалар мавжудлиги), шунингдек мамлакатда юритилаётган пул-кредит сиёсатига, жумладан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фоиз сиёсатига боғлиқ бўлади.

Тижорат банкларининг инвестицияларни молиялашдаги иштироки даражаси белгиланаётганда уларнинг инвестиция сиёсати ҳисобга олиниши зарур. Тижорат банкларининг инвестиция сиёсати деганда банк самарали фаолият олиб боришини таъминлаш, бажарилаётган банк операциялари фойдалилигини ошириш, уларнинг

йўл қўйиш мумкин бўлган хатар даражасини сақлаб туриш мақсадида инвестициялар портфелини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга қаратилган барча чора-тадбирлар тушунилиши керак.

Инвестиция сиёсати кредит бошқармаси томонидан ишлаб чиқилиши ва Директорлар кенгаши томонидан маъқулланиши лозим. Бошқа элементлар билан бирга инвестициялар портфелини ҳам ўз ичига оладиган банк валюта-молия портфелини бошқариш стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилиши тижорат банки инвестиция сиёсатининг энг муҳим элементи ҳисобланади. Операциялар фойдалилиги ва хатарлилиги, баланс ликвидлигини бошқариш ва активларни диверсификациялаш кабилар тижорат банки инвестиция портфели тузилишини белгилаш мезонлари бўлиши керак.

Банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобига амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига хизмат қилмоқда.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикаимиз тижорат банкларининг инвестицион кредитларига баҳо берамиз. Жадвалда кўринганидек, 2013-2018 йилларда брутто кредитлар миқдори ҳам, узоқ муддатли кредитлар миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Тижорат банклари инвестицион кредитларининг миқдори ва динамикаси
(млн.сўмда)

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Жами кредит қўйилмалар	26,5	34,8	42,7	53,3	82,7	143,4
Узоқ муддатли кредитлар	20,4	27,3	33,5	42,6	66,2	117,6
Узоқ муддатли кредитларнинг жами кредитлардаги салмоғи	77%	78,4%	78%	80%	80%	82%

Бу биринчидан, тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини тобора ривожланиб бораётганлигидан далолат беради; иккинчидан, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнига банкларнинг актив жалб этилганлигини кўрсатади; учинчидан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банклари кредитларига бўлган талабнинг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш амалиётини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг банк кредитларига бўлган талабини ўз вақтида қондиришга доир қуйидаги таклиф ва тавсияларни билдирамыз:

- хорижий капитал иштирокидаги банкларни шакллантириш. Бунда хорижий капитал билан бирга ҳориж тажрибаси мамлакатга кириб келади ва инвестицион лойиҳаларни кредитлашда ҳам хорижий банклар тажрибаси, малакасини қўллаш имконини беради;
- тижорат банкларининг кредит ва инвестиция сиёсатларини такомиллаштириш, банк активларини шакллантиришда инвестицион хусусиятларга эътибор қаратиш;
- банкларда мавжуд ссуда активлари асосида қимматли қоғозлар чиқариш (секюритизациялаш) ва ушбу облигациялар эвазига капитал ресурсларни қўпайтириш;

- тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш;
- тижорат банкларининг аҳоли ва корхоналар тасаруфидаги бўш пул маблағларини жалб қилиш фаолиятини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, бунда инновацион бозор инструментларидан фойдаланиш;
- мамлакатимизда банklar бошчилигида инвестицион фондларни ташкил этиш ва мазкур фондлар орқали инвестиция мақсадлари учун маблағлар йўналтиришни ташкиллаштириш. Банklarнинг мазкур жараёнларда бошчилик қилиш сабабини эса ҳозирда банklarда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш борасида ва маблағларни бошқариш бўйича тўпланган улкан тажриба асосида яхши натижаларга эришишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИГА ТАЪСИРИ

Норов А. БМА таянч докторанти

Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари тижорат банклари мижозларининг асосий қисмини ташкил қилади. Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини кенгайтиришда молиявий маблағга бўлган эҳтиёж албатта тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳисобидан қондирилади. Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар нафақат банklarнинг дорамадлилигига балки иқтисодиётнинг ривожланишига шу ўринда ЯИМнинг ўсиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши ва аҳоли бандлигининг ошишига ижобий таъсир этишини биз корреляцион-регрессион таҳлил асосида ўрганишга ҳаракат қилдик.

Республикада фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларида банд бўлган аҳоли сони ва кичик бизнес субъектларига ажратилаётган банк кредитларини Ялпи ички маҳсулотидаги кичик бизнес субъектлари улушига ўзаро боғлиқлигининг корреляцион-регрессион таҳлилини амалга оширдик. Бунинг учун, давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тайёрланган маълумотлар базасидан фойдаландик.

1-жадвал

Кичик бизнес субъектларининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги салмоғи

Йиллар	Кичик бизнеснинг ЯИМдаги салмоғи (%)	Кичик бизнесда банд бўлганлар сони (млн. киши)	Кичик бизнесга ажратилган банк кредитлари (млрд. сўм)
2006	38,20	6,70	464,00
2007	42,00	7,30	607,20
2008	45,70	7,80	743,70
2009	48,20	8,00	1251,00
2010	50,00	8,40	1850,00
2011	52,50	8,60	2690,20
2012	54,00	8,90	4041,10
2013	54,60	9,20	5345,80
2014	55,80	9,50	6981,60
2015	56,10	9,90	9158,00
2016	56,50	10,20	12112,00
2017	56,90	10,40	15900,00

1-жадвал маълумотлари асосида корреляцион таҳлилни амалга оширдик ва қуйидаги кўринишдаги корреляцион матрицани ҳосил қилдик.

2-жадвал

(MS Excel) да танланма корреляция коэффициентининг чегаралари

	Кичик бизнеснинг ЯИМдаги салмоғи (%)	Кичик бизнесда банд бўлганлар сони (млн. киши)	Кичик бизнесга ажратилган банк кредитлари (млрд. сўм)
Кичик бизнеснинг ЯИМдаги салмоғи (%)	1		
Кичик бизнесда банд бўлганлар сони (млн. киши)	0,959718037	1	
Кичик бизнесга ажратилган банк кредитлари (млрд. сўм)	0,768586181	0,910057465	1

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, танланма корреляция коэффициентига кўра, кичик бизнеснинг ЯИМдаги салмоғига мазкур соҳада банд бўлганлар сонининг таъсирчанлиги юқори бўлиб, $R = 0,9597$ га тенг. Шунингдек, кичик бизнеснинг ЯИМдаги салмоғига кичик бизнес субъектларига ажратилган банк кредитларининг таъсирчанлиги ҳам юқори ҳисобланади $R=0,7686$ га тенг. Умумий ҳолда олганда ўрганилаётган омиллар орасидаги корреляцион боғлиқлик даражаси юқоридир.

Excel дастурининг “Анализ данных” имкониятларидан фойдаланган ҳолда регрессион таҳлилни амалга оширадиган бўлсак қуйидагича натижага эга бўламиз.

3-жадвал

MS Excel “Анализ данных” Регрессия дастурида олинган натижа

ВЫВОД ИТОГОВ							
Регрессионная статистика							
Множественный R	0,992474054						
R-квадрат	0,985004749						
Нормированный R-квадрат	0,981672471		2,262157163	=СТЫЮДРАСПОБР(0,05;B13)			
Стандартная ошибка	0,836430479						
Наблюдения	12		4,256495	=ФРАСПОБР(0,05;B12;B13)			
Дисперсионный анализ							
	Df	SS	MS	F	Значимость F		
Регрессия	2	413,6059565	206,8029782	295,5950038	6,19144E-09		
Остаток	9	6,296543514	0,699615946				
Итого	11	419,9025					
	Коэффициенты	Стандартная ошибка	t-статистика	P-Значение	Нижние 95%	Верхние 95%	Нижние 95,0%
Y-пересечение	-15,73307658	4,032848671	-3,901231578	0,003612632	-24,85601409	-6,610139078	-24,8560140
Переменная X 1	8,056006404	0,523688493	15,38320302	9,05974E-08	6,871340729	9,240672079	6,87134072
Переменная X 2	-0,000748687	0,000120851	-6,195141073	0,000159795	-0,00102207	-0,000475304	-0,0010220

Боғлиқлик зичлиги шкалага асосан $r=0,992474054$ ни ташкил этади. Демак ушбу шкалага асосан кўрсаткичлар орасидаги корреляция коэффициенти жуда кучли боғлиқлик даражасига эга.

Маълумотга кўра $a_0=-157331$, $a_1=8.056$, $a_2=0,00075$ тенг бўлиб, регрессиянинг тўғри чизикли формуласи қуйидаги кўринишни олди:

$$KBYU(y) = 8,056KBBS(x1) - 0,00075KBBKR(x2) - 15,7331$$

Демак, a_1 регрессия коэффиценти натижавий белги (y) билан омил белги (x) ўртасидаги боғланишни белгилаб беради. Бу эса, омил белги бир бирликка ортганда натижавий белги неча бирликка ошишини кўрсатади.

Регрессия тенгламаси ($Y=8,056-0x1-0,00075x2$) нинг адекватлигини текшириш учун F-мезондан фойдаланамиз.

Кузатилган маълумотларга кўра ҳисобланган F_p (ҳисобланган, кузатилган F) кўрсаткичи тегишли критик кўрсаткич F_k , (F критик, жадвалли) билан солиштирилди.

F ҳисоб = 4.25

F жадвал = 295.595

Бизнинг ҳисоб-китобимизда F ҳисоб > F жадвал эканлиги учун (1) эконометрик модел адекват ҳисобланади.

$T_k = 2,262$

$T_{a0} = -3,9$

$T_{a1} = 15,38$

$T_{a2} = -6,19$

Ҳисоб-китобимизда $T_{a1} > T_k$ эканлигидан a_1 регрессия коэффицентининг моҳиятли эканлигини билдиради.

Биз юқоридаги регрессион таҳлиллардан қуйидаги хулосаларни келтириб ўтиш мумкин деб ҳисоблаймиз, фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларида иш билан банд бўлганлар сонининг 1 фоиз пунктга оширилиши ЯИМ да кичик бизнес субъектлари салмоғининг 8.056 фоизга ошишига олиб келади.

Демак, хулоса ўрнида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳисобига аҳолининг банд бўлган сонининг ҳар бир фоиз пункти учун ЯИМ кичик бизнес субъектлари салмоғини камида 8 фоизга ошиши мумкинлигини ижобий натижа сифатида қабул қилишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк маълумотлари.
2. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълуматлари.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

Арсланбеков С.М., т.ф.н.

Рахимбердиев И.У., и.ф.н.

Носиров Ш.М

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2018 йили иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 13.3 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2017 йилга нисбатан 18.1 фоиздан кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 36.6 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, улар 46.8 ошди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксалишида катта рол ўйнаган. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу - давлат томонидан хорижий инвестицияларни

қўллаб-қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукамал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури – ички ва ташқи сиёсатнинг умумий йўналиши ҳисобга олинган ижтимоий-иқтисодий ва хусусий хўжалик қарорлари мажмуаси бўлиб, маблағлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакат ичига ва хорижга киритилган сармояларнинг йўналиши ва жойлашувини белгилайди.

Инвестиция дастури алоҳида давлатлар томонидан инвестиция муносабатлари субъектларининг (давлатлар, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий) инвестиция фаолиятини кучайтириш мақсадида чоралар тизимини назарда тутди. Инвестиция фаолияти эса унинг субъектларининг инвестицияни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятлари йиғиндисидир.

Мамлакат миқёсидаги инвестиция фаолиятини самарали амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган инвестиция дастури тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан биридир.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилиқ, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда. Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган. Ушбу яратилган инвестиция муҳити иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажминини йилдан-йилга ортишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган. Агарда аввал корхоналарда асосий даромад ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан иборат бўладиган бўлса, бозор муносабатлари ривожланаётган ҳозирги шароитда инвестиция ва молиявий даромад олишга кенгроқ эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда инвестор олдида турган асосий мақсад оптимал инвестиция портфелини шакллантириш бўлиб, унинг ушбу портфел таркибига кирувчига инвестиция қимматликларини, бошқача айтганда, инвестиция мулк объектларини қандай жойлаштириши ҳам муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда инвестор мулкни қайси фаолиятга йўналтирилиши ҳам муҳим масалалар қаторига киради. Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, экспорт ҳажминини оширишга имкон яратаётганлигига амин бўлиш мумкин. Тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кенгайиб ва ортиб бораётганлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлигидан далолатдир.

Ривожланган мамлакатлар орасида чет эл инвестицияларини ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, чет эллик инвесторларга яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, яъни фойда олиш эҳтимоли каттароқ бўлса, табиийки, уларнинг айнан ўша давлат иқтисодиётига сармоя киритишга қизиқиши ортади. Бу эса, бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара (фойда) олиш имконияти нисбатан юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ интилади. Шунингдек, бугун Ўзбекистон бозор иқтисодиётига

ўтаётган давлатлар ичида энг юқори инвестиция муҳити яратган мамлакатлардан бирига айланди. Бу, шубҳасиз, иқтисодийтимизга тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий инвестициялар оқимини янада кучайтиради. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узоқ муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши Ўзбекистондаги Инқирозга қарши чоралар дастурида етакчи ўрин тутди. Ҳозирги кунда умумий қиймати 21 триллион сум ва 1 миллиард доллардан ортиқроқ бўлган 76 мингта лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбалар белгиланиб, хорижий шериклар билан шартномалар имзоланди.

Ўзбекистонда мамлакат иқтисодийига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини (жумладан, имтиёзларни бериш) амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;
- республика иқтисодийига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодийни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юритиш;
- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлашдан иборат.

Шу билан бирга ички инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

- тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;
- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);
- ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;
- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш лозимдир.

НАПРАВЛЕНИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА УЗБЕКИСТАНА С МВФ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ

Астанов Б.Б. БМА слушатель группа ТББ-1

Республика Узбекистан стала членом МВФ 21 сентября 1992г. С сентября 1993г. в Узбекистане начало функционировать представительство МВФ. Сотрудничество с МВФ в основном направлено на развитие финансового сектора и стимулирование макроэкономических реформ.

В соответствии со статьей IV Статей соглашения МВФ Республику Узбекистан регулярно посещают представители МВФ с целью проведения консультаций с Правительством и Центральным банком. Деятельность миссий направлена на изучение состояния дел в области экономики, финансового сектора и статистики, а также определение направлений дальнейших экономических реформ.

В течение последних лет МВФ оказывал техническое содействие по различным направлениям. Одним из них является содействие Центральному банку по разработке мероприятий по улучшению корпоративного управления в банковском секторе.

В апреле 2016 года была начата работа в рамках технической помощи по совершенствованию методологии стресс-тестирования в коммерческих банках.

Миссия МВФ прибыла в Узбекистан для консультаций (24.02.2019) ¹³⁵ В Министерстве финансов прошла встреча миссии Международного валютного фонда (МВФ) с представителями правительства Узбекистана.

Основное внимание в ходе обсуждения было уделено рекомендациям фонда для страны на 2019 год в соответствии со статьей IV Статей соглашения МВФ, сообщает пресс-служба Минфина Узбекистана. Статьи соглашения (Устав) МВФ нацелены на развитие международного сотрудничества и обеспечение стабильности валют. Фонд проводит со странами-членами ежегодные консультации по этим вопросам, известные как «Консультации по статье IV». В их рамках МВФ стремится оценить экономическую состоятельность каждого государства и предотвратить дальнейшие финансовые проблемы.

Три основные составляющие служат основой для достижения страной устойчивого развития:

- увеличение объемов качественных инвестиций;
- поддержание макроэкономической и финансовой стабильности;
- борьба с коррупцией.

В данном заявлении кратко излагается содержание обсуждений между официальными органами Республики Узбекистан и миссией МВФ, проходивших в г. Ташкенте с 17 по 26 июля 2018 года. Официальные органы достигли дальнейшего прогресса в осуществлении масштабных реформ, направленных на решение наиболее неотложных экономических и социальных задач, стоящих перед страной. В ходе обсуждений основное внимание было уделено рассмотрению перспектив развития экономической ситуации, вопросам налоговой реформы, реструктуризации государственных предприятий, а также налогово-бюджетной стратегии на 2019-2021 гг.

Перспективы развития экономической ситуации¹³⁶

Проблема (1): государственные предприятия, предоставляющие коммунальные услуги и производящие энергоносители, несут значительные убытки в связи с растущими расходами на используемые ресурсы, и положение этих госпредприятий усугубляется устоявшейся неэффективной практикой их деятельности.

Проблема (2): нефинансовые государственные предприятия с большими валютными обязательствами перед государственными банками и внешними кредиторами понесли существенные убытки в результате курсовой переоценки во время проведенной в прошлом году либерализации валютного рынка; решение проблемы ухудшения их финансового баланса пока отложено и, в частности, был введен мораторий на обслуживание долга по их основным долгам перед государственными банками.

¹³⁵ <https://nrm.uz/products>

¹³⁶ <https://www.imf.org>

Проблема (3): в связи с существовавшей в прошлом практикой целевого кредитования в балансах государственных банков преобладают льготные кредиты государственным предприятиям, что негативно влияет на прибыль этих банков.

Проблема (4): сохранившаяся с прошлых времен структура управления на государственных предприятиях не обеспечивает достаточных стимулов для повышения эффективности деятельности госпредприятий

Для решения третьей проблемы потребуется реструктуризация государственных банков и обеспечение более коммерческого характера их деятельности .

Реформа валютной системы должна сопровождаться реструктуризацией государственных предприятий и контролируемых государством банков, устранением других факторов, сдерживающих развитие международной торговли и привлечение ПИИ, а также упорядочением законов, постановлений и процедур, которые неоправданно увеличивают операционные издержки компаний, особенно малых и средних предприятий, имеющих ключевое значение для создания рабочих мест.

Прогнозы годового прироста ВВП Узбекистана

1998-2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2021
5.6	9.0	8.1	8.5	8.3	8.2	8.0	8.1	8.0	5.0	5.5	6.0

МВФ готов оказать дополнительное техническое содействие и предоставить рекомендации по вопросам экономической политики для поддержки разработанных официальными органами планов реформ

Использованные источники:

1. Закон Р.Уз «О членстве РУз в МВФ, МБРР, МАР, МАГИ, МФК» от 2.07.1992 года
2. Указ президента РУз «О мерах по дальнейшему углублению экономических реформ, обеспечению защиты частной собственности и развитию предпринимательства» - 94, №1
3. Бержанов С.А. “Валютная система, валютный рынок и валютные операции”, Учебное пособие
4. Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения”, Учебник ,под редакцией Л.Н. Красавиной, Москва ,Финансы и статистика,1994 г.
5. Sciahivone G. “International organization”, Dictionary,1997
6. World Bank Annual Report 1998, Washington,D.C.,1998
7. www.imf.org Международный валютный фонд.
8. www.worldbank.org Всемирный банк.

МЕХАНИЗМЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В ПРОМЫШЛЕННОСТЬ

Ашуров М. слушатель БФА

Кластер, индустриальный парк, территориально-производственный комплекс, промышленная агломерация, экономическая зона - в мировой практике подобные механизмы концентрирования промышленности на определенной территории себя полностью оправдали. И тот факт, что в последние годы в нашей республике на них делают особую ставку, в очередной раз говорит о больших перспективах национальной индустрии.

Принцип работы у каждого из этих механизмов свой, тем не менее, суть остается единой-оптимизировать производственный процесс, избавить предприятия от лишней организационной головной боли, закрепить за ними (в первую очередь это касается

малых предприятий) юридическое лицо, которое будет защищать интересы производителя, например, в вопросах обеспечения необходимой инфраструктурой.

Основной тенденцией в современном государственном регулировании создания и функционирования технопарков в развитых странах является постепенная замена методов прямого (в том числе финансового) регулирования косвенными, стимулирование частных инвестиций в технопарк при сокращении доли государственных¹³⁷. Местные органы власти предусматривают такие меры прямого регулирования, как разработка и реализация программы создания технопарка, финансирование строительства базовой инфраструктуры, в том числе транспортной и информационной сетей; финансирование приоритетных направлений НТП, ключевых для региона научно-технических проектов; создание консультативных и финансовых региональных центров, центров технического руководства, некоммерческих организаций по переобучению специалистов.

Методами косвенного регулирования, используемыми региональными властями, являются предоставление льгот по местным налогам; установление низких цен на землю и недвижимость научно-техническим и промышленным компаниям в технопарке, на аренду фондов, находящихся в региональной собственности, скидок на используемую компаниями электроэнергию; выделение кредитов и установление налоговых льгот приоритетным для технопарка видам научно-технической и промышленной деятельности, компаниям, переходящим к новой специализации; предоставление кредитов под низкие проценты компаниям, расположенным в технопарке; создание региональных фондов содействия переспециализации, развития приоритетных направлений научной и промышленной деятельности, венчурным фирмам, перемещению специалистов, компаний и капиталов из других районов; обеспечение равного доступа к использованию общих структур технопарка; оказание технической, информационной, консультативной и других видов помощи в региональных информационных, консультативных и финансовых центрах, центрах технического руководства¹³⁸.

В каком направлении будут развиваться будущие малые промышленные зоны, время покажет. Но независимо от того, будут ли это в большинстве своем кластеры, где каждое предприятие является продолжением одного направления производства, или просто индустриальные парки с несвязанными друг с другом предприятиями, развитие отечественной промышленности в любом случае приобрело устойчивую динамику. Главные задачи, которые позволят решить создание малых промышленных зон, - ускорение процессов приватизации госимущества субъектами малого бизнеса и частного предпринимательства, устранение заброшенных производственных территорий, повышение занятости населения, улучшение инженерной инфраструктуры в регионах и возможность наглядно оценить экономическую отдачу какого-либо проекта при желании вложить инвестиции. Главной целью создания МПЗ в Узбекистане является нацелено на рациональное и эффективное использование государственной собственности, эффективной эксплуатации неиспользуемых и незавершенных строительством объектов государственной собственности, пустующих земельных участков для организации производства современной конкурентоспособной продукции и оказания услуг, создания новых рабочих мест и увеличения доходов населения.

¹³⁷Shin, D. (2011). "An Alternative Approach to Developing Science Parks: A Case Study from Korea," *Papers in Regional Science*, 80(1), 103-111.

¹³⁸Siegel, D. S., Westhead, P., and Wright, M. (2003a). "Assessing the Impact of Science Parks on Research Productivity: Exploratory Firm-Level Evidence from the United Kingdom," *International Journal of Industrial Organization*, 21(9), 357-369.

Постановлением Кабинета Министров от 31.12.2014 г. №378 утверждено Положение о порядке создания и организации деятельности малых промышленных зон. В соответствии положение малая промышленная зона-территория, включающая определенный земельный участок, в отдельных случаях-производственные площади, обеспеченные инженерно-техническими коммуникациями. МПЗ создаются на базе неиспользуемых территорий и бездействующих производственных площадей объектов государственной собственности, передаваемых органам государственной власти на местах в соответствии с решениями Президента Республики Узбекистан или Правительства Республики Узбекистан.

Отбор участников МПЗ осуществляется на конкурсной основе. Для управления и координации деятельности МПЗ с неделимой территорией 10 гектаров и более создаются дирекции по управлению малыми промышленными зонами при Совете Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятах областей и г. Ташкента и с территорией менее 10 гектаров, расположенных в пределах одного района (города), создаются единые дирекции по управлению малыми промышленными зонами при хокимиятах соответствующих районов (городов).

В соответствии Постановлением Президента от 18.05.2017 г. №ПП-2379 участники МПЗ освобождены сроком на два года, начиная с даты принятия решения о размещении хозяйствующего субъекта на территории МПЗ, от уплаты налога на имущество и налога на прибыль юридических лиц, а также единого налогового платежа (для субъектов, применяющих упрощенную систему налогообложения). При этом льготы, предоставляются при условии внесения участниками МПЗ инвестиций в объеме не менее 3000-кратного размера минимальной заработной платы. В случае, если годовая выручка участника МПЗ составляет менее 2000-кратного размера минимальной заработной платы, льготы аннулируются с восстановлением обязательства по их уплате за соответствующий отчетный год в порядке, установленном законодательством. Действие льгот продлевается дополнительно на два года при условии реализации на экспорт не менее 30 процентов от общего объема произведенной продукции.

Итак, в условиях восстановления экономического роста национальной экономики малое предпринимательство рассматривается в качестве стратегического фактора, обеспечивающего социально-экономическое развитие страны. Исходя из особенностей малого бизнеса, основными направлениями развития предпринимательства в регионах являются: системная и последовательная поддержка индивидуальной предпринимательской инициативы, сохранение и преумножение человеческого капитала, развитие взаимодействия государства и хозяйствующих субъектов в целях реализации отдельных проектов социально-экономического развития регионов, а также обеспечение субъектов предпринимательства, размещенных в МПЗ, электроэнергией, природным газом (с учетом ресурсных и газотранспортных возможностей) и другими видами коммунальных услуг в соответствии с их производственными потребностями и повышение доступности кредитных ресурсов.

Список использованных литература

1. Постановление Кабинета Министров от 31.12.2014 г. №378 утверждено Положение о порядке создания и организации деятельности малых промышленных зон.
2. Shin, D. (2011). "An Alternative Approach to Developing Science Parks: A Case Study from Korea," *Papers in Regional Science*, 80(1), 103-111.
3. Постановление Президента Республики Узбекистан от 18.05.2017 г. №ПП-2379.
4. Siegel, D. S., Westhead, P., and Wright, M. (2003a). "Assessing the Impact of Science Parks on Research Productivity: Exploratory Firm-Level Evidence from the United Kingdom," *International Journal of Industrial Organization*, 21(9), 357-369.

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ФАКТОРИНГОВЫХ ОПЕРАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Бобобеков Ф.Р. БФА

Факторинговые операции первоначально возникли как операции специализированных торговых посредников, а позднее широкое развитие получили в банковской практике.

Субъектами факторинговой сделки являются: поставщик, покупатель, факторинговая компания или банк фактор, банк гарант. Объект сделки — дебиторская задолженность за поставленные товары, выполненные работы и оказанные услуги.

В Республике Узбекистан практика факторинговых операций начали применяться в конце 90-х годов прошлого столетия и наиболее широкое развитие получили в последние годы. Одной из причин широкого развития факторинговых операций является то обстоятельство, что поставщик товара (услуги) может сразу получить от фактора оплату за отгруженный товар (оказанную услугу), не дожидаясь срока расчета с покупателем, что позволяет ему ускорить оборачиваемость средств в расчетах, а также переложить или минимизировать риск неисполнения хозяйствующим субъектом обязательства по оплате товаров или услуг.

Факторинг¹³⁹ - это вид банковской услуги по финансированию хозяйствующих субъектов-поставщиков (далее в тексте - клиент) под уступку ими банку - финансовому агенту права получения платежа по акцептованным плателъщиками (далее в тексте - плателъщик), но не оплаченным ими платежным требованиям за поставленные товары, выполненные работы или оказанные услуги, без права регресса.

Основой факторинга является покупка факторинговой компанией (фактором) у поставщика права на взыскание долгов его покупателей.

В статье 313 ГК Республики Узбекистан дано следующее определение факторинговых операций: Право (требование), принадлежащее кредитору на основании обязательства, может быть передано им другому лицу по сделке (уступка требования) или перейти к другому лицу на основании закона. Для перехода к другому лицу прав кредитора не требуется согласия должника, если иное не предусмотрено законом или договором. Если должник не был письменно уведомлен о состоявшемся переходе прав кредитора к другому лицу, новый кредитор несет риск вызванных этим для него неблагоприятных последствий. В указанном случае исполнение обязательства первоначальному кредитору признается исполнением надлежащему кредитору.

Правила о переходе прав кредитора к другому лицу не применяются к регрессным требованиям. Факторинг можно рассматривать как особую форму кредита, хотя традиционно его трактуют как комиссионную и кредитную операцию, поскольку банк или специализированная факторинговая компания принимают на себя обязательство за комиссионное вознаграждение взыскивать с должников платежи, предоставляя кредит продавцу сразу после отгрузки товаров. При осуществлении факторинговой операции банк фактор предоставляет специфический кредит, погашение которого производится не самим заемщиком (предприятием кредитором), а должником (покупателем) путем исполнения платежа по уступленному денежному требованию.

При классическом кредитовании банк финансирует только заемщика, а при осуществлении факторинговой операции заемщику может предоставляться целый комплекс услуг управление дебиторской задолженностью, страхование от кредитного, валютного и иных видов рисков, ведение бухгалтерского учета заемщика и др.

¹³⁹ Положение ЦБ РУЗ от 13.08.2000г «О порядке проведения коммерческими банками факторинговых операций на территории Республики Узбекистан»

При предоставлении факторингового кредита в обязательном порядке соблюдается срочность, кроме того, факторинговое обслуживание — это платная услуга фактора (банка или факторинговой фирмы). Все вышеперечисленные обстоятельства позволяют отнести данную операцию к специфической форме кредитных отношений.

Субъектами факторингового обслуживания выступают как банки, так и специализированные факторинговые фирмы.

В настоящее время любая факторинговая компания мира может быть отнесена к одному из трех типов:

- 1) компании, принадлежащие банкам или другим учреждениям кредитно-финансовой сферы;
- 2) компании, принадлежащие крупным промышленным компаниям и топливно-нефтяному комплексу;
- 3) компании смешанного типа.

Правовой базой осуществления факторинговых услуг в нашей стране является статьи 313-323 и 749-758 Гражданского кодекса Республики Узбекистан¹⁴⁰, законами Республики Узбекистан, законами республики Узбекистан “О центральном банке Республики Узбекистан”, указами Президента Республики Узбекистан от 02.09.2017 года № 5177 “О первоочередных мерах по либерализации валютной политики”

Внутренний факторинг характеризуется тем, что все субъекты факторинговых отношений (покупатель, поставщик, факторинговая компания) находятся в одной стране. Международный факторинг предполагает, что его участники расположены в разных государствах. Двухфакторная система международного факторинга предполагает взаимодействие двух факторинговых компаний: фактора экспортера, обслуживающего сделку в стране экспортера, и фактора импортера, обслуживающего сделку в стране импортера.

При прямом экспортном факторинге экспортер заключает договор в своей стране. В этом случае факторинговая компания принимает на себя кредитный риск, а оценка кредитоспособности плательщика и инкассирование документов по его поручению производится факторинговыми компаниями страны импортера. Прямой импортный факторинг применяют в тех случаях, когда от фактора не требуется кредитование экспортера против переуступки экспортной выручки. Как правило, это связано с невозможностью для фактора импортера напрямую кредитовать зарубежную коммерческую фирму, а также с отсутствием доверительных взаимоотношений между факторами.

Процесс организации факторингового обслуживания в каждом отдельном случае имеет свои специфические особенности, зависящие от множества факторов, которые определяют вид факторинга. Однако если рассматривать типовой механизм факторинговой операции, то можно выделить следующее. В осуществлении факторинговой операций участвуют три стороны (см рис.1):


- фактор посредник, в качестве которого выступает коммерческий банк или специализированная факторинговая компания;
- поставщик;
- покупатель.

Экономическая эффективность факторинга проявляется в том, что он позволяет повысить ликвидность активов предприятия, оборачиваемость его капитала и тем самым рентабельность его деятельности.

В большинстве случаев поставщик очень заинтересован в сокращении кассовых разрывов, вызванных поставками на условиях открытого счета. Факторинговое

¹⁴⁰ Гражданский Кодекс Республики Узбекистан 29.08.1996

обслуживание — кратчайший путь к решению этой проблемы, ибо фактор имеет возможность выплачивать авансовый платеж в размере до 85% от суммы акцептованного счета-фактуры в день передачи ему документов по совершенной поставке. Оставшиеся 15% перечисляются поставщику после получения платежа от дебитора за вычетом комиссионного вознаграждения фактора, которое, как правило, состоит из платы за обслуживание и платы за финансирование, если оно предоставлялось (рис)



Система факторингового обслуживания

Использование факторинговых операций в качестве одного из наиболее доступных и приемлемых способов финансирования деятельности в нашей Республике на примере предприятий, особенно относящихся к среднему бизнесу, дает им возможность не только выжить в сложных меняющихся экономических условиях, но и занять свою нишу на рынке и успешно развивать свой бизнес. Так, для поставщика товаров использование факторинга позволит увеличить спрос на товары и, соответственно, объем продаж, повысить конкурентоспособность товаров, а также создать для покупателей выгодные условия для сотрудничества (на условиях отсрочки платежа). Данные выгоды позволят покупателю наиболее эффективно использовать свои оборотные средства в интересах производства, а не отвлекать их на погашение долга.

Таким образом, факторинг способствует установлению прочных связей между покупателями и поставщиками продукции, снижению дебиторской и кредиторской задолженностей, насыщению рынков конкурентоспособной продукцией, что выступает в качестве одной из первоочередных задач, стоящих перед экономикой Республики Узбекистан.

Список используемой литературы:

1. Гражданский Кодекс Республики Узбекистан 29.08.1996
2. Налоговый Кодекс Республики Узбекистан 25.12.2007
3. Закон Республики Узбекистан “О центральном банке Республики Узбекистан” 21.12.1995
4. Указ Президента Республики Узбекистан от 02.09.2017 года “О первоочередных мерах по либерализации валютной политики”
5. Постановление правления Центрального банка (ЦБ) Республики Узбекистан "О внесении изменений в Положение о порядке проведения коммерческими банками факторинговых операций на территории Республики Узбекистан" 2012г от 31 мая.
6. Положение ЦБ РУЗ от 13.08.2000г «О порядке проведения коммерческими банками факторинговых операций на территории Республики Узбекистан»

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА ЛОЙИХАВИЙ БОШҚАРУВ ЁНДАШУВИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бўтабоев М.Ш., ф.-м.ф.н. БМА доценти

Республикамиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш учун таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, саноат тармоқларини модернизация қилиш ва технологик янгилаш жараёнларини янада тезлаштириш лозим. Бу эса йирик ҳажмда инвестициялар киритишни талаб қилади ва мазкур жараёнда тижорат банклари муҳим рол ўйнайди. Чунки мамлакатимизда тижорат банклари асосий инвестиция институтларидан бири ҳисобланади.

Банк амалиётида инвестиция тушунчаси асосан банк маблағларини даромад олиш мақсадида узоқ муддатли бирон соҳага қўйишни англатади. Банкларнинг маблағларни инвестицияларга йўналтириши билан боғлиқ барча банк операциялари банкларнинг инвестиция фаолияти дейилади. Масалан, уларнинг инвестиция фаолиятига қимматли қоғозлар бўйича қўйилмалар билан бирга, корхоналар асосий фондларини кредитлаш операциялари ҳам киради. Демак, тижорат банклари молиявий активлар билан бирга реал активларга ҳам ўз маблағларини йўналтиради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини инновацион ривожлантириш учун жуда катта ҳажмда инвестициялар жалб қилиниши зарур бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. ушбу хусусда: “Кун тартибида ўта жиддий масалалар турибди. Булар – мамлакатимизда яратилган технологияларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, “ноу-хау” намуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдир” – деб бежиз айтмаган эдилар (Мирзиёев, 2016). Маълумки, тижорат банкларининг инвестицион жараёнларда фаол қатнашиши иқтисодиётни модернизация қилишда ва мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти юксалишида муҳим ўрин тутади. 2019 йил Президентимиз томонидан “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинди ва унинг Дастурида инновацияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш, инновацияларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ривожланишининг барча босқичларида молиявий таъминлаш масалалари инобатга олинган.

Инновацияларни жорий қилиш инвестициялар киритиш билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли мамлакатимизда инновация сиёсатини олиб боришда инвестицияларнинг самарали иштирокини таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг натижасида миллий иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми, улар ёрдамида ишлаб чиқаришга жорий этилаётган замонавий ва илғор технологияларга асосланган лойиҳаларнинг сонининг йил сайин ортиб боришини таъминлаш, бунда тижорат банклари узоқ муддатли инвестицион кредитларини кенг қўламда ажратиш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Бу эса ўз навбатида иқтисодий барқарорликка эришишда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклар инвестиция фаолиятининг фаоллашуви шуни кўрсатадики, бу фаолият тижорат банклари учун фойдалидир ва умуман олганда, қимматли қоғозлар бозорида рақобатчилик муҳитининг фаоллашувига кўмаклашади. Лўнда қилиб айтганда, ҳозирги кунда қимматли қоғозлар бозорини банкларсиз тасаввур этиш қийин. Банклар қимматли қоғозлар бозорининг энг актив иштирокчиси бўлиши билан бирга, активларнинг катта қисмини қимматли қоғозлар билан операцияларга йўналтирадилар.

Лойиҳаларни молиялаштириш, инвестицияларни ташкил этишнинг махсус шакли сифатида, глобаллашув шароитида алоҳида аҳамиятга эга. Бу инвестицион

иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга бўлган мавжуд ишлаб чиқаришларни янги ва радикал модернизациялашда манба чекловларини бартараф этиш учун лойиҳавий молиялаштириш қобилиятига боғлиқ. Шунинг учун инвестицион лойиҳалаштиришнинг молиявий эҳтиёжларини қондиришнинг самарали шакли сифатида лойиҳаларни молиялашни ривожлантириш механизмлари ва воситалари жуда долзарбдир.

Ушбу масалани “Қишлоққурилишбанк” АТБ каби банк мисолида кўришимиз мумкин. 2018 йил якуни бўйича, банкнинг умумий капитали ҳажми йил бошига нисбатан 673,2 млрд. сўмга ўсиб, 1235,1 млрд сўмни ташкил этган. Шу жумладан, қўшимча акциялар муомалага чиқарилиши ҳисобига шаклланган устав капитали миқдори 1 074,7 млрд. сўмга етказилган:

Банкнинг асосий кўрсаткичлари бўйича статистик маълумотлар.

(млн. сўм)

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Жами активлар	6 541,5	8 097,4	10 234,1	12 049,3	16 921,2
<i>Жами соф активлар</i>	<i>3 466,7</i>	<i>4 241,3</i>	<i>5 417,0</i>	<i>6 412,2</i>	<i>9 342,3</i>
Жами мажбуриятлар	6 169,6	7 665,5	9 738,9	10 880,9	15 686,1
<i>Жами соф мажбуриятлар</i>	<i>3 094,7</i>	<i>3 809,5</i>	<i>4 921,8</i>	<i>5 478,7</i>	<i>8 107,1</i>
Жами капитал	371,9	431,9	495,2	1 168,4	1 235,1

Ўз навбатида, банк миқозларини кредитлашда 2018 йилга мўлжалланган Кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, ҳисобот йили мобайнида асосий даромад манбаи ҳисобланган банк активлари ҳажми, таркиби ва даромадлилигини ошириш, банкнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди:



Юқоридаги расмдан кўришиб турибдики, “Қишлоққурилишбанк” АТБ кредит фаолияти йилдан-йилган кенгайиб бориб, турли тармоқларда узоқ муддатли инвестицион кредитларнинг улуши ортиб бормоқда. Ҳар бир тармоқ йўналиши ўзига хос ёндашувни талаб қилиб, турли соҳадаги эксперт ва мутахассислар гуруҳларини жалб қилишни тақозо қилади. Бундай мақсадли йўналтирилган бошқарув эса лойимавий ёндашувга асосланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон банклари инвестиция фаолиятини бошқаришда лойиҳавий бошқарув ёндашувидан фойдаланишни жорий қилиш учун қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳалари экспертизаси ва бошқаруви билан шуғулланадиган бўлинмалари иш фаолиятига MS Project каби самарали дастурий таъминотларни жорий қилиш.

2. “Қишлоққурилишбанк” АТБ каби тижорат банкларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳавий бошқарувнинг давлат стандартлари асосида қурилган тизимлардан фойдаланиш.

3. Тижорат банкларининг лойиҳавий бошқарув асосидла иш кўраётган бўлимлар фаолияти натижаларини қабул қилиш ва меҳнатини тақдирлаш масаласи лойиҳанинг муваффақиятига қараб белгилаш тизимини жорий қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. 2016. www.press-service.uz.

2. “Қишлоққурилишбанк” АТБ молиявий ҳисоботлари.

ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

*Валиев Б. Б. PhD, ТДИУ ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодийтини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари”
илмий тадқиқот маркази сектор мудири*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635 сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурида инвестиция ислохотлари бўйича кенг қўламли вазифалар белгиланган. Улар жумласидан, ўрта муддатга мўлжалланган “инвестиция сиёсати стратегияси”ни ишлаб чиқиш, республиканинг “тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жамғармаси”ни ташкил этиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши белгиланган.

Мамлакатимизда оқилона инвестиция сиёсатини олиб бориш ва ҳудудларга инвестицияларни фаол ўзлаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Инвестиция сиёсати стратегияси эса ўз навбатида мамлакатни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб олинган узоқ муддатли режалар ва устувор йўналишлар билан уйғун бўлиши ҳамда унга асосланиши даркор.

К.Т.Бясов инвестицияларни ҳар томонлама кўриб чиқиб, инвестиция стратегияси сифатида компанияни ривожлантиришнинг умумий вазифалари ва инвестиция мафкураси асосида аниқланадиган, уларга эришишнинг энг самарали усулларини танлаш билан белгиланадиган компания инвестиция лойиҳаларининг узоқ муддатли мақсадлар тизимини келтиради¹⁴¹. Умуман олганда, инвестиция стратегияси бу муайян ҳудуднинг активлари ривожланиши ва бозор қийматининг ўсишига

¹⁴¹ Бясов К.Т. Основные аспекты разработки инвестиционной стратегии организации // Финансовый менеджмент. 2003. № 4.

молиявий-иқтисодий ресурсларни инвестициялаш режаси ёки дастуридир. В.А.Харитонов - минтақанинг муваффақиятли ривожланишининг шарти сифатида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция ва инновациялар соҳасида келишилган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ишлаши зарурлигини қайд этади ¹⁴². М.И.Самогородская минтақавий жиҳатдан инвестиция стратегиясига минтақанинг инвестиция ривожланишига эришиш учун федерал ва минтақавий даражадаги давлат ҳокимияти органлари томонидан фойдаланиладиган минтақадаги инвестиция жараёнларига таъсир этувчи усул ва воситалар ёрдамида инвестиция ресурсларини бошқариш стратегияси сифатида ёндашган ¹⁴³. Инвестиция стратегиясини ишлаб чиқишда минтақадаги мавжуд молиявий ресурслар даражаси (минтақанинг “ўз маблағлари”), маҳаллий ҳокимиятларнинг ташқаридан молиялаштиришни жалб қилиш имкониятлари, минтақанинг инвестицион салоҳияти ва унинг динамикаси, қабул қилиш мумкин бўлган таваккалчилик даражаси, етказиб берувчи минтақаларнинг ҳамда минтақа маҳсулотларининг истеъмол қилувчи бошқа ҳудудлар ривожланиш динамикаси ва сифати каби омилларни ҳисобга олиш зарур ¹⁴⁴.

2018 йилда республикаимиз иқтисодиётига 107,3 трлн. сўмдан ортиқроқ ёки 12,9 млрд. долларга яқин инвестициялар ўзлаштирилди. Инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таркибида 39,3% ёки 42,2 трлн. сўм маблағ корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз ресурслари ҳисобига, манбаларнинг 60,7% ёки 65,1 трлн. сўмдан ортиқ қисми эса жалб қилинган маблағлар ҳисобига таъминланди. Давлат ташаббуси ва таъсири остида бўладиган марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан деярли 34,5 трлн. сўмлик инвестициялар молиялаштирилди ва бу жами инвестицияларнинг 32,1%ни ташкил этди. Инвестицияларни жалб қилишда давлат ташаббускорлигининг ортиши ҳисобига марказлашган инвестицияларнинг 2018 йилдаги улуши аввалги йилга нисбатан 8,6% пунктга ошди ¹⁴⁵.

2018 йилда Андижон (48,4%), Самарқанд (56,6%), Фарғона (46,2%), Хоразм (55%) вилоятлари ва Тошкент шаҳрига (46,5%) ўзлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш таркибида корхона ва аҳолининг ўз маблағлари салмоқли улушни ташкил этган. Бухоро (70,8%), Қашқадарё (69,6%), Наманган (73,4%) вилоятларида эса аксинча ишлаб чиқаришни молиялаштириш таркибида жалб қилинган маблағларнинг ҳиссаси катта бўлган. Ўзбекистонда сўнгги 5 йиллик даврда инвестицияларни молиялаштириш таркибида жалб қилинган маблағлар (бюджет, мақсадли жамғармалар, банк кредитлари, хорижий инвестициялар) улуши ўртача 51,4% ни ташкил этган бўлса, давр охирига келиб, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 9,3% пунктга ошган. Бу эса аҳоли ва корхоналарнинг ўз маблағларига нисбатан жалб қилинаётган маблағларнинг юқорироқ суръатда ошаётганлигини кўрсатади. Айниқса, Қашқадарё (давр ўртача даражасига нисбатан 17,5% пунктга ошган), Наманган (17,3% пунктга ошган), Сурхондарё (15,4% пунктга ошган), Андижон (10,2% пунктга ошган) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (10,5% пунктга ошган) инвестициялар таркибида жалб қилинган маблағлар улуши 2014-2018 йилларда салмоқли ортган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилоятида ишлаб чиқаришни молиялаштириш таркибида жалб қилинган маблағлар улушининг охириги 5 йилликда ўзгариш даражаси жуда кичик бўлган (жадвал).

¹⁴² Харитонов В.А., Алексеев А.О. Концепция субъектно-ориентированного управления в социальных и экономических системах// Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. №109(05), 2015 г. стр. 1-17.

¹⁴³ Самогородская М.И. Разработка механизма управления региональной инвестиционной стратегией // Менеджмент в России и за рубежом. 2003. № 4.

¹⁴⁴ Клименко М.С. Формирование инвестиционной стратегии региона на примере волгоградской области //Вестник ВолГУ. Серия 9. Вып. 6. 2007. стр.114-120.

¹⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси статистик тўплами “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь”, Тошкент, 2019 й. 96-121 бб.

Худудларда инвестицион фаолликнинг ошиши бевосита уларни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш ва оширишга боғлиқдир. Бу ҳолат миллий иқтисодий таркибий ўзгартиришда иқтисодий ислохотларнинг ҳудудий тузилиш ва пропорцияларни ўз ичига олувчи минтақавий инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш заруриятини уйғотади. Шу боис, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди бўйича узоқ муддатда инвестицияларни жалб қилиш бўйича устувор йўналишларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Республика ва худудларда инвестициялар молиялаштириш манбаларини кенгайтиришда республикамизнинг алоҳида худудлари нисбий устунликлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудий инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ишлаб чиқариш қувватларини худудларнинг нисбий афзалликларини, улардаги мавжуд ресурслар, инфратузилма, ишчи кучи каби омиллар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш капиталдан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва охир-оқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлайди. Бу эса қўшимча молиялаштириш манбаларини топиш имконини беради. Минтақаларда табиий-ресурс, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятнинг ўзаро фарқланиши ушбу худудлар барчасида ягона стандартлашган иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ёндашувини инкор этади. Шунинг учун, миллий иқтисодий таркибий қайта қуришда иқтисодий ислохотларнинг ҳудудий тузилиш ва пропорцияларни ўз ичига олувчи минтақавий жиҳатлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

2014-2018 йилларда худудларда инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг ўзгариши¹⁴⁶

Худудлар	2014-2018 йилларда ўртача		2018 йилда ўртачага нисбатан ўзгариш
	Корхона ва аҳолининг ўз маблағлари	Жалб қилинган маблағлар	Жалб қилинган маблағлар
Қорақалпоғистон Республикаси	38,9	61,1	+1,0
Андижон	58,6	41,4	+10,2
Бухоро	34,5	65,5	+5,3
Жиззах	50,0	50,0	+9,1
Қашқадарё	47,9	52,1	+17,5
Навоий	52,0	48,0	+13,8
Наманган	43,9	56,1	+17,3
Самарқанд	66,2	33,8	+9,6
Сурхондарё	49,6	50,4	+15,4
Сирдарё	36,5	63,5	+2,1
Тошкент	47,9	52,1	+8,0
Фарғона	55,9	44,1	+9,7
Хоразм	60,8	39,2	+5,8
Тошкент ш.	57,0	43,0	+10,5
Республика бўйича	48,6	51,4	+9,3

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатга мўлжалланган инвестиция сиёсати стратегиясини шакллантиришда инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳит яратиш ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

¹⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

даражасини ошириш, савдо логистикасини такомиллаштириш, хорижий инвесторлар ва маҳаллий компаниялар ўртасида ишлаб чиқариш ва сотиш алоқаларини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, инвестицияларни жалб қилишнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқишда инвесторларни жалб қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун институционал механизмларни такомиллаштириш зарур. Хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторларнинг иштирокини таъминлаш, давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги лойиҳаларига сармояларни жалб қилиш масалаларига эътибор қаратиш зарур. Инвестиция сиёсати стратегиясининг мақсадини шакллантиришда 2025 йилга қадар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш устувор йўналишлари, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича дастурларни амалга ошириш учун молиялаштириш манбалари ва механизмларини аниқлаш масалаларини эътиборга олиш зарур.

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА IPO-ДАСТУРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ.

Воҳидов Б.Б. Ўз.Р. БМА тингловчиси

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда миллий фонд бозорини ривожлантиришга молия соҳасидаги ислохотларнинг муҳим таркибий йўналиши сифатида қаралмоқда. Шу сабабли, бугунги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги аҳамиятини тобора ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молия институтлари ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида фонд бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган.

Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, бозор муносабатларининг энг муҳим таркибий қисми бўлган қимматли қоғозлар бозори барқарор молиявий ҳолатга ижобий таъсир кўрсатиб, мамлакат иқтисодий салоҳияти ва аҳоли фаровонлигини оширишга кенг йўл очади.

IPO (Initial Public Offering) эмитентнинг қимматли қоғозлари биринчи навбатда кенг аудиторияга тақдим этиладиган акциялаштириш усулидир. Бунда қимматли қоғозлар бозорида акцияларни сотиш ва фонд биржасида савдо-сотикни бошлаш билан бир қаторда акциядорлик жамиятларининг акцияларини кенг миқёсли инвесторларга сотиш жараёни амалга оширилади. IPOдан сўнг эмитентнинг акциялари қимматли қоғозлар бозорида эркин ҳаракатланади, шу билан бирга, жамоатчиликка реал вақт режимида ахборот бериш имконияти пайдо бўлади. Бундай акциядорлик жамиятини оммавий деб аташади. Компанияни хусусийдан оммавийга ўтказиш афзалдир.

Хусусий компаниялардан кўра маблағни янада қулай шартларда оммавий акциядорлик жамиятларига жалб қилиш фойдалироқ. Бу борада реклама нафақат компаниянинг молиялаштиришдаги янги манбасига, яъни бозорга кириш имкониятини очибгина қолмай, балки анъанавий кредит ресурсларини олишни ҳам осонлаштиради.

Компания акциялари фонд биржасида савдога қўйилганда, уларнинг қиймати қимматли қоғозлар бозоридаги нархи билан баҳоланади. Компания самарали фаолият юритиши, ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичларнинг юқори суръатларда ўсувчи очиқ ва ошқора улуши инвесторлар учун жозибадор бўлиб, улар нархининг ўсишига хизмат қилади. Бу эса компания қийматининг ошишига ва ҳар бир акциядорнинг улушини абсолют даражада кўтарилишига олиб келади.

Шунингдек, IPO учун талаб қилинадиган жараёнлар ва уларнинг амалга оширилиши акциядорлик жамиятининг шаффофлигини янада оширади ва унинг молиявий ҳолатини объектив баҳолаш имкониятини беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги “Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори айни шу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Ҳукумат қарори билан “Фонд биржасида акцияларни бирламчи ва иккиламчи оммавий таклифини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган бўлиб, ушбу низом акцияларни бирламчи (IPO) оммавий жойлаштириш, акцияларни фонд биржасида сотиш ва бошқа бир қатор тартибларни ўз ичига олган.

Акцияларнинг оммавий таклифини ўтказиш кўп босқичли жараён бўлиб, маълум тайёргарлик ишларини қамраб олади. Биринчи босқичда ташкилотчилар билан IPO иштирокчилари ўртасида шартнома тузилади ҳамда улар томонидан акциядорлик жамиятларининг тайёргарлик даражаси молиявий томондан баҳоланади. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини дастлабки тарзда ўрганишни амалга оширишда маслаҳатчилар, аудиторлик, баҳолаш ҳамда молиявий, юридик ва маркетинг хизматларини кўрсатувчи бошқа ташкилотлар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Кейинги босқичда эса жойлаштирилиши кутилаётган акциялар нарх диапозонини белгилаш, эмитентнинг бошқарув органи томонидан IPO ўтказиш ҳақида расмий қарор қабул қилиш ҳамда қимматли қоғозларни ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказиш ишлари бажарилади.

Бундан ташқари, қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича PR-агентлар, инвесторлар билан ишлашга жиддий ёндашилиб, потенциал инвесторлар олдида тақдимотлар ўтказилади. Road-show (реклама компанияси) акцияларнинг оммавий таклифини ўтказишда муҳим босқич ҳисобланади. Чунки бу босқичда оммавий жойлаштирилаётган акциялар ҳақида маълумотнинг кенг оммага эълон қилиниши амалга оширилади ва инвесторларни шу йўл орқали акцияларни харид қилишга жалб қилиш имконияти яратилади. Шунингдек, мазкур босқичда фонд биржасида акцияларни бирламчи ва иккиламчи оммавий таклифини ўтказиш вақти аниқлаб олинади.

Асосий босқичда сотувга тақдим этилаётган акцияларни сотиб олиш учун бўлган буюртмалар қабул қилинади ва оммавий жойлаштиришнинг натижалари эълон қилинади.

Якуний босқичда эса акциядорлик жамиятлари акцияларининг фонд биржаси савдоларида муомаласи бошланиб, унда акциядорлар ва менежерлардан ташқари андеррайтерлар, потенциал инвесторлар ва молия бозорининг бошқа иштирокчилари қатнашади ҳамда бўлиб ўтган савдолар натижалари баҳоланади.

Бундай тадбирлар корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш учун йўналтиришга хизмат қилади. Бу орқали, бир томондан, акциялар сотилишидан тушадиган маблағлар акциядорлик жамиятлари тараққиётига сарфланса, иккинчи томондан, уларни харид қилган инвестор жамият акциядори сифатида ўз акциялари бўйича даромад-дивиденд олиш, жамиятни бошқаришда қатнашиш ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлади.

Шунингдек, акциядорлик жамиятининг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардан афзаллиги шундаки, акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритаётган корхона ўз ривожини учун инвестицияларни қимматли қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш орқали жалб қилувчи қулай молиявий имкониятга эга. Жумладан, корпоратив облигациялар муайян муддатга чиқарилиб, уни сотиб олувчилар облигациялар муомалада бўлган давр ичида даромад олиш ва муомала тугагандан сўнг облигация қийматини олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бундан ташқари, эҳтиёж туғилганда облигацияларни бошқа шахсларга сотиш имконияти ҳам мавжуд ва бу орқали маблағларни қулай бошқариш мумкин.

Корхоналарни ривожлантириш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шунингдек, қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида маблағ жалб этиш учун қимматли қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш масаласига акциядорлик жамиятлари томонидан жиддий аҳамият берилса, айти муддао бўлади. Зеро, қайси корхонада корпоратив бошқарув тамойиллари тўғри йўлга қўйилган бўлса, инвесторларнинг манфаати ҳимоя қилинса, ўша жойда кўпроқ ютуқ ва муваффақиятга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 268-сонли “Фонд биржасида акцияларни оммавий тақлифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.
3. www.lex.uz.
4. www.uzse.uz.

О НЕКОТОРЫХ МЕТОДАХ ОЦЕНКИ ФИНАНСОВЫХ РИСКОВ

Баймурадова Г.Т.- ст.преп. ТФИ

Современный мир отверг концепцию абсолютной безопасности и пришел к концепции приемлемого (допустимого) риска, суть которой в стремлении к такой безопасности, которую примет общество в данный период времени.

В этом контексте категория «финансовый риск» представляет собой неопределенность, возникающая в результате изменений условий экономической системы, которая оказывает существенное влияние на финансовую деятельность в целом. Источники финансовых рисков настолько разнообразны, что вряд ли можно говорить о единой универсальной методологии их измерения. При этом возникает два «конфликтных» фактора: *с одной стороны*, эти причины увеличивают степень неопределенностей, *а с другой* - способствуют появлению новых возможностей управления рисками[1].

При выборе способа управления риском следует рассчитать максимально возможный убыток по данному виду риска, сопоставить его с объемом капитала, подвергаемого данному риску, и затем сравнить весь возможный убыток с общим объемом собственных финансовых ресурсов. Поэтому основной задачей управленческой деятельности является оценка и анализ возможного риска, выявление факторов, усиливающих его и выбор методов снижения риска. Эти общие принципы сформулированы в настоящей статье.

Актуальность темы обусловлена несовершенством методов оценки и анализа финансовых рисков и необходимостью использования системного подхода при их оценке. Цель статьи – провести анализ методов оценки финансовых рисков и позволяющие проводить оценку экономических систем в условиях инновационного развития.

Методы исследования. В процессе проведения исследования использовались следующие методы и приемы экономического исследования: монографический, статистико-экономический, расчетно-конструктивный, абстрактно-логический, экспериментальный, сравнительного анализа, различные методы оценки риска.

Основной целью данного тезиса является рассмотрение различных методов оценки финансовых рисков и выявление перспектив их совершенствования.

Сегодня соединение свойств инерции и новации, а также неизбежно возникающие риски выступают постоянным сильнодействующим фактором движения экономики.

При этом концентрация риска, в свою очередь, порождает так называемый «эффект бумеранга», выражающийся в универсализации рисков, которые разрушают экономические и национальные границы.

В данном случае риск-менеджмент представляет собой систему принципов и методов разработки и реализации рискованных финансовых решений, обеспечивающих всестороннюю оценку различных видов финансовых рисков и нейтрализацию их возможных негативных финансовых последствий. Именно такой эффект рождает обратную связь, когда потребление риска в целом является одновременно и началом его производства на новом уровне, т.е. минимизация потерь, означает минимизацию рисков в целом.

Прежде, чем перейти непосредственно к методам оценки финансовых рисков, необходимо отметить, что важнейшим показателем, характеризующим меру финансового риска, является его уровень.

Уровень финансового риска и оценки ситуаций характеризует вероятность его возникновения под воздействием определенного фактора риска (группы факторов) и возможных финансовых потерь при наступлении рискованного события. Этот показатель оказывает определяющее воздействие на формирование уровня доходности финансовых операций.

Уровень финансового риска является главным показателем оценки уровня финансовой безопасности отдельного субъекта, характеризующим степень защиты его финансовой деятельности от угроз внешнего и внутреннего характера.

На сегодняшний день можно выделить следующие основные концептуальные подходы к управлению и оценке финансовых рисков (рис.1):

- ситуационный подход, основанный на решении и оценке потерь в неблагоприятной ситуации;
- процессный подход, основанный на отражении риска при помощи показателей вариативности;
- сценарийный подход, основанный на анализе чувствительности (традиционно, строится на следующих сценариях: пессимистический, реалистический и оптимистический);
- комплексный подход, который основывается на концепции ожидаемой полезности.




Рис.1. Концептуальные подходы к оценке финансовых рисков [2,3,4]

Данные подходы применяются при построении системы управления и оценки рисков на субъектах экономики.

Оценка уровня финансовых рисков представляется наиболее сложным этапом в системе управления рисками, требующим использования современного методического инструментария, высокого уровня оснащенности.

На первой стадии определяется вероятность возможного наступления рискованного события по каждому виду идентифицированных финансовых рисков. На этой же стадии формируется группа финансовых рисков субъекта экономики, вероятность реализации которых определить невозможно.

На второй стадии определяется размер возможного финансового ущерба при

наступлении рискового события. Этот ущерб характеризует максимально возможный убыток от осуществления финансовой операции или определенного вида финансовой деятельности без учета возможных мероприятий по нейтрализации негативных последствий финансового риска.

В настоящее время в теории и практики рискологии сформирован методический инструментарий оценки уровня финансового риска, позволяющий решать конкретные задачи менеджмента финансовой деятельностью субъектов экономики (рис.2).

Методический инструментарий количественной оценки уровня финансового риска. Данный инструментарий является наиболее обширным, в связи с тем, что включает в себя разнообразные экономико-статистические, экспертные и аналоговые методы оценки. Выбор конкретных методов оценки определяется наличием необходимой информационной базы и другими факторами.

Экономико-статистические методы составляют основу проведения оценки уровня финансового риска. Суть метода заключается в том, что изучается статистика потерь и прибылей, имевших место на данном или аналогичном производстве, устанавливаются величина и частотность получения той, или иной экономической отдачи, составляется наиболее вероятный прогноз на будущее.

Как уже отмечалось выше, риск - это вероятностная категория. Вероятность означает возможность получения определенного результата.



Рис.2. Методические подходы к оценке уровня финансового риска в управление рисками

Финансовый риск, как и любой другой, имеет математически выраженную вероятность наступления потери, которая опирается на статистические данные и может быть рассчитана с достаточно высокой точностью. Оценка ожидаемого риска для планируемой деятельности или конкретной хозяйственной операции требует высокой квалификации и наличия опыта деятельности в данном виде бизнеса.

В целях получения развернутой характеристики уровня риска по рассматриваемой операции опрос следует ориентировать на отдельные виды финансовых рисков, идентифицированные по данной операции (процентный, валютный, инвестиционный и т.д.).

В процессе экспертной оценки каждому эксперту предлагается оценить уровень возможного риска, основываясь на определенной балльной шкале, например:

- | | |
|-----------------------------|-------------|
| - риск отсутствует | -0 баллов; |
| - риск незначительный | -10 баллов; |
| - риск ниже среднего уровня | -30 баллов; |
| - риск среднего уровня | -50 баллов; |

- риск высшего среднего уровня -70 баллов;
- риск высокий - 90 баллов;
- риск очень высокий -100 баллов.

Для оценки финансового состояния субъектов экономики в целях анализа последствий действия финансовых рисков можно провести анализ бухгалтерской отчетности, расчет коэффициентов платежеспособности, финансовой устойчивости, рентабельности и деловой активности.

Проведенный обзор показывает, что в теории и практике оценки и учета уровня риска в управлении финансовой деятельностью субъекта экономики является довольно обширным и позволяет решать различные задачи в сфере риск-менеджмента.

Таким образом, только комплексное использование количественных и качественных оценок финансовых рисков, взаимное дополнение одних методик другими обеспечит эффективное управление финансовыми рисками.

Литература:

1. Айдинова А. Т., Халидова А. Ш. Финансовые риски и методы их оценки в деятельности современных предприятий. //Молодой ученый. - 2015. - №12. - С. 373-375.
2. Богомоллова Е.А. Беринг А.О. Существующие подходы к оценке рисков проектов реального инвестирования: их достоинства и недостатки. //Вестник университета. -201. -№ 10, С. 47-52;
3. Крыжановский О. А., Попова Л. К. Методические подходы и способы оценки финансовых рисков на предприятии. //Вопросы экономики и управления. - 2016. - №5. - С. 162-165;
4. Шевчук А.О. Концептуальные подходы к управлению рисками в страховых компаниях. //Материалы IX международная научно-практическая конференция «Устойчивое развитие экономики: состояние, проблемы, перспективы» - Пинск, 22 мая 2015 г. С. 234-236.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАВСИФЛОВЧИ МУҲИМ МУАММОЛАР

Гадоев С.Ж. Ўз. РБМА мустақил изланувчиси

Тижорат банкларининг ликвидлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, регулятив капиталнинг етарлилик даражаси ҳисобланади.

Регулятив капиталнинг етарлилигини таъминланиши банк фаолиятидаги рискларна натижасида юзага келадиган молиявий йўқотишларни қоплаш имконини беради. Натижада, тижорат банкида ликвидлилик муаммоси чуқурлашишининг олди олинади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг ҳолати¹⁴⁷


Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Банклар регулятив капитали миқдори, трлн. сўм	6,9	7,8	9,4	23,7	26,7
Тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик даражаси, %	23,8	23,6	23,8	21,6	15,6

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2014-2018 йилларда республикада тижорат банкларининг регулятив капитали миқдори ўсиш

¹⁴⁷ Жадвал муаллиф томонидан www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) сайти маълумотлари асосида тузилган.

тенденциясига эга бўлган. Мазкур давр мобайнида тижорат банклари регулятив капиталнинг етарлилик даражаси Базель стандарти талабларидан қарийб 3 баробар юқори бўлган ва бу тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳисобланади.

Бироқ, 2018 йилда республикамиз тижорат банклари регулятив капиталнинг етарлилик даражаси 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, мазкур даврда регулятив капиталнинг ўсиш суръатини активларнинг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади.



1-расм. АТ “Асакабанк” ва АТ “Туронбанк”да жорий ликвидлилик коэффициентининг даражаси¹⁴⁸

2-расм маълумотларидан кўринадики, Асакабанкда жорий ликвидлилик коэффициентининг даражаси 2014-2016 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо, 2016-2018 йилларда ушбу кўрсаткичнинг пасайиш тенденцияси кузатилган. Ушбу пасайиш таҳлил қилинган давр мобайнида талаб қилиб олинadиган депозитлар миқдорининг ўсиш суръатини ликвидли активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

2-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2017 йилларда Туронбанкда жорий ликвидлилик коэффициенти даражасининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, банкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Бироқ, 2018 йилда жорий ликвидлилик коэффициентининг даражаси 2017 йилга нисбатан пасайган.

Тижорат банкларида жорий ликвидлилик коэффициентининг пасайиши, одатда, қуйидаг сабаблар билан изоҳланади:

*ликвидли активларнинг ўсиш суръатини талаб қилиб олинadиган депозитларнинг ўсиш суръатидан паст бўлиши;

*яқин 30 кун ичида тўланадиган мажбуриятлар миқдорини яқин 30 кун ичида қайтариладиган активларнинг миқдоридан кўп бўлиши.

2013-2017 йилларда Асакабанк томонидан жорий ликвидлилик коэффициенти бўйича белгиланган меъёрий талаб бажарилган. Бу эса, банкнинг жорий ликвидлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Қуйидаги амалий маълумотлар асосида АТ “Саноатқурилишбанк” ва ХКИБ “Ҳамкорбанк” мисолида тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини кўриб чиқамиз.


2013-2017 йилларда Саноатқурилишбанк ва Ҳамкорбанкда регулятив капиталнинг етарлилигига нисбатан Марказий банк томонидан белгиланган меъёрий талаб бажарилган.

2013-2015 йилларда регулятив капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал меъёрий талаб 10% бўлган. 2016 йилда эсса, ушбу кўрсаткич 11,5 фоизни, 2017 йилда 12,5 фоизни ташкил этган. Ҳар иккала банкда мазкур меъёрий талаб бажарилган.

¹⁴⁸ Расм муаллиф томонидан Асакабанк ва Туронбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Саноатқурилишбанкда 2013-2015 йилларда регулятив капиталнинг етарлилик даражасини пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, мазкур даврда активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръатини регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Ҳамкорбанкда регулятив капиталнинг етарлили 2017 йилда 2016 йилга нисбатан ошган.



2-расм. АТ “Асакабанк” ва АТ “Туронбанк”да регулятив капиталнинг етарлилик коэффиценти даражаси¹⁴⁹

3-расм маълумотларидан кўринадики, 2015-2017 йилларда Туронбанкда регулятив капиталнинг етарлилик коэффицентининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Аммо, ушбу кўрсаткич 2018 йилда 2017 йилга нисбатан пасайган. Мазкур пасайиш 2017-2018 йилларда Туронбанкда активларнинг ўсиш суръати регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банкларининг талаб қилиб олинadиган депозитларининг барқарор қолдиғини юқори ликвидли қимматли қоғозларга йўналтирган ҳолда, брутто депозитлар ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг салмоғини пасайтириш йўли орқали банкларнинг ликвидлилик даражасини ошириш зарур.

Республикамиз тижорат банкларида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг юқори эканлиги, ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи кичик бўлган шароитда, банкларнинг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2. Тижорат банклари активларининг бир қисmini юқори ликвидли қимматли қоғозларда шакллантириш ва соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш йўли билан уларнинг жорий ликвидлилик даражасини ошириш лозим.

Ривожланган этган мамлакатларда тижорат банкларининг жорий ликвидлиги асосан, юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳисобидан таъминланади.

Шунингдек, мазкур банкларда соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражаси (1,25%) таъминланган.

Республикамизнинг йирик тижорат банкларида ушбу кўрсаткичнинг жуда паст даражада эканлиги, айрим ҳолларда манфий даражага эга бўлганлиги таҳлил жараёнида кузатилди.

¹⁴⁹ Расм муаллиф томонидан Асакабанк ва Туронбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

O'ZBEKISTON SUG'URTA BOZORINI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISHDAGI MUAMMOLAR VA ULARNI YECHIMI.

G'afforov A. U. O'zb. R. BMA tinglovchisi

Sug'urta har qanday davlat iqtisodiyoti va ijtimoiy siyosatining ajralmas qismidir. Bugungi kunda rivojlanish darajasi past sug'urta bozorida sug'urtalovchilarning to'lovga qodir bo'lmagan - to'lov muammosi O'zbekistonda sug'urta bozorini davlat tomonidan tartibga solishning amaldagi tizimining samaradorligi yo'qligidan dalolat beradi.

Bugungi zamonaviy iqtisodiyot, milliy sug'urta tizimining barqaror ishlashini va rivojlanishini ta'minlashda davlatning rolini qayta ko'rib chiqish, ichki va tashqi amaliyotda qo'llaniladigan davlat tomonidan tartibga solish yo'nalishlari, shakllari, usullari, vositalarini qayta ko'rib chiqish zaruriyatini tug'diradi. Hozirgacha, O'zbekistonda sug'urtalovchilarning moliyaviy barqarorligini tartibga solish, asosan, Sovet ittifoq tizimi (Gosstax) standartlariga asoslangan qonunchilik talablari doirasida amalga oshirilib kelinmoqda. Sug'urtalovchilarning bankrotligini boshqarishning aniq tizimi mavjud emas, bankrot sug'urtalovchilar siyosati bo'yicha sug'urta to'lovlarini kafolatlash uchun mablag'lar faqatgina transport vositalari egalariining fuqarolik javobgarligini majburiy sug'urtalashda tashkil etilgan, bozorni rivojlantirishni rag'batlantirishda soliq va byudjet vositalarining roli pastdir.

Sug'urta bozorining rivojlanish darajasi iqtisodiy o'zgarishlarga ta'sir etuvchi eng muhim omillardan biri bo'lib xizmat qiladi va shu bilan birga u iqtisodiyotning umumiy holati bilan to'liq belgilanadi.

Bugungi kunda O'zbekiston sug'urta bozorining rivojlanishi ijobiy tomonga o'sib bormoqda. Bu birinchi navbatda, ushbu segment ishini takomillashtiruvchi va tartibga soluvchi qonunchilik yangiliklari bilan bog'liq. Chunonchi, O'zbekistonda majburiy tibbiy sug'urtani joriy qilishga hukumat tomonidan e'tibor qaratilmoqda.

Sug'urta bozorini rivojlantirishning obyektiv asosi bo'lib, moliyaviy va xo'jalik faoliyatini uzluksizligini ta'minlash va kutilmagan salbiy voqealar yuzaga kelganda pulli yordam ko'rsatish jarayonining vujudga kelishidir.¹⁵⁰

Sug'urta - uning faoliyati qoidalari va sug'urta faoliyatini tartibga solishning moliyaviy-huquqiy asoslari qonuniy ravishda o'rnatilgandagina barqaror rivojlanib borishi mumkin.

O'zbekistonning hozirgi sharoitida sug'urta munosabatlarining rivojlanishiga sug'urta faoliyatining biznes xatarlari darajasini oshishi, ob'ekt tarkibidagi sifat o'zgarishi va sug'urta bozorining elementar xususiyatlari kabi omillar sezilarli darajada ta'sir ko'rsatmoqda. Ushbu vaziyatdan kelib chiqqan holda, milliy sug'urta bozorini rivojlantirish va chet el sug'urta bozori bilan integratsiyalashuviga davlat tomonidan yordam berish kerak.

O'zbekiston va rivojlangan davlatlardagi sug'urta bozorlarining hozirgi holatini taqqoslab, shuni ta'kidlash kerakki, so'nggi yillarda qilingan harakatlarga qaramay, ichki bozor iqtisodiy rivojlangan mamlakatlar sug'urta bozorlaridan sezilarli darajada orqada qolmoqda.

Umuman olganda, dunyoning rivojlangan mamlakatlarida 2018 yilda sug'urtaning YaIM dagi ulushi o'rtacha 7-11 foizni tashkil qilgan. O'zbekistonda esa bu ko'rsatkich 2018 yilda – 0,4 foizni tashkil qilgan. Bunga birinchi navbatda, O'zbekiston sug'urta bozoriga ixtiyoriy sug'urta sohasidagi sug'urta xizmatlarining past kirib borishi, shuningdek O'zbekiston aholisining jamg'arish darajasining pastligi sabab bo'lmoqda.

Yuqoridagi sabablarga qo'shimcha ravishda, O'zbekistonda turli xil sug'urta turlari bo'yicha badallar dinamikasiga ta'sir ko'rsatgan ko'plab omillar mavjud - ishlab chiqarishning pasayishi va kreditlashning pasayishi, uy xo'jaliklari daromadlarining pasayishi, inflyatsiya va boshqa iqtisodiy o'zgarishlar. Majburiy va ixtiyoriy sug'urta turlariga oid qonun va qonun osti hujjatlarga, shuningdek sug'urta kompaniyalariga nisbatan ishonchsizlik darajasi yuqori.

¹⁵⁰ В.В.Шахов «Введение в страхование» – Москва, «Финансы и статистика», 1999 г. – ст.62

Shu sababli, xo'jalik yurituvchi subyektlarning ham iqtisodiy, ham psixologik himoyasini ta'minlash uchun ijtimoiy-iqtisodiy va moliyaviy munosabatlar tizimida sug'urta rolining o'sishini ta'minlash kerak.

Shuningdek, O'zbekiston sug'urta bozorining past potentsialini ta'kidlash mumkin, bu sug'urta bozorini, ayniqsa sug'urtalovchilarning moliyaviy barqarorligini ta'minlash, sug'urtalovchilar manfaatlarini himoya qilish va sug'urtaning ustuvor turlarini rivojlantirishni rag'batlantirish nuqtai nazaridan davlat tomonidan tartibga solishning samaradorligi pastligidan dalolat beradi.

Samarali tartibga solish tizimi vositachilar, sug'urtalovchilar va polis egalarining o'zi uchun samarali rag'batlantirish tizimi bilan to'ldirilishi mumkin va bo'lishi kerak. Bu esa O'zbekiston sug'urtasini tsivilizatsiyalashgan bozor munosabatlariga aylantirish mexanizmini realizatsiya qilish va uning mutanosib rivojlanishini ta'minlashga imkon beradi.

Adabiyotlar / manbaa:

1. В.В.Шахов «Введение в страхование» – Москва, «Финансы и статистика», 1999 г.

УПРАВЛЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬЮ В СИСТЕМЕ ЭФФЕКТИВНЫХ МЕР ФИНАНСОВОГО МЕНЕДЖМЕНТА В МАЛОМ БИЗНЕСЕ

*Джамалов Х.Н. – к.э.н.доц. кафедры
«Налоги и налогообложение» ТФИ*

Трансформация экономической системы, изменение характера конкуренции, экономические реформы, проводимые в течение последних лет в Республике Узбекистан, осложняют процессы формирования и механизмы реализации структурной, инвестиционной, финансовой, инновационной политики на всех уровнях управления основного звена хозяйственной системы – предприятия. Неустойчивое состояние многих предприятий остро ставит задачу интенсивного поиска действенных мер, обеспечивающих условия для мобилизации их внутренних резервов и порождает необходимость разработки новых подходов к управлению предпринимательскими структурами, учитывающих динамику развития социально-экономических отношений.

При всем многообразии точек зрения относительно того, с чего следует начать и что продолжить на новом витке развития рыночных отношений в Республике Узбекистан, следует отметить главное: требует обоснования новая система эффективного управления конкурентоспособностью предпринимательских структур.

Превращение нашей страны в открытую экономическую систему, достаточно свободный доступ на рынки иностранных конкурентов, глобальные изменения на мировом рынке, кризисные проявления в мировой экономике вызывают необходимость научного анализа проблем, связанных с развитием конкуренции, повышением конкурентоспособности экономики страны, совершенствованием методов регулирования воспроизводства на макро- и микроуровнях.

Современная научно-методологическая основа управления конкурентоспособностью должна быть ориентирована на определение механизма, позволяющего выявить индивидуальные особенности предпринимательской структуры, на основе которых могут формироваться собственные конкурентные преимущества. Лишь в этом случае конкурентоспособность будет определять перспективы развития, а не констатировать достижения конкретного предприятия в рыночной среде; управление конкурентоспособностью будет проходить неотрывно от процессов стратегического и тактического управления, что, в свою очередь, приведет к интеграции целей этих внутриорганизационных процессов, позволит полно оценивать затраты, связанные с формированием конкурентных преимуществ и сократить расходы, связанные с

реализацией рыночной стратегии. Решение этой проблемы связано с технологиями принятия оптимальных решений в сфере управления конкурентоспособностью, в основе которых предложен структурно-композиционный подход, предполагающий выявление элементов конкурентоспособности, определение оптимального их сочетания. Реализация разработанной в диссертации концепции позволяет оценить эффективность принимаемых инвестиционных управленческих решений с учетом их влияния на стоимость материальных и нематериальных активов предприятия, создающих конкурентные преимущества предпринимательским структурам. Обоснованное определение рыночной стоимости как материальных, так и нематериальных активов позволяет реально судить о величине введенного в экономический оборот капитала, а мониторинг стоимости бизнеса – о целесообразности выбора стратегических и тактических управленческих решений и ходе реализации этих решений на практике.

В современной теории предпринимательства используются несколько взаимосвязанных понятий применительно к конкурентоспособности предприятия: «конкурентоспособность», «конкурентная позиция», «конкурентные преимущества», «компетенции».

Такое разнообразие терминов обусловлено развитием и усложнением рыночных отношений, укрупнением предпринимательства, ростом взаимозависимости компаний, повышением роли стратегического планирования и прогнозирования будущего состояния рынков, а также развитием постиндустриальной экономики, где в качестве конкурентных преимуществ доминируют знания.

Для качественного развития предпринимательских структур Республики Узбекистан необходимо провести переоценку ценностей деятельности, разработать принципиально новые ориентиры управления и нормативы конкурентоспособности с учетом принципа динамизма деятельности в условиях трансформации конкурентного окружения.

Предпринимательство определяется как сложный социально-экономический институт, представленный совокупностью самостоятельно хозяйствующих субъектов, направляющих свою активность на удовлетворение общественных потребностей, получение дохода, увеличение стоимости собственного капитала и получение разнообразных социально-экономических и технологических эффектов путем рационального использования ресурсов производства, минимизации рисков, восприятия материальной и социальной ответственности.

При этом важнейшим свойством современной предпринимательской структуры являются ее конкурентоспособность, которая проявляется: в гармоничном сочетании процессов потребления и накопления; инвестиционной привлекательности; кредитоспособности; в обеспечении благосостояния акционеров и работников, населения; в формировании имущественной ответственности у субъектов рынка; выработки правильных стратегий развития бизнеса; выплате налогов и сборов; в формировании корпоративной культуры; финансовой устойчивости; стоимости бизнеса.

Для развития предпринимательства требуется выработка нового подхода к управлению конкурентоспособностью, который базируется на управлении структурой капитала и стоимостном мышлении, направлен на развитие конкурентных преимуществ, выступающих ориентирами как для получения прибыли, так и для создания стоимости компании. Конкурентоспособный бизнес-субъект может не обладать конкурентными преимуществами, если не имеет результатов, превышающих результаты конкурента. Конкурентоспособное предприятие характеризуется своей способностью выживать в рыночной среде, то есть воспроизводить свою деятельность. При этом результаты этой деятельности могут иметь средние рыночные значения и даже ниже. Главное, чтобы предприятию хватало данных средств на поддержание такого уровня конкурентоспособности, который гарантирует воспроизводство.

Уровни конкурентоспособности предприятия и их характеристика

Уровни конкурентоспособности предприятия	Объект управления конкурентоспособностью	Организационный уровень, осуществляющий управление	Критерий конкурентоспособности	Методы анализа конкурентоспособности
Оперативный	Товар	Линейные менеджеры	Оптимальное соотношение «цена-качество»	- анализ конкурентоспособности продукции
Тактический	Финансовая устойчивость	Функциональные менеджеры	- финансовые показатели устойчивости	- анализ финансовой устойчивости
Стратегический	Инвестиционная привлекательность	Топ-менеджмент	Стоимость компании	- методы расчета стоимости компании

Если же речь идет об инвестиционной привлекательности предприятия, должна оцениваться способность предоставить более высокую стоимость для своих инвесторов и собственников (акционеров), чем другие предприятия, иначе инвестиции будут переданы конкуренту. Следовательно, для стратегической конкурентоспособности предприятия, проявляющейся в его инвестиционной привлекательности, обладание конкурентными преимуществами, позволяющими создавать более высокую стоимость предприятия, становится необходимым условием конкурентоспособности.

Для обоснования целевой функции управления конкурентоспособностью предпринимательских структур важно отметить особенности методологических подходов к формированию конкурентных преимуществ (см. табл.).

Ценностно-стоимостной подход к управлению конкурентоспособностью предпринимательских структур выражается в том, что для создания максимальной стоимости следует создавать максимальную ценность для потребителей и оптимизировать издержки.

В систему целевых критериев конкурентоспособности стратегического уровня должен быть включен показатель стоимости бизнеса.

Применение стоимости как цели системы управления конкурентоспособностью формирует новый подход к созданию системы управления капиталом, в основе которого находятся два принципа:

- 1) управление капиталом направлено на создание экономической прибыли, которая учитывает альтернативные варианты вложения капитала с определенным риском и соответствующим риску экономическим эффектом;
- 2) цель развития компании выражается в виде наращивания стоимости компании, в которой суммированы потоки денежных средств с учетом риска и альтернативности вложения средств.

Процесс управления стоимостью объединяет четыре основных управленческих процесса, которые в сочетании способствуют налаживанию процесса стратегического управления конкурентоспособностью организации на основе стоимости: выработка стратегии; определение целевых нормативов стоимости; планирование, составление бюджетов; организация систем мотивации (формирование стоимостного мышления) и контроллинга.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҲАЛҚАРО РЕЙТИНГ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА УНИ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ.

Жўраев Ж.М. – БМА магистранти

Ҳар чоракда мамлакатимиздаги тижорат банклари Fitch Ratings, Moody's ва Standart & Poor's халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан белгиланган меъёрлар асосида ўзларининг рейтингларини янгилаш тўғрисида маълумотларни эълон қилмоқдалар. Бу банкларимизнинг мавжуд молиявий ҳолати ва барқарорлик кўрсаткичларини аниқ акс эттириши ҳамда бу тенденция орқали уларнинг ўсишига бевосита таъсир кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга (жадвал).

Ахбор-рейтинг маълумотларига кўра тижорат банкларининг рейтинг даражаси

№	Банк номи	Рейтинг	Рейтинг бўйича прогноз	Эълон қилиш санаси	Рейтинг янгиланган сана
1	АТБ “Savdogarbank”	uzA	Барқарор	24.04.2019	23.01.2019
2	АТ “Xalq bank”	uzA	Барқарор	12.10.2018	27.02.2019
3	АТБ “Agrobank”	uzA+	Барқарор	28.09.2018	28.01.2019
4	АТБ “Turonbank”	uzA	Барқарор	26.09.2018	24.04.2019
5	АТБ “Asia Alliance Bank”	uzA+	Барқарор	29.08.2018	13.05.2019
6	АТБ “Kapitalbank”	uzA	Барқарор	29.08.2018	24.04.2019
7	“KDB Bank Uzbekistan” АЖ	uzA+	Барқарор	29.08.2018	24.04.2019
8	ХАТБ “Ravnaqbank”	uzB+	Барқарор	28.08.2018	13.05.2019
9	АИТБ “Ipak yo’li”	uzA+	Барқарор	31.07.2018	23.01.2019
10	АТБ “InFinbank”	uzA	Барқарор	30.07.2018	25.02.2019

Манба: <http://ahbor-reyting.uz/ru/finansovye-organizatsii/kommercheskie-banki>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорда мамлакатимиз банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш, барча тижорат банкларида етакчи рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёрлар, стандартлар ва самарадорлик кўрсаткичларини жорий этиш кўзда тутилган.

Банк тизимининг ривожланиш самарадорлиги бир қатор омилларга боғлиқ. Хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банкларига ишончи улар орасида энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Ушбу компонент банк миқозлари унинг фаолияти тўғрисида маълумотни қай даражада аниқ, ўз вақтида ва ишончли олишига бевосита боғлиқдир. Мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг замонавий вакили, маълум бир тижорат банкининг фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган ҳолда, унинг даромадларини кўпайтириши мумкин, чунки ахборот таъминотининг етарлилиги, шу билан бирга, маҳаллий банкларнинг шаффофлиги билан ҳам белгиланади.

Унинг даражаси қанчалик баланд бўлса, бирор масалани ҳал қилишда икки томонлама мақбул ечимга келиши хўжалик юритувчи субъектлар банкнинг миқозлари билан муносабатда бўлган ёки мавжуд бўлган кредит хавфини баҳолай оладилар.

Банкларнинг ахборот шаффофлигини оширишнинг асосий воситаси тегишли халқаро ташкилотларнинг банк рейтинглари ҳисобланади. Шу муносабат билан, у ёки бу тижорат банкига рейтинг бериш фаолияти ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда фаол қўлланилаётган институционал механизмга айланмоқда.

Тижорат банкларига берилган бундай баҳо уларнинг халқаро капитал бозорларига чиқишида ёрдам беради. Ушбу рейтингга етарлича юқори даражада эга бўлган ҳар ким тадбиркорлик субъектлари учун кредитлар ва инвестиция лойиҳаларини кейинчалик молиялаштириш учун бўш пул маблағлари ва инвестицияларни жалб қилиши мумкин.

Бунинг натижаси сифатида, банкнинг рейтинги қанчалик юқори бўлса, у учун ташқи бозорда жалб қилинган кредитларнинг қиймати камаяди. Рейтинг агентликлари тан олинган ва инвестиция жараёнларининг муҳим иштирокчилари бўлишига қарамай, инвесторлар ўз позицияларини шакллантиришда бошқа манбалардан келиб чиқадиган фикрларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олишлари керак.

Етакчи халқаро рейтинг агентликлари кўпинча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар молиявий институтларининг ривожланиш кўрсаткичларини ёмонлашув йўналиши бўйича қайта кўриб чиқаётган бир пайтда, республикамиз тижорат банклари барқарор ва самарали иш натижаларини сақлаб келмоқдалар.

Масалан, сўнгги беш йил давомида Moody's рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимига барқарор прогнозли ижобий рейтингини бермоқда. Агентлик экспертларининг фикрига кўра, "Ўзбекистон банк тизимининг прогнози барқарор бўлиб, банк тизимининг капитал буфери (захираси) нисбатан юқори, бу ташқи салбий таъсирлардан ишончли ҳимоя қилади".

Яна бир халқаро рейтинг агентлиги Standart & Poor's республиканинг банк тизимини ривожланишини ижобий деб баҳолайди ва натижада рейтингни яна бир поғона юқorigа кўтарди.

Шундай қилиб, агар 2018 йил натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг 22 та тижорат банки ижобий рейтингга эга бўлса, бугунги кунда республиканинг барча банклари ижобий рейтингга эга бўлишди. Бундан ташқари, мамлакатнинг етакчи банклари бир вақтнинг ўзida икки ёки ундан ортиқ халқаро рейтинг агентликларининг ижобий рейтингларига эга.

Хусусан, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки ва ипотека банки бир вақтнинг ўзida иккита ижобий рейтингга эга - Moody's va Standart & Poor's, Асака Банк, Агробанк ва Ипак Йўли банклари - Moody's va Fitch Ratings ва Ўзсаноатқурилишбанк - "Fitch Ratings" va "Standart & Poor's".

Халқаро талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган молиявий барқарорлик ва банк тизимини ривожлантиришнинг миллий кўрсаткичлари асосida банк тизимининг ривожланиши ва фаолиятини баҳолаш, унинг натижалари юқори рейтинг даражаларига мувофиқлигини кўрсатади. Шундай қилиб, ликвидлик кўрсаткичлари, умумий капиталнинг етарлилик даражаси, банк тизимидаги омонатлар ва кредит қўйилмалари ҳажмининг динамикаси ҳам "юқори" даражасига тўғри келади.

Халқаро валюта жамғармаси томонидан ўтказилган сўнгги тадқиқотда экспертлар 100 минг катталикларга тўғри келадиган банк инфратузилмаси бўйича Ўзбекистон МДХнинг барча мамлакатларида етакчи ўринни эгаллашини таъкидлайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. 12.09.2017 йил, ПҚ-3270.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори. 26.11.2010 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори. 23.03.2018 йил, ПҚ-3620.

ЎЗБЕКИСТОНДА КРЕДИТ АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР

Ибрагимов З. БМА тингловчиси

Бугунги кунда тижорат банклари кредитлаш фаолиятида бир қатор муаммоларга дуч келмоқда, банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Натижада ҳозирги кунда юртимизда халқаро андозаларга мос келадиган кредит тизими шакллантирилган ва уни ривожлантириш ишлари давом эттирилмоқда.

Банк-кредит секторидаги кейинги даврларда йиғилган қатор камчилик ва нуқсонларни, айниқса, банк кредити соҳасида ислохотларини чуқурлаштириш, кредит портфели, rischi, қайтарилиши муаммоли кредитлар масаласига янгича ёндашувлар зарур. Шу мақсадда ўз таркибига дунёнинг 27 давлати марказий банкларини бирлаштирган Базель қўмитасининг «Базель III» бўйича банк капитали ликвидилигига нисбатан янги стандартлари банкларнинг инқирозларга бардошлилик имкониятларини оширишга, банк менежементи ва бошқаруви сифатини ошириш ва рисклардан химояланишига ва банклар шаффофлигини кучайтиришга қаратилган.

Менинг фикримча, тижорат банкларида муаммоли кредитлар пайдо бўлиши ва уни олдини олиш бўйича бундай янгича меъёрий, чегаравий миқдорларни ишлаб чиқиш ва уларнинг институционал йўналишлари таҳлилида кенг қўллаш ва банклар амалиётида оғишмай жорий қилиш тижорат банклари барқарорлигини, улар капиталининг оқилона тартиблаштириш ва ликвид заҳиралар миқдорини ошириш асосида самарали бошқаришини кафолатлайди. Муаммоли кредитларнинг кескин ортиб кетиши банкнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини муддатида бажара олишига салбий таъсир кўрсатади. Тарихни эслайдиган бўлсак, биринчи кредит бюроларнинг келиб чиқиши XIX асрнинг охириларига тўғри келиб, улар Англия, АҚШ, Австрия ва Шведцияда ташкил этилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам кредит бюронинг фаолиятини ташкил этишга 2004 йилди асос солинган бўлиб, аҳолининг, потенциал қарз олувчиларнинг узок муддатли кредит тарихи йуқ ва бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун кредит бериш жараёнида банклар потенциал кредит олувчининг тўлов қобилиятини баҳолаш учун фақатгина уларнинг даромадлари тўғрисидаги маълумотларга таянишга мажбурдирлар.

Аввалги таҳлиллардан келиб чиқиб, кредит бюронинг олдида самарали фаолият кўрсатишни таъминлаши учун қуйидаги муаммолар мавжуд деган хулосаларга келдик:

- Кредит бюронинг самарали фаолият кўрсатмаётганлигига унинг таъсисчилари таркибида кредиторлар билан чекланганлиги;
- Замонавий хизмат турларини жорий этиш юзасидан халқаро кредит бюролар билан тажриба алмашилмаётганлиги;
- Кредит бюронинг узок муддатли ривожланиш стратегияси (қўшилган қийматли хизматларни таклиф этиш режаси) йўқлиги;
- Ахборот базаси фақатгина кредит олган қарздорлар тўғрисидаги ахборот билан чегараланганлиги;
- Тадбиркорлик субъеклари ва аҳоли орасида ижобий кредит тарихига эга бўлиши юзасидан оммавий ахборот воситаларида кенг ташфиқот (реклама)лар йўқлиги;
- Лизинг компаниялари, суғурта ташкилотлари ва нобанк кредит ташкилотлари билан уларни кредит ахбороти алмашинувида қўшиш бўйича ишлар ханузгача яқунланмаганлиги;
- Кредит бюросининг ахборотлар базаси молиявий ташкилотлар билан чекланиб, коммунал ташкилотлар, истеъмол товарларни кредитга бераётган ташкилотлар, уяли алоқа компаниялар ва бошқа кредиторларни жалб этиш юзасидан ишлар олиб борилмаётганлиги;

• Ҳозирги кунда банклар томонидан кредитлаш ахбороти алмашинуви тизимидан кредитлаш жараёнида факатгина расман - банк кредит сиёсатининг талаби бўлганлиги учунгина фойдаланиши, яъни қарз олувчи тўғрисида ахборот бўлган тақдирда ҳам ушбу ахборот қарз олувчи томонидан келгусида тўловларни ўз вақтида амалга ошириши юзасидан башорат қилиш қобилиятини пастлигидир.

Юртимизда кредит тўпламини ташкил қилиш ва уни таҳлил қилиш жараёнида муаммоли кредитлар вужудга келишига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

1. Кредит олиш учун берилган буюртманомани юзаки кўриб чиқиш натижасида;
2. Кредит олувчининг кредит қобилиятини ва қарз бериш билан боғлиқ хатарни нотўғри баҳолаш натижасида;
3. Кредит фоизини нотўғри белгилаш натижасида.

Шу сабабли кредитни қайтариш қобилиятини таҳлил қилиш жараёнида банк 2 та масалани ҳал этиши керак:

1. Мижознинг ўз мажбуриятларини ўз муддатида бажара олиш қобилияти;
2. Мижознинг ўз мажбуриятларини бажаришга тайёрлиги (хохиши).

Юқоридаги фикрларни жамлаб асосий қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Кредит ахбороти алмашинуви кичик бизнесни кредитлашни кенгайтириш, банклар микрокредит ташкилотларга кредит буюртмаларини қайта ишлаш муддатларини қискартириш ва кредитларнинг қайтмаслик ҳолатларини олдини олиш имкониятини бериши зарур.

2. Самарали кредит ахбороти алмашинуви тизими яратилиши натижасида кредитлар ҳажмининг ошишига ва ишончли мижозларга минимал талаблар асосида кредит берилишига, кредит бозорида рақобатнинг ошишига ва фоиз ставкаларининг пасайишига эришиш мумкин.

3. Кредит ахбороти алмашинуви жараёнида кредит ахборотини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни тегишли давлат ташкилотларидан олиш тизимининг жорий этилиши алоҳида эътиборга моликдир. Ушбу идоралар томонидан кредит ахбороти алмашинуви учун зарур ахборотларнинг тақдим этилиши тезкор, ишончли ва тўлақонли кредит тарихини шакллантиришга хизмат қилиши орқали муаммоли кредитларни юзага келишини олдини олиш зарур.

4. Кредит ахбороти алмашинуви қонунчиликда талаб этилганидек, кредит тарихи тўғрисидаги ахборотлар базасини бойитиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кредит аризаларини қисқа муддатларда кўриб чиқиш имкониятини вужудга келтириши, қисқа муддатларда кредит ажратиш ҳамда кредит бўйича сарф-харажатларни камайтиришга олиб келиб, банк операцион харажатлар ҳамда таваккалчиликларни камайтириб, тўлов интизомининг мустаҳкамланишига хизмат қилиши лозим.

5. Кредит бюроси негизида ягона ахборот базасини яратиш ва бунга коммунал соҳа, солиқ, ғазначилик, банклар, кадастр, Адлия бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги, судлар, нобанк молия институтларини ўзларининг маълумотлари асосида улаш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар ва юридик шахсларнинг молиявий ресурсларга бўлган талаби осон қондирилади. Давлат ва унинг идораларига маълумотлар тақдим этилиши шаффофлашади ва ўз навбатида тўлов интизومي яхшиланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида” 2011 йил 11 августда УРК-301 сонли Қонуни

2. Тошматов Қ. Кредит ахбороти алмашинувининг эркин бозор муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти. «Бозор, пул ва кредит» журнали. №4/2014 (203), 9-бет.

3. Холмуратов Н “Таров реестрининг иш фаолиятини ташкил этиш концепцияси: У қандай бўлиши керак” Бозор, пул ва кредит журнали. Тошкент. 2011 йил. <http://uba.uz/ru/kompanii/kreditnoe-kiats.html>

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БОЗОР ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Зуннунова Х.М. Ўз. Р. БМА таянч докторанти

Тижорат банкларини баҳолаш-вақт, риск ва даромадлар омилларини ҳисобга олган ҳолда банк капитали ва активларини бозор қийматининг пул кўринишида ифодалаш учун белгиланган жараён. У банкнинг қиймати ёки капиталидаги улушини аниқлаш, ҳулоса қилиш жараёни ёки қонуниятидир. Баҳолаш аниқ бир вақт учун амалга оширилади, чунки қиймат кўрсаткичи объектив сабабларга кўра ўзгарувчандир (баҳолаш объекти вақт, муҳит ва бошқалар таъсирида қийматини ўзгартириши мумкин).

Банклараро рақобатнинг доимий ортиб бориши, капитал етарлигига қўйилган талабларнинг кучайиши, банк инқирозлари, кўплаб тармоқлар бозорида даромадлиликнинг камайиши сабабли тижорат банкларини сифатли баҳолашга талабни орттирмоқда. Биринчи ўринда, тижорат банкларини қўшилиши жараёнида баҳолашни амалга ошириш лозим. Чунки инвестор ёки кредитор корхона ташкилотнинг акцияларини сотиб олиш билан бирга унинг қарз мажбуриятларини ҳам ўз зиммасига олади, шунинг учун банк қийматини вақт ўтиб капиталлаштириш эвазига ошиши борасидаги маълумотларга эга бўлиш инвестор учун катта аҳамиятга эга. Банкларнинг бозор қиймати, кредит-молия институтларининг актив ва пасивларини баҳолаш зарурияти, улар реал ёки потенциал бозор битими объектига айланганда юзага келади.

Замонавий баҳолаш ишида бизнес бир қанча усул ва ёндашувлар асосида баҳоланиб, уларни шартли равишда учта йирик ёндашувларга бўлиш мумкин: даромадлар, харажатлар ва бозор. Мамлакатимизда қабул қилинган баҳолаш стандартларига кўра, баҳолаш усули мавжуд маълумотлар асосида баҳолаш объектининг бозор қийматини аниқловчи жараёнлар кетма-кетлигидир. Даромадлар ёндашуви банк мулкларини тасарруф этиш ва сотиш натижасида юзага келувчи келажакдаги пул оқимларини жорий қийматини аниқлаш орқали банк фаолиятини истиқболларини ҳисоблашдир. Харажатлар ёндашувида фаолият юритаётган тижорат банклари ва уларни фаолиятини ривожлантириш учун амалга оширилиши лозим бўлган харажатлар асосида ҳозирги кунда тижорат банкининг бозор қийматини баҳолашни амалга ошириш мумкин. Харажат ёндашуви эскириш харажатларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш объектини тиклаш ёки алмаштириш учун кетадиган жами харажатларни аниқловчи усуллар жамланмасидан иборатдир. Бозор ёки таққослама ёндашув банкларнинг бозор қийматини яқинда олди-сотди битими амалга оширилган аналог-банкларнинг маълумотлари асосида баҳолашдир. Ушбу усул орқали тижорат банклари бозор қиймати баҳоланганда истиқболда банк бозорининг банкни қабул қилишига қараб, қийматнинг ўсиш тенденцияларини баҳолаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси баҳолаш стандартларига кўра, у ёки бу ёндашувни қўллашда баҳоловчи 8-сон МБМСда белгиланган баҳолаш усулларининг биридан фойдаланади. Баҳолашнинг энг мақбул усулини танлаш баҳоловчининг мулоҳазаларига мувофиқ амалга оширилади ва баҳолаш натижаларидан фойдаланишнинг мақсади, аниқланаётган қиймат тури, баҳолаш объектининг хусусиятлари ва ахборот манбалари билан белгиланади.

Даромадлар ёндашуви-фаолият юритаётган тижорат банкларининг бозор қийматини аниқлашнинг асосий усули. Тижорат банкларига инвестор келажакда олиниши мўлжалланган даромад миқдоридан келиб чиқиб, инвестиция киритади. Ушбу ёндашув инвестор келажакда ўзи киритган маблағдан кам бўлмаган миқдорда даромад олишига асослангандир. Кутилаётган даромад миқдори банкнинг олдинги молиявий натижалари, ривожланиш истиқболлари, тармоқ ва умумий иқтисодий омиллар таъсирида аниқланади. Ушбу ёндашув асосида тижорат банкларининг бозор қийматини аниқлашда молиявий базани тўғри ва аниқ танлаб олиш даркор. Молиявий

база сифатида фойда, пул оқими, дивидендлар ва ялпи даромаддан фойдаланиш мумкин. Тижорат банкларининг бозор қийматини даромад ёндашувида аниқлашда тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули ёки пул оқимларини дисконтлаш усули қўлланилади. Халқаро амалиётда бу усуллардан ташқари қўшилган иқтисодий қиймат усулини ҳам киритишади.

Даромадлар усулининг асосий камчиликларига қуйидагилар киради:

- Ёндашувни қўллаш жараёнида чекловларнинг мавжудлиги;
- Инвестицияларни ҳисобга олмаслиги;
- Бозор конъюктурасини инобатга олмаслиги;
- Ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида, тижорат банкини баҳолаш учун ёлланган субъектларга етарлича маълумотларни тақдим этиш, стратегик мақсадлари ва келажақда киритилиши кўзда тутилаётган инвестицияларнинг тахминий ҳажмига оид маълумотларни ошкор этиш ва ташқи ҳамда ички омиллар натижасида бозорда кутилаётган ўзгаришларни ҳам инобатга олиш, шунингдек бошқа ёндашувлар асосида ҳисобланган банкнинг бозор қийматини ўртачаси орқали бозор қийматига баҳо берилса аниқ натижага эришиш мумкин.

Харажатлар ёндашуви. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкни бошқариш Давлат Қўмитасининг 2009 йил 6 октябрь санасида тасдиқланган қарори асосидаги 9-сонли мулкни баҳолаш стандартларига кўра, бизнес қийматини харажат ёндашуви билан баҳолашда баҳоловчи баҳолаш объектини тиклаш ёки алмаштириш учун зарур бўлган харажатлар асосида баҳолашни амалга оширади. Ушбу ёндашувда қуйидаги усуллардан бирини қўлланилади: соф активлар, тугатиш қиймати усули.

Ушбу ёндашувнинг асосий камчиликлари сифатида жорий эмас ўтган даврдаги қийматни акс эттириши, рискларни инобатга олмаслиги, банкнинг истикболини кўзда тутмаслигини келтиришимиз мумкин. Бу усул тижорат банкларининг бозор қийматини эмас, тугатиш қийматини акс эттириб, банкларини тугатиш ва қўшиб юбориш шароитларида баҳолаш учун кўпроқ қўлланилади. Мамлакатимиз амалиётида тижорат банкларини санация қилиш амалиётини ҳам жорий этилса, ушбу тугатиш ёндашуви асосида тижорат банки баҳоланиб, бошқарувдаги комплекс камчиликлар аниқланиши имконияти яратилади.

Таққослама ёки бозор ёндашуви. Тижорат банклари бозор қийматини баҳолаш бўйича мавжуд учинчи ёндашув таққослама ёки бозор ёндашувидир. Ушбу ёндашувда баҳолаш объекти бошқа худди шундай *аналог тижорат банкининг битимлар ва нархлари* бўйича маълумотлари бўлганда таққослаш орқали баҳолашни ифодаловчи бир нечта усуллардан иборатдир. Бозор ёндашуви тармоқлар коэффиценти, капитал бозори (аналог компания) ва битимлар усулларида ўз ичига олади.

Тармоқ коэффиценти усули нархнинг таҳлилчилар ёки махсус институтлар (биржа, инвестицион банклар ва бошқалар) томонидан узоқ муддатли кузатувлар натижасида аниқланган молиявий кўрсаткичлар нисбати орқали аниқланади. Натижада, банкнинг нархи баҳоланаётган банкнинг молиявий кўрсаткичининг тегишли тармоқ коэффиценти орқали аниқланади.

Бозор ёндашувининг асосий камчиликлари сифатида банк акциялари бозорининг ривожланмаганлиги, аналог банкларни топишнинг қийинлиги ва банкнинг келажақдаги истикболларини инобатга олмаслиги, аниқланган бозор қийматига тўғрилашлар киритилиши лозимлиги сингариларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шунинг учун халқаро экспертлар томонидан баҳолашни амалга ошириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, бир нечта ёндашувлар асосида баҳолашни амалга ошириб, олинган натижаларнинг ўртача тортилган қийматини ҳисоблаган ҳолда, интеграл қийматни аниқлаш таклиф этилади.

Юқорида келтирилган камчиликлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни амалга жорий қилиниши, тижорат банкларининг аниқ бозор қийматини аниқлаш ҳамда инвестицион жозибадорлигини ошишига олиб келади:

- баҳолашни амалга ошириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда ёндашувларни танлаш;
- даромадлар ёндашувидан фойдаланганда етарлича маълумотлар базасини баҳоловчига тақдим этиш;
- тижорат банкларининг фаолиятини соғломлаштириш мақсадида санация қилиш амалиётини жорий этиш ва бунда тугатиш ёндашуви усуллари асосида банкни баҳолаш;
- банкларни баҳолашда камида иккита ёндашув усулларида фойдаланган ҳолда бозор қийматини баҳолаш;
- Ўзбекистон амалиётида банкларни IPO, SPO жараёнларига тайёрлашда даромадлар ва бозор ёндашувларидан кенг фойдаланилса, аниқ қийматга эга бўлиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг бозор қийматини баҳолашда қўлланиладиган ёндашувларнинг бир нечтасидан фойдаланган ҳолда реал бозор қиймати аниқланади. Қайси ёндашувнинг танланиши фонд бозорининг ривожланганлик даражаси, макроиқтисодий кўрсаткичлар ва банк структурасининг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Antill, N. and Lee, K. (2009) "Company valuation under IFRS. Interpreting and forecasting accounts using International Financial Reporting Standards", Harriman House Ltd, Norfolk, Great Britain. - 41p.
2. Джозеф Синки-мл. (2007) Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг /; Пер. с англ. — М.: Альпина Бизнес Букс, 118 с.
3. Дамодаран А. (2006) Инвестиционная оценка. Инструменты и методы оценки любых активов: Пер. с англ., 3-е изд. / А.Дамодаран. М.: Альпина Бизнес Букс, - 134 с.
4. Есипова В.Е., Маховика Г.А. (2010) Оценка бизнеса., Питер, 456 с.
5. Коупленд Т. (2005) Стоимость компаний: оценка и управление: Пер. с англ., 3-е изд, перераб. и доп. / Т. Коупленд, Т. Коллер, Дж. Муррин. - М.: Олимп-бизнес, -25 с.
6. Международные стандарты оценки. (1994) Международный Комитет по Стандартам Оценки 24 марта 1994 г. Лондон
7. Роуз П.С. (1995) Банковский менеджмент [Текст] / П.С. Роуз. М.: Дело Лтд, -321 с.
8. Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. 7 феврал 2017 йил.
9. Қонун (1999) Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 18 августда қабул қилинган “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*Ибодуллаева М. Т. Иқтисод магистри,
Тошкент молия институти*

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида валюта муносабатларини тартибга солишнинг бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартлари сифатида

этироф этилган¹⁵¹. Бу эса, ўз навбатида, валюта муносабатларини либераллаштириш заруриятини юзага келтирди. Шу муносабат билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақат бозор механизмларини қўллаш талаби қўйилгани ҳолда, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг ҳоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини руёбга чиқариш тўлиқ таъминланди, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб олиб ташланди, тижорат банкларига валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Бош лицензия бекор қилинди¹⁵². Бу эса, тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантиришга туртки беради. Чунки, мазкур Фармоннинг ижросини таъминланиши натижасида жорий валюта бозорининг ликвидлиги таъминланди ва бунинг натижасида конверсион операцияларнинг ҳажмини ошириш имкони юзага келди. Хусусан, тижорат банкларига сотилган экспорт тушумлари ҳажми 2017 йилда 2,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 4,1 млрд. долларни ташкил этди (2 баробарга ошди). Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотиб олинган жами валюталар ҳажми 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 1,5 баробарга ошиб, 6,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди¹⁵³.

Айни дамда, республикада тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган айрим муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Ана шундай долзарб муаммолардан бири – бу миллий валютанинг номинал алмашув курси волатиллигини юқори эканлигидир.

2017 йилнинг 5 сентябь куни миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси 8100,00 сўмни ташкил этди ва валюта курсининг 4 сентябрга нисбатан қадрсизланиш суръати 92,4 фоизни ташкил этди.

Бироқ, 2017 йил сентябрдан 2019 йил сентябрга қадар бўлган даврда миллий валютанинг номинал алмашув курси барқарорлигини таъминлаш имкони бўлмади. 2019 йил 24 сентябрда сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси 9424,54 сўмни ташкил этди¹⁵⁴. Демак, сўнгги икки йил мобайнида миллий валютада АҚШ долларига нисбатан 16,4 фоизга қадрсизланган.

Миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини юқори эканлиги тижорат банкларининг АҚШ долларисидаги валюта позицияси бўйича Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий меъёр талабини бажаришда қийинчиликларни юзага келтирмоқда, валюта операцияларидан кўриладиган зарарлар миқдорини ортишига сабаб бўлмоқда.

Тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолардан яна бири бўлиб, тижорат банкларининг форвард операцияларини ривожланмаганлиги ҳисобланади. Фикримизча, тижорат банкларининг форвард операцияларини ривожланмаганлиги миллий валютанинг қадрсизланиш даражасининг

¹⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №6 (766). – 70-модда.

¹⁵² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли Фармони. Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №36 (796). – 945-модда.

¹⁵³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот (Б. 75). www.cbu.uz.

¹⁵⁴ www.cbu.uz сайти (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) маълумотлари (Валюта курси).

юкори эканлиги ҳамда банклар кредитлари ва депозитлари фоиз ставкаларининг беқарорлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан милий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2018 йилнинг май ойида 19,8 фоизни ташкил этган бўлса, шу йилнинг декабрь ойида 21,8 фоизни, 2019 йилнинг июнь ойида эса, 24,2 фоизни ташкил этди¹⁵⁵.

Фикримизча, тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Миллий валютанинг номинал алмашув курси барқарорлигини таъминлашга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш лозим.

Мазкур чора-тадбирлар мажмуини амалга оширилиши, биринчидан, пул массасининг паст ва барқарор суръатларда ўсишини таъминлаши керак; инфляциянинг мўътадил даражасига (йилига 3 офиздан ошмайдиган даражасига) эришиш имконини бериш керак.

2. Миллий валютадаги депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш йўли билан форвард операцияларини ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш лозим.

ПУТИ РАЗВИТИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ ВНЕДРЕНИИ ИСЛАМСКОГО БАНКИНГА

Иноятова К. Ф. Ташкентский финансовый институт

На современном этапе развития Узбекистана в рамках модернизации экономики, либерализации рыночных отношений, значительно возрастает роль инвестиций, привлекаемых в экономику страны. Одним из важнейших факторов обеспечения стабильного роста объема привлекаемых инвестиций, диверсификации их источников и направлений использования является создание необходимой нормативно-правовой базы регулирования различных вопросов инвестиционной деятельности.

В этой связи особое место принадлежит Закону Республики Узбекистан «Об инвестиционной деятельности». Согласно данному законодательному акту, – инвестиционная деятельность представляет собой совокупность действий субъектов инвестиционной деятельности, связанной с осуществлением инвестиций.

Узбекистан может ежегодно привлекать до \$10 млрд дополнительных иностранных инвестиций при внедрении исламского банкинга. Что такое исламский банк? Исламский банкинг – это финансовая деятельность, которая соответствует принципам шариата и касается как управления экономикой, так и социальных, политических, культурных аспектов исламского общества.

Ключевой характеристикой исламского банкинга считается запрет на взимание процента или ставки, которые вычисляются на основе суммы и срока займа. Такой запрет объясняется мусульманскими законами о социальной справедливости и равенстве. Ислам поощряет получение прибыли, но осуждает использование процента в этих целях. Ведь такая деятельность не приводит к созданию продукта и не увеличивает благосостояние общества. Согласно нормам исламской этики прибыль должна стать вознаграждением за риск, труд и усилия.

Если финансовый институт не является кредитором, он становится инвестором или партнером. С этим связан основной принцип работы исламского банкинга — проектное инвестирование. Таким образом, инвестиции выделяются под определенный проект с изучением всех тонкостей и рисков, которые делятся между партнерами проекта.

¹⁵⁵ Статистика. Миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкалари. www.cbu.uz.

Обобщая, можно сказать, что исламский банкинг направлен на создание связей с действующими секторами экономики с помощью различных инструментов, включая предоставление услуг и соучастие в реальном бизнесе.

Но не стоит забывать, что исламский банк — прежде всего банк, который ориентирован на получение прибыли и возврата своего оборотного капитала при помощи финансовых инструментов на основе норм шариата.

Термин «исламская финансовая система» появился в середине 1980-х гг. Исламская финансовая система часто описывается как финансовая система, не предполагающая взимание процента. Исламский банкинг основывается на шариате — совокупности правил и законов, касающихся управления экономикой, социальных, политических и культурных аспектов исламского общества. В последнее время понятие «исламский банк» прочно закрепилось в лексиконе финансистов во многих развитых странах. Исламские банки являются важнейшим элементом исламской финансовой системы. Они выполняют те же функции, что и традиционные банки, т.е. обеспечивают работу национальной платежной системы и выступают в качестве финансовых посредников. Согласно нормам исламской этики принято признавать богатство, которое заработано честным трудом, а также наследство или дар.

Главной отличительной особенностью такого рода банка от традиционных является получение дохода без взимания процентов. Доход исламские банки получают становясь участником проекта. При этом, исламский банк разделяет прибыль с предприятием и одновременно его риски. Кроме того, банк может участвовать в торговле и извлекать прибыль из наценки между себестоимостью приобретения товара и ценой его реализации. Особо следует подчеркнуть, что по законам шариата запрещается финансировать операции, связанные с покупкой и реализацией табака, алкоголя, оружия, распространением порнографии и развитием азартных игр. В целом можно сказать, что исламские банки уникальны с точки зрения попытки сочетать деньги и законы морали.

Исламские банки, как и другие банки, привлекают финансовые ресурсы от частных лиц и учреждений и направляют их коммерческим фирмам, которым необходимо внешнее финансирование для поддержки их производственной деятельности. Хорошо известно, что банки принимают депозиты с различными сроками погашения, с различными процентными ставками по каждому виду. Исламские банки не платят проценты по вкладам. В исламских банках работают с различными видами депозитов таких как: текущие счета, сберегательные счета, инвестиционные счета, совместные/общие инвестиционные счета, лимитированный период инвестиционных депозитов, неограниченный период инвестиционных депозитов, специализированные инвестиционные вклады. Некоторые исламские банки развивают схемы инвестиционных вкладов с особого разрешения инвестировать в конкретные схемы или конкретные продукты. Прибыль активности распределяется между вкладчиком и банком. В таком случае, банк работает в качестве агента инвестора. Он может согласиться выполнить эту функцию за согласованную плату или может отказаться иметь долю в прибыли[1].

Важно отметить, что в отличие от традиционных банков, исламские банки не затронул американский кризис ипотечного кредитования, всколыхнувший мировые рынки. Например, ни один из малайзийских исламских банков не был затронут понижениями цен в результате всемирного кредитного кризиса. IslamicBankofBritain также не пострадал во время кризиса, наоборот, несмотря на небольшой размер, банк оказался в отличном финансовом состоянии в разгар кризиса ликвидности по той простой причине, что не имел на своем балансе никаких рискованных активов. При этом объем депозитов вырос на 61 % — до 270 млн долл. А активы банка увеличились

на 51 % – до 32 млн долл. [2]. Экономисты утверждают, что всемирный кредитный кризис, вызванный кризисом высокорискованного кредитования, привлек еще большее внимание к шариатскому банкингу.

Но несмотря на такой большой интерес, исламская банковская индустрия в настоящее время сталкивается с рядом проблем:

- несуществование законодательства по исламским банкам;
- юридическая поддержка не подходит для применения исламского банкинга и законов финансовых контрактов. В исламских банковских контрактах рассматриваются как покупка так и продажа богатства и собственности, но это облагается налогом дважды. Они должны хорошо знать материал, который требует разработки специальных законов для работы исламских банков;
- депозиты в исламских банках основаны на принципе прибыли и убытков, и если что-то случится, то банк несет потери, а затем потери несет непосредственно и заявитель. страх перед возможностью потери является самым большим препятствием перед развитием депозитов в исламских банках;
- исламские банки неохотно заключают долгосрочные сделки из-за отсутствия доступа ликвидности через вторичный рынок.

В результате исследования можно сделать вывод о том, что исламская банковская система находится в процессе становления и необходима ее интеграция с традиционной банковской системой.

Список использованной литературы

1. Бааль, А. М. Основы исламского банкинга (реальность и перспективы) [Электронный ресурс]/А. М. Ба-аль.–Режим доступа: [//www.alkutubcafe.com/book/tjhftq.html](http://www.alkutubcafe.com/book/tjhftq.html) (дата обращения : 09.06.2016).
2. Тахири, К. М. Исламский банкинг между реальностью и амбициями, первое издание [Электронный ресурс] / К. М. Тахири. – 09.06.2016).

ИННОВАЦИОНЛАРНИ ВЕНЧУР ФОНДЛАРИ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

***Кадиров М.У. Ўз. Р. Стратегик таҳлил ва истиқболни
белгилаш олий мактаби, кафедра мудири***

Халқаро глобаллашувнинг чуқурлашуви натижасида миллий иқтисодиётларнинг ўзaro рақобатлашув жараёнининг жадаллашуви иқтисодий фаолиятга ёндашувни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этади. Бу эса, ялпи ички маҳсулотда илмий сиғимкорлиги юқори бўлган қийматнинг ҳажмини ошириш заруратини келтириб чиқаради. Бу борада мамлакатлар инновацион фаолиятга алоҳида эътибор берган ҳолда иқтисодиётнинг қиймат сиғимкорлиги ва ҳажмини ошириб боришни ривожлантиришмоқда. Жумладан, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштиришни фаоллаштиришни талаб этмоқда. Шу боисдан инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг самарали механизмини шакллантиришга юқори эҳтиёж туғилмоқда. Мазкур ҳолат, иқтисодиёт тармоқларига инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш ҳамда инновацион фаолиятни молиявий таъминлаш услубиятини такомиллаштиришни долзарблигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда таркибий ислохотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни диверсификациялаш ва модернизациялаш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шарт-шароити

ҳисобланади. Мазкур жараёнда, иқтисодиёт тармоқларига юқори самарали инновацион усуллар ва бошқариш шакллари жорий этиш истиқболда таркибий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадларида юқори қўшимча қиймат билан рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда муҳим ўрин тутди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, инновацияларни молиялаштиришда венчур фондларининг алоҳида аҳамияти мавжуд. Мамлакатимизда ҳам қатор ишлар амалга оширилиши бошланганлиги алоҳида эътиборга молик. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли фармонининг 135-бандида “Тадбиркорлик ва инновацион соҳадаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини ривожлантириш” белгилаб берилган. Унга кўра, инновацияларни молиялаштиришга қаратилган венчур фондларининг ҳуқуқий асосларида қуйидагилар назарда тутилиши кўрсатилган:

- венчур фондларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларни ташкил этиш тартиби;
- венчур компаниялар ва фондлар, венчур фондларни бошқариш билан шуғулланувчи компаниялар ҳамда инновацион корхоналар фаолиятини тартибга солиш;
- венчур компаниялар ва фондлар учун малакали бошқарув ва эксперт кадрларни тайёрлаш;
- венчур лойиҳаларни суғурталаш назарда тутилади.

Мазкур ҳужжатга биноан, қуйидагилар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилиниши назарда тутилган:

- юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалар-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар;
- венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар;
- илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюrolари ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича;
- янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

Юқоридаги тадқиқотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ҳам инновацияларни вужудга келиши ва уларни молиялаштиришга қаратилган фаолиятга алоҳида давлат сиёсати миқёсида эътибор берилмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, инновацион фаолиятни молиялаштириш жараёнларини оптималлаштириш долзарблик касб этмоқда.

Инновацияларни молиялаштиришга қаратилган тадқиқотларда уларга турлича жиҳатдан ёндашувларни кўришимиз мумкин. Масалан, ўзбекистонлик олимлардан Д.Рахмонов¹⁵⁶ инновациялар билан янгилик ўртасида сезиларли даражада фарқлар мавжуд эканлигини қайд этиб ўтади. Жумладан, инновация деган мақомга эга бўлиши учун, аввало, янги ғоя қуйидаги талабларнинг қўп қисмига жавоб бериши шарт, дея таъминлайди:

- вақтни тежалиши;

¹⁵⁶ Рахмонов Д.А. Инновация: моҳияти ва уни молиялаштириш асослари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль-август, 2019 йил.

- харажатларни камайитириши (ресурсларни тежаши);
- экологик ҳолатга салбий таъсир этмаслиги.

Профессор Д.Рахмонов инновацияларни молиялаштиришга нисбатан юқорида қайд этиб ўтилган учта мезон асос сифатида келтириб ўтади.

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Д.Исмаилов¹⁵⁷ венчур фондлари тўғрисида ўзининг илмий хулоса ва таҳлилларини келтириб ўтади. Жумладан, қуйидагича фикрларни баён этади: “Илмий янгиликлар ва кашфиётларга асосланган юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш одатда юқори даражадаги рискларга эга. Жаҳон амалиётидан маълумки, мазкур соҳани фаолият йўналишини молиялаштиришнинг энг самарали йўналишларидан бири махсус венчур фондларини ташкил қилиш ҳисобланади. 2016 якунларига кўра венчур инвестицияларининг жаҳон бозори 127 млрд. АҚШ долларидан ошган ва 2013 йилга нисбатан 2 баробарга кўпайган. Жаҳон венчур инвестицияларининг 54 фоизи АҚШ, 24 фоизи Хитой ҳиссасига тўғри келади. Венчур инвестициялари асосий қисми E-commerce (деярли 36 млрд. АҚШ dollari), молиявий хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш (деярли 33 млрд. АҚШ dollari), медицина (13 млрд. АҚШ dollari), сунъий интеллектни яратиш (деярли 13 млрд. АҚШ dollari) соҳаларига йўналтирилган”.

Фикримизча, келтириб ўтилган илмий хулосаларда инновацияларни молиялаштиришга нисбатан турлича ёндашувлар баён этилган. Бизнингча, инновацияларга инвестицияларни йўналтиришда инновацияларни вужудга келиш шарт-шароитлари ва йўналишларини ниобатга олган ҳолда тизимлаштириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, уни қуйидагича кўринишда келтириш мумкин:

- саноат соҳасидаги инновациялар;
- молиявий хизматлар соҳасидаги инновациялар;
- таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги инновациялар;
- ахборот технологиялар соҳасидаги инновациялар;
- транспорт соҳасидаги инновациялар ва ҳ.к.

Шу нуқтаи назардан, инновацияларни молиялаштиришда венчур фондлари маблағларидан фойдаланишда инновацияларни гуруҳлаштириш муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда венчур фондлари асосида инновацион фаолиятни молиялаштириш ўзининг муҳим аҳамиятига эга. Шу боисдан, қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз:

- венчур фондларининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш;
- инновацияларни молиялаштиришга йўналтирилган бизнес маблағларининг молиявий имтиёзлар бериш;
- хўжалик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини амалга оширишда илмий тадқиқотларга йўналтириладиган маблағларни назарда тутишни белгилаш;
- венчур фондлар инновацияларни янгиликлардан ажратиб турувчи мезонларнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ишлаб чиқиш;

Натижада, қуйидаги тенденциялар юзага келади:

- юқори илмий сиғимкорликка эга қиймат яратилишига имконият юзага келади;
- бюджет маблағларига бўлган талаб камаяди.
- таннархнинг камайишига эришилади;

Умуман олганда, инновацияларни молиялаштиришда венчурли фондларни асосларини шакллантириш ҳамда янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни жадаллаштириш замонавий долзарблик касб этади.

¹⁵⁷ Исмаилов Д.А. Инвестиция фаолиятини молиявий бошқариш усулларини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – ТДИУ, 2018. – 52 б.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ХОДИМЛАРНИ МОТИВАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Каримов А. БМА тингловчиси

Ҳозирги вақтда меҳнатни рағбатлантириш меҳнат жараёни доирасида инсон хулқ-атворининг хусусиятларини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ходимларни рағбатлантириш тизими ҳар қандай ташкилотни бошқариш тизимининг асосий қисмларидан биридир. Самарали ишлашни рағбатлантириш тизими замонавий шароитларда бошқарувнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида намоён бўлади, шу билан бирга меҳнатни жалб қилишнинг тегишли алгоритмлари ва механизмлари мавжудлиги ишчи ва иш берувчи ўртасида қарама-қаршилик ва тўқнашувларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилади, ҳар иккала моддий ва маънавий манфаатларини барқарорлаштирадиган ўзига хос вазифасини бажаради.

Ҳозирги кунда мотивация муаммоси кўплаб илмий фанлар - психология, менежмент, социология, иқтисодий соҳаларда тадқиқот мавзусидир. Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тизимда меҳнатни рағбатлантириш муаммолари долзарбдир, чунки бу умуман корхоналар, шунингдек индивидуал ходимлар иқтисодий фаолиятининг якуний натижасини белгилайдиган меҳнат мотивациясидир.

Психологик табиатдаги муаммоларни, шунингдек меҳнатни мотивация қилишнинг мазмунини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий тадқиқотчилар хулқ-атвор ва фаолиятнинг ҳар қандай шакли ташқи ва ички омиллар билан изоҳланиши мумкинлигига асосланади. Ички омиллар - бу субъектнинг хусусиятлари, унинг мотивлари, мақсадлари, эҳтиёжлари, истаклари, қизиқишлари ва бошқалар бўлса, ташқи омиллар эса мавжуд вазиятдан келиб чиқадиган рағбатлантиришдир.

А. Н. Леонтев [1] мотивация- тананинг фаолиятини кўзғатадиган ва унинг йўналишини белгиловчи туртки сифатида қаралади.

В. Е. Орелнинг фикрига кўра, мотивация - бу одамнинг меҳнат фаолиятини келтириб чиқарадиган, уни касбий мақсадларга эришишга йўналтирган ва фаолиятнинг тузилиши ва функцияларини тартибга соладиган ички мотивация тизимидир. "[2].

Профессional фаолиятни мотивациясини Н. В. Бойтсова "янада мураккаб метасистемада - мураккаб шахс" сифатида кўриб чиқади [3]. Касбий фаолият мотивациясининг хусусиятлари сифатида у қиймат-семантик таркибни, фаолиятнинг объектив йўналишини ва мотивациянинг динамик хусусиятларини кўриб чиқади. Касбий фаолият, унинг нуқтаи назаридан, мотивлар, эҳтиёжлар, қизиқишлар, интилишлар, мақсадлар, ғоялар, мотивацион муносабатлар каби мотивларнинг турлари билан белгиланади. Меҳнат мотивациясини тавсифлаб, олимлар бундай мотивацияларнинг профессионал кутиш, касбий ният, касбий қизиқиш, касбий фаолиятга ундаш ва рағбатлантириш каби муҳим аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Умуман олганда, замонавий психологияда меҳнат мотивацияси феномени билан боғлиқ тушунчалар аралашмаси мавжуд деб айта оламиз. Уни тушунишга ҳар хил услубий ва назарий ёндашишда меҳнат мотивациясининг аниқ бир таърифи йўқлигига қарамай, олимлар таъкидлашларича, меҳнат мотивацияси мотивацион-эҳтиёж соҳаси билан боғлиқ бўлган мотивларнинг мураккаб муносабатлари билан белгиланади.

Ходимлар меҳнатини рағбатлантириш банк ходимларининг меҳнат самарадорлиги ва сифатини оширишда муҳим рол ўйнайди, бу эса умуман банкнинг самарадорлигига бевосита таъсир қилади. Меҳнат мотивацияси тизими ҳар бир ходимнинг ўз фаолияти натижаларига бўлган қизиқишини ортишини таъминлайди, шунингдек, ходимларнинг ижодий салоҳиятини тўлиқ амалга оширишга қаратилган. Банк ходимининг иши интеллектуал характерга эга, бу махсус билим ва кўникмаларни,

юқори маданият ва стрессга чидамлилиқни талаб қилади, банк ходимининг жавобгарлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Банкларнинг ходимлари юқори даражадаги хилма-хиллик билан ажралиб туради, бу эса ходимларнинг қулай меҳнат мотивациясини яратишга қаратилган бошқарув ҳаракатларини тўлиқ амалга ошириш учун табақаланишини талаб қилади. Бизнинг фикримизча, банк ходимларининг қуйидаги тоифаларини қуйидагича ажратиш мумкин:

Банкнинг асосий фаолияти билан, яъни банк операцияларини амалга оширадиган ва банк хизматларини кўрсатадиган банк ходимлари. Шубҳасиз, ҳар бир тоифада ходимнинг меҳнат жараёнидаги ролига қараб иерархик даражаларга бўлиниш тушунилади. Банк ходимларининг ўзига хос бўлган бир қатор типик омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Банк ходимлари фаолиятининг мотивацион омиллари

Банкда ишнинг мазмуни ва уни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	Меҳнатни рағбатлантириш ва ходимларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари
Банкдаги операциялар ва хизматларнинг кўпини битта ходим бажаролмайди. Банк секторидаги иш табиатан коллектив хусусияти	Ҳар бир ходимнинг ўз фаровонлиги ва келажакка бўлган ишончи, бу банкнинг ҳозирги молиявий аҳволи, банкнинг имиджи, шунингдек мижозларнинг фаровонлигига боғлиқ деган фикрга йўналтирилган.
Муайян меҳнат шароитлари омилининг таъсири.	Маълумотларнинг юқори даражасига эришиш керак, чунки бу банкнинг мақсадларига эришиш омили, шунингдек, ходимларнинг психологик барқарорлик даражасини ошириш воситаси.
Ишчиларнинг бажарилган операциялар учун, шунингдек, ходим томонидан қабул қилинадиган қарорлар учун жавобгарлигининг юқори даражаси.	Меҳнат фаолияти, операцияларини хатосиз амалга оширишдан манфаатдорлик даражаси, шунингдек қарорларни энг мувоzanатли қабул қилиш
Амалиёт доирасини доимий равишда мураккаблаштириши, янги ахборот технологияларидан фойдаланиш.	Ходимларнинг малакаси даражасини, шунингдек иш жойига ва ходимлар бажарадиган функцияларга мувофиқлик даражасини доимий равишда назорат қилиш талаб этилади.
Банкда ходимларнинг юқори даражада ихтисослашуви	Банкнинг алоҳида бўлинмалари - норасмий ва расмийлаштирилганлар ўртасидаги горизонтал алоқаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш муҳимдир

Банк фаолиятининг асосини рақобатда муваффақиятни таъминловчи ҳал қилувчи омил бўлган интеллектуал иш деб ҳисоблаш мумкин, бу нафақат шахсий мақсадларга, меҳнат фаолиятининг муайян ўзига хос натижаларига эришишни рағбатлантириши мумкин, балки шу билан бирга банк ходимларининг интеллектуал ва ижодий фаоллигини тўғри рағбатлантириши мумкин эди. Шунини таъкидлаш керакки, менежерлар учун банк ходимларининг фаолиятини рағбатлантиришнинг энг самарали жараёнини таъминлаш учун 1-жадвалда кўрсатилган омилларни ҳисобга олиш керак. Бошқа томондан, иштиёқни ходимнинг психологик барқарорлиги омили сифатида ишнинг кучли мотивацияси банкнинг гуллаб-яшнаши ва ривожланишининг калитидир. Ходимнинг индивидуал хусусиятларини ва ташкилий муҳитнинг ўзига хос омилларини ҳисобга олган ҳолда тўғри ташкил этилган моддий ва номоддий рағбатлантириш тизими ходимнинг интеллектуал салоҳиятини тўлиқ очиб беришга ва фойдаланишга ёрдам беради.

Ривожланишга ундайдиган банк ходими ўз қобилиятларидан, шунингдек иш жойидаги технология ва техник жиҳозлардан янада самарали фойдаланишни таъминлайди, бу эса исталган натижага, шунингдек, ташкилий фаолиятнинг янада самаралироқ бўлишига олиб келади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Леонтьев А. Н. Деятельность. Сознание. Личность / А. Н. Леонтьев. М.: Смысл: Академия, 2004.- 352 с.
2. Психология: учеб. для гуманитар. вузов / под ред. В. Н. Дружинина. СПб.: Питер, 2009. 656 с. The influence of ecology on the Russian economy
3. Бойцова И. В. Закономерности формирования мотивации профессиональной деятельности преподавателя высшей школы: автореф. дис. ... канд. психол. наук / И. В. Бойцова. Ярославль,- 2009. -19 с.
4. Логвинов Л. В. Управление развитием персонала на основе мотивации (на примере филиала СБ РФ): автореф. дис. канд. эконом. наук / Л. В. Логвинов. Москва,- 2009.- 27 с.

ХУДУДИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНКЛАР ИШТИРОКИНИ ОШИРИШ

***Каримов З. К. Ўз. Р. БМА ИББ
1-гуруҳ 2-курс тингловчиси***

Мамлакат иқтисодиёти ривожланиши соҳалар тизими ва ҳудудларда юзага келадиган ижобий ўзгариш, унда амалга оширилаётган инвестицион фаолият ҳамда бу масалада тижорат банкларининг ҳиссасига бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва унда тижорат банкларининг инвестицион фаоллик орқали таъсирини ўрганиш жуда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Инвестиция фаолиятини кенгайтириш ҳамда бу жараёни жадал суръатлар билан ривожлантиришда тижорат банкларининг роли катта бўлиб, банklar инвестиция сиёсатини молиявий жиҳатдан қўллаб- қувватлаш бўйича мунтазам равишда устувор йўналишлар ишлаб чиқади.

Иқтисодий маънода инвестиция тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»(1998)ги Қонунида таъриф берилганидек, иқтисодий ёки бошқа фаолият объектига сарф қилинадиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқини ифодалайди. Шунингдек, молиявий моҳиятига кўра инвестициялар даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятига сарфланадиган барча турдаги воситалардир.

Қандайдир самара ёки даромад келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- пул маблағлари, банklarдаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар;
- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ҳамда бошқа моддий бойликлар);
- муаллифлик ҳуқуқи, ноу-хаулардан ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари ва бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- бошқа бойликлар.

Инвестиция фаолиятини юритишда иқтисодий ахборотга таянган соҳа бир бутун иқтисодиёт ва мамлакат миқёсида маркетинг билимларига эга бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки барқарорлашмаган иқтисодиётда инвестор пул муомаласи, молия-кредит ва

банклар, солиқ сиёсати моҳиятини чуқур билмай туриб, инвестиция фаолиятини ташкил этиш таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, қисқа давр ичида инқирозга учраши мумкин. Иқтисодий томонлама ривожланган жамиятда инвестиция фаолияти куйидаги йўналишларда олиб борилиши назарда тутилади:

фуқаролар, давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, хўжалик ассоциациялари, жамоа ва ўртоқлик хўжаликлари ҳамда жамоа мулкчилиги асосида ташкил этилган ташкилотлар, нодавлат корхоналари ва муассасалари томонидан;

давлатни маъмурий ва бошқарув бўлинмалари, ташкилотлари ҳамда давлат корхоналари ва муассасалари томонидан;

чет эл фуқаролари, хусусий фирмалар, ассоциациялар, компаниялар ва ҳуқуқий шахслари ҳамда бошқа хорижий давлатлар ва халқаро молия - кредит муассасалари томонидан;

қўшма корхона кўринишида маҳаллий ва чет эл фуқаролари, ҳуқуқий шахслар ва давлатлар билан ҳамкорликда.

Хусусан, мулкчиликни турли шакллари ривожланиши, тадбиркорлик ва ишбилармонликни йўлга қўйилиши, жаҳон иқтисодий алоқаларини тараққий этиши, қўшма корхоналарни иқтисодиётни барқарорлаштиришда ролини ортиши инвестиция фаолиятини тўла ташкил этиш учун зарур бўлган имкониятларни яратади.

Бу борадаги асосий мақсад инвестиция фаолиятини ташкил этиб иқтисодиётни инқироздан олиб чиқиш, уни барқарорлаштириш, дунё бозорига кириб бориш, жаҳон хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашдир.

Инвесторлар фақат ички бозор билан чекланиб қолмасдан, ресурсларни энг катта фойда олиш мўлжал қилинган жойларда ишга солишлари мумкин, демак, инвестиция импортчилари уларни ер шарининг исталган қисмидан олишлари мумкин. Шу боис, XXI асрнинг бошларида жаҳон инвестициялар бозори жуда катта ҳажмдаги ахборот ва кўп сонли молиявий воситалар фаолият кўрсатадиган энг динамик бозорга айланди. Айнан инвестиция бозорлари, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга хизмат қиладиган ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланишини рағбатлантирадиган глобализация жараёнларини локомотиви сифатида намоён бўлади (William, 2000). Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш, техник ва технологик қайта қуришда Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ҳисобланмоқда. Бунда иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб қилишни яхшилашда тижорат банклари фаоллиги билан амалга ошириш барча инвесторлар учун имкониятлар яратади ва бу ҳол иқтисодий ўсишни таъминлаш истикболларини кўрсатиб беради.

Иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинаётган инвестициялар миқдорини ошириш ва бу жараёни тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш орқали жадаллаштириш бўйича мазкур илмий таклиф ва тавсияларни бериш мумкин:

1. Иқтисодиётимизда бозорни маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан тўйинтириш йўлида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга кафолатланган буюртмалар муҳитини шакллантиришни йўлга қўйиш даркор;

2. Иқтисодиёт ривожига чет эл инвестицияларининг тутган ўрнини долзарблигини инобатга олган ҳолда, уларнинг миқдорини тобора ошириб бориш даркор. Бу каби масалани ҳал этишда хорижий инвесторларга тегишли имтиёзларни кўпайтириш билан бир қаторда, яратилган имтиёзлардан хабардор бўлиш имкониятини кенгайтириш лозим;

3. Инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида инвестицион жараёни жадаллаштириш асоси ҳисобланмиш аҳоли бўш пул маблағларини тижорат банкларига жалб қилиш ҳолатини янада яхшилаш лозим. Бу борада аҳолининг тижорат банкларига бўлган ишончини янада ошириш лозим;

4. Мавжуд салоҳият, ресурслар ва яширин имкониятларни аниқлаш асосида минтақа

иқтисодиётини асосий тармоқларини модернизациялашга оид лойиҳаларни амалга ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахмедов И.А. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2015. № 4, июль-август.
2. ДСК. “Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари”. Тошкент. 1994
3. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ.2016
4. “Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.Тошкент шаҳри, 2018 йил 15 август
4. Хайдаров У.А. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2015. № 2, март-апрель, ТДИУ
5. Хайдаров У.А. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2015. № 2, март-апрель, ТДИУ
6. William F. Sh. “Portfolio Theory and Capital Markets”. USA. McGraw-Hill. pp. 2000. 123.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА УНДА БАНК КРЕДИТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

Курбанов Ж. БМА тингловчиси

Маълумки, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, одатда, бир нечта босқични ўз ичига олади. Биринчи навбатда, инвесторларга лойиҳани тақдим этишдан аввал, унинг ҳаётийлик даражаси таҳлил қилинади ва бу орқали унда кўзда тутилган вақт ва маблағларнинг мақсадга қанчалик мувофиқ эканлиги, барча харажатларни қоплаш учун тушумнинг етарлилиги ва ўртача даромад олиш омиллари ўрганиб чиқилади ва аниқланади.

Лойиҳани амалга ошириш режасини ишлаб чиқишни ўз ичига олган иккинчи босқичда, унинг мақсадга мувофиқлигини ва дастлабки ўрганиш асосидаги молиялашни ташкил этиш жараёнларини ўз ичига олади. Бу ерда барча кўрсаткичлар ва таваккалчиликларга баҳо берилади, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳолатларни ривожлантириши мумкин бўлган имкониятлар таҳлил қилинади, лойиҳани амалга оширишда кредит фоиз ставкалари, инфляциянинг ўсиши, миллий валюта курси ва бошқа шу каби кўрсаткичларнинг таъсири ўрганилади. Шундан сўнг, амалиёт ўтказилаётган объектни молиялаштиришни ташкил этиш таклифи кўриб чиқилади ва маблағларни сарфлаш режасини амалга оширишни назорат қилиш йўллари кўрсатиб ўтилади¹⁵⁸.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг бошланиши бўлиб, уни амалга ошириш учун керак бўлган маблағларни аниқлаш ҳисобланади. Молиявий маблағлар танқислигининг мунтазам давом этиши, баъзи таклифларни кўриб чиқишда чегараланишларни вужудга келтиради.

Лойиҳавий қувват ва бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларни минимал иқтисодий мақсадли даражагача чегараловчи бўлимни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Шу билан бирга, захиравий чеклашлар ўзида бош чекловчи омилни акс эттирган ҳолатларни ҳисобга олмаган ҳолда, инвестициялар талабини, фақатгина лойиҳа

¹⁵⁸ Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учеб.пособие. – Мн.: ИП “Экоперспектива”, 1998 г.

кўрсаткичларини тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб бўлгандан сўнг, шунингдек, ҳудудни ўзлаштириш харажатлари, бино ва иншоотларни қуриш, техника ва технологияларни сотиб олиш, айланма капиталнинг молиявий талабларини (бунда ишнинг ҳажми, ишлаб чиқариш харажатлари, даромадларни билиш зарур) ҳисобга олгандан сўнггина, аниқлаш мумкин бўлади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам инвестициянинг етарлича баҳоланмаслиги, ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатларининг ошиб кетишига йўл қўймаслик ва савдо ҳажми ҳамда кутилаётган даромадларга ортиқча баҳо берилмаслиги зарур¹⁵⁹.

Республикаимизда инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2018 йил давомида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини ривожлантириш, экспорт ўрнини боса оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реал сектор корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадларига жами 724,2 млрд. сўм миқдорида лизинг ва инвестиция кредитлари ажратилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар асосида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштириш доирасидаги мақсадли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Шу билан бирга тайрим соҳаларда, хусусан тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасида ҳали кўпгина ечимини кутиб турган муаммолар мавжуд. Бу борада ҳукуматимиз томонидан ҳам мазкур муаммони ижобий ҳал этишга қаратилган бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган. Жумладан:

- янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича банкларнинг инвестиция сиёсатини ва инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли кредит механизмларини янада такомиллаштириш, яъни инвестиция лойиҳаларини тижорат банклари томонидан кредитлашнинг замонавий механизмининг амалиётга тадбиқ этиш;

- лойиҳа ҳужжатлари, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаш ва рентабеллигини чуқур таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини пухта танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишни таъминлаш бўйича тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш юзасидан тартибини амалиётга тадбиқ этиш.

Юқоридаги фикрларга ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини такомиллаштиради ва иқтисодиётни ривожланишида етакчи ўринни эгаллайди.

Фойдаланган адабиётлар

3. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 феврал

4. “Иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг кўчмас мулк объектлари негизида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5022-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрел.

5. “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш

¹⁵⁹ Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учеб.пособие. – Мн.: ИП “Экоперспетива”, 1998 г.

борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1166 сонли қарори, 2009 йил 28 июль.

6. Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учеб.пособие.-Мн.:ИП “Экоперспектива”, 1998г.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАХСУЛОТЛАР ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШ.

Қурбонов Ж БМА - ТББ-1 тингловчиси

Банкни махсулотлар портфелини бошқариш тижорат банкларининг энг муҳим компетенцияларидан ҳисобланади. Бу нафақат банк мижозларини талабларини қондирилиши, балки банк бўлим ва бўлинмаларини қанчалик самарали фаолият юритишини ҳам акс эттиради.

Банк махсулотининг таркибий тузилиши қуйидаги таркибий қисмлардан иборат



1-расм. Молиявий махсулот

Таркибий қисмларнинг асосий мазмуни ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Базавий(ташқи) белгилар— мижоз томонидан ишлатиладиган асосий шартлар (%ставкалари, муддатлар ва х.к.);
- маркетинг-микс— махсулотнинг маркетинг таркиби: мақсадли мижоз, махсулот ҳаёт циклининг таввсифи, сотиш стратегияси, сотув режаси, баҳо стратегияси, рақобат стратегияси;
- иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари— махсулотни жорий қилишни иқтисодий асосланиши ва ҳисоб-китоблари;
- риск бўйича талаблар— банкнинг риск-менежменти талабларидан келиб чиқиб махсулот хусусиятларига чекловлар;
- махсулотнинг технологик цикли— банк бўлинмаларини махсулотни жорий қилиш, сотиш, ҳисобга олиш ва х.к. бўйича тартибга солувчи хужжатлар пакети;
- ходимларга талаблар— янги махсулот билан ишлайдиган ходимларнинг сифат ва сон параметрлари. Унинг асосида янги ходимлар сони, уларнинг малака ва билимларига талаблар аниқланади;
- технологик воситаларга талаблар— технологик воситаларнинг сони ва таркиби (бино, хона, ахборот тизимлари, алоқа каналлари ва х.к.)

Бизнинг фикримизча, 1—расмда кўрсатилган таркибий қисмлар махсулот ҳаёт циклининг барча босқичларида уни самарали бошқариш имкониятини беради. Шу билан бир қаторда банк фаолияти унинг хусусиятлари нафақат бозор талабларига ҳослиги, балки банк махсулотига хизмат кўрсатишнинг адекват ички механизмларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Бу банкни мижоз олдидаги имижини шакллантиради ва ушбу механизмларни фаолият самарадорлигини текшириш имкониятини беради.

Сўнги пайтларда мижознинг турли ўлчам (психологик ва маданий)ларини ҳисобга олган ҳолда унинг талабини ўрганиш тижорат банклари учун маҳим аҳамият касб этмоқда. Банк ва мижоз ўртасидаги бугунги кунда мижознинг характери, темпераменти, одатларига боғлиқ. Мижоз бозорини ўрганиш бугунги кунда хорижий тижорат банкларнинг муҳим фаолият йўналишларига айланиб бўлган.

Масалан Россия Федерациясидаги энг муваффақиятли банклардан Сбербанк ўз мижозларини бугунги кун билан яшовчилар; авантюристлар —яъни рискка мойил мижозлар; реалистлар, фаолбўлмаган, аммо моддийликка эътибор қаратадиган мижозлар;эътибор марказида бўлишга интиладиган мижозларга бўлиб ўрганади.


Банк дастлаб банкка мурожаат қилинганда ва ундан кейинги муносабатларни амалга оширишда мижозларни ёши бўйча гуруҳларга бўлиб ўрганиши мумкин.

Мижозларнинг турли тоифалари учун банк хизматлари.¹⁶⁰

гуруҳ	Банк томонидан таклиф этиладиган хизмат
Ёшлар	Юқори мобилликка эга, яшаш жойини тез-тез ўзгартириши мумкин. Пул ўтказмалари, қисқа муддатли кредитлар, жамғаришни оддий шакллари, туризм бўйича хизматлар.
Ёш оилалар	Оилавий карталар, кредит карточкалари, қайта тикланадиган кредитлар, мақсадли жамғармалар, суғурта хизматлари.
“Узоқ йиллик” оилалар	Истеъмол ва ипотека кредитлари, жамғарма, суғурта ва бошқа хизматлар.
Нафақа ёшига яқин мижозлар	Барқарор мижозлар гуруҳи, йирик маблағларга эга, юқори сифат талаб қиладиган мижозлар.

Аммо фақат ёшига қараб молиявий хизматларни тақдим этиш доим ҳам ўзини оқламайди. Сабаби мижозни ёшидан ташқари таъсир этувчи омилларига унинг даромадлари, оилавий жами даромадлар, унинг маълумоти, оилавий ҳолати, оилада ишлайдиганлар ва боқимандалар сони, эртанги кунга ишончни юқори ёки сустиги каби омиллар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Мижознинг талаб ва имкониятларга мослашиш банк учун самарали ҳамкорликнинг асоси ҳисобланади. Учта алоҳида вазиятда ҳаёт цикли қуйидагича кўрсатилиши мумкин:



2-расм. Германия тижорат банклари мижозларининг ҳаёт цикли¹⁶¹

¹⁶⁰Муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилган

Германия тижорат банклари мижозларининг ҳаёт циклини ўрганиш учун қуйидаги мижозлар гуруҳлари Commerzbank AG томонидан ўрганилди: фарзандсиз оилалар, иш билан банд аёллар, алоҳида яшовчи эркеклар, 50-65 ёшдаги аҳоли ва кекса ёшдаги мижозлар. Мижознинг ҳаёт цикли 18-19 ёшлар атрофида бошланади. Айнан шу даврда немис оилаларида болага алоҳида чекланган бюджет ажратилади ва шу пайтдан бошлаб кам бўлсада алоҳида бюджетга ўтилади. Кейинги босқич давомида мижоз чекланган, аммо доим ошиб борувчи молиявий имкониятларга эга бўлади. Яъни унинг олий маълумотли бўлиши ва конкрет бир ишга эгалик қилиши унинг молия бозоридаги имкониятларини янада оширади. 30-40 ёшлар атрофида банк мижозининг бўш капитали камайиб боради, аммо банк хизматларидан фойдаланиш кенгаяди. 45-59 ёшларда мижоз молиявий жиҳатдан барқарор аҳволда бўлади ва банк хизматларидан фойдаланиши ҳам ишончлироқ тус олади. 60 ёшларга келиб моддий имкониятлари ва эҳтиёжлари пасайиб боради.

Буларни барчаси ҳар бир мижозга нисбатан алоҳида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш муҳимлигин тасдиқлайди. Бундан ташқари ҳаётнинг “бурилиш нуқталари”да ҳам мижоз билан банк ўртасидаги муносабатлар ўзгариши мумкин ва банк бунга тайёр бўлиши мижозни банкка бўлган муносабатини яхшиланишига асос бўлиши мумкин. Бундай воқеаларга: мактабни тамомлаш, оила қуриш, капитални қўлга киритиш, нафақага чиқиш мисол бўла олади.

Немис банкларида банк хизматларидан фойдаланишда маркетинг тадқиқотларининг ҳам ўрни катта.

Ҳар бир аниқ вазиятда эҳтиёжга қараб молиявий хизматларга талаб ўзгариши мумкин. Буларни барчаси мавжуд мижозларни ушлаб қолиш стратегиясини аниқлайди. Сегментацияни аниқ бўлиши банк мижозларига молиявий хизматларни тақдим этишда ресурсларни тўғри тақсимлашга хизмат қилиши мумкин. Ички жараёнларни такомиллашувига эришган тижорат банки нафақат ўзининг рақобат ҳолатини яхшилаши, балки келажақдаги ҳолатининг яхшиланиши учун ҳам замин яратади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда «тармоқ мижозларини» доимий равишда банк хизматларидан қониқишини баҳолаб боришни таклиф этамиз. Хорижий банклар томонидан самарали ишлатилаётган "7-С" (структура, стратегия, тизим, ижтимоий технологиялар, қадриятлар, маданият, қобилият, бошқарув усули, ходимлар таркиби) маркетинг стратегиясига Customization- мижозга йўналтирилганлик омилини қўшиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Йирик шаҳарлар ва минтақаларда мижозларнинг талаби турли эканлиги ҳисобга олиш зарур.

Рақобатчиларни ўрганиш. Бугунги кунда молиявий хизматлар бозорига Грузия ва Қозоғистон банкларини кириб келиши ўзбек банклари томонидан маркетинг стратегияларини такомиллаштириш лозимлигини талаб қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Просветов, Г.И. Маркетинговые исследования: Задачи и решения: Учебно-практическое пособие / Г.И. Просветов. - М.: Альфа-Пресс, 2013. - 240 с.
2. Вадюшин В.Х. Взаимодействие банка и заемщика при инвестиционном кредитовании // Планово-экономический отдел. – 2017. - № 6. – С.- 77-89.
3. Захаров В.С. Коммерческие банки: проблемы и пути развития // Деньги и кредит. – 2017. - №2.- С. 16-27.
4. Чертопруд С. Маркетинг в новых условиях / С. Чертопруд // Банковское обозрение. - 2015. - № 6. - С. 41-45.

¹⁶¹www.commerzbank.deсайти маълумотлари асосида

КОРХОНАЛАРНИНГ БАНКРОТЛИК РИСКИНИ БАҲОЛАШ МОДЕЛЛАРИ

Зокиржонов М. Р. Ўз. Р. БМА таянч докторанти

Глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида миллий иқтисодиётлар юқори макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиши долзарб бўлиб қолмоқда. Бунда мамлакат иқтисодий тараққиётини белгилаб берадиган асосий жиҳатлардан бири корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи ҳисобланади. Корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш учун унинг фаолиятидаги яширин хатарларни ўз вақтида олдиндан прогнозлаш талаб этилади ва масаланинг долзарблигини ифодалайди.

Ҳозирги кунга қадар корхонанинг банкротлик рискин баҳолаш моделлари таниқли иқтисодчи олимлар томонидан асосан кўпхадли чизиқли дискриминант таҳлили (*multiple discriminant analysis – MDA*) ёрдамида тадқиқ қилинган ва амалиётга самарали тадбиқ қилиш учун таклиф қилинган. Банкротликни прогнозлаштиришнинг MDA модели – бу банкротликка учраган ва молиявий барқарорликни сақлаб қолган корхоналарнинг ўтган даврдаги молиявий ҳисоботларининг статистик маълумотларига асосланган статистик модель бўлиб, у корхонада банкротлик бошланишини прогнозлаш имкониятини беради.

Шундай қилиб MDA моделларини асосий қўлланилиш соҳаси – бу банкротлик рискин олдиндан прогнозлаштириш имкониятини бериши ҳисобланади.

Барча MDA моделларининг тузиш алгоритми бир хил саналади, яъни қуйидаги бешта босқичга асосан амалга оширилади:

1. Банкрот бўлган корхоналар танланади.
2. Банкротликдан қочган корхоналар танланади.
3. Иккала гуруҳ корхоналари учун молиявий коэффициентлар ҳисобланади.
4. Кўпхадли дискриминант таҳлили (MDA)нинг инструментарийси ёрдамида регрессион тенглама тузилади. Ушбу тенглама барча корхоналарни банкрот бўлган ва банкрот бўлмаган корхоналарга ажратиш имкониятини беради.
5. Тузилган модель ҳаққонийлигини текширилади.

Биринчи бўлиб MDA модели АҚШ корхоналари учун америка иқтисодчи олими Э.Альтман томонидан 1968 йилда ишлаб чиқилган. Альтман моделининг кейинги такомиллашган кўринишлари АҚШ, Буюкбритания ва Канада корхоналарнинг банкротлигини прогнозлаштириш учун ушбу мамлакатлар иқтисодчи олимлари томонидан ишлаб чиқилган. Моделлар фарқли жиҳати улар турли тармоққа ва соҳага тегишли корхоналар хос фаолиятини акс эттириш учун турлича тузилган. Шунингдек моделлар таркибидаги ўзгарувчанлар ҳам мос равишда турли молиявий коэффициентлардан ташкил топади. MDA моделлари ўзгарувчанлардан, яъни молиявий коэффициентлардан иборат ва ҳар бир модель таркибидаги ўзгарувчанлар сони ҳам фарқланади. Лекин ҳар қандай молиявий коэффициент молиявий ҳисоботлар маълумотларига асосан аниқланади. Альтман модели қуйидагича кўринишга эга:

$$Z = 1,2X_1 + 1,4X_2 + 3,3X_3 + 0,6X_4 + 0,999X_5$$

Формуладаги ўзгарувчанлар қуйидаги коэффициентлардан иборат.

1-жадвал

Альтман банкротлик рискин прогнозлаш моделининг таркиби

Ўзгарувчанлар	Ҳисоблаш формуласи	МХҲС бўйича ҳисобланиши
K ₁	K ₁ = Айланма капитал / Активлар	(Working Capital) / Total Assets
K ₂	K ₂ = Таксимланмаган фойда / Активлар	Retained Earnings / Total Assets
K ₃	K ₃ = Солиқдан олдинги фойда / Активлар	EBIT / Total Assets
K ₄	K ₄ = Хусусий капитал / (Қисқамуддатли + Узоқмуддатли мажбуриятлар)	Value of Equity/ Book value of Total Liabilities
K ₅	K ₅ = Тушум / Активлар	Sales / Total Assets

1972 йилда Буюкбритания корхоналарининг банкротлигини прогношлаш учун инглиз иқтисодчи олими Р.Лис томонидан ишлаб чиқилган модель билан бошласак, Э.Альтман тадқиқотидан кейин европа учун биринчи саналган ушбу модель Альтман моделининг Буюкбритания корхоналари учун соддалаштирилган кўриниши ҳисобланади, чунки моделдаги барча қўлланилган молиявий коэффицентлар Альтманникига айнан мос келади.

Ва модель қуйидагича кўринишга эга:

$$Z = 0,063 * K_1 + 0,092 * K_2 + 0,057 * K_3 + 0,001 * K_4$$

Формуладаги ўзгарувчанлар қуйидаги коэффицентлардан иборат.

2-жадвал

Лис банкротлик рискинн прогношлаш моделининг таркиби

Ўзгарувчанлар	Ҳисоблаш формуласи	МХҲС бўйича ҳисобланиши
K ₁	K ₁ = Айланма капитал / Активлар	(Working Capital) / Total Assets
K ₂	K ₂ = Солиқдан олдинги фойда / Активлар	EBIT / Total Assets
K ₃	K ₃ = Таксимланмаган фойда / Активлар	Retained Earnings / Total Assets
K ₄	K ₄ = Хусусий капитал / (Қисқамуддатли + Узоқмуддатли мажбуриятлар)	Value of Equity/ Book value of Total Liabilities

Британ корхоналари учун Лис моделидан ташқари 1977 йилда инглиз иқтисодчиси Ричард Таффлер томонидан ҳам MDA-банкротлик модели ишлаб чиқилган. Олим банкротликни прогноздайдиган моделни тузиш учун 1969 йилдан 1975 йилгача бўлган даврдаги 46 банкрот бўлган ва 46 молиявий барқарор корхоналар фаолиятини кўриб чиққан ва ва қуйидаги кўринишда ифодаланган:

$$Z = 0,53 * K_1 + 0,13 * K_2 + 0,18 * K_3 + 0,16 * K_4$$

Формуладаги ўзгарувчанлар қуйидаги коэффицентлардан иборат.

3-жадвал

Таффлер банкротлик рискинн прогношлаш моделининг таркиби

Ўзгарувчанлар	Ҳисоблаш формуласи	МХҲС бўйича ҳисобланиши
K ₁	K ₁ = Сотишдан фойда / Қисқа муддатли мажбуриятлар	Revenues / Current liabilities
K ₂	K ₂ = Айланма активлар / (Қисқамуддатли + Узоқмуддатли мажбуриятлар)	Current Assets / Total liabilities
K ₃	K ₃ = Қисқамуддатли мажбуриятлар / Активлар	Current liabilities / Total Assets
K ₄	K ₄ = Тушум / Активлар	Sales / Total Assets

Галдаги корхона банкротлигини прогношлаштирадиган модель 1978 йилда Саймон Фрейзер университетида фаолият олиб борган канадалик иқтисодчи олим Гордон Спрингейт томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда қўлланилган молиявий коэффицентларнинг ярми Э.Альтман моделида фойдаланилганларга мос келади. Спрингейт банкротликни баҳолайдиган моделида 40та Канада корхоналарининг, яъни 20та банкрот бўлган ва 20та банкрот бўлмаган корхоналарнинг молиявий ҳисоботларидан фойдаланган. Ушбу модель банкротлик рискинн 92,5% аниқликкача бир йил олдин прогноз қилади.

Спрингейт формуласи қуйидагича ёзилади:

$$Z = 1,03 * K_1 + 3,07 * K_2 + 0,66 * K_3 + 0,4 * K_4$$

Формуладаги ўзгарувчанлар қуйидаги коэффицентлардан иборат.

4-жадвал

Спрингейт банкротлик рискинн прогношлаш моделининг таркиби

Ўзгарувчанлар	Ҳисоблаш формуласи	МХҲС бўйича ҳисобланиши
K ₁	K ₁ = Айланма капитал / Активлар	(Working Capital) / Total Assets
K ₂	K ₂ = (Солиқдан олдинги фойда + Тўланадиган фоизлар) / Активлар	EBIT / Total Assets

K ₃	K ₃ = Солиқдан олдинги фойда / Қисқамуддатли мажбуриятлар	<i>Earnings before taxes / Current liabilities</i>
K ₄	K ₄ = Тушум / Активлар	<i>Sales / Total Assets</i>

Корхоналарнинг банкротлигини прогноз қиладиган моделни тўртинчиси америка иқтисодчи олими Д.Фулмер томонидан АҚШ корхоналари учун 1983 йилда ишлаб чиқилган. У моделни яратиш учун 60та АҚШ корхоналарининг молиявий ҳисоботларидан фойдаланган. Қолган моделлар каби қўрилган корхоналарни тенг ярми банкрот бўлган ва қолган ярми молиявий барқарор бўлган корхоналар ҳисобланган. Фулмер модели корпоратив тузилмаларни қамраган Альтман моделидан фарқли равишда кичик корхоналар молиявий ҳолатини прогноз қилади. Модель бир йил олдин 98% аниқлик билан ва икки йил олдин 81% аниқлик билан банкротлик рискинни прогноз қилади. Натижада у ўз банкротлик формуласини ишлаб чиқди ва қуйидагича ифодалади:

$$H = 5,528 * K_1 + 0,212 * K_2 + 0,073 * K_3 + 1,27 * K_4 + 0,12 * K_5 + 2,235 * K_6 + 0,575 * K_7 + 1,083 * K_8 + 0,984 * K_9 - 3,075$$

Формуладаги ўзгарувчанлар қуйидаги коэффицентлардан иборат.

9-жадвал

Фулмер банкротлик рискинни прогнозлаш моделининг таркиби

Ўзгарувчанлар	Ҳисоблаш формуласи	МХҲС бўйича ҳисобланиши
K ₁	K ₁ = Олдинги давр тақсимланмаган фойдаси / Активлар	<i>Average retained earning / Average total assets</i>
K ₂	K ₂ = Сотишдан тушум / Активлар	<i>Revenues / Average total assets</i>
K ₃	K ₃ = (солиқдан олдинги фойда + тўланадиган фоизлар) / хусусий капитал	<i>EBIT / Total equity (market cap + preferred stock equity + noncontrolling interests);</i>
K ₄	K ₄ = Пул оқими / (Қисқамуддатли + Узоқмуддатли мажбуриятлар)	<i>Cash flow / Average total debt</i>
K ₅	K ₅ = Узоқмуддатли мажбуриятлар / Активлар	<i>Average debt / Average total assets</i>
K ₆	K ₆ = Қисқамуддатли мажбуриятлар / Активлар	<i>Current liabilities / Average total assets</i>
K ₇	K ₇ = Log (моддий активлар)	<i>Log (tangible total assets)</i>
K ₈	K ₈ = Айланма капитал / (Қисқамуддатли + Узоқмуддатли мажбуриятлар)	<i>Average working capital / Average total debt</i>
K ₉	K ₉ = Lg[(Солиқдан олдинги фойда + Тўланадиган фоизлар) / Тўланадиган фоизлар]	<i>Log (EBIT / Interest)</i>

Шундай қилиб кенг тарқалган хорижий банкротлик моделларини кўриб чиқилди ва хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу кўриб чиқилган моделлар бари кўпхадли дискримант таҳлилга асосланган, шундай бўлса-да буларнинг орасида фарқли жиҳат мавжуд бўлиб у ҳам моделларни таркибий тузилши бўлган статистик танланмалар турли бўлиши ҳисобланади, яъни ҳар бир олим ўзича ёндашиб кўрилаётган корхонанинг ҳолатини аниқроқ тасвирлаш учун энг мақбул бўлган молиявий коэффицентлар мажмуини танлашга ҳаракат қилган. Ҳолбуки Фулмер моделидан ташқари қолган учта модель муаллифлари корхонанинг сотиш ҳажмига кўпроқ эътибор қаратишган ва бу моделлар натижавий қиймати ҳам сотиш ҳажмига тўғри мутаносиблигини акс эттиради.

БАНКЛАРНИНГ АКТИВЛАРИ БЎЙИЧА ФОИЗ СИЁСАТИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Маматов Б.Қ. Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходими,

Ривожланган мамлакатлар банк амалиётида фоиз сиёсатини шакллантириш банкнинг жалб қилинган ресурсларни қиймати, кредит rischi даражаси, кредит амалиёти харажатлари, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати, кредитга бўлган талаб ва таклиф, рақобат каби омиллар таҳлиliga асосланади. Хорижий мамлакатларда фоиз ставкасининг шаклланиши борасидаги орттирилган тажриба ва амалиётни ўрганиш натижасида мамлакатимиз тижорат банкларида фоиз сиёсати шаклланишини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятларини таҳлилини келтирамиз. Ривожланган мамлакатлар банк амалиётида фоиз сиёсатини белгилаш турли босқичларда ва чуқур таҳлиллар асосида олиб борилади. Чунки фоиз сиёсатини бундай чуқур таҳлил қилишдан асосий мақсад банк кредит операцияларининг самарадорлигига эришиш ва банкнинг стратегик мақсадларини амалга ошириш ҳисобланади. Хорижий мамлакатлар банк амалиётида фоиз сиёсатини белгилашда бир қанча моделлар қўлланилади. Бу моделлар банк фаолиятининг хусусиятлари, кредитлаш усуллари, миқдорларни тоифаларга ажратиш ва бошқа жиҳатлари асосида амалга оширилади. АҚШ тижорат банклари амалиётида фоиз сиёсатини белгилашда фойдаланиладиган методлар ва моделларга тўхталиб ўтамиз. Кредит тизими ривожланган мамлакатларда фоиз сиёсатини белгилашда қуйидаги моделлардан кенг фойдаланилади:

- “Қиймат плюс” модели;
- “Баҳо етакчилиги” модели;
- “Қиймат-фойда” модели.

Қуйида юқоридаги 3 та моделни кўриб ўтамиз:

1. “Қиймат плюс” модели. Тижорат банкларида фоиз сиёсати шаклланишининг оддий модели “Қиймат плюс” бўлиб, бунда банк томонидан жалб қилинадиган маблағлар ва кредит амалиёти бўйича банкнинг операцион харажатлари ҳисобга олинган ҳолда фоиз сиёсати шакллантирилади. Мазкур модел бўйича фоиз сиёсатининг шаклланишида қуйидаги компонентлар ҳисобга олинади ва уларнинг йиғиндиси сифатида умумий қиймат аниқланади:

- банк учун қарз олувчини кредитлаш мақсадида жалб қилинган маблағлар қиймати;
- банк операцион харажатлари, шу жумладан кредит бошқармаси ходимларининг ойлик иш ҳақи, кредитни расмийлаштириш, ҳисобварақ очиш, кредит мониторинги ва кредитни ундирилиши билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар;
- бажармаслиги мумкин бўлган мажбуриятлар rischi даражасига тўлов (банкнинг риск устамаси);
- кредит бўйича банк маржаси ёки банкнинг оладиган минимал даромади.

Буни қуйидаги формула орқали ифодалаймиз (1-формула):

$$\begin{array}{ccccccc} \text{Кредит} & = & \text{Кредитлаш} & + & \text{Банкнинг} & + & \text{Банкнинг} & + & \text{Банкнинг} \\ \text{баҳоси} & & \text{учун жалб} & & \text{операцион} & & \text{риск} & & \text{фоиз} \\ & & \text{қилинган} & & \text{харажатлари} & & \text{устамаси} & & \text{маржаси} \\ & & \text{маблағлар} & & & & & & \\ & & \text{қиймати} & & & & & & \end{array}$$

Кўрсатилган компонентлардан ҳар бири кредит суммасига нисбатан йиллик фоиз шаклида акс эттирилиши мумкин. “Қиймат плюс” модели оддийлиги ва тезкорлиги билан ажралиб туради. Лекин “Қиймат плюс” моделининг камчиликлари сифатида

банк ўз харажатларини аниқлаш жараёнининг техник жиҳатдан мураккаблиги ва бошқа кредиторлар томонидан таклиф қилинадиган фоиз ставкалар, яъни рақобат омилининг ҳисобга олинмаслиги ҳисобланади. Тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига юқорида келтириб ўтилган компонентларнинг мос фоизларини қўшиш орқали келтириб чиқарилади. Масалан, банк ўз мижозидан 20 млн. сўмлик кредит буюртмасини олди ва базавий ставка 16 % ни ташкил қилди. Кредитни расмийлаштириш ва назорат қилиш бўйича операцион харажатлар таҳлил натижасида кредит суммасининг 2 % ини ташкил қилиши аниқланди. Кредит бошқармаси кредит рисқи бўйича 2-6 % миқдорида устама ўрнатилишини белгилаб қўйган. Банк эса ўз фоиз маржасини 2 % қилиб ўрнатди. Шундан келиб чиқиб, тижорат банки кредитининг баҳоси 22 % ни, яъни $(16\%+2\%+2\%+2\%)$ ни ташкил қилишини кўришимиз мумкин.

2. “Баҳо етакчилиги” модели. “Қиймат плус” моделида келтирилган камчиликлар фоиз сиёсатини шаклланишининг бошқа бир моделини, яъни “Баҳо етакчилиги” (баҳо лидерлиги) моделининг пайдо бўлишига олиб келди. 1930 йиллардаги буюк депрессия даврида АҚШнинг энг йирик банклари “Прайм-райт” (гоҳида у базавий ёки маълумот ставкаси деб аталади) номи билан машҳур бўлган кредитлар бўйича унификациялашган фоиз ставкаси ҳамда қисқа муддатли кредитлар бўйича кредитга лаёқатлилиги юқори ишончли мижозларга таклиф қилинадиган энг паст ставкани ўрнатиш тартибини жорий этдилар.

Ҳозирги вақтда АҚШда “прайм-райт” ставкаси тижорат банклари амалиётида етакчи ставка бўлиб, кредит бўйича ўз ставкаларини доимий равишда эълон қилиб борадиган йирик банкларнинг, яъни “пул марказлари” томонидан эълон қилинадиган ставкаси ҳисобланади. Кўп йиллар давомида ушбу ставка барқарор бўлган, аммо қимматли қоғозлар бозори ва инфляциянинг шиддатли ривожланиши шароитида “прайт-райт” сузиб юрувчи ставкаси қўлланила бошланди. Ҳар қандай қарз олувчига бериладиган кредит бўйича ҳақиқатдаги фоиз ставка қуйидаги формула асосида аниқланади (2-формула):

$$K_c = B_c + Y + P_c$$

Бунда:

K_c – кредит фоиз ставкаси;

B_c – базавий ёки прайм-рейт ставкаси (банк маркасини ҳисобга олинган ҳолдаги);

Y – устама, биринчи синфга кирмайдиган мижозларга мажбуриятларни бажара олмаслиги учун қўйиладиган устама;

P_c – риск мукофоти.

“Прайм-райт” ставкаси пул бозорининг муҳим ставкалари ўзгариши натижасига асосланади. Етакчи банклар томонидан “прайм-райт” сузиб юрувчи ставкани ҳисоблашнинг икки хил усул билан амалга оширилади:

1. “Прайм плус” усули;

2. “Прайм кўпайтириш” усули.

Қуйида келтирилган жадвалда “прайм-райт” ставкаларининг ўзгаришининг тижорат банклари фоиз сиёсатига таъсирини кўриб чиқамиз.

“Прайм-райт” ставкаларининг ўзгаришининг кредит баҳосига таъсири таҳлили

№	Фоиз ставкалари	“Прайм плус” усулида	“Прайм кўпайтириш” усулида
1. Базавий ставка ошганда			
1.1	10	12	12

1.2	12	14	14,4
1.3	14	16	16,8
1.4	16	18	19,2
1.5	18	20	21,6
2. Базавий ставка пасайганда			
2.1	17	19	20,4
2.2	15	17	18
2.3	13	15	15,6
2.4	11	13	13,2
2.5	9	11	10,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз ставкалар базавий ставкаларнинг кўтарилиши шароитида “Прайм кўпайтириш” усули бўйича ҳисобланган кўрсаткичлар “Прайм плюс” усул бўйича ҳисобланган кўрсаткичларга нисбатан тез ўсади. Бу усулларда “Прайм-рейт” ставкасига банк томонидан қўйиладиган устама мос равишда қўшиш ёки кўпайтириш орқали аниқланади. Мисол учун базавий ставка 14 фоизни ташкил қилса ва унда қарз олувчига қисқа муддатли кредит бўйича “прайм + 2%” усулида 16 % белгиланади. “Прайм кўпайтириш” усулида эса (“прайм-рейт” * 1.2) 16,8 % ўрнатилади. Базавий ставкаларнинг пасайиш шароитида эса тескари ҳолат кузатилади. Хулоса қилиб айтганда, “прайм кўпайтириш” усули геометрик прогрессияга, “прайм плюс” усул арифметик прогрессияга мувофиқ тарзда ўзгаради.

3. “Қиймат-фойда” модели асосида кредит ставкасини ўрнатиш. АҚШда банк амалиётида тижорат банкларининг барча харажатларини ва кредитлаш фаолиятида юзага келадиган рискларни қоплай оладиган ҳамда банк учун етарли даромадни таъминлайдиган фоиз сиёсати шаклланишининг мураккаб моделлари ишлаб чиқилиб амалиётда кенг қўлланилмоқда. Шундай моделлардан бири “Қиймат-фойда” модели ҳисобланади. Бу моделга мувофиқ, банк зарур молиявий ресурсларни жалб қилиши, кредитлаш амалиёти харажатларини қоплаши ва натижада етарли фойдага эришиши кўзда тутилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Норкобилов С., Дадабоева Х., Жўраев Ў. “Халқаро амалиётда банк назорати”. IQTISOD-MOLIYA. Тошкент, 2007. 172 б.
2. Шидловская М.С. Банковский надзор и аудит. Минск, Вкшная школа. 2003 г.
3. www.imf.org
4. www.worldbank.org

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ЙЎЛЛАРИ


*Маматов Р.Р., БМА тингловчиси
Бўтабоев М.Ш., БМА доценти*

Ўзбекистонда бозор ислохотларининг тобора чуқурлашуви шароитида мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларига инвестициялар таъсири тобора кучайиб бормоқда бўлиб, уларда асосий инвесторлардан бири банклар бўлмоқда. Шу билан бирга, тижорат банклари ресурсларини шакллантириш, жойлаштириш ва уларни сифатини ошириш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳам кўпаймоқда. Тижорат банклари ресурсларини сифатини ошириш уларнинг ликвидлилигини таъминлаш ва миллий валюта барқарорлигини оширишда, мамлакатда экспортга йўналтирилган рақобатбардош товарлар ва хизматлар ҳажмини

қўпайтиришда, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида банкларнинг молиявий ресурслар базасини кенгайтириш ва уларни жалб қилиш суръатлари билан боғлиқ айрим масалалар долзарблигича қолмоқда (Мирзиёев, 2017). Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари мавқеининг пастлиги банклар жами активларида ва пасивларида қимматли қоғозлар салмоғининг кичиклиги ҳамда ялпи даромади таркибида қимматли қоғозлардан олинadиган даромадлари салмоғининг жуда пастлигида яққол намоён бўлмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини тартибга солишчи меъёрий-ҳуқуқий асоснинг такомиллашмаганлиги, қимматли қоғозлар бозорида рисклилик даражасининг юқорилиги, капитализация даражасининг кичиклиги, қимматли қоғозлар ликвидлик даражасининг пастлиги; муддатли ҚҚБнинг йўқлиги, инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларининг етарли даражада ҳимоя қилинмаганлиги ва ҳ.к.лар билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини белгиллаган бўлиб, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш вазифаси қўйилган (ПФ-4947). Шу билан бирга, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида молия бозорини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан алоқаларни кенгайтириш, тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун хомашё ва материалларни сотиб олишда молиявий ресурсларга бўлган талабларини қондириш мақсадида иқтисодиёт ҳамда кичик бизнес соҳаси субъектларини кредитлаш ҳажмини бир неча баробар ошириш масалалари тижорат банклари томонидан кенг қўламда ресурс жалб қилинишини назарда тутди. Ушбу масалани муваффақиятли ҳал қилиш учун эса ресурс жалб қилишнинг турли усулларида фойдаланишни кенгайтириш керак. Шунинг учун ҳам давлат дастурида мустаҳкам молиявий институтлар ҳисобланган банклар, суғурта компаниялари, йирик давлат компаниялари, акциядорлик жамиятларига облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга рухсат бериш белгиланган. Бироқ, ушбу масалани ҳал қилиш учун тижорат банкларининг фонд бозоридаги эмиссион фаолияти ҳолати тадқиқ қилиниши ва такомиллаштириш йўналишлари аниқланмоғи зарур.

Шунинг учун, илғор хорижий тажриба асосида мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларига инвестицияларнинг таъсири ошириш ва уларда банклар иштирокини кенгайтириш долзарб масалалардан бирини ташкил қилмоқда. Ушбу масалани “Агробанк” АТБ мисолида кўрайлик. Банк инвестиция сиёсатида бошқа эмитентлар устав капиталига қўйилмалар ва акцияларнинг умумий қиймати 1 даражали капиталнинг 50 фоизидан ошмаслиги белгиланган. Бироқ, банк активларини диверсификациясини таъминлаш инвестицияларга ажратилadиган маблағнинг маълум бир даражадан кам бўлмаслигини ҳам белгилаши керак. Инвестиция сиёсатида ушбу зарурият назарда тутилмаган. Шунинг учун, банк соф инвестицияларининг жами активлардаги улуши йилдан-йилга қисқариб бормоқда:



**Банк жами активларида соф инвестициялар улуши динамикаси
("Агробанк" АТБ).**

Ушбу ҳолда етти йил ичида банк активларидаги соф инвестициялар улуши 3,7 фоиздан 3,4 фоизгача тушганини, яъни банк активларининг жойлаштириш йўналишлар бўйича диверсификацияси ёмонлашганини ва банк активлари ичида инвестиция активлари улуши аҳамиятсиз даражада қолаётганини кўрамиз. Бундай ҳолатни эса тубдан ўзгартириш талаб қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларига банк инвестицияларининг таъсири кўламини кенгайтириш учун:

1. Тижорат банклари инвестиция сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқиш, қимматли қоғозлар бозори ёрдамида улар капитализация даражасини ошириш ва ресурс жалб қилишнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш;

2. "Агробанк" АТИБ активлари тузилмасида даромадли инвестиция активлари улушини ошириш, инвестиция портфели тузилмасини корпоратив облигациялар билан диверсификациялаш, даромад бермайдиган ва риск даражаси юқори активларни зудлик билан сотиш, банк инвестиция фаолияти ва эмиссия фаолиятига масъул бўлинмалар ишини қайтадан ташкил қилиш;

3. "Агробанк" АТБнинг банк кенгаши қошида инвестиция қўмитаси ишини фаоллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т: Ўзбекистон, 2017, 103 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

3. "Агробанк" АКБ Инвестиция сиёсати.

СЕМЕЙНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО И ЕГО РОЛЬ В РОСТЕ БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ.

Мирзахоликов Б. Б., Наманганский инженерно-технологический институт. соискатель.

Семейное предпринимательство – совместная предпринимательская деятельность, осуществляемая супругами на базе их общего имущества, принадлежащего им на правах общей совместной собственности и основанная на личном труде супругов и помогающих им членов семьи.

Общая численность работников семейного предприятия, включая его участников, не может быть более размера, установленного для малых предприятий. При этом минимальное количество участников семейного предприятия должно быть не менее двух человек.

Согласно проекту закона Республики Узбекистан «О семейном предпринимательстве» участниками семейного предприятия могут быть супруги, их кровные и сводные братья и сестры с супругами, достигшие трудоспособного возраста дети и внуки с супругами (в том числе усыновленные (удочеренные) и приемные), дяди и тети и их дети, родители супругов (в том числе усыновители и опекуны).

В системе семейного предприятия, как и во всех других формах организации предпринимательства, движущей силой являются денежные ресурсы.

В производственной деятельности семейного предприятия денежные ресурсы являются финансовой категорией, характеризующей основу семейного предприятия, и связанной с другими финансовыми категориями, подсистемами, находящимися на более высоком уровне.

Сущность финансов семейного предприятия, отражая его производственно потребительскую деятельность, представляет собой совокупность денежных отношений, возникающих в процессе использования денежных средств, доходов и накоплений, формирующихся в распоряжении субъекта семейного предпринимательства для целей расширенного воспроизводства, экономического стимулирования работников- членов семьи, удовлетворения их потребностей.

Финансовые ресурсы семейного предприятия одновременно выполняют две функции: обеспечения и сбережения. Первая функция обеспечения является приоритетной в финансовой системе семейного предприятия. Она заключается в обеспечении и поддержании на необходимом уровне производственной деятельности предприятия – с одной стороны, и потребительской обеспеченности членов семьи, являющихся участниками семейного предприятия – с другой.

Вторая функция бюджета семейного предприятия касается распределения первичных доходов семьи. Данная распределительная функция отражает формирование, распределение и использования денежных потоков в системе семейного предприятия.

Аккумуляция и использование финансовых ресурсов реализуется в рамках финансового фонда. Это способствует ведению мониторинга ситуации между производственной деятельностью семейного предприятия (в целом и каждого отдельного члена) и потребительским моментом.

Финансовые ресурсы семейного предприятия - это денежные средства, имеющиеся в его распоряжении и предназначенные для обеспечения его эффективной деятельности, для выполнения финансовых обязательств и экономического стимулирования работающих - членов семьи. Источники финансовых ресурсов, как и сами ресурсы, также могут быть собственными, заемными и привлеченными

Финансы семейного предпринимательства – неотъемлемая составная часть финансовой системы государства. Государство формирует финансовую политику на макроуровне и осуществляет законодательное регулирование финансов микроуровня. Оно

определяет порядок образования, распределения и использования средств централизованных фондов финансовых ресурсов, которые служат одним из источников финансирования сферы семейного предпринимательства. Финансы семейного предпринимательства являются своего рода барометром, который отражает все изменения, происходящие с финансами в мировом и национальном экономическом пространстве. Поэтому мировые экономические изменения влияют на них, а финансовые кризисы, в большинстве случаев, подавляют экономическую и финансовую деятельность.¹⁶²

Семейное предпринимательство можно считать одной из самых древнейших форм организации бизнеса.

Создание в нашей стране правовых основ финансовой и моральной поддержки семьи и дальнейшее совершенствование соответствующего законодательства служат дальнейшему укреплению благосостояния семьи, являющейся основным звеном общества. В частности, реализация законов и других нормативных актов в сфере организации предпринимательства, надомного труда имеет приоритетное значение в повышении благополучия семей.

Развитие семейного предпринимательства способствует созданию новых рабочих мест, а также повышению доходов семьи.

Упрощенные методы кредитования обеспечивают населению начало своего бизнеса или успешного его продолжения.

В нашей республике многое делается для развития семейного предпринимательства, в частности выделяются кредитные ресурсы на развитие семейного бизнеса и ремесленничества, финансирование бизнес-планов выпускников учебных заведений, покупку скота для личных и подсобных хозяйств, расширение услуг и сервиса. Особое внимание уделяется женщинам пожелавшим заняться предпринимательством. Так в частности многие из них приобрели швейные машинки под кредит, повсеместно открываются частные детские сады и школы. На эти цели также выделяются большие объемы кредитов.

Из вышесказанного можно сделать вывод о том, что повышение благосостояния семьи напрямую зависит от увеличения доходов семейного предпринимательства и их рационального использования.

Для увеличения доходов семейного предпринимательства со стороны государства, различных фондов и общественных институтов оказывается огромная поддержка.

Рассмотрим некоторые пути дальнейшего развития семейного предпринимательства. На наш взгляд необходимо задействовать – махаллинские комитеты как один из центров развития и поддержки семейного бизнеса. Изыскать возможности развития семейного предпринимательства в махалле. Повысить внимание и оказание поддержки в помощи развития семейного бизнеса со стороны местных хокимиятов и председателей махаллинских советов. Махаллинские советы должны помочь в выборе направления бизнеса субъектами предпринимательства, привлечь специалистов способных оказать консультацию по законодательно-нормативной базе. Оказать помощь в организации обучения граждан, изъявивших желание заняться предпринимательской деятельностью. Оказать помощь в осуществлении регистрации семейного бизнеса и в получении микрокредитов коммерческих банков.

Осуществление выше перечисленных мер на практике будет способствовать дальнейшему развитию семейного предпринимательства, что повлечет в свою очередь увеличение рабочих мест и повышению доходов населения, а это в свою очередь будет способствовать дальнейшему росту благосостояния семей.

¹⁶² «Ракобатбардош кадрлар тайерлашга инновацион ёндашув» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллар туплами. Н.: 2012й, 2-кисм, 102-103б.

ИНВЕСТИЦИЯ КРЕДИТЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ

Муртазаев Ж. Х. Ўз. Р. БМА магистранти

Инвестиция лойиҳаларини кредит маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги энг самарали инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш орқали амалга оширилади. Бунда асосий эътибор пулнинг вақтлик қиймати ва дисконтлаш ставкасини ҳисоблаш қоидаларига қаратилиши лозим. Лойиҳа самарадорлигини ошириш учун қарор қабул қилишнинг барча жараёнларида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, танлаш ва амалга ошириш бўйича амалдаги тизимни такомиллаштириш зарур. Сабаби мамлакатимиз амалиётида кичик бизнес субъектлари инвестиция лойиҳаларини самарадорлигини баҳолашда корхоналарни молиявий таҳлил қилиш усулидан фойдаланилади. Молиялаштириладиган лойиҳа самарадорлигини баҳолаш учун молиявий ва тижорий рискларни ўрганиш лозим. Рискни бошқариш чоралари ва усулларини танлаш жуда муҳим босқич ҳисобланади. Аниқ танланган усул доирасида аниқ чора-тадбирларни қўллаш мумкин. Бу босқич лойиҳани амалга оширишни бошлаш ҳақидаги қарорни қабул қилишдан аввал ўтказилиши керак. Танлашда кечикиш лойиҳа иштирокчиси учун жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқариши ёки иштирокчилар ўртасида жиддий келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Рискни бошқаришда чора ва усулларни оптимал вариантини танлаш барча лойиҳа иштирокчилари ўртасида жиддий музокаралар бўлишини талаб қилади. Рискни олдини олиш ва назорат қилиш босқичида маълум режа ва дастурлар асосида аниқ ташкилий-техник тадбирлар кўриб чиқилади. Бу босқичда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади: рисклар мониторинга; рискни истикболини белгилаш; таҳдид солувчи хатарлар ҳақида раҳбарларга маълумот бериш ва бу билан боғлиқ кўрсатмаларни ишлаб чиқиш. Рискни олдини олиш ва назорат қилиш дастури доирасида махсус ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқиш даркор.

Чунки, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдан олдин унинг самарадорлигини тўғри баҳолаш жуда муҳим. Инвестиция лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда миллий иқтисодиётимизга мос келадиган, такомиллашган усулларни тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Яна бир муаммо инвестиция лойиҳасини амалга оширишдан олдин унинг самарадорлигини тўғри баҳолашда нафақат банк ходимлари, балки махсус экспертлар ҳам айрим хатоликларга йўл қўйишади.

Лойиҳалар самарадорлигини аниқлаш мураккаб жараён бўлиб, бунда бирон-бир оддий алгоритмдаги ҳисоблар билангина чегараланиб қолмасдан, самарадорликни янада чуқурроқ баҳолаш имконини берувчи бошқа кўрсаткичларидан фойдаланиш талаб этилади. Самарадорликка вақт, инвестиция қиймати, фойдалилик кўрсаткичи ва бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Лойиҳани таҳлил этишда ҳар бир кўрсаткич учун ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда бир хил давр оралиғини олиш зарур. Лойиҳа самарадорлигини баҳолашда оддий баҳолаш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ҳар қандай лойиҳада етарлича иштирокчилар ва жамоалар бўлади, лойиҳа иштирокчиси учун ижтимоий ёки иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш муҳим.

Инвестиция лойиҳалари ичидан мақсадга мувофиғини танлашда, самарадорлик кўрсаткичлари орасида қуйидаги ҳолларда номувофиқлик келиб чиқиши мумкин:

- бошланғич инвестиция ҳажмининг номувофиқлиги бўйича, яъни сарфланган инвестиция харажатлари турлича бўлганда;
- пул тушумларининг вақт бўйича мос келмаслиги, яъни лойиҳадан келадиган пул тушумларининг турлича бўлишида.

Бошланғич инвестиция ҳажми ҳар хил бўлганда самарали лойиҳани танлашда бир-бирдан фарқланадиган лойиҳанинг дисконтланган бошланғич инвестиция ҳажмини таҳлил қилиш ҳамда таққослаш лозим. Бундай шароитда турли хил кўрсаткичлар бўйича (NPV, IRR, PI) номувофикликлар келиб чиқади. Бу номувофикликларнинг асосий сабаби шундаки, лойиҳанинг соф дисконтланган даромади (NPV) дисконтланган инвестиция харажатларидан дисконтланган пул оқимларининг ортган абсолют миқдорини ҳисоблайди, рентабеллилик индекси (PI) эса дисконтланган инвестиция харажатларини бир сўмга нисбатан даромадлилигини ҳисоблайди. Ички даромадлилик ставкаси (IRR) эса бошланғич инвестициянинг даромадлилик даражасини ёки дисконтланган пул оқимларини дисконтланган инвестиция харажатларига тенглаштирилганидаги дисконт ставкасини ҳисоблайди.

Хорижий кредит линия маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда яна бир нарсани эътиборга олишимиз керакки, лойиҳа қайси секторга таълуқли (давлат секторигами ёки нодавлат секторигами) ва бундан келиб чиқиб унинг самарадорлигига ёндашиш зарур. Нодавлат секторга таълуқли лойиҳалар хоҳлаймизми йўқми давлат секторига мансуб корхоналар билан мулоқатга киради (ёқилғи, ёнилғи, электр энергия, газ, нефть, коммунал хизматлар ва бошқа). Нодавлат сектори фаолияти юксалиб бориши муносабати билан самарадорликни аниқлаш усулларини қўллашда лойиҳалар ичидан муқобилини танлашни ташкил этишда бир хил харажатлар талаб этувчи лекин лойиҳадан келадиган тушумлар турли бўлишида соф дисконтланган даромад ҳамда ички даромадлилик меъёри мезон сифатида қабул қилиниши талаб этилади ва лойиҳаларни кесишиш нуқтаси асосий мезон сифатида қабул қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. OECD Economic Outlook, Vol. №73, 2003/ I. - June, pp. 38-39.
2. “www.federalreserve.com” сайти маълумотлари.
3. Мишикин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых циклов. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2013. – С.295.
4. Устойчивость банковской системы и развития банковской политики. Монография. Под ред. Проф О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 131-140.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ХОРИЖИЙ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИНИНГ РОЛИ

Мухитдинова Д. Ўз. Р. БМА мустақил изланувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш мақсади белгилаб олинди[1].

Жаҳон глобализация жараёнининг ортиб бориши ривожланаётган бир даврда Республикамизда ҳам янги инновацион технологияларни татбиқ қилган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ривожланган давлатлар қатори даражасига олиб чиқиш учун ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни ресурс билан таъминлаш зарур эканлигини тақозо этмоқда.

Юқоридаги вазифаларга эришиш йўлида Республикамиз қўлаб молия институтлари билан ўзаро алоқаларни ўрнатган. Бу муносабатлар натижасида, кредит линияларнинг банклар орқали ўзлаштирилиши тенденцияси кенгаймоқда. Қуйида иқтисодиётимизда асосий кредит линияларни тақдим этаётган банкларни кўриш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан тақдим
этилаётган хорижий кредит линиялари[2]**

Кредит линия тақдим этаётган ташкилот	Банк номи	Ҳар бир лойиҳа бўйича ажратилаётган сумма	Фоиз ставка	Максимал муддат
Хитой тараққёт банки	Миллий банк, Ипотека банк, Асака, ПСБ.	Минимал 100 минг АҚШ доллари, максимал 1 млн АҚШ доллари	8,5- 9,5%	7 йил
Голландиянинг FMO кредит линяси	Миллий банк, Ҳамкор банк	Максимал 1 миллион АҚШ доллари	16- 18%	5 йил
Кореа экспорт-ипорт банки	Миллий банк, Ипотека банк, Асака, Ипак йўли банки, ПСБ.	Минимал 100 минг АҚШ доллари, максимал 1 млн АҚШ доллари	8,5- 9,5%	7 йил
ADB кредит линияси	Миллий банк, Халқ банк, Асака, Ипак йўли банки, ПСБ, Ҳамкорбанк, Давр банк, Турон банк	Максимал 5 млн АҚШ доллари	6-8%	5 йил
IFAD кредит линияси	Халқ банк, Қишлоқ қурилиш банк, Микрокредитбанк	Минимал 10 000 АҚШ доллари, максимал 100 000 АҚШ доллари	5,5- 6,5%	7 йил
BLUE ORCHARD (Люксембург)	Ҳамкорбанк	Максимал 1,5 млрд. Сўм	24%	3 йил
Commerzbank (Германия)	Миллий банк, Ипотека банк, Асака, Ипак йўли банки, ПСБ.	500 минг Евродан кам бўлмаган сумма	6-8%	5 йил
Landesbank (Германия)	Миллий банк, Ипотека банк, Асака, ПСБ, Азия Алианс банк	2 млн. Евродан кам бўлмаган сумма	6-8%	5 йил
EBRD кредит линияси	Миллий банк, Ипотека банк, Ҳамкор банк	Максимал 2 млн. АҚШ доллари	8,5- 9,5%	5 йил
ZIRAAT BANKASI (Туркия)	Агробанк	Чекловсиз	11,5- 12,5%	5 йил
ICDPS кредит линияси	Ипак йўли банк, Қишлоқ қурилиш банк, ОФБ, Азия алианс банк	Минимал 250 000 АҚШ доллари, максимал 4 млн АҚШ доллари	9-12%	4,5 йил
IBRD кредит линияси	Миллий банк, Ипотека банк, Асака, Ипак йўли банки, ПСБ, Халқ банк, Қишлоқ қурилиш банк, Турон банк, Ҳамкор банк	Минимал 200 000 АҚШ доллари, максимал 2 млн АҚШ доллари	5,5-7%	10 йил
IDA кредит линияси	Ипотека банк, Ипак йўли банки, ПСБ, Халқ банк, Турон банк, Ҳамкор банк	Минимал 50 минг АҚШ доллари, максимал 500 минг АҚШ доллари	5,5-7%	7 йил

Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки бугунги кунда нафақат давлат банклари балки хусусий банклар ҳам актив операцияларини мазкур хорижий кредит линиялар орқали амалга оширмоқда. Маслан, Хамкорбанк ва Ипак йўли банклари шулар жумласидандир. Бунга асосий сабаб ресурс нархининг арзонлиги ва узоқ муддатга жалб қилиш имконияти мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Маълумки одатда банк молиявий ресурсларининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар ташкил қилади ва асосан юридик шахслардан жалб қилинган депозитлар ва аҳоли омонатлари пасивлар таркибининг салмоқли қисмини эгаллайди. Шу жумладан Республикамиз банклари пасивлари таркибида ҳам узоқ йиллар ушбу моддалар асосий ўринни эгаллаб келган. Охирги йилларда тижорат банкларимиз мажбуриятлари таркибида кредит линияларининг ўрни тобора ортиб бораётганини кузатиш мумкин.

2019 йилнинг ярим йиллигига келиб Республикамиз тижорат банклари пасивлари таркибида жалб қилинган кредитлар улуши жами пасивларнинг 43 фоизини ташкил қилган. Яъни 2015 йилнинг шу даврида ушбу кўрсаткич 26 фоизни ташкил қилиб жорий даврга келиб 17 фоиз пунктга кўп бўлганлигини кузатиш мумкин.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари пасивлари таркиби [3]

Пассив	II кв. 2015	II кв. 2016	II кв. 2017	II кв. 2018	II кв. 2019
Талаб қилиб олинган депозитлар	0,28	0,32	0,26	0,22	0,15
Муддатли депозитлар	0,21	0,23	0,19	0,16	0,21
МБга тўланиши керак бўлган маблағлар	-	-	-	-	-
Банкларга тўланиши керак бўлган маблағлар	0,04	0,04	0,04	0,04	0,04
Чиқарилган қимматли қоғозлар	-	-	-	-	-
Жалб қилинган кредитлар	0,26	0,27	0,30	0,40	0,43
Субординар қарз мажбуриятлари	0,00	0,00	0,00	0,00	0,01
Бошқа мажбуриятлар	0,08	0,01	0,10	0,04	0,03
<i>Хусусий капитал</i>	0,12	0,13	0,11	0,14	0,12
Жами	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб савол шаклланади, нима учун бугунги кунга келиб Республикамиз тижорат банклар пасивлари таркибида депозит портфели салмоғи ортиши ўрнига кредит моддаси ортиб бормоқда? Биринчи навбатда ушбу модданинг ортишига мамлакатдаги валюта либерализацияси таъсири бўлса, кейинги ўринда ресурслар бозоридаги ҳолат яъни миллий валютадаги ресурсларнинг чекланганлиги, банклараро максимал равишда мавжуд миллий валютадаги ресурсларни ўзлаштириб олинганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқотларимиз давомида тижорат банклари пасивларининг шаклланиш ҳолати ва улар самарадорлиги ва барқарорлигини оширишда кредит линияларнинг ўрни хусусида қуйидаги хулосалар шаклланди:

– Ўтган йиллар мобайнида тижорат банклари томонидан амалга оширилган агрессив кредитлаш амалиёти банкларда кредитлар муддатиларига мутаносиб бўлган узоқ муддатли депозитлар етишмаслиги хавфини юзага келтирди;

–Банклар томонидан миллий валютада кредитлаш ҳажмининг кескин оширилиши бутун иқтисодиётда миллий валютадаги депозитларнинг ялпи етишмовчилиги ва баҳосининг кескин қимматлашувига олиб келди;

–Актив операцияларни пасив операциялар етарлича мувофиқлаштирилмаганлиги банкларда трансформацион ҳамда фоиз таваккалчиликларининг кескинлашувига сабаб бўлди;

–Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг кредитга бўлган талабини қондиришнинг муқобил варианты сифатида хорижий кредит линиялари кўрилмоқдаки, хорижий кредит линияларининг узоқ муддатли эканлиги банкларда ликвидлилик муаммосини маълум муддатга кун тартибидан олиб туриш имконини бермоқда;

–Шу билан бирга миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан кескин девалвациялашуви фонида хорижий кредит линияларига хизмат кўрсатиш мураккаблашиб бормоқда. Агар хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредит олаётган иқтисодий субъектларнинг хорижий валютадаги тушумлари етарли эмаслиги, олинган кредитларни миллий валютани хорижий валютага конвертация қилиш орқали сўндириш кўзда тутилганлиги инобатга олинса, хорижий кредит линияларининг ҳам пасивлар таркибидаги салмоғини мувофиқлаштириш зарар қилмайди.

Мавзу юзасидан амалга оширилган ўрганишлардан келиб чиқиб қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

–Тижорат банкларида пасивлар таркибини диверсификациялашда хорижий кредит линияларидан фойдаланишни кенгайтириш лозим;

–Кредит линияларни жалб қилинишида хорижий мамлакат ёки молия институти томонидан кўйилаётган шартлар (маласан, линия ҳисобидан фақат муайян бир мамлакатдан импорт қилишда фойдаланиш мумкинлиги ва.х.к)га асосий эътибор қаратиш зарур. Чунки бу каби шартлар хорижий кредит линиясига хизмат кўрсатишда маълум қийинчиликларни юзага келтириши мумкин;

–Банклар ўз ресурслар базасида йирик миқдорларнинг фаолияти, уларнинг экспорт салоҳияти, пул айланмалари прогнози, лойиҳалар истиқболи ва албатта миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланишининг эҳтимолий даражасини инобатга олган ҳолда кредит линияларининг оптимал миқдори (зарарсизлик нуқтаси)ни топиб олишлари лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Марказий банк расмий сайтидаги хорижий кредит линиялари бўйича маълумот. www.cbu.uz

3. 2015-2019 ярим йил яқунлари бўйича РА “Ахбор рейтинг” агентлиги банк сектори бўйича аналитик таҳлили маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Напасов Л.Б. МА тингловчиси

Бугунги кунда жамият ва мамлакат иқтисодиёти тараққиёти йўлида туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида инвестиция жараёнларини бевосита тезлаштириш ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш жараёнлари узлуксиз давом этаётган

тармоқлардагина барқарор иқтисодий юксалиш, иқтисодиётнинг диверсификация қилиниши ва технологик салоҳиятнинг ўсишини кузатиш мумкин.

Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш вазифаси уни модернизациялаш ва тузилмавий диверсификацияни амалга ошириш бўйича кенг қўламли комплекс дастурларнинг амалга оширилишини ҳамда фаол эмиссия ва инвестиция сиёсатининг юритилишини талаб қилади. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари сифатида иқтисодиёт реал секторининг инновацион ривожланиш даражасини ошириб бориш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш, товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган эди¹⁶³. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹⁶⁴ корхоналар рақобатбардошлигини ошириш бўйича кенг қўламли дастурни амалга оширишда акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, юқори технологияли қайта ишловчи тармоқларнинг ривожлантирилиши, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритиш, каби масалаларда муҳим роль ўйнаши белгиланган. Ушбу мақсадларга эришиш учун йирик инвестиция лойиҳаларини тайёрланиши ва амалга оширилишига масъул бўлган менежерларни ўқитиш ва тайёрлаш тизимини тубдан янгилаш талаб қилинади. Шу вақтнинг ўзида инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ўзбекистондаги корпоратив бошқарув, ҳар қандай ривожланувчи тизим каби доимо такомиллашиб бормоқда. Ҳозир корпоратив бошқарув ва назоратнинг оғирлик маркази давлатдан иқтисодиётнинг бирламчи бўғини – хўжалик юритувчи субъектларга ўтмоқда.

Шунинг учун, ички корпоратив алоқаларни ривожлантириш, ички корпоратив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубиётини тобора такомиллаштириб бориш муҳим масаладир.

Банк тизимидаги ислохотлар қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

- банклар капиталлашув даражасини ошириш, аҳоли ва корхоналар бўш пул маблағлари ҳисобига ресурс базасини мустаҳкамлаш;
- ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашдаги банкларнинг иштирокини янада кенгайтириш;
- кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш жараёнларида иштирок этиш;
- хорижий сармояларни жалб этиш, илғор корпоратив бошқарув амалиётларини татбиқ этиш;
- банк фаолиятини Базель кўмитасининг янги тавсиялари асосида янада такомиллаштириш;
- ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;
- масофадан туриб хизмат кўрсатиш қўламини янада кенгайтириш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти учун кўплаб хорижий инвестициялар жалб қилинди. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш доирасида замонавий, юқори технологияларга асосланган кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилди. Мисол тариқасида ана шундай йирик лойиҳалар қаторида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ кимё мажмуаси, Қўнғирот сода

¹⁶³ www.pres-service.uz.

¹⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли Фармони.

заводи, Дехконобод калийли ўғитлар заводи, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплексларини санаб ўтиш мумкин.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий жиҳатдан юксалтиришга ҳам ички, ҳам ташқи инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкин. Инвестиция жараёнларини молиявий таъминлашнинг бозор механизмида тижорат банкларининг бевосита фаол иштирок этиши муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда, бутун дунёда эътироф этилаётган тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида Ўзбекистонда барқарор ва мустаҳкам банк тизими яратилди. Бугунги кунда банк-молия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўз самарасини узлуксиз бериб келмоқда. Сўнгги йилларда “Moody’s”, “Standart & Poor’s” ҳамда “Fitch Rating’s” халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиздаги барча тижорат банкларига уларнинг барқарор ўсиш суръатларига эришаётганини тасдиқлайдиган рейтинг баҳоларини тақдим этмоқда.

Мустақиллик йилларида республика банк-молия тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ресурс базасини мустаҳкамланиши, инвестицион фаоллигини кенгайтирилиши — иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон банк-молия тизимига халқаро молия институтларининг, шунингдек, хорижий инвесторларнинг ишончи мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон банк тизими билан дунё банклари ўртасида иқтисодий алоқалар йилдан йилга мустаҳкамланиб бораётгани ҳам бунинг исботидир. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда инвестиция фондларининг иштирокини самарали йўлга қўйиш хорижий капитал иштирокидаги банкларни шакллантириш, бунда хорижий капитал билан бир қаторда хориж тажрибасининг ҳам мамлакатга кириб келиши кафолатланиб, инвестицион лойиҳаларни кредитлашда хорижий банклар тажрибаси ва малакасини қўллаш имконини беради.

Айнан хорижий инвестициялар ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятидан келиб чиқиб амалга оширилганда миллий иқтисодиётни таркибий қайта ўзгаришга, замонавий тармоқларни вужудга келтиришга ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишга имкон беради. Шунингдек, фаол инвестицион сиёсатни амалга ошириш, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва саноат тармоқларини техник модернизация қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида янги юқори технологик тармоқларни нисбатан қисқа муддатларда барпо этиш ҳамда аҳоли бандлик муаммосини ҳам бирмунча бартараф этиш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, миллий банк тизимининг ривожланиш даражаси миллий иқтисодиёт эҳтиёжларидан орқада қолмоқда ва айрим камчиликларга эга:


- банклар ўзлик капитали нисбатан секин ўсаётган бўлиб, кредит ҳажмларининг юқори суръатлар билан ўсишига кўпроқ банк мажбуриятларининг ўсиб бориши сабаб бўлмоқда;

- банклар кредит фаолиятига зўр бериб, эмиссион ва инвестицион фаоллиги нисбатан анча паст даражада;

- банк қимматли қоғозлари даромадлилиги ва ликвидлиги инвесторлар талаблари даражасида эмас;

- тижорат банкларининг тармоқланган инфратузилмаси ғарб мамлакатларидан фарқли ўлароқ миллий қимматли қоғозлар инфратузилмасига интеграциялашмаган ва муҳим секторини ташкил қилмаган;

- банклар корпоратив бошқарув даражаси, хусусан фаолиятининг шаффофлиги лозим даражада эмас



Ўзбекистон банк секторининг асосий кўрсаткичлари¹⁶⁵, млрд.сўм.

Юқори инновацион потенциалга эга бўлган республика компанияларининг инвестиция фаолиятини молиялаштиришни кенгайтириш учун корпоратив облигациялар фойдаланишга қаратилган эмиссион-инвестицион сиёсатни юритишни йўлга қўйиш.

Мамлакатимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сон фармони қабул қилинди.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада ривожлантириш амалга оширилаётган ислохотларнинг ажралмас ва ўта аҳамиятли қисми ҳисобланади. Шунинг қайд этиш жоизки, иқтисодий интеграция жараёнида миллий иқтисодиёт ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ва рақобатдошлигини оширишнинг асоси бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- биринчидан инновацион инвестицион капитал ҳажмини ошириб боришдан;
- иккинчидан йирик корпоратив тузилмалар салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва уни диверсификациялаш.

Ўзбекистонда инвестиция жараёнлари ва уларни ривожлантиришда корпоратив бошқарув тизимининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланади:

- халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш;
- чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;
- етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини халқаро стандартларга мос равишда тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш.

¹⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Шундан келиб чикиб, корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартиришимиз унинг ҳақиқий бозор хусусиятларига эга бўлишини таъминлаш ва консерватив қарашлардан халос бўлишида катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш тўғрисида. 15.03.2017 й. ПҚ-2836-сон Қарори.
4. Катасонов В.Ю., Морозов Д.С., Петров М.В. Проектное финансирование: Мировой опыт и перспективы для России. – М.: «Анkil», 2014. – 312 с.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ.

Нематуллоев С. С. Ўз. Р. БМА таянч докторанти

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини юксалтириш учун инвестицияларни жалб қилиш, хусусан, кичик бизнес соҳасида фаолият юритувчи хўжалик субъектларни замонавий техника ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш, янги корхоналарни ташкил этиш, бозор талабига жавоб берадиган рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бугунги куннинг асосий талабидир.

Кичик бизнес мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб берувчи муҳим кучга айланди. Жумладан, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни янада ривожлантириш, уни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларига Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни вақтда, кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш бевосита уларнинг ишлаб чиқариш жараёнини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришга боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг инвестицион харажатларини молиялаш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ ва фаол жалб этишга тўсқинлик қилувчи, биринчи навбатда давлат органларининг тадбиркорлар билан мулоқот қилишнинг амалий ва шаффоф тизими мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлган бир қанча салбий омиллар сақланаётганлигини кўрсатиб ўтилган. Кейинги йилларда республикада тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.


Жумладан, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилинди, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишлар бекор қилинди.¹⁶⁶ Шу билан бирга кичик бизнес субъектлари давлат дастурлари асосида

¹⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5718-сон фармони. “Халқ сўзи” газетаси 2019 йил 15 май № 99 сони

имтиёзли кредитлар берилиши уларнинг инвестиция фаолиятини амалга оширишга қулай шароит яратади.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йилда 59,4 фоиздан ошди. Ҳолбуки, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил етган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир (1-расм).

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланиши иқтисодиётнинг барча соҳаларида ва ишлаб чиқариш тармоқларида сезиларли салмоғи билан ажралиб туради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг республикада янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва жамият фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари ошиб бормокда. Жумладан, 2018 йилда 48,9 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,2 % кўп демакдир.¹⁶⁷




1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ЯИМ даги улуши (%)¹⁶⁸.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик асосий капиталга инвестицияларни ўзлаштиришда сезиларли ўзгарманини кўришимиз мумкин. Ҳолбуки, 2018 йил жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 107333,0 млрд. сўм, (доллар эквивалентида 13,3 млрд. АҚШ долл.) ёки 2017 йилга нисбатан 118,1 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.¹⁶⁹

¹⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

¹⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

¹⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари



2- расм 2017-2018 йилларда асосий капиталга инвестициялар ва улардаги кичик бизнес ва тadbirkorlikning улуши (млрд сўм).¹⁷⁰

Асосий капиталга инвестициялар йиллар бўйича динамикасини кузатадиган бўлсак, 2005 йилда – 2,0 трлн. сўм ёки 12,0 % ўсишни, 2010 йилда –10,8 трлн. сўм ёки 9,0 % ўсишни, 2015 йилда – 28,5 трлн. сўм ёки 8,1 % ўсишни ташкил этган бўлиб, жорий йилда энг юқори кўрсаткич 18,1 % қайд этилганини таъкидлаш лозим.

Шу муносабат билан кичик бизнес ва тadbirkorlikни ҳар томонлама ривожлантириш, уларни ташкил етиш, рўйхатга олиш ва молиялаштириш масалаларида қулай шарт-шароитлар яратиш керак. Кичик бизнес субъектларининг тўла эркинлигини таъминлаш ва улар фаолиятини рағбатлантириш лозим. Кичик бизнес ва тadbirkorlik фаолиятида инвестицияларнинг технологик тузулишини оптималлаштириш зарур , яъни инвестицияларнинг замонавий техника ва технологияларни сотиб олишга йўналтирилган қисмининг улушини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Саноат корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини кўпайтириш учун инвестиция киритиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга солиқ имтиёзлари берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, кўпчилик инвестиция киритган корхоналарида уларни қоплашда муаммолар пайда бўлмоқда. Имтиёзлар берилса корхонанинг соф фойдаси кўпаяди ва инвестицияларнинг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

¹⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА


Норбаев У. БМА тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹⁷¹ ги фармонида тўлов тизимини барқарорлигини таъминлаш, электрон тўлов тизимини янада ривожлантириш, шу жумаладан реал вақт режимида тезкорлик билан ҳисоб-рақамларни бошқариш ва банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи масофадан банк хизматлари кўрсатган ҳолда тижорат банкларининг самарали ахборот алмашинуви тизимини жорий қилиш, шунингдек, 2019 йил 28 январдаги ПФ-5308-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш» йилида амалга оширишга оид давлат дастури”да инновацион технологияларни кенг қўллаган ҳолда етакчи хорижий тўлов тизимлари билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимларини ривожлантириш вазифалари белгилаб берилган.

Бу борада Ўзбекистон банклари томонидан қўлланилиб келинаётган янги электрон тўлов тизими сифатига қуйидаги масофадан хизмат технологияларни кириштириш мумкин.

Тижорат банк мижозлари масофавий банк хизматларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил этганимизда ижобий ўсиш тенденцияни кўриш мумкин.

Масалан, мамлакатимизда 2019 йил 1 январ ҳолатига кўра масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 7,9 млн.дан ошди. расмда акс эттирилганидан шуни англаш мумкинки, сўнги беш йил мобайнида тижорат банкларимиз томонидан таклиф этилаётган масофавий банк хизматларининг турли кўринишларидан фаол фойдаланиб келаётганлари сони бир неча бараварга ошган, 2014 йилда бу кўрсаткич 264.3 минг.тани ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб 7.9 млн.дан ортиб, ўртача ҳисобда 30 мартага ошганлигини кўриш мумкин.



Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони¹⁷²
(2019 йил 01 январ ҳолатида)

Айни пайтда барча тижорат банклари Интернет тармоғида ўзларининг web-сайтларини очиб, улар банк фаолияти, янги хизмат турлари ва шартлари, мижозлар

¹⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент.

¹⁷² Манба: Муаллиф томонидан www.cbu.uz сайт маълумотлари асосида тайёрланди

манфаатига тегишли маълумотлар билан мунтазам бойитиб борилмоқда. Марказий банк веб-сайти орқали эса давлат интерактив хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган. Масофавий банк хизматлари фойдаланувчилар сони динамикасини тижорат банкларига кўра тақсимлаб чиқсак, АТ Халқ банк 2.6млн фойдаланувчи, АТ Агра банк 1.8млн. фойдаланувчи, ТИФ Миллий банк 911 минг фойдаланувчи, АТ Асакабанк 634 минг фойдаланувчилар сони бўйича билан масофавий банк хизматлари фойдаланувчилари сони бўйича етакчилик қилишмоқда. Юқоридаги тижорат банкларининг кўпчилик мижозлари мобил банкинг хизмати вакиллари саналади. Янги мобил банкинг хизмати жорий этилгач, уларнинг кўпчилиги шу хизматга уланишни бошлади.

Замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда масофавий банк хизмати атамаси остида бирлашувчи кенг миқёсдаги хизматлари орасидан бугун мамлакатимизда Интернет-банкнинг ва мобил банкинг хизматларига бўлган талаб юқоридир. Маълумки, Интернет-банкнинг хизмати банк ҳисоб рақамини масофадан туриб назорат қилиш ва стационар компьютер ёки ноутбукдан интернет орқали туну-кун реал вақт режимида бошқариш имконини беради. Мобил банкинг ҳам деярли шундай қулайликларга эга, фақат бунда мобил телефон банк ҳисоб рақамини бошқариш воситаси сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистонда масофадан туриб банк хизматларидан фойдаланувчи-ларнинг сони йилдан-йилга ўсиб боришига қарамасдан ривожланган давлатларга нисбатан паст кўрсаткич. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайтида келтирилган статистик рақамлар ёрдамида республикада масофали банк хизматлар тизимидан банк мижозлари қай даражада фойдаланаётганини қуйидаги рақамлар ёрдамида баҳолаш мумкин.

Жадвалдан кўриш мумкин, банкларнинг корпоратив мижозларини 1/5 қисмигина ва жисмоний шахсларни 43 фоизи масофавий банк хизматларидан фойдаланмоқда, умумий кўрсаткич эса 40,7 фоизни ташкил қилмоқда.

**2019 йил 1 январь ҳолатига масофали банк хизматларидан
Фойдаланувчилар сони¹⁷³ (турлари бўйича)**

Номи	Юридик шахслар ва бизнес субъектлари	Жисмоний шахслар	Жами
Умумий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони	1 880 634	17 686 000	19 566 634
Масофали банк хизматларидан фойдаланувчилар сони	359 770	7 599 337	7 959 107
Масофали банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг улуши (фоизда)	19,1	43	40,7

Мамлакатимизда аҳоли ҳамда банклар учун қулай бўлган масофавий банк хизматларини ривожлантириш борасида эндиликда, мижозга банк операциясини амалга ошириш учун муайян банк филиалига боришга ҳожат йўқ. У йўл учун вақтини сарфлаб, навбатга турганда, банк хизматчилари ходимлари билан суҳбат учун вақтини кетказиб ўтирмайди. Бунинг ўрнига кеча-кундуз давомида, реал вақт режимида ҳисоб рақамини кузатади ва назорат қилади. Масофавий банк

¹⁷³ Манба Ўзбекистон Республикаси банк тизими молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, валюта сиёсатини янада либераллаштириш ҳамда электрон хизматларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги вазирлик миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами.-Тошкент: ”Навруз” нашриёти, 2019.- Б.346

хизматларининг мижозлар учун қулай имкониятлари ана шундан иборат. Бу эса банкларга қўшимча харажатларни қисқартириш имконини ҳам берди.

Хулоса қилиб айтганда, масофавий хизматлар бозорини ривожлантириш йўлида мамлакатимиздаги мавжуд шарт-шароит ва унинг такомиллашувига қаратилган эътибор, Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини тараққий эттириш, электрон коммерция жараёнларини ҳаётга татбиқ этишга имкон берувчи маъёрий-ҳуқуқий база шаклланди. Хусусан, бунга “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжатлар айланмаси тўғрисида”ги, “Электрон имзолар тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Ахборот хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилингани ёрқин исбот бўла олади. Шунингдек, мазкур соҳа ривожига хизмат қилувчи мамлакатимиз Президентининг ва ҳукуматининг қатор қарорлари ҳам тижорат банкларимиз олдида қўйган вазифаларни тўлақонли бажаришида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. – № 6 (766). – 326.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент.
3. www.cbu.uz- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Муратов О.Ш. – БМА магистранти

Ҳозирда, иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнида ҳар бир давлат, шунингдек Ўзбекистон банкларининг иқтисодиётда тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Тижорат банклари жаҳон миқёсида ривожланиб ва янада такомиллашиб бормоқда.

Тижорат банклари фаолияти давомида барқарорлигини таъминлаб бориш, фойда олиш ва албатта ўз активларининг сифатини оптималлаштиришга интилади. Тижорат банкларининг активларига таъсир этувчи асосий омиллардан бири лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масаласи бўлиб, у орқали тижорат банк активларини оптималлаштиришга эришиш мумкин.

Шундай экан, тижорат банклари лизинг операциялари аудитини такомиллаштириш масаласи банклар фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Лизинг объектларини аудит қилиш бўйича ватанимиз ҳамда чет эл олимлари ўзларининг бир қанча фикрларини билдириб ўтганлар. Жумладан:

Малявина ва Попов (2002) фикрича, лизинг муносабатларининг хусусиятлари ва бир нечта асосий принциплари, яъни тўлов қобиляти, мақсадлилиқ ва аниқлилиқ, мулккий жавобгарлик, тежамкорлик, томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ҳозирчилиги, муносабатларининг хайрихоҳлиги, инновационлилиги, шартномавий муносабатлар ҳамда мулкни қайтаришлик принциплари мавжуд. Ушбу принциплардан кўриниб турибдики, лизинг операциялари ижара механизми билан уйғунлашиб кетган. Аммо улар ўртасида фарқ мавжуд бўлиб, лизинг операцияларининг қамрови кенгрок ва мураккаб иқтисодий учликни ташкил қилиб, кредит битимларининг хусусиятларини ўзида акс эттиради. Лизинг операциялари – тадбиркорлик фаолиятининг тизими бўлиб,

у ўзига учта ташкилий – иктисодий муносабатларни яъни, ижара, савдо ва инвестицион ҳамда молиявий лизинг операцияларни қамраб олган.

Черненко ва Дмитриева (2011) ларнинг фикрига кўра лизинг амалиётларини аудит қилишда аудиторлар бир қатор қийинчиликларга дуч келади. Хусусан, аудит қилинаётган объект ҳажми ва сони аниқ белгилаб берилмаганлиги сабабли аудиторлар томонидан мустақил танланма асосида текшириш ўтказилади. Бу вазиятда аудитор юзага келиши мумкин бўлган аудитор таваккалчилигини ҳисобга ҳолда ҳаракатланиши лозим. Рискни аниқлаш ва баҳолаш учун аудитор мустақил равишда сўровлар ўтказиши, ходимлар малакасини аниқлаш учун суҳбатлар ташкил қилиши ёки бошқа методлардан фойдаланиши мумкин. Лизинг операцияларини аудит қилишда аудитор биринчи навбатда лизинг объектини мавжудлигини, инвентаризация бўйича ишчи гуруҳ ташкил қилинганлигини, инвентаризация ҳисоботлари натижаларига, моддий жавобгарлик тўғрисида расмийлаштирилган шартномаларга, лизинг операцияларини ҳисоботда акс эттирилишига эътибор қаратиши лозимлиги эътироф этилган.

Вокина (2012) лизинг объектларини аудит қилишда биринчи навбатда бухгалтерия ҳужжатларини ҳаққонийлигини ўрганиш, лизинг шартномаларини қонун ҳужжатларга мос равишда расмийлаштирилганлигига, амортизация харажатларини тўғри ҳисобланишига эътибор қаратиш лозим деб билади. Жараённинг энг муҳим қисми бу аудит қилиш жараёнини ишлаб чиқиш, ишни тўғри режа қилиш, текшириш шаклини тўғри танлаш ҳисобланади деб эътироф этган.

Мусаев (2003) нинг фикрига кўра асосий воситалар аудитида уларнинг сотилиши, ижарага олиниши ёки берилишига (лизинг операцияларига) алоҳида эътибор берилади. Айрим ҳолларда маънавий эскирган асосий воситалар сотиб олинган бўлиши мумкин. Бундай текширув асосий воситаларни баҳолаш, сотиш, сотиб олиш, ижарага бериш ва тўлов ҳужжатлари орқали амалга оширилади. Аудитор асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилиши ва тугатилиши билан боғлиқ операцияларга эътиборини қаратиши лозим. Асосий воситалар тўлиқ эскирган, ўз фойдаланиш муддатини тўлиқ ўтагандан кейингина ҳисобдан чиқарилиши лозим деб ҳисоблайди.

Машарипов (2016) ўзининг мақоласида корхона бухгалтерия балансида лизинга олинган мол-мулклар бўйича тўловлар қандай ҳисобга олинишини келтирган. Автор мақоласида узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича пул тушумлари ва чиқимларини бухгалтерия ҳисобварақларида акс бўйича тушунчалар берган.

Танкевич (2013) лизинг амалиётларини аудит қилишда аудитор қўйидаги босқичларни бажариши лозим деб ҳисоблайди, хусусан:

1. Лизинг ҳужжатларини расмийлаштирилишини текшириш;
2. Лизинг амалиётларини синтетик ва аналитик ҳисобини текшириш;
3. Лизинг объектдан фойдаланишда ҚҚС ни тўловини текшириш;
4. Текшириш натижаларини расмийлаштириш;

Фикримча юқоридаги текшириш услуги тижорат банкларида ўз натижасини бермайди. Чунки лизинг шартномаси бўйича ҳисобланган даромадлар ва уларнинг ундирилиши, лизинг бўйича харажатларни ҳисобга олиш, лизинга эгалик қилиш ва лизинг таъминоти мавзудан четда қолган.

Новиков (2005) ўзининг илмий мақоласида лизинг амалиётларини аудит қилиш лизинг объектини олди-сотди қилиш келишувини текширишдан бошланади деб таъкидлайди. Лизинг шартномасида қўшимча хизматлар ҳам (объектни таъмирлаш, ходимни лизинг объектдан фойдаланишга ўргатиш, лизинг объектдан учинчи шахслар фойдаланиши) кўзда тутилиши мумкинлиги эътироф этилган. Келишувга асосан лизинг берувчи лизинг компанияси бўлган шартнома шартлари бошқа банк бўлганда бошқа шартлар бўлиши келтирилган. Шунингдек амортизация харажатларини қоплаш ва эскириш ҳисоблаш тўғрисида фикр юритган. Аудитор фақат

расмийлаштирилган ҳужжатларни қонунга мос келишини текширади деб хулоса қилган.

Рыбкина ва Черемесина (2013) лизинг амалиётларини ривожланишидаги муаммоларга изоҳ беришган. Олимларнинг фикрига кўра лизинг берувчининг балансидаги объект қиймати лизинг олувчининг баланс қийматидаги фарқ шартнома шартига кўра 20 фоиздан 50 фоизгача фарқланиши (объект нарҳини ошиб кетиши ва натижада солиқ юки ошиши), эскириш ҳисоблаш шартномада келишилмаган тақдирда лизинг муддати тамом бўлгандан кейин олувчи ва берувчининг бухгалтерия ҳисоботларида ноаниқликлар келиб чиқиши, амортизация харажатларини лизинг тўловларидан ошиб кетиши, лизинг шартномаси муддатидан аввал бекор қилиниши натижасида солиқлар ва бухгалтерия ҳисоботларида тушунмовчиликлар келиб чиқиш хавфи пайдо бўлиши каби муаммолар мавжуд (Россия Федерацияси қонунчилиги асосида ўрганилган).

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки корхонадаги лизинг амалиётларини аудит қилиш тижорат банкларидаги операциялардан бирмунча фарқ қилади. Бир гуруҳ олимлар лизинг операцияларини аудит қилишда асосан асосий воситани мавжудлигига эътибор қаратишса яна бир гуруҳ олимлар бухгалтерия ҳужжатларини синчковлик билан текширишни маъқул кўрадилар. Бизнинг фикримизча лизинг операцияларини сифатли аудит қилиш учун бу иккала олимлар гуруҳининг ҳам қарашлари нотўғри деб бўлмайди, аксинча лизинг объектининг сифати, таннархи, ҳозирги кун талабларига қанчалик жавоб беришини ўрганиш билан бир қаторда бухгалтерия ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлигини ҳам синчиклаб ўрганиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Малявина В., Попов С. (2002) “Лизинг и антикризисное управления” - М.: “Юрист” 118б;
2. Черненко А.Ф., Дмитриева И.Н. (2011) “Планирование аудиторской проверки лизинговых операций”, журнал “Экономика: вчера, сегодня, завтра”, Издательство “Аналитика родис” Российские научные рецензируемые журналы, УДК 657.631.6(075.8), 118-135б;
3. Вокина Е.Б. (2012) “Этапы аудиторской проверки лизинговых операций”, Самара, Научно-издательский центр ООО “Аспект”, 304б;
4. Мусаев Ҳ.Н. (2003) “Аудит”, Дарслик. Т “Молия”, 64б;
5. Машарипов О. (2016) “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг ахборот имкониятлари ва тузиш услубияти”, “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журналы, № 3;
6. Танкевич Т.В. (2013) “Аудит лизинговых операции, особенности его проведения”, Минск, ООО “ЮрСпектр”, Нац. центр правовой информ, 34-39б;
7. Новиков С.С (2005) “Аудит лизинговых операций”, Журнал “Аудитор” №2-2005, 5б;
8. Рыбкина А.Г, Черемесина Н.В. (2013) “Проблемы бухгалтерского учета лизинговых операций лизингополучателя при учете имущества (предмета лизинга) на его балансе”, Международный научно-теоретический и прикладной журнал “Социально-экономические явления и процессы”, №4 -050, 142-145б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШДА ЕВРООБЛИГАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Отаханов С. БМА тингловчиси

Еврооблигациялар эмитент(қимматли қоғозлар ва қоғоз пул чиқариш ҳуқуқига эга бўлган давлат, банк ёки идора) учун хориж валютасида чиқарилган узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозлардир. Эмитентнинг ишончилигини рейтинг агентликлари кузатиб боради. Еврооблигациялар 1 йилдан 40 йилгача бўлган муддатга маблағ ресурсларини

олишдан манфаатдор бўлган ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, йирик корпорациялар томонидан чиқарилади. Бошқача айтганда, бу қарз мажбурияти бўлиб, муайян вақтда сўнг евробондлар қайта сотиб олиниши керак. “Евро” олд қўшимчаси эса бундай облигациялар 1963 йилда Европада (Италияда) пайдо бўлгани билан боғлиқ. Айни пайтда мазкур анъанавий ном турли бозорларда ва турли валюталарда ҳам бир хилда қўлланилади.

Еврооблигациялар уни чиқарган мамлакатдан бошқа турли давлатлар молия бозорларига жойлаштирилади. Бу билан андеррайтерлар (кафолатловчилар) халқаро синдикати шуғулланади. Унинг таркибига дунёдаги энг кучли молия институтлари киради. Бу эса мазкур қарз мажбуриятининг молиявий восита сифатидаги ишончилигини таъминловчи омилдир. Андеррайтерлар, эмитентлар, инвесторлар (суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари ва бошқа тузилмалар) Халқаро капитал бозори иштирокчилари уюшмасига бирлашган. Унинг қароргоҳи Швейцариянинг Цюрих шаҳридадир. Аввалига евробондлар очиқ обуна воситасида фонд биржасига жойлаштирилади. Даслабки савдодан сўнг улар иккиламчи бозорга бориб тушади. Бу ерда инвестициявий компаниялар ва бошқа ваколатли молия тузилмалари томонидан сотиб олинади.

Президентимизнинг 2019 йил 31 январдаги “Ўзбекистон Республикаси-нинг халқаро облигацияларини чиқаришни ташкиллаштириш ва суверен кредит рейтингини сақлаб туриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси суверен кредит рейтингини 2021 йилгача сақлаб туриш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Қарорга мувофиқ, 2019 йил мобайнида қатъий белгиланган купон ставкасида 5 йил ва ундан ортиқ муомала муддатига эга бўлган 500 миллион АҚШ доллари миқдоридан кам бўлмаган суммада Ўзбекистон Республикасининг суверен облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш кўзда тутилган эди.

Ҳозирги кунда ҳукумат тарафидан чет эл инвесторларини Ўзбекистонга жалб этиш учун катта ҳаракатлар олиб борилмоқда. Аммо бўлажак инвесторлар учун Ўзбекистон ҳақида очиқ манбаларда маълумот етарли эмас. Евробонд чиқарилганда Ўзбекистон ҳақида эмиссия проспекти инвесторларга тақдим қилинади ва бу ҳужжат Ўзбекистон ҳақида кенг қўламда, чуқур таҳлил этилган иқтисодий-молиявий кўрсаткичларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, евробонд учун муҳим бўлган суверен рейтинг орқали Ўзбекистоннинг кредит қобилияти тўғрисида дунё тан олган рейтинг агентликлари томонидан берилган мустақил баҳога эга бўлишади.

Ўзбекистон мустақил тарихида биринчи марта 5 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни 4,75 фоиздан, 10 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни эса 5,375 фоиздан жойлаштирди¹⁷⁴. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига кўра, 2017 йилда 60,7 трлн. сўм ёки 7 млрд. АҚШ доллари ҳажмда асосий капиталга инвестициялар киритилган бўлиб, жами инвестицияларнинг 16,3 трлн. сўм ёки 2 млрд. АҚШ долларига тенг қисми (27 фоиз) хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилди¹⁷⁵. Ётқизилган инвестициянинг 15 трлн. сўм (25 фоиз) қисми марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан бўлиб, шундан қарийб 35 фоизи Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси ҳамда 26 фоизи давлат кафолати асосида хорижий инвестициялар ва кредитларидир.

Евробонд катта ҳажмда ва чет эл валютасида маблағларни ўрта ва узоқ муддат билан (30 йилгача) жалб қилишга хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон каби суверен эмитентлар учун ҳар бир евробонд ҳажми АҚШ доллари ҳисобида 500 миллион ва ундан юқори бўлиши мумкин. Бу маблағларни Ўзбекистонда исталган соҳадаги керакли лойиҳаларга йўналтириш мумкин. Шу пайтгача Ўзбекистонга жалб этилган

¹⁷⁴ Молия вазирлиги сайтидан олинган.

¹⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайтидан олинди.

кредитларнинг асосий қисми халқаро молия институтлари ва бошқа расмий ташкилотлар зиммасига тўғри келмоқда. Бундай кредитлар одатда имтиёзли ва паст фоиз ставкаларида берилади, аммо буларнинг ҳажми, ишлатиш йўналишлари ва муддати чекланган бўлиб, кўп ҳолларда давлатга қўшимча шарт ва мажбуриятлар юкланади. Евробондни эса бир ёки икки эмас, юзлаб инвесторлар сотиб олишади ва одатда, аксари хусусий сектор ҳисобланган инвесторлар халқаро молия институтлари каби шарт ва мажбурият қўйишмайди. Еврооблигация чиқариш орқали Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий ривожланиш, барқарор монетар ва фискал сиёсат юритишга тайёр эканини жаҳон инвесторларига намоёни қилади. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, иккиламчи бозорда евробонд нархлари тушиб, фоиз ставкалари ошиб кетмаслиги учун мамлакатда ижобий ривожланишни давом эттириш муҳим рол ўйнайди. Агарда нотўғри иқтисодий сиёсат олиб борилса, мамлакатнинг иқтисодий ёки молиявий салоҳияти пасайса, бу Ўзбекистон чиқарган евробондларга талабни камайтириб, уларнинг нархларига салбий таъсир этиши мумкин.

Суверен евробонд Ўзбекистоннинг йирик банклари ва компанияларининг жаҳон молия бозорига чиқишларини маълум даражада осонлаштиради ва улар учун суверен "бенчмарк" яратиб беради. Корпоратив евробондлар чиқариш жараёни Ўзбекистон корхоналаридан ўта юқори стандартларда молиявий ҳисоботни ҳамда бизнес учун имконият ва хатарларни очиқлашни талаб этади. Бу жараёнда мустақил рейтинг агентликлари, аудитор, юридик фирмалар, инвестицион банклар ва халқаро биржа вакиллари фаол иштирок этиб, корхона-эмитентнинг кредит ҳолатини чуқур ва кенг қамровли таҳлил этишади. Шу билан бирга, давомли ҳисобот мажбурияти ва иккиламчи бозордаги Евробонд нархи масъул ширкат раҳбарларини самарали фаолиятга ундайди. Хулоса қилиб айтганда, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда лойиҳаларни молиялашда еврооблигациялардан фойдаланишни ривожлан-тириш борасида қуйидаги таклифларни айтишимиз мумкин:

1. Еврооблигациялар Ўзбекистонда кўпроқ инфраструктурани яхшилашга қаратилган давлат инвестициялари учун ишлатишга қаратиши лозим, чунки мамлакатда давлат ташқи қарзи мўътадил микдорда. Хорижий инвесторлар ҳам евробонд орқали олинган маблағни асосий капиталга инвестиция қилишини, яъни мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга йўналтириши керак.

2. Ўзбекистонда евробонд орқали олинган маблағлар вилоятларда инфратузилма объектларини қуриш, яъни вилоятларнинг чекка ва чегараолди ҳудудларида автомобиль ва темир йўллари қуриш, канализация, сув ва электроэнергия тармоқларини яхшилаш, ўрта ва кичик қувватли муқобил энергия тизимларини, жумладан қуёш ва шамол энергиясини ҳудудларда ривожлантириш каби лойиҳаларга йўналтирилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини чиқаришни ташкиллаштириш ва суверен кредит рейтингини сақлаб туриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида ПҚ-4258-сон Қарори

3. Буклемишев О.В. Рынок еврооблигаций/ О.В.Буклемишев; Академия народного хоз-ва при правительстве РФ. -М: ДЕЛО , 1999. -232 с.

ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАРНИ ТАН ОЛИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Очилов О. И. Тошкент молия институти
таянч докторанти*

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисобида инвестициялар қай тарзда ҳисобга олиб борилаётганлиги, яъни ҳисоб ва ҳисоботда инвестицияларга доир масалаларнинг акс эттирилиши бухгалтерия ахборотидан барча ташқи фойдаланувчилар учун албатта муҳим ҳисобланади.

Инвестициялар корхона мулки сифатида бухгалтерия балансида ўз аксини топган, аммо, инвестициялар билан боғлиқ даромад ва харажатлар ҳисоботда қай тарзда акс эттирилмоқда. Мазкур масалани аниқлаштириш мақсадида даромад турларини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик. Яъни, корхоналар томонидан инвестиция фаолияти билан шуғулланиши оқибатида олинаётган даромадлар ҳисобда акс эттирилиши, бухгалтерия ҳисоботларидан ушбу масала бўйича маълумот олиш мумкин ёки мумкин эмаслиги бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларимизни билдирамиз.

Умуман олганда даромадлар турларга уларни қайси фаолият ёки операциядан олинishiга қараб бўлинган. Бу борада хориж ва республикаимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам турли муносабатлар билдирилган. Жумладан, хорижлик тадқиқотчилардан О.В.Буткова даромадларни уларнинг характери ва келиб чиқишини ҳисобга олиб, асосий фаолиятдан олинган даромадлар ва бошқа даромадларга бўлинишини таъкидлайди¹⁷⁶.

Иқтисодчи олим И.Т. Абдукаримов ҳам даромадларни асосий фаолият даромадлари ва бошқа даромадларга бўлади. Муаллиф корхоналар асосий фаолият даромадларига корхона томонидан ҳисобот даврида сотишдан, ишларни бажаришдан ва хизматлар кўрсатишдан тушумни киритади. Корхона бошқа даромадларига инвестиция, молиявий фаолиятдан ва бошқа фаолиятдан даромадларни киритиб, худди шундай бошқа харажатларга шу фаолият турлари бўйича харажатларни киритади. Муаллиф инвестиция фаолиятидан олинган даромадларга бошқа корхоналарга иштирок этишдан олинган даромадлар, олинадиган фоизларни киритса, инвестиция фаолияти харажатларига эса, тўланадиган фоизларни киритади.¹⁷⁷

Фикримизча, даромадлар қайси манбадан ёки фаолиятдан олинган бўлса шундай ном билан аталиши мақсадга мувофиқ.

Республикаимизда инвестиция фаолияти ва киритилган инвестициялар ҳисоби билан боғлиқ масалалар тегишли бухгалтерия ҳисоби счётларида келтирилган. Аммо, ҳисоб ва ҳисоботда шундай фаолиятнинг натижаси акс эттирилиши бўйича мунозарали ва муаммоли масалалар мавжуд. Маълумки, “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”да хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг 5 та кўрсаткич билан тавсифланиши келтирилган. Бу кўрсаткичларга: маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда; асосий фаолиятдан

¹⁷⁶ Буткова О.В. (Формирование доходов и порядок их отражения в учете пассажирских автотранспортных предприятий). Учет доходов пассажирских автотранспортных предприятий // Проблемы эксплуатации транспортных и транспортно-технологических колесных и гусеничных машин: межвузовский сборник научных трудов. – Зеленоград, 2004. – 125 с.

¹⁷⁷ Абдукаримов И.Т. Отчет о прибылях и убытках – основной источник информации для мониторинга и анализа финансовых результатов предприятия. // Актуальные вопросы экономики и управления. № 1 (047), 2013.

кўрилган фойда; умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар); солиқ тўлангунгача олинган фойда; соф фойда каби кўрсаткичлар киритилган¹⁷⁸.

Ушбу таркибга эътибор қаратадиган бўлсак, инвестиция фаолияти ёки мазкур фаолиятдан фойда мавжуд эмас. Аммо, умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда молиявий фаолиятдан олинган даромадлардан шу фаолият бўйича харажатларни айлантириш асосида шакллантирилиши белгиланган.

Низомга кўра, молиявий фаолият харажатлари таркибига қуйидагилар киритилган:

- банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлар (инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестицияларга олинган банк ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлардан ташқари), шу жумладан, муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар;

- мол-мулкни молиявий ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари;
- чет эл валютаси билан операциялар бўйича салбий курс тафовутлари ва зарарлар;
- сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар;

- ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;
- молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан салбий дисконт.

Мазкур молиявий фаолият харажатлари таркибини кўрадиган бўлсак, чет эл валютаси билан операциялар бўйича салбий курс тафовутлари ва зарарлардан ташқари барча бандлари, инвестиция фаолиятига тааллуқли ҳисобланади. Чет эл валютаси билан операциялар бўйича салбий курс тафовутлари ва зарарлар ҳам молиявий “фаолият”га алоқаси йўқ. Чунки субъект, асосий фаолияти валюта билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш бўлса, бу асосий фаолият ҳисобланади ҳамда асосий фаолиятдан тушум ёки харажат сифатида эътироф этилади. Фикримизча, мазкур бандаги курс тафовутлари фаолиятдан эмас, операция ёки валюта маблағларини қайта баҳолашдан кўрилган зарар бўлиши мумкин.

Юқоридаги Низомга кўра молиявий фаолиятдан олинган даромадларга қуйидагилар қиради:

- олинган роялтилар ва сармоя трансферти;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш кўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

- мол-мулкни молиявий ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш);

- валюта счёти, шунингдек чет эл валюталаридаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари;

- сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар;

- молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Ушбу таркибни молиявий фаолият харажатлари каби изоҳлаш мумкин, яъни молиявий фаолият даромадларининг асосий қисмини инвестиция фаолияти даромадлари ташкил этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”да молиявий фаолият дейиладиган фаолият аслида инвестиция фаолияти ҳисобланади.

¹⁷⁸“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”. 05.02.1999. <http://lex.uz/acts/264422>

Шу боис, бизнинг фикримизча, даромадларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олишда асосий фаолият даромадлари, инвестиция фаолияти даромадлари ва бошқа даромадларга ҳамда харажатларни ҳам шунга мос равишда асосий фаолият харажатлари, инвестиция фаолияти харажатлари ва бошқа харажатларга бўлган ҳолда ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ.

Аммо, бугунги кунда амалиётда яна бир муаммо борки, у ҳам бўлса инвестиция фаолияти даромадларини биз юқорида таклиф этган тартибда юритишга тўсқинлик қилади. Ўзбекистон Республикасининг 9-сонли “Пул оқими тўғрисида”ги ҳисобот номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида инвестиция ва молиявий фаолият аниқ меъзонлар бўйича бир-биридан ажратиб кўрсатилмаган. Яъни, стандартнинг 5-бандига кўра, “инвестиция фаолияти - пул эквивалентларига киритилмаган узоқ муддатли активлар ва бошқа инвестиция объектларини сотиб олиш ва сотиш” дея келтирилган бўлса, “Молиявий фаолият - хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти бўлиб, унинг натижасида ўз маблағи ва қарз маблағлари миқдори ва таркибида ўзгаришлар юз беради” дея атамага изоҳ берилган.¹⁷⁹ Мазкур атамаларга стандартга келтирилган таърифлардан бирор аниқ маъно чиқариш мураккаб. Яъни, биринчи инвестиция фаолиятига қарайдиган бўлсак, пул эквивалентларига киритилмаслик талабининг қўйилиши, айнан қайси фаолият инвестиция фаолияти эканлигини аниқлаш имкониятини йўққа чиқаради. Молиявий фаолият бўйича берилган таъриф ҳам маъно жиҳатдан ушбу фаолиятни ифодаламайди.

Умуман олганда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботдан бошқа манбаларда инвестиция фаолиятидан олинган даромад тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда даромад турларининг келтирилиши¹⁸⁰

21-сон БҲМС бўйича	Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом	9-сонли БҲМС	2-сонли БҲМС
Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадлари (9000) (асосий фаолият даромадлари)	Сотишдан олинган соф тушум (асосий фаолият даромадлари)	Операция фаолияти (асосий фаолият даромадлари)	Асосий (асосий фаолият даромадлари)
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари(9300); (асосий фаолият фойдаси таркибида)	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари) (асосий фаолият даромадлари)	Инвестиция фаолияти (<i>инвестиция фаолияти</i>)	Операцион (стандартда изоҳ берилмаган)
Молиявий фаолият даромадлари (9500); (молиявий фаолият даромадлари)	Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар (молиявий фаолият даромадлари)	Молиявий фаолият (молиявий фаолият даромадлари)	Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар (молиявий фаолият даромадлари)
Фавқулоддаги фойда (зарар)лар(9700) (солиқ тўлангунга қадар фойда таркибида)	Фавқулодда даромадлар. (солиқ тўлангунга қадар фойда таркибида)		

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 4 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда фаолият даромадлари турлича берилган бўлиб, фақатгина 9-сонли БҲМСда инвестиция фаолияти бўйича даромад келтирилган, бошқа ҳолларда эса, инвестиция фаолияти даромадлари молиявий фаолият даромадларининг таркибида акс эттирилган.

9-сонли БҲМСда келтирилишича асосий воситалар бирликларини сотиш каби

¹⁷⁹ <http://lex.uz/acts/818994>

¹⁸⁰ Меъёрий ҳужжатлар асосида муаллиф ишланмаси

айрим операциялар бўйича фойда келиши ва зарар кўрилиши мумкин, улар соф фойда ёки зарар қаторига киритилиб, бундай битимлар бўйича пул оқими инвестиция фаолиятдан чиқадиган пул оқимларига киритилиши белгилаб қўйилган. Стандарт талабига кўра асосий воситаларнинг чиқимидан олинган фойда инвестиция фаолияти даромадларига киритилиши керак, аммо, даромадлар туркумланишида инвестиция фаолиятдан даромадлар тушунчаси 21-сонли БҲМСда ҳам “Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом”да ҳам келтирилмаган.

Шу боис, бизнинг фикримизча, инвестиция фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳам алоҳида ажратган ҳолда даромадлар таркибига киритиш мақсадга мувофиқ.

СТИМУЛИРОВАНИЕ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РЕГИОНЫ УЗБЕКИСТАНА ПРИ ПОМОЩИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ “DOING BUSINESS”

Зарикеев Р. П. Слушатель АГУ

Каждая страна стремится на формирование благоприятного инвестиционного климата для привлечения прямых иностранных инвестиций (ПИИ). Привлечение ПИИ, традиционно считается, ведет к стимулированию внутренних инвестиций, повышению конкуренции, технологического роста, улучшению отраслевой структуры экономики и роста уровня жизни населения.

Как отметил Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев: «Как показывает мировой опыт, стабильности и конкурентоспособности национальной экономики достигает лишь та страна, которая ведет активную инвестиционную политику. Поэтому можно утверждать, что инвестиции – это драйвер экономики, образно говоря, ее сердце. В этом нет сомнений.»¹⁸¹, вместе с тем, он подчеркивает, что «Для широкого привлечения иностранных инвестиций нам нужно принять меры по демонстрации инвестиционного потенциала нашей страны.»¹⁸², что означает для проведение масштабных работ по улучшению инвестиционного климата необходим охват всех регионов Узбекистана.

Привлекательность инвестиционного климата формируется из множество компонентов: стабильность и прозрачность в экономической среде, обеспечение социальной и правовой защиты, а также свободы во внешнеэкономической деятельности.

Существуют разные подходы для оценки инвестиционной привлекательности страны. К примеру, в Японии это определяется путем опроса действующих или потенциальных иностранных инвесторов для формирования дальнейших шагов в устранении барьеров перед инвесторами¹⁸³. В США используются совокупность нескольких индикаторов, которые охватывают множество количественных и качественных показателей, таких как: показатели развития хозяйственной системы, экономическая эффективность инвестиций и основные показатели налоговой политики¹⁸⁴.

Различные международные организации и редакции, также разрабатывают свои подходы в определении и оценке инвестиционного климата, для сравнения и

¹⁸¹ <https://president.uz/ru/lists/view/2228> - Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 28 декабря 2018

¹⁸² <https://president.uz/ru/lists/view/2228> - Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 28 декабря 2018

¹⁸³ <https://www.jetro.go.jp/en/invest/newsroom/2018/d7ef3781c6561471.html> - Ежегодный отчет Японской организации по международной торговле JETRO “Об инвестиционном климате Японии»

¹⁸⁴ <https://www.state.gov/about/about-the-u-s-department-of-state/> - Государственный департамент США

формирования рейтинга среди стран. Однако, наиболее популярным среди иностранных инвесторов становится рейтинг Всемирного Банка “Doing business”¹⁸⁵, которая охватывает наибольшее количество экономик мира и дает возможность проведения сравнительного анализа и построения четкой картины привлекательности для иностранных инвесторов.

Проект «Doing business» обеспечивает оценку, на основе разработанных экспертами Всемирного Банка специальных методологий, климата для ведения бизнеса и предпринимаемых мер по улучшению среды в 190 странах мира.

Оценка осуществляется на основе десяти основных показателей влияющих на ведение бизнеса в стране, таких как: создание предприятий, получение разрешений на строительство, подключение к системе электроснабжения, регистрация собственности, получение кредитов, защита миноритарных инвесторов, налогообложение, международная торговля, обеспечение исполнения контрактов и разрешение неплатежеспособности.

Для выявления качественных результатов по каждому показателю разработаны отдельные методологии оценки, на основе научных трудов и апробированных методов по выявлению реалистичных показателей в исследуемой области. Однако, в силу масштабности разворачиваемых мероприятий по миру в охват географических локаций попадает по одному городу из каждой страны. Следовательно, показатели по Узбекистану строятся на базе данных самого развитого города страны, столицы Узбекистана города Ташкент.

По результатам оценки экспертами «Doing business» Узбекистан в 2016/2017 годах достиг наилучших результатов по улучшению показателей за счет улучшения предпринимательской среды и предпринятых реформ¹⁸⁶. Это подтверждается показателем привлеченного объема ПИИ в общем объеме инвестиции 2017 года, которая составила 20,4%, что на 40,7% выше предыдущего года.

Однако, так ли обстоят состояния инвестиционного климата в остальных регионах страны? Постараемся провести обзор по двум основным статистическим показателям Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике: динамика роста предприятий с участием иностранного капитала, и доля действующих предприятий с участием иностранного капитала в разрезе регионов.




Рисунок №1. Динамика роста действующих предприятий с участием иностранного капитала¹⁸⁷

¹⁸⁵ <https://www.doingbusiness.org> – Международный рейтинг по оценке регулирования бизнеса

¹⁸⁶ http://www.iberglobal.com/files/business_climate_eiu.pdf - специальный выпуск журнала “The economist”

¹⁸⁷ Данные Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан

В отчете Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике говорится, что количество действующих предприятий с участием иностранного капитала в 2017 году по сравнению с 2005 годом выросло в 2,2 раза. Однако, в цвете предпринимаемых значительных реформ с 2015 года по улучшению показателей в рейтинге «**Doing business**» рост составил 579 предприятий, а в процентном соотношении на 13%, что является не значительной (см. рисунок №.1)

В разрезе регионов самый большой удельный вес предприятий с участием иностранного капитала приходится на город Ташкент – 66,8% и Ташкентскую область - 10,7% (см. рисунок №2). В остальных регионах страны этот показатель не превышает даже 5% барьер, что подтверждает соответствие показателей «**Doing business**» только городу Ташкент, а в остальных регионах состояние инвестиционного климата значительно отличается.

Следовательно, можно сделать вывод, что показатели «**Doing business**» служит хорошим индикатором оценки инвестиционного климата в исследуемом городе, однако не отражают действительность инвестиционного климата в целом по стране.




Рисунок №2. Доля действующих предприятий с участием иностранного капитала в разрезе регионов, (в процентах)¹⁸⁸

В связи с этим, на наш взгляд, необходимо следующее:

Во-первых, необходима разработка специального общественного института ответственного за проведение подобных исследований во всех регионах страны для выравнивания показателей с показателями города Ташкент, согласно требованиям “**Doing business**”, и выявления имеющихся проблем в формировании привлекательного климата по всей стране;

Во-вторых, необходимо вовлечение государственных органов по выравниванию показателей с городом Ташкент и улучшению инвестиционного климата согласно требованиям “**Doing business**” в каждом регионе Узбекистана;

В-третьих, разработка отечественных инструментов на базе международных инструментов по оценке инвестиционного климата и совершенствования деловой среды, а также ответственного государственного и/или общественного института за контроль и исполнение предпринимаемых в данной области мер;

¹⁸⁸ Данные Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан

В-четвертых, организация устойчивой площадки (электронная площадка, форум или другое) для обмена информацией, опытом и изучения имеющихся проблем в области инвестиционного климата.

В заключении, показатели «**Doing business**» могут служить как инструментами привлечения новых прямых иностранных инвестиций, вместе с тем могут служить и отталкивающими факторами, в случае несоответствия показателей и действительности инвестиционного климата в регионах Узбекистана.

Использованная литература:

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 28 декабря 2018
2. Понин А.С. Управление процессом привлечения инвестиций в регионе / А. С. Понин. М. : РАГС, 2000. – с. 31/
3. Калачева А. Г. Показатель инвестиционной привлекательности региона как внешний фактор инвестиционной привлекательности предприятия // Инновационная экономика: материалы II Междунар. науч. конф. (г. Казань, октябрь 2015 г.). / Калачева А. Г. Казань: Бук, 2015. С. 86-88.
4. <https://stat.uz> – Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике
5. <https://www.doingbusiness.org>
6. <https://www.jetro.go.jp/en/invest/newsroom/2018/d7ef3781c6561471.html>
7. <https://www.state.gov/about/about-the-u-s-department-of-state/>
8. http://www.iberglobal.com/files/business_climate_eiu.pdf

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИЧКИ ОМИЛЛАР

Бозоров Р.Х. – БМА таянч докторанти

Тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таркиби икки турга, яъни ташқи ва ички омилларга бўлинади. Биз тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ички омилларни кўриб чиқамиз:

- Стратегия ва ривожланиш устуворликларини белгилаш;
- Банк фаолияти кўрсаткичларининг сон ва сифат жиҳатдан ошиб бориши;
- Молиявий маблағларни жалб этиш қobiliяти;
- Рискларни қарши тура олиши;
- Ички инфратузилма;
- Маркетинг ва бошқариш сифати ;
- Банк замонавий технологиялари ва янги банк хизматларини жорий этишга эҳтиёж;
- Банк ишини ташкил этиш¹⁸⁹.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ички омиллар ичида энг аввало, банк стратегияси ва ривожланиш устуворликларини белгилаб олиш масаласи долзарб жиҳатлардан бири ҳисобланади. Ушбу омил одатда назарий аҳамият касб этгандай туюлади. Чунки тижорат банклари стратегиясини ишлаб чиқишда асосан йўналиш ва амалга ошириладиган ишлар баён этилади. Лекин, ушбу ишларни амалга ошириш механизми ва йўллари тўлиқ баён этилмайди. Шу боис тижорат банклари бунга расмий ёндошув билан қарашади. Қўшимча равишда инновацияларни амалга оширишда харажатлар манбалари юзасидан аниқликлар ва изланишлар олиб борилмайди. Шу билан бирга буларга эскича ёндошув кўзланган мақсадларга эришишда турли қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Тижорат банклари стратегик ҳужжатларини тайёрлаш мураккаб аналитик иш ҳисобланади. Ачинарлиси шундаки, банкларда кучли аналитиканинг мавжуд эмаслиги

¹⁸⁹Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди.

стратегик хужжатлар тайёрланишида умумийлик, мақсадни ёзиш билан чекланиб уни амалга ошириш механизмлари тўлиқ баён этилмаслиги натижасида, кўзланган мақсадга эришиш мураккаблигини келтириб чиқаради, шунингдек, тижорат банклари молиявий барқарорлигига путур етказди. Лекин, бунинг акси бўлганда тижорат банклари молиявий барқарорлигини нафақат мустаҳкамлашга, балки келгусида фаолиятини янада ривожлантиришга ва молиявий мустаҳкамлигини оширишга хизмат қилади.

Банк фаолияти кўрсаткичларининг сон ва сифат жиҳатдан ошиб бориши ҳам асосий жиҳатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда гап сонлар ва рақамлар тўғрисида, яъни капиталнинг ошиши, унинг етарлилиги, активлар ва пасивлар таркибининг сифат ва сони жиҳатидан мувофиқлиги, банлар бошқа операцияларида ҳам мувофиқликни таъминлаш долзарб ҳисобланади. Банклар фаолиятининг сон ва сифат жиҳати кредит ва инвестиция портфели, депозитлар ҳажми, миқдорлар сони ва уларга кўрсатилаётган хизматларда янада аҳамияти ошади. Молиявий барқарорлик нуқтаи назаридан банклар пул айланишини ошириши, миқдорларга хизматлар кўрсатиш ҳажми, сифати ва тақриби жуда муҳим ҳисобланади. Бу ерда энг аввало, ROA, ROE кўрсаткичларига, харажатлар таркибига катта эътибор қаратилади.

Молиявий ресурсларни жалб этиш қобилияти банклар молиявий барқарорлигини таъминлашда катта ўрин тутди. Бунда тижорат банклари капиталлашув даражасини эсламасдан иложимиз йўқ, сабаби айнан акционерлик капитали орқали банклар келгусида барқарорлиги, даромади, фойдаси ва яратиладиган захиралари тўғрисида фикр юритиш мумкин. Шу билан тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш долзарб ҳисобланади. Сабаби, банкларда ликвидлилик муаммоси келиб чиққанда энг аввало, ресурсларни жалб этиш, банклараро кредит ресурс бозоридан маблағлар олиш ҳамда бир сўз билан айтганда миқдорлар олдидаги банк мажбуриятларини бажариш вақтида тезкор ва оператив ҳал этиш йўли орқали масалалар ечими келиб чиқади.

Юқоридаги фикрларнинг узвий давоми сифатида тижорат банкларида вужудга келадиган рисклар ва уларни бошқариш энг долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади. Тўғри банклар рискларда қочиб қутула олмайди, чунки рисклар барча банк операцияларида мавжуд, қайсики бир банк катта рискка борса, у албатта катта даромад олишга ҳаракат қилади. Шу билан бирга бу каби катта рискларга молиявий барқарор бўлган тижорат банклари амалга оширишлари мумкин бўлади. Шунингдек, рискларни тўғри баҳолай олмаслик ва ҳисобламаслик натижасида катта йўқотишлар ҳам келиб чиқиши эҳтиомлдан ҳоли эмас. Бу каби ҳолатлар айниқса, иқтисодий ночорлик ҳолати кузатилганда ва тўловлардаги айрим муаммолар мавжуд бўлган ҳолларда келиб чиқиши барчамизга аён. Тижорат банкари вужудга келиши мумкин бўлган турли рискларни олидини олиш мақсадида захиралар ташкил этиши ва улар орқали қийин бир молиявий ҳолатларда улар орқали тартибга солишлар мумкин бўлади. Шу боис тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида тартибга солувчи орган, яъни Марказий банклар ўрнатган иқтисодий меъёрларга амал қилиб боришади. Тўғри тижорат банклари риск қилиш ҳуқуқига эга субъект ҳисобланади, лекин бу рисклар банклар капиталидан ошмаган миқдорда бўлиши, агар бу ҳолат кузатилса, унда ушбу рисклар нафақат банклар молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади, балки банк миқдорларининг молиявий барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Банклар молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллардан яна бири бу харажатларни тежаш ҳисобланади. Ҳар қандай ташкилот каби тижорат банкларида ҳам ўз харажатлари мавжуд бўлади, лекин бу харажатлар ва даромадларини банклар тегишли тартибда ўлчаб боришлари лозим бўлади. Бу ерда барқарорликни таъминлашда банкларга харажатлар таркиби ва бюджетлаштириш катта ёрдам беради. Қолаверса, ушбу ишларни амалга оширишда тижорат банклари даромадлари етарли бўлиши, шунингдек, кундалик тартибда банк жорий фаолиятини таҳлил этиб бориши ва кенг тарзда молиявий барқарорлигини ошириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тижорат банклари молиявий барқарорилигига таъсир этувчи ички омиллар ичида ички инфратузилма ҳам катта аҳамият касб этади. Ички инфратузилма ташқи инфратузилма каби катта аҳамиятга эга, лекин ички инфратузилма омадга олиб боришнинг йирик кафолати ҳисобланади. Шу билан бирга информатсион базанинг ҳажмдорлиги, банк ички меъёрий ҳужжатларининг ишлаб чиқилганлик даражаси, ички назорат тизимининг ишлаш тартиби буларнинг барчаси банклар молиявий барқарорликка таъсир кўрсатиши натижасида унинг инфратузилмаси ҳам ўзгариб бориши лозим. Ички инфратузилмалар ичида кадрлар ва уларнинг салоҳияти ҳам асосий роль ўйнайди. Кадрлар кўнимсизлиги, уларнинг етарлича интеллектуал қобилияти мавжуд эмаслиги ҳам тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигига маркетинг ва бошқариш сифати ҳам таъсир этувчи асосий бир омиллардан бири ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, чуқур бўлмаган маркетинг тадқиқотлари ва сифатсиз бошқариш тижорат банкларида йирик йўқотишларига олиб келиши мумкин. Рискларни оширишда етарлича тажриба бўлмаслик, шунингдек, шубҳали битимларнинг қўллаб-қувватланиши, прогноз кўрсаткичларининг ноаниқлиги натижасида қабул қилинган қарорлар эвазига тижорат банкларида катта йўқотишларга ва бу эса уларнинг молиявий барқарорлиги пасайишига олиб келиши мумкин. Бунинг акси сифатида, юқори порфессионал тайёргарликка эга мутахассисларнинг мавжудлиги ва бир текисда ривожланишга қаратилган сиёсатнинг олиб борилиши, салбий ҳолатларни олдини олишга шу билан бирга келгусида самарали фаолият олиб борилиши натижасида банклар молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Замонавий банк технологияларини ҳамда янги банк хизматлари амалиётга жорий этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Тўғри банклар бу жараёнларга эътибор қаратмасдан ўз фаолиятини олиб бориш мумкин, лекин маълум бир муддатдан сўнг у рақобатчиларидан ортда қолиши, мижозларни аста-секин йўқотиб бориши, банкнинг молиявий контрагент сифатида мавқеини пасайтириб боради ва бу эса улар молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунини таъкидлаш лозимки, тижорат банклари замон ўзгариши билан мижозлари талаби асосида маҳсулот ва хизматларини ўзгартириб бормас экан у аввало молиявий барқарорлигини ва кейинчалик эса банк бозоридан маълум муддатдан сўнг чиқиб кетишга мажбур бўлади. Шу боис тижорат банклари бу каби жараёнларга ўз вақтида кечикмасдан чора кўришлари, мижозлари талабларини ўрганиб боришлари ва банк бозорида ўз мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилишлари лозим бўлади.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни кўриб чиқиб банк ишини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни қараб чиқмасдан илож йўқ. Шу боис тижорат банклари таркибий тузилиши, административ бошқарув, банк фаолиятини танқидий таҳлил этиш, дунёдаги янги тенденцияларни амалиётда қўллаб бориш мақсадида банк стратегиясига киритиш ва жорий этиш, кўрсатилаётган банк хизматларини такомиллаштириб боришни назарда тутади.

Юқорида кўриб чиқилган тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ички омиллар янада уларни аниқ ва пухта кўриб чиқишни ва ўрганишни талаб этади. Биз бу ерда асосан тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ички омилларни назарий жиҳатдан ўрганиб ва ёритишга ҳаракат қилдик.

МИЛЛИЙ КАРТАЛИ ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРНИ ХАЛҚАРО ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРГА ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Рахимова Х.У. – БМА “Банк иши” кафедраси доценти

Замонавий иқтисодиётнинг фарқлаб турувчи муҳим жиҳатлар бири бу халқаро интеграция жараёнларни жадал суръатлар билан ривожланиши ҳисобланади.

Ҳозирда халқаро интеграция жараёнлари иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олган десак муболаға бўлмайди.

Барча соҳа вакиллари жаҳон бозорига кириб боришга ва унинг имкониятларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бунинг иқтисодий аҳамияти шундаки, интеграция қилиш билан бирга улар учун бозорларнинг чегараси кенгайди, соҳа фаолиятига ижобий халқаро тенденциялар ўз таъсирини ўтказди ва бу соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлашишига ҳамда самарасини ошишига хизмат қилади.

Халқаро интеграция жараёнларини таҳлили кўрсатишича банк соҳасига ушбу жараёнлар кенгроқ кириб бораётганлигини кўриш мумкин, айниқса картали тўлов тизимларда. Банк соҳасида жадар суръатлар билан амалга оширилаётган интеграция банкларнинг халқаро молия бозорларига тез кириб боришини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ҳозирда миллий картали тўлов тизимларимиз (“Ўзкард” ва “Хумокард”) қуйидаги халқаро картали тўлов тизим компаниялари билан ҳамқорлик қилиб, халқаро миқёсидаги инфраструктурасини кенгайтirmoқда:

- Visa International;
- MasterCard International;
- Мир картали тўлов тизими;
- UnionPay Card.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бошчилигида миллий картали тўлов тизимларимиз, жумладан “Ўзкард”, “Хумокард” тизимлари халқаро тўлов тизимлари билан интеграция қилиш борасида бир қатор келишувлар ва меморандумлар имзолаган ҳамда уларни амалга ошириш бўйича фаол тарзда амалий ишлар қилиниб келинмоқда. Масалан, 2019 йил 27 марта Марказий банк MasterCard компанияси билан ўзаро интеграцияни ривожлантириш юзасидан меморандум имзоланди. Унга мувофиқ, MasterCard компанияси Ўзбекистон молиявий хизматлар бозорини ривожланишига кўмак беришини ва уни талаб даражасида шаклланишига ёрдам беради. Жумладан, республика картали тўлов тизими доирасида контаксиз ва QR-код қўллаш асносида ҳисоб-китобларни қилиш. Бундан ташқари, республика банкларининг инфраструктурасини GooglePay, ApplePay ва Samsung Pay тизимларига интеграция қилиш борасида ҳам келишувлар қилинди. Mastercard компанияси Россия ва Қозоғистон давлатлари учун шундай кўмак берган ва ҳозирда ушбу давлатларнинг банклари юқорида белгилаб ўтилган компанияларнинг он-лайн тартибида ишлайдиган тизимлардан чексиз фойдаланиш имконига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошчилигида “Ўзкард” ва “Хумокард” компанияларнинг тизимлари Visa ҳамда UnionPay компаниялари тизимлари билан интеграция қилиш жараёнлари якунлаш босқичида бўлиб, 2019 йилнинг охирига келиб, Visa, MasterCard, UnionPay ва Humo карталарни қабул қилувчи 200 мингта терминаллар ўрнатилиши кўзда тутилган.

Республика картали тўлов тизимларни халқаро тўлов тизимларга интеграция қилиш натижасида қуйидаги самараларга эришиш мумкин:

- банклар актив операцияларини жаҳон стандарти асосида ошишига ва даромадни кенгайтишига олиб келади;
- иқтисодийда пул оқими тезлашади ва иқтисодий жараёнларга ижоий таъсир этади;
- республикада туризм соҳасини ривожланишига таъсир этади ва валютани кириб келиш имкони кенгайди;
- ички ва ташқи товарайланманинг ҳажмини кенгайтишига сабаб бўлади;
- фойдаланувчиларнинг жаҳон стандартлар асосида молиявий хизматларни олиш имкони юзага келади;
- тўловларнинг тезлиги, хавфсизлиги, сифати ва географияси ошади;
- республика картали тўлов тизимларни

Visa International, MasterCard International, Мир картали тўлов тизими ва UnionPay Card компаниялари бугунги кунда Ўзбекистон давлатидан ташқари бир қатор давлатларнинг миллий картали тўлов тизимлари билан интеграция бўлиб, географик ва иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга мувофақ бўлган йирик компаниялар ҳисобланади.

Халқаро картали тўлов тизимлар қуйидаги аҳамияти юқори бўлган функцияларни бажаради:

- Ушбу компанияларнинг логотипи билан банк карталарни чиқариш учун лицензия бериш;
- Ўзининг патентини ва эгалик ҳуқуқини ҳимоялаш;
- Тизимда молиявий операцияларнинг меъёр ва талабларини ишлаб чиқиш;
- Халқаро ва миллий тўлов тизимларнинг талаб даражасида автоматлаштирилган ҳисоб-китоб жараёнларини ташкил қилиши;
- Пластик карталарнинг молиявий кўрсаткичларни қайта ишлаш ва тизим иштирокчиларининг коммисион тўловларини ўтказиш;
- Тизим фаолиятини таҳлил этиш;
- Янги молиявий маҳсулотларни ишлаб чиқиш;
- Маркетингни ривожлантириш ва реклама билан шугулланиш ва ўз маҳсулотларни бозорда силжитиш.

Бундан ташқари, Visa International ва MasterCard International компаниялари жаҳон картали тўлов хизматлар бозорида лидерлар ҳисобланиб, улар томонидан халқаро стандартлаштириш ташкилоти учун картали тўлов тизимларига қўйилган халқаро стандартларни қабул қилишда ўз тавсия ва таклифларини беради.

Картали тўлов тизимларга қўйилган жаҳон стандартлари қуйидагилар ҳисобланади:

ISO-7810 «Идентификацион карталар – физик характеристикалари» (Identification cards - Physical characteristics). Ушбу стандарт идентификацион карталарнинг физик кўриниша талабларни ўрнатади;

ISO-7811 «Идентификацион карталар – ёзув усуллари» (Identification cards - Recording technique) Бир қатор стандартлар бўлиб, улар идентификацион карталарнинг параметрига ва ахборотни киритиш усулларига қўйилган талабларни белгилаб беради;

ISO-7812 «Идентификацион карталар – рақамлаштириш тизими ва эмитентларнинг идентификаторларини регистрациясини процедураси» (Identification cards - Identification of issuers);

ISO-7813 «Идентификацион карталар — молиявий транзакциялар учун карталар» (Information technology - Identification cards - Financial transaction cards);

ISO-4909 «Банк карталари — учинчи йўлакчани мужассам этган магнит тасмали карталар» (Identification cards - Financial transaction cards - Magnetic stripe data content for track 3);

ISO-7816 «Идентификацион карталар — контакли микросхемали карталар» (Identification cards - Integrated circuit cards).

ISO 8583 – «Банк карталарнинг молиявий транзакциялари маълумотлари. Ахборот алмашув хусусиятлари» (Financial transaction card originated messages - Interchange message specifications). Ушбу стандарт тўлов карталарнинг молиявий транзакцияларнинг шаклига ва узатиш жараёнига бағишланган.

ISO 9564 – «Банк иши. Шахсий идентификацион рақамнинг менежменти ва хавфсизлик» (Banking - Personal Identification Number (PIN) management and security) (4 части). Ушбу стандарт шахсий идентификацион рақамни бошқаришга ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

ISO/IEC 10181 – «Ахборот технологиялар - Очик тизимларнинг ўзаро алоқаси - Очик тизимларнинг хавфсизлик асослари» (Information technology - Open Systems Interconnection - Security frameworks for open systems). Хавфсизлик архитектурасини талабига бағишланган бир қатор стандартларни ўз ичига олади.

ISO/IEC 14443 – «Карта идентификацияси. Контактсиз чипли карталар. Яқин масофадан ўқиладиган карталар» (Identification cards. Contactless integrated circuit(s) cards. Proximity cards). Ҳар хил ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган контактсиз карталарни бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган ўқийдиган ускуналарни бир бирига тўла мос тушишини таъминлашга қаратилган қатор стандартлар.

ISO/IEC 15693 – «Карта идентификацияси. Контактсиз чипли карталар. Ўрта масофадан ўқиладиган карталар» (Identification cards. Contactless integrated circuit(s) cards. Vicinity cards). Ҳар хил ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган радио частотада 13,56 МГц ишлайдиган контактсиз карталарни бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган ўқийдиган ускуналарни бир бирига тўла мос тушишини таъминлашга қаратилган қатор стандартлар.

ISO/IEC 18092 – «Ахборот технологиялар. Тизимлар ўртасида ахборот алмашуви ва телекоммуникация. Яқин масофадаги коммуникациялар. Интерфейс ва протокол (NFCIP-1)» (Information technology. Telecommunications and information exchange between systems. Near Field Communication. Interface and Protocol (NFCIP-1)). Ушбу стандарт Интерфейс ва протокол (NFCIP-1) ўртасидаги ўзаро алоқани радио частоталик 13,56 МГц ишчи частода ишлайдиган ускуналарда тартибни белгилайди. Шунингдек NFCIP-1 алоқа тизимини ташкил қилишда тизимли ускуналарни актив ва пасив тартибида яқин масофада ишлашини таъминлаб берувчи стандартларни белгилайди.

Хулоса сифатида айтиш лозим, юқорида кўрсатиб ўтилган стандартларни бажариш учун техник ва хавфсизлик таъминоти юқори даражада бўлиши, юқори технологик таъминот шароитида фаолият юритадиган мутахассислар ҳамда тўлов тизимларни шакллантириш ва тартибга солувчи такомиллашган меъёрий база бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон шароитида бу стандартларни бажариш мушкул ёки узоқ вақтни олиши мумкин. Шунинг учун, халқаро картали тўлов тизимларга миллий тизимлар қанчалик тез интеграция бўлар экан, демак юқоридаги стандартларни бажариш учун шунчалик имкони ҳам ошиб боради.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Раҳимов А. М. – ТМИ таянч докторанти

Барчамизга маълумки, аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, оилаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари алоҳида аҳамият касб этади. Аҳолининг умумий даромадлари - доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади. Шу нуқтаи назардан, аҳоли даромадларининг ошиб бориши аҳоли турмиш тарзининг яхшиланишига, аҳоли кўлида истеъмолдан ортиқча бўш пул маблағларининг пайдо бўлишига ва натижада аҳоли бўш пул маблағларидан фойдаланиб, ўз даромадларини янада ошириш бўйича ҳаракат қилишга олиб келади. Аҳоли даромадларини оширишда ишончли ва хавф-хатарсиз йўллардан бири сифатида эса банк омонатларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Бугунки кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан кўплаб замонавий ва аҳоли талаб ва истакларини ўрганган ҳолдаги омонат турлари таклиф этилиб келинмоқда. Жумладан, Республикаимизнинг йирик тижорат банкларидан бўлган АТИБ “Ипотека-банк” томонидан мижозлар ва аҳолига 2019 йил 1 августдан бошлаб жисмоний шахслар учун мўлжалланган янги турдаги омонатлар жорий қилинган.

АТИБ “Ипотека-банк” томонидан таклиф этилаётган янги омонат турлари¹⁹⁰

Номланиши	Муддати	Фоизи	Батафсил
Элегант	12 ой	20 %	Омонатга фоизлар кассага дастлабки омонат маблағи келиб тушган куннинг кейинги кунидан бошлаб, омонатчи ҳисобварағидан ўчирилишидан олдинги кунга қадар ҳисобланади. Фоизлар бўйича даромад омонат муддати тугагунга қадар ҳар ойда берилади. Омонат фоизлари капитализация қилинмайди.
Чорак	3 ва 6 ой	18 %	Омонатга фоиз даромади олдиндан аванс тариқасида тўлаб берилади. Агар омонат шартлари бузилганда мижозга олдиндан тўлаб берилган омонат фоизлари омонат суммасидан ушлаб қолинади.
Прогресс	Биринчи 4 ой Иккинчи 4 ой Учинчи 4 ой	17 % 18 % 19 %	Ушбу омонатнинг сақлаш муддати ҳисобвараққа омонат маблағи келиб тушган санадан кейинги кундан бошлаб 4 (тўрт) ой муддатга йиллик 17 фоиз даромад тўлаш шarti билан қабул қилинади. Омонатчи омонат сақлаш муддати тугагандан кейин пул маблағларини олиш истаги билдирилмаганда омонат иккинчи 4 ой муддатга узайтирилган ҳисобланади ва кейинги тўрт ойлик муддат учун йиллик 18 фоиз даромад ҳисобланади. Агар, омонатчи томонидан омонат иккинчи 4 ойга узайтирилган муддати тугагандан кейин ҳам пул маблағларини олиш истаги билдирилмаганда, унда омонатни учинчи 4 ой муддатга узайтирилган ҳисобланади ва ушбу муддат учун йиллик 19 фоиз даромад ҳисобланади. Омонатга фоизлар у жамғарма кассага дастлабки омонат маблағи келиб тушган куннинг кейинги кунидан бошлаб, омонатчи ҳисобварағидан ўчирилишидан олдинги кунга қадар ҳисобланади.

¹⁹⁰ АТИБ “Ипотека-банк” янги омонат турларини тақдим этади. <https://www.ipotekabank.uz/>

Мазкур омонатларга пул маблағлари банк филиаллари кассалари орқали жисмоний шахслардан нақд ва нақдсиз пул шаклида (жумладан, жисмоний шахснинг пластик картасидан) қабул қилинади ҳамда омонатчилар ўзларининг банкдаги мавжуд омонат маблағларини ушбу омонатга қайта расмийлаштиришлари мумкин.

Расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2015-2018 йиллар оралиғида мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва омонатлари ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, аҳоли даромадлари 2015 йилда 132 042 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йил якунига келиб 2015 йилга нисбатан 2,2 баробарга ўсган ҳамда 285 553,1 млрд. сўмни ташкил этган. Шунингдек, аҳоли омонатлари ҳам мос равишда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Яъни, аҳоли омонатлари 2015 йилда 6 966 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 2,1 баробарга ёки 14 704 млрд. сўмга ошиб, 14 704 млрд. сўмни ташкил этган. Бундан кўришимиз мумкинки, йиллар давомида аҳоли даромадлари ва аҳоли омонатлари бир-бирига мос равишда 2,2 ва 2,1 баробарга ошиб бориш тенденциясига эга.



Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадлари ва аҳоли омонатлари динамикаси¹⁹¹, млрд. сўм

Юқоридаги ҳолатларни куйидагича изоҳлашмиз мумкин: *биринчидан*, аҳолининг молиявий саводхонлиги йиллар давомида яхшиланаётганлиги сабабли аҳоли даромадлари ўсиб бормоқда; *иккинчидан*, аҳоли даромадларининг ошиши натижасида аҳолининг яшаш тарзи яхшиланмоқда; *учинчидан*, аҳоли истеъмолидан ортган пул маблағларидан оқилона фойдаланиш йўллари излаб топишлари ва пул маблағларини янада кўпайтириш имкониятларининг пайдо бўлиши; *тўртинчидан*, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг ортиб бориши; ва натижада *бешинчидан*, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жойлаштиришга бўлган қизиқиши; *олтинчидан*, тижорат банклари томонидан жозибадор ва аҳоли учун тушунарли бўлган омонат турларининг кенг кўламда таклиф этилаётганлиги аҳолининг истеъмолидан ортган бўш пул маблағларини банк омонатларига жойлаштириб, ўз даромадларини янада ошириш имкониятини бермоқда.

Ўйлаймизки, юқоридаги изоҳлаган ҳолатлар бўйича чора-тадбирларни янада кенгайтириш ва ривожлантириб бориш:

✚ аҳоли даромадларининг янада ортишига, бу эса ўз навбатида аҳоли турмиш тарзини яхшилашга;

✚ аҳолининг истеъмолдан ортган бўш пул маблағларини банк омонатларига жойлаштиришни кенгайтиришга бу эса ўз навбатида банklar депозит базасининг кенгайтиришга ва натижада банklar барқарор ресурс базага эга бўлиш имкониятларининг ортишига олиб келади.

¹⁹¹ ЎзР Статистика қўмитаси ва ЎзР Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди.

ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА БАНКЛАРИНИНГ РОЛИ

Рўзиев А. БМА тингловчиси

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиёт асосий тармоқларини модернизациялаш ва инновацион янгиланишини инвестицион таъминланиши деб белгиланмоқда. Ушбу йўналишда катта ютуқларга эришилган бўлиб, ҳозирда миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари юқори деб тан олинмоқда.

Шу билан бирга, миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш борасида айрим муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: “Мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни киритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш зарур”, деб бежиз айтмаган¹⁹². Шунингдек, Президентимиз инвестиция соҳасидаги камчиликлар устида тўхталар экан, кўпгина инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш чўзиб юборилаётгани, эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган лойиҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши жуда паст қолаётгани, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар қандай аҳволда экани танқидий таҳлилни талаб этиши тўғрисида айтиб ўтди.

Шу билан бирга, жаҳон амалиётида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш соҳасида жуда самарали ва илғор усуллар қўлланилмоқдаки, уларни республика амалиётига жорий қилиш катта амалий аҳамиятга эга бўлар эди. Айниқса, республикадаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштирокининг кўлами ва савияси имкониятдагига қараганда камроқ, республика банк сектори миллий иқтисодиётни инвестициялашда муносиб салмоққа эга бўлмаяпти. Ҳозирда жами асосий капиталга инвестицияларда тижорат банкларининг улуши йигирма фоиздан ортмаяпти. Ушбу шароитларнинг мавжуд бўлиши Ўзбекистон иқтисодиёти асосий тармоқларидаги инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари томонидан молиялаштиришнинг замонавий усуллари қўллаш йўллари кидириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Дунё мамлакатларидаги иқтисодиёт реал секторини модернизациялашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш даражаси ва кўлами турлича. Бунда иқтисодий инқироз оқибатларининг иқтисодиётга катта салбий таъсири ҳисобга олинмоқда.

Бунда жаҳон амалиётида иқтисодиёт реал секторида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлат, банк сектори ва нобанк секторнинг турли шакллардаги ҳамкорлик қилиш усуллари мавжуд бўлиб, молиялаштиришнинг хорижда кенг қўлланилаётган ва Ўзбекистонда деярли қўлланилмаётган усуллари қаторига лойиҳавий молиялаштириш, венчур молиялаштириш, облигацион молиялаштириш каби усулларни мансуб қилиш мумкин.

Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган йўналиши инвестиция жараёнларини жадаллаштиришга қаратилмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси¹⁹³да:

- инвестиция лойиҳаларига сармоя қўйган инвесторлар манфаатларини ҳимоялаш кафолатларини мустаҳкамлаш;

¹⁹² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т: Ўзбекистон, 2017, 103 б.

¹⁹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган

- хусусий мулк ҳукуки ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш;

- ҳўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш ва корпоратив назоратни кучайтириш;

- инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

- корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш масалаларини ҳал қилиш белгиланган.

Ўзбекистонда инвестиция жараёнларининг узок муддатли ривожланиш тенденцияларини олиб қараганимизда қуйидаги ҳолатларни кузатамиз. Йилдан-йилга жами асосий капиталга инвестициялар ҳажми ошиб, унинг тузилмасида марказлаштирилмаган инвестициялар улуши юқори бўлмоқда. Бунда тижорат банкларининг инвестициялардаги улуши оз даражада ўсиш тенденциясига эга бўлсада, ҳали жуда кичик қисмни ташкил қилмоқда.

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да назарда тутилган вазифаларга мувофиқ, республика инвестиция жараёнларида тижорат банклари иштирокини кенгайтириш учун қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ :

1) Республика асосий тармоқларини модернизация қилишни, хусусан, муҳим аҳамиятдаги инвестиция лойиҳаларини банklar томонидан молиялаштиришда лойиҳавий молиялаштириш усулидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш.

2) Тижорат банклари капитализация даражасини оширишни янада жадаллаштириш учун улар эмиссия сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқиш.

3) Стратегик аҳамиятдаги корхоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ўзлик маблағлари базасини мустаҳкамлаш учун ушбу корхоналарда ва лойиҳалар амалга оширилишига алоқадор банklar акциялари бўйича тўланадиган дивидендлар даражасини ошириш орқали қимматли қоғозларининг инвестиция жозибадорлигини ошириш.

4) Банк инвестиция сиёсатини такомиллаштириш, активлар тузилмасида инвестиция активлари улушини ошириш, инвестиция портфели тузилмасини оптималлаштириш, даромад бермайдиган ва риск даражаси юқори активларини сотиш орқали банк активларининг диверсификация даражасини ошириш, банк инвестиция бўлинмаларини ташкилий-тузилмавий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

5) Хорижий банklar ва ҲМИ билан ҳамкорликни кенгайтириш учун банklar ташқи иқтисодий сиёсатларини тубдан қайта кўриб чиқиш, банklar кенгашлари қошида эмиссион кўмиталар ва бошқарув тузилмасида эмиссион фаолият бўлимлари ишларини ташкил қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз банк-молия тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида тижорат банklarининг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятлари кенгаймоқда, пировардида банklar томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган инвестициявий кредитлар ҳажми ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялашга, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришишга, янги турдаги рақобатбардош маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишига ва энг муҳими мамлакатимиз минтақаларида янги иш ўринларининг яратилишига, шу орқали аҳоли турмуш тарзининг янада яхшиланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т: Ўзбекистон, 2017, 103 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республика-сини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган.

3. Инновационная политика : учебник для бакалавриата и магистратуры/ Ред. Л.П.Гончаренко. - М.: Юрайт, 2016. - 502 с.

О НЕКОТОРЫХ МЕРАХ ПО СТИМУЛИРОВАНИЮ ПРИВЛЕЧЕНИЕ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ УЗБЕКИСТАНА

*Сабинова Л.Ш. к.э.н. доцент кафедры
«Оценочное дело и инвестиции» ТФИ*

Рахматова Н.М. Магистрант группы ХМ-2 ТФИ

Как известно, прямые иностранные инвестиции являются ключевым фактором в развитии экономики любой страны. Объем привлечения и освоения иностранных инвестиций считается своего рода индикатором открытости и эффективности экономики страны. Сущность иностранных инвестиций чрезвычайно важна для развития экономики, так как они вызывают мультипликативный эффект в развитии страны.

Согласно стратегии действий по развитию Узбекистана на период 2017-2021 гг. предполагается развитие и либерализация экономики, направленные на укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики, активное привлечение иностранных инвестиций в отрасли экономики и регионы страны путем улучшения инвестиционного климата. Данное направление и действие со стороны государство имеет особое влияние на развитие экономики страны.

Необходимо отметить несколько основных моментов эффекта иностранных инвестиций, таких как:

- положительное влияние на валютный платежный баланс страны за счет притока иностранной валюты в страну;
- создание нового производства востребованных и конкурентоспособных товаров и услуг (в т.ч. импортозамещающего и экспорт ориентированного);
- создание новых рабочих мест, в т.ч. для квалифицированных и высококвалифицированных работников;
- внедрение новых технологий и ноу-хау;
- модернизация и диверсификация национальной экономики;
- увеличение поступлений в бюджет за счет создания новых производственных предприятий-налогоплательщиков;
- рост объема промышленности и внутреннего валового продукта страны.

В связи с этим, благодаря привлечению инвестиций, как внутренних, так и внешних, возможно устранение многих социальных и экономических проблем, а также повышение благосостояния населения.

За последние 20 лет объем освоенных прямых иностранных инвестиций и негарантированных кредитов в экономику Узбекистана составил 25,3 млрд. долларов, из которых 11,8 млрд. долларов (47%) были привлечены за последние 5 лет.

Среднегодовой объем осваиваемых инвестиций в республике остается на уровне 2-2,5 млрд. долларов (менее 4% к ВВП), что ниже среднего показателя по странам с переходной экономикой (3,4 млрд.), а также ниже показателей отдельных стран СНГ

(Казахстан 15-20 млрд. – 7-8% к ВВП, Азербайджан 5-8 млрд. – 15-20%, Беларусь 3-6 млрд. – 8-10%).

По данным экспертов комитета, привлеченные за последние 5 лет прямые иностранные инвестиции сконцентрированы в основном в нефтегазовой отрасли (73%), электроэнергетике (2%), в сфере информационных технологий и коммуникаций (6%), оставаясь незначительным в других отраслях экономики (к примеру, в легкой и текстильной промышленности – около 1%, автомобильной промышленности – 0,2%).

Вместе с тем отмечается резкий приток прямых иностранных инвестиций в страну. Увеличился приток инвестиций и в другие отрасли экономики без учета объема инвестиций АО «Узбекнефтегаз».

Указывается, что при существующих масштабах экономики Узбекистана и ее сопоставлении с развивающимися и переходными экономиками, ежегодный объем освоенных прямых иностранных инвестиций должен находиться в пределах 4-12 млрд долларов.

В связи с этим, в настоящее время со стороны руководства ведется активная работа по привлечению и освоению иностранных инвестиций, а также улучшению инвестиционного климата. На сегодняшний день сформирована солидная законодательная база, направленная на стимулирование привлечения иностранных инвестиций.

Вместе с тем, правительством страны предоставляются следующие льготы и преференции, например:

- налогооблагаемая прибыль юридических лиц уменьшается на сумму средств, направляемых на модернизацию, техническое и технологическое перевооружение производства, приобретение нового технологического оборудования, расширение производства в форме нового строительства;
- освобождается от налога на добавленную стоимость;
- отменены экспортные таможенные пошлины на продукцию собственного производства и т.д.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан №УП-5495 от 01.08.2018г. «О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан», предусмотрено следующее:

- снижение минимального размера доли иностранных инвестиций в уставном фонде предприятия с иностранными инвестициями с 30 до 15 процентов;
- отмена требования по обязательному участию иностранного юридического лица в качестве участника предприятия с иностранными инвестициями;
- снижение минимального размера уставного фонда предприятия с иностранными инвестициями с 600 миллионов сумм. до 400 миллионов сумм;
- снижение размера государственной пошлины за государственную регистрацию предприятий с иностранными инвестициями в три раза и т.д.

Исходя из вышеизложенного, необходимо заметить, что в момент, когда доля прямых иностранных инвестиций по всему миру стремительно падает, Узбекистан осуществляет ряд мер по привлечению внешних ресурсов в экономику страны. Выпуск еврооблигаций, предоставляемые иностранным инвесторам преференции и льготы, стимулирует и активизирует поток внешних инвестиций, что в свою очередь влияет на другие показатели экономики.

При росте объема инвестиций валовый продукт будет расти в гораздо большем размере, чем первоначальные денежные инвестиции. Помимо первичного эффекта возникает вторичный и последующие эффекты.

В связи с этим необходимо указать ряд мероприятий, которые будут продолжать стимулировать поток иностранных инвестиций в экономику страны:

- создать информационную базу по отраслям и проектам для ознакомления и привлечения потенциальных инвесторов;

- сформировать законодательную базу, защищающая интересы как инвестора, так и принимающей стороны;
- осуществлять мероприятия по митигации рисков со стороны государство, а именно уменьшить возможные финансовые убытки от реализации проекта;
- возможность предоставить иностранным инвесторам гарантии, т.е. государственные или банковские гарантии для уверенности вкладываемых средств в проекты;
- предоставить инфраструктуру для реализации инвестиционного проекта, осуществляемых в перифериях Республики;
- предоставить иностранному инвестору свободно управлять своими доходами от проекта.
- уменьшить ограничения по конвертации валюты, полученных от реализации проекта и т.д.

При выполнении вышесказанных мер по привлечению прямых иностранных инвестиций согласно «Стратегии действий по развитию Узбекистана на период 2017-2021» можно ожидать значительное увеличение притока и активации иностранных инвестиций в экономику республики в ближайшее время.

Список использованной литературы.

1. Указ Президента № УП-4947 от 07.02.2017. О «Стратегии действий по развитию Узбекистана на период 2017-2021».
2. Invest.gov.uz
3. [https://www.un.int/uzbekistan/links/стратегия-действий-по-пяти-приоритетным направлениям](https://www.un.int/uzbekistan/links/стратегия-действий-по-пяти-приоритетным-направлениям).

ПРОБЛЕМЫ СОЗДАНИЯ И ВНЕДРЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО МЕХАНИЗМА КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

*Сабирова Л. Ш. канд. наук. доц. кафедры
«Оценочное дело и инвестиции» ТФИ
Ассистент: Жавлиева Ш. Б.*

Как известно, формирование корпоративного управления связано с экономическим и политическим положением государства, с составом владельцев акций и источниками их финансирования, формирующимися финансовыми отношениями, а также с уровнем вмешательства в производственную и экономическую деятельность.

Соответственно управление этими системами будет эффективным при совпадении правовых, культурных и социально-экономических условий.

Как показывает практика развития имущественных отношений акционерных обществ, если не брать в расчет относительно очень малую группу акционеров, значительная часть акционеров, остается в пассивной позиции, они не стремятся повышать свои правовые знания, оставляют без внимания защиту своих прав и интересов, доверяясь более активным членам общества.

Таким образом, значительный удельный вес внедрения корпоративного управления на предприятиях республики приходится на представителей государственной доли, в связи с чем положительный результат корпоративных отношений, в первую очередь, зависит от эффективности работы этих групп.

В настоящее время в Узбекистане наблюдаются следующие модели и тенденции корпоративных отношений :

- Интенсивное развитие промышленно-финансовых групп, которое свидетельствует о повороте в сторону относительно закрытой, основанной на контролируемой банковской и финансируемой японской модели;

- Преимущественное поощрение деятельности, первоначально направленной на стоимость компании и увеличение прибыли за краткосрочный период, которое свидетельствует о схожести с англо-американской моделью.

- Поощрение способности к высокой совместимости системы управления, реагирование компании на внешние факторы, нововведения, риски.

Обобщая выше сказанное, нужно отдельно отметить в качестве основных свойств развития национальной модели корпоративного управления в Узбекистане следующие:

1. Непрерывный процесс распределения имущества в корпорациях.
2. Своеобразные мотивации множества инсайдеров (менеджеров и крупных акционеров), связанные с выбытием активов и контролем финансовых потоков.
3. Слабая или необыкновенная роль традиционных “внешних” механизмов в корпоративном управлении (рынок ценных бумаг, банкротство, рынок корпоративного контроля).
4. Большая государственная доля в акционерном капитале, а также проблемы, образующиеся в управлении и контроле.

Также, как показал анализ, существует ряд характерных концептуальных проблем, осложняющих развитие национальной модели корпоративного управления.

Например, разные группы участников корпоративных отношений имеют интересы схожие в одних и различные в других отраслей.

Так, интересы совпадают, тогда, когда в типичной ситуации все участники корпоративных отношений заинтересованы в стабильности и прибыльности деятельности корпорации, с которой они непосредственно связаны.

Если же интересы не совпадают, что особенно характерно для стран с экономикой переходного периода, текущее положение дел усугубляется, особенно когда нет общего подхода и общего направления развития системы корпоративных управления.

В связи с тем, что структура имущества корпораций Узбекистана находится на стадии развития, а процессы консолидации акционерного капитала продолжается, рано говорить о принадлежности состава корпоративного управления к той или иной классической модели.

Перечисленные своеобразные аспекты же национальной модели корпоративного управления создают значительные неудобства для принятия решений в сферах политической экономики и права.

С точки зрения государственности, основной задачей выступает гарантия и защита имущественного права корпоративного управления и обеспечение равновесия интересов всех участников корпоративных отношений. Поэтому в качестве самого важного институционального условия, следует рассматривать экономическое развитие корпоративного управления. Выявленные проблемы представляют собой на современном этапе развития Узбекистана широкое поле деятельности для дальнейшего создания и внедрения эффективного механизма корпоративного управления.

Литература:

1. Указ первого Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова «О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах» от 24 апреля 2015 года № УП-4720.

2. Постановление «О дополнительных мерах по привлечению иностранных инвесторов в акционерные общества» от 21 декабря 2015 года.

3. Кодекс корпоративного управления — эффективный инструмент внедрения стандартов корпоративного управления.

4. Авазходжаева Д.М. Особенности внедрения системы современных методов корпоративного управления в Республике Узбекистан // Молодой ученый. — 2017.

НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ВА УНГА ХОС БЎЛГАН ТЕНДЕНЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

***Самиев С.И. Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти,
“Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби” кафедраси катта ўқитувчиси,***

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир субъектнинг соғлом фаолият кўрсатиши, унинг яшовчанлиги ва рақобатбардошлиги, бошқа омиллар билан бир қаторда, кўп жihatдан ўша субъект томонидан қай тарзда инвестицион фаолиятнинг амалга оширилаётганлигига боғлиқ. Инвестицион фаолиятнинг қай тарзда амалга оширилаётганлиги эса, охир-оқибатда, унинг молиялаштириш масалаларига бориб тақалади. Бу билдирилган фикр бозор иқтисодиётининг барча субъектларига, шу жумладан, нефть ва газ саноати корхоналарига ҳам бир хилдек тегишли. Бир вақтнинг ўзида, Республикамиз нефть ва газ саноати корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни, дастлаб, бу ердаги инвестицион фаолиятнинг ҳозирги аҳволига баҳо бермасдан ва унга хос бўлган хусусиятларни аниқламасдан ҳал қилишнинг иложи йўқ. Шу сабабли бу ерда, энг аввало, республикамиз нефть ва газ саноати корхоналари инвестицион фаолиятининг ҳозирги аҳволига баҳо бериш ва унга хос бўлган тенденцияларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларни аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, юқоридаги масалаларни бир неча аспектларда кўриб чиқиш мумкин. Лекин бу жараёнда биз ихтиёрийликка йўл қўймасдан амалиётдаги реал вазиятдан келиб чиқишга ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун республикамиз нефть ва газ саноати корхоналари инвестицион фаолиятининг ҳозирги аҳволига баҳо бериш ва унга хос бўлган тенденцияларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар ва уларга тегишли бўлган масалаларни, фикримизча, қуйидаги кетма-кетликда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

1) инвестицияларнинг умумий таркиби ва таркибий тузилмаси орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

2) асосий капиталга инвестицияларнинг таркиби ва таркибий тузилмаси орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

3) инвестицияларнинг технологик таркиби ва таркибий тузилмаси орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

4) асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби ва таркибий тузилмаси орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

5) асосий капиталга инвестициялар молиялаштириш манбаларининг таркиби ва таркибий тузилмаси орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

6) асосий капиталга инвестицияларнинг яхлит ва тармоқлар бўйича умумий иқтисодий самарадорлиги орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

7) асосий капиталга инвестицияларнинг қопланиш кўрсаткичлари орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

8) бевосита (тўғридан-тўғри) хорижий инвестицияларнинг кўлами орқали характерланадиган инвестицион фаолият.

Бизнинг фикримизча, республикаимиз нефть ва газ саноати корхоналари инвестицион фаолиятининг ҳозирги аҳволига баҳо бериш ва унга хос бўлган тенденцияларни аниқлашда юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланиш ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни кўрсатилган кетма-кетликка риоя этган ҳолда бажариш инвестицион фаолиятни молиялаш-тиришни такомиллаштиришда илмий ва амалий жихатдан етарли даражада асосланган қарорларнинг қабул қилинишига олиб келади.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Самиев У. Х. Слушатель БФА РУз

Аннотация: Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев поручил правительству разработать национальную концепцию перехода к цифровой экономике. «Нам необходимо разработать национальную концепцию перехода к цифровой экономике. Исходя из этого, необходимо внедрить программу «Цифровой Узбекистан - 2030»¹⁹⁴, - сказал он. Мирзиёев добавил, что мир быстро меняется, и работа в этом направлении должна начаться. «Мы ставим большие цели: нам нужно довести долю цифровой экономики до 30 процентов», - сказал президент. Он добавил, что внедрение этой концепции резко снизит коррупцию. Мирзиёев поручил правительству разработать дорожную карту для перехода к цифровой экономике.

Люди пользуются приложениями для заказа такси. Автомобили с логотипом онлайн-магазинов все больше заполняют улицы и доставляют купленные товары для покупателей. Все больше ресторанов предлагают услуги онлайн-заказа и размещают свои рекламы в широком масштабе. На одной из пешеходных улиц в центре города был открыт бесплатный общественный Wi-Fi для местных жителей и посетителей.

Эти изменения показывают решимость и действия официального Ташкента по развитию цифровой экономики. Согласно стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы¹⁹⁵, сформулированной правительством Узбекистана, доля финансирования на научно-исследовательскую деятельность в ВВП страны увеличится с 0,21% в 2016 году до 1% в 2021 года. Будут созданы специальные фонды для поддержки инновационного развития, фундаментальных научных исследований и применения новых технологий. Узбекистан рассчитывает войти в 50 ведущих стран Индекса глобальных инноваций (ГИИ) до 2030 года.

Сегодня мировая наука и техника развиваются быстрыми темпами. Четвертая промышленная революция развивается на экспоненциальной скорости, и она «подрывает» почти все отрасли промышленности во всех странах, в то же время резко меняя то, как мы живем, работаем и общаемся. Как поймать возможности, связанные с технологическим прогрессом, реализовывать экономические преобразования, и завершить переход от оцифровки к интеллекту? Ответ для стран Центральной Азии можно найти лишь через научные исследования и открытую кооперацию с внешним миром.

В свою очередь, цифровая трансформация государственного сектора требует смены государственно-центричного подхода на парадигму, согласно которой граждане находятся в центре всего. В этих условиях государственный сектор Узбекистана, стремящийся к обеспечению конкурентоспособности на международной арене и предоставлению удобных, эффективных услуг путем внедрения инновационных

¹⁹⁴ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису, 28 декабря 2018 года

¹⁹⁵ Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 года» № УП-5544 от 21 сентября 2018 года

решений во внутренние пользовательские системы, сталкивается с проблемой эффективного использования технологий.

На сегодняшний день Правительство Узбекистана все активнее использует информационные и коммуникационные технологии, чтобы стать более отзывчивым как для граждан, так и для бизнеса, а также в целях реформирования государственных органов, сделав их более функциональными и гибкими. Всё это обеспечивает прочную основу для освоения правительством новых стратегических возможностей, и наметить пути дальнейшего продвижения цифровой трансформации государственного сектора Узбекистана.

Вместе с этим, формирование национальных и отраслевых инновационных систем, современный экономический рост Узбекистана в большей степени зависит от адаптации общества к меняющимся потребностям рыночной экономики и информационных технологий.

В соответствии с принятой *Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах* предпринимаются последовательные меры по совершенствованию государственного и общественного строительства, направленные на реформирование системы государственного управления, развитие организационно-правовых основ государственной службы, совершенствование системы электронного правительства, повышение качества и эффективности государственных услуг.

В Узбекистане также принята *Комплексная программы развития Национальной информационно-коммуникационной системы* для обеспечения и улучшения общения граждан с государственными органами в электронной форме и создания баз данных электронного правительства.

Созданы и внедрены информационные системы, такие как:

- система клиринга и расчетов в режиме реального времени для розничных платежей с учетом дальнейшей интеграции с биллинговыми системами поставщиков услуг;
- системы для предоставления интерактивных услуг в области государственных закупок, налогообложения и процедур лицензирования, а также таможенного оформления;
- услуги по обеспечению сбора, обработки, систематизации и хранения информации о планировании, ходе исполнения государственного бюджета.

При этом системы предоставления интерактивных услуг в пенсионной сфере и в системе здравоохранения находятся на стадии разработки и внедрения. Также планируется в скором времени принятие Стратегии развития национальной цифровой экономики (Цифровой Узбекистан-2030), которая предусматривает дальнейшее развитие этой отрасли.

Тем не менее, несмотря на достигнутые результаты, на сегодняшний день вывод государственного сектора на новый уровень цифровой зрелости требует критического анализа следующих вопросов:

- как наилучшим образом справиться со все более сложным выбором технологий;
- пересмотр государственных органов, операций и процедур с точки зрения технологических подходов и возможностей (например, государственный сектор, управляемый на основе данных), чтобы сделать их «цифровыми по своему замыслу»;
- понимание важности координации и сотрудничества для управления сложными проектами, разработанных и реализованных в соответствии с видением системных изменений, то есть подход «системного мышления».

С другой стороны, цифровая трансформация требует, чтобы граждане были в центре всех операций, предоставляя им больший голос в разработке политики, разработке и предоставлении услуг.

Цифровая экономика, а именно появление новых возможностей, безусловно, оказывает положительное влияние на жизнь человека. Благодаря развитию цифровых технологий, потребитель может быстро получить необходимые ему услуги, сэконо-

покупая товары в интернет-магазинах по более низким ценам. В конце концов, потребитель может даже начать собственный бизнес в Интернете, стать предпринимателем, не выходя из дома.

Всемирный банк в своем обзоре в 2016 году отметил, что цифровая экономика способствует росту производительности труда, повышению конкурентоспособности компаний, снижению издержек производства, созданию новых рабочих мест, преодолению бедности и социального неравенства.

Развитие современного общества таково, что только цифровая среда позволит экономике Узбекистана интегрироваться в мировое пространство, поскольку бизнес-сектор в сотрудничестве с гражданами уже давно использует цифровые технологии, в том числе цифровую валюту. Наряду с физическими деньгами в обращении находится цифровая валюта. Это значительно увеличивает товарооборот и создает положительную динамику в развитии экономики в целом.

Развитие цифровой экономики подразумевает тотальную глобализацию, чрезвычайно высокую конкурентную среду, наличие квалифицированного персонала и качественное образование, новое качество жизни, деловые и общественные услуги, развертывание современной интернет-инфраструктуры в современных городах, увеличение уровня цифровой грамотности населения и систематическая подготовка ИТ-специалистов во всех областях экономики.

Важным критерием для цифровой экономики является улучшение качества государственных и муниципальных услуг и снижение затрат государства на их предоставление. В то же время государство должно гарантировать стабильность и безопасность инфраструктуры, обеспечить высокий уровень образования населения, включая цифровую грамотность, связать цифровую экономику со всеми отраслями промышленности и, самое главное, интегрировать международную цифровую индустрию в национальную инфраструктуру.

С этой целью в республике должны работать над созданием технопарков, научно-производственными кластерами и другими инновационными проектами, повсеместным и доступным обучением граждан цифровой грамотности, внедрением цифровых технологий, обеспечением охвата страны интернетом. С сетью 5G или выше, а также внедрение электронного документооборота в деятельности предприятий.

Все эти меры потребуют огромных финансовых вложений со стороны государства, подготовленных специалистов для обучения работников предприятий и населения основам цифровой экономики, но это диктует время и требования передовых информационных технологий, которые будут поставлены на обслуживание людей.

Таким образом, программа «Цифровой Узбекистан-2030» - это не просто еще один крупный государственный проект страны, это важный аспект инновационной деятельности Республики Узбекистан, главной целью которой является не только достижение высокого уровня развития, но также для интеграции и взаимодействия с развитыми странами мира.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 от 7 февраля 2017 года.
2. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису, 28 декабря 2018 года.
3. Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 года» № УП-5544 от 21 сентября 2018 года.
4. Индекс цифрового общества 2018 Обрамление будущего.
www.dentsuaegisnetwork.com/media/

5. Измерение отчета информационного общества 2017. Том 1. Профили стран в области ИКТ. Международный Союз телекоммуникаций. Женева, Швейцария.

6. Измерение отчета информационного общества 2017. Том 2. Профили стран в области ИКТ. Международный Союз телекоммуникаций. Женева, Швейцария.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХОРИЖ СТАНДАРТЛАРИГА МОСЛАШТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Саъдуллаева Г. С. ТДИУ таянч докторанти 2 курс

Ўзбекистоннинг жадал ривожланиши олдида қатор стратегик вазифалар турибди. Улар қаторида, таълим тизимида кўпроқ эътибор қаратиш мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиш, бандликни таъминлаш ҳамда гуллаб – яшнашига замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳани тубдан такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини жаҳон стандартлари даражасида тубдан қайта кўриб чиқиш учун туртки бўлди¹⁹⁶. Шу билан бирга, 2017-2021 йилларга мўлжалланган олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди. Бу дастур ўз ичига ўз ичига олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш ва модернизация қилиш, ўқув-илмий лабораторияларини замонавий ахборот каммуникация технологиялари билан таъминлашни олади.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ва бозор ислохотларининг самарадорлиги таълим хизматлари бозори соҳасини янада ривожлантириш, жамият тараққиётининг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда унинг ролини ошириш билан узвий боғлиқлигини кўзда тутиш лозим.

Таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, унинг объекти бўлган таълим хизматларининг моҳияти ва таркибини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради. Чунки, таълим хизматлари бозори таълим хизматларини айирбошлаш тизимидир. Айнан таълим хизматларига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш таълим хизматлари бозори шаклланиши ва ривожланишининг асосий иқтисодий шарти ҳисобланади.¹⁹⁷

Ўзбекистон олий таълим муассасалари ҳаётимизнинг барча соҳаларида, илмий, иқтисодий, техник ва бир қатор мутахассисликларда фаолият олиб бораоладиган малакали кадрларни тайёрламоқда. Ўқув жараёнида талабаларга танлаган соҳаларида муаммони илмий-назарий ва амалиёт усулларида замонавий қарашлар ва технологиялар орқали ҳал қилиш таълими бериб борилади.

ЮНЕСКО ва DGP Research & Consulting консалтинг компанияси ҳамкорлигида жалб қилинган халқаро экспертлар гуруҳи Ўзбекистон таълим тизимини 2017 йил январ – июнь оралиғида комплекс тадқиқ этишди. Изланиш натижасида, назария ва амалиётни яхлитлилиги янада такомиллаштириш, таълим сифати назоратини мукамал механизмини ишлаб чиқиш ва халқаро олий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорликни ривожлантириш зарурати тўғрисида таклифлар берилди.

Ўзбекистон олий таълим соҳасидаги ислохотлар доирасида кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, Erasmus+ (Европа иттифоқи дастури), JICA (Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги), KOICA (Корея халқаро

¹⁹⁶ЎЗР Президентининг 20.04.2017 йилдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори

¹⁹⁷Ташходжаев.М.М. Таълим хизматлари бозори ва унинг ривожланишининг иқтисодий таҳлили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил

хамкорлик агентлиги). Ушбу ташкилотлар билан йўлга қўйилган хамкорлик доирасида Ўзбекистон ўқитувчи ва талабалари халқаро тажриба ва билимларни ўрганиш имкониятига эга бўлишади.

Ўзбекистонда олий таълим тизимини янада ривожлантириш, сифат даражасини ошириш ва меҳнат бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида Жаҳон Банки томонидан қўллаб-қувватловчи лойиҳа амалга оширилмоқда. Жаҳон Банки ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2017 йил 11 апрелда “Олий таълим тизимини модернизация қилиш” лойиҳаси борасида кредит келишуви тасдиқланди.¹⁹⁸ Лойиҳани амалга тадбиқ этиш даври 2017-2022 йилларни ўз ичига олади, олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги назоратини олиб боради, Жаҳон Банки техник ёрдам кўрсатади.

Лойиҳа нафақат талабалар, профессор-ўқитувчиларга балки, таълим соҳасида фаолият олиб борадиган давлат идораси вакиллари учун ҳам манфаатли бўлади. Бундан ташқари битирувчилар мутахассислардан кутилган зарур кўникма ва билимларга эга бўлган ҳола янада яхшироқ тайёрланадилар.

“Иш берувчиларда ўтказилган сўров натижаларида, сўралганларнинг яримидан кўпи асосий тусиқ сифатида етарли малакага эга ишчилар етишмаслигини такидлашди”, дейди Жаҳон Банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори.

Ушбу лойиҳаолий таълим муассасаларида малакали битирувчиларни тайёрлаш ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган юқори сифатли тадқиқотларни ўтказиш соҳасидаги салоҳиятини кучайтиришга имкон яратади. Лойиҳа университетларда замонавий илмий лабораторияларни яратиш, модернизация қилиш, профессор – ўқитувчилар, ходимлар малакаси ошириш, таълим сифатини халқаро стандартларга тенглаштириш чора-тадбирларини молиялаштиришни ўз ичига олади. Кредит Жаҳон Банкнинг Халқаро ассоциацияларини ривожлантириш бўлими томонидан имтиёзли шартда ажратилган. Мухлати 5 йиллик имтиёзли давр билан умумий 25йилни ташкил қилади. Кредитнинг умумий суммаси 50 миллион АҚШ доллари.

Олий таълим тизими самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларнинг қуйидаги гуруҳлари фарқланади:

- олий таълим тизими фаолияти самарадорлигини акс эттирувчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар (олий таълим муассасининг салоҳияти, меҳнатнинг нафлилиги ва сифати);
- бошқарилувчи ва бошқарувчи тизимлар (ўқув жараёни кўрсаткичлари, бошқарув тизими) ўртасидаги боғлиқликни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув тизимини тавсифловчи кўрсаткичлар (тузилиши, жараён, усуллар, техника, кадрлар ва бошқариш меъёрлари);
- бошқарув омилларини аниқловчи кўрсаткичлар (бошқарувнинг шахсий омиллари).

Таълим хизматлари бозоридаги ички ва ташқи иқтисодий муносабатларнинг таҳлили натижаларини умумлаштириш асосида ушбу йўналишдаги муаммолар аниқланади. Мазкур босқичда таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва тизимга келтириш мақсадга мувофиқдир. Таълим хизматларини кўрсатувчи олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари меҳнат бозори талабларига мос бўлиши, талабалар эса уни тўлиқ ўзлаштиришдан манфаатдор бўлишлари лозим. Ишлаб чиқариш меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори орқали олий ўқув юртларига ўз талабини қўяди. Талабнинг мавжудлиги ўқув муассасалари ихтиёридаги ресурсларни ушбу талабларни қондиришга йўналтириш имконини беради, бу эса талабларни ўқитиш сифатининг ошишига олиб келади.


¹⁹⁸ www.gazeta.uz

ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР УЧУН ИНВЕСТИЦИОН ИҚЛИМ ВА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Собиров Н.С.Бухоро солиқ коллежи.

Замонавий халқаро инвестиция бозори инвесторлар ўртасида ҳамда инвестицияларни қабул қиладиган мамлакатлар ўртасида ўзаро рақобат даражасини юқорилиги билан характерланади. Мамлакатлар қулай инвестицион муҳитни яратиш орқали миллий иқтисодиётга хорижий капитални жалб қилиш учун фаол кураш олиб борадилар. Инвесторлар ўз навбатида, турли инвестицион рисклар ва инвестицион потенциал даражасини ҳисобга олган ҳолда ўз молиявий ресурсларини киртиш учун ҳудудларни танлайдилар.

Бундан ташқари, депозитларнинг муддатлари бўйича мажбурий резерв нормативлари қайта кўриб чиқилиб, муддатлари 1 йилдан 2 йилгача, 2 йилдан юқори бўлган депозитлар ҳамда бошқа мажбуриятлар учун уларнинг валюта турига қараб нормативлари табақалаштирилди.

Натижада йил бошидаги хорижий валютанинг жами мажбурий резервлардаги улуши 96 фоиздан 47 фоизга пасайиб, қўшимча 2 трлн. сўмлик ликвидлилиқ мажбурий резервга мужассамлантирилди.

Расмда банкларнинг Марказий банкдаги мажбурий резервлари 3 трлн сўмдан юқори эканлиги кўриниб турибди. Ушбу инструмент муомалада пул массасини назорат қилиб, инфляция хатарларни олдини олиши, банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириши ва иқтисодиётдаги долларизация даражасини пасайтириши турган гап, лекин ўз навбатида тижорат банкларнинг даромад келтириши мумкин бўлган ресурсдан маҳрум қилади. Шунингдек, хорижий валютадаги мажбуриятлар учун мажбурий резервлар нормасининг юқори қилиб ўрнатилиши натижасида иқтисодиётда девальвацион босим вужудга келганда алмашув курсининг ошиши ҳисобига тижорат банклари мажбурий захирага кўпроқ маблағ ўтказишга мажбур бўладилар ва бу, ўз навбатида, девальвацион босим занжирсимон тус олишининг олдини олишга хизмат қилади.



Банкларнинг марказий банкдаги мажбурий резервлари қолдиғи таркибининг ўзгариш динамикаси

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Пул-кредит сиёсатининг анъанавий инструментларидан яна бири – бу қайта молиялаш сиёсатидир.

Таракқий этган мамлакатларда, хусусан, АҚШ ва Японияда қайта молиялаш сиёсати иқтисодий пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг муҳим инструменти ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, таракқий этган мамлакатларда тижорат банкларини Марказий банк томонидан кредитлашнинг мавжуд уч усулидан бир вақтнинг ўзида фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги қайта молиялаш сиёсатининг пуллар таклифига ва пулларга бўлган талабга таъсирини таъминлаш имконини бермоқда.

Эътироф этиш жоизки, Марказий банк томонидан бериладиган кредитлар, шу жумладан, овернайт кредитлари, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда муҳим ўрин тутати.

Дунёнинг бир қатор мамлакатларида (Швеция, Россия ва бошқ.) кунлик кредитлар Марказий банклар томонидан қимматли қоғозларни гаровга олган ҳолда фоизсиз берилади ва улар миллий тўлов тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида берилади.

Иқтисодчи олимлар томонидан фоиз ставкаларини истеъмол ва инвестицион харажатларга таъсир этиш орқали иқтисодий фаолликка кучли таъсир этиши илмий жиҳатдан исботланган (Моисеев С.Р. 2011).

Шу кунга қадар республикаимиз тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда монетар сиёсатнинг ролини ошириш билан боғлиқ бўлган айрим долзарб муаммолар мавжуд эди.

Хусусан: Марказий банкнинг дисконт ва ломбард кредитлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, унинг қайта молиялаш сиёсати орқали тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир этиш имконияти мавжуд эмас эди.

Пул-кредит сиёсати инструментларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк Бошқаруви томонидан тижорат банкларига ликвидлик бериш ҳамда улардан ликвидликни жалб қилиш бўйича қўшимча пул-кредит инструментларини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, Марказий банк томонидан қуйидаги операцияларни босқичма - босқич амалиётга жорий этиш кўзда тутилмоқда:

-аукцион савдолари орқали валютани гаровга олган ҳолда қисқа муддатли қайта молиялаш кредитларини бериш;

-аукцион савдолари орқали тижорат банкларининг пул маблағларини Марказий банкнинг қисқа муддатли депозитларига жалб қилиш;

-аукцион савдолари орқали Марказий банкнинг облигацияларини тижорат банклари ўртасида жойлаштириш;

-ўзгармас фоиз ставкаларида тижорат банкларининг пул маблағларини Марказий банкнинг қисқа муддатли депозитларига жалб қилиш.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати самарадорлигини таъминлаш мақсадида, биринчидан, марказлашган дисконт ва ломбард кредитлари бериш амалиётини йўлга қўйиш лозим; иккинчидан, тижорат банкларини Марказий банк томонидан тўғридан - тўғри кредитлашни (овердрафт, кунлик, муддатли шакллардаги кредитлар) узлуксизлигини таъминлаш зарур.

Марказий банкнинг овердрафт кредитлари тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида юзага келган пул маблағлари етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш мақсадида берилади. Кунлик кредитлар эса, бир операция кун давомида берилади.

2. Марказий банк тижорат банклари томонидан мажбурий захирага ажратган маблағларга маълум миқдорда фоиз тўлаш механизмининг яратиши керак.

3. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг ўзгариши билан мажбурий захира ставкаларининг ўзгариши ўртасидаги монандликни таъминлаш лозим. Ҳозирги кунда мазкур ставкаларнинг ўзгариши ўртасида монандлик мавжуд эмас.

4. Халқаро рейтинг агентликларининг юқори кредит рейтингига эга бўлган (камида ВВВ рейтинг баҳога) тижорат банклари ва корхоналарнинг қимматли қоғозлари (депозит сертификатлари, облигациялари) ҳисобидан Марказий банкнинг очиқ бозор операцияларини йўлга қўйиш лозим.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашни макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида белгилаб берилганлиги жуда муҳим ва долзарб воқелик ҳисобланади ва монетар сиёсатни такомиллаштиришга қаратилган жиддий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -104 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. -№6 (766).-32-б.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Тошбоев Ш. БМА
мустақил изланувчиси

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш каби устувор вазифалар белгилаб берилди. Мазкур давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлашимиз ўринлидир, хусусан, “бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлган 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда”²⁰⁹.

Халқаро банк амалиёти мамлакатни иқтисодий ривожлантиришда тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш ва кредитлашнинг замонавий механизмларини жорий этишни талаб қилади. Замонавий банк амалиётида кредитлашнинг иккита усулидан кенг фойдаланилади. Биринчи усулнинг моҳияти шундан иборатки, бу традицион характерга эга бўлиб, ҳар бир кредит лойиҳаси учун аълоҳида ёндошув асосида кредит маблағига бўлган мурожаатлар ўрганиб чиқилади ва лойиҳа юзасидан тақдим қилинган ҳужжатлар асосида тегишли ҳулоса чиқарилиб, кредит ажратиш ёки рад этиш юзасидан қарор қабул қилинади. Бунда албатта кредит олувчи субъектнинг молиявий ҳолати, бизнес лойиҳаси ўрганиб чиқилади ва гаров таъминоти ликвидлиги таҳлил қилинади ва барча талаблар ижобий баҳоланган ҳолатда кредит ажратиш учун қарор қабул қилинади. Кредитлашнинг бу амалиёти мижозга кредит ажратилиши учун маълум бир муддатни талаб қилган ҳолда айрим ҳўжалик субъектларига кредит маблағи ажратилиши тўғрисида қарор қабул қилинганича лойиҳа ўз долзарблигини йўқотиши мумкин.

Кредитлашнинг иккинчи усули очик кредит линиялари орқали кредитлаш амалиётидир. Ушбу механизмнинг қулайлиги шундаки, очик кредит линияси бир йилга ёки ундан кам муддатларга ажратилиши назарда тутилади ва шу дар мобайнида мижоз учун маблағ зарур бўлган вақтда мижознинг тўлов топшириқномаси асосида ортиқча ҳужжатлар талаб қилинмасдан олдиндан белгиланган кредитлаш лимити идоирасида тезкор тўлов амалга оширилади. Бунда, қарз олувчи учун унинг иқтисодий-молиявий фаолияти ўрганиб чиқилиб, унга маълум бир даврга кредитлаш лимити белгиланади (ажратиш мумкин бўлган кредит миқдори аниқ кўрсатилади) ва банк томонидан шу кредитлаш лимити доирасида мижознинг талаби асосида кредитлаш амалиётини амалга ошириш учун барча ҳужжатлар расмийлаштириб қўйилади. Ушбу усулнинг асосий хусусиятларини қуйидагилар билан белгилаш мумкин:


- очик кредит линияси банкнинг барқарор пул оқимиға эга бўлган доимий мижозларига ажратилади;
- ҳўжалик субъектининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, унга ажратиладиган кредит миқдори олдиндан белгилаб қўйилади;

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли Фармони. ҚҲММБ: 06/19/5635/2502-сон.

- хўжалик субъектига тезкор кредит маблағи берилиши ва ажратилган кредит микдоридан зарурат туғилган вақтда фойдаланиши ҳамда фойдаланган даври учун фоиз тўлашлиги;

- хўжалик субъектининг молиявий аҳволи ёмонлашган тақдирда банк томонидан кредит ажратишни рад этиш ҳуқуқи сақлаб қолиниши.

Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, у банкда доимий мижозларнинг турғунлигини таъминлашга ва ишончли мижозлар сонининг ортишига олиб келади, бу эса ўз навбатида банкларнинг кредитлаш амалиётининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.



Тижорат банклари томонидан 2015-2018 йилларда ажратилган кредитлар динамикаси

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда тижорат банклари томонидан иқтисодиётимизни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга хорижий ва маҳаллий кредит линиялари орқали кредитлар ажратилиши йил сайин ошиб бормоқда. Бундан кўринадики, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда банк тизимида олиб борилаётган сиёсат ўз самарасини бермоқда.

Тижорат банклари кредит қўйилмалари динамикаси

Кўрсаткичлар номи	01.02.2018 й.		01.02.2019 й.		Ўзгариши, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Марказий банкдаги маблағлар	15 510	9,1%	8 868	4,0%	-42,8%
Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	1 585	0,9%	2 364	1,1%	49,1%
Кредит қўйилмалари, (соф)	111 557	65,8%	169 666	76,5%	52,1%

Манба: Тижорат банкларининг 2018 ва 2019 йиллардаги 1 февраль ҳолатига жамланма баланс маълумотлари асосида тайёрланди (www.cbu.uz)

Ушбу жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимиз банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, Марказий банк томонидан 2018 йилдан мажбурий заҳиралар ставкасининг янги тартиби жорий қилиниши натижасида тижорат банкларининг марказий банкдаги маблағлари 15510 млрд. сўмдан 8868 млрд. сўмгача, фоизда олиб қаралганда сал кам 43 фоизга камайишига эришилган.

Бу эса, тижорат банклари ихтиёрида қолаётган ресурс маблағларининг ошишига ва уларнинг кредитлаш имкониятларининг кенгайишига имконият яратади.

Жумладан, банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ тижорат банкларининг кредитлаш имкониятларини кенгайтириб, реал иқтисодиётга ажратилаётган кредит миқдорининг ошишига хизмат қилмоқда. Масалан, 2018 йилнинг 1 феврал ҳолатига нисбатан 2019 йилнинг мос даврида тижорат банкларининг кредитлари 52.1 фоизга ўсишига эришилиб 169666 млрд. сўмни ташкил қилди²¹⁰. Бу эса тижорат банкларининг кредитлаш имкониятларини рағбатлантиришга ва ресурс билан таъминланиш даражасини оширишга ҳамда жалб қилинаётган хорижий ва маҳаллий кредит линияларининг фоиз ставкалари арзонлашувига ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир қилади.

Мамлакатимиз тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини янада ривожлантиришда хорижий ва маҳаллий кредит линиялари муҳим аҳамият касб этади. Бунда албатта тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини амалга оширишда жалб қилинадиган маҳаллий ва хорижий кредит линиялари устувор равишда тармоқларни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш Дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлашга қаратилиши аҳамиятлидир.

Ушбу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, кредитлаш амалиётини, хусусан, очик кредит линияларини кенг жорий этиш, кредит линияларини жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини янада оширишга, пировардида эса иқтисодиётимизни ва унинг тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли Фармони. ҚХММБ: 06/19/5635/2502-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг интернет сайти маълумотлари <http://cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/2019/01/158756/>

МОЛИЯВИЙ РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАР МОҲИЯТИ

Турсунова Н. БМА тингловчиси

Мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификациялаш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг турмуш даражаси изчил ошиб бориши учун мустаҳкам ҳамда ишончли пойдевор яратилганлигини таъкидлаш лозим. Кейинги йилларда рисклар тадқиқ этилган қатор илмий ишларда уларни минималлаштиришни амалга ошириш борасида маълум натижаларга эришиш таъкидланса-да, мазкур жабҳада ҳамон ўз ечимини қутаётган қатор муаммолар мавжудлигини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, бу жараёнда рискларнинг моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари ва ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолият, яъни рискларни баҳолаш


²¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг интернет сайти маълумотлари <http://cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/2019/01/158756/>

усуллари имкониятларини тадқиқ этиш иқтисодий фанларнинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланишини қайд этиш ўринлидир²¹¹.

Рискни баҳолаш усуллари рискни бошқариш жараёнида асосий эътибор уни баҳолашга қаратилади. Рискни баҳолаш –унинг даражасини миқдорий ёки сифат ўлчамлари билан аниқлашдир. Рискнинг тахминий эҳтимолини аниқлаш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Илмий адабиётларда тадбиркорлик рискни баҳолашнинг 4 усули келтирилади: Статистик усул; Эксперт усули; Аналитик усул; Комбинациялаштирилган усул. Статистик усулда субъектнинг ва тармоқдаги бошқа турдош субъектларнинг бир неча йиллик фаолияти давомида юз берган таваккалчилик ҳодисалари ҳамда уларнинг таъсирида қўрилган зарарларнинг даражаси ўрганиб чиқилади. Тахминий рискни аниқлаш Рискдаги хавф эҳтимолини таҳлил этиш ва баҳолаш хавфни олдини олиш ёки пасайтириш имкониятларини белгилаш рискни бошқариш усуллари танлаш, танланган усулларни қўллаш ҳамда натижаларни таҳлил этиш ва баҳолаш, эксперт усулида иш тажрибаси юқори ва мазкур соҳада эксперт ҳисобланган юқори малакали мутахассисларнинг фикрлари, аниқ ҳисоб-китоблари ва тавсиялари эътиборга олинади. Аналитик усулда иқтисодий-математик усуллар, вазиятли иш ўйинлари ва эҳтимоллар назариясидаги моделлар ёрдамида таваккалчиликнинг даражасига баҳо берилади. Комбинациялаштирилган усул юқорида келтирилган барча усулларни ёки улардан бир нечасини қўллаш орқали амалга оширилади. Молиявий рискларни баҳолаш усуллари жаҳон амалиётида жуда кўп ишлаб чиқилган бўлсада, уларни тадбиқ этиш, амалиётда қўллаш ҳамиша кутилган натижани бермаган. Молиявий рискларни баҳолаш усулларида, уларни даражасини камайтириш, олдини олиш учун жаҳон бозорида кўпгина операциялардан фойдаланилади. Масалан, хеджирлаш, своп операциялари, спот операциялари, фьючерс, опцион, суғурта қилиш ва VaR коэффициентларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Рискларни баҳолаш усулининг ҳозирги кундаги энг замонавий усулларида бири VaR (Value at Risk) орқали амалга оширилади. VaR – бу статистик жиҳатдан ёндашув бўлиб, бу орқали рискларни баҳолаш жараёнида эҳтимолликлар тақсимооти асосий тушунча ҳисобланади. Бу эҳтимолликлар бозордаги ҳар қандай иқтисодий омилларнинг қийматлари билан боғлиқ ҳолда баҳоланади. Бу усул орқали молиявий рискларни баҳолаш мураккаб математик формулалар орқали амалга оширилади. Бу усулдан ҳозирги кунда ривожланган давлатларда жуда кенг қўлланилмоқда. Суғурта фаолиятидан фойдаланган ҳолда рискларнинг олдини олиш молиявий рискларнинг олдини олишнинг энг асосий усулларида бири бўлиб қолмоқда. Эҳтимолликни кутилаётган фойданинг қиймати бўйича тақсимланиши ҳар қил бўлиб, шулардан асосийси узлуксиз кўринишидир. Эҳтимолликнинг узлуксиз тақсимланиши бир неча ҳил кўринишда намоён бўлади: Эҳтимолликнинг текис тақсимланиши; Эҳтимолликнинг учбурчакли тақсимооти. Бу ҳолатда асосий эътибор кутилаётган даромаднинг ўртача қийматига қаратилади. Рискларнинг юзага келиши мумкин бўлган омилларини баҳолаш ва олдини олиш жараёнида бир қанча математик усуллар мавжуд бўлиб, бу орқали компанияларнинг акциялари қийматини баҳолашда рискларнинг таъсири доирасини олдиндан аниқлаш имконини беради. Молиявий риск ва даромад ўртасидаги боғлиқлик жараёнининг биринчи босқичида эҳтимолликлар тақсимооти ётади. Эҳтимолликлар тақсимооти белгиланган маълум бир оралиқларда, кутилаётган даромаднинг қийматини олдиндан аниқлаш имконини беради. Риск эҳтимоллик кўрсаткичи билан қанчалик боғлиқ бўлса, факт бўйича олинган даромад қийматидан доимо кичик бўлади. Эҳтимолликни кутилаётган фойданинг қиймати бўйича тақсимланиши ҳар қил бўлиб, шулардан асосийси узлуксиз кўринишидир.

²¹¹ Р.Кантильон, Ф.Найт и Ж.М.Кейнснинг риск, ноаниқлик ва фойданинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги назариялари: умумийлик ва ўзига хослик./knowledge.allbest.ru/economy.

Эҳтимолликнинг узлуксиз тақсимланиши бир неча хил кўринишда намоён бўлади: Эҳтимолликнинг текис тақсимланиши; Эҳтимолликнинг учбурчакли тақсимоти. Бу ҳолатда асосий эътибор кутилаётган даромаднинг ўртача қийматига қаратилади. Масалан, -5 дан 15 оралиқдаги эҳтимолликни Учбурчакли тақсимот бўйича қарайдиган бўлсак, ўртача қийматга яқин бўлган сон 10ни ташкил қилади.



Эҳтимолликнинг текис тақсимланиши графиги

X- кутилаётган даромад қиймати ўқи, Y – эҳтимоллик тақсимоти қиймати ўқи. Берилган маълумот асосида учбурчакли усул орқали ҳисоблаш формуласини келтириб чиқарамиз: (қуйи чегар + эҳтимолликка яқин чегар + юқори чегара) :3 ёки $(X_1 + X_2 + X_3) : 3$. Демак (-5:15) оралиқдаги кутилаётган даромад 6.67% ни ташкил қилади, (0:10) оралиқда эса 5%ни ташкил қилади. VaR орқали ифодаланадиган асосий фикр шуки, у портфел рискинни оддий миқдорий жиҳатдан баҳолаб беради. VaR икки муҳим ва ажойиб характеристикани ифодалайди. Биринчидан, у турли позициялар ва инструмент турлари учун рискни изчил умумий баҳолаб беради. Иккинчидан, у ҳар хил риск факторлари орасидаги корреляцион ҳисобни ўз ичига олади. Битта инструментга қараганда портфел учун рискни ҳисоблаш албатта бу муҳим хусусиятдир.

Молиявий рискларни баҳолаш натижалари асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни шакллантириш мумкин:

-рискни баҳолашда ва кейинги қарорларни қабул қилишда энг кўп учрайдиган хато айнан унинг тўлиқ баҳоланмаганлигидир. Рискни камида тўртта кўрсаткич билан баҳолаш, уни минималлаштиришга олиб келади.

-рискларни баҳолаш натижаларини умумлаштириш қулай бўлиши учун уларни ҳам миқдорий, ҳам сифат жиҳатидан баҳолаш зарур.

Фойдаланган адабиётлар

1. Управление финансовыми рисками: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры/ Ред. И.П.Хоминич; Ред. И.В.Пещанский. -М.: Юрайт, 2016. -345 с

2. Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари : Монография. -Т.: Молия, 2006. -135 б.

БАНКЛАР ФАОЛИЯТИДА ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТИНИ ЮРИТИШДАГИ КАМЧИЛИКЛАР ВА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР

Усмонов Ф. БМА тингловчиси

Факторинг - бу савдо-восита операцияларининг бир тури бўлиб, у мижознинг (банкнинг ёки факторинг компаниясининг мижози) айланма капитални кредитлаш билан узвий боғлиқдир. Факторингнинг асосий тамойили шундаки, факторинг операциясини амалга ошираётган банк (факторинг-фирма) ўз мижозларидан уларнинг етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар, амалга оширилган ишлар учун бошқа корхоналарга бўлган талабларини сотиб олади ва шу орқали бу талаблар учун тўловларини олиши ҳуқуқини олади. Факторинг операцияси мижознинг дебиторлик

қарздорлигини инкассо қилиш, кредитлаш ва кредит ҳамда валюта хатарларини кафолатланишни ўз ичига олади.

Халқаро савдо амалиётида “экспортни молиялаштириш” ёки “савдони молиялаштириш” тушунчалари мавжуд бўлиб, улар ўз мазмун-моҳиятига кўра халқаро савдо алоқаларида рискларни камайтириш ва самарали ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг муқобил воситалари ҳисобланади.

Ушбу воситалар ўз таркибига халқаро факторинг, форфейтинг, аккредитив, вексель, рамбурсли мажбуриятлар каби бир қатор молиявий инструментларни қамраб олган. Ушбу инструментлар орқали халқаро алоқалар бўйича ҳисоб-китоблар механизмини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш мумкин.

Ушбу инструментларнинг бир қатор элементлари ва шакллари мавжуд бўлиб, улардан халқаро савдо алоқаларида юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарлардан ҳимояланишда фойдаланилади.

Агар фикримизни шарт-шароитлар нуқтаи-назаридан давом эттирадиган бўлсак, у ҳолда халқаро факторинг ва форфейтинг операцияларининг ривожланмаганлигига тўсиқ бўлиб турган қуйидаги омилларни алоҳида келтириб ўтиш мумкин:

биринчидан, мазкур йўналишни тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий-меъёрий метадологик асосларнинг мавжуд эмаслиги (шу жумладан, халқаро ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни ратификация қилиш масалалари);

иккинчидан, ушбу халқаро молиявий инструментларнинг ишлашини таъминловчи молиявий инфраструктуранинг такомиллаштирилмаганлиги (қимматли қоғозлар ва валюта бозори инструментлари);

учинчидан, ушбу инструментлар ҳосилавий воситаларининг ички ва ташқи бозорда ишлаш механизмларини ёритиб берувчи ҳамда SWOT таҳлил натижаларига асосланувчи амалий тарғибот воситаларининг ишламаётганлиги (банклар ташаббусининг сустлиги);

тўртинчидан, ташқи савдо алоқалари субъектлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга кўмак берувчи, реал вақт режимида тезкор ишловчи ва сарф-харажатлар миқдорини камайтирувчи юқори технологик дастурий таъминотларнинг етарли эмаслиги (ахборот коммуникацион технологиялар кооперацияси масалалари);

бешинчидан, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари фаолиятида ушбу соҳа йўналишларида малакали кадрлар тайёрлаш учун зарур бўладиган “template” – андозали молиявий лаборатория машғулотларини амалга оширишга кўмак берувчи дастурий таъминотларнинг мавжуд эмаслиги (ҳеч бўлмаганда етакчи иқтисодий-молиявий институтлар ўз фаолиятларида мана шундай дастурий таъминотларга эга бўлишлари шарт);

олтинчидан, республикамиз иқтисодиётида фаолият юритаётган хўжалик субъектларида жуда катта ҳажмдаги дебиторлик – кредиторлик қарздорлигининг мавжудлиги. Бу салбий ҳолат эса кўп ҳолларда тўлов интизомини асоссиз равишда бузганлик учун юзага келган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган кўплаб хўжалик субъектларида ҳаддан ташқари кўп товар захиралари ва тайёр маҳсулотнинг тўпланиб қолганлиги;

еттинчидан, факторинг операцияси факторинг фирма (банк) томонидан мижоз тўғрисида, яъни унинг тўловга қобилиятлилиги, балансининг ликвидлилиги, ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиб олувчи харидорларининг молиявий ҳолати, дебитор қарздорлиги ва шунга ўхшаш молиявий маълумотларни тўлиқ, ҳаққоний ва ўз муддатида олишликни талаб этади. Лекин шуни қайд этиш лозимки, ҳозирда республикамизда фаолият кўрсатаётган жуда кўплаб хўжалик субъектлари томонидан

хўжалик-молиявий ҳолати тўғрисида ҳаққоний ва ошкора маълумот бериш тажрибаси йўлга қўйилмаган.

Юқорида қайд этиб ўтган салбий омиллар республикамиз тижорат банклари томонидан факторинг амалиётга кириш ҳамда ривожлантиришга тўсқинлик қилмокда. Бизнинг фикримизча, ушбу салбий ҳолатни бартараф этиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мамлакатимизда хўжалик юритувчи корхоналарда дебиторлик кредиторлик қарздорлигини инвентаризация қилиш ва аниқланган ўзаро қарздорликни ўзаро сингдириш ҳамда даъво муддати ўтганларини (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 157-моддасига асосан республикамизда дебитор-кредитор қарздорликнинг даъво муддати 3 йил деб белгилаб қўйилган) мажбурий равишда корхонанинг фойдасига (кредиторлик қарзи) ёки зарарига (дебиторлик қарз) олиш тўғрисида махсус қарор ишлаб чиқиш лозим. Ушбу қарорни ишлаб чиқарилиши ва амалиётга киритилиши республикамиздаги жуда кўплаб корхоналардаги ўзаро қарздорликни кескин равишда қисқартиришга олиб келади.

2. Ўзбекистон Республикасизда фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари томонидан улар ўзлари тўғрисида хўжалик-молиявий ҳолати тўлиқ, ҳаққоний маълумот ошқоралигини амалдаги қонунчилик асосида тартибга солиш лозим. Бу ҳолат эса тижорат банкларида факторинг шартномасида иштирок этаётган мижозлар тўғрисидаги ҳаққоний, тўлиқ маълумотни олиш имкониятини беради ва бу билан факторинг операциясидаги таваккалчилик хатари пасаяди. Шунинг таъкидлаш лозимки, факторинг шартномасида иштирок этаётган субъектнинг бири банкнинг мижози бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бизнинг фикримизча, республикамиз банк тизимида фаолият кўрсатаётган (мулкчилик шаклидан қатъий назар) тижорат банкларида мижозлар тўғрисида тўлиқ маълумот базасини яратиш ва лозим вақтда бу маълумотлардан (факторинг шартномаси тузилаётган вақтда) расмий равишда ўзаро фойдаланишликни амалиётга киритиш лозим. Бу ҳолат факторинг шартномасини имзолаётган тижорат банкига ҳар иккала (ўз мижози ҳамда иштирок этаётган бегона мижоз) мижоз тўғрисида тезкор ва ҳаққоний маълумот олиш имкониятини яратади ҳамда банк учун кредит хатарини камайтиради.

3. Тижорат банкларининг ишончли, молиявий барқарор бўлган мижозлар гуруҳига халқаро факторинг хизматини кўрсатиш йўли билан факторинг операциялари миқдори ва даромадлигини ошириш зарур.

Халқаро факторинг операциялари ички факторингдан фарқлидир. У нафақат мижозларнинг қисқа муддатли молиялаштириш муаммосини ҳал этади, балки халқаро бозорда ўсиб бораётган рақобат шароитида экспортчи ва импортчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни оптималлаштиришга имкон беради.

4. Кичик бизнес субъектларига халқаро факторинг хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш учун кичик бизнес субъектларининг экспорт тушумини форвард шартномаси асосида сотиб олиш йўли билан факторинг қайтарилиши тартибини жорий қилиш керак. Бундан ташқари, халқаро факторинг операциялари барқарор экспорт тушумига эга бўлган ва муддати ўтган қарз мажбуриятлари мавжуд бўлмаган кичик бизнес субъектларига берилиши лозим.

Шунингдек, республикамизнинг йирик тижорат банкларида муддати ўтган факторинг операциялари ҳажмининг нисбатан юқори эканлиги улардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган эҳтимолий йўқотишлар захирасини ўз вақтида ва тўлиқ шакллантириш муҳим эканлигидан далолат беради.

5. Факторинг операцияларида дисконт кўринишидаги даромадни ҳисобга олишни такомиллаштириш лозим.

МИНТАҚА ВА КОРХОНАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

*Хамидова Ф. ТМИ “Халқаро молия-
кредит” кафедраси доценти и.ф.н.*

Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш нуқтаи назаридан иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизими корхоналар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш имконини берувчи объектив шартлар тўпламидир: табиий салоҳияти, минерал бойлиги, кенг худуди, инсон капитали (илмий ва маърифий салоҳият), шулар сарасига киради.

Минтақа ва корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун давлат томонидан тартибга солиш тизимини ривожлантиришда узоқ муддатли ва қисқа муддатли жараёнларни ажратиш, жаҳон иқтисодиётига нисбатан мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини жадаллаштирувчи ва бу суръатни секинлаштирувчи омиллар ҳисобга олиниши лозим.

Ҳозирги кунда минтақа ва корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун миллий иқтисодиётни тузилмага келтириш ва модернизация қилиш учун узоқ ва қисқа муддатда инвестицияларни қўпайтириш талаб этилади. Бироқ Европа Иттифоқи ва АҚШ мамлакатлари томонидан қўлланилувчи секторал санкциялар миллий иқтисодиётнинг ривожланишига йўл қўймайди.

Минтақа ва корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш тизимининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда миллий хавфсизликни таъминловчи омилларнинг оптимал қийматларини белгиловчи сифат ва миқдор усуллари, замонавий шакл ва моделларга муҳим эътибор қаратилади.

Малакат имкониятлари ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда унинг иқтисодиёти ўзгарувчан бозор шароитлари ва усулларига мослаша олади, мос равишда оптималлаштириш кўрсаткичлари ҳам ўзгариши мумкин.

Бунда минтақа ва корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш тизими иқтисодий хавфсизлигидаги баъзи омилларнинг фақат мутлақ хусусиятлари (ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва диверсификация, ривожланган инфратузилма, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ишлов бериш даражаси ошиши, малакали ишчи кучи мавжудлиги, юқори технологиялардан фойдаланиш, иқтисодиётни ахборотлаштириш) эмас, балки уларнинг динамикаси муҳим аҳамият касб этиб, у омилларнинг хавфли қийматлари ёки уларга яқинлашишдан далолат беради ёхуд иқтисодиётнинг оптимал йўналишда ҳаракатланиши имкониятларини акс эттиради.

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш қуйидагилар билан тавсифланади: биринчи навбатда моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқларининг мавжудлиги; иккинчидан, саноат ва ижтимоий инфратузилма мавжудлиги; учинчидан, янги объектларни яратиш, шунингдек, янги ва мавжуд муносабатларни шакллантириш ва мослаштириш. Уларнинг барчаси статистик (миқдорий) усуллар билан аниқланган ишлаб чиқариш кучларини такрор ишлаб чиқариш жараёнига киритилган.

Минтақа ва корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш тизимининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концептуал моделининг муҳим тавсифи – корхоналар фаолияти элементларининг комбинацияси ва такрор ишлаб чиқариш йўли билан амалга ошириш имконини берувчи жойлашуви ҳисобланади.

Тавсия этилган концептуал моделда механизм ва воситалар, шунингдек уларнинг мезонлари (ўлчов воситалари) сифатида маълум бир минтақа ва корхоналар юз берувчи жараёнларнинг мураккаблиги ва тавсифини аниқлаш ҳамда турли кўрсаткичларни ўлчаш учун кўрсаткичлар мажмуидан фойдаланилган. Ушбу услуб ва индикаторлар асосий гуруҳлари жадвалда келтирилган кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Минтақа ва корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

МИНТАҚА	КОРХОНА
КЎРСАТКИЧЛАРИ	
1) минтақа иқтисодиёти миқёсини акс эттирувчи	1) корхона фаолияти миқёсини акс эттирувчи
2) минтақа фаолияти натижадорлигини акс эттирувчи	2) корхона натижадорлигини акс эттирувчи
3) минтақада аҳоли қайта тузиш тартибини акс эттирувчи	3) ташкилотда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини акс эттирувчи
4) минтақада асосий воситалар ҳолати ва такрор ишлаб чиқиши акс эттирувчи	4) корхонада асосий воситалар ҳолати ва такрор ишлаб чиқиши акс эттирувчи
5) минтақа ҳудуди ўзлаштирилганлигини умумий баҳолаш	5) ўзлаштирилган қарз маблағларини баҳолашни акс эттирувчи
6) минтақанинг ўзини таъминлай олишини акс эттирувчи	6) корхонанинг ўзини таъминлай олишини акс эттирувчи
7) минтақада кооперация алоқалари даражасини акс эттирувчи	7) корхонада кооперация алоқалари даражасини акс эттирувчи (тармоқлаштириш ёки кластерлаш)
8) минтақадаги молиявий оқимларни акс эттирувчи	8) корхонан молиявий фаолиятини акс эттирувчи
9) минтақада аҳолининг турмуш даражасини акс эттирувчи	9) ходимлар даромадини акс эттирувчи
10) минтақани умумий баҳолаш (аҳоли жон бошига ЯММ, ЯИМ)	10) корхона фаолиятини умумий баҳолаш ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари

Минтақа ва корхоналарни “республика – вилоят – корхона” конфигурациясида ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солиш тизими иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тизим сифатида эмас, балки тизимнинг алоҳида бўғинларининг моддий ташувчиси бўлган ишлаб чиқариш кучларининг таркиби ёки элементлари бирикмаси сифатида ҳам қабул қилинади.

Тизим нуқтаи назаридан минтақа ўзаро боғлиқ элементларнинг тизимли яхлитлигини ифодалайди, потенциал нуқтаи назаридан: ЯММ, аҳоли, ҳаёт сифати (таълим ва тиббиёт ҳолати) нуқтаи назаридан баҳоланиши мумкин, уларнинг моҳияти ва салоҳияти корхоналарнинг мавжудлиги ва потенциалидан сифат жиҳатидан ўзга элементлари сифатида фарқ қилади.

Э.Л.Пашнановнинг фикрича, “Минтақа ўз тузилиши, вазифалари, ташқи муҳит билан алоқаси, тарихи, маданияти ва аҳолининг яшаш шароитлари билан ажралиб турадиган тизимдир. Маҳаллий мақсадларга эга турли ўзаро боғлиқ кичик тизимлар, кўп контурли бошқарув, иерархик тузилма, элементларнинг юқори динамиклиги билан мувофиқлаштирувчи таъсирларни сезиларли даражада кечиктириши, элементлар ҳолатининг тўлиқ аниқлиги билан ажралиб туради”²¹².

²¹² Пашнанов Э. Л. Основные направления исследований социально-экономического регионального развития / Регионоведение - № 4, 2005. - с. 20-21.

Минтақавий иқтисодий тизимнинг иқтисодий жиҳатдан хавфсиз ишлаши бевосита унинг функционал элементлари самарадорлиги даражасига боғлиқ. Шундай қилиб, саноатнинг миқдорий нисбати минтақавий иқтисодий тизимнинг ривожланиш сифатини белгилайди; минтақада ресурслар мавжудлиги ресурслар нархини минималлаштиришга ёрдам беради ва минтақа учун бошқа минтақаларга нисбатан имтиёзларни таъминлайди; маъмурий компонент марказий ва узоқ ҳудудларнинг манфаатлари ва харажатларини ҳисобга олувчи бошқарув таъсирининг аҳамиятини тавсифлайди.

Ташкилот таркибий яхлитлик нуқтаи назаридан элементларнинг комбинациясини оптималлаштириш билан белгиланади. Масалан, бу ташкилотнинг мақсадлари, уларнинг молиявий ҳолати, маркетинг бўлимини махсус бўлимга тақсимлаш ёки сотиш, таъминот, нархлаш бўлими, корхонада илмий тадқиқотлар ўтказиш ёки уларни ташкилот бюджетидаги алоҳида илмий тадқиқот институтлари ва лабораторияларга ажратишга боғлиқ.

Минтақа ва корхоналарнинг иқтисодий жиҳатдан хавфсиз хусусиятлари сифатида қуйидагилар аниқланди: барқарорлик, рақобатбардошлик ва хавфсиз фаолият. Ушбу жараёнлар бешинчи ва олтинчи технологик тузилмаларнинг ривожланиши, ахборот технологиялари (аппарат ва дастурий таъминот хизматлари), телекоммуникация, электроника ва электр жиҳозларини ишлаб чиқариш, оммавий ахборот воситалари ва фармацевтика саноатининг ривожланиши билан асосланади²¹³.

Барқарорлик, рақобатбардошлик ва нафақат минтақанинг, балки корхоналарнинг барқарорлиги бузиллиши бу биринчи бобда кўзда тутилган ташқи ва ички омилларнинг таҳлили билан аниқланади, уларнинг диагностикаси ва прогноз ҳолати иккинчи ва учинчи бобларда усул ва моделлар мажмуаси орқали ифодаланган.

Минтақа ёки корхона иқтисодий муносабатларнинг мустақил мавзуси сифатида қаралганда, минтақанинг барқарорлиги ва ҳўжалик тизимлари сифатида корхоналар ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектнинг яхлитлигини таъминлаш орқали белгиланади. Минтақадаги яхлитлик (корхона) хавфли ташқи омиллар таъсири остида ҳам синергетик (бирлаштирувчи) потенциални сақлаб турувчи тизимнинг барқарорлиги учун асосдир.

БАНКОВСКАЯ СИСТЕМА УЗБЕКИСТАНА: НОВЫЕ РЕАЛИИ И ПРИОРИТЕТЫ

Файзиева Н. Ш. ТДИУ таянч докторант

Выполняя важную функцию локомотива и инвестиционного посредника, коммерческие банки постоянно совершенствуют свою деятельность, поддерживают финансовую устойчивость и рост объемов операций, предлагают качественно новые технологии в сегментах финансового рынка. **Lee Sang Hak, an international auditor (Republic of Korea):**

- "We know that the global financial and economic crisis had a negative impact on the economy of many countries, has led to the bankruptcy of a number of credit institutions, violation of financial liquidity of the banking system and reduce lending capacity. In some countries, up to now, the process of restoring economic stability.

Successive reforms in the banking system of your country, make it possible not only reliable protection against the negative impact of the financial crisis, but also to increase lending to the real economy, to radically improve the quality of services."²¹⁴

²¹³ Любимцев С. Законы структурной эволюции экономических систем. "Экономист" № 10, 2003, с. 31.

²¹⁴ IV Tashkent International Banking Forum

В Стратегии действий дальнейшего развития республики в 2017-2021 годах предусматривается "углубление реформирования и повышение устойчивости банковской системы, уровня капитализации и депозитной базы банков, укрепление их финансовой устойчивости и надежности, дальнейшее расширение кредитования перспективных инвестиционных проектов, а также субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства". Только за прошедший год в банковской сфере произошли кардинальные изменения..

Согласно принятому постановлению Президента Узбекистана "О мерах по дальнейшему развитию и повышению устойчивости банковской системы республики" от 12 сентября 2017 года минимальный размер уставного капитала (фонда) вновь создаваемых коммерческих банков установлен в национальной валюте в сумме 100 млрд сумов. (курс ЦБ РУ на 13.04.2018, 1\$= 8094.99 сум) При этом предоставлено время для выполнения новых требований до 1 января 2019 года. Также принято решение об отмене несвойственных для банка функций.²¹⁵ Таких, как контроль образования просроченной дебиторской и кредиторской задолженности хозяйствующих субъектов и целевого использования наличных денег, полученных из кассы банков, что долгое время было объектом критики международных финансовых институтов.

Ныне в республике функционируют 28 коммерческих банков, в том числе с участием государственной доли 11. Совокупный объем активов банковской системы по итогам 2017 года увеличился почти в два раза и составил 166,6 триллиона сумов. Без учета влияния девальвации курса активы банков увеличились на 22 процента. Соотношение активов к ВВП республики составляет 66,9 процента против аналогичного показателя 2016 года 42,2 процента, что говорит о повышении роли коммерческих банков в национальной экономике.

Остается высокой доля коммерческих банков с участием государственной доли, на которые приходится 82 процента совокупных активов, 88,4 кредитного портфеля и 65,8 депозитов банковской системы нашей страны. В этом году особое внимание будет уделено вопросам повышения капитализации отдельных банков. Сегодня уставный капитал семи коммерческих банков не соответствует минимальным требованиям. Значительно активизировалось сотрудничество с международными и зарубежными финансовыми институтами. В Узбекистане начал действовать Европейский банк реконструкции и развития, с которым подписаны кредитные соглашения на сумму 186 млн долларов. Планируется реализация только в этом году 15 инвестиционных проектов. Расширяется сотрудничество с Группой Всемирного банка. Объем зарезервированного финансирования в 2018м составляет 840 млн долларов самый высокий показатель за последние пять лет. Самым крупным партнером остается Азиатский банк развития. Портфель инвестиционных проектов в республике, рассчитанных до 2020 года, в размере 2,9 миллиарда долларов²¹⁶. Сферами успешного сотрудничества являются развитие энергетики и транспорта, совершенствование городской инфраструктуры, улучшение качества государственных услуг, а также расширение доступа к финансированию для малых и средних предприятий, представителей агробизнеса.

Шу билан бир каторда банк тизим фаолиятида бир қанча муаммолар ҳам мавжуд.

Все банки с участием государства создавались в виде отраслевых банков, по принципу привязки банка к определенной отрасли или сфере деятельности.

Например, существующие по сей день Национальный банк внешнеэкономической деятельности, банк «Асака», «Алокабанк», «Ипотека-банк», «Микрокредитбанк». А

²¹⁵ "Ўзбекистон Овози" газетаси 03.2019 й

²¹⁶ УЗ Ахб маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

также целый ряд банков, которые были ликвидированы, либо преобразованы в разные годы — «Узжилсбербанк», «Галла-банк», «Авиабанк», «Пахта-банк», «Узмевазавотбанк» и другие.

Предприятия соответствующей отрасли размещали основные счета в своих отраслевых банках. Так и получилось, что несколько крупных клиентов становились для банка основными.

Следует отметить, что и частные банки, число которых в последние годы заметно выросло, создавались для обслуживания интересов определенных частных компаний. Другими словами, хотя отраслевыми они не являлись, но были завязаны на нескольких крупных клиентах.

Аналогичные функции банки выполняли для государства и в отношении растущего числа частных компаний.

Это, конечно же, несвойственные для банков функции, идущие вразрез с банковской тайной и правом частной собственности на средства на банковских счетах.

С другой стороны, именно такая вот роль банков позволяла обеспечивать поступление налогов и валюты, выплату зарплат работникам и т. д. К сожалению, благодаря «удобству» этой системы для государства, банки выполняли функции фискальных органов слишком долго.

Еще один аспект — через отраслевые банки с участием государственной доли осуществлялось перераспределение ресурсов в виде льготных кредитов для поддержки текущей деятельности предприятий и их инвестиционных проектов. Другими словами, банки обеспечивали субсидирование кредитов. Причем если на первых порах государство выделяло ресурсы банкам для последующего предоставления предприятиям, то в дальнейшем субсидии часто осуществлялись и за счет самих банков.

В декабре 2017 года в рамках исполнения постановления о развитии банковской системы ЦБ и коммерческие банки договорились о том, что из 187 видов банковских услуг 63 будут предоставляться бесплатно, а еще 86 — по тарифам, сниженным на 15–95%.

Международные операции узбекских банков всегда были ограничены как в силу сложностей с конвертацией, так и в связи с весьма осторожным подходом к внешним заимствованиям, в том числе и в части корпоративного долга. Сравнительно невысокие международные рейтинги также не способствовали доверию со стороны зарубежных партнеров.

Другими словами, сегодняшняя банковская система — во многом результат промышленной политики прошлых лет, сконцентрированной на крупных отраслеобразующих предприятиях и связанных с ними производствах. Причем контрольно-надзорные функции преобладали над главной функцией любого банка — обеспечивать переток средств в те сектора и производства, где они могут быть использованы наиболее эффективно, принести более высокие доходы.

В итоге мы имеем банковскую систему из 28 банков, которые сфокусированы преимущественно на «своих» сегментах экономики, как правило, не вступающих в прямую конкуренцию друг с другом.

Например, совокупные активы всех узбекских банков меньше, чем у отдельных крупных банков в странах СНГ, не говоря уже о развитых государствах и отдельных азиатских странах. Качество этих активов — еще один аспект, который будет серьезно влиять и на рыночную капитализацию наших банков в перспективе.

Основные показатели коммерческих банков на 1 октября (в трлн сумов)

* — «Кишлок курилиш банк», Народный банк, банк «Алока», «Микрокредитбанк», «Туронбанк», «Узагроэкспортбанк».

** — «Трастбанк», InfinBank, «Азия Альянс», «Давр-банк», «Савдогарбанк», Ziraat Bank, «Туркистон банк», «Равнак банк», «Универсал Банк», Bank Saderat Tashkent, «Мадад Инвест Банк», Hi-Tech Bank.

В силу несвойственных функций, которые выполняли (и продолжают выполнять) коммерческие банки, физические лица и малый бизнес высокого доверия к банкам не испытывают. Вместе с макроэкономическими рисками это будет и дальше негативно влиять на рост депозитной базы банков и в особенности на доступность «длинных» денег.

Например, от населения, согласно данным ЦБ, в течение первого полугодия 2018 года банки привлекли на сберегательные счета и срочные вклады 7,7 трлн сумов (около \$940 млн), но лишь около 1,5 трлн сумов (около \$180 млн) на срок больше года. По валютным вкладам показатели еще ниже. Хотя и по сумовым, и по валютным вкладам есть тенденция роста в сравнении с 2017 годом.²¹⁷

Чего ждать от реформы и что учесть: Реформы, которые объявил ЦБ, можно только приветствовать и считать во многом прорывными как минимум из-за следующего.

Предполагается создание государственного банка развития, а также переход на субсидирование процентных ставок по кредитам коммерческих банков. Другими словами, правительство намерено снять нагрузку с коммерческих банков по субсидированию отраслей экономики. Если нововведения коснутся и текущих льготных кредитов, то послабления для банков будут весьма ощутимыми.

Анонсированный новый закон о банках и банковской деятельности, хочется надеяться, окончательно избавит банки от несвойственных им функций и будет способствовать либерализации в банковском секторе, тем самым повышая конкуренцию на рынке банковских услуг и клиентоориентированность банков.

Вместе с тем, следует оговориться, что быстрых масштабных эффектов от начатых реформ ожидать, скорее всего, не стоит. Для их претворения в жизнь потребуется определенное время.

МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР БАРҚАРОР ДАРОМАД БАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШ

*Хамраев Б.Б. ЎзР Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси тадқиқотчиси*

Мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва давлат солиқ сиёсати самарадорлигини оширишнинг ҳозирги кундаги амалиёти назариётчилар олдида унинг қатор янги муаммоларига ечим топишни кўндаланг қилиб қўймоқда. Маълумки, аҳоли пул даромадларини мустаҳкамлаш республикамиз тараққиётининг ҳозирги босқичида жамиятимизнинг пойдевори сифатида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан энг муҳим бўлган соҳага айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси²¹⁸да белгиланган вазифаларнинг муҳим қисми Давлат бюджетини бошқаришда даромадларни шакллантириш, харажатларнинг самарали ижросини таъминлаш, бюджетнинг барча даражаларида мутаносибликка эришиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга оид бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, бюджет интизомига риоя этишни таъкиллаштириш ва бунда назоратни тубдан кучайтиришга қаратилгандир.

²¹⁷ Источник: данные ЦБ РУз

²¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида ”ПФ-4947-сонли [Фармони](#)

Давлат бюджети шаффофлигини таъминлаш, унинг даромадлар базасини кенгайтириш, мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари тубдан қайта кўриб чиқишни назарда тутати. Шу билан бирга бюджет тизимини ислоҳ қилиш, давлат бошқарувининг марказлаштиришдан чиқариш, бошқарув органлари фаолиятинининг очиқлигини таъминлаш ва жамоатчилик бошқарув тизиминининг замонавий шакллари кўллаб-қувватлаш, демократик ислохотларни жадаллаштиришни тақозо этади.

Ҳозирда солиққа тортиш бўйича амалга оширилаётган изланишларнинг аксарият қисми юридик шахслардан ундирилаётган солиқларга бағишланган бўлиб, жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларни алоҳида чуқур ўрганишга бағишланган тадқиқотларни сезиларли деб бўлмайди. Хусусан, жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғи бюджет тизимида катта салмоққа эга бўлмаса-да, аммо маҳаллий бюджетлар ўз даромадларининг муҳим манбаи саналади.

Жисмоний шахслар тўлайдиган маҳаллий солиқларни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, бир томондан ушбу солиқларнинг бюджет-солиқ тизимидаги аҳамиятини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан аҳолининг солиқлар хусусидаги фикрларини ижобий бўлишини таъминлайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жисмоний шахслардан ундирилаётган маҳаллий солиқларни алоҳида чуқур ўрганадиган илмий изланишларга эҳтиёж мавжуддир.

Ҳозирги солиқ тизимининг ривожланиш даврида барча давлатлар учун ҳам эътиборли томони шундаки, мулкларни ва даромадни солиққа тортишда ўзаро боғлиқликни таъминлашга ҳаракат қилиш, мустақил ҳуқуқий ва уларни ташкилий вазифаларини, солиқ объектларининг икки марта солиққа тортилишига йўл қўймасликка эришиш муҳимдир..

Назариячи олимлар солиқ объектига турлича қарайди, яъни ер, харажат, кўчмас мулк, даромад, капитал ва б. Саноат ва савдонинг ривожланиб бориши билан солиқ объекти ҳақиқий ер қийматидан солиқ барча турдаги мулкларга қаратилди, яъни кўчар ва кўчмас мулкларга. Турли мулкчилик шакллариининг вужудга келиши билан уларни солиққа тортишнинг фарқланиш зарурияти ҳам келиб чиқа бошлади. Кўчар мулкларнинг вужудга келиши билан мулкларни тўлиқ солиққа тортишда бир қатор муаммолар келиб чиқди. Солиққа тортишнинг фискал характери мулк қийматини, даромадини аниқлаб солиққа тортиш имкони йўқлиги сабабли мулкларни алоҳида объектлар тарзида солиққа тортишни ёқлаб чиқди. Мулк қийматини солиқ объекти сифатида қараш билан мулкнинг даромадлилигини эътибордан четда қолдиради, бу билан мулкларнинг даромад келтирувчи ёки даромад келтирмаслигини фарқланмайди.

Бугунги кунда солиқ қонунчилиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимизда солиқ тўловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони солиқ сиёсатида янги саҳифа очди.

Ушбу концепцияда солиққа тортиш тизимини тубдан ислоҳ этиш, шу жумладан, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш кўзда тутилган. Қулай рақобатли муҳит яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юкчасини камайтириш, республиканинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш концепциянинг мақсадлари ҳисобланади.

Лекин, аҳолидан мол-мулк солиғини ундиришда жисмоний шахсларга тегишли турар-жойларнинг кадастр қийматини аниқлаш ҳолатларида бугунги кунда жойларда бир қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Бу ўз навбатида маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бизнингча, жисмоний шахслардан

ундириладиган мол-мулк солиғини такомиллаштириш қуйидаг жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, жисмоний шахсларни солиққа тортишда учрайдиган камчиликларни инобатга олган ҳолда уларни бартараф этиш, жисмоний шахсларга тегишли турар-жойларнинг кадастр қийматини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда шу асосда амалдаги ундириладиган солиқ ставкаларини мақбуллаштириш, яъни бу йўналишни солиққа тортиш механизмининг ҳамда солиқ ставкаларининг такомиллашувига қаратиш.

Бунда, солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларга тегишли турар-жойларнинг кадастр қийматини аниқлашда фуқаронинг ижтимоий келиб чиқиши ҳисобга олинishi, яъни ҳовли-жойда қурилган иморатларнинг ташқи пардози, ички пардози ҳамда қўшимча қулайликларнинг мавжудлиги инобатга олиш, бу ўз навбатида ҳамма параметрлари бир хил бўлган ҳовли жой яъни бир хил ўлчамда хоналари бўлган тақдирда ушбу кўчмас мулкнинг кадастр қиймати бир хил чиқади. Табиийки ушбу ҳовли-жойга ундириладиган солиқ суммаси ҳам бир хил бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, жисмоний шахслар учун турар-жойларнинг кадастр қийматини аниқлашда мавжуд шароитларни инобатга олиб, яъни пардозлар эшик ва ром маҳсулотлари бир-биридан тубдан фарқ қилган ҳолдаги қийматидан келиб чиқиб алоҳида чегирма ва қўшимчалар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, маҳаллий бюджетларнинг барқарорлиги, уларда ички мувозанатларнинг таъминланишига хизмат қилади. Ушбу мувозанат даромад ва харажатларнинг баланслашувини билдиради. Маҳаллий бюджетларни баланслаштиришнинг шундай тизими ишлаб чиқиши керакки, бу тизим:

- ҳуқуқий-иқтисодий самарадорликнинг кўпроқ маҳаллий органларига ўтказилишини;

- бюджет маъсулиятини фуқароларнинг яшаш жойидан қатъий назар асосий ижтимоий неъматлардан тенг баҳраманд бўлишларини, солиқларнинг кўпроқ йиғишдан маҳаллий манфаатдорликнинг ошиши таъминлаши зарур.

Учинчидан, иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг ушбу соҳада фойдаланилган усулларини урганилганида, кучмас мулкларнинг кадастр қийматини нафақат солиқ солиш мақсадида ишлатилади, балки кўчмас мулкларни ижарага беришда сотилишида, гаровга қуйилишида, ҳамда ҳамда турли қушимча туловларини ундирилишида асос ҳисобланади.

Мамлакатимиз ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани инобатга олиб жисмоний шахслар учун турар-жойларнинг кадастр қийматини аниқлашда алоҳида турлари бўйича яъни турар-жойларнинг асосий транспорт воситаларига қулай ҳудуд атрофида жойлашиши, аҳолига хизмат кўрсатиш қулайлигини инбатга олиб темир йўл бекатларига яқинлиги, шаҳар маркази ва марказдан узоқлиги, шунингдек, республиканинг туманлардан олис ҳудудлари ҳам инобатга олиниб, ҳисоб-китоби қилишда енгилликларни қўллаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОНВЕРСИОН ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хатамова М. БМА тингловчиси

Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида валюта муносабатларини янада ривожлантириш, тижорат банклари ва бошқа молия муассасаларинининг халқаро валюта бозорларидаги иштирокларини кенгайтириш, миллий валюта бозорини барқарорлигини таъминлаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, тижорат банкларининг конверсион валюта операцияларини янада ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармонида ҳам 2017 йилнинг 5 сентябридан Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари жорий халқаро операциялар (товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характериға эға бўлмаған ўтказмалар) бўйича тўловларни амалға ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловсиз сотиб олишлари мумкинлиги, Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлған жисмоний шахслар чет эл валютасини тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчаларига эркин сотиши ва конверсион бўлимларида сотиб олинған маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиш бўйича амалдаги тартибға асосан сотиб олиши ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиши мумкинлиги ҳамда конверсион бўлимлар орқали чет эл валютасини сотишда олинадиган воситачилик ҳақи миқдорини имкон даражасида пасайтириш чораларини кўриш каби масалалар белгилаб қўйилди.²¹⁹

Конверсион валюта операциялари – бу валюта бозори агентлари ўртасидаги маълум миқдордаги бирор мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигига бирор сана учун келишилған курс бўйича алмаштириш тўғрисидаги битимларидир.²²⁰

Конверсион валюта операцияларини инглиз тилида “Foreign Exchange Operations” (қисқача Forex ёки FX) деб аташ қабул қилинған.²²¹

Ш.З.Абдуллаеванинғ фикрича, “Конвертация – миллий валюта бирлигининг қонуний алмашинуви, хорижий валюталарға алмаштириш имкониятидир”. Унинг ишларида конвертациянинг ҳукумат томонидан ўрнатилған валютавий чекловларига қараб тўлиқ конвертация, қисман конвертация, ташқи конвертация, ички конвертацияларға ажратилған.²²² Муаллиф конвертацияға нисбатан фақат валюта бозори мазмунидан ёндашған.

Валюта айрибошлаш шаҳобчаси томонидан сотиб олинған нақд чет эл валютаси суммасига (АҚШ доллари учун) қуйидаги ўтказма амалға оширилади:

Дт 10103840 – Пул алмаштириш шаҳобчасидаги нақд пул маблағлар

Кт 17101840 – Валюта позицияси ҳисобварағи.

Амалиёт куни якунида, валютадаги қолдиқларнинг банк кассасига кирим қилиниши қуйидаги ўтказма орқали амалға оширилади (АҚШ доллари):

Дт 10109840 – Йўлдаги пуллар

Кт 10103840 – Пул алмаштириш шаҳобчасидаги нақд пул маблағлар.

Сўнгра эса,

²¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармони

²²⁰ О.В. Соколова. Финансы и кредит: Учебник (2-е издание, переработанное и дополненное). 2011

²²¹ Д. Ю. Пискулов Теория и практика валютного дилинга Учебное пособие М. ИНФРА-М 1995; стр 34.

²²² Ш.З. Абдуллаева “Халқаро валюта-кредит муносабатлари” Дарслик Тошкент “IQTISOD-MOLIYA” 2005 й. 162 бет

Дт 10101840 – Амалиёт кассасидаги нақд пуллар

Кт 10109840 – Йўлдаги пуллар.

Валютани сотиш ва сотиб олиш кўрси ўртасидаги ижобий ва аслбий курс фарқи суммаси ой охирида қайта баҳолаш орқали банк даромади ёки харажатига ўтказилади:

Миллий валютада ижобий курс фарқи бўйича,

Дт 17101000 – Валюта позицияси ҳисобварағи

Кт 45401000 – Спот битими бўйича чет эл валютасида олинган фойда.

Агар миллий валютада салбий курс фарқи бўлса,

Дт 55302000 – Спот битими бўйича чет эл валютасида қўрилган зарар

Кт 17101000 – Валюта позицияси ҳисобварағи.

Сўмдаги пластик картаси орқали конверсион бўлимда чет эл валютаси сотилганда эса қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Дт-10101 “Айланма кассасидаги нақд пуллар”

Кт-23122 “Чет эл валютасини сотиб олиш учун банк кассасига топширилган нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағи”

Дт- 23122 “Чет эл валютасини сотиб олиш учун банк кассасига топширилган нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағи”

Кт-22618 “Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари”, 22617 “Пенсионерларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар”.

Дт-22618, “Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари”, 22617 “Пенсионерларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар”

Кт-23516 “Чет эл валютасини сотишда олувчининг ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган пластик карталардан келиб тушган пул маблағлари”.

Дт-17409 “Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича пластик карталардан ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари”

Кт-17101 “Валюта позицияси ҳисобварақлари”

Дт-23516 “Чет эл валютасини сотишда олувчининг ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган пластик карталардан келиб тушган пул маблағлари”

Кт-17409 “Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича пластик карталардан ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари”

Дт-17101 “Валюта позицияси ҳисобварақлари”

Кт- 22618 “Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари”.

Бунда кун охирида чет эл валютасини сотишдан тушган жами тушум айланма кассадан захирага олинади ва Марказий банк ҲҚКМ га юборилади. Яъни чет эл валютасини сотишдан тушган жами тушум 23526 ҳисобварағининг кредит айланмасига тенг бўлади.

Умуман олганда Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида валюта конвертациясини амалга ошириш муддатининг ноаниқлиги бугунги кунда импорт қилувчи корхоналар олдида турган долзарб муаммо – бу, хорижий валютага бўлган талабни қондириш муаммосидир. Ушбу муаммони ҳал қилишда валюта конвертацияси хизматининг ўрни катта. Валюта конвертацияси эса, бевосита Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида амалга оширилиши шарт. Ушбу операцияни амалга ошириш муддати аниқ бўлмаганлиги учун айрим импортёрнинг хорижий валютани конвертация қилишга берган буюртманомаларининг бажарилиши кечиктирилмоқда. Бу эса, корхоналарнинг иқтисодий циклини тўхташига сабаб бўлиши мумкин.

Фикримизча, тижорат банклари томонидан амалга оширилган конверсион операциялар учун Бош банк томонидан мустақил равишда комиссия ҳақини белгилаш амалиётини жорий этиш лозим. Бу тижорат банклари учун хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда комиссия ҳақини белгилаш орқали банк даромадини кўпайтириш ва ушбу операциялар жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Қўшимча даромаднинг кўпайиши банкнинг рентабеллигини ошириши, бюджетга тўланадиган фойда солиғи бўйича тушум миқдорининг ошишига олиб келади.

Шу билан бирга, комиссия ҳақининг жорий этилиши норасмий курсга барҳам берилиши орқали параллел ноқонуний бозорни чеклашга, бу эса ўз навбатида банклар атрофида аҳолининг курслар фарқидан фойда олиш мақсадида навбат талашиш ва жамоат тартиббузарликларининг олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармони

2. О.В. Соколова. Финансы и кредит: Учебник (2-е издание, переработанное и дополненное). 2011

3. Д. Ю. Пискулов Теория и практика валютного дилинга Учебное пособие М. ИНФРА-М 1995; стр 34.

4. Ш.З. Абдуллаева “Халқаро валюта-кредит муносабатлари” Дарслик Тошкент “ЎҚИСОД-МОЛИҲА” 2005 й. 162 бет

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА “РАҚАМЛИ” КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Хошимов Э.А. И.ф.н., доц. Бизнес ва бошқарув
республика олий мактаби*

Барчамизга маълумки, блокчейн технологиялари мулкка эгалик қилишни тасдиқловчи анъанавий усулларга нисбатан харажат, тезкорлик ва маълумотларнинг интеграциялашуви жиҳатидан қатор устунликларга эга. Бу эса молиявий хизматлар соҳасидаги инвестицияларни венчур капитали ва бошқа инвесторлар томонидан рағбатлантирилишига сабаб бўлмоқда. Тадбиркорлар акция ва облигациялардан тортиб кўчмас мулк, автомобил, қимматбаҳо буюмлар ва санъат асарларигача бўлган активлар турларига бўлган эгаликни рўйхатга олиш (қайд этиш) бўйича блокчейннинг барқарорлигини фаол ўрганмоқдалар.

Мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни шакллантириш, хусусан, илғор рақамли технологияларни давлат ва хўжалик бошқарувига жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар этиб қуйидагилар белгиланди:

– инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият), смарт-контракт (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, «блокчейн» технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш;

– «блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш;

– крипто-активлар бўйича фаолият ва «блокчейн» технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, рақамли иқтисодиётда лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун «блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш;

– хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда «блокчейн» технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш;

– рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш.

Шунингдек, мазкур қарор билан 2021 йил 1 январдан бошлаб «блокчейн» технологияларини татбиқ этишда қуйидаги соҳаларга устуворлик бериш белгилаб қўйилди:

– давлат органлари фаолияти, жумладан бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, давлат харидларини амалга ошириш, давлат хизматларини кўрсатиш, шахс тўғрисидаги маълумотларни верификациялаш;

– давлат реестрлари, классификаторлари ва бошқа маълумотлар базаларини юритиш, жумладан уларга киритилган ахборотни янгилаш ва ундан фойдаланиш;

– устав фондида давлатнинг иштироки устувор бўлган йирик тижорат ташкилотларининг корпоратив бошқаруви тизими, жумладан бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, маъмурий ва операцион жараёнларни мақбуллаштириш, шунингдек, замонавий менежментни татбиқ этиш ва ресурсларни бошқариш;

– клиринг операциялари, тўловларни амалга ошириш, савдога оид молиялаш (аккредитив), шунингдек, лойиҳаларга кредит бериш.

Тадқиқотларга асосланиб, рақамли корпоратив бошқарув тизимининг ўзига хос жиҳатлари ва элементлари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Рақамли токен эгаларининг тақсимланган тизими (тармоқли платформаларда иштирок этиш ҳуқуқи), марказлашмаган мустақил бошқарув тизими, бошқарув қарорларининг алгоритмлашуви.

2. Реал вақт режимида компания фаолияти кўрсаткичлари, Улкан маълумотлар таҳлили асосида стратегик режалаштириш, блокчейн технологиялари асосида молиявий ва бизнес ахборотларини жойлаштириш, барча иштирокчиларнинг ахборот олиш имконияти.

3. Кузатув (директорлар) кенгашининг барча иштирокчиларга қарор қабул қилишга имкон берувчи очиқ вирутал “хаб”ларга трансформациялашуви, овоз беришнинг тақсимланган тизими, қабул қилиш жараёнига барча токен эгаларининг жалб қилиниши, бошқарувнинг очиқ тизими.

4. Стейкхолдерлар, рақамли токен эгалари манфаатларининг интеллектуал тизимларни ишлаб чиқувчилар манфаатларига мос тушмаслиги, инсонлар ва сунъий интеллект қарама-қаршилиги, сунъий интеллект этикаси муаммоси.

Айни пайтда, блокчейнга анъанавий корпоратив бошқарув тизими самарадорлиги билан боғлиқ муаммолар, хусусан, акциядорлар ва компания ўртасидаги муносабатлар учун “ақлли” ечимларни таклиф этадиган технология²²³ сифатида қараш билан бирга, корпоратив муносабатларда унинг қайси туридан (барчага очиқ,

²²³ Anne LaFarre & Christoph Van der Elst. (2018) Blockchain Technology for Corporate Governance and Shareholder Activism. February. (www.ecgi.org/wp). 26 p.

чекланган, “рухсат берилган”) фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бинобарин, блокчейн технологияларини акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимига жорий этиш акциядорлар, кузатув кенгаши ва менежмент ўртасидаги ваколатларнинг мувозанатлашувига олиб келади.

Фикримизча, блокчейн технологияларини акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувида қўллаш қуйидаги қўшимча имкониятларни юзага келтиради:

- акциядорлар умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш тизимини модернизация қилиш, хусусан, блокчейн технологиялари ёрдамида виртуал умумий йиғилишларда овоз бериш;

- блокчейн муҳотида шаффофлик ва ишончни мустаҳкамлаш орқали агентлик муаммосини ҳал этиш учун янгича ечим бўлиб хизмат қилиши;

- “ақлли шартномалар”ни кенг жорий этиш орқали манфаатлар қарама-қаршилиги муаммосини камайтириш;

- манфаатдор томонларнинг “ҳамкорлик”ка асосланган бошқарувдаги иштирокини кучайтириш.

Хулоса қилиб айтганда, дунёнинг етакчи мамлакатлари тўртинчи саноат инқилобига (“Industry 4.0”) ўтиш бўйича ўз стратегияларини фаол ишлаб чиқаётган бир шароитда, республикамиз хўжалик субъектларининг рақамли бизнес моделларига ўтиш, бошқарув жараёнларида рақамли технологиялардан, хусусан, блокчейндан фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасига эга бўлиши талаб этилади.

ФОНД БОЗОРИ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Худойбердиев А. А. — БМА (ИМТС) тингловчиси

Бизга маълумки, тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётининг юксалиши асосан фонд бозоридаги операцияларнинг жадал ривожланиши натижасида таъминланмоқда.

Фонд бозори — бу унинг иштирокчилари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомалада бўлишида иқтисодий муносабатлар тизимидир. Фонд бозорининг ривожланишининг мамлакат иқтисодиётига таъсири шундаки, у кенг доирадаги инвесторларнинг, шу жумладан хорижий инвесторларнинг капиталини иқтисодиётнинг турли тармоқларига жалб қилиш, уларни қайта диверсификация қилиш, шу орқали мамлакат учун муҳим бўлган йирик лойиҳаларни молиялаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринларини, ишсизликни камайтириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва яшаш тарзини яхшилаш каби бугунги кунда долзарб бўлиб турган турли иқтисодий-ижтимоий муаммоларни бартараф этишда ёрдам беради.

Фонд бозорини ривожлантириш аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг реал даромадларига ҳам таъсири каттадир. Унда хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш имкониятига эга бўладилар, бозорнинг бошқа иштирокчилари эса қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш, шунингдек, дивиденд ва фоиз кўринишида даромад олишлари мумкин.

Қимматли қоғозлар бугунги кунда иқтисодий ўсиш, ривожланишнинг ва таркибий ўзгаришларни белгиловчи асосий омиллардан бирига айланди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида “капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш”га алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур фармон ижроси ўлароқ мамлакатимизда фонд бозорини ривожлантириш юзасидан ҳукумат томонидан 5 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни 4.75 фоиздан, 10 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни эса 5.375 фоиздан жойлаштирилиши дастлабки қадамлардан бири ҳисобланиди.

Ушбу евробондларни жойлаштирилиши Ўзбекистоннинг йирик банклари ва компанияларининг жаҳон молия бозорига чиқишларини маълум даражада осонлаштиради ҳамда Ўзбекистонни жаҳон молия бозорига танитади ва хорижий инвесторларни жалб қилишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, мазкур евробондлар йирик ва узоқ муддатли инвестицияларни молиялаштириш манбаи, инвесторлар доирасини кенгайтириш ва инвестиция манбаларини диверсификация қилиш ҳамда барқарор иқтисодий сиёсат юритиш барометри ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фонд бозори ривожланмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири фонд бозори иштирокчиларининг камлигидир. Чунки, қимматли қоғозлар эмитентларининг камлиги фонд бозорининг иқтисодийдаги салмоғини пасайишига, қимматли қоғозлар билан савдо айланмасининг камайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида молия ресурсларини иқтисодийга етарлича йўналтириш имконини бермайди.

Яна бир муҳим сабабларидан бири, аҳоли, кўплаб корхоналар бошқарувчилари фонд бозори тўғрисида етарли билим, ахборот ва малакага эга эмаслар. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари бизнесни молиялаштиришда кўпроқ банк кредитларини афзал билсалар, оддий фуқаролар инвестиция объекти сифатида кўчмас мулк, қимматбаҳо буюмлар, банк омонатларини афзал кўрмоқдалар. Шу муносабат билан қимматли қоғозлар бозорида капитал жалб қилиш ва фойда олишнинг самарали восита эканлигини кенг оммага етказишда зарур чораларни белгилаш, фонд бозори соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, аҳолининг саводхонлигини ошириш зарурлигига эътибор қаратиш лозим. Ривожланган мамлакатларда бўлгани каби, аҳолининг биржа савдоларида иштирок этиши учун қулай ва содда механизмларни жорий этиш керак.

Шунингдек, мамлакатимизда корпоратив акция ва облигацияларга қилинадиган инвестицияларнинг риск даражаси юқорилиги ва инвесторлар ишончининг пастлиги фонд бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан фонд бозорини ривожлантиришда давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ва жойлаштириш имкониятларидан унумли фойдаланиш зарур.

Бундан ташқари иқтисодийда давлат иштирокини камайтириш лозим. Давлат улушига тегишли акцияларни бирламчи ва иккиламчи бозорларда сотиш механизмини қайта кўриб чиқиш керак. Стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарни бошқаришда устувор имкониятларидан кенг фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, қимматли қоғозлар бозорининг шаклланишига ортиб бораётган талаб, миллий иқтисодийнинг инвестицияларга бўлган тобора ўсиб боровчи эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир. Фонд бозорини ривожлантириш иқтисодийни барқарор ривожлантиришга ва экспорт салоҳиятини ўсишига пировардида аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Тошкент: “Адолат” 2017.

2. И.Бутиков “Қимматли қоғозлар бозори”.Т.:Консаудитинформ 2001 й.

3. Ф.Додиев, Б.Шамшиев “Монетар сиёсат” фанининг Электрон ўқув-услубий мажмуаси. 2018.


ЎЗБЕКИСТОН КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНИШИГА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ КАПИТАЛИДАН КУТИЛЁТГАН ДАРОМАДНИ ТАЪСИРИ

PhD Худойқулов Х. Х. ТДМИ

“Молия ва солиқлар” кафедраси, доценти

Бугунги кунда капитал бозори иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини жамлаш ва уни инвестиция жараёнларига йўналтиришнинг муҳим воситасидир. Бироқ, мамлакатимизда капитал бозорини ривожланишида акциядорлик жамиятларини капитал қийматини таъсири қуйидагилардан иборат ҳисобланади. Биринчидан, акциядорлик жамиятини капиталдан кутилаётган даромад юори бўлиши малакатдаги рискни юқорили бўлишини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси инвестицион салоҳиятини сезиларли даражада чеклашга олиб келади. Иккинчидан, акциядорлик жамиятини капиталдан кутилаётган даромаднинг юқори даражаси бўлиши, маҳаллий ва хорижий инвесторлар капитал қўйишига тайёр бўлган лойиҳалар ва компаниялар сонини чеклашга имконият яратилади. Учунчидан, акциядорлик жамиятини капитал қийматини камайтириш мамлакатдаги рискни камайтириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, бизнес юритиш рискни камайтириш, қонун устуворлиги ва суд тизимининг устуворлигини ўрнатиш ва акционерлик жамиятини капиталнинг рискни камайтиришга, корпоратив бошқарув даражасини ошириш, корпоратив маданиятни ривожлантириш, халқаро бухгалтерлик ҳисоби стандартларини қабул қилиш ва мувофиқликни таъминлашга, суверен кредит рейтингининг кўтарилишига олиб келади. Мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари капиталдан кутилаётган даромад юқорилиги мамлакатдаги рискни юқори бўлиши кўрсатади. Бундан ташқари, мамлакатимизда акциядорлик жамиятини капитали rischi учун мукофоти юқори бўлиши мамлакатимизда молиявий инвестиция салоҳиятини чеклашга олиб келмоқда. Ўз навбатида, мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларининг капитал таркибидаги қарз капитали билан акциядорлик капитал ўртасида тенглик пропорцияларини мавжудлиги капитал бозоридаги молиявий инстурменларини муоммаласини чеклашга имкон бермоқда. Ривожланган мамлакатларда акциядорлик жамиятини қарз капиталини акциядорлик жамияни капиталга нисбати бирдан кичкна ҳисобланда. Бу эса, ўз навбатида, қарз ва акционерлик жамиятини капитални мутаносиб равишда ишлатилишини таъминлайди натижада тез ўсаётган бозордан максимал фойдаланиш имконини беради. Қарз капиталини акциядорлик жамиятини капиталига нисбатини бирдан кичик бўлиши қуйидаги ижобий томонлари мавжуд. Акциядорлик жамиятини юқори молиявий барқарорлик таъминлади. Корхонанинг қарз капитали ва мажбуриятларига нисбатан камроқ қарамлиги кўрсатади. Мамлакатнинг молиявий институтларига аҳолининг ва хорижий инвесторларнинг ишончини ошириш олиб келади. Салбий томонлари эса, бизнесга катта юклама, айниқса, иқтисодий инқироз даврида бўлади. Бундан ташқари, иқтисодий инқироз даврида капитал таклифининг камайиши кўрсатади. 2018 йил 1 январь ҳолатидаги дунёдаги акциядорлик жамиятларини капиталнинг қиймати қуйидаги расмда ўз аксни топган (расм).

2018 йил ҳолатидаги дунёдаги акциядорлик жамиятларини капиталнинг қиймати²²⁴.



Расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакат rischi учун мукофот ҳамда акциядорлик жамиятлари капиталининг rischi учун мукофот юқори бўлган мамлакатлар Ўзбекистон ва Самали мамлакатлар ҳисобланади. Самалидаги акциядорлик жамияти капиталидан кутилаётган даромад 36 фоизни ташкил этса, Ўзбекистон акциядорлик жамиятини капиталидан кутилаётган даромад эса, 21 фоизни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятини капиталидан кутилаётган даромад юқори даражада бўлиши инвесторларнинг мазкур акциядорлик жамиятларига капитал қўйилмаларидаги инвестиция лойиҳаларига маблағларни йўналтиришга чеклаш имкониятлари беради. Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятлари капиталидан кутилаётган даромади юқори даражада сақланиши, мамлакатдаги рискларни юқори бўлиги туфайли, Ўзбекистон Республикаси инвестицион салоҳиятини сезиларли даражада чеклашга олиб келади. Бундан ташқари, акциядорлик жамиятларнинг акциялар бўйича кутилаётган даромаднинг юқорилиги туфайли инвесторлар Ўзбекистон капитал бозорига катта миқдорда капитални киритишга мойиллик эга бўлмайдилар.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРНИНГ РОЛИ

Касимов Ш.В. – БМА магистранти

Ҳар қандай иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги банк-молия тизимининг барқарорлигига боғлиқ. Чунки банк-молия тизими давлат ва жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, маъмурий-бошқарув соҳаларини молиявий таъминлаш функцияларини бажаради. Шу билан бирга, банк-молия тизимининг барқарорлигига жиддий хавф туғдирувчи бир қанча объектив ва субъектив омиллар мавжуд бўлиб, уларни ўз вақтида аниқлаб бартараф этмаслик мамлакат хавфсизлигига раҳна солиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Шундай омиллардан бири жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий-молиявий хатарлардир.

Жиноят оламида яратилган «хуфиёна» капитал, даромад, қўйилмалар нафақат

²²⁴ Ўзбекистон Республикаси капитал бозори агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

иқтисодийнинг муҳим тармоқлари ва банк-молия тизимига салбий таъсир кўрсатади, балки террористик ва диний экстремизмнинг ривожланиши, сиёсий, миллий ва диний зиддиятларни вужудга келишига ҳам моддий асос бўлади. Қонуний тус олган жиноий даромадларнинг асосий қисми - жиноий қилмишларни ташкиллаштириш, давлат хизматчиларини сотиб олиш, жиноий маблағларни легаллаштиришни давом эттириш мақсадида сарфланади. Шу ўринда айтиш жоизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йил 15 ноябрдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясига мувофиқ, барча давлатларни трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳаракатлари ва террористик актлар ўртасидаги муносабатларни тан олишга чақириб, мазкур Конвенцияни жиноий фаолиятнинг барча кўринишида қарши курашишда қўллашни талаб қилган (БМТ, 2000).

Ҳозирги кунда глобал аҳамиятга эга бўлган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат олиб борилади. Бундай назоратни олиб бориш учун республикада меъёрий-ҳуқуқий база шаклланган. 2004 йил 26 августда Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган. Қонун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб туради. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

Ички назорат қоидалари орқали тижорат банклари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш ҳамда террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этиётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш каби функцияларни амалга оширади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 20 сентябрдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3947-сонли Қарори ҳам мазкур нафақат тижорат банкларида, балки номолиявий ташкилотларда мазкур соҳа талабларини бажаришга қаратилган.

Аниқроқ қилиб айтганда, комиссия жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфларни баҳолаш бўйича самарали ишларни ташкил этади, шунингдек, унинг асосида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини янада ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга оид таклифлар ишлаб чиқади ҳамда чоралар кўради.

Республикада самарали банк ички назорат тизимини ташкил этиш асосида тижорат банклари тизими янада ривожланмоқда. Республикада тижорат банкларининг умумий капитали ва депозитларининг миқдори юқори ўсиш суръатларига эга бўлгани

натijasida tijorat banklari tomonidan berilgan kreditlar hajmining, shuningdek, banklar aktivlarining yuqori sur'atda o'sish tendentsiyasi yuzaga kelgan.

Jinoiy faoliyattan olingan daromadlarni legallastirishga va terrorizmi mo'ljalashtirishga qarshi kurashish b'yiicha Evroosiё guruhiga a'zo davlatlarning o'zaro baholashning ikkinchi bosqichini o'tkazish rejasiga muvofiq, 2019-2020 yillarda O'zbekiston Respublikasining jinoiy faoliyattan olingan daromadlarni legallastirishga, terrorizmi mo'ljalashtirishga va ommaviy qirgin qurolini tarqatishni mo'ljalashtirishga qarshi kurashish milliy tizimini o'zaro baholash rejalashtirilgan.

Demak, respublikamizda 2019-2020 yillarda Evroosiё guruhiga tomonidan rejalashtirilayotgan jinoiy faoliyattan olingan daromadlarni legallastirishga, terrorizmi mo'ljalashtirishga va ommaviy qirgin qurolini tarqatishni mo'ljalashtirishga qarshi kurashish milliy tizimini o'zaro baholashning ikkinchi bosqichini muvaffaqiyatli o'tirishni ta'minlash maqsadida quyidagi vazifalarni amalga oshirish muhim deb hisoblaymiz:

birinchi, pul mablag'lari e'ki bosq'a mol-mulk bilan bog'liq operatsiyalarni amalga oshiruvchi tashkilotlar faoliyatini yanada muvofiqlashtirish;

ikkinchi, O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki hamda Bosh prokuratura xuzuridagi Iqtisodiy jinoyatlariga qarshi kurashish Departamenti bilan birgalikda rejalashtirishni yaratish.

Xulosa qilib aytganda, O'zbekistonda s'unggi ikki yil ichida jinoiy faoliyattan olingan daromadlarni legallastirishga, terrorizmi mo'ljalashtirishga va ommaviy qirgin qurolini tarqatishni mo'ljalashtirishga qarshi kurashish yuzasidan qator islohotlar olib borilmoqda.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Трансмиллий уюшган jinoyatlariga qarshi Konventsiyasi (Палермо, Италия. 2000 год.);

2. O'zbekiston Respublikasining 2004 yil 26 avgustdagi 660-II sonli «Jinoiy faoliyattan olingan daromadlarni legallastirishga va terrorizmi mo'ljalashtirishga qarshi kurashish t'g'risida»gi Qonuni;

3. O'zbekiston Respublikasining 2009 yil 22 aprelidagi O'zRQ-212-sonli ««Jinoiy faoliyattan olingan daromadlarni legallastirishga va terrorizmi mo'ljalashtirishga qarshi kurashish t'g'risida»gi o'zbekiston respublikasi qonuniga o'zgartirish va q'ushimchalarni qiritirish haqida»gi Qonuni;

ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ ШАКЛИ СИФАТИДА

Шокиров У. БМА магистранти

Мамлакатимизда қабул қилинган 2017-2021 йилларда O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning Xarakatlar strategiyasida belgilangan ustuvor maqsadlarni amalga oshirish uchun "Xarajatlarning ijtimoii y'unaltilganligini saqlab qolgan holda Davlat byudjetining barcha darajalarida mutanosiblikni ta'minlash, mahalliy byudjetlarning daromad qismini mustahkamlashga qaratilgan byudjetlararo munosabatlarini takomillashtirish hamda ilg'or xalqaro tajribada q'llaniladigan instrumentlardan foydalaniish"²²⁵ kabi vazifalari belgilaib berilgan. Bundan tashqari byudjet ijrosida hisob tizimini Davlat sektori uchun mo'ljaviy hisobotning xalqaro standartlariga uy'gunlashtirish

²²⁵ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish b'yiicha Xarakatlar strategiyasi t'g'risida" PF-4947-son Farmoni

бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган тадбирлар режасини тасдиқлаш белгиланди.²²⁶ Мамлакатимизда бюджет ижроси жараёни ва бюджет ҳисоби маълумотларининг шаффофлигини таъминлаш учун молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини кенгайтириш ва такомиллаштиришда халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика иқтисодиётини тубдан ривожлантиришда бюджет тизимида амалга оширилган ислохотларнинг ўрни бекиёсдир. Жумладан, соҳага оид 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сон “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмининг ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3917-сон “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни янада такомиллаштириш бўйича халқаро умумқабул қилинган меъёрларга яқинлаштириш белгиланган. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бевосита молиявий назоратни янада кучайтиришга қаратилган.

Бюджет ташкилотларида молиявий назорат ўтказиш вақтида товар моддий бойликларнинг сақланиши, ҳақиқий қолдиғи ва ҳисоб маълумотларига мос келишлиги инвентаризация усули билан аниқланади. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг “Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш” номли 16-моддасида “Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончлилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартида белгиланади.”²²⁷ деб белгиланган. Бюджет ташкилотларида инвентаризация ўтказиш ва унинг натижаларини счётларда акс эттириш бюджет ҳисобининг стандартлари (БХС) билан тартибга солинади. Жумладан, Молия вазирининг буйруғи (2016 йил 27 декабрь) билан “Ҳисоб сиёсати” (1-сонли БХС)²²⁸ Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти тасдиқланди.

Ушбу стандартда бюджет ташкилотларида 1-сонли БХСда ҳисоб сиёсати ўз ичига қуйидагиларни олиши лозимлиги белгиланган:

- бюджет ташкилотининг бухгалтерия хизмати ташкилий тузилмасини;
- бюджет ташкилотида инвентаризация ўтказишнинг тартиби ва муддатларини (инвентаризация қилиш мажбурий бўлган ҳоллардан ташқари);

²²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3917-сон “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

²²⁷ Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 16 модда. 2016.ЎРҚ-404.

²²⁸ Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти, “Ҳисоб сиёсати” (1-сонли БХС).

- бюджет ташкилоти томонидан фойдаланиладиган ва унда синтетик ва аналитик счётлар рўйхати бўлиши лозим бўлган ишчи счётлар режасини;
- ҳужжатлар айланмаси графигини;
- ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш усулларини (қўлда ёки дастурий таъминотни қўллаш орқали);
- намунавий шакллари назарда тутилмаган, хўжалик операцияларини қайд қилиш учун қўлланиладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг шакллари;
- асосий воситаларнинг инвентарь рақами тузилмасини;
- бирламчи ҳисоб ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини;
- асосий фондларни қайта баҳолаш услубларини;
- инвентаризация қилишда (*ортиқча ёки камомадда*) мулкни баҳолаш услубларини;
- қуйи турувчи тасарруфидаги ташкилотларнинг ҳисобот тақдим этиш муддатларини;

товар (*иш, хизмат*)лар калькуляциясини шакллантириш тартибини.

Бюджет ташкилотларида инвентаризацияни ўтказиш ва унинг натижаларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш бўйича соҳа иқтисодчилари ўзларининг фикрларини билдиришган. Жумладан, А.А.Туляганов инвентаризация ўтказиш бўйича қуйидагиларни эътироф этган: Давлат бюджетининг барча миқёсларида мувозанатни сақлашда бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган бюджет ташкилотларида маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш талаб этилади. Айниқса, бюджет ташкилотлари фаолиятини амалга оширишда сарфланадиган товар-моддий захиралардан фойдаланишни назорат қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захираларнинг кирим қилиниши, тўғри сақланиши, ҳаракати ва мақсадли сарфланишини назорат қилиш учун улар бўйича инвентаризация ўтказилади.²²⁹

С.У.Меҳмонов эса инвентаризация натижаларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш бўйича қуйидаги фикрларни билдирган: “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома” га мувофиқ счётлар режасида 273 “Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар” субсчёти киритилган. Амалдаги қонунчилик талаблари бўйича инвентаризация натижасида ортиқча чиққан моддий қийматликлар бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилиши белгиланган. “Бюджет кодекси” нинг 11 - моддасига асосан бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси даромадига киритилиши белгиланган. Амалдаги “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома” га мувофиқ счётлар режасида 26 - “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил www.interfinance.uz 4 счёт “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” счёти таркибида “Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар” субсчёти киритилмаган. Бизнингча 26-счёт таркибида 263- “Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан молмулклар” субсчёти киритилиши ҳамда 27- счёт “Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар” таркибидаги 273 “Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар” субсчёти бекор қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.²³⁰ Ушбу мавзу бўйича хулоса ва таклифларимиз қуйидагича:

²²⁹Туляганов А.А. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар инвентаризацияси ва уни ҳисобда акс эттириш масалалари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2017.

²³⁰ Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017.

бюджет ташкилотларида активларни инвентаризациясини ўтказиш тартиби меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топмаган;

товар моддий захираларини инвентаризация қилиш натижасида камомад аниқланса табиий камайиш нормасини ҳисоблашда меъёрлар кўрсатилмаган; Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (7-сонли БҲС) «Товар-моддий захиралар»да ТМЗни инвентаризацияси акс эттирилмаган;

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»да инвентаризация натижаларини счётларда акс эттириш мураккаб берилган.

AGRAR SOHANI INVESTITSİYALASH YO'NALISHLARI.

Ergashev E.I. BMA kafedra mudiri.

Mamlakatimizda agrar sohani investitsiyalash masalasi hozirda eng zarur masalalardan biri hisoblanadi, hamda uni turli yunalishlarini aniqlash va mazkur yo'nalishlarni yanada takomillashtirish zarur bo'lmoqda.

Xususan bu borada quyidagi yunalishlarga yanada alohida ahamiyat qaratish lozim:

- birinchidan o'g'it ishlab chiqaruvchi korxonalarining texnik va texnologik jihatdan qayta qurollantirish maqsadida ularga imtiyozli kreditlar va soliq imtiyozlari berishni yanada takomillashtirish;

- ikkinchidan azotli o'g'itlarni tovar fyucherslari orqali sotish yo'li bilan ular bahosining barqarorlik darajasini saqlab qolish lozim.

Mamlakatimizda katta miqdorda azotli o'g'itlar ishlab chiqariladi va uni Uzoq Sharq va qo'shni mamlakatlarga eksport qilinmoqda.

- uchinchidan tijorat banklari tomonidan agrar soha korxonalariga berilgan investitsion kreditlarning ta'minoti sifatida ijara huquqidan foydalanish mexanizmini yanada rivojlantirishga alohida e'tibor qaratish lozim.

- turtinchidan fermer xo'jaliklarining pul oqimiga salbiy ta'sir qiluvchi omillarni bartaraf etish maqsadida tabiiy monopoliyalar mahsulotlari va xizmatlari baholarining oqilona darajasini ta'minlash choralari ko'rish lozim.

Qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini boshqarishda istiqbollarni belgilashning 3 ta yo'nalishi mavjud:

Inertsion usul – bu oxirgi yillarda qishloq xo'jaligida kuzatilgan o'sish sur'atlariga xosdir. Masalan, qishloq xo'jaligida asosiy kapitalga sarflangan investitsiyalar qiymati oshib borgan holda, jami investitsiyalarga nisbatan tarmoqqa sarflanayotgan ulush pasayish tendentsiyasiga ega. Bunday yeyul iqtisodiyotni modernizatsiyalash bosqichida salbiy holat deb baholanadi. Mazkur rivojlanish usuli ishlab chiqarishni va innovatsion jarayonlarni sust darajada investitsiyalash bilan izohlanadi. Agrar soha ishlab chiqarishida bu usul orqali davlatning agrar siyosati yordamida qishloq xo'jaligini inqiroz holatiga tushib qolishdan saqlash mumkin, biroq jadal taraqqiy ettirib bo'lmaydi.

Nisbatan qoniqarli ikkinchi dastur bu innovatsion rivojlanish usuli bo'lib, u ishlab chiqarishni sifatli iqtisodiy o'sishini ta'minlashga mo'ljallangandir. Ushbu yo'lda maqsadga faqatgina davlatning respublika va mahalliy miqyosda kuchli va faol agrar siyosat olib borishi orqali etib borish mumkin.

Innovatsion rivojlanish yo'li agrar tarmoqning texnologik, boshqaruv, iqtisodiy va ijtimoiy jabhalarida innovatsion omillarni tezlik bilan o'zlashtirib olishni talab etadi. U hududlarda qishloq xo'jalik mahsuloti ishlab chiqarishning intensiv o'sishini iste'molning ratsional normasi darajasigacha ta'minlashi lozim. Rivojlanishning mazkur usuli tarmoq ishlab chiqarishini ham ishlab chiqarish jihatdan, ham tashkiliy nuqtai nazardan yuqori sur'atlar bilan yangilanib borishiga asoslanadi. Asoslanishning natijasi ishlab chiqarish mehnat unumdorligining o'sishi, barqarorlashishi va fond qaytimining ko'payishiga olib keladi.

Yuqoridagi usulga bog'lik holda, uchinchi bir yo'l faol iqtisodiy o'sishni amalda qo'llash tavsiya qilinadi, ya'ni qishloq xo'jalik ishlab chiqarishini bosqichma-bosqich rivojlantirish usuli. Bunda chorvachilik tarmog'ini tezkor rivojlantirishga e'tibor qaratish kerak. Rivojlanishning mazkur usuli mahsulot ishlab chiqarish samaradorligini ishlab chiqarish quvvatlarini yangilab borish asosida to'xtovsiz oshirib borishni hamda mahalliy bozorlardan oziq – ovqat va qishloq xo'jalik mahsulotlari xom – ashyolarining infrastrukturasi yaratishni ko'zda tutadi. Hozirgi vaqtda faol iqtisodiy o'sish stsenariysi ichki zahiralardan kelib chiqqan holda agrar sohada bozor mexanizmi bilan davlat boshqaruvi mexanizmi o'rtasidagi munosabatni muvofiqlashtirib turishi kerak.

Rivojlangan industrial mamlakatlarning kichik biznes sub'ektlarini mikrokreditlash amaliyotining tajribalarini o'rganish natijalari shuni ko'rsatdiki, tijorat banklarining iqtisodiyotining ustuvor tarmoqlarida faoliyat ko'rsatayotgan kichik biznes sub'ektlarini kreditlashdan manfaatdorligini oshirishning muhim zaruriy shart –sharoitlaridan biri davlat tomonidan ularga berilgan kreditlar bo'yicha kredit riskini kamaytirishni moliyaviy qo'llab – quvvatlanishi hisoblanadi. Germaniya, Avstriya, Frantsiya kabi rivojlangan davlatlarda tijorat banklari tomonidan qishloq xo'jalik korxonalariga berilgan kreditlarning foiz stavkalarining ma'lum qismi, ko'pchilik hollarda 50 foizi Davlat byudjetining mablag'lari hisobidan subsidiyalashtiriladi. Buning natijasida, birinchidan, tijorat bankining berilgan kreditlar bo'yicha foiz to'lovlarini o'z vaqtida va to'liq undirish imkoniyati oshadi; ikkinchidan, kreditning asosiy qarz summasini undirish ehtimoli ham oshadi, chunki foiz stavkasi berilgan kreditning bahosi hisoblanadi. Shu sababli, uning darajasi qanchalik yuqori bo'lsa, kreditning qaytmaslik ehtimoli ham shuncha yuqori bo'ladi. Demak, davlat byudjetining mablag'lari hisobidan tijorat banklari tomonidan iqtisodiyotining ustuvor tarmoqlarida faoliyat ko'rsatayotgan kichik biznes sub'ektlariga berilgan mikrokreditlarning foiz stavkasini subsidiyalashtirilishi mazkur korxonalarning kreditni qaytarish imkoniyatini oshiradi.

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШНИНГЎРНИ ХАМДА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Юлдашев А.А. – БМА 2-курс тингловчиси

Бугунги кунда микромолиялаштириш хизматлари бозорида банклар ва микрокредит ташкилотлари муҳим рол ўйнайди. Бундай банк ва нобанк молиявий институтлари, микромолия хизматлар кўрсатишнинг хусусиятларига кўра иқтисодиётни модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттиришда молиявий барқарорликни таъминлаши муқаррардир. Микромолиялаш хизматларини самарали ташкил этиш, микроқарзлар олишни соддалаштириш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини имтиёзли маблағлар билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Микромолиявий хизматлар тизимининг такомиллашуви, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, кам даромадли, оилавий тадбиркорлик фаолияти ёки ўз ишини бошлашга хоҳиши бўлган, лекин молиявий ресурслари етарли бўлмаган аҳоли қатламининг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини тезкор қондиришга қаратилган. Иккинчидан, кредит олиш учун берилган буюртмани қисқа муддатда кўриб чиқиб, уни кредит билан таъминлаш фуқароларимизда иқтисодий ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш ва уларнинг ўз ишига қизиқиши ортишига олиб келади. Учинчидан, аҳолини микромолиявий ресурслар билан қисқа муддатда қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятлари янада кенгаяди. Шу жиҳатдан таъкидлаш керакки, микромолиявий хизматдан фойдаланувчилар нафақат ўз бизнесини ривожлантириш истагида бўлганлар, балки уй-томорқа хўжалиги, касаначилик ёки ҳунармандчиликни йўлга қўйиш учун молиявий маблағга эҳтиёж сезган кам таъминланган аҳоли қатлами, ёшлар, хотин-қизлар экани қайд этилмоқда. Кредитнинг ижтимоий қатламлар манфаатини

қўллаб-қувватлашга қаратилиши унинг ижтимоий функцияси, ижтимоий аҳамияти ошганлигидан дарак беради.

Совершенствование налогового администрирования страны в основном направлено на повышение эффективности и качества налоговых отношений между налогоплательщиками и государством, и оно является одним из направлений налоговой политики.

В этой связи, Президент Республики Узбекистан уделяет внимание повышению уровня налогового администрирования посредством потенциального ресурса, снижающего налоговую нагрузку, обеспечения равного конкурентного режима среди добросовестных налогоплательщиков и снижения затрат, связанных с деятельностью налоговой системы, что является одной из важных направлений повышения уровень налогового администрирования.

В своем Послании Олий Мажлису Республики Узбекистан Президент Республики Узбекистан отметил – «В 2018 году мы откажемся от резких мер в осуществлении налоговой политики, так как в период реформ для бесперебойной работы государственной системы жизненно необходима стабильность бюджета, налоговая система в течение длительного времени должна оставаться определенной и понятной, в налоговой системе следует проводить тщательно продуманную, долгосрочную политику»²⁴⁴.

²⁴⁴ Послание Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева членам Сената и депутатам Законодательной палаты Олий Мажлиса, посвященное итогам проделанной в 2018 году работы и важнейшим приоритетам социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2019 году.

Наряду с этим, существование теневого сектора экономики — проблема комплексная, она имеет не только экономические, но политэкономические, социальные и даже психологические причины. Мировой опыт и многочисленные исследования показывают, что борьба с теневой экономикой должна осуществляться одновременно по множеству каналов. Любой перекося или сосредоточение мер только на одном направлении (например, концентрация на усилении контроля) может не только не увенчаться успехом, но и привести к противоположным результатам — например к росту теневого сектора²⁴⁵

Среди практических мер, направленных на снижение теневого сектора, можно выделить следующие²⁴⁶:— ужесточение требований к заявкам на право налогового вычета в отраслях с высокими рисками ухода в тень (Канада, Швеция, Великобритания, США);— расширение использования практики использования данных «третьих сторон» при выявлении «бросающегося в глаза» потребления (сверхдорогих товаров и предметов роскоши) (Австралия);— публикация в открытом доступе имен крупных неплательщиков — политика naming and shaming (Великобритания);— создание системы стандартов или типовых показателей для отраслей, которые показывали бы соотношения между затратами и выпуском (Австралия);— принудительное использование сертифицированных кассовых аппаратов (с черным ящиком) для организаций, использующих наличный расчет (Канада, Швеция, Греция);— принудительное использование регистров наемных работников с обязательным указанием личных данных работника, отработанного времени, вида деятельности организации и ее названия (Швеция);— дополнительные штрафы для налогоплательщиков, которые ранее уже были уличены в уклонении от налогов (Великобритания);— создание службы связи с налогоплательщиками, прошедшими аудиторскую проверку, для мониторинга текущего положения и обеспечения помощи в случае необходимости (Австралия)²⁴⁷.

По данным Программы развития ООН, доля теневой экономики в ВВП составляет 17,2%, в то время как в нашей стране этот показатель составляет 48,7%.




Рис.-1. Уровень теневой экономики в мире 2018 г., % к ВВП²⁴⁸

Для эффективного вывода экономики из тени необходимо прежде всего определить фундаментальные причины этого явления. Основными «драйверами» ухода экономических агентов в тень являются:— сравнительно высокая налоговая нагрузка, особенно по налогам на труд (включая социальные взносы);— чрезмерная «зарегулированность» экономической деятельности, административные барьеры

²⁴⁵ Friedman E., Johnson S., Kaufmann D., Zoido-Lobaton P. Dodging the grabbing hand: the determinants of unofficial activity in 69 countries // Journal of Public Economics. 2000. No 76 (4).

²⁴⁶ Revenue Administration: Managing the Shadow Economy / IMF, 2010.

²⁴⁷ А. Л. Суслина, Р. С. Леухин. «Борьба с теневой экономикой в России: частные аспекты общих проблем» Налоговая политика. теневой сектор экономики. Финансовый журнал / Financial journal №6 2016.

²⁴⁸ Данные основываются на аналитических работах представителей ПРООН в Узбекистане.

ведения бизнеса;— низкое качество государственных общественных институтов — отсутствие защиты прав собственности, независимого суда, свободы информации, общественного контроля над деятельностью правительства и пр.;— низкое качество регулирования рынка труда, проблемы нелегальной миграции, нелегальной рабочей силы;— низкое качество предоставляемых государственных услуг и отсутствие видимой для налогоплательщика связи между уровнем получаемых им государственных услуг и объемом его налоговых обязательств;— коррупция среди представителей проверяющих органов

Доля теневой экономики в разрезе отраслей в Узбекистане составляет 75% в торговле и ремонте транспортных средств, 50% в строительстве, 45% в производстве, 40% в рыболовстве, сельском и лесном хозяйстве.




Рис.-2. Доля теневой экономики в разрезе отраслей в Узбекистане в 2018 г., %²⁴⁹

Порядка 40 % работников периодически или регулярно совмещают официальную трудовую деятельность с дополнительной занятостью, не оформленной официально. При этом именно дополнительная занятость является основным драйвером вовлеченности в теневую деятельность — желание работников увеличить свои доходы вынуждает каждого второго прибегать к дополнительной трудовой нагрузке в неофициальном секторе. Лишь 10 % экономически активного населения стремится всегда официально оформлять свои трудовые взаимоотношения при дополнительной занятости.

Необходимо отметить, что органами государственной налоговой службы проводятся мероприятия по модернизации электронного обмена информации. В частности:

- разработка проекта концепции модернизации автоматизированной информационной системы налоговых органов и технических заданий на модернизацию автоматизированных информационных систем налоговых органов, в том числе телекоммуникационной системы, ИТ-инфраструктуры и программного обеспечения;

- внедрение передовых информационных технологий, направленных на обеспечение максимальной информатизации и автоматизации процессов налогового администрирования, а также снижение рисков коррупции за счет минимизации контактов сотрудников налоговых органов с налогоплательщиками;

- повышение собираемости налогов и других обязательных платежей, прежде всего, путем развития и расширения производства товаров (работ, услуг), наиболее полного охвата налогоплательщиков и учета объектов налогообложения;

²⁴⁹ Данные основываются на аналитические работы представителей ПРООН в Узбекистане.

унификация и сокращение количества налогов и других обязательных платежей, упрощение порядка составления расчетов и ведения налоговой отчетности;

- раннее предупреждение и профилактика налоговых правонарушений, повышение эффективности камерального и других мер дистанционного контроля без вмешательства в финансово-хозяйственную деятельность субъектов предпринимательства.



Рис.-3. Статистика неформально трудоустроенных по отраслям экономики в Узбекистане в 2018 году, %²⁵²

Надеемся, что осуществляемые комплексные мероприятия по дальнейшему совершенствованию налоговой политики и администрирования послужат основой опережающего развития нашей страны и достижения основной задачи – поднятия уровня благосостояния народа.

СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИ - ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Мамасолиев Р.

*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти,*

Охирги йилларда Ўзбекистонда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар қаторида солиқ инструменти – саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш воситаси сифатида алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Келажакда барқарор ривожланишга эришишни мақсад қилган ҳар бир давлат учун ушбу масала долзарбдир.

2019 йилда ўтказилган ижтимоий сўров натижалари шуни кўрсатадики, саноат соҳасида фаолият кўрсатувчи кичик бизнес корхоналарининг 74,2 фоизи мамлакатдаги иқтисодий аҳволни “қониқарсиз” ёки “қониқарли” деб ва атиги 25,8 фоизи “қулай” деб баҳолаган.²⁵⁰ Солиққа тортиш муаммолари ва унинг замонавий шароитда йирик ва кичик бизнес фаолиятига таъсирини ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга.

Давлат бюджетига солиқ тушумлари манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, солиқ тушумларининг асосий улуши бир нечта йирик корхоналар (7-8 та) маблағлари ҳисобидан шакллантирилган, бу эса, йирик ва кичик бизнес ўртасидаги солиқ юкининг сезиларли даражада фарқланишини ҳамда солиқ тизимини ислоҳ қилиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

²⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил январь-июнь ойлари ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари. www.stat.uz

Солиқ ислохотларининг устувор йўналишларини аниқлашда энг муваффақиятли давлатларнинг ва керакли натижаларга эришолмаган давлатлар тажрибаси ўрганилди. Хусусан, Россия, Литва, АҚШ, Сингапур, Грузия, Хитой, Германия, Франция ва бошқа давлатларнинг солиқ тизимлари ўрганилди.

Ушбу ва бошқа давлатларнинг солиққа тортишдаги хорижий тажрибалари даромад солиғи, ҚҚС, акциз солиғи, мулк солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар соҳасидаги солиқ механизмларини ишлаб чиқишда қўлланилган.

Бироқ, Ўзбекистондаги солиқ ислохотлари муаллифлари томонидан солиққа тортишнинг услубий асосларига ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ ислохоти йўқотишларини қоплаш механизмларини излашга етарлича эътибор берилмаган. Ислохотлар натижасида йирик бизнесни ривожлантириш асослари кенгайтирилган, аммо кичик бизнесни ривожлантириш имкониятлари камайган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири бу солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтиришдир.²⁵¹

2017 йил июл ойида солиқ маъмуриятчилигининг асосий муаммолари ва уларни бартараф этиш чоралари белгилаб берилган Президент Фармони қабул қилинди.²⁵² Шунингдек, Қонун асосида белгиланган тартибда Солиқ кодексининг 47 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, соддалаштирилган ва умумбелгиланган солиқ тизими бўйича солиқ тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юкининг сезиларли даражада номутаносиблиги ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш даражасининг етарли эмаслиги ва бошқа шу каби солиқ соҳасидаги мавжуд тизимли муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида солиқ ислохоти давом эттирилди.

Ушбу соҳадаги энг катта қадам 2018 йил 29 июнда солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилиниши бўлиб, унга мувофиқ 2019 йил 1 январдан юридик шахсларнинг айланма маблағларидан олинадиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бекор қилинди, юридик шахсларнинг даромад солиғи ставкаси 14 дан 12 фоизгача пасайтирилди. Шунингдек, ўтган йил якунларига кўра йиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ортиқ бўлган ёки йил давомида белгиланган миқдорга эришган корхоналар, умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилиши жорий этилди.

Ҳозирги кунга келиб, ушбу солиқ ислохотларининг саноатни ривожлантиришга таъсирининг дастлабки натижаларини баҳолашимиз мумкин. 2019 йилнинг биринчи ярмида саноат ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,9 фоизга ўсди. Саноат таркибида ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши 79,4 фоизни ташкил этди.²⁵³

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқларнинг улуши атиги 1,4 фоиз (2018 йилнинг шу даврида - 1,5 фоиз), машина ва ускуналар ва бошқа тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, таъмирлаш, йиғиш бўйича корхоналарнинг улуши 21,7 фоиз (2018 йилда - 23,2 фоиз)ни ташкил этган. Бу эса, яратилган имкониятлар ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш учун ҳали етарли эмаслигини кўрсатади.

²⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги №ПФ-4947-сонли Фармони.

²⁵² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чоратadbirlari тўғрисида”ги №ПФ-5116-сонли Фармони.

²⁵³ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил январь-июнь ойлари ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари. www.stat.uz

Саноат соҳасида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони 1.07.2018 йил ҳолатидаги 55,1 мингдан 1.07.2019 йил ҳолатига 69,4 мингга етди ва барча хўжалик юритувчи субъектлар сонининг 17,8 фоизини ташкил этди. Ушбу субъектларнинг 4,5 фоизи фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

2019 йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,1 фоизга ўсиши таъминланди ҳамда жами саноат маҳсулотларида кичик бизнеснинг улуши 31,1 фоиздан 32,8 фоизга ошди. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 58,4 фоиздан 54,0 фоизга ёки 4,4 фоизга пасайди.

Кичик бизнес соҳасидаги солиқ ва мажбурий тўловларнинг сони 2018 йилдаги 2 тадан 2019 йилда 5 тага кўпайди. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес субъектлари фаолиятига солиқ юкининг ошиши ва уларнинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига олиб келмоқда.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, умуман республика бўйича рўйхатга олинган юридик шахслар сони 2018 йилнинг I ярим йиллигидаги 957,3 минг тадан 2019 йилнинг мос даврида 1045,2 минг тагача етган ёки 9,2 фоизга ортган.

Шу билан бирга, ишламаётган корхона ва ташкилотлар улуши сезиларли даражада ошди (мос равишда 31,1 фоиздан 42 фоизгача), бу эса ушбу субъектларнинг иқтисодий фаолиятида, шу жумладан солиққа тортиш нуқтаи назаридан муаммолари мавжудлигини кўрсатмоқда (Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари).

Ўрганилаётган давр мобайнида Ягона солиқ тўловчилари сонининг 148,9 минг тадан 161,3 минг тага (8,4 фоизга) кўпайганига қарамай, ушбу тўлов бўйича давлат бюджетига тушумлар улуши барча даромадларнинг (мақсадли фондлардан ташқари) 6,1 фоизидан 1,8 фоизгача пасайган (ушбу солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш кечикиши сабабли солиқ самарадорлиги пасаймоқда).

Йиллик айланмаси 100 млн. сўмдан 1 млрд. сўмгача бўлган кичик корхоналар учун солиқлар ва мажбурий тўловлар сонининг кўпайиши (2 тадан 5 тагача) фаолият кўрсатмаётган субъектлар сонининг кўпайишига олиб келди, хусусан саноат ишлаб чиқариш соҳасида.

Қўшилган қиймат солиғининг 20 фоизлик ставкаси ҳаддан ташқари юқори ҳисобланади. Чунки, унинг қўлланилиши чуқур қайта ишланадиган тайёр маҳсулотнинг ички бозорда сотиладиган нархининг юқори даражада бўлишига олиб келади. Бу эса, ушбу маҳсулотнинг импорт қилинадиган маҳсулотлар билан рақобатбардошлигини пасайтиради ва истеъмолчиларнинг паст тўлов қобилиятига эга талаблари туфайли уларни сотиш муаммосини кучайтиради.

Иш ҳақи ва истеъмол нархлари ўртасидаги тафовутни камайтириш, тармоқлараро муносабатларнинг нархлар балансига эришиш, истеъмол товарлари ва юқори даражадаги қайта ишланадиган маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, Қўшилган қиймат солиғи ставкасини босқичма-босқич камайтириш ҳамда солиқ йўқотишларини ресурслар солиғини ошириш ва ҳашамат учун солиқни жорий этиш орқали коплаш тавсия этилади.

Чуқур қайта ишлаш орқали маҳсулот ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўхшаш маҳсулотларни импорт қилинишида божхона тўловларини қўллаш ҳамда уларнинг ставкаларини йилма-йил пасайтирилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, солиқ соҳасидаги ўзгаришлар юридик шахслар фаолиятига ҳам, давлат бюджети маблағларини шакллантиришга ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бироқ, солиқ воситаларининг самарасизлиги, уларнинг тадбиркорлар манфаатларига

нормувофиклиги келажакда иқтисодий ўсишнинг пасайишига ва давлат бюджетига тушумларнинг камайишига олиб келиши мумкин.

Солиқ тизимида ислохотлар қандай олиб борилишидан қатъи назар, асосий масала ишбилармон даромадига тушадиган солиқ юки шундай мақбул даражада бўлсинки, тадбиркор солиқ қонунчилигини четлаб ўтишни ёки фаолиятини тўхтатиш масаласини ўйламасин.

Шундай экан, солиқ воситаларининг таъсирини чуқур қайта ишланган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳамда ички ва ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтириш масаласи солиқ ислохоти муаллифлари томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАЯНЧИ

*Ҳакимов Б. С. Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқарув академияси тингловчиси*

Маҳаллий давлат ҳокимияти тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш учун ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини шакллантиради. Маҳаллий ҳокимликларнинг асосий вазифаси қулай иқлимни яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳар томонлама ёрдам беришдир. Шу билан бирга, муниципалитетлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган механизмларнинг кенг рўйхати мавжуд.

Маҳаллий ҳокимликларнинг мажбуриятлари тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича муниципал дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш, муниципал фондлар ва манбаларни жалб қилишни ўз ичига олади. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кичик корхоналарга ўз мулклари ҳисобидан қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш ҳуқуқига эга. Маҳаллий ҳокимлик хизматчилари ва кичик бизнес вакиллари ўртасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларнинг таҳлилини амалга ошириш орқали тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатадиган омилларни маҳаллий ҳокимлик аниқлайди. Турли даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршилиқлар кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга халақит берган тақдирда муниципал ҳокимлик вакили таклифлар билан юқори турувчи органга мурожаат билан чиқади.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг асосий чора-тадбирлари, биринчи навбатда, инфратузилмани ривожлантириш, корхоналарни молиявий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес соҳасидаги маъмурий тўсиқларни олиб ташлашдан иборат бўлиши керак. Республика ва унинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари республика ва маҳаллий дастурларда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлайдилар. Шундай қилиб, кичик корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим воситаси бу - муниципал дастурларни ишлаб чиқишдир. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг маҳаллий дастури қуйидагиларни белгилайди:

- кичик бизнесни ривожлантиришнинг истикболли йўналишлари ва кичик бизнеснинг устувор йўналишлари;
- кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ва шакллари амалга ошириш бўйича кўрилаётган чоралар;
- дастур фаолиятини молиялаштириш ҳажми ва манбалари;
- дастурнинг ижроси учун масъуллар.

Хозирги вақтда кичик корхоналарни самарали қўллаб-қувватлашдаги тўсиқлардан бири бу кичик корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватловчи самарали инфратузилма объектларининг эскирганлиги ёки йўқлиги. Йирик корхоналар ўзларининг инфратузилмасини яратадилар: ўқув марказлари, маркетинг ва юридик бўлимлар, алоқа инфратузилмаси - кириш йўллари, коммунал хизматлар ва бошқалар, ўз ваколатхоналари ва дўконларини очадилар, ўзларининг ишчилари учун ўз банклари ва ижтимоий объектларини яратадилар. Кичик бизнес буни қила олмайди. Аммо бозорда қоидалар ҳамма учун бир хил. Шу сабабли, корхона маҳсулотларининг муваффақиятли рақобати учун кичик корхона раҳбари тажрибали юрист билан маслаҳатлашиши, маркетинг тадқиқотлари ўтказиши, тарқатиш тармоғидан фойдаланган ҳолда маҳсулот сотиши керак. Кичик бизнеснинг инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш ва қулай шартларда бундай имкониятни тақдим этиш лозим. Буни эса маҳаллий ҳокимлик қилгани маъқул.

Сўнгги йилларда кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи ўнлаб инфратузилма объектлари пайдо бўлган ва фаолият кўрсатаётганига қарамай, давлат ва маҳаллий ҳокимият кўмагисиз кенг қамровли ва самарали қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси вужудга келиши қийин. Шундай қилиб, асосий вазифа - минтақавий ва шаҳар миқёсида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун яхлит инфратузилмани яратиш лозим. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун ҳудудий инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича қуйидаги йўналишларни тақлиф қиламиз:

- ҳар бир ҳудудда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича маҳаллий кенгашлар жорий этиш лозим. Уларнинг таркибида ҳам тадбиркор ҳам ҳокимлик вакили бўлиши лозим,

- Маҳаллий кенгашнинг асосий вазифаси истеъмол бозори корхоналари фаолиятини мониторинг қилиш нуктаи назаридан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат,

- Бизнес-инкубаторларни яратиш, маҳаллий имиджда яратиш ва унинг ишлашини таъминлаш,

- Маҳаллий ҳокимликлар тасарруфида маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун фондлар яратиш,

- Маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида вақтинчалик йўл хартиталарини ишлаб чиқиш ва моддий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш,

- Самарасиз ишлаётган корхоналарни соғломлаштиришда маҳаллий ҳокимликларга мустақиллик бериш.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш маҳаллий давлат ҳокимиятининг энг биринчи вазифаларидан бўлиши лозим. Зеро, улар ҳудудларнинг “қони” бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”, 913-ХП-сон, 1993 йил 2 сентябр, Тошкент ш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида ПҚ-3777-сон, 2018 йил 7 июнь, Тошкент ш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-5409-сон, 2018 йил 11 апрел, Тошкент ш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. « Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-3697-сон, 2018 йил 5 май, Тошкент ш.

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ РАЎБАТЛАНТИРИШ: ЕВРОПА ТАЖРИБАСИ

*Юлдашев О. Т. иқтисод фанлари номзоди,
Тошкент молия институти доценти*

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда энг муҳим омиллардан бири инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳисобланиб, у ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик базаларини доимий янгилаб боришга эришиш, янги рақобатбардош маҳсулотларни ўзлаштириш, дунё товар ва хизматлар бозорига самарали кириб бориш имконини беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида инновацион фаолиятнинг ривожланиш имкониятлари ва уларнинг реал ҳолати ўртасида тескари пропорция мавжуд.

Замонавий шароитларда инновацион фаолиятнинг ютуқларидан кенг фойдаланиш — жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг, хусусан, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, инновацион фаолиятни амалга оширишда муаммоларнинг мавжудлиги, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш учун мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланмаслик кўзланган ислохотларнинг самарали амалга оширилишига ҳамда мамлакатнинг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Ҳозирги пайтда инновацион фаолиятни билвосита тартибга солувчи ҳамда мамлакатни инновацион ривожлантиришга қулай имконият яратувчи муҳим дастак солиқ тизими ҳисоблансада, мавжуд тизим инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг зарур даражасини таъминлай олмаяпти.

Бизга маълумки, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг энг асосий омилларидан бири сифатида инновацион фаолият алоҳида ўрин эгаллайди. Шу маънода, мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида “...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”²⁵⁴ масаласи устувор вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас.

Модомики, ҳар қандай мамлакатнинг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигининг асосини инновацион фаолият ўзида мужассам этар экан, шу сабабдан, бутун дунёда айниқса, саноатлашган мамлакатларда инновацион фаолият ҳукуматнинг доимий эътиборида бўлишини талаб этади. Шундай экан, масаланинг шу жиҳатларини ўрганишда хорижий мамлакатлар (европа) тажрибаси муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, биргина Россия Федерацияси мисолида кўрадиган бўлсак, ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг 80 фоизи илмий-технологик таъминотга эга эмас.²⁵⁵ Бунинг оқибатида маҳаллий маҳсулотларининг рақобатбардошлиги қолган чет мамлакатларига нисбатан сустлигини вужудга келтирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Шу мақсадда, Россия Федерациясида охириги йилларда хорижий илмий-тадқиқот институтларини жалб қилиш мақсадида илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш учун турли солиқ имтиёзлари жорий этилган.

Европа мамлакатларида илмий-тадқиқот соҳаси ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг солиқ

²⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

²⁵⁵ Иванова Н.И. Налоговое стимулирование инновационных процессов. «Инновационная наука», №10/2016.

механизмларидан самарали фойдаланилмоқда. Минтақадаги кучли рақобат шароитида Европа мамлакатлари энг яхши етакчи олимларни жалб этиб, ўзларининг энг яхши лабораторияларини ва инновацион корхоналарни ташкил этишга интилишади. Бунда эса, муҳим дастак сифатида солиқ имтиёзларидан самарали фойдалинишга ҳаракат қиладилар.

Айнан шундай амалиётни ўзида жорий этган Европа мамлакатларидан Франция, Норвегия ва Буюк Британия тажрибасини ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Жумладан, ушбу давлатларда инновацион фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган солиқ имтиёзларидан фойдаланишда турли ёндашувлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Франция. Давлат томонидан илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантиришда қуйидаги йўналишларга катта эътибор берилади:

- илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаштириш ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантиришда корхоналарнинг ўз молиявий ресурсларини кенг жалб қилишни солиқлар орқали рағбатлантириш;

- инновацион кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун қулай солиқ шароитларини яратиш;

- капитал бозорида (венчур капитали, инвестиция фондлари орқали) замонавий технологияларга асосланган корхоналарни молиялаштиришни солиқлар орқали рағбатлантириш.

Францияда сўнгги бир неча йил давомида инновацион фаолиятни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш масалалари сезиларли даражада кучайтирилган ва бу жараён ҳозирги пайтда ҳам жадаллик билан давом этмоқда.

Норвегия. Норвегияда 2002 йилда кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш учун “SkatteFUNN (Солиқ жамғармаси)” дастури амалиётга жорий этилган. “SkatteFUNN” дастури орқали корхоналарнинг инновацион фаолияти харажатларини 20 фоизгача қисми солиқ имтиёзлари ёрдамида молиялаштирилган. Дастур орқали турли тармоқлардаги кўпгина корхоналарга молиявий кўмаклар берилди, аммо, молиялаштириш ҳажми жуда кичик бўлганлиги сабабли корхоналарнинг дастурга бўлган қизиқишлари суст даражада бўлган. Масалан, 2010 йилда 6009 та Норвегия кичик корхоналарига молиявий ёрдам кўрсатилган, бу кўрсаткич Францияда 2760 та корхонани ташкил этган. Аммо, бир вақтнинг ўзида Францияда “Credit d’impôt recherche” дастури орқали берилган солиқ имтиёзлари ҳажми 10 млн. еврони ташкил қилиб, шу даврда ушбу кўрсаткич Норвегияга нисбатан 2 млн. еврога ортиқни ташкил қилган.²⁵⁶

Умуман олганда, Норвегия ҳукумати катта молиявий эҳтиёжларга эга бўлган бир неча юқори технологияли корхоналарга нисбатан кичик корхоналарнинг кенг қўламини қўллаб-қувватлашни янада муҳимроқ деб ҳисоблаган.

Европа мамлакатларида инновацион соҳадаги солиқ имтиёзларининг етакчи шакли солиқ кредити ҳисобланади. Солиқ кредити инновацион фаолиятни ўсиши натижасида солиқ тўловларини кўпайтириш имконини беради. Солиқ имтиёзини бериш турли хил шаклларда қўлланилиши мумкин: солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, солиқ таътилларининг берилиши, тўланган солиқни қайтариш, солиқ амнициясининг турли шакллари ва ҳк.

Инновацион фаолиятни солиқ механизми орқали рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ҳар бир мамлакат учун энг керакли бўгин бўлиб хизмат қилади. Саноат ишлаб чиқаришига сармояларни жалб қилиш учун солиқ механизмларини такомиллаштиришнинг услубий муаммоларини ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб олинган бўлиб, ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги тадқиқот вазифалари ҳал этилиши зарур:

²⁵⁶ Церенова К.Н. Налоговое стимулирование финансирования инноваций. “Налоги и налогообложения” – 2011.

- инновацион фаолиятни амалга оширишда корхонанинг иқтисодий сиёсатининг мақсадлари, вазибалари ва тамойилларини шакллантириш;
- инвестицион фаолиятнинг давлат солиқ сиёсатига муносабатини таҳлил қилиш, солиқ тизимини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар бериш;
- инновацияларни амалга оширишда корхонанинг инвестицион жозибadorлиги омилларини аниқлаш;
- солиқларни назорат қилиш механизмлари ёрдамида саноат корхоналарининг инвестицион жозибadorлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- турли солиқ тизимларининг таъсирини инобатга олган ҳолда, инвестиция лойиҳасининг математик моделини ишлаб чиқишда солиқ юкини ҳисобга олиш методологиясини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш;
- юқори технологияли саноатнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш учун махсус солиқ тизимини яратиш зарурлигини оқлаш;

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, инновацион жараёнларни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг хориж тажрибасини ўрганиш муҳим ҳисобланиб, бу борадаги солиқ сиёсати, унинг шакллари ва мазмуни жуда хилма-хил эканлигини кўрсатади. Европанинг айрим мамлакатларида солиқ тизими асосан фискал функцияларни амалга оширади. Даромадларнинг деярли барчаси бюджетга тўғри келади ва у ёрдамида корхоналар ривожланишга сармоя киритишга ёрдам беради. Инновацион фаолиятни рағбатлантириш учун солиқлардан самарали фойдаланиш зарур омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Иванова Н.И. Налоговое стимулирование инновационных процессов. “Инновационная наука”, №10/2016.
3. Оценка эффективности налоговых льгот : монография / кол. авторов ; под науч. ред. Л.И. Гончаренко, М.Р. Пинской. - Москва : РУСАЙНС, 2017.
4. Церенова К.Н. Налоговое стимулирование финансирования инноваций. “Налоги и налогообложения” – 2011.

БЮДЖЕТЛАРАРО МУТАНОСИБЛИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ЁНДАШУВЛАР

Исламкулов А.Х., и.ф.н., доцент

ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Маҳаллий бюджет даромадларининг солиқли тушумларини белгилашда тегишли давлат бошқаруви органлари ўртасида солиқ ваколатларининг тақсимланиши муҳим аҳамиятга эга. Халқаро амалиётда солиқ ваколатларини бюджетлар ўртасида тақсимлашнинг учта моделидан кенг фойдаланилади.

Биринчи модель – солиқларни йиғиш бўйича ваколатлар чегараларини ўрнатиш ва уларни маълум ҳукумат даражасига бириктириш;

Иккинчи модель – солиққа тортиш базасидан биргаликда фойдаланиш;

Учинчи модель – бутун мамлакат ҳудудида ягона ставкада солиққа тортиладиган аниқ солиқлардан келиб тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида меъёрий тақсимлаш²⁵⁷.

²⁵⁷ Diamond, J. (2003). Budget system reform in transitional economies: the experience of Russia. Emerging Markets Finance and Trade, 39(1), 8-23. <http://www.jstor.org>

Дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланиш моделидан келиб чиқиб қайд этиб ўтилган моделлардан биридан фойдаланади. Масалан, Германияда олинадиган солиқ даромадлари федерал бюджет ва ҳудудий бирлик ўртасида тақсимланса, Канада ва АҚШда солиқ даромадларининг тақсимланиши амалиётда учрамайди.

Россияда бюджет тизими даражалари ўртасида солиқ ваколатларини тақсимлашнинг расман барча учта шаклидан фойдаланилади. Федерал солиқларнинг барча бюджет даражалари ўртасида тақсимланиш шакли амалиётда кўпроқ қўлланилади, иккинчи ўринда, барча даражадаги бюджет даромадлари базасидан биргаликда фойдаланиш туради, жуда кам ҳолларда даромад манбаларидан алоҳида фойдаланиш ҳоллари кузатилади. Деярли барча турдаги солиқлар федерал ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланади.

1-жадвал

Турли давлатларда солиқ турлари бўйича ваколатларининг тақсимланиши²⁵⁸

Солиқ турлари	Солиқ манбаларидан алоҳида фойдаланиш	Солиқ базаларидан биргаликда фойдаланиш	Олинган солиқ даромадларини тақсимланиши
Даромад солиғи		Канада, АҚШ, Россия	Германия
Шахсий даромад солиғи (жисмоний шахслар даромад солиғи)		Канада, АҚШ	Германия, Россия
ҚҚС	Канада		Германия, Россия
Савдодан солиқ	Канада, США		
Акцизлар		Германия, Канада, АҚШ	Россия
Мол мулк солиғи	Германия, Канада, АҚШ, Россия		
Табиий ресурсларга солиқ	Канада, АҚШ	Россия	

Умуман олганда бюджетларга тушадиган барча солиқларни икки гуруҳга бўлиш мумкин; маҳаллий солиқлар ва юқори бюджетдан келадиган ажратмалар. Ҳар бир мамлакатнинг солиқ қонунчилигига асосан маҳаллий солиқлар ҳудудий бюджетларнинг муайян турларига бириктирилган. Ушбу солиқ ставкалари одатда маҳаллий бошқарув органлари томонидан белгиланади. Турли мамлакатларда бундай солиқларнинг сони 20-100 тагача, уларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улуши 30-70 фоизгача улушни ташкил этади²⁵⁹.

Бевосита солиқлардан фойда, даромад ҳамда турли мулкый солиқлари таркиби анча фарқ қилади: Скандинавия мамлакатларида барча солиқ тушумларининг 80-90 фоиз даромад ва фойда солиғи ҳиссасига тўғри келади; Белгия, Германия, Австрияда бу кўрсаткич 50 фоиздан ошмайди. Бошқа мамлакатлар маҳаллий бюджетларидаги солиқ тушумларининг асосий қисми турли шаклдаги мулклардан олинадиган солиқлар ҳисобидан шаклланади. Жумладан, Ирландияда ягона маҳаллий солиқ ҳисобланади; Нидерландия жами солиқлар даромадларининг 2/3 қисмини ушбу солиқлар ҳисобига

²⁵⁸ Jonathan Dunn & Deborah Wetzel Fiscal decentralization in former socialist economies: progress and prospects // Annual Conference on Taxation and Minutes of the Annual Meeting of the National Tax Association, Vol. 92 (1999), pp. 242-250. <https://www.jstor.org>

²⁵⁹ Hageman, R. (2018). Tax Policies for Inclusive Growth // OECD Economic Policy Paper No. 24.

шаклланади; Японияда 48 фоиз солиқ даромадларини турар жой бинолари учун солиқлар ва 21 фоизни кўчмас мулк учун солиқлар ташкил этади²⁶⁰.

Аксарият мамлакатларда юқори бюджетга бириктирилган солиқлар ҳисобидан маҳаллий бюджетларга бериладиган ажратмалар улуши анча юқори. Маҳаллий бюджетларнинг бошқа даромадлари асосан муниципал мулк бўлган корхоналар ҳисобидан олинадиган даромадлар, ижара даромадлари, пул йиғимлари, турли жарималар, божлар, корхона ва аҳолининг ихтиёрий тўловларини ўз ичига олади.

АҚШ ва бошқа бир қатор ғарб давлатларининг ҳудудлар молиявий ресурсларини турли гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга ушбу ҳудудларнинг ўзига тегишли бириктирилган ва мазкур ҳудуддан ундириладиган солиқлар сифатидаги молиявий ресурслар бўлиб, улар бевосита ва билвосита солиқлардан иборат. Иккинчи гуруҳга кирувчи молиявий ресурслар худди Ўзбекистонда бўлгани каби умумдават солиқлардан маҳаллий бюджетларга муайян фоизда ажратмалардан иборат бўлади. Миллий бюджет тизимида фойдаланилган юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга молиявий ёрдамлар (дотация, субвенция, ссуда) ажратиш бошқа бир қатор давлатларга, хусусан АҚШ давлат молия тизимида ҳам хосдир. Чунончи, Вашингтон маҳаллий бюджети 84 фоизи бириктирилган молиявий ресурслар ҳисобига шаклланса, қолган 16 фоизини федерал бюджетдан ажратилган субсидиялар ташкил этади. Шунингдек, Нью-Йорк маҳаллий бюджетидан субсидиянинг улуши 32 фоизга тенгдир. АҚШ да ҳам худди биздаги сингари ҳукумат субсидия, субвенция ва дотацияларни юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга ажратиш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этиб туради²⁶¹.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги АҚШдаги энг муҳим ва бошқа давлатлар, жумладан, Ўзбекистонда фарқ қилувчи жиҳатларидан бири бу у ёки бу солиқ турларининг ҳудудлар бўйича табақалаштирилган ставкаларининг қўлланиши ҳамда айрим солиқларнинг баъзи ҳудудларда амал қилиши бошқа ҳудудларда эса амал қилмаслиги ҳисобланади. Буюк Британияда маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий манбаи бўлиб кўчмас мулклар, ер, уй-жой, магазинлар, завод ва фабрикалардан ундириладиган солиқ ҳисобланади. Мол-мулк қиймати мунтазам қайта баҳолаб борилади²⁶².

Юқорида кўриб ўтганимиздек, маҳаллий бюджетларни тартибга солишда бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимдан фойдаланиш долзарблиги билан ажралиб туради. Бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш давлат тузилмасига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Унитар давлатлар бюджет тизими бюджет ресурсларининг марказлашувчанликка мойиллиги ва маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари нисбатан камлиги билан ажралиб туради, федератив давлатларда бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш бюджет федерализмининг бир қисми сифатида намоён бўлади, бундай давлатларда ваколат ва мажбуриятлар бюджетлар ўртасида бир текисда тақсимланади ва бюджетларнинг нисбатан мустақил фаолият юритиши кўзда тутилган бўлади²⁶³.

Ривожланган мамлакатларда бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш узок йиллар давомида шаклланган бўлиб, фақатгина унинг баъзи элементлари вақт ўтиши билан такомиллаштирилиб борилган. Ривожланаётган давлатлар бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш юзасидан ислохотларни амалга ошириш янги тамойил ва шароитларга асосланганлиги билан ажралиб туради.

²⁶⁰ Ўша ерда.

²⁶¹ James E. Smith. West Federal taxation: Taxation of business entities. 2005 y. 126 p.

²⁶² Бард В., Павлова Л. Налоги в условиях экономической интеграции. – М.: «Кнорус». 2004 г. 81 ст.

²⁶³ Nelson A. Rockefeller A Governor's viewpoint on fiscal federalism // National Tax Journal, Vol. 24, No. 3 (September 1971), pp. 327-330 <https://www.jstor.org>

Жаҳон амалиётида, худди солиқ ваколатларини бюджетлар ўртасида тақсимлаш каби, бюджетлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ҳам учта асосий йўналиши мавжуд:

- турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадларнинг тақсимланиши;
- харажатларни молиялаштириш бўйича ваколатлардаги чекловлар;
- бюджетлараро тартибга солиш (турли шаклдаги бюджет воситаларини юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайта-тақсимлаш).

Даромадларни турли бюджетлар ўртасида тақсимлашнинг кўпгина усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу усуллар субнационал²⁶⁴ бюджетларга бериладиган ваколатлар, уларни амалиётда қўллашнинг мураккаблилик, улардан фойдаланишнинг оқилоналик ва холисоналик, ҳудудлараро тақсимланиш даражалари бўйича фарқланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, айти пайтда, республикада нормативларни ҳудудлар ўртасида ва солиқ турлари бўйича тақсимлашнинг аниқ методологияси мавжуд эмас. Нормативлар ҳар йили маҳаллий бюджетлар эҳтиёжлари ва уларнинг солиқ имкониятлари асосида ўрнатилади.

2-жадвал

Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари тартиблаштирувчи солиқлардан маҳаллий бюджетларга ажратмалар меъёри²⁶⁵

Солиқ турлари	Қозоғистон	Қирғизистон
ҚҚС	Республика бюджетига ундирилади	Республика бюджетига ундирилади
Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи	50	35
Жисмоний шахслар даромад солиғи	Республика бюджетига ундирилади	35
Акциз солиғи	50	35

Ушбу йўналишда жаҳон амалиётига эътибор қиладиган бўлсак, ривожланган давлатлар бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш тизими аста-секинлик билан ўзгарувчан нормативлар амалиётидан воз кечиб, узоқ муддатга барқарор ўрнатиладиган нормативларга ўтаётганлигини кўришимиз мумкин. Барқарор нормативлар ўрнатилишини Ғарбий Европа мамлакатларида, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида кўришимиз мумкин.

Мазкур амалиёт биринчи навбатда, маҳаллий бюджетларга ўз даромадларини прогнозлаштиришда қийинчиликларга дуч келишига олиб келади, қолаверса, нормативларнинг йиллик ўзгариши даромадларнинг бюджетлараро тақсимланишида нохолисоналикка туртки бўлиши мумкин.

Қирғизистонда нормативлар бўйича учта солиқ тури тақсимланади (Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи, акциз солиғи, жисмоний шахслар даромад солиғи), Қозоғистонда эса иккита (акциз солиғи ва юридик шахслар даромад (фойда) солиғи). ҚҚС иккала давлатда ҳам тўлиқлигича республика бюджетига ундирилади ва бошқа маҳаллий бюджетларга субвенция ва грантлар кўринишида қайта тақсимланиши мумкин. Айтиш жоизки, бюджетлараро муносабатлар ушбу шаклининг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд. Яъни, иккала давлатда ҳам, ўрнатилган нормативлар молиявий ресурслар заруратсиз қайта тақсимланишига олиб келади, аниқроқ айтганда

²⁶⁴ Халқаро амалиётда субнационал бюджетлар марказий ва маҳаллий бюджетлар даражалари ўртасидаги оралиқ бюджетлар ҳисобланади.

²⁶⁵ Қозоғистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни ва Қирғизистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида.

аввало солиқлардан ажратмалар республика бюджетига келиб тушади (ҚҚС), кейин эса юқорида таъкидлаганимиздек субвенция ёки бюджет кредитлари кўринишида яна барча маҳаллий бюджетлар ихтиёрига йўналтирилади.

Юқоридгилардан келиб чиқиб, бизнингча, Ўзбекистонда бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, солиқларни амалдаги умумдавлат, маҳаллий солиқлар ва мажбурий тўловлар эмас, балки умумдавлат, маҳаллий ва улуши солиқларга ажратиш;

Иккинчидан, турли даражадаги бюджетлар солиқли даромадлари бўйича давлат бошқарув органлари ваколат ва межбуриятларининг аниқ чегараларини белгилаб олиш;

Учинчидан, давлат бюджетини ўрта муддатли режалаштиришнинг жорий этилишидан келиб чиқиб солиқларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш орқали бюджетлараро мутаносибликни таъминлашнинг аниқ методикасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Бундан ҳар бир ҳудудунинг хусусиятини инобатга олиш.

Ўйлаймизки, келтирилган таклиф ва тавсиялар истикболда Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида бюджетлараро мутаносибликни таъминлашга эриши имконини тақдим этади.

ЭКСПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИДА СОЛИҚ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

Имамова Н.БМА таянч докторанти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, солиқ тизимини такомиллаштириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш, божхона назорати ва расмийлаштирувининг шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, божхона органларига ахборот коммуникация технологияларини кенг жалб этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши биринчи навбатда етакчи соҳалар ривожига бевосита боғлиқдир. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз маърузаларида таъкидлаганларидек, “Иқтисодиётимизни жаҳон бозорига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб қувватлаш устувор вазифадир.”.....Биз экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтишимиз, ички бозорда рақобат муҳитини шакллантиришимиз зарур.²⁶⁶ Зеро, иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда солиқ сиёсати ва ҳисоб тизимини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат экспорт операцияларини амалга оширишда оптимал солиқ имтиёзларини берилишида ундан фойдаланувчилар ўзаро манфаатдордирлар. Айниқса экспорт муомалаларида солиқ имтиёзларининг берилиши фаол ва доимий даромад тушумини таъминлайди. Республикамизда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар дунёнинг ривожланган мамлакатлари томонидан харид қилинмоқда. Маълумки, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва тартибга солишнинг жаҳон амалиётида тан олинган ва амалиётда самарали қўлланиб келинаётган тариф ва нотариф тизимлари амал қилади.

Тариф тизимининг энг самарали воситаси бу солиқлардир. Экспорт- импорт операцияларида ундириладиган солиқлар ўз моҳиятига кўра, билвосита солиқлардир. Экспорт товарлари ҳамда ишлар ва хизматларнинг тўлиқ ҳисобини олиб боришда уларни солиққа тортишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ўзига хос хусусиятга

²⁶⁶ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси Тошкент “Ўзбекистон”2019 22 б.

эгадир. Билвосита солиқлар товарлар, ишлар ва хизматлар баҳосига устама сифатида белгиланиб, улар охир оқибат истеъмолчи томонидан тўланади.

Шунинг учун ҳам билвосита солиқларни тўловчилар ўз даромадларини товарлар ва хизматлар истеъмол қилишга сарфлайдилар. Маълумки экспорт операцияларини амалга оширишда солиқлар ичида ҚҚС солиғи асосий объектлардан бири ҳисобланади. Билвосита солиқлар товар, (иш, хизмат) баҳосига устама сифатида белгиланади. Солиқ тўловчиларни товар таркибида қанча билвосита солиқлар мавжудлиги эмас, балки товарнинг баҳоси қизиқтиради, харидор шу жараёндан келиб ўз хулосасини чиқаради. Лекин ҳар доим ҳам билвосита солиқларни тўловчи зиммасига юклаш тўғри бўлмайди.

Экспорт операцияларини солиққа тортишнинг яна бир хусусияти шундаки, қўшилган қиймат солиғининг ноль ставкасини қўлланишидир. Жаҳон тажрибасида шуни кўришимиз мумкинки айрим мамлакатларда экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишда юқори тарифлар ва солиқлар белгиланган бўлса, айрим мамлакатларда унинг аксини кўришимиз мумкин. Экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишнинг хорижий мамлакатлардаги ҳолатини тадқиқ этишда ҳар бир мамлакатнинг бу борадаги тажрибаси ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини қайд этиш мумкин.

Бир қатор дунё мамлакатларида жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган товарлар экспортига нол даражали ставка қўлланилади, харидорга имтиёз берилади. Мазкур жараён **Tax free** деб номланиб, **такс-фри** (инглизчадан — «солиқсиз ёки бепул») қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни қайтариш, чет эл фуқаролари учун харид амалга оширилганда мамлакатдан товарларни олиб чиқиб кетаётганда, имтиёзли солиқ суммасини қайтаришда фойдаланиладиган махсус ҳужжатлаштириш тизими ҳисобланади.

Суммани қайтариш миқдори сотиб олинган маҳсулот суммасидан келиб чиқади ва бу операторларнинг комиссия хақ суммасига ҳам боғлиқ. Дунёнинг 130 дан ортиқ ҚҚСни қўллайдиган мамлакатларининг 50дан ортиғида TAX free орқали савдо қилувчи дўконлар мазкур тизим орқали савдони амалга оширадилар.

Шунингдек, юридик шахслар учун чет эл сафари харажатларидан ҚҚС суммасини қайтариш учун *buisness tax free*лар қўлланилади. Илк маротаба TAX free тизими тарихда XX аср 1960 йилларда Швецияда қўлланила бошлаган²⁶⁷. Мамлакат фуқароси бўлмаган жисмоний шахс томонидан товарлар *tax free*ни қўлловчи давлатлар солиқ суммаси қайтариб бериладиган савдо дўконларидан сотиб олинган бўлса, экспорт қилинаётганида товарлар учун тўланадиган солиқни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. ҚҚСни қайтариш бўйича барча жараён давлат ва сайёҳлар ўртасида воситачилик қилувчи хусусий объектлар орқали амалга оширилади.

Харидор ёки сайёҳ сотиб олинган маҳсулотини мамлакат чегарасидан ташқарига олиб чиқиб кетаётганида божхонага *tax free* қвитанциясини тақдим этиши керак. Қуйидаги ҳолларда божхона қвитанцияни тасдиқламайди яъни,

- қадоқланган товарлар божхона расмийлаштирувидан олдин очилган бўлса;
- сотиб олинган товарлар *tax-free* қвитанциясида келтирилган маълумотларига тўлиқ мос келмаса;
- дўконлардаги товарларни экспорт қилиш санаси яъни *tax-free* қвитанцияси қайд этилган кундан эътиборан белгиланган муддат (ҳар хил мамлакатларда ҳар хил муддат амал қилади) ўтган бўлса;
- агар божхона солиқ тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган яшаш жойидаги маълумотларга шубҳа қилиш учун асос бўлувчи маълумотлар келтирилган бўлса.

Дунё мамлакатларини кузатар эканмиз *tax free* тизими бир қатор мамлакатларда харид қилинган товарларнинг минимал суммасига нисбатан турли фоизларда амал қилади яъни,

²⁶⁷ <http://tisamsebegid.ru/info/vozvrat-taks-fri-tax-free>

Австралияда 10 % (+14,5 % вино учун), Аргентина 21 % (0-10,5 %), Белоруссия 20 %, Болгария 20 %, Великобритания 20 % (0-5 %), Германия 19 % (7 %), Индонезия 10 %, Испания 21 % (4-8 %), Латвия 21 % (12 %), Корея Республикаси 10% .

Польша мамлакатига турли буюмлар билан савдо-сотиқни амалга оширувчи савдо дўконлари солиқ тизимида имтиёзлар бериш мақсадида солиқ суммаларини умумий ёки маълум қисмини қайтариш мақсадида мазкур тизим қўлланилади.

Маълумки экспорт корхоналарида солиқ операциялари солиқ ҳисоби ва ҳисоботлари, шунингдек, ҳужжатлар жараёни билан бевосита боғлиқдир. Экспорт фаолиятини амалга оширишда ноль ставканинг қўлланилиши бухгалтерия бўлими ҳисоб-китобни амалга оширишда бир қатор ҳужжатлар мажмуасини ўз ичига олади. Бу жараёнда айнан иш ва хизматлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда солиққа тортиш тизимида унинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, Tax Free Cheque ҳужжат шаклини юритиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда, экспортни рағбатлантиришда харидорлар манфаатини ҳам эътиборга олиниши айтиш мумкин. Ҳар томонлама экспортни рағбатлантирилиши валюта захираларини тежаш улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашда ёрдам беради. Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни таъкидлаб ўтмоқчимиз.

-tax free тизимининг жорий этилиши мамлакатимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар ва бошқа хорижий меҳмонлар оқимини кескин кўпайишига ва сайёҳлар ташрифини янада жадаллаштиришига ёрдам беради.

-миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ташқи бозорда ўз ўрнига эга бўлиши бошқа мамлакатларга экспорт қилинишини таъминлайди.

-республикамызда экспорт маҳсулотларига қўшимча солиқ имтиёзларини жорий қилади ва ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади. Экспорт фаолияти ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган самарали солиқ механизми сифатида иштиради.

-хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга ва экспорт салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Шунингдек валюта тушумини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшади.

Демак, солиқ тизимида экспорт фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган қатор имтиёзларнинг мавжудлиги миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ўз маҳсулотларини экспорт қилишга йўналтирувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА СОЛИҚ ПОТЕНЦИАЛИНИ БАҲОЛАШ

Очилов Х. БМА тингловчиси

Средства для предоставления кредитов ипотечный банк получает от продажи закладных листов, которые обеспечены ипотечными долгами. Такие закладные листы на практике чаще всего оказываются наиболее защищенным средством вложения денежных средств. Деятельность ипотечных банков осуществляется на основе залогового права.

БАЛИҚЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БОШЛАНҒИЧ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Вафоев А. У. Тошкент Давлат аграр университетитаянч докторанти

Маълумки, сўнгги йилларда балиқчилик тармоғини ривожлантиришга Республика Президенти ва Ҳукумати томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги балиқчилик корхоналари 1.01.2019 йил ҳолатига жами 5 376 тага етиб, шундан 5279 таси балиқ етиштириш ва 97 таси қайта ишлашга ихтисослашган. Таъкидлаш жоизки, балиқчилик маҳсулотлари тез бузилувчан ва қатъий назорат қилишни талаб этади. Бу эса уларни бошланғич ҳисоб ҳужжатлари билан ўз вақтида ва сифатли расмийлаштириш орқали таъминланади. Балиқчиликдан олинадиган асосий маҳсулот турлари: балиқлантириш материаллари ва сотиладиган(товар) балиқлар ҳисобланади.

Балиқларни киримга олиш ва сотишга жўнатиш жараёнини ҳар куни ҳисобга олиш учун «*Овланган балиқларни ўлчаш кундалиги*» ёки «*Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини киримга олиш кундалиги*» асос бўлади. Ушбу ҳужжат балиқчилик хўжалигининг раҳбари (ёки менежери) томонидан юритилади. Иш куни(ёки смена) охирида қабул қилувчи томонидан кун(смена) давомида қабул қилинган балиқларнинг турлари ва жами бўйича ҳисоб-китоби чиқарилади.

Ҳовузлардаги балиқлар овлаш натижаларини расмийлаштириш учун «Балиқларни овлаш тўғрисида Далолатнома»си тавсия этилади. Далолатнома балиқ овлаш даври учун чиқарилган буйруқ асосида тайинланган комиссия томонидан икки нусхада тузилиб, уни комиссия аъзолари имзолайди ва раҳбар тасдиқлайди. Комиссия таркибига қуйидагилар киритиш мақсадаг мувофик: бўлим бошлиғи, бош балиқчи, бухгалтерия ходими ва балиқчилик хўжалигининг бошқа тегишли ходимлари. Далолатнома раҳбар томонидан имзоланганидан сўнг унинг бир нусхаси бухгалтерияга топширилади ва иккинчиси бош балиқчида қолади.

«Балиқ овлашни ҳисобга олиш Журнали» овланган балиқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Журнал балиқ овладиган ҳовуз учун масъул шахс томонидан бир нусхада юритилади. Журнал «Балиқларни навларга ажратиш базасига етказиш учун бир марталик талон»лар асосида ҳар куни тўлдириб борилади. Ушбу Журнал бетлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган, муҳрланган ва хўжалик раҳбари ҳамда бош бухгалтери томонидан имзоланган бўлиши лозим. Журнал хўжаликдаги барча ҳовузлар бўйича «Балиқ овлаш тўғрисида йиғма Қайднома»ни тўлдириш учун асос бўлади. У хўжаликдаги барча ҳовузлар бўйича балиқ овлаш натижаларини умумлаштириш учун мўлжалланган. Ушбу қайднома «*Балиқларни овлаш тўғрисида Далолатнома*»га асосан икки нусхада тузилиб, бир нусхаси илова қилинган ҳужжатлар билан бирга хўжалик бухгалтериясига топширилади ва иккинчиси бош балиқчида сақланади.

Балиқларнинг қўшилган вазнини аниқлаш, кирим қилиш ва ходимларга иш ҳақи ҳисоблаш учун «Балиқларнинг таркиби ва ҳаракати тўғрисида Ҳисобот»тузиш тавсия этилади. Балиқлар вазнини ўлчаш ва қўшилган тирик вазнини аниқлаш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: навбатдаги ёш гуруҳига ўтказишда, нобуд бўлганида, овланганида, сотиш ва бошқача тарзда ҳисобдан чиқарилганида. Ўстирилаётган балиқларнинг тирик вазни ой охирида битта балиқнинг ўртача оғирлигини тегишли гуруҳдаги балиқларнинг жами сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Жами балиқлар тирик вазни ҳар ой охирида ўстирилаётган ёки боқувдаги балиқларнинг ҳар бир ҳисоб гуруҳи бўйича алоҳида аниқланади.

Балиқларни навларга ажратиш базасида ҳар куни навларга ажратиш натижаларини расмийлаштириш учун «Балиқларни навларга ажратиш Далолатномаси»тузиш тавсия этилади. Далолатнома балиқчилик хўжаликларида балиқларни овлаш даври учун тузилган

комиссия томонидан расмийлаштирилиб, хўжалик раҳбари томонидан тасдиқланади. Комиссия таркибига балиқларни навларга ажратиш базасининг бошлиғи, бош балиқчи, лаборатория мудири, бухгалтерия ходими ва участка бошлиғи киритлади. Далолатнома «Маҳсулотлар ва материаллар ҳаракати тўғрисида Ҳисобот»ни тузиш ва кейинчалик «Товар-транспорт накладной»ни расмийлаштириб, бухгалтерияга топшириш учун асос бўлади.

Навларга ажратиш базасига келтирилган балиқларни ҳисобга олиш учун «Балиқлар киримини рўйхатга олиш Журнали» юритилади. Ушбу Журнал бетлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган, муҳрланган ва хўжалик раҳбари ҳамда бош бухгалтери томонидан имзоланган бўлиши лозим. Журналга ҳовузлардан овланган балиқлар ҳар бир партиясининг оғирлиги ёзиб борилади. Иш кун охирида Журналда кун давомида ташиб келтириш талонига мувофиқ кирим қилинган балиқлар миқдори (шу жумладан турлари бўйича ҳам) жамланади. Журналда балиқлар миқдори ҳақидаги маълумотларнинг «бир кунлик жами» навларга ажратиш тўғрисидаги далолатнома маълумотларига тенг бўлиши лозим.

Овланган балиқларнинг кирими ва чиқимини ҳисобга олиш учун «Тайёр маҳсулотлар ҳаракатини ҳисобга олиш Қайдномаси»икки нусхада тўлдирилади. Агар хўжаликда ушбу ҳужжатнинг намунавий шакли бўлмаса, уни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва ҳисоб сиёсатида ақс эттириш тавсия этилади. «қўнатилади» ва «топширилади» бўлимида чиқим бўйича ёзувлар балиқ овлаш маромига кўра ҳар бир накладной бўйича кунлик амалга оширилади. Ой якунида (ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан кечикмасдан) Қайдноманинг биринчи нусхаси балиқларнинг ҳисобдан чиқарилиши учун асос бўлган барча далолатномалар ва бошқа бошланғич ҳужжатлар билан бирга бухгалтерияга топширилади, иккинчи нусхаси эса балиқчилик хўжалигининг раҳбари (бошқарувчиси) да қолади.

Агар балиқчилик хўжалигида омборхона-совутгичдан фойдаланилса, ундаги маҳсулот (балиқ)лар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун «Омборхона-совутгич бўйича Ҳисобот» тузи тавсия этилади. Ушбу ҳисобот омборхона-совутгичдаги маҳсулот (балиқ)ларнинг ҳаракати бўйича тегишли бошланғич ҳужжатлар асосида ҳар бир кун ва ой учун тўлиғича икки нусхада тузилади.

Умумий ҳисоб юритиш билан бирга маҳсулдор ва катта ёшдаги балиқлар (уч ёшлик ва ундан катта) орасида баҳорда балиқлар сифатини бонитировка қилиш ва тартибга солиш ишлари амалга оширилади. Бундай бонитировка қуйидагиларни ўз ичига олади: балиқларни сиртдан кўздан кечириш, битталаб тортиб кўриш ва ўлчаш, олинган маълумотларга статистик ишлов бериш ва таҳлил қилиш. Сиртдан кўздан кечириш натижаларига кўра маҳсулдор балиқларнинг сифати баҳоланади. Жумладан, бунда балиқлар диққат билан кўздан кечирилади, қайси ўлчам (йирик, ўрта ва майда) тоифасига тааллуқли эканлиги, тана тузилиши ва жинсий белгиларининг сезиларлилик даражаси аниқланади. Ҳар хил жароҳат ва нуқсон (дефект)лар бор-йўқлигига ҳам эътибор берилади. Балиқлар оғирлигини индивидуал ҳисобга олиш ва экстерьер кўрсаткичлари ҳисоб-китобига доир материаллар статистик ишловдан ўтказилиб, ҳар бир белги бўйича хато ва вариация коэффициенти билан ўртача миқдор аниқланади. Олинган натижалар «Маҳсулдор ва тўлдирувчи балиқларни бонитировкалаш натижалари тўғрисида Ҳисобот»га киритилади.

Шундай қилиб, балиқчиликда олинган маҳсулотларнинг бошланғич ҳисобини ташкил этиш бўйича таклиф этилаётган ҳужжатлар нобудгарчиликларнинг олдини олиш, моддий жавобгарликни таъминлаш ва ички назорат тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (янги таҳрири), Халқ сўзи, 2016 йил 14 апрель, № 73 (6508).
2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 6 апрелдаги «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 3657-сонли Қарори, «Qishloq hayoti», 10.04.2018 й., 37 (8900).

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ СОДДАДАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

*Қурбанов З.Н., и.ф.д., проф.
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Малака ошириш маркази ходими
Ғаниев М.Х. БМА магистранти*

Бухгалтерия ҳисоби хўжалик операцияларини бошланғич ҳужжатларда акс этиришдан, маълумотларни умумлаштиришгача бўлган даврни ўз ичига оладиган жараёндир. Бухгалтерия ҳисоби методининг маълумотларни умумлаштириш усули ҳисобот, тўғрироғи молиявий ҳисобот деб аталади. Барча мулк шаклидаги юридик шахслар Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги (2016 йил) Қонунга²⁹² асосан белгиланган тартибда молиявий ҳисобот тузади, тасдиқлайди ва тегишли органларга тақдим этади. Хўш молиявий ҳисобот нима? Унга меъёрий ҳужжатларда ва иқтисодий адабиётларда қандай таъриф берилган?

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13-апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ 404-сонли Қонуннинг 22-моддасида “молиявий ҳисобот” қуйидагича эътироф этилган: “Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир”.²⁹³

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 1- сонли БХМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14- августда 474-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)да молиявий ҳисоботга қуйидагича таъриф берилган: “Молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъект алоҳида мустақил хўжалик юритувчи субъектлиги ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг консолидациялашган гуруҳига киришидан қатъи назар шу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврдаги фаолиятини тавсифловчи молиявий ахборотни тақдим этиш усулидир.”²⁹⁴

Шунингдек ушбу БХМСда молиявий ҳисоботнинг мақсади қуйидагича қайд этилган: “Молиявий ҳисоботлар мақсади бўлиб иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун кенг фойдаланувчилар доирасига зарур бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати, унинг фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида ва пул маблағларининг ҳаракати ҳақида ахборотни тақдим этиш ҳисобланади”.²⁹⁵

Россия Федерациянинг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги 402-ФЗ Қонунда молиявий ҳисоботга қуйидагича таъриф берилган: “Бухгалтерия (молиявий) ҳисобот бу хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, унинг фаолиятининг молиявий натижалари ва ҳисобот давридаги пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни қонунчилик талабларига мувофиқ тизимлаштиришдир.”²⁹⁶

Рус иқтисодчиси Н.П.Кондраковнинг ёзишича, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи ташкилотнинг мулкӣ ва молиявӣ ҳолати ҳамда унинг хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ягона маълумотларни акс эттирувчи тизимдир.²⁹⁷

²⁹²Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, 2016 йил 13- апрель, ЎРҚ- 404-сон.

²⁹³Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13- апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ 404-сонли Қонуннинг 22-моддаси.

²⁹⁴Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 1- сонли БХМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”.

²⁹⁵Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 1- сонли БХМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”.

²⁹⁶Федеральный закон от 06.12.2011 N 402-ФЗ "О бухгалтерском учете" (ред. от 28.06.2013) .

²⁹⁷Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет: Учебник.М.: ИНФРА- М, 2011.461 стр.

З.Н.Курбанов ва К.Р.Хотамовларнинг фикрича, молиявий ҳисоботнинг моҳияти компаниянинг молиявий ҳолати, фаолиятининг натижаси ва молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларни акс эттиради.²⁹⁸

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолати ва унинг фаолияти натижаларини умумлаштирган ҳолда акс эттирувчи ҳужжат экан.

Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботларининг таркиби ва уларни тузиш ҳамда тақдим этишнинг ўзига хос хусусиятлари бор.

Бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботни тузишда Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодексидаги нормаларни ҳам ҳисобга олади. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва бюджет ҳисобининг стандартлари қабул қилинмоқда ҳамда амалиётга жорий қилинмоқда. Улар жумласига, таълим ва тиббиёт муассасаларида бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқиш мақсадида 2017 йил 21 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-3231-сон Қарори²⁹⁹ қиради.

Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ушбу хусусиятлари унинг таърифида ҳам ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодексида молиявий ҳисобот қуйидагича эътироф этилган: “Бюджет ҳисоби бюджет тизими бюджетларини ижро этишда ҳисобга олинadиган, пулда ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг, шунингдек мазкур активлар ва мажбуриятларни ўзгартирувчи операцияларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни тўплаш, рўйхатдан ўтказиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидир.

Бюджет ҳисоботи бюджет ҳисоби маълумотлари асосида белгиланган шакллар бўйича тузиладиган активлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг умумлаштирилган тизимидир.”³⁰⁰

Баъзи манбаларда “Бюджет ҳисоботи” тушунчаси деганда, бугунги кунда ташкилотнинг мулки ва молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган турли хил ахборотларнинг ягона тизимитушунилади.³⁰¹

Яна бир бошқа манбада, бюджет ҳисоботи бу бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилган корхонанинг бюджет ва молиявий ҳолатини акс эттирувчи кенг ахборотлар базасидир³⁰², деб келтирилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бюджет ташкилотларида молиявий ҳисобот деганда унинг ҳисобот давридаги мулки, молиявий ҳолати, молиявий

²⁹⁸Курбанов З.Н., Хотамов Теория бухгалтерского учета. Учебник. Ташкент: “Ilm Ziya”, 2014. 132 стр.

²⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сон Қарори

³⁰⁰Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 161-модда.

³⁰¹<https://center-yf.ru/data/Buhgalteru/byudzhethnaya-otchetnost.php>. 28.07.2019

³⁰²<https://zaochnik.com/spravochnik/buhgalterskij-uchet-i-audit/.../sredstva-bjudzheta/>. 29.07.2019.

натижаларини маълум санага умумлаштирган ҳолда белгиланган ҳисобот шаклларида умумлаштириш тушунилар экан.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 157-сонли буйруғига асосан бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) “Бюджет ҳисоботи” тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 январда 3124-рақам билан рўйхатдан ўтказилди. 3-сонли БҲС “Бюджет ҳисоботи” стандарти 2020 йил 1 январдан кучга кириши кўзда тутилган. Ушбу стандарт бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет ҳисоботини тузиш ва тақдим қилиш тартибини белгилайди.³⁰³ Ушбу стандартда бюджет ташкилотлари томонидан топшириладиган йиллик молиявий ҳисоботлар таркибига келтирилган:

- Баланс (1-сон шакл);
- Молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот;
- Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл);
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот;
- Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- Товар-моддий заҳиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- Бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

Ҳозирги вақтда Республикамизда давлат бюджет ташкилотларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштириш муаммолари устида илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу эса мамлакатимизни жаҳон интеграциясига қўшилиб боришида муҳим ҳисобланади.

БАНКЛАРДА АУДИТ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ МУАММОЛАРИ

***Ибрагимов А.К.-БМА “Бухгалтерия ҳисоби , таҳлил ва аудит”
кафедраси профессори***

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий ҳисоботларида акс эттирилган иқтисодий ахборотларни тўғрилиги ва ишончлилигини аниқлаш жараёнида ташқи аудит томонидан берилган аудиторлик хулосаси асосий ўринни эгаллайди. Чунки ташқи аудит томонидан берилган аудиторлик хулосаси асосида тижорат банклари молиявий ҳисоботларини очиқ матбуотда чоп этиш имкониятига эга бўлади. Демак ушбу шароитда банк аудитини сифатини баҳолаш масалаларига янгича, замонавий ёндашув услубларидан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлади.

Ташқи ва ички аудит тижорат банклари фаолиятини тўғри ташкил этилиши ва банк назоратини кучайтирилиши орқали молиявий кўрсаткичларни сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимизда банкларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари албатта Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Ташқи ва ички аудит ўртасидаги сезиларли фарқи уларнинг мақоми, асосий вазифалари ва аудиторлик текширувини бажариш

³⁰³ Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи». Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 157-сонли буйруғи.

вақтига қараб ажратилади. Ушбу масалада иқтисодчи-олим Маматов томонидан ички ва ташқи (мустақил) аудит ўртасидаги фарқларни қуйидаги тарзда изоҳлаган ва ички аудитда қуйидаги алоҳида хусусиятларини кўрсатиб берган : асосий банк молиявий ҳисоботларини сифатини баҳолашда банк тизимида ишлайдиган ҳисоб, назорат ва таҳлил мутахассислари томонидан амалга оширилишлиги кўрсатиб ўтилган. Молиявий ҳисоботни сифатли тақдим этишдан асосий мақсад – ушбу хўжалик тизимида маъмурият ахборот эҳтиёжини қондиришдир дейди.

Шу сабабли иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банкларни ташқи аудитида юзага келадиган рискларга ҳамда аудит фаолиятининг сифат назоратига алоҳида эътибор берилиши лозимлиги ва уни назарий жиҳатдан янада чуқур ўрганиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Аудит фаолиятининг сифат назорати ташқи аудитор томонидан сифатли хизмат кўрсатилиши ва аудит хулосасининг сифатли бўлиши бу аудиторнинг профессионал маҳорати ва тажрибасининг тўғридан тўғри натижаси эканлигидир. Бундан ташқари аудиторлик фаолиятининг сифат назорати бўйича йўриқномани ҳар бир ташқи аудит ходими билиши шартлиги, ходимнинг лавозим мажбуриятида қайд этиб ўтилиши лозим. Шунингдек аудиторлик ташкилотида ходимлар, аудит сифати бўйича ҳужжатлар ва унга киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар билан таништирилганлиги, қатъий равишда ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб борилиши лозим. Бизнинг фикримизча, аудиторлик сифати назорати сиёсатини қўллашдан асосий мақсади қуйидагилардан иборат бўлишлиги лозим:

- Профессионал талаблар, билим ва кўникмаларнинг даражаси;
- Ходимларга вазифаларни тақсимланиши;
- Маслаҳат ва ўзаро муҳокама қилиниши;
- Мижозларни жалб қилиш ва сақлаб қолиш;
- Мониторинг.

Шунингдек, аудит хизматининг сифатини ошириб бориш зарурдир. Шунинг учун ҳам аудит ва аудит фаолиятининг сифат назоратини назарий жиҳатдан янада чуқур ўрганиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Шу жаҳатдан бу йўналишда илғор хорижий тажрибаларини тадқиқ қилиш ва уларнинг хулосаларини Ўзбекистон шароитида қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Аудит хусусидаги адабиётлар шарҳига таянган ҳолда, аудит жараёнига қуйидагича кенгроқ таърифни олишимиз мумкин, яъни “аудит мураккаб жараён бўлиб, маълум ваколатга, мустақил аудиторлик касб малакасига эга бўлган киши томонидан амалга ошириладиган ва хўжалик тизимидаги рақамлар ифодасига мос келадиган ахборот йиғади, баҳо беради, мамлакатимиздаги тартиб қоидаларга асосланиб ўз хулосаларини беради.

Аудитни турларга бўлишда, уни маълумотдан фойдаланувчиларга кўра, қонунга талабларига кўра, аудит объектига (корхоналарнинг фаолият турига) кўра, мақсадига кўра, бажарилиш даврига кўра, текширишнинг характерига кўра маълум бир турларга ажратиш мумкин экан. Демак, аудитор томонидан сифатли хизмат кўрсатилиши ва аудит хулосасининг сифатли бўлиши бу аудиторнинг профессионал маҳорати ва тажрибасининг тўғридан тўғри натижаси ҳисобланар экан.

Аудит сифат назоратини такомиллаштирсак, аудитнинг сифатини назорат қилиш тизимини қай даражада самарали ишлаётганлигини доимий равишда назорат қилиш билан бирга уни баҳолаб ҳам боради. Бу эса банкларда аудитни ва ички назорат тизимини, шу орқали банкнинг умумий фаолиятини самарали ташкил этишда ёрдам беради.\

Кейиги муҳим масала халқаро ва миллий стандартларда аудитор ишининг сифатига баҳо бериш масаласи ҳисобланади. Ушбу масалада Ўзбекистонда аудитнинг халқаро стандартларининг талабига мувофиқ равишда 5-(АМС) "Аудитор иши

сифатини назорат қилиш" номли аудиторлик фаолияти миллий стандарти ишлаб чиқилиб, 2000 йилнинг 1-январидан амалиётда қўлланилмоқда. Ушбу аудит фаолияти миллий стандартининг мақсади аудиторлар иши сифати устидан назорат қилиш меъёрларининг аниқланиши ва белгиланиши ҳисобланади.

Аудитор иши сифатини назорат қилиш бир неча шаклларда амалга оширилади:

- *Асосий аудитор томонидан ўз ассистентлари ишини назорат қилиш* (асосий аудитор аудитнинг ўтказилиши жараёнида ассистентлар томонидан бажарилаётган ишларни доимий равишда назорат қилиши ва йўналтириб бориши керак бўлади. Ишлар топшириладиган ассистентлар маълум бир маънода уларнинг жавобгарлиги ва бажаришлари лозим бўлган жараёнларнинг мақсадлари ҳақида, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти ва бўлиши мумкин бўлган аудиторлик жараёнларининг моҳияти, ўтказилиш вақти ва миқёсларига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳисобга оид аудиторлик муаммолари тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлишлари лозим);

- *Аудиторлик ташкилоти томонидан аудитор ишини назорат қилиш* (аудиторлик ташкилоти томонидан аудитор ишини назорат қилишда қуйидагилар воситасида амалга оширади, хусусан: мижоз олдида аудиторлик режасининг ва аудит ўтказиш дастурининг асосланганлигини муҳокама қилиш ва текшириш орқали, ташкилий-этик аудиторлик тамойилларига қатъиян риоя этиш орқали ҳамда асосий аудитор томонидан аудиторлик хулосаси бериб бўлинганидан кейин аудиторлик ташкилотининг бошқа аудитори томонидан ҳисоботларнинг ишончлилигини мижоз учун бепул бўлган такрорий қайта текширишларни ўтказиш орқали амалга оширади);

- *Ташқи назоратлардан иборат ҳисобланади* (ташқи назорат амалдаги қонунчиликда ва меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилганидек, давлат органлари томонидан амалга оширилади).

Халқаро талабларга кўра, Сифат назоратининг халқаро стандарти (СНХС-1) аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳисоботлар аудити ва уларни кўриб чиқиш, ишонч билдириш ва турдош хизматлар келишувлари учун сифат назорати тизими бўйича унинг жавобгарликларини қамраб олади.

СНХС-1 шунингдек, аудиторлик ташкилотига қуйидагилар бўйича кўмак беришга мўлжалланган:

- Нимани амалга ошириш зарурлигини тушунишга; ва
- Мақсадга эришиш учун кўпроқ ишлар амалга оширилиши зарурлиги бўйича қарор қилишга.

Аудиторлик ташкилотининг мақсади унга келишув даражасида қуйидагиларга оқилона ишонч ҳосил қилиш имкониятини берадиган сифатни назорат қилиш тартиб-таомилларини бажаришдан иборат:

(а) Аудит профессионал стандартларга ҳамда қонун ҳужжатлари ва тартибга солувчи органларнинг тегишли талабларига мувофиқ эканлигига; ва

(б) Чоп этилган аудиторлик ҳисоботи (хулосаси) вазиятларга мос келишига.

Шундай қилиб, умумий хулоса қиладиган бўлсак, аудит сифат назорати тизимининг элементларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

(а) Аудиторлик ташкилоти ичида раҳбариятнинг сифат учун жавобгарликларига;

(б) Тегишли ахлоқий талабларга;

(в) Буюртмачи билан муносабатларни ҳамда муайян келишувларни қабул қилиш ва давом эттиришга;

(г) Инсон ресурсларига;

(д) Келишувни бажаришга;

(е) Мониторингга.

Аудиторлик ташкилоти ўзининг сиёсатлари ва тартибларини ҳужжатлаштириши ва уларни аудиторлик ташкилотининг ходимларига хабардор қилиши лозим. Аудиторлик ташкилоти ходимларининг сифат назорати масалалари бўйича ўз фикрлари ёки муносабатларини билдиришини рағбатлантириш ҳам муҳимдир.

Аудиторларлик ташкилотларнинг сифат назоратини ва рейтинг баҳолаш методикасини такомиллаштириш, аудитнинг халқаро стандартини амалий аспектларини татбиқ қилиш борасидаги масалаларни таҳлил қилиш мақсадида нуфузли аудиторлик ташкилотлари иштирокида ҳар йили семинарлар ташкил қилиниб сифатли аудит ўтказган аудиторлик ташкилотлари, аудиторлар аниқланиб улар рағбатлантирилиб борилади.

Аудит сифат назоратига халқаро стандартлардан янги талабларни киритилиши, банкларда кредитлаш жараёнига ҳам ўз ижобий таъсирини қўшади, яъни кредитларни тўғри расмийлаштирилишида ўз натижасини беради. Натижада банкларда ички аудитнинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш имконияти яратилади. Умуман олганда банкларда аудит департаментини ишини сифатини назорат қилувчи орган айнан аудит қўмитаси ҳисобланади, аммо улар ўртасидаги муносабат фақат ҳисобот ва маълумотлар алмашинуви билан чегараланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аллегрини М., Дунза Г., Паапе Л., Мелвилле Р., Саренс Г., (2006), The European literature review on internal auditing, Managerial Auditing Journal, 21: 845 p.
2. Бычкова С.М., (2005) Понятие качества в аудите и бухгалтерском учете, Москва: Аудиторские ведомости, №3.
3. Гутцайт Е.М., (2004) Внешний контроль за качеством аудита, Москва: Аудиторские ведомости, №4.
4. Паапе Л., (2007) Corporate Governance: The Impact on the Role, Position, and Scope of Services of the Internal Audit Function - Erasmus University Rotterdam, 318 p.
5. Пахомов Д., (2001) Качество аудиторских услуг: организация контроля, Москва: Финансовая газета, №1.
6. Фадейкина Н.В., Болгова Е.К., Скурихин М.Н., Брыкин А.В. (2002) Банковский контроль и аудит, Москва: Финансы и статистика, 496 с.

ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ ВА ИЧКИ АУДИТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Икромов М.М. БМА тингловчиси

Ҳозирги кунда республикамызда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида давлат молиявий назорати тизимини мазмун ва сифат жиҳатдан замон талаблари асосида такомиллаштириш зарурати келиб чиқмоқда. Буни “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи йўналишида келтириб ўтилган “ҳаражатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш”га қаратилган бандида ҳам яққол кўриш мумкин³⁰⁴.

Мамлакатимизда давлат молиясини бошқариш ҳамда назоратини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шулар

³⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

жумласидан бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф етилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқиш белгиланди.

Молиявий назорат ва ички аудит хизматининг асосий вазифаларидан бири, бу - бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши ва талон-торож қилиниши ҳолатларининг профилактикасини таъминлаш ва уларнинг олдини олишдир. Шу ўринда иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг фикрларига тўхталиб ўтсак.

Горбунова О.Н. молиявий назорат давлат органларининг фаолияти ва айрим ҳолларда молиявий операцияларнинг қонунийлиги ва ишончлилигини аниқлаш, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва маълум қилиш учун махсус ваколатга эга бўлмаган нодавлат органлари ҳисобланади. янги захираларни ошириш, даромадларнинг бюджетга тушиши ва давлат мулки сақланишини ошириш лозим³⁰⁵, деб ўз мулоҳазаларини келтирган.

Мельник М.В. фикрича, молиявий назорат - молиявий, пул-кредит, валюта операцияларини қонун талаблари, давлат ва мулкдорлар томонидан ўрнатилган қоидалар ва қоидаларга мувофиқлигини махсус ваколатли органлар томонидан текшириш. Шунга кўра, давлат молиявий назорат давлат ва унинг фуқароларининг ягона давлат молиявий сиёсати ва молиявий манфаатларини таъминлаш учун давлат органлари ёки давлат номидан амалга ошириладиган молиявий назоратдир³⁰⁶.

С. В. Степашиннинг фикрига кўра, ички назоратнинг мақсади - танланган иқтисодий стратегияга мувофиқ юқори бошқарув натижаларини таъминлаш учун давлат мулкни тўғридан-тўғри бошқарадиган тузилмаларга ёрдам беришдир³⁰⁷.

Турли ташкилотларда турли хил ҳисоботларни ишончлилигини баҳолаш функциясини қандай амалга оширишимиз, бизнинг фикримизча, молиявий назоратнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, хусусий сектор корхоналари учун табиий равишда ички назорат орқали амалга оширилади, аксинча ички аудит орқали амалга оширилади.

Меҳмонов С.У. эса “ Ички аудит – ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларини ишончлилигини таъминлаш, бюджет – смета интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишга йўналтирилган фаолиятдир³⁰⁸” деб, таъриф берган.

Молиявий назорат усуллари жуда муҳимдир, чунки якуний натижага эришиш ва назоратнинг самарадорлиги субъектларни назорат қилиш орқали муайян ҳаракатлар ва воситаларни тўғри танлашга боғлиқ. Молиявий назоратнинг олти асосий усуллари мавжуд: кузатиш, текшириш, таҳлил қилиш, аудит, молиявий ва иқтисодий тажриба.

Кузатув. Ахборотни олиш ва баҳолашнинг комплекс, мураккаб усулларида фойдаланмасдан назорат объектининг фаолияти билан танишиш.

³⁰⁵ Горбунова О.Н. (1996) Финансовое право: учебник / под ред. М.: Юристъ, — 400 с.

³⁰⁶ Мельник М.В., Пантелеев А.С., Звездин А.Л. - Ревизия И Контроль ИД ФБК-ПРЕСС Учебное пособие. –М.-2013.-520 с

³⁰⁷ Степашин С.В. Государственный финансовый контроль в России: прошлое, настоящее, будущее. Государственная власть и местное самоуправление. № 5.

³⁰⁸ Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш.и.ф.д.(DSc) дисс.Тошкент.-2018.- 55-бет

Сўров - дастлабки молиявий назоратнинг асосий усулларида бири; молиявий ва иқтисодий фаолиятнинг айрим жиҳатларини ўрганишга қаратилган.

Таҳлил. Математиканинг аналитик усулларида фойдаланган ҳолда молиявий ҳужжатларнинг ишончлилигини назорат қилишнинг махсус усули. Одатда, молиявий ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоблари ва баланслар бўлиб, асосий вазифа - солиққа тортиладиган базани ҳисобга олиш ва ҳисобот беришда акс эттиришнинг ўз вақтида ва тўлиқлигини аниқлашдир. Молиявий назоратнинг ушбу усулини молия органлари амалга оширадилар, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга (солиқ органлари, бюджетдан ташқари жамғармалар ва бошқалар) тўловлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб-китоблари олиб борилади.

Текшириш. Молиявий назоратнинг асосий усулларида бирини ифодалайди ва молиявий қонунчилик бузилишларини аниқлаш мақсадида муайян масалаларни ўрганишни кўзда тутди.

▪ Синови тугатиш шакли - бу ҳаракат аниқланган қоидабузарликлар тўғрисида (текшириш ҳақидаги ҳисобот) ёки (бузилган ҳолларда) ёзма баёнот текшириш. Текшириш ҳисоботи ваколатли орган (расмий) томонидан ишни қўриб чиқиш учун белгиланган барча асосий қоидабузарлик ва камчиликларни акс эттиради.

Бошқариш - бу корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фуқаролар-тадбиркорлар ва бошқаларнинг молия-хўжалик фаолиятини ўрганишга қаратилган кенг қамровли аудитдир..

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил этиш бюджет назорати юзасидан профилактик назорат ўтказиш, мавжуд хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш натижасида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишига хизмат қилар экан.

Давлат молиявий назорати ва ички аудит методологияси юзасидан қуйидаги таклифларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Қонун ости норматив ҳуқуқий-ҳужжатларни қабул қилиш, яъни хусусий секторда бўлгани каби “Бюджет ташкилотлари ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

хусусий секторда бўлгани каби, бюджет ташкилотлари ички аудиторларини сертификатлаш тизимини жорий этиш зарур. Бу орқали бюджет

ташкилотлари ички аудиторларининг мунтазам ўз устида ишлари, норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар бўйича янгиликларни ўрганиши, бошқа соҳа мутахассислари билан тажриба алмашишлари, асосийси сертификатланган мутахассисларнинг ички аудитор сифатида ишлашларига хизмат қилади.

Умуман олганда, юқорида келтирилган таклифларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз давлат молиявий назоратида ички аудит хизматини янада такомиллаштириш ва бу орқали бюджет ташкилотларининг самарали фаолият юритишларига хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6- сон.

2. Горбунова О.Н. (1996) Финансовое право: учебник / под ред. М.: Юристъ,— 400 с.

3. Мельник М.В., Пантелеев А.С., Звездин А.Л. - Ревизия И Контроль ИД ФБК-ПРЕСС Учебное пособие. —М.-2013.-520 с

4. Степашин С.В. Государственный финансовый контроль в России: прошлое, настоящее, будущее. Государственная власть и местное самоуправление. № 5.

5. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш.и.ф.д.(DSc) дисс.Тошкент.-2018.- 55-бет

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА БАНКЛАРДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ХИСОБИНИ ЮРИТИШ

Қосимов Б. БМА тингловчиси

Бухгалтерия ҳисобининг услубий асосларини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари алоҳида аҳамиятга эга. Юқоридаги тўртта даражадаги қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари ҳам бухгалтерия ҳисобининг услубий асоси сифатида қаралади. Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Республика Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу миллий стандартлар бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига анша яқинлашган. Бугунги кунга келиб бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг 25 таси ишлаб чиқарилган. Шунингдек, Молия Вазирлиги бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш бошқа меъёрий ҳужжатлари ҳам ҳўжалик юритувши субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ, банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тартибга солиш Марказий банк томонидан амалга оширилади. Бу борада мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз раҳбарияти ҳамда Марказий банк томонидан банк тизимининг бухгалтерия ҳисобини МХХСга мувофиқлаштириш бўйича ислохотлар бошлаб юборилди. Натижада мамлакатимиз банк тизимининг мазкур йўналишида салмоқли ижобий ўзгаришлар юзага келди.

Асосий воситалар – бу моддий активлар бўлиб, банк фаолиятида банк хизматларини кўрсатиш жараёнида, ижарага бериш учун ёки маъмурий мақсадларда улардан фойдаланилади, улар бир йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланишга мўлжалланган бўлади.

Асосий воситаларга бино, иншоотлар, ускуна ва асбоблар, компьютерлар, мебел, ҳисоблаш техникалари, транспорт воситалари, фойдаланиш ҳуқуқуқи билан олинган ер, кутубхона фонди, қийматидан қатъи назар, сигнализация (огоҳлантириш) ва бинони қуришда унинг нархига киритилмаган телефонлаштириш объектлари ва шу кабилар тегишли.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати даврий равишда инфляция суръатини ҳисобга олган ҳолда қайта баҳоланиб борилади. Асосий воситаларнинг қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати уларнинг **тикланиш қиймати** дейилади. Шунингдек, активнинг бухгалтерия балансида акс эттирилган суммаси, **баланс қиймати** дейилади.

Асосий воситалар, лойиҳа-тадқиқот ишлари, қурилиш материаллари, меҳнат, бино (иншоот)лар қурилиши (таъмирланиши) билан боғлиқ ҳаражатлар ва асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ бошқа капиталлаштирилган ҳаражатлар қийматини олдиндан тўлиқ ёки қисман тўлаш қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Дт 19909	“Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар”
Кт	Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи

Сотиб олинган бинолар (иншоотлар) балансида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

Дт 16509	“Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар”
Кт 19909	“Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун

	тўланган маблағлар”
2) сотиб олинган бошқа асосий воситаларни балансда акс эттириш: ³⁰⁹	
Дт 165**	асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи
Кт 19909	“Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар”

Асосий воситаларни омборга кирим қилиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дт 19923	“Омбордаги асосий воситалар”
Кт 19909	“Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар”

Таъмирлашни талаб қиладиган сотиб олинган бинолар таъмирлаш ишлари тугагунга қадар 16505 “Тугалланмаган қурилишлар” баланс ҳисобварағининг алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади. Бунда биноларни (иншоотларни) қуриш (таъмирлаш) ишлари билан боғлиқ бўлган харажатлар, лойиҳа-тадқиқот ишлари, қурилиш материаллари ва меҳнат харажатлари қабул қилиш далолатномаларига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобварақларда акс эттирилади:

Дт 16505	“Тугалланмаган қурилишлар”
Кт 19909	“Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар”

Агар кейинги харажатлар чет эллик ҳамкор билан тузилган шартномага асосан чет эл валютасида амалга оширилса, харажатларнинг ҳисоби 16505 “Тугалланмаган қурилишлар” ҳисобварағида операция амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмдаги эквивалентда амалга оширилади.

Йил охирида 16505 “Тугалланмаган қурилишлар” ҳисобварағидаги қолдиқ бош банкда ва унинг филиалларида тугалланмаган қурилишнинг ҳажмига мос келиши керак, ва у кейинги йилга ўтказилади.

Ҳисоб тизимини ислоҳ қилиш ва бунинг оқибатида ишончли молиявий маълумотлар олиниши, ҳар бир корхонада назоратни яхшилаш, хорижий инвесторларнинг, тақдим этилаётган ахборотнинг сифатига бўлган ишончни оширади. Ўзбекистондаги бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлар даражасига чиқиши керак. Шунинг учун, қуйидаги солиштирма жадвалда биз, “Ижара ҳисоби” номли халқаро ва миллий стандартларнинг ўзаро фарқланиш ва ўхшашлик томонларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилдик.

Ижарага олинган асосий воситалар ҳисобини халқаро стандартлардаги фарқли жиҳатлари (МХХС-17 ва БҲМС-6)

17-сонли “БҲХС”	6-сонли “БҲМС”
Ижара - ижарага берувчи ижарачига бир ёки бир неча тўловлар эвазига келишилган муддат давомида активдан фойдаланиш ҳукуқини беришнинг кўзда тутадиган келишувдир.	Ижара - келишувга биноан бир томон (ижарага берувчи) бошқа томонга (ижарага олувчига) ҳақ эвазига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки келишилган муддат давомида мулкдан фойдаланиш ҳукуқини беришдир.
Молиявий ижара – активга эгалик қилиш билан боғлиқ деярли барча хатарлар ва муқофотларни келишувнинг бир томонидан бошқа томонига ўтказувчи ижара. Эгалик ҳукуқи пировардида ўтказилиши ёки ўтказилмаслиги мумкин.	Молиявий ижара - мулкни (молиявий ижара объектини) шартномага биноан ўн икки ойдан ортиқ муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳукуқини беришда юзага келадиغان ижаравий муносабатлар.

³⁰⁹ Асосий воситалар келиб тушгандан бирданига фойдаланишга топширилган қолларда (яъни, омборга кирим бўлинмасдан).

Халқаро стандартларга мувофиқ ижара пул маблағлари боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши мумкин, чунки бу ҳолда ижарага олинган актив қийматининг 100%игача молиялаштирилиши мумкин. Банк кредитлари одатда актив қийматининг 80% билан чегараланади, шунингдек ижарада қайд қилинган фоиз ставкаси тўғрисида келишиш мумкин, банк кредитлари учун эса сузувчи фоиз ставкалари билан тавсифланади. Ижара битимларини операцион ижара сифатида тузиш мумкин, бу ижарачига қарз чегаралари мавжуд бўлганда, балансдан ташқари бўлган ҳисоботни молиялаштиришга йўл очади. Ишга туширилиши узоқ муддатга тўхтаб туришларга эга бўлган ускуналарни тайёрлашга буюртма беришдан кўра, фойдаланишга тайёр бўлган ускунани ижарага олиш қулайдир.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш жоизки, БҲМС ва МҲХС тузилган молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда аудиторлар ишидаги мутаносиблик умуман олганда, аудит самарасини ошириб, самарасиз такрорланишларни йўқотади, аудиторлик амалларини оптималлаштириш ва олинган аудиторлик далилларида тўлиқ фойдаланиш имконини беради.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ЛИКВИДЛИЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ АСОСИДА БОШҚАРИШ

Ҳайдаров Л.Р. -БМА тингловчиси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5544-сонли Фармонида мамлакатни инновацион ривожлантиришни рағбатлантириш учун банк кредитини олиш тартиб-таомилларини ва талабларини соддалаштириш вазифаси белгилаб берилди. Бу эса банкларнинг ликвидлик кўрсаткичларини янада барқарор бўлишини талаб этади. Банклар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариши учун мижозлари олдида ишончли имиджга эга бўлиши лозим. Бу ишонч эса банкларнинг ликвидлиги негизидан келиб чиқади. Демак тижорат банклари ўз фаолиятлари барқарорлигини таъминлаши учун, аввало, ликвидликка, тўлов қобилиятига, даромадлиликка мунтазам эътибор қаратиши талаб этилади.


Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 13 августдаги “Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги 2709-сонли Низомига кўра ҳар бир банкда ликвидликни бошқариш сиёсати ликвидликни бошқариш бўйича асосий ҳолатларни камраб олиши ҳамда банкнинг турли хил молиявий воситаларни қўллашга нисбатан муносабатини, масалан, турли молиявий воситалардан фойдаланишини аниқ ифода этиши лозим.

Банклар фаолиятини таҳлил қилишда ликвидлик тушинчасига аниқлик киритиб олиш муҳим ҳисобланади. Банк ликвидлиги деганда банкнинг юзага келган мажбуриятларини қоплаш мақсадида тезкор равишда ва минимал харажатлар билан ўз активларини пул маблағларига айлантира олиш қобилияти ҳисобланади. Шунинг яна бир тушинча бу банкнинг тўловга лаёқатлилигидир. Банкнинг тўловга лаёқатлилиги—бу банк капиталига зарар етказмаган ҳолда аниқ бир санагача барча мажбуриятларини тўлиқ қоплай олиш қобилиятидир. Демак, банк ликвидлиги - бу банкнинг жорий ва келгуси мажбурият ва тўловлари, кредит бўйича мижозлар талаблари бажарилишини ўз вақтида ва миқдорда, активларни ҳеч қандай зарар кўрмасдан нақд пулларга айлантириши ёки мақбул нархларда ресурс сотиб олиш қобилиятлари йиғиндиси тушинилади.

Банклар ишончлилиги деганда уларнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятини, яъни биринчи талаб биланок амалга ошириш лаёқатига эга бўлган фаолиятини тушунамиз. Ишончлилиikka эришиш учун эса банклар ликвид ва тўлов қобилиятига эга бўлиши лозим (чизма).

Банкнинг турли активлари, турли хатарлик даражасига эга бўлганлиги сабабли, турли даражада фойда келтиради. Шунинг учун, банк ўз активларини хатарлилик даражасига, муддатига ва фойдалилик даражасига кўра гуруҳларга ажратади. Шунга кўра банк активлари ва пассивларини бошқаришнинг асосий вазифаларини қуйидагича деб изоҳлаш мумкин:

- банкнинг барча активларини (мажбурий захиралар ҳисобга олмаганда) даромад келтирувчи активлар шаклида жойлаштириш;
- мижоз олдидаги мажбуриятларни бажариш ва актив операцияларни кенгайтириш учун керакли кредит маблағларни жалб қила олиш ҳолатини таъминлаш;
- арзон маблағлар жалб қилган ҳамда «даромад- хатар» нисбатини оптимал таъминлаган ҳолда, банкнинг фойдасини орттириш.



Банк фаолиятини таҳлил қилишда кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги³¹⁰.

Банк ликвидлигини бошқаришнинг ҳозирда тўрт хил назарияси мавжуд:

1. Тижорат ссудалари назарияси.
2. Жойдан жойга кўчириш назарияси (*shiftability theory*).
3. Кутиладиган даромад назарияси.
4. Пассивларни бошқариш назарияси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ликвидлигига ўрнатилган иқтисодий меъёрлар ҳақида қуйидагилар белгиланган:

Жорий ликвидлилик коэффиценти. Бу коэффицент банкнинг жорий активларнинг, яъни тўлов муддати 30 кунгача бўлган барча ликвидлик активларининг (банк кўйилмаларининг бир марта бўлса ҳам муддати узайтирилган ва ёки аввал берилган ссудаларни тўлаш учун, шунингдек, қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар истисно қилинади) талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммаси ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятларига нисбати орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткич 30% дан кам бўлмаслиги керак, яъни банкнинг жорий ликвидлиги:

$$L_c = (CA / CL) \times 100\%$$

Бунда: СА- қайтариш муддати 30 кунгача бўлган жорий активлар ва кредитлар; СЛ- қайтариш муддати 30 кунгача бўлган ва талаб қилиб олингунга қадар бўлган мажбуриятлар.

Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти банк кассасидаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари ҳамда банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақларидаги маблағлари (бундан Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварағи ва мажбурий захиралар депозитларидаги маблағлар мустасно) суммасини талаб қилиб олингунча мажбуриятлар (талаб қилиб олингунча депозитлар, пластик картадаги маблағлар, ВОСТРО ҳисобварақлари ва бошқа мажбуриятлар) суммасига нисбати орқали аниқланади.

Лаҳзали ликвидлилик коэффицентини ҳисоблашда фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги маблағлар инобатга олинади.

³¹⁰ Г. С. Панова “Анализ финансового состояния коммерческого банка” Москва. “Финансы и статистика” 1996 г.

Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти 2017 йил 1 августдан бошлаб 10 фоиздан, 2017 йил 1 ноябрдан бошлаб 15 фоиздан, 2018 йил 1 январдан бошлаб 20 фоиздан кам бўлмаслиги лозимлиги кўрсатиб берилган.

Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти (бундан буён матнда ЛҚМК деб юритилади) юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати сифатида аниқланади (ЛҚМК=юқори ликвидли активлар/кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқим).

ЛҚМК 80 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Кейинги 30 кун ичидаги кирим кейинги 30 кун ичидаги чиқимнинг 75 фоиздан ошган тақдирда, кейинги 30 кун ичидаги кирим сифатида кейинги 30 кун ичидаги чиқимнинг 75 фоизи олинади. Кейинги 30 кун ичидаги кирим ва чиқимнинг қайта ҳисоблаш коэффиценти Марказий банк томонидан ўрнатилади ва мажбуриятларнинг тури ва муддатига боғлиқ бўлади.

2017 йил 1 январдан бошлаб ЛҚМК 90 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. 2018 йил 1 январдан бошлаб ЛҚМК 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Соф барқарор молиялаштириш меъерикоэффиценти. Банклар 2018 йил 1 январдан бошлаб соф барқарор молиялаштириш меъерини таъминлашлари шарт. СБММК барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига нисбати сифатида аниқланади (СБММК=барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси/барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси). Бунда СБММК 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

СБММК активларни қайтариш муддатларини ҳисобга олган ҳолда, молиялашнинг барқарор ресурслари мавжуд бўлиши учун, шунингдек 1 йилдан ортиқ муддатдаги балансдан ташқари моддалардаги мажбуриятларни қўшиб, ликвидлиликка бўлган талабни (зарур бўлган барқарор молиялаштиришни) қондириш учун керак.

1-жадвал

Таҳлил қилинаётган банкнинг ликвидлик коэффицентлари бажарилиши бўйича маълумот³¹¹

Кўрсаткичлар	Меърий талаб	01.01.2016 йилдаги кўрсаткич	01.01.2017 йилдаги кўрсаткич	01.01.2018 йилдаги кўрсаткич	Фарқ	
					Номинал кўрсаткич	%да
Жорий ликвидлик коэффиценти	Мин 0,30	0,582	0,635	0,693	0,058	9,11
Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти	Мин 0,80	1,279	1,952	2,975	1,023	52,4
Соф барқарор меъёрлаштириш коэффиценти	Мин 0,100	0,756	0,989	1,293	0,304	30,7

Таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, банкда жорий ликвидлик коэффиценти 2018 йилда 0,693 га ортган, шунингдек, Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти ҳам 2,975 га кўпайиб номинал кўрсаткични 1,023 бўлишини таъминлаган. Соф барқарор меъёрлаштириш коэффиценти 0,304 меъёрдан 30,7 фоизга ортиғи билан яқунланган.

Хулоса

Республикада банкларнинг ликвидлигини таъминлашда қаратилган қуйидаги илмий хулосалар қилинди:

³¹¹ АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

биринчи, Республикамиз тижорат банкларида кассали активларни йирик микдорда тўпланиб қолишига йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун, аввало, тижорат банкларининг депозит базаси таркибида муддатли депозитлар ва жамғарма депозитлари салмоғини ошириш лозим.

иккинчи, Мамлакатимиз тижорат банклари активларининг ликвидлилиги ва даромадлилиги ўртасидаги узвий боғлиқликнинг оқилона даражасини юзага келтириш лозим.

учинчи, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини янада ошириш мақсадида банкларнинг жорий ликвидлилик даражасига баҳо беришда талаб қилиб олинadиган депозитлар микдорини уларнинг барқарор қолдиғи суммасига камайтириш зарур.

тўртинчи, Тижорат банклари инвестиция портфелининг диверсификациялаш принципининг бузилишига йўл қўймаган ҳолда, юқори ликвидли эмитентлар томонидан чиқарилган корпоратив қимматли қоғозларни Репо шарти билан жойлаштириш орқали банкларнинг жорий ликвидлилик даражасини ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5544-сонли Фармони. 2018 йил 21 сентябр.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида”ги ПҚ-2344-сонли Қарори.

3. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. (2010) Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, –224 б.

4. Абдуллаева Ш.З. (2003) Банк иши. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, –305 б.

5. Балабанова И.Т. (2000) «Основы финансового менеджмента». Учебное пособие -3-е издание, доп. переработ. М.: Финансы и статистика.

6. Ибрагимов А.К. (2013) Аудитнинг халқааро стандартлари асосида тижорат банкларида ички аудитнинг ташкилий асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: Ўз Р.БМА “Молия”, -384 б.,

7. IFRS® Standards (2016) (Red Book) is the only official printed edition of the consolidated text of the International Accounting Standards Board's authoritative pronouncements as issued at 13 January 2016. Publication date: 7 March 2016. SET ISBN: 978-1-911040-15-6 (set of two volumes sold together).

БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР ҲИСОБИ ВА УЛАРНИНГ НАЗОРАТИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Қурбонов М. БМА тингловчи

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида бюджет маблағлари билан бир қаторда бюджет ташкилотларининг бюджетданташқари маблағлари ҳисоби ва назоратига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бюджетижроси жараёнида Давлат бюджети маблағлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетданташқари маблағлари шаклланиши ҳамда сарфланишини узлуксиз ҳисобга олиш, уларни ҳуж-жатлаштириш ва ахборотларни тизимли шакллантириш учун бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ташкил этилмоқда.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва назоратини такомиллаштиришнинг аниқлиги ва ишончлилигини ошириш йўлида ислохотлар олиб бориш ўзининг ижобий натижасини бериши аниқ. Бундай ислохотлар натижасида бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, бюджет ташкилотларининг

бюджетдан ташқари маблағлари келиб туши-ши уларнинг мақсадли ва имтиёзли равишдасарфланиши, бюджет тизимидаги маблағлар билан боғлиқ ўғирликлар, камомадлар вазарарларнинг олдини олиш имконини яратади. Назорат соҳасининг такомиллаштирилишида маб-лағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан тизимли асос яратилиши назо-ратнинганиқ ва камчиликлардан ҳоли бўлишига ёрдам беради.

Бюджет маблағларини тежаш ва самарали фойдаланиш борасида президентимиз Ш.Мирзиёев нутқларида қуйидагилар таъкидлаб ўтилган, “Бюджет тизимини ислоҳ қилиш соҳасида маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари янада кенгайтирилди. Энди ҳар бир ҳудуд раҳбари берилган имкониятлардан фойдаланиб, масъулиятни тўла ўз зиммасига олиши, ўз аравасини ўзи тортиши керак. Яқин келажакда барча давлат харидларини амалга ошириш ва давлат мулкани сотиш учун Интернет тармоғида ягона майдон ташкил этиш лозим. Бу бюджет харажатларини қисқартириш, давлат мулкани самарали бошқариш ва катта молиявий маблағларни иқтисод қилиш имконини беради. 2018 йилдасолиқ сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечамиз. Чунки ислохотлар даврида давлат тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиши учун бюджет барқарорлиги сув билан ҳаводек зарур”³¹².

Ушбу мавзу доирасида бугунги кунгача илмий иш шакллантирилмаган бўлсада, ушбу мавзуга мамлакатимиз олимларидан С.У.Меҳмонов ўз муноса-батини билдирган. С.У.Меҳмонов бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларига “Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маб-лағлари -қонунчиликда назарда тутилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан ташкилотларихтиёрига келиб тушадиган маблағлардир”³¹³ дея ўз таърифини келтирган. Ушбу таърифдан билиш мумкинки, бюджет ташкилот-ларининг бюджетдан ташқари маблағлари уларнинг фаолият турларига мос ҳолда бошқа фаолият турларини кенгайтириш орқали келиб тушадиган маблағлардан иборат бўлади. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини ошириш ташкилотни бюджетдан молиялаштириш ҳажмини пасайтиради. Бу эса давлат бюджети учун самарали ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган туб иқтисодий ислохотлар аввало иқтисодий ўсишни таъминлашга ва бу орқали фуқаролар ҳаётини янада яхшилашга қаратилгандир. Бу ўринда асосий масалалардан бири давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларининг фаолиятини кучайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Шу билан бирга яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодий ислохотлар даврида аҳолини қўллаб-қувватлаш ва бошқа турли мақсадларни амалга ошириш учун махсус жамғармалар ҳам тузилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам бевосита давлат мақсадли жамғармалари фаолияти билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган қуйидаги асосий вазифалар санаб ўтилди³¹⁴:

- аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш;

- пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш;

- илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш;

- инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш;

- хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш ва бошқалар.

³¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 дек. 2017 й

³¹³ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси. 23.12.2013 й. О’RQ-360-son//www.lex.uz

³¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномаси

Бу эса ўз навбатида жамғармаларнинг мазмун-моҳияти ва вазифаларини чуқурроқ таҳлил этишни тақозо қилмоқда.

Давлат мақсадли жамғармаларнинг моҳияти, функциялари ва жамият ривожланишидаги аҳамияти. Бозор иқтисодиёти шароитида бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларни ташкил этишнинг шарт-шароитлари ва хусусиятлари. Давлат мақсадли жамғармаларининг Давлат консолидациялашган бюджетидаги ўрни, Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг функционал жиҳатига кўра иқтисодий ва ижтимоий жамғармаларларга бўлиниши, Ижтимоий жамғармаларнинг фаолияти, Ижтимоий жамғармаларнинг ҳуқуқий асослари. Иқтисодий жамғармаларнинг бозор шароитида иқтисодиётнинг ривожланишига таъсири, уларнинг моҳияти, аҳамияти ва турлари. Иқтисодий жамғармаларнинг функционал вазифалари, жамият тараққиётига таъсири ўрганишдан иборат.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ғаниев М.Х. БМА Тингловчиси

Давлат бюджети даромадларининг шаклланиши маблағларнинг мақсадли сарфланиш тизимини йўлга қўйиш ва бошқариш бюджет ҳисобини юритиш асосида таъминланади. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини белгилашда, давлат маблағларининг мақсадли, самарали сарфланиши, шунингдек давлатнинг мол-мулклари ва мажбуриятлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинишда бюджет ҳисобининг маълумотларига асосланади. Бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритиш орқали бюджет ижроси натижалари бўйича бухгалтерия ва молиявий ахборотлар шакллантирилади. Унинг ёрдамида бюджет ижроси жараёни муомалаларини хужжатлаштириш орқали рўйхатга олинади, бюджет таснифи асосида бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича ахборотлар шакллантирилади, бухгалтерия счётлари орқали бюджет маблағлари ва уларни манбалари умумлаштирилади ҳамда икки ёқлама ёзув асосида ҳаракати акс эттирилади, бухгалтерия баланси орқали маълум муддатга бюджет маблағлари ва уларни манбалари ҳолати акс эттирилади, ҳисоботлар ёрдамида бюджет ижроси натижалари бўйича ахборотлар тақдим этилади.

Бугунги кунда давлат сектори бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг жаҳон андозаларига мос тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш муҳим вазифалардан саналади. Бу борада мамлакатимизда Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Ушбу концепцияда молиявий ҳисоботларни ва сифатини оширишни халқаро стандартларда умумқабул қилинган тамойилларга мувофиқлаштириш белгиланди.

Ҳозирги кунда давлат секторида молиявий ҳисоботларни шу жумладан бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларини тузишга оид меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинган. Айтиш мумкинки, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини шакллантиришнинг ягона тартиби белгиланган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат бюджетини маблағларидан таъминланадиган бюджет ташкилотларида ҳисоб ва ҳисоботни халқаро моделлар ва стандартларни ўрганиш, ўрганиш жараёнида мамлакатимизда бюджет ҳисоб ва ҳисоботини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш илмий-амалий аҳамиятга эга долзарб масалалардан ҳисобланади.

Асосий мақсад бюджет тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобни юритиш ва ҳисоботларни тузиш, ҳамда тақдим қилиш жараёнини илмий тадқиқ этиш асосида уларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирда мамлакатимиздаги бюджет тизими бюджетларининг бюджет ҳисобини юритиш ва ҳисоботларини тузиш ҳамда тақдим қилишда қуйидаги чора –тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи билан боғлиқ Республикамиздаги мавжуд меъёрий ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этиш.

- бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда дастурлар тайёрлаш;

- Бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритиш учун яратилган дастурий таъминотлар билан йўриқномалар ўртасидаги номувофиқликлар ҳамда алоқа тармоғи ва ахборот базаларидан фойдаланишдаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш(алоқа сифати, ягона ахборотлашган тизимни жорий этиш).

- Бюджет ташкилотлари бухгалтерларнинг соҳани билиш даражасини асословчи сертификатлаш тизimini жорий қилиш.

- давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари талаблари асосида бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларни соддалаштириш бўйича амалий ва илмий асосланган таклифлар тайёрлаш ва бошқалар.

Бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритиш учун яратилган “UzASBO” дастурий таъминотга Амалиёт давомидаги ўрганишлар натижасида юзага келаётган бази бир камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни билдирамиз.

Биринчи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10-майдаги 267-сон қарорига асосан Ободонлаштириш бошқармаларида узлуксиз иш стажлари учун устама маблағлари ортиқча тўланишига йўл қўйилган ҳолатлар аниқланган. Ҳозирда “UzASBO” дастурий мажмуасида ходимнинг узлуксиз иш стажини белгиланган фоизлар ҳисобчи томонидан қўлда киритилмоқда.“UzASBO” дастурий мажмуасида ходимнинг узлуксиз иш стажини ҳисобга олиб борадиган ва унга мос равишда фоизларда ҳисоб-китоб қиладиган автоматлаштирилган тартиб жорий этиш орқали ортиқча тўловлар олди олинисига эришилади.

Иккинчи: Бюджет муассасаларида мукофот ва бошқа турдаги рағбатлантириш пулларини асоссиз ҳисобланиши ва банк пластик карта ҳисоб рақамлариги ўтказилиш ҳолатлари аниқланмоқда. Ҳозирда “UzASBO” дастурий мажмуасида қонунда белгиланган қарорлар асосида тўланадиган мукофот ва бошқа турдаги рағбатлантириш пулларини бир йилда бир неча маротаба тўлаш имкони мавжуд. Ходимларга устама ва рағбат пулларини мейёрий ҳужжатлар ва харажатлар сметасига мувофиқ дастурнинг ўзи ҳисоблашни жорий этиш орқали ортиқча тўловлар ҳисоблашни олди олинади.

Учинчи: Бюджет ташкилотларида иш кунларини ҳақиқатда ишлаган кунларга нисбатан кўп қўйилиши оқибатида ортиқча тўланиш ҳолатлари мавжуд. Ҳозирда “UzASBO” дастурий мажмуасида ходимнинг ишлаган кунини 21-28-31 ва ундан кўпроқ иш куни киритиш мумкин. Дастурда иш кунлари ҳақиқатда календар иш кунларидан ортиқча киритилишига йўл қўймаслик ҳамда дам олиш байрам ва қўшимча иш кунларини дастурда алоҳида киритилишини раҳбар ва ходимлар бўлими мутахассислари томонидан киритиш ва тасдиқлаш модулини яратиш лозим.

Тўртинчи: Ходимларга иш ҳақи ҳисоблашда қайта ҳисоб (перерасчёт) қилиш орқали ортиқча иш ҳақи ҳисобланишига йўл қўйилмоқда. “UzASBO” дастурий мажмуасида ходимга ўтган ойларда тўлиқ иш куни қўйилган бўлса ўтган ой учун деб қайта ҳисоблаш имконини йўқотиш ва ходимлар бўлими мутахассиси томонидан дастурга ўтган ой учун алоҳида табел киритилишини жорий этиш орқали ортиқча тўлов олди олинисига мумкин.

Бешинчи: Ишчи ходимларга хомиладорлик ва туғиш нафақаларини ҳисоблашда хато-камчиликларга йўл қўйилмоқда. “UzASBO” дастурий мажмуасида ходимларга

хомиладорлик ва туғиш нафақалари суммасини қўлда киритиш имконини йўқотиш ва дастур амалдаги мейёрларга мувофиқ ўзи ҳисоблаш тизими яратилиши натижасида ортиқча тўловлар олди олинади.

Олтинчи: Ишчи ходимларга хомиладорлик ва туғиш нафақаларни ҳисоблашда таътил даврига “UzASBO” дастурий мажмуасига иш куни қўйиб иш ҳақи тўлаб юбориш имконини йўқотиш орқали дастурни такомиллаштириш ва инсон омилларини аралашувини камайтириш мумкин.

Юқоридаги тадбирларни амалиётга жорий этиш бюджет ташкилотларида ҳисоб ва ҳисоботларни такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, № ЎРҚ 404-сонли;

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

3. “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағи олувчиларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом Ўз.Р АВ. Томонидан 2014 йил 15 декабрда № 2634-сон билан рўйхатдан ўтган;

РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЕ

Мажидова Н.Р. ТФИ преподаватель

С 2016 года, который был объявлен в мире годом «единых стандартов», большинство стран начали широко использовать Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО). В свете данных событий представляется важным вопрос введения МСФО в Республике Узбекистан. На сегодняшний день существует несколько различных моделей перехода к применению МСФО. Такие страны как Япония, Канада, США и страны Евросоюза уже несколько лет находятся в процессе трансформации локальных стандартов. В каждом из указанных случаев есть свои особенности процесса, связанные как с нормативно-правовыми основами отдельно взятой страны, так и с традициями учета.

Необходимость применения МСФО в коммерческих банках определяется следующим:

Во-первых, чтобы расширить бизнес и привлечь средства иностранных инвесторов банки должны разговаривать на одном языке с инвесторами, а инвесторы понимать структуру и состав финансовой отчетности. Этот язык — МСФО.

Во – вторых, МСФО поможет банкам прорекламировать свой бизнес как более привлекательный по отрасли на международном рынке.

Для более легкого и безболезненного перехода банков на МСФО, специалисты кредитных организаций используют метод трансформации³¹⁵: делают перегруппировку статей форм отчетности, вносят правки и корректировки.

Основные этапы трансформации:

- группировка статей баланса, отчета о прибылях и убытках, а также других форм финансовой отчетности, которые составлены по национальным стандартам;
- установление содержания правок, которые планируют внести в финансовую отчетность;

³¹⁵Основные этапы трансформации финансовой отчетности: Карана и Агентство США по Международному развитию (АМР США) Опубликовано: 20 сентября 2010 в электронном журнале https://gaap.ru/articles/osnovnye_etapy_transformatsii_finansovoy_otchetnosti

- расчет размера корректировки.

Существуют проблемы, с которыми сталкиваются кредитные организации при переходе к МСФО:

1. изменения в методологии учета и отчетности;
2. трансформация бизнес-процессов и учетных систем;
3. изменения в классификации и оценке финансовых активов;
4. высокие затраты на подготовку финансовой отчетности по МСФО;
5. низкий уровень подготовки специалистов;
6. уровень резервов будет сильно зависеть от состояния экономики;
7. усложнение системы оценки убытков, которая будет оперировать большими объемами данных для составления прогнозов;
8. реализация агрегированного расчета на основе большого объема данных, особенно для розничного портфеля.

Ведущую роль в внедрении МСФО занимают Республиканские профессиональные общественные объединения аудиторов и бухгалтеров. Для успешной реализации мероприятий по переводу текста МСФО с английского языка на государственный язык ответственность за выполнение перевода возложена на Национальную ассоциацию бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан.

Преимущества и необходимость перехода на МСФО коммерческих банков можно рассмотреть в таблице.

Преимущества и необходимость перехода на МСФО коммерческих банков³¹⁶

Необходимость перехода на МСФО	Преимущества перехода на МСФО
банк работает с иностранными банками	снижение процентной ставки, так как инвесторы могут объективно оценить риски
требование учредителей банка	МСФО обеспечивает объективность и прозрачность отчетов;
желание руководства банка повысить эффективность бизнеса	возможность использовать отчет в управленческих целях;
требование правительства о реформировании форм отчетности	МСФО значительно упрощает проблему ведения учета и его регламентации.
создание условий успешного выполнения системой бухгалтерского учета присущей ей функций в конкретной экономической среде	упрощается доступ к международному рынку капитала
переход многих отечественных предприятий на МСФО	приоритет сущности отчетности над формой

Необходимо отметить, что Указом Президента Республики Узбекистан от 24 апреля 2015 года № УП-4720 «О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах» отмечено, что в течение 2015-2018 годов все акционерные общества перейдут к публикации ежегодной финансовой отчетности и проведению ее внешнего аудита в соответствии с Международными

³¹⁶Составлено автором

стандартами аудита и Международными стандартами финансовой отчетности. Основная цель принятия данного закона — это создание благоприятных условий для привлечения в акционерные общества иностранных инвестиций, повышение открытости и прозрачности деятельности акционерных обществ. Ответственность за исполнение закона была возложена на Комиссию по повышению эффективности деятельности акционерных обществ и совершенствованию системы корпоративного управления, акционерные общества³¹⁷.

С учетом вышесказанного, решением существующих проблем по внедрению МСФО в коммерческих банках Узбекистана, можно выделить следующие направления деятельности:

1. Совершенствование нормативно-правовой основы бухгалтерского учета и финансовой отчетности в банках;
2. Совершенствование системы контроля и регулирования бухгалтерского учета и финансовой отчетности в банках;
3. Повышение квалификации банковских работников: командировки в зарубежные страны для участия в тренингах;
4. Совершенствование менеджмента в банках, для оценки эффективности принятия управленческих решений;
5. Обеспечение большей прозрачности финансовой отчетности кредитных организаций, которое достигается путем включения в перечень обязательных разделов отчетности так называемых «примечаний» к финансовой отчетности, которые содержат краткое описание существенных статей баланса и даже отдельных крупных сделок;
6. Определение стратегии коммерческих банков страны на ближайшую перспективу, разработанной Центральным банком. Стратегия определяет переход на МСФО с созданием системы гарантирования вкладов.

Внедрение МСФО в банковскую деятельность – это работа, которая будет связана с внешнеэкономической деятельностью, привлечением иностранных инвестиций и связанных с ними технологий.

Дальнейшее развитие и совершенствование организации бухгалтерского учета в банках должно идти в направлении усиления контрольных функций учета, расширения анализа данных учета и повышения оперативности в использовании этих данных для управления и принятия экономически обоснованных решений, более активного участия работников отдела бухгалтерии, риск менеджмента, а также казначейства в автоматизации и внедрения МСФО в деятельность банка.

Список использованной литературы:

1. Закон Республики Узбекистан “О бухгалтерском учете” 2016 году 13 апреля (в новой редакции);
2. Указ президента республики Узбекистан “О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах” (г. Ташкент, 24 апреля 2015 г., № УП-4720);
3. <http://www.gaap.ru> – информационный сервер по теории и практике финансового учета.

³¹⁷Указ президента республики Узбекистан “О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах” (г. Ташкент, 24 апреля 2015 г., № УП-4720)

РАЗВИТИЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ.

Мусабеков Д.Х. к.т.н. доц. БФА

Цифровая экономика основана на широком использовании передовых информационно-коммуникационных технологий. Банковская сфера, как и многие другие составляющие финансового рынка, преобразуется с учетом новых требований. На сегодняшний день цифровые технологии стали незаменимым инструментом в банковском секторе и стремительно развиваются. Процесс цифровизации является объективным и неизбежным. Основной тенденцией развития банковского сектора является система блокчейна [1, с. 10].

В соответствии с государственной программой «Цифровой Узбекистан 2030» среди цифровых технологий выделены:

- большие данные;
- новые производственные технологии;
- промышленный Интернет;
- технологии беспроводной связи;

Все обозначенные элементы цифровой экономики будут внедряться на финансовых рынках Республики. Внедряя эти технологии коммерческие банки могут принимать решения о выдаче кредита физическому лицу не на основе справки о доходах, но с учетом иных параметров. Например, образование, возраст, место проживания или иные характеристики влияют на способность погашения кредита. На основе массива данных о возврате кредита клиентами с разными характеристиками можно составить типы людей с высоким и низким уровнем возврата заемных средств. Это упростит процедуру выдачи кредита и снизит издержки по анализу платежеспособности клиентов. Источниками информации для анализа платежеспособности определенных групп населения могут быть данные не только самого банка, но и платежных систем [2, с.5].

Метод больших данных может быть использован при анализе кредитоспособности юридических лиц. В качестве критериев могут использоваться не только общепринятые показатели платежеспособности организаций.

Следующая технология, перспективная на финансовых рынках, это искусственный интеллект. Пока сам искусственный интеллект не создан, однако его прототипы, например экспертные системы, широко используются.

Экспертные системы представляют собой компьютерные программы, использующие формальную логику для доступа к большим данным специализированной информации. Экспертные системы основаны на поиске ответов по специализированным тематикам. Точность результатов во многом зависит от правильности ввода первоначального задания [3, с. 82]. Подобные системы незаменимы в планировании и прогнозировании, что позволяет их использовать в финансовой сфере. Выстраивание моделей прогноза может осуществляться как на основе имеющихся экстраполяционных методах, так и на основе обработки массивов больших данных. Также на основе экспертных систем можно прогнозировать курсы акций, облигаций и прочих финансовых инструментов.

В финансовой сфере активно внедряются технологии распределенного реестра - блокчейн. Технология блокчейн представляет собой выстроенную по определенным правилам непрерывную последовательную цепочку блоков, содержащих информацию. В данной технологии существуют свои преимущества. К ним относятся: безопасность, децентрализация и прозрачность транзакций. На технологии блокчейн построены разные типы сервисов и приложений. Сфера применения данной технологии очень обширна. Таким образом,

технология блокчейн может использоваться в сфере финансовых операций, логистики, нарушений прав ПДД, сделок с недвижимостью, страховании [4, с. 122].

У биткойна появилось много конкурентов, других криптовалют, которые более функциональны. Например, эфириум используется в смарт-контрактах, рипл - в платежных средствах. В долгосрочном периоде данные валюты представляются более перспективными, чем биткойн.

С помощью эфириума становятся доступными интеллектуальные контракты, контроль за исполнением которых осуществляет специальная программа. Суть контракта состоит в последовательном выполнении условий со стороны подписавших. Если покупатель не платит, цифровое право собственности автоматически возвращается в электронный кошелек финансовой компании.

На сегодняшний день криптовалюты стали объектом инвестиционных вложений. Существуют большое количество организаций, которые с помощью статистического анализа отслеживают динамику криптовалют для вложения инвестиций. Уже сегодня немалое количество людей умножили в несколько раз свой капитал за счет выгодных вложений. Однако гарантий о дальнейшем обороте криптовалют и его функциональности еще нет. Большинство критиков сравнивают криптовалюты с пирамидными схемами и экономическими пузырями, а также средством отмывания денег. Однако криптовалюты все еще функционируют в современном обществе и имеют большую популярность.

Евросоюз в декабре 2017 г. ввел новые правила, касающиеся анонимности биткойн-платформы. Из-за риска отмывания денег и финансирования терроризма будут предприняты новые меры, которые позволят узнать источник электронных денег, а также более жестко регулировать обменные онлайн-платформы.

В Республике Узбекистан вопрос использования криптовалют пока никак не отрегулирован.

Исследования показывают, что криптовалюты имеют ряд недостатков. Волатильность и нестабильный правовой статус не дают гарантий дальнейшего их введения. Особая опасность криптовалют заключается в возможности нелегального оборота денежных средств. Таким образом, с помощью криптовалют возможно производить транзакции в финансировании терроризма и отмывании денег. Данная технология требует дальнейших корректировок и изменений, а также введения официального правового статуса.

На основе блокчейна активно развиваются системы Peer-to-Peer кредитования. Суть этой системы состоит в том, что в системе кредитования нет финансовых посредников. Деньги напрямую предоставляются заемщику владельцем капитала. Это позволяет для заемщика сокращать уровень процентов по кредиту, для кредиторов - увеличивать проценты на капитал. Система Peer-to-Peer делает ненужными услуги банка, который выполняет функции посредника на рынке кредитования.

Система Peer-to-Peer может использоваться не только при кредитовании физических лиц. При помощи ее можно создать условия для обмена капиталом между предприятиями, минуя банки и фондовые биржи. Например, при выпуске облигаций, как правило, есть финансовый посредник, который за отдельную плату размещает их на финансовом рынке. При использовании системы Peer-to-Peer такой посредник уже не требуется.

Менеджмент банковских структур прекрасно понимает все вызовы и возможности, которые предоставляют им цифровые технологии. Так, повсеместной практикой стало использование онлайн-обслуживания. При помощи интернет-приложений клиенту для совершения банковских операций уже не нужно посещать отделения банков. С помощью технологий онлайн-банкинга производить транзакции намного легче. Также при помощи онлайн-обслуживания клиент может совершать

различные сделки по купле-продаже валюты, золота, ценных бумаг. Все это отражается на работе финансовых рынков. Они становятся доступными для широкого круга граждан. Некоторые финансовые учреждения, в том числе и банки, внедряют автоматизированные Call-центры, когда вместо работника с клиентом разговаривает виртуальный помощник. Это стало возможно на основе технологии распознавания слов и фраз, а также формирования списка стандартных ответов. Данная технология позволяет снизить загруженность операторских линий, а также упрощает обслуживание клиентов. Также одной из технологий, активно используемых в банковском секторе, стал мобильный банкинг. Это уже не новая технология, однако со временем она предоставит еще больше возможностей для пользователей. Также эту систему активно поддерживает компания Apple, предоставляя услуги в сфере пиринговых платежей.

За последние годы многие банки применяющие цифровые технологии постепенно заменяют юристов на электронные программы, что позволяет оптимизировать деятельность, значительным образом снизить потребность в персонале и сократить издержки. Наблюдения показывают, что услугами «Банк Онлайн» пользуются большое количество клиентов т.е. до 80% всех пользователей интернет-банкинга. Специалисты отмечают тенденцию к увеличению пользователей.

Итак, цифровые технологии активным образом внедряются в организациях финансового сектора. Их использование позволяет повысить эффективность взаимодействия широкого круга участников финансового рынка.

Исходя из результатов исследования, можно сделать вывод, что в Республике большое количество граждан активно пользуются цифровыми технологиями, а также заинтересованы в дальнейшем их совершенствовании, поскольку большинство из них требуют доработки и развития. Для активного их внедрения необходимо повысить цифровую грамотность населения, а также обновить программы их функционирования и развития. Нужно вводить новые программы обучения в школах, развивать цифровую грамотность в регионах Республики. Для эффективного внедрения и активного использования цифровых технологий необходимо государственное вмешательство, так как из-за разногласий различных правительственных ведомств их правовой статус остается неурегулированным.

Список использованной литературы

1. Авдеева И.Л. Возможности цифровой экономики для развития банковского бизнеса в России. Среднерусский вестник общественных наук. 2017;12(5):69-81.
2. Майер-Шенбергер В. Большие данные. Революция, которая изменит то, как мы живем, работаем и мыслим. М.: Манн, Иванов и Фербер; 2014. 156 с.
3. Бостром Н. Искусственный интеллект. Этапы. Угрозы. Стратегии. Пер. с англ. Филина С. М.: Манн, Иванов и Фербер; 2019. 496 с.
4. Нильсон Н. Принципы искусственного интеллекта. М.: Радио и связь; 2019. 373 с.

ҲИСОБ СИЁСАТИНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Ризаев Н. БМА доценти, и.ф.н.
Халилова Ш. ТМИ магистранти*

Республикамізда Жаҳон банкининг техник кўмагида амалга ошириладиган улкан ишлардан бири бу- банк тизимидаги мавжуд бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХХС)га тўлиқ мувофиқлаштириб бориш жараёни ҳисобланади. Демак ҳўжалик юритувчи субъектлардаги мавжуд “Ҳисоб сиёсати”ни МХХС асосида тўғри ва ўз вақтида шакллантириш ва унга тўлиқ амал қилиш юқоридаги кўрсаткичларнинг асоси бўлиб хизмат қилиши муқаррар. Натижада, ҳўжалик субъектлари

томонидан йиллик молиявий ҳисоботларнинг МҲХСлари талаблари асосида тайёрлашга эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Шу ўринда бир савол туғилади, ҳўжалик субъектлардаги бугунги ҳисоб сиёсати бугунги кун талабларига жавоб бера оладми?

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, республикада фаолият юритаётган ҳўжалик субъектларнинг деярли ҳаммасида турли даражадаги ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган бўлсада, ушбу ҳисоб сиёсатларини МҲХС талабларига мувофиқлаштирилган дея олмаймиз. Шу ўринда ҳисоб сиёсатининг аҳамияти ва унинг зарурияти ҳақида халқаро меъёрий ҳужжатларга мурожаат қиламиз. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш борасида ягона бўлиб турган ҳужжат бу- “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар” деб номланган стандарт ҳисобланади³¹⁸.

Мазкур МҲХСнинг мақсади сифатида ҳисоб сиёсатини танлаш ва ўзгартириш учун мезонларни ўрнатиш ҳамда ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатоларни тузатишни ҳисобга олиш тартибини ва уларга тегишли очиб бериладиган маълумотларни белгилашдан иборатлиги белгиланган.

Стандартда субъектлар, жумладан ҳўжалик субъектларнинг молиявий ҳисоботларида акс эттирилган ахборотнинг ўринлилиги ва ишончилиги ҳамда бу молиявий ҳисоботларнинг даврлар оралиғида бошқа молиявий ҳисоботлар билан қиёсланувчанлигини оширишга қаратилган. Демак ҳисоб сиёсати ҳўжалик субъектлар томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, қоидалар ва амалиётлар йиғиндисидир.

Халқаро стандарт нафақат ҳисоб сиёсатини шакллантириш, балки ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар ҳақида маълумотларни акс эттириш бўйича ҳам умумий тавсифлар берилади, аммо бу бизнинг амалиётимизда инобатга олинмаган. Ҳўжалик субъектлари фаолиятида ҳисоб сиёсатини тузиш тартиби бухгалтерия ҳисоби тизимида янги йўналишлардан бири эканлигини инобатга олинганда, банклар амалиётида уларни сифат ва мазмуни бўйича қўйилган талаблар етарли даражада эмаслигини ва инновацион иқтисодиётга ўтишда ҳисобдаги ўзгаришларга мос равишда тузилмаётганлиги кузатилмоқда.

Шунингдек, Молия вазирлиги олдида турган муҳим вазифалардан бири сифатида ҳўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини МҲХС ва халқаро меъёр асосида такомиллаштириб боришда “Ҳисоб сиёсати”га алоҳида урғу берилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки хорижий амалиётда ҳам ҳисоб сиёсатининг таркиби қандай бўлиш керак деган саволга аниқ жавоб берилмаган, чунки унинг таркиби соҳа ва тармоқларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши ва ҳажми жиҳатдан муаян чекловлар бўлиши кўзда тутилмаган. Масалан, корпоратив бошқарув тизимидаги бухгалтерия ҳисоби ҳисоб сиёсати асосан қуйидаги тўрт бўлимдан иборат бўлишлиги талаб этилади, жумладан:

- умумий бўлим (ҳисоб сиёсатининг меъёрий-ҳуқуқий асосларига таянилади);
- услубий бўлим (бухгалтерия ҳисоби объектларини баҳолаш тартиби шакллантирилади);
- техникавий бўлим (ҳисоб юритиш шакллари, ҳисобварақлар тартиби кабилар танлаб олинади);
- ташкилий бўлим (бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, унинг таркибий тузилиши белгиланади).

Ҳисоб сиёсатига берилган таърифда МҲХС ва АЖ “UzAutoMotors” ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва фарқли жиҳатлари:

Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, АЖ “UzAutoMotors” да эътибор кўпроқ корхона томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг назоратига қаратилади. Шу боис таркибда “Ички назоратни шакллантириш” бўйича қатор масалаларни қамраб олади.

³¹⁸БҲХС 8 “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”. 2012 йил 1 январь.

8-сон МХХСда	А: “UzAutoMotors”да
Ҳисоб сиёсатига берилган таъриф:	
Ҳисоб сиёсати – бу тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардир.	Ҳисоб сиёсати – бу ҳўжалик субъекти томонидан операцияларни акс эттириш, назоратни таъминлаш ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш учун қабул қилинган аниқ бир тамойиллар, асослар, шартлар, қоидалар ва амалиётлардир.

Ҳисоб сиёсати одатда бир йилга тузилади ва ҳисобот даврида ўзгартирилмайди. Ушбу тартиб МХХСда қуйидагича изоҳланади: “Тадбиркорлик субъекти ҳисоб сиёсатини фақат қўйидаги ҳолларда ўзгартириши керак:

- а) агар ўзгартириш МХХС томонидан талаб этилган бўлса;
- б) агар ўзгартиришнинг натижасида молиявий ҳисоботларда тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолатига, молиявий натижаларига ёки пул оқимларига операцияларнинг, бошқа ҳодисаларнинг ҳамда шароитларнинг таъсири тўғрисида ишончли ва ўринлироқ маълумотлар акс эттирилган бўлса³¹⁹.

АЖ “UzAutoMotors”нинг ҳисоб сиёсатини шакллантирилишида молиявий ҳисоботларнинг асосий тўртта сифат кўрсаткичларига қўшимча равишда МХХСда бошқа сифат кўрсаткичлари ҳам баён қилинади, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- муҳимлик;
- аниқ тақдим этилиши;
- мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- бетарафлик, эҳтиёткорлик ва тўлаллик.

Лекин бизнинг фикримизча, ҳозирда МХХС асосида молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш концепцияси бўйича белгиланган тамойилларда эҳтиёткорлик тамойили бекор қилинган бўлиб, юқоридаги банк ҳисоб сиёсатида акс этган сифат кўрсаткичларида “эҳтиёткорлик” сўзини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ³²⁰. Шунингдек, буни “Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари” (4 параграф)да ҳам инобатга олиниши зарур.

МХХСларида молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва уларнинг номланишини ягоналигини талаб этади: Республикамиздаги ҳўжалик субъектларида йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талабларларда қуйидаги шакллар белгиланган:

МХХСда	АЖ “UzAutoMotors”
Молиявий ҳисобот шакллари:	
Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот	Бухгалтерия баланси.
Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот	Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот
Капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот	Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот

³¹⁹БҲХС 8 “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”. 2005 йил 1 январь. 14-банд.

³²⁰МХХС 1 “Молиявийҳисоботнингҳалқаростандартларинибиринчи мартақўллаш”. 2012 йил май.

Изохлар	Асосий ҳисоб сиёсатлари ва тушунтирувчи изохлар
---------	---

Маълумотлардан кўриниб турибдики, хўжалик субъектлари МХХСлари талаблари бўйича ўз молиявий ҳисобот шакллари сифат жиҳатдан қайта кўриб чиқилиши зарурият қилиб қўймоқда.

Бизнинг фикримизча субъектларнинг “Ҳисоб сиёсати”да қуйидагилар очиб бериши лозим: биринчидан, молиявий ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланилган баҳолаш асосларини; иккинчидан, молиявий ҳисоботларни тушунишда ўринли бўлган қўлланилган бошқа ҳисобсиёсатларини.

Баҳолашасослари сифатида ҳисоб объектларининг бошланғич қиймати, жорий қиймат, соф сотиш қиймати, ҳаққоний қиймат ёкикопланадиган суммалар олинади. Ушбу маълумотлар таҳлил қилиш учун зарурий маълумотлар ҳисоблади. Агар субъект молиявий ҳисоботларда бирдан ортиқбаҳолаш асосини қўлласса, масалан активларнинг муайян турлари қайта баҳоланганда, ҳар бирбаҳолаш асоси қўлланилган активлар ва мажбуриятларнинг таркиби кўрсатилади.

Биз хўжалик субъектларида ҳисоб сиёсатини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан айрим фикрларни билдириб ўтдик. Ўйлаймизки бу мавзу кенг ва ҳамма учун қизиқарли бўлиб, келгусида банк ходимлари (бош бухгалтер ва ички аудиторлар)нинг фикр мулоҳазалари асосида такомиллаштиришга муҳтож деб ҳисоблаймиз ва хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаб ўтамыз:

Биринчидан, ҳисоб сиёсати асосида субъектларда бухгалтерия ҳисобининг методикаси ҳисоб объектларни тан олиш, ўлчаш ва ҳисоб рақамларида акс эттиришнинг танлаб олинган усуллари ифодаловчи ҳолатларни кўрсатишни, методологик жиҳатларни баланс ва ҳисоботнинг бошқа шакллари ҳар бир элементи бўйича ифодалаш лозим.

Иккинчидан, субъектларда ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини юритиш техникаси, бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун зарур бўлган ишчи счётлар режасини, ҳисоб регистрларини счётларга бириктирилишини, ҳужжатлар шакллари алоҳидини, инвентаризацияни ўтказиш муддатлари ва тартибини, замонавий компьютерлар ва бошқа ташкилий техникаси воситаларни, уларни қўллаш учун зарур бўлган классифкатор ва кодификаторларни киритиш мумкин.

Учинчидан, субъектлар ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бухгалтерия ишини танлаб олинган ташкилий шаклини, ҳисоб ходимлари меҳнатини ташкил қилиш усулини, функционал мажбуриятларни бухгалтерлар ўртасида тақсимлашни танланган вариантини, ҳужжатлар айланишининг ташкил қилинишини, бош бухгалтерни тайинланиши, ишдан бўшатилиши, ҳуқуқлари, мажбуриятларини кўрсатиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:


1. Бархатов А.П. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Москва: "Дашков и К". 2012. -484 с.
2. Ибрагимов А.К. ва бошқ. Ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. БМА-2010.272 б.
3. БҲХС 8 “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”. 2005 йил 1 январь. 14-банд.МХХС 1 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”. 2012 йил май.
4. <http://www.norma.uz>.
5. <http://www.mf.uz>.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРНИ БАҲОЛАШДА ХАРАЖАТЛИ ЁНДАШУВ

*Ризаев Н. К. - ЎРБМА, “Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит”
кафедраси доценти, и.ф.н.*

Маълумки республикамизда инновацион иқтисодиётга ўтиш интеллектуал мулк объектларининг ролини тобора ошириб, уларнинг ҳажми янада оширишни талаб этмоқда. Бу қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолаш механизмининг такомиллаштириш энг муҳим, кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган³²¹.

Интеллектуал мулк объектларини баҳолашнинг харажатли ёндашув усулида интеллектуал мулк объектларининг қийматини уларни қайта тиклаш харажатларини ҳисобга олиш йўли билан эскириш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда даромад ҳажмини инobatга олган ҳолда аниқланади. Демак харажатли ёндашув интеллектуал мулк объектларининг эскиришини ҳисобга олиб, уни тиклаш ёки алмаштириш учун зарур бўлган харажатларни аниқлашга асосланган ёндашув бўлиб, яратиш қиймати усули, такрор ишлаб чиқиш харажатлари қиймати усули ва алмаштириш қиймати усуллари бўйича баҳолаш амалга оширилади (расм).



Интеллектуал мулк объектларини харажатли ёндашув усулида баҳолаш.³²²

Интеллектуал мулк объектларини харажатли ёндашувидан фойдаланишда таннархдан ютиш усули ва барпо этиш қиймати усуллари қўлланилади. Таннархдан ютиш усули харажатли ва қиёсий ёндашувлар элементларини ўзида мужассамлантириб, интеллектуал мулк объектлари қиймати ундан фойдаланиш натижасида харажатлардаги тежалишларни аниқлаш орқали ўлчанади. Мазкур усулдан фақат ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичларига кўра, яқин бўлган иккита маҳсулот тури ҳақида ёки бир маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг иккита усули (технологик жараёни) қўлланилаётганда фойдаланилади.

³²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сонли Фармони. ҚҲММБ (www.lex.uz), 2018 йил 22 сентябрь. Ўз.Рес. ҚҲТ, 2018 йил 24 сентябрь, 38-сон, 764-модда.

³²² 13-сон МБМС «Интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолаш» стандартининг 27-бандига асосан муаллиф ишланмаси.

Яратиш ёки барпо этиш қиймати усулида баҳоланаётган интеллектуал мулк объектларининг тўлиқ тиклаш қиймати аниқланади. Бунда интеллектуал мулк объектларинияратиш билан боғлиқ барча амалдаги харажатлар, яъни: қидириш ишлари ва мавзун ишлаб чиқиш, тажриба намуналарни яратиш, ташқи ташкилотлар хизматлари, патент божларини тўлаш; конструкторлик-техник ва технологик лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш; ҳисоботни тузиш ва тасдиқлаш харажатлари кабилар аниқланади.

Тадқиқот объекти бўлган “UzAutoMotors” АЖда ихтиро қийматини баҳолаш тартибини куйида кўриб чиқилади. Ушбу акциядорлик корхонасида лицензия шартномаси асосида ихтиродан фойдаланилади, шунинг учунбу ерда ихтиро қийматини лицензия қиймати бўйича аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Лицензия қийматини аниқлашда харидор (лицензиат) оладиган фойда бўйича аниқланади. Харидор (лицензиат) олиши кўзда тутилган фойда (P) куйидаги формула асосида аниқланади:

$P = M \times T \times (D_a - D_y) \times \Pi$, бу ерда: M- кутилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ҳажми, T- лицензия бўйича тайёрланадиган маҳсулот таннари, D_a - лицензия келишувининг амал қилиш муддати (5-10 йил), D_y – лицензияни ўзлаштириш даври (1-3 йил), Π - фойда меъёри (0,1-0,2). Лицензия қиймати (нархи) X_L - харидор оладиган фойдадан улуши (Y) сифатида аниқланади, яъни: $X = (Y \times P)$.

Ихтиро қийматини баҳолаш учун “UzAutoMotor General Motors” АЖ бўйича маълумотлар: M-двигателларни ишлаб чиқариш ўртача йиллик ҳажми бир йилда 250 минг донага; T- бир донадвигател таннари – 728 минг сўм; D_a -амал қилиш муддати - 6 йил; D_y - лицензияни ўзлаштириш муддати - 2 йил; Π -корхонада фойда меъёри - 0,15; Y - 0,5 (ихтиро патент билан ҳимояланган, лицензия бўйича маҳсулот юқори истеъмол хусусиятларига эга).

Ушбу шартларда: $P = (D_a - D_y) = 6 - 2 = 4$. $P = (M \times T \times \Pi) = (250000 \times 728 \times 0,15) = 273$ млн сўм. У ҳолда, $X = (Y \times P) = 0,5 \times 4 \times 275 = 550$ млн. сўмга тенг. Демак, “UzAutoMotor” АЖда двигателлар бўйича лицензиянинг қиймати 550 млн. сўм миқдорида баҳоланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, хўжалик субъектбдаги мавжуд интеллектуал мулк объектларини даромадли, харажатли ва баҳолаш асосан уларни сотиш, устав капиталига улуш сифатида қўшиш, ҳуқуқларни бошқаларга бериш, корхона тугатилаётганда, лицензия қийматини аниқлаш, инвентаризациядан камомад ҳамда банкдан кредит маблағларини олишда баҳолашни амалга оширишда қўлланилади.

Тадқиқот объекти бўлган “UzAutoMotor” АЖнинг турдош корхонаси “Ўз-ДонгВон Ко.” АЖ ҚҚда патентни даромадли ёндашув асосида унинг бозор қийматини аниқлаш куйида кўриб ўтилади. Қўшма корхона автомобиллар учун эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш технологияси бўйича патентни (“Panel, A1 cowl, LWR”) жорий (бозор) қийматини аниқлаш ва уни сотишни режалаштирган. Интеллектуал мулк объектларини (патент) даромадли ёндашув бўйича ҳорижий тажрибалар қўлланилаётган усулларга мувофиқ куйидагича аниқланади:

1. Маҳсулотни сотишдан соф тушум – 3812092 минг сўм;
2. Ролятли ставкаси – 1,5 (фоиз);
3. Соф фойда (патентдан фойдаланишдан олинган) – 57181 минг сўм;
4. Капитализация коэффициенти – 14;
5. Патентнинг жорий (бозор) қиймати – 408436 минг сўм.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, баҳолашнинг мазкур усулида патентнинг бозор қиймати 408436 минг сўмга тенг бўлди ($57181 / 14 \times 100$). Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, патент бўйича унинг роялти ставкасини аниқлаш тартиби

жаҳон миқёсида ҳам энг мураккаб жараён ҳисобланади. Буни аниқлаш турли даражада бўлганлиги учун жаҳон амалиётида маҳсулотларни сотишдан тушум ҳажмига нисбатан 0,2 фоиздан 10 фоизгача тартиб қўлланилади³²³.

Хулоса қилиш мумкинки, интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолаш бўйича ёндашувлар ва усулларни қўллаш келгусида ушбу объектлар қийматини янада ошириш провардида, хўжалик субъектларда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сонли Фармони. ҚХММБ (www.lex.uz), 2018 йил 22 сентябрь. Ўз.Рес. ҚХТ, 2018 йил 24 сентябрь, 38-сон, 764-модда.

2. 13-сон МБМС «Интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолаш» стандарти.

3. 7-сон БХМС “Номоддий активлар”. 13-банд. <http://lex.uz/acts/627308>

4. <http://www.swissap.ru/appraisal/services/patent.php>

НОМОЛИЯВИЙ ФИРМАЛАР БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ЁРДАМИДА ИФОДАЛАНУВЧИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИНГ БИР-БИРИГА БОҒЛИҚЛИГИНИ МАТЕМАТИК ИФОДАЛАШ

Суннатов Ю. У. ТМИ мустақил тадқиқотчиси

Ханузгача ҳар қандай фирма менежменти ва эгалари бўлмиш инвесторларининг фаолият мақсади узоқ муддатли активлар (УМА), жорий (қиска муддатли) активлар (ЖА) ва қарз (заём капитали) мажбуриятларини (КМ) узвий боғлиқликда бошқариш асосида уларни фирма ўз (хусусий) капиталига (ХК) самарали айлантирилишига қаратилган. Бунда менежментнинг фаолият сифатини фирма бухгалтерия баланси акс этиши мумкинлиги баланс асосида фирманинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинишини тақозо этади. Зеро фирмалар молиявий-хўжалик фаолиятининг, жумладан менежменти ва бухгалтерияси сифатининг таҳлили асосида бухгалтерия баланси тузилмасини оптималлаштириш мумкин. Бу борада молиявий бошқарув ва таҳлилнинг жаҳон амалиётида кўп концепциялари ва кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, уларнинг шаклланишида иқтисодчи-олимларнинг хиссаси аҳамиятлидир. Шундай бўлсада, турли омиллар таъсири шароитида фирма бошқарув ва молиявий ҳисоблари ва ҳисоботлари юритилиши сифатига ҳамда фирма менежменти ва унинг томонидан қабул қилинган қорорлар сифатига аниқ ва ишончли баҳо бериш қийин бўлмоқда. Лекин замонавий фирма молияси, ҳисоби ва таҳлили билан боғлиқ масалалар узлуксиз ўзгариб ривожланишга мойил бўлганлиги учун, уларнинг методологик базиси ҳам маълум давр ўтиши билан такомиллашиб бориши табиий ҳолат бўлиши юқорида кўрсатилган қийинчилик келажакда аста-секин бартараф этилишига ишонч беради.

Юқоридагилар асосида қуйида илгари сурилган услуб молиявий таҳлилнинг мавжуд олти та методидан фарқли бухгалтерия баланси тўртта интеграллашган кўрсаткичи (УМА, ЖА, ХК, ҚМ) комбинациясидан ташкил топувчи ўн иккита коэффицентни
$$\left(\frac{УМА}{ЖА}, \frac{ЖА}{УМА}, \frac{ХК}{ҚМ}, \frac{ҚМ}{ХК}, \frac{УМА}{ХК}, \frac{ХК}{УМА}, \frac{ЖА}{ҚМ}, \frac{ҚМ}{ЖА}, \frac{УМА}{ҚМ}, \frac{ҚМ}{УМА}, \frac{ЖА}{ХК}, \frac{ХК}{ЖА} \right)$$
 математик аппарат қўллашга асосланиб молиявий таҳлилни ривожлантиришга бўлган уринишлардан бири деса бўлади. Бунда 12 та коэффицент ёрдамида фирма

³²³<http://www.swissap.ru/appraisal/services/patent.php>

бухгалтерия баланси таркибий қисмлари бўлмиш активнинг биринчи бўлими (УМА), активнинг иккинчи бўлими (ЖА), пасивнинг биринчи бўлими (ХК) ва пасивнинг иккинчи бўлимини (ҚМ) ўзаро боғлиқликда бир-бирига трансформацияланиши қонуниятларини аниқ математик ифодалаш, баланснинг ушбу қисмлари меъёрларини аниқлаш ва булар асосида УМА, ЖА, ХК, ҚМ сифатига миқдорий баҳо бериш имконини беради. Яъни, 12 та коэффициент ёрдамида УМА, ЖА, ҚМ интеграллашган кўрсаткичларни ХК интеграллашган кўрсаткичга айланиш сифатига баҳо бериш мумкин. Бунинг учун бухгалтерия баланси кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини математик ифодаловчи қуйидаги мувозанат тенгликдан фойдаланиб, унга мос математик ўзгартиришлар киритамиз.

Микроиқтисодий нуқтаи назардан, ҳар қандай номолиявий фирма бухгалтерия балансини унга эквивалент бўлган қуйидаги кўринишдаги мувозанат тенглик (бунда: a – УМА, b – ЖА, c – ХК, d – ҚМ) билан ифодалаш мумкин:

$$a+b=c+d \quad (1)$$

Бухгалтерия ҳисоби назарияси нуқтаи назаридан, ушбу (1) мувозанат тенглиги таркибига кирувчи кўрсаткичларнинг бир-бирига айланиши (трансформацияланиши), яъни бухгалтерия баланси актив ва пасив қисмларига кирувчи бўлимларнинг бир-бирига айланиш жараёнини қуйидаги умумлашган схематик модель шаклида ифодалаш мумкин:

НОМОЛИЯВИЙ ФИРМА БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИНING АКТИВ ВА ПАССИВ ҚИСМЛАРИ			
АКТИВ ҚИСМИГА КИРУВЧИ БЎЛИМЛАР		ПАССИВ ҚИСМИГА КИРУВЧИ БЎЛИМЛАР	
↑ a	↔	c ↑	↔
b ↓	↔	d ↓	↔

**Ноомолиявий фирма бухгалтерия балансининг актив ва пасив қисмларига
кирувчи бўлимларнинг бир-бирига айланиш (трансформацияланиш) ғоясига
асосланган умумлашган схематик модель**

Аввал (1) тенгликнинг икки тарафини a кўрсаткичга бўлиб, қуйидаги тенгликни ҳосил қиламиз:

$$1 + \frac{b}{a} = \frac{c}{a} + \frac{d}{a} \quad (2)$$

Кейинги ўринда (1) тенгликнинг икки тарафини b кўрсаткичга бўлиб, қуйидаги тенгликни оламиз:

$$\frac{a}{b} + 1 = \frac{c}{b} + \frac{d}{b} \quad (3)$$

Агар (1) тенгликнинг икки тарафини c кўрсаткичга бўлсак, қуйидаги тенгликни ҳосил қилишимиз мумкин:

$$\frac{a}{c} + \frac{b}{c} = 1 + \frac{d}{c} \quad (4)$$

Агар (1) тенгликнинг икки тарафини d кўрсаткичга бўлсак, қуйидаги тенгликни олишимиз мумкин:

$$\frac{a}{d} + \frac{b}{d} = \frac{c}{d} + 1 \quad (5)$$

Юқорида олинган тўртта (2)-(5) тенгликларни бир-бирига қўшиш йўли билан қуйидаги тенгликни оламиз:

$$2 + \frac{b}{a} + \frac{a}{b} + \frac{a}{c} + \frac{b}{c} + \frac{a}{d} + \frac{b}{d} = \frac{d}{a} + \frac{c}{a} + \frac{c}{b} + \frac{d}{b} + \frac{d}{c} + \frac{c}{d} + 2$$

Ушбу тенгликнинг икки тарафидан 2 сонини айтириш йўли билан қуйидаги тенгликни оламиз:

$$\frac{b}{a} + \frac{a}{b} + \frac{a}{c} + \frac{b}{c} + \frac{a}{d} + \frac{b}{d} = \frac{d}{a} + \frac{c}{a} + \frac{c}{b} + \frac{d}{b} + \frac{d}{c} + \frac{c}{d}$$

Мазкур тенгликни қуйидаги гуруҳлаштирилган шаклда ёзиб олиш мумкин:

$$\left(\frac{a}{b} + \frac{a}{c} + \frac{a}{d}\right) + \left(\frac{b}{a} + \frac{b}{c} + \frac{b}{d}\right) - \left(\frac{d}{a} + \frac{d}{b} + \frac{d}{c}\right) = \frac{c}{a} + \frac{c}{b} + \frac{c}{d} \quad (6)$$

Шундай қилиб, (6) тенгликдан a, b, d кўрсаткичларни c кўрсаткичга (яъни хусусий капиталга) айланиш (трансформацияланиш) коэффициентлари узок муддатли активга айланиш коэффициенти ва жорий активларга айланиш коэффициентга боғлиқлиги яққол кўринади.

Ушбу тезисни Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида 2019 йил 25 октябрда ўтказиладиган “Ўзбекистоннинг жаҳон молия бозорига интеграциялашуви: асосий тенденциялар, муаммолар ва истикболлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материалларида чоп этилишига розиман деб, муаллифнинг илмий раҳбари: и.ф.д., проф. Шохмансур Шохъазамий.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИШЛАМАЙДИГАН АКТИВЛАР, УЛАРНИНГ БУХГАЛТЕИЯ ҲИСОБИДА ТАН ОЛИНИШИ

Тошпулатов Д. А. - “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бўлим бошлиғи

Тижорат банки ўз ихтиёрида бўлган маблағларни даромад олиш мақсадида активларга жойлаштирганда, активлар маблағларнинг қийматини сақлаш билан бирга даромад ҳам олиб келиши лозим бўлади. Банк активлари даромад олиб келмасдан, зарар келтиришни бошласа ушбу актив муаммоли активга ёки ишламайдиган активга айланиб қолади. Ишламайдиган активлар салмоғи ошиб борган сари банк активлари сифати пасайиб, даромадлилиги тушиб, банкнинг миқдорлари олдидаги мажбуриятлари бажарилмаслигига олиб келиши мумкин.

Банк менежменти соҳасида самарали илмий тадқиқотлар олиб борган америкалик мутахассис Питер Роузнинг фикрича, қарз олувчи бир ёки бир неча тўловларни амалга оширмаганлиги ёки кредит таъминоти қийматининг пасайиши кредитни муаммоли кредитлар туркумига ўтишини англатади³²⁴.

Ҳолбуки, муддати ўтган кредитни асл маъносига кўра муаммоли кредит деб бўлмади, негаки кредит бўйича дастлабки тўловларнинг қисқа муддатга чўзилиши унинг умуман қайтмаслик рискинни англатмайди. Бироқ, кредитни сўндириш бўйича тўловларнинг ўз вақтида бўлиши ҳам уни ишончли эканлигини кафолатламайди, яъни айти пайтда ўз вақтида қайтарилаётган кредит келажакда ишончсиз кредитлар туркумига ўтиб қолиши мумкин.

Шунга қарамайдан, кредитлаш тамойилларининг бузилиши банк учун кредитлаш жараёнини ташкил этиш вақтида ечилиши керак бўлган жиддий муаммодир. Бу тамойилларнинг барчаси кредит шартномаси шартларида тўлиқ акс этганлиги учун муаммоли кредитларга таъриф беришда кредит шартномаси шартларининг бузилиши жумласининг ишлатилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Маълумки, республикаимиз банк амалиётида сифати «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз»³²⁵ деб таснифланган кредитлар сифатида таснифланган кредитлар муаммоли ҳисобланади.

³²⁴Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. с англ. – М.: Дело, 1997, 192-б.

³²⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги 2696-сонли низом. 2015 йил 14 июль

Муаммоли кредитларни бартараф этиш амалиёти самарали бўлиши учун уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш зарур бўлади. Шу билан бир қаторда, мазкур сабабларни аниқлаш ва уларни таснифлаш муаммоли кредитларни бартараф этиш жараёнининг энг асосий ва дастлабки босқичларидан биридир.

Шу ўринда тижорат банклари кредит портфели таркибидаги муаммоли кредитларнинг динамикасини охириги йиллардаги ўзгаришларни ўрганиб чиқсак.



Тижорат банклари кредит портфелида ишламайдиган кредитларнинг улуши, %³²⁶

Расмдан кўриниб турибдики тижорат банклари кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар 2013 йилдан 2016 йил 0,74 фоизгача камайиб, 2019 йил иккинчи чорагига келиб 1,47 фоизга еганини кўрсак бўлади. Банк тизимидаги муаммоли кредитлар жаҳон амалиётида қабул қилинган критик 3 фоизли кўрсаткичдан кам бўлсада, муаммоли кредитларни камайтириш лозим бўлади.

Муаммоли кредитларни бухгалтерия ҳисобида тан олиниши учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2015 йил 14 июлдаги “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни коплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги 2696-сонли низом талабларига мувофиқ кредит кўмитаси томонидан кредит сифати таснифланиши ҳамда у бўйича захира яратилиши лозим.

Ушбу низомга мувофиқ кредитлар шартлари қайта кўриб чиқилишидан олдинги таснифланган тоифадан юқори ёки яхшироқ тоифада таснифланиши мумкин эмас. Ҳеч қандай ҳолатда активга унинг шартлари қайта кўриб чиқилгандан сўнг дарҳол «стандарт» тоифани бериш мумкин эмас. Ушбу талаб тижорат банки томонидан берилган кредит стандарт сифатида таснифланган, лекин мижоз ундан тўлиқ фойдаланилмаганда ҳам уни шартлари қайта кўриб чиқилган кредит сифатида тавсифлашга олиб келади. Бу кредитни субстандарт сифатида таснифлайди, ўз навбатида кредит бўйича тижорат банки 10 фоиз миқдорида захира яратишини талаб қилади. Банк қўшимча равишда харажат қилиши зарур бўлади.

Шунинг учун “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни коплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги 2696-сонли низомнинг 33-бандини ўзгартириб, кредит суммаси тўлиқ берилмаган ҳолатини стандарт сифатда қолдириш масаласини киритиш лозим.

Хулоса ўрнида кредитнинг сифати тўғри таснифланиши молиявий ҳисоботнинг шаффовлиги таъминлашга хизмат қилади.

³²⁶ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ОВЕРДРАФТ КРЕДИТИ ВА УНИНГ ҲИСОБГА ОЛИНИШИ

*Умаров З. А. – Тошкент молия институтининг
“Банк ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири*

Тижорат банклари кўрсатаётган банк хизматларини мижозлар учун қулай шартлар асосида кўрсатиши билан бирга банкнинг даромадлиги, рисклилиги ва ликвидлилигига алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Мана шу хизматлардан бири овердрафт кредитидир.

Ушбу кредит тури даромадлилик нуқтайи назаридан даромадли, риск даражаси юқори ва банк ликвидлилигига боғлиқ ҳисобланади.

Овердрафт (инглизча овердрафт – режалаштирилгандан ортиқ, ортиқча харажат) – банк - мижознинг ҳисобварағида пул етарли ёки мавжуд бўлмаганда, ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш учун мижознинг банк ҳисобварағини кредитлаш. Бундай ҳолда, банк мижознинг ҳисобварағидан маблағларни тўлиқ ҳажмда ҳисобдан чиқаради, яъни у автоматик равишда мижозга маблағлар қолдиғидан ортиқ миқдорда кредит беради³²⁷.

Овердрафт одатдаги кредитдан шу билан фарқ қиладики, унда мижознинг ҳисобварағига тушган барча маблағлар қарзни тўлаш учун юборилади. Шунинг учун ҳам, овердрафт ҳисобрақамига маблағларнинг тушишига қараб, берилган кредитни ҳажми ҳам ўзгариши мумкин. Баъзида овердрафтдан фойдаланиш учун имтиёзли муддат тақдим этилади, бунда кредитдан фойдаланиш учун фоизлар ҳисобланмайди. Бу банкнинг кредит сиёсатига боғлиқ бўлади.

Овердрафт ҳисоб рақамидан кредит берилганида, кредит олувчи ҳар ойнинг охирида бу ҳисобрақам бўйича кредитли қолдиқни таъминлаши керак. Агарда, мижоз банкда муддатли депозит ҳисобрақамига эга бўлса, у ҳолда унга кредит сиёсатида назарда ўз депозит маблағлари доирасида доимий дебетли қолдиққа эга бўлиш ҳуқуқи берилади. Кредит олувчининг мазкур банкда муддатли депозит ҳисобрақами бўлмаган ва ой охирида ҳам овердрафт ҳисоб рақамида дебетли қолдиқ сақланиб қолган тақдирда, шу мижозга кредит бериш, берилган кредит тўлиқ қайтарилгунга қадар тўхтатилади. Кредит олувчи овердрафт ҳисобрақамидан фойдаланганда, у кредитни қайтариш таъминоти мавжудлиги ва қисқа муддатли кредитнинг белгиланган муддатига риоя этиш шартларига амал қилган ҳолда, кредитнинг бу турини бошқа турига қайтадан расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

Ушбу кўриб чиққан ҳолатлар юридик шахсларга берилган овердрафт кредитни тавсифлайди, овердрафт кредитнинг турли хил турлари бўйича шартлар фарқ қилиши мумкин.

Жисмоний шахслар учун берилган овердрафт кредитини ҳисобварақда маблағи мавжуд бўлмаганда банк кредитидан фойдаланиш имконини беради.

Овердрафт кредити (овердрафт) — банк пластик карточкаси сақловчисига товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловларни амалга оширишда банк пластик карточкаси ҳисобварағидаги қолдиқ маблағидан ортиқ миқдордаги маблағни ишлатиш ҳуқуқини берувчи кредитлашнинг қисқа муддатли шакли³²⁸.

Бундан кўриниб турибдики ҳозирги кунда мамлакатимиз тижорат банклари томонидан берилаётган овердрафт кредитлари банк пластик карталари орқали бериляпти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йил 21 июлдаги “Жисмоний шахсларга банк пластик карточкаси орқали овердрафт кредити бериш тартиби тўғрисида”ги 2900-низомига асосан овердрафт тижорат банки томонидан иш ҳақи, шунингдек пенсия тўловлари ҳисоб-китоби учун эмиссия қилинган банк пластик карточкаси орқали берилиши қайд қилиб ўтилган. Бу тижорат банкларининг корпоратив мижозлари ходими бўлмаган ҳамда

³²⁷ <https://ru.wikipedia.org>

³²⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йил 21 июлдаги “Жисмоний шахсларга банк пластик карточкаси орқали овердрафт кредити бериш тартиби тўғрисида”ги 2900-низоми

пенсионер бўлмаган жисмоний шахсларга овердрафт кредит беришни чеклайди. Шунинг учун мазкур низомнинг 2-бандини жисмоний шахсларга берилган сўмдаги пластик карточкаларига ўзгартириш керак.

Жисмоний шахсларга берилган овердрафт кредитларини ҳисобга олиш учун пенсионерлар учун «22617 — Пенсионерларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар» ва бошқа жисмоний шахслар учун «22618 — Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари» ҳисобварақларда овердрафт шартномасига асосан дебет қолдиққа эга бўлишга рухсат берилади.

Мазкур дебет қолдиқ амалиёт куни якунига қадар тижорат банки балансининг «12503 — Жисмоний шахсларга пластик карточкалар орқали берилган қисқа муддатли кредитлар» ҳисобварағига ўтказилади.

Юридик шахсларга берилган овердрафт кредитлар бошқа кредитлар сингари ҳисобга олиниши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда № 1435-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасида белгиланган бўлсада ҳозирги кунда ушбу кредит тури амалиётда қўлланилмайди.

Шунинг учун овердрафт кредитининг ҳеч бўлмаганда кунлик савдо тушумига эга бўлган мижозлари учун савдо тушумини гарови ҳисобига овердрафт кредитини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу кредит тури кўпчилик хорижий тижорат банклари томонидан таклиф қилиниб келинмоқда.

Қоидага кўра, ушбу кредитда қўшимча гаров талаб қилинмайди. Аммо банклар аксарият ҳолларда кредитларни тўлашнинг қўшимча кафолати сифатида бизнес эгаларининг шахсий кафолатларини талаб қиладилар. Бундан ташқари, айрим банклар (масалан Сбербанк) омбордаги товарларнинг минимал миқдордаги балансини суғурталашни талаб қиладилар.

Кўпинча кредитнинг ҳажми ўртача ойлик тушум миқдорининг 75 фоизигача бўлиши талаб қилинади, максимал миқдори тижорат банки томонидан мустақил белгиланади.

Ушбу кредитнинг асосий мақсади мижознинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда овердрафт кредитини беришни ва уни ҳисобга олишни такомиллаштириш ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СЕКТОРИДА АУДИТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.

Джумаев Ф. - БМА магистранти- 2курс

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Республикамизда аудитни ташкил қилишга алоҳида эътибор берилди. Бу борада 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган бўлса, 2000 йил 26 майда эса «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ушбу Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди ва кучга киритилди. Кейинчалик аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча фармон ва қарорлари билан мустаҳкамланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4-апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги ПҚ-615-сонли Қарори, 2008 йил 2-июлдаги “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-907-сонли Қарори³²⁹ ва Ўзбекистон Республикаси

³²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4-апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳукуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 274-сонли³³⁰ қарорида белгилаб қўйилган. Республикада аудиторлик фаолиятни ривожлантиришда муҳим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3946-сонли қарори қабул қилинди. Унда аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан халқаро стандартлар асосида ташкил этиш вазифаси қўйилди. Қарорда мамлакатимизда мавжуд “аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти” мазмундаги камчилик борлиги кўрсатиб ўтилган.

Аудитнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан, халқаро стандартлар асосида, аудиторлик хизматлари сифатини оширишга ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини қўллаб-қувватлашга қаратилган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш;

аудиторлик ташкилотларининг халқаро аудиторлик тармоқларига жалб этилганлик даражасини ошириш, шу жумладан, аудиторлик ташкилотларини, аудиторларни аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш масалаларида фаол услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ташкил этиш;

аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг халқаро аудит стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ушбу стандартларни қўллаш соҳасида жаҳоннинг илғор тажрибасини оммалаштириш бўйича фаолиятини фаоллаштириш каби устувор йўналишлар белгилаб берилди.³³¹

Қарорда давлат секторида эса Халқаро аудит ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти тамонидан ўтказиладиган ташқи аудитдан ташқари ички аудитни ташкил этиш ва уни ўтказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрель 4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида³³² «... 2015 – 2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши» кераклиги қатъий белгиланган.

Аудитнинг халқаро стандартларига ўтиш зарурияти нимадан келиб чиқди?

Мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувига кириб бориши, хориж инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб қилиниши, махсус иқтисодий зоналарни ташкил этилиши молиявий ҳисоботлар ва аудитнинг халқаро стандартларига ўтиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

ошириш тўғрисида”ги ПҚ-615-сонли Қарори, 2008 йил 2-июлдаги “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-907-сонли Қарори.

³³⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳукуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 274-сонли қарори.

³³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3946-сонли қарори.

³³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4720-сонли Фармони.

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) (International Standards on Auditing (ISA)) бу-аудиторлик фаолиятни амалга оширишда қўлланадиган халқаро профессионал стандартлардир. Аудитнинг халқаро стандартлари (ISA)нинг асосий мақсади профессионалик даражаси жаҳон даражасидан паст бўлган мамалакатларда аудиторлик хизматини ривожлантиришга ҳисса қўшиш ва ягона ёндашувларни шакллантиришдан иборатдир.

Давлат секторида аудит моҳияти ва вазифаси нимадан иборат?

Т. М. Рогуленко, С. В. Пономаревой, А. В. Бодяколарнинг фикрича: Давлат секторида аудит - бу барча манфаатдор томонларга иқтисодий ҳодисалар тўғрисида мустақил ва объектив маълумотларни тақдим этишдан иборат бўлган фаолиятдир. Бу иқтисодий ривожланиш жараёнларига самарали таъсир кўрсатишга қодир бўлган иқтисодиётни ривожлантиришнинг универсал воситасидир.³³³

Давлат секторида аудитни ташкил қилиш ва ўтказишда қандай вазифалар туради? Асосий вазифа бу бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишдир. Н. А. Казакованинг эътирофи таъкидлашича, давлат секторида аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: бюджет маблағларини тақсимланишининг объективлигини ўрганиш; бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижавийлигини текшириш; бюджет маблағларидан мақсадли ва тўғри фойдаланишни аудиторлик текширувидан ўтказиш; маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш; тегишли органларга текшириш натижаси бўйича ахборот ва ҳисоботлар тайёрлаб бериш.³³⁴ Бизнинг фикримизча ушбу вазифалар амалга оширилса ўтказилган аудитнинг сифатлилиги таъминланади.

ПРИМЕНЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ АУДИТА В УЗБЕКИСТАНЕ

*Файзиева У.Т. доцент ТГЭУ,
Ташипулатова Г.Б. магистрант ТГЭУ,*

За недолгую историю развития аудита в Узбекистане была проделана огромная работа в направлении совершенствования аудита. Это принятие Закона об аудиторской деятельности и его дальнейшее совершенствование, формирование системы лицензирования аудиторской деятельности и сертификации аудиторов, организация профессиональных общественных организаций, а также системы рейтинга аудиторских организаций.

Большим достижением в сфере развития аудита является непрерывное совершенствование законодательно-нормативной базы по аудиту, как со стороны государства, так и со стороны профессиональных общественных организаций.

Однако для повышения конкурентоспособности отечественного аудита предстоит решить еще немало задач. Одной из них является стандартизация аудиторской деятельности и применение мирового опыта в данной области. Основополагающее место при решении этой проблемы принадлежит международным стандартам аудита (МСА).

Особая актуальность внедрения международных стандартов в практику аудиторских организаций получила в свете принятия Указа Президента Республики Узбекистан УП-4720 от 24.04.2015г. «О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах», согласно которому: «в течение 2015-2018 годов все акционерные общества перейдут к публикации ежегодной финансовой отчетности и проведению ее

³³³ Аудит внешнеэкономической деятельности : учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / Т. М. Рогуленко [и др.] ; под общ. ред. Т. М. Рогуленко, С. В. Пономаревой, А. В. Бодяко. — М. : Издательство Юрайт, 2019. — 117 с

³³⁴ Аудит : учебник для СПО / Н. А. Казакова [и др.]; под общ. ред. Н. А. Казаковой. — М. : Издательство Юрайт, 2019. — 409 с.

внешнего аудита в соответствии с Международными стандартами аудита и Международными стандартами финансовой отчетности».

Важным в данном направлении является принятие Постановления Президента Республики Узбекистан ПП-3946 от 19.08.2018г. «О мерах по дальнейшему развитию аудиторской деятельности в Республике Узбекистан». Согласно п.5 данного постановления с 1 января 2019года: «аудиторские организации осуществляют деятельность исключительно на основе международных стандартов аудита, издаваемых Международной федерацией бухгалтеров».

Разработкой профессиональных требований на международном уровне занимается несколько организаций, в том числе Международная федерация бухгалтеров - МФБ (International Federation of Accountants – IFAC), созданная в 1977 г. Международная федерация бухгалтеров стремится к развитию профессии и улучшению своих стандартов в целях оказания бухгалтерам профессиональных услуг на высоком уровне в интересах общества.

Непосредственно аудиторскими стандартами занимается Комитет по международной аудиторской практике (International Auditing Practices Committee, IAPC), который является постоянным комитетом Совета МФБ.

Международные стандарты проведения аудита, издаваемые Комитетом, должны: способствовать развитию профессии в тех странах, где уровень профессионализма ниже общемирового;

унифицировать по мере возможности подход к аудиту в международном масштабе.

Международные стандарты проведения аудита, издаваемые Комитетом, должны: способствовать развитию профессии в тех странах, где уровень профессионализма ниже общемирового;

унифицировать по мере возможности подход к аудиту в международном масштабе.

Всего комитетом определено 11 объектов стандартизации, каждому из которых выделено 100 номеров для возможных стандартов:

№ 100-199 — Вводные замечания;

№ 200-299 — Ответственность;

№ 300-399 — Планирование;

№ 400-499 — Внутренний контроль;

№ 500-599 — Аудиторские доказательства;

№ 600-699 — Использование работы других;

№ 700-799 — Выводы и отчеты в аудите;

№ 800-899 — Специализированные области;

№ 900-999 — Сопутствующие услуги;

№ 1000-1099 — Положения по международной практике аудита.

С развитием рынка и интеграционных процессов в экономике разных стран, а также по мере превращения аудиторских фирм в крупные международные группы появилась необходимость унификации аудита в международном масштабе. Стала очевидной потребность в выработке единых профессиональных требований, целесообразность которых подтверждена опытом работы аудиторов в разных странах.

Применение международных стандартов аудиторской деятельности, которые уже давно и успешно используются во множестве развитых стран, является важным и необходимым условием для Узбекистана. Это связано в первую очередь с необходимостью интеграции Республики Узбекистан в мировое экономическое сообщество, развития внешнеэкономических отношений, привлечение иностранного капитала в экономику. В свою очередь, это определяет основы развития аудита в роли

полноценного элемента инфраструктуры рынка, порождает необходимость повышения качества аудиторских услуг и профессионализма аудиторов.

МСА имеют немаловажное значение для аудиторов, так как в настоящее время многие отечественные предприятия, ориентированные на зарубежных инвесторов, нуждаются в проведении аудиторских проверок финансовой отчетности на основе МСА. Потенциальные инвесторы заинтересованы в достоверности бухгалтерской отчетности. Следовательно, необходимо составлять бухгалтерскую отчетность, используя правила, которые известны и понятны как иностранным инвесторам, так и отечественным. Ведь в последнее время не редки случаи составления компаниями финансовой отчетности как на основе национальных, так и на базе международных стандартов финансовой отчетности для предоставления иностранным инвесторам, что в свою очередь требует проведения аудиторской проверки с привлечением отечественных аудиторских организаций и международных аудиторских компаний.

В разных странах применяют различные подходы к применению МСА. Так, страны с развитой экономикой как Канада, США, Великобритания лишь принимают к сведению положения МСА, в то же время как Индия, Австралия, Бразилия, Голландия разрабатывают на их основе свои национальные стандарты. Некоторые страны, такие как Нигерия, Фиджи, Малайзия утвердили МСА в качестве национальных.

Как известно, в Узбекистане действуют национальные стандарты аудиторской деятельности (НСАД), подготовленных на базе международных стандартов аудита.

Национальные стандарты аудиторской деятельности разрабатываются Министерством финансов Республики Узбекистан, утверждаются Министерством юстиции.

На сегодняшний день в Узбекистане действуют 21 НСАД, являющиеся обязательными для всех аудиторских организаций при осуществлении аудита, предусматривающего подготовку официального аудиторского заключения.

Следует отметить, что национальные стандарты аудиторской деятельности разработаны на базе МСА и представляют собой адаптированные для отечественных специалистов вариант международных стандартов аудита. Таким образом, положительным фактором является то, что выполняя требования НСАД, аудиторы одновременно выполняют и основные требования международных стандартов аудита. Но в то же время, как было отмечено выше, на сегодняшний день разработано 21 НСАД, в то время как фактически существуют и применяются на международном уровне 41 МСА. Следовательно, в системе национальных стандартов аудиторской деятельности не существуют большинства аналогов международных стандартов.

Основным назначением международных стандартов аудита является повышение качества исполнения аудиторских услуг. Соответственно, на сегодняшний день национальными аудиторскими организациями не может быть обеспечено соответствующее качество услуг.

Основными проблемами адаптации МСА в Узбекистане являются:

- трудность перевода разработанных стандартов на другие языки;
- частое несоответствие терминов и их определений;
- сложность содержания стандартов и их структура;
- частота, объем и сложность изменений, вносимых в стандарты;
- нехватка знаний у специалистов, которые должны применять международные стандарты;
- повышение стоимости предоставления услуг аудитора, при внедрении международных стандартов аудита.

Одним из основных проблем внедрения МСА в практику национальных аудиторских организаций является то, что на сегодняшний день не существует

методологии проведения аудиторской проверки на основе МСА. Очень важным является разработка техники расчета существенности и аудиторского риска, выборки, методики планирования и документирования процесса аудита, контроль качества аудиторской работы и др.

Для того чтобы пользователи финансовой отчетности могли полагаться на предоставленную информацию различными компаниями на рынке Узбекистана, необходимо во-первых внедрять в практику аудиторских компаний международные стандарты аудита, во-вторых, совершенствовать методику проведения аудиторских проверок финансовой отчетности. Немаловажным фактором развития аудита также является четкое распределение полномочий между государственными органами, регулирующими аудиторскую деятельность, и общественными организациями, обеспечение надлежащего контроля качества аудиторской работы, как внутреннего, так и внешнего.

В заключении, хотелось бы отметить, что для осуществления поставленных задач в области развития аудиторской деятельности важным является всестороннее изучение и внедрение международного опыта.

Список использованных источников:

1. Закон Республики Узбекистан от 09.12.1992 г. N 734-XII "Об аудиторской деятельности" (Новая редакция. Утверждена Законом РУз от 26.05.2000 г. N 78-II);
2. Указ Президента Республики Узбекистан УП-4720 от 24.04.2015г. «О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах»;
3. Постановления Президента Республики Узбекистан ПП-3946 от 19.08.2018г. «О мерах по дальнейшему развитию аудиторской деятельности в Республике Узбекистан».

ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИ ГУРУҲЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Ҳотамов К.Р и.ф.д., доцент,БМА,
Калонов М.Б. и.ф.д., доцент,—
АТКМО ва ҚТ институти*

Илмий манбаларда ҳамда ўқув адабиётларида харажатлар ҳисоби дейилганда асосий эътибор, маҳсулот(иш, хизматлар) таннархини ташкил этувчи харажатларга қаратилади. Бунда асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳамда умумишлаб чиқариш харажатлари, уларнинг таркиби ҳамда таннархга таъсирини ҳисоблашга урғу берилади. Мазкур мақолада биз томонимиздан давр харажатлари ҳамда унинг таркиби, корхона фойдаси ва бошқа кўрсаткичларини ҳисоблашдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Яъни, давр харажатлари ва унинг таркибий тузилиши ҳамда бугунги кунда корхоналарда давр харажатлари ҳисобини юритиш услубиёти бўйича ўрганишларимизни келтирамиз.

Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар тушунилиб, бундай харажатларга бошқарув, маҳсулотни сотиш ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар киритилади.

Низомга кўра³³⁵ давр харажатларига қуйидаги моддалар кирази:

Сотиш харажатлари;

Маъмурий харажатлар;

Бошқа операцион харажатлар.

Сотиш харажатларига товарларни темир йўл, ҳаво, автомобиль, денгиз, дарё транспортида ва от-уловда ташиш харажатлари (ташиш харажатлари ҳамда транспорт

³³⁵ Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. 05.02.1999. Рўйхат рақами 54.

воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар ҳам киритилади), сотиш бозорларини ўрганиш бўйича харажатлар (маркетингга, рекламага сарфланган харажатлар), сотиш бўйича бошқа харажатлар киритилади.

Маъмурий харажатларга бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғуртага ажратмалар, хизмат енгил автотранспортига ва хизмат микроавтобусини сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари, хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари, техник воситаларни сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун ҳақ тўлаш, маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тўлаш, маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни сақлаш ва уларни тузатиш, шунингдек эскириш (амортизация) харажатлари, юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар, ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари, бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш бўйича харажатлар, вакиллик харажатлари, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқаларга биноларни текин бериш ва коммунал хизматлар қийматига ҳақ тўлаш харажатлари, маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган инвентарлар ва хўжалик анжомлари қийматини ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлар киради.

Бошқа операция харажатларига кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чала ишларни бартараф этиш харажатларини қоплаш, маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш, аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш, ўтказиладиган аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш, ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларни сақлашдан кўрилган зарарлар, саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)ни (шаҳар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш ва бошқа хил ишларни) бажариш харажатлари, компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, зарарлар, жарималар, пенялар, янгидан ишга туширилган корхонада ишлаш учун ишчи кучларини жалб қилиш ва кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар, фойдаланишдаги тўлиқ эскирган ускуна учун тўлов, ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатиб туриш даврида ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни сақлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш харажатлари ва бошқа харажатлар киради.

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, давр харажатлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмасдан, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш жараёнида қилинсада, уларни ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритишнинг имконияти мавжуд эмас. Шу боис, давр харажатлари, таннархга киритилмасдан ҳисобот даври якунлари бўйича якуний молиявий натижани шакллантиришда ялпи фойдадан айириб ташланади. Мана шу жойда, амалиётда айрим муаммоли саволлар учрайди. Биз томонимиздан ўрганишлар шуни кўрсатдики, ялпи фойдадан давр харажатларини айириш орқали асосий фаолиятнинг фойдасини ҳисоблаб чиқариш, асосий фаолиятнинг аниқ фойдасини аниқлашга ҳалақит беради.

Шу боис, бизнинг фикримизча, давр харажатлари, жумладан, сотиш, маъмурий, солиқ, бошқа давр билан боғлиқ харажатларни 2 гуруҳга бўлиб ҳисобини юритиш лозим.


Биринчи гуруҳга асосий фаолият билан боғлиқ давр харажатлари киритилиб, унга айнан асосий фаолиятга тааллуқли бўлган сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ҳамда асосий фаолият билан боғлиқ бошқа давр харажатларини киритиш лозим.

Иккинчи гуруҳга асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган давр харажатлари киритилиб, унга асосий фаолиятга тааллуқли бўлмаган сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ҳамда асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган бошқа давр харажатларини киритиш лозим.

Масалан, корхонанинг асосий фаолиятига алоқаси бўлмаган соҳада кадрлар тайёрлаш харажатлари давр харажатларига олиб борилади. Аммо, фикримизча, бундай харажатлар асосий фаолиятнинг фойдасини ҳисоблаб чиқаришда чиқариб ташланиши лозим.

Бу биринчидан, асосий фаолият фойдасини ҳаққоний қийматини чиқариш талабини бажарса, иккинчидан, ички ташқи фойдаланувчилар томонидан фойдаланадиган маълумотларнинг тўғрилигини таъминлайди.

Асосий фаолиятнинг фойдасини ҳисоблаб чиқаришда, сотишдан тушган тушумдан сотилган маҳсулот таннархи айирилиши ҳамда натижадан асосий фаолият билан боғлиқ даври харажатлари айирилиши мақсадга мувофиқ. Шунда асосий фаолиятнинг ҳаққоний қиймати шакллантирилади (расм).



Асосий фаолият фойдасини аниқлаш тартиби³³⁶

Амалиётда, давр харажатларининг таркиби ҳам етарлича аниқлаштирилмасдан, битта давр харажатлари ичида ҳисобга олиб борилади. Масалан, корхона бир неча фаолият ва операцияларни амалга оширади. Маъмурий харажатлар ҳам шунга мос равишда бир неча фаолият ва операциялар учун қилинади. Аммо, асосий фаолиятнинг фойдасини аниқлашда жами давр харажати айирилади. Худди, шундай мол-мулк, ер, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва бошқа айрим солиқлар ҳамда йиғимлар ҳам давр харажатлари таркибида ҳисобга олиб борилади. Бироқ, асосий фаолият фойдасини ҳисоблаб чиқаришда мазкур солиқларнинг қанчаси асосий фаолиятга тегишли эканлиги инобатга олинмасдан ялпи фойдадан чегирилади.

³³⁶ Муаллифлар таклифлари асосида шакллантирилган

ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ АУДИТА (МСА) В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Мирсаидов Ш.Х. магистр БФА РУз,

Правительством Узбекистана претворяется в жизнь курс на ускорение интеграции экономики страны в глобальную экономику. Эта цель может быть достигнута путем создания конкурентоспособной экономики, ключевым компонентом которой, в частности, является наличие высококачественной финансовой информации, которой смогут доверять иностранные партнеры. Такое доверие можно достичь путём проведения аудита в соответствии с МСА, рекомендуемыми международной федерацией бухгалтеров (МФБ - IFAC). Узбекистан один из первых на постсоветском пространстве принял Закон “об аудиторской деятельности”. Правительством постоянно уделяется большое влияние развитию и совершенствованию аудита, которой является неотъемлемым элементом инфраструктуры экономики.

В августе 2018 года Президентом Республики Узбекистан принято постановление за № 3917 “О мерах, по обеспечению открытости бюджетных данных в бюджетном процессе”. Главной идеей постановления является повышение доступности экономических и финансовых статистических данных и открытости бюджетного процесса. На данный момент в стране уровень открытости и качества бюджетных данных, доведения до иностранных инвесторов и иных заинтересованных субъектов находится в статусе “сомнительный”. Это постановление, а также выбранный путь по интеграции МСА должен дать статус мирового уровня.

Отечественные банки, уже на протяжении 19 лет в обязательном порядке проводят финансовую отчётность в обязательном порядке согласно Международным стандартам финансовой отчётности (МСФО). В стране основой бухгалтерского учёта и отчётности является закон Республики Узбекистан “О бухгалтерском учёте”. Банками публикуется финансовая отчётность, а также используются основные принципы, концепция и определения стандартов.

Путь МСА – путь рыночной экономики, как следствие поток в страну прямых иностранных инвестиций и зарубежных инвесторов, создание новых производственных инфраструктур, занятость населения – решение проблемы с безработицей, увеличение налоговых поступлений в государственный бюджет, экономический рост страны.

Изучение опыта зарубежных стран, показывает, что ничего не случается по щелчку пальцев. Процесс внедрения МСА – работа кропотливая и требует большого внимания к себе. Узбекистан должен выбрать свой путь адаптации к стандартам, учитывая специфику экономики страны. Требуется глубокое изучение стандартов, для точного и умелого применения их методологии. Следует применить практику большой четверки по стажировке своих новобранцев, каждый новый сотрудник данных организаций после принятия на работу в первые же дни отправляется на стажировку за границу.

Узбекистан не случайно заинтересован во внедрении МСА, наша страна правильно амбициозна и хочет занять свое место на внешнем рынке, именно МСА может сделать нашу страну конкурентоспособной. Стандарты способствуют прозрачности отчётности отечественных компаний, что как говорилось выше привлекает иностранных инвесторов.

Стандарты аудита - это те границы, которые гарантируют осуществление качественной аудиторской деятельности, они признаны во всем мире, они позволяют достичь наибольшей объективной аудиторской оценки.

Говоря об интеграции Узбекистана во “внешний мир” стоит упомянуть о Международной федерации бухгалтеров (МФБ – 1977г.). МФБ – это 125 стран

представляющих 2,5 млн. бухгалтеров, мне кажется - эти данные говорят сами за себя. МФБ – это опыт, класс, постоянное совершенство. Данная организация работает по разработке и совершенствованию МСА. Разработка, подтверждение достоверности включает ряд этапов и занимает до 3х лет. Это внушительно... это серьезно.

Всесторонние исследования МСА показали, что внедрение МСА способствуют к повышению доверия к аудиту среди пользователей финансовой отчётности в условиях глобализации экономики. Е.В.Зубова и М.Э.Надеждина относят использование на глобальном уровне единого подхода к аудиту, что означает повышения доверия качества к аудиту со стороны местных и международных пользователей финансовой отчётности, сопоставимость результатов аудита между компаниями и странами.

МСА явно требуют легализации в Узбекистане, правительство страны во время это поняло. МСА это мировая практика в правовом своде. Почему бы нам её не использовать? МСА проработан так дотошно, что в нем определяются даже этические правила проведения аудита.

Последний мировой ипотечный кризис 2011 года не коснулся Узбекистана, государство вело закрытую политику. Сейчас, в 2019 году ситуация другая, мы открыты для других стран. Во времена развития ТНК, фондовых рынков и международной интеграции нашим щитом от кризисов может стать МСА.

Существуют 60 правил созданных совместными усилиями многих стран, 12 из них считаются базовыми, они способны обеспечить:

- Релевантность публичных отчётных данных;
- прозрачность монетарной и фискальной политики;
- устойчивость функционирования рынка капитала и фондовых рынков;
- своевременное проведение мероприятий противодействующих отмыванию денег.

Эти четыре функции, четыре всадника Апокалипсиса, если хотите, которые плотным фундаментом могут защитить стены нашей экономики от нежелательных воздействий внешних факторов, которые могут коснуться всех стран вовлеченных в глобализацию мира.

На данный момент из четырех видов использования МСА, вид использования в Узбекистане – не определённый (самая широкая категория стран). Так же в данной категории: США, Япония, Россия и т.д.

Несмотря на все положительные факторы внедрения МСА, а также явные доказательства того, что это будет ещё один шаг интеграции страны во “Внешний мир”, переход страны на МСА не должен быть самоцелью, стоит помнить, ни одна из стран G20 не используют их полностью как национальные стандарты. Переход на МСА это в первую очередь поиск баланса между сопоставимостью отчётов национальных и западных компаний.

В современном Узбекистане обусловлена потребность внешних пользователей о деятельности коммерческих банков. Развитие аудиторской деятельности связано с её стандартизацией, использование зарубежного опыта позволит обобщить информацию сущности и значения - аудиторской деятельности и регулирования её в нашей стране. Расширение и внедрение МСА в современных условиях позволяет говорить об аудите инвестиционных проектов и кризисных предприятий.

Внедрение МСА позволит повысить качество предоставляемых услуг аудиторскими компаниями. Мы должны быть нацелены на меры по внедрению МСА, высоких норм профессиональной этики, возрастание требований к подготовке кадров и роли контроля качества. Только это направление даст толчок развития национальному аудиту, укрепит его позиции в обществе, приблизит его к мировым эталонам.

Список используемой литературы:

1. Н. Кондратова: “О применении стандартов МСФО в Узбекистане”; журнал “Журнал налогоплательщика”; № 1 (07) от 2010 года.

2. Я. Устинова: “Переход к МСА: Изменение в практике документирования аудита”; Журнал “Аудитор”; № 8-2017 от 4.09.2017 год.

3. И.Головач: “Международные стандарты аудиторской деятельности: правовое регулирование”; Вестник РУДН; № 4 от 2010 года.

4. А.Суглобов, Е.Орлова: “Этапы и значение стандартизации в системе нормативно-правового регулирования аудиторской деятельности в Российской Федерации”; журнал “Аудиторская деятельность”; № 34 (184) от 2011 года.

5. Постановление Президента Республики Узбекистан: “О мерах по дальнейшему развитию аудиторской деятельности”; от 19 сентября 2018 года.

6. Постановление Президента Республики Узбекистан: “О мерах по обеспечению открытости бюджетных данных и активного участия граждан в бюджетном процессе”; за № 3917 от 22август 2018 года.

7. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан: “О дополнительных мерах по обеспечению дальнейшего совершенствования правовых основ деятельности аудиторских организаций”; от 12 август 2017 года.

ЎЗБЕКИСТОНДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

***Ибрагимова И. Р. Тошкент давлат иқтисодиёт
университети таянч докторанти (Phd)***

Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг халқаро тизимида мос келадиган бухгалтерия ҳисоби тизими асосида ташкил этиши натижасида ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларини тақдим этилиши чет эллик ҳамкорлар ва инвесторлар учун қулай ва улар тушунадиган ҳисоб ва ҳисобот тизимини тақдим этиш имконияти яратилади. Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида жаҳон тажрибасидан фойдаланилган ҳолда сифат жиҳатидан халқаро талаб даражасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тизими шакллантирилиб, унда ҳўжалик юритувчи субъектлар стандарт талабига мос келадиган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш имкониятларидан фойдаланилган ҳолда бухгалтерия ҳисоби операцияларини акс эттириш имконияти вужудга келади. Тадбиркорлик субъектларининг операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳам халқаро стандартларга жавоб берадиган тарзда олиб бориш учун молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари асосида ташкил этиш, ҳисоб тизимини халқаро амалиётда қабул қилинган тизимга мослаш, бухгалтерия ҳисобининг асоси бўлган ҳисобварақлар режаси ишлаб чиқилиб амалиётга тадбиқ этилиши ҳисоб тизимини халқаро амалиётга мос равишда юритиш мақсадида қонунчилик асосларини тартибга солиш ва уларни халқаро стандартлар талабларига мос ҳолда ташкил этиш зарурияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини кўриб чиқадиган бўлсак, энг аввало – “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” қонун (янги таҳрири) ни мисол келтиришимиз мумкин. Ушбу қонунда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Шу жумладан ушбу Қонуннинг 10-моддаси - **Бухгалтерия ҳисоби стандартлари** деб номланиб, унда 3 та тушунчага аниқлик киритилганлигини кўришимиз мумкин.

1. **Бухгалтерия ҳисоби стандартлари** бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир минимал талабларни белгилайди.

2. **Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари** бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир махсус талабларни белгилайди.

3. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари **молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини** қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўллаши мумкин ³³⁷. Масалларига алоҳида эътибор берилиб халқаро ҳисоб тизимига ўтиш масаласи кўриб чиқилган. Бунда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари масаласига алоҳида урғу берилганлини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг халқаро тизимига ўтиш масаласи дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 24 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб юритиш ва статистика тизимига ўтиш давлат дастури тўғрисида»ги 433-қарори билан тасдиқланган — Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб юритиш ва статистика тизимининг халқаро амалиётида қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш бўйича давлат дастури³³⁸. асосида халқаро тизимга ўтиш бўйича ишлар амалга оширилди. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилди ва ҳисоб тизимини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Шу жумладан жами 24 та Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) ва 1 та — Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асослари номли стандарт ҳам қабул қилинди³³⁹. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишига, халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштирокини кенгайтириши бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан бирлигини, миллий кўрсаткичларни хорижда қўлланилаётган ана шундай кўрсаткичлар билан мувофиқлашувини талаб этмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мулкчилик шакллари турли хил бўлган субъектларнинг ташкил топиши жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш ва маъмурият томонидан тезкор қарорларнинг қабул қилинишига асос бўладиган зарур маълумотларни асосан бухгалтерия ҳисоби тақдим этади. Бугунги кунда долзарб масалалардан бири Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш масаласи ҳисобланади. Ҳозирги кунга қадар 1-24 стандартлар (13,18 стандартлардан ташқари,) Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган. Лекин ушбу стандартларнинг айримлари нисбатан анча эскириб қолган ва шу сабабли уларни янгилаш ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаш бўйича амалий ишлар 2019 йилдан бошланди. Молия вазирлиги томонидан бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини молияви ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаш бўйича тегишли ишлар амалга ошириш, шу жумладан таққослама жадвал ва янги таҳририда ишлаб чиқиладиган стандартлар рўйхатлари ишлаб чиқилди.

Кейинги муҳим масала бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш шакллари ва уларни юритиш тартибига мос равишда амалга ошириш ҳисобланади. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда тармоқ, мулкчиликнинг хусусияти ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибига боғлиқ ҳолда қуйидаги 3 хил тартибга асосан ташкил қилинади:

1. Хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи субъектлар бўйича бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш (корпоратив бухгалтерия ҳисоби);

2. Банклар фаолиятида бухгалтерия ҳисоби (марказий банк ва тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби);

3. Бюджет тизимида бухгалтерия ҳисоби (бюджет ташкилотларида, ғазначилик тизими ва молия тизимида бухгалтерия ҳисоби).

Корпоратив бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бунда бухгалтерия ҳисобининг миллий

³³⁷ Ўзбекистон Республикаси — Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун (янги таҳрири). Мазкур таҳрир ЎЗР 13.04.2016 й. ЎРҚ-404-сон Қонуни билан тасдиқланган. //Norma.uz.

³³⁸ Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 24 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб юритиш ва статистика тизимига ўтиш давлат дастури тўғрисида»ги 433-қарори. // Норма уз дастури.

³³⁹ Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. // Норма уз дастури.

стандарти БХМС №21 —Бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси³⁴⁰ асосида ташкил қилинади ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Корхона маъмурияти учун молиявий ҳисоботлардан фойдаланишдаги асосий манфаат ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият самарадорлигини аниқлаш ва шунингдек бошқарув ва молиявий қарорлар қабул қилишни иқтисодий асоси ҳисобланади. Маъмурият учун асосий ахборотлар манбаи сифатида корхонанинг ички ҳисоботлари ва молиявий ҳисоботлар тизими ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда хўжалик юритувчи субъектлар тизимида бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил қилишда умумий масалаларни ечимига эътибор қаратиш лозим. Масалан, таъсис ҳужжатларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асослари, асосий воситаларга эскириш ва номоддий активларга амортизация ҳисоблаш тартибини, фойда тақсимоти, қўрилган зарарларни қоплаш, устав капиталини тўлдириш ва уставни ўзгартириш, фойдани тақсимлаш, фондларни ташкил қилиш ва ундан фойдаланишни белгилаш каби масалалар муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари кичик хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 14 августда 2501-сон билан рўйхатга олинган 20-сон Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида соддалаштирилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот тузиш тартиби тўғрисида”, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрида 1181-сон Қарор билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий – хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» 21-сон Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига асосланиб иш юритиш тавсия этилади. Чунки ушбу счётлар режаси бирлашган миллатлар ташкилоти қошидаги халқаро ҳисоб стандартлари қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва шу талабларга жавоб беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 14 августда 2501-сон билан рўйхатга олинган 20-сон Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий андозаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрида 1181-сон Қарор билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий – хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» 21-сон Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига асосланиб иш юритиш тавсия этилади. Чунки ушбу счётлар режаси бирлашган миллатлар ташкилоти қошидаги халқаро ҳисоб стандартлари қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва шу талабларга жавоб беради.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида хусусиятини ҳисобга олиб, қандай вазифада юритилишидан қатъий назар бухгалтерия ҳисобини ва назоратини юритувчи ва ташкил этувчи шахс тўлиқ «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири)да кўрсатилган ҳуқуқ ва вазифаларни бажаради. Корхона фаолияти тўғрисида белгиланган муддатларда ҳисоботларни тузиб, тегишли ташкилотларга тақдим этиб туради. Ушбу тартиб кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритиш, ташкил қилиш ва моддий, меҳнат, ҳамда молиявий ресурслардан тежамли унумли фойдаланиш мулкнинг бутлиги устидан назоратни таъминлайди.

³⁴⁰ БХМС №21 Бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси. Тошкент:Норма, 2015. 324б.

5-СЕКЦИЯ

ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЙЎЛИ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА ТИЗИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОМИЛЛАРИ

Жумаев Н.Х. – и.ф.д., проф., БМА
Жумаева С.Х., БМА магистранти

Жаҳон хўжалигининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон билан бўладиган барча халқаро молия ва валюта муносабатларининг ривожланиши, хусусан, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати кўламининг ортиши миллий валюта тизимини мустаҳкамлашни тақозо этади. Бинобарин, валюта курсининг режимини тўғри танлаш, миллий валютанинг хорижий валюталарга конвертацияланиши тартибини такомиллаштириш, мамлакатда халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг узлуксизлигини таъминлаш, мамлакатнинг халқаро миқёсдаги тўловга қобиллигини таъминлаш каби муҳим масалалар миллий валюта тизимини такомиллаштириш доирасидаги масалалар ҳисобланади.

Ўзбекистонда миллий валюта барқарорлигини таъминлаш Марказий банкнинг бош мақсади этиб белгилангани ҳолда, сўмнинг алмашув курси муайян захира валютасига ёки валюталар саватига боғлаб қўйилган эмас. Бошқача айтганда, республикада сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан алмашув курси валюта бозоридаги талаб ва таклиф асосида эркин шаклланади. Чунки валюта курсининг сузиш режими қатъий боғлаб қўйиш режимларига нисбатан мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имконияти, реал инқирозларга нисбатан иқтисодийнинг катта талофатларсиз мослашиши жиҳатидан маълум устунликларга эга. Бошқача айтганда, миллий валютанинг алмашув курси режими бозор ислохотлари изчил амалга оширилаётган Ўзбекистон учун ҳар жиҳатдан мос келади. Бундан ташқари, Марказий банкнинг мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имконияти глобал молиявий инқирозлар даврида жуда муҳим аҳамият касб этади. Фикримизнинг далили сифатида Евро ҳудуддаги Греция давлатидаги фискал (бюджет) инқирозни келтириш кифоя. Чунки Евро ҳудуд учун ягона пул-кредит сиёсати Европа Марказий банки томонидан белгиланади ва аъзо давлатларнинг марказий банклари мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имкониятига эга эмас. Ваҳоланки, Греция учун бюджет инқирози оқибатларини юмшатишда мувофиқ пул-кредит сиёсати, хусусан, миллий валютанинг девальвацияниш суръатларини жадаллаштириш каби чоралар жуда зарур эди.

2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб миллий валюта – сўм Халқаро валюта фонди Келишувининг VIII моддасига мувофиқ, жорий халқаро операциялар бўйича расмий тарзда конвертация қилина бошлади. Хусусан, ХВФ келишувлари VIII-моддаси қуйидаги мажбуриятларни қабул қилишни кўзда тутди:

- жорий халқаро операциялар бўйича валютавий чекловларни жорий қилмаслик;
- дискриминацион валюта сиёсатини амалга оширилмаслик;
- бошқа давлатлар томонидан тақдим этилган сўмларни ўша мамлакатнинг миллий валютасига ёки СДРга конвертация қилиб бериш.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республикада амалга оширилган валюта сиёсати нафақат сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан алмашув курсининг кескин тушиб кетишининг олдини олди, балки экспортни рағбатлантиришга ҳам хизмат қилди. Республикада Марказий банкнинг валюта бозоридаги курс шаклланиш жараёнига аралашуви Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Республикамизда валютани тартибга солувчи орган Марказий банк бўлиб, у айна пайтда Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда валютани назорат қилувчи орган ҳамдир. Шунингдек, тижорат банклари экспорт шартномасида белгиланган суммалар ўз вақтида тўлиқ келиб тушмаган тақдирда бу ҳақда Давлат солиқ идораларини хабардор этишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида ҳафтанинг ҳар банк иши кунда АҚШ доллари ва евро бўйича валюта савдолари ўтказилади ва савдо якунлари бўйича сўмнинг ушбу валюталарга нисбатан алмашув курси талаб ва таклиф асосида ўрнатилади. Бу курслар, ўз навбатида, Марказий банкнинг расмий курси учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Чунки Марказий банкнинг расмий курси валюта биржасида ҳафта давомида беш иш кунда ўрнатилган курсларни ўртача тортиш асосида аниқланади.

Мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш шу вақтгача амалга ошириб келинган валюта сиёсатини қайта кўрибчиқиш, илғор жаҳон тажрибаси ва бозор механизмлари асосида уни эркинлаштиришни тақозо қилмоқда³⁴¹. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора –тадбирлар тўғрисида»ги ПФ - 5177-сонли Фармони ўта муҳим қадам бўлди. Мазкур фармон билан республикамизда валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш, ва лютта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валют аборизид барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспорт ни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш, валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора- тадбирлар кўриш шулар жумласидандир³⁴².

Шу билан бирга, таъкидлаб ўтиш жоизки, эркинлаштиришга қаттиқ берилиб кетиш натижасида, капитал ҳаракатига тўсиқларнинг мавжуд бўлмаганлиги туфайли, бозор механизми тўла такомиллашмаган давлатларда номутаносибликлар ва муаммолар юзага келади. Жумладан, йирик миқдорда олинган халқаро кредитлардан самарасиз фойдаланилиши натижасида ташқи қарз миқдори кўпайиб, тўлов баланси ҳолатининг ёмонлашиши кузатилади³⁴³.

Мамлакат халқаро валютавий тўловга қобиллигининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик миллий валюта тизимини мустаҳкамлашнинг зарурий шартларидан ҳисобланади. Мамлакатнинг олтин-валюта захираларига бўлган талаби миллий валютанинг алмашув курси режими, халқаро капиталлар бозорига чиқиш имконияти, иқтисодиётнинг очиклик даражаси кабиларга боғлиқ. Бунинг боиси шундаки, қатъий белгиланган курс режимини ушлаб туриш учун кўпроқ валюта захиралари талаб этилади, ривожланаётган давлатларнинг аксарияти халқаро капиталлар бозорига эркин чиқиш имкониятига эга бўлмайди ёки қарз жалб қилиш уларга қимматга тушади.

Республикамизда халқаро ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш тартиби Халқаро савдо палатаси томонидан қабул қилинган хужжатли аккредитив ва инкассо

³⁴¹НурмуратовМ.Банкхизматларихалқманфаатийўлида:янгилаштириш,синовларва истикбол // <http://cbu.uz/uzc/press-tsentr/stati/2017/09/93197/>.

³⁴² Бекмуродов А.Ш., Жумаев Н.Х.Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида тўлов балансини тартибга солишнинг концептуал жиҳатлари. “UzBridge” электрон журнали, 2019 йил, 1-сон, 3-14 бетлар. <http://uzbridge.eyuf.uz/maqolalar>

³⁴³Жумаев Н.Х., Акбаров Х.М. Жаҳон валюта тизимининг ривожланиши босқичлари ва янги инновацион йўналишлари. – “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал, 2018 йил, 6-сон, 5-бет.

бўйича унификациялашган қоидаларга асосланган. Ҳужжатли аккредитив бўйича унификациялашган қоидаларнинг янги таҳрири (UCP 600) 2007 йилнинг 1 июлидан кучга киргач, республикамиз банкларида аккредитивлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда мазкур ҳужжатга таянилмоқда.

Шунингдек, республикамизда халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланишда унификациялашган халқаро қоидаларга амал қилинмоқда.

Умуман олганда, республикамиз миллий валюта тизими халқаро валюта тизимининг тузилмавий тамойилларига мувофиқ шаклланган бўлиб, унинг элементлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Хулоса ўрнида республикамиз миллий валюта тизимини янада мустаҳкамлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ саналади:

–миллий валютамининг алмашув курси ва паритети ўртасида фарқ юзага келишига йўл қўймаслик;

–халқаро ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, хусусан, таъминланмаган аккредитив ва соф инкассо бўйича ҳисоб-китобларни ривожлантириш;

–муддатли валюта битимлари бозорини шакллантириш;

–сўмнинг етакчи савдо ҳамкор ҳисобланган давлатлар миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курсининг ошиб кетишига йўл қўймаслик.

МАРКАЗИЙ БАНК ТОМОНИДАН КРИПТОВАЛЮТАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Жумаев Н.Х. – и.ф.д., проф., БМА

*Хошимов Э.А. – и.ф.н., доц., Абу Райҳон Беруний
номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби*

Электрон пуллар ва уларнинг иқтисодиётга таъсири 1990-йилларнинг бошларида муҳокамаларнинг марказий мавзусига айлانган бўлсада, электрон пул маҳсулотларининг жорий этилиши етарли суръатда жадал ривожланмади. Шунга қарамай, 2009 йилдан бошлаб биткоион ва унинг асосини ташкил этувчи блокчейн технологиялари билан боғлиқ инновациялар криптовалюталарга нисбатан қизиқишларнинг ортишига олиб келди. Рақамли ёки виртуал валюталар деб номланувчи электрон пулларнинг янги авлодлари марказий банклар, молия тизими ва бутун иқтисодиёт учун долзарб масалаларни кун тартибига қўймоқда.

Рақамли валюта, виртуал валюта, электрон пул ва криптовалюта атамалари муайян даражада анъанавий пулнинг барча функцияларини бажаради, бироқ улар фақатгина электрон ҳолатида мавжуд ва асосан интернетда фойдаланилади. Масалан, рақамли пул – муомала воситаси, ҳисоб бирлиги, қийматни сақлаш (жамғарма) воситаси бўлиб хизмат қилади, у анъанавий пулдан фарқли равишда фақат рақамли шаклда мавжуддир³⁴⁴.

АҚШ Молиявий жиноятчиликка қарши курашиш органи (The Financial Crimes Enforcement Network (“FinCEN”)) томонидан таъкидланишича, виртуал валюта айрим жабҳаларда реал валюталар сингари қўлланиладиган муомала воситаси ҳисобланади, бироқ реал валютага тегишли бўлган барча белгиларга эга эмас. Конвертирланадиган виртуал валюта реал валютага ўринбосар ҳисобланади ёки реал валютага эквивалент қийматга эга бўлади³⁴⁵.

³⁴⁴ Dodgson M, Gann D, Wladawsky-Berger I, Sultan N, George G (2015) Managing digital money. Acad Manag J 58(2):325–333. doi:10.5465/amj.2015.4002

³⁴⁵Department of the Treasury Financial Crimes Enforcement Network Guidance FIN-2013-G001. Available at: <https://www.fincen.gov/sites/default/files/shared/FIN-2013-G001.pdf>

Халқаро валюта фондиэкспертлари таърифига кўра, виртуал валюталар рақамли кўринишда ифодаланган қиймат эквиваленти бўлиб, хусусий ишлаб чиқувчилар томонидан ўз ҳисоб-китоблар тизими асосида ҳисоб-китоб бирлиги сифатида чиқарилади.

Криптовалюталар миллий тўлов бирликларига (АҚШ доллари, евро, сўм) боғлаб қўйилмаган. Биткойннинг алмашув курси виртуал валюта биржаларида унга бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланади. Криптовалюталарни муомалага чиқариш (“қазиб олиш”) марказлашмаган ва ҳеч қайси давлат томонидан назорат қилинмайди. Криптовалюталар айланмасининг соҳалари бўлиб, турли биткойн-магазинлар, биткойн-биржалар ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб айрим хорижий мамлакатларда биткойн-банкоматлар ҳам пайдо бўлган.

Марказий банк рақамли валюталарини (МБРВ) муомалага чиқариш, унинг миллий иқтисодиётга таъсири, хусусан, марказий банк, тижорат банклари ва нобанк молиявий институтларнинг балансларига таъсири иқтисодчи олимлар, экспертлар ва монетар органлар томонидан чуқур таҳлил этилмоқда.

Хусусан, айрим тадқиқотчилар фикрича, МБРВни муомалага чиқариш харажатсиз муомала воситаси, хавфсиз жамғарма воситаси ва барқарор ҳисоб бирлиги вазифаларини бажариш ва шу асосда истеъмолчиларга манфаат келтирган ҳолда бутун монетар тизим жиҳатларини трансформация қилинишига олиб келиши мумкин³⁴⁶. Хусусан, Англия банки МБРВ соҳасидаги тадқиқотларини кенг жамоатчиликка эълон қилди³⁴⁷.

Тадқиқотлар доирасида МБРВнинг уч моделини ажартиб кўрсатиш мумкин. Жумладан:

- молия институтларигаваколат беришга асосланган модел (Financial Institutions Access (Model FI)): МБРВдан фойдаланишга фақат банклар ва нобанк молиявий институтлар ваколатли бўлади. Банклар ва нобанк молиявий институтлар Марказий банк билан белгиланган қимматли қоғозларга алмаштириш асосида МБРВларни сотиш/харид қилиш бўйича тўғридан-тўғри ўзаро операцияларни амалга оширишлари мумкин.

- бутун иқтисодиётга ваколат беришга асосланган модел (Economy-wide Access (Model EW)): Банк ва нобанк молиявий муассасалар билан биргаликда уй хўжаликлари ва корхоналар ҳам МБРВдан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Бу эса МБРВнинг иқтисодиётдаги барча агентлар учун пул функциясини бажаришини англатади. Ушбу моделда ҳам Марказий банк билан МБРВларни сотиш/харид қилиш бўйича операцияларни амалга оширишга фақатгина банклар ва нобанк молиявий институтлар ваколатли бўлсаларда, уй хўжаликлари ва корхоналар МБРВ биржалари орқали депозитларини МБРВларга айирбошлаш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, уй хўжаликлари ва корхоналар МБРВларни ўзаро айирбошлашлари ҳам мумкин.

- *молиявий институтлар плюс МБРВ билан таъминланган тор доирадаги банк ваколатига асосланган модел* (Financial Institutions Plus CBDC-Backed Narrow Bank Access (Model FI+)): МБРВдан фойдаланишга банклар ва нобанк молиявий институтларигагина ҳақли бўладилар. Нобанк молиявий институтлари ичида камида биттаси тор доирадаги банк функциясини бажариб, уй хўжаликлари ва корхоналарни МБРВ билан таъминланган молиявий активлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Фикримизча, Марказий банк томонидан муомалага чиқариладиган рақамли валюта амалда пул функцияларини қай даражада такомиллаштириши масаласи чуқур ўрганилиб, таҳлил этилиши керак. Хусусан, технологик тараққиётнинг сўнгги

³⁴⁶Bordo M.D. and Levin A. T., 2017, Central Bank Digital Currency and the Future of Monetary Policy, NBER Working Paper Series, n. 23711.

³⁴⁷Bank of England. (2016b). Central bank-issued digital currencies. Retrieved November 14, 2017, Available at: <http://www.bankofengland.co.uk/research/Documents/onebank/cbdc.pdf>; Kumhof M. and Clare N. (2018). ‘Central bank digital currencies — design principles and balance sheet implications’, Bank of England Working Papers, No. 725. – P.53

қулайликларини ўзида мужассам этган рақамли кўринишдаги банкнотларнинг келгуси авлодларини эмиссия қилиш орқали самарадорлик ва хавфсизликнинг ошиши таъминланишига эътибор қаратиш зарур.

Бундан ташқари, МБРВ чакана ва йирик миқёсдаги тўлов тизимлари самарадорлиги ва ишончлилигини таъминлай олиши инobatга олинаши лозим. Чакана тўлов нуқтаи-назаридан, рақамли валюта сотув жойида (POS), онлайн ва P2P (peer to peer) форматида тўловларни амалга оширишда, шунингдек, улгуржи ва банклараро тўловларда ҳисоб-китобларнинг кўлами ва тезлиги ортиши кўринишида қўшимча қулайликларни яратиши муҳим саналади³⁴⁸.

МБРВни муомалага чиқаришнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у ҳозирда жадал авж олаётган хусусий пуллар, виртуал ва рақамли валюталарга нисбатан муносиб сиёсий жавоб бўлиши мумкин. Бу орқали Марказий банк монетар сиёсат мақсадига эришиш ва молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлаш йўлида ўз имкониятларини янада мустаҳкамлаб олади. Чунки хусусий криптовалюталардан фойдаланиш кўламининг ортиши монетар сиёсатнинг трансмиссион механизмлари самарадорлигига кескин салбий таъсир кўрсатади, шунингдек, Марказий банкнинг сўнгги навбатдаги кредитор (the lender of last resort) сифатидаги фаолиятининг чекланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки криптовалюталар бўйича илк бор 2017 йилнинг сентябрь ойида баёнот билан чиқди ва у ҳанузгача ўзгармай қолмоқда.

Унда қайд этилишича, криптовалюталардан аноним операцияларни амалга оширишда кенг фойдаланилаётганлиги оқибатида ноқонуний пул айлантириш ва фирибгарликка кенг йўл очилиб, баъзи мамлакатларда хуфиёна иқтисодиётни янада кенгайишига хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида криптовалюталардан фойдаланган ҳолда тўлов ёки бошқа операцияларни амалга ошириш кўзда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки баёнотига кўра, иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичида криптовалюталарни жорий этиш ва улар воситасида операцияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмаслигини билдирган ҳолда, мазкур операцияларда аҳолининг иштирок этиши тавсия этилмайди.

Кўриниб турибдики, Марказий банкнинг позицияси криптовалюталарнинг салбий жиҳатлари билан асослантирилган, бироқ ушбу валюталар ёрдамида яратиладиган янги имкониятлардан фойдаланиш ҳақида умуман фикр билдирилмаган.

Фикримизча, республикамызда криптовалюталар муомаласини тартибга солиш мақсадида, биринчидан, криптовалюталар мақоми тегишли қонун билан мустаҳкамланишива мамлакатимизда криптовалюталардан фойдаланиш соҳаси қатъий белгиланиши зарур; иккинчидан, Марказий банкнинг рақамли иқтисодиёт талабларидан келиб чиқиб рақамли валюталарни муомалага чиқариш бўйича стратегияси ишлаб чиқилиши зарур. Бунда марказий банк рақамли валютаси қўлланилиш соҳалари, инвестицион актив сифатидаги хусусиятлари, ундан фойдаланиш ваколатига эга бўлган иштирокчилар доирасини белгилаш, зарур бўлганда чеклаш масалалари қамраб олинаши керак.

³⁴⁸ Ali, R., J. Barrdear, R. Clews and J. Southgate. 2014. "Innovations in Payment Technologies and the Emergence of Digital Currencies." Bank of England Quarterly Bulletin Q3: 262–75.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА СУКУКНИНГ РОЛИГА ОИД ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ МУЛОҲАЗАЛАР ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аброров С.З. ТДИУ таянч докторанти

Корхона фаолияти учун қўшимча инвестицияларни жалб қилиш воситаларидан бири бу облигациялар эмиссияси ҳисобланади. Бу инструментнинг банк кредитларига нисбатан бир қанча қулайликлари мавжуд бўлиб, бир тарафдан корхона кредитга нисбатан камроқ фоизда ресурс жалб қилса, иккинчи тарафдан инвестор ликвидлиги юқори сертификатга эга бўлади ва ихтиёрига кўра иккиламчи бозорда сотиш имкониятига эга. Аммо аҳолисининг асосий қисми мусулмонлар ташкил этадиган жамиятда анъанавий облигациялардан фойдаланиш даражаси чекланган. Ислом молияси тамойилларига мувофиқ келмаслик анъанавий облигациялардан фойдаланишга рухсат бермайди. Шу сабабли жамият эҳтиёжини қондириш ва инвестициялар жалб қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида облигациялар ўрнига унинг муқобили бўлган шариатга мос келувчи молиявий инструмент ишлаб чиқиш зарурати юзага келган. Ишлаб чиқилган исломий қимматли қоғозлар сукук деб номланиб, ундан кенг қўламда фойдаланиб келинмоқда.

Жаҳон молиясида ислом молиясининг янги тизим эканлигини инобатга олсак, исломий қимматли қоғозлар – сукуклар унинг таркибидаги янада янги йўналиш эканлиги маълум бўлади. Турли мамлакатларда жамият талабига кўра сукуклар турлича қўлланилади, шу сабабли унинг таърифи ва хусусиятларини очиб беришда турлича ёндашувлар юзага келган. Айрим олимлар уни қарзга асосланган молиялаштириш инструменти эканлигини таъкидласа, айримлар активларни секюритизациялаш деб изоҳлайди. Бундан ташқари уни капиталдаги иштирокини ҳам учратиш мумкин.

Ислом молиясининг машҳур олимларидан Муҳаммад Тақи Усманий сукук борасида унинг хусусиятларини очиб берувчи қуйидаги мулоҳазаларни билдирган³⁴⁹:

- бир инвестор кучи етмайдиган катта лойиҳалар учун молиялаштиришнинг қулай усулларидан бири;

- инвестицияларни йўналтириш ва ликвидлиги сабаб зарур ҳолда инвестицияни қайтириб олиш учун қулай восита, шу орқали иккиламчи бозор ҳам ривожланади;

- банклар ва исломий молиявий муассасалар учун ликвидликни бошқаришнинг ажойиб усули;

- бойликларни тақсимлашнинг адолатли воситасидир, чунки у инвесторларга тадбиркорлик фаолияти фойдасидан тенг улушда манфаат олиш ишконини беради.

Бугунги кунда сукук айниқса ликвидлик билан боғлиқ ноқулай шароитда инфратузилма лойиҳаларини узоқ муддатга молиялаштириш учун муҳим инструментга айланиб бормоқда³⁵⁰

Ҳ.Виссер талқинига кўра, сукук – олди-сотди қилинадиган, актив билан таъминланган ва ўрта муддатли сертификатдир. Сукук “исломий облигациялар” деб ҳам таржима қилинади ва асосан институционал инвесторлар учун чиқарилади³⁵¹. Аммо амалиётда қисқа ва узоқ муддатга чиқарилувчи сукуклар ҳам учрайди. Сўнгги жараёнлар шуни кўрсатадики, аҳоли жамғармалари ҳам йирик харидорларга айланиб бормоқда.

³⁴⁹ Usmani, Muhammad Taqi. “Sukuk and their contemporary applications. (2007)”Translated from the original Arabic by Sheikh Yusuf Talal DeLorenzo, AAOIFI Shari’a Council meeting, Saudi Arabia. p2.

³⁵⁰ <http://islamic-finance.ru/news/2013-10-30-1245>

³⁵¹ Hans Visser. Islamic Finance: Principles and Practice. – Edward Elgar, Cheltenham, UK • Northampton, MA, USA, - 2009. p63.

Исломий облигациялар талқинини И.Варде ҳам давом эттириб, сукуклар шариат тамойилларига мувофиқ келувчи инвестиция сертификатлари дейиш янада аниқроқ бўлишини изоҳлаган³⁵².

Молиявий терминлар ва молия тизими концепциясини ёритиб боровчи Investopedia нашри маълумотларига кўра, сукук – шариат деб номланувчи ислом қонун-қоидаларига мос келувчи ғарб молиясидаги облигацияларга ўхшаш исломий молиявий сертификат. Облигация қарз муносабатларини ифодаласа, сукук активга эгалликни ифодалайди³⁵³.

Сукуклар молия тизимида анъанавий облигациялар ўрнини тўлдириш учун ишлаб чиқилган восита бўлганлиги учун унинг мазмунида “исломий облигация” тушунчасидан фойдаланилишини асослайди. Расмий жиҳатдан сукукни тўлақонли облигация деб аташ мумкин эмас. Унинг анъанавий облигациялардан фарқи мавжуд³⁵⁴. Умуман олганда сукукларни облигация сифатида таърифлаш унинг моҳиятини етарли даражада ёритиб бера олмайди. Чунки облигация тушунчаси қарз учун ҳақ тўлашлик тасаввурини уйғотади ва бу рибони англатади. Натижада эса, сукук моҳиятини тушунишни қийинлаштиради.

Қозоғистонлик олим Е.А.Байдаулет талқинига кўра, сукук – қарзга асосланган молиялаштиришнинг қўлланиладиган воситаларидан бири ҳисобланади. Сукук қимматли қоғозлари лойиҳа ёки ижарада иштирокни ўзида ифодалайди ва номланишининг ўзида лойиҳанинг моҳияти кўрсатилган бўлади³⁵⁵.

Сукук таърифи талқинлари орасида тўлиқроқ берилгани ислом молияси бўйича халқаро стандартларни ишлаб чикувчи Исломий молиявий муассасалари учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилоти (AAOIFI)га тегишли бўлиб (2003 йил), унга кўра сукук – маълум бир лойиҳа активи ёки инвестицион фаолиятга уларни натурада ажратиш имкониятисиз моддий активларга эгаллик ҳукуқи, узурфрукт ҳукуқи, хизматлардан фойдаланиш ҳукуқи ва эгаллик ҳуқуқидаги улушини ифодаловчи бир хил қийматдаги сертификатлардир. Бундай ҳуқуқ амалиётда эмиссия қилинган сукукнинг қиймати олингач, обуна ёпилгач ва маблағлар мақсадли ишлатилгач амалга оширилади³⁵⁶.

Юқоридаги берилган таърифларнинг барчаси биргаликда янги молиявий инструмент моҳиятини очиқ бера олади. Аммо молия бозори бир жойда турмайди, доимий ривожланиш бозорга янгидан янги воситаларни таклиф этиб боради. Шунга кўра, сукукларнинг тури ва вазифаси ҳам, жамиятдаги роли ҳам такомиллашиб боради. Шунингдек, берилган таърифлар хорижий олимларга тегишли бўлиб, Ўзбекистонлик олимларнинг талқини учрамади. Бу борадаги илмий изланишлар якунида сукук учун муаллифлик изоҳини бериш лозим деб топилди.

Сукук – (“сакк”нинг қўлиги, араб тилидан акт, ҳужжат, чек³⁵⁷) инвестицион фаолият ёки унинг активига нисбатан эгаллик ҳуқуқидаги улушини кўрсатувчи шариат тамойилларига асосланган эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, турига кўра фойда ва зарарга шерикчиликни ифодалайди, сўндирилиши ва фойда даражаси риска асосланади.

Ислом молиясида сукукнинг туб моҳиятида активларни секюритизациялаш ётади. Инвестицион лойиҳа ёки моддий актив асос қилинган ҳолда қийматига кўра сукук эмиссия қилинади. Уни харид қилган инвестор улушига кўра инвестицион лойиҳа ёки моддий активга нисбатан эгаллик ҳуқуқига эга бўлади. Эмитент молиявий ресурсдан бизнес режани амалга ошириш учун фойдаланади. Шу тариқа моддий активнинг ликвидлиги оширилади. Инвестор исталган вақтда сукукларни (айрим турлари мустасно) иккиламчи бозорга сотувга

³⁵² Warde, Ibrahim, 2011, Islamic finance bankruptcy, financial distress and debt restructuring: A short report, (Harvard Law School, Cambridge). p3.

³⁵³ <https://www.investopedia.com/terms/s/sukuk.asp>

³⁵⁴ Г.Т.Гафурова. Сукук в системе исламского финансирования//Вестник АГТУ. Экономика. 2011. №2 С90.

³⁵⁵ Исломий молия асослари [Матн] / Е.А.Байдаулет. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019. – 67-б.

³⁵⁶ Сукук. Шариатский стандарт №17 / Пер. с англ.; [Ред. совет: Р.Р. Вахитов и др.]; Орг.бух. учета и аудита исламских фин. учреждений (AAOIFI). - М.: Исламская книга, 2010. С15.

³⁵⁷ Абдумажид Анорбоев. “Ан-Наъим” – Т.: “Абдулла Қодирий”, 2003. – 462-б.

қўйиши мумкин. Эмитент тадбиркорлик субъектининг устав капиталида ўз улушини сақлаб қолган ҳолда зарурий инвестицияларни жалб қилиш имкониятига эга бўлади. Шу механизм орқали иккала тараф – эмитент ва инвесторнинг шариат тамойилларига асосланган молиялаштириш бўйича эҳтиёжини қондиришга эришилади.

Билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги асосий тамойилларни ажратиб кўрсатиш мумкин³⁵⁸:

- ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг шаффофлиги ва аниқлиги;
- қимматли қоғоз даромади ссуда фоизи бўлмай, молиялаштирилаётган лойиҳа билан боғлиқ бўлиши лозим;
- қимматли қоғоз фақатгина қоғоз сертификит бўлмай, реал актив билан қопланган бўлиши керак.

Сукук бир вақтнинг ўзида оддий акция ва облигациянинг айрим хусусиятларини жамлайди. Шу тариқа бу турдаги сертификатга гибрит қимматли қоғоз деб қараш мумкин. Қуйида сукукнинг акция ва облигация билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўриб чиқилган (жадвал).

Сукукнинг оддий акция ва облигация билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари³⁵⁹

Қимматли қоғоз тури	Оддий акция	Сукук	Облигация
Чикарилиш тури	эмиссиявий қимматли қоғоз	эмиссиявий қимматли қоғоз	эмиссиявий қимматли қоғоз
Корпоратив бошқарувдаги иштироки	бошқарув ва даромадда иштирок этади	турига кўра: тўлиқ иштирок, соф фойдага шерик, қарз мажбурияти	фақат қарз мажбуриятини юклайди
Муомала муддати	мавжуд эмас	мавжуд	мавжуд
Инвестор фойдаси	дивиденд	соф фойдадан улуш ёки кечиктирилган устама тўлов	кафолатланган фоиз ставкаси
Номинал қийматининг қайтиши	кафолатланмаган	кафолатланмаган	кафолатланган
Номинал ва сўндирилиш қиймати ўртасидаги фарқ эҳтимоли	мавжуд	мавжуд	мавжуд эмас
Актив билан қопланганлиги	қопланган	қопланган	қопланмаган
Назарий манбаси	инсон тафаккури	шариат	инсон тафаккури
Тартибга солиниши	норматив ҳуқуқий ҳужжатлар	шариат, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар	норматив ҳуқуқий ҳужжатлар
Молиялаштириш соҳаси	ихтиёрий	шариатга мувофиқ	ихтиёрий
Иккиламчи бозордаги савдоси	мумкин	турига кўра: мумкин, мумкин эмас	мумкин

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар жалб қилишнинг қўшимча манбаларидан қўллаш, хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илғор ёндашувлардан фойдаланиш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш ва банк томонидан кредитлашнинг самарали муқобил механизмини яратиш мақсадида сукукларни мамлакатимиз фонд бозорига жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

³⁵⁸ Rodney Wilson. Islamic Bonds: Your Guide to Issuing, Structuring and Investing in Sukuk – Overview of the sukuk market. Euromoney Institutional Investor PLC. London, p3.

³⁵⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

МАМЛАКАТ ЭКСПОРТИНИНГ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аззамов У. БМА тингловчиси

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириш, уларни янги, янада юқори босқичга кўтариш устувор вазифа қилиб белгиланган. Бу вазифаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш пировардида ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунда ҳал қилувчи омил сифатида экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда банкларнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир давлатнинг экспорт салоҳиятини ўсиши унинг иқтисодий ривожланиши банк тизимидаги молиявий барқарорлик билан узвий боғлиқ экани ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Чунки, иқтисодий тармоқларини таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги корхоналар барпо этиш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда банклар муҳим ўрин тутди.

Замонавий иқтисодий муносабатларга жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунда иқтисодийнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи бозордаги амалий иштирокини таъминлаш, уларга қулай шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳукуматимиз томонидан экспортчи корхоналарнинг катга-кичиклигидан қатъи назар, уларнинг ташқи бозор учун янги маҳсулот ишлаб чиқаришини рағбатлантириш чоралари кўриб келинмоқда. Бугунги кунга келиб, корхоналар экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда тижорат банклари инвестициявий кредитлаш фаоллиги самарадорлигини ошириш давлат учун муҳим устувор вазифага айланмаса, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Ривожланаётган мамлакатларнинг барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири экспорт концентрациясининг пасайиши ҳисобланади. Экспорт миқдори бўйича хомашёнинг улуши ортса, жаҳон бозорларида товар нархининг ўзгариши мамлакатнинг қайта ишлаш саноатида пасайишига олиб келади. Ўз навбатида, бу ЯИМ ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида 360"ги Фармони иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашда янги босқични бошлаб берди. Мазкур фармондан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада юксалтириш, давлат ва жамият ҳар жиҳатдан ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароит яратишдир.

Хусусан, яқин беш йилга мўлжалланган мазкур тарихий аҳамиятга эга ҳужжатнинг учинчи йўналишида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоялашни таъминлаш, барча турдаги тўсиқ ҳамда чекловларни бартараф этиш, ишбилармонлик мухитини янада ривожлантиришга тўлиқ эркинлик бериш масаласига алоҳида аҳамият қаратилган.

Бу билан корхоналар экспорт ва банк кредитлари фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принцип ҳамда механизмларини жорий этиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, молия-банк соҳасини ислоҳ этишга эришилиши, шубҳасиз. Шунинг учун экспортни диверсификациялашни таъминлаш учун банк секторидан миллий экспортчиларга узок

³⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонига 1-илова

муддатли кредитлар ва суғурта хизматларини кўрсатиш муҳим.

Экспорт диверсификациясини оширувчи муҳим омиллардан бири - банк тизимининг ривожланишидир. Замонавий адабиётларда банк тизими ривожланишининг экспорт технологик даражасини оширишга бўлган таъсири бўйича 3 асосий йўналиши мавжуд³⁶¹ :

Биринчи йўналишда хом ашё товарлари нархларининг кескин ўзгариши натижасида экспортёрларда диверсификациялашга бўлган иштиёқ ошади. Молиявий институтларнинг ривожланиши эса ҳар хил шаклдаги маҳсулотларни суғурталайди, рискларни диверсификациялайди ва ресурсларни энг самарадор товарлар ишлаб чиқаришга йўналтиради.

Иккинчи йўналиш шуни назарда тутадик, банк тизимининг ривожланиши мамлакатларнинг нисбий устунлигини таъминлайди. Бу йўналиш тарафдорларининг фикрларига кўра, табиий ресурслар билан таъминланганлик ва иқтисодий томондан ривожланганлик даражаси бир-бирига яқин мамлакатларнинг нисбий устунлиги, улар молиявий соҳасининг ривожланганлик даражаси билан аниқланади.

Шунингдек, қайта ишлаш саноати қазиб чиқариш саноатига қараганда, кўпроқ миқдорда молиявий маблағларни талаб этади. Раджан ва Зингалеснинг таъкидлашича, нефть қазиб олиш ҳамда металлургия соҳалари кам миқдорда молиявий маблағ талаб этади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, молиявий соҳа ривожли экспорт концентрациясини камайтиради ва қайта ишлаб чиқариш саноати ривожланишини рағбатлантиради³⁶².

Учинчи йўналиш Шумпетер назариясига асосланган бўлиб, банк тизими инновацияни рағбатлантиришда марказий аҳамият касб этади. Ўз навбатида, бу қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиради. Сўнгги йилларда тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, инновация етарлича рискли бўлиб, бу жараён узок муддатли маблағларни талаб қилади. Шунингдек, давлат кредит-молия институтлари экспорт ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашда хусусийларига қараганда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолатда инновацияни молиялаштиришда банк, давлат венчур фондлари ёки нафақа фондлари маблағларини жалб қилиш тизимини ривожлантириш муҳимдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш стратегиясининг муҳим таркибий қисмларидан бири фаол экспорт сиёсатини юритишдир. Бундай сиёсатнинг моҳиятини кутиб, пойлаб ўтириш эмас, Ўзбекистон товарлари учун бозорларни забт этиш, эгалланган ўринларни бошқалар эгаллаб олишига, бизнинг экспортчиларимизни эгалланган бозорларидан сиқиб чиқаришга йўл қўймаслик ташкил қилади. Бунга эришиш учун маҳсулот сифатини яхшилаш, экспорт товарлари ассортиментини диверсификациялаш, экспортга чиқарилаётган товарлар нархини пасайтириш учун харажатларни камайтириш йўллари излаш каби масалалар билан доим шуғулланиш лозим бўлади. Шунингдек, халқаро ва минтақавий бозорлар сегментларини аниқлаш ва ўзлаштириш бўйича фаол маркетинг стратегиясини яратиш ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармониға 1-илова

³⁶¹ Altowaim S. 2016. Financial development and export diversification in resource-rich developing countries. Department of Economics, University of Glasgow.

³⁶² Beck, T. (2002). Financial development and international trade: is there a link?. Journal of international Economics, 57(1), 107-131.

2. Beck, T. (2002). Financial development and international trade: is there a link?. Journal of international Economics, 57(1), 107-131.

3. Altowaim S. 2016. Financial development and export diversification in resource-rich developing countries. Department of Economics, University of Glasgow.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк маълумотлари www.cbu.uz

ТИЖОРАТБАНКЛАРИ ТОМОНИДАН АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ИЧКИ ОМИЛЛАРНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

А.Норов БМА таянч докторанти

Банк тизими мамлакатда иқтисодидан кейин иккинчи муҳим бўғин ҳисобланади. Бинобарин, банк тизими микродаражадаги кредит институти ҳисобланиб пул молия ташкилотлари хизматларини бажаради. Шу муносабат билан банк кредитларини мамлакат инвестицияларни рағбатлантиришига таъсири ҳам алоҳида аҳамиятга эга, банк тизими "табиий сармоядорлар" дан бири бўлганлиги сабабли унинг асосий вазифаси бозор муносабатлари иштирокчилари ўртасида бўш капитални қайта тақсимлашдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев "...банклар энди халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаши лозим бўлади" деб таъкидлаганлари ҳам, бугунги кунда банкларимизга жуда кўп вазифаларни белгилаб беришбилан бир қаторда банкларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишни ҳам тақозо этади.

Шу ўринда биз мамлакатимиздаги йирик тижорат банкларидан бири АТ "Алоқабанк"нинг фаолиятини таҳлил қилдик. Ушбу банк "Ahror-Reyting" миллий рейтинг агентлиги маълумотларига кўра, АТ "Алоқабанк" биринчи йирик гуруҳ банклар таркибига киради. Мазкур йирик банк миллий иқтисодиётнинг давлат аҳамиятига эга муҳим тармоқларини молиялаштиришда алоҳида ўрин тутди.

Биз АТ "Алоқабанк" фаолиятини 2013 йил 2 чорагидан 2019 йил 2 чорагигача бўлган даврдаги чораклик статистик маълумотларига асосланган эконометрик таҳлил қилиб ўргандик. Таҳлилда Алоқабанкнинг кредит ажратмаларига таъсир қилувчи ички омиллар таҳлил қилинди. Таҳлил учун ҳар бир чоракда ажратилган кредитлар миқдори, муаммоли кредитлар ҳажми, жалб қилинган депозитлар миқдори, банк капитали, кредитлар ҳамда депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари олинди. Миллий валютада берилган барча статистик маълумотлар жами активларга нисбати сифатида ифодаланди. Қуйидаги жадвалда ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси келтирилди.

1-жадвал

Тасвирий статистика.

Ўзгарувчилар	Кузатувлар сони	Ўртача	Стд. чет.	Мин	Макс
kt	25	0.711916	0.075641	0.499308	0.812447
pt	25	0.002612	0.002884	0.000000	0.013428
dt	25	0.571612	0.076224	0.433884	0.714592
xt	25	0.160294	0.027227	0.095319	0.220653
kpt	25	0.145599	0.008690	0.130900	0.158253
dpt	25	0.032081	0.020542	0.006900	0.089837

Жадвал маълумотларига кўра кредитнинг активлардаги улуши таҳлил даврида ўртача 71% ни ташкил этган бўлса, минимум ва максимум миқдори мос равишда 50% ва 81% атрофида бўлган. Муаммоли кредитларнинг умумий активлардаги улуши ўртача 0.2% ни ташкил этган бўлса, минимум ва максимум миқдори мос равишда 0 ва 1.3% ни ташкил этган. Депозитларнинг умумий пасив(актив)даги улушига кўра таҳлил давридаги ўртачаси 57% ни ташкил этган бўлса, таҳлил давридаги улуш 43% ва 71% атрофида тебранган. Капиталнинг активлар улушидаги ўртачаси 16% ни ташкил этгани ҳолда, у 9.5% ва 22% атрофида тебранган. Кредитларнинг ўртача фоиз ставкаси таҳлил

даврида сезиларли даражада тебранмаган ва ўртача 14.5% ни ташкил этган. Депозитлар бўйича фоиз ставка эса юқори даражадаги тебранишга эга бўлгани ҳолда ўртачаси 3% атрофида бўлган.

2-жадвал

Корреляция матрицаси.

	kt	pt	dt	xt	kpt	dpt
kt	1.00					
pt	0.20	1.00				
dt	-0.28	-0.45	1.00			
xt	0.59	0.09	-0.28	1.00		
kpt	0.23	-0.05	0.12	0.61	1.00	
dpt	0.45	-0.17	0.57	0.32	0.54	1.00

Юқоридаги корреляция матрицасига кўра, кредит ва депозит фоиз ставкалари ўртасида юқори даражадаги ижобий корреляция мавжуд. Шунингдек, банк капитали ва кредитлар ўртасида ҳам юқори даражадаги ижобий корреляция мавжудлигини жадвал маълумотларидан кўриш мумкин. Ажратилган кредитлар билан жалб қилинган депозитлар ўртасида тескари корреляция мавжуд бўлгани ҳолда депозит фоиз ставкаси билан ижобий кучли корреляция мавжуд. Бундан ташқари, ажратилган кредитлар ва ўртача кредит фоиз ставкаси ўртасидаги корреляция ижобий бўлсада, кучсиз эканлигини кўриш мумкин. Жалб этилган депозитлар билан ўртача депозитлар бўйича фоиз ставка ўртасидаги корреляция ижобий ҳамда нисбатан анча кучлилигини кўриш мумкин.

3-жадвал

Бирлик илдиз тести натижалари.

Ўзгарувчилар	Диккей-Фуллер тести	Хулоса	Ўзгарувчилар	Диккей-Фуллер тести	Хулоса
kt	-1.877	I(1)	Δ_{kt}	-4.841	I(0)
pt	-2.944	I(1)	Δ_{pt}	-5.951	I(0)
dt	-1.226	I(1)	Δ_{dt}	-5.130	I(0)
xt	-2.426	I(1)	Δ_{xt}	-6.295	I(0)
kpt	-0.833	I(1)	Δ_{kpt}	-3.715	I(0)
dpt	1.077	I(1)	Δ_{dpt}	-4.902	I(0)

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, барча ўзгарувчилар биринчи даражали фарқда стационар бўлиб, ноль даражали фарқ эса барча ўзгарувчилар ностационар кўринишга эга. Аммо, кузатувлар сони камлиги сабабли ҳар иккала ҳолат билан ҳам регрессия амалга оширилди. Қуйидаги жадвалда регрессия натижалари келтирилди.

4-жадвал

Регрессия натижалари.

Ўзгарувчилар	Модел [1]	Модел [2]	Ўзгарувчилар	Модел [3]
lkt		0.59*** [0.14]		
pt	3.19 [5.14]	1.35 [3.61]	Δ_{pt}	0.28 [3.12]
dt	-0.02[0.22]	-0.09 [0.15]	Δ_{dt}	-0.38 [0.25]
xt	1.86** [0.68]	1.12 **[0.52]	Δ_{xt}	1.36*** [0.41]
kpt	-1.37 [2.07]	0.81 [1.55]	Δ_{kpt}	1.11 [2.23]
constant	0.62** [0.24]	0.05 [0.22]	constant	0.00 [0.01]
R-squared	0.39	0.72	R-squared	0.53
Adj R-squared	0.27	0.64	Adj R-squared	0.40

Кузатувлар	25	24	Кузатувлар	24
Дурбин автокорреляция тести [p-value]	19.10 [0.00]	0.11 [0.74]		1.96 [0.16]
Бреусч-Годфрейавтокорреляция тести [p-value]	12.53 [0.00]	0.16 [0.69]		2.49 [0.11]

Юқоридаги таҳлилларимиз натижасида биз қуйидаги хулосага келишимиз мумкин, биринчи модел натижаларга кўра, банкнинг хусусий капитали банк кредитлари ҳажмини белгиловчи асосий восита бўлиб қолмоқда. Аммо, ушбу моделда автокоррелция муаммоси бор бўлиб, уни икки тест натижаларидан кўриш мумкин. Иккинчи моделда автокорреляция муаммосини ҳал этганимизда кредит ҳажмининг катталиги ҳамда банк капитали банк томонидан кредит ажратилишида асосий мезон бўлмоқда. Ушбу икки моделда ҳам ўзгарувчиларнинг ностационарлиги эътиборга олинмаганлиги натижаларни бироз шухба остига олади. Шунинг учун ҳам учинчи моделда ўзгарувчилар стационар шаклга келтирилди ҳамда регрессия амалга оширилди. Регрессия натижаларига кўра банк капиталининг ўзгариши кредит ҳажми ўзгаришида асосий роль ўйнамоқда. Учинчи моделнинг автокорреляция тести натижаларига кўра ушбу моделда автокорреляция муаммоси мавжуд эмас. Шунингдек, барча модел натижаларига кўра бошқа ўзгарувчилар кредит ҳажмини тебранишида таъсирга эга эмаслигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016 й.

2. <https://alqabank.uz/>

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ЭЛЕКТРОН ПУЛЛАР ТИЗИМИНИ ТАРТИБГА СОЛИШЧИ МЕЪЁРИЙ АСОСЛАР

Аннакулов Б. БМА тингловчиси

Банк тизими барқарорлигининг таъминланиши, соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг изчил бориши мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Пулнинг эвалюцион ривожланишида инновацион кўринишининг пайдо бўлишига: жамиятимизда мавжуд пуллардан тез ва қулай фойдаланишга бўлган эҳтиёж борган сари ошиб бориб, пулнинг қулай эвалюцион шакли электрон пулларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Бугунги кунда электрон пуллардан - пулларни узатиш ва сақлаш ҳамда тизимли компьютер тармоқларидаги воситачи сифатида фойдаланиш мумкин. Электрон пуллар - муомалада бўлган миллий бирликдаги пуллар ёки нодавлат хусусий(шахсий) пул ва унга тенглаштирилган бирликлар. Электрон пуллардан фойдаланиш ва уларни тартибга солишда, мамлакатнинг Марказий банки томонидан белгиланган ва қабул қилинган тартиб қоидалар ёки нодавлат тўлов тизимлари қоидалари асосида амалга оширилади. Дунё пул бозорида янги электрон пуллар, виртуал пуллар назарияси пайдо бўлганидан сўнг, кўпгина олимлар ушбу назарияни тўлақонли маъқуллашмаган. Бугунги кундаги молиявий-иқтисодий ўзгаришларнинг туб моҳияти ҳам шундаки, инсоният учун қулай шароитларни яратиш ҳамда жараённи замонавий даражага олиб чиқишдан иборатдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори³⁶³ ҳам қабул қилинган бўлиб, унда мамлакатда электрон тижоратнинг тўлақонли бозорини яратишга, товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишига тўсиқ бўлаётган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётганлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ҳозирги кунда тўловларни амалга ошириш узлуксизлигини таъминлаш, инновацион маҳсулотларни жорий қилиш, банк хизматларининг оммабоплигини таъминлаш ҳамда тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳамда банк хизматлари оммабоплигини оширишга йўналтирилган Фармон ва қарорларининг қабул қилиниши юртимизда банклар ва тўлов тизими барқарорлигини таъминлашнинг стратегик мақсадли йўналишларини белгилаб берди. Шундан келиб чиқиб, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Ҳозирга қадар амалда бўлган “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва қонуности ҳужжатлари фақатгина банк соҳасининг тегишли қисмига тааллуқли экани ҳеч кимга сир эмас. Бундан ташқари, банк ва нобанк молия институтларида рақамли банк технологияларининг ривожланиши тўлов хизматлари соҳасида янги субъектлар, яъни тўлов тизими операторларининг ва тўлов ташкилотларининг вужудга келишига замин яратди. Мамлакатимизда тўлов ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонуннинг мавжуд эмаслиги соҳанинг тўлақонли фаолият юритишига, улардаги хизмат турларининг кенгайишига тўсиқ бўлаётган эди. Таъкидлаш жоиз, ривожланган давлатларда тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасини, жумладан, электрон пуллар тизимини тартибга солувчи қонунлар мавжуд. Бугунги кунга келиб, тўловлар ва тўлов тизимини тартибга солувчи ва унинг назоратини олиб боровчи ваколатли давлат органининг белгиланмагани бу соҳада хатарларнинг вужудга келишига йўл очаётган эди. Эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўловлар соҳасида кўрсатиладиган хизматларнинг қўламини кенгайтириб, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг турли хил хизматлар кўрсатиш, жумладан, электрон пуллар билан операцияларни амалга ошириш ваколатини беради. Бу, албатта, тўлов тизимидан фойдаланувчиларга кенг имкониятлар яратиб, тўлов хизматларининг оммабоплиги ва шаффофлигини таъминлайди, тўлов инфратузилмасининг кенгайишига олиб келади. Шу билан бирга, қонуннинг қабул қилиниши миллий тўлов тизимларининг узлуксизлигини таъминлашга, уларнинг барқарорлигини оширишга, банклар ва тўлов ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг яратилишига, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини ҳимоя қилишга ёрдам беради. Миллий тўлов тизимининг янада такомиллаштирилиши юртимиз аҳолиси ва тадбиркорлик субъектлари учун хавфсиз, ишончли ва қонуний кафолатланган тўлов хизматлари бозорининг тўлақонли шакллантирилишига шароит яратади. Миллий тўлов тизимининг институционал, инфратузилмавий ва меъёрий-ҳуқуқий базасининг такомиллаштирилиши, банк хизматлари қамрови ва оммабоплигининг илғор ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожланиши

³⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ 3724-сонли «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори

аҳолининг ҳам, тадбиркорлик субъектларининг ҳам тўлов хизматлари бозоридаги талаби қондирилишига кўмаклашади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши нақд пулсиз, шу жумладан, банк пластик карткалари орқали тўловларнинг амалга оширилишида аҳоли ва тадбиркорларнинг ҳамда улардан тўловларни қабул қилиб олувчилар ўртасида ҳисоб-китобларнинг замонавий, самарали тизимининг йўлга қўйилишида муҳим омил бўлади. Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган рақамли иқтисодиётнинг такомиллаштирилиши, уни модернизация қилиш ҳамда “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг ҳажмини кескин қисқартириш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ 3724-сонли «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармони](#). Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида : расмий нашр. -Т.: Адолат, 2017. -112 б.

МАМЛАКАТИМИЗ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТАРИФ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бекчанов Х. БМА тингловчиси

Банклар жисмоний ва юридик шахслардан бўш маблағларни жалб қилиш, ушбу маблағлардан кредит ва инвестициялаш учун фойдаланиш ҳамда тўлов операцияларини амалга ошириш жараёнида турли хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ вазифаларни бажариши барчага маълум. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"³⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ва қамровини ошириш, шу жумладан иқтисодиёт соҳаларида тўловларнинг замонавий электрон шакллари жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, шунингдек, банк пластик карталари орқали ҳамда ҳисоб рақамларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан («СМС-банкнинг», «Интернет-банк», «Мобил-банкнинг») фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари қайд этилган.

Амалиётда хизматлар тарифи банк тариф сиёсатига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахс – мижоз учун ишлаб чиқилади ва жорий этилади. Тариф сиёсати банк бизнес-режасининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, кредит, депозит, фоиз сиёсати каби банк фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Тариф сиёсати – хизматларни турли усул, услуб ва тамойиллар асосида мижозларга тақдим этган ҳолда даромадни максималлаштиришни назарда тутувчи банкнинг ички ҳужжатиدير. Тариф сиёсатидан келиб чиққан ҳолда хизматларнинг тарифлар режаси ишлаб чиқилади. Унда жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган турли хилдаги хизматлар нархи (воситачилик ҳақи, комисион тўлови) акс этади. Жумладан: -нақд пулсиз ҳисоб-китоб ва тўловлар билан боғлиқ хизматлар;

-миллий ва хорижий валютадаги депозит ҳисобварағини очиш, юритиш, ёпиш ва бошқа шу билан боғлиқ хизматлар; -кредит (лизинг, факторинг) асосида хизматларни

³⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармони](#). Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида : расмий нашр. -Т.: Адолат, 2017. -112 б.

тақдим этиш; -банк пластик карточкаларини очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
-«Интернет-банкнинг» ва «Банк-мижоз», «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» дастурлари асосида кўрсатиладиган хизматлар;

-экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш ва уларнинг ҳисоби;
-миллий ва хорижий валютадаги нақд пул маблағларига оид хизматлар;
-пул ўтказмалари билан боғлиқ хизматлар; -

қимматли қоғозларга доир амалга ошириладиган операциялар бўйича хизматлар ҳамда банк фаолияти билан боғлиқ бошқа хизматлар.

Таъкидлаш жоизки, хизмат тарифи ҳам банк, ҳам мижоз учун фойдали бўлишини таъминлаш масъулиятли вазифалардандир. Бу борада табиийки, банк мутахассисларидан юқори малака ва тажриба талаб этилади. Шунингдек, тариф сиёсатини оқилона олиб бориш орқали банк молиявий аҳволи ва ресурс базасини бошқариш ёки уларга таъсир этиш мумкин. Ҳатто кучли рақобат шароитида хизмат тарифини имтиёзлар қўллаган ҳолда қулайлаштириш йирик мижозларни банкка жалб қилиш имкониятини кенгайтиради. Жаҳон мамлакатларидаги тижорат банклари мижозларнинг банк хизматида қизиқишини янада ошириш ва даромадни максималлаштириш мақсадида хизматлар тарифларини турли усуллардан фойдаланган ҳолда белгилайди. Жумладан, мижозларга сифатли хизмат кўрсатишда кенг қўлланаётган усуллардан бири – бу хизматлар тарифлари тўплами (пакети)ни ишлаб чиқиш ва тақдим этишдир. Ҳозирги кунда ушбу усул ривожланган мамлакатлар банклари амалиётида кенг қўлланмоқда. АҚШ ва Европанинг йирик банклари эса мазкур усулни бир неча ўн йиллардан буён муваффақиятли қўлламоқда.

Чет эл банк амалиётида банк хизматлари пакети қуйидагиларни эътиборга олган ҳолда тақдим этилади: мижознинг ҳисобрақамидаги ўртача бир ойлик қолдиқ маблағ ҳисобга олинishi. Бунда, банк мижозлари ҳисобрақамда бир ойда ўртача қанча қолдиқ бўлишига қараб гуруҳланадилар. Мижознинг ҳисобрақамида маблағ қанча кўп бўлса, унга шунча арзон тариф пакетидан фойдаланиш имкони мавжуд; жисмоний ва юридик шахслар учун турли тарифлардан иборат турлича тариф пакетлари ишлаб чиқилиб, тақдим этилади. Мижоз эса хоҳишига кўра, ўзи учун қулай ва фойдалисини танлайди.

Бугун мамлакатимизда, асосан, хусусий банкларда хизматлар тариф пакетлари жорий этилган. Айниқса, хизматларни турли хилдаги тариф пакетларида тақдим этиш амалиёти аҳолига мобиль алоқа ва интернет хизматларини кўрсатиб келаётган компанияларда анча ривожланган. Бундан ташқари, айрим мамлакатлар банк тизими амалиётида тарифлар чекка ҳудудлардаги филиаллар мижозлари учун ҳам алоҳида белгиланишини кузатиш мумкин. Бунда, хизматлар тарифи шаҳарлар учун алоҳида, туман ва қишлоқ жойлари учун алоҳида, имтиёз ҳамда чегирмалар белгиланган ҳолда шакллантирилади. Мазкур усул чет давлатларда, асосан, Россия Федерацияси банклари амалиётида кенг жорий этилган.

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган акциядорлик-тижорат «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Ипотека-банк»нинг айрим турдаги хизмати тарифида ҳам ҳудудий омил эътиборга олинган. Яъни банкнинг шаҳарда жойлашган филиали мижозлари учун алоҳида, туман ва қишлоқ жойларда жойлашган филиали мижозлари учун алоҳида нарх белгиланишини кузатиш мумкин. Тариф сиёсатида бу каби усул, асосан, банкнинг чекка ҳудуддаги филиаллари мижозларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўлланади. Шу билан бирга, айрим ривожланган давлатларнинг йирик банклари мижозлар қизиқишини ошириш ва даромадни максималлаштириш мақсадида ўша давлатнинг байрам кунлари ёки алоҳида аҳамиятга молик саналарда банк хизматларига турли чегирма ва имтиёзлар қўллайди. Бу турдаги акцияларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш урфга айланган. Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддасида банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдори

банклар томонидан мустақил белгиланиши қайд этилган. Унга мувофиқ, тижорат банклари хизматлар тарифини белгилашда иқтисодий шарт-шароитдан келиб чиқиб, мижозларни кўпроқ жалб этиш, даромадни ошириш ҳамда рақобат каби омилларни эътиборга олиб, мустақил тарзда иш олиб борадилар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз тижорат банклари хизматлари тарифини белгилашни такомиллаштириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалиётда қўллаш мақсадга мувофиқдир: банклар бизнес-режа, хусусан, унинг таркибидаги тариф сиёсатини шакллантиришда хорижнинг ривожланган давлатлар йирик банклари амалиётида қўлланаётган усулларни татбиқ этгани ҳолда замон талаблари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиқиб ишлаб чиқиши; хизматларга қатъий белгиланган баҳолаш тизимидан воз кечиб, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва мижозлар талабларига тез мослаша оладиган рақобатбардош тарифларни белгилаш лозим; юртимиздаги чекка туман ва қишлоқлар аҳолисининг банк хизматларига бўлган қизиқишини ошириш мақсадида тижорат банклари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, хизматлар тарифини чекка ҳудудлардаги филиаллар мижозларига имтиёз ва чегирмалар билан белгилаши; янги банк хизматларини мижозларга тақдим этишни кенгайтириш учун банкларда профессионал даражада маркетинг амалиётини ташкил этиш, тариф сиёсати ва хизматлар тарифлари билан шуғулланадиган тегишли бошқарма ҳамда бўлимлар фаолиятини янада ривожлантириш, уларга юқори малакали маркетингларни жалб қилиш лозим. Рақобат шароитида банк хизмати тарифини белгилаш юзасидан юқорида баён этилган таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этиш – мижозларнинг банк хизматларига қизиқиши ортишига, бу эса мижозлар сафи кенгайиши ва даромад максималлашувига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида : расмий нашр. -Т.: Адолат, 2017. -112 б.

2. Қарор(2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

3. Алиқориев О.Ф.(2011) Тижорат банкларида молиявий хизматлар турларини ривожлантириш йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент.- 10 б.

ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Бердиев Т. Арипов М. ЎзР Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси*

Банк тизимининг ривожланиши иқтисодиёт ва молиявий муносабатларнинг ривожланиши билан ҳамоханг боғлиқдир. Банк молиявий воситачи сифатида турли соҳаларда тақсимланган пул оқимларини келтириб чиқаради. Тижорат банклари даромад олиш ва ривожланиш имконини берадиган барқарор хўжалик субъектларига замонавий банк хизматларини кўрсатишга алоҳида эътибор қаритишлари муҳим саналади.

Сўнгги йилларда инновацион технологияларнинг ривожланиши нафақат банк сектори, балки бутун мамлакат молия тизимининг талаби ҳисобланади. Шубҳасиз, ахборот оқимларининг шаклланиши маълумотларни қайта ишлашнинг шаффофлиги ва тезлиги ва уларни турли хил фойдаланувчиларга керакли миқдорда бериш билан боғлиқ. Олинган маълумотларнинг сифати, ўз вақтида қабул қилиниши ва етказилиши, банк хизматлари соҳасида хавфларни минималлаштириш тижорат банклари фаолиятининг муҳим омилдир.

Давлатнинг инновацион технологияларни жорий этиш истаги бутун иқтисодиётнинг реал секторлари фаолиятини фаоллаштиришга имкон беради. Бу

мамлакат иқтисодиётини ҳозирги давр учун ривожлантириш стратегиясида устувор вазифага айланмоқда. Мамлакатимиз банк тизими жаҳон банк тизими билан фаол интеграциялашуви жараёнида, банклар ўзлари учун минимал хавф билан молиявий ресурслардан иложи борица фаол фойдаланишга интиломоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида “янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарурлиги”ни таъкидлаб ўтганлар³⁶⁵.

Юқорида белгилаб берилган вазифадан келиб чиқиб, тижорат банклари масофадан туриб хизмат кўрсатиш орқали кенг қамровли замонавий банк хизмат турларини таклифи кенгайтириб бориши долзарб масалада ҳисобланади.

Инновацион технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб банк хизматлари кўрсатишнинг кенгайтирилиши аҳолини банк хизматлари билан қамраб олиш даражасининг ошишига, тўловларни ўтказиш билан боғлиқ банк хизматларининг шаффофлиги ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Шу ўринда, банк ҳисобварағига масофадан хизмат кўрсатиш ёки масофавий банк хизматлари борасида рус иқтисодчи олими В.К.Спильниченконинг фикрича «Банк ҳисобварағига масофадан хизмат кўрсатиш миқдорнинг ҳисобварағи бўйича операцияларни унинг банкка ташриф буюрмасдан берган топшириғига асосан бажариш бўлиб, банк ҳисобварағига масофадан хизмат кўрсатиш телекоммуникация тизими орқали банкнинг маълумотлар базасига миқдорнинг мурожаатига асосланади³⁶⁶.

Н.И.Лиходеева банк ҳисобварағига масофадан хизмат кўрсатиш тизимини миқдор томонидан компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда банкка ташриф буюрмасдан яъни масофадан буюртмалар асосида банк хизматларини тақдим этиш технологияси сифатида эътироф этган³⁶⁷.

Ўзбекистонда масофали банк хизматларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5296-сон Фармонида муҳим устувор йўналишлар қаторида тўлов тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан реал вақт режимида ҳисобрақамларни бошқариш ва банк операцияларини амалга ошириш имконини берадиган тижорат банкларининг масофавий банк хизматларини тақдим этишда ахборот тизимларининг самарали ўзаро алоқаларини ташкил этиш белгилаб берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3620-сон Қарорида Ўзбекистон банклари ассоциациясига банк хизматлари оммабоплигини ошириш мақсадида масофавий банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича замонавий ва илғор банк хизматларини амалиётда рўёбга чиқариш ташаббусларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш вазифаси белгиланди. Ушбу вазифаларнинг белгиланиши тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва замонавий хизматларни жорий этишни кенгайтириб боришни тақозо этади.

³⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси - 2018 йил 28 декабрь.-Тошкент.: - <http://uza.uz-сайти> маълумотлари.

³⁶⁶ Спильниченко В.К. Трансформация банковских платежных систем в экономике России // Экономический журнал. 2012. № 2 (26).

³⁶⁷ Лиходеева Н. И. Применение электронного банкинга при заключении и исполнении банковских договоров // Юридическая работа в кредитной организации. – 2014.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан қуйидаги масофадан бошқариш тизимлари амал қилмоқда:

- банк-мижоз;-интернет-банкинг;
- мобиль-банкинг;-sms-банкинг.

Ушбу тизимлар юридик шахсларга ҳисобрақамларини масофадан туриб бошқариш, реал вақт режимида ҳолатини билиш, хизмат кўрсатувчи банкка тегишли кўрсатмалар бериш имкониятини тақдим этади. Жисмоний шахслар картадан картага пул ўтказиш операцияларини бажариш; алоқа, коммунал, солиқ, бюджет, интернет-провайдерлар, рақамли телевидение ва бошқа қатор тўловларни амалга ошириш; талабларига кўра банк пластик карталарини блокдаш (блокдан чиқариш); олинган кредит бўйича тўловларни амалга ошириш; онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда кредит ҳисобварақларини масофадан очиш; халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш, онлайн конверсия хизматлари; халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келган маблағларни хоҳишларига кўра банк ҳисобварағи ёки банк картасига кирим қилиш каби операцияларни бажаришлари таъминланмоқда. Шунингдек, банк инфратузилмалари (филиаллар, айирбошлаш шахобчалари, банккомат ва инфокиосklar) дислокацияси ҳақида маълумот олиш имкони тақдим этилмоқда.

Юқорида қайд этилган масофадан банк хизматини кўрсатишни жорий этиш натижасида 2019 йил 1 январь ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматидан фойдаланувчилар сони қарийб 8 млн. нафарни ташкил қилган. Шундан 359,8 минг нафар юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда банк карталари ва депозит ҳисобварақлари масофадан бошқариш тизимидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 7,6 млн.нафар³⁶⁸.

Хулоса қилиб айтганда, масофавий банк хизматларини оммабоплиги сўнгги йилларда ошиб бормоқда.

Лекин, масофавий банк хизматларини янада ривожлантиришда айрим муаммолар тўскинлик қилмоқда.

Жумладан:

- Айрим тижорат банкларимизнинг техник-дастурий таъминоти замон талабларидан ортда қолаётгани;

- Аҳолини хали ҳам банк хизматларини замонавий шаклларида кўра анъанавий “Қоғоз шакл” кўпроқ ишониши;

- Мамакатимизда интернет тезлигини пастлиги;

- Аҳолини масофавий банк хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган смартфон ва планшетлар билан таъминланганлиги даражаси пастлиги.

Ушбу муаммо ва камчиликларини бартараф этиш учун:

- Тижорат банклари томонидан ўз фаолиятларини техник-дастурий таъминотини яхшилашга жиддий эътибор қаратишлари зарур.

- Аҳоли ўртасида замонавий банк хизматларини тарғиботини кўпайтириш, анъанавий банк хизматларини нисбатан масофавий хизматлар бўйича банк тўловларини камайитириш зарур.

- Мамлакатимиз чекка ҳудудларида “Бир оилага бир планшет” дастурини амалга ошириш. Шу ҳудудларда жойлашган тижорат банклари хизматларидан фойдаланиш шартлари билан планшетлар олиш учун имтиёзли истеъмол кредитлари ажратиш зарур.

Банклар учун масофавий банк хизматларини ривожлантириш фойдаланилмаган ресурслардан даромадларни кўпайтириш ва банк хизматлари сифатини оширишга

³⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2018 йил фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи. <http://cbu.uz/uzc/publikacii/otchet/>

қўлай шароит яратади. Бундан ташқари, рақобат муҳитининг ўзи банкларни узоқ банк тизимларини жорий этишга жиддий эътибор беришга мажбур қилади.

Биринчидан, масофавий хизматлардан фойдаланиш мижозларга хизматнинг тубдан янги даражасини тақдим этиш имкониятини беради.

Иккинчидан, Мижоз учун максимал қулайлик ва минимал вақт ва молиявий харажатларни англатади. Банк учун - бу кўрсаткичларнинг ўсиши, харажатларни камайтириш ва мижозлар базасини сезиларли равишда ошириш имкониятидир.

Ўз фаолиятини банк бизнесининг янги талаблари ва замонавий технологияларига мувофиқ равишда тубдан қайта ташкил этган банклар рақобатда ғолиб чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Спильниченко В.К. Трансформация банковских платежных систем в экономике России // Экономический журнал. 2012.

2. Мамадияров З.Т. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларининг эволюцияси ва ривожланиш босқичлари (халқаро тажриба).-Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали.-№6 декабрь-2018 йил.

3. Лиходеева Н. И. Применение электронного банкинга при заключении и исполнении банковских договоров Юридическая работа в кредитной организации. – 2014.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО САВДОНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ


Мажидов Ж.Тошкент молия институти докторанти

Тижорат банкларининг кредитлари халқаро савдони молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг халқаро факторинг ва халқаро форфейтинг кредитлари ҳисобидан экспорт операциялари молиялаштирилса, уларнинг овердрафт, контокоррент, муддатли кредитлари ҳисобидан импорт операциялари молиялаштирилади.

Расм маълумотларидан кўринадики, хорижий валюталарда берилган кредитлар тижорат банкларининг кредит портфелида сезиларли даражада катта салмоқни эгаллайди.

Айни вақтда, республикаимиз тижорат банкларининг халқаро савдони молиялаштиришдаги ролини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Улардан асосийлари, фикримизча, қуйидагилардан иборатдир:



Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг миллий валютада ва хорижий валюталарда берилган кредитларининг миқдори³⁶⁹, трлн. сўм

³⁶⁹ Расм муаллиф томонидан www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) веб-сайти маълумотлари асосида тузилган.

1. Тижорат банклари томонидан берилаётган халқаро кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлиги.

Агробанк орқали Туркиянинг “Зираат” банкининг кредит линияси орқали берилаётган халқаро кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси 6 ойлик Libor + 8,75 фоизни ташкил этади. Ёки ЎзСаноатқурилишбанк томонидан Кореянинг ЭКСИМ банкининг кредит линияси ҳисобидан берилаётган халқаро кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси 11-12 фоизни ташкил этмоқда.

2. Банк кафолатларидан халқаро савдони молиялаштиришда кенг қўламда фойдаланлмаётганлиги.

Тараққий этган мамлакатларнинг амалиётида халқаро савдон молиялаштиришда тижорат банкларининг кафолатларидан кенг қўламда фойдаланилмоқда.

Экспортёрнинг банки етказиб бериладиган товарни ўз вақтида ва сифатли етказиб берилиши юзасидан кафолат беради. Агар экспортёр шартнома шартини бузса, унда экспортёрнинг банки импортёр томонидан тўлаб берилган суммани қайтариб беради ва экспортёр тўлаши лозим бўлган жаримани тўлайди.

Импортёрнинг банки импорт қилинадиган товарнинг тўлови бўйича кафолат беради. Агар импортёр товар суммасини тўлай олмай қолса, унда импортёрнинг банки тўлаб беради.

3. Тижорат банклари томонидан мижозларнинг импорт тўловлари бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларни халқаро кредитлар ҳисобидан тўлашни йўлга қўйилмаганлигидир.

Республикамиз тижорат банклари томонидан импорт тўловлари бўйича очилаётган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг 90 фоиздан ортиқ қисмини таъминланган аккредитивларнинг ҳиссасига тўғри келаётганлигидир.

Муаммонинг моҳияти шундаки, таъминланган ҳужжатлаштирилган аккредитивларда тўлов суммаси мижознинг жорий ҳисобрақамидан олиниб, алоҳида ҳисобрақамда депонент қилинади. Натижада, ушбу маблағлар импортчи корхонанинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолади. Тижорат банклари ҳам, ўз наватида, юқори даромад олиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда.

Шунингдек, хорижий кредит линияларига эга бўлиб туриб ўз мажбуриятларини вақтида бажара олмаётган корхоналар банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан хорижий кредиторларга уларнинг асосий қарзлари ва фоизларини тўлаб бериш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса кредит ва фоизларни банкка қайтарилмасдан муддатлари қайта қайта узайтирилишига сабаб бўлмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг халқаро савдони молиялаштиришдаги ролини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан берилаётган халқаро кредитларнинг фоиз ставкаларини ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида уларнинг фоиз ставкасини юқори чегарасини соф фоизли маржанинг меъёрий даражасидан келиб чиққан ҳолда, Libor + 4,5 % қилиб белгилаш керак.

2. Тижорат банкларининг кафолатларидан халқаро савдони молиялаштиришда кенг қўламда қўллаш орқали сифатсиз товарлар етказиб берш risks ва тўлов risks даражаларини пасайтириш лозим.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ЙЎҚОТИШЛАРГА РЕЗЕРВНИНГ ТАЪСИРИ

PhD Абдуллаев З.А. “Молия” кафедраси катта ўқитувчиси

Охирги йилларда, қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи ва тартибга солувчи органлар томонидан кредитлар бўйича йўқотишлар учун резервларга солиқ чегирмаларини ошириш имкониятлари кўриб чиқилган бўлиб, солиқ чегирмалари йўқотишларни тегишли ҳисобот даврида акс этишини таъминлайди. Бироқ, корпоратив даромад солиқ тизимининг йўқотишлар бўйича резервга таъсирини баҳолаш юзасидан кам сонли эмпирик тадқиқотлар олиб борилган. Солиқ имтиёзларининг кредитлар бўйича йўқотишлар учун резервлар шакллантирилишига таъсир этиши жуда муҳим ҳисобланади, чунки йўқотишларга резервлар банклар учун молиявий ҳисоботни дискрецион танловида энг муҳим ҳисобланади³⁷⁰.

K. Andries, J. Gallemore ва M. Jacobлар томонидан ўтказилган эмпирик таҳлилда кредитлар бўйича йўқотишлар учун резервларнинг умумий суммасига солиқ чегирмалари кўзда тутилган мамлакатларда, корпоратив даромад солиғи ставкасининг 1 фоизга кўтарилиши, резервлар миқдорини ўртача 4,9 фоизга ўсишига олиб келиши аниқланган³⁷¹. Аксарият, мамлакатларда банклардан молиявий ҳисоб мақсадлари учун кредитлар бўйича йўқотишларга резервларни тан олиниши талаб қилиниб, солиқ режимида ушбу резервларга нисбатан солиқ чегирмалари қўлланилади.

Айрим мамлакатларда солиқ солиш мақсадларида, банкларга умумий резервларни чегиришга (қадрсизланган сифатида конкрет аниқланмаган мавжуд кредитлар бўйича резервлар) рухсат берилган бир вақтда, бошқалар мамлакатларнинг солиқ тизимида эса маълум қадрсизланган кредитлар бўйича резервларга чегирмалар рухсат берилган ёки умуман солиқ чегирмалари мавжуд эмас. Бизнингча, юқори даражадаги резервлар банк бошқарувчилари учун салбий ҳолатларни келтириб юзага келтириши мумкин, яъни капиталга нисбатан минимал талабни оширилиши ёки паст даромадлар олиниши оқибатида рентабелликни пасайиб кетишига олиб келади. Бизнинг фикримизга кўра, кредитлар бўйича йўқотишлар учун резерв қилинишига корпоратив солиқ тизимининг иқтисодий муҳим таъсирини таҳлил қилиш эмпирик масала ҳисобланади.

Кутилаётган зарарни аниқланишининг кечиктирилиши банк фаолиятига боғлиқ қуйидаги 3 та турли рисклар даражасини ўсишига, яъни алоҳида банклар балансини камайиши, тизимли рискка сезувчанликни пасайиши ва умумий банк секторини қисқариш рискини ортишига олиб келади³⁷². Шу билан бирга, кутилаётган зарар миқдорини аниқлашни кечиктириш, пасайиш давларида банклар балансининг сезиларли даражада қисқаришга олиб келувчи юқори риск билан боғлиқ. Бундан ташқари, банкларда кутилаётган зарарни аниқланишининг кечиктирилиши эҳтимоллигини юқорилиги, банк тизими таҳликасини камайитиш рискига нисбатан банкларнинг сезувчанлигини ошириши ва тизимли рискни келтириб чиқариши мумкин. Gallemore томонидан 2007-2009 йиллардаги молиявий инқироз давридаги АҚШ банкларини ўрганиш асосида, кредитлар бўйича йўқотишларни тан олинишини кечиктирилиши билан тартибга солувчи органларнинг

³⁷⁰Ryan S. G. 2011. Financial Reporting for Financial Instruments. Foundations and Trends in Accounting 6 (3/4):187-188.; Beatty A. and S. Liao. 2014. Financial Accounting in the Banking Industry: A Review of the Empirical Literature. Journal of Accounting and Economics 58 (2/3):339-383.

³⁷¹Andries K., Gallemore J., Jacob M. 2017. The effect of corporate taxation on bank transparency: Evidence from loan loss provisions Journal of Accounting and Economics 63 (2017) 307-328.

³⁷²Bushman R. M. and C. D. Williams. 2012. Accounting Discretion, Loan Loss Provisioning, and Discipline of Banks' Risk-Taking. Journal of Accounting and Economics 54 (1):1-18. Bushman, R. M., and C. D. Williams. 2015. Delayed Expected Loss Recognition and the Risk Profile of Banks. Journal of Accounting Research 53 (3):511-553.

аралашувларини эҳтимоллиги ўртасида салбий боғланиш мавжудлиги аниқланган³⁷³. Фикримизга кўра, мазкур тадқиқот натижалари, кредитлар бўйича йўқотишларни тан олинишининг кечиктирилишини тартибга солувчи органларнинг қарорига таъсир этиши мумкинлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, корпоратив солиқ тизими кредитлар бўйича йўқотишларни ўз вақтида тан олинишини рағбатлантириши орқали, банклар балансининг шаффофлигига ҳисса қўшади³⁷⁴. Кредитлар бўйича йўқотишларга резервлар банкнинг умумий тўловларини ярмидан кўп қисмини ташкил этиб, бу жами харажатларнинг сезиларли қисмидаги ўзгаришларни изоҳлайди³⁷⁵. Бундан ташқари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС, IFRS) ва АҚШ нинг бухгалтерия ҳисобининг умумий тамойиллари (GAAP) асосида кредитлар бўйича йўқотишларга резервларни шакллантирилиши, биринчи даражали капитални қисқаришига олиб келиши ва бу банкларга қўшимча юк бўлиши мумкин³⁷⁶. Кўриниб турибдики, банк кредитлари бўйича йўқотишларни қоплаш учун шакллантирилган резервлар ёстик вазифасини бажаради. Шу билан бирга, кредитлар бўйича йўқотишларга резервлар чегириладиган харажатлар таркибига киритилган бўлиб, соф фойда ва тартибга солувчи капитални (тақсимланмаган фойдани камайиши ҳисобига) қисқартиради. Кредитлар бўйича йўқотишлар резерв миқдорига тенг бўлганда, кредитларни ҳисобдан чиқарилиши фойда ёки регулятив капиталга таъсир этмайди, чунки қутилаётган йўқотишлар резерв билан таъминланган вақтида даромад билан қопланган.

Кредитлар бўйича йўқотишларга резервлар учун солиқ режимлари икки категорияга бўлинади: резерв усули ва ҳисобдан чиқариш усули. Жумладан, бир қатор мамлакатларда (масалан, Германияда) умумий резервлар учун солиқ чегирмаларига рухсат берилиб, маълум бир кредитлар ёки кредит манбаларига боғланмаган. Бошқа мамлакатларда (масалан, Канада, Франция ва Буюк Британия) фақат маълум бир кредитлар ёки кредит манбалари билан боғлиқ резервлар учун солиқ чегирмалари мавжуд. Айрим мамлакатларда (масалан, Аргентина, Янги Зеландия) ҳисобдан чиқариш усули қўлланилади.

Тадқиқотлардан чиқарилган хулосаларга кўра, кредитлар бўйича йўқотишларни ўз вақтида тан олинишига рискларнинг ўсиши эмас, балки корпоратив солиқ тизимининг таъсири муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, корпоратив солиқ тизими банкларнинг кредитлар бўйича йўқотишларга резервларни оширишга ундаши орқали, банк фаолияти учун тартибга солувчи қоидалар ўрнини босиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Andries K., Gallemore J., Jacob M. 2017. The effect of corporate taxation on bank transparency: Evidence from loan loss provisions. *Journal of Accounting and Economics* 63 (2017) 307-328.
2. Beatty A. and S. Liao. 2014. Financial Accounting in the Banking Industry: A Review of the Empirical Literature. *Journal of Accounting and Economics* 58 (2/3):339-383.
3. Bushman R. M. and C. D. Williams. 2012. Accounting Discretion, Loan Loss Provisioning, and Discipline of Banks' Risk-Taking. *Journal of Accounting and Economics* 54 (1):1-18. Bushman, R. M., and C. D. Williams. 2015. Delayed Expected Loss Recognition and the Risk Profile of Banks. *Journal of Accounting Research* 53 (3):511-553.
4. De Vincenzo A. and G. Ricotti. 2014. The Use of Tax Law from a Macroprudential Perspective: The Impact of Some Recent Tax Measures on Procyclicality and Banks' Stability. Working paper, Bank of Italy.

³⁷³Gallemore J. D. 2016. Bank Financial Reporting Opacity and Regulatory Intervention. Working paper, University of Chicago.

³⁷⁴De Vincenzo A. and G. Ricotti. 2014. The Use of Tax Law from a Macroprudential Perspective: The Impact of Some Recent Tax Measures on Procyclicality and Banks' Stability. Working paper, Bank of Italy.

³⁷⁵Beatty A. and S. Liao. 2014. Financial Accounting in the Banking Industry: A Review of the Empirical Literature. *Journal of Accounting and Economics* 58 (2/3):339-383.

³⁷⁶Krüger S., Rösch D., Scheule, H. The impact of loan loss provisioning on bank capital requirements. *Journal of Financial Stability* Volume 36, June 2018, Pages 114.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Набиев З.К. БМА тадқиқотчиси

Тижорат банклари фаолиятининг пировард мақсади олинаётган фойдани максималлаштиришдан иборат бўлиб, ушбу мақсадга эришиш банк активлари портфелининг сифат даражасини таъминлашни тақозо этади. Мазкур жараёнда банк активларининг сифат кўрсаткичларига эътиборни қаратиш, банк активларининг даромадлилиги ва ликвидлилиги ўртасидаги оқилона нисбатни таъминлаш муҳим амалий аҳамият касб этади. Ушбу масаланинг нозик жиҳати шундаки, активларнинг даромадлилиги ва ликвидлилиги ўзаро тескари мазмундаги тушунчалардир. Яъни, банк активларининг даромадлилиги даражаси қанчалик юқори бўлса, уларнинг ликвидлилиги даражаси шунчалик паст бўлади ва аксинча. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари портфелининг сифатини ошириш борасида қатор муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишнинг зарурлиги ушбу ишимизнинг долзарблигини белгилайди.

Республикамыз тижорат банкларининг активларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Республикамыз тижорат банклари активлари таркибида кассали активларни йирик миқдорда тўпланиб қолишига йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиш лозим. Таҳлилларидан маълумки, банк активлари таркибида кассали активлар кредитлардан кейинги иккинчи ўринда бормоқда.

Бунга эса, тижорат банклари депозит базаси таркибида муддатли ва жамғарма депозитлари салмоғини ошириш орқали эришиш лозим. Бунинг натижасида трансакцион депозитларнинг депозитлари умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиб, банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисоб рақамларида йирик миқдорда пул маблағларини сақлаб туриш заруриятидан халос қилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитлари ҳажмида муддатли ва жамғарма депозитлари ҳажмини ошириш учун етарлича имкониятга эгадирлар. Яъни, улар юқори фоизли маржада фаолият кўрсатмоқдалар. Республикамыз тижорат банклари муддатли ва жамғарма депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш йўли билан фоиз маржасини мўътадил даражага келтиришлари мумкин. Лекин бунинг учун ҳар бир тижорат банки даромадлилигининг «қуйи чегарасини»ни ҳисоблаб чиқиши зарур. Акс ҳолда, ортиқча харажатларни юзага келишига йўл қўйган тижорат банкида фоиз маржасини қисқариши ҳисобига даромадларни етмай қолиши юз бериши мумкин.

Фикримизча, Марказий банкнинг жорий ликвидлилиги коэффициентини 30 фоиз даражасида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ. Чунки, талаб қилиб олингунга қадар депозитларнинг бебарқарорлиги муаммоси республикамыз банк амалиётида ўзининг долзарблигини сақлаб турибди.

2. Тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш лозим.

Бунинг учун ҳар бир тижорат банкида кредитланаётган тармоқ корхоналарига нисбатан кредитлаш лимитлари жорий этилиши лозим. Кредитлаш лимитлари кредитларнинг асосий қисмини маълум тармоқда тўпланиб қолишига йўл қўймайди. Амалиётдан шу нарса маълумки, банкнинг бошқарув органлари ҳар бир кредит аризаси бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок эта олмайди, шу сабабли кредитлаш лимитларини белгилаш банкларнинг кредит амалиётида муҳим ўрин тутади.

Банклар ўзларининг кредит портфели сифатини яхшилаш мақсадида мижозларни кредитлашнинг нафақат индивидуал рискларини, балки рискларнинг бир қатор умумий категорияларини ҳам таҳлил қилишлари шарт. Шунинг учун ҳам алоҳида мижозларни кредитлаш лимитлари билан бир қаторда кредит рискига учраш даражаси бир хил

бўлган миқдорлар гуруҳи учун кредитлаш лимитлари ўрнатилади. Бу лимитлар битта тармоққа мансуб корхоналарга банкни боғлиқ бўлиб қолмаслигини олдини олиш мақсадида ўрнатилади. Амалиётдан маълумки, айрим тармоққа мансуб корхоналарда рентабеллик даражаси маълум бир вақт оралиғида юқориликча қолади, аynи вақтда бошқа тармоққа мансуб корхоналарда рентабеллик даражаси анча паст бўлади. Банк амалиётида бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Тармоқ лимитларини белгилашда таҳлил қилинаётган тармоқнинг жорий ҳолатини, ривожланиш истикболларини, технологик ўзгаришларнинг барқарорлик даражасини, тармоқда асосий харажат турларини ўзгариши каби ҳолатларни баҳолаш зарур.

Тармоқ рискларини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишда банклар ссудаларини беришда юзага келадиган, юқорида таъкидланган рискларга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишлари зарур. Бундай таҳлил натижасида ушбу омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш учун тегишли тизим қабул қилинади. Халқаро банк амалиётида бундай тизим сифатида балларни ҳисоблаш тизимидан кенг фойдаланилади. Таъсир қилувчи омилларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш асосида тармоқ учун рискнинг умумий рейтинги аниқланади. Тармоқ рискнинг лимити берилган ссуда суммасига нисбатан мутлоқ суммада ёки маълум фоизда белгилаб қўйилиши лозим. Масалан, банк риск лимитини тармоққа ажратилган кредитлар бўйича муаммоли кредитлар улушига нисбатан тескари тартибда ўрнатиш мумкин.

3. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларини ривожлантириш.

Банкнинг юқори даражадаги ликвидлигини сақлаб туришда ва активлар портфелини самарали бошқариш учун банклар давлат қисқа муддатли мажбуриятларига, қимматли қоғозларга йўналтириш орқали эришилади.

Тижорат банкларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларини ҳозирги ҳолатидаги муаммолари ва унинг таҳлили шу хулосага олиб келмоқдаки, миллий қимматли қоғозлар бозорининг институционал ва функционал тарзда муваффақиятли ривожланиши кўп томонлардан барқарор ҳамда фонд фаолиятининг барча иштирокчилари ишончини қозонган ҳуқуқий базанинг яратилганлигига боғлиқ экан. Ушбу ҳуқуқий база, бошқалардан фарқли-ўлароқ ҳар қандай мулк эгаллиги ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ва бу бозорнинг субъектлари ўртасидаги соғлом рақобатни ривожлантириш учун зарур.

Жаҳон тажрибаси яққол кўрсатиб турибдики, қимматли қоғозлар бозорида самарали ва эгилувчан қонунчилик ёрдамида одил қоидаларни яратиш, бозор иштирокчиларининг бу қоидаларга риоя қилишини назорат қилиш, қолаверса уларни ўз вақтида ва тўғри бошқариш - миллий қимматли қоғозлар бозорини барқарор ривожланишини таъминлаб беради.

Тижорат банклари активларининг фоизли даромадлар салмоғини ошириш учун аввало, банкларнинг тижорат қимматли қоғозлари билан боғлиқ операцияларини жонлантириш, даромад келтирувчи активлардаги қимматли қоғозлар харидига йўналтирилган активлар салмоғини энг камида фонд бозори ривожига ва хусусийлаштириш жараёни ривожига асосида мувофиқлаштириб бориш лозим бўлади.

4. Тижорат банклари инвестиция портфелининг диверсификация даражасини ошириш лозим.

Тижорат банкларнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган актив операцияларининг самарадорлигини ошириш учун, биринчидан, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғини ошириш лозим; иккинчидан, банкда эмитентларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим.

Маълумотлар таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, республикамізда ривожланган хорижий давлатлар амалиётидан фарқли ўлароқ, фонд бозорларида кенг котировка қилинадиган бир қатор юқори ликвидли ва юқори даромадли қимматли

қоғозлар мавжуд эмас. Бундай қимматли қоғозларга, хорижий валюталарда эмиссия қилинган ҳукуматнинг ўрта ва узоқ муддатга чиқарилган қимматли қоғозларини, тўлови ҳукумат томонидан кафолатланган корпоратив облигацияларни, тижорат банкларининг депозит сертификатларини, ҳосилавий инструментларини, субординациялашган қарз мажбуриятларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республика банк амалиётида хорижий валюталарда эмиссия қилинган тижорат векселлари билан боғлиқ фонд операцияларини ривожлантириш лозим. Бу эса, инвестицион портфел таркибидаги қимматли қоғозларни миқдор ва сифат жиҳатидан ошишини таъминлайди.

Халқаро банк амалиётида тижорат векселлари дебитор-кредитор қарздорликни қисқартириш, товарлар сотиш жараёнини тезлаштиришнинг, корхоналарнинг қўшимча пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва энг асосийси тижорат банкларига юқори даромад келтиришнинг синалган ва муҳим воситаси ҳисобланади.

АЛМАШУВ КУРСИНИНГ ТАШҚИ САВДОГА ТАЪСИРИ

Исломов У. Н. – тингловчи, БМА

Маълумки, алмашув курсининг ташқи савдога бўлган таъсирини ўрганиш охириги йилларда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, алмашув курсининг ташқи савдога таъсири ва алмашув курси сиёсатининг самарадорлиги мамлакатнинг ташқи мавқеини ва ички иқтисодий барқарорлигини ўлчаш воситаси сифатида мутахассислар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб келинмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда мутахассислар ва тадқиқотчилар алмашув курси ва ташқи савдо ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун турли хил тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Баъзи бир тадқиқотларда алмашув курсининг ўзгариши ташқи савдонинг ўсишига олиб келади дейилса, бошқа бирида аксинча, яъни алмашув курсининг ўзгариши ташқи савдонинг пасайишига олиб келишини ҳам таҳлил қилиб берганлар.

Албатта, бундай мунозарали ҳолатнинг вужудга келиши табиий ҳол. Чунки, ҳар бир давлатнинг иқтисодий-сиёсий ҳолати, жойлашган ўрни, ташқи савдо ҳамкорлари ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамият касб этади.

Валюта курслари турли мамлакатларнинг ташқи савдосига сезиларли таъсир кўрсатади. Жумладан, экспорт ва импорт нархларига таъсир кўрсатиб, ички иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига олиб келади.

Алмашув курсининг кескин ўзгариши иқтисодий беқарорликни кучайтиради ва мамлакат молия муносабатларига салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларни келтириб чиқаради.

Алмашув курсининг кескин ўзгариши баъзи мамлакатларнинг йўқотишларига ва бошқа мамлакатларнинг ютуқларига олиб келади.

Хусусан, миллий валютанинг қадрсизланиши ушбу мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кўпайтирса, айна пайтда импорт товарларнинг нархини оширади, бу эса импорт қилувчи мамлакатда нархларнинг ўсишини ва импорт ўрнини босадиган миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиради.

Алмашув курсини маълум даражада барқарор ушлаб туриши ҳам мумкин. Бироқ, бундай ёндашув бозор тамойилларига мослашаётган мамлакатнинг иқтисодий муносабатларига салбий таъсир кўрсатиши ва охир оқибатда, ушбу ҳолатдан кўпроқ йўқотишлар ёки алмашув курсининг янада кескин даражада қадрсизланиши ҳисобига чиқишга тўғри келади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда алмашув курсининг қадрсизланиши ташқи савдо балансининг ошишига эмас, аксинча камайишига олиб келди. Жумладан, жорий йилнинг I-ярим йиллиги якунлари бўйича халқаро хизматларни ҳисобга олган ҳолда, савдо балансининг манфий сальдоси 4,2 млрд.долларни (экспорт-8326,9 млн.доллар, импорт- 12542,9 млн.доллар) ташкил қилди.¹

Алмашув курсининг шаклланиш қуйидаги ташқи ва ички омиллар таъсирида вужудга келди:

- ривожланган давлатлар иқтисодий ўсишидаги секинлашлар, савдо муносабатларидаги қарама-қаршиликлар ёки “можоро”ларнинг кучайиб бориши;
- АҚШ томонидан айрим йирик давлатларга нисбатан халқаро савдо алоқаларида чекловлар (санкциялар) киритилиши халқаро молия бозорларида миллий валюталар қадрсизланиши тенденциясининг кучайишига олиб келмоқда.

Миллий валютани қадрсизланиши ҳолати ташқи савдо соҳасида Ўзбекистоннинг асосий ҳамкорлари ҳисобланган давлатларда ҳам кузатилмоқда.

Бундай ҳолат, ўз навбатида, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларнинг ташқи ва ички бозорларда «қимматлашуви»га ёки рақобатбардошлигининг пасайишига таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, 2017 йил 1 сентябрдан 2019 йил 19 августгача бўлган даврда рублнинг алмашув курси 15,1 фоизга, Қозоқ тенгеси 14,5 фоизга қадрсизланган бўлса, сўм алмашув курсининг девальвацияси 11,9 фоизни ташкил қилди.²

Сўм девальвация суръатининг ортда қолиши миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорларда рақобатбардошлигини пасайишига олиб келмоқда.

Одатда, миллий валюта девальвациясига нисбатан паст даражадаги инфляцияга эга бўлган давлатлар иқтисодий рақобатбардошликни сақлаб қоладилар.

Бироқ, сўнгги икки йил ичида асосий савдо шериклари иқтисодиётига нисбатан, Ўзбекистондаги паст даражадаги девальвация ва юқори даражадаги инфляция кузатилиши, ўзбек маҳсулотларининг Россия бозорларида ўртача 25 фоизга, Қозоғистонда 20 фоизга, Хитойда 21 фоизга, Туркияда 42 фоизга ва Кореяда 24 фоизга рақобатбардошлигининг пасайишига сабаб бўлди.³ Ёки аксинча, ушбу мамлакатлар маҳсулотлари бизнинг бозорда шунчага арзонлашди ва табиийки уларга бўлган талаб ортди. Мамлакатимизда импорт импорт ўсишини қўллаб-қувватловчи ички ва ташқи омилларнинг биргаликдаги таъсири ички валюта бозоридаги ҳолат ва алмашув курси динамикасига сезиларли таъсир кўрсатди.

Шунингдек, 2019 йил 1 октябрдан божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг бекор қилиниши валютага бўлган талабнинг ортишига таъсир этувчи омиллардан яна бири сифатида келтириш мумкин. Божхона имтиёзларига эга бўлган субъектларнинг импорт қилинадиган хом-ашё ва маҳсулотларни имтиёзлардан фойдаланган ҳолда захиралаб қўйиш истагининг кучайиши кузатилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган сабаб ва омиллар таъсирида иқтисодиётда импортга ва провардида валютага талаб ошмоқда. Шу ўринда импортнинг ошишини ҳам табиий жараён деб баҳолаш мумкин. Иқтисодиётимизда техник ва технологик янгиланиш жараёни кузатилмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимизда алмашинув курсининг қадрсизланиши ташқи савдо балансининг ошишига эмас, аксинча камайишига олиб келган.

Юқорида такидланганидек, бу албатта мамлакат иқтисодиёти ва ташқи савдода ҳамкор давлатларининг иқтисодиётига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда иқтисодиётда импорт хажмининг ошиши инвестицион фаолликни ҳамда даромадларнинг ошишига, провардида экспортнинг ошиши ҳамда ташқи савдонинг ижобий бўлишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: “Адолат” 2017.
2. И.Бутиков “Қимматли қоғозлар бозори”.Т.:Консаудитинформ 2001 й.
3. Ф.Додиев, Б.Шамшиев “Монетар сиёсат” фанининг Электрон ўқув-услубий мажмуаси. 2018.

ИННОВАЦИОНЛАРНИ ВЕНЧУР ФОНДЛАРИ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

*Кадиоров М. Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни
белгилаш олий мактаби, кафедра мудири*

Халқаро глобаллашувнинг чуқурлашуви натижасида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро рақобатлашув жараёнининг жадаллашуви иқтисодий фаолиятга ёндашувни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этади. Бу эса, ялпи ички маҳсулотда илмий сиғимкорлиги юқори бўлган қийматнинг ҳажмини ошириш заруратини келтириб чиқаради. Бу борада мамлакатлар инновацион фаолиятга алоҳида эътибор берган ҳолда иқтисодиётнинг қиймат сиғимкорлиги ва ҳажмини ошириб боришни ривожлантиришмоқда. Жумладан, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштиришни фаоллаштиришни талаб этмоқда. Шу боисдан инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг самарали механизмини шакллантиришга юқори эҳтиёж туғилмоқда. Мазкур ҳолат, иқтисодиёт тармоқларига инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш ҳамда инновацион фаолиятни молиявий таъминлаш услубиятини такомиллаштиришни долзарблигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда таркибий ислохотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни диверсификациялаш ва модернизациялаш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шарт-шароити ҳисобланади. Мазкур жараёнда, иқтисодиёт тармоқларига юқори самарали инновацион усуллар ва бошқариш шакллари жорий этиш истиқболда таркибий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадларида юқори қўшимча қиймат билан рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда муҳим ўрин тутди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, инновацияларни молиялаштиришда венчур фондларининг алоҳида аҳамияти мавжуд. Мамлакатимизда ҳам қатор ишлар амалга оширилиши бошланганлиги алоҳида эътиборга молик. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли фармонининг 135-бандида “Тадбиркорлик ва инновацион соҳадаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини ривожлантириш” белгилаб берилган. Унга кўра, инновацияларни молиялаштиришга қаратилган венчур фондларининг ҳуқуқий асосларида қуйидагилар назарда тутилиши кўрсатилган:

- венчур фондларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларни ташкил этиш тартиби;
- венчур компаниялар ва фондлар, венчур фондларни бошқариш билан шуғулланувчи компаниялар ҳамда инновацион корхоналар фаолиятини тартибга солиш;
- венчур компаниялар ва фондлар учун малакали бошқарув ва эксперт кадрларни тайёрлаш;
- венчур лойиҳаларни суғурталаш назарда тутилади.

Мазкур ҳужжатга биноан, қуйидагилар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилиниши назарда тутилган:

- юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалар-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар;

– венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар;

– илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюрolari ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича;

– янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

Юқоридаги тадқиқотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ҳам инновацияларни вужудга келиши ва уларни молиялаштиришга қаратилган фаолиятга алоҳида давлат сиёсати миқёсида эътибор берилмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, инновацион фаолиятни молиялаштириш жараёнларини оптималлаштириш долзарблик касб этмоқда.

Инновацияларни молиялаштиришга қаратилган тадқиқотларда уларга турлича жиҳатдан ёндашувларни кўришимиз мумкин. Масалан, ўзбекистонлик олимлардан Д.Рахмонов³⁷⁷ инновациялар билан янгилик ўртасида сезиларли даражада фарқлар мавжуд эканлигини қайд этиб ўтади. Жумладан, инновация деган мақомга эга бўлиши учун, аввало, янги ғоя қуйидаги талабларнинг кўп қисмига жавоб бериши шарт, дея таъминлайди:

– вақтни тежалиши;

– харажатларни камайтириши (ресурсларни тежаши);

– экологик ҳолатга салбий таъсир этмаслиги.

Профессор Д.Рахмонов инновацияларни молиялаштиришга нисбатан юқорида қайд этиб ўтилган учта мезон асос сифатида келтириб ўтади.

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Д.Исмаилов³⁷⁸ венчур фондлари тўғрисида ўзининг илмий хулоса ва таҳлилларини келтириб ўтади. Жумладан, қуйидагича фикрларни баён этади: “Илмий янгиликлар ва кашфиётларга асосланган юқори технологик лойиҳаларни амалга оширишодатда юқори даражадаги рискларга эга. Жаҳон амалиётидан маълумки, мазкур соҳани фаолият йўналишини молиялаштиришнинг энг самарали йўналишларидан бири махсус венчу рфондларини ташкил қилиш ҳисобланади. 2016 якунларига кўра венчур инвестицияларининг жаҳон бозори 127млрд. АҚШ долларида ошган ва 2013 йилга нисбатан 2 баробарга кўпайган. Жаҳон венчур инвестицияларининг 54 фоизи АҚШ, 24 фоизи Хитой ҳиссасига тўғри келади. Венчур инвестициялари асосий қисми E-commerce (деярли 36 млрд. АҚШ доллари), молиявий хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш (деярли 33 млрд. АҚШ доллари), медицина (13 млрд. АҚШ доллари), сунъий интеллектни яратиш (деярли 13 млрд. АҚШ доллари) соҳаларига йўналтирилган”.

Фикримизча, келтириб ўтилган илмий хулосаларда инновацияларни молиялаштиришга нисбатан турлича ёндашувлар баён этилган. Бизнингча, инновацияларга инвестицияларни йўналтиришда инновацияларни вужудга келиш шарт-шароитлари ва йўналишларини ниобатга олган ҳолда тизимлаштириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, уни қуйидагича кўринишда келтириш мумкин:

– саноат соҳасидаги инновациялар;

– молиявий хизматлар соҳасидаги инновациялар;

– таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги инновациялар;

³⁷⁷ Рахмонов Д.А. Инновация: моҳияти ва уни молиялаштириш асослари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль-август, 2019 йил.

³⁷⁸ Исмаилов Д.А. Инвестиция фаолиятини молиявий бошқариш усулларини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – ТДИУ, 2018. – 52 б.

- ахборот технологиялар соҳасидаги инновациялар;
- транспорт соҳасидаги инновациялар ва ҳ.к.

Шу нуктаи назардан, инновацияларни молиялаштиришда венчур фондлари маблағларидан фойдаланишда инновацияларни гуруҳлаштириш муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда венчур фондлари асосида инновацион фаолиятни молиялаштириш ўзининг муҳим аҳамиятига эга. Шу боисдан, қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз:

- венчур фондларининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш;
- инновацияларни молиялаштиришга йўналтирилган бизнес маблағларини молиявий имтиёзлар бериш;
- хўжалик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини амалга оширишда илмий тадқиқотларга йўналтириладиган маблағларни назарда тутишни белгилаш;
- венчур фондлар инновацияларни янгиликлардан ажратиб турувчи мезонларнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ишлаб чиқиш;

Натижада, қуйидаги тенденциялар юзага келади:

- юқори илмий сиғимкорликка эга қиймат яратилишига имконият юзага келади;
- бюджет маблағларига бўлган талаб камаяди.
- таннархнинг камайишига эришилади;

Умуман олганда, инновацияларни молиялаштиришда венчурли фондларни асосларини шакллантириш ҳамда янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни жадаллаштириш замонавий долзарблик касб этади.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ АСОСИДА БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Карабаев Н.А. БМА ходими

Халқаро банк амалиётидан маълумки, тижорат банкларининг рейтинг асосида баҳолаш – биринчидан, банк тузилмалари билан фаол ишловчи мижозларга (юридик ва жисмоний шахслар); иккинчидан, банкларнинг ҳамкор (вакиллик муносабатларини ўрнатган, банклараро кредит ва депозит операцияларини ёхуд биргаликда йирик лойиҳаларни кредитлаш, яъни синдицирлашган кредит амалиётини амалга ошираётган банклар)ни баҳолаш зарур бўлган тижорат банклар учун жуда ҳам долзарб ва муҳим масала саналади.

Банк тузилмаларини комплекс баҳолаш учун жаҳонда умумқабул қилинган восита мазкур соҳада малакали фаолият юритувчи фирмалар сингари, банклар томонидан ҳам мунтазам равишда ҳисоблаб, чоп этилувчи рейтинглар ҳам мавжуд.

Банк рейтинглари маълум даражада амалдаги банкларнинг ишончилигини қиёслаш, уларнинг молиявий ҳолати тўғрисида қўшимча ахборотдан фойдаланишда эса, буни етарлича мос равишда бажариш имконини беради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, молия бозори беқарор бўлган шароитда банкнинг ҳолатини тўғри аниқлаш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. амалиётда, банк рейтингларини тузишнинг баъзи усуллари мавжуд бўлиб, бироқ уларни татбиқ этиш тарихи нотўғри баҳолашга оид бир неча мисолларга гувоҳ бўлиб улгурган. Бу каби хатоларнинг деярли барчаси босқичларга ажратиш амалга оширилган баҳолаш тизимининг такомиллаштирилмаганлиги билан боғлиқ.

Бироқ, банк бозоридаги фаолиятни баҳолашда Россия банк тизимини таҳлил қиладиган бўлсак ҳозирги кунда банк рейтингларини ҳисобловчи ва чоп этувчи бир неча машҳурлик қозонган агентликлар фаолият юритмоқда. Уларнинг қаторига Молиявий ахборот таҳлилий маркази (МАТМ), Молиявий ахборот агентлиги (Интерфакс), Банк ахборот агентлиги ("Экономика и жизнь" "Иқтисодиёт ва ҳаёт" газетаси), "Рейтинг" ахборот маркази, "Оргбанк"

ХБТ, "TOP CONTENT" тадқиқотчилар гуруҳи, "Коммерсант" нашриёти, "Эксперт", "Деньги" ва бошқалар уларнинг қаторига киради. Россия бозорига "The Thompson Bank Watch", "Moody's Investors Service", "Standard & Poor's", "IBKA" каби хорижий рейтинг агентликлари фаол қизиқиш билдираётганликларини ҳам қайд этиш ўтиш жоиз.

Бунинг асосида, банкларни табақлаштириш учун мос келувчи услубларни яратиш муаммоси ҳозирги вақтда Россия учун долзарб ҳисобланмоқда деган хулосага келиш мумкин. Ушбу муаммонинг хусусияти, унинг ечими кўп мезонлилигига мувофиқ ҳолда нафақат жаҳон амалиётида кенг фойдаланилган услублар, балки эксперт ахборотидан фойдаланиш воситаси, ёки оммавий банк ҳисоботи асосида баҳолашнинг адекват алгоритми яратилишини таъминловчи муқобил ёндашувларни ёритиб бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳозирги вақтда Россияда фойдаланилган услублар таҳлили мазкур соҳада услубий кўринишда баъзи чекловларни намоён этади: демак комплекс баҳони кўйишда кредит ташкилотининг ишига таъсир этувчи кўплаб омиллар ҳисобга олинмайди, бирор-бир таҳлил турлари асоссиз тарзда фойдаланилади, бирор-бир кўрсаткичга нисбатан мунозарали хулосалар келтирилади.

Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашни такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур ҳисобланади:

- кредит ташкилотлари фаолиятининг рейтинг таҳлили банкнинг амал қилиш сифатини комплекс баҳолаш сифатида қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: молиявий ҳолат таҳлили, унинг обрўси, ижтимоий аҳамияти, якуний рейтингни чиқариш, олинган натижаларни банкнинг оптимал ишончлилиги ёки бошқа банкларнинг натижалари билан қиёслаш тўғрисида жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш;

- тижорат банклари рейтинг таҳлилининг шакл ва усулларини таснифлаш унинг моҳиятини англашдан келиб чиқади, шунинг учун объект, субъект, мақсад, усул, услуб, таҳлил тури ва рейтинг тузиш усулини қамраб олиши керак;

- тижорат банкларини рейтинг баҳолашнинг ҳозирги тизимларини хорижий давлатлар усуллари мисолида ривожлантириш йўналишларига кўра, таҳлил мақсадига боғлиқ ҳолда катта модификациялар миқдорига асосланган ягона, бир хиллаштирилган, давлат рейтинг тизимини яратиш муҳим;

- миқдорларнинг ахборотлар даражасини ошириш ҳамда мажбурий чоп этиш учун ҳисобот схемасини аниқлаштириш асосида банкнинг ахборот базасини такомиллаштириш тизими жалб этилган (жисмоний шахслар кўйилмалари) ва жойлаштирилган (корреспондент ҳисоблари ва касса, давлат қимматли қоғозлари, кредитлар) пул маблағлари бўйича айланмалар тўғрисидаги ахборотларга асосланиши лозим, бу эса тижорат банклари фаолиятини объектив баҳолаш имкониятини кенгайтиради;

- бир хил (ўрта ва кичик) банклар гуруҳининг рейтинг таҳлили усулларини такомиллаштириш банкларнинг ишонччилик даражасини мезонли чекловларини ҳисобга олган ҳолда расмийлаштирилган ва расмийлаштирилмаган кўрсаткичлар тизимига асосланиши лозим, бу ҳар бир тадқиқ этилаётган кредит ташкилоти бўйича якуний рейтингни чиқариш имконини беради.

- банкларни фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашда қуйидаги ҳолатларни инобатга олиш зарур ҳисобланади:

- миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича рейтинглар натижаларини қиёслаш;

- банкларнинг реал ва доимий миқозлар (юридик ва жисмоний шахслар) ўртасида ижтимоий сўрономалар орқали рейтингни ўрганиш;

- рейтинг тизимида кичик ва ўрта банкларнинг ўрни ва ролини белгилаш.

Шунингдек, тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашда қуйидаги кўрсаткичларга алоҳида аҳамият бериш зарур ҳисобланади:

биринчидан, рискларни бошқаришга ихтисослашган банк бўлинмалари фаолияти самарадорлиги даражасини ўрганиб чиқамиз, иккинчидан, рискларни бошқаришга оид ишлар комплекс эканлигини белгилаб оламиз, учинчидан, банк томонидан амалга оширилган тартибот ва лимитлар, ушбу лимит ва тартиботларга риоя қилиш даражасини ўрганиб чиқамиз. Ва ниҳоят, биз банк раҳбариятининг мазкур ишга жалб этилганлик даражасини баҳолаймиз, шунингдек тегишли ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартибини ойдинлаштирамиз.

Агар банк рискларни бошқариш бўйича ишлар доирасида ўз активларининг бир қисмини секьюритилаштиришни мақсад қилса ёки амалга оширса, биз у амалга оширишни кўзда тутган ёки мўлжаллаётган мотивларни ўрганиб чиқамиз. Банклар секьюритилаштиришни амалга ошираётган сабаблар орасида юқори жамланган рискларни бошқариш самарадорлигини ошириш, муаммоли қарзлардан ёки нисбатан кўпроқ капитал талаб активлардан халос бўлиш, паст СПРЭДга эга активлар бўйича баланс позицияни қисқартириш, ресурс манбаларини диверсификация қилиш даражасини ошириш, ликвидликни яхшилаш ва капиталнинг етарлилиги тўғрисидаги меъёр талабларига риоя қилишни эслатиб ўтиш лозим. Демак банклар томонидан рейтингини мустаҳкамлашда кредит rischi, бозор rischi, операцион риск, ҳуқуқий риск ва бошқа рискларга эътибор қаратиш зарур.

Ликвидликка тўхталиб ўтадиган бўлсак, биз банкнинг ички ликвидлик манбалари сингари (тез сотилувчи қимматли қоғозлар, қопланиш муддати яқин бўлган займлар ва ҳ.к.), ташқи манбалар (каптал бозорига кириш, бошқа банклар томонидан очилган захира кредит линиялари, шунингдек Марказий банкнинг қайта ҳисобланувчи кредитлари)ни ҳам таҳлил қиламиз. Нақд пулла етишмаган ҳолларда ўз суғурта полиси сифатида аксарият банклар бозор қимматли қоғозлари портфелларига ҳамда агар зарурат туғилса нақд пул маблағларига тезкорликда сотилиши мукин бўлган бошқа активларига эга бўлади.

Хулоса ўрнида қайд этиб ўтиш жоизки, тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиши ва амалиётда қўлланилиши бевосита ва билвосита ушбу тижорат банкларини риск-менежментини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Чунки, ҳаққоний ахборотни ўз вақтида олиш ва қарор қабул қилишда ушбу рейтинг кўрсаткичлари муҳим ўрин тутди.

Миллий ва халқаро тажрибанинг кўрсатишича, корпоратив муносабатларда низоли вазиятларнинг юзага келиши кўп кузатиладиган ҳолатлардан биридир. Шу боисдан корпоратив бошқарув иштирокчиларининг корпоратив низолар моҳияти, юзага келиш сабаблари ва келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлари, бундай вазиятларнинг олдини олиш бўйича ички ва ташқи имкониятлар, давлат томонидан тартибга солиш механизмлари кабиларни билишлари ва амалда қўллай олишлари шарт ҳисобланади. Бунда манфаатлар тўқнашувини самарали бошқариш масаласи биринчи навбатдаги масала ҳисобланади.

Корпоратив муносабатлар субъектлари ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги корпоратив низоларнинг асоси ҳисобланади. Акциядорлик жамиятлари фаолияти ва корпоратив бошқарув амалиётига доир масалалар бўйича жараён иштирокчилари ўртасида ўзаро келишувга эришилмаслиги натижасида юзага келадиган низолар корпоратив низоларни англатади. Бунда корпоратив муносабатлар иштирокчилари корпоратив низоларнинг субъектлари сифатида намоён бўлса, томонларнинг манфаатлари корпоратив низоларнинг объекти сифатида кўзга ташланади.

Корпоратив тузилмаларда корпоратив муносабатлар субъектлари ўртасидаги зиддиятлар қуйидаги оқибатлардан бири натижасида юзага келиши мумкин:

- акциядор ёки акциядорлар гуруҳи ҳуқуқлари, акциядорлик жамияти устави ёки бошқа ички ҳужжатлар, умумий олганда амалдаги қонунчилик меъёрлари бузилиши;
- корпоратив тузилмаларда ахборот ёпиқлиги;
- фойдани тақсимлаш билан боғлиқ муносабатлар ва акциядорлар норозилиги;
- қабул қилинган қарорлар моҳияти асосида акциядорлик жамиятига, унинг бошқарув органларига нисбатан даъволар қўзғатилиши;
- бошқарув органлари ваколатларининг муддатидан олдин тугатилиши;
- ижроия органи аъзолари билан меҳнат шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиниши;

- акциядорларнинг акциядорлик жамияти бўйича назоратни қўлга олишга интилиши;
- акциядорлар таркибидаги жиддий ўзгаришлар (ғаразли акциядорларнинг акциядорлик жамияти фаолиятига кириб келиши). Шунингдек, юқоридагиларга қўшимча равишда бошқарувчиларни жавобгарликка тортиш бўйича самарали механизмларнинг мавжуд эмаслиги, корпоратив тузилма фаолияти устидан ички назоратнинг сустлиги, корпоратив тортишувларга нисбатан суд амалиётининг сустлиги кабилар ҳам корпоратив низоларга сабаб бўлиши мумкин.

Корпоратив бошқарувдаги жиддий муаммолардан бири бошқарув функцияларини бажарувчи шахсларга нисбатан реал юридик жавобгарликнинг мавжуд эмаслигидир. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 81-моддасида кузатув кенгаши аъзоларининг, жамият директорининг, бошқарув аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг жавобгарлиги белгиланган. Унга кўра, кузатув кенгашининг аъзолари, жамият директори ва бошқаруви аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидagi жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, директори ёки бошқарув аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида топ-менежерларга нисбатан ҳам жавобгарлик чоралари қатъий белгилаб қўйилганлиги асосида мамлакатимизда ҳам бундай амалиётга ўтиш аҳамиятга эга.

Ички назорат тизимида ички аудит хизмати ва тафтиш комиссиясининг самарали фаолият юритиши акциядорлар учун муҳим саналади. Лекин бунда ички назорат тизимининг мустақиллигини таъминлаш муҳим саналади. Акс ҳолда ички назоратнинг заифлиги кузатув кенгаши ва бошқарув аъзоларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзага келишига ва корпоратив низоларга олиб келади. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларида ҳам ички аудит хизмати ва тафтиш комиссияси фаолиятини самарали ташкил этиш нуктаи назардан тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Корпоратив тортишувларга нисбатан суд назоратининг етарли даражада ихтисослашмаганлиги ҳам корпоратив низоларга сабаб бўлмоқда. Корпоратив низоларга доир муаммоларни тўлиқ ҳал қилиш учун корпоратив тортишувларнинг алоҳида жиҳатларини чуқур ўрганган ҳолда самарали суд тизими амал қилишини таъминлаш муҳим. Мамлакатимизда бу борадаги масалаларни ҳал қилиш мақсадида

2006 йил 16 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни ҳам қабул қилинган ва ҳакамлик (арбитраж) судлари фаолияти йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, корпоратив низо тушунчаси кенг қамровлидир.

Корпоратив низоларни турли ёндашувлар асосида мезонлар бўйича таснифлаш мумкин. Ички корпоратив низолар корпоратив муносабатлар иштирокчилари, яъни корпоратив тузилманинг акциядорлари, бошқарув органлари, менежерлари ўртасидаги низоларни англатади ва мантиқан корпоратив тузилма миқёсида юзага келади.

Ташқи корпоратив низолар эса давлат, потенциал инвесторлар, бошқарув органлари ва бошқалар ўртасида юзага келадиган низоларни қамраб олади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (www.lex.uz).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ 4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

3. Корпоратив бошқарув кодекси. // “Халқ сўзи”, 2016 йил 11 март.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

БАНК АКТИВЛАРИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ: ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

Мурадова М. БМА тингловчиси

Инновацион иқтисодиётга ўтишда лизинг хизматлари бозорининг барча имкониятларидан самарали ва оқилона фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “Суғурта лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш корхона ва молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш”га алоҳида урғу берилган.³⁷⁹

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, тижорат банклари ресурслари етарлича бўлмаган бир шароитда лизинг операцияларининг ошишига тўсиқ бўлмокда, натижада лизинг операциялари лизинг берувчи корхоналар томонидан амалга оширилмокда. Халқаро амалиётда, Банкларда лизинг муносабатларининг хусусиятлари ва бир нечта асосий принциплари мавжуд. Ушбу принциплардан кўриниб турибдики, лизинг операциялари ижара механизми билан уйғунлашиб кетган. Аммо улар ўртасида фарқ мавжуд бўлиб, лизинг операцияларининг қамрови кенгрок ва мураккаб иқтисодий учликни ташкил қилиб, кредит битимларининг хусусиятларини ўзида акс эттиради.

³⁷⁹“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилда қабул қилинган “Лизинг тўғрисида”ги қонунидализингнинг икки тури: молиявий ва оператив турлари белгиланган. “Лизинг тўғрисида”ги қонунда молиявий ва оператив лизингдан ташқари кўшимча лизинг алоҳида кўрсатилган, шунга мувофиқ лизинг олувчи лизинг берувчининг ёзма розилиги билан лизинг объектини вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга топширишга ҳақли. 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига биноан “Лизинг тўғрисида”ги қонунда лизингни молиявий тури қолдирилди.³⁸⁰

Банкларда лизинг операциялари ҳисобини такомиллаштириш унинг бошланғич қийматини тўғри шакллантириш ва ҳисобварақларда тўғри акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда 15600 Лизинг(молиявий ижара) тегишли мос ҳисобварақамида лизингнинг бошланғич қиймати шакллантирилади. Тижорат банкларининг ҳисобварақлар режасида ушбу ҳисобварақнинг таърифини кўрадиган бўлсак унда банк томонидан берилган лизинг ҳисоби олиб борилиши ва ҳисобварақнинг дебитида лизинг бўйича соф инвестиция суммаси акс эттирилиши қайд этилган.³⁸¹

Республикамызда 2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича янги лизинг битимларининг ҳажми 1,189 трлн.сўмни ташкил қилди, лизинг амалиётларининг умумий портфели эса 4,351 трлн.сўмдан ошди, бироқ умумий портфелда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг умумий қиймати 967 млрд.сўмлик портфели ҳисобга олинмаган. Ўзбекистон Республикаси лизинг бозорининг таҳлили Ўзбекистон Лизинг Берувчилар Уюшмасига лизинг компаниялари ва тижорат банклари томонидан тақдим этилган расмий маълумотлар асосида тайёрланди. Ўзбекистон лизинг берувчилари рейтингини тайёрлаш жараёнида 44 та лизинг берувчи лизинг фаолияти билан фаол шуғуллангани аниқланди, уларнинг 15 таси банклар ҳисобланади.

2019 йилнинг 1-ярим йиллиги якунлари бўйича лизинг берувчилар орасида лизинг бозорининг тақсимланиш тенденцияси жуда ўзгарган бўлиб, бозорнинг 94% лизинг компанияларига тегишли экани аниқланди. Тижорат банкларига тўхталадиган бўлсак, 2018 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари билан солиштирганда тақдим этилган лизинг хизматларининг ҳажми кескин камайган ва уларнинг бозордаги улуши бор-йўғи 5,6% ни ташкил қилган.

Агар лизинг портфелининг тақсимланиши лизинг берувчилар бўйича кўриб чиқилса, унда унинг 80,6% лизинг компанияларининг улушига тўғри келишини кўриш мумкин. 2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳолати бўйича лизинг портфелининг суммаси 4 трлн.35 млрд.сўмни ташкил этган.

Хусусан 2019 йилнинг I-чорак натижаларига кўра лизинг операцияларини амалга оширишда етакчилик қилаётган банклар ҳажми (млрд.сўм) қуйидагича:

- АТИБ “Ипотека банк” – 38,9
- АТИБ “Ипак йўли банк” – 11,2
- АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” – 9,1
- АТБ “Турон банк” – 2,8
- АТБ “Микрокредит банк” – 2,6

³⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни, Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил 14 апрел.

³⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1648-сонли Низоми 2006 йил 27 декабр.

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, тижорат банкларида лизинг операцияларини тўлиқ амалга оширилмоқда дея олмаймиз. Демак, тижорат банкларидаги мавжуд лизинг операциялари ҳисобини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва уни юритишни тақозо этади. Бу эса тижорат банклари активларини келгусида янада ошириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини ўтказиш тартиби” ЎР Марказий банки 1999 йил 5-май 327-сонли низом.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси” №773 -17-сон 2004йил 13 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1648-сонли Низоми 2006 йил 27 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
5. Международный стандарты финансовый отчетности.-М.: «Аскери» 2007-С 832-837.
6. Горемыкин В.А. ”Лизинг” учеб - метод.пособие. -М.:Дело и сервис 51-с. (2003)
7. Газман В.Д. “Рынок лизинговых услуг” учеб - метод.пособие. -М.:Дело и сервис 25-с. (1999)

KORPORATIV BOSHQARUV MODELLARI VA ULARNING TAVSIFI.

Nazarbekov H. BMA tinglovchisi

Korporativ boshqaruvning modellarining qo‘yidagi shakllari mavjud hisoblanadi:

- Unitar (investor) modeli – AQSH, Buyuk Britaniya, Avstraliya;
- Ikki pog‘onali (manfaatdor shaxslar) modeli – Germaniya;
- Kontinental model;
- Tarmoq modeli – Yaponiya (keyretsu), Koreya (chaebol).

Unitar model:

– Boshqaruvning yagona organi – uning tarkibida ijro etuvchi direktorlardan ko‘ra mustaqil direktorlar ko‘proq bo‘lgan unitar Direktorlar Kengashi (aksiyadorlik mulkchilikning «Inglizsakson» modeli: 24 - 30% aksiyaharakatsiz, uzoq vaqt kichik korxonalar qo‘lida bo‘ladi va nazorat paketini shakllantiradi, 70-80% aksiya, aksincha, harakatchan, vaqti – vaqti bilan bozorga olib chiqiladi va birkishining qo‘lidan boshqasiga oson o‘tadi);

– Aksiyadorlik kapitalning katta qismi ingliz sakson udumlarida tarbiyalangan mayda investorlar sarmoyasidan iborat;

– Jismoniy shaxslarga qarashli bo‘lmagan aksiyalar asosan institutsional investorlar qo‘lida jamlangan;

- Qimmatli qog‘ozlar bozori yuqori samaradorligi va likvidligi bilan ajralib turadi;
- Minoritar aksiyadorlar huquqlarini himoya qilish yuqori darajada;
- Jalb qilingan direktorlar ishtirokidagi kuchli korporativ boshqaruv.

Ikki pog‘onali model (insayderlik):

Rahbarlik va ijrochilik organi:

- Kuzatuv kengashi (Direktorlar kengashi);
- Ijroiya organi.

– Vazifalarning qat’iyyatqismlanishi. Kengash a’zolar ijroiya organiga a’zolik qilishi mumkin emas.

Kontinental model:

– Doimiy egalarda 70 - 80% aksiya jamlangan, 20 - 30% aksiya esa “chakana” sotiladi va xaridorlar ularga mablag’larni vaqtincha joylashtirish vositasi sifatida qaraydilar;

– Aksiyadorlik sarmoyasini yirik “ulgurji” investorlar tashkil qilib, bir – birining aksiyasiga o’zaro egalik qilish (kuchli qaramlik) tizimi keng rivojlangan;

– Kuzatuv kengashida kompaniya hodimlarining salmoqli vakilligi;

– O’zoqni ko’radigan investorlar;

– Qimmatli qog’ozlar bozori kichikroq va likvidligi kamroq.

Tarmoq (yapon) model:

Yapon modeli mazmuniga ko’ra amerika modeliga ham, germaniya modeliga ham o’xshamaydi, biroq ikkala modelning ayrim xususiyatlarini o’z ichiga olgan:

– Direktorlar kengashi tarkibida mustaqil direktorlar bo’lmagan, Kengashning barcha a’zolari yuqori boshqaruv organi vakillari yoki eski boshqaruvchilardir;

– Aksiyadorlik sarmoyasini asosan yirik investorlar tashkil qilib, yagona sanoat guruhiga a’zo bo’lgan kompaniyalarning o’zaro aksiyalariga egalik qilish holati muhim o’rin tutadi.

– Shaxslararo munosabatlar kuchli muhim ahamiyatga ega;

– insayderlarning etakchiligi.

Korporativ boshqaruvning amerika tizimi

Korporativ boshqaruvning amerika tizimi xususiyatlari AQSH da aksiyadorlik mulkchilikning xususiyatlariga bevosita bog’liqdir. Xususan, amerika korporatsiyalariga boshqa investorlardan ko’ra o’z ta’sirini kuchliroq o’tkaza oladigan yirik investorlarning yo’qligi xosdir.

Amerika korporatsiyalarining aksiyadorlik kapitali yuqori darajada kichik paketlarga tarqab ketgan bo’lib, AQSH korporatsiyalari aksariyatining reestrlarida umumiy kapitalning bir foizidan oshig’iga egalik qiluvchi birorta xususiy shaxs yoki institutsional investor qayd qilinmagan. Natijada aksiyadorlarning birorta guruhi direktorlar kengashiga a’zolik qilishga alohida da’vogar bo’la olmaydi. Amerika qimmatli qog’ozlar bozorining yuqori samaraliligi va likvidligi bilan ajralib turishi mayda investorlar uchun paketlarni sotishishini tez va texnik jihatdan oson amalga oshadigan qilib qo’yadi. Kompaniyalarning qo’shilishi, qo’shib olinishi, egallanib olinishi va sotib olinishlari amerika fond bozorining keng tarqalgan amaliyotdir.

Korporativ boshqaruvning nemis modeli. Nemis modelining AQSH modelidan farqli o’laroq, aksiyadorlik kapitalining katta qismi boshqa kompaniyalar egaligida turadi: umumiy kapitalining yarmidan ko’pini bir – birining aksiyalariga egalik qilish tizimi o’z ichiga oladi. Shaxsiy investorlar nemis modelida ikkinchi yirik investorlar guruhini tashkil qilsa ham (nemis kompaniyalari umumiy aksiyalarning axminan 16% iga egalik qiladi) ular aksiyalarining ko’p qismi taqdim etuvchiga sertifikat ko’rinishiga ega bo’lib, bu sertifikatlar ularning egalari topshirig’iga ko’ra, xususiy aksiyadorlar aksiyalarining juda katta qismi jamlangan banklar tomonidan boshqariladi. Nemis kompaniyalarining aksiyadorlik kapitali yirik aksiyadorlar qo’lida kuchli darajada jamlangan. Natijada, amerikalik kasbdoshlariga nisbatan nemis mulkdorlari va ular kapitalini boshqaruvchi moliya institutlari o’z kompaniyalari bilan ancha yaqin ish munosabatlarida bo’ladilar.

Shunday tizimni tanlash kerakki, mazkur tizim aynan O’zbekiston uchun o’ziga xos echimni ifodalashi va boshqa davlatlarda ishlatilayotgan modellarning shunchaki nusxasi bo’lmashligi kerak. Boshqaruvga nozik yondashuvni qo’llab – quvvatlash kerak bo’lib, mos ravishdagi boshqaruv modeli nafaqat har bir kompaniyada turlicha bo’ladi, balki ayni bir kompaniyaning turli yashash davrlarida ham o’zgartirib boriladi. Ushbu fikr yangi texnologiyalar rivoji va iqtisodiyotning globallashtirishini kompaniyalarning qayta tashkil

qilinish sur'atlari o'sishiga va korporativ tuzilmalarning tubdan o'zgarishlariga ta'sirini inobatga olganda yanada to'g'riroq bo'ladi. Kompaniyalar o'z holatiga eng mos keladigan, biroq investorlar tomonidan samarali qaror qabul qilinishiga olib boradigan va axborotlarning muvofiq oshkora qilinishini ta'minlaydigan samarali tamoyillar asosida qurilgan korporativ amaliyotni qabul qilish mas'uliyatini o'z zimmalariga olishlari kerak.

Korporativ boshqaruv kontinental modelining o'ziga xos xususiyatlaridan yana biri shundaki, nemis firmalari o'zaro bir-birlariga aksioner hisoblanadi, ya'ni o'zaro kapitalda ishtirok etadilar. Bu ularning o'zaro norasmiy xoldinglar ko'rinishida faoliyat yuritishini ta'minlaydi va ma'lumotlar maxfiyligini ta'minlashga xizmat qiladi.

Tijorat banklarida korporativ boshqaruvning turli modellari mavjud. Korporativ boshqaruvning modellarini anglo-amerika va yapon-german modellariga bo'lamiz. Uni ayrim adabiyotlarda autsayder (outside) va insayder (inside) modellari deb atashadi.

Korporativ boshqarishning anglo-amerika modeli turli xilligi bilan, ya'ni diversifikatsiyalashuv darajasining yuqoriligi bilan ajralib turadi. Aksionerlik kapitali turli o'zaro aloqador bo'lmagan sub'ektlar va shaxslar o'rtasida keng taqsimlanadi. Bunday sharoitda aholining ham pul mablag'lari jalb etiladi va zarur investitsion sharoitni yaratib moliya bozorlarining faolligini hamda barqarorligini oshirishga xizmat qiladi. Ushbu modelda asosan aksiyalar nazorat paketi taxminan 6-14 % ni tashkil qiladi. Anglo-amerika modelida aksionerlar tomonidan aksiyalarga egalik qilish, nazorat qilish bilan ajralib turadi. Aksionerlarning huquqlari kafolatlanadi va boshqaruvchi va direktorlar ularga hisobot beradi. Korporativ boshqarishning anglo-amerika modelida banklar faoliyatini boshqarish qimmatli qog'ozlar bozori holatiga, uning rivojlanishdarajasiga bog'liq hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Berle A., Means G. The modern Corporation and Private Property – New York: Macmillan, 1932. – 478 b.
2. Coase R.H. The Nature of the Firm // *Economica*. - November 1937. - Vol. 4, No.16. - P. 386-405.
3. Dodd E.M.Jr. For Whom Are Corporate Managers Trustees? // *Harvard Law Review*. – 1932. – Vol.45, No.7. – P.1145-1163.
4. Dolinskaya V.V. Aktsionernoe pravo: osnovnye polozeniya i tendentsii. Monografiya. – M.: Volters Kluver, 2006. – 736 b.
5. Madiërov T.K. Dehqonchilik-sanoat majmuida ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar tizimi va korporativ boshqaruvni joriy etish xususiyatlari: Iqt. fan .dok. ... dis. ishi. - T.: 1993.
6. Zaynutdinov Sh.N., Rahimova D.N. Korporativ boshqaruv asoslari. – T.: Akademiya, 2007. – 48 b.
7. Suyunov D.X. Korporativ boshqaruv mexanizmi: muammo va echimlar. Monografiya. – T.: Akademiya, 2006. – 116 b.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СИНДИЦИЯЛАШТИРИЛГАН КРЕДИТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Нормухамедов С.Р. БМА изланувчиси

Бугунги кунда, синдициялаштирилган кредитлар халқаро банк амалиётида кенг тарқалган бўлиб, улар аксарият ривожланган давлатлар иқтисодиётига узоқ муддатли молиявий маблағлар жалб қилишнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Ушбу давлатларда мазкур кредитларни ривожлантириш, улар бўйича қонунчилик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда синдициялаштирилган кредитлар реестрини юритиш мақсадида: АҚШда Америка синдициялаштирилган кредитлар ассоциацияси (Loan Syndications and Trading Association, LSTA), Буюк Британияда Кредит бозори ассоциацияси (Loan Market Association, LMA), Гонконгда Осиё-Тинч океани минтақаси ассоциацияси (Asia Pacific Loan Market Association, APLMA), Японияда Япония синдициялаштирилган кредитлар ассоциацияси (Japan Syndication and Loan-trading Association) ташкил этилган.

Ушбу ассоциацияларнинг асосий вазифаси минтақада ажратилаётган синдициялаштирилган кредитларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларини ривожлантириш, уларда иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда молиялаштириш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларини, стандартлар, маслаҳат (консультация) ҳужжатларини ва бозор тавсияларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Thomson Reuters ахборот агентлигининг маълумотларига асосан 2018 йил давомида жаҳон молия бозорида жами 9 988 шартнома бўйича ажратилган синдициялаштирилган кредитлар умумий миқдори 5 034,691 млрд. АҚШ долл.ни ташкил қилган ва бу 2017 йилга нисбатан 8 фоизга ошган. Бу кўрсаткичларни давлатлар миқёсида кўриб чиқадиган бўлсак, топ-15 таликка кирувчи давлатлар томонидан ажратилган жами синдициялаштирилган кредитлар жаҳон молия бозорида ажратилган кредитларнинг 91 фоизини (4 567,962) ташкил қилади. (1-жадвал).

Халқаро молия бозорида 2018 йилда йирик миқдорда синдициялаштирилган кредитлар жалб қилган топ-15 талик давлатлар рўйхати

(ҳисобот даври 1 январь – 31 декабрь)

№	Давлатлар	2018 йил (млрд. АҚШ долл.)	2017 йил (млрд. АҚШ долл.)	Имзоланган шартномалар сони
1.	Америка Қўшма Штатлари	2 912,476	2 689,504	4 362
2.	Канада	267,388	240,789	582
3.	Япония	232,578	238,824	1 936
4.	Буюк Британия	178,674	180,635	226
5.	Франция	163,229	121,883	277
6.	Германия	128,309	125,888	179
7.	Хитой	111,261	102,582	317
8.	Гонконг	110,603	118,012	217
9.	Австралия	95,534	83,760	203
10.	Испания	84,021	73,537	228
11.	Италия	73,674	67,132	131
12.	Нидерландия	71,069	52,172	77
13.	Сингапур	51,663	41,475	91
14.	Швецария	44,751	46,000	35
15.	Ҳиндистон	42,732	56,034	181
Топ-15 талик бўйича		4 567,962	4 238,227	9 042
Халқаро бўйича жами суммаси		5 034,691	4 656,600	9 988

Манба: Thomson Reuters маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Биргина, АҚШда 2018 йилда расмийлаштирилган синдициялаштирилган кредит шартномалари халқаро молия бозорида расмийлаштирилган жами синдициялаштирилган кредит шартномаларининг 44 фоизини (4 362 та), ажратилган кредитлар суммасини 58 фоизини (2 912,476 млрд. АҚШ долл.), Европа минтақасида эса ажратилган кредитлар халқаро молия бозорида ажратилган жами синдициялаштирилган кредитларнинг 18,2 фоизини (914,772 млрд. АҚШ долл.) ташкил қилади. 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, бу давлатларнинг деярли барчаси ривожланган давлатлар ҳисобланиб, улар ўз иқтисодиётига синдициялаштирилган кредитлар орқали йирик миқдордаги маблағлар (капитал) жалб қилиш билан бирга бошқа давлатларнинг йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этувчи асосий кредитор давлатлар ҳисобланади.

Республикамизда синдициялаштирилган кредитларни ажратиш жараёни Адлия вазирлигида 2005 йил 20 августда 1509-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади ва у тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Халқаро амалиётдан келиб чиқиб мазкур ҳужжат нормаларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги номувофиқликлар мавжудлигини келтириш мумкин:

1. “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида” Низом (рўйхат рақами 1509, 2005 йил 20 август) **фақат тижорат банклари томонидан** йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш амалиётини тартибга солади. Халқаро бозорда эса синдициялаштирилган кредит лойиҳаларини молиялаштирувчи кредиторлар сифатида банклар ва бошқа нобанк кредит ташкилотлари, инвестиция ташкилотлари, молия институтлари ва корпорациялар иштирок этишлари мумкин;

2. Низом (рўйхат рақами 1509, 2005 йил 20 август)да иштирокчи банклар томонидан кредит олувчи билан синдициялаштирилган кредит бериш тўғрисида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, **ҳар бир иштирокчи банк томонидан** кредит олувчи номига кредитнинг миқдори, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисобварағини очиш белгиланган. Бу нормалар синдикат кредитори сифатида хорижий банкларнинг иштирок этиши жараёнида ушбу банкларда резидент - юридик шахслар ҳисобварақ очиш билан боғлиқ масалаларни ечишда тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Хорижий тажрибага мувофиқ, етакчи банк (агент банк) иштирокчи банклардан синдициялаштирилган кредит суммаларини қабул қилиб олади ва уларни кредит олувчига беради, шунингдек, кредит олувчидан олинган (кредит бўйича фоизлар ва кредитнинг асосий суммасини қайтариш билан боғлиқ) пул маблағларини синдикат иштирокчилари бўлган кредиторлар ўртасида тақсимлайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 56-сонли қарори билан тасдиқланган “Юридик шахслар - резидентлар томонидан чет элда ҳисоб рақамлари очишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси мавжуд бўлган тақдирда юридик шахслар – резидентларга чет элда ҳисобварақлар очишга рухсат берилиши белгиланган.

3. Бундан ташқари, Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ банк активларида **асосий қарзнинг камайтирилиши ёки ундан қисман воз кечилиши** шартлари қайта кўриб чиқилган активлар деб ҳисобланади. Бундай активларнинг сифати “**шубҳали**” деб таснифланиб уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг эллик фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозимлиги белгиланган.

Халқаро молия бозорида синдициялаштирилган кредитларнинг **бирламчи ва иккиламчи бозори** шакллантирилган. Бирламчи бозорда синдикатнинг асосий кредит базаси шакллантирилади, инвесторлар рўйхати ва кредитлаш шартлари аниқлаштирилади. Иккиламчи бозорда эса кредитларнинг бир қисми кичик кредиторларга сотиш орқали ундан қисман воз кечилади.

Ривожланган давлатларда синдициялаштирилган кредитларни иккиламчи бозорда учинчи шахсларга сотиш имкониятларининг мавжудлиги кредиторлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу бозорнинг зарурлиги кредиторлар учун қуйидагилар билан изоҳланади:

а) маблағлар етишмаслик ҳолатлари юзага келганда;

б) банк фаолиятини тартибга солувчи ва мажбурий резерв талаблари бузилганда кредитнинг бир қисмини сотиш учун;

в) кредиторлар фаолиятига янада самарали активларни жалб қилиш.

Шу билан бирга, Америка синдициялаштирилган кредитлар ассоциацияси (*Loan Syndications and Trading Association, LSTA*), Кредитлар бозори ассоциацияси (*Loan Market Association, LMA*), Осиё-Тинч океани минтақаси ассоциацияси (*Asia Pacific Loan Market Association, APLMA*) ҳамда Япония синдициялаштирилган кредитлар ассоциацияларининг (*Japan Syndication and Loan-trading Association*) асосий ва муҳим вазифаларидан бири синдициялаштирилган кредитларнинг иккиламчи бозорини ривожлантириш, унда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни такидлаш керакки, республикамызда синдициялаштирилган кредитларни ривожлантиришнинг дастлабки босқичида ушбу соҳага тегишли қонунчилик базасини такомиллаштириш, ундаги мавжуд қарама-қаршиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бугунги кунда кечиктириб бўлмайдиган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур соҳадаги қонунчилик базасини халқаро тажрибадан келиб чиқиб қайта ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштирилиши республикамызга хориждан капитал жалб қилиш имкониятларини оширади ҳамда синдициялаштирилган кредитларнинг иккиламчи бозорининг ривожланиши учун замин яратилади. Бу эса республика иқтисодиётини ривожлантиришда зарур бўлган молиявий ресурслар жалб қилиниши таъминланишига хизмат қилади.

ИСЛОМИЙ БАНКЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Темиров А.А. ТДИУ “Корпоратив бошқарув”
кафедраси доценти, и. ф.н.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг иқтисодиётни тиклаш борасидаги сарф-ҳаракатлари доирасида мамлакатимизда исломий молия муассасаларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Исламий молия муассасалари фаолиятини йўлга қўйишдан кўзланган мақсад Яқин Шарқ ва Жануби-ғарбий Осиёдан Ўзбекистон Республикасига инвесторларни кенгроқ жалб этишдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида АТ “Трастбанк” ва ХАТБ “Инфинбанк” хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси билан битим имзолаган. Исламий банкларнинг фаолият кўрсатишининг асоси бўлиб, Ислом дини қонун-қоидалари ҳисобланади.

Фоизсиз банк дастлаб Мисрда Мит Гамр провинциясида пайдо бўлган. Миср деҳқонининг экин ва тижорий эҳтиёжларини қоплашга қаратилган ва уни молиялаштиришда тафаккул (суғурта)га асосланган, кейинчалик *venture-capital* (рискли капитал) билан пул вақфи каби аралаш моделда фаолиятга юритган ушбу молиявий муассасага банк сифатларини берилиши баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Мазкур молиявий муассаса бир томондан банк, бошқа томондан эса тижорий шерикчилик (фойда ва зарарга шерикчилик), тафаккул (суғурта), бартер, лизинг, факторинг ва бошқа молиявий усулларнинг бир жойда ва бир вақтнинг ўзида амалга ошираётган ўзга хос бир модел ҳисобланади [4].

Фоизнинг Исломда тақиқланганлиги сабабли ҳозирги кунда мусулмон жамоаларида тўпланиб қолган муомаладан ортиқча пул ресурсларини иқтисодиётга қайта тақсимланиши учун фоизсиз банкларга эҳтиёж сезилмоқда. Исламий банклар

айнан ушбу пул ресурсларини иктисодиётнинг турли соҳаларига фоизсиз шаклда жойлаштириш операцияларини амалга оширади. Исломий банклар ўз фаолият тамойилларини Қуръон ва Суннатга асосланган исломий қоидаларга кўра олиб боради[7].

Исломий банкларнинг мавжуд бўлиши сабаби ҳамда олтин қоидаси фоизсизлик тамойилидир. Фоизсизлик тамойилини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Пул ресурсларини шакллантиришда фойда ва зарарга шерик бўлишга асосланиш ҳамда мижозга барқарор тушумни таъминламаслик.

2. Ресурслардан фойдаланишда кредит бермасдан, мижознинг эҳтиёжи бор товар (хизмат)ларни унинг сотувчисидан сотиб олиб, мижозига муддатли сотиш ёки ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда уларнинг лойиҳасида иштирок этиш.

Исломий банклар ўз фаолиятини фоизсиз асосга кўра ташкил этганлиги ҳамда молиявий рискларга шерик бўлишлари сабабли анъанавий банклардан тубдан фарқ қилади. Демак, исломий банк ўзининг пул ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш йўллари шерикчилик асосида ташкил этган, фаолияти давомида фоиз ўрнига фойда ёки зарар олишни мақсад қилиб, ана шу мақсад йўлида фаолият юритаётган молиявий муассасадир.

Исломий банкларга бўлган эҳтиёж ва улар ривожлантиришнинг бир қанча сабаблари мавжуд. Уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Диний сабаблар. Исломда эса фоизнинг ҳаром эканлиги барча диний манбаларда келтирилган, шу сабабли ҳам, фоиздан эҳтиёткор бўлган шахсларнинг пул ресурсларини иктисодиётга йўналтирилиши учун янги банк тизимига эҳтиёж сезилди.

2. Иқтисодий сабаблар. Исломий (фоизсиз) банкларнинг ташкил этилишига қуйидаги иқтисодий сабабларни кўрсатиш мумкин:

-мусулмон давлатларининг 1970 йилларда нефтдан қўлга киритган даромадларининг нефте-доллар номи билан Ғарб иқтисодиётига “оқиб ўтиши” кучайди. Натижада мазкур давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишда Ғарб мамлакатларидан орқада қола бошлади;

-мусулмон мамлакатларида анъанавий банкларнинг узок муддатли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш ўрнига қисқа муддатли кредитлаш амалиётига ўтиши, бунинг натижасида эса макроиқтисодий ривожланишнинг орқада қолиши;

3. Ижтимоий сабаблар. Мусулмон мамлакатларида ортиқча пул ресурслари ва арзон иш кучининг мавжудлиги ҳолати исломий банкларга бу икки ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро муносабатга киришига ёрдам бериш имконини беради.

4. Сиёсий сабаблар. Саудия Арабистони ва Эрон каби давлатларда 1970 йиллардан бошлаб исломий банклар ҳеч қандай танловларсиз, Покистон ва Индонезия каби давлатларда эса босқичма-босқич шаклда фаолият кўрсата бошлади. Шунингдек, исломий (фоизсиз) банк тизими фаолиятининг кенгайиши муносабати билан мусулмон давлатларининг мазкур банклар орқали жалб қилинадиган хорижий капиталдан маълум қисмини қўлга киритиши; фоизни ҳаром ҳисоблаган ва жамғармаларини “ёстик ичига” жойлаган кичик жамғармачилар бўш пул маблағларини молиявий тизимга тортиш ҳамда Араб давлатлари билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларни яхшилаш каби ларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Исломий банклар ўз фаолият функцияларини фоизсиз тартибда амалга оширадиган молиявий муассасалардир, шунингдек ресурсларни шерикчилик асосида қайта тақсимлашни амалга оширади [2]. Шерикчилик асосида ташкил этилганили учун ҳам анъанавий банк тизимида белгиланган миқдордаги фоиз ўрнига фаолият сўнггида миқдори аниқ бўладиган фойда (ёки зарар)дан улуш олади.

Исломий банклари қуйидаги тамойилларга кўра фаолият юритади:

- фоизсизлик;
- шерикчилик;
- ҳаромдан сақланишлик;
- молиявий (банк) маҳсулотларининг қонунийлиги;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни назорат қилиш;
- ишонч ва ахлоқлилиқ ва бошқалар.

Ҳозирги кунда исломий (фоизсиз) банклар фаолиятига пул ресурсларини жалб қилиш қуйидаги йўллар орқали амалга оширилмоқда:

1. Жорий ҳисобрақамлар. Мазкур ҳисобрақамлар мазмунан анъанавий банк тизимидаги талаб қилиб олингунча ёки муддатсиз депозит ҳисобрақами билан бир хилдир. Бу ҳисобрақам Исломий банкка берилган қарз сифатида қўрилади, унинг ресурсларидан банк бемалол фойдаланиши мумкин. Энг асосийси, мазкур маблағлардан фойдаланиш жараёнида шаклланган фойда фақат банкка тегишли бўлади.

2. Ислом банкининг фойдаси ва зарарига қўшилиш масадида очилган ҳисобрақам. Мазмун жиҳатдан мазкур ҳисобрақам анъанавий банк тизимидаги муддатли депозит ҳисобрақамига яқиндир. Ушбу ҳисобрақам эгаси билан банк ўртасидаги муддатли битим тузилади. Бу даврда банк ҳисоб эгаларининг фойда олишига тўлиқ қафолат бермайди, чунки банк қанча фойда олишини олдиндан прогноз қила олмайди, бироқ исломий банкларда мазкур турдаги (исломий банкнинг фойдаси ва зарарига қўшилиш масадида очилган ҳисобрақам) депозитлар мутахассислар томонидан аниқлик билан ишлатилаётганлиги боис, зарар эҳтимоли йўқ ҳисобида бўлади.

Исломий банклар фаолиятида жалб қилинган пул ресурсларидан фойдаланиш қуйидаги усуллар билан амалга оширилмоқда:

1. Мурабаҳа. Мурабаҳа баҳоси “таннарх + фойда даражаси” формуласи билан ҳисобланган спот қилишувидир.

2. Ижара (лизинг). Ижара арабчада вақтинчалик фойдаланганлик учун бериладиган тўлов маъносида келади.

3. Мудараба. Мудараба бир томон (мижоз)нинг меҳнати, билими ва тажрибаси, бошқа томон (исломий банк)нинг капитали билан биргаликда юритиладиган фаолият ҳисобланади.

4. Мушарака. Ислом ҳуқуқида ширкатул-инан дея ном олган мушаракада томонлар ҳам капитал, ҳам меҳнат томонидан баробар бўладлар.

5. Салам маълум бир товар ёки хизматнинг баҳосини олдиндан тўлиқ тўлаб, келажакда маълум муддатларда сотиб олинишидир.

6. Истисна. Ишлаб чиқарувчининг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мижоз томонидан белгиланган бир маҳсулотни маълум нархда ишлаб чиқариши мажбуриятини олган шартнома ҳисобланади.

7. Шунингдек, Исломий банклар томонидан юқорида келтирилган бошқа усуллардан ҳам фойдаланилади.

Ўрганишлар асосида исломий банк тизимининг ўзига яраша устун ва заиф томонлари мавжуд эканлигини кўрсатди. Мазкур банк тизимининг анъанавий банк тизимига қўра устун томонларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Исломий банк тизими фаолият кўрсатаётган давлатларга Форс кўрфази мамлакатларидан пул ресурслари кириб келади.

2. Нефть заҳираларига эга бой мусулмон давлатлари билан бу тизим орқали молиявий алоқалар ва ўзаро манфаатлар ривожлана бошлайди.

3. Исломий банк тизимида шаклланган молиявий ресурслар асосан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилмоқда.

4. Исломий банклар томонидан товар ва хизматларнинг молиялаштирилиши туфайли бозорлардаги норасмий тижорат ҳажмини камайтиришга олиб келади, бу ўз навбатида давлатнинг даромад манбаларини ортишига олиб келади.

5. Исломий банклар томонидан товар ва хизматлар тўловларини бўлиб тўлаш йўли билан молиялаштирганлиги мижоз-корхоналарнинг молиявий ҳолатини тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

6. Исломий банклар томонидан олинган ресурслар бўлиб-бўлиб қайтарилиши сабабли корхоналар томонидан мазкур маблағларни қайтарилишини назорат қилиш имконияти мавжуддир.

7. Исломий банклар корхоналарнинг молиявий қийинчилиги (ёки кризиси) давларида анъанавий банклардан фарқли равишда кредитларини қайтариб олишга ҳаракат қилмайдилар. Бу ҳолат корхоналарни молиявий қийинчилиги (ёки кризиси) давларида рискдан ҳимоя қилишини таъминлайди.

8. Исломий банклар молиялаштиришда тўлов муддатлари савдо шартномасининг аввалида белгиланади. Шу сабабли ҳам молиялаштириш (кредит)нинг таннархи корхона учун молиялаштириш (кредит)дан фойдаланиш бошида белгиланганлиги мижозга сумманинг миқдорини харажат таркибидаги миқдорини аввалдан билиш имконини беради.

Исломий банк тизимининг юқорида келтирилган устун томонлари билан бирга унинг айрим заиф томонларини куйидагича ифодалаш мумкин:

1. Исломий банклар депозит эгаларига фоизли даромад бермаганликлари учун ҳам инвесторлар (ресурс эгаси) нуктаи назаридан уларга даромад бериш бўйича ноаниқликлари мавжуд.

2. Исломий банклар молиялаштиришни бўлиб-бўлиб бериш усули билан амалга оширмақдалар. Бундамолиялаштириш маблағлари ичида асосий пул ва фойда ётади. Узоқ муддатли молиялаштириш (кредитлаш) амалга оширилганда банк молиялаштиришдан оладиган фойдани узоқ муддат давомидақўлга киритади, шунингдек олинган фойданинг маълум бир қисмини депозит эгаларига фойда сифатида тақсимлайди. Шу сабабли ислон банкларининг депозитларга тўлаган фойдаси анъанавий банкларнинг депозитларига бераётган фоиз тўловларига нисбатан паст даражада қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Aktepe İ. Sorularla Katılım Bankacılığı, Türkiye Katılım Bankaları Birliği, İstanbul, 2014.
2. Ayub M. Islamic Banking and Finance: Theory and Practice // State Bank of Pakistan Press, Karachi, Pakistan. 2002.
3. El-Hawary, D., Grais, W., Iqbal, Z. Regulating Islamic Financial Institutions: The Nature of the Regulated // World Bank Working Paper 3227. Washington: World Bank. 2004.
4. Karagöz G. İslami Bankacılık. Garanti_dergisi. Temmuz 2012.
5. Taylor F.M. Islamic Banking – the Feasibility of Establishing an Islamic Bank in the United States//American Business Law Journal. – New York, 2003. – № 40. –P. 387-388;
6. Журавлев А.Ю. Принципы функционирования исламских банков // Исламские финансы в современном мире. Экономические и правовые аспекты. – М., 2004. – С.49-126;
7. Львова Н. Исламские банки: особенности, проблемы, перспективы развития. Вестник СПбГУ. Сер. 5. 2013, -с.100
8. Петров А., Зарипов И. Исламские банки: концепция, история возникновения, современное состояние и перспективы развития // Деньги и кредит. – М., 2002. – № 10. – С. 51-55;
9. Харун С., Нурсафиза В. Исломий молиялар ва банк тизими фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти. Б.Жўраев таржимаси. –Т.:Ўзбекистон, 2014.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШЎЛЛАРИ

Бердиназаров З.У.и.ф.д БМА ходими

Тижорат банкларининг халқаро банк хизматлари бозорига интеграциялашувини таъминлаш ва улар рақобатбардошлигини ошириш нафақат алоҳида олинган банк тизимининг ташкилий, иқтисодий ва институционал ривожланиш тизим ва механизмларига, балки шу билан биргаликда бутун макроиқтисодий тизим ва механизмлар ривожига ҳам боғлиқ бўлган комплекс жараёндир.

Фараз қилайлик, агар реал сектор ривожланишида узилишлар ва оқсоқланишлар юз берса, у иқтисодиётнинг бошқа секторлари фаолият занжирига ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолдирмайди. Шундай экан барқарор макроиқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланиши банк-молия секторлари тизимининг ҳам рақобатбардошлигини таъминлашга ва унинг рақобатбардошлигини оширишга катта ҳисса қўшади.

Мазкур тезисда биз тижорат банкларининг халқаро банк хизматлари бозорига интеграциялашувива улар рақобатбардошлигини ошириш йўллари ушбу макроиқтисодий ёндашувлар комплексида эмас, балки бевосита банк тизими ва унинг функционал вазифаларидан келиб чиқан ҳолда фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жойизки, иқтисодиёт субъектларининг бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиши ва рақобатбардош бўлиши, авваломбор, ушбу субъектларнинг мазкур муносабатлар жараёнидаги ташкилий-тузилмавий, ҳуқуқий-меъёрий, ижтимоий ва иқтисодий сайи-ҳаракатларига, функционал вазифаларининг оқилона шаклланганлигига, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлигига ва шу асосда истеъмолчилар (харидор ва буюртмачилар) талаби бўйича ўз маҳсулотлари, ишлари ва хизматларини таклиф қилаётганликларига боғлиқдир.

Тижорат банклари мана шундай субъектлардан бири бўлиб, улар ҳам ўз фаолиятларини айнан мана шу жиҳатлар бўйича, яъни ташкилий-тузилмавий, ҳуқуқий-меъёрий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар нуктаи назаридан илғор инновацион банк маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилишга ихтисослашганлар.

Бугунги кунда тижорат банкларининг халқаро банк хизматлари бозорига интеграциялашуви ва рақобатбардошлигини таъминлашдаги асосий муаммолардан бири бу уларнинг узок муддатли рақобат стратегияси ва тактикасига эга бўлган аниқ дастурларининг ишлаб чиқилмаганлигидир. Ушбу узок муддатли рақобат стратегияси ва тактикаси, ўз навбатида, рақобат салоҳияти, рақобат позицияси ва рақобат устунлигига эга бўлган яхлит ёндашув ва услубиётларни ўз ичига қамраб олган комплекс дастур бўлишини талаб этади.

Мана шундай рақобат стратегияси ва тактикасига эга бўлган дастурларнинг истикболдаги муваффақияти кўп жиҳатдан тижорат банкларининг рақамли банк тизимига тезкорлик билан ўтиши ва ўз фаолиятини шу асосларда ташкил қилишига боғлиқдир. Рақамли банк хизматлари тизимига ўтиш тижорат банкларини халқаро банк хизматлари бозорига фаол интеграциялашувини ҳамда улар рақобатбардошлигини оширишга имконият яратади.

Айни вақтда тижорат банкларининг халқаро банк хизматлари бозоридаги фаолияти сезиларсиз бўлиб, улар асосан ташқи иқтисодий алоқалар (экспорт ва импорт операциялари), халқаро кредитлар ва инвестицияларни жалб қилиш ҳамда халқаро пул ўтказмаларига оид хизмат турлари билан чекланган. Халқаро банк хизматларининг асосий фаол турларидан ҳисобланган халқаро валюта ва фонд бозорларининг ҳосилавий қимматликлари (деривативлари) билан боғлиқ хизмат турлари, халқаро суғурта

хизматлари, хедж фондлар хизматлари, халқаро франчайзинг, форфейтинг ва факторинг хизматлари, секюритизация, инвестиция портфелларига хизмат кўрсатиш, халқаро ҳисоб-китоблар, халқаро онлайн банк маркетинг хизматлари каби хизматлар турини кўрсатиш бўйича бир қатор муаммоларга эгадирлар.

Мазкур муаммоларни оқилона ҳал этиш ва тижорат банкларининг халқаро банк хизматлари бозорига фаол интеграциялашувини таъминлаш ва улар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар тизимига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- тижорат банкларининг халқаро банк хизматлари бозорига интеграциялашувини таъминлаш ва улар рақобатбардошлигини ошириш бўйича рақобат стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳар бир тижорат банкларининг рақобат салоҳияти, рақобат позицияси ва рақобат устунлиги жиҳатларини таснифловчи ва тавсифловчи кўрсаткичлар мезонларини ишлаб чиқиш, белгилаш ва баҳолаш юзасидан аниқ тадбирларни белгилаш;

- ҳар бир тижорат банкида рақамли банк хизматлари ва технологияларини жорий қилиш бўйича рақамли маркетинг бўлимларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур бўлимнинг асосий функционал вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланиши лозим: инновацион рақамли банк маҳсулотлари ва хизматларини тадқиқ этиш ва жорий қилиш истикболларини белгилаш; инновацион рақамли банк маҳсулотлари ва хизматлари нархини пасайтириш чора-тадбирларини амалиётга жорий қилиш (айнан ушбу вазифа бўлим ходимлари фаолиятини рағбатлантирувчи мезонлардан бири сифатида қаралиши керак); халқаро рақамли банк хизматлари бозорига интеграциялашиш салоҳияти ва рискларини баҳолаш; рақамли корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш каби вазифалар шулар жумласидандир;

- истикболда халқаро банк хизматлари бозорининг, шу жумладан халқаро рақамли банк хизматлари тобора ривожланиб боришини инобатга олган ҳолда маҳаллий тижорат банкларининг хорижий давлатларда филиалларини очиш ва ушбу филиалларда маҳаллий кадрлар малакасини ошириш, стажировка ўташларини ташкил қилиш, мутахассис банк ходимларини эса ротация қилиш ҳисобидан тажрибаларини ошириш, халқаро фонд биржаларида ўз брокер ва диллерларининг фаолият кўрсатишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастурини белгилаш;

- тижорат банкларининг молиявий ресурс базасини кенгайтириш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва халқаро молия бозорларига фаол интеграциялашувини таъминлаш мақсадида уларни дунёнинг турли қитъаларида (Европа, Осиё, Америка - географик жиҳатдан табақалашган ёндашув асосида) фаолият кўрсатаётган етакчи тижорат банкларини жалб қилган ҳолда хусусийлаштириш чора-тадбирларини жадаллаштириш;

- тижорат банкларининг халқаро рақамли банк хизматлари бозорига интеграциялашувини таъминлаш ва улар рақобатбардошлигини ошириш борасида белгиланадиган чора-тадбирлар дастурини рақамли иқтисодиётга ўтиш концепцияси билан бойитиш;

- тижорат банклари ўртасида банк хизматлари рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида улар томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари сарф-харажатларини камайтириш, банкларда бек-офис ва фронт-офис хизматлари тизимини онлайн тизимга ўзгартириш, рақамли хизматлар турини кенгайтириш ва мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари изчиллигини таъминлаш лозим.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИ.

Сиддиқов Ш. БМА магистранти

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида тижорат банклари томонидан жалб қилинган ва ўз ресурслари ҳисобидан хорижий валютани тегишли қондаларга риоя қилган ҳолда эркин сотиш тизимини жорий қилиш, валюта муносабатларини такомиллаштириш ҳамда валютани тартибга солиш борасида бир қанча ишлар амалга ошириш белгиланган.³⁸²

Бугунги кунда тижорат банкларида ва барча филиалларида валюта операциялари бўйича комплекс хизматлар кўрсатилмоқда.

Банк филиаллари валюта операциялари бўлимларида мижозлар шартномаларнинг тўлов шартларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тузиш бўйича тавсиялар, шунингдек ҳисоб-китобларнинг энг мақбул шакллари ва шартлари борасида тавсиялар олишлари мумкин.

Банкларда амалга ошириладиган асосий валюта операциялари:

ташқи савдо шартномаларини рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш;
савдони молиялаштириш бўйича операциялар, аккредитивлар, кафолат операциялари;

ҳалқаро пул ўтказмалари;

нақд чет эл валютаси билан операциялар;

конверсия операциялари.

Нақд чет эл валютаси ва тўлов ҳужжатлари билан боғлиқ инкассо операциялари қуйидаги ҳужжатлар асосида аудит қилинади:

- резидент ва норезидентлардан нақд чет эл валютаси ва тўлов ҳужжатларини сўмда, ҳамда чет эл валютасида инкассо учун қабул қилишнинг тўғрилиги;

- инкассо операцияларининг тўғри расмийлаштирилиши, ҳамда унинг тегишли ҳисобварақларда ҳисобга олиниши.

Валюта операциялари аудитида тижорат банкларида валюта алмаштирув пунктлари фаолиятлари бўлимнинг экспорт ва импорт фаолиятига хизмат кўрсатиш ҳамда валюта маблағларини қайта баҳолаш операцияларига алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бир қаторда операцияларини текширишда асосий эътибор қуйидагилар кузатув остига олинади:

•валюта ҳисобрақамларини очилиш тартиби ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги;

•экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга олиш бўйича очилган ҳисобрақамлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг тўғри олиб борилиши;

•чет эл валюталарида амалга оширилган операцияларнинг ўз вақтида ва тўғри ўтказилгани;

•валюта операциялари бўйича даромад ва харажатларнинг ҳисобланиши ва ҳисобнинг тўғри олиб борилиши.

³⁸² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси

•валюта ҳисобварағидаги валюта маблағларининг ўз вақтида ва тўғри қайта баҳоланиши;

•экспорт ва импорт шартномаларини ҳисобга олишда Вазирла Маҳкамасининг қарорлари ва Марказий банкнинг меёрий ҳужжатларига қатий амал қилиниши;

•бошқа банк муассасаларидан инкассаторлар орқали келган чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари тўлиқ кирим қилингани, алоқа органларидан чет эл валютаси бўлган жўнатмаларни олиш тартибига риоя қилиниши текшириш;

•резидентларга чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини сотишнинг амалдаги қоидалари ва меъёрларига риоя этилиши;

•валюта айирбошлаш шахобчаси ишининг тўғри ташкил этилганлиги, жумладан валютанинг ҳисоби тўғри юритилиш бўйичтегишли дафтарда ўз вақтида ва тўғри қайд этилишини текшириш;

•сотиладиган валюта суммаси ҳисоб-китоб қилинганининг тўғрилиги, чет эл валютасини сотиш операциялари сотилган нақд чет эл валютаси ҳисобини юритиш бўйича тегишли шаклдаги дафтарда ўз вақтида ва тўғри қайд этилиши текширилади;

•сотиладиган валюта айирбошлаш шахобчасининг сотилган чет эл валютаси ҳисобини юритиш дафтарида тўғри кўрсатилгани;

•чет эл валютасини республикадан ташқарига олиб чиқишдаги рухсатнома тўғри расмийлаштирилгани;

•валюта сотилганда воситачилик ҳақи ундирилгани;

•хизмат сафари харажатлари учун ташкилотлар ва корхоналарга чет эл валютаси сотишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши;

•чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини Ўзбекистан Республикасининг бошқа банкларига ёки бевосита чет эл банкига жўнатиш бўйича операцияларнинг тўғрилиги ва асосли эканлиги.

Юқорида айтиб ўтилган фаолият бевосита тижорат банкларининг валюта операциялари ҳолатига боғлиқдир. Чунки тижорат банклари валюта муносабатларининг асосий иштирокчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Ҳозирги кунда республикада банкларида валюта операцияларини бажарувчи дилинг бошқармалари фаолиятида қўйидаги камчилик ва муаммолар мавжуд эканлиги аниқланмоқда:

Жаҳоннинг етакчи валюталарига нисбатан коэффисиентлар қўллаш бўйича ҳалқаро қоидаларга риоя қилмаслик.

Республика банкларининг хориж банклари билан бўлган бир томонлама корреспондент алоқалари.

Республикада тижорат банкларида форвард, фьючерс, опцион ва своп операциялари каби муддатли валюта операцияларининг ривожланмаганлиги.

Шуни эслатиш керакки, валютани тартибга солиш ислохотлар шароитида мамлакат маълум сабабларга кўра ўзини тегишли ҳалқаро ликвидлик билан таъминлаши мумкин.

Банкларда пул ўтказмалари бўйича валюта операцияларининг ташкил этишда улар бўйича банк талабларини ҳисобга олувчи 19997(840) ва банк мажбуриятларини ҳисобга олувчи 29896(840) ҳисобрақамлар очилган. Мазкур амалиётларни текширишда пул ўтказмаларини ўтказиш тартиби бўйича уларнинг тўғри қабул қилиб ўтказилиши ва берилиши тартиби ҳам текшириб борилади. Жумладан, минибанклар томонидан кун охирида 19997(840) ва 29896(840) ҳисобрақамларининг тўғри ёпилиши ва унда қолдиқларнинг мавжуд эмаслигини текшириш лозим. Валюта операциялари аудити текшируви натижаларида қўйидаги камчиликлар мавжуд:

ВАШ амалиётлари бўйича мижознинг пулни олганлигини тасдиқловчи имзолар мавжуд эмас;

Филиал биносида 2000 АҚШ долларида 5000 АҚШ долларида бўлган пул ўтказмаларида чакана хизмат сектори бошлиғининг имзоси мавжуд эмас;

5000 АҚШ долларида юқори маблағларга доир пул ўтказмаларининг айримларида филиал бошқарувчисининг имзоси мавжуд эмас;

Мижоз ҳисобрақамидаги миллий валютани чет эл валютасига конвертация усули билан алмаштириш бўйича тақдим этилган аризага банк бошқарувчиси имзоси қўйилмасдан ижро учун йўналтирилган.

Умуман олганда, республикада аудиторлик фаолиятини шу жумладан банкларда валюта операцияларида аудит муносабатларини тартибга солиб турадиган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар тўпламининг вужудга келтирганига қарамай, умуман аудитни, хусусан банк аудитини халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган даражада ташкил қилиш учун ҳозирги шароитда ҳаракатдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга айрим қўшимчалар ва тўлдиришлар киритиш зарурияти туғилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Вахабов А.В. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х томах. Ташкент: Университет, 2003. -538 с.
3. Бобоқулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. Тошкент: Фан ва технология, 2007. -184 б.
4. Жумаев Н.Х., Кудайбергенов Ж.Ш. Международные финансовые отношения. Валютный курс и пути их регулирования. –Ташкент: Иктисод-молия, 2006.
5. Усмонова Н. Валюта рискин бошқаришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. Тошкент: Иқтисодиёт, 2013.
6. Носкова И.Я. Валютные и финансовые операции. –М.:Юнити. 1998, 45 с.
7. www.wikipedia.com (Халқаро ҳисоб-китоблар банки расмий сайти).

6-СЕКЦИЯ.

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ, ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИВА БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДИФЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

ПРОБЛЕМЫ ФИНАНСОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЦЕНТРОВ ИННОВАЦИОННОГО РОСТА КАК КЛЮЧЕВЫХ ПОСТАВЩИКОВ ЭКСПОРТНОЙ ПРОДУКЦИИ РЕГИОНОВ

*Котов В.А. – к.э.н. доцент кафедры «Менеджмент»
Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан*

В условиях усиливающейся конкуренции на мировых рынках товаров и услуг особое значение приобретает вопрос постоянного наращивания экспортного потенциала регионов, т.к. в центр деловой активности в большинстве стран мира постепенно смещается в сторону непосредственной дислокации природно-сырьевых, производственно-технических и человеческих ресурсов. Учитывая данную общемировую тенденцию особую значимость приобретает проблема финансового обеспечения инновационного роста, которые в условиях цифровой экономики способны с помощью новейших технологий и прогрессивных форм организации производства быстро осваивать выпуск конкурентоспособной экспортной продукции.

В настоящее время в специальной научной литературе по инновационному менеджменту нет сложившегося единого понимания термина «центр инновационного роста региона», однако, в большинстве первоисточников под ними понимается широкая совокупность пространственных форм организации инновационного бизнеса, базирующихся на добровольном объединении субъектов инновационной деятельности, действующих в масштабе конкретного региона страны с целью:

а) создания и выпуска конкурентоспособных инновационных товаров (технопарки, производственные кластеры, совместные предприятия)

б) оказания инновационных услуг (бизнес-инкубаторы, испытательные полигоны, малые промышленные зоны);

в) организации промышленной кооперации или привлечения иностранного капитала для организации крупного инновационного бизнеса (свободные экономические зоны, производственные кластеры, территории опережающего развития, наукограды, технопарки, испытательные полигоны).

Учитывая многофункциональный характер и широкий спектр выполняемых задач, важное значение имеет правильное представление о жизненном цикле создания и функционирования центров инновационного роста.

Так, на начальной стадии своего создания центры формируются на основе кооперации усилий всех пионерных участников инновационного процесса, заинтересованных в получении конечного результата в виде нового товара, услуги или другого нововведения, работая за счет собственных инвестиций или спонсорской помощи. На последующих стадиях инновационного процесса усилиями отдельных новаторов при активной поддержке органов регионального управления или местной власти создается временная проектная структура, которая координирует деятельность всех своих участников по коммерциализации создаваемого инновационного продукта. Основными источниками финансирования выступают кредиты коммерческих банков или целевые бюджетные ассигнования. На завершающих стадиях создания инновационного продукта проводится институциональное оформление центра

формируется жесткая структура из функциональных подразделений, отвечающих за выпуск конкретных видов экспортных товаров или услуг, пользующегося спросом на региональном рынке и за его пределами.


Учитывая растущие потребности экономики Узбекистана в инновационном обновлении, а также наращивания экспортного потенциала регионов, актуальным становится своевременное создание институциональных основ для формирования в каждом регионе Узбекистана широкой сети центров инновационного роста, призванных стать драйверами их устойчивого социально-экономического развития.

Для правильного понимания учеными и практиками, а также органами государственного и регионального управления Узбекистана широких возможностей центров инновационного роста в деле наращивания экспортного потенциала регионов крайне важное значение имеет раскрытие принципов, структуры управления и инструментария механизма финансирования их научно-исследовательской, проектной и производственной деятельности.

Успешное становление эффективного механизма финансирования программ и проектов центров инновационного роста, связанных с наращиванием экспортного потенциала регионов стало возможным, благодаря проведению целенаправленной государственной политики по расширению экономической самостоятельности территорий, а также своевременного формирования гибкого механизма инвестиционной поддержки этой сложной формы пространственной организации инновационного бизнеса.

Спектр наиболее распространенных инструментов финансирования программ или проектов центров инновационного роста регионов, связанных с наращиванием экспортного потенциала территорий, приведен на Рис.

Спектр методов и инструментов финансирования центров инновационного роста



Представленная в данном докладе модель наращивания экспортного потенциала территорий за счет совершенствования механизма финансирования центров

инновационного роста регионов свидетельствует о том, что такой подход имеет много преимуществ, однако его реализация на практике требует слаженной целенаправленной работы органов государственного и регионального управления, экономических министерств, финансовых институтов и самих участников инновационного бизнеса. Кроме этого он предполагает принятие таких мер их поддержки со стороны государства, как создание благоприятного инвестиционного климата, предоставление льготных режимов кредитно-финансовой поддержки, налогообложения, таможенного и имущественного обеспечения.

Мощный импульс активизации деятельности центров инновационного роста должно придать внедрение в хозяйственную практику республики широкого спектра используемых в мировой практике методов и инструментов финансирования, как проектное финансирование, синдицированное кредитование, акционерное и долговое финансирование на основе ценных бумаг, франчайзинг, грантовое и венчурное финансирование, лизинг и факторинг.

Своевременное освоение коммерческими банками и финансовыми институтами Узбекистана передовых методов и инструментов финансовой поддержки центров инновационного роста регионов позволит ускорить решение целого ряда проблема институционального укрепления этой перспективной формы пространственной организации инновационного бизнеса, превратив их в опорные звенья регионально-производственных систем, которые в условиях цифровой экономики способны придать мощный импульс наращиванию экспортного потенциала территорий Узбекистана.

ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ

*Дўстмухаммад Х. У. ТИКХМИИ “Менежмент” кафедр. доц
Турсунова Н. О. “Молия” кафедраси кабинет мудири*

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири – инновацион фаолиятни тартибга солишни такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг инновацион мойиллигини ошириш ва реал секторни модернизация қилиш ва технологик қайта қурулантиришни рағбатлантирувчи муҳит яратишдан иборат.

Замонавий технологияларни жорий этиш учун молиявий маблағларни жалб этиш илмий ишланмалар самарадорлигини оширишда энг муҳим муаммолардан ҳисобланади. Уни ҳисобга олиш билан изоҳлаш мумкин:

- инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларининг мукамал эмаслиги;

- корхоналар шахсий маблағининг етишмаслиги; - банклардан кредит ресурслар олишдаги қийинчиликлар.

Натижада, бугунги кунда инновацияларга бўлган талаб ҳажмининг ўсиш суръатларини катта даражада бўлмайдиган. Шунга боғлиқ ҳолда технологиялар бозори – яъни, инновацияларни тижоратлаштириш жараёни ҳам етарли даражада ривожланмаяпти.

Инновацияларни жорий этиш билан боғлиқ мавжуд муаммолар кўп жихатдан ИТТКИ (илмий-техник, тажриба-конструкторлик ишланмалари) ва инновацион жараёнларни давлат томонидан молиялаштириш тизимининг мукамал тарзда шакллантирилмаганлиги билан боғлиқ бўлса, хусусий сектор томонидан ИТТКИ маҳсулотларига бўлган талабнинг нисбатан пастлиги қўшимча молиялаштириш манбаларининг юзага келмаётганлигига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, қисқа муддатли кредитлар бўйича капитал қийматининг анча юқорилиги ва гаров бўйича таъминот талабларининг катталиги ҳам илмий

ишланмаларни молиялаштиришни мураккаблаштирмоқда. Меъёрий-ҳуқуқий чегаралар билан қатъий чеклаб қўйилган ҳолда банклар кредитларни мулк гарови остида ва қисқа муддатларга беради. Бу эса, айниқса, одатда етарли гаров таъминотига эга бўлмаган, нисбатан кичик инновацион корхоналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Банклар фаолиятини кенгайтиришга таъсир кўрсатадиган тўсиқларнинг катта қисми меъёрий-ҳуқуқий базанинг, масалан гаров таъминоти бўйича масалаларнинг мукамал ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ. Бу муаммолар қаторида: гаров мулкни ундириш ва мусодара қилиш тартиби, шунингдек, гаровни мижознинг розилигисиз сотиб юбориш ҳуқуқининг мукамал эмаслиги; мусодара қилинган гаровни тез ва кам харажатлар билан сотиб юбориш механизмларининг ишлаб чиқилмагани; гаровнинг нарх қийматини объектив баҳолаш; гаров мулкига солиқ солиш муаммосини санаб ўтиш мумкин.

Кредит тизимини ривожлантиришда лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш имкониятининг йўқлиги ҳам тўсиқ бўлмоқда, сабаби у банклар учун таваккалчилик даражасини оширади ва йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун корхоналарнинг кредит ресурсларини излаб топишида қийинчиликлар туғдиради. Қонун нуқтаи-назаридан, банклар томонидан бундай операцияларни амалга оширишда тўсиқлар мавжуд эмас, бироқ таъкидлаш жоизки, бу жараёни тартибга солиб берувчи ҳуқуқий меъёрлар ҳам йўқ. Натижада банклар бундай операцияларни четлаб ўтишга ҳаракат қиладилар.

Илмий-техник ишланмаларни молиялаштиришнинг манбаларидан бири бўлган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Бироқ, бугунги кунда амал қилаётган солиқ тизимидаги жиддий муаммолар инновация жараёнларини инвестициялашда биров қийинчилик туғдирмоқда. Яъни, солиқ тизимида белгиланган айрим меъёрларнинг ўзгарувчанлиги узок муддатли бизнес лойиҳаларни режалаштириш ва уларни амалга оширишни мураккаблаштирмоқда. Шу сабабли, инновацион фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган солиқ имтиёзларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Жаҳон амалиётидан маълумки, ҳозирги кунда янгиликлар яратиш ҳамда янги технологияларни жорий этиш мақсадига йўналтирилган инвестицияларни амалга оширишда рағбатлантирувчи имтиёзлар тўпламидан: фойдадан олинадиган солиқ бўйича, янги жиҳозлар ва қурилишларга ажратиладиган капиталга, ИТТКИ учун харажатларга мос имтиёзлар; жадаллаштирилган амортизация ҳисоби; одатда илмий тадқиқотларда қўлланиладиган асбоб-ускуналарнинг алоҳида турлари учун сарфларни жорий харажатлар таркибига киритиш; кичик инновацион корхоналар учун паст ставкалар бўйича фойда (ёки даромад) солиғи солишдан кенг фойдаланилади.

ИТТКИ ва янги техника, жиҳозлар ва технологияларни жорий этишни молиялаштириш учун корхоналарга имтиёзлар берилади. Бу чегирма компания фойдасидан олинадиган солиқ суммасидан (солиқ суммасидан ушлаб қолинадиган оддий чегирмалардан фарқли равишда) ушлаб қолинади. Чегирма миқдори жорий этиладиган техниканинг қийматидан келиб чиққан ҳолда фоизларда белгиланади. Масалан, Японияда у электрон техника ва жиҳозлар учун – 53%, Буюк Британияда янги техника, технология ва материаллар ва бошқалардан фойдаланишнинг биринчи йили учун – 50%, Канадада ҳудудга (мамлакатнинг ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган ҳудудлари) боғлиқ равишда – 10-15%ни ташкил этади.

Инновацион ишланмаларнинг жорий этилишини рағбатлантирувчи яна бир омил жадаллаштирилган амортизация ҳисобланади, бироқ унинг тезлиги оддий амортизация меъёрининг 2 каррасидан ҳам ошмайди. Бунда амортизация қилинадиган асосий воситалар атиги беш гуруҳга ажратилган бўлиб, бунда чеклов шароитида тезлаштирилган амортизация сиёсатини олиб бориш мушкул. Асосий воситалар қийматининг катта қисмини биринчи йилда амортизация қилишнинг имконияти йўқ.

Хорижий мамлакатларда корхоналарни модернизация қилиш учун рағбатлантирувчи амалий усуллардан бири жадаллаштирилган амортизация ҳисобланади. Масалан, Буюк

Британия компанияларига техник жиҳозларни дастлабки фойдаланиш йилидаёқ ҳисобдан чиқаришга рухсат берилган. Германияда биринчи йилдаёқ, ИТТКИ ўтказиш учун фойдаланиладиган асбобускуна ва жиҳозлар харид қилиш учун харажатларнинг 40%ини ҳисобдан чиқариш мумкин. Жанубий Кореяда ишлаб чиқариш жараёнлари ва ИТТКИни бошқаришда фойдаланиладиган компьютерларнинг амортизация муддати 3-4 йилга тенг, биринчи йилда дастлабки нархининг 50%игача ҳисобдан чиқариб ташланади. Швецияда амортизация ҳисобидан чиқариш тизими томонидан хизмат кўрсатиш муддати 3 йил бўлган ва унчалар қиммат бўлмаган жиҳозларни харид қилинган дастлабки йилдаёқ ҳисобдан чиқаришга рухсат этилган, умуман олганда, машина ва жиҳозларнинг амортизация муддати 4-5 йилга тенг. Францияда энг муҳим жиҳозлар турларига, масалан, энергия тежаш, экологик, маълумот узатиш жиҳозлари учун жадаллаштирилган амортизациядан фойданишга рухсат берилди. Хизмат кўрсатиш муддати 4 йилгача бўлган жиҳозлар учун амортизация коэффиценти 1,5 га, 5-6 йил учун – 2 ва 6 йилдан зиёд муддат учун 2-2,5 га тенг.

Ўзбекистонда жадаллаштирилган амортизацияни инновацияларни рағбатлантиришнинг амалий механизмига айлантириш учун унинг нисбатан юқори меъёрларини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади, бунда асосий воситаларнинг катта қисми учун ҳисобдан чиқариш муддати 4-5 йилдан ошмаслиги лозим, шунингдек, корхоналарга асосий воситаларнинг алоҳида гуруҳлари бўйича харид қилинган дастлабки йилдаёқ уларни ҳисобдан чиқаришга рухсат бериш керак. Жадаллаштирилган амортизациянинг ижобий таъсирини кучайтириш учун амортизация қилиниши керак бўлган асосий воситаларнинг нисбатан мукамалроқ гуруҳларини ишлаб чиқиш ҳам моддий активларни асосий воситалар ёки жорий харажатларга киритишнинг дастлабки қийматини оширади.

Хусусий секторда солиққа тортиладиган объектлар дифференциациясини ўтказиш, яъни, кичик инновацион тадбиркорлик субъектларини алоҳида гуруҳларга ажратиш лозим. Бу уларга нисбатан бир қатор, яъни: улар томонидан соддалаштирилган солиқ тизимини қўллаганда, технологиялар ва жиҳозларни реализация қилишдан тушадиган ялпи даромаддан олинадиган ягона солиқ тўловини қисқартириш; солиққа тортиладиган базадан янги жиҳозлар ва технологиялар учун харажатларни тўлиқ ёки қисман бўлса-да, чиқариб ташлаш учун имконият яратиш каби солиқ имтиёзларини таъминлаб беради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, давлат сиёсати стратегиясида инновацион соҳага оид инвестицион фаолиятни узоқ истиқболлар давомида фаоллаштирувчи мустақам шарт шароитлар яратиб беришни таъминлаб бера оладиган йўналишларни кучайтириш талаб этилади. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ривожланишини бозорга оид тартибга солиш механизмлари ёрдамида шакл-шубҳасиз таъминлаб беришнинг иложи йўқлиги барчага маълум, бунда миллий хўжаликка бевосита ва билвосита таъсир кўрсатишни кучайтириш орқали тартибга солиб турадиган давлатнинг роли алоҳида аҳамият касб этади. Мана шу мақсадларда иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий тавсифга эга тадбирлар мажмуидан кенг фойдаланилади.

Бозор муносабатларининг ривожланишига боғлиқ ҳолда, билвосита тартибларни қўллаш соҳаси инновацион жараёнларга тўғридантўғри таъсир кўрсатишга нисбатан сезиларли равишда кенгайиб бормоқда. Мувофиқ равишда тартибга солиш тизими шундай қурилиши керакки, бунда ҳар бир хўжалик субъекти ўз иқтисодий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, миллий иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларини яхлит бир тизим сифатида амалга оширишга кўмаклашиши керак бўлади.

Инновацион сиёсатга комплекс ёндашув доирасида уни таъминлаб берувчиси – яъни молиялаштириш тизими фикримизча, давлат иштирокининг қуйидаги уч шаклини ўз ичига олиши керак бўлади:

1) бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестицион фаолиятда давлатнинг тўғридан-тўғри иштироки;

2) инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш мақсадида макроиктисодий ёндашувлардан фойдаланиш (давлат томонидан инвестицияларни билвосита тартибга солиш);

3) инвестиция ресурсларини шакллантириш ва сафарбар қилиш.

Улар белгилаб олинган йўналишларнинг бажарилишини таъминлаб бера оладиган муҳим тамойилларга мувофиқ келиши зарур. Бунда улар бозор тавсифига эга бўлиши, саноатни таркибий қайта қуришга таъсир кўрсатиш усуллари ва кучлари, тизимнинг самарадорлиги, изчиллиги ва бир-бирига зид келмаслиги, саноатни таркибий қайта қуриш механизмларининг уйғунлиги назарда тутилади.

Бу давлатнинг яратувчи ва тартибга солиб турувчи ролининг кучайиши билан боғлиқ бўлиб, мамлакатда инновацион тараққиётни жадаллаштириш ва қўллаб-қувватлаш учун миллий стратегиялар ва механизмларни ишлаб чиқиш унинг энг устувор вазифаларига айланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Экспортга қўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сон.

3. «Содействие развитию экспорта Республики Узбекистан: формирование благоприятной среды и эффективных институтов». Доклад ЦЭИ, 2019 г.

4. Аретова Е.В. Долгосрочное прогнозирование инновационного развития: мировой опыт и Россия. //Развитие России в условиях глобализации мировой экономики. Матер. междунар. конф. Ростов на Дону: 2018 г.

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ВА ФОНД БОЗОРИЛАРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШЛАРИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Бабаева Н. М. и.ф.н. Қўқон Давлат педагогика институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти*

Фонд бозорида харидор сифатида суғурта компаниялари ролининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўзларининг бозордаги имкониятларидан келиб чиқиб инвестицияларни қисқа ва узок муддатли ёки хавф даражаси юқори ёки хавфсиз бўлган операциялар билан шуғулланишлари мумкин, аммо амалиётда улар жуда консерватив фаолият олиб борадилар. Бу ерда фаолият нафақат иқтисодий ва сиёсий балки бозордаги маркетинг ҳалатига ҳам боғлиқ бўлади.

Бу ерда ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат назорат органлари суғурта компанияларини спекулятив молиявий операцияларни олиб боровчи инвесторлар ҳисобига тушиб қолишга йўл қўймайди. Шунингдек инвестицияларнинг ўзоқ муддатли бўлганлиги ҳам бундай фаолиятга йўл қўймайди. Суғурта назорат органлари бунда суғурта компанияларининг активларини инвестиция қилиш жараёнларида актив турлари бўйича чеклаш ва ихтиёркорона инвестиция сиёсатини олиб боришларига ундайдилар. Масалан, Германияда хавф даражаси юқори бўлган қимматли қоғозларга инвестиция қилишга тақиқланади, АҚШда эса бундай қимматли қоғозлар гуруҳига активларнинг 1 фоиздан кўп миқдорини жойлаштиришга умуман йўл қўйилмайди. Буюк Британияда турли хил нодавлат қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар 1-5% миқдорида чекловлар ўрнатилган. Бундан ташқари, айрим мамлакатларда суғурта компанияларининг инвестицияларини давлат қимматли қоғозларига жойлаштириш

учун тўғридан-тўғри кўрсатмалар мавжуд, бу нафақат суғурталанувчиларининг маблағларини ҳимоя қилишни балки давлат қарзини барқарор жойлаштиришни таъминлайди.

Кўплаб ғарб мамлакатлари фонд бозорларининг ривожланганлиги улар томонидан тақдим этилаётган инвестиция инструментларининг турли туманлигадан ҳам кўришимиз мумкин. Масалан: Қозоғистон Республикаси суғурта компанияларининг фонд бозорлари инструментларининг хилма хилиги бўнга яққол мисол бўла олади. (1-жадвал)

Ғарб мамлакатларида инвестиция сиёсатининг шаффофлиги суғурта компанияларининг хавфли инвестиция сиёсати билан шуғулланиши тийиб туради сабаби бундай сиёсат суғурта маҳсулотларини сотишни хавф остига қўяди. Суғурта компаниялари мижозларнинг хавфларини сотиб олсада, қимамтли қоғозлар бозорида хавфли инвестиция сиёсатини олиб боришларига ҳақлари йўқ. Юқори фойда олиш мақсадида шубҳали операциялар билан шуғулланиш оқибатида суғурта компаниялари ўз мижозларининг ишончини йўқотишлари мумкин, бу эса фонд бозорида йўл қўйиб бўлмайдиган ҳатодир.

Молия соҳасининг асосий пул йиғувчилари сифатида суғурта компаниялари қимматли қоғозлар бозорига қарама-қарши томондан киришга мажбур бўладилар, бу дегани улар ўзларининг қимматли қоғозлари эмитентлари бўлишлари ҳисобланади.

Қозоғистон республикаси суғурта секторининг суғурта активларининг структураси³⁸³

Кўрсаткичлар турлари	01.01.2018 й		01.01.2019 й		Йил бошидан йил охирига ўзгариши %да
	млн.тенге	Жамига нисбатан %да	млн.тенге	Жамига нисбатан %да	
Пуллар	42068	4,5	40739	3,9	-3,2
Депозитлар	208348	22,5	190438	18,2	-8,6
Қимматли қоғозлар	424820	45,9	543778	51,9	28,0
Репе операциялари	52891	5,7	71014	6,8	34,3
Воситачилардан олинган керак бўлган суғурта мукофотлари	31436	3,4	29411	2,8	-6,4
Асосий воситалар	18921	2,0	17560	1,7	-5,7
Қайта суғурта активлари	110237	11,9	111843	10,7	1,5
Дебитор қарздорлик	12243	1,3	10401	1,0	-15,0
Бошқа активлар	25379	2,7	33327	3,2	31,3
Жами актив	926043	100	1048510	100	13,2

Суғурта компаниялари умумий талаблар доирасида фаолият юритадилар ва уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги эмиссия фаолияти бошқа соҳа вакиллари фаолиятдан деярли фарқ қилмайди. Жами эмиссия фаолиятининг кўлами ва айниқса иккиламчи қимматли бозорларида суғурта соҳаси банклари ёки йирик молия ва саноат гуруҳлари фаолиятдан анча пастдир. Бироқ айрим йирик суғурта компаниялари очиқ акциядорлик жамиятларининг роли ўта жиддий баҳоланади. Ўзбекистон учун бу йўналиш ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, масалан, АҚШ ёки Германияда суғурта компаниясининг акцияларини очиқ қимматли қоғозлар бозорида сотилиши бу оддий ҳолат ҳисобланади.

³⁸³ Қозоғистон суғурта регулятори маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. www.nationalbank.kz

Бундан ташқари суғурта назорати органлари суғурта компанияларининг акциядорларга ҳисоботларни бериш, қимматли қоғозларни чиқариш учун қўшимча рухсат бериш тартиб қоидаларини жорий этишлари мумкин. Масалан Германияда суғурта фаолиятини назорат қилиш Федерал бошқармаси нафақат суғурталанувчилар балки суғурта компанияси акциядорларининг ҳам манфаатларни ҳимоя қиладилар, агарда низо юзага келганда акциядорлар назорат органига шикоят қилишлари мумкин, бунда назорат органлари акциядорлар тарафи туриб мавжуд низоларни бартарф этиш юзасидан уларга маслаҳатлар ва бошқа хизматларни кўрсатишлар мумкин.

Қимматли қоғозларнинг жозибадорлиги таъминлашнинг муҳим шартларидан бири бу эмитентнинг ишончли суғурта компанияси билан суғурта шартномасига эга бўлишидир. Мисол учун оддий инвесторларнинг инвестиция хавфи суғурталанганлиги инвесторларда бўлган ишончни оширади. Сабаби оддий инвесторга нисбатан суғурта компанияси инвестицияларни суғурталашдан олдин уни батафсил ва изчил экспертиза текширувидан ўтказди, бу эса оддий инвестор текширувидан бир неча бор ишончлидир.

Кўпгина мамлакатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ суғурта компаниялари, банклар ва кредит ташкилотлари билан бирга кафиллик вазифасини бажариши мумкин, яъни мижозларнинг мажбурият бажаришларини кафолатлайди. Бунда суғурта компанияси мизож ўз мажбуриятини бажара олмаса суғурта компанияси мизожнинг учинчи шахслар олдидаги қарз мажбуриятларини тўлаб беради.

Йирик суғурта компанияларининг кафиллиги инвестицияларнинг ишончилигини аниқлашда яхши далил бўлиб хизмат қилади, шунинг учун ҳалқаро алоқаларда суғурта компаниясининг кафиллик бериши кенг тарқалган амалиётлари сирасига киради.

Суғурталаш тизимининг ривожланганлиги ва ундан фойдаланиш иқтисодиётининг инкирозларсиз ривожланиши гаровидир, шундан келиб чиққан ҳолда қимматли қоғозлар бозори ривож учун ҳам қўлай шарт-шароит яратиб беради.

Йирик миқдордаги табиий ёки техноген фалокатларнинг катта ҳудудлар бўйлаб юз берганда суғурта механизми зарарларни қоплаб бериши билан мамлакатнинг молиявий имкониятларига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари суғурта компанияларининг барқарор инвестицион фаолият олиб боришлари натижасида иқтисодиётни “уzun” пуллар таъминловчи асосий молиявий институтлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда суғуртанинг айниқса жамғариб бориладиган суғурта турларининг ривожланиш даражасига қараб мамлакатнинг монетар тизимнинг ривожлангани ва инфляциянинг даражаси ва инвестицияларнинг ривожланишига тўғридан-тўғри баҳо беришади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, фонд бозори макроиқтисодий циклларнинг ўзгариши ва бозор конъюктурасининг тебраниб туриши билан боғлиқ омиллар ўзгаришига жуда мойил ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг барқарор ривожланишида, ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлигини таъминловчи молиявий механизм сифатида суғурта макроиқтисодий омилларнинг барқарорлигини ва уларнинг нисбатини мувозанатини оптималлаштиришга яқиндан ёрдам беради.

DEVELOPMENT PROSPECTS OF THE NATIONAL INSURANCE MARKET

*Mamatkulova N. M. senior lecturer,
Akhmedov A. N. uriddinovich, student
Tashkent institute of architecture and civil engineering*

Currently, the insurance market of the Republic Uzbekistan is regulated by legislation in the field of administrative, financial, civil law, the structure of which today objectively requires a number of improvements.

Analysis of the current state and the most important trends in the development of the national insurance system indicate an increase in the level of state regulation of the market, the possibility of a qualitative increase in the role of insurance in the socio-economic system of the state. The main point of effective activity of insurance companies is the rational use of financial resources.

In the future, for the effective development of financial activities, insurance companies should properly organize marketing and sales systems, work out the skills and development of insurance company asset management technologies, and also improve the quality of customer service. Currently, insurance is no longer just a financial mechanism for damages, but also a source of refinancing of the credit sector or one of the largest areas of institutional investment.

Insurance can also replace some state social programs, removing the burden from the state budget. A reliable and stable insurance system provides a high level of economic protection for its participants and their successful functioning in a market economy, which is a necessary prerequisite for the growth and stability of the economy as a whole.

The role of insurance in industry, agriculture, construction, small business and other spheres of life in our Republic is great. In this regard, there is a need to study the potential insurance field of the Republic.

Assessing the situation in the insurance market, we can say that the insurance system is extremely non-equilibrium. And, first of all, because the need for insurance is steadily growing, and the subsystem of professional services is lagging behind in development, does not satisfy the indicated need to the extent necessary.

There are no special secrets of both internal and external problems of the domestic insurance market, in terms of the imperfections of the national economy. To the number of internal problems, i.e. corrected within the insurance system, at the expense of reserves, can be attributed such as:

- low financial stability of insurers;
- low level of professionalism and insurance culture;
- internal system disunity;

External problems of a national nature include the following:

- economic (inflation, lack of government support, low financial potential of policyholders, etc.)
- legal (low level of general legislative support for insurance activities, long-term development of the insurance market in the absence of a legislative and methodological framework, control, etc.)
- political (general political instability).

As a result, it would not be shameful to recommend using the experience of foreign insurance business professionals, adapting it to the national market. This concerns the issues of targeted financing of projects, the creation of support funds, tax breaks, the possibility of opening a foreign insurance market for Uzbekistan, the organization of the institute of policyholders – experts, brokers, actuaries, etc.

It should also be noted a number of such emerging negative trends in the national insurance market, such as:

- significant compression of effective demand for insurance;
- aggravation of contradictions between consumers and insurance service providers due to a sharp increase in the tendency inherent in modern insurance to ignore the interests of policyholders;
- decrease in reliability of insurers;
- further growth of distrust in relations between policyholders and insurers, reinsurers and reinsurers.

Multiple problems in the development of insurance in the Republic of Uzbekistan can be successfully resolved with an appropriate level of economic thinking and the availability of highly qualified personnel.

In general, the prospects for the development of the national insurance market are as follows:

- development of insurance operations in the regions;
- adoption of a number of legislative acts on compulsory insurance, hazardous production, as well as a number of other regulatory acts;
- refusal of salary schemes designed only for tax optimization; adoption of anti-dumping legislation in terms of tariff rate regulation;
- development of certain quality standards, increased cooperation of insurers with banks.

The state should promptly resolve issues:

- with legislative base;
- taxation;
- ensuring the protection of interests of the insured;
- to ensure the profitability of insurance for citizens.

Very important, in my opinion, is a thoughtful approach to the financial capabilities of insurance companies, especially in maintaining their solvency. Unfortunately, the adopted changes in the order of formation of insurance reserves do not allow them to accumulate, which significantly undermines the solvency of insurance organizations. Therefore, practically the only way to preserve the solvency of insurance organizations is to increase their own funds, which is not always in the interests of the founders, since it is often possible only to the detriment of the latter. Improving financial literacy and awareness is also one of the important activities of the participants in the insurance business, requiring the implementation of large-scale events, coordinated actions of federal and regional executive authorities.

It is necessary to create an electronic database of all insurance companies operating in the region, because, *first*, potential policyholders face information closeness of the local insurance market, which causes distrust of insurers and a drop in demand for insurance services; *secondly*, the impossibility of conducting a systematic analysis of the regional insurance market makes it difficult for regional authorities to take the necessary measures aimed at streamlining the insurance services market and its further development.

In order to increase the *insurance culture* of the population, the following measures should be implemented:

- intensification of informational and explanatory work among policyholders to popularize the reliability and profitability of insurance;
- Informing the public about violations committed by the subjects of insurance relations;
- organizing consultations and seminars, both for insurers and for policyholders, in order to familiarize themselves with the principles and new approaches to conducting insurance business, marketing;
- cooperation and cooperation of insurers with educational institutions, for example, holding insurance competitions for students and schoolchildren, organizing internships for students who are ready to work in insurance companies, etc.

Used sources:

1. Artamonov, A.P. Reinsurance. In 2 parts (set) / A.P. Artamonov, S.V. Dedikov. – M.: Insurance press, 2017. – 927 p.

2. Arkhipov, A.P. Management of the insurance business / A.P. Arkhipov. – Moscow: Ogni, 2017. – 320 p.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШИНING МАҲАЛЛИЙ СУҒУРТА БОЗОРИГА ТАЪСИРИ

Абдуллаев Э.А. БМА тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармонининг 145 бандига асосан Ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш ва уларнинг халқаро инфратузилмалари билан интеграциялашувига қаратилган дастурни ишлаб чиқиш белгиланган.

Ҳозирда мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши юзасидан турли давра суҳбатлари ва мақолаларга кўзимиз тушмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши, унинг молия соҳасига (айнан банклар ва суғурта компанияларига) таъсирига аҳамият қаратишимиз, “етти ўлчаб, бир кес” зайлида иш тутишимиз ҳозирги замон талабларидан бири бўлмоқда. Бунда айрим Шарқий Европа ва Осиё давлатларининг аъзолиги юзасидан тажрибаларига эътибор қаратишимиз лозимлиги, аъзоликнинг афзалликлари ва камчиликлари, айтиш вақтида аъзолик мамлакатимиз иқтисодиётига қай даражада таъсир этиши каби саволларни ўрганиш зарурати туғилмоқда.

Айтиш лозимки, Жаҳон савдо ташкилотини тузиш ғояси 1944 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) молия ва пул айланмаси масаласига бағишлаб Бреттон-Вудсда (АҚШ) ўтказилган анжуман чоғида пайдо бўлиб, асосий мақсади БМТнинг халқаро иқтисодий ҳамкорликка ихтисослашган махсус агентлигини ташкил этишдан иборат бўлган. 1947 йилда Кубанинг Гавана шаҳрида БМТнинг навбатдаги анжуманида Гавана хартияси қабул қилинган, аммо у кучга кирмаган. Шу йили Савдо ва тарифлар бўйича бош битим тузилган ва у 1994 йилгача амалда бўлган. 1995 йил 1 январидан эса ушбу битим негизида Жаҳон савдо ташкилоти фаолият бошлаган. Ҳозирда 10 дан зиёд турли йўналишдаги битимлар унинг норматив-ҳуқуқий базасини ташкил этмоқда. Бу ҳужжатлар талабини бажариш ташкилотнинг барча аъзолари учун мажбурий саналади ва аъзо бўлишни истаган давлатлар ўз миллий қонунчилигини уларга мувофиқлаштириши керак.³⁸⁴

Ҳозирда Жаҳон савдо ташкилотининг суғурта соҳасига таъсири мамлакат суғурта бозорининг халқаро суғурта бозорида рақобатбардошлик кўламини кенгайтиришига таъсир ўтказишининг ижобий ва салбий томонларини тадқиқ этиш зарурати туғилмоқда.

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишида Ўзбекистон суғурта бозорига ижобий жиҳатларини қуйидагилар орқали кўришимиз мумкин:

- Кўрсатилаётган суғурта хизматларининг сонини ортиши;
- Кўрсатилаётган суғурта хизматларининг сифатини ортиши;
- Суғурта маданиятига ҳамда кўрсатилаётган суғурта хизматларининг суғурта хизматларидан фойдаланувчиларнинг ижтимоий ва молиявий жиҳатдан ҳимоянинг ошиши.

Кўрсатилаётган суғурта хизматлари сонининг ортиши аввало маҳаллий суғурта компаниялари томонидан кўрсатилаётган суғурта махсулотларидан фарқланувчи чет эл суғурта компаниялари томонидан жаҳон амалиётида кўрсатилаётган суғурта махсулотларининг киришига имкон яратади (ҳаёт суғуртаси, жавобгарлик суғуртаси ва ш.к).

Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритишни режа қилган суғурта компаниялари аввало ташкилот томонидан белгиланган “Хизматлар савдосини амалга оширишнинг Бош келишуви” низоми талабларига мос бўлиши лозим. Ушбу талаблар қуйидагиларда намоён бўлади:³⁸⁵

³⁸⁴<http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/54033-jahon-savdo-tashkiloti-haqida-taqdimot>

³⁸⁵Chernova G.V. Influence of the entry of the Russian Federation in the WTO on the the Russian economy through its insurance sector. Страховоедело 2013, 20-26

➤ Чет эл суғурта компанияларини мамлакатимизда фаолият юритиши учун рўйхатдан ўтган мамлакатда рўйхатдан ўтган санадан бошлаб умумий суғурта (қайта суғурта) соҳасида 5 йил, ҳаётни суғурта қилиш соҳасида 8 йилдан кам бўлмаган тажрибага эга бўлиши;

➤ Бошқа мамлакат ҳудудида жойлашган алоҳида бўлинмалари ва филиалларини бошқариш юзасидан 5 йилдан кам бўлмаган тажрибага эга бўлиш;

➤ Чет эл компаниясининг 5 млрд АҚШ долларидан кам бўлмаган активларига эга бўлиши;

➤ Чет эл ташкилотининг юридик ва ҳақиқий манзили айти бир мамлакатдан рўйхатдан ўтган бўлиши.

Юқорида таъкидланганидек, барча иштирокчилар учун суғурта соҳасида Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик “Хизматлар савдосини амалга оширишнинг Бош келишуви” низом талаблари ва тамойиллари асосида белгиланади.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзоликнинг ижобий томонлари бўлгани каъби салбий томонлари ҳам мавжуд. Чет эл суғурта компанияларининг кириб келиши маҳаллий суғурта бозорини чет эл суғурта ташкилотлари томонидан эгаллаб олиш ҳолатларида намоён бўлади. Бу ўз навбатида маҳаллий суғурта компанияларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши, мамлакат миқёсида эса капитал оқимининг бузилишига таъсир этиши мумкин. Шунингдек, жаҳон савдо ташкилотига аъзоликнинг салбий таъсирини макро ва микро даражада кўриб чиқсак:

1) макро даражада:

- иқтисодий ўсишнинг пасайиши;
- молиявий инқироз;
- инфляция даражаси;
- мамлакатнинг савдо балансининг ёмонлашувига;
- давлат қарзининг ошишига (ички ва ташқи қарз);
- олтин-валюта захирасининг камайиши;
- капитал оқимининг бузилиши
- сиёсий ҳодисалар.

2) микро даражада:

- суғурта компанияларининг молиявий-хўжалик фаолиятининг ёмонлашувига;
- суғурта махсулотлари нархига;

Шу сабабли келишув имзолаш даврида чет эл суғурта компанияларига мамлакат ҳудудида фаолият юритиш квотаси белгиланиши, аъзоликда маҳаллий суғурта компаниялари манфаатларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ АУДИТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдурашмова М. А. ТМИ “Суғурта иши” кафедраси ўқитувчиси

Суғурта бозори ҳолати ва ривожланиш йўналишлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимида, суғурта ташкилотлари ишончилиги ва шафофлиги учун иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароитларнинг ривожланишида унинг ролини ошириш зарурлиги тўғрисида сўз юритиш имкониятини беради. Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиши учун шарт-шароитлар ханузгача қониқарсиз ҳолатда: бунга амалдаги қонунларнинг етарли эмаслиги, суғурта бозорининг давлат томонидан тартибга солинишида тўлов қобилятига нисбатан қўйиладиган талабларнинг юқорилиги, ҳудудларда миллий суғуртачиларнинг кириб бориши натижасида кучайиб бораётган рақобатни ҳам киритиш мумкин. Реал суғурта хизматларига талабнинг барқарор сустилиги кузатилади. Бу қатор йиллар давомида

ЯИМдаги суғурта бадаллари улушининг анча пастлиги ва ҳатто реал суғурта улушининг пасайиши билан тасдиқланади. Бундай шароитда суғурта ташкилотларининг ҳозирги ҳолати уларнинг рақобатбардошлигини ва молиявий барқарорлигини ошириш янги шакл ва усуллари излашни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, суғурталовчиларнинг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини таъминлаб беради.

Миллий суғурта бозори ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий омиллар сифатида, мутахассислар бўлажак суғурталовчиларнинг суғурта ташкилотларига нисбатан ишончни йўқлиги деб кўрсатишади. Бунга сабаб, суғурта ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги объектив ва очиқ ахборотнинг йўқлиги ва уларнинг жавобгарлигини оширувчи ҳукукий механизмнинг етарлича ривожланмаганлигидир.

Давлат, фақаролик жамияти ва аниқ хўжалик юритувчи субъект ўртасидаги боғловчи соҳа бўлиб аудит хизмат қилади. У иқтисодий-ҳукукий ва ижтимоий институт бўлган ҳолда, суғурта ташкилотларининг жаҳон стандартларига мос келувчи янги сифат босқичига кўтарилиш воситаси бўлиши лозим.

Жадал ривожланаётган бозор муносабатлари шароитида оптимал бошқарув қарорлари қабул қилишда замонавий аудитнинг роли мунтазам ошиб бормоқда. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3946 сонли Қарори қабул қилинди. Унга асосан, аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган³⁸⁶. Бу эса, ўз навбатида уни услубиятини ва ўтказишни ташкил этилишини доимий равишда такомиллаштириш ва илмий асосланишини тақозо қилади.

Суғурта ташкилоти ва аудиторлик ташкилотининг ўзаро муносабатлари фуқаролик-ҳукукий шартнома доирасида тижорат асосида амалга оширилишига қарамай, аудиторлик ташкилотини танлаш ва аудиторлик хизмати ҳақини тўлаш суғурта ташкилотининг мутлоқ ҳукуқи бўлса ҳам, ўз мақсадлари, вазифалари ва функцияларига кўра мажбурий аудит шахсларнинг номаълум доираси ва умуман давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда олиб борилади.

Суғурта ташкилотларида аудит ўтказиш жараёни учта асосий босқичдан иборат:

режалаштириш ва тайёрлаш

аудит ўтказиш

ҳисобот ва хулоса бериш

Суғурта ташкилотларида аудит жараёни³⁸⁷

Аудит ўтказишдан олдин унинг дастурини ишлаб чиқиш керак. Суғурта ташкилотларида аудит ўтказиш жараёнини ташкил қилишда аудит дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун аудиторлик ташкилотининг раҳбари маъсулдир.

Текшириш кетма-кетлиги дастур асосида олиб борилади ва унда аудит ўтказиш процедуралари келтирилган бўлади. Аудитни режалаштириш ва тайёрлаш босқичида аудиторларнинг вазифалари аудит дастурининг аниқ мақсадларини, шунингдек, махсус текширувларни белгилашдан иборат. Текширув одатий усулда бошқарувда фаолият

³⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3946-сонли қарори. *Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида* 19.09.2018 йил

³⁸⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

юритадиган раҳбардан маълумот олиш орқали амалга оширилиши мумкин. Шундан сўнг, суғурта компаниясининг асосий фаолиятини текшириш жараёни бошланади.

Суғурта ташкилотлари аудити - суғурта ташкилотларининг солиқ ва ҳисобга олиш ҳисоботларини тўлиқ текшириш, улардаги молиявий ва хўжалик фаолияти тўғрисидаги операцияларини текшириш ва унинг Ўзбекистон Қонунчилигига мувофиқлиги тўғрисида фикрларни ифодалашдан иборат. Суғурта компаниялари аудити муайян соҳадир, чунки бундай молиявий ҳолатнинг юзага келиши, нафақат суғурталовчилар учун, балки кўплаб суғуртачилар ва суғурталанувчилар учун ҳам муаммо ҳисобланади. Суғурта компаниясининг аудити ташкилотнинг молиявий ҳолати қанчалик барқарор эканлиги тўғрисида аниқ маълумот олишга қаратилган. Суғурта компаниялари аудитининг ўзига хос хусусиятлари суғурта қонунчилиги, суғурта операцияларининг бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, суғурта захираларини ҳисоблаш, суғурта ташкилотларининг солиққа тортилишида мавжуд хусусиятлар мавжудлиги билан белгиланади.

Аудит давомида суғурта компаниялари суғурталовчининг даромадларига киритилган суммаларнинг (суғурта ва қайта суғурта бўйича олинган суғурта мукофотлари, олинган комиссиялар ва брокерлик тўловлари, инвестицион фаолиятдан олган даромадлар ва суғурта фаолиятидан олинган бошқа даромадлар) тўлиқлиги ва аниқлигини текширишлари керак; харажатларнинг ҳақиқийлиги ва мувофиқлиги (суғурта копламаси ва суғурта суммасини тўлаш, комиссия ва брокерлик тўловларини тўлаш); суғурта захираларини шакллантиришнинг тўғрилиги, белгиланган молиявий натижаларнинг ҳақиқийлиги ва қайд этилганлиги.

Суғурта аудити махсус суғурта қонунчилиги, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот хусусиятларининг мавжудлиги, солиққа тортиш, молиявий натижаларни аниқлаш ва суғурта захираларини суғурта қилдирувчиларнинг фаолиятида ҳисоблаш билан белгиланади. Буларнинг барчаси аудит пайтида ҳисобга олинади.

Суғурта назорати жараёнида суғурта шартномаларини расмийлаштириш ва суғурта операцияларини ҳисобга олишнинг тўғрилигига алоҳида эътибор қаратилади.

Суғурта ташкилотининг харажатларининг асосий қисми суғурта тўловлари ҳисобланади. Аудит давомида тўловларнинг қонунийлиги, уларнинг ўз вақтида бажарилиши текширилади. Суғурта захираларини шакллантиришнинг ҳақиқийлиги, компаниянинг мажбуриятларини бажаришлари, инвестицион шартларига риоя қилиниши текширилади. Суғурта компаниялари молиявий натижаларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусияти мавжуд. Улар суғурта хизматлари нархига киритилган харажатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Суғурта компаниясининг аудити, суғурта қилдирувчи хизматининг нархини қанчалик асосли ташкил этганини ва шу ёки бошқа харажатларга киритилганлигини текширишлари керак. Шундай қилиб, компаниянинг молиявий натижаларининг тўғрилиги таҳлил қилинади. Аудитор барча активлар ва мажбуриятларнинг нисбати билан боғлиқ бўлган барча тартибга солувчи талабларни бажариши, ҳар бир хавф учун максимал жавобгарлик жиҳатидан суғурта қилдирувчи томонидан тўлиқ текширилиши керак.


Суғурта ташкилотларининг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларини тузиш - бухгалтерия жараёнининг якуний босқичи ҳисобланади. Ҳисобот даври мобайнида суғурта компаниясининг мол-мулкни ва молиявий ҳолатини, молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларини акс эттиради. Суғурта ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоботларининг стандарт шакллари ва уларни тўлдириш, тақдим этиш ва чоп этиш бўйича кўрсатмалар Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Аудитор аудиторлик текшируви ўтказилган молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигига уларнинг таъсирини таҳлил қилади, баҳолайди ва иш варақаларида текшириш натижасини акс эттиради. Суғурталовчининг молиявий ҳисоботини тузиш аудитининг мақсади, аудиторлик

ташкilotининг молиявий ҳисоботлари тузилишининг тўғрилигини баҳолаш учун қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлигини текширишдан иборат. Молиявий ҳисобот аудити қонуний ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ текширилаётган корхонанинг ҳисоботларининг барча шакллари кўрсаткичларини тузиш ва шакллантириш методологиясига мувофиқлигини текшириш билан бошланади.

Аудиторлик текширувларининг амалдаги қоидаларга мувофиқ тузилганлигини тасдиқлаш учун аудитор ташкilotнинг молиявий ва бизнес фаолиятини амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга ошириши кераклигини аниқлаши керак. Аудиторлик текшируви натижалари бўйича профессионал хулоса бериши учун аудитор қуйидагиларни текширади:

1. молиявий ҳисоботларнинг барча шакллариининг таркиби ва мазмуни кўрсаткичларни баҳолашнинг тўғрилиги;
2. ҳисобот шаклларида тегишли кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги;
3. ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиги;
4. консолидацияланган молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги (агар ташкilotнинг филиаллари бўлса);
5. текширилаётган давр учун ташкilotнинг кўрсаткичлари бўйича ҳисоботнинг ошкор этилиши ва бошқалар.



Молиявий ҳисобот аудитининг ахборот манбалари³⁸⁸

Суғурта ташкilotининг молиявий ҳисоботлари аудитининг мақсади ушбу ҳисоботларнинг ишончлилиги юзасидан хулосалар бериш ва тушунтиришдан иборат.

Умуман олганда, суғурта ташкilotларининг молиявий ҳисоботини тузиш ва аудиторлик текширувини самарали ташкил этиш жараёни компания томонидан тақдим қилинадиган маълумотларнинг аниқлигига таяниб хулоса ва ҳисобот берилади. Маълумотлар қанчалик аниқлигига қараб суғурта компаниясининг ривожлантириш бўйича тақдим қилинадиган хулосалари ишончли бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3946-сонли қарори. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида 19.09.2018 йил
2. 700-сонли халқаро аудиторлик стандарти

³⁸⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Х.СУҒУРТА ВОСИТАЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА ВОСИТАЧИЛАР ИНСТИТУТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

*Абдурахмонов И. Х. и.ф.н., доц ТМИ
“Суғурта ва пенсия иши” кафедрасим мудири*

Суғурта маҳсулотларини миқдорларга сотиш ва улар ҳақида маълумотлар беришда суғурта воситачиларнинг ўрни бекиёсдир

Ҳозир кунда кўплаб ривожланаётган мамлакатлар суғурта бозорида суғурта воситачилари билан боғлиқ кўплаб муаммолар йиғилиб қолган. Буларга давлат ва суғурта компаниялари ўртасидаги муаммоларни бартараф этишда ҳуқуқий ҳаракатлар ва асосларнинг йўқлиги, умуман суғурта воситачиларининг ва суғурта бозорини ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Суғурта воситачиларининг асосий муаммоларидан бири бу миллий суғурта қонунчилигида суғурта воситачилари тушунчасининг йўқлиги ва суғурта брокерлари фаолиятини тартибга солиш механизмларининг мавжуд эмаслиги. Жаҳон амалиётида суғурта воситачилари тушунчаси узок вақтдан бери қўлланилади ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Кўп ҳолларда суғурта воситачиларининг фаолияти мамлакатда суғурта тизимининг ривожланиш даражаси, тарихи ва назорат қилиш шаклларига тўғридан тўғри боғлиқ бўлади.

Масалан Европа китъаси ҳуқуқий модели бўйича (Германия, Италия, Испания ва Бошқа давлатлар) суғурта воситачиларининг фаолиятларини давлат томонидан тартибга солиш ва фаолиятига аралаштириш кам. Бу ерда суғурта брокерлари эмас, балки суғурта агентлари муҳим рол тутади.

Мисол сифатида Германия моделини келтирамиз, яъни бунда суғурта агентлари фаолияти агент ва суғурта компанияси ўртасида тўзилган шартнома билан тартибга солинади. Ўзбекистон каби, суғурта назорати кўпроқ суғурта брокерлари билан шуғулланади.

“Англо-Америка” ҳуқуқи моделида суғурта воситачиларига кўпроқ эътибор берилади, шунингдек айрим ҳолатларда давлат ўзининг мажбуриятларини бошқа ўзини ўзи боқариш органлари топшириш ҳам мумкин.

Масалан Буюк Британияда суғурта брокерлари тарихан муҳим ўрин тўтади уларнинг ўрни юқори баҳоланади. Бунда суғурта компаниялари лицензия олиш жараёнида суғурта брокерлари билан ишлаш учун шартномаларни тақдим этишади. Шунингдек Буюк Британияда суғурта брокерлари фаолияти лицензияланади ва улар ҳар йили янгиланадиган ва фаолиятни амалга оширувчи ҳуқуқ берувчи лицензия олишади. Масалан суғурта брокерлари давлат рўйхатга олишни суғурта брокерлари кенгашига топширган.

Кўйида келтирилган жадвалда ривожланган мамлакатлар суғурта воситачиларининг ҳуқуқий асослари ва воситачилар институтига тавсифлар берилган (Франция, АҚШ ва Япония давлатлари мисолида).

Суғурта воситачилари фаолиятида сертификациялаш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина мамлакатларда суғурта воситачиларининг касбий малака ва савиясига, улар маҳоратини оширишга бағишланган укув курслари мажбурий ўқитиш амалиёти кенг қўлланилиб келинмоқда. Масалан, турли мамлакатларда бу ўқув машғулотлари бир неча ҳафтадан олти ойгача чўзилиши мумкин. Давлат суғурта назорати органлари ва суғурта воситачиларининг ўзини ўзи боқариш органлари, уюшмалари, синдикатлари билан биргаликда воситачиларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб боришларини назорат қилиб боришади.

**Ривожланган мамлакатлар суғурта воситачилари институтининг
солиштирма таҳлили³⁸⁹**

Давлат	Ҳуқуқий база	
	Суғурта агенти	Суғурта брокери
Франция	Суғурта кодекси 5 жилд: Суғурта воситачилари	
	Далат рўйхатидан ўтиш, талаблар: - Ёши (камида 21 ёш); - Фуқаролиги (миллий ёки Франция билан шартномаси бор мамлакатлар); - Жиноий жавобгарликка тортилмаган шахс.	Иккита брокерлар уюшмалари: - Миллий брокерлар синдикати; - Суғура ташкилотлари консултати синдикати. Суғурта брокерлари фаолияти суғурта судьялари томонидан ташкил этилган анъаналарга асосланади. Йиғилган суғурта мукофотларининг 20% брокерларга ҳиссасига тўри келади.
АҚШ	“Суғурта агентлари ва суғурта брокерлари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги” Қонун	
	Лецензияланадиган фаолият, талаблар: - Ёш (камида 18 ёш); - Фуқаролик (ҳамма штатда эмас); - Яхши репутация. Шунингдек муддатли лицензиялар мавжуд. Суғурта ташкилоти суғурта агенти билан тузган шартномани Штат суғурта департаментига тақдим этади.	Лецензия олиш талаблари ҳудди агент каби, айрим қўшимчалар мавжуд: - Малака (тажриба ёки махсус олий маълумот). Юридик шахс сифатидаги брокернинг барча ходимлари малаали бўлишлари шарт.
Япония	“Суғурта иши тўғрисидаги” Қонун	
	Суғурта агентлари ва маслаҳатчилари Молия вазирлигидан рўйхатдан ўтишлари шарт. Ҳаёт суғурта соҳаси агентлари фақат битта суғурта компанияси номидан иш юритишади. Йиғиладиган суғурта мукофотларининг 90% агентлар ҳисобига тўғри келади.	Суғурта брокерлари фаолияти 1996 йилдан буён рухсат берилган. Улар ҳам Молия вазирлигидан давлат рўйхатдан ўтадилар. Йиғиладиган суғурта мукофотларининг 1% брокерлар ҳисобига тўғри келади.

Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта брокерлари фаолиятни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда суғурта жамиятимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига бозор иқтисодиёти шаклланган мамлакатларда кузатиладиган даражада сезиларли таъсир кўрсатмаяпти. Бундай ҳолатнинг сабаби шунданки, республикамызда суғурта брокерлари фаолияти ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларнинг таъсири ҳамон кучли. Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш бўйича суғурта назорати томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани қарамасдан, суғурта брокерлари фаолиятида етарли даражада муаммолар тўпланиб қолган.

Малакали мутахассисларнинг етишмаслиги суғурта бозори инфратузилмаси, умуман Ўзбекистон суғурта бозорига хос бўлган ҳолат салбий ва ачинарли ҳолат ҳисобланади. Замонавий суғурта тизимини муваффақиятли ривожланиши республикада билимларга эга бўлган ва замонавий талабларга мос суғурта ишларини олиб бориш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассисларнинг етишмаслиги туфайли тўхтаб турибти.

³⁸⁹ Хорижий мамлакатлар суғурта бозорини солиштирма таҳлили асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

МДХ мамлакатларида суғурта бозорида суғурта компаниялари ва суғурта брокерларининг солиштирма таҳлили

Мамлакатлар	Компаниялар сони	Брокерлар сони
Белорусия Республикаси	16	29
Россия Федерацияси	188	67
Қозоғистон республикаси	29	15
Украина Республикаси	281	56
Қирғизистон Республикаси	16	-
Ўзбекистон Республикаси	30	4
Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган суғурта брокерлари		
Лицензия рақами	Номи	
СФ 00185, 01.11.2013 й	МЧЖ «INSURANCE BROKER CONSULTING»	
СФ 00204, 15.07.2015 й	МЧЖ «ORIENT INSURANCE BROKER»	
СФ 00218, 30.09.2016 й	МЧЖ «InRe»	
СФ 00239, 27.12.2018 й	МЧЖ «MOI Insurance Brokers Asia»	

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш муҳимки:

- суғурта воситачилари фаолиятини амалга оширилишдаги муносабатлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан тўлиқ тартибга солинмаган ва айрим воситачилар учун умуман ишлаб чиқилмаган;
- суғурта воситачилари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича фаолият кўрсатадиган ихтисослаштирилган ўқув курслари ёки бирор ўқув маркази ташкил этилмаган;
- бугунги кунда суғурта воситачиларига нисбатан профессионал билим ва малакасига талаблар ўрнатилмаган ва фаолитни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган;
- мамлакатимизда суғурта воситачилари фаолиятини олиб боришга қодирлиги нуқтаи назаридан жисмоний шахс суғурта агентларни сертификатлаш ва имтихондан ўтказиш тартиби мавжуд эмас;
- суғурта воситачилари ўз фаолияти давомида ишлатиши мумкин бўлган ҳужжатлар намуналари ва андозаларига кўрсатма тўпламлари чоп этилмаган.

**БАНДЛИККА КЎМАКЛАШИШ ДАВЛАТ ЖАМЎРМАСИ
МАБЛАҒЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ.**

Абдусаламов Ж.Ў. БМА магистранти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 августдаги ПҚ-3913-сон қарорини³⁹⁰ ижро этиш, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига юкланган вазифалар ижроси самарадорлигини ошириш, вазирлик фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, меҳнат, аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назоратни самарали амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-

³⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 августдаги ПҚ-3913-сон қарори.

тадбирлари тўғрисида” ги 1066-сонли қарори³⁹¹ қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан **“Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низом** ³⁹² тасдиқланди. Низомга асосан Бандлик жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

ягона ижтимоий тўловдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига бириктирилган бинолар, иншоотлар ва хоналарни реализация қилишдан тушадиган, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тўлиқ ҳажмда Бандлик жамғармасига йўналтириладиган маблағлар, бундан баҳолаш ва реализация қилишга сарфланадиган амалдаги харажатлар мустасно;

фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш соҳасида фаолият кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар томонидан Бандлик жамғармасига ҳар бир юборилган фуқаро учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ставка бўйича белгиланган сумма шаклида ажратиладиган ажратмалар;

барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига таъсисчи томонидан белгиланадиган миқдорда тўлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бўйсунувидаги давлат унитар корхоналарида қоладиган фойданинг бир қисми;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат дафтарчалари бланкаларини реализация қилишдан ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари беришдан тушган даромадлар;

Бандлик жамғармасининг бўш маблағларини тижорат банкларига ва бошқа молиявий воситаларга жойлаштиришдан тушган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари, бандликка кўмаклашиш марказлари Бандлик жамғармаси маблағларидан қатъиян мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун жавоб беради. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосарииктисод фанлари доктори, профессор Б.Умурзаковнинг берган маълумотларига асосан Меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни молиялаштириш учун 2019 йилда давлат бюджетидан вазирлик ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, Жамоат ишлар жамғармаси, Хорижда ишлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 1 трлн.га яқин Жаҳон банки томонидан меҳнат органлари салоҳиятини ошириш ва моддий-техник базасини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган субсидиялар ажратиш дастурига 50 млн. АҚШ доллар, Осиё тараққиёт банки томонидан вазирлик ҳузуридаги ишсизларни касбий ўқитиш марказларини реконструкция қилиш, улрга янги ўқув жиҳозларини олиб келиш, замонавий

³⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 1066-сонли қарори.

³⁹² “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги . Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарорига 2-илова.

профессионал стандартларни жорий этиш мақсадида 100 млн. АҚШ доллар миқдорида маблағ ажратилиш қўзда тутилган.³⁹³

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги ПҚ-4227-сон қарорига асосан 2019 йилда Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидияларга **9 867,5 млн сўм**, грантларга **5 100,0 млн. сўм** ва микрокредитларга **195 000,0 млн.сўм** миқдорида маблағ ажратиш белгиланган.³⁹⁴

Ушбу ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилиши устидан молиявий назорат ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига юклатилган. Молиявий назорат жараёнида **2018 йил якунлари ҳамда 2019 йил 1 чорак якунлари бўйича** бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларда бюджет тўғрисида қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан давлат молиявий назорат тадбирлари мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Ўтказилган назорат тадбирларида, натижаларига кўра, 5 575 та бюджет ташкилотларининг 4 744 тасида 68 104,1 млн. сўм миқдорида молиявий хатоликлар аниқланган ва бюджет ташкилотларининг 201 нафар раҳбар ва мансабдор шахслари 123,7 млн. сўм миқдорида маъмурий жавобгарликка тортилган.³⁹⁵

ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Адилова Г. Д. ТМИ “Суғурта ва пенсия иши”
кафедраси ўқитувчи*

Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий-ижтимоий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида суғурта хизматларига бўлган талаб ортиб бораётганлиги сабаб, суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш орқали аҳоли кенг қатламининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг суғурта хизматларидан фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида суғурта компаниялари хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадур. Бундан келиб чиқиб, суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада ривожлантириш суғурта фаолиятининг замонавий турларини такомиллаштириш ва сифатини ошириш суғурталовчиларни капиталашув даражасини кўпайтириш ҳисобланади.

Ўзбекистон суғурта бозорида янги суғурта хизматларидан фойдаланиш амалиётини самарали ташкил этишнинг долзарблиги қуйидаги қатор вазифа ва муаммоларни ҳал этишни талаб этади:

- суғурта хизматлари бозорини ривожлантиришнинг экстенсив ва интенсив усуллари тадқиқ этиш;

- суғурта хизматларини яхшилаш учун аниқ ахборот муҳитини таъминлаш, ҳамда суғуртанинг самарадорлигини ошириш учун янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳамда илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

- Ўзбекистон суғурта хизматлари бозорида инновацион хизмат турларини жорий қилишда мамлакат иқтисодиётига салбий ва ижобий тарафларини тадқиқ ва танқидий таҳлил этиш;

³⁹³<https://www.google.com/search?q=бандлик+ва+меҳнат+муносабатлари+вазири+ўринбосари+Б.Умурзаков.23.09.2019>

³⁹⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги ПҚ-4227-сон қарори.

³⁹⁵<http://parliament.gov.uz/uz/events/committee/27934/>. 24.09.2019

- суғурта компанияларининг хизмат кўрсатишда хориж тажрибасини ўрганиш ва қўллаш орқали самарага эришиладиган жиҳатларни амалиётга тадбиқ этиш;


- Барқарор суғурта хизматлари бозори, миллий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиради.

Суғурта тизими ривожланишининг таҳлили бизга суғурта тизими ривожланишининг умумий тенденциялари ва ривожланишнинг устувор йўналишлари, суғурта бозорининг ривожланиши, унинг тузилиши, суғурта тизимининг самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга суғурта бозорининг ривожланиши миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш, суғурта муносабатларини иқтисодий ва ҳуқуқий тартибга солиш даражасини баҳолаш, суғурта тизимининг умумий ривожланишига таъсири даражасини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида 30 та суғурта компанияси рўйхатдан ўтказилган бўлиб, шундан 24 таси умумий суғурта тармоғида, 6 таси ҳаётни суғурталаш тармоғида фаолият юритади. 2018 йил мамлакатимизда 3 та янги суғурта ташкилоти фаолият юритишни бошлади, улардан икkitаси ҳаёт суғуртатармоғида, булар: “Euroasia Life” МЧЖ ва “Kafolat Hayot” МЧЖ ҳамда “Арех Insurance” МЧЖ умумий суғурта тармоғида фаолият юритмоқда.

2013 йилдан бошлаб таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йилда суғурта мукофотлари 4,7 марта ўсганлигини кўрамиз, яъни 2013 йилда 338,5 млрд. сўм, 2014 йил 439,1 млрд.сўм, 2015 йил 515,7 млрд.сўм, 2016 йил 692,6 млрд.сўм, 2017 йил 927,6 млрд.сўм ва 2018 йил 1,6 трлн.сўмни ташкил этди.

2018 йилда миллий суғурта бозорида тўпланган жами суғурта мукофотлари юқори ўсиш суръатларини кўрсатди ва 1,6 трлн.сўмни ташкил этди, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 76,3 фоизга юқори.



1-расм. Суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)³⁹⁶


Таҳлил қилинаётган даврда суғурта бозори ўсишининг асосий драйвери ихтиёрий суғурта хизматлари турлари ҳисобланади. Ҳаётни суғурталаш турлари бўйича мукофотлар ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари кузатилмоқда. 2018 йил якунларига кўра, ихтиёрий

³⁹⁶Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига асосланиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

суғурта турлари бўйича мукофотлар ҳажми 1,4 триллион сўмга етди, бу ўтган йилги кўрсаткичдан 98,0 фоизга ошган. Бунда мажбурий суғурта турлари бўйича мукофотлар ҳам ижобий динамикани кўрсатди, аммо ўсиш суръати 13,0 фоизни ташкил этди. Мажбурий суғурта турлари бўйича йиғилган мукофотлар ҳажми 263,5 млрд. сўмга етди.

Мисол учун, агар 2017 йилда ихтиёрий суғурта турларининг улуши 74,8 фоизга ошган бўлса, 2018 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 9,05 пунктга ошди ва 83,9 фоизга етди. 2013 йилни базис йили деб таҳлил қилсак, 2018 йил ихтиёрий суғурта турлари бўйича жами суғурта мукофотлари 5,8 марта ошганлигини кўришимиз мумкин. Барча суғурта турлари бўйича жами суғурта тўловларининг ҳажми 2018 йилда 2013 йилга нисбатан 6,8 марта, яъни 66,9 млрд.сўмдан 460,8 млрд. сўмгача ўсди.

Ўзбекистон суғурта бозорининг таҳлили мамлакатда миллий суғурта хизматлари бозорининг ижобий тенденциялар билан ривожланаётганини кўрсатиб берди. Суғурта мукофотларининг аксарият қисмини гаров суғуртаси ташкил этганлиги сабабли суғурта бозорининг реал кўрсаткичларини баҳолаш қийин.



2-расм. Ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)³⁹⁷

Суғурта муносабатларини ривожлантириш замонавий иқтисодий тизимлар фаолиятини олиб боришда стратегик муҳим вазифа ҳисобланади. Барқарор суғурта хизматлари бозори миллий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиради. Шу муносабат билан, авваламбор, миллий иқтисодиётдаги молиявий хизматлар бозорининг ривожланишига қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилиш, суғурта соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш билан бирга суғурта хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини ўрганиш бўйича йўналишларни аниқлаб олиш зарурати туғилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 2002 йил 28 май (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармони](#).
3. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги расмий веб-сайти.
4. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги расмий веб сайти.
5. www.uzreport.news/insurance–SAIPRO миллий ахборот-рейтинг агентлиги.

³⁹⁷Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига асосланиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

НОДАВЛАТ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Аметова Ф.Р. ТМИ “Суғурта ва пенсия иши”
кафедраси ўқитувчиси*

Иқтисодийни модернизациялаш ва янгилаш шароитида давлат томонидан амалга оширилаётган харажатларнинг мақсадли сарфланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълимни ривожлантириш ижтимоий ривожланиш йўлида бораётган ҳар бир мамлакат учун ниҳоятда муҳим масалалардир. Тараққий этган мамлакатларда пенсия тизимини ривожлантириш хусусий, нодавлат пенсия фондлари фаолиятини ривожлантириш кўринишида аҳамиятлидир.

Нодавлат пенсия фондларининг фаолияти деганда юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадли пул бадалларини ихтиёрий жалб қилиш йўли билан активларни шакллантириш, бу маблағларни нодавлат пенсия фондларининг активларини бошқариш бўйича компанияларга бериш, фуқароларга умрбод ёки узоқ муддат давомида мунтазам равишда пул шаклидаги тўловларни амалга ошириш, шунингдек фуқаролар олдидаги мажбуриятларни бажариш бўйича бошқа хатти ҳаракатларни бажариш сингари нотижорат фаолияти тушунилади. Нодавлат пенсия фондлари аҳоли пенсиясининг жамғариб бориладиган қисмини жалб қилади. Нодавлат пенсия фондлари хизматларининг истеъмолчилари жисмоний ва юридик шахслар тимсолидаги жамғармага маблағ қўювчилар ҳисобланади.

Нодавлат пенсия фондлари биринчидан, корхона ва компанияларнинг маблағлари ҳисобидан шакллантирилади ва ходимларни пенсия маблағлари билан таъминлайди. Иккинчидан, узоқ муддат фойдаланилмасдан турган ушбу йирик миқдордаги пул маблағлари тижорат банклари орқали иқтисодийни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Нодавлат пенсия фондлари нотижорат молиявий ташкилотлар бўлиб, пенсионерларнинг ихтиёрий маблағлари ҳисобига уларни пенсия билан таъминлайди. Улар мажбурий пенсия суғуртаси ва нодавлат (хусусий) пенсия таъминоти билан шуғулланади. Жамғарма фаолияти нодавлат пенсия таъминоти жамғармаси қатнашчиларини ихтиёрий равишда бирлаштиради. Пенсия тушумларини йиғиб бориш, жойлаштириш ва пенсия жамғармаси маблағларини бошқариш, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш ҳамда жамғарма томонидан пенсия мажбуриятларини бажаришни ўз ичига олади³⁹⁸.

Ривожланган мамлакатларда нодавлат пенсия фондлари юқори даражада ривожланган. Мазкур жамғармалар дастлаб АҚШ, Канада ҳамда Буюк Британияда шаклланган бўлса, XX асрнинг охирига келиб бошқа давлатларда такомиллашди. Нодавлат пенсия фондлари молиявий ресурслари ҳам муддати жиҳатидан узун молиявий ресурс ҳисобланади³⁹⁹.

Ижтимоий таъминот тизими биринчи марта 1889 йилда Германияда Бисмарк томонидан яратилган. Ушбу тизим тўлиқлигича суғуртага асосланган бўлиб, тўловлар миқдори иш ҳақига боғлиқ бўлган. Германиянинг пенсия тизими “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланади, яъни ҳозирда ишловчилар пенсионерларнинг пенсияларини тўлаш учун давлат пенсия фондига ижтимоий суғурта бадалларини тўлайдилар натижада пенсионерларга пенсия тўланади. Бугунги кунда ишлаётган фуқаролар томонидан тўланадиган тўловлар миқдори қанчалик юқори бўлса, кейинчалик улар томонидан тўланган тўловларга мутаносиб равишда пенсия миқдори

³⁹⁸ Касимова Г.А. Ўзбекистонда хорижий давлатлар пенсия жамғармалари фаолияти тажрибасидан фойдаланиш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, 2017 йил, декабр сони, 3-6.

³⁹⁹ Pan-European Pensions Guide. Requirements for the operation of cross-border pension arrangements. A Ius Laboris publication. Produced by the Pensions International Practice Group. 2nd Edition. Printed: July 2011.

шунча юқори бўлади. Германия фуқаролари томонидан Пенсия фондига тўланадиган ҳар ойлик тўловнинг ўртача миқдори улар иш ҳақининг 20 фоизини ташкил қилади. Бунда унинг тенг ярмини иш берувчи тўлайди. Фуқаро ҳарбий хизматни ўтаётган вақтида ёки аёлларнинг бола парвариши таътили давомида тўловлар давлат ҳисобидан амалга оширилади. Пенсия ҳисоб-китоблари якка коэффициентлар асосида (бутун меҳнат фаолиятида) амалга оширилади. У пенсияга чиқиш ёшига (Германияда пенсияга чиқиш ёши 67 ёшни ташкил қилади), меҳнат стажига, иш ҳақи миқдорига ва пенсиянинг турига боғлиқ бўлади. Германияда ишловчиларнинг кўпчилиги нодавлат пенсия фондларида иштирок этишади ва хусусий пенсия режаларига эгадирлар.

Швецияда пенсиялар уч қисмдан иборат: шартли-жамғарма; жамғарма ва кафолатли. Биринчиси, ишчилар иш ҳақининг 16 фоизини ташкил этувчи бадаллар ҳисобидан шаклланади ва бу жорий иқтисодий вазият ва демографик ҳолатдан келиб чиқиб индексацияланади. Жамғарма қисми ҳам ишчиларнинг иш ҳақига боғлиқ бўлади, бироқ, бу маблағлар ишловчининг ҳисобрақамидаги реал маблағлар бўлиб, ушбу маблағларни нодавлат пенсия фондлари орқали инвестициялаши мумкин.

Ривожланаётган давлатларда нодавлат пенсия жамғармалари асосий активларни давлатга тегишли бўлган секторнинг қимматли қўғозлари шаклида ушлаб турилади. Инвестициялашга бундай ёндошувнинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Ижобий жиҳати шундан иборатки, пенсия активларининг катта қисми ишончли воситалар кўринишида сақланади, улар фонд бозоридаги баҳо ўзгаришларига унчалик кучли боғланмайди. Салбий томони еса давлат қимматли қўғозларининг кам даромад келтириши ва нодавлат пенсия фондлари ликвидлигининг пастлигидир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нодавлат (хусусий) пенсия фондлари табиатига кўра икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, бу жамғармалар жамиятдаги меҳнатга лаёқатсиз бўлган аъзоларнинг моддий ҳолатини яхшилаш вазифасини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдиган муҳим ижтимоий институт ҳисобланади. Улар ёрдамида фуқаро кексалик даврида давлат томонидан кафолатланган энг кам даромад олиш имконини кўлга киритадилар. Ишчилар ўз пенсия бадалларини мустақил тартибга солиш ёки бу вазифаларни касаба уюшмалари орқали ўз иш берувчиларининг зиммасига ўтказиш имконига эга. Иккинчидан, бу жамғармалар мамлакатнинг иқтисодий тизимида муайян вазифани бажарадиган ўзига хос молиявий институтлардир. Бундай институтлар фуқароларнинг жамғарилган пулларини узоқ муддатли инвестициялаш мақсадида жамлаш билан шуғулланадилар.

Қозоғистон Республикасида нодавлат жамғарма пенсия фондини очик ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамияти шаклида ташкил етилган юридик шахслар ташкил этади. Қозоғистон Республикаси пенсия тизимида нодавлат жамғарма пенсия фонди марказий бўғин ҳисобланади. Улар омонатчилар билан ишларни ташкил этадилар, пенсия шартномаларини тузадилар, пенсия бадаллари ва инвестицион даромадлар ўтказмаларининг якка ҳисобини, шунингдек, омонатчилар олдида фонд мажбуриятларини юритадилар. Фонд ўз фаолияти учун комисион тақдирлашлар олади, ўз омонатчилари ва давлат органлари олдида ҳисоб беради, аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боради, шикоят ва аризаларни кўриб чиқади, омонатчининг ўлими ёки хорижга кетиши билан боғлиқ масаларни кўриб чиқади.

Нодавлат пенсия фондларини тузишдан мақсад:

- суғурталанган шахслар ва пенсионерларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
- пенсия тизими самарадорлигини оширишдан иборат.

Хорижий давлатларда нодавлат пенсия фондлари фақатгина пенсия бадалларини йиғиш ва келгусида бу воситаларни тасарруф этиш ва пенсия тўлаш билан шуғулланиши мумкин. Нодавлат пенсия фондларига келиб тушадиган бадаллар уларни кўпайтириш мақсадида турли қимматбаҳо қўғозларга сарфланади. Шубҳасиз, кўпайган

пенсия микдори ўтказиладиган бадаллар суммасига ва бўлғуси пенсионер хизматларидан фойдаланаётган нодавлат пенсия фондларига боғлиқ бўлади. Нодавлат пенсия фондлари фаолияти давлат томонидан қаттиқ тартибга солинади, ундан ташқари, жамғармаларнинг ўз назорат органлари ҳам мавжуд бўлади, улар ҳозирги ва бўлғуси пенсионерларнинг манфаатлари ҳақида қайғуради. Нодавлат пенсия фондларига хавфли молиявий операцияларни ўтказиш тақиқланади, ҳар йили уларнинг иши мустақил аудиторлик текширувидан ўтказиб борилади.

Пенсия таъминоти масалалари ҳар бир кишига тааллуқлидир. Бироқ ҳозирги вақтда аҳолининг аксарияти нодавлат пенсия фондлари ҳақида ханузгача аниқ тасаввурга эга эмас, уларнинг мавжудлиги ва улар таклиф этадиган хизматлар ҳақида билмайди. Ваҳоланки, ривожланган давлатларда нодавлат пенсия фондлари узок йиллар давомида фаолият юритиб келмоқда. Нодавлат пенсия таъминоти бўйича хизматлар бозори нодавлат пенсия жамғармасининг унга маблағ қўювчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан пенсия шартномалари тузиш ва пенсия бадалларини ўтказиш бўйича ўзаро муносабатлари нуқтаи назаридан нодавлат пенсия таъминотини амалга оширишда мавжуд бўлган талаб ва таклифга қараб аниқланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, нодавлат пенсия фондларининг ривожланиши нафақат мамлакат иқтисодиётининг ҳолатига, балки узок вақт давомида шаклланган давлатнинг пенсия тизимига ҳам боғлиқдир. Ўз навбатида, ривожланган мамлакатларда нодавлат пенсия фондлари маблағлари бевосита тижорат банкларида муддатли депозитларни шакллантиришда асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ҳам нодавлат пенсия фондлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш орқали тижорат банкларининг узок муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш имкониятлари мавжуд бўлишига эришилади.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида пенсия суғуртаси ва таъминотининг нодавлат сектори иккита жамият учун муҳим функцияларни бажаради: пенсия ёшидаги шахсларни турмуш даражасини оширишни таъминлайди ва пенсия жамғармалари маблағларини мамлакат иқтисодиётига инвестициялаш учун жамлайди. Қўшимча пенсияни олиш давлат пенсиясини олишни рад этмайди, балки уни тўлдиради. Давлат пенсия таъминотидан фарқли ўлароқ, қўшимча пенсия таъминотига ажратмалар ихтиёрий бўлиб, унда фуқаро исталганча маблағ доирасида иштирок этиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Касимова Г.А. Ўзбекистонда хорижий давлатлар пенсия жамғармалари фаолияти тажрибасидан фойдаланиш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, 2017 йил, декабр сони.

2. Pan-European Pensions Guide. Requirements for the operation of cross-border pension arrangements. A Ius Laboris publication. Produced by the Pensions International Practice Group. 2nd Edition. Printed: July 2011.

3. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition . USA: Publisher: Auerbach Publications. August 21, 2008.

ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

Ахмаджонов Ф. БМА тингловчиси

Жаҳон мамлакатларида пенсия фондлари ижтимоий жиҳатдан тобора кенгрок аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Дунёдаги демографик вазият чигаллашиб борар экан, пенсия фондлари бу шароитда даромадлар ва харажатлар мутаносиблигини таъминлаши лозим бўлади. Жаҳон пенсия тизимида пенсия дастурларини ташкил этишнинг икки хил: белгиланган бадал ва белгиланган тўлов усуллари мавжуд. Бу икки усул бир-биридан ташкил этилиши ва тамойил жиҳатдан фарқ қилса ҳам улар моҳият

жихатдан даромад ва харажатларни ўзаро мутаносибликда олиб боришга ҳаракат қилади. Бириси, тўланган бадалга қараб пенсия берса, бошқаси ходимнинг келажакда оладиган пенсия миқдорига қараб бадал белгилайди.

Жаҳон мамлакатларида пенсияларни тўлашнинг икки хил манбаи фарқланади: пенсия фондлари ва давлат маблағлари ҳисобидан тўловлар амалга оширилади. Келажакда юз берадиган пенсия тўлови мажбуриятларини қоплаш учун аксарият Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) мамлакатларида мустақкам молиявий активлар тўпланган. 2018-йилда ИХТТ амалакатлари пенсия фондларининг активлари мазкур мамлакатлар ЯИМнинг ўртача миқдорининг 83 фоизини ташкил этган. ИХТТнинг 16 мамлакатаида давлат пенсияларини тўлаш учун давлат пенсия заҳиралари ҳам ташкил этилган. Бу мамлакатларда давлат пенсия заҳиралари ЯИМнинг ўртача 20 фоизини ташкил этади⁴⁰⁰.

ИХТТ мамлакатларининг 13 та мамлакатаида пенсия фондлари активлари ЯИМнинг 20 фоизидан кўпроқ маблағга эга. Бошқа мамлакатлар эса мажбурий фондлаштирилган пенсия тизимини яқин йилларда жорий қилишди. Бу борада Чили энг узоқ йиллик тарихга эга ва ИХТТ мамлакатларининг ЯИМдаги ўртача салмоғидан унчалик паст бўлмаган молиявий активларни жамлаган (62,3%). 1990-2000-йиллар оралиғида мажбурий хусусий пенсия фондларини жорий этган.

Эстония ва Мексика каби мамлакатларда ўсиш кўрсаткичлари анча ижобий характерга эга. Уларда активлар мунтазам ўсиб борди ва мос равишда мамлакат ЯИМнинг 9 ва 15 фоизига тенг бўлди. Мазкур кўрсаткичлар яқин ўн йиллар давомида қарилик даромадларини тўлаб боровчиларнинг кўплаб қўшилиши ва кўпроқ бадаллар тўланиши ҳисобига ошиб боради.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатлари ва бошқа иқтисодиёти йирик мамлакатларда пенсия фондлари ва давлат пенсия заҳираси фондлари активлари⁴⁰¹, 2018-йил

Мамлакатлар	Пенсия фондлари		Давлат пенсия заҳираси	
	ЯИМга нисбатан фоизда	Млн. АҚШ долларида	ЯИМга нисбатан фоизда	Млн. АҚШ долларида
Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар				
Австралия	102,2	1440898	6,1	85597
Австрия	5,7	25173	x	X
Франция	0,4	11860	2,5	71575
Германия	6,1	236932	x	X
Исландия	141,2	22986	x	X
Исроил	50,5	152679	x	X
Италия	6	132168	x	X
Япония	29,2	1331231	26,8	1223863
Корея	6	81555	29,9	404543
Люксембург	2,1	1323	x	X
Мексика	14,7	181255	0,1	1716
Эстония	18,8	33831	10,4	20629

Баъзи мамлакатлар хусусан, Франция ва Испания ижтимоий таъминот тақчиллигини қоплаш учун жамғармаларнинг бир қанчасини тўхтатишни бошлаганлигига қарамай активларнинг бундай тўпланишининг ортиб бориши яқин йилларда давом этади.


⁴⁰⁰ John Bailey, Jones YueLi. The effects of collecting income taxes on Social Security benefits. Journal of Public Economics. Volume 159, March 2018, Pages 128-145.

<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0047272718300045>

⁴⁰¹ OECD Global Pension Statistics and Annual Survey of Public Pension Reserve Funds.

Франция Пенсия заҳираси фонди ва Ирландия Миллий пенсия заҳира фонди пенсия режасини молиялаштиришни ўзининг ваколат доирасидан чиқаргач, улар бундан буён давлат пенсия заҳираси фондлари ҳисобланмайди. Германияда давлат пенсия таъминотида олиб борилган ислохотларда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди⁴⁰² Пенсия жамғармаси активларини хорижий эмитентлар қимматли қоғозларига жойлаштириш пенсия жамғармаси портфелининг асосини ташкил қилади.

Пенсия фондлари даромадларини қуйидагича таснифлаш мумкин: Пенсия жамғармаси портфелини диверсификация қилиш, яъни маблағларни турли соҳаларга инвестициялаш Пенсия жамғармаси даромадларини ошириш имконини беради. Бирок, ривожланаётган мамлакатларда Пенсия жамғармалари маблағларини инвестициялаш ҳали унча тараққий этмаган, йирик давлат пенсия фондлари ўз маблағларини қимматли қоғозларга йўналтирмаяпти. Бундан ташқари, Пенсия жамғармаси маблағларининг қимматли қоғозлари бозорига жойлаштирилган миқдори Пенсия жамғармаси активларининг 1 фоизини ташкил қилиши мумкин⁴⁰³



1-расм. Хорижий мамлакатларда пенсия фондлари даромад манбалари⁴⁰⁴

Жаҳон мамлакатларида пенсия фондлари даромадлари тизими бир қанча иқтисодий кўрсаткичлар орқали таҳли этилади. Жумладан, маълум бир пенсия фондига ишловчилар ва иш берувчилар томонидан тўланадиган “Мажбурий пенсия бадаллари” ставкалари. 2016-йилда мажбурий ижтимоий суғурта бадаллари ставкалари ИХТТнинг 13 та мамлакатиди иш берувчилар ва ишловчилар учун хусусий секторда ўртача ойлик иш ҳақининг 24 фоизи қилиб белгиланган. ИХТТнинг қолган 21 та аъзоси учун эса ўртача 18 фоизни ташкил этган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда жаҳонда давлат пенсия фондларини молиялаштиришнинг бюджет ва ижтимоий суғурта усуллари фарқланади. Бюджет усулида пенсия тўловларини молиялаштириш бюджетга солиқлар ҳисобидан шакллантирилган маблағлардан қопланади. Ижтимоий суғурта усули жуда кенг тарқалган бўлиб, бу усулда пенсия фонди даромадлари иш берувчилар ва ишловчилар томонидан пенсия фондига тўланадиган бадаллар ҳисобига шакллантирилади. Ҳозирда барча молиявий тузилмалар қатори пенсия фондлари ҳам инвестиция фаолиятининг асосий иштирокчиси ҳисобланади. Фондлар доимий равишда инвестиция фаолиятида иштирок этишади ва катта миқдордаги даромадларини инвестиция фаолиятидан қўлга киритишади.

⁴⁰² Raxmonov D.A. Pensiya tizimi: aholini ijtimoiy himoya qilishning ustuvor yo'nalishi. –Toshkent, “Birja-ekspert” jurnali, №6 (90). 2015. 26-b.

⁴⁰³ IMF Working Paper. International Capital Markets. Pension Funds and Emerging Markets. Prepared by Jorge A. Chan-Lau. 2004. International Monetary Fund.

⁴⁰⁴ Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0 th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2016). – P. 5-15.

ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИНИНГ СТРАТЕГИК МАКСАДЛАРГА ЭРИШИШ ЖАРАЁНИДА МОЛИЯВИЙ ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШ

Усманов Б.А. ПФБ гуруҳ, 2-босқич тингловчиси,

Ҳозирги иқтисодий глобаллашув даврида ҳукуматимиз макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бир қаторда, кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширмоқда. Пенсия таъминоти тизими ижтимоий ҳимоянинг бир бўғини сифатида юзага келди. Дастлаб пенсия таъминоти давлат томонидан тўлиқ кафолатланган бўлсада, кейинчалик иқтисодиётнинг трансформациялашуви натижасида ушбу соҳа авлодлар ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш вазифасини бажарди. Пенсия таъминоти тизиминининг даромадларини шакллантириш билан бир вақтда, жамғарилган маблағлардан самарали фойдаланиш, уларни ўз вақтида ва тўғри тақсимланишини ташкил этиш ва назорат ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан, меҳнат фаолиятини якунлаган бир пайтда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини ривожлантиришни молиявий тартибга солиш долзарблик касб этади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида ҳам ҳукуматимизнинг ижтимоий соҳага аълоҳида эътибор қаратилишига тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдирди: “Ёши улуғ инсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буён ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. Шу мақсадда пенсионерлар, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат кўмагини кучайтириш бўйича айни пайтда кенг қамровли чоратадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва улар сўзсиз амалга оширилади”⁴⁰⁵.

Ҳозирги пайтда пенсия таъминоти тизими энг муҳим институтлардан бири ҳисобланади. Мамлакат пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигига ҳаф солиши мумкин бўлган кутилаётган хатарларни олдини олиш ҳамда пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаган ҳолда давлатнинг ижтимоий кафолатларини таъминлаш учун қуйдаги йўналишларда иш олиб бориш зарур деб ҳисоблайман:

- Янги иш ўринлари ташкил қилиш ва ўз-ўзини банд қилган аҳолини пенсия бадалларини тўлаш меҳанизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- Пенсия таъминоти тизимида амалда бўлган баъзи имтиёзларни бекор қилиш;
- Тўланаётган суғурта бадалларига кучли боғлиқ бўлган пенсия формуласини ишлаб чиқиш ва уни амалга киритиш муддатини қатий белгилаш;
- “Солидар тартиб”даги пенсия тизимига хос бўлмасада, давлат кафолатлари доирасида қатъий белгиланган пенсия миқдорини белгилаш ва пенсия тизимининг нисбатан барқарор даврларда, жамғарма активларини самарали бошқариш орқали жамланган маблағларни инвестицияга йўналтириш ва фойдага эришиш орқали келгусида кутиладиган молиявий нобарқарорликни бартараф этиш.

Фикримча пенсия жамғармасини активларини самарали бошқариш ҳамда юқоридаги ишларни амалга ошириш натижасида олинган маблағларни ҳозирда талаб юқори бўлган ички бозорга инвестицияга йўналтириш, мамлакатимиз янада ривожланиши ва ижтимоий сиёсий барқарорлигига асосий пойдевор бўлиб хизмат

⁴⁰⁵ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 14 декабрь. - <http://uza.uz>

қилади. Қайд этишимиз лозимки, аҳолининг ўртача умр кўриш ёшининг узайиши бевосита пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан биридир.

Хусусан, мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди ⁴⁰⁶. Ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва бу борадаги зиддиятларни бартараф этишда давлат ижтимоий таъминоти ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган пенсия таъминотининг молиявий барқарорлиги ва таъсирчан назорат механизмининг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Пенсия таъминотида хавфсизлик ва назорат фаолиятининг қонуний-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, иқтисодий асослари ҳамда молиявий манбаларини барқарорлаштиришнинг зарурлиги давлат пенсия таъминотини бошқариш тизими олдида улкан вазифалар қўймоқда.

Ушбу вазифаларни бажарилиши жуда қийин ва мураккаб бўлиб, маълум вақтни талаб этиши билан бирга, уларни бажариш давомида кўпгина муаммолар, ўз ечимини топиши керак бўладиган масалалар вужудга келадики, уларни ҳал этиш билан нафақат иқтисодий юксалишга, балки жамиятимизнинг кескин ижтимоий табақаланишининг олдини олишга, ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини ривожлантиришга ҳам сезиларли таъсир кўрсатилади. Шунинг учун, ушбу масала доимий равишда ўрганилиб борилиши иқтисодий аҳволнинг ўзгариб бориши билан бирга Пенсия таъминоти тизимига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилишини, Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан доимий назорат ўрнатиш ва унинг механизмларини такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Мамлакатимизда қисқа вақт давомида иқтисодиётнинг бошқа соҳалари каби, пенсия таъминоти тизимида ҳам бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, амалга оширилган ислохотлар натижаси ўларок, бугунги кунда, аҳолининг пенсия ва нафақалари тайинланиши ва тўланиши қисқа муддатлар ичида амалга оширилишига эришилди. Эришилган ютуқларга қарамадан, ҳозирги кунга қадар давлат пенсия таъминоти тизимида бир қанча муаммолар мавжудлигини таъкидлаб ўтишимиз жоиздир. Масалан, аҳолига давлат пенсия ва нафақаларини тайинлаш ва тўлаш жараёнида ортқча тўловларга йўл қўйилаётгани, хато ва камчиликларнинг ўз вақтида аниқланмаётганлиги ва натижада жамғарма маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари содир этилишига сабаб бўлмоқда. Бу каби муаммоларнинг юзага келишининг олдини олиш ва ўз вақтида бартараф қилинишида назоратнинг ролини ошириш механизмларини такомиллаштирилиши давлат пенсия таъминоти тизимининг иқтисодий самарадорлигини оширишда муҳим омил сифатида қаралиши лозим.

Пенсия таъминоти тизими самарадорлигини оширишда назорат ролини ошириш учун қуйидаги йўналишларни янада такомиллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз:

– аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашда пенсия тизими фаолиятини такомиллаштириш;

– пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш бўйича жамоатчилик ва административ назорат ролини ошириш;

– Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини мамлакатимиз пенсия таъминоти тизимига кенг жорий этилиши орқали давлат пенсия таъминоти тизимида назорат ролини ошириш юзасидан жорий механизмни такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси пенсия таъминотининг ягона идоралараро интеграциялаштирилган «Нафақа» ягона ахборот тизимини ташкил этилишида назорат функцияларида инсон омилини камайтиришга ёрдам берадиган механизмларни автоматлаштириш.

⁴⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий веб-сайти (www.stat.uz)

Мазкур йўналишдаги ишларни амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг самарадорлигини оширишга ва пенсия таъминотининг ягона идоралараро интеграциялаштирилган «Нафақа» ягона ахборот тизимини самарали ташкил этилиши имкониятларини янада оширишга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Бадалов Ш. Д. ТМИ таянч докторанти
Адилова Г. Д. “Суғурта ва пенсия” ўқитувчи*

Бугунги кунда Республикамизда тўлақонли суғурта бозорини барпо этиш ва уни барқарор ривожланишини таъминлаш учун етарли даражада иқтисодий ва ҳуқуқий асослар яратилди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида суғурта хизматларига бўлган талабни ошиб бораётганлиги кузатилмоқда, яъни бу борада 2017 йил давр мобайнида мамлакат суғурта бозорида суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг умумий ҳажми 927,5 млрд.сўмни ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 34,0% га кўпроқдир⁴⁰⁷.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилган бўлиб, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишарида суғурта соҳасини ривожлантириш юзасидан қўйидагилар белгилаб берилган: янги турлардаги суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳисобига уларнинг ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш.⁴⁰⁸

Суғурта бозорида суғурталовчиларнинг кенг кўламли қатлами юзага келганлиги, улар томонидан тўлов қобилиятига эга миқдорларни суғурта ҳимоясига жалб этишда ушбу субъектларнинг манфаатига мос келадиган янги суғурта хизматлари таклиф этилаётганлиги, улар ўртасида рақобат муҳити кучаяётганлиги –суғурта жараёни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Суғурта ташкилотлари хизмат кўрсатишда автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш орқали суғурта мукофотлари ва суғурта қопламалари йилдан йилга ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

2018 йилнинг 12 ойлиги якунларига қўра мукофотлар бўйича суғурта бозори етақчилари⁴⁰⁹

№	Суғурта ташкилотлари номи	Суғурта мукофотлари улуши (%) да
1.	“Ўзагросуғурта” АЖ суғурта компанияси	10,88 %
2.	“Ўзбекинвест” эИМСК	10.34%
3.	“Нew Лифе Инсурансе” МЧЖ суғурта компанияси	9.77%
4.	“Гросс Инсурансе” МЧЖ суғурта компанияси	9.38%
5.	“Агрос Ҳаёт” МЧЖ суғурта компанияси	7.92%
6.	“Кафолат” АЖ суғурта компанияси	7.14%

⁴⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz –интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

⁴⁰⁸ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

⁴⁰⁹ Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлигининг www.mf.uz интернет асҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томондан тайёрланди.

7.	“Ўзбекинвест Ҳаёт” МЧЖ суғурта компанияси	6.2%
8.	“Алфа инвест” МЧЖ суғурта компанияси	5.05%
9.	“АЛСКОМ” АЖ суғурта компанияси	4,22 %
10.	“Еуроасиа инсурансе” МЧЖ суғурта компанияси	3.63 %

Экспертларнинг фикрича, 2018 йилда суғурта тўловларининг тез ўсиши кўзатишга эришилган. Ҳисобот даврида компаниялар томонидан тўловлар 71,0% га ўсди ва 460,8 млрд.сўмни ташкил қилди. Бундай ўсишнинг асосий омили бу ҳаётни суғурта қилиш суғурта турлари бўйича суғурта тўловларининг ошишидир.

Суғурта тўловлари доирасида ҳаётни ихтиёрий суғурта қилиш турларининг ўсиш тенденцияси мавжуд. Кўриб чиқилаётган даврда ихтиёрий суғурта турлари бўйича тўловлар миқдори 92,0 га ўсиб, 389,3 млрд.сўмни ташкил этди. Мажбурий суғурта бўйича суғурта тўловлари ҳажми 6.0% га ошиб, 71,5 млрд.сўмни ташкил этди. Натижада жами тўловлар бўйича ихтиёрий суғурта улуши 9,5 фоиз даража ошди ва 84,5% га этди. Мажбурий суғурта билан боғлиқ тўловларнинг улуши 15,5% ни ташкил этди.

2018 йил якунларига келиб суғурта мукофотларининг (суғурта тўловларининг суғурта мукофотларига нисбати) бозор учун зарарсизлиги 28,2% га барқарорлашди. 2017 йилда бу кўрсаткич 18,8 % дан 29,1% ўсган эди.

2018 йил якунлари бўйича суғурта компанияларининг инвестицион портфелининг ўсиши ўтган йилга нисбатан пасайган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазирлигининг маълумотларига кўра таҳлил қилинаётган давр мобайнида компанияларининг инвестиция портфелининг жорий ҳажми 35% га ошиб 1995,6 млрд.сўмни ташкил этди.

Суғурта компанияларининг ўз маблағлари ва даромадларининг ошиши уларга суғурта заҳираларини шакллантириш ва инвестициялар ҳажмини ошириш имконини беради.

Шу билан бир қаторда суғурта компаниялари хизмат кўрсатишнинг автоматлаштирилган тизимини янада ривожлантириш учун изланишлар олиб боришмоқда. Бу эса фақат суғурталанувчиларга қулайлик яратиш учундир. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ҳам «Кафолат суғурта компанияси» аксиядорлик жамияти томонидан «Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш истиқболлари: рақобат, талаб, таклиф, инноватсия» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон суғурта бозорида рақобат муҳити шакллангани, қонунчилик базаси яратилгани боис суғурта хизматлари кўрсатиш бозори мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда соҳани янада ривожлантириш бўйича инноватсион ишланмалар амалиётга кенг жорий этилаётганини аълоҳида таъкидлаб ўтилган. Ихтиёрий суғурта турларини ривожлантириш чора тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Матбуот анжуманида суғурта бозорида қайта суғурталашнинг алтернатив вариантларини жорий этиш, мижозлар олдида тўлов қобилиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 4-мартдаги «Дехкон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, сувга чидамли, экспортбоп дарахт плантацияларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида берилаётган кредитлар суғуртасига "Суғурта пули" ташкил этилган.

Аҳолига хизмат кўрсатишда ахборот-коммуникатсия технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Суғурта хизматлари кўрсатишнинг автоматлаштирилган тизимини такомиллаштириш орқали 20 га яқин суғурта турлари онлайн сотувга чиқарилди. Бу эса суғурталанувчиларга анча қулайликларни берди. Аммо суғурта компанияларнинг хизмат кўрсатишда бир қанча камчиликлари мавжуд. Шу билан бирга, иқтисодийни модернизациялаш шароитида миллий суғурта тизими хизматлари

билан боғлиқ қатор муаммолар вужудга келаётганлиги боис, умумий нисбатда ЯИМ таркибида суғурта улушининг озлиги, аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотларининг паст даражада бўлиши, ҳамда суғурта ташкилотлари томонидан миқдорлар талабига мос келадиган суғурта хизматлари кўрсатиш ҳолати қониқарли даражада эмас. Миллий суғурта хизматлари бозорида суғурта турларининг 750 дан ортиқ турлари мавжуд, аммо суғурта ташкилотлари томонидан уларнинг 50 га яқини аҳолига тақдим этилмоқда. Суғурта ташкилотларининг янги суғурта турларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти суғурта даражада қолмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича суғурта хизматлари бозори суғуртанинг мажбурий турлари билан биргаликда ихтиёрий суғурта турларини ривожлантиришга ҳам боғлиқ.

Йиғилган суғурта мукофотларининг Республикамиз миқёсидаги концентрациялашувини олиб қарайдиган бўлсак, Тошкент шаҳри ҳиссасига суғурта мукофотларини 30 фоизни ташкил қилади. Вилоятлар бўйича бу кўрсаткич нотекис жойлашиб ўртача 2,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу борада суғурта ташкилотларининг вилоятларда олиб бораётган фаолияти қониқарли даражада эмас.

Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида қуйидаги хулосаларга келинди:

Суғурта хизматлар соҳасини ривожлантириш заруратини унинг қуйидаги хусусиятларига эълолиги билан асослаш мумкин:

- бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай муносабатларда хавф-хатар, таваккалчилик ва қалтисликларнинг мавжудлиги;
- мамлакат иқтисодиётига катта миқдордаги инвестицияларни киритилиши муносабати билан уларни суғурталаш заруриятининг келиб чиқиши;
- ҳаёт суғуртаси орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида таъминлаши;
- мамлакат умумий иқтисодиётининг барқарор ривожланишида муҳим омиллардан бири ҳисобланиши ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Агеев Ш.Р., Васильев Н.М., Катырин С.Н. Страхование (теория, практика и зарубежный опыт). – М.: Экспертное бюро, 2009. – С. 497.
2. Архипов А.П., Гомелля В.Б. Основы страхового дела. Учебное пособие. – М.: "МаркетДС", 2002. – С. 413.
3. Александров А.А. Страхование. – М.: Издательство ПРИОР, 1998. С.192.
4. Балабанов И.Т. Риск-менеджмент. М.: Финансы и статистика, 2006. – С. 250.
5. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. - СПб: Питер, 2001. – С. 350.
6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта назорати давлат инспекцияси йиллик ҳисоботлари. 2000-2017 й.й.

РАЗВИТИЕ ИНСТИТУТА ПЕРЕСТРАХОВАНИЯ КАК ПЛАТФОРМА МЕТОДОЛОГИИ ТРАНСФОРМАЦИИ РИСКА

Баймуратов Т.М. - к.э.н., доцент ТФИ

Современная финансовая система и институт страхования[1] должны быть ориентированы на налаживание денежного оборота и создание макроэкономических условий для экономического роста и воспроизводственного процесса экономики регионов страны. Сложившаяся институциональная структура финансовой системы и института страхования не обеспечивает комплексного эффекта, так как не обладает качествами целостности. Поэтому трансформация финансовых институтов должна иметь позитивную направленность, что означает изучение структурных преобразований, не инертных по отношению к процессам, а активно ориентированных на повышение

эффективности регулирования, способных обеспечить сочетание рыночных механизмов с концепцией социально-экономической модернизации экономики.

Современные страховые отношения формируются под влиянием трансформационных процессов финансовой системы, институтов и инструментов страхового сектора, методов государственного регулирования. Недооценка проблем института страхования[2] в воспроизводственном процессе экономики негативно сказывается на его развитии. В связи с этим необходимо разработать и реализовать качественно новую, ориентированную на современные достижения, стратегию развития страхового рынка и ее инфраструктуру. Одновременно следует реализовать воспроизводственный, инвестиционный подход к страховой стратегии.

В условиях инновационного развития экономики Узбекистана предъявляются новые требования к институциональному развитию финансовой системы, в том числе института страхования[3].

Изменение парадигмы социально-экономического развития страны при равнотемпной динамике процессов по отраслям экономики носит комплексный характер преобразований, требует создания целостной институциональной системы, обеспечивающей превращение страхования и перестрахования как платформа методологии трансфера и трансформации риска. Такое превращение совокупных инфраструктурных инструментов в институционально значимые сегменты национальной экономики, имеющей тенденцию к дальнейшему росту и постепенного поэтапного перехода к постиндустриальному развитию согласно требованиям международных стандартов регулирования страховых и перестраховочных услуг[4] в целом.

В нынешних реалиях актуальность и жизненная важность научной разработки данной проблемы, направленные на расширение предпринимательства и устойчивое интенсивное развитие экономики, когда успех все более определяется знаниями и инновациями, очевидны.

Финансовые институты являются важнейшим элементом национальной экономики, связывающая платформа финансовые подсистемы в единое целое. В условиях острой конкурентной борьбы, возрастания роли финансовых факторов в современной экономике, в структуру финансовых институтов должны быть встроены институты и инструменты, способные обеспечить инновационное развитие, экономического роста и экономической безопасности, и реальную устойчивость процессов, защиту национальных интересов страны.

Для этого потребуются формирование и функционирование современных финансовых институтов, способных решать двукратную задачу:

- мобилизовать денежные средства для развития экономики страны, не увеличивая нагрузку на государственный бюджет;

- создавать финансовые ресурсы на основе инновационных финансовых технологий, инструментов за счет включения страхового сектора финансовой системы.

В этих условиях особенно важно сформулировать четкое определение роли страхового сектора как сегмента финансового рынка[5], установить его взаимодействие с отраслями реальной экономики, используя производственный, социальный и инвестиционный потенциал.

Теоретические исследования и мировая практика подтверждает, что при трансформации риска перестрахование является значимым инструментом для обеспечения финансовой устойчивости операций в страховой деятельности, также нормальной деятельности страхового института в целом, вне зависимости от объема его капиталов, страховых резервов и активов.

На основе анализа этих макроэкономических понятий предстоит сформулировать концепцию институционального развития перестрахования в Узбекистане, ставящую

своими целями его качественное развитие и создание эффективных инструментов его регулирования для выполнения задачи стабилизации рынка страховых услуг.

На фоне достаточно глубоко разработанных теоретических и практических вопросов страховой науки в ряде научных направлений перестрахование все еще признается одним из видов страхования, что сдерживает его адекватное самостоятельное научно-теоретическое и институциональное оформление и развитие. В специальной литературе наблюдается преобладание эмпирических разработок при многоаспектности теоретических подходов и выводов к данной проблеме. Необходимо отметить, что анализу макроэкономических ситуаций на рынке услуг по риск - менеджменту и месту на этом рынке перестраховочных услуг пока еще не уделяется должного внимания, в то время как влияние этого фактора на страховой рынок и экономику в целом растет.

Для реализации перестраховочной деятельности необходимо наличие участия двух или нескольких институтов страхования, которые имеют лицензию для реализации перестраховочной деятельности, а также присутствие в сделке нужных элементов, без которых невыполнимо существование страхования.

Дискуссионным является определение перестраховщика в Законе Республики Узбекистан «О страховой деятельности», ст. 5. ...определяющей перестраховщика исключительно как страховщика[6]. Можно согласиться с мнением о том, что перестрахование подлежит рассмотрению как страхование от выполнения собственных страховых обязательств, сполна оплаченных страховыми премиями[7].

Исходя из этого мнения можно рассматривать перестрахование как имущественный вид страхования гражданской ответственности перестрахователя. «Риск выплаты страхового возмещения или страховой суммы, принятый на себя страховщиком по договору страхования, может быть им застрахован полностью или частично у другого страховщика (страховщиков) по заключенному с последним договору перестрахования»[8], тем самым определяя интерес перестрахователя как риск гражданской ответственности по договору, как разновидность имущественного страхования.

Представляется, что из всех существующих в Гражданском Кодексе Республики Узбекистан объектов страхования (имущественный интерес) является наиболее отвечающим сущности перестрахования. В данном случае, цедента побуждает вступить в отношения в процессе трансформации риска, как необходимость, соединенная с дроблением принятого им на страхование риска с цессионарием (перестраховщиком) с целью соответственного осуществления своих обязательств по контракту перед клиентом-страхователем за счет покрытия страховой выплаты в полном объеме.

Предоставленная мотивация не порождает достоверности в том, что страховая компания по договору страхования заинтересована в должном исполнении собственных обязательств перед страхователем. Следовательно, можно заключить, что присутствие в перестраховочном договоре формально двух субъектов - перестрахователя, обладающего своим интересом, и перестраховщика - удостоверяет о том, что перестрахование всецело может реализовываться в страховой деятельности, при этом деятельности как со стороны цедента, который представляет в перестрахование долю эвентуального риска, со стороны цессионария, принимающего этот риск. Вследствие этого имеются основные принципы полагать, что институт перестрахование - это элемент в страховой деятельности для воспроизводственного процесса.

Располагая необыкновенной диспозитивностью по выстраиванию взаимоотношений между цедентом и цессионарием, договоры по перестрахованию можно подразделить на типы, формы и виды. Данная структура в совокупности составляют основу базиса перестраховочных системных правоотношений.

Перестрахование является специфической областью отношений по поводу страхования, поэтому существует большое количество разнообразных форм и методов трансформации риска в страховой деятельности.

На основе анализа и синтеза ряда научных разработок ученых[9] структуру перестраховочных отношений можно подразделять по типу, форме, виду и подвиду.



Структура перестраховочных отношений[10]

По форме трансформации риска от перестрахователя перестраховщику различают факультативное и обязательное перестрахование. При факультативном перестраховании перестрахователь отдает перестраховщику только те риски и только в той доле, которые считает для себя необходимыми, факультативный перестраховочный договор заключается в отношении данного единичного договора страхования[11].

Как правило, при факультативном перестраховании риск предлагается перестраховщиком (или выступающим от его лица перестраховочным брокером) определённому кругу перестраховщиков для подбора оптимальных условий перестрахования (главным образом - по стоимости). При обязательном перестраховании по условиям договора перестрахованию подлежит весь портфель договоров страхования (все и каждый), отвечающих определённым критериям (вид страхования, территория и т.п.). Цедент обязан передавать в перестрахование обязательно все риски, селекция рисков, формально подходящих под зафиксированные в договоре критерии, считается очень серьезным нарушением. Как правило, обязательные перестраховочные договоры заключаются на календарный год.

По способу определения передаваемой доли страховой суммы и страховой премии, а также доли участия перестраховщика в убытке перестрахование по виду делится на пропорциональное (англ. proportional reinsurance)[13] и непропорциональное (англ. non-proportional reinsurance)[14]. Пропорциональное перестрахование по подвиду бывает квотное (англ. quota share reinsurance)[15] и эксцедентное (англ. surplus reinsurance)[16].

Непропорциональное перестрахование включает две основные разновидности: перестрахование на базе эксцедента убытка (англ. excess of loss)[17] и на базе эксцедента убыточности (англ. stop loss)[18].

Основу современного перестрахования составляет с давних пор существующая форма трансформации риска между страховыми компаниями - перестраховщиками.

При классическом перестраховании первостепенным является обеспечения устойчивости финансового состояния института страхования путем трансформации риска, а затем соответствующим перераспределением фонда страхования.

В современном перестраховании можно перераспределить, один или несколько гетерогенных риска, причем на установленный срок и, обычно с обусловленными

участниками трансформационных взаимоотношений.

Финансовая трансформация риска немного обширнее, чем классическое, поскольку помимо процесса перераспределения совершается и трансформация финансовых активов страховых компаний.

В этом случае имеется ввиду трансформация взаимоотношений между прямым страховщиком и перестраховщиком, связанные с перераспределением как страхового так и финансового рисков, свойственных страховой деятельности, на долгосрочной основе[19].

Исследование института перестрахования позволяет выявить его несовершенство(отсутствие достаточной капитализации и инструментов синергического воздействия государства на устойчивое развитие страхового рынка), так как страховые организации, аккумулируя финансовые ресурсы, обеспечивают добросовестное и качественное исполнение обязательств по осуществлению страховых возмещений, сохраняя при этом финансовую стабильность.

Развитие перестраховочного рынка в условиях финансовой глобализации должно способствовать реализации выхода крупных страховых организаций на международный рынок. В этой связи представляется целесообразным исследование проблем, посвященных развитию страхового рынка в целом, институтов и их места в воспроизводственных процессах экономики, что определило логику и направление данного исследования.

В процессе обоснования теоретических положений, методологических подходов, выводов и рекомендаций применялись различные методические инструменты, методы, приемы: монографического, аналитического, экономико-статистического, системного и структурного анализа, экономико-математического, программно-целевого, сравнительного, графического, экспертных оценок и др.

Законодательство в Республики Узбекистан по регламентации финансовой устойчивости перестраховочных компаний практически нет, за исключением некоторых правовых основ перестраховочной деятельности в Республики Узбекистан[20]. На современном этапе по мере роста объемов перестраховочных операций необходимость в такой регламентирующей базе является актуальной проблемой.

Развитие перестраховочных операций представляет конкурентной страховой компании выход на мировой страховой рынок и включения в интеграцию мирового страхового и перестраховочного рынка. Следовательно, перестрахование не должно замыкаться национальными границами отдельных государств. Оно санкционирует существенно увеличить объем национальных страховых рынков, а также формирует потенциал для управления крупными рисками, притом, что объемы эвентуальных опасностей, взаимосвязано с развитием современной промышленности, аграрного и рекреационного комплексов, природными факторами, существенно растут.

Системная трансформация рынков продавцов и рынков покупателей страховых услуг определяет теоретико-методологические основы формирования и развития, расширительных клиентоориентированных стратегий страховых организаций, основанных на определении рыночной конкурентоспособной позиции страховщика.

Таким образом, для формирования отечественного рынка перестрахования, в том числе осуществления его экспортного потенциала, нужно расширить воспроизводственный потенциал российского перестрахования за счет включения в сферу сервиса российских перестраховщиков, новых групп потребителей этих услуг.

Для стабилизации своего положения на рынке перестрахования и повышения инвестиционного потенциала в интересах создания национальной экономики российские перестраховщики могут путем формирования перестраховочных пулов.

Литература:

1. Никульшин Д. Институт страхования и поддержание стабильности финансового рынка. //Вопросы экономики. 2010, (11), с.143-147.
2. Фомичев А.А. Страховые услуги в системе финансовых услуг. //Современные проблемы науки и образования. – 2015. - № 1-1.
3. Концепция совершенствования гражданского законодательства Республики Узбекистан. II. Совершенствование основных гражданско-правовых институтов, пункт-10. Приложение №1 к [распоряжению Президента](#) Республики Узбекистан от 5 апреля 2019 года “О мерах по совершенствованию гражданского законодательства Республики Узбекистан”, № Р-5464. <http://lex.uz/docs/4272619>
4. Шокин В.О. Организация государственного регулирования страхового рынка в государствах-членах Евразийского экономического союза// Российское предпринимательство.- 2017.- Том 18.-№ 7.-с 1283-1301.
5. Статья 5. Субъекты страховой деятельности.//Закон Республики Узбекистан.О страховой деятельности. <http://www.lex.uz/acts/44612>
6. Райхер В.К. Общественно-исторические типы страхования: учебник. М.; Л., 1947.
7. Гражданский Кодекс Республики Узбекистан (с изменениями) Глава 52. Страхование, статья 959. Перестрахование. http://insurance.uzreport.uz/files/legislation/civil_code_insurance.pdf
8. Турбина К.Е. Тенденции развития мирового рынка страхования. М.: Анкил, 2000. 320 с.
9. Рисунок составлен автором на основе анализа и синтеза теоретических разработок ряда ученых, например, Мальковская М.А. Изменение методов и форм перестрахования в условиях глобализации мирового страхового рынка: Дис. ... канд. экон. наук : 08.00.14, 08.00.10 : М., 2005 ,160с. <http://www.dslib.net/economika-mira/izmenenie-metodov-i-form-perestrahovaniya-v-usloviyah-globalizacii-mirovogo.html> и др.
10. Журавлев Ю.М. [Факультативное перестрахование](#)//[Словарь-справочник терминов по страхованию и перестрахованию](#). -Москва: Анкил, 1994.-С. 164.
11. Юлдашев Р.Т. [Облигаторное перестрахование](#)//[Страховой бизнес: Словарь-справочник](#). - Анкил, 2005.- С.729.
12. Юлдашев Р.Т. [Пропорциональное перестрахование](#)//[Страховой бизнес: Словарь-справочник](#). - Москва: Анкил, 2005.- С. 544.
13. [Непропорциональное перестрахование](#)//[Глоссарий страховых терминов, используемых при проведении страховых операций](#). - МФК, 2008.- 288 с.
14. Юлдашев Р.Т. [Перестрахование квотное](#)//[Страховой бизнес: Словарь-справочник](#). - Москва: Анкил, 2005.-832 с.
15. Журавлев Ю.М. [Перестрахование на базе эксцедента](#)//[Словарь-справочник терминов по страхованию и перестрахованию](#). - Анкил, 1994. - С.162.
16. Юлдашев Р.Т. Перестрахование на основе эксцедента убытка.//Страховой бизнес: Словарь-справочник.- Москва: Анкил, 2005- С. 645.
17. Юлдашев Р.Т. Перестрахование на основе эксцедента убыточности.//Страховой бизнес: Словарь-справочник. -Москва: Анкил, 2005.- С. 649.
18. Постановление Президента Республики Узбекистан от 31 мая 2011 года № ПП-1544 «О дополнительных мерах по дальнейшему повышению финансовой устойчивости страховщиков осуществление перестраховочной деятельности компании»; Положение «О единых требованиях и стандартах предоставления перестраховочных услуг» (Приложение к приказу министра финансов Республики Узбекистан от 27 декабря 2010 года № 111); Положение «О платежеспособности страховщиков и перестраховщиков» (Утверждено Приказом министра финансов № 41 от 22.04.2008 г., зарегистрировано МЮ 12.05.2008 г. № 1806)

ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*PhD Бекназаров З. Э. ТМИ
“Сугурта ва пенсия иши” кафедраси*

Давлат пенсия таъминоти тизими давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатининг энг муҳим ва асосий йўналишларидан бири бўлиб, кекса, ногиронлиги бўлган ва боқувчисини йўқотган фуқароларни моддий таъминлашга ва уларни ижтимоий жихатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тавсифдаги чора-тадбирлар мажмуини назарда тутди. АКШнинг Аризона университети профессори J.Peng пенсияни фуқароларнинг қариликдаги молиявий барқарорлигини таъминловчи энг муҳим даромад манбаи эканлигини эътироф этиб, мазкур тизимда ҳозирдаги мавжуд муаммоларни ва истикболдаги ўзгаришларни тадқиқ этади ҳамда пенсия таъминотига таъсир этувчи омилларни тавсифлайди[1].

Мазкур чора-тадбирларни амалга оширишда пенсия таъминоти тизими мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазият, солиқ ва молия тизими, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва меҳнат бозори ҳолатига мувофиқ равишда ташкил этилади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бир қанча ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан:

- пенсия таъминоти тизимини тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда;

- бюджетдан танқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмаси такомиллаштирилди;

- пенсия таъминотида мажбурий (авлодлар бирдамлиги ва жамғариб бориладиган пенсиялар) ва ихтиёрий тизимни қамраб олувчи кўп даражали тизим яратилди ва фаолият юритмоқда;

- омонатчиларнинг жамғарилган пенсия маблағлари сақланишини давлат томонидан кафолатлаш жорий қилинди;

- пенсия таъминоти тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилинди ва шу асосда турли муассасалар билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилди;

- айрим тоифадаги фуқароларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш тизими кучайтирилди;

- меҳнат шароитлари оғир ва зарарли ишларда банд бўлган ходимлар учун имтиёзли шартларидаги пенсиялар жорий қилинди;

- истеъмол товарлари ва хизматлар нархининг ўсиб боришига мувофиқ давлат томонидан фуқароларнинг пенсия ва ижтимоий нафақа миқдорлари ошириб борилди, шу орқали уларнинг маблағлари инфляциядан ҳимоя қилиниб, харид қобилияти ва ўртача реал даромади сақлаб қолинди;

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси асосида фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадлари оптималлаштирилди;

- мамлакатда ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш ҳакига нисбати 42,9 фоизни ташкил этишига эришилди. Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига кўра, бу кўрсаткич 40 фоиздан кам бўлмаслиги зарур.

Бироқ, статистик таҳлиллар натижаси, халқаро ташкилотлар ва экспертлар, етакчи олимларининг фикр-мулоҳазалари, фуқароларнинг мурожаатлари, пенсия таъминоти тизимидаги асосий тенденциялар ва тажрибалар ҳамда миллий пенсия тизимининг хорижий ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари пенсия тизими ва ислохотлари билан қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, давлат пенсия таъминоти тизимида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжуд.

Демографик омилларнинг пенсия таъминоти тизимига таъсири:

Ўзбекистон аҳолисининг 2018-2025 йиллари учун демографик прогнозларига кўра, пенсия ёшидаги аҳолининг улуши (1,2 млн. кишига) кўпайиши кутилмоқда;

– 2025 йилга бориб, Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 75,5 ёшга етади (2018-йилда 73 ёш), ёшга доир пенсияга чиқиш учун мурожаат қилувчиларнинг йиллик сони жами 300 минг нафарга кўпайиши кутилмоқда (2017 йилда 206,2 минг нафар), жами аҳоли таркибида пенсия ёшидагиларнинг улуши 11 фоиздан ортади (2018 йилда 7,4 фоиз).

Мазкур омиллар пенсия таъминоти тизимида харажатларнинг ортишига олиб келади. Ижтимоий суғурта тизимини молиялаштиришда аҳолининг мутаносиб иштирокини таъминлаш зарурлиги:

– фуқароларнинг ижтимоий суғурта тизимида узлуксиз ва узок муддатли иштирокини рағбатлантириш механизмларининг мураккаблиги ва шаффоф эмаслиги;

– меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли 60 фоизи (тахминан 10,2 млн. киши) пенсия таъминоти тизимига камраб олинмаганлиги, уларнинг аксариятини норасмий секторда банд бўлганлар ва меҳнат мигрантлари ташкил этиши;

– 2009-2017 йиллар оралигида пенсионерлар сонининг ишловчи аҳолига нисбати 61 фоиздан 66 фоизга ўсганлиги.

Ушбу омиллар келгусида ўрта ва узок муддатли истикболда пенсия таъминоти тизимига бадал тўламаган фуқароларнинг аксарияти пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги ҳолатини юзага келтиради. Бунинг натижасида, биринчидан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий маблағларининг камайишига, иккинчидан, фуқароларнинг кексайганда турмуш фаровонлигининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Молиявий маблағларни тақсимлашдаги самарасиз воситалар ва ижтимоий суғуртадаги рағбатлантирувчи механизмларнинг заифлиги:

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг сезиларли қисми имтиёзли пенсияларни молиялаштиришга сарфланмоқда. 2017 йилда имтиёзли шартларда тайинланган пенсиялар улуши 592,4 минг кишини ёки жами тайинланган пенсияларнинг 19,5 фоизни ташкил этиб, шундан, ёшга доир пенсиялар 23,7 фоизни ташкил этган. Йилига ўрта ҳисобда 39,8 мингта имтиёзли шартлардаги пенсиялар тайинланмоқда. Шу билан бирга имтиёзли пенсияларнинг ўртача миқдори ёшга доир пенсиянинг ўртача миқдоридан юқоридир[4];

– пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат давомийлиги улуши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам сезиларсиз. Амалдаги пенсия таъминоти тизими, 7 йилдан кам бўлмаган стажга эга бўлган шахсларга пенсия тайинланишини назарда тутди. Иш стажига нисбатан 7 йил давомийликдаги минимал талабнинг мавжудлиги фуқароларнинг давлат ижтимоий суғуртасидаги иштирокида салбий таъсир ўтказмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда иш ҳақининг ўртача даражасида 30 йил иш стажига (талаб этилган - 25 йил) эга бўлган эркак кишининг пенсия миқдори билан 10 йиллик иш стажига эга бўлган (минимал талаб этилган - 7 йил) эркак кишининг пенсия миқдори ўртасидаги фарқ тахминан 200 минг сўмни ташкил этади;

– ишловчиларнинг ижтимоий суғуртадаги ўзок муддат ва узлуксиз иштирокини рағбатлантиришдаги заиф механизмлар, уларни, суғурта бадалларини тўламасликнинг янги усуллари кидиришга мажбур этади.

Юқоридаги ҳолатлар 2019-2030 йилларда Ўзбекистан Республикаси пенсия тизимини ислох қилиш Концепциясининг ишлаб чиқилишини тақозо этади. Бизнинг фикримизча, 2019-2030 йилларда Ўзбекистан Республикаси пенсия тизимини ислох қилиш Концепциясининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИДА ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Гафуров Ш. Б. БМА магистранти

Мамлакатимизда суғурта бозорини ҳар томонлама ривожлантириш, бу бозор қатнашчилари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, халқаро бозорга интеграция жараёнини тезлаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Суғурта бозорида рақобат фаоллашиши натижасида жаҳон стандартларига мос суғурта турлари ишлаб чиқилиб, хизмат кўрсатиш сифати юқори даражага кўтарилмоқда. Суғурта бозорининг инфратузилмаси ҳам ривожланиб, йилдан-йилга унинг профессионал иштирокчилари сони ҳам ортиб бормоқда.

“Инновация” моҳиятдан мураккаб ва кўп қиррали масала бўлиб, бу иқтисодчи олимлар ёндашувидаги фарқлар билан ҳам изоҳланади. Хорижнинг иқтисодий адабиётларида “инновация” салоҳиятли фан-техника тараққиётининг янги маҳсулотлар ҳамда технологиялар кўринишида рўёбга чиқиши сифатида талқин қилинади.

Инновацион назарияни асосий ривожланиш босқичи В.Зомбрет, В.Митчерхил, Й.Шумпетернинг⁴¹⁰ тадқиқотларига тўғри келган. Инновациялар назариясини шаклланиши ва ривожланишига, дастлаб, австриялик иқтисодчи олим Й.Шумпетернинг ҳиссаси катта. У инновацион конъюнктура силжишлари манбаларини таҳлил қилиш натижасида, ишлаб чиқаришнинг янги омилларини ажратиб, уларга қуйидагиларни киритди:

- янги хусусиятларга эга маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- янги илмий кашфиёт ёки тижоратлаштириш усулига асосланган ишлаб чиқариш услубини жорий этиш;
- саноатнинг бирон бир тармоғида тақдим этилмаган, янги савдо бозорларини ўзлаштириш;
- хомашёнинг янги манбасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни тегишли тарзда қайта ташкил этилишини амалга ошириш, монополияни таъминлаш.

Бугунги кунда “Инновацион суғурта маркетинги” суғурта маркетинги фаолиятида янги пайдо бўлган йўналиш ҳисобланиб, инновацион маҳсулот, хизматларни шакллантиришда ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ҳамда ушбу инновацион ғояни тижоратга тайёрлашни амалга оширади.

Инновацион суғурта маркетингининг асосий мақсади инновацияларни бозорга киритиш стратегиясини ишлаб чиқиш, янги маҳсулотни бозорда мустақкам ўрин эгаллашини таъминлаш, анъанавий суғурта маркетингидан фарқли равишда инновацион суғурта маркетингининг воситалари асосида инновациялар бозорини тадқиқ этиш, бозорни кузатиш ва бозор конъюнктурасини таҳлил қилиш, талабни шакллантириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг хулқ-атвори бўйича бозор сегментларини ишлаб чиқишдан иборат.

Хизмат кўрсатишда эса “инновацион суғурта маркетинги”, айирбошлаш натижасида янгиликларга бўлган эҳтиёжни қондириш орқали фойда олишга йўналтирилган инсон фаолияти мажмуини тушунмоқ лозим.

Инновацион суғурта маркетингига, бир томондан, инновацион маҳсулотни силжитиш, иккинчи томондан, ҳар қандай маҳсулотни инновацион воситалар ёрдамида силжитишга йўналтирилган фаолият сифатида таъриф беришимиз мумкин.

⁴¹⁰Й. Шумпетер Теория экономического развития. М. — «ЭКСМО», 2007. 400 с.

Замонавий бозор шароитида инновацион суғурта маркетинги инновацион фаолиятнинг бир тури сифатида юзага келар экан, бунда, янги маҳсулот ва хизмат турларини ишлаб чиқиш жараёнларини ўзлаштиришда кўпроқ эътибор ушбу инновацион маҳсулотларни баҳолашга эмас, балки бозорни ўрганишга қаратилади. Бу эса ўз навбатида инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг янги маҳсулотлари ёки кўрсатадиган хизматларни самарали ва муваффақиятли бозорга силжитишда инновацион суғурта маркетинги технологияларидан фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги иқтисодий нобарқарорлик, бизнес-моделларнинг ва технологиянинг юқори суръатда ўзгариши, маҳсулотларнинг ҳаётийлик даврининг тезлашиши суғурта ташкилотлари рақобатбардошлигини инновациялардан фойдаланмай туриб оширишнинг имкони мавжуд эмаслигини исботламоқда.⁴¹¹

Суғурта ташкилотлари рақобатбардошлиги унинг маълум бир соҳада бошқа рақиб суғурта ташкилотларидан устунлигини англатади. М.Портернинг фикрича, рақобатбардошлик ўз навбатида ресурслардан самарали фойдаланишни акс эттиради⁴¹². Суғурта ташкилотлари рақобатбардошлигини ошириш йўлларида бири инновацияларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш ҳисобланади. Шунингдек, бозор шароитларининг доимий ўзгариши суғурта маркетингида инновацияларни қўллаш заруриятини оширмоқда.

Тадқиқотларга кўра, инновацион суғурта маркетинги янги маҳсулотлар, ускуналар, хизматлар ва янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни бозорда реализация қилиш учун янги суғурта маркетинги усулларида фойдаланиш билан боғлиқ. Суғурта ташкилотлари фаолиятини таҳлилига асосан, суғурта маркетингид инновациялардан фойдаланиш, истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ҳамда янги бозорларни эгаллаш имкониятини беради.

Инновацион суғурта маркетинги концепцияси, бозорни тадқиқ қилиш асоси ҳамда суғурта ташкилотлари рақобатбардош стратегиясини излаш ҳисобланади. Инновацияларни бошқаришга суғурта маркетинги орқали ёндашув комплекс қаралади ва у асосан, ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчи нуктаи назаридан ўрганилади.

Стратегик инновацион суғурта маркетингининг асосий йўналишларидан бири бозорга янгиликларни киритиш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборатдир:

- инновацион суғурта маркетинги фаолиятида тури ва режаларини ишлаб чиқиш;
- суғурта маркетинги инновацияларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш жараёни устидан кузатувни амалга ошириш;
- маҳсулотни ишлаб чиқишдан истеъмолчиларга хизмат кўрсатишгача ягона инновацион сиёсатни амалга ошириш;
- суғурта ташкилотлари ичида ва ташқарисида инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш;
- малакали ходимлар ёрдамида суғурта маркетинги инновацияларини ишлаб чиқиш амалиётини мунтазам такомиллаштиришни таъминлаш;
- инновацион суғурта маркетинги муаммоларини комплекс ечиш учун мақсадли гуруҳларни шакллантириш.

Ҳар қандай ғоя ўзининг ривожланиш йўлида учта босқичдан ўтиши лозим. Биринчи босқич – тараққиётнинг янги йўналишига оид ақидани кашф этиш, яратиш бўлса, иккинчиси – ана шу янгиликни ўқитиш, учинчиси – янги йўналишни амалиётга жорий этиш. Ҳозирги пайтда иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг суғурта бизнесида маркетинг ўз тараққиётининг учинчи, якуний босқичида – суғурта

⁴¹¹ T. Robertson. “The process of innovation” Journal of Marketing” (Jan. 1967), 14 – 19p

⁴¹² Drucker, P.F. 2007, Management: tasks, responsibilities, practices, Transaction Publishers, New Brunswick, N.J.; London.855 p.

компанияларининг кундалик фаолиятига жорий этиш босқичида турибди. У суғурта қилувчилар кундалик ҳаётининг доимий ҳамроҳига ва суғурта компанияларининг таркибий қисмига айланиб борапти.⁴¹³

Суғурта ташкилотлари инновацион фаолиятининг асосий вазифаларидан бири – юқори менежмент билан асосий инновацион суғурта маркетинги стратегиясини шакллантириш, уни бозор сегменти бўйича жойлашиш чегарасини аниқлаш, амалга оширувчи ижрочиларни тайинлаш, бозор муносабатларининг ҳар бир иштирокчиси учун маълум амалий директивни амалга ошириш муддатини белгилашдан иборат.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бозорга янгиликни кириш стратегияси ва тактикаси суғурта маркетинги тадбирларининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. У ўзида янги маҳсулотларни бозорларда жойлаштириш ва сотиш йўллари шакллантиришга асосланган янгиликнинг рақобатбардош стратегиясини ўз ичига олади.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУЎУРТА БРОКЕРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Рустамов Д. и.ф.д., доц ТМИ
“Суғурта ва пенсия иши” кафедраси*

Ўзбекистон суғурта бозори Марказий Осиёда энг тезкор суръатлар билан ривожланаётган бозорлардан бири ҳисобланади. Бозор бир неча йилдан бери барқарор ўсиш суръатига эга бўлиб келмоқда, бу эса ўз навбатида унинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини ошириб бормоқда. Маълумки, мамлакат молия секторининг, шу жумладан, суғурта соҳасининг ривланиши мамлакатнинг умумиқтисодий аҳволи билан чамбарчас боғланган. Суғурта соҳаси мамлакат иқтисодиётининг ривожини билан узвий боғлиқлиги сабабли, ушбу соҳа мамлакатдаги умумиқтисодий ўзгаришларга жуда тез таъсирчан ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз суғурта бозори истиқболини тامينлайдиган асосий омиллар сифатида қуйдагиларни келтириш мумкин.

- макроиқтисодий барқарорлик ва мамлакатимиз иқтисодиёти, шу жумладан суғурта соҳасидаги юқори суратли ўсиш.

- суғурта соҳасидаги қонунчилик-ҳуқуқий база ва суғурта назоратининг халқаро амалиёт билан мувофиқ равишда такомиллашуви.

- мамлакатимизда мажбурий суғурта турларининг замонавий тизимининг қурилиши.

- суғурта компаниялари капиталлашув ҳажмининг ошиши ва шу билан миллий суғурта бозори имкониятларининг кенгайиши.

Бугунги кунда суғурта брокерлари фаолиятини янада ривожлантириш зарурияти мавжуд. Чунки, суғурта брокерлари суғурта муносабатларининг икки асосий иштирокчисига хизматларни кўрсатади ва уларсиз, суғурта бозори ривожланиши самарали бўлмайди.

Суғурта бозори ўзи билан иқтисодий муҳитни намоён этади. Унда суғурта хизматларига бўлган талабни яратувчи суғурталанувчилар, албатта, мазкур талабни қониқтирувчи суғурта компаниялари (суғурталовчилар), суғурта воситачилари ва суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари намоён бўлади. Фақат тўғридан-тўғри алоқа қилиш орқали суғурталовчи миқдори ўз компаниясининг суғуртавий ҳимоясига эга бўлишига ишонтира олади. Бу ишни асосий бажарувчиси суғурта брокерлари ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, суғурта муносабатларининг айнан суғурта брокерлари фаолияти билан боғлиқ саволларни, муаммоларини ўрганишга ва уни

⁴¹³Seth Kravitz, Lev Barinskiy, Matt Wilson “Mastering Insurance Marketing” UK, 2010. 42pg.

такомиллаштиришга бағишланган. Миллий суғурта бозорининг энг муҳим вазифаси – жисмоний ва юридик шахслар билан ишловчи суғурта брокерлари сонини кескин оширишдан иборат. Давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш улар фаолиятини ресурслар билан қўллаб – қувватлаш учун солиқ ва бошқа имтиёзларнинг берилиши орқали амалга оширилади.

Суғурта брокерларининг самарали фаолият асосини ташкил этувчи таркибий қисм бу - суғурталовчи томонидан ишлаб чиқиладиган услубий тизими ҳисобланади. Услубий тизимини шакллантиришда суғурталовчи суғурта турларини ҳисобга олиши зарур. Ҳозирда, мамлакатимизда суғурта брокерлари фаолиятларига таалуқли қонунчилик тўлиқ шакллантирилмаганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда суғурта брокерлари ходимларини сертификатлаш билан боғлиқ тартиб ва қоидаларни қонунчилик асосида киритиш таклиф этилади.

Ўзбекистонда суғурта брокерлари ўз фаолиятларида қўллаши учун хорижий суғурта компаниялар тажрибаси асосида суғурта брокерларининг ишлаш услубларини ишлаб чиқишлари лозим. Бу ўз ўрнида суғурта портфелини тез шакллантириш ва уни самарали бошқариш имконини беради. Суғурта брокерлари фаолиятини амалга оширувчи мутахассислар ўз фаолияти давомида ишлатиши мумкин бўлган намуна ва андозалар тўпламини чет эл суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан биргаликда нашр этилиши мақсадга мувофиқдир.

Аҳолининг суғурта хизматларига талаби пастми, демак уларда суғурта маданияти шаклланмаган, улар бировларнинг даъвати ёки ҳукумат қонунларига кўра суғурталанадилар. Аҳолида суғурта маданиятини шакллантириш йўллари қуйидагилар, яъни уларга суғуртанинг асл моҳиятини очиб бериш, у қачон заруратга айланишини тушунтириш, унинг афзал томонларини кўрсатиш, намоён қилиш, ҳар қадамда хавф-хатарнинг мавжудлиги, унинг қачон содир бўлиши номаълумлиги ва айнан шу даврда суғуртанинг аҳамияти бекиёслигини аңлатиш ҳисобланади. Мамлакатимизда суғурта хизматларини кўрсатиш, ривожланиш босқичида турган бир даврда, суғурта соҳасида қилинадиган рекламалар фақат ўз компаниясини тарғиб қилиш билан чекланиб қолмасдан, балки аҳолининг суғурта маданияти ошишига, суғуртанинг ижтимоий вазифасини очиб беришга ҳам ўз ҳиссасини қўшиши зарур.

Суғурта маҳсулотини сифатли ва мукамал ишлаб чиқиш зарур. Уни ишлаб чиқишда аввало аҳолининг эҳтиёжлари, қизиқишлари, даромадлилиги каби омилларни ҳисобга олиниши зарур. Суғурта маҳсулоти шундай ишлаб чиқилиши керакки, уни аҳолига таклиф қилганда мавҳумлик сезилмаслиги лозим, яъни у ҳаётий эҳтиёжларга мос келиши, ҳар тарафлама ишончли бўлиши ва унга нисбатан зарурат сезилиши ҳамда унинг амалга оширилиш тартиби содда ва тушунарли бўлиши лозим. Бундан ташқари, мавжуд суғурта маҳсулотларига қўшимча равишда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқиш ва сотишнинг замонавий усуллари қўллаш зарур.

Суғурта брокерлари фаолиятини самарали амалга оширишнинг замонавий усулларида бири – информацион технологиялар асосида сотувни ташкил қилишдир. Бунда суғурта брокерларидан манзилма-манзил юриб мижоз излаш, объектларни суғуртага жалб этиш талаб қилинмайди, балки интернетда суғурта маҳсулотларини уларнинг шартнома шартлари, суғурталаш қоидалари, тариф ставкалари билан биргаликда жойлаштириш ва унда суғурта калкуляциясини ўрнатиш зарур. Суғурта маҳсулотларини сотишнинг замонавий турларини кўпайтириш зарур, чунки йил сайин иқтисодиётнинг барча соҳалари ривожланиб, автоматлаштирилмоқда, суғурта соҳасини интернет тармоғи орқали амалга ошириш бир тарафдан фаолиятни тезлаштиради, иккинчи тарафдан вақтни тежайди ва аҳолининг катта қисмини жалб қилиш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда суғурта брокерлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги таклифлар тавсия қилинади:

1. Миллий суғурта компаниялари чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, суғурта брокерлари фаолиятини услубий тизимини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш керак.

2. Ўзбекистон шароитида хорижий суғурта брокерлари тажрибасини амалиётга жорий этиш юзасидан тегишли тавсиялар Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмаси томонидан ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Уни амалиётга тадбиқ этилиши суғурта брокерлари фаолиятини самарадорлигини оширишга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

3. Суғурта компанияларида чет эл тажрибалари асосида суғурта брокерлар фаолиятини автоматлаштириш ва компьютер дастурларини жорий этиш лозим. Бу қуйидаги самарани бериши мумкин:

а) суғурта брокерларидан ахборотларни йиғиш, таҳлил этиш, суғурта брокерлари билан ахборот алмашилишини тезлаштиради ва молиявий харажатларни камайтиради;

б) шартномалар тузиш, тариф ставкаларини белгилаш, қопламаларни ўз вақтида тўлаш имкониятини беради;

в) суғурта компания обрўсининг ошишига, жаҳон стандартлари даражасидаги суғурта хизматларини кўрсатишга замин тайёрлайди.

4. Суғурта брокерлари профессионал билим ва малакасига стандарт талабларини ўрнатиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

5. Миллий суғурта компаниялари суғурта брокерлари фаолияти бўйича малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган ихтисослаштирилган курсларни ва Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмаси қошида алоҳида ўқув марказини ташкил этиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда суғурта брокерлари фаолиятининг ривожланаётганлигини ва уни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш бўйича имкониятларнинг катталигини кўришимиз мумкин. Ушбу имкониятлар билан фойдаланиш ва юқорида келтирилган йўналишларда чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакатимизда суғурта брокерлари фаолиятини такомиллаштиришни таъминлаши шубҳасиздир. Бу эса ўз навбатида, суғурта соҳаси ва унинг барқарор ривожланишига туртки беради.

СУГУРТА АГЕНТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING СУГУРТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Холқосимов Д. БМА тингловчиси

Суғурта бозорини ривожлантиришда ва суғурта ташкилотлари томонидан юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг кенг қатламини турли қалтисликлардан ишончли ҳимоясини таъминлашда суғурта агентлари фаолиятининг тўғри ташкил этилиши муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда суғурта ташкилотларининг ҳам, уларнинг маҳсулотлари истеъмолчилари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳам суғурта агентлари хизматларига эҳтиёжлари тобора ортиб бормоқда.

Суғурта агентларининг асосий вазифаси суғурталовчининг номидан ва топширигига биноан суғурта шарномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш орқали мижозларга хизмат кўрсатишдан иборат. Бундан ташқари суғурта агентлари аҳолининг суғурта маданияти ошишида, суғурта институтларига, қолаверса, аниқ суғурталовчига бўлган ишончнинг вужудга келишида каттааҳамиятга эга.

Суғурта агентлари фаолиятининг такомиллаштирилиши суғурталанувчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш йўли билан суғурта қопламасини тўлаб бериш имконини беради. Бу эса, бир тарафдан суғурта компаниясининг обрўси ва имижининг ошишига олиб келиб, бунинг орқасидан янги мижозларни жалб қилса иккинчи тарафдан, - мисол

учун катта халокатлар юз берганда ишлаб чиқаришни тезроқ тиклашга эҳтиёж сезилади,бу эса ўз навбатида макроиктисодий таъсирга эга бўлиб, пировардида хўжалик субъектларининг банкрот бўлишидан химоялаш имконини бериб мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистонда суғурта агентлар фаолиятидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини ўрганиш ҳамда ушбу фаолиятни Ўзбекистон шароитида такомиллаштириш шунингдек, хорижий давлатларда суғурта агентларини ишлаш усуллари шаклланиши, ривожланиши ва хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибаларини суғурта бозори амалиётига жорий қилиш мамлакатимизнинг суғурта бозорини янада ривожлантиришга замин яратади.

Бугунги кунда суғурта бозор иқтисодиётининг молиявий инфратузилмасини ташкил қилувчи, мамлакат иқтисодиёти ўсишининг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминловчи муҳим тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор фаолият кўрсатишлари кўп жиҳатдан суғурта инфратузилмасининг қай даражада тараққий қилганлигига боғлиқ.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида суғурта ташкилотларининг молиявий воситачилик соҳасидаги фаолияти янада ривож топади. Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзаевнинг Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш алоҳида вазифа қилиб белгиланди⁴¹⁴. Демак, Ўзбекистонда суғурта ва бошқа замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва суғурта бозорининг ривожланиши мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги замон иқтисодиётида суғурта тизими стратегик аҳамият касб этмоқда, шунинг учун суғурта тизимининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, суғурта бозорининг давлат бошқаруви идоралари томонидан мамлакатнинг бозор инфратузилмасининг ажралмас қисмларидан бири сифатида кўриб чиқиладиганлигидадир.

Суғурта хизматларини кўрсатиш тизими бевосита ва билвосита каналлар орқали бўлиши мумкин. Суғурта бозоридаги бевосита йўллар бу суғурта компаниялардир, улар ўзлари жамиятни ва бозорни ривожлантиришни узок муддатли стратегик режаларини ишлаб чиқади, бунда иқтисодий тарғибот, иқтисодий реклама ва бошқалардан фойдаланилади. Суғурта қилдирувчилар билан яқиндан алоқада бўлиш учун суғурта компаниялари ўз хизматларини етказишнинг билвосита каналлари суғурта агентлари, брокерлари ва бошқалардан фойдаланади.

Шунингдек, FT маълумотларига кўра, суғурта назорати органларида рўйхатдан фақат суғурта брокерлари ўтадилар. Суғурта агентларининг фаолиятлари федерал қонунчилик асосида суғурталовчи ва агент ўртасида тузиладиган шартнома муносабатлари билан тартибга солинади. Германияда фақат битта суғурта компаниясига ишлайдиган, бир нечта суғурта компанияси билан ишлайдиган ва суғурта компанияси улар учун асосий иш жойи ҳисобланмаган, суғурта агентлиги фаолияти бошқа касбга қўшимча бўлган “ўриндош” агентлар фаолият юритадилар⁴¹⁵.

Корчевской ва Турбинойлар тадқиқотларида, суғурта агентлари фаолиятининг АҚШ тажрибасини таҳлил қилишган. Уларнинг таъкидлашича, АҚШ да суғурта полисларини сотувчи йирик суғурта агентликлари анча мустақилликка эга бўлиб,

⁴¹⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сонли Фармони.

⁴¹⁵FT (2013). Financial Times, 28 April, World insurance industry.

суғурта бозорида маълум кучга эга. Суғурта фаолиятини, хусусан, суғурта воситачилигини тартибга солиш штатлар миқёсида амалга оширилади. АҚШ да суғурта агентлари фақат битта суғурта компаниясида ҳамда бирданига бир нечта суғурта компаниялари хизматларини сотиш билан шуғулланишлари мумкин⁴¹⁶.

Иқтисодчи олимларимиздан Алиев тадқиқотларида АҚШ давлатининг суғурта бозорини таҳлил қилиб, Америка бозорида тараққиётни ривожлантириш билан боғлиқ сифат ўзгаришларини юз бериши табиий ҳолат эканлигини таъкидлайди⁴¹⁷. Унинг фикрига кўра, суғурта полислари илгари фақатгина кептивли-агентлар яъни битта суғурта компаниясини акс эттирувчи ёки мустақил бир неча компаниялар агентлари томонидан сотилган бўлса, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, сотишнинг бошқа коммуникация каналларидан ҳам кенг фойдалана бошлаганлигини изоҳлайди.

Юқорида келтирилган хорижий ва маҳаллий олимлар тадқиқотлари натижаларини умумлаштириб шундай хулоса қилиш мумкинки, суғурта бозорида суғурта агентлари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этмасдан улардан кутилаётган иқтисодий самарага эришишни таъминлаб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, суғурта агентлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун улар фаолиятининг молиявий механизмларини такомиллаштириш ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарур.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ФУҚАРОЛАРНИ КАМАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ.

Примқулов Ж.О. -БМА тингловчиси

Мамлакатимиз томонидан амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат харажатларнинг мақсадлилиги, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти сари дадил одимлаб бораётган Республикамиз учун ниҳоятда муҳим масалалардир. Маълумки, муҳим тадбирлардан бири ижтимоий ҳимояга қаратилган сиёсатдир. Жумладан, бюджетдан ажратилаётган ижтимоий харажатлар фақат ижтимоий эмас балки, иқтисодий аҳамиятга ҳам эгадир. Чунки, улар аҳолининг ҳамма қатламларига дахлдор ва меҳнат ресурсларининг бўлажак сифатини шакллантиради.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя турлари кенгайиб, унинг қўлланиш асосларини тубдан ўзгартириб борилаётган бир пайтда, хизмат кўрсатилаётган аҳоли сони ва сарфланаётган маблағ миқдори жиҳатдан ижтимоий нафақалар аҳолини ижтимоий ҳимоялашда алоҳида ўрин эгаллайди.

Бу жараёни амалга оширишда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари такомиллаштириш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган.

Давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатда харажатларнинг мақсадли ва манзилли сарфланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш фаровон фуқаролик жамияти сари дадил одимлаб бораётган Ўзбекистон учун ниҳоятда аҳамиятли масалалардир.

Инсонга муносиб турмуш шароитини яратиб берилиши республикамиздаги ижтимоий ислохотларнинг бош мақсади бўлиб хизмат қилмода. Ижтимоий ҳимоя учун ажратилган маблағлар фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга ҳам эга.

416 Корчевской Л.И., Турбиной К.Е. (1996) Страхование от А до Я. Книга для страхователей. -М.: "Инфра-М", – 624 с.

417 Алиев Р. Страхование регулирование в США: обзор. Страхование дело. - 2000.— 18-34 с.

Ижтимоий ҳимоя тушунчаси асосан XX асрнинг бошларида муомалага кириб келган. Ўзбекистон халқининг минг йилликлар давомида ижтимоий соҳа борасида маълум тажриба тўпланган. Аммо бу тарихий тажрибанинг кўп жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаган. Хатто бу борада илмий адабиётлар ҳам манбалар кам учрайди. Ушбу буюк меъросни изчил ўрганиб бориб, барча халқларда умуминсоний кадриятлар мавжудлигини, шу жумладан ижтимоий муносабатларнинг ҳозирги замон иқтисодиёт фанида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш номини олган жабҳасида ҳам мавжуд бўлган муайян маълумотларни яққолроқ тасаввур этиш мумкин.

Турли давлатларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига боғлиқ ҳолда амал қилади. Мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали тизими ҳозирги замон иқтисодиётининг ривожланиш белгисидир десак хато бўлмайди. Иқтисодиёти раванқ топган мамлакатда аҳоли турмуш даражасининг тез суръатларда ўсишини кузатиш мумкин. Ушбу мамлакатда ҳар бир киши ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар жамиятда ўз ўрнини топади, унинг меҳнат қобилиятидан тўла-тўқис фойдаланилади, ҳамда унинг ҳақ ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тушунчаси кўплаб адабиётларда келтирилган бўлиб, уларда асосан давлатнинг ижтимоий сиёсати тушунилади (Хошимов 2012).

Адабиётларда кам таъминланган оила ва ижтимоий ёрдамга муҳтож шахсларга қуйидагича таърифлар берилган.

Кам таъминланган оила-даромади яшаш минимумдан юқори бўлмаган оила. Кам таъминланганлик (камбағаллик) чегарасини белгилашда мутахассислар меъёрий истеъмол мажмуи (истеъмол корзинкаси-тузлик шўрва) дан келиб чиқиб белгиланади. 1975 йилда собиқ иттифокда камбағаллик чегараси меъёрий даражаси аҳоли жон бошига 50 сўм ойлик даромадга тенг бўлган. Ҳозирги кунда янги ижтимоий-иқтисодий тизимга ўтиш муносабати билан бу чегарани белгилаш анча мураккаб масала.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар-ўзининг саломатлиги, ёши, даромад олиш имкониятининг чекланганлиги туфайли ўзгаларнинг кўмагига муҳтож шахслар ҳамда оилалар ҳисобланади (Ижтимоий ҳимоя атамалар изохли луғати 2007).

“XX асрнинг якунида ижтимоий соҳа инвестиция маблағларни қўйишнинг фойдали, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ келадиган соҳаси сифатида шаклланди. Ижтимоий соҳани ва инновацион жараёнларни ривожлантириш республикада амалга ошириладиган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади”(Ходжаев2012).

Ижтимоий ҳимоя-давлат томонидан ҳаёт кечириш ва меҳнат қилиш, аҳолини кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитларни яратишга қаратилган мақсадли кафолатларни амалга ошириш жараёнидир. Ижтимоий сиёсат бу давлатнинг аҳоли турмуш даражасини ошириш учун учун барча гуруҳларига берган кафолатлари ва айрим муҳтож табақаларга бериладиган имтиёз ва моддий ёрдамлар мажмуидан иборат бўлиб, аҳоли фаровонлигини ошириш давлатнинг зиммасидан аста-секин тадбиркорлар гуруҳларига, нодавлат нотижорат-ташкилотлари ва айрим кўнгилли фуқароларга ўтиши мақсадга мувофиқдир (Хошимов 2012).

Берендт (2004) таъкидлашча ижтимоий нафақалар аҳолини камбағалликка шўнғиб кетишини олдини олиш билан бирга уларни келажакда яхши яшаши учун “трамплин” вазифасини ўташ керак.

Махмудов (2016) фикрича сурункали равишда нафақалар олиш аҳолида боқиманда кайфиятини янада оширишга сабаб бўлиши мумкин. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ижтимоий нафақалар инсонни фақат муҳтожликдан чиқишига хизмат қилиши лозим.

Шундай экан, ижтимоий нафалар мухтож оилаларга берилишида асосан уларнинг келгусида ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш учун ҳаракатлантиришга қаратилиши керак.

Зеро, Хитой халқ мақолида таъкидланганидек, “Одамга балиқ бериб уни фақат бир марта қорнини тўйдирасан, агар унга балиқ овлашни ўргатсанг у балиқ овлаш орқали бир умр қорнини тўйдиради”.

Линкольн таъкидлаганидек, “Биз одамларга улар ўзлари қила оладиган ишни қилиб ёрдам бермаймиз”.

Айтиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг асосий иккита йўналиши мавжуд бўлиб, биринчи йўналиши умумдавлат манфаатлари учун хизмат қилишни молиялаштириш бўлса, иккинчиси умумжамият манфаатларини молиялаштириш билан боғлиқ. Бунда аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламини ҳимоя қилиш давлат олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Юқоридаги фикрлар ижтимоий ҳимоя тушунчаси, мақсади ва ижтимоий ҳимояга мухтож шахсларни камбағалликдан чиқаришга ундайди. Бундан биз республикаimizдаги ижтимоий нафақа ажратилаётган фуқароларга нафақат моддий кўмак, балки уларни меҳнат қилишга жалб қилишимиз, жамиятимизни фаол иштирокчиси айлантirmoғимиз зарур. Бунинг учун ижтимоий нафақа олувчи фуқаролар ёки уларнинг ишсиз деб кўрсатилган оила аъзоларини маҳалла фуқаролар йиғини ихтиёрига нафақа олиш даврида ободонлаштириш ҳамда жамоат ишларига жалб қилиниши лозим.

Ҳулоса қилиб айтганда, кам таъминланган ишсиз оилаларни меҳнат қилишга ундаш орқали, уларни жамиятда ўз ўринларини топишга ёрдам бериб кам таъминланган оилалар сафидан чиқариш ёрдам берган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент 2017.
2. Ходжаев Х. (2012) “Социал соҳа ва инновацион жараёнлар” Молия. -Тошкент.
3. Хошимов П.З (2012) “Иқтисод ва молия”, Илмий амалий журнал 9 сон. – Тошкент, 22, 25 бетлар.
4. Ижтимоий ҳимоя атамалар изохли луғати (2007), Тошкент, “А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти”.
5. Берендт К (2004), “Международный опыт организации системы социальной помощи на примере пяти стран”, Международное бюро труда. 7 с.
6. Махмудов Л (2016), “Ижтимоий нафақаларни манзиллигини янада ошириш”, магистрлик диссертацияси, Тошкент, 45 бет.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ПЕНСИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Турсунов Ж.П. ТМИ, “Сугурта ва пенсия иши”
кафедарси катта ўқитувчиси*

Ҳозирги глобллашув шароитида пенсия таъминоти жаҳондаги барча давлатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий манбаи ҳисобланади. XXI аср бошларида дунёнинг деярли барча мамлакатларида юз бераётган демографик ўзгаришлар ва иқтисодий инқирозлар туфайли пенсия таъминотининг жамият ҳаётидаги ўрни янада ошиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб пенсия таъминоти ҳар қандай демократик давлатда яшовчи инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади. Аммо турли давлатлар пенсия тизимлари бир-биридан ўзига хосликлари билан ажралиб туради.

Германия пенсия тизимида, бошқа давлатлардаги каби, фуқаролар 3 турдаги пенсияни: ёшга доир, боқувчисини йўқотганлик (беваларга, етимларга), меҳнат

қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик (ногиронлик) пенсияларини олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу пенсиялар моддий таъминотнинг 3 турига: давлат, хусусий ва корпоратив турларига эга бўлиб, ҳар бирининг асосида пенсия суғуртаси ётади.

Германияда ишлаётган ҳар бир фуқаро давлат пенсия фондига мажбурий равишда ўзининг ойлик даромадидан 20,3 фоиз миқдорида бадал тўлаши лозим. Бу бадалнинг ярмини ишловчининг ўзи, қолган ярмини иш берувчи тўлаб боради.

Юқори даражада иш ҳақи олиб ишловчи немислар хусусий суғурта компанияларига мурожаат қилиб, улар билан келишган ҳолда мажбурий ойлик суғурта бадалларининг аниқ суммасини аниқлаб олиб, тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Шу билан бирга, Германия анчагина мураккаб бўлган касбий пенсия тизимига эга. Немис компаниялари ва концернлари ўз меҳнаткашларига пенсияга устамалар тўлаб борадилар, бу устамаларнинг миқдори ходимнинг иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади.

Германияда аёллар ва эркаклар учун пенсияга чиқиш ёши 67 ёш қилиб белгиланган бўлишига қарамасдан, улар ўз ихтиёрларига кўра бу ёшга тўлгунларига қадар пенсияга чиқишлари мумкин, бунинг учун улар пенсия қонунчилигида белгиланган миқдордаги маблағни (ишлаб берилмаган ҳар бир ой учун 0,3 фоиз) ўз пенсия жамғармалари ҳисобидан тўлаб беришлари белгилаб қўйилган. Фуқаролар пенсияга чиққандан кейин ҳам меҳнат фаолиятини давом эттиришга ҳақлидирлар. Германияда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи энг кам меҳнат стажи узлуксиз 5 йил қилиб белгиланган. Бундай пенсия олиш ҳуқуқига хатто Германияда ишловчи хорижий фуқаролар ҳам эгадирлар. Бундай пенсияларнинг миқдори меҳнат стажига, иш ҳақи даражасига ҳамда пенсия суғуртаси бўйича тўланган бадалларга тўғридан-тўғри боғлиқ. Пенсияларнинг энг кам миқдори 364 еври, ўртача пенсия миқдори ўртача ойлик иш ҳақининг 70 фоизини ташкил қилади. Бу тахминан 800 еврога тенг. Қизиги шундаки, Ғарбий Германия билан Шарқий Германиядаги ўртача пенсия миқдори фарқ қилади (950 евро ва 700 евро).

Дунёнинг нуфузли мамлакати бўлган Хитой давлатида пенсия таъминоти ҳам ўзига хосликларга эга. Бугунги кунда Хитой пенсия тизими муайян ислохотларни бошидан кечирмоқда. Гап шундаки, Хитойда замонавий тушунчадаги давлат пенсия таъминоти амалда мавжуд эмас. Давлат пенсиялари билан пенсия ёшидаги ҳар тўртинчи хитойлик қамраб олинган бўлиб, улар асосан шаҳарликлар ҳисобланади. Кекса ёшдаги қолган фуқароларни анъанавий равишда уларнинг фарзандлари таъминлаб туришлари керак.

Давлат пенсия фонди меҳнаткашларнинг пенсия бадаллари ҳисобидан шаклланади, уларнинг миқдори иш ҳақининг 11 фоизини ташкил қилади, унинг 8 фоизини ходимнинг ўзи, 3 фоизини иш берувчи тўлайди. Бюджет ташкилотларида ишловчи ходимлар учун пенсия фондига ажратмаларни давлат тўлаб беради. Давлат пенсияларини олиш ҳуқуқига камида 15 йиллик меҳнат стажи мавжуд бўлган давлат хизматчилари эга бўладилар.

Хитойда пенсия ёши аёллар учун 50-55 ёш, эркаклар учун эса 60 ёш этиб белгиланган. Ўртача пенсия миқдори 900 дан 1360 юангача (80 доллар атрофида). Давлат хизматчилари оддий ишчиларга қараганда юқорироқ миқдорда пенсия оладилар. Қишлоқ жойларда яшовчи ва ишловчиларни эса уларнинг фарзандлари, қариндошлари таъминлаб турадилар.

Хитойнинг айрим ҳудудларида корхоналарда ўзига хос жамғарма фондлари тузилиб, улар ҳисобидан корхона хизматчиларига пенсия тўлаб борилади. Ойлик тўловлар ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизини ташкил қилади. Лекин Хитой аҳолисининг пенсия таъминоти масаласи жуда жиддий муаммо бўлиб турганлигини қайд этиш лозим, бунинг сабаби, давлат томонидан туғилишнинг чекланиши натижасида оиладаги битта фарзандга кексайган ота-оналарини таъминлаб туриш қийинчилик туғдирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг пенсия тизими ҳам охириги йиллар давомида қатор ўзгаришларни бошидан кечирди, бу ўзгаришлар биринчи навбатда мамлакат иқтисодиётини бозор шароитларига мослаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ бўлди. Жаҳон амалиёти асосида давлат пенсия тизимининг молиявий ресурслари

давлатнинг мустақил бюджетдан ташқари фондига – Пенсия жамғармасига бириктирилди, пенсия таъминотида суғуртавий тамойиллар мустаҳкамланиб борди, бутунлай янгича бўлган жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими шаклланди.

Ўзбекистон Республикасида пенсия ислохотларини олиб боришда хорижий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон мамлакатларида аҳолининг ижтимоий ҳимоясига хизмат қиладиган, кексайган пайтида фуқароларга муносиб турмуш шароитларини таъминлайдиган, шу билан бирга, бозор шароитларига мос бўлган, фуқароларнинг ўз фаровонлигини таъминлашдаги масъулиятини оширишга хизмат қиладиган мукамал пенсия таъминоти тизимини шакллантириш ва унинг иқтисодий-молиявий асосларини мустаҳкамлаш масалалари бугунги кунда мамлакатимизда пенсия тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг диққат марказидаги долзарб масалалари қаторида бўлиши лозим.

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Абдумуталибов Ж. БМА тингловчиси

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ва кучли ижтимоий сиёсат олиб боришга қаратилган давлат сиёсати изчил амалга оширилмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тамойили мамлакатимиз ички сиёсий барқарорлиги учун ўта муҳим шартлардан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мазкур тамойилнинг аҳамияти ижтимоий зиддиятларнинг олдини олишга қаратилгани ва мамлакат мустақиллигини сақлаб қолишни зарурий шартидир. Ўзбекистонда сўнги йиллар давомида жамиятимиз ҳаётидаги янгиланиш жараёнлари ва ислохотларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг шунингдек, иқтисодиётимизнинг салоҳияти, барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш йўлида, энг муҳими, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга ва халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида янги – 2019-йилга юртимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинди. Шунингдек, “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилиниб, ушбу дастурда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил этишда ахборот технологияларини жорий қилиш устувор йўналиш деб белгиланган. Ўтган давр мобайнида пенсия ва нафақаларни тўғри тайинланиши ва тўланиши бўйича жойларда ўтказилган текширишларда кўплаб ҳолларда ҳужжатларни сохталаштириш, меҳнат стажи ва ойлик иш ҳақларини ошириб кўрсатиш, почта ва банк ходимлари томонидан маблағларни ўзлаштириш ҳамда бошқа ҳолатлар натижасида ортиқча тўловларга йўл қўйилганлиги аниқланган. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш, пенсия ва нафақаларни тайинлаш ҳамда тўлаш жараёнида инсон омилини камайтириш, ортиқча вақт сарфи ҳамда фуқароларнинг оворагарчиликларини камайтириш мақсадида 3,3 млн.дан ортиқ пенсия ва нафақа олувчилар тўғрисидаги маълумотларни ягона базасини ўз ичига олган “Пенсия” дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган. Бугунги кунда “Пенсия” дастурий мажмуаси ва тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйилиши натижасида қўйидагиларга эришилди.

1) АТ “Халқ банки” билан пенсия ва нафақа олувчиларнинг тўлов қайдномаларини юбориш, тўланган (тўланмаган) пенсия ва нафақалар тўғрисида

маълумот алмашиш фақат электрон шаклда амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида, тўлов қайдномаларини сохталаштириш олди олинди, пенсия ва нафақа тўловлари устидан кунлик назорат ўрнатилди;

2) барча тижорат банклари билан банк пластик карталари орқали пенсия ва нафақа олувчиларни маблағларини уларнинг ҳисоб рақамларига юклаш бўйича электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Бу орқали қоғоз шаклида тўлов қайдномаларидан тўлиқ воз кечилиб, нақд пулсиз шаклда пенсия ва нафақа олувчиларга маблағларни ойнинг 2-5 санасига қадар тўлаш имконияти яратилди;

3) Давлат солиқ қўмитаси билан йўлга қўйилган ахборот алмашинуви ҳар ойда ўртача 27 мингдан ортиқ корхоналар томонидан ишловчи фуқароларга пенсия ва нафақа тўловлари учун талабномаларни Пенсия жамғармасига келмасдан электрон шаклда тақдим этишига, шунингдек жамғармага мажбурий бадаллар тўлови бўйича ҳисоботларини қисқаришига шароит яратди;

4) Адлия вазирлиги (ФХДЁ) тизими билан ўрнатилган маълумот алмашинуви бола туғилганда ва дафн маросимлари учун нафақаларни тезкорлик билан тайинлаш ҳамда жамғарма ва давлат бюджети маблағларини мақсадли сарфланишини таъминлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (ТМЭК) тизими билан йўлга қўйилган маълумот алмашинуви ногиронлиги бўлган шахсларга пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тайинлаш ҳамда ногиронлик ўзгариши ҳолатини автоматик мониторинг қилиш имкониятини яратди.

6) амалиётга жорий қилинган “SMS-pensiya” хизмати орқали фуқароларга уларнинг пенсия миқдорлари, тўлов амалга оширилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида асосан оширилган пенсиялар тўғрисида бепул СМС хабарларни олиш имконияти яратилди (бугунги кунда 1,8 млн. нафар пенсия ва нафақа олувчилар ушбу хизматга обуна бўлган).

Ушбу амалга оширилган ишларнинг мантикий давоми сифатида ҳозирги кунда пенсия таъминотида оид 4 та (суюнчи ва дафн нафақасини тайинлаш, пенсия тайинланганлик ва миқдори тўғрисида маълумотнома олиш) хизматлар давлат хизматлари марказлари орқали олиб борилаётганлигини келтиришимиз мумкин, яъни эндиликда фуқароларни туғилганлик ёки вафотини рўйхатдан ўтказиш жойида суюнчи ёки дафн нафақаси олиш учун ариза бериш имконияти яратилди.

Пенсия ва нафақа олувчиларни шахсини тасдиқлаш ҳамда нақд пул шаклидаги тўловлари автоматлаштириш мақсадида пенсионерларнинг электрон гувоҳномаси (ID-card)ни жорий қилиш чоралари кўрилмоқда. Пенсия тизимига ахборот технологияларини жорий қилиниши етарли даражада эмас эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Пенсия жамғармасининг жойлардаги бўлимларида айрим ҳолларда турли хатоликлар туфайли ортиқча тўловларга йўл қўйилиши ва навбатда туриш каби ортиқча оворагарчилик-ларнинг юзага келиши каби салбий ҳолатлар учраб турибди. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва пенсия таъминоти тизимининг аҳолига кўрсатилаётган хизматлари сифатини янада ошириш учун пенсия ва нафақа-ларни тайинлаш ва тўлаш жараёнини тўлиқ автоматлаштириш, пенсия ва нафақа олувчиларга интернет халқаро тармоғи орқали масофавий хизмат кўрсатиш турларини кенг жорий этиш имконини берувчи дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун эса, ахборот технологияларининг замонавий усулларини қўллаш, керакли сервер ускуналарини сотиб олиш, маълумотлар базасини архив ташкилотлари базаси билан янада такомиллаштириш ва зарурий органлар билан аълоқаларни интеграциялашнинг электрон дастурини модернизация қилишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ахборот технологиялари асосида масофавий хизмат кўрсатиш турларини жорий этилиши давр талабидир, хусусан, Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун Овердрафт кредитлаш механизмини жорий этилиши,

пенсионерларга қулайликлар туғдириши билан бирга жамғарма маблағларидан қисқа муддатли даромад олиш имконияти яратилади. Бу механизм ҳар томонлама қулай бўлиб, аввало пенсионер учун маълум бир (масалан, даволаниш ва дори-дармон, зарурий эҳтиёжлар) харажатларини қоплашга хизмат қилади ва муайян бир маънода уларнинг ижтимоий ҳимоясида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг мазкур инновацион ёндошувидан фойдаланиш ва уни амалиётга жорий этиш учун жамғарманинг моддий техник базаси етарли бўлишига қарамасдан, пенсия таъминоти тизимига замонавий ахборот технологиялари усулларида фойдаланган ҳолда автоматик тарзда ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини берувчи дастурий таъминотини яратиш ва ушбу механизмни амалга оширишнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш учун норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот дастурий таъминотини замонавий ахборот технологиялари асосида такомиллаштирилиши пенсия ва нафақа олувчиларга хизмат кўрсатишнинг самарадорлигига, аҳолининг пенсия жамғармасига бўлган ишончининг ошишига ҳамда суғурта бадали тўловчилар қамровини янада кенгайтиришга майян даражада хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349 сонли Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2018 й., 06/18/5349/0792-сон)

2. Бегалов Б. (2017) Пенсия тизимида ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш йўллари. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 24 март -Б.3-5.

3. Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Интернет сайти маълумотлари, www.pfru.uz

4. Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотлари. <http://mitc.uz/ru/stat/>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛАР ЁШИГА ДОИР ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жумаев Н. Х. - БМА профессори, и.ф.д.

Ҳамдамов Ш.К. - ТМИ мустақил тадқиқотчиси

Инсон ҳаёти давомида унинг соғлигига таъсир этувчи ва бунинг натижасида унинг асосий даромад манбаи бўлмиш иш ҳақини йўқотишига олиб келувчи шарт-шароитларнинг юзага келиш хавфи остида туради. Ушбу шарт-шароитларга: касалланиш, қарилик, ногиронлик, боқувчисини йўқотиш ва бошқалар киради. Мустақил ушбу шароитларга қарши курашиш ҳар доим ҳам амалга ошмайди. Улар шахснинг фаол фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, алоҳида шахсларнинг ҳоҳиш ва иродасига боғлиқ бўлмайди. Шу билан биргаликда улар тўғридан-тўғри жамиятнинг ижтимоий барқарорлигига таъсир этади. Шунинг учун ҳам давлат ушбу ҳолатнинг юзага келишидаги маълум бир жавобгарликни ўз зиммасига олиб, давлат пенсияларини, ижтимоий нафақаларни ва хизматларни тайинлаш орқали ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиради. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга

Мурожаатномаларида ижтимоий соҳани янада ривожлантириш учун пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур, деб таъкидлаб ўтдила⁴¹⁸.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат пенсия тизимида уни модернизация қилиш ва пенсия таъминоти тизимининг умумэътироф этилган принципларини жорий этиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга, аввало, пенсия соҳасида аҳоли ижтимоий ҳимоя тизимининг ёндашувларини қайта кўриб чиқиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилишни талаб қиладиган пенсияларнинг муносиб даражасини таъминлаш билан боғлиқ айрим муаммолар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишларининг ижросини таъминлаш мақсадларида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан фуқаролар пенсия таъминотида ижтимоий адолат принципларини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди⁴¹⁹:

- пенсия ва нафақаларни инфляция даражасидан паст бўлмаган миқдорларда индексация қилиш учун молиявий манбалар аниқлаштирилди, хусусан, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг миқдорлари 2017 йилда 15 % га, 2018 йилда 17%га оширилди;

- пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида тўланмаслиги бартараф этилди;

- пенсия ва ижтимоий нафақаларни тўғри тайинланиши ва ҳисобланиши юзасидан мониторинглар ўтказиш такомиллаштирилди ҳамда Президентимизнинг фармонларига асосан фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадларида баъзи ортиқча тўлаб юборилган пенсиялар бўйича ҳисобланган қарздорлик суммаларидан воз кечилди;

- 2019 йилнинг 1-январидан бошлаб барча ишловчи пенсионерларнинг пенсияларини тўлиқ тайинлаш бўйича ҳукумат қарорлари ва фармонлари қабул қилинди;

- 2019 йилнинг 1-январидан бошлаб пенсия ҳисоблаб чиқариш учун ҳисобга олинадиган ўртача иш ҳақини пенсия тайинланадиган қунидаги белгиланган энг кам иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача оширилди ва бошқалар.

2019 йил 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-5723-сон Фармони қабул қилинди ва унга кўра 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига:

- 634 880 сўм миқдорида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори;

- 223 000 сўм миқдорида базавий ҳисоблаш миқдори;

- 223 000 сўм миқдорида пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори жорий этилди.

Фармонга асосан пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори пенсия таъминоти соҳасида пенсиялар, устамалар, қўшимча ҳақ ва компенсация тўловлари, шунингдек, ходимларнинг меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки улар ўзлари меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни қоплашда қўлланилади. Шу билан бирга қайд этиш лозимки, мамлакатимизда фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ ўз ечимини қутаётган муаммолар ҳам мавжуд:

1. 2019 йилнинг 1-январь ҳолатида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 14,4 млн. кишиси иқтисодий фаол аҳоли ҳисобланиб, шундан 4,8 млн аҳоли, яъни иқтисодий фаол аҳолининг 33,3 % суғурта бадалларини тўлаб келмоқда. Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг талабарига мувофиқ, фуқароларнинг пенсия таъминоти

⁴¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т. 28.12.2018 й.

⁴¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида

тизимини барқарор ривожланиши учун бадал тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати 4:1 даражада бўлиши кўрсатилган. Бирок, бугунги кунда Ўзбекистонда бу кўрсаткич ўртача 1,5:1 га тенг. Бундай вазият меҳнат мигрантларининг ва иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлган аҳолининг имтиёзли асосда тўланилиши мумкинлигини ҳисобга олиб ҳам пенсияга ажратма тўловларининг тўламаслиги ва улар манфаатдорлигининг суғлиги натижасида юзага келган.

2. Пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси ўртасидаги боғлиқлик ҳам заифлашган, пенсия тўловлари юки ошган, шу муносабат билан яқин келажакда Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ўртасида номуносибликлар кутилмоқда, бу эса, ўз навбатида, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларни молиялаштиришга салбий таъсир кўрсатади.

3. Охирги йиллардаги демографик ўзгаришлар пенсия таъминоти тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Демографик ўзгаришларнинг прогноз кўрсаткичлари шундан далолат берадики, пенсия ёшига етаётган фуқароларнинг сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. 2022 йилга бориб пенсионерларнинг сони 2019 йил 1-январь ҳолатидаги сонига нисбатан 11,2%га ўсиши кутилмоқда, 2035 йилга бориб эса ҳозиргига нисбатан 1,5 баробарга ўсиши кутилмоқда. Пенсия ёшидаги фуқароларнинг сони 2022 йилга бориб 3,3 млн. кишини, 2035 йилда эса 7,2 млн. кишини ташкил этиши кутилмоқда. 2022 йилга бориб аёлларнинг ўртача пенсия таъминоти давомийлиги 25 йилни, 2035 йилга бориб эса 27 йилни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Эркакларда эса бу кўрсаткичлар 2022 йилга бориб 18 йилни ва 2035 йилга бориб 22 йилни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

4. Пенсия жамғармаси маблағларининг сезиларли қисми имтиёзли пенсияларни молиялаштиришга сарфланади. Имтиёзли шартларда тайинланган пенсиялар улуши жами тайинланган пенсияларнинг 19,5 фоизни ташкил этиб, шундан, ёшга доир пенсиялар 23,7 фоизни ташкил этади.

Юқорида келтирилган муаммоларни ечиш мақсадида бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси, олий таълим муассасалари, ҳалқаро ташкилотлар ва бошқа муассасалар ҳамкорлигида 2019-2030 йилларда фуқароларнинг давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар эса 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар. Айтиш лозимки кўпчилик мамлакатлар пенсия таъминоти тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида ўз ислохотларида аёллар ва эркаклар пенсия ёшларини тенглаштиришга, ёки уларни пенсияга чиқиш ёшларини оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилашмоқда. Ўзбекистонда фуқаролар ёши ва уларнинг меҳнат стажлари талабларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритилиши режалаштирилди ва ҳалқаро ташкилотлар томонидан ушбу таклифлар ижобий баҳоланди (жадвал).

Мамлакатимизда охирги йилларда фуқароларнинг айрим категорияларни рағбатлантириш мақсадида уларга 1 йиллик меҳнат стажини сотиб олиш имконияти яратилди. Истиқболда барча фуқаролар учун 5 йилгача бўлган меҳнат стажини сотиб олиш имконияти 2019-2030 йилларда фуқароларнинг давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш концепциясига асосан яратилиши режалаштирилмоқда.

Уйлаймизки, фуқароларнинг ёшига доир пенсия таъминоти борасида қуйидагиларни ҳисобга олиш истиқболда фуқаролар пенсия таъминоти борасида ижобий самара беради:

**Фуқаролар ёши ва уларнинг меҳнат стажлари талабларини қайта кўриб
чиқиш бўйича таклифлар⁴²⁰**

Эркаклар учун	59 ёш	60 ёш	61 ёш	62 ёш	63 ёш	64 ёш	65 ёш
Талаб қилинадиган стаж	30 йил	25 йил	23 йил	20 йил	15 йил	10 йил	стажсиз
Аёллар учун	54 ёш	55 ёш	56 ёш	57 ёш	58 ёш	59 ёш	60 ёш
Талаб қилинадиган стаж	25 йил	20 йил	17 йил	14 йил	12 йил	10 йил	стажсиз

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида фуқаролар пенсия таъминоти тизими давлат пенсия таъминоти ҳамда жамғариб бориладиган пенсия таъминотидан иборатдир. Маълумки жаҳонда пенсия таъминоти тизими давлат пенсия таъминотидан, жамғариб бориладиган пенсия таъминотидан ва нодавлат пенсия таъминотидан иборат. Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ҳамда нодавлат пенсия таъминотини ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимизда аралаш пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, пенсия таъминоти борасидаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш лозим. Маълумки охириги ўн йил ичида пенсия таъминотида доир бўлган кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, ушбу меъёрий ҳужжатларни мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин бўлганларини бирлаштириш ва тартибга солиш лозим. Хусусан “Ижтимоий таъминот” кодексини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, фуқароларнинг бандлиги дастурларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, мамлакатимизда иқтисодий тармоқлар ривожланиши ва иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга расмий бандлик, расмий меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

Тўртинчидан, фуқаролар ёш жиҳатлари ҳисобга олинган яшаш саватчаси минимумларининг оптимал ҳисоб-китобларини амалга ошириш ҳамда пенсионерларнинг пенсияларини ушбу меъёрлардан кам бўлмаган миқдорларда белгилаш мақсадга мувофиқдир.

**СУВЕРЕН ФОНДЛАР ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖ
ТАЖРИБАЛАРИ**

***Жуманиязов И. Т. Иқтис. фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), Тошкент молия институти***

Бугунги кунда ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий тараққиётини таъминлаш орқали жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнини мустаҳкамлашга интилмоқда. Дунёнинг турли мамлакатларида суверен фондларни шакллантириш тенденцияси, шунингдек уларнинг ҳажми ва фаолият географиясининг кенгайиши, бундай институтларнинг пайдо бўлиши ва аҳамияти, шунингдек, айрим давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун амалий инструмент сифатидаги иштироки бу фондларни жаҳон тажрибасини ўрганиш долзарблигини кўрсатади.

Бундан ташқари, бир қатор давлатларда суверен фондларнинг фаолият юритишидан келиб чиққан ҳолда, суверен фондларнинг эркин бозордаги камчиликларни бартараф этиш вазифаси, монетар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда инфляцияни жиловлаш вазифаси, инсон капиталига давлат инвестицияларини киритиш, мамлакат иқтисодий секторнинг диверсификация даражасини ошириш ва бошқа бир қатор вазифаларни бажариши мамлакат иқтисодий тараққиётида суверен фондлар

⁴²⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида

аҳамиятини янада оширади. Шундан келиб чиққан ҳолда биз бу параграфни суверен фондлар фаолиятининг жаҳон тажрибасини ўрганишга бағишлаймиз

Суверен фондлар дастлаб ўтган асрнинг ўрталарида ташкил этила бошлаган. Ўтган давларда уларнинг шакли, ҳажми ва мақсадлари интенсив ривожлана борди. Биринчи суверен фонд 20 асрнинг иккинчи ярмида Қувайтда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг 80 дан ортиғи дунё мамлакатларида фаолият юритмоқда. 2007 йилда суверен фондлар институти ташкил этилган бўлиб, мазкур институт томонидан бугунги кундаги суверен фондларнинг бир нечта параметрлари бўйича рейтинги эълон қилиниб борилади. Қуйидаги жадвалда активлари бўйича энг йирик 10 та суверен фондларни кўриш мумкин.

Жаҳондаги 10 та энг йирик суверен фондлар⁴²¹ (01.10.2019 йил ҳолатига)

№	Мамлакат	Суверен фонднинг номи	Активи, млрд АҚШ долл	Ташкил этилган йили
1	Норвегия	Government Pension Fund Global	1108,2	1990
2	Хитой	China Investment Corporation	940,6	2007
3	БАА, Абу-Даби	Abu-Dhabi Investment Authority, ADIA	696,7	1976
4	Қувайт	Kuwait Investment Authority	592	1953
5	Гонконг	Hong Kong Monetary Authority Exchange Fund	509,4	1993
6	Сингапур	Government of Singapore Investment Corporation, GIC	440	1981
6	Хитой	National Council for Social Security Fund	437,9	2000
7	Хитой	SAFE Investment Company	417,8	1997
9	Сингапур	Temasek Holdings	375,4	1974
10	Қатар	Qatar Investment Authority	328	2005

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, суверен фондлар институти томонидан таҳлил қилинган рейтингга кўра Норвегиянинг Government Pension Fund Global суверен фонди 1 трлн. АҚШ долларида ортиқ активга эга бўлгани ҳолда етакчилик қилиб келмоқда. Бундан ташқари Жаҳондаги 10 та энг йирик суверен фондларининг активларини, молиявий маблағларни шакллантириш манбалари, ташкил этилган йили бўйича маълумотларини кўришимиз мумкин.


Суверен фондлар институтининг ёндашувларига кўра, суверен фондлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида очиқлик даражаси, инвестицион портфел даромадлилиги даражаси ва активлари ҳажми ҳисобланади. Бунга қўшимча равишда, фонд ташкил этилган йили, яъни. қисқа муддатларда ўз активлар ҳажмини ошириш меъзони киритилади.

2008 йилда суверен инвестиция фондлари активлари 3,07 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг март ойида 2,43 баробар ўсиб, 7,45 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса, ушбу фондларнинг ривожланиш суръатлари жадал равишда бўлаётганлигидан далолат бериб турибди (расмга қarang). 2019 йил 1 октябр ҳолатига эса суверен фондлар активлари 8,1 трлн АҚШ долларида ошганини кўришимиз мумкин.

Суверен фондлар ресурслари нафақат маҳсулотлар экспортидан тушган маблағлар ҳисобига, балки жаҳон капитал бозоридаги операциялар ҳисобига ҳам кўпайиб боради. Бирлашган Араб Амирлиги, Қувайт, Норвегия ва Россия мамлакатларидаги суверен инвестиция фондларининг маблағлари асосан табиий газ экспорти ва нефть

⁴²¹ Суверен фондлар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <https://www.swfinstitute.org/fund-rankings/sovereign-wealth-fund>.

маҳсулотларига қилинган инвестициялар ҳисобига шаклланади.



Жаҳонда суверен фондлар активларининг ривожланиш динамикаси⁴²², трлн. АҚШ долларида

2016 йил июнь ҳолатига, жаҳонда биринчи бешликдаги суверен инвестиция фондларининг активлари жами активларнинг қарийб 50,0 фоизини ташкил этмоқда. Жаҳон бўйича нефть ва газ маҳсулотлари билан боғлиқ суверен фондларнинг активлари жами активларнинг 54,4 фоизини эгаллаган⁴²³.

Жаҳон иқтисодий тараққиётида суверен фондлар фаолиятини таҳлил қилиш натижаси қуйидаги хулосалар чиқариш имконини беради⁴²⁴:

- дунёдаги ҳар бешта давлатдан биттасида давлат суверен фондига эга;
- Бирлашган Араб Амирликлари – узоқ йиллар давомида суверен фондлар активлари бўйича етакчилик қилиб келган. Сўнгги йилларда Хитой фондлари молиявий ва инвестиция ҳажмини жадал равишда кенгайтirmoқда. Бунинг алоҳида хусусияти шундаки БАА суверен фондлари активлари хом ашё маҳсулотлар реализация натижасида шакланган, Хитой суверен фондлари асосан хом ашё маҳсулотларига боғлиқ бўлмаган захиралар ҳисобига кенгайтirmoқда;

– дунёдаги суверен фондлар жами активларининг қарийб 90 фоизини 25 фоиз давлатлардаги суверен фондларда йиғилган;

– Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларидан энг катта активларга эга суверен фондлар Қозоғистон ва Россия Федерациясига тўғри келиб, бу давлатларнинг суверен фондлари молиявий активлари бўйича етакчи ўринларда туради.

Шу билан бирга, сўнгги йиллардаги асосий тенденция суверен фондлар активлари ўсишининг барқарорлиги, шунингдек, улар билан муносабатлардаги ўзгаришлар. Ривожланаётган мамлакатларнинг суверен жамғармалари дунёдаги энг машҳур молия институтларга айланди, инқирозгача бўлган даврда эса (2008 йилгача) улар ривожланган мамлакатлар томонидан потенциал таҳдидлар нуктаи назаридан тез-тез кўриб чиқилди. Ушбу ўзгариш қуйидаги сабаблар ҳисобига юз берганлигини таъкидлаш лозим.

1. Глобал инқирознинг биринчи босқичи асосий натижалари сармоялар оқимининг пасайиши, қарз маблағлари қийматининг ошиши, банк кредитларини вақтинча қисқартириш ва корпоратив молиялаштириш бўлди. Дунёнинг аксарият мамлакатларида экспорт

⁴²² www.preqin.com/SWF18. Preqin special report: Sovereign wealth funds. August 2018

⁴²³ <https://www.swfinstitute.org/fund-rankings/sovereign-wealth-fund>.

⁴²⁴ Муаллиф томонидан 2-иловада келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида чиқарилган хулосалар.

ҳажмининг пасайиши ЯИМнинг кескин пасайишига олиб келди. Банкларнинг баланслари хавотирли ва нотўғри активлар туфайли доимий равишда кескинлашди. Банклар янги кредитларни беришни қисқартирди. Омонатчиларнинг банкларга бўлган ишончи заифлашди, депозитларни олиб қўйиш бошланди.

2. Халқаро майдонда, 2010 йил октябр ойидан бошлаб, Европа давлатлари қарз хуружи (Греция, Испания, Португалия ва Италия) таҳдидларига дуч келиб, суверен фондлардан (биринчи навбатда, Хитой) молия бозоридаги муаммони ҳал қилиш учун маблағ йиғишни режалаштирган.

3. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий ўсишининг пасайиши ва иқтисодиётни рағбатлантириш учун чекланган фискал ва пул-кредит сиёсати миллий ҳокимият ва халқаро молия институтларини янги воситаларни излашга мажбур қилди. Натижада, Халқаро валюта жамғармаси суверен фондлардан пул маблағларини глобал иқтисодиётни кредитлашни тиклаш учун шартлардан бири сифатида кўриб чиқишни бошлади.

4. Доимий ноаниқлик шароитида ва жаҳон иқтисодиётида инкироз ҳодисалари юзага келиши ва ўсиши ҳолатларида тартибга солиш чоралари самарадорлигини ошириш зарурати шароитида кўплаб ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг бойлик фондлари активларини кўпайтириш бўйича чоралар кўрдилар. Шу билан бирга, ривожланаётган бозорлар асосан глобал иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш учун муҳим ўйинчиларга айланди. Бу кўп жиҳатдан ушбу мамлакатларнинг кўпчилиги молиявий инкироздан кўпроқ зарар кўрганлиги билан изоҳланади, бироқ улар нафақат инкироздан чиқишлари, балки ижобий иқтисодий ўсишни кузатиш давом этмоқда.

5. Энергия ва истеъмол товарлари нархларининг юқори бўлиши, шунингдек, молиявий глобализацияни кучайтириш Осиё ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида асосан нефть ва газ экспорт қилувчи хорижий активларни тезкор равишда тўплашга олиб келди.

Умуман олганда дунё амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, суверен фондлар ёрдамида бир қатор давлатлар келажақда хом ашё танқислигини қоплаш учун самарали механизмни яратдилар. Яъни, бюджет даврида суверен фондларда маблағ тўплаш орқали бюджет-солиқ сиёсатида сифатни яхшилаш таъминланди, шу билан бирга истеъмол қилинадиган табиий ресурсларни сотишдан тушадиган даромадлар ўзгарувчан ва чекланган бўлиб, хусусан, бюджет дефицитини қоплаш ҳисобига молия сиёсатининг сифатини оширди.

ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Зиядуллаев М. Д. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),

Ўзбекистон Республикаси БМА катта ўқитувчиси.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раис ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий мустақиллигини қўлга киритганидан сўнгги ўтган йиллар давомида, демократик ислоҳотлар ва янгиланишларни амалга оширар экан, ўзининг олий мақсади – фуқаролар учун ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш шароитини таъминлаш, аҳоли моддий фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқ ва эркинликларни янада кенгайтириш соҳасида улкан ишларни амалга ошириб келинмоқда.

Қонунчиликни ривожлантириш ислоҳотларимизнинг энг муҳим йўналишларидан саналади ва бундан кўзланган асосий мақсад ҳам инсонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмаган юқори турмуш кўрсаткичларига эришишдан иборатдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “... сиёсатимизнинг бош мақсадини, яъни “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ” деган эзгу ғояни изчил давом эттириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида яна бир улкан қадам бўлади”⁴²⁵.

⁴²⁵ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 592 б., 129-бет.

Бозор талаблари ва тамойилларининг ижтимоий ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётгани туфайли тараққиётимиз суръатларини керакли даражада бўлишини таъминлаш учун ўзгартириш ва янгилаш, модернизация жараёнларини узлуксиз давом эттириш, олдимизда пайдо бўлаётган муаммо ва вазифаларни ўз вақтида ҳал этишимиз талаб этилади. Амалга ошириб келаётган ислохотларимизнинг моҳияти – янгиланиш ва тараққиётимиз талабларини ҳисобга олиб, одамларимиз моддий-маданий турмуш даражасини ўстириш, инсон учун қулай иқтисодий ҳамда ижтимоий макон барпо қилишдан иборатдир. Мамлакатимизда демократик ўзгаришлар жараёнини тобора чуқурлашиб бораётганлиги, давлатчилик соҳасидаги туб ислохотлар, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига томон изчил тараққий этиш, ижтимоий зиддиятларни кучайтиришга эмас, балки барқарорликка, ўзаро ҳамкорликка хизмат қилувчи кучли омиллардандир.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар кундалик турмушимизнинг барча соҳаларига тааллуқли бўлиб, бу жараён шу жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишида ҳам кенг қамровли амалга ошириб келинмоқда ва бунда фуқароларимизнинг ижтимоий таъминот олишга оид конституциявий ҳуқуқларини яна ҳам кенгайтириш, унинг кафолатларини кучайтириш орқали берилаётган моддий ҳамда ижтимоий ёрдамларни миқдор ва сифат жиҳатдан яна ҳам яхшилаш ва самарали фойдаланишни таъминлаш, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари бузилишига йўл қўймаслик, ҳаёт даражамиз ўсиши билан мутаносиб равишда пенсионерларнинг моддий турмуш шароитлари юксалиб боришига эришиш мақсадлари назарда тутилади.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йиллари давомида изчиллик билан ижтимоий ҳимояга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга ошириб келингани, йилларга аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган номлар берилиб, ушбу номларга мос Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, рўёбга чиқарилгани, ана шу мақсадлар учун йирик молиявий маблағлар сарфлангани ва катта ижтимоий тадбирлар амалга оширилганлиги фикримиз далили ҳисобланади.

Жумладан, биргина 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастурини амалга ошириш учун жами 16 998,6 млрд.сўм ва 8 106,5 млн. АҚШ доллари харажат этилиши режалаштирилган⁴²⁶. Биргина 2019 йилда ижтимоий таъминот соҳасида бир қанча ислохотлар амалга оширилиб, пенсия ва нафақа олувчиларнинг муносиб турмуш фаровонлиги янада мустаҳкамланишига замин яратилди. Жумладан;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сонли “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида асосан пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда уларнинг салоҳияти, тажрибаси ва билимини тўлақонли жалб қилиш, пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, мазкур йўналишда халқаро тамойил ва стандартларни жорий этиш мақсадида:

2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланаши; пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача ошириш ушбу фармон билан белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги ПФ-5765-сонли “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги

⁴²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz

тарихий фармонга асосан 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 барабар оширилиши билан бир қаторда 2019 йил 1 августдан бошлаб, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддаси яъни етарлича иш стажига эга бўлмаган II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсиялари энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизига оширилиши белгиланди.

Бундан ташқари қонуннинг 28-моддасига асосан II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар — пенсионерларнинг пенсияларига устама миқдори энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 75 фоизига оширилди. Боқувчисини йўқотганлик нафақаси миқдори меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари сонига амалдаги фоизлар нисбати сақланган ҳолда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб ҳисоблаш белгиланди. Шунингдек, бошқа давлатлар қонунчилигида деярли кўзда тутилмаган I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 16 ёшдан катта болалиқдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида кўшимча тўлов жорий қилинди.

Ижтимоий адолат принциплари қарор топган юртимизда, пенсионерларга яна бир ижтимоий таъминотнинг жорий қилиниши, бу пенсия қонунчилигининг халқаро стандартларга янада мослаштирилиши борасида олиб борилаётган ижобий ишлар самараси деб ҳисобланмоғи лозим. Фикримизнинг исботи сифатида, хориж давлатларида айниқса Португалия, Испания, Чехия, Германия, Греция, Нидерландия, Швеция, Россия, Украина, Беларусь ва бошқа давлатларида озодликдан маҳрум қилинган пенсионерларга ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, республикамызда ҳам пенсионерларнинг ижтимоий ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида 2019 йил 28 августдаги “Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида” ЎРҚ-558 – сон қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунининг тегишли моддаларига ўзгартиришлар киритилди. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсиялар тўлаш манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тегишли пенсиялар суммаларини маҳкумларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиш орқали амалга оширилади.

Республикамызда инсон омили олий қадрият ҳисобланиб, кучли ижтимоий ҳимоя яъни аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини қатъий ошириб бориш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда республика фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12-декабрдаги ПФ-5597-сонли “ Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17-январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5633-сонли фармони.

3. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 64 б.

4. Вахабов А.В., Хажиев Ш.Х. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг таркиби ва манзиллигини кучайтириш муаммолари: халқаро тажриба ва миллий хусусиятлар / “Ижтимоий соҳани модернизациялаш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т., 2018.Б.14-24.

СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИДА МАРКЕТИНГНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

*Зокиров Л. ТВЭ. ФЖМС бўйича тўловларни
кафолатлаш жамгармаси директори*

Иқтисодий қонунларнинг мантиғига кўра ишлаб чиқилган товар ва хизматларни сотилишини ташкил этиш ва амалга оширишни корхоналар ўз фаолиятининг мақсади сифатида кўрсатадилар. Шундай қилиб, суғурта компаниялари фақат ўз мижозларига таклиф этилаётган суғурта хизматлари ҳажмини ошириб бориш орқали ривожланиб бораётган бўлсагина фаолиятини давом эттиришлари мумкин. Бугунги кундаги бозор шароитида хизмат кўрсатувчи фаолият сифатида суғурта соҳасидаги маркетингни ривожлантиришга бўлган зарурият ортиб бормоқда, шунинг учун бугунда ҳаттоки суғурта бозорининг амал қилиши компаниялар мижозларига суғурта бозорида таклиф этаётган маҳсулотлар маркетингига боғлиқдир. Назарий жихатдан у бозорнинг, бошқарувнинг ва компаниядаги лидерлик маркетинг концепцияси сифатида белгиланади, бунда аввалги ишлаб чиқаришга бўлган йўналтирилишдан ўлароқ бозорга нисбатан йўналтирилганлик корхонанинг умумий сиёсатини очиб беради.

Замонавий иқтисодиёт эркин бозор орқали тавсифланади, бу эса бизнес фаолият ва иқтисодий қоидалар фақат бозор орқали ўзаро боғлиқ эканлигини билдиради. Бозорда асосий иккита механизм мавжуд, у ҳам бўлса бозордаги талаб ва таклиф. Бозордаги талаб истеъмолчилар (индивидуал, хўжалик, корхона) томонидан шакллантирилган ҳолда, истеъмолчиларни эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида таклиф корхоналарда шаклланади. Ким талаб ва эҳтиёжларга мос равишда жавоб қайтаради, бу аниқ: таклиф талабга жавоб қайтаради.

Товар ва хизматларни ишлаб чиқарилиши, ижтимоий ривожланишнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш даражасини келтириб чиқарди, авваллари маркетинг фақат ёрдамчи функциясига эга бўлган, у вақтда кўплаб ишлаб чиқарувчиларнинг асосий муаммоси маҳсулотларни сотиш бўлмаган. Бозорни тақсимланишидан кўра энг асосий қийинчилик ишлаб чиқаришда бўлганлиги туфайли корхоналар раҳбарлари ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантиришда кўпроқ иштирок этишган. Хозирги кунда маркетинг сифатида маълум бўлган фаолият турлари ўн тўққизинчи аср охирида сотув деб номланган бўлган, сотув биринчи жаҳон уришидан кейин корхоналарнинг асосий эътиборида бўлган, истеъмолчилар жамияти шаклланиб борди, ишлаб чиқарувчилар бозорда чекланмаган маҳсулотлар миқдорини таклиф қилишига нисбатан истеъмолчилар миқдори кам эди.

Мижознинг эҳтиёжларини ва истакларини бажариш, унинг эҳтиёжларини ва хоҳишларини қаноатлантириш жараёнида яхлит бир корхонанинг доимий ва мос келувчи ҳаракатлари орқали ифодаланувчи мижозда эътиборни жамлаш ёки унга эътибор қаратиш орқали бизнес билан шуғулланувчи корхона фалсафаси маркетинг атамасида жамланган.

Мижозларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш ҳар бир корхонанинг мақсад ва вазифасидир. Маркетингни асосий концепциясининг мазмун-моҳияти бу мижозда эътиборни жамлашдир, товар ишлаб чиқиш ёки хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳар қандай тадбиркорлик субъекти муваффақиятга эришиш учун эркин бозор шароитида мижоз подишоҳ эканлигидан ҳеч қачон чалғиши мумкин эмас, бунга кўра корхоналар ҳам бозорга турли ҳил таклиф билан чиқишади.

Маркетинг суғурта бозоридаги талаб ва таклифни қаноатлантириш учун ўта муҳим ўринга эга, чунки суғурта маҳсулотларини кўз билан кўриш, қўл билан ушлаш имкони йўқ, улар фақат бўлгуси ёрдам ваъдаси, кафолати сифатидагина мавжуд. Ваъдани сотишда ишонч бўлиши лозим, яъни зарар етиш эҳтимоли содир бўлганда

сотувчи ўз ваъдасини бажаришига бўлган ишонч. Хар қандай ўзга ҳоҳ маҳсулот, ҳоҳ хизмат ишлаб чиқарувчи иқтисодий ёки ҳўжалик юритувчи субъектда бу каби турдаги маҳсулот бўлмайди. Маркетинг суғуртада кўп қиррали тимсолга эга, бир тарафдан маҳсулотни тарғиб қилинишида хавфсизликни таъминласа, кейинчалик фуқароларни рисклардан ҳимояланиш шаклларида хабардорлигини ортиради, суғурта компанияси етказилган зарарни қоплаб бериш ваъдаси учун тўлов қиймати бўлган истеъмолчилар учун ишончлиликини оширади.

Бозорнинг асосий тартибга солувчиси талаб ва таклифнинг ўзаро боғлиқлигидир, бироқ бирон бир тартибга солувчи механизм бўлмаса бунга ишониш мумкин эмас. Жаҳон бозорида суғурта бозори энг ривожланган ва кучли бозорлардан бири ҳисобланади. Суғурта қилинган шахсларнинг сонини ортиши суғурта мукофотларини ортишига ёки камайишига таъсир қилмаслиги бу бозор учун ўзига хос хусусият ҳисобланади. Индивидуал ва ташкилий мақсадларга жавоб берувчи маркетингни концепцияни режалаштириш ва амалга ошириш жараёни, нарх сиёсати, ғояларни илгари суриш ва тарғиб қилиш, активлар билан алмашилиш бўйича хизмат сифатида тавсифлаш мумкин.

Ўз эҳтиёжлари орқали фарқланувчи бир ҳил бўлган мижозлар орасида суғурта компаниялар учун умумий бўлган бозорни ўзаро бўлиниш жараёнини англатувчи мақбул бозорларни танлаб олиш ва сегментлаш орқали маркетинг стратегияси амалга оширилади, шунинг учун хизмат кўрсатиш учун кўзланаётган сегментни танлаш лозим. Суғурта маркетингида илм-фаннинг мустақил бўлими сифатида айнан маркетинг ҳақида гап кетганда, илмий фикр йўналишида суғурта соҳасида иш юритиш концепцияси тушинилади. Бундай ёндашув стратегияни ноёб маркетингини яратилишини ва комплекс суғурта доирасида интеграция қилинишини талаб этади. Суғурта бозорида маркетинг концепциясидан фойдаланиш - бозорни ўрганиш бўлиб, маркетинг тадқиқотларининг синоними сифатида қаралади. Суғурта бозори асосан қуйидаги йўналишларда ўрганилган:

Бозор ҳажми;

Суғурта турлари диапазони;

Бозорни ривожланиш имкониятлари;

Дистрибуция - хизматларни кўрсатиш (етазиб бериш) тизими;

Бозордаги хизматлар қиймати.

Суғурта соҳасининг қатнашчилари:

Суғурта қилдирувчилар (инсонлар, оилалар, жамият ва бошқалар);

Суғурта воситачилари (суғурта агентлари, брокерлари ва бошқалар);

Суғурталовчи (суғурта қопламасини таъминловчи);

Суғурта қилинган шахс (суғурта қопламасини олувчи).

Суғурта бозорининг ўзига хослиги шундаки, суғурта хизмати шартномани тузиш пайтида ўзини ўзи пайдо қилади, яъни хизматни сотилиши содир бўлади. Суғурта компанияси – суғурталовчи бу ҳолатда суғурта қилдирувчига унинг фаолияти давомида иқтисодий ҳамкорлари олдидаги мажбуриятларини бажарилиши билан боғлиқ бўлган “хавфсизлик”ни сотади. Бошқа товар ишлаб чиқарувчилардан фарқли ўлароқ, суғуртада товар-моддий захираларни шакллантириш имконияти мавжуд эмас.

Суғурталовчи 10 000 та “арзон” суғурта полисларини бозорда таклиф қилиши мумкин ва бошқа ишлаб чиқарувчилардаги каби биз буни унинг ишлаб чиқариш қувватининг ҳажми деб баҳолашимиз мумкин. Бироқ суғурталовчи ўз сотув ҳажмларини керакли миқдоргача ошириш имкониятига эга. Амалиётда суғурта бозорини сегментларга географик, демографик, иқтисодий ва бошқа хусусиятлар, шунингдек бошқа мезонлар асосида ажратилади. Бу мезонларнинг хар бири ўзига хос хусусиятларга эга, шунинг учун улар аниқ белгиланган ва суғурта бозорини

сегментлашда ишлатилади. Буларнинг барчаси бозорни сегментация қилишдан амалий манфаатдор бўлиш, кўрсатилаётган хизматларда инобатга олиш мақсадида амалга оширилади.

Бу суғурта бозорида таклиф этилаётган махсулот ва хизматларга ижобий ёндашувни шакллантириш мақсадида етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро мулоқот қилиш жараёни. Илгарилатиш - мавжуд бўлган ва потенциал мижозлар билан суғурта махсулотларини етказиб берувчилар орқали доимий равишда мулоқот қилиш жараёнидир, Котлерга кўра “Потенциал сотиб олувчилар билан мулоқот қилиш вазифаси бўлган Илгарилатиш ўз ичига марткетингни барча инструментларини қамраб олади.”. Бундан ташқари таклиф янада жозибадор бўлади, суғурта махсулотларини савдоси кўп ҳолларда ички ва ташқи муҳит таъсири остида бўлади. Мижознинг компания билан яхши алоқада бўлиши ўзаро ишончни оширади, хизматни ким сотиб олаётганиги тўғрисида янада кўпроқ маълумотга эга бўлишга имкон яратади.

Маркетинг, махсулотлар ва хизматлар мижозларга яқинроқ бўлишнинг жуда муҳим жиҳати бўлгани учун суғурта компаниялари маркетингни барча турларига инвестиция қилишлари керак. Илгарилатишнинг, рекламанинг ва маркетингнинг турли шакллари махсулот ёки хизматни мижозлар учун жозибадор қилади.

Маркетинг тадқиқотлари бозор имкониятларини кенгайтириш, бозор шароитида рақобатни ўрганиш учун амалга оширилиш керак, маркетинг учун керакли вақт ва лозим даражада молиялаштириш ажратилиши керак.

Ҳар бир суғурта компанияси ўз маркетинг стратегияси ва маркетинг режасига эга бўлиши керак ва улар компания ривожланиши учун фойдали бўлиши лозим, маркетинг савдони жадаллаштиради, савдо эса компанияни фаолият юритиши ва умуман мавжуд бўлишига боғлиқ. Маҳаллий бозорда фаолият юритувчи ўз рақобатчи компанияларимиздан доимо бир қадам олдинда бўлишимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Никулина Н.Н. Страховой маркетинг. М., 2009.
2. 2. Зубец А.Н. Страховой маркетинг в России. М., 1999.
3. Ф.Котлер Основы маркетинга М., 2007.
4. Ф.Котлер Маркетинг менеджмент М., 2006.

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ РЕЙТИНГИНИ БАҲОЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Ибадуллаев М. Р. БМА тингловчиси

Ҳозирги кунда суғурта компаниялари рейтингини баҳолаш бозори ривожланиш босқичидан илдам қадамлар билан ўтиб келмоқда. Бунга мамлакатимиз томонидан 2010 йил 26 ноябрда №ПҚ-1438 «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги Қарорини қабул қилиниши катта туртки бўлди десак муболаға бўлмайди⁴²⁷. Мукамал рейтинг – бу суғурта компаниясининг ўз мижозлари, ҳамкорлари, таъсисчилари ва инвесторлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш қобилияти демакдир. Лекин бугунги кунга келиб республикаимиз суғурта компаниялари томонидан миллий рейтинг шкаласини олиш бўйича компаниялар томонидан мурожаат қилиниши жуда суст амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019-йил 6 ойлик маълумотлари бўйича, ҳозирда миллий суғурта бозорида 35 та (шундан 28 таси

⁴²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти №ПҚ-1438 «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори. 2010 йил 26 ноябр

умумий суғурта сахасида, 7 таси хаёт суғурта сахасида) суғурта компанияси мавжуд бўлиб, шундан фақатгина 20 дан ортиғи миллий рейтинг шкаласини олиш учун мурожаат қилишган⁴²⁸. Бироқ улар ҳам ўз вақтида рейтингларини доимий янгилаб боришмаган. Халқаро рейтингга эса фақат битта суғурта ташкилоти эга. Бу ҳолат ўз навбатида суғурталовчилар фаолияти ҳақидаги маълумотларни очик, шаффоф эмаслигини кўрсатади, бундай маълумотлар эса суғурталовчиларни ўз-ўзини баҳолаши, таъсисчилар ва қайта суғурталовчилар учун, суғурта килдирувчилар сифатли суғурта хизматига эга бўлиши учун жуда муҳим ҳисобланади.

Хорижда рейтинг агентликлари суғурта компанияларининг рейтинглари ва фаолияти ҳақидаги таҳлилий маълумотларни даврий нашрларда эълон қилиб боришади. Суғурта соҳасида халқаро эътирофга лойиқ деб бешта рейтинг агентликлари тан олинган: A.M. Best Co, Duff and Phelps, Moody's Investor Service Inc., Standard and Poor's Corp. ва Weiss Research Inc. Уларнинг суғурталовчиларни молиявий ҳолатини баҳолаш методикаси турличадир. Баҳолаш вақтида рейтинг агентликлари суғурта компанияларининг сон ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш жараёнида аниқ ҳисоб усуллари билан кифояланиб қолмасдан, мутахассисларнинг таҳлилий баҳоларига ҳам эътибор беришади. Барча рейтинг агентликлари ҳам суғурта компаниясининг ўз мажбуриятларини бажара олиши нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳолашади, лекин ҳар бир агентлик буни амалга оширишда ўз усулидан фойдаланади: молиявий ҳолати, бошқарув сифати, молиявий заҳиралари, суғурта фаолиятининг хусусиятидан ёки суғурта товонлари ҳажмидан келиб чиқишади.

Ўзбекистон суғурта бозорида рейтинг баҳолаш фаолияти билан «SAIPRO» ва «Ахбор Рейтинг» рейтинг агентликлари шуғулланиб келишмоқда. Суғурталовчилар фаолиятига оид кўрсаткичлар икки гуруҳга бўлиб ўрганилади, булар: суғурта фаолиятига оид кўрсаткичлар ва молиявий кўрсаткичлардир. Яъни, компания фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш икки йўналишда амалга оширилади. Биринчидан, суғурта хизматлари сифати ва самарадорлиги таҳлил қилинади, иккинчидан, компаниянинг умумий самарадорлигига унинг инвестицион фаолиятдан олинadиган даромадлари, суғурта фаолиятдан олинadиган даромадлари ва харажатлари таъсири ўрганилади. Юқоридаги ҳисоблаш усулларида олинган хулосалар мутахассисларга ва потенциал мижозларга компаниянинг молиявий ҳолатини, ўз мажбуриятларини бажара олиш қобилиятини ва суғурта хизматлари бозоридаги ўрнини кўриб чиқиш имконини беради.

Республикаимиз суғурта бозорида бундай ҳолатларни олдини олиш учун бизнинг фикримизча босқичма босқич бир нечта ишларни амалга ошириш керак. Булардан:

1) Суғурта компаниялари ҳар йили миллий рейтинг шкаласига эга бўлишлари ва мунтазам янгилаб туришлари лозим;

2) 2017 – 2021 йилларда миллий суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларини 30% идан ортиғи халқаро рейтинг олиш учун рейтинг агентликларига мурожаат қилишлари лозим;

3) Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги ва суғурта фаолияти самарадорлигини аниқлаш чоғида ўтган йиллар кўрсаткичларини таҳлил қилиб хулосалар бериш билан чегараланмасдан, прогноз кўрсаткичларига ҳам эътибор бериш лозим;

4) Суғурта компаниялари бозор иқтисодиётидаги кескин ўзгаришлар шароитида қай даражада мослашиб кетишлари ва ўз мажбуриятларини бажара олиш кўрсаткичларини ҳам рейтинг агентликлари кўрсатиб беришлари шарт;

⁴²⁸ www.mf.uz сайти маълумотлари асосида

5) Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси ҳар йили суғурта компанияларининг рейтингларини даврий нашрларда ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб боришини таъминлаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда бундай амалий қадамлар ўз навбатида 2010 йил 26 ноябрдаги №ПҚ-1438 «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги Қарорининг бажарилишини мукамал даражага олиб чиқади ва суғурта ташкилотларининг ўз молиявий кўрсаткичлари устида ишлашига мажбур қилади. Мижозлар эса нархга боғлиқ бўлмаган рақобат шароитида ўзларига мос суғуртачиларни танлашга қийналишмайди.

НОДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Имомов М.О. БМА тингловчиси:

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида пенсия таъминотининг асосан 2 тури амал қилади: булар давлат пенсия таъминоти ва нодавлат (хусусий) пенсия таъминотига ажратилади.

Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат пенсия тизими билан бир қаторда нодавлат (хусусий) пенсия тизимлари ҳам тарраққий этиб бормоқда. У асосан корпоратив ёки индивидуал жамғарма асосида қурилиши мумкин. Бугунги кунда Европа давлати аҳолисининг учдан бир қисми аҳолининг корпоратив пенсия суғуртаси принципида тузилган тизимларга жалб этилмоқда.

Корпоратив тизимлар давлат ва индивидуал схемалардан фарқли ўлароқ иш берувчилар томонидан молиялаштирилиб, компаниянинг ихтиёрий ажратмалари ёки жамоа шартномаларидаги мавжуд шартларга аралашуви остида ва нисбатан кам маъмурий харажатларга эга бўлади.

Индивидуал пенсия тизими эса корпоратив пенсия тизимидан фарқ қилиб, унда иштирокчилар индивидуал асосда ва ўз хохишига биноан иштирок этади ва бу жамғармани ҳар хил ташкилотлар орқали бошқарилиши мумкин.

Хусусий пенсия фондларини бошқарув фаолиятига қараб қуйидаги турларга ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади:

1. Очиқ пенсия жамғармаси – хусусий пенсия жамғармаси бўлиб, исталган жисмоний шахслар, уларнинг иш жойи ёки иш хусусиятларидан қатъий назар, бу жамғарманинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

2. Корпоратив пенсия жамғармаси – асосчиси юридик шахс берувчи ёки бир неча юридик шахслар иш берувчилар бўлган хусусий пенсия жамғармаси бўлиб, унга ўз ходимлари фойдасига бадал тўлаб берувчи иш берувчилар қўшилиши мумкин. Бу жамғарманинг иштирокчилари фақатгина жамғарма асосчилари бўлган иш берувчилар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

3. Профессионал пенсия жамғармаси – хусусий пенсия жамғармаси бўлиб, унинг асосчиси (яратувчилари) юридик шахслар, иш берувчилар бирлашмалари, жисмоний шахслар бирлашмалари, шу жумладан, касаба уюшмалари ёки фаолият (касб) тури бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Бундай жамғарманинг иштирокчилари эса фақатгина фонд уставида белгилаб берилган касб фаолияти бўйича бир-бирига боғлиқ жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Дунёда кўплаб мамлакатларда хусусий пенсия тизимларини йиғилган маблағларни турлича йўналишда инвестиция қилишади. Буни бир нечта мамлакатлар мисолида кўришимиз мумкин. Чили мамлакати хусусий пенсия тизимининг энг замонавий тараққий этган тизимини жорий қилган биринчи мамлакат ҳисобланади ва унда йиғилган маблағлар бу тизимда иштирок этаётганларнинг хохишига биноан 5 та

(А-Е) мултифонддан бирига йиғилиши ва бу фондлар бир-биридан рисклилик даражаси билан фарқ қилади. Бу фондларда инвестицияларга йўналтириш қуйидагича:

1-жадвал

Чили мамлакати хусусий пенсия тизими таркибидаги мултифондларга йиғилган маблағларнинг инвестицияга йўналтирилиши⁴²⁹

Мултифондлар	Инвестиция миқдори (%)	
	Минимум	Максимум
А	40	80
В	25	60
С	15	40
Д	5	20
Е	Асосан даромадли инструментларга йўналтирилади	

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, энг юқори фоиз А мултифондига тўғри келяпти ва минимум қиймати 40 фоизни ва максимум қиймати 80 фоизни ташкил қилган. В, С ва Д мултифондлари ўз навбатида минимум қийматлари 25, 15, 5 фоизни ва максимум қийматлари 60, 40, 20 фоиз миқдорлари жихатидан изчилликда жойлашган. Е мултифондида йиғилган маблағлар асосан даромадли инструментларга йўналтирилади ва бу мултифонддан қанча миқдорларда маблағ сарфланиши келтирилмаган. Бу мултифондларнинг қайси соҳага ва қанча миқдорларда маблағ сарфланиши жихатидан кўриб чиқсак. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Чили хусусий пенсия тизимида инвестиция бошқаруви (2016 й⁴³⁰)

Активлар туркуми	Фонд А	Фонд В	Фонд С	Фонд Д	Фонд Е
Давлат қимматли коғозларига	40%	40%	50%	70%	80%
Муддатли депозит, вексел ва бошқа молиявий инструментларга	40%	40%	50%	70%	80%
Кредитлар	40%	40%	50%	60%	70%
Жамоа ва хусусий компанияларнинг векселларига	30%	30%	40%	50%	60%

Жадвал маълумотларидан кўринадики, А мултифонди энг паст рискли мултифонд. В, С ва Д мултифондлари ўсиб боровчи рискли мултифондлар ҳисобланади. Е мултифондлари энг катта рискли мултифондлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикасида пенсия тизимидаги ислохотларни олиб боришда бу борадаги хорижий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон мамлакатларида аҳолининг ижтимоий ҳимоясига хизмат қиладиган, кексайган пайтида фуқароларга муносиб турмуш шароитларини таъминлайдиган, шу билан бирга, бозор шароитларига мос бўлган, фуқароларнинг ўз фаровонлигини таъминлашдаги масъулиятини оширишга хизмат қиладиган мукамал пенсия таъминоти тизимини шакллантириш ва унинг иқтисодий-молиявий асосларини мустаҳкамлаш масалалари ислохотларнинг диққат марказидаги долзарб масалалари қаторида турибди.

⁴²⁹ИХПТ (2015), Pensions at a Glance 2015: IHPT and G20 indicators, IHPT Publishing, Paris.http://dx.doi.org/10.1787/pension_glance-2015-en

⁴³⁰ИХПТ (2015), Pensions at a Glance 2015: IHPT and G20 indicators, IHPT Publishing, Paris.http://dx.doi.org/10.1787/pension_glance-2015-en

Юқоридаги маълумотлардан хулоса чиқариб, куйидаги таклифларни беришни жоиз деб топдик:

1. Нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этиш ва аҳолини ушбу жамғармалар фаолиятига ишончини ошириш учун нодавлат пенсия жамғармаси иштирокчилари ва жамғарма қўювчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашнинг аниқ механизмини яратиш лозим. Шунингдек, аҳолининг молявий, энг аввало пенсия соҳасидаги саводхонлигини ошириш лозимдир.

2. Нодавлат пенсия таъминотини келгусида ривожлантириш учун давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш лозим. Бу жараёнда давлат томонидан қўллаб –қувватлаш тизими аниқ ишлаб чиқилган бўлиши, асосан турли инқироз даврларидан давлатнинг бу борадаги чоралари тизими белгилаб қўйилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, нодавлат пенсия жамғармалари фаолияти узок даврга мўлжалланади в ўз навбатида пенсия шартномасининг ўртача амал қилиш муддати 40-50 йилни ўз ичига олади. Бу давр оралиғида турли инқирозлар юз бериши мумкин ва пенсия тизими бунга тайёр бўлиши керак.

3. Пенсия фондларининг инвестиция активлари бўлажак пенсионерларга фойда келтириб, инвестицион портфел диверсификацияси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун, жамғарма тизими доирасида пенсия фонди активларини бошқаришдан мақсад таваккалчилик даражасида максимал фойдани таъминловчи портфелни яратишдир.

4. Пенсия захираларини жойлаштириш жараёнини тартибга солишни янада такомиллаштириш учун пенсия жамғармалари инвестицион портфели таркиби ва тузилмасини тартибга солишнинг миқдорий методларини дунёга кенг тарқалган “жавобгарлик ҳатти-ҳаракати” принципига ўтиш лозим. Бу принцип институционал инвесторларга инвестицияларнинг ишончилиги ва очиқлигини (шаффофлигини) сақлаган ҳолда бозор таклифларига мосроқ ҳаракат қилиш имконини беради. Бу ҳолат пенсия тизимининг шаффофлигини оширади ва ўз навбатида улар фаолиятига ишончнинг ортишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мирзиёев Ш.М (2017) Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. - Т. Ўзбекистон. 2017 йил 14-январ.

2. Грищенко Н.Б ва Климанова К.В (2012) Проблемы и пути реформирования пенсионного страхования //Вестник НГУЭУ. №2.2012.С.79.

3. Скурова А.В (2011) Развитие системы негосударственного пенсионного страхования в России и за рубежом: Автореферат. к.э.н. М.: Всероссийская академия внешней торговли, 2011. С.25.

4. Зотов И. (2002) Рол НПФ и реализация новой модели пенсионного обеспечения.//Человек и Труд.Москва.2002.

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАР ВА БАНКЛАР ЎЗARO ФАОЛИЯТИ ИНТЕГРАЦИОН МЕХАНИЗМИДАГИ МУАММОЛАР ВА ОМИЛЛАР ТАХЛИЛИ

Имомов У. Ғ. ТМИ ўқитувчиси

Банклар ва суғурта компаниялар ўзарo фaолияти интеграцияси механизмига тaшқи ва ички характерга эга бўлган омиллар таъсир кўрастиши мумкин

Банклар ва суғурта компаниялар ўзарo фaолияти интеграцияси механизмига таъсир қилувчи омиллар	
Тaшқи омиллар	Ички омиллар
Қонунчилик ва солиқ нормалари	Бошқарувнинг тaшқилий тузилмаси
Банк ва суғурта бозорининг ривожланганлик даражаси	Ички ахборот технологилари ва тармоқлар
Муқобил тақсимот каналларининг ҳажми	Молиявий маҳсулотларнинг мураккаблик даражаси
Банклар ва суғурта компаниялар ўзарo фaолияти интеграцияси механизмнинг жаҳон тенденциялари	Молиявий маҳсулотларнинг тасимот канали

Банклар ва суғурта компаниялар ўзарo фaолияти интеграцияси механизмига таъсир қилувчи омиллар

Тaшқи омиллар аввалaмбор, давлатнинг банк ва банк бўлмаган молия институтларини назорат қилиш борасидаги тартибга солиш сиёсати билан боғлиқ.

Банк суғуртаси механизмини тартибга солишнинг ёрқин намунаси сифатида 1999 йида АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган Gramm-Leach-Bliley Act қонунини келтиришимиз мумкин. Қонуннинг асосий мақсади молиявий хизматлар бозорида банклар, инвестиция фондлари, суғурта компаниялар ва бошқа молиявий институтларнинг ҳамкорлиги учун, рақобатни рағбатлантириш, пруденциал асосни яратишдан иборатдир.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат банкларга, суғурта ва бошқа молиявий хизматларни кўрсатиш тақиқланган *Glass-Steagall Act* қонунинг ўрнига қабул қилинди.

Бироқ Gramm-Leach-Bliley Act қонуни банкларга андеррайтинг ва титул суғуртаси фaолияти билан фaолият кўрсатишни тақиқлайди ва 1940 йида қабул қилинган *Bank Holding Company Act* тўғрисидаги қонун қоидаларини бекор қилмайди, бу эса молиявий институтларга нодавлат корпорацияларга эга бўлиш ҳуқуқини бермайди.

Банк суғуртаси хизматларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун молия бозорида маҳсус солиқ режимлари қўлланилиши мумкин. Масалан Францияда 1995 йилдан бошлаб, ҳаёт суғуртаси шартномалари учун қуйидаги имтиёзлар берилган. Йиғилган суғурта муқофотларидан 25% солиқ кредити, жисмоний шахслар даромад солиғига солиқ таътили берилади (8 йилдан ошган шартномалар учун) ва мерос учун солиқ. Бунинг натижасида суғурта компаниялари ва банклар анъанавий суғурта маҳсулотларнинг муқобил варианти бўлган узоқ муддатли, бирлаштирилган ва арзон ҳаёт суғуртаси маҳсулотларига эга бўлиш имкониятига эришдилар.

Таъкидлаш жоизки, банк суғуртаси учун имтиёзли солиқ режими қонунчилик нормаларига нисбатан иккинчи даражалидир.

XX асрнинг 90-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб, Францияда (ҳаётни суғурталашдан тaшқари), Италияда ва Испанияда солиқ имтиёзларидаги фарқларга қарамай, банк суғурта бозори ўсишда давом этди.

Ушбу тенденция нафақат банклар ва суғурта компанияларининг муваффақиятли бирлашиши, балки глобал миқёсда ушбу муассасалар томонидан маслаҳат хизматларининг кенгайиши билан изоҳланади.

Банк ва суғурта бозорининг ривожланиш даражаси ва анъаналари ҳам банк суғуртаси механизмига таъсир этувчи муҳим омиллардандир. Масалан, Жанубий Европада банк суғуртаси модели бу банк ва суғурта компаниясининг тўлиқ интеграциялашувидир, унга мувофиқ, банк суғурта компаниясига эгалик қилади кейин эса банк билан тақсимот келишувини тузади ва банк миждозларига суғурта маҳсулотларини сотиши мумкин бўлади. Айнан шу жараён ушбу ҳудудда банк суғуртасининг муваффақиятини кўрсатиб беради.

Банк суғуртаси механизмига таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим омил моли-кредит бозорида муқобил сотиш каналларининг аҳамиятидир. Шундай қилиб, Буюк Британияда молиявий хизматларнинг юқори даражадаги мураккаблигини таъкидлаш керак, бундан ташқари қонунчилик стандартлари уларнинг суғурта брокерлари орқали тарқалишига ёрдам берди. Транспорт воситаларини суғурта қилиш бозорида тўғридан-тўғри сотиш каналлари, хусусан телефон, интернет орқали машҳурлиги, шунингдек, банк суғурта маҳсулотларини тарқатишда тўхтатувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Банк суғуртаси ривожланишида жаҳон тенденцияси унинг механизмига таъсир кўрсатувчи омил бўлиб ҳам ҳисобланади. Сўнгги ўн йилликларда Европа молия бозори иштирокчиларининг бирлашуви кузатилди.

Банклар ва суғурта компанияларининг қўшилиши ва сотиб олиниши.

Йил	Фирма (суғурта компанияси)	Сотувчи	Сотиб олувчи	Сотиб олиш қиймати млрд. АҚШ доллари
2002	<i>Alliance & Leicester Life</i>	<i>Alliance & Leicester Pic</i>	<i>Legal & General Pic</i> (страховая компания)	–
2002	<i>Deutsche Herold</i>	<i>Deutsche Bank</i>	<i>Zurich Financial Services</i> (страховая компания)	1,3
2002	<i>Insurance operations</i>	<i>ABN Amro</i>	<i>Aviva</i> (страховая компания)	0,5
2003	<i>National Australia Life (UK)</i>	<i>National Australia Bank Ltd</i>	<i>Century Group</i> (страховая компания)	–
2004	<i>Codan Liv & Pension</i>	<i>Royal & Sun Alliance</i>	<i>SEB Bank</i> (банк)	0,4
2004	<i>FinecoVita (57,7%)</i>	<i>Capitalia</i>	<i>CNP Assurances</i> (страховая компания)	0,7
2005	<i>Life operations (51%)</i>	<i>Banco Comercial Portugues</i>	<i>Fortis</i> (банк)	0,6
2006	<i>Winterthur</i>	<i>Credit Suisse</i>	<i>AXA</i> (страховая компания)	9,8
2006	<i>Abbey National Life</i>	<i>Banco Santander</i>	<i>Resolution Life Pic</i> (страховая компания)	6,7
2007	<i>Nationwide Life</i>	<i>Nationwide Building Society</i>	<i>Legal & General Pic</i> (страховая компания)	–
2007	<i>CaiFor (50%)</i>	<i>Fortis</i>	<i>La Caixa</i> (банк)	1,4
2007	<i>Insurance & pension fund operations (50%)</i>	<i>BMPS</i>	<i>AXA</i> (страховая компания)	1,5
2007	<i>BHW Leben</i>	<i>Postbank</i>	<i>Talanx</i> (страховая компания)	0,8
2007	<i>Assurances Federates IARD (60%)</i>	<i>Allianz</i>	<i>Credit Agricole</i> (банк)	–
2007	<i>Ecureuil Vie (49,9%)</i>	<i>Caisse d'Epargne</i>	<i>CNP Assurances</i> (страховая компания)	1,9

Жадвалда суғурта компанияларининг ва банкларнинг энг йирик сотиб олиш ва қўшишлиш операциялари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бу эса ўз навбатида банкларга капиталлашув даражасининг ошишига, мижозлар базасининг кенгайишига ва молиявий хизматларнинг қўпайишига олиб келди.

Европада банк суғуртаси маҳсулотларининг ўзига хос хусусияти инвестицион даромадни таклиф этадиган суғурталанган шахсларнинг ўлим ҳавфи ҳаражатларини қопловчи содда, арзон, солиқ имтиёзига эга бўлган суғурта маҳсулотларидан кенг қамровли ёки универсал суғурта маҳсулотларига ўтиш жараёни эди. Шундай қилиб Франция ва Испанияда келтирилган анъанавий ҳаёт суғуртаси маҳсулотлари амалиётда қўлланишдан тўхтатилди, чунки суғурта қилдирувчилар суғурта ҳимоясига катта эътибор берди ва омонатларни ҳам алоҳида ҳимоя қилиш ва жойлаштиришга эътибор қаратдилар. Аммо вақт ўтиши билан банк суғуртаси бозорининг баъзи вакиллари янги аммо мураккаб узоқ муддатли тиббий суғурта ва unit-linked⁴³¹ маҳсулотлари каби хизматларни таклиф қила бошлади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИДА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ВА ИНТЕРНЕТНИ ҚЎЛЛАШ

Кадиров Р. А. БМА тингловчиси

Яқин давргача молиявий бозорларнинг ташкилий тузилишига қарайдиган бўлсак қуйидаги занжир шаклида тузилган: инвестор-брокер-биржа. Инвестор брокерга биронта молиявий инструментларни (акция, облигация, валюта ёки улар бўйича ҳосилавий инструментлар) сотиб олиш бўйича топшириқ беради, брокер бўлса биржада ушбу топшириқни бажаради. Дастлабки даврларда брокерлар олди-сотди амалларини нархларни қичқириб айтиш орқали эълон қилиб савдо қилишган. Электроника даври келиши билан брокерлар биржада терминал олдида ўтириб зарур тугмаларни босиб савдо қилишган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йи 19 мартдаги “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон фонд бозори учун қиймати 6 млн долларни ташкил этувчи Ягона дастурий техник мажмуани ишлашга шай ҳолатда тақдим этиш шarti бўйича Корея биржаси лойихаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида Корея биржаси “Тошкент” РФБ давлат акциялар пакетининг бир акция кам 25 фоиз улушига эга бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йи 19 мартдаги “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон фонд бозори учун қиймати 6 млн долларни ташкил этувчи Ягона дастурий техник мажмуани ишлашга шай ҳолатда тақдим этиш шarti бўйича Корея биржаси лойихаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида Корея биржаси “Тошкент” РФБ давлат акциялар пакетининг бир акция кам 25 фоиз улушига эга бўлди.

Ушбу лойиҳадан кўзда тутилган мақсад мамлакатларимиз фонд биржалари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва шу орқали республикаимиз фонд бозорини тараққий топтириш, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этишнинг замонавий технология ва усуллари тадбиқ этиш, инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишдан иборатдир.

Ягона дастурий техник мажмуанинг афзал томонлари билан бирга камчиликлари ҳам мавжуд:

⁴³¹unit-linked маҳсулоти ҳаёт суғуртаси тақдим этади. Бунда суғурта суммаси суғурта шартномаси бўйича инвестицияга йўналтирилган суғурта мукофотлари, активлар қийматидан келиб чиқади (рискларнинг бир қисми суғурта қилдирувчига ўтқизилади). Суғурта мукофотлари икки қисмга бўлинади: биринчи қисм ҳаёт суғуртаси бўйича келажакда суғурта тўловларини амалага ошириш учун суғурта мукофотларидан математик ҳисоб-китоблар орқали заҳиралар шакллантирилади. Иккинчи қисми эса суғурта қилдирувчининг танловига асосан турли хил актиларга инвестиция қилинади.

- Техник хатоликлар юзага келганда уларни тўғрилаш учун корейлик мутахассисларга мурожаат қилиниши;

- Бугунги кунда замон талаби бўлган ва оммобоп фойдаланиладиган мобил дастурлар, айниқса банкларнинг мобил дастурларида ва тўлов тизимлари (PAYME, UZCARD) мобил дастурларида акция ва облигацияларни сотиб олиш имконияти интеграция қилинмаганлиги.

Англияда “депозитарий” тушунчаси йўқ, “кастоди” тушунчаси мавжуд. Англияда марказий депозитарий функциясини Лондон фонд биржаси томонидан яратилган CREST системаси бажаради.

Кастодиан бу ривожланган депозитарий. Халқаро амалиётга асосланиб, кастоди икки гуруҳ хизматларни тақдим этади: асосий ва қўшимча. Расмий равишда, асосий хизматлар ананавий депозитарийларнинг тегишли хизматларини рўйхатидан фарқ қилмайди. Мижоз депозитарийси сифатида кастодианнинг ўзига хос хусусиятлари бу мижозга кенг қўламли хизматларни тақдим этишидир, масалан, қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш, бир вақтнинг ўзида воситачи сифатида ҳаракат қилиш, қисқа муддатли кредитдан фойдаланган ҳолда қимматли қоғозларни сотиб олишни молиялаштириш, қимматли қоғозларни сотиш.

Кастодианлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни (асосий, қўшимча ва маълумот бериш) таҳлил қиладиган бўлсак, уларни комплекс тарзда фақат барча зарур лицензияларга эга бўлган банклар кўрсатиши мумкин деган хулосага келишимиз мумкин. Жаҳон амалиётида ҳам кастодианларнинг асосий қисмини банклар ташкил қилади.

Мисол учун “JPMorgan Chase” молиявий холдинги мобил иловаси орқали одатий банк хизматларидан фойдаланиш билан бирга қимматли қоғозлар савдоси қилиш имконияти ҳам мавжуд. :

Хулоса ва таклифлар

1. Ўзимизнинг миллий дастуримизни ишлаб чиқиш;
2. Ҳисоботларни электрон жадвал шаклида кўчириб олиш имкониятини яратиш;
3. Фонд биржага бошқа инвестиция воситачилари дастурлари ва ботларини уланишига имконият яратиш;

4. Бугунги кунда замон талаби бўлган ва оммобоп фойдаланиладиган мобил дастурлар, айниқса банкларнинг мобил дастурларида ва тўлов тизимлари (PAYME, UZCARD) мобил дастурларида акция ва облигацияларни сотиб олиш имконияти интеграция қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Т.В.Цхай. (2011). Молиявий бозор – бу технологиялар. “Эко” Бутун Россия иқтисодий журнали.

ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Кенжаев И. Ф. ТМИ “Суғурта ва пенсия иши”
кафедраси, PhD.*

Маълумки охириги йилларда суғурта соҳасини ривожлантиришга ҳукуратимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2019 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5464-сонли фармони асосида қабул қилинган Концепциясини 2-бўлимининг 10-чи банди суғуртага бағишланган бўлиб, унда суғурта институтини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, хусусан мулкни ва бошқа мулкый манфаатларни ўзаролик асосида суғурталашни

ривожлантириш ва бунда ихтиёрий бадаллар ҳисобидан шакллантирилган фондларни инвестицияга йўналтириш билан доимий даромад олиш назарда тутилган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августда “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-4412-сонли қарори қабул қилиниб, ушбу қарор асосида 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. Ушбу “Йўл харитаси” 48 та бўлимдан иборат бўлиб, 30-чи бўлимида тадбиркорлик фаолияти суғуртаси ва ҳаёт суғуртаси билан бирга микросуғурта турларини ривожлантириш кўзда тутилди. Чунки иктисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири мамлакатнинг барча ҳудудларида суғурта компанияларининг бўлимларини ташкил этиш ва уларда микросуғурта маҳсулотларини таклиф этишни йўлга қўйиш ҳисобланади. Микросуғурта хизматлари юқори даромадга эга бўлмаган аҳоли ва кичик бизнес субъектларини суғуртавий ҳимоя қилишга мўлжалланган бўлиб, ушбу суғурта суғурталанувчи ва унинг оила-аъзоларини бахтсиз ҳодисалардан, мулкларини ёнғиндан, портлаш, zilзила ва бошқа стихияли ҳодисалардан, меҳнат қобилиятини йўқотиш ёки вафот этиш, кредитни қайтмасликдан суғурталаш каби комплекс суғурта хизматларини таклиф этади. Ушбу суғурта арзон ва оддийлиги билан кўпчиликни ўзига жалб эта олади. Шу билан бир қаторда микросуғуртанинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб улар қуйидагилардан иборат: маҳсулотнинг оддийлиги, нисбатан паст суғурта тарифлари, катта бўлмаган суғурта суммалари, турли истиснолар кам ёки умуман йўқ, суғурта ҳодисаси бўйича қопламани тўлашнинг оддийлиги ва талаб қилинадиган ҳужжатларнинг камлиги ҳамда микросуғурта маҳсулотлари ёрдамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ хавф-хатарларни ҳамда фуқаролар ҳаёти ва фаолиятини суғурта хизматлари билан таъминлаш талаб этилишидан иборат.

Шунингдек 2019 йил 5 апрелда “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5464-сонли мазкур фармони асосида қабул қилинган Концепциянинг 10-бўлимида ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш кўзда тутилган ўзаро суғурта суғуртанинг алоҳида ва нотижорат шакли бўлиб, чет мамлакатларда кенг ривожланган ва кўпгина мамлакатларда унинг ҳажми жами суғурта хизматларининг 40 фоиздан ортигини ташкил этмоқда, баъзи мамлакатларда эса ундан ҳам ортиқ. Ўзаро суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, аввало ушбу суғуртанинг оддий кўриниши нотижорат шаклида бўлиб, ўз аъзолигига кўп ҳолларда маълум касб эгаларини (ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турларида), юридик шахслар ўртасида тузилган бундай жамиятлар бир тармоққа мансуб корхоналарни ихтиёрийлик асосида ўзида бирлаштиради. Концерн ёки холдинглар таркибига кирувчи корхоналар ўртасида ташкил этилган ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолият айниқса ҳар жиҳатдан қулай шароитга эга бўлади. Ўзаро суғурталаш жамиятларида барча суғурталанувчилар ушбу жамиятнинг аъзоси бўлганлиги туфайли ушбу жамият фаолият тўғрисидаги барча маълумотлар очик бўлиб, бу ушбу жамиятга бўлган юқори даражадаги ишончни таъминлайди. Шу билан бирга инвестицион фаолиятдан кўрилган даромад ва суғурта ҳодисаларининг кам юз беришидан манфаатдорликнинг мавжудлиги суғурта ҳодисаларининг камайишига сабаб бўлади. Ўзаро суғуртани кишлоқ хўжалигида жорий этиш айниқса юқори самарадорликка эришиш имконини беради. Ушбу суғурта шаклининг энг муҳим жиҳати ташкилий ва маъмурий харажатларнинг камлиги ҳисобига йиғилган суғурта бадалларининг 90 фоизгача бўлган қисмини суғурта қопламалари учун йўналтириш имконининг мавжудлигидир. Мамлакатимизда ушбу кўрсаткич бугунги кунда 20 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда миллий суғурта бозоримизда йиғилган суғурта мукофотлари ҳам ўзига хос бўлиб уни қуйида келтирилган расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.



1-расм. Суғурта бозорида суғурталовчилар томонидан йиғилган жами суғурта мукофотлари тўғрисида маълумот⁴³².

Ушбу расмда суғурталовчилар томонидан охириги 5 йил давомида суғурта бозорида йиғилган жами суғурта мукофотлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Мазкур маълумотларга эътиборни қаратадиган бўлсак, суғурта бозорида охириги 5 йил давомида йиғилган суғурта мукофотлар динамикаси ўсиб борган. Чунки охириги йилларда ҳукуватимиз томонидан суғурта соҳасига жуда катта эътибор қаратилганлиги боис кўрсатиладиган суғурта хизматларининг сифати яхшиланиши натижасида суғурта хизматига бўлган талаб ошганлигидан далолат беради. Яъни 2014 йилда суғурталовчилар томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг улуши 439,1 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 692,6 млрд.сўмни, 2018 йилда эса 1635,2 млрд.сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич натижаларини юзага келиши суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлик йўналишларини белгилаш сифатида қараш мумкин.

Шунингдек суғурталовчилар томонидан йиғилган суғурта мукофотлар миқдори ўсиб борар экан албатта суғурталовчилар томонидан амалга ошириладиган суғурта тўловлари миқдори ҳам ўсиб боради. Чунки суғурталовчи томонидан 1 баробар мажбурият учун камида 10 баробар мажбурият олинади. Ушбу мажбуриятларни бажарилишининг асосий манбаи сифатида амалга оширилган суғурта тўловларини кўз олдимизга келтириш мумкин. Суғурта бозорида суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари ўзига хос бўлиб, буни биз қуйида келтирилган 2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.



2-расм. Суғурта бозорида суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари тўғрисида маълумот⁴³³.

2-расмда, суғурта бозорида суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотларга эътиборни қаратадиган бўлсак 2014 йилдан то 2018 йиллар давомида суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлар миқдори ўсиб борган. Масалан 2014

⁴³² Манба: <http://www.mf.uz> веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

⁴³³ Манба: <http://www.mf.uz> веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

йилда суғурта бозорида суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари миқдори 74,6 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса бу кўрсаткич 2016 йилда 130,5 млрд.сўмни, 2018 йилда эса 460,8 млрд.сўмни ташкил этган.

Умуман олганда юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон суғурта бозорини жадал ривожланишига эришиш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

Биринчидан. Суғурта соҳасида норматик-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарур. Яъни халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини ҳамда энг яхши жаҳон тажрибаларини изчил жорий этиш:

Иккинчидан. Суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш.

Учинчидан. Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлик даражасини ошириш керак.

Юқорида биз томонимиздан қайд этилган таклиф ва тавсиялар бирин-кетинлик билан суғурта соҳасида қўлланилса келгусида Ўзбекистон суғурта бозорининг жадал ривожланишини таъминлашга эришиш мумкин.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВНЕБЮДЖЕТНЫХ ЦЕЛЕВЫХ ФОНДОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Курбанов М. БФА магистрант

Внебюджетные фонды - это особые фонды денежных средств, формирование которых обусловлено их целевым характером. Целью создания общегосударственных и других целевых фондов является создание условий для эффективного и своевременного финансирования наиболее важных экономических и социальных программ в условиях рыночной экономики. Для внебюджетных фондов существует особая система формирования и расходования денежных средств.

Внебюджетные фонды - один из методов перераспределения национального дохода органами власти в пользу определенных социальных групп населения. Государство мобилизует в фонды часть доходов населения для финансирования своих мероприятий. Внебюджетные фонды решают две важные задачи: обеспечение дополнительными средствами приоритетных сфер экономики и расширение социальных услуг населения.

Первоначально внебюджетные фонды появились в виде специальных фондов или особых счетов задолго до возникновения единого центрального денежного фонда государства - бюджета.

Основное отличие таких целевых фондов от бюджетных средств состоит в строго определенных целях их использования. На определенном этапе развития финансовой системы, на базе объединения различных фондов создается государственный бюджет, что облегчает управление движением финансовых потоков и создает возможность возмещения нехватки средств в одних фондах за счет средств из других фондов.

К отличительным особенностям внебюджетных фондов относятся их целевая направленность на финансирование расходов, не предусмотренных в бюджете, и независимость от бюджета аккумулированных в фондах денежных средств, находящихся в государственной собственности. На отношения, связанные с исчислением, уплатой и взысканием взносов во внебюджетные фонды, распространяются нормы и положения налогового законодательства.

В современных условиях вновь повышается значение внебюджетных фондов, увеличиваются количество и объем этих фондов. Это вызвано некоторыми преимуществами наличия в финансовой системе института независимых, находящихся вне бюджета, фондов. К этим преимуществам относятся, во-первых, автономность фондов от бюджета, что в условиях нестабильности экономических условий и возрастания дефицита государственного

бюджета позволяет обеспечивать финансирование специальных мероприятий в соответствии с задачами внебюджетных фондов.

Внебюджетные фонды создаются двумя путями. Один путь - это выделение из бюджета определенных расходов, имеющих особо важное значение, а другой - формирование внебюджетного фонда с собственными источниками доходов для определенных целей. Специальные внебюджетные фонды предназначены для целевого использования. Обычно в названии фонда указана цель расходования средств.

Материальным источником внебюджетных фондов, как и других звеньев финансовой системы, является национальный доход. Преобладающая часть фондов создается в процессе перераспределения национального дохода. Основные методы мобилизации национального дохода в процессе его перераспределения при формировании фондов - специальные налоги и сборы, средства из бюджета и займы.

Специальные налоги и сборы устанавливаются законодательной властью. Значительное количество фондов формируется за счет средств центрального и региональных (местных) бюджетов. Средства бюджетов поступают в форме безвозмездных субсидий или определенных отчислений от налоговых доходов бюджета. Доходами внебюджетных фондов могут выступать и заемные средства. Имеющееся у внебюджетных фондов положительное сальдо может быть использовано для приобретения ценных бумаг и получения прибыли в форме дивидендов или процентов.

Наличие разнообразных источников образования внебюджетных фондов обуславливает возможность различных форм взаимодействия внебюджетных фондов с бюджетом. Во-первых, финансирование фондов только из бюджета в виде субсидий и займов и, наоборот, финансирование бюджета из фондов в виде займов. Во-вторых, средства в фонды могут поступать из нескольких звеньев финансовой системы: из бюджета на безвозвратной и возвратной основе, от предприятий и граждан в виде налогов и сборов, а также из других внебюджетных фондов. Возможны и встречные денежные потоки из внебюджетных фондов в адрес других участников финансовых отношений.

Внебюджетные фонды являются важным звеном финансовой системы государства. Они представляют собой совокупность финансовых ресурсов, находящихся в распоряжении центральных или региональных местных органов самоуправления и имеющих целевое назначение. Порядок их образования и использования регламентируется финансовым правом.

Для финансовой системы промышленно развитых стран характерно наличие помимо собственно внебюджетных фондов различных специальных смет и счетов, а также присоединенных бюджетов, которые в совокупности объединяются понятием “специальные фонды”. Значение их для финансовой системы развитых стран очень велико. Специальные фонды в ряде стран сопоставимы по своему объему с объемом государственного бюджета, а в большинстве стран финансируют от трети до половины государственных расходов.

По направлениям использования специальные фонды подразделяются на следующие группы:

- социальные фонды;
- экономические фонды;
- научно-исследовательские фонды;
- кредитные фонды;
- фонды личного и имущественного страхования;
- военно-политические фонды;
- межгосударственные фонды.

В зависимости от источников формирования, назначения и масштабов использования внебюджетные фонды подразделяются на централизованные и децентрализованные.

Источники формирования внебюджетных фондов:

- взносы юридических и физических лиц;
- бюджетные ассигнования;
- поступления (литореи, плата за путевки и др.);
- доходы от инвестирования временно свободных денежных средств (участие на финансовом рынке);
- кредиты банка;
- сумма пени и штрафов за неуплату взносов в установленный срок;
- добровольные взносы юридических и физических лиц (пожертвования).

В составе государственного бюджета могут консолидироваться доходы и расходы государственных целевых фондов, образуемых в соответствии с действующим законодательством для финансирования отдельных государственных расходов и учитываемых в бюджете страны для обеспечения более полного государственного контроля за поступлением и целевым использованием их средств.

Согласно действующему законодательству. Фонд реконструкции и развития Республики Узбекистан должен направлять часть ресурсов на финансирование инвестиционных проектов. Такой подход позволяет использовать аккумулированные деньги как для целей макроэкономической стабилизации, так и для целей экономического роста. Создание фонда Реконструкции и развития в Узбекистане. В конце 90-х годов Узбекистан перенес тяжелый внешний шок в связи с резким падением конъюнктуры мировых цен на основные экспортные товары: золото, медь и хлопковолокно. Последовала естественная реакция на это в краткосрочном периоде.

В долгосрочном периоде экономическая политика строилась на ослаблении зависимости экономики от экспорта сырьевых ресурсов и расширении производства конкурентоспособной на мировом рынке готовой продукции. Одновременно в стране проводилась макроэкономическая политика, направленная на обеспечение устойчивости на денежном, финансовом рынках и во внешней торговле.

В отличие от других стран, где уже созданы стабилизационные фонды, в Узбекистане доля указанных двух товаров в экспорте страны не является доминирующей. Даже при повышенных мировых ценах на них, она занимала в 2006 году не более 30% в общем объеме экспорта (Для сравнения: доля нефти и газа в экспорте России составляет 68,3%, Казахстана - 75%, Норвегии - 60,5%).

Еще одной причиной создания Фонда в Узбекистане явилась необходимость значительного расширения инвестиций в экономику в целях ускорения экономического роста. Это связано с тем, что умеренные темпы экономического роста (в 2000-2004 гг. в среднем 4%) не отвечали стратегии правительства. Цели фонда. В отличие от фондов, созданных в России и других государствах-членах СНГ, созданный в Узбекистане Фонд выполняет как стабилизационные, так и инвестиционные функции. Согласно действующему законодательству, Фонд должен не менее 30% своих ресурсов направлять на финансирование инвестиционных проектов. Такой подход позволяет использовать аккумулированные деньги, как для целей макроэкономической стабилизации, так и для целей экономического роста. Эта дилемма в большинстве стабилизационных фондов других стран так гармонично не решается: деньги часто вкладываются не в собственную экономику, а в ликвидные активы других государств. Причем не всегда удачно.

Одновременно Фонд не стимулирует и повышение реального обменного курса национальной валюты, поскольку предлагает отечественным инвесторам финансовые инвестиционные ресурсы в иностранной валюте, снижая тем самым их потребность в конвертировании средств на приобретение импортной техники и технологий.

Целесообразно также использовать для аккумуляции средств в Фонд и часть доходов, поступающих от экспорта природного газа, что будет полностью соответствовать идеологии, целям и задачам Фонда. Кроме того, следует разработать механизм формирования Фонда за счет дополнительных источников, предусмотренных, но пока не применяемых в настоящее время: доходов от СРП, приватизации государственного имущества.

Расходы и доходы. Необходимо найти правильные пропорции использования средств Фонда и на инвестиции, и на сохранение в высоколиквидной форме "страхового резерва" на случай образования структурного бюджетного дефицита при изменении конъюнктуры мировых цен или истощения сырьевых ресурсов. При анализе расходных операций необходимо оценивать более долгосрочные результаты - через оценку эффективности инвестиционных проектов, в которые вкладываются средства Фонда. Финансирование проектов технического перевооружения и модернизации особенно важны в отраслях, которые могут в последующем обеспечить стране высокую конкурентоспособность продукции с высокой добавленной стоимостью. Однако нужно учесть, что каждый доллар, вложенный в инвестиционное перевооружение других, более трудоемких, отраслей, будет более эффективен с точки зрения обеспечения дополнительной занятости.

В настоящее время внебюджетные целевые фонды являются одним из важных пунктов государственного бюджета. Но с этим у этих фондов есть свои недостатки, которые надо решать в ближайшие несколько лет. Поскольку после независимости Республика оторвалась от других союзных Республик со стороны экономической. И создание внебюджетных целевых фондов стало необходимо. Создание пенсионного фонда и в последующем преобразованный на внебюджетный фонд подчеркивается с тем, что государство не может с бюджета обеспечить с пособием социально уязвимых слоев населения (пенсионеров, многодетных семей т.п.) Связи с этим есть несколько проблем связанных с этим фондом:

- Чрезмерно многих льгот, которые дается и соответственно уплачивается пособие;
- Малая процентная ставка по накопительному пенсионному фонду;

Значение внебюджетных социальных фондов состоит в том, чтобы поддерживать существование лиц, нуждающихся в помощи, то есть обеспечить минимальный гарантированный уровень доходов инвалидам, пенсионерам, безработным, малоимущим и так далее. Все это осуществляется в нашей стране с помощью средств, поступающих во внебюджетные социальные фонды, значительную часть которых, является Единый социальный платеж юридических и физических лиц. Основными задачами деятельности Внебюджетных фондов в Республики Узбекистан являются:

- реализация гарантированных государством прав граждан на социальное обеспечение и социальное страхование;
- аккумуляция на специальных целевых внебюджетных счетах

Министерства труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан, Министерства труда и социальной защиты населения Республики Каракалпакстан, главных управлений по труду и социальной защите населения областей и г. Ташкента, районных (городских) отделов социального обеспечения обязательных взносов и отчислений на государственное социальное страхование;

финансирование расходов на выплату пенсий и социальных пособий, а также пособий по социальному страхованию в соответствии с законодательством.

Финансирование объектов нового строительства взамен сносимого, капитальной реконструкции, капитального ремонта школ в соответствии с утвержденными адресными списками;

предоставление финансовой помощи предприятиям, оказавшимся на грани банкротства, с целью предотвращения массового увольнения работников и сокращения существующих рабочих мест

по заключению специальных комиссии хокимиятов;

для обеспечения занятости населения отдельных горных, пустынных районов.

Спортивным инвентарем

Существуют значительные продвижения в деятельности внебюджетных фондов в Республики Узбекистан - одной из наиболее важных год за годом снижается платы за Единый социальный платеж управление пенсионными накоплениями. Проблемы в полноценном функционировании: - отчисления работодатели и банки во внебюджетные фонды производят с величины заработной платы. А здесь возникает следующее: работодатели в большинстве случаев для снижения своего налогового бремени занижают величину фонда заработной платы. Следовательно, отчисления во внебюджетные фонды Республики становятся заниженными.

Таким образом, для развития деятельности внебюджетных фондов в Республики Узбекистан необходимо совершенствовать систему налогообложения.

Список используемой литературы:

1. Конституция Республики Узбекистан Ташкент 1993г издательство "Узбекистан"
2. Бюджетный Кодекс Республики Узбекистан, Утвержден Законом Республики Узбекистан от 26.12.2013 № ЗРУ-360
3. Налоговый кодекс Республики Узбекистан. От 27.12. 2007г
4. Закон РУз "О занятости населения" утвержден в новой редакции. ВОМРУз от. 1998. №5-6
5. А.В. Вахабов, З.Х. Срожиддинова "Государственный бюджет" издательство "Иктисод молия" 2007г

ИШ ВАҚТИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ БЎЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРГА ПЕНСИЯ ҲИСОБЛАШ УЧУН ИШ СТАЖИНИ ВА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Мансуров М. ПФБ 2-курс тингловчиси

Пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳимоянинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритган илк йиллари, яъни, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган мураккаб даврда Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини ҳамда пенсионерларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда барқарор иқтисодий муваффақиятларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларда савдо уйлари, ваколатхоналари ҳамда ташкилотлари мавжуд. Шунингдек, иқтидорли ёшлар малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида чет элларда меҳнат фаолияти билан ҳам шуғулланиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарори билан Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори билан яқка тартибдаги тадбиркорларнинг, жумладан оилавий тадбиркорлик ёки оилавий тадиркорликнинг субъекти оиласи

аъзолари, тадбиркорларга ёлланиб ишловчилар, деҳқон хўжалиги аъзолари ва қорамол етиштирувчи шахсларнинг ҳам суғурта бадаллари тўлаш тартиблари белгиланди.

Хусусан; Пенсия жамғармасига мажбурий равишда:

-якка тартибдаги тадбиркорлар – ҳар ойда Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан кам бўлмаган миқдорида;

-оилавий тадбиркорлар – ҳар ойда Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан кам бўлмаган миқдорида;

-тадбиркорга ёлланиб ишловчи ходим - ҳар ойда Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида;

-оилавий тадбиркорнинг субъекти оила аъзосига - ҳар ойда Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида;

-деҳқон хўжалиги бошлиғи 1 йилда, 9 ойга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи жами 4,5 минимал иш ҳақи миқдорида тўланиши белгилаб қўйилди.

Пенсия жамғармасига қуйидаги фаолият билан шуғулланувчи шахслар ихтиёрий равишда суғурта бадали тўлайдилар:

-деҳқон хўжалиги аъзоси - бир йилда, 9 ойга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи жами 4,5 минимал иш ҳақи миқдорида;

-қорамол етиштирувчи шахслар - бир йилда, 9 ойга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи жами 4,5 минимал иш ҳақи миқдорида суғурта бадаллари тўласалар, бир йилга иш стажи ҳисобланади.

Юқоридаги фаолият билан шуғулланувчи шахслар ўзлари доимий яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига тегишли ҳужжатлар билан мурожаат қиладилар.

Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан уларни ҳисобга олиш карточкаси, ҳисобга олиш китоблари ҳамда меҳнат дафтарчалари очилади ва юритилади, ушбу фаолият тури билан шуғулланиш даври мобайнида сақланади.

Ушбу қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, юқорида кўрсатиб ўтилган тоифалардаги шахсларга пенсия тайинлашда ҳисобга олинadиган бир ойлик иш ҳақларини ҳисоблаб чиқишда қуйидаги имтиёз берилди.

Мисол учун: якка тартибдаги тадбиркор 2019 йил сентябр ойи учун энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида (бугунги кунда республикада энг кам иш ҳақи миқдори – 223 000 сўм ташкил этади) бадал тўлаган бўлса, бир ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш учун тўланган суғурта бадали суммасини республикада микрофирма ва фермерлар учун белгиланган ягона ижтимоий тўлов (15 фоиз) суммаси ҳамда суғурта бадаллари (8 фоиз) жамланмасига бўлинади ва 100га кўпайтириш йўли билан пенсия ҳисоблашда инобатга олинadиган бир ойлик иш ҳақи миқдори аниқланади. Натижада, якка тартибдаги тадбиркор томонидан бир ой учун тўлаган бир минимал иш ҳақи миқдоридаги бадали $(223\ 000\ \text{сўм} / (15\% + 8\% = 23\%)) * 100 = 969\ 565\ \text{сўм}$ 21 тийинни) пенсия тайинлашда = 969 565 сўм 21 тийин ҳисобида бир ойлик иш ҳақи сифатида қабул қилинади.

Агар тадбирок ҳар ой Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг икки баробарида суғурта бадали тўласа, унда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган бир ойлик иш ҳақи миқдори $969\ 565,21 * 2 = 1\ 939\ 130\ \text{сўм}$ 42 тийин ташкил этади. Бундан кўриниб туридики, республикада тадбиркорларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари тўлиқ ҳимояланган.

Ушбу қарорнинг туб моҳияти ва имкониятлари қуйидагича деб ҳисоблаймиз: биринчидан келажакда юқоридаги тоифа фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини тўлиқ таъминланади; иккинчидан Пенсия жамғармасига суғурта бадал тўловчилар кўламини янада кенгайтиришга имконият яратилди; учинчидан айрим норасмий иш билан банд бўлган фуқароларни расмий секторга жалб қиланади; тўртинчидан аҳолини

бандлигини оширишга яна бир йўналиш ҳисобланади; бешинчидан; Пенсия жамғармаси даромад ва харажатларини янада мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш ва аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, иш билан бўлмаган шахсларнинг пенсия таъминотини таъминлаш мақсадида 2018 йил 26-апрелдаги ПҚ-3680 сонли қарорига асосан 2019 йил 1-январдан бошлаб иш билан банд бўлмаган аҳолини пенсия таъминотига аъзо қилиш учун бир йил учун энг кам ойлик иш хақи миқдориинг 1 баробари миқдорда тўланганда бир йилга иш стадиға олинини белгилаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда ушбу қарор билан иш вақтини ҳисобға олиб бўлмайдиган шахсларнинг ижтимоий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланади десак, муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26-апрелдаги 3680-сонли “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

MILLIY QAYTA SUG‘URTALOVCHI KOMPANIYANI TASHKIL ETISH – SUG‘URTA KOMPANIYASINING MOLIVAVIY BARQARORLIGINI OSHIRISH YO‘NALISHI

Mavrilova N. A.TMI katta o‘qituvchi

O‘zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy hayotida ro‘y berayotgan ijobiy o‘zgarishlar zahirida moliya institutlarining samarali faoliyati salmoqli o‘ringa ega. Ularning safiga keng turdagi sug‘urta xizmatlarini taklif etib aholini ham ijtimoiy, ham moliyaviy jihatdan himoya qilib kelayotgan milliy sug‘urta bozorini kiritish mumkin. Milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlaridan biriga aylanib ulgurgan mazkur sohada ro‘y berayotgan ijobiy o‘zgarishlar undagi mavjud yuqori salohiyat, balki eng avvalo davlat tomonidan ushbu tarmoqni yanada takomillashtirish borasida amalga oshirilayotgan izchil siyosat bilan izohlanadi. Bu borada so‘nggi yillarda mamlakatimizda sug‘urta bozorini yanada isloh qilish borasida qator qonunlar, Prezident farmonlari hamda Hukumat qarorlari qabul qilindi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan 2017 — 2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha qabul qilingan Harakatlar Strategiyasining 3.1. bandi makroiqtisodiy barqarorlikni yanada mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o‘sish sur‘atlarini saqlab qolishga bag‘ishlangan bo‘lib, unda asosiy e‘tibor sug‘urta, lizing va boshqa moliyaviy xizmatlarning hajmini ularning yangi turlarini joriy qilish va sifatini oshirish hisobiga kengaytirish, shuningdek kapitalni jalb qilish hamda korxona, moliyaviy institutlar va aholining erkin resurslarini joylashtirishdagi muqobil manba sifatida fond bozorini rivojlantirishga qaratilgan[1.2].

O‘zbekiston sug‘urta bozorining zamonaviy holati, uning infratuzilmasining rivojlanganlik darajasi mavjud sug‘urta kompaniyalari faoliyatini tartibga solish tizimini takomillashtirishni talab etmoqda. Sug‘urta faoliyatini yanada takomillashtirishdan maqsad sug‘urtalovchilarning kapitallashuvi va moliyaviy barqarorligini oshirish, ularning hududiy tarmoqlarini kengaytirish va sug‘urta tashkilotlarining investitsion jarayonlardagi ishtirokini rag‘batlantirish, shuningdek sug‘urta xizmatlari iste‘molchilarining huquqlarini samarali himoya qilishni ta‘minlashdan iborat. Qayta sug‘urtalash sohasini ham sug‘urta sohasi bilan bir qatorda rivojlantirib, takomillashtirib borish zamon talablariga aylanmoqda.

Qayta sug‘urta qilish operatsiyalarini yuqori saviya va tez vaqtda amalga oshirish uchun birinchi navbatda ikki tomon, ya‘ni qayta sug‘urta qildiruvchi va qayta sug‘urtalovchi o‘rtasida tegishli aloqa o‘rnatilgan bo‘lmog‘i lozim. Chunki qayta sug‘urta qilish

operatsiyalarining muvafaqqiyatli o'tishi tomonlarning bir-birini qanchalik yaxshi bilishi, qanchalik bir-biri to'g'risida ko'p, aniq va aktual ma'lumotga ega ekanligiga bog'liqdir. Shuning uchun sug'urta firibgarligini oldini olish va sug'urta portfellarini barqaror qayta sug'urta qilish himoyasi bilan ta'minlashda sug'urtalovchilar o'rtasida axborot almashinuv vositalari yordamida aloqa o'rnatish katta ahamiyat kasb etadi. Hozirgi kunda amalga oshirilayotgan qayta sug'urtalash operatsiyalarida mamlakatimizda chel eldan qayta sug'urta mukofotlarini qabul qilish darajasi ancha past. Bu jarayonni tez va samarali amalga oshirishni yo'lga qo'yish uchun esa milliy sug'urta kompaniyalari xalqaro bozorda keng ko'lamda hamkorlik ishlarini amalga oshirmog'i lozim. Xalqaro bozorda samarali faoliyat olib borish uchun esa xalqaro reyting tashkilotlari tomonidan berilgan yuqori reyting darajasiga ham ega bo'lish zarur. Jumladan,

- "Moody's Investors Services" (AQSH) reyting agentligi tasnifi bo'yicha "Baa3" dan past bo'lmagan;

- "Standard & Poor's Corporation" (AQSH) reyting agentligi tasnifi bo'yicha "BB+" dan past bo'lmagan;

- "Fitch, Inc" (Buyuk Britaniya) agentligi tasnifi bo'yicha "BB-" dan past bo'lmagan;

- "A.M. Best Company, Inc." (AQSH) reyting agentligi tasnifi bo'yicha "B+" dan past bo'lmagan;

- "Ekspert-RA" (Rossiya Federatsiyasi) reyting agentligi tasnifi bo'yicha "A++" dan past bo'lmagan. Majburiyatlar chet el sug'urta tashkilotlarida qayta sug'urtalanganda, O'zbekiston Respublikasi tashqarisiga qayta sug'urtaga berilgan majburiyatlar hajmi sug'urtalovchining (qayta sug'urtalovchining) har bir alohida sug'urta shartnomasi bo'yicha majburiyatlar hajmining 95 foizidan oshmasligi shart. Shuningdek, o'zida qoldirilgan ulushning eng kam miqdori sug'urtalovchi (qayta sug'urtalovchining) to'lov qobiliyati marjasining haqiqiy miqdorining 5 foizidan ortiq yoki teng bo'lishi shart [2.6].

Amaliyotda qayta sug'urtalash jarayoniga sug'urta asos bo'ladi: agar sug'urtalovchi sug'urtalanuvchidan qiymati bo'yicha juda yirik majburiyatni o'z zimmasiga olsa, unda bu jarayon riskni birlamchi joylashtirish yoki bevosita sug'urta hisoblanadi. Bunda sug'urtalovchi shartnomani rasmiylashtirish chog'idayoq to'lov qobiliyati mazkur riskni qabul qilish uchun etarli emasligini bilgan. Biroq unda riskning ma'lum qismini o'z zimmasida qoldirish, qolgan qismini boshqa sug'urtalovchilarga qayta sug'urta shartnomasi bo'yicha uzatish yoki o'z zimmasida hech narsa qoldirmay barchasini boshqa sug'urtalovchilarga berish imkoniyatiga ega.

Iqtisodchi olim V.K. Rayxer qayta sug'urtaga sug'urta faoliyatining mustaqil ko'rinishi sifatida qaramaydi. Iqtisodiy konsepsiyaga asoslanib shuni ta'kidlash mumkinki, qayta sug'urtada hech qanday yangi sug'urta jamg'armasi yaratilmaydi, faqat mavjud sug'urta jamg'armalari muayyan tartibda bog'lanadi va muvofiqlashtiriladi. Iqtisodiy nuqtai nazardan bayon etilgan V.K. Rayxer fikrlari qayta sug'urtaning iqtisodiy mohiyatiga nisbatan to'la asoslangan, chunki qayta sug'urta operatsiyalarini amalga oshirishda sug'urtalanuvchilar mablag'lari hisobiga qo'shimcha sug'urta jamg'armalari shakllantirilmaydi, faqat yaratilgan va mavjud sug'urta jamg'armasi qayta taqsimlanadi, bunda bu qayta taqsimlash ikki yoki bir qator sug'urta tashkilotlari o'rtasida amalga oshiriladi [4.94]. Shuni ta'kidlash lozimki, qayta sug'urtaning xususiyati qayta sug'urtachi sug'urtalanuvchi bilan iqtisodiy hamda huquqiy munosabatlarga kirishmasligi hisoblanadi - bu birlamchi sug'urtalovchining vazifasidir. Sug'urtalovchi riskni to'la yoki qisman qayta sug'urtaga berish istagi borligi haqida sug'urtalanuvchiga ma'lumot berishga majbur emas.

Qayta sug'urta bo'yicha tuzilgan shartnomaga qaramay, sug'urtalovchi ko'rilishi mumkin bo'lgan zararni to'la hajmda qoplash uchun sug'urtalanuvchi oldida mas'ul hisoblanadi.

Mamlakatimizda qayta sug'urtalash sohasi bo'yicha bir qator ijobiy ishlar amalga oshirilgan bo'lsada, hozirgi kunda qayta sug'urtalash sohasi bo'yicha qonunchilikda ham, amaliyotda ham bir qator muammolar mavjud. Bunday muammolardan biri, qayta sug'urtalash mukofotlaridan olingan daromadlarni ikkiyoqlama soliqqa tortishdir. O'zbekiston Respublikasi va Rossiya Federatsiyasi o'rtasida 1994 yil 2 martda imzolangan "Daromadlarni ikkiyoqlama soliqqa tortishdan qochish to'g'risida"gi bitimga asosan bir davlatda daromad ko'rgan va tegishli soliqni to'lagan shaxs ikkinchi davlatda shu soliqqa tortilishi mumkin emas. Lekin qayta sug'urta qilish operatsiyalari bo'yicha aynan shu masalada muammo yuzaga kelmoqda. Bunda qayta sug'urta qildiruvchi qayta sug'urta qilish mukofotini qayta sug'urtalovchiga uzatgandan keyin, qayta sug'urtalovchi davlatdan tegishli soliq to'langanligini tasdiqlovchi ma'lumotnoma kelib, soliq organlari tomonidan ko'rib chiqilib, qayta sug'urtalash mukofotiga nisbatan foyda solig'i kamaytirilmagunicha asosiy sug'urta mukofotiga nisbatan to'liq soliq to'lashga majbur bo'lmoqdalar. Qayta sug'urta qilish operatsiyalarida qayta sug'urtalash mukofotlarining katta hajmdaligi va ularning asosan valyutada amalga oshirilishini hisobga olsak, sug'urtalovchilarning o'z mablag'larida va xorijiy valyuta rezervlarida vaqtinchalik yo'qotishlarni kuzatish mumkin.

Milliy qayta sug'urta bozorining hozirgi kundagi eng katta muammolaridan biri bu qayta sug'urta mukofotlarining juda katta qismining chetga chiqib ketayotganligidir. Bu holat nafaqat sug'urta sohasiga, balki davlatning pul kredit siyosatiga ham o'z ta'sirini o'tkazmoqda. Chunki boshqa davlatlar bilan amalga oshirilayotgan barcha qayta sug'urtalash operatsiyalari valyutada amalga oshiriladi va bu qayta sug'urta mukofotlari bilan bir qatorda davlatimizdan valyutaning ham chiqib ketishiga olib keladi. Shuni ta'kidlab o'tish joizki, qayta sug'urta qilish bo'yicha absolyut ko'rsatkichlarning o'sishi sug'urta bozoridagi qayta sug'urta qilish operatsiyalari hajmi ulushining o'sishini bildirmaydi. Bu o'sish faqatgina milliy sug'urta bozoridagi sug'urta mukofotlarining umumiy o'sishi bilangina bog'liqdir. Milliy sug'urta kompaniyalari qayta sug'urtalashni katta hajmda xorijiy kompaniyalar bilan amalga oshirishiga sabab mamlakatimizda qayta sug'urtaga katta hajmdagi risklarni qabul qila oluvchi kompaniyalarning juda kamligi, asosiysi esa qayta sug'urtaga ixtisoslashgan sug'urta tashkilotining mavjud emasligidir [3.63]. Bugungi kunda milliy sug'urta bozorida o'z yo'nalishiga qo'shimcha ravishda qayta sug'urta operatsiyalari bilan shug'ullanayotgan tashkilotlar soni tobora ortmoqda. Bu esa, mamlakatimiz qayta sug'urtalovchi kompaniyalari yana bittaga ko'paygani va qayta sug'urta mukofotlarini mamlakatimizda olib qolish imkoniyatlarini yanada kengaytiradi.

Milliy qayta sug'urtalash kompaniyasini (MQSK) yaratish ikki xil yo'l bilan amalga oshirilishi mumkin. Birinchisi davlat kompaniyasi shaklida, ikkinchisi esa xususiy tarzda. Eng ma'quli davlatga tegishli milliy qayta sug'urta kompaniyasini yaratishdir.

Iqtisodchi olimlar hamda ekspertlarning fikricha, sug'urta bozorining rivojlanishi davlatning zimmasidagi katta moliyaviy yukni uni sug'urtalovchilar zimmasiga yuklash orqali yengillatish imkonini beradi, demak davlat qayta sug'urta tashkilotining yaratilishi risklarni to'laligicha sug'urta bozori zimmasiga topshirishni nazarda tutadi. Chet el tajribasi shuni ko'rsatadiki, davlat qayta sug'urtalash kompaniyasini yaratish bozor iqtisodiyoti mexanizmlari tamoyillarini rad etish emas, balki iqtisodiyotning sug'urta sohasidagi xususiy-davlat hamkorligi shakllaridan biri bo'lgan milliy sug'urta tarmog'ini barqaror rivojlantirish masalalarini hal etishga qaratilgan.

Shunday qilib, milliy qayta sug'urta kompaniyasi quyidagilarga imkon beradi:

- sug'urta bozorining barqaror rivojlanishini kafolatlash;
- sug'urta bozorining umumiy hajmini oshirish;
- mamlakatni sotib oluvchidan qayta sug'urta operatsiyalari sotuvchisiga aylantirish va xalqaro qayta sug'urta kanallari orqali valyuta oqimi kamaytirish;

- barcha sug'urtalovchilar uchun majburiy sug'urta bilan shug'uullanish imkonini berish, sug'urta sohasidagi raqobatni rivojlantirish, sug'urtalovchilarning kapitallashuvini oshirish, ular tomonidan taqdim etiladigan xizmatlarning ro'yxatini kengaytirish va sifatini oshirish asnosida O'zbekistonda sug'urta tarmog'ining rivojlanishidagi haqiqiy bozor tendentsiyalarini mustahkamlash;

- majburiy sug'urta sohasida davlatning fuqarolarga ijtimoiy kafolatlarini berish mexanizmi bo'lib xizmat qilish;

- korxonalarning fuqarolik javobgarligi riskini qayta sug'urtalashni kafolatlash;

- aholining sug'urta bozoriga ishonchini mustahkamlashga hissa qo'shadi.

Bundan tashqari, milliy qayta sug'urtalash kompaniyasini tashkil etish shubhasiz iqtisodiyotning sug'urta sohasidagi davlatning rolini kuchaytiradi, shu bilan birga istiqbolda davlat va jamoatchilik manfaatlariga qaratilgan milliy sug'urta bozorini barqaror rivojlantirish vazifasini hal qilish imkonini beradi.

Xulosa qilib aytganda, O'zbekistonda sug'urta tizimini keng isloh qilish, sug'urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligini ta'minlash, shuningdek potensial sug'urtalanuvchilarning talabini to'laqonli va tez sur'atlarda qondirish milliy qayta sug'urta tashkilotini yaratishni taqozo etadi.

Adabiyotlar

1. 2017–2021 yillarda O'zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi. 2017 yil 7 fevraldagi O'zbekiston Prezidentining 4947-sonli Farmoni. 2-bet.

2. "Sug'urtalovchilar va qayta sug'urtalovchilarning to'lov qobiliyati to'g'risida"gi Nizom. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirining 41-son buyrug'i. 2008 yil 22 aprel. 6-bet

3. Shennaev X.M. O'zbekiston sug'urta bozori. O'quv qo'llanma. - T.: 2013 y. 63-bet

4. Райхер В.К. Страхование. Учебное пособие. - М.: Форум, 2008. стр. 94

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТАНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

*Максудова У. ТМИ "Суғурта ва пенсия иши"
кафедраси ўқитувчиси*

Ўзбекистон аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бораётган мамлакатлар каторига киради. Таҳлилларга кўра 2035 йилга бориб мамлакатимиз нуфузи 45 миллионга яқинлашиши мумкин. Демак, одамларнинг турмуш фаровонлиги, айниқса, саломатлигини таъминлаш жуда муҳим масала бўлиб қолаверади. Шу боис сўнгги икки йилда мамлакатимизда тиббиёт тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга киришилди.

Фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этиш Тошкентдан тортиб Орол бўйигача бўлган ҳудудларда яшовчи аҳоли қатламларининг барчасига бирдек сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яратиш жаҳон талабларига мос миллий соғлиқни сақлаш тизимини жорий этиш учун соҳани янада такомиллаштириш зарурати муҳим масала бўлиб турибди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони айнан ушбу вазифаларни яъни замонавий соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишни назарда тутди.

Дунёда тиббий суғуртани бир неча моделлари мавжуд бўлиб, улар ривожланиш, янги шароитга мослашиш орқали ўзини турли шакллари амалга оширади. Мажбурий тиббий суғурта чет эл давлатларида фуқаролар мажбурий тўлови ва қисман давлат маблағлари ҳисобидан ташкил топади. Мазкур фондлар ҳисобидан тиббий хизматлар тўлаб берилади. Кўп ҳолларда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш турли элементларни қўшиш, у ёки бу шаклни устуворлиги ҳисобига ошиб боради. Мажбурий тиббий суғурта (МТС) тизими кўп тармоқли бўлиб, унинг тармоқларига сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни қамраб

олувчи йирик тизимлар киради, ҳар бир модел бир неча шакл турларига эга булиши, МТС тизимига кирувчи молиявий ҳамкорлик тизимини турига боғлиқ, улар орасидаги алоқа хусусиятлари борлиги, давлат сиёсатида МТС ни амалга ошириш тизимни таъсирини таъминлайди. Ҳар бир МТС тизимини асоси молиявий воситаларни ҳаракат тартиби суғурталанувчи томонидан унга кўрсатилган тиббий ёрдамни суғурта ҳолати юзага келганда, тиббиёт муассасаси ҳаражатларни қоплашдан иборат.

Ҳозирги вақтда мавжуд соғлиқни сақлаш тизимини учта асосий турларга бўлиш мумкин:

- пуллик тиббиёт, бозор қонун қоидаларига асосланган, хусусий тиббий суғуртага асосланади;
- бюджет ҳисобига молиялаштирилган давлат тиббиёти;
- ижтимоий суғурта қонун-қоидаларига асосланган тизим ва кўп тармоқли молиялаштириш тизимли бозорни бошқариш.

Чет мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш манбаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- давлат манбалари ва маҳаллий бюджет ;
- умуммажбурий давлат ижтимоий тиббий суғурта фонди;
- хайр-саховат бадаллари ва юридик ва жисмоний шахсларнинг хайриялари ;
- ҳудудий бирлашмалар жамғарма фондлари воситалари ва хайр-саховат манбалари;
- пуллик тиббиёт хизмат орқали тушган пуллар ҳисобига;
- қонун билан тақиқланмаган, бошқа манбалар.

Дунёдаги соғлиқни сақлаш тизимини таҳлил қила туриб айтиш мумкинки мажбурий тиббий суғурта тизими кўпгина мамлакатларда умумий белгиларга ва фарқларга эга.

Буюк Британия, Швеция, Дания, Италия ва Ирландияда мажбурий соғлиқни сақлаш тизими давлатнинг ижтимоий сиёсатининг асосий йуналиши бўлиб, тўловларида давлат ҳокимият органлари мамлакатдаги тиббиёт ва суғурта ташкилотлари фаолиятини назорат қилади. Бундай тизимлар мажбурий тиббий суғурта асосида амалга оширилиб, ўз моҳиятига кўра “Беверидж” моделига яқин ҳисобланади.

“Беверидж” модели фуқароларни юқори ижтимоий ҳимоясини таъминлаб, улар бепул тиббий ёрдам олишларини кафолатлайди, уни молиялаштириш тўлиқ давлат бюджетидан амалга оширилади ва бошқарув вертикали бўйича юқоридан пастга қараб тақсимланади.

Буюк Британия давлати соғлиқни сақлаш тизими тиббий ёрдам бўйича энг кам ҳаржат қилишда юқори таъсирга эга. Соғлиқни сақлаш тизимидаги умумий ҳаражатлар учун солиқдан тушган маблағлар 85%, ижтимоий суғуртадан тахминан 10% , қолган 5% маблағлар беморлар томонидан дори қўғозлари, кузойнақлар ва тиш шифокорлари ёрдамидан тушади. Бироқ ушбу тизимда монополизм белгиларини ҳам кўриши мумкин, беморлар ҳуқуқларини менсимаслик, шифокорни ва даволаш муассасасини танлаш имкониятининг йуклиги. Шу муносабат билан давлат шерикчилигини ташкил этиш йўли орқали ислохот ўтказишга уринилади.

Ижтимоий суғурта беморларга хизмат кўрсатишга асосланган тизим ва бозорни бошқариш кўп тармоқли молиялаштириш тизими бирдамлик тизимига асосланган ва ягона қонунчилик билан бошқариладиган бутун ижтимоий суғурта билан чамбарчас боғланган.

Ижтимоий суғурта тизими соғлиқни сақлаш тизимидаги бисмарк ташкилотининг асосий принципларини сақлаб қолган. “Бисмарк андозаси” Германия концлери Отто фон Бисмарк томонидан 1881 йили ташкил этилган бўлиб, Германия, Австрия, Бельгия, Голландия, Швеция ва Марказий ва Шарқий Европани бошқа мамлакатларида кенг оммалашган. Молиялаштириш консалидация (иктисодиётда давлат қарз мажбуриятларини узоқ муддатли ёки муддатсиз амалга ошириш) манбалари йули орқали амалга оширилади: мажбурий тиббий суғурта (МТС), ихтиёрий тиббий суғурта (ИТС), солиқлар ҳисобига тушадиган давлат маблағлари ва фуқароларнинг шахсий маблағлари ҳисобига.

Ўз навбатида МТС маблағлари, давлат бюджетидан берилувчи маблағлар ва ишчилар бадаллари ҳисобидан амалга оширилади.

Масалан, Германияда энг ривожланган ижтимоий тиббий суғурталаш тизимларидан бири амал қилади. У Европада 1883 йил Бисмарк томондан жорий қилинган ва ҳозирги пайтда ҳам амал қилиб аҳолининг 90% га яқинини қамраб олган (8% - хусусий тиббий суғурталаш билан қамраб олинган ва 2% кам таъминланганлар учун давлат тўлайди). Мазкур тизим барча суғурта қилинган шахслар учун касалликка чалинган ҳолларда зарур тиббий ёрдамни таъминлайди. Мажбурий суғурталаш тизими ўз фаолиятини нотижорат суғурта ташкилотлари – касалхона беморлари орқали амалга оширади. Бу ўзини-ўзи бошқарадиган мустақил ташкилотлар бўлиб, уларнинг структураси қонунчилик билан белгиланади. Суғурта бадаллари иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам бир хил бўлиб, суғурта рискига эмас, балки иш ҳақи ҳажмига боғлиқ бўлади, бу эса тизимни нотижорат, ижтимоий тизимга айлантиради. Беморларнинг пул маблағлари давлат, тижорат ва нотижорат муассасаларида тиббий хизматларга пул тўлаш учун фойдаланилади. Тиббиёт амалиёти, асосан хусусий шахслар қўлида мужассам топган ҳолда, тиббий хизматлар кўрсатишда юқори профессионаликни намоиш этади.

Германияда даромади белгиланган миқдордан юқори бўлган немислар давлат тизимида иштирок этмаслиги ва хусусий суғуртани харид қилиши мумкиндир.

Германияда тиббий хизматлар учун етарли даражада ўйлаб топилган нархлар мавжуд бўлиб, молиявий ҳисоблар учун бирлик “очко” ҳисобланади. Очколар ҳисоби хизматга қараб белгиланади. Очколар суммаси ҳар бир хизмат учун барқарор ва тиббий хизмат ва суғурта қатнашчиларига маълум. Бу тизим тезкор равишда нархларни алмаштириш имконини беради.

Ижтимоий суғуртага асосланган тизим ўзида ижобий хизматларни намоён этган тизим ҳисобланиб, аҳоли соғлиғини саққлаш тизимида давлат ва шахсий соғлиқни саққлаш белгиларини бирлаштиради.

Масалан, Бельгияда бошқа мамлакатлардан аввалроқ тиббий хизматни давлат бюджети ҳисобидан тўлаш тажрибаси амалга оширилган. Тиббий суғурта тизими бошқарувини “Касаллик ва ногирнлик миллий олийгоҳи” амалга оширади. Ижтимоий ҳимояни юқори даражаси, давлат тиббий суғуртасини барча қамровлиги, тиббий хизмат сифатидан қониқиш, шахсий суғуртани ривожлантириш заруриятини келтириб чиқарди.

Тиббий суғурта тизимининг французча модели бутун ижтимоий суғурта тизими билан самарали интеграцияланиши билан тавсифланади. Ижтимоий суғурталаш тизимининг йиғирмадан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, жумладан, касаллик бўйича, вақтинчалик ишга лаёқатсизлик бўйича, бахтсиз тасодиф бўйича, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича. Қонунчилик билан тасдиқланган суғурталаш умумий тартибига аҳолининг 80%ини қамраб олади. 90 дан ортиқ суғурта компанияларини ўз ичига олган суғурталаш тизими умуммиллий ташкилот томонидан назорат қилинади. Мамлакат миқёсида ташкил этилган ижтимоий суғурталаш фондлари соғлиқни суғурталаш мажбурий дастурини маҳсулотни амалга оширади.

Молиявий воситаларни тўлдириш мақсадида суғурта солиқларни жорий қилиш йўли билан амалга оширилади, бу фонд ҳажмининг 90%ини ташкил қилади. Давлат мажбурий суғуртаасидан ташқари қўшимча суғурталаш тармоғи ва ижтимоий кўмаклашиш маҳаллий фондлари ҳам мавжуд. Маҳаллий фондлар ҳисобига суғурта қилинмаган французларга тиббий хизматлар кўрсатилиб, уларнинг улуши 2%дан ҳам ошмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тиббий суғурта Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябридаги 413-сонли Қарори билан тасдиқланган “Суғурта фолляти классификаторининг” 2-классига асосан ихтиёрий тартибда амалга оширилмоқда.

Ривожланган давлатлар амалиётидан келиб чиқиб Ўзбекистонда ҳам мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш мақсадида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017 йил 1 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2863-сонли

«Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини кенг кўламда рағбатлантириш тиббий суғурта тизимини кенг жорий этган ҳолда, аҳолига давлат томонидан кўрсатиладиган кафолатли бепул тиббий ёрдам билан бирга, сифатли ва арзон тиббий хизматлардан фойдаланиш учун кўшимча имкониятлар яратадиган пулли тиббий хизматлар бозорини жадал ривожлантириш бўйича ҳукукий асос сифатида хизмат қилиши белгилаб қўйилди.

Шу муносабат билан қарорда тиббий суғурта соҳасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғуртанинг ҳукукий асосларини белгилаш, суғурта полислари бўйича кафолатли юқори сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш, фуқаролар учун тиббий суғурта тизимида иштирок этишда рағбатлантирувчи имтиёз ва преференциялар яратиш ва бошқа масалаларга қаратилган «Тиббий суғурта тўғрисида»ги қонун лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Қарорда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий сектор томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини янада кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. Хусусан, айти пайтгача хусусий тиббиёт муассасаларига 177 турдаги тиббий хизматларнинг атиги 50 тасига рухсат этилган бўлиб, қолганлари тақиқланган эди. Мазкур қарорга биноан, энди уларга тиббий хизматларнинг деярли барча турларини кўрсатишга рухсат берилди.

Рухсат этилган тиббий хизмат турларига эса кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, микрожарроҳлик, онкология, анестезиология ва реаниматология, гельминтология, интервицион кардиология, иммунобиологик ва иммунофермент ташхис қўйиш, қон-томир, торакал ва абдоминал жарроҳлик ва тиббиёт соҳасида талаб юқори бўлган бошқа йўналишлар киритилди.

Ўзбекистон Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда умумий, мажбурий тиббий суғурта тизими жорий этилиши режалаштирилмоқда.

Мазкур қарорда келтирилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида «Тиббий суғурта тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси 2017 йилнинг октябр ойига қадар ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этилди.

Соҳа мутахассислари ва вазирликлар томонидан ишлаб чиқлаётган «Тиббий суғурта тўғрисида»ги янги қонунда, аҳолига тиббий хизматлар кўрсатишнинг янгича тартиби белгиланган бўлади. Хусусан, қонунда қуйидаги ислохотларни тадбиқ қилиш режалаштирилмоқда:

Тиббий суғурта соҳасида фуқаро ва тиббий муассаса орасидаги муносабатлар тартибини белгилаш;

- тиббий суғурта тизими ҳар бир фуқарони қамраб олишини таъминлаш;

- тиббий ва профилактик хизматларга барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқларини белгилаш;

- суғурта полисига асосан юқори сифатлари тиббий хизматни кафолатланган тартибда кўрсатилишини таъминлаш;

- мажбурий тиббий суғурта фонди ташкил қилиш ва имтиёзлар бериш тартибини белгилаш;

- хусусий тиббий муассасалари томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки бугунги кунда умумий мажбурий тиббий суғурта тизими дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида амал қилмоқда. Россияданинг алоҳида ҳудудларида 1996 йилдан бошлаб киртила бошлаган ва 2007 йилда барча ҳудудлари умумий тиббий суғурта тизимига киртилган.

Фойданилган адабиётлар

1. 2017 йил 1 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2863-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

2. Ўзбекистон республикасининг фуқаролик кодекси 52-боб. 914-модда


3. О.Йўлдошев, Ш.Зокирходжаева “Ҳаёт суғуртаси” Ўқув қўлланма 2019 й

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ СУҒУРТА БРОКЕРЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Матиязова С.Р. ТМИ мустақил изланувчиси

Ривожланган мамлакатлар суғурта бозорларида суғурта брокерлари жуда муҳим рол ўйнайди. Корпоратив суғурта сегментида улар суғурта компаниясининг асосий савдо каналларидан бири ҳисобланади. Брокернинг бундай рўли куйидаги ҳолатлар билан чамбарчас боғлиқ, яъни ривожланган суғурта бозорида брокер миқдорнинг номидан иш юритадиган профессионал воситачи ҳисобланади. Юқори рақобатбардош бозорда миқдор яхши ва сифатли суғурта маҳсулотларини қидиради. Миқдорлар суғурта соҳасини тўлиқ билмаганлари сабабли ўзларининг суғурта манфаатларини амалга ошириш учун профессионал суғурта воситачиларини ёнлашни афзал кўрадилар.

Шундай қилиб, суғурта брокерлари орқали суғурта хизматларини кўрсатиш ёки сотиш қандай технологияларга асосланади, энг умумий шаклда брокерлар билан ишлаш технологиялари куйидаги алгоритмни ўз ичига олади.




1-расм. Суғурта компаниясининг брокер билан ишлаш технологияси⁴³⁴

Технологияларни яратишда ва жорий этишда биринчи қадам ушбу технологияларни ташкилий моделини аниқлашдан иборат бўлади. Бундай моделлар икки хил бўлади: марказлашмаган ва марказлашган.

Марказлашмаган модел асосан маҳсулот ёки маҳсулот турларини сотишга қаратилган суғурта компанияларига хосдир.

⁴³⁴ Ўқув адабиётлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди



2-расм. Суғурта компаниясининг брокерлар билан ишланинг марказлашмаган модели⁴³⁵

Кўриб турганимиздек, бундай моделда сотув департаментлари ўз турларидан мустақил брокерлар билан мустақил ишлашади. Бундай компанияларда суғурта брокерлар билан ишлар учун махсус бўлинма йўқ. Одатда ушбу модел кичик ва ўрта суғурта компаниялари ёки ривожланишининг бошланғич босқичида бўлган компаниялар учун хос бўлиб, у ерда брокерлар ёрдамчи савдо канали сифатида қаралади. Табиийки бу модел табиятан содда кўринишда бўлиб ўзида бир қатор камчиликларни намоён этади:

- суғурта компаниясида брокерларнинг ягона маълумотлар базаси йўқ;
- брокерлар билан ишлаш учун ягона стандартлар ва қоидалар мавжуд эмас;
- суғуртанинг турли турлари бўйича брокер турли бўлимларга мурожат қилади ва ҳар хил ходимлар билан ишлайди, бу унинг учун ўзига хос ноқўлайликларни келтириб чиқаради ва унга мижоз билан ишлашни қийинлаштиради;
- сотиш бўлимларидан ташқари брокер андерайтерларга, даъволарни ҳал қилиш бўлимларига, бухгалтерияга ва бошқа бўлимларга мурожат қилишлари лозим бўлади;
- суғурта компаниясида брокерлар билан ишлаш ва улар хизматларидан фойдаланишни ривожлантирадиган янога бўлимнинг йўқлиги.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни ҳисобга олган қўпчилик суғурта компаниялари суғурта брокерлари билан ишлашнинг марказлашган моделини танлашади ва ўзларида суғурта брокерлари билан ишлаш бўлимларини ташкил этишади.



3-расм. Брокерлар билан ишларнинг марказлашган модели⁴³⁶

⁴³⁵ Ўқув адабиётлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

⁴³⁶ Ўқув адабиётлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Бундай модел бугунги кунда муваффақиятли ишламоқда, масалан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва қисман Россия суғурта бозорларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Брокерлар орқали сотишни ташкил этишнинг иккинчи босқичида брокерлар билан брокерлик шартномаларини тузиш ҳисобланади. Ушбу кадам қўйидагиларни ўз ичига олади;

- қўшма бизнес лойиҳалар, бизнес режалар ва шартномалар тайёрлаш;
- брокерлик келишувларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, ўз навбатида мавжудларини узайтириш ва уларни компанияда бўлаётган ўзгаришлардан хабардор қилиб бериш.

Брокерлар билан ишлашда муҳим нарсалардан бири бу уларни суғурта маҳсулотлари билан таништириш, суғурта полислари билан таъминлаш, ходимларни ўқитиш, тариф ставкалари бўйича маълумотларни бериш, суғурта компаниясининг реклама жихозлари билан таъминлаш. Брокерларнинг асосий фаолияти бу суғурта маҳсулотларини сотиш ҳисобланади, шунинг учун брокерлик сотиш технологияларини жорий этишда уларга кўмаклашиш муҳим аҳамият касб этади, жумладан:

- брокер ходимлари учун тренинглар ташкил этиш;
- компания маҳсулотлари бўйича ахборот материалларини тарқатишга ёрдам бериш;
- суғурта турлари бўйича брокерларга маслаҳат бериш, хатолар бўйича ишлашни амалга ошириш;
- суғурталаш учун аризаларни қабул қилиш, брокерларнинг андерайтерлар билан ишлашини таъминлаш;
- суғурта шартномаларини тайёрлаш ва уларга ўзгартиришлар киритиш бўйича бек-офислар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- брокер иштирок этадиган тендерлар учун ҳужжатларни тайёрлашга ёрдам бериш.

Брокер билан ишлаш технологияларининг асосийси суғурта шартномаси имзолагандан кейин бошланади.

Биринчидан, энг муҳими шундаки, мизожлар ва суғурта брокери зарарларни бартаф этишда ўз ҳолига ташлаб қўйилиши керак эмас. Бунда брокерлик бўлими суғурта даъволарни кўриб чиқиш бўлими билан тўғридан-тўғри иш олиб боради ва зараларни бартараф этишда фаол иштирок этади.

Иккинчидан, суғурта компанияси даъволарни кўриб чиқишда жалб этиши мумкин, шунингдек маълум бир миқдоргача даъво ишларини ўзлари кўришлари ва ҳал қилишлари ҳам мумкин. Бунда ҳужжатларини брокерларнинг ўзлари тўплайдилар. Бунда ҳамма нарса суғурта компанияси ва брокерларнинг ўртасидаги иқтисодий муносабатларига, бизнес ҳажмига ишончга боғлиқ бўлади. Биз брокерлик ва суғурта компаниясининг муайян бизнес жараёнларини бирлаштириш ҳақида гапирганда, ҳамкорликнинг бундай шакли узоқ муддатли ва брокерни маълум даражада суғурта компаниясига боғланишини назарда тутамиз.

Суғурта брокерлари билан ишланing кейинги босқичи бу суғурта ишини яъни сотишни тўғри ташкил этиш ҳисобланади.

Брокерлик сотувни амалга оширишнинг энг муҳим босқичи бу брокерларни суғурта компаниясининг корпоратив маданиятига жалб қилишдир. Бундай иш жуда муҳимдир, чунки у брокерларни компанияга мослашишини осонлаштиради ва унда ижтимоий муҳитга мослашиш ҳиссини уйғотади.

Брокерлар билан яхши йўлга қўйилмаган ҳамкорлик яхши самара бермаслиги бу ҳаммага аён. Бундай тор доирадаги ҳамкорликни ўрнатиш учун қўйидагиларни амалга ошириш керак:

Биринчидан суғурта компанияси брокер учун жозибадор компания бўлиши керак. Иккинчидан, брокерларни корпоратив мадиниятга жалб этиш учун тизим яратиш керак.

Бироқ бунда энг муҳими, брокерлар билан қандай тартибда иш олиб борилиши ва компания қанчалик улар хизматидан манфаатдорлиги устун туради.

Юқорида тавсифланган барча технологиялар компаниянинг минтақавий бўлинмаларида муваффақиятли амалага оширилиши учун брокерлар билан ишлашнинг меъёрий базасини, қонун қоидаларини шакллантириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

7. Шапошникова, И.В. Проблемы взаимоотношений страховых организаций со страховыми посредниками/ Наука. – 2014. – № 2. – С. 133-138.

8. Кенжаев.И.Ғ, Матиязова С.Р, Адилова Г.Д “Суғурта махсулотлари сотишни ташкил этиш” Ўқув қўлланма.-Тошкент. -“Иқтисод-Молия” -2018й

9. Шеннаев Х.М. Суғурта агентлари учун қўлланма. Т. Инфо СОМ.УЗ МЧЖ. - 2010 й. 206 б.

РЕФОРМИРОВАНИЕ СТРАХОВОГО РЫНКА УЗБЕКИСТАНА

Мирсадыков М.А. Генеральный директор ООО “Miracle Consulting”

Нурматов У.Т. Заместитель начальника Государственной инспекции по страховому надзору при

Министерство финансов Республики Узбекистан

По итогам первого полугодия 2019 года в Узбекистане осуществляли свою деятельность 25 компаний в отрасли общего страхования и 8 компаний в отрасли страхования жизни. Совокупные страховые премии составили 1253,3 млрд. сум (рост 53% по сравнению с аналогичным периодом прошлого года), совокупные страховые выплаты – 386,6 млрд. сум (рост более чем в два раза за счет развития накопительных видов страхования). При этом убыточность страховой премии по отрасли общего страхования составила менее 10%.

Интеграционный показатель состояния страхового рынка - доля страховых премий в величине ВВП – за последние годы практически стабилизировался и находится на значительно более низком уровне, чем в развитых странах (в интервале 0,3-0,4%%). Для сравнения можно сказать, что в США это отношение составляет 8,6%, в Великобритании — 13,4%, в Германии — 6,5%, во Франции — 8,5%. Во всех этих странах отношение собираемой премии к ВВП постоянно растет.

Подобное состояние интеграционного показателя состояния страхового рынка республики свидетельствует о том, что отечественные страховые компании удовлетворяют имеющийся спрос на страховые услуги и практически не работают над его расширением.

Об этом свидетельствует и другой показатель состояния страхового рынка – проникновение страхования - душевая страховая премия. По итогам 2018 года душевая страховая премия за год составила порядка 4 долл. США, в Швейцарии этот показатель составляет более 4,5 тысяч долл. США, в США - порядка 3 тысяч долларов. Сложившаяся ситуация объясняется, в основном, недоверием населения. В то же время, эти цифры свидетельствуют о значительном потенциале роста и развития страхового дела в нашей стране.

В целях дальнейшего реформирования и обеспечения динамичного развития национального страхового рынка, внедрения новых востребованных видов страховых услуг, повышения доверия потребителей к страховому рынку, а также в соответствии с Государственной программой по реализации [Стратегии](#) действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития» Президентом Республики

Узбекистан Ш.М.Мирзиёевым подписано [постановление](#) «О мерах по реформированию и обеспечению ускоренного развития страхового рынка Республики Узбекистан». Ключевыми моментами документа являются:

- повышение минимальных размеров уставного капитала страховщиков;
- внедрение электронных полисов;
- новый порядок передачи страховых обязательств в перестрахование иностранным страховым организациям.

Минимальные размеры уставного капитала страховщиков будут повышаться в течение 2020 — 2022 годов будут в зависимости от видов страховой деятельности. Например, для компаний, которые занимаются добровольным страхованием, с 1 июля 2020 года минимальный размер будет 15 млрд сумов, а с 1 июля 2020 года — 20 млрд сумов.

Электронные полисы будут внедряться по отдельным видам страхования. Оформлять их можно будет через мобильные приложения, сайты, инфокиоски. Электронные полисы приравняют к договорам на бумаге. Появиться они должны до 1 января 2020 года.

До передачи страховых обязательств в перестрахование иностранным страховым организациям перестрахователь (перестраховочный брокер) обязан направить оферты по перестрахованию (предложения заключить договоры перестрахования) в размере не менее 50% передаваемых обязательств страховым организациям, имеющим право осуществлять перестраховочную деятельность в Узбекистане.

Кроме того, дорожная карта, утвержденная вышеуказанным постановлением, предусматривает:

- внедрение новых видов и механизмов добровольного пенсионного страхования с учетом передовой зарубежной практики;
- расширение перечня инвестиционных инструментов страховых организаций на рынках ипотеки, лизинга и так далее;
- создание страхового пула, предусматривающего общие условия организации работы страхового пула;
- новые виды страхования (комплексное страхование банковской деятельности, страхование от задержки и отмены авиаперелетов, инвестиционное страхование жизни, накопительное страхование на получение высшего образования ребенка).

Несомненно, вышеуказанное постановление будет способствовать реформированию отечественного страхового рынка, однако недостаточная проработка отдельных положений, как самого постановления, так и отдельных его приложений, может привести к невозможности их полного исполнения.

ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ

*Соатова Н. Б. ТМИ “Халқаро молия-кредит”
кафедраси ўқ.*

Иқтисодий эркинлаштириш жараёни, макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни амалга ошириш молия тизимининг етакчи бўғини ҳисобланган суғурта бозорини ривожлантириш заруриятга айланиб бормокда. Бизга маълумки, суғурта бозорида суғурта бизнесининг жадал ривожланиши кўп сонли суғурта ташкилотларнинг пайдо бўлишига муҳим омил бўлди. Суғурта ташкилотларида суғурта бизнесининг жадал ривожланиши уларнинг молиявий фаолияти билан бевосита боғлиқ.

Молиявий фаолиятнинг асосида молиявий ресурсларни шакллантириш, улардан самарали фойдаланиш ва тегишли инвестиция объектларига йўналтиришдан иборат.

Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари— ташкилотлар ихтиёрида бўлган ва турли характердаги молиявий мажбуриятларни бажа- ришга, кенгайтирилган суғурта хизмат турларининг барқарорлигини таъмин- лашга ва харажатларни қоплашга мўлжалланган пул даромадлари ва тушум- ларидир⁴³⁷.

Суғурта ташкилотлари молиявий ресурслари шаклланишининг асосий хусусиятлари қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

- суғурта муносабатлари иштирокчиларининг рискларини молиялаш- тиришдаги тадбиркорлик фаолиятининг асосий кўриниши;

- суғурта рисклари трансфери асосида суғурта ҳимоясини тақдим этиш учун махсус пул фондларини шакллантириш механизми;

- суғурта ташкилотларининг молиявий аҳволи суғурта рискларига сарфланган маблағлар натижасида зарар етган кўпгина омиллар.

Суғурта ташкилотлари молиявий ресурслари ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар ва қарзга олинган маблағларга бўлинади.

Ўз маблағлари таркибига жамғарма маблағлар, юридик шахслар тўлов- лари ва жамғарма захиралари киради. Жамғарма маблағлар таркибидаги устав капитали суғурта ташкилотлари таъсисчилари тўловлари ҳисобидан суғурта ташкилотларини ташкил этишда шаклланади. Суғуртаташкилотла- рининг устав капитали минимал миқдорига талаблар вақти-вақти билан суғурта назорати органлари томонидан қайта кўриб чиқилади. Бу жаҳон суғурта бозорида юзага келадиган вазиятларга мувофиқ келиши, шунингдек суғурта объектлари қийматининг ўсиши муаммолари, суғурта ходисалар юз бериш эҳтимоли ва уларнинг таъсир даражаси ўсиббораётганлиги билан боғлиқ бўлади⁴³⁸.

Суғуртанинг иқтисодий моҳияти суғурта ходисалари рўй берганда суғурта қопламаларини амалга ошириш учун махсус фондларни шакллантириш ва улардан фойдаланишдан иборатдир.

Суғурта ташкилотларининг даромадлари – Бу барча рухсат этилган суғурта турлари бўйича суғурта фаолияти, инвестиция фаолияти , шунингдек суғурта фаолиятини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ва қонунда таъқиқланмаган бошқа фаолиятлардан олинган даромадлардан ташкил топади.

Суғурта ташкилотлари даромадлари 3 гуруҳга бўлиш мумкин⁴³⁹:

- суғурта фаолиятдан олинган даромадлар;

- суғурта фаолияти билан боғлиқ фаолиятдан олинган даромадлар;

- бошқа фаолиятлардан олинган даромадлар.

Суғурта фаолияти билан боғлиқ бошқа фаолиятдан олинган даромадларга қуйидаги даромадлар киради:

- қайта суғуртага қабул қилинган суғурт ашартномалари бўйича депо мукофотларига ҳисобланган фоиз суммалари;

- суғурта захираларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

- суғурта ходисасининг содир бўлишида айбдор ҳисобланган шахслардан зарарларни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш орқали олинган маблағлар;

- ҳисобот даврларига ажратилган суғурта захираларининг қайтим суммалари.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири бўлган суғурта бозорини ривожлантириш суғурта ташкилотлари молиявий ресурсларининг шаклланишини самарали бошқариш ҳамда улардан унумли

⁴³⁷ ФедороваТ.А. Страхование Учебное пособие: М.: Магистр 2008 с. 899-900

⁴³⁸ФедороваТ.А. Страхование. Учебное пособие.М.: Магистр 2018г. с. 901

⁴³⁹ ФедороваТ.А. Страхование. Учебное пособие.М.: Магистр 2018г. с. 901

фойдаланишни тадқиқ этиш натижалари куйидаги хулосаларни чиқаришимизга асос бўлди:

1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар даврида суғурта фаолиятининг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Бозор инфратузилмасининг таркибий қисми бўлган суғурта фаолиятининг ўзгариши, кўлами ва йўналиши кенгайиб бораётганлиги, уни стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳа сифатида тадқиқ этиш заруратини юзага келтирди.

2. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суғурта фаолиятининг иқтисодий-ҳуқуқий базасининг яратилиши унинг ривожланиши учун объектив шарт-шароит туғдирди. Шунингдек, суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизми яратилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Суғурта фаолияти равнақида Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йиллар давомида суғурта ташкилотлари бўйича қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу амалий чора-тадбирлар, авваламбор аҳолининг суғурта бозорига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилганини алоҳида қайд этиш лозим.

3. Суғурта ташкилотларининг ташкилий-иқтисодий асосларини ўрғаниш шунини кўрсатдики, давлат капитали иштирокидаги ихтисослашган суғурта ташкилотларининг ташкил этилиши суғурта фаолияти ривожига салмоқли ўринга эга бўлди. Аммо, суғурта фаолиятининг янада ривожланиши учун катта имкониятлар мавжудлиги ҳамда сифатли суғурта хизматига бўлган талаб юқори бўлишига қарамадан, бундай талаб тўлалигича қондирилмасдан қолмоқда.

4. Мамлакатимизда суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча соҳаларида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, суғурта соҳасида ҳам чуқур ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, суғурта соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий базаси янада такомиллаштирилди.

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ПЕНСИЯ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Рахмонов Н. М. Ўз. Р. БМА “Пенсия ва суғурта иши”
кафедраси ўқитувчиси*

Пенсия тизимини ислоҳ этиш зурурияти аҳолининг кексايиб бориши жараёнининг жадаллашуви билан бевосита боғлиқдир. Халқаро статистик ҳисоб-китобларга кўра жаҳонда 2050 йилга бориб пенсионерлар сони ўсмирлар сонига нисбатан ошиб кетиши кутилмоқда. Ушбу ҳолат “Авлодлар бирдамлиги” тизимининг самарасизлиги ва ва пенсия тизимларини молиялаштиришнинг янги тамойилларини жорий этиш зарурлигини келтириб чиқаради. Бундан ташқари самарали пенсия ислохотлари ривожланаётган мамлакатлардаги макроиқтисодий ҳолатни тубдан яхшилаш имконини яратиши мумкин.

Пенсия ислохотлари асосида қайта тақсимландиган пенсия тизимидан жамғариладиган пенсия тизимига ўтилади. Қайта тақсимот жараёнларининг бекор қилиниши аҳоли кексايиш босқичларининг пенсия тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсирини юмшатишга олиб келади. Пенсия чиқувчилар томонидан жамғарилган капиталга эҳтиёжнинг йўқлиги сабабли уларни жамғариш, инвестициялашга йўналтириш имконияти пайдо бўлади. Бу эса макроиқтисодий ҳолатнинг яхшиланиши, иқтисодий ўсишга олиб келади. Пенсия тизимининг

ривожланишида ижтимоий ҳимоя тамойилларидан ижтимоий суғурта тамойилларига ўтиш рўй беради.

Дунё амалиётида миллий пенсия тизимларини ислоҳ этишнинг қуйдаги моделлари фарқланади⁴⁴⁰:

❖ **Лотин америка модели** – ишчи, ходимлар пенсия жамғармаларини жамғариш учун индивидуал тартибда бошқарув компаниясини танлашади (индивидуал ҳисоб рақамлар);

❖ **ИХТТ (иқтисодий ҳамкорлик ва тарраққиёт ташиклоти) модели** – пенсия жамғармаларини инвестиция мақсадларида бошқаришни амалга оширувчи компаниялар иш берувчи ёки касаба уюшмаларининг ишончли вакиллари томонидан танланади (касбий схема);

❖ **Швед модели** – пенсия тизимининг биринчи тақсимотга асосланган даражаси шартли жамғариладиган компонент билан тўлдирилади (шартли-жамғариладиган ҳисоб-рақамлар).

Ушбу ҳолат пенсия ислоҳатларини ҳар қандай мамлакатда амалга оширилиши мумкинлиги, аммо мамлакатлардаги мавжуд сиёсий ва иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ислоҳатлар турли шаклларда амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Аргентинадаги мавжуд шарт-шароитлар давлат пенсия тизимини танлаш имконини берган бўлса, Перуда эса давлат пенсия тизими мавжуд эмас. Чили ва Австралиядаги шарт-шароитлар эса Мексика ва Аргентинага нисбатан кўпроқ хусусий пенсия тизимини ривожлантириш имконини берилганлигини кузатиш мумкин. Буюк Британия ва Швейцарияда пенсия тизимининг асосини анъанавий касбий пенсия тизими ташкил этса, Австралия ва Данияда касаба уюшмалари томонидан тузиладиган пенсия мажбуриятлари устуворлик қилади.

Дунё мамлакатларида амалга ошириладиган пенсия ислоҳотлари икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- пенсия тизимига жузъий ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ “косметик” ислоҳатлар
- пенсия тизимини тубдан ислоҳ этиш билан боғлиқ “чуқур” ислоҳатлар.

Пенсия тизимларини ислоҳ этишни баҳолаш кўрсаткичлари⁴⁴¹

Тур	Ислоҳатлар йўналиши	Ўзгартириладиган кўрсаткичлар
“Косметик” ислоҳатлар	Пенсия олиш ҳуқуқини берувчи мезонлар	Пенсия ёши
		Меҳнат стажи
	Бадаллар таркиби	Қамров даражаси
		Бадаллар ставкаси
		Бадал ундириш баъзаси
		Манбаси
		Бадалларни солиққа тортиш
	Тўловлар таркиби	Пенсияни ҳисоблаш формуласи
		Пенсияни ҳисоблаш баъзаси
		Пенсияларни индексациялаш
		Минимал пенсия
		Тўлов шакли
		Тўловларни солиққа тортиш
	Маъмурият	Бошқарув органи
		Инвестиция сиёсати
“Чуқур” ислоҳатлар	Тақсимот тизимидан ўрнатилган бадаллар	Давлат/хусусий сектор
		Минимал пенсия

⁴⁴⁰ Новиков А.А. Особенности эволюции зарубежных пенсионных систем // Мировая экономика и международные отношения. 2016. №5.С.67.

⁴⁴¹ <http://www.ipe.com>, <http://www.pensiondevelopment.org>

	схемасига ўтиш	Бошқа кафолатлар
		Янги тизимга ўтиш
		Ўтиш механизми
	Оддий тақсимот тизимидан шартли-жамғариладиган тизимга ўтиш	Минимал пенсия
		Бошқа кафолатлар
		Янги тизимга ўтиш
		Ўтиш механизми
	“Провидент” фондидан тақсирот тизимига ўтиш	Бадаллар ставкаси
		Пенсияларни ҳисоблаш формуласи
		Пенсияни ҳисоблаш формуласи
		Пенсияни ҳисоблаш баъзаси
		Пенсияларни индексациялаш
		Ўтиш механизми
	Янги тизим	Қамров даражаси
		Бадаллар ставкаси
		Бадал ундириш баъзаси
		Пенсияларни ҳисоблаш формуласи
		Пенсияни ҳисоблаш формуласи
		Пенсияни ҳисоблаш баъзаси
		Пенсияларни индексациялаш
		Ўтиш механизми

“Косметик” ислохотларга амалдаги давлат пенсия тизимга жузъий ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ чора-тадбирлар киради. Ушбу ислохотларнинг мақсади пенсия тизимидаги молиявий муаммоларни бартарф этиш ҳисобланади. Унда пенсия олиш ҳуқуқи, бадаллар таркиби, тўловлар таркиби ва уларни тақдим этиш тартибига ўзгартиришлар киритиш каби тадбирларни қамраб олади.

“Чуқур” пенсия ислохотлари дейилганда, амалдаги пенсия тизимини тубдан ўзгартиришларга олиб келувчи ислохотлар, яъни: ўрнатилган тўловлар схемаси ўрнига ўрнатилган бадаллар схемаси ёки тақсиротга асосланган пенсия тизими ислохотлари тушунилади.

Пенсия ислохотлари дунёнинг аксарият мамлакатларида амалга оширилаётганлигига қарамадан уларнинг тахминан 25%да “чуқур” пенсия ислохотлари ўтказилмоқда. Уларнинг 1/3 қисмида жамғариладиган пенсия тизимидан тақсиротга асосланган пенсия тизимига ўтиш ёки янги тақсиротга асосланган пенсия схемаларини жорий этиш амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган ислохотларнинг заминидан пенсионерларнинг муносиб турмуш тарзини таъминловчи пенсия ва нафақалар етказиб беришдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистонда “Давлат пенсия таъминоти тизимини ислох этиш концепцияси” лойиҳаси http://pfu.uz/uz_Cyrl/page/518/davlat-pensiya-taminoti-tizimini-islo-etish-konceptsiyasi-loyiasi.
2. Вахобов А.В. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсия тизимини модернизациялаш истиқболлари / “пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: Университет, 2014. Б.28-38.
3. Маргулян Я.А. социальная политика: Учебник. Санкт-Петербург, 2011. 236 с.
4. Ehrenberg, Ronald G. Modern labor economics: theory and public policy / Ehrenberg, Ronald G., Robert S. Smith. Eleventh ed. USA, 2012, 682 p.
5. www.oecd.org

СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ – ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ниязметов И.М. БМА иқтисодиёт фанлари доктори

Солиқ тизимининг барқарорлиги иқтисодиёт ривожини учун жуда муҳим. Чунки, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини маълум бир даврга режалаштира олса, ривожланиш стратегиясини туза олсагина мамлакат иқтисодиётида ўсиш бўлади. Бунинг учун фирмалар тўлақонли бизнес-режа тузишлари керак. Тадбиркорлик субъектларининг бизнес-режаси эса давлатнинг солиқ сиёсати билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, солиқлар товар ёки хизмат қийматида салмоқли улушга эга бўлиб, ҳар қандай бизнес субъектининг ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятида муҳим элемент ҳисобланади. Ўзгарувчан солиқлар шароитида фирмалар ўз фаолиятини фақат қисқа муддатгагина режалаштиришлари мумкин.

Солиқ тизимининг барқарор бўлиши лозимлиги тўғрисида бундан ҳатто уч ярим аср олдин В.Петти тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдирган: "...кутилмаган кўшимчаларсиз, барча солиқ ва йиғимлар юкининг ҳажми олдиндан маълум бўлган мамлакат ҳақиқатдан ҳам омадлидир. Бундай ҳолатда, нафақат ернинг мулкдори, балки унинг еридан олинган битта сабзавотни ейдиган ёки мазкур ердан озиқланувчи қосибнинг хизматидан фойдаланадиган ҳар қандай одам солиқ тўлайди"⁴⁴². Классик олимнинг бу фикрларидан кўриниб турибдики, солиқ тизимининг барқарор ва ўзгармас бўлиши хўжалик субъектлари томонидан солиқларни ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятини тўғри режалаштириш имкониятини беради.

Демак, мамлакатда хусусий тадбиркорлик ва бизнес ривожланиши учун тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини камида ўрта муддатли даврга режалаштира олиши ва ривожланишининг истикболини аввалдан билишига имконият яратадиган даражада солиқ тизими барқарор бўлиши зарур. Бирок, Ўзбекистонда айнан шу нарсага нечи йилдирки эришиб бўлмаяпти. Аксинча, ўнлаб йиллар мобайнида солиқ қонунчилиги тинимсиз ўзгариб келмоқда. Бунда табиий савол туғилади: Нега мамлакат солиқ тизими нобарқарор? Нима учун солиқ қонунчилиги доимий ўзгартиришларга муҳтож?

Мантиқан ва дунё мамлакатлари солиқ тизимлари ривожланиши таҳлилидан келиб чиқадиган бўлсак, солиқ тизимининг ўзгаришига қуйидагилар сабаб бўлади:

- давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати ривожланиши (ўзгариши);
- жаҳон иқтисодиётидаги ҳолат ва ўзгаришлар;
- мамлакатда ижтимоий вазиятнинг ёмонлашуви, табиий офатлар ва бошқа ғайриоддий ҳолатларнинг юзага келиши;
- солиқ тизимининг фундаментал принципларга асосланмаган ҳолда институционал жиҳатдан нотўғри тузилганлиги.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати ривожланиши ёки жаҳон иқтисодиётидаги ҳолатларнинг ўзгариши нари борса солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзлари билан боғлиқ ўзгартиришларни талаб қилиши мумкин. Ўзбекистонда шаклланган солиқ амалиётига кўра солиқ ставкалари Солиқ кодексида келтирилмасдан, балки мамлакатнинг ҳар йил қабул қилинадиган фискал акти бўлмиш бюджет параметрларида ўзгартириб борилади. Солиқ имтиёзларига келсак, уларнинг жуда катта қисми Солиқ кодексидан ташқари бошқа солиқ қонунчилиги ҳужжатларида, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорларида келтирилган.

⁴⁴² Антология экономической классики. В 2-х томах. Т. I. (В.Петти, А.Смит, Д.Рикардо) Пред. И.А.Столярова. – М.: МП «ЭКОНОВ», 1991. – С. 28-29.

Солиқ тизимининг ўзгаришига сабаб бўлувчи учинчи омил Ўзбекистон солиқ тизимидаги нобарқарорликка сабаб бўла олмайди. Чунки, мамлакатимизда ижтимоий вазият ҳам барқарор, давлат бюджетига даромадларни кескин кўпайтиришни талаб қиладиган даражада табиий офатлар ёки бошқа ғайри оддий ҳолатлар ҳам юзага келмаган.

Демак, мамлакат солиқ қонунчилигининг тинимсиз ўзгаришига сабаб солиқ тизимининг назарий фундаментал талабларга асосланган ҳолда тузилмаганлигидир.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, солиқ тизимининг барқарорлиги иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бунда солиқ қонунчилиги бизнес субъектларининг ўз фаолиятини ўрта ва узоқ муддатли истиқболга режалаштира оладиган даражада ўзгармас бўлиши тақозо этилади. Иқтисодий тараққий этган мамлакатлар, хусусан, Европа Иттифоқи, АҚШ, Канада, Япония, Швейцария, шунингдек, жадал ривожланиб бораётган Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа кўплаб давлатлар тажрибаси кўрсатдики, уларда солиқ тизимининг асосий элементлари нисбатан барқарор бўлиб келган⁴⁴³.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, солиқ тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим талабларидан бири солиққа тортиш механизмларининг барча жараёнларга нисбатан қайишқоқ ва вазиятга мослашувчан бўлишидир. Бунинг учун аввало солиқ тизимининг “стабилизатор”лари тўғри ўрнатилган бўлиши керак. Бундай элементларга солиққа тортилмайдиган минимумлар, прогрессив, регрессив ва табақалашган ставкалар кирилади. Бу каби фискал “стабилизатор”лар солиқ объектлари, солиқ солиш базалари ва солиқ ставкаларининг солиқ тўловчилар учун уларнинг фаолияти, ҳатти-ҳаркати ва шарт-шароитга қараб автоматик мослашувини таъминлайди.

ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА МАҚСАДЛИ ВА МАНЗИЛЛИ ЕТКАЗИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Норов А. О. БМА тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони билан аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қуйидагиларни назарда тутадиган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.

Ҳаракатлар стратегияси дастури доирасида белгиланган барча чора-тадбирларни амалга оширишга 37,7 трлн. сўм ва 8,3 млрд. АҚШ доллари ажратилган. Ушбу ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ стратегиянинг 4-йўналиш ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган бўлиб, унда бешта асосий йўналишлар бўйича бир қанча вазифалар келтириб ўтилган.

Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 39-модда).

Дарҳақиқат, юртимизда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилар экан бунда давлат пенсия таъминоти тизими юқори аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси жами аҳолисининг қарийб 10 фоиздан ортиғини пенсионерлар ташкил этади. Шундай экан мазкур тизимни маблағ билан таъминлаш, унинг молиявий ресурсларини тўғри ва аниқ

⁴⁴³OECD Work on Taxation 2016-17. Centre for Tax Policy and Administration / www.oecd.org/tax/; Fiscal Policy and Growth in Developing Asia / ADB Economics Working Paper Series. No. 412, 2014.

шакллантириш, ундан самарали фойдаланиш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаб уларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2753-сон “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан 2017 йил феврал ойидан бошлаб барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда берилиши белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги ПҚ-2826-сон “Пенсия ва нафақалар тўлови механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, 2017 йил июль ойидан бошлаб пенсия ва нафақа тўловлари республиканинг барча ҳудудида Халқ банки тизими орқали маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа маъмурий биноларда амалга оширилиши белгилаб берилди.

Ушбу қарорлар ижроси юзасидан Пенсия жамғармаси томонидан тўлов қайдномалари ойнинг 1-3 санасига қадар Халқ банкининг тегишли филиалларига етказиб берилмоқда ҳамда фуқароларнинг яшаш манзили бўйича маҳалла фуқароларни йиғинларида Халқ банкининг сайёр кассалари томонидан ҳар ойнинг 27 санасига қадар тўлаб берилмоқда.

Шунингдек, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, мазкур тўловлар учун зарур маблағлар жамғарма томонидан тўлов ойининг 15-санасига қадар тўлиқ молиялаштирилиши таъминланмоқда.

Бундан ташқари, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, мустақил ҳаракатланиши имконияти мавжуд бўлмаган фуқароларга пенсия ва нафақалар бевосита уларнинг яшаш манзилига етказиб берилади.

Бугунги кунда, пенсия ва нафақа тўлови жараёнини тезлаштириш, тизимни шаффофлигини таъминлаш ҳамда инсон омилини куамайтириш мақсадида Пенсия жамғармаси ва “Халқ банки” ўртасида электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилган бўлиб, қоғоз шаклидаги маълумот алмашинуvidан буткил воз кечилди.

Пенсия ва нафақаларни тўлиқ ва тўғри етказилганлиги бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида жамғарма томонидан “СМС-Пенсия” хизмати амалиётга жорий қилинган. Халқ банки ходими фуқарога пенсия ва нафақани тўланганлигини қайд этган заҳоти пенсионернинг телефонида бу тўғрисида СМС хабар келиб тушади. Бу эса, пенсия маблағларини ўзлаштирилиши ёки асосиз чегириб қолинишини ўз вақтида аниқлаш имкониятини яратмоқда.

Юқоридаги ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида, фуқароларнинг мурожаатлари учун Пенсия жамғармаси ва “Халқ банки” идораларида қисқа рақамли “1106” ёки “1140” Ишонч телефонлари фаолияти йўлга қўйилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 9 сентябрдаги №938-ХII “Фуқароларни Давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси”, 1993 йил, 9-сон, 338-модда
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2753-сон “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги ПҚ-2826-сон “Пенсия ва нафақалар тўлови механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.
6. Зиядуллаев М.Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини бошқариш ва такомиллаштириш масалалари. Монография. – Т. – «Turon-matbaa», 2018й.

БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Ахунов О. БМА тингловчиси

Жамият тараққиёти инсонлар ҳаётидаги шахсий ва жамоавий эҳтиёжларни тўла қондирилиши ҳамда турмуш кечириш даражасининг яхшиланишида намоён бўлади. Шунингдек, аҳолининг меҳнат лаёқотини йўқотганида ёки кексалик чоғидаги турмуш даражасини яхшилашга ва уларни камбағалликдан ҳимоялашда пенсия таъминоти тизими энг муҳим ижтимоий ҳимоя институтларидан бири сифатида хизмат қилади. Хусусан, пенсия таъминоти тизимининг самарали фаолият кўрсатиши мамлакатнинг ижтимоий фаровонлиги даражасини оширишга бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам давлат пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаасосий устувор йўналишларидан бири сифатида аҳолининг кучли ижтимоий ҳимояси эътироф этилганлиги – “... пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш”⁴⁴⁴, “*Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили*”да ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган аҳолининг ижтимоий ҳимоясига аълоҳида эътибор қаратилиб, 2019 йил 1 январидан бошлаб болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга, улар пенсия ёшига тўлгандан сўнг, агар уларда пенсия тайинлаш учун зарур стаж бўлмаса, ижтимоий нафақа тўланиши белгилаб қўйилиши, давлатимизнинг ижтимоий ҳимоя соҳадаги олиб бораётган амалий ишларининг янада ривожланишида ҳамда мамлакатимиз пенсия тизимини барқарорлаштиришда муҳим ўрин тутди⁴⁴⁵.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат пенсия тизимининг мавжудлиги ва унинг амал қилиши мақсадли аниқ йўналтирилган маблағларнинг самарали сарфланиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси прогноз маълумотларига кўра, мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимида ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадали ставкаларини оптималлаштириш юзасидан амалга оширилган ислохотлар натижасида 2019 йилда 4.5 триллион атрофида пенсия жамғармасида харажатларни қоплаш учун дефицит юзага келиши хавфи кутилмоқда⁴⁴⁶. Мамлакатимиз солиқ тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида аҳоли даромадларидан олинadиган солиқ ставкасининг сезиларли даражада пасайтирилиб 12 фоиз даражасида белгиланиши аҳоли даромадларининг ошиб боришига ва иш ҳақининг сезиларли даражада кўтарилишига имконият туғдиради, пировардида эса Пенсия жамғармасига қамров даражасининг кенгайишига ва ягона ижтимоий тўлов улуши ошиши ҳисобига кутилаётган дефицит миқдорининг қопланишига хизмат қилади.

Шунингдек, бугунги кунда Пенсия жамғармаси олдида ечимини топиш зарур

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида ПФ-4947-сонли Фармон, 2017 йил, ҚХТ, 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида, ПФ-5635-сон, Қабул қилинган сана 17.01.2019, Кучга кириш санаси 18.01.2019.

3. Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш Концепцияси лойиҳаси. Интернет маълумотлари: www.pfru.uz.

бўлган долзарб муаммолар юзага келмоқда, хусусан, мамлакатимиз аҳолисининг ўртача умр кўриш ёшининг муттасил ўсиб бораётганлиги, Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлови қамровининг пастлиги, иқтисодий фаол аҳолининг бор йўғи 30 фоизи атрофида суғурта бадали қамровига жалб қилинганлиги, чет элда ишловчи ва ўз меҳнат фаолияти билан банд бўлган аҳолини суғурта бадали тўловига жалб қилиш механизмларининг такомиллашмаганлиги, аҳолининг Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўловини рағбатлантирувчи кучли бозор иқтисодиётига мос келувчи, бошқача қилиб айтганда инфляцион босимга бардошли молиявий механизмларнинг мавжуд эмаслиги каби ҳолатлар Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигига жиддий хавф туғдиради.

Шунинг учун ҳам, ишловчилар ҳисобидан тўланадиган суғурта бадали тўлови ўрнини қопловчи ихтиёрий суғурта бадалини рағбатлантирувчи молиявий механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантиришда ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалига боғлиқликни камайтириш учун қўшимча даромад манбаи сифатида жамғарма маблағларининг инвестицион фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий-молиявий механизмларини ишлаб чиқиш каби долзарб масаларнинг оқилона ечимини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланишда куйидаги муаммолар мавжудлигини инкор этишимиз қийин: Пенсия фондида сақланадиган маблағлар инфляциядан етарлича ҳимояланмаганлиги; фонддаги маблағлар молиявий менежмент нуктаи назаридан самарасиз бошқарилиши; фонд маблағлари ўзи учун даромад манбаи бўлган ишчи ўринларини яратишда иштирок этмаслиги; фонд амалиёти ихтиёрий равишда суғурта бадали тўланишини етарлича рағбатлантирмаслиги.

Юқорида келтириб ўтилган фикр ва мулоҳазаларимиздан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз фуқароларининг кексалик чоғидаги асосий даромад манбаини таъминловчи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг фаолиятини ривожлантириш ва унинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда жамғарма маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- аҳолининг Пенсия жамғармасидаги қўйилмаларини инфляцион босимдан сақлаш;
- пенсия миқдорини тобора ошириб боришнинг суғурта бадали тушумларига боғланмаган мустақил манбасини яратиш;
- аҳолининг ихтиёрий суғурта бадали тўловларини рағбатлантириш асосида суғурта бадали тўловчилар қамровини кенгайтириш;
- Пенсия жамғармаси активларини бошқариш самарадорлигини ошириш;
- Пенсия жамғармасининг даромад манбаи бўлган янги ишчи ўринларини яратиш.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бозоров Р.Ҳ. – БМА таянч докторанти

Халқаро амалиётда, миллий банк тизимининг барқарорлигини баҳолашда, асосан, Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган банк назоратига оид меъёрий-услубий ишланмалардан, CAMELS рейтинг тизимидан ва халқаро рейтинг агентликлари (Стандарт энд Пурс, Мудис, Фитч Рейтинге) томонидан ишлаб чиқилган методологик ишланмалардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

CAMELS рейтинг тизими АҚШ Федерал захира тизими, Депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси ва Пул муомаласи назоратчиси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, олтита элементдан иборат: капиталнинг етарлилиги, активларнинг сифати, менежментнинг самарадорлиги, даромадлилик, ликвидлилик, бозор рискларига таъсирчанлик.

Шуниси характерлики, CAMELS рейтинг тизимида капиталнинг етарлилигини баҳолашда Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган методикадан фойдаланилади.

CAMELS рейтинг тизимида капиталнинг етарлилиги 5 баллик шкала бўйича баҳоланади.

CAMELS рейтинг тизимида тижорат банклари активларининг сифатини баҳолашда асосий кўрсаткич бўлиб, активларнинг умумий рискени капиталга нисбати кўрсаткичи ҳисобланади.

Мазкур тизимда банк активларининг умумий риски қуйидагича аниқланади:

$$\text{АУР} = \text{СА} \times 0,2 + \text{ША} \times 0,5 + \text{УА} \times 1,0 \quad (1.1)$$

Бу ерда:

АУР – активларнинг умумий риски;

СА – субстандарт активлар;

ША – шубҳали активлар;

УА – умидсиз активлар.

Активларнинг умумий рискени банк капиталига нисбати кўрсаткичи 5 баллик шкала бўйича баҳоланади (1-жадвалга қаранг).

Тижорат банки активларининг сифатини CAMELS рейтинг тизими бўйича баҳолаш

Рейтинг	Кўрсаткичнинг даражаси, %
1	5 гача
2	5 дан 15 гача
3	15 дан 30 гача
4	30 дан 50 гача
5	50 дан юқори

Жадвал маълумотлари кўрсатадики, энг яхши банк деб ҳисобланадиган ва 1 рейтинг балига эга бўлган банкда активларнинг умумий рискининг даражаси капиталга нисбатан 5 фоиздан ошмайди. Аксинча, ушбу кўрсаткичнинг даражаси энг ёмон банклар учун 50 фоиздан юқори бўлади.

CAMELS рейтинг тизимида депозитларнинг етарлилигини баҳолашга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун қуйидаги методикадан фойдаланилади:

$$\text{БДЕ} = (\text{ДБҚ} : \text{ЯД}) \times 100\% \quad (1.2)$$

Бу ерда:

БДЕ – банк депозитларининг етарлилиги;

ДБҚ – депозитларнинг барқарор қолдиғи;

ЯД – ялпи депозитлар.

Ушбу кўрсаткичнинг энг паст меъёрий даражаси 75 фоизни ташкил этади.

Депозитларнинг барқарор қолдиғи қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{ДБҚ} = \text{МД} + \text{ЖД} + \text{ТҚОДБҚ} \quad (1.3)$$

Бу ерда:

ДБҚ – депозитларнинг барқарор қолдиғи;

МД – муддатли депозитлар;

ЖД – жамғарма депозитлар;

ТҚОДБҚ – талаб қилиб олинадиган депозитларнинг барқарор қолдиғи.

CAMELS рейтинг тизимида тижорат банкларининг ликвидлилигини баҳолашга ҳам катта эътибор берилади. Аммо ликвидлилик кўрсаткичларининг меъёрий даражаларидан фойдаланилмайди, балки ликвидлиликни баҳолаш тўлиқ тенденцияларни ўрганиш натижасида шакллантирилган хулосаларга асосланади. Масалан, ликвидли активлар ҳажми катта бўлган ва ташқи манбалардан фойдаланиш имкони бўлган банкларга 1 рейтинг берилади. Ликвидлилик даражаси пасаяётган ва

жалб қилинган маблағлари ҳажми ошиб бораётган банкларга 2 рейтинг берилади. Ликвидли активлари жорий мажбуриятларни қоплашга етмайдиган банкларга энг сўнгги, яъни 5 рейтинг баҳоси берилади.

CAMELS рейтинг тизимида менежмент энг охирида баҳоланади. Чунки, банкни бошқариш сифати банкнинг ликвидлилиги ва даромадлилигида, активларнинг сифатида, капиталнинг етарлилигида ўз аксини топади.

1997 йилнинг 1 январидан бошлаб, CAMEL рейтинг тизимида S элементи киритилди. Бу янги элемент бозор рискларининг тижорат банкининг капитали ва фойдасига таъсирини баҳолаш имконини беради. Ушбу элементнинг жорий этилиши АҚШ банклари фаолиятида бозор rischi даражасини ошиб борганлиги билан изоҳланади.

CAMEL рейтинг тизимининг узоқ вақт фаолият юритиши ҳамда бошқа давлатлар томонидан кенг қўлланилишини таъминловчи хусусиятлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мавжуд ҳолатни аниқ баҳолаш, тасвирлаш ҳамда асосий элементларга аниқлик киритиш;
- молиявий барқарорликни белгиловчи асосий компонентлар мавжудлиги, яъни капитал, активлар сифати, менежмент даражаси, даромадлик даражаси, ликвидлик ва рискларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;
- банк молиявий барқарорлик ҳолатини кўрсатиб турувчи ҳар бир кўрсаткични аниқлаш;
- барқарорликка таъсир кўрсатувчи омилларни ўзаро текшириш ва уларга баҳо бериш;
- жойларда банк молиявий ҳолатини масофадан туриб таҳлил қилиш натижасида баҳолаш;
- мавжуд таъсир этувчи омиллар ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш учун аналитик маълумотларни қўллаш;
- банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминловчи кўрсаткичлар асосида олинган таҳлиллар бўйича қўлланилган тажрибаларни бошқа банкларга қўллаш;
- асосий компонентларнинг хусусиятларини аниқ ифодалаш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро рейтинг агентликлари фаолиятида қўлланилаётган баҳолаш мезонлари ва меъёрлари тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини ҳар томонлама баҳолаш имконини беради. Чунки, улар бир вақтнинг ўзида бир неча туркумга мансуб бўлган кўрсаткичларни таҳлил қилишади. Масалан, бир вақтнинг ўзида ликвидлик ва фойда меъёрлари кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Бунинг устига, ҳар бир кўрсаткичнинг даражаси тижорат банклари тоифалари ўртасида кескин фарқланади.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА САМАРАЛИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

БМА тингловчиси

Корпоратив бошқарувнинг замонавий қиёфаси XX асрнинг 90-йилларига келиб ўз аксини топа бошлади. Сабаби, узоқ йиллар давомида муваффақиятли фаолият юритиб, бизнес оламида машҳур бўлган йирик компаниялар (Polly Peck, BCCI, Maxwell, Enron, WorldCom, Swissair, ABB) банкротлик ёқасига келиб, таназзулга учради. Бу эса корпоратив бошқарувни амалиётда инвесторларни ҳимоялаш нуқтаи-назаридан такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

XX асрнинг охирларида глобаллашув жараёни кенг тус олган пайтда инвестицияларга бўлган рақобатли талабнинг кескин ортиши барча мамлакатларда корпоратив бошқарувнинг умумий стандарт ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш эҳтиёжини вужудга келтирди.

Корпоратив бошқарув бўйича энг муҳим халқаро ҳужжатлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёти ташкилоти (ИХТТ) томонидан 1999 йилда ишлаб чиқилган ва 2015 йилда янгиланган “Корпоратив бошқарувнинг тамойиллари”;

2. Халқаро корпоратив бошқарув тармоғининг (International Corporate Governanse Network) корпоратив бошқарув принциплари (ICGN, 2017);

3. Қимматли қоғозлар бўйича дилерлар Европа ассоциацияси (European Association of Securities Dealers) томонидан ишлаб чиқилган Корпоратив бошқарув принциплари ва унга доир тавсиялар (EASD, 2000);

4. Euroshareholders томонидан 2000 йилда ишлаб чиқилган Корпоратив бошқарув бўйича директивлари.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодий соҳадаги ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор вазифаларни бажариш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони тасдиқланди. Ушбу 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегиясида халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий принципларини жорий этиш белгиланган.

Мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизими ва унинг ички тузилиши жаҳон амалиётида қабул қилинган умумқоидаларга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, унинг асосида ҳаққонийлик, жавобгарлик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойиллари ётади. Шу билан бирга бу жараёнда айрим салбий таъсирга эга омиллар ҳам мавжуд.

Булар асосан, кўпгина акциядорлик жамиятларида фойда, натижа берадиган мулкдорнинг йўқлиги, корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий базаси такомиллашмагани, акциядорлар умумий йиғилишининг расмийлиги учунгина ўтказилаётгани, аслида қонунчиликка етарли даражада амал қилинмаётгани, акциядорлик жамиятларидаги ички ҳужжатларнинг сифатсизлиги, уларда корпоратив бошқарувга дахлдор саволларга жавобларнинг мутлақо йўқлиги, корпоратив бошқарув қонунчилиги ижросини таъминловчи механизм ва ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслиги кабилардир.

Бундан ташқари, корпоратив бошқарувни татбиқ этишнинг услубий ва илмий-услубий базаси, қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмагани, фонд биржасида акциялар котировкасининг мавжуд эмаслиги, акциядорлик жамиятлари фаолияти ошкоралигининг суствлиги каби қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатадики, ташқи ва ички аудит самарадорлигини ошириш, устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларидаги корпоратив бошқарувда давлатнинг иштироки самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳам долзарб масаладир.

Бизнингча, акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- акциядорлик жамияти фаолияти ва молиявий ҳисоботлар тўғрисидаги маълумотлар ошкоралигини таъминлаш;

- акциядорлик жамияти акциядорлари манфаатларининг қонуний кафолатланганлиги;

- акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг жамият стратегиясини белгилашда, бизнес режасини тасдиқлашда, муҳим ҳўжалик қарорларини қабул қилишда, бошқарув аъзоларини ишга олишда, уларнинг фаолиятларини мониторинг қилишда ва зарур ҳолларда ижро этувчи орган аъзоларини лавозимларидан озод қилишда мустақиллиги.

Шунингдек, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб, ҳисоблаймиз:

- корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги чегараларини янада аниқ белгилаш;

- акциядорлик жамиятлари ички аудит тизимини қайта кўриб чиқиш ва унинг фаолиятини ҳалқаро аудиторлик ташкилотлари талаблари доирасида жорий этиш;

- акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини оширишнинг меъёрий механизмларини мустаҳкамлаш;

- миноритар акциядорларнинг манфаатларини чуқурроқ ҳисобга олиш орқали кафолатларини кўпроқ таъминлаш;

- барча акциядорларни ва потенциал инвесторларнинг акциядорлик жамиятлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ очиқлигини ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда уларни олиш усуллари, доираси ва имкониятларини кенгайтириш.

- хорижий инвесторларни жалб қилиш учун акциядорлик жамиятларида инвестицион муҳит жазибадорлигини ошириш мақсадида молиявий ҳисоботларини ҳалқаро молия ҳисоботлари талаблари доирасида тайёрлаш ва оммага тақдим этиш.

Хулоса ўрнида, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар доирасида акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарув тизимининг ҳалқаро андозаларга мувофиқ услуб ва тамойилларининг жорий этилиши ўз навбатида, акциядорлик жамиятлари учун потенциал инвесторларни жалб қилиш чоғида рақобатли кураш муҳитини яратиш, акциядорлар ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш, фойда олишнинг кафолатланганлигини таъминлаш, бошқарув қарорлари қабул қилинишида ахборот шаффофлигига эришиш ҳамда молиявий инқирозларни олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

3. И.Н.Демчук. В поисках эффективного корпоративного управления в банковском секторе России. // Журнал: Сибирская финансовая школа // 2001г-№2, ст.78.

4. Останокүлова Г.М. ва б. Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарувнинг миллий моделини ривожлантириш истикболлари./Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар.(илмий электрон журнал) №6. Апрель, 2013 й.

5. Н.М.Расулов. Корпоратив бошқарув - инвестициялар самарадорлиги кафолати. -Т.: ТДИУ нашриёти, 2011 йил, 126 бет.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВДА РИСКЛАРНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ

Рустамов Н.И. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари академияси катта ўқитувчиси, PhD.

Мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида аниқ белгиланган бўлиб, бу мақсадларга эришишнинг асосий мезони ва йўл харитаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур Фармон ва Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларида тўғридан-тўғри акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибadorлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корпоратив бошқарувда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида кўрсатиб ўтилган аниқ мақсад ва вазифалар замонавий корпоратив бошқарув тизимини иқтисодиётимизнинг жадаллик билан ривожланишидаги роли муҳимлигини англатади.

Жаҳон тажрибалари кўрсатадики, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарув тамойилларини кенг жорий этиш, бошқарув фаолиятига халқаро стандартларни татбиқ этиш учун, аввало, корпоратив бошқарув механизмнинг замонавий амалиётини ўрганиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида стратегик аҳамиятга молик тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, акциядорлик жамиятлари фаолиятини корпоратив бошқариш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий вазифаларидан бири кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш, мулкни ҳақиқий эгаларига бериш, уларга тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятларни яратиш бўлди. Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг фаолияти ва бошқарувини яхшилаш мақсадида бир қатор ўзгаришлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда янги талаблар ишлаб чиқилиб, корпоратив бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди.

Бугунги кунда корпоратив бошқарувда акциядорларнинг фаолиятига таъсир этувчи рискларнинг даражаси ошиб бормоқда. Шусабабли корпоратив бошқарувда рискларнинг вужудга келиши, уларнинг ўлчаш услубиётини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Риск – бу инсонларнинг ҳатти-ҳаракатлари ёки уларнинг натижалари бизнесга таъсир кўрсатадиган оқибатларга олиб келиш эҳтимоли бўлган ҳодисадир. Корпоратив бошқарувдаги рисклар компания фаолияти билан боғлиқ бўлган ва унга боғлиқ бўлмаган омилларга бўлинади. Корпоратив бошқарувда рискларни вужудга келтирувчи омиллар маълум риск турларига ёки барча рискларга комплекс таъсир этувчи омилларга ажратилади. Интеграл (комплексли) таъсир кўрсатувчи рискни вужудга келтирадиган омилларнинг мавжудлиги рискларни комплекс тадқиқ этиш методологиясини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Ноаниқлик шароитларида ҳар қандай фаолият рискнинг маълум бир турлари билан тавсифланади. Корпоратив бошқарувда рискларни вужудга келтирадиган омиллар умумий кўринишда икки гуруҳга бўлинади:

- компаниянинг фаолияти натижасида вужудга келадиган ички омиллар;
- компаниядан ташқарида бўлган ташқи омиллар.

Компания фаолияти натижасида вужудга келадиганички омилларга уларнинг келиб чиқиш сабаби бошқарув, муомала ва ишлаб чиқариш соҳаларида компания фаолияти (асосий, ёрдамчи ва таъминловчи фаолият) ҳисобланган барча ҳаракатлар, жараёнлар ва предметлар киритилади. Ички омилларга шунингдек, компанияни ривожлантиришнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича амалга ошириладиган хизматлар, раҳбарият фаолиятидаги илмий ёндашувлар, мунтазамлик ва мақсадли йўналганлик, компанияда техник тизимнинг фаолият кўрсатишини баҳолаш бўйича тавсифномалар, ходимларнинг маълумот даражаси ва бошқалар киради.

Корпоратив бошқарувда рискнингташқи омилларига сиёсий, илмий-техник, ижтимоий-иқтисодий ва экологик омиллар киради (мазкур омиллар макроиқтисодий характерга эга). Валюта биржаларидаги савдо, рақобатчиларнинг хулқ-атвори, фан-техника тараққиёти ва бошқалар корпоратив бошқарувга характерли ташқи рискларни вужудга келтирадиган омиллар ҳисобланади.

Рискларни вужудга келтирувчи омилларни компаниянинг бу омилларга таъсир этиш даражаси бўйича таснифлаш мумкин. Шу нуқтаи-назардан корпоратив бошқарувда рискларни вужудга келтирадиган омилларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- объектив омиллар – компания уларга таъсир кўрсата олмайдиган омиллар;
- субъектив омиллар – компания томонидан тартибга солинадиган омиллар.

Корпоратив бошқарувда рискларни самарали бошқариш соҳасидаги тадқиқотлар шундай хулосаларни берадики, ҳозирги пайтда корпоратив бошқарувда рискларни пайдо қилувчи баъзи муаммоларга етарлича эътибор берилмаяпти. Жумладан, корпоратив бошқарувда назарий тадқиқотларнинг натижаларидан амалиётда фойдаланиш жараёнида уларни муносиб баҳоламаслик рискларни вужудга келтирадиган омилларнинг таъсирини баҳолаш бўйича нотўғри қарорлар қабул қилинишига олиб келмоқда.

Корпоратив бошқарувда қабул қилинадиган қарорлар бевосита ноаниқликлар билан боғлиқ. Маълумки, тўғри қарор қабул қилишнинг асосий шarti тўлиқ ахборот таъминоти ҳисобланади. Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш деганда ахборот тўлиқ бўлмаганда қарор қабул қилиш тушунилади. Бирор воқеа ёки ҳодиса тўғрисида ахборот тўлиқ бўлмаса, қабул қилинган қарор салбий оқибатларга, яъни маълум йўқотишларга олиб келади. Бу йўқотишлар корпоратив бошқарувдаги таваккалчиликни билдиради.

Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилишда таваккалчилик (йўқотиш) даражасини билиш, уни олдини олиш, таваккалчилик даражасини камайтириш учун чора-тадбирлар кўришга имкон беради. Ноаниқликка мисол сифатида жамғарилган пулни ишончлироқ бўлган банкка қўйиш ёки таваккалчилик (йўқотиш эҳтимоли) юқори бўлган, лекин шу билан бирга юқори дивиденд олиш мумкин бўлган тижорат фондларига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишни келтириш мумкин. Худди шундай ноаниқлик акцияларни сотувчилар ва уларни сотиб олувчилар томонидан қарор қабул қилишга ҳам тўғри келади ва бу қабул қилинган қарорлар албатта, маълум даражадаги таваккалчилик (йўқотишлар) билан боғлиқ бўлади. Ноаниқлик чекланган ресурсларнинг самарасиз тақсимланишига, ортиқча сарфларга, вақтни йўқотишга олиб келади.

Корпоратив бошқарувда рискларни ўлчашнинг асоси эҳтимоллик тушунчаси билан боғлиқ бўлади. Америкалик олим Ф.Найт (1885-1974) эҳтимолни икки турга бўлади: математик, яъни олдиндан аниқлаш мумкин бўлган эҳтимол ва статистик эҳтимол. Биринчи тур эҳтимолга танганинг рақам ёки герб томонини тушиш эҳтимоли $1/2$ га тенглиги ёки ўйнайдиган олти қиррали тошнинг олти рақамидан биттасини тушиши эҳтимолининг $1/6$ га тенглиги мисол бўлиши мумкин. Иккинчи турдаги эҳтимолни эмпирик, яъни фараз қилиш йўли орқали аниқлаш мумкин. Масалан, компания акцияларининг фойда бермаслик эҳтимоли фараз қилинганда, ушбу фараз қилинган рақам баҳоловчининг билими ва тажрибасига асосланади. Нима учун деганда, ушбу воқеанинг такрорланиши тўғрисида статистик маълумотлар бўлмайди. Эҳтимол субъектив равишда аниқланганда, битта ҳодисани ҳар хил инсонлар ҳар хил қийматдаги эҳтимол билан баҳолайди. Юқорида айтилган мисолда воқеага таъсир қилувчи тасодифий омиллар кўп ва уларнинг ҳаммасини бартараф қилиш мумкин эмас.

Бундан ташқари, бу ерда тенг эҳтимолли альтернатив вариантларнинг ўзи йўқлиги эҳтимолни математик ҳисоб-китоблар орқали аниқлашга имкон бермайди.

Биринчи турдаги эҳтимол объектив эҳтимол бўлиб, у иқтисодиётда камроқ учрайди, иккинчи турдаги эҳтимол субъектив эҳтимол бўлиб, у бизнес ва корпоратив бошқарувга хос эҳтимол ҳисобланади. Ҳам объектив ва ҳам субъектив эҳтимоллардан таваккалчилик даражасини ифодалашда ва танлашда фойдаланилади.

Объектив эҳтимоллик ўртача қийматни аниқлашга ёрдам берса, субъектив эҳтимоллик олиниши мумкин бўлган натижаларнинг ўзгарувчанлик мезонини аниқлашга ёрдам беради. Корпоратив бошқарувда рискларни миқдорий аниқлаш учун бирор воқеа ёки ҳодисанинг олиб келиши мумкин бўлган оқибатларини ва бу оқибатнинг эҳтимолини билиш керак бўлади. Кутиладиган миқдор - бу мумкин бўлган барча натижаларнинг ўртача ўлчанган қийматларидир. Бу ерда ҳар бир натижанинг эҳтимоли ушбу мос қийматларнинг такрорланиш частотаси ёки ўлчовидир.

$$E(X) = \pi_1 x_1 + \pi_2 x_2 + \dots + \pi_n x_n = \sum_{i=1}^n \pi_i x_i,$$

бу ерда: x_i - мумкин бўлган натижа;

π_i - ушбу натижанинг пайдо бўлиш эҳтимоли, $\sum_{i=1}^n \pi_i = 1$.

Масалан, сиз акциялар пакетини сотиб олган компания янги маҳсулот ишлаб чиқармоқчи, агар компаниянинг янги маҳсулотлари бозорда муваффақиятга эришса, ҳар бир акцияга 1000 сўм дивиденд олиш мумкин, агар муваффақиятга эришмаса, ҳар бир акция учун 100 сўм олинади. Компания маҳсулотининг бозорда муваффақиятга эришиш эҳтимоли 0,6 га тенг бўлса, кутиладиган дивиденд қиймати қуйидагича аниқланади:

$$E(X) = 0,6 \cdot 1000 + 0,4 \cdot 100 = 640 \text{ сўм/акция.}$$

Четланиш - бу ҳақиқий натижа билан кутиладиган натижа ўртасидаги фарқ бўлиб, у таваккалчиликдан (йўқотишдан) дарак беради. Ушбу фарқ қанча катта бўлса йўқотиш, яъни таваккалчилик ҳам шунча юқори бўлади. Амалиётда ўзгарувчанликни, яъни четланишни ўлчаш учун дисперсия кўрсаткичи қўлланилиб, у ҳақиқий натижадан кутиладиган натижани айрилганининг ўртача ўлчови миқдори квадратига тенг, яъни

$$\sigma^2 = \sum_{i=1}^n \pi_i [x_i - E(x)]^2,$$

бу ерда: σ^2 - дисперсия; x_i - мумкин бўлган натижа; $E(x)$ - кутиладиган натижа; π_i - i - натижанинг эҳтимоли.

Стандарт четланиш (ўртача квадратик четланиш ҳам дейилади), бу дисперсиядан олинган квадрат илдизга тенг, яъни

$$\sigma = \sqrt{\sigma^2}.$$

σ - стандарт четланиш.

Бу каби усуллардан фойдаланган ҳолда акцияларни сотиб олишдаги рискларни баҳолаш, аниқ ҳисоб-китоблар асосида қимматли қўғозларни харид қилиш бу борада қабул қилинадиган қарорларнинг самарадорлиги ошишига ёрдам беради.

Корпоратив бошқарувда рискларни тўғри баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш акциядорлик жамиятларининг акциялари сотиб олинишига ижобий таъсир кўрсатади. Акциядорлик жамиятларида рискларни вужудга келтирадиган омилларни домий равишда ҳисоблаб бориш ва уларнинг таъсирини тўғри баҳолаш корпоратив бошқарув тизимларининг самарадорлиги ошишини, уларнинг муваффақиятли фаолият юритишини таъминлайди.

НОДАВЛАТ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУРИЯТИ.

Садуллаев Д. Б. БМА Пенсия ва суғурта каф.

Давлатимиз мустақилликга эришгандан сўнг танлаган ислохот йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган бўлиб, давлат амалга оширилаётган ислохотларда мамлакатни иқтисодий салоҳиятини ошириш билан бир қаторда, ижтимоий соҳани ривожлантиришга ҳам катта аҳамият бермоқда. Ижтимоий соҳага қаратилаётган эътиборни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланганлиги ва унда бешта асосий йўналишлар бўйича бир қанча вазифалар келтириб ўтилганлигида кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг бугунги босқичида халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш, фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш орқали ижтимоий барқарорликни таъминлаш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш давлат сиёсатининг энг устувор вазифаси ҳисобланади.

Зеро “Ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш ислохотларни ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий таянч бўлади, улар муқаррарлигининг гарови бўлиб хизмат қилади”(Мирзиёев,2017).

Хозирда мамлакатимизда пенсия таъминоти тизими барқарор ривожланиб келмоқда. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг даромадлари, унинг функция ва вазифаларини ўз вақтида бажаришини таъмиламоқда. Лекин жамиятимизда юз бераётган демографик ўзгаришлар, ўртача умр кўриш ёшини ошиши натижасида кексалар сонини йилдан-йилга ошиб бораётганлиги, пенсия концепцияси бўйича қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар, солиқ тизимидаги ислохотлар натижасида 2019 йил 1 январдан бошлаб, пенсия жамғармасининг асосий даромад манбаидан бири бўлган мажбурий суғурта бадалини бекор қилиниши ва бошқа омиллар натижасида яқин келажакда пенсия жамғармасининг бюджети ижросида дефицитни юзага келиши прогнўз қилинмоқда.

Пенсия жамғармаси – кексалар, меҳнат қобилиятини вақтинча ёки бутунлай йўқотган, боқувчисидан айрилган ва аҳолининг бошқа айрим ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ижтимоий-молиявий муассаса ҳисобланади. Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш учун Пенсия жамғармаси мустаҳкам ва узлуксиз даромад манбайига эга бўлиши лозим.

Бугунги кунда Жаҳон банкининг берган прогнозларига кўра Ўзбекистон аҳолиси 2050 йилга бориб 39 млн. кишига етиши кутилмоқда. Мамлакатдаги ўртача умр давомийлиги кўрсаткичи 68 йилдан 72 йилга ошади ва 65 ёшдан катта бўлган иқтисодий фаол аҳоли улуши 4,4%дан 13,4%га етиши мумкин(Турсунов,2017 да иқтибос қилинган).

Дунёда соғлиқни сақлаш сифати яхшилангани, тиббиётнинг жадал тараққий этаётгани, санитар назоратнинг такомиллашаётгани, таълимдан фойдаланишнинг кенгаётгани, иқтисодий фаровонлик боис кексалар улуши борган сари кўпаймоқда. Узоқ умр кўриш – инсоният тараққиётининг энг катта муваффақиятларидан биридир. Шундай шароитда фуқароларга умрининг охирига қадар пенсия тўлаш, муносиб яшаш шароитларини яратиб беришни давом эттириш давлат зиммасидаги энг муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Инсонларнинг ўртача умр кўриш ёшини ошиши пенсия жамғармалари харажатларини ошишига олиб келади.

Мамлакатимизда тайинланаётган пенсиялар сонини ошиб бориши, иккинчи жаҳон урушида ишга яроқли аҳолини катта қисми ҳалок бўлганлиги ҳамда урушдан қайтганларни салмоқли қисми меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганлиги 1950-йиллардан бошлаб давлатда ишчи кучига бўлган талабни ошишига олиб келди. Натижада давлат оилаларда кўп болалиликни рағбатлантира бошлади. Айнан ўша йилларда туғилган инсонлар ҳозирда пенсияга чиқмоқдалар.

Жумладан, “Moody’s” баҳолаш агентлиги ҳисоботида келтирилишича 1950 йилда бир аёлга нисбатан тўғри келувчи туғилган болалар сони 4,05 тани ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 1,8 тани ташкил этган. 2050 йилга бориб бу миқдор 1,7 тани ташкил этиши прогноз қилинмоқда (Маматов ва Хўжамкулов, 2016 да иктибос қилинган).

Ушбу омил ва ўртача умр кўриш ёшини ортиб бориши келажакда пенсия жамғармаси харажатларини кескин ошиб кетишига олиб келади. Келтирилган маълумотлар гарчи прогнўз бўлсада бизни ўйлашга, пенсия тизимида юзага келадиган муаммоларни олдиндан бартараф этиш учун, молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган ислохотлар олиб боришга ундайди.

Хўш муаммони ечими қандай? Давлат бюджетидан дотатсия олишми? Пенсия таъминотида юз бериши мумкин бўлган вазият давлат бюджети даромадларига таъсир ўтказмайдими?

Жаҳон амалиётига мурожаат қиладиган бўлсак, шу кеча кундузда кўпчилик тараққий этган мамлакатларда тақсимланувчи давлат ҳамда мажбурий ва ихтиёрий нодавлат- аралаш пенсия тизими амал қилмоқда. Пенсия тизимининг аралаш тури молиявий барқарорлик ва тўланаётган пенсия даражаси нуқтаи назаридан самарали ҳисобланади.

Дунёдаги ривожланган ва ривожланаётган давлатларда иқтисодий устувор йўналиши бўлган ижтимоий фаровонлик ва ижтимоий таъминотни сақлаб қолиш ва ривожлантириш борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда дунёни бир қатор давлатларида давлат пенсия таъминоти билан бир қаторда нодавлат пенсия фондлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Мамий ва Новиковни (2016) таъкидлашича давлат пенсия тизими билан бир вақда фаолият юритаётган нодавлат пенсия фондлари томонидан тақдим этилаётган пенсия тизими ижтимоий хавфсизликнинг асосий элементи бўлиб хизмат қилмоқда.

Нодавлат пенсия жамғармалари (НПЖ) – нотижорат молиявий ташкилотлар бўлиб, пенсионерларнинг ихтиёрий маблағлари ҳисобига уларни пенсия билан таъминлайди. Улар мажбурий пенсия суғуртасиванодавлат (хусусий) пенсия таъминоти билан шуғулланади. Жамғарма фаолияти нодавлат пенсия таъминоти жамғармаси қатнашчиларини ихтиёрий равишда бирлаштиради. Пенсия тушумларинийиғибориш, жойлаштириш ва пенсия жамғармаси маблағларини бошқариш, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш ҳамда жамғарма томонидан пенсия мажбуриятларини бажаришни ўз ичига олади (Қосимова, 2017).

Юкоридаги тарифларга асосан шуни айтишимиз мумкинки Нодавлат пенсия фондлари бу- фойда кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, молиявий манбаалари фуқаролар томонидан тўланадиган мажбурий ва ихтиёрий суғурта бадаллар, шунингдек даромадларини бир қисми инвестицион фаолиятдан келадиган маблағлар бўлган ҳамда функционал вазифаси суғурта бадал тўлаган фуқароларнинг пенсияга ҳуқуқи пайдо бўлганда уларга мажбуриятлари доирасида пенсия тайинлаш ва тўлаш бўлган молиявий ташкилотдир.

Пенсия таъминоти учун қўшимча молиялаштириш манбааларини аниқлаш зарурлиги, давлат пенсия тизимида қўшимча равишда муқобил пенсия таъминотининг хорижий давлатларда мавжуд бўлган шакли- нодавлат ва хусусий пенсия фондларини шакллантиришни тақозо этади. Хорижий мамлакатларда пенсия таъминоти шуғулланадиган нодавлат хусусий пенсия фондлари маълум даражадаги муваффақият билан амал қилиб келмоқда. Бизнинг мамлакатимизда иқтисодий тармоқларининг

иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, корпоратив пенсия таъминотини шакллантириш, унинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини яратиш, тажриба қилиш ва лойиҳалар асосида кенг жорий қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мирзиёев Ш.М “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. Ўзбекистон НМИУ 2017 й 104 бет.
2. Турсунов Ж.П.”Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари”. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. 2017 йил.№6.
3. Б.Маматова ва Д.Хўжамкулов. “Пенсия таъминотининг хориж тажрибалари ва хусусиятлари”. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. 2016 йил.№1.
4. Мамий Елена Александровна, Новиков Алексей Владимирович. НЕГОСУДАРСТВЕННЫЕ ПЕНСИОННЫЕ ФОНДЫ: СУЩНОСТЬ, СВОЙСТВА И ФУНКЦИИ. Научный журнал КубГАУ, №116(02), 2016 года
5. Қосимова Г.А .”Ўзбекистонда хорижий давлатлар пенсия жамғармалари фаолиятининг тажрибасидан фойдаланиш”. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. 2017 йил.№6.


СУҒУРТА – МАМЛАКАТНИНГ КАТТА ИЧКИ ИНВЕСТИЦИЯ МАНБАСИ СИФАТИДА

Султонов Р. Ю. БМА тингловчиси

Ҳозирги кунда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни бекиёс. Ҳар бир соҳада туб ўзгаришларни амалга ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқаришга янги-янги технологияларни жорий қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва бандлигини таъминлаш каби энг катта мақсадларимизга эришишимиз учун катта миқдорда инвестиция маблағларига эҳтиёж сезилади. Мамлакатимиз президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”, деб ном бериши ҳам бежизга эмас. Президентимиз 2018-йил 28-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидаги фикрни айтиб ўтганлар: “Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз”. Шундай экан, биз мамлакатимиз иқтисодиётига кўплаб инвестицияларни жалб қилишимиз керак. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш ташқи ва ички манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Иқтисодиётимизни ривожлантиришда биз ташқи манбалардан инвестицияларни мамлакатимизга жалб қилиш билан бирга, ўзимизнинг ички инвестиция манбаларимиздан оқилона фойдаланишимиз зурур. Янгидан янги инвестициялар манбаларини топишимиз ва бор имкониятларимиздан самарали фойдаланиш йўллариини излаб топишимиз зарур. Ҳозирги кунда ўзимизда мавжуд катта ички инвестиция манбалари қаторига мамлакатимиз суғурта тизимини мисол қилишимиз мумкин.

Суғурта инсоният ҳаёти ҳамда унинг мулкый манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси сифатида кишилиқ жамиятининг турли босқичларида мавжуд бўлган ва узоқ тарихга эга. Суғуртага Ўзбекистон Республикасининг 2002-йил 5 апрелдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунида, қуйидагича таъриф берилган: “Суғурта бу юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодиса) юз берганда, ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади”.


Қуйидаги график маълумотларидан 2014-2018-йиллар давомидаги республикамиздаги суғурта компаниялари инвестицияларини кўришимиз мумкин:



1-расм. Суғурталовчиларнинг инвестициялари ҳажми ўсиш динамикаси.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги mf.uz сайтидан олинган.

Юқоридаги маълумотлардан кўрадиган бўлсак, суғурталовчиларни инвестициялари ҳажми 2014-йилда 623,7 млрд. сўмни ташкил қилган. 2015-йилда эса инвестициялар ҳажми 122% ўсиб, 758,1 млрд. сўмни ташкил қилган. 2016-йилда 1,14% га ўсиб, 867,5 млрд. сўмга етган. 2017-йилда суғурталовчиларни инвестициялари ҳажми юқори кўрсаткич билан ўсишга эришганини кўришимиз мумкин. Демак, йил давомида 171% га ўсган (615 млрд. сўмга) ва 1482,5 млрд. сўмга етган. Динамикадан кўрадиган бўлсак, суғурталовчиларни инвестициялари ҳажми 2018-йилда ҳам ўсишда давом этган яъни, 135% га ўсиб, 2010,7 млрд. сўмга етган. Умумий 5 йил бўйича хулоса қиладиган бўлсак, 2014-2016-йилларда кичик кўрсаткичлар билан ўсган ва 2017-2018-йилларда юқори кўрсаткичлар билан ўсган. 2018-йилга келиб, 2014-йилга нисбатан, 3,2 баробарга ўсган. Бу ўсиш кўрсаткичларини ижобий баҳолаш мумкин. Лекин, бу кўрсаткичлар иқтисодиётимизга киритилаётган жами инвестицияларга нисбатан жуда оз миқдорни ташкил этади.



2-расм. 2018-йил якунлари бўйича суғурталовчиларнинг инвестициялари таркиби.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги mf.uz сайтидан олинган.

Юқоридаги диаграммадан кўрадиган бўлсак, суғурталовчиларнинг инвестициялари банк депозитларига, қимматли қоғозларга, кўчмас-мулкларга, юридик шахсларнинг устав фондларида иштирок этиш, қарз маблағлари ва бошқаларга йўналтирилган. 2018-йил давомида суғурталовчиларнинг инвестициялари таркибининг асосий қисми банк депозитлари ҳисобига тўғри келган, яъни 51,8% ташкил этган. Кейинги ўринда қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар 35,2% ини ташкил этган. Кўчмас-мулкларга эса 6% миқдорида, юридик шахслар устав фондларида иштирок этишга 6,2% миқдорида, берилган қарзлар 0,7% ва бошқаларга 0,1% га тўғри келган.

Суғурта компанияларида юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган суғурта мукофотлари ҳисобидан катта пул фондлари шаклланади. Бу фондлардаги катта миқдордаги маблағларни суғурта компаниялари иқтисодиётга инвестиция сифатида жойлаштиради. Яъни, тижорат банкларида депозитга жойлаштиради, қимматли қоғозлар сотиб олади ёки бошқа юридик шахсларнинг устав фондида иштирок этади. Тижорат банкларининг асосий фаолиятлари, аҳоли ва тадбиркорларга кредит бериш билан шуғулланади ва уларда доимий равишда катта пул маблағларига эҳтиёж сезилади. Суғурта компанияларидан олинган маблағлар эвазига, ижтимоий-иқтисодий соҳаларга янада кўпроқ маблағлар кредит сифатида ажратилади ва шу соҳаларни ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Демак, мамлакатимизда суғурта тизимига алоҳида эътибор берган ҳолда қанча кўп ривожлантирадиган бўлсак, иқтисодиётимизга шунча кўп инвестиция манбасини яратган бўламиз.

ЁШЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИШ – МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Ҳасанов Т. А. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси доценти в.б., PhD*

Тараққий этган бозор иқтисодиёти мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, янги иш ўринларини барпо қилиш, бозор ўзгаришларига нисбатан тез мослашиш ва мулкдорлар синфини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда ва юқори самарадорликка эга эканлигини кўрсатмоқда. Кўпчилик мамлакатларда кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнига, унинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги ва бозор муносабатларини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳам мулкдорлар синфини вужудга келтиришга ёрдам берадиган кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришдир. Кичик бизнес жамият ҳаётининг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига таъсир кўрсатади. Шу боис Ўзбекистон ўзининг мустақиллиги асосида янги иқтисодий ислохотлар йўлини жорий этиш ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини кенг ривожлантириб, ўзининг қонун-қоидаларига суянган ҳолда тадбиркор ва ишбилармон кишиларга қулай шарт-шароитлар яратиб беришга интиломоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳолини иш билан банд этиши ва ўрта синфни шакллантириши каби хусусиятлари хорижий иқтисодий адабиётларда батафсил ёритилган. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, кичик корхоналар иқтисодий ривожланиш, илмий-техника ихтироларини, аҳолининг талабини қондириш учун қўллашда истиқболлидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган ёшларимиз учун, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан етарли ҳамда жаҳон андозаларига мос келувчи барча имкониятлар яратилган. Айниқса, сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ёшларга солиқ, кредит ва бошқа соҳаларда берилаётган имтиёз, кафолат ва преференциялар жаҳоннинг бизнес юритиш борасидаги энг либераллашган мамлакатлардан қилинмайд.

Ёшларини мустақил ҳаётга тайёрлаш, ёш тадбиркорлар сафини тобора кенгайтириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” ташкил этилиши ва унинг асосий вазифалари сирасига

“... ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига кўмаклашиш”⁴⁴⁷ киритилиши, мамлакатимизда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишда давлат томонидан қаратилаётган эътиборнинг яққол мисолидир.

Бугунги кунда республикаимизда 30 ёшдан ошмаган ёш тадбиркорлар сони 117 минг нафарни, шундан 39 мингдан ортиғи хотин-қизларни ташкил этади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2018 йил давомида амалга оширилган ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёшларни бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш мақсадида муваффақиятга эришган тадбиркорлар иштирокида “Муваффақиятга эришиш сирлари” мавзусида маҳорат дарслари ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги 834-сонли “Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 140 та кластерлар ташкил этилди. Ташкил этилган тадбиркорлик кластерларига 160 нафар ёш тадбиркорлар жойлаштирилиб, 735 та янги иш ўрни яратилишига эришилди. Тадбиркорлик кластерларига жойлашган 154 нафар ёш тадбиркорларнинг 120 нафари ишлаб чиқариш, 35 нафари хизмат кўрсатиш ва 5 нафари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишларида ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йил давомида 3009 та бизнес лойиҳаларга жами 374,2 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратиш орқали 19166 та янги иш ўрни яратилишига эришилди. 3 минг нафардан ортиқ ёшларга балиқчилик, боғдорчилик, ишлаб чиқариш ва савдо шаҳобчаси ташкил этиш учун жами 2,5 минг гектар ер майдони ҳамда 239 та фойдаланилмай турган бўш бинолар ажратилди. “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури ижроси натижасида, шу кунга қадар жами 31208 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланишига эришилди.

Шунингдек, Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари орқали 17 695 нафар ёшларга ўз шахсий бизнесини ташкил этишга кўмаклашилди. Шундан, 6694 нафарига 533026,2 млн.сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар, 1017 нафарига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер-жой ва бино-иншоотлар, 535 нафарига ишлаб чиқариш техникалари ажратилишига ҳамда 8748 нафарига давлат рўйхатидан ўтишига кўмаклашилди. Натижада 27984 нафар янги иш ўринлари ташкил этилди⁴⁴⁸.

Бу каби мисоллардан яна бир қанчасини санаб ўтиш мумкин. Буларнинг барчаси, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимизда олиб борилаётган аҳолини, аввало ёшларни, бандлигини таъминлаш ва унинг натижасида ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш борасида олиб борилаётган сиёсат натижасидир.

Шу ўринда, мамлакатимизда ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш ва шу орқали уларга ўз бизнесларини йўлга қўйишларига кўмаклашиш бўйича қуйидагилар ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

⁴⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони. 2017 йил 5 июль. www.lex.uz

⁴⁴⁸ Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2018 йил давомида амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботи. <https://yoshlarittifoqi.uz/uz>

- Мамлакатимиз ҳудудларининг ички имкониятлари ва мавжуд табиий ресурсларини инобатга олган ҳолда, шу ҳудудларда ихтисослаштирилган тадбиркорлик фаолиятини турларини белгилаш ва уларни такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- Аҳолини, хусусан ёшларни, тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида маҳаллий даражада (фуқаролар йиғинлари, мактаб ва коллежларда) ахборот-маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этиш;

- Тижорат банклари томонидан аҳолининг бўш ётган маблағларини жалб этиш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш мақсадида кенг тарғибот ишлари олиб боришларини ташкил этиш.

Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши, ўз навбатида, мамлакатимизда ёшларни тадбиркорликка янада кенгроқ жалб этишга ҳамда шу орқали мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга муҳим аҳамият касб этади.

ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО СТРАХОВОГО МАРКЕТИНГА В УЗБЕКИСТАН

Ахунджанова Н. М. БФА Слушатель

За годы, прошедшие с момента провозглашения суверенитета республики, произошли фундаментальные изменения во всех сферах жизни страны, в том числе на страховом рынке республики. Экономическая политика Узбекистана, реализация которой стала возможной после обретения независимости, была направлена на повышение темпов экономического роста при финансовой стабилизации и создание на этой основе благоприятных условий для структурных реформ.

Сегодня в Республике Узбекистан страхование является одной из наиболее динамично развивающихся сфер отечественного бизнеса, объем страховых операций на рынке постоянно растет, и страховые компании играют все более важную роль в экономике республики. Основным направлением дальнейшего реформирования национального страхового рынка является его постепенная либерализация, а также укрепление основ регулирования и контроля страховой деятельности в республике.

Самым распространенным способом предоставления страховых продуктов в Узбекистане является продажа полисов сотрудниками компании и независимыми представителями страховщика - страховых агентов. В последнее время развивается такое направление продаж страховых продуктов, как продажа через нестраховых посредников - банков. С помощью ИНТЕРНЕТ происходит продажа страховых услуг через электронную сеть. В целом, ИНТЕРНЕТ является довольно мощным инструментом, который обеспечивает быстрый и эффективный контакт между страховщиком и страхователем.

Важным моментом при определении структурирования систем маркетинга страховых продуктов в условиях Узбекистана являются реалии современного узбекского рынка и экономической среды. Среди основных проблем в этом отношении являются:

1) общее недоразвитие страхового рынка, низкий уровень страховой культуры, непонимание населением и предпринимателями необходимости страхования,

2) общий экономический кризис, который не позволяет страховому рынку развиваться в целом,

3) Отсутствие развитой сети независимых брокерских компаний, предоставляющих посреднические услуги в области заключения договоров страхования с клиентами и страховщиками,

4) неразвитость потребительских кредитных и расчетно-банковских операций, что затрудняет распространение страховых услуг через банки и других незастрахованных посредников,

5) Недостаточное развитие негосударственной пенсионной системы - отсутствие традиции пенсионного и накопительного страхования по старости,

6) Отсутствие практики продажи страховых продуктов с помощью почтовой рекламы и по телефону,

7) Отсутствие или нехватка квалифицированных кадров агентства и обученных страховых менеджеров. К сожалению, в нашей стране продажи независимых страховых продуктов все еще недостаточно развиты, что определяется узостью рынка.

В Узбекистане наиболее распространенным способом расширения собственного страхового ассортимента является копирование наиболее успешных разработок других компаний. Сегодня все большее число страховщиков переходит на разработку новых страховых продуктов, где копирование чужого успешного опыта невозможно. В то же время используются некоторые инструменты исследования рынка, хотя они еще не полностью сфокусированы. Поэтому насущной необходимостью для узбекских страховых компаний является создание собственных систем сбора маркетинговой информации, интегрированных в производственный процесс. Страховщик должен позаботиться о том, чтобы его продукт оказался для клиента более качественным, чем аналогичные продукты конкурентов.

В настоящее время использование современных информационных технологий не широко распространено в страховании.

Ряд системных проблем и недостатков в управлении и внедрении информационных технологий и коммуникаций препятствуют ускоренному развитию этой области и предоставлению высококачественных информационных услуг. Это:

- недостаточно развитая телекоммуникационная инфраструктура
- не уделяется должного внимания внедрению в электронной коммерции интегрированных торговых и маркетинговых платформ, интернет-магазинов, платежных систем и логистических систем.

- руководители большинства государственных органов и организаций не уделяют достаточного внимания реализации информационных проектов и внедрению современных информационных технологий и коммуникаций, направленных на повышение качества и эффективности предоставляемых населению услуг, искоренение бюрократических процедур, сокращение оформление документации.

В настоящее время, помимо проблем с Интернетом, страховые компании в Узбекистане страдают от нехватки квалифицированных кадров, которые необходимы для применения современных форм маркетинга в страховых компаниях.

Сайты компании недоразвиты. Да, они существуют, но они не функционируют полностью. Например, не все сайты имеют страховой калькулятор или службу обратной связи. Или невозможно найти необходимую информацию на сайте, так как многие сайты работают в тестовом режиме.

Недостаточное внимание уделяется рекламе и просвещению населения о преимуществах страхования, страховых пакетах и возможностях страхования.

Цифровой маркетинг не развит, косвенные продажи также не развиты.

Узбекские страховые компании все еще делают первые шаги в использовании маркетингового и рекламного потенциала Сети. Однако есть все основания полагать, что ближайшие годы станут временем первых успехов на этом пути, годом первых взаимовыгодных контактов страховщиков и страхователей в ИНТЕРНЕТ.

СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ЭКСПОРТЕР КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

*Аллаяров Ф.А. БМА “Пенсия ва суғурта иши”
кафедраси мудири в.б., (PhD)*

Мамлакатимиз экспортёр корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда молиявий механизмларнинг, хусусан, банк кредитлари ва суғурта хизматининг аҳамияти юқоридир. Суғурта бозори профессионал иштирокчилари фаолияти моҳиятига кўра ўз мижозларига шартномада кўрсатилган суғурта ходисалари содир бўлганда, аҳоли ва тадбиркорларга суғурта ходисалари натижасида етказилган зарарлар учун суғурта қопламаларини тўлаш орқали, уларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилади. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда айтишимиз мумкинки, экспортёр корхоналар маҳсулотларини экспорт қилиш мобайнида турли таваккалчиликларга дуч келишади, хусусан, маҳсулотларининг турли сабабларга кўра сифатининг бузилиши, турли бахтсиз ходисаларга учраши, бозорлардаги нарх-навоининг ўзгариши ва ҳ. Шунинг учун ҳам мамлакат экспортини ривожлантириш мақсадида экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлашда суғурта механизмларидан фойдаланишда суғуртанинг институционал асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида экспорт кредити суғуртаси институтини жорий этиш тажрибаси кенг қўлланилиб, унда экспортёр корхоналарни суғурталашда мақсадли сиёсатни амалга ошириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тегишли принциплари ва механизмларини таъминлашни назарда тутлади. Улар одатда молиялаштиришнинг компонентлари, фоиз ставкаларини субсидиялаш ва экспорт кредитларини суғурталашни ўз ичига олади. Шу билан бирга, экспортни рағбатлантириш, бозорнинг талабларига риоя қилиш ва давлат маблағларидан самарали фойдаланиш кафолатланади.

Экспортни самарали давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муаммосини ҳал этиш, экспортни рағбатлантириш сиёсатининг умумий концепцияси ва асосий параметрларини белгилашни ва экспортга давлат томонидан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш форматини белгилашни талаб қилади. Умуман олганда, бундай сиёсат қуйидаги йўналишларда кўриб чиқилиши керак:

а) Экспорт кредитларини ва субсидиялар схемасини, экспорт кредитларини суғурталашни ва экспорт кредитларини суғурталаш бўйича миллий агентликнинг ва унда молия бозорининг бошқа иштирокчиларининг ролини экспортни давлат молиявий қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими;

б) миллий экспорт кредити суғурта агентлигининг институционал шакли ва функциялари;

в) Экспорт кредитини суғурталаш бўйича агентликнинг экспорт молиялаштириш ва суғурта қилиш билан шуғулланадиган тижорат молия бозорлари институтлари билан ўзаро муносабатлари шаклини, унинг ва Агентликнинг давлат бюджети билан муносабатларини шакллантириш;

д) экспортни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида экспорт бўйича миллий агентликнинг нотижорат ташкилотлар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги.

Миллий экспорт кредити суғурта агентлигининг (молия муассасаси) туридан қатъи назар, уни яратиш мақсади экспортни молиялаштириш жараёнига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир кўрсатишдир. Шу муносабат билан унинг таъсири иккита асосий жиҳатдан кўриб чиқилиши мумкин. Биринчидан, Агентлик иқтисодиётнинг реал секторига сезиларли даражада таъсир қилиши ва экспорт салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Иккинчидан, унинг молия бозоридаги иштироки молия муассасаларининг

хатти-ҳаракатларига, экспортчилар учун тақдим этаётган хизматларга таъсир қилиши ва молия секторидаги таркибий ўзгаришларга таъсир қилиши керак.

Ҳозирги вақтда 82 та мамлакатда кредитлаш ва экспортни суғурталаш бўйича давлат агентликлари мавжуд бўлиб, уларнинг 111 та экспорт кредити суғурта агентлари ва экзем банклари, жумладан, барча ОЕСД давлатларида мавжуд. Ушбу турдаги турли тузилмалар учун қуйидаги умумий тавсифларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- а) давлат томонидан ажратилган молиявий ресурслар ҳисобига фаолият юритади;
- б) муайян давлат кафолатларини олган мажбуриятларини бажариш учун (суғурта қопламаси одатда хавфни ўз ичига олади) мажбуриятларнинг сегменти;
- д) уларни бошқариш давлатнинг бевосита иштирокида ёки давлат назорати остида амалга оширилади.

Давлат томонидан иштирок этадиган давлат органлари ёки идоралар экспорт кредитларини суғурталайдилар:

- 1) экспортчиларга бевосита қарз бериш;
- 2) экспорт кредитларига фоизларни субсидиялаш;
- 3) экспорт кредитларини суғурта қилиш;
- 4) экспортёрлар учун турли хил хизматлар кўрсатиш.

Шу билан бирга, немис компаниялари айланмасининг учдан бир қисмига ташқи савдо орқали эришилади. Германиянинг экспорт квотаси мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 50% дан ортиғини ташкил этиб миллий экспортни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда⁴⁴⁹.

Германияда экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим элементи биринчи навбатда кредитлаш, суғурта қилиш ва давлат кафолатларини тақдим этиш бўйича молиявий чоралар ҳисобланади. Ушбу масалалар бўйича қарорлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Экспортни рағбатлантириш бўйича молиявий чоралар қаторига қуйидагилар киради: экспортчиларни қўшимча қиймат солиғидан озод қилиш; айрим саноат тармоқларини (тўғридан-тўғри ва яширин) субсидиялаш (масалан, кема куриш, авиация ва кўмир саноати); экспортга йўналтирилган корхоналарга молиявий кўмаклашиш.

Экспортни молиялаштиришнинг давлат тизимида Euler Hermes (бундан кейин - "Эулер-Ҳермес") "Эулер-Ҳермес" суғурта компанияси асосий рол ўйнайди. У бевосита Германия экспортчиларининг ташқи савдо операцияларини суғурталашни таъминлайди. Немис экспортини тўғридан-тўғри молиялаштириш асосан ихтисослаштирилган давлат кредит институтлари, шунингдек, хусусий банклар томонидан амалга оширилади, "Эулер-Ҳермес" суғурта компанияси эса кредитларни суғурталашнинг зарур шартларини амалга оширади.

Бугунги кунда "Эулер-Ҳермес" суғурта компанияси жаҳон ЯИМнинг 90% дан ортиғини ташкил этувчи 50 дан ортиқ мамлакатларида кредит рискларини суғурталаш бўйича дунёда етакчи ҳисобланади. Глобал кредит суғуртаси бозорида унинг улуши тахминан 35% ни ташкил этади. Компания ўз маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли кредитлар рискини қоплаб беради, ўрта ва узоқ муддатли операциялар бўйича эса - давлат номидан иштирок этади ва бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади. Агентлик операцияларининг умумий чегараси ҳар йили Германия парламенти томонидан белгиланади.

Ушбу компания томонидан амалга ошириладиган суғурта қопламалари экспортёр корхоналарни ҳар томонлама зарардан ҳимоялашга хизмат қилади. Хусусан, сиёсий хавф-хатар ёки ғавқулодда ҳолатлар (масалан, импорт қилувчи мамлакатдан маблағларни тақиқлаш ёки экспорт қилишни тақиқлаш, импорт қилинаётган

⁴⁴⁹Белов Н.И. Поддержка экспорта в Германии. Российский внешнеэкономический вестник. №5, 2015. –с. 97-109.

мамлакатга экспорт қилинадиган товарни етказиб беришни тақиқлаш, баъзи бир сиёсий сабабларга кўра экспорт қилинадиган товарларни мусодара қилиш ёки йўққилиш) билан боғлиқсуғурта ҳодисалари учун 95% га яқин зарар қопланади. Иқтисодий хавфлар учун (масалан, банкротлик ҳолати/импорт қилувчининг тўловга лаёқатсизлиги, импортернинг бирон-бир сабабга кўра тўловни рад этиши) суғурта қопламаси 85% га тенг⁴⁵⁰.

Ушбу мулоҳазаларимиздан келиб чиққан ҳолда хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, экспортер корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашда суғурта механизмларидан фойдаланиш, суғурта механизмлари орқали экспортер корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашнинг институционал асосларини яратиш, суғурта фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг молиявий механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этилиши мамлакатимиз миллий иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

ИККИЛАМЧИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Махмудов Ф. БМА тингловчиси

Мустақилликнинг ўтган йилларида миллий қимматли қоғозлар бозорини яратиш, уни турли молиявий воситалар, шу жумладан, давлат корхоналари ва муассасаларини акциядорлик жамиятига айлантириш ҳамда давлат акция пакетларини хусусий мулкка сотиш йўли билан етарли даражада таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда қимматли қоғозларни чиқариш, уларни жойлаштириш ва муомалада бўлишини таъминлашни тартибга солишчи барча зарурий меъёрий-ҳуқуқий база мавжуд. Чунончи Фуқаролик кодекси, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, бир қатор қонуности ҳужжатлар ва савдо ташкилотчиларининг қоидалари амал қилмоқда. Миллий капитал бозорининг рақобатбардошлиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга доир дастурлар қабул қилинмоқда.

Давлат рақобат қўмитасининг Тадқиқотлар маркази, қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси институтлари ва бошқа давлат органлари вакиллари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган концепция бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг иқтисодий ислохотлар, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини рўёбга чиқариш негизида қабул қилинган⁴⁵¹. Концепциянинг пировард мақсади Ўзбекистонда эмиссиявий қимматли қоғозлар, айниқса, акциялар ва корпоратив облигацияларнинг иккиламчи бозорини ривожлантириш, ҳосилавий молиявий воситалар бозорини яратиш учун зарур шарт-шароитларни барпо этишга имкон берадиган стратегияни ва бу борада давлат органлари, фонд бозори барча иштирокчиларининг фаолият йўналишларини белгилашдан иборат. Яқин истикболда иккиламчи фонд бозорини ривожлантиришнинг асосий концептуал

⁴⁵⁰Официальный сайт Федерального статистического ведомства Германии. Цифры и факты. Народное хозяйство и окружающая среда. Внешняя торговля. - URL: <https://www.destatis.de/DE/ZahlenFakten/GesamtwirtschaftUmwelt/Aussenhandel/Aussenhandel.html>

⁴⁵¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармони](#)

қоидалари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

акциядорлик жамиятлари ва хўжалик бирлашмалари устав капиталидаги давлат улушларини қисқартириш, қимматли қоғозлар бозори ривожланишини рағбатлантирадиган имтиёз ва преференцияларни яратиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, акциядорлик жамияти шаклидаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, миллий иккиламчи бозорнинг хорижий ва халқаро бозор билан интеграциясини таъминлаш каби мақсадларни кўзлашга қаратилган давлат сиёсатини олиб бориш;

- акциядорлик жамиятлари ва хўжалик бирлашмалари устав капиталидаги давлат улушларини хусусий секторга сотиш ёки уларни мақбул даражагача қисқартириш орқали қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг ресурс базаси яратиш;

- давлат органлари билан бир қаторда биржа ва биржадан ташқари савдо ташкилотчилари, эмитентлар, инвесторлар, фонд бозорининг профессионал иштирокчилари, илмий-тадқиқот марказлари ва таълим муассасаларини жалб этган ҳолда қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини ривожлантириш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси ташкилотлари, професссионал иштирокчилари, тартибга солувчи давлат органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- битимларни доимий тарзда тузиш, қимматли қоғозларни котиловкалаш даврини ўрнатиш, уларнинг ликвидлилигини ошириш, маркет-мейкерларни ташкил этиш, акциядорлик жамиятларининг камида 10 фоиз акцияларининг фонд биржасида доимий муомаласини таъминлаш орқали иккиламчи фонд бозорида қимматли қоғозларнинг ҳақиқий бозор нархини шакллантириш, шунингдек бунда зарурий шароитлар яратиш мақсадида тегишли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш;

- қимматли қоғозлар иккиламчи бозори соҳасидаги солиқ сиёсатини такомиллаштириш, жумладан, ягона солиқ тўловини қўллаётган брокерлик ташкилотлари учун солиққа тортишнинг ягона нормасини ўрнатиш, дилерлик операцияларини ўтказиш чоғида юзага келадиган зарарларнинг ҳисобга олиниши юзасидан Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритиш;

- эмитентлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив веб-сайтларга қўйилган талабларнинг бажарилишини таъминлаш, “Тошкент” РФБ веб-сайтини Корпоратив ахборот ягона портали билан интеграциялаш, акциялар котиловкаси бўйича ахборотни инвесторларга халқаро амалиётда қўлланиладиган шаклда тақдим этиш, ахборотни тарқатиш бўйича агентликларни ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш;

- юқори ликвидли акциялар (“blue chip”) гуруҳини яратиш, инвесторлар билан алоқада бўладиган ҳамда компанияларни биржа листингига тайёрлайдиган махсус ташкилотларни барпо этиш, маркет-мейкерлар институтини жорий этиш орқали фонд бозорининг ликвидлилигини ошириш;

- қимматли қоғозлар иккиламчи бозорида клиринг операцияларини ривожлантириш, бунинг учун Ягона дастурий-техник мажмуа таркибидаги клиринг, ҳисоб-китоб ва субдепозитар модулини тўла амалга оширилишини таъминлаш, брокерлик ташкилотлари миждозлари учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида ҳисобварақлар очиш, реал вақт режимида “банк-брокер” ўзаро электрон муносабатни таъминлайдиган дастурларни жорий этиш;

- корпоратив ҳаракатларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, корпоратив ахборотни тарқатиш ва қимматли қоғозлар бўйича даромадларни тўлашни марказлаштирилган тарзда Қимматли қоғозлар марказий

депозитарийси ва инвестиция воситачилари орқали амалга ошириш тизимини яратиш;
- уюшган ва уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар иккиламчи бозорлари механизмларини ривожлантириш;

- давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи (“олтин акция”)дан фойдаланиш механизминини ишга солиш орқали стратегик аҳамиятга молик йирик корхоналар давлат улушларини аҳоли кенг қатламларига сотишни ташкил этиш ва шу тариқа давлат бюджетининг даромад қисминини тўлдириш;

- корхоналарни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим молиялаштириш манбаси ҳисобланган IPO (акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иккиламчи фонд бозори инфратузилмаси институтларини ривожлан-тириш, улар фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган махсус чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, уларнинг иккиламчи фонд бозорида фаолият юритишлари учун турли рағбатлантирувчи омилларни яратиш, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорида рейтинг агентликлари, махсус оммавий ахборот воситалари, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси каби институтлар фаолиятини таъминлаш;

- аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида аҳолининг мамлакат молиявий тизими, молиявий воситалар ва институтлар, қимматли қоғозлар бозори борасидаги билим даражасини оширишга қаратилган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш.

Хуллас, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу ғоялар ва стратегик мақсадларга амал қилиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат бошқарув органлари ва мамлакат фонд бозорининг энг муҳим институтлари саъй-ҳаракатларини бирлаштиради. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига нисбатан изчил ва мувофиқлашган иқтисодий сиёсатни олиб боришга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини ривожлантириш жараёнини сезиларли даражада тезлаштиради, уни янги ташкилий ва иқтисодий даражага олиб чиқади ҳамда фонд бозори ҳолатига ва умуман бозор муносабатларининг ривожланишига самарали таъсир этади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармони](#). Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида : расмий нашр. -Т.: Адолат, 2017. -112 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сонли Фармони. Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.

3. Ўзбекистон Республикасининг Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида 2015 йил 3 июнь, ЎРҚ-387-сон Қонуни.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА ДЕРИВАТИВЛАР САВДОСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Хамидов И. БМА тингловчиси

Жаҳон иқтисодиётида содир бўлган молиявий инқирозларнинг сабаблари қаторида молия бозоридаги инновацион маҳсулотлар — деривативларнинг такрор келтирилиши замонавий молиявий тизимни такомиллаштириш, молиявий назорат ва тартибга солишнинг аъанавий усулларини модернизациялаш заруратини белгилайди. Айниқса, халқаро молия бозорларининг биржадан ташқари сегментида молиявий воситачилар фаолиятини мувофиқлаштириш замонавий шарт-шароитларга тўлиқ

мослашмаганлиги деривативларнинг юқори суръатларда ривожланиши ва молиявий барқарорликка хавф солишини эҳтимолини кучайтирмоқда.

Биржадан ташқари деривативлар бўйича бозор сегментларидаги очик позицияларҳажми (млн. АҚШ долл.)

Дериватив турлари ва бозор сегментлари	2010 й. июнь	2013 й. июнь	2017 й.
Валюта форвардивасвопи	31 935 312	39 574 552	48 209 955
Фоизли валюта свопи	18 890 095	26 318 120	34 183 465
Валюта опциони	12 106 637	15 076 725	21 903 036
Валюта бозорибўйичажами	62 933 119	81 025 031	89 794 352
Фоизли форвард келишуви	60 028 187	89 433 846	104 813 718
Фоизли своп	367 540 841	437 065 578	443 991 412
Фоизбўйичакелишувларжами	478 092 807	577 269 322	664 893 690
Қимматлиқоғозларбўйича форвард ва своп	1 854 246	2 349 622	3 567 981
Қимматлиқоғозларбўйича опцион	5 013 284	4 613 729	3 980 653
Қимматлиқоғозларбозорибўйичажами	6 867 530	6 963 351	7 789 072
Жами	547 893 456	665 257 704	1 468 716 357

Манба: Халқаро ҳисоб-китоблар банки – bis.org

2017 йилда фоизли деривативлар бўйича очик позицияларҳажми 1трл. 468 716 357 АҚШ доллларидан ошиб кетди. Биржадан ташқари деривативлар бўйича шартномалар ҳажми бўйича кейинги ўринда валюта ва кредит деривативлари туради.

Шуни таъкидлаш керакки, кредитли деривативлар қимматли қоғозлар бозорининг нисбатан янги инструментлари ҳисобланиб, уларнинг ривожланиши асосан 1990 йилларига тўғри келади. Шунга қарамай ушбу деривативларнинг имкониятлари инқироздан олдинги даврда энг юқори суръатларда ўсишига сабаб бўлди.

Шундай қилиб, биржадан ташқари деривативлар муҳим хусусиятлари қаторига асосий шартларнинг максимал даражада мослашувчанлиги, шартнома шартларини стандартлаштиришнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Буэса, ўзнабатиди, бозордалиқвидилиқдаражасигаижобийтаъсирэтади.

Биржадаги деривативлар савдоси биржадан ташқари деривативлардан фарқли равишда, ижро муддатига эмас, балки муддатлар турли саналар кетма-кетлигидан иборат бўлади. Бу эса очилган позицияларни қарама-қарши тузилган бошқа дериватив билан ўзаро қоплаш имконини беради. Бундан ташқари, биржадан ташқари деривативлар ижро муддати тўлиқ бўлмагани учун амалда ноқулай конъюнктурада амалга оширилишига сабаб бўлади. Биржадан ташқари бозорда шахсий манфаат ва эҳтиёжга эга бўлган кўп миқдордаги иштирокчиларнинг мавжудлиги шартнома шартномаларининг вариациясини катта бўлишига олиб келади. Бундай ҳолат биржадан ташқари сегментдаги шартномалар ижросини янада кўпроқ қийинлаштиради ва очик позицияларни тўлиқ муддат келмагунча сақланиб туришга сабаб бўлади. Натижада, биржадан ташқари шартномалар муддати узоклиги (хусусан, фоизли своплар 30 ва ҳатто 50 йилгача муддатга тузилади), очик позицияларнинг биржа сегментидаги шунга ўхшаш кўрсаткичидан анча ортиқ бўлишини таъминлайди.

Биржадаги деривативларнинг яна бир хусусияти бу битимларни тузиш жараёнидир. Биринчи босқичда, деривативлар билан битимлар тузишдан бевосита аввал контрагентлар ўртасида бизнес муносабатларни ўрнатиш, шу жумладан,

молиявий ҳолатни текшириш ва контрагентни маъқуллаш, юридик ҳужжатларни имзолаш ва кредит лимитларни белгилаш амалга оширилади. Аксария тҳолларда дериватлар билан операциялар бажариш учун шартнома муносабатлари халқаро миқёсдагина мунавий ҳужжатларга асосланади. Ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқарувчи ташкилот бўлиб, Халқаро своп ва деривативлар бўйича ассоциация (Internationalswapandderivativesassocoation – ISDA) ҳисобланади.

ISDA томонидан ишлаб чиқарилган намунавий Бош келишувларга қўшимча равишда алоҳида деривативлар бўйича уларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қўшимча шартномалар тузилади. Алоҳида олинган шартномалар-нинг аниқ параметрлари тасдиқловчи хусусиятга эга бўлган шаклларда расмийлаштирилади.

Ўзбекистонда биржадаги деривативлар бозорини тартибга солишга қаратилган дастлабки чора-тадбирлар 2008 йилда “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг қабул қилиниши билан бошланди. Ушбу тартиб жаҳон амалиётидан фарқли равишда своп битимларини илк бор биржада тузишни назарда тутди. Бу ҳам бўлса, мамлакатимизда ўз вақтида қабул қилинган ва ташқи омилларнинг салбий таъсири олдини олишга хизмат қилган қатор тадбирлар бири ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти томонидан биржадан ташқари деривативларни марказлаштириш ва биржа сегментига ўтказишга ҳаракат қилиши эса, Ўзбекистонда қабул қилинган амалиёт нечоғлиқ ҳаққоний эканлигини таъкидламоқда.

Шундай бўлсада, Ўзбекистонда биржада деривативлар бозорини келгусида ривожлантириш, уларни салбий оқибатларига йўл қўймаслик ва тартибга солинишини такомиллаштириш талаб этилади. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Муддатли битимларнинг асосий камчилиги уларда рискининг мавжудлиги ҳисобланади. Шу сабабли ушбу битимлар бўйича биржа амалиётидаги каби маржа таъминотини қўлланилиши битимларни ижро этиш эҳтимолини ортишига хизмат қилади.

2. Муддатли битимлар бўйича рискни олдини олиш учун бир шартнома бўйича тўланадиган маржани қонуний расмийлаштириш зарур.

3. Биржада деривативлар савдоси билан шуғулланадиган мутахассисларнинг етишмаслиги ушбу сегментни ривожланмаслигининг асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли биржа ходимларини малакасини ошириш ва муддатли битимлар билан ишлайдиган малакали мутахассисларни кўпайтириш керак.

4. Тадбиркорлик ва фермер хўжалиги билан шуғулланувчи раҳбарларга деривативлар савдоси ҳақида тушинтириш ишлари олиб бориш зарур.

Шундай қилиб, деривативлар савдоси замонавий қимматли қоғозлар бозорининг узлуксиз бир қисми бўлиб, унинг салбий оқибатлари деривативларнинг мавжудлигида эмас, балки тартибга солиш тизимини замонавий шарт-шароитларга мос равишда такомиллаштиришга боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Alan Greenspan, "Statement to Congress, July 24, 1998 and July 30, 1998, (regulation of over-the-counter derivatives)," Federal Reserve Bulletin, Board of Governors of the Federal Reserve System (U.S.), issue Sep, pages 742-745.

2. Global Derivatives Study Group, Group of Thirty, July 1, 2013, «Derivatives: Practices and Principles», (Special Report, ISBN 1-56708-901-1) Pages 130

3. “Leaders’ Statement the Pittsburgh Summit” September 24-25, 2017. (The G20 Leaders' Summit in Pittsburgh, United States of America), pages 23

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ДОЛГОСРОЧНОГО СТРАХОВАНИЯ ЖИЗНИ И ПРОБЛЕМЫ ЕГО ПРИМЕНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Ходжаева О. В. слушатель БМА

Опыт развитых стран подтверждает, что страхование жизни является важной областью страхового рынка, которая обеспечивает значительную часть долгосрочных инвестиций в национальную экономику и оказывает содействие на повышение ее конкурентоспособности. Несмотря на значительный потенциал страхования жизни для экономического развития страны, обеспечение более эффективной социальной и инвестиционной политики государства, роль рынка страхования жизни в Узбекистане на современном этапе остается очень незначительной. Так, доля страхования жизни в ВВП Узбекистана составляет 0,10 % в то время как в развитых странах этот показатель составляет цифру, близкую к 10%. Актуальность долгосрочного страхования жизни обусловлена тем, что страхование жизни в стране находится на этапе становления и развития. В настоящий момент существует множество факторов, сдерживающих развитие данного сегмента страхования, такие как: относительно низкие доходы населения, отсутствие должной страховой культуры, недостаточный уровень развития страхового рынка, относительно высокие темпы инфляции, несовершенство законодательства. Также актуальным является изучение зарубежного опыта и поиск причин решения проблем, которые тормозят развития страхования жизни Узбекистана и не способствуют ее полноценному развитию.

Необходимо признать и крайне низкую инвестиционную привлекательность для страховщиков набора инвестиционных инструментов в нашей стране и ограниченность выбора, что само по себе предопределяет состояние не только страхования в целом, но и страхования жизни в частности. Если рассматривать пример Японии, то можно заметить, что на протяжении последних 5 лет почти половина всех инвестиций компаний страхования жизни приходится на государственные облигации (47% в 2017г), а вторым по величине направлением идут инвестиции в иностранные ценные бумаги. В Узбекистане выпуск государственных ценных бумаг возобновился лишь в декабре 2018 года⁴⁵². При этом низкий уровень капитализации не покрывает даже текущую инфляцию. Также сказывается отсутствие надежных инвестиционных компаний, доверительных и других подобных фондов по профессиональному управлению активами страховой компании.

Исторически так сложилось, что страховые компании, ориентированные на работу с частным клиентом, должны обладать агентской сетью, от профессионализма специалистов которой напрямую зависит объем продаж страховых продуктов. Создание широкой агентской сети потребует немалых капиталовложений, связанных с набором, обучением персонала, проведением семинаров и тренингов продаж. На данный момент количество страховых агентов на всем страховом рынке Узбекистана составляет порядка 8,7 тысяч⁴⁵³. В то же время, количество корпоративных и индивидуальных страховых агентов только в области страхования жизни в Японии превышает 86 тысяч⁴⁵⁴. Потенциал долгосрочного страхования жизни в Узбекистане очень высок и страховым компаниям необходимо приложить усилия, направленные на развитие агентской сети по всей территории страны. В то время, как почти половина поступающих страховых премий приходится на город Ташкент, данная мера позволит уменьшить географический дисбаланс поступающей

⁴⁵² Объявление о проведении 28 декабря 2018 года открытой продажи государственных ценных бумаг, номинированных в национальной валюте. <http://cbu.uz/ru/press-tsentr/obyavleniya-i-tendery/2018/12/154577/>

⁴⁵³ Отчет по регулированию и надзору за страховой деятельностью в Республике Узбекистан за 2018 год <https://www.mf.uz/media/file/insurance/reports/report2018.pdf>

⁴⁵⁴ Life Insurance fact book 2018, The Life Insurance Association of Japan, <https://www.seiho.or.jp/english/statistics/trend/pdf/2018.pdf>

страховой премии в разрезе регионов страны, а также позволит охватить широкие слои населения и значительно увеличить число застрахованных лиц.

Помимо развития агентской сети стоит уделить внимание развитию онлайн-страхования с использованием электронных сайтов и специальных мобильных приложений. Потребители услуг все больше нуждаются в расширенном контроле над своими специфическими покрытиями. Опрос потребителей страхования жизни указал, что 90 процентов покупателей выявили предпочтения для самостоятельного управления существующими политиками через цифровые каналы⁴⁵⁵.

На данном этапе уже сейчас страховым компаниям приходится обрабатывать большое количество данных и иметь дело с личными данными страхователей. В связи с этим, также видится актуальным вопрос цифровизации деятельности страховой компании. Анализируя зарубежный опыт, можно сказать, что одним из способов разработки цифровых платформ для страховых компаний является использование технологии блокчейн. Технология блокчейн поможет индустрии страхования развиваться благодаря новым предложениям, повышенному уровню надежности, прозрачности и гарантированной безопасности. Одно из главных преимуществ блокчейна для сферы страхования – смарт-контракты, или документы, условия которых исполняются автоматически. Такие контракты содержат данные об обязательствах сторон, а благодаря прозрачности информацию легко проверить. Кроме этого, так как записи о транзакциях и произведенных оплатах хранятся в распределенном реестре, их невозможно подделать. Смарт-контракты могут гарантировать клиентам, что все пункты договора будут выполнены, а компенсация – выплачена. Технология позволит страховым компаниям снизить расходы благодаря тому, что проверить все необходимые данные можно автоматически без посредников. Например, с помощью блокчейна страховые компании смогут проверить личность страхователя, действительность договора, а также получат доступ ко всем претензиям потерпевшей стороны. В целом, использование блокчейна ведет к автоматизации, уменьшению административных расходов, упрощению и повышению скорости обработки данных, оперативное взаимодействие со всеми участниками страховых отношений.

Несмотря на наличие конкурирующих продуктов, есть определенная ценность, которую несет для клиента исключительно страхование жизни. Она связана с защитой от рисков смерти и потери трудоспособности. Если посмотреть текущее состояние продуктового ассортимента на банковском рынке Узбекистана - там не обнаружится достаточного предложения по долгосрочным вкладам. И это является очевидной проблемой для потребителя: максимальный срок контракта с банками - 2 года, а на более длительный срок у банков продукты практически полностью отсутствуют. В этом смысле, страховые продукты тоже вне конкуренции для человека, мыслящего долгосрочными категориями - ему подойдет только страхование жизни. Участники рынка считают, что наше население пока не оценило все выгоды накопительного страхования жизни, которое может стать альтернативой банковскому вкладу или паевому инвестиционному фонду (ПИФу).

Помимо всего вышеперечисленного, страхование жизни может принять на себя существенную часть пенсионных функций государства в среднесрочной перспективе, которые сейчас финансирует бюджет. Возможно внедрение и использование спецдепозитариев в целях обеспечения сохранности и возвратности пенсионных накоплений граждан и страховых резервов страховщиков жизни. Уже в настоящее время Внебюджетный Пенсионный фонд Узбекистана может столкнуться с проблемой дефицита⁴⁵⁶, решить

455 Kevin Sharps, Chin Ma, Michele van Rensburg, and Nikias Stefanakis, "Embracing digital disruption: Consumer buying preferences and life insurance in a digital age," Deloitte Insights, August 2018.

456 Постановление Президента от 26 декабря 2018 года «О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2019 год и бюджетных ориентиров на 2020-2021 годы»

которую можно не только за счет использования существующих резервов трудовых ресурсов теневого сектора экономики, но и за счет использования долгосрочного страхования жизни. Средний житель нашей страны еще не дошел до осознания того, что он должен заботиться о себе сам, а не надеяться на государство. Если в Европе и Америке наличие страхового полиса - естественная статья расходов для людей экономически активного возраста, то для Узбекистана совсем недавно даже обязательное страхование гражданской ответственности владельцев транспортных средств было в диковинку и воспринималось только как дополнительный налог.

Страховщики жизни должны быть готовы к ужесточению контроля со стороны государства. В частности, необходимо рассмотреть вопрос по созданию гарантийного фонда по исполнению обязательств по договорам страхования жизни за компании, у которых была отозвана лицензия и прекращена страховая деятельность.

В современных экономических условиях вопрос гарантии сохранности средств также остается крайне важным. Особенно это касается страхования жизни, поскольку долгосрочное страхование жизни есть механизм трансформации сбережений населения в долгосрочные инвестиции. Финансовые ресурсы страхования в Узбекистане значительно меньше западных, по сбережения граждан в иностранной валюте оцениваются в районе 10,2 млрд долл⁴⁵⁷. В настоящее время в Узбекистане пока фактически нет долгосрочных финансовых инструментов, которые могли бы обеспечивать 20-летнее размещение резервов страховщиков по страхованию жизни. И те компании, которые пытаются заниматься долгосрочным страхованием жизни, большую часть рисков вынуждены размещать в том небольшом спектре финансовых инструментов, которые не отличаются повышенной капитализацией и долгосрочностью. В настоящее время необходимо и государству, и узбекским страховщикам срочно решать задачи по созданию предпосылок для превращения страховых компаний в крупных институциональных инвесторов, которым доверяет население, для трансформации страховых резервов по страхованию жизни в значительный инвестиционный потенциал для национальной экономики.

Список использованной литературы.

1. Постановление Президента от 26 декабря 2018 года «О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2019 год и бюджетных ориентиров на 2020-2021 годы»
2. Отчет по регулированию и надзору за страховой деятельностью в Республике Узбекистан за 2018 год <https://www.mf.uz/media/file/insurance/reports/report2018.pdf>
3. Объявление о проведении 28 декабря 2018 года открытой продажи государственных ценных бумаг, номинированных в национальной валюте. <http://cbu.uz/ru/press-tsentr/obyavleniya-i-tendery/2018/12/154577/>
4. Результаты опроса, проведенного Центральным банком в целях улучшения статистики внешнего сектора <http://cbu.uz/ru/press-tsentr/novosti/2019/06/169809/>
5. Kevin Sharps, Chin Ma, Michele van Rensburg, and Nikias Stefanakis, “Embracing digital disruption: Consumer buying preferences and life insurance in a digital age,” Deloitte Insights, August 2018.
6. Life Insurance fact book 2018, The Life Insurance Association of Japan, <https://www.seiho.or.jp/english/statistics/trend/pdf/2018.pdf>

⁴⁵⁷ Результаты опроса, проведенного Центральным банком в целях улучшения статистики внешнего сектора <http://cbu.uz/ru/press-tsentr/novosti/2019/06/169809/>

ФУҚАРОЛАР ЁШИГА ДОИР ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳамдамов Ш.К. - ТМИ мустақил тадқиқотчиси

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналиши “фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш”⁴⁵⁸ чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди.

Аҳолининг қариб бориши билан боғлиқ тенденциялар мамлакат пенсия тизимининг олдига шундай муаммоларни келтириб чиқарадики, уларни ижобий ҳал қилиш учун пенсия таъминотининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш талаб этилади. Пенсия таъминотининг иқтисодий асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлашда, шубҳасиз, ижтимоий суғурта муносабатлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ижтимоий суғурта аҳолини турли хавф-хатарлардан ижтимоий ҳимоялаш ҳисобланади, яъни ишдан бўшаш, меҳнатга лаёқатлилиқни, даромадни йўқотиш каби хавф-хатарлар йиғиндиси ҳисобланади. Ижтимоий суғуртанинг муҳим жиҳати шундаки, у иш берувчи ва ишловчиларнинг мақсадли бадаллари асосида маҳсул бюджетдан ташқари фондларни шакллантириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларда намоён бўлади. Ижтимоий суғурта муносабатларида суғурта тўлови меҳнат улуши ҳамда суғурта муддатига боғлиқ бўлади.

Меҳнатга лаёқатлилиқни ва даромадни йўқотишга олиб келадиган ижтимоий хавф-хатарларга қуйидагилар киради: касаллик, ишлаб чиқаришдаги жароҳат, касбий касаллик, бахтсиз ходиса, оналик ва болалик, ишсизлик, қарилик, боқувчисини йўқотиш.

Жамият ривожланиши билан ижтимоий суғуртанинг ўрни ва аҳамияти сезилари ошиб боради, бунга аҳолининг мажбурий ижтимоий суғурталаганлик даражасининг ошиши, ижтимоий суғурта дастурларининг кенгайиши, тўланадиган пенсия, нафақалар ҳажмининг ҳамда кўрсатиладиган хизматлар сифатининг ўсиши, уларнинг қиймати ва аҳоли реал даромадларининг ошиши сабаб бўлади.

Ижтимоий-сиёсий нуқтаи-назардан қараганда, ижтимоий суғурта фуқароларнинг қарилик, касаллик ҳолатлари, оналик, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотиши, боқувчисини йўқотиш, ишсизлик каби ҳолатларда моддий таъминот олишга конституцион ҳуқуқи борлигини кўрсатади. Тўланадиган маблағ миқдори меҳнат стажи, ойлик иш ҳақи, меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва амалдаги қонунчиликка асосланади.

2019 йилнинг 1-январь ҳолатида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг сони 33254100 кишини ташкил этган бўлса, ўтган йилга нисбатан 597400 кишига ёки 1,8% га ўсган⁴⁵⁹. Республика доимий аҳоли сонининг 30,3%и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичикларни, 59,5%и меҳнатга лаёқатли ёшдагиларни ва 10,2% меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда⁴⁶⁰ Ўзбекистон Республикасида 2019 йилнинг 1-январь ҳолатида доимий аҳоли сони таркибида 10,2 фоизини пенсия ёшида бўлган аҳоли ташкил этмоқда. 2019 йилнинг 1-январь ҳолатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобида турган

⁴⁵⁸ 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017-й., 6-сон, 70-модда.

⁴⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти www.stat.uz маълумотлари асосида

⁴⁶⁰ Ўша ерда

пенсия ва ижтимоий нафақалар олувчи фуқаролар 3485869 кишини ташкил этган ва уларнинг 90,7 %и ёки 3163051 нафари пенсия олувчиларни ташкил этмоқда (1-жадвал). Агар 2019 йилнинг 1-январь ҳолатида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг сони 33254100 кишини ташкил этган бўлса, унинг 3163051 нафари пенсия олувчи фуқароларни ташкил этиб, жами аҳолига нисбатан 9,5 %ни ташкил этмоқда. Шундан 2618503 нафар фуқаро ёшга доир пенсия олувчи фуқароларни ташкил этмоқда, бу эса жами аҳолининг 7,9 %ни ташкил этмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармаси ҳисобида турган пенсия ва ижтимоий нафақалар олувчилар
сони ҳамда ўртача пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг миқдорлари⁴⁶¹**

№	Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчи фуқаролар категорияси	Пенсия ва нафақа олувчи фуқаролар (2019 йил 1-январь ҳолатида)		2018 йилнинг январь-декабрь ойларида янги тайинланган пенсиялар ва ижтимоий нафақалар	2019 йилнинг 1-январь ҳолатида пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг ўртача миқдорлари
		Сони	Умумий контингентда туган улуши (%)		
1	Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчи фуқаролар-жами	3 485 869	100,0	330 466	588 349,88
1.1	Жами пенсионерлар	3 163 051	90,7	277 366	612 146,76
-	Ёшга доир пенсияси бўйича	2 618 503	75,1	226 156	627 884,21
-	Ногиронлик пенсияси бўйича	370 626	10,6	30 450	597 925,29
-	Боқувчисини йўқотганлик бўйича (оила)	173 922	5,0	20 760	404 743,70
1.2	Жами ижтимоий нафақа олувчи фуқаролар	322 818	9,3	53 100	355 597,99
-	Ёшга доир (карилик) бўйича	19 845	0,6	7 170	243 300,00
-	Ногиронлиги бўлган фуқаролар категорияси бўйича (меҳнат стажисиз)	22 694	0,7	10 544	243 300,00
-	Боқувчисини йўқотганлик бўйича (оила)	27 858	0,8	4 479	156 974,99
-	16 ёшдан катта бўлганлар бўйича	150 233	4,3	10 694	396 500,00
-	Болалигидан ногиронлиги бўлган 16 ёшгача бўлган болалар бўйича	102 188	2,9	20 213	396 500,00

Мамлакатимизда фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд:

- пенсия таъминоти тизимининг қамрови;
- тизимнинг ижтимоий адолатлилиқ принципларининг намоён бўлиши;
- пенсия тайинланадиган аҳоли сонининг ўсиши;
- пенсия миқдорининг пенсия ёшидаги фуқаронинг яшаш саватчаси билан мувофиқлаштириш;
- хусусий пенсия фондларини шакллантириш ҳамда мамлакатда аралаш пенсия таъминоти моделини шакллантириш ва бошқалар.

⁴⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқорида келтирилган муаммоларни ечиш мақсадида бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси, олий таълим муассасалари, ҳалқаро ташкилотлар ва бошқа муассасалар ҳамкорлигида 2019-2030 йилларда фуқароларнинг давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу концепцияда пенсия таъминотининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, оптимал пенсия формуласини ишлаб чиқиш, меҳнат стажи ва пенсия миқдорлари ўртасида узвий боғлиқликни таъминлаш, ижтимоий суғурта тизимида фуқаролар иштироки давомийлигини рағбатлантириш, пенсия таъминотида ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг пенсия суғуртаси тизимидаги иштирокини рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш ҳам уларнинг пенсия таъминоти маблағларини шакллантиришда иштирокини таъминлаш, пенсия таъминоти молиявий барқарорлигини таъминлаш каби масалалар ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз:

Биринчидан, Ўзбекистонда пенсияни меҳнат стажига қараб пенсия тўлашдан суғурта стажига асосан тўлашга босқичма-босқич ўтиш керак;

Иккинчидан, ортқча оворагарчилик ва амалиётда юзага келаётган низоларни бартараф этиш мақсадида интеграциялашган ахборот алмашинув тизимини тўлақонли ишлашини таъминлаш;

Учинчидан, Ўзбекистонда хусусий пенсия фондлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурларни қабул қилиш ва бу йўл орқали мамлакатимизда аралаш пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришни таъминлаш ва бошқалар.

СУҒУРТА БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИДА СУҒУРТА БОЗОРИ ПРОФЕССИОНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

*Ҳамраева Ф.Ш. ТМИ “Суғурта ва пенсия иши”
кафедраси ўқитувчиси*

Ҳозирги замон инсоният цивилизациясини суғурта тизимисиз тасаввур этишқийин. Дарҳақиқат суғурта ҳозирги кунда, корхона ташкилотлар, ҳамда фуқароларни олдиндан кўриб бўлмайдиган тасодифий ҳодисалар оқибатида юзага келадиган талофатларни олдини олиб қолмасдан, балки йирик инвестиция манбаидир.

Суғурта хизматлари истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган суғурта компанияларининг фаолияти маълум жараён, циклини тақозо этади. Бозор тизими механизми яхши йўлга қўйилган ва ўз ўзидан тартибга солувчи яширин имкониятларга эга бўлишига қарамай, тез-тез ҳамда мунтазам равишда издан чиқиб туради. Баъзан бу издан чиқишлар шундай кўламда рўй берадики, оқибатда иқтисодиёт барқарор мувозанат ҳолатига келиши учун кўп вақт талаб қилинади. Буларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда “Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 16 июль куни 87-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи, манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қилувчи, ўз аъзолигига ихтиёрий тарзда бирлаштирувчи юридик шахслар уюшмаси (бирлашмаси), нотижорат ташкилот тушқил этилди. Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида иш юритади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси шундан далолат берадики, суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси бугунги ҳолатини янада

ривожлантириш мақсадга мувофиқлигини белгилаб беради. Бунинг боиси суғурта соҳасида бозор кўрсаткичларининг ўсиши замонавий бозор шароитларига жавоб берадиган тегишли базани шакиллантириш мақсадида меъёрий ҳуқуқий ҳужатларни қабул қилиш уларга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш бўйича амалга ошириладиган фаол ишлар билан соҳани модернизациялаш ислоҳати жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Ассоциация фаолиятининг асосий йўналишлари:

- суғурта бозорининг аҳволини ўрганиш, унинг кўпроқ тиниқлигини таъминлаб берувчи таклифлар ишлаш, рақобатни ривожлантириш, ҳажмларни кўпайтириш, спектрни кенгайтириш ва суғурта хизмати сифатини ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси суғурта соҳасига потенциал чет эл инвесторларини капитал маблағлар сарфлашда қўллаб-қувватлаш;

- республика аҳоли ўртасида суғурта масалалари бўйича фаол тушунтириш ишларини амалга ошириш;

- суғурта учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, суғурта бозори профессионал иштирокчилари учун профессионал этика нормаларини ишлаб чиқишдан иборатдур.

Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмасининг таркибий тузилиши 2018 йил 12февраль ҳолати куйидагича⁴⁶²:

Суғурта компаниялар – 31 та, шу жумладан:

- ҳаёт суғуртаси тармоғида – 4 та;

- умумий суғурта тармоғида – 23 та.

Суғурта воситачилари:

- суғурта брокерлари – 3 та;

- суғурта агентлар – 5 800 дан ортиқ.

Суғурта фаолиятига хизмат кўрсатувчи субъектлар (ассистанс, аджастер ва сюрвейерлар) – 18 та.

Актуар ташкилотлар – 4 та.

2017-йил январ ҳолатига суғурта компанияларнинг мамлакат бўйича ҳудудий филиаллари ва бўлинмалари сони 1123 тага етди. 2017 йилнинг ўзида эса республика бўйича 81 та янги бўлинмалар очилди. 2010 йилда суғурта компанияларнинг филиаллари ва бўлинмалари 892 та эди, бу кўрсаткич ҳозирги даврда 1,3 баробар ортганлигини кўришимиз мумкин.

Суғурта воситачиларга келадиган бўлсак, ҳозирги даврга келиб Ўзбекистон суғурта бозорида 3 та суғурта брокери мавжуд.

Ўзбекистон суғурта бозоридаги суғурта брокерлари⁴⁶³

№	Суғурта брокери номи	Лицензия сони ва берилган санаси
1	«INSURANCE BROKER CONSALTINC» МЧЖ	СФ 00185-сонли, 01.11.2013 йилда берилган
2	«IN RE» МЧЖ	СФ 00218-сонли, 30.09.2016 йилда берилган
3	«ORIENT INSURANCE BROKER» МЧЖ	СФ 00204-сонли, 25.09.2015 йилда берилган

Лекин, шуни инобатга олиш лозимки, фақат қайта суғурта брокери фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талаб қилинмагани боис, Ўзбекистон суғурта бозорида

⁴⁶² 2018-йил 8 май ҳолатига суғурталовчилар ва суғурта брокерларига суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи амалдаги лицензиялар реестри

⁴⁶³ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги суғурта назорати давлатинспекцияси ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

фаолият юритадиган қайта суғурта брокерларининг сони суғурта брокерлардан ортиқ бўлиш мумкин. Бу кўрсаткич суғурта брокерларининг суғурта бозоридаги таъсири жуда пастлигидан далолат беради. Давлат рўйхатидан ўтган суғурта агентларининг сони республика бўйича 5800 дан ортиқ, лекин ҳақиқатда барқарор фаолият олиб боровчи суғурта агентларининг сони анча камроқ бўлиши эҳтимоли ҳам мавжуд.

Аджастерлик фаолияти⁴⁶⁴

	Компания номлари	Ҳуқуқий ташкилий шакли
	ASCON SERVICE	Масъулияти чекланган жамият
	BovarService	Масъулияти чекланган жамият
	LABB	Масъулияти чекланган жамият

Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта фаолиятига хизмат кўрсатувчи бошқа субъектлар яъни, суғурта сюрвейерлар, аджастерлар ва суғурта ассистансларининг умумий сони 18 та. Ушбу субъектларнинг сонини умумий белгилашнинг сабаби, суғурта сюрвейерлар, аджастерлар ва суғурта ассистанслар фаолияти бир-бирига жуда яқин ва ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган суғурта бозори профессионал иштирокчилари ҳисобланади.

Суғурта брокери ва суғурта агентларининг асосий фарқли жиҳатлари⁴⁶⁵

Параметрлар	Брокер	Агент
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	МЧЖ, ХК, АЖ, ... (фақат юридик шахс)	ЯТТ, МЧЖ, ХК, ШК, АЖ...
Лицензиялаш	Молия вазирлиги лицензияси асосида	Талаб етилмайди
Суғурталовчи билан ҳамкорлик шакли	Брокер – барча суғурталовчилар тўғрисида маълумотларга эга бўлган мустақил эксперт. У суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига кўра суғурта шартномасини тузади	Агент – суғурталовчининг манфаатлари бўйича фаолият юритадиган суғурталовчининг жойлардаги вакили
Хизмат тури	Суғурта брокери суғурта шартномасида суғурта қилдирувчи ҳолатида бўлиши ҳам мумкин ва бевосита даъво ишларида қатнашиши мумкин.	Суғурта агенти – фақатгина воситачи ва у суғурта шартномасида қатнаша олмайди.
Манфаатларни ҳимоя қилиш	Суғурта қилдирувчининг манфаатларини ҳимоя қилади	Суғурталовчининг манфаатларини ҳимоя қилади
Компетентлик	Ҳар доим рискларни ўрганади, таҳлил қилади, чунки юқори рискли шартномалар унинг бевосита даромадига таъсир қилади	Одатда рискларни чуқур таҳлил қилмайди, суғурталовчига таянади
Комиссион ҳақ	Суғурта қилдирувчидан олади, қанча комиссия ҳақ олишда максимал чегара мавжуд эмас	Комиссион ҳақни суғурталовчи тўлайди, суғурта мукофотининг 25% миқдорида максимал чегара ўрнатилган
Суғурта ундирувчи олдидаги жавобгарлик	Суғурта қилдирувчи олдида тўлиқ жавобгар	Агент эмас, суғурталовчи жавобгар бўлади

Бозор қонунига кўра суғурталовчилар ўртасида ҳам рақобат ўсиб боради ва суғурталовчиларга нафақат янги мижозларни жалб этиш, балки мавжуд мижозларни

⁴⁶⁴ UzReport axborot agentligining <http://www.uzreport.uz> internet sahifasi ma'lumolari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

⁴⁶⁵ Мавжуд маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

ушлаб туриш ҳам муаммога айланиб боради. Суғурта тарифларини камайтириш билан миждоларни жалб этиш эса суғурталовчини молиявий инқирозга олиб келмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шунинг учун суғурта шартномасига суғурта ассистанси кўрсатилиши ҳамда шартлари киритилиши амалиётда кенг қўлланилиши кузатилмоқда. Бу ҳолат суғуртани иқтисодиётда янада ривожланишидаги аҳамияти бекиёс эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2007 йил 10 апрель, ПҚ-618-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида. 2007 йил 10 апрель, ПҚ-872-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2002 йил 27 ноябрь. 413-сон. / Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. - Т.: 2002 йил 11-сон.

13. <http://www.mf.uz> – (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий сайти).

14. <http://www.press-service.uz> – (Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати).

15. <http://www.znay.ru> – (Электрон кутубхона).

ХУСУСИЙ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Абдиев.Ш.Р. БМА 2-курс тингловчиси

Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд. Бунда ҳар битта мамлакатдаги ижтимоий ҳимоя тизими бири-биридан фарқ қилади. Ривожланган мамлакатлардаги ижтимоий ҳимоянинг асосий хусусияти шундаки, аҳолининг қариган чоғида ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, пенсия харажатларининг фақатгина давлат томонидан молиялаштириши етарли самара бермайди. Ривожланган мамлакатлар пенсия тизимини молиялаштириш тажрибасини тадқиқ этиш натижаларига кўра, мамлакатлар пенсия тизимида бир вақтнинг ўзида уч босқичли пенсия дастурлари амал қилишини кузатиш мумкин: минимал пенсияни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал пенсия дастури, фуқаролар ихтиёрий тарзда хусусий пенсия суғурталарини амалга оширишлари. Мазкур вазият, ўз навбатида, пенсия фондларини хусусийлаштириш имкониятларини кенгайтириши билан бир қаторда миллий иқтисодиётнинг ички инвестицион жараёнларини ривожлантиришга замин яратади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг: “Ёши улғайинсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буён ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади” (Ш.Мирзиёев, 2016) деганлари Ўзбекистонда пенсия тизимига қаратилаётган юксак эътибордир.

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида пенсия таъминотининг 2 тури амал қилади: булар давлат пенсия таъминоти ва нодавлат пенсия таъминоти. Хусусий пенсия (нодавлат пенсия таъминоти) – истеъфога чиққан даврдан кейин пенсия олиш учун ҳар бир шахс индивидуал даромадидан ҳисса қўшиш орқали қатнашади. Бу давлат пенсия тизимига муқобил бўлиб, одатда суғурта корхоналари, банклар ва махсус фондлар орқали бошқарилади. Кўпинча, яъни айрим мамлакатларда хусусий пенсиялар иш берувчилар томонидан ҳам бошқарилиши мумкин ва бу пенсия меҳнат пенсияси деб

аталади. Хусусий пенсия тизимида бадаллар шаклланиши давлат пенсия тизимига ўхшаб даромаддан бадаллар чегириб қолиш ҳисобига барпо этилади.

Хусусий пенсия тизимлари дастлаб Буюк Британия, АҚШ ва Чили мамлакатларига пайдо бўлган ва ривожланган.

Буюк Британия 18 асрнинг биринчи ярмида хусусий пенсия тизимини биринчи бўлиб расмий жорий қилган дунёдаги биринчи мамлакат ҳисобланади. Буюк Британия пенсия тизими дунёдаги энг қадимийларидан бўлиб, оммавий ва универсал пенсия таъминоти 1908-йилда жорий қилинган. Мазкур тизим ташкил этиш, тартибга солиш ва имкониятлар танлови бўйича бирмунча мураккаб ҳисобланади. Буюк Британиялик пенсионерлар ойлик маоши ва иш стажидан келиб чиқиб, давлатдан базавий пенсияни ҳам, хусусий пенсия тизимидан меҳнат пенсиясини ҳам олиши мумкин. Буюк Британия хусусий пенсияларни жамғаришнинг турли-туман усуллари- корхонада корпоратив дастурлардан тартиб, нодавлат пенсия фондларига ихтиёрий тарзда пенсия жамғаришнинг ривожланган тизимигача мавжуд.

АҚШдаги пенсия тизимининг ривожланиши эволюцион йўл билан, тармоқлар, штатлар, умум давлат (федерал) даражада хусусий секторга жамғариш тизимини тажриба сифатида қўллаш орқали ривожланаётган. 1857 йилда илк маротаба Нью Йорк полиция ишчилари учун ҳаётларини ва ногиронликни суғурталаш учун муниципал пенсия фонди ташкил этилган. 1857 йилда “American Express” компанияси томонидан илк маротаба хусусий пенсия режаси тузилади. Унга кўра компанияда 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлган, 60 ёшли ишчиларга иш фаолиятини тўхтатганлик юзасидан тўловлар тўланилиши маълум қилинади. Биринчи ўқитувчилар учун пенсия схемаси Нью Йорк шаҳри (1894 йил)да ва Нью Джерси штати (1896 йил)да жорий этилган. 1898 йилда Огайо штатида АҚШ тарихидаги илк кўрларни пенсия билан таъминлаш қонун лойиҳаси қабул қилинади. 1911 йилда Массачусетсда, 1914 йилда Аризонада штатлар доирасида тўлов (взнос)ларга асосланган, барча давлат идоралари ишчиларини қамраб олган биринчи пенсия тизими жорий қилинди. 1920 йилда федералишчилари учун граждон ишчилари ва ногиронларни пенсия билан таъминловчи Фонд ташкил қилинди.


Америка Қўшма штатларида 1930 йилдан бошлаб қарияларни ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган пенсия тизими тез суратларда ривожланишни бошлади. Бу тизимда давлат ҳамда хусусий компонентлар мавжуд бўлган. Давлат пенсия дастури ўша пайтдаги иқтисодий фаол аҳоли ҳамда қарияларни ўзичига олиб, қариялар, ногиронлар, аҳолининг ёрдамга мухтож қатламлари, ҳарбий хизматда бўлганлар ва уруш қатнашчиларини ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган. Пенсия тизимининг хусусий қисми саноат фирмалари, нотижорат ташкилотлар ва бирлашмалар томонидан бошқарилиб фақат ўзларининг ишчи ва хизматчиларини ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган. Бу хусусий сектор хусусий пенсия тизимини яратишда итадқиқотларга кенг йўлчиб берди.

(А.Мардонов, 2017й) нинг таъкидлашича “бугунги кунда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, нодавлат пенсия жамғармалари табиатиг акўра икки томонлама хусусиятга эга”. Бу хусусиятларни қуйдагича баён қилишимиз мумкун, Биринчидан, бу жамғармалар жамиятдаги меҳнатга лаёқатсиз бўлган аъзоларнинг моддий ҳолатини яхшилаш вазифасини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдиган муҳим ижтимоий институт деб ҳисобланадилар. Улар ёрдамида одамлар кексалик даврида давлат томонидан қаролатилган энг кам миқдордан юқорирок даромад олиши имкониниқ ўлгак иритадилар. Ишчилар ўз пенсия бадалларини мустақил тартибга солиш ёки бу вазифаларни қасаба уюшмалари орқали ўз ишберувчиларининг зиммасига ўтказиш имконига эгадилар. Иккинчидан, бу жамғармалар мамлакатнинг иқтисодий тизимида муайян вазифани бажарадиган ўзига хос молиявий институтлардир. Бундай

институтлар фуқароларнинг жамғарилган пулларини узоқ муддатли инвестициялаш мақсадида жамлаш билан шуғулланадилар.

Пенсия таъминотидахусусий пенсия тизимининг роли ўтган 20 йил ичида сезиларли даражада ўсди. Кўп мамлакатларда сай-ҳаракаталари шуник ўрсатадик ихусусий пенсия фонди бадаллар шаклланиши номутаносиб равишда қисқартирилди ва ўз навбатида мамлакатдаги хусусий пенсия тизими салмоғин иоширади. Шуник кўришимиз мумкинки хусусий пенсия тизими Лотин Америка, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида кенг таркала бошлади.

Шуник таъкидлаш жоизки, молия ва қимматли қоғозлар бозори юқори даражада ривожланган етакчи давлатларда нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий ресурслари мамлакат ЯИМда улуши юқори эканлигини кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. 2017 йилда Ривожланган давлатларда нодавлат Пенсия

Жаҳон тажрибаси шуник кўрсатадики пенсия хизмати даражасини кўтариш, бунинг учун кўшимча захираларни жалб этиш, пенсия тизимларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ишчининг пенсиясини бевосита унинг ўзмеҳнати билан кўшган ҳиссасига боғлаш ҳамд анодавлат пенсия тизимини шакиллантиришга қаратилган чора- тадбирларни амалга оширишни назарда тутмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи 2016 йил 15 декабр.
2. К.Мардонов “Хусусий пенсия фондлари” Т-2017
3. Waldo Tapia “Description of private pension system” OECD publishing 2008 y.
4. Romain Despalins “Old Age Pension Schemes” OECD 2014, Paris, France.

ФОРМИРОВАНИЕ ЕДИНОГО ФИНАНСОВОГО ПРОСТРАНСТВА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ КАК ОСНОВНАЯ ТЕНДЕНЦИЯ УГЛУБЛЕНИЯ ИНТЕГРАЦИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ ФИНАНСОВЫХ РЫНКОВ В ГЛОБАЛЬНЫЙ ФИНАНСОВЫЙ РЫНОК

*Шаринов Б. М., канд. экон. наук, вед. науч. сотр.
Института экономик и демографии
Академии наук Республики Таджикистана*

Успешное решение задач по финансированию приоритетных областей развития экономик Узбекистана, Таджикистана, Казахстана, Туркменистан и Киргизии объективно требует оптимизировать процесс формирования и развития национальных финансовых рынков и их интеграции в глобальный рынок. Вследствие отрицательных последствий мирового финансового кризиса 2008 г., высокой волатильности и снижения цен на глобальном товарном рынке, усиления финансовых проблем в развитии европейских стран (высокий уровень дефицита государственного бюджета и роста издержек по обслуживанию суверенного долга), сокращение поступлений иностранных инвестиций, валютной выручки и денежных переводов ограничивают доступность финансовых ресурсов для поддержания высоких темпов роста ВВП и повышения уровня жизни населения в странах среднеазиатского региона. В этой связи, перспективы развития среднеазиатского региона напрямую связаны с формированием единого финансового пространства Центральной Азии и последующего поэтапного ее интеграции в мировой финансовый рынок.

Обладая большим финансовым потенциалом и выгодным геополитическим расположением, страны Средней Азии в ближайшем будущем смогут усилить свой производственный, в том числе и экспортный потенциал, создать мощную основу для роста уровня жизни населения, повышения роли и влияния региона в азиатском регионе и в мире. Формирование единого финансового рынка СА основанного на экономических преимуществах и взаимных выгодах, позволит получение синергетического эффекта от свободного движения финансового капитала между странами региона, мобилизации свободных сбережений и их трансформации в финансовые инвестиции, рационализируя потребности в использовании внешних финансовых ресурсов. В частности, это позволит повысить эффективность, устойчивость, надежность и конкурентоспособность интегрированного финансового рынка и создать на этой основе предпосылки для более стабильного и устойчивого экономического роста государств-членов ЦА.

Однако, несмотря развивающиеся торгово-экономические связи в регионе ЦА, в его рамках не образован эффективный механизм по мобилизации внутренних свободных сбережений в денежной форме и их трансформации в инвестиции для усиления взаимного инвестирования между странами. Кроме того, наличие валютных и других законодательных ограничений препятствуют углублению интеграции финансовых рынков и, как следствие, снижают уровень финансового развития и общую конкурентоспособность финансового рынка ЦА. Так, например, наиболее развитым сегментом финансовых рынков стран ЦА является банковский сектор, который получил приоритетное развитие. Однако, уровень развития банковского сегмента отстает от развитых индустриальных стран и передовых развивающихся стран. Он в меньшей мере отвечает потребностям финансирования и реализации долгосрочных и среднесрочных, больших и средних по объему инвестиционных проектов в реальном секторе. В данном контексте важнейшая роль принадлежит небанковским финансовым организациям. Однако, к сожалению, последние существенно отстают в развитии в экономике стран ЦА. Так, низок уровень развития

сегмента ценных бумаг, где получил развитие подсегмент обращения государственных ценных бумаг. При этом, практически отсутствуют на финансовом пространстве ЦА (кроме Казахстана) подсегмент производных финансовых инструментов, ограничено развит подсегмент обращения корпоративных ЦБ. Слабое развитие получил и страховой подсегмент. Это обуславливает низкие объемы финансирования экономики, но и отсутствие широкого перечня финансовых инструментов по хеджированию и страхованию финансовых рисков субъектов рынка, ведущих к росту их издержек, снижению их конкурентоспособности.

В современных условиях для стран Центральной Азии характерно недоверие населения к банкам и небанковским финансовым организациям, и как следствие - высок уровень обращения наличности вне банков, слабая депозитная база и высокая стоимость заимствования, высокая доля невозвратных кредитов, слабая диверсификация источников финансирования. Ситуация усугубляется несовершенством регулирования и пруденциального надзора, непрозрачностью деятельности участников финансового рынка. Вышеперечисленные и другие причины ограничивают поступление частных финансовых инвестиций в экономику стран Центральной Азии, несмотря на наличие огромных свободных финансовых ресурсов на мировом финансовом рынке.

Сравнительный анализ индекса финансового развития и рейтинга государств мира подтверждает низкий уровень финансового развития в странах Центральной Азии (табл.).

Динамика рейтинга и индекса финансового развития стран Центральной Азии (по совокупности 183 стран мира)

Страны Центральной Азии	2007		2017		Изменение, (+/-)	
	Рейтинг	Индекс	Рейтинг	Индекс	Рейтинг	Индекс
Казахстан	65	0,35	75	0,32	- 10	-0,03
Узбекистан	108	0,20	93	0,26	15	0,06
Киргизстан	95	0,24	156	0,13	- 61	-0,11
Туркменистан	147	0,12	160	0,12	- 13	0
Таджикистана	165	0,09	166	0,11	- 1	0,02
Справочно: другие страны СНГ						
Россия	49	0,44	39	0,48	10	0,04
Молдова	63	0,36	65	0,35	-2	-0,01
Армения	128	0,16	99	0,25	19	0,09
Украина	93	0,25	112	0,21	-19	-0,04
Азербайджан	131	0,15	118	0,20	13	0,05
Белоруссия	103	0,21	126	0,18	-23	-0,03

Составлено автором: на основе сайта <https://data.imf.org/?sk=F8032E80-B36C-43B1-AC26-493C5B1CD33B&slid=1485894037365>

Так, по индексу финансового развития в Центральной Азии лидирует Казахстан [1]. Однако, за период десятилетие (2007-2017 гг.) наблюдается ухудшение его позиции (на 0,03 п.п.), который опустился с 65 места в рейтинге до 75, или на 10 позиций. Ухудшилась и позиция Туркменистана, Киргизии и незначительно Таджикистана.

За анализируемый период только Узбекистан улучшил свои позиции в рейтинге среди стран среднеазиатского региона. Так, индекс финансового развития повысился с 0,20 в 2007 г. до 0,26 в 2017 г., или на 0,06 п.п. Это позволило подняться Узбекистану с 108 позиции в рейтинге до 93 места, или на 15 пунктов. В целом, финансовые условия для ведения бизнеса в ЦА все еще не отвечают в полной мере требованиям

международных норм и стандартов и значительно отстают от уровня развитых и развивающихся финансовых рынков.

Вышеперечисленные факты объективно требуют углубления интеграции национальных финансовых рынков в единый региональный финансовый рынок как фактор увеличения финансирования развития национальных экономик и повышения их общей конкурентоспособности.

Следовательно, необходимо разработать концепцию и стратегию развития единого финансового рынка государств-членов Центральной Азии. Анализ стратегических документов стран региона показывает, что в них отсутствует достаточное понимание актуальности формирования единого финансового рынка Центральной Азии [2]. В этой связи предлагается разработка и реализация концепции и стратегии формирования и развития общего финансового рынка ЦА, кардинально изменив подходы к развитию национальных финансовых рынков интегрируемых стран. В частности, ее реализация на практике улучшит деловую среду для развития юридических лиц, особенно малых и средних инновационных и наукоемких предприятий, за счет увеличения объемов финансирования и оказания широкого перечня разнообразных финансовых услуг и продуктов в виде кредитов, страховых и лизинговых продуктов, вложений в ценные бумаги и т.д. с широким использованием современных цифровых технологий, не зависимо от места их функционирования в рамках единого финансового пространства.

Предлагается в рамках разрабатываемой концепции конкретизировать цели и задачи углубления интеграции национальных финансовых рынков, сроки, его механизмы и инструменты, а также ожидаемые результаты. Как показывает мировой опыт, в качестве приоритетной должна стать задача гармонизации законодательства участников объединения в области финансовых рынков, выработка общих принципов его формирования, переход к скоординированному регулированию финансового рынка и т.д.

Во-вторую очередь необходимо устранить барьеры при открытии и ведении банковских счетов субъектов рынка, валютные ограничения при проведении межгосударственных расчетов, внедрение обмена информации о кредитных историях, чтобы обеспечить возможность участникам кредитоваться не только в своей стране. Важно создать единый рынок аудиторских услуг, единое биржевое пространство, включая взаимный допуск брокеров и дилеров на национальные фондовые биржи, формирование интегрированного валютного сегмента. Как показывает мировой опыт, формирование последнего позволит обеспечить снижение валютных рисков при осуществлении расчетов как внутри региона с использованием национальных валют, так и при международных расчетах, с использованием свободно конвертируемых валют, способствовать росту емкости, ликвидности рынков национальных валют, большей стабильности и предсказуемости обменных курсов и сокращению конверсионных издержек участников рынка.

Усиление конкуренции в рамках единого финансового пространства между финансовыми организациями создаст более благоприятные условия для финансирования развития как предприятий реального сектора, особенно для малых и средних, так и развития финансовых организаций, для полной мобилизации внутренних свободных сбережений в денежной форме и их трансформации в инвестиции в рамках единого финансового пространства региона. Увеличение объемов мобилизации внутренних финансовых ресурсов позволит рационализировать использование внешних ресурсов мирового финансового рынка, снизив долговую нагрузку на экономику и субъекты рынка.

Соответственно, формирование единого финансового рынка Центральной Азии и его эффективное функционирование позволит одновременно углубить его

интеграцию в мировой финансовый рынок и его сегменты. В противном случае, страны Центральной Азии могут оказаться под угрозой срыва успешного выполнения принятых стратегий развития, и остаться на обочине от мирового развития.

Список литературы:

1. Katsiaryna Svirydzenka. Introducing a New Broad-based Index of Financial Development.// WP/16/5, International Monetary Fund, 2016, p.43

2. Ш. Шохазамий. Развитие финансового рынка в Узбекистане: проблемы и решения в контексте стратегии действий.// <http://ifmr.uz/wp-content/uploads/2018/11.pdf>. дата просмотра 14.10.2019 г.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ АСОСИДА ФОНД БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

***Султонов Ш. Н. ТМИ “Давлатий молия”
кафедраси катта ўқитувчиси***

Замонавий иқтисодиётда акциядорлик жамиятлари хўжалик юришти амалиётида корпоратив бошқарувнинг кенг тарқалганлиги мамлакатларнинг очиклик ва ривожланиш даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Самарали компаниялар ва корхоналарсиз мамлакат турмуш фаровонлигини оширишва қўшимча ишчи ўринларини ҳосил қилиш учун етарлича шароит яратиш имкони бўлмайди.

Давлат учун инвестициялар жалб қила оладиган, ишчи ўринлари ва моддий бойликларни ярата оладиган, барқарор ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, корпоратив бошқарув савияси ҳамда механизми яхши ташкил этилган корхоналар керак. Шунинг учун ҳам замонавий корпоратив бошқарув миллий иқтисодиётни ривожланиши учун заруриятга айланиб бормокда.

Корпоратив бошқариш - деганда иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоғида (саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, қурилиш, транспорт, банк фаолияти ва ҳк), агар у якуний натижа сифатида мақсадларга эришиш ва фойда (тадбиркорлик даромади) олишга йўналтирилган бўлса, корпорациянинг хўжалик фаолиятини, жумладан одамлар, жамоалар, корхоналар, лойиҳалар, дастурларни бошқаришдан иборат профессионал фаолият турини тушуниш мақсадга мувофиқ. Профессиянал бошқариш мустақил фаолият тури бўлиб, бунда субъект - профессионал бошқарувчи (менежер)нинг бўлиши талаб қилинади, унинг иши объектга-ташкилотнинг умумий фаолияти ёки унинг муайян соҳаси (ишлаб чиқариш, сотиш, молия ва ҳ.к.)га қаратилгандир. Шундай экан, корпоратив бошқарувнинг мазмун-моҳияти ташқаридан-бошқариш субъектининг мақсадга йўналтирилган фаолият жараёнида у ёки бу бошқариш объектига муайян таъсир кўрсатиш йўллари ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февраль куни «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги қабул қилинган Фармонида белгиланган вазифалар, хусусан иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, капитал жалб қилишда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш ҳамда институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш жараёнида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтиришни изчил амалга ошириш янада муҳим ўрин тутди⁴⁶⁶. Бугунги кунда самарали корпоратив бошқарув тизими инвестицион қарорлар қабул қилишда

⁴⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

ҳал қилувчи омил сифатида қаралмоқда ва шу жиҳат сабаб корпоратив бошқарув тизими мавжуд бўлмаган компания рақобатбардош ва инвестицион жозибадор бўлиш учун бозорнинг тўлиқ иштирокчисига айланиш имкониятига эга эмас⁴⁶⁷.

Жаҳон амалиётида сўнгги ўн йилликда корпоратив бошқарувга бўлган бундай жиддий эътиборнинг асосий мезони инвесторлар учун янада хавфсизроқ ва қулай муҳит яратишга интилиш ҳисобланади⁴⁶⁸.

Акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув тизими асосида баҳолаш жаҳоннинг турли компаниялари бизнес амалиётида қўлланиладиган асосий рейтинг кўрсаткичи сифатида эътироф қилинмоқда. Корпоратив бошқарув назорат органлари фаолияти самарадорлигини аниқлашда, балки акциядорлик жамиятларининг бошқарувида рўй бераётган жараёнлар динамикасининг талқинини ҳам билдиради. Акциядорлик жамиятлари фаолиятига нисбатан бундай замонавий ёндошув бошқарув ва назорат органларининг самарадорлигини ошириш, сезиларли даражада салоҳиятини кўтариш имконини беради. Жумладан;

- ривожланаётган бозорларда фаолият юритаётган 100 та йирик компаниялардан энг яхши корпоратив бошқарув тизимига эга бўлган компанияларда EVA (Economic Value Added) кўрсаткичи компанияларнинг фонд бозоридаги ўртача кўрсаткичидан 8% га кўпдир⁴⁶⁹;

- энг яхши корпоратив бошқарув тизимига эга бўлган АҚШ компанияларида фонд бозоридаги савдо ҳажми бошқа компанияларга нисбатан юқориқдир⁴⁷⁰.

Турли халқаро ташкилотларнинг, жумладан Жаҳон банки, OECD, EBRD ва KPMG методологияси, PWCнинг GAMMA методологияси, Standard and Poor's рейтинг агентлигининг корпоратив бошқарувни баҳолаш методологиясига доир таҳлилларда корпоратив бошқарув акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини баҳолашда асосий элемент эканлигини қайд этиш билан биргаликда жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари фаолиятини баҳолаш ҳам методологиянинг ажралмас қисми сифатида қаралади. Корпоратив бошқарув тизимининг асосий хусусиятларидан бири бу – хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш, иктисодиёт тармоқларига хорижий сармояларни кенг жалб этиш, корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда фонд бозорини ривожлантириш ҳисобланади.

Фонд бозорида ҳисоби юритилаётган корпоратив облигациялар тўғрисида маълумот 2019 йил 1 февраль ҳолати бўйича)⁴⁷¹

№	Корпоративоблигацияларни чиқарувчиэмитентлар	Облигацияларнинг эмиссия ҳажми (млрд.сўм)	Облигациялар сони (млн.дона)
	Жами:	198,06	0,50
Шу жумладан:			
	Банклар:	148,06	0,45
1.	Ўзбекистонсаноат-қурилиш банки АТБ	43,06	0,34
2.	Капиталбанк АТБ	5,00	0,01
3.	ТИФ Миллий банк	100,00	0,10
	Бошқаэмитентлар:	50,00	0,05
4.	Ўзавтосаноат АК	50,00	0,05

⁴⁶⁷ Силова Е.И. Сравнительный анализ моделей корпоративного управления// Вестник Челябинского государственного университета, 2011, №32

⁴⁶⁸ Тагавердиева Д.С. Методы оценки эффективности корпоративного управления// Актуальные проблемы экономики и права, 2012, №2

⁴⁶⁹ Saints & Sinners: Who's Got Religion?" Credit Lyonnais Securities Asia (CLSA) CG Watch, April 2001;

⁴⁷⁰ Harvard/Wharton. Gompers, Paul; Ishii, Joy; and Metrick, Andrew. "Corporate Governance and Equity Prices." Quarterly Journal of Economics 118(1), February 2003, 107-155

⁴⁷¹ deponet.uz-қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2019 йил 1 февраль ҳолати бўйича, корпоратив облигацияларни муомалага чиқарувчи эмитентлар бўйича чиқарилган облигациялар ҳажми 198,06 млрд.сўмни, хусусан, облигациялар бозорида тижорат банкларининг улуши 74,8 % ни ташкил этган ҳолда, Ўзбекистон фонд бозорида корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш амалиёти бўйича тижорат банклари етакчилик қилмоқда. Бошқа эмитентлар сифатида умумий облигациялар бозорида 25,2%ни ташкил этган ҳолда, ягона эмитент сифатида “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фикримизча, самарали корпоратив бошқарув воситасида миллий фонд бозорини ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этилиши керак.Жумладан;

1. Корпоратив қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентлари тўғрисидаги ахборотнинг ошкор этилиши масаласи;

2. Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келган хорижий инвестициялар ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, аммо, корпоратив қимматли қоғозлар бозори орқали уларнинг салмоғи пастлигича қолмоқда. Бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорациялардаги давлатга тегишли йирик акциялар пакети бирламчи бозор орқали стратегик хорижий инвесторларга инвестицион мажбурият асосида сотилаётганлиги; Иккиламчи бозор орқали эса бундай инвесторлар корпорациялардаги ўз улушларини ички инвесторлар (жисмоний ва юридик шахслар) эвазига оширмоқдалар. Демак, миллий корпоратив бошқарувда корпоратив қимматли қоғозлар давлатнинг фаол инвестиция сиёсати талабларига жавоб бера олмаётганлиги билан изоҳланиши мумкин.

3. Корпоратив қимматли қоғозлар ва биринчи галда акцияларнинг ликвидлигини сезиларли даражада ошириш;

4. Миллий фонд бозорининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган мавжуд муаммоларнинг бири сифатида корпоратив облигациялар бозорининг ташкил этилмаганлиги. Жаҳон амалиётида, фонд бозорининг 70-75 фоизини қарз муносабатларини ўзида акс эттирувчи қимматли қоғозлар ташкил этади.

Бугунги замонавий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларни жадаллаштиришдан асосий мақсад, қўйидаги устувор вазифаларни ҳал этишга қаратилган қатор илмий хулосалар ҳамда таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради:

Яқуний хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ривожланаётган корпоратив бошқарув тизими катта ҳажмдаги капитал тўплаш имкониятини яратса, фонд бозори эса иқтисодиётнинг барча тармоқларини доимий актив молиявий маблағлар билан таъминлаш имкониятини яратиб беради. Шу боис, биз томондан берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилса, амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада самарали ташкил этишга ижобий туртки бўлар эди. Бу, ўз навбатида, республикада миллий корпоратив бошқарув моделининг ривожланишига, шунингдек мамлакат фонд бозорининг халқаро сармоя бозорлари томон интеграциялашувига хизмат қилади.

СУҒУРТАЛОВЧИЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁНЛАРДАГИ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ

***Шеннаев Х. М.ТМИ “Суғурта ва пенсия иши”
кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди,***

Халқаро тажрибадан маълумки, суғурта ташкилотлари вақтинча бўш турган пул маблағларини иқтисодиётнинг турли тармоқларига йўналтириш орқали йирик институционал инвесторга айланади. Бугунги кунда дунёнинг йирик фонд бозорларида амалга оширилаётган операциялар ҳажми жихатидан суғурталовчилар кучли топ ўнталикдан жой эгаллаганлар. Шу нуқтаи назардан қараганда, иқтисодиётнинг тараққий этиши учун зарур бўлган инвестицияларни жалб этишда суғурталовчиларнинг салоҳияти ва имкониятидан самарали фойдаланиш айти мумкин.

2018 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида куйидаги фикрлар алоҳида таъкидлаб ўтилганлиги диққатга сазовор: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди”⁴⁷². Шу ўринда, мамлакатимизда инвестициявий муҳитни яхшилаш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун барча қонуний асослар яратилганлигини қайд этиш лозим. Хусусан, 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида суғурталовчилар махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган⁴⁷³.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 3 июлдаги 68-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 июлда 1982-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги низом”да мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари куйидаги объектларга бўш пул маблағларини инвестиция қилишлари мумкинлиги кўрсатилган:

Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари;
хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозлари;
банк сертификатлари (депозит сертификатлари);
кредит ташкилотларига қўйилган омонатлар (депозитлар);
кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа моддий бойликлар) ҳамда уларга доир ҳуқуқлар;

юридик шахсларнинг устав капиталида иштирок этиш улуши;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқариш ва муомалага киритишга рухсат берилган, ёки тегишли ваколатли орган томонидан берилган қимматли қоғозлар бозорида савдони ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга (рухсатномага) эга бўлган хорижий эмитентлар томонидан чиқарилган ҳамда қимматли қоғозлар бозорида муомалага қўйилган қимматли қоғозлар⁴⁷⁴.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, суғурта ташкилотлари вақтинча бўш пул маблағларини инвестиция объектларига жойлаштиришда қайтарилиш, ликвидлик, диверсификация ва фойдалилик принципларига амал қилишлари талаб этилади. Масалан,

суғурталовчининг активларини банк депозитларига жойлаштиришда, битта тижорат банкига жойлаштирилган депозит суғурталовчи активларининг 40 фоизидан ошмаслиги шарт. Шунингдек, суғурталовчи активларини битта юридик шахснинг устав капиталига жойлаштириш ёки битта юридик шахсда иштирок этиш бўйича бошқа ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи активларининг 30 фоизидан ошмаслиги шарт⁴⁷⁵.

⁴⁷² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 август. // <https://president.uz/uz/lists/wiew2228>.

⁴⁷³ Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. // www.lex.uz

⁴⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 3 июлдаги 68-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 июлда 1982-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги низом”. // www.Lex.uz

⁴⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон билан буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 12 майда 1806-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчилар тўлов қобилияти тўғрисида низом”. // www.lex.uz.

Суғурта бозори тараққий этган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, миждозларни жалб этиш бўйича қарор топган рақобат муҳити, аксарият ҳолатларда, суғурта хизматларига белгиланган нархнинг кескин пасайишига, баъзан, суғурталовчилар томонидан демпинг нарх сиёсатини амалга оширишга олиб келади. Бу ўз навбатида, суғурта ташкилотларининг асосий фаолият, яъни суғурта фаолиятидан келиб тушиши кутилган даромадларни камайишига, бинобарин, зарарли фаолият кўрсатишига сабабчи бўлади. Суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятидан олган даромадлари уларнинг асосий фаолият бўйича кўрган зарарларини қоплашда муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда инвестицион жараёнларни кенгайтириш ва кучайтиришга қаратилган давлат сиёсати миллий суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти билан фаол шуғулланишларига имконият яратмоқда. Буни қуйидаги статистик маълумотлар таҳлилидан ҳам кўриш мумкин. 2018 йилда мамлакат суғурта ташкилотлари томонидан инвестиция объектларига йўналтирилган жами пул маблағлари ҳажми 2010,0 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, ушбу рақам ўтган йилнинг тегишли кўрсаткичидан 136,0 фоизга кўпдир. Суғурталовчилар инвестиция портфелини таҳлил этадиган бўлсак, унинг таркибида тижорат банкларига депозит сифатида қўйилган пул маблағлари 1042,5 млрд.сўмни ёки 2018 йилда барча суғурталовчилар инвестиция портфелининг 51,8 фоизини ташкил этган⁴⁷⁶. Суғурталовчилар инвестиция портфелининг бундай ҳолатга эга бўлишини, биринчи галда, тижорат банкларининг суғурталовчилар учун ишончли шерик эканлигида, иккинчидан, тижорат банкларига жойлаштирилган депозит бўйича суғурталовчилар ҳисоб рақамига келиб тушадиган даромадларнинг барқарорлигида кўриш мумкин. Бироқ, суғурта соҳаси бўйича мустақил экспертларнинг фикрига кўра, суғурталовчилар ва тижорат банклари ўртасидаги жипслик фақат, банк депозитларининг жозибдорлигида эмас, балки суғурталовчилар учун асосий миждозлар қатламини шакллантирувчи ва катта ҳажмдаги суғурта мукофотлари тушумини таъминловчи банк кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мулкни суғурталаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда суғурта бозорини янги босқичда ривожланишини таъминлаш билан бир қаторда суғурталовчиларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Мазкур қарорга билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»ДА суғурта ташкилотларининг инвестиция инструментлари рўйхатини кенгайтириш ва уларнинг, шу жумладан ипотека, лизинг ва микроолиялаш, қимматли қоғозлар ва бошқа бозорлардаги инвестиция фаолиятини ривожлантириш вазифалари қўйилган. Албатта, қўйилган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши миллий суғурта бозорини тараққий этишида ва уни жаҳон суғурта бозорига интеграциялашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг миллий қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайди. 2019 йил 7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ҳузурида фонд бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда ҳам бу ҳақда тўхталиб ўтилди ⁴⁷⁷. Мазкур йиғилишда давлатимиз раҳбари суғурта компаниялари

⁴⁷⁶Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари.//www.mf.uz

⁴⁷⁷ Фонд бозорини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. 2019 йил 7 октябрь/https://www.prezident.uz/uz/lists/view/2913.

активларининг маълум фоизини фонд бозорига йўналтириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Суғурта ташкилотларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтиришда уларнинг капиталлашув даражасини ошириш, суғурта захиралари ҳажмини кўпайтириш катта аҳамиятга эга. Суғурталовчиларнинг капиталлашув даражаси ва суғурта захиралари ҳажми, бевосита, суғурта фаолияти самарадорлигини оширишга, қолаверса, мижозларга сифатли суғурта хизматлари кўрсатишга ҳамда уларнинг суғуртага бўлган ишончини мустаҳкамлашга чамбарчас боғлиқ.

Суғурталовчиларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш учун қуйидаги масалаларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Акциядорлик жамиятларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларини бирламчи бозорда харид қилиш учун суғурта ташкилотларига рухсат бериш.

2. Суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолиятини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида такомиллаштириш.

3. Миллий суғурта ташкилотларининг республика фонд бозоридаги иштирокини кучайтириш.

4. Суғурта ташкилотларининг инвестиция сиёсатини давлатнинг инвестиция сиёсати билан уйғунлашувини таъминлаш.

Бизнинг фикримизча, юқорида баён этилган таклифларни амалиётга татбиқ этилиши суғурта ташкилотларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

*Шерматов Ш.Аб. Б.М.А. “Пенсия ва суғурта иши”
мутахассислиги тингловчиси*

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг аҳолининг турмуш даражасини ошириш, даромадларини мунтазам ортириб бориш, халқаро ҳамжамиятда давлатимизнинг муносиб ўрнини эгаллаб бориш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш учун амалда ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Ушбу ислохотларнинг самарасини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралда 4947-сонли фармони асосида **“2017— 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”** тасдиқланди.⁴⁷⁸

Мазкур ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишларидан бири ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш белгиланди. Ушбу йўналишда белгиланган дастурлар асосида ислохотлар амалга оширилди. Фуқароларнинг ижтимоий таъминоти соҳасида ҳам бир қанча ўзгаришлар бўлди.

Пенсия таъминоти тизими фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунга асосланган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг кўплаб қарорлар ва фармонлар эълон қилинди. Ўртача ҳар йилда йигирмадан ортиқ пенсия тизимида оид норматив ҳужжатлар имзоланди.

Хозирги пайтда пенсия таъминоти тизими энг муҳим институтлардан бири ҳисобланади. Унинг самарали фаолият кўрсатиши мамлакатнинг ижтимоий

⁴⁷⁸ 1-ИХПТ (2019) <http://uza.uz/uz/documents/2017-2021-yillarda-zbekiston-respublikasini-rivozhlantirishn-18-01-2019>

фаровонлиги даражасига бевосита таъсир кўрсаташи жиҳатидан ҳам давлат пенсия таъминоти тизимига ва уни амал қилиш механизмларини такомиллаштириб борилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

“Солидар тартибдаги пенсия тизими” да ривожланган давлатларда яшаш шароити, медицина хизматининг юқори сифатлилиги, аҳолининг ўртача умр кўриш ёшининг баландлиги ҳамда мавжуд демографик муаммолар, суғурта бадали тўловчи ишлаётган фуқароларга юқори молиявий оғирлик юклайди. Ушбу муаммолар ҳозирда ананавий тарзда пенсияга чиқиш ёшини ошириш, жамғариб бориладиган ҳамда ҳусусий пенсия тизимига ревалицион тарзда қисқа муддатларда ўтиш орқали ечишга уринилмоқда, аммо мазкур ечимлар ўз вақтида кутилган натижани бермасдан ижтимоий-сиёсий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ривожланаётган ёш давлатлар пенсия тизими эса нисбатан барқарор ҳисобланади. Бунга эса пенсия бадали тўловчиларнинг пенсия ёшидаги фуқаролардан бир неча бор кўплигидир. Шундай экан иқтисодиёти барқарор ўсиб келаётган давлатимиз пенсия таъминоти нисбатан барқарор ривожланаётганига қарамасдан, бизнинг пенсия тизимимизи олдида ҳам вақт ўтиб аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги ўсиб қариб бораётган давлатлар пенсия тизими тўқнашадиган муаммолар юзага келиши табиийдир.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса чиқариб, қуйидаги таклифларни бериш жоиз деб топдик;

1. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми “а” банди (2019 йил 1 январь ҳолатига) талабларига кўра, фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса иш стажига қўшилиши белгиланган.

Мазкур Қонуннинг 42-моддасига биноан меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат дафтарчаси ёки унда тегишли ёзувлар бўлмаган тақдирда иш стажини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 29.11.2017 йилдаги “Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 44-сонли Қарорининг 5-бандида: иш ҳақи миқдори ҳамда суғурта бадали тўланганлиги тегишли ҳужжатлар (штат жадвали, тўлов ведомости, тўлов топшириқномаси ва бошқалар) билан тасдиқланиши сабабли бундай юридик фактларни суд томонидан белгилашга йўл қўйилмайди.-деб, кўрсатиб ўтилган.

Мазкур ҳолатда қонун нормалари бир-бирига зид бўлиб, аслида суғурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш бу иш берувчининг зиммасида эканлиги, қолаверса, иш ҳақи тўғрисидаги ва буйруқлар ҳақидаги китобларнинг сақланмаганлиги ва белгиланган тартибда юритилмаганлиги ҳамда давлат архивларига ўз вақтида сақлов учун топширилмаганлиги бу иш берувчининг айби эканлигини инобатга олган ҳолда юқоридаги Қонуннинг 37-моддасига тегишли ўзгартириш киритиш, яъни “суғурта бадаллари тўланган ҳар қандай иш иш стажига қўшиб ҳисобланади”-деб, кўрсатилган жойни умуман олиб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади деб, ҳисоблайман. Шунингдек, ушбу моддага қўшимча банд киритилиб, унда иш ҳақи маълумотномаси мазкур Қонуннинг 31-моддаси талабларидан келиб чиқиб, фақатгина сўнгги ўн йиллик иш даври учун талаб қилиш лозим бўлади. Ҳозирги кунда амалиётда фуқаролар томонидан Пенсия жамғармаси бўлимларига мурожаат қилинишида меҳнат дафтарчасига асосан ишлаган барча даврлари учун иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилиши талаб қилинаётганлиги учун иш ҳақи ва ундан ушланган суғурта бадаллари ҳақидаги

маълумотлар давлат архивларига тўлиқ топширилмаганлиги, айрим китобларда иш ҳақи ҳисобланиб, суғурта бадаллари ҳисобланмаганлиги, шунингдек, иш ҳақи китобларида исм-фамиялиси мавжуд бўлсада, ойлик иш ҳақи ҳисобланмаганлиги каби ҳолатлар кузатилмоқда.⁴⁷⁹

Натижада фуқароларнинг ушбу даврлари пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобламасдан келинмоқда. Шунингдек, судларга мурожаат қилинишида ҳам оворагачиликларга сабаб бўлмоқда.

2. Мамлакат пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигига ҳаф солиши мумкин бўлган кутилаётган хатарларни олдини олиш ҳамда пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаган ҳолда давлатнинг ижтимоий кафолатларини таъминлаш учун қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш зарур деб ҳисоблайман:

- янги иш ўринлари ташкил қилиш ва ўз-ўзини банд қилган аҳолини пенсия бадалларини тўлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- пенсия таъминоти тизимида амалда бўлган баъзи имтиёзларни бекор қилиш;
- тўланаётган суғурта бадалларига кучли боғлиқ бўлган пенсия формуласини ишлаб чиқиш ва уни амалга киритиш муддатини қатъий белгилаш;

“Солидар тартиб”даги пенсия тизимига хос бўлмасда, давлат кафолатлари доирасида қатъий белгиланган пенсия миқдорини белгилаш ва пенсия тизимининг нисбатан барқарор даврларда, жамғарма активларини самарали бошқариш орқали жамланган маблағларни инвестицияга йўналтириш ва фойдага эришиш орқали келгусида кутиладиган молиявий нобарқарорликни бартараф этиш;

Фикримча пенсия жамғармасини активларини самарали бошқариш ҳамда юқоридаги ишларни амалга ошириш натижасида олинган маблағларни ҳозирда талаб юқори бўлган ички бозорга инвестицияга йўналтириш, мамлакатимиз янада ривожланиши ва ижтимоий сиёсий барқарорлигига асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т., Ўзбекистон 1992.-32Б
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат Пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни.1993.09.03
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг Кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2017 йил 14 январь.-Тошкент “Ўзбекистон” . 2017.-104 б
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 июндаги 429-сонли қарори тахрирда –ЎР ҚХТ, 2017 й., 26-сон 591-модда)
5. <http://uza.uz/oz/documents/2017-2021-yillarda-zbekiston-respublikasini-rivozhlantirishn-18-01-2019>

⁴⁷⁹ 2-ИХРТ (2019) “Фуқароларнинг давлат Пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни (03.09.1993 йил)

ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И МОДЕЛЬ ИНТЕГРАЦИИ ФИНАНСОВОГО РЫНКА УЗБЕКИСТАНА В МИРОВОЙ ЦИФРОВОЙ ФИНАНСОВЫЙ РЫНОК

Шохаъзамий Ш. Ш. д.э.н., проф., заведующий кафедрой «Финансы, учёт и оценочное дело» Республиканской высшей школы бизнеса и управления имени Абу Райхана Беруни при Национальном агентстве проектного управления при Президенте Республики Узбекистан,

В Узбекистане активно ведутся работы по претворению в жизнь предложения Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева по реализации национальной программы «Цифровой Узбекистан – 2030», что приведет к резкому повышению позиций республики в международных рейтингах к 2030 году. Реализация данной национальной программы предусматривает цифровизацию национального финансового рынка на основе создания новых моделей информационно-коммуникационных платформ, в том числе разработки и использования технологий «блокчейн» (технология распределенного реестра данных) и автоматической торговли финансовыми инструментами. Ибо только это позволит в недалеком будущем интегрировать в цифровом формате национальный финансовый рынок в мировой цифровой финансовый рынок (МЦФР), функционирующий в составе глобальной цифровой финансовой системы. В контексте сказанного, необходима концепция перехода к модели цифрового макрорегулируемого открытого национального финансового рынка (ЦОНФР), реализация которой предусматривает создание необходимой нормативно-правовой базы для цифровой финансово-кредитной сферы (ЦФКС) с учетом передового опыта зарубежных стран, в том числе для внедрения и развития инфраструктуры оборота крипто-активов через крипто-бирж, включая майнинг (деятельность по поддержанию распределительной платформы и созданию новых блоков с возможностью получать вознаграждение в формате новых единиц и комиссионных сборов в различных криптовалютах), смарт-контракты (договор в электронной форме, исполнение прав и обязанностей по которому осуществляется путем совершения в автоматическом порядке цифровых транзакций), консалтинг, эмиссию, обмен, хранение, распределение, управление, страхование, крауд-фандинг (коллективное финансирование), а также технологий «блокчейн» для диверсификации видов деятельности на ЦОНФР.

Цифровую экономику можно определить как виртуальный (алгоритмически цифровой) эквивалент национальной социально-экономической модели развития страны, выраженный адекватной ей системой экономико-математических моделей, позволяющих субъектам экономики получать в он-лайн или он-лайн режиме адекватные их целевым интересам компьютерные решения системных задач управления, анализа, моделирования, оптимизации, прогнозирования факторов, формирующих развитие явлений, характерных для неё, а также свойств и закономерностей, присущих процессам, протекающим в ней.


Сущность понятий ЦФКС и ЦОНФР производны от понятия цифровой экономики.⁴⁸⁰

В силу сказанного, справедлива гипотеза: «Ключом для решения указанных выше задач является переход к новой для Узбекистана модели ЦОНФР, состоящего из цифрового денежного рынка и цифрового рынка капиталов, основанной на функциональном принципе его цифрового макрорегулирования, которая должна быть

⁴⁸⁰ К примеру, ЦОНФР – это виртуальный (алгоритмически цифровой) эквивалент национального финансового рынка, обладающего характерными для него гармонизированными друг с другом (S-I)-климатом и (V-P)-климатом, выраженный адекватной ему системой экономико-математических моделей, позволяющих участникам данного рынка получать в он-лайн или он-лайн режиме адекватные их целевым интересам компьютерные решения системных задач управления, анализа, моделирования, оптимизации, прогнозирования факторов, формирующих развитие явлений, характерных для неё, а также свойств и закономерностей, присущих процессам, протекающим в ней.

ликвидной и интегрирована в МЦФР на условиях, выгодных для финансирования программ и проектов социально-экономического развития страны. Справедливость гипотезы обусловлена следующими двумя обстоятельствами: 1) финансовые рынки развитых и прогрессивно развивающихся стран мира с опережением других сфер и отраслей экономики прошли цифровую трансформацию; 2) в силу первого обстоятельства, Узбекистан имеет хорошую возможность воспользоваться накопленным в мире передовым опытом для формирования и развития собственного ЦОНФР, интегрированного с МЦФР, в контексте национальной программы «Цифровой Узбекистан-2030», который обеспечил бы привлечение ежегодно хотя бы по 0,0004 % (это 50,0 млрд. долл. США) от общего годового объема (2,0 квадриллион долл. США) МЦФР инвестиционных ресурсов для нужд решения указанных выше четырех задач.

Предложенная модель ЦОНФР: предусматривает его интеграцию в МЦФР на благоприятных и выгодных для экономики Узбекистана условиях привлечения инвестиций и свободного трансграничного движения капиталов по модели, приведенной на рис.1; обладает свойственным для него ликвидностью, конкурентоспособностью, финансовой безопасностью по конкретным индикаторам (их более 47) и (S-I)-климатом.



Фрагмент глобальной модели интеграции двух ЦОНФР

На рис: (PM)₁ – первичный сегмент ЦОНФР (*primary market*) первой страны, на котором внутренние сбережения S^D_1 , а также привлеченные из зарубежа сбережения S^T_1 , S^{NI}_1 , S^{NO}_2 виды сбережений трансформируются в инвестиции вида I_1 , в том числе I^{DP}_1 , I^{RP}_1 , а также в сбережения типа S^{NO}_1 ; (SM)₁ – вторичный сегмент ЦОНФР (*secondary market*), на котором инвестиции I_1 , в том числе инвестиции категории I^{DS}_1 и I^{RS}_1 свободно обращаются; Δ_1 – виды прибыли на ЦОНФР первой страны; S^{NO}_1 и I^R_1 – сбережения и инвестиции, оттекающие из ЦОНФР первой страны; S^{NO}_2 и I^R_2 – сбережения и инвестиции, оттекающие из ЦОНФР второй страны; (PM)₂ – вторичный сегмент ЦОНФР второй страны, на котором внутренние сбережения S^D_2 , а также привлеченные из зарубежа сбережения S^T_2 и S^{NI}_2 (в том числе S^{NO}_1) трансформируются в I_2 , I^{DP}_2 , I^{RP}_2 и сбережения типа S^{NO}_2 ; (SM)₂ – вторичный сегмент ЦОНФР, на котором I_2 , I^{DS}_2 , I^{RS}_2 ликвидно обращаются; Δ_2 – виды прибыли на ЦОНФР второй страны.⁴⁸¹

Модель, приведенная на рис.1, универсальна для всех стран мира с ЦОНФР, которая может быть применена в Узбекистане в контексте реализации национальной программы "Цифровой Узбекистан - 2030".

⁴⁸¹ Причем между ЦОНФР первой и второй страны (с помощью их участников) свободно движутся и трансформируются (S^{NO}_2 , I^R_2) в (S^D_1 , S^T_1) и (S^{NO}_1 , I^R_1) в (S^D_2 , S^T_2).

ПУТИ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ БЮДЖЕТИРОВАНИЯ

Назаров М. ТФИ ст. магистратуры

В данном тезисе рассмотрены вопросы совершенствования учета результатов бюджетного исполнения, а также содержание понятийного аппарата расходов бюджета: принципы, способы, формы и методы их формирования в условиях реформирования бюджетного процесса в Республике Узбекистан.

В условиях изменений, вызванных необходимостью перехода на бюджетирование, ориентированное на результат, которые происходят в бюджетном процессе Республики Узбекистан в последние годы, стала актуальной задача обеспечения эффективности использования бюджетных средств. Недостаточная проработанность данной проблемы обусловлена необходимостью реформирования бюджетных отношений при исполнении бюджета по расходам в новых условиях оптимизации бюджетного процесса.

В целях повышения эффективности расходования бюджетных средств и оптимизации управления государственными расходами, где при планировании и исполнении бюджета должен применяться альтернативный метод реализации бюджетной политики – бюджетирование, ориентированное на результат.

В рамках бюджетирования, ориентированного на результат, бюджетные ассигнования должны распределяться с учетом и в зависимости от достижения конкретных общественно значимых целей в соответствии с приоритетами государственной политики. Определение результативности расходов продиктовано потребностями практики и имеет существенное значение для определения путей социально-экономического развития страны.

Контроль за исполнением бюджета, особенно в части использования бюджетных средств, может быть эффективным лишь при четко организованной системе бюджетного учета. Исследование этих проблем тем более актуально в условиях, когда не завершена бюджетная реформа и осуществляется комплекс мер по совершенствованию бюджетного процесса, основанного на новых принципах формирования и учета расходов бюджета. В этой связи возникает необходимость совершенствования механизма учета расходов бюджета в органах казначейства, а также определения различных концептуальных подходов к группировке затрат распорядителей и получателей бюджетных средств.

Цель состоит в обосновании процесса оптимизации исполнения бюджета по расходам и выработке практических рекомендаций по рационализации механизма учета расходов государственного бюджета в условиях его казначейского исполнения.

Наша задача уточнить содержание понятийного аппарата расходов бюджета: принципы, способы, формы и методы их формирования в условиях реформирования бюджетного процесса в Республике Узбекистан, выявить характерные черты и особенности организации исполнения бюджета по расходам в казначействе, проанализировать нормативно-правовые акты, определить их эффективность в регулировании и организации процесса исполнения и учета расходов бюджета и на этой основе дать рекомендации по их совершенствованию, сформулировать и обосновать предложения по совершенствованию организации исполнения и учета расходов бюджета в казначействе, разработать предложения по оптимизации учета расходов бюджета казначейства.

Уточнено содержание понятийного аппарата расходов бюджета, позволяющего рассматривать расходы бюджета как движение денежных средств, характеризующееся не только количественными, но и качественными параметрами (формы, условия, сроки предоставления средств и их использования) и подлежащими в соответствии с

действующим законодательством обязательному бюджетному учету. Такой подход в большей мере соответствует решению задачи повышения эффективности и результативности использования бюджетных средств, и в частности внедрению бюджетирования, ориентированного на результат.

Обоснована необходимость четкого разграничения в бюджетном кодексе Республики Узбекистан принципов построения бюджетной системы Республики Узбекистан и принципов формирования расходов бюджета, отсутствующих в настоящее время в бюджетном законодательстве.

Хотелось бы предложить усиление текущего и последующего финансового контроля за открытием, доведением лимитов бюджетных обязательств и финансированием расходов. Обоснована необходимость внесения в отчетность показателей, характеризующих не только кассовые, но и фактические расходы бюджета.

Необходимо внедрить в процесс исполнения бюджета принципы и подходы управленческого учета, в частности, предлагаем новую методику расчета и группировку затрат распорядителей и получателей бюджетных средств, что позволяет усилить ответственность распорядителей и получателей бюджетных средств за конечные результаты их деятельности.

Расходы бюджета являются основным инструментом проведения макроэкономической политики государства. Они позволяют государству реализовывать свои функции воздействия на экономическое и социальное развитие общества. Расходы бюджета являются инструментом распределения финансовых ресурсов между различными отраслями и сферами общественного производства и территориями страны.

Анализируя теоретические трактовки понятия расходов бюджета, необходимо отметить наличие двух основных подходов к исследуемому понятию.

В рамках первого подхода расходы бюджета определяются как процесс выделения и использования финансовых ресурсов, аккумулированных в бюджетах каждого уровня, в соответствии с законами бюджета на соответствующий финансовый год.

RISK MANAGEMENT IN PROJECT FINANCE AT COMMERCIAL BANKS

Tursunov L. – TBB-2 group BFA


In economic theory there are two economic units: surplus unit and deficit unit and these economic units need someone, some intermediary institution, to transfer their funds to each other without being exposed to risks. And here comes banks who act like intermediary institution to transfer funds with high responsibility between those who in need and in surplus. Risk management in banking industry is becoming increasingly important over the last years since banks suffered from almost all economic turmoil. The last financial crisis in 2008 showed some proof that banks need thorough risk management to protect its assets. During this crisis an investment bank Lehman Brothers with 180 years of history collapsed and this triggered all other banks to be more careful with their assets.

Сегодня в Узбекистане на новом этапе экономического развития страны особое значение уделяется проведению глубоких структурных преобразований в отраслях экономики, ускорению процессов перехода к конкурентной рыночной экономике, внедрению рыночных принципов в управлении государственными активами. Так, Указом Президента Республики Узбекистан от 8 января №УП-5614 «О дополнительных мерах по обеспечению дальнейшего развития экономики повышения эффективности экономической политики» утверждена «Дорожная карта» основных направлений структурных реформ Республики Узбекистан на период 2019-2021 годы, согласно которой, в целях сокращения роли государства в экономике и оптимизации экономической деятельности государства, предусмотрено мероприятие по сокращению государственного регулирования за счет создания законодательной базы по саморегулированию предпринимательской деятельности за счет формирования профессиональных объединений юридических лиц («саморегулируемые организации»). В этой связи, рассмотрение в данной статье вопросов создания и развития саморегулируемых организаций в сфере финансового рынка Узбекистана приобретает особую актуальность.

Для начала, как понимать саморегулирование? И что такое саморегулируемая организация? В литературе нет единого определения саморегулируемой организации. Многие исследователи используют описательные определения. Как отмечают некоторые авторы, под саморегулированием понимается самостоятельная и инициативная деятельность, осуществляемая субъектами предпринимательской или профессиональной сферы. Содержанием этой деятельности являются разработка и установление стандартов и правил в части предоставляемого обслуживания, а также контроль за их соблюдением, который реализуется с целью защиты интересов как участников саморегулируемых организаций, так и потребителей услуг [1]. Саморегулирование занимаются саморегулируемые организации (СРО), которые определяются, обычно, как некоммерческие организации, объединяющие субъекты предпринимательской деятельности, работающие в определённой отрасли производства товаров (работ, услуг), либо объединяющие субъекты профессиональной деятельности определённого вида. СРО создается с целью саморегулирования и объединения субъектов предпринимательской деятельности на основе единства определенной отрасли производства товаров (работ, услуг).

Основная идея СРО – переложить контрольные и надзорные функции за деятельностью субъектов в определённой сфере с государства на самих участников рынка. При этом с государства снимаются явно избыточные функции и, как следствие, снижаются

бюджетные расходы, а фокус собственно государственного надзора смещается с надзора за деятельностью в сторону надзора за результатом деятельности [2].

Впервые понятие «саморегулируемая организация» (англ. self-regulatory organization) было использовано в законодательстве США во времена политики нового курса Т. Рузвельта. В те времена создания таких организаций предполагалось Законом о рынке ценных бумаг (Securities Exchange Act of 1934), согласно которому ассоциациям участников рынка ценных бумаг, национальным фондовым биржам, Муниципальному правлению по регулированию рынка муниципальных ценных бумаг для регистрации клиринговым агентствам предоставили статус СРО [3]. В настоящее время, законодательная база саморегулируемых организаций создана в России (Законы РФ «О саморегулируемых организациях» и «О саморегулируемых организациях в сфере финансового рынка»), Казахстане (Закон РК «О саморегулировании»), и в других странах.

В Узбекистане в 90-х годах были несколько безуспешных попыток создания СРО профессиональных участников рынка ценных бумаг. Среди них – Гильдия брокеров, Ассоциация депозитариев и реестродержателей, ПИФов и их управляющих компаний и т.д. Основная причина неудач, по мнению одного автора [4], была в том, что фондовый рынок Узбекистана на момент попыток создания перечисленных выше СРО еще не был готов к саморегулированию. Фондовый рынок, а вместе с ним и его участники, должны были «дорастить» до такого состояния, когда они смогут сами взять на себя часть функций по регулированию своих отношений, чем ранее занимался уполномоченный государственный орган.

В настоящее время, в Узбекистане имеются законодательные предпосылки для создания и ведения деятельности СРО. Во-первых, Гражданский Кодекс Республики Узбекистан (в частности, ст. 73-78) устанавливает формы некоммерческих организаций. Во-вторых, с 1999 года действует Закон Республики Узбекистан «О негосударственных некоммерческих организациях», который определил организационно-правовые формы некоммерческих организаций, к каковым относятся СРО, и порядок их учреждения. В-третьих, принятый в 2007 году Закон Республики Узбекистан «О гарантиях деятельности негосударственных некоммерческих организаций» предоставляет гарантии деятельности негосударственных некоммерческих организаций, обеспечивая защиту их прав и законных интересов.

Однако, данные законы не дают возможность полноценному созданию и развитию СРО в сфере финансового рынка, в том числе на рынке ценных бумаг. Более того, в Законе Республики Узбекистан «О рынке ценных бумаг» новой редакции нет нормы о том, что в целях защиты своих интересов профессиональные участники рынка ценных бумаг могут создать объединения (ассоциации) профессиональных участников рынка ценных бумаг на принципах некоммерческих организаций.

В этой связи, для полноценного возникновения института саморегулирования в нашей стране, нарастала необходимость разработки и принятия отдельного Закона Республики Узбекистан «О саморегулируемых организациях», который определяет правовую и экономическую основу саморегулирования, устанавливает порядок создания и деятельности, полномочия СРО во всех сферах предпринимательской и профессиональной деятельности. Особенно, данный закон необходим в сфере финансового рынка, в том числе рынка ценных бумаг, поскольку, как показывает зарубежный опыт, именно финансовый рынок является наиболее предрасположенным к саморегулированию.

В предлагаемом законе в обязательном порядке нужно сформулировать понятие «саморегулируемые организации» и отразить права СРО в регулировании финансового рынка, требования, предъявляемые к СРО, признаки СРО, а также порядок создания общественных объединений участников финансового рынка и приобретения ими статуса саморегулируемой организации.

Полагаем, что в сфере финансового рынка, предлагаемый закон должен направлять деятельность СРО на развитие финансового рынка Узбекистана, содействие

созданию условий для эффективного функционирования финансовой системы Узбекистана и обеспечения ее стабильности; реализацию экономической инициативы членов СРО; защиту и представление интересов своих членов в регуляторе, органах государственного управления, местных органах власти, судах, международных организациях. Для приобретения статуса СРО некоммерческая организация должна соответствовать некоторым требованиям, причем, эти требования должны быть разными в зависимости от сферы деятельности некоммерческой организации.

Необходимо отметить, что самой главной задачей СРО должен является не выдача разрешений на осуществление деятельности, не только в осуществлении «регулирование для регулирования», а установление повышенных стандартов и дополнительных правил предпринимательской или профессиональной деятельности, обязательных для выполнения всеми членами саморегулируемой организации, а также контроль за их соблюдением в целях обеспечения деловых интересов членов СРО и удовлетворения интересов потребителей [5], контроль за качеством предоставляемых членами СРО услуг и развитие их бизнеса.

Поэтому СРО в сфере финансового рынка должны разработать свои базовые и внутренние стандарты. Базовые стандарты должны быть обязательными для исполнения всеми финансовыми организациями, осуществляющими соответствующий вид деятельности, вне зависимости от их членства в СРО. К ним можно отнести стандарты по управлению рисками, по корпоративному управлению, по внутреннему контролю, по защите прав и интересов физических и юридических лиц – получателей финансовых услуг, оказываемых членами СРО, по совершению операций на финансовом рынке. Помимо базовых принципов, СРО в сфере финансового рынка должны разрабатывать и внутренние стандарты, направленные на формирование условий участия в данной организации, установку порядка проведения контроля участников конкретной СРО и порядка воздействия на участников при несоблюдении ими правил и стандартов СРО, утверждение требований к деловой репутации должностных лиц СРО и правил этики сотрудников саморегулируемой организации. Внутренние стандарты должны быть обязательны только для участников конкретной СРО.

Таким образом, создание и развитие саморегулируемых организаций в сфере финансового рынка путем принятия Закона Республики Узбекистан «О саморегулируемых организациях» способствует возникновению прозрачной, целостной, эффективно функционирующей и стабильной финансовой системы страны, соблюдающая права и законные интересы инвесторов и создающая условия для снижения рисков инвестиций.

Список использованной литературы:

1. Мартенс А.А. Перспективы развития саморегулирования на финансовом рынке России. // Журнал «Проблемы учёта и финансов». – Томск, 2015. - №3 (19). – С. 52-55.
2. Что такое СРО – функции, обязанности и ответственность саморегулируемых организаций [Электронный ресурс]. – URL: <https://www.reestr-sro.ru/articles/chto-takoe-sro>
3. 15 Title of United States Code, Chapter 2B — Securities Exchanges [Электронный ресурс]. – URL: <http://uscode.house.gov/download/pls/15C2B.txt>.
4. Якупов О.Т. Саморегулируемые организации профессиональных участников рынка ценных бумаг – время их создания настало. // Информационный бюллетень. – Ташкент, 1999. - №7. – С. 27.
5. Зинченко С.А. Саморегулируемые организации в законодательстве России: проблемы и решения / С. А. Зинченко, В. В. Галов // Корпорации и учреждения: сб. статей / отв. ред. М. А. Рожкова. — М.: Статут, 2007. — С. 97–114.

ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Жалилов Т.Қ. ТМИ илмий изланувчиси

Маълумки, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида ва унинг рақобатбардошлигини оширишда ёқилғи-энергетика тармоғи ҳамда мазкур тармоқнинг ривожланиш ҳолати муҳим ўрин тутди. Шу боисдан мазкур тармоқни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, тармоқда инновацион лойиҳаларни кенг жорий этиш долзарб масала ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг муҳим шарти илм-фан ва техниканинг ютуқларидан иқтисодиётда ҳам, алоҳида тармоқларда ҳам кенг фойдаланган ҳолда замонавий инновацион технологияларни жадал жорий этишдир.

Инновацион ривожланиш масалалари Ўзбекистон Республикаси бюджет даромадларининг катта қисмини, умуман, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имкониятларини ва миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобатбардошлигини таъминлашдаги зарурий иқтисодий асосни ташкил этувчи ёқилғи-энергетика тармоғи учун алоҳида долзарбдир. Ёқилғи-энергетика тармоғининг инновацион ривожланиши фақат ўзгарувчан ташқи муҳитда мавжуд бўлган инновацион манбалардан тўлиқ фойдаланиш, саноат корхоналарининг иқтисодий хусусиятларини, рискларни камайитириш нуктаи назаридан кичик ва йирик бизнеснинг ўзаро ҳамкорлик имкониятларини ҳисобга олиш, максимал даражада натижага эришиш учун бозор субъектлари ўртасида инновацияларга чекланган микдордаги инвестиция ресурсларини тақсимлашга имкон берувчи инновацион жараённинг барча иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш орқали таъминланиши мумкин.

Ёқилғи-энергетика мажмуаси мамлакатимиз миллий иқтисодиёти ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири сифатида реал секторнинг таянч тармоқларидан бўлган ёқилғи-энергетика мажмуасини техник ва технологик янгилаш белгиланди. Таъкидлаб ўтилганидек, ёқилғи-энергетика тармоғи мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди, чунки, инвестицияларнинг қарийб 50 фоизи ушбу тармоққа йўналтирилади ҳамда ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг 7 фоизи мазкур тармоққа тўғри келади. Шу боисдан, ёқилғи-энергетика тармоғи мамлакат учун стратегик манба ҳисобланади.⁵⁰³

Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида қайта тикланмайдиган энергия манбаларининг қисқариши ҳамда ёқилғи углеводородлари ва қаттиқ ёқилғининг жаҳон бозоридаги рақобатининг кучайиши кескин авж олмоқда, мазкур жараёнда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун мавжуд ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарини модернизациялаш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва улар фаолиятига жорий этиш, шунингдек, янги алтернатив энергия манбаларини қидириш ва кенг жалб қилиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги вақтда энг асосий муаммолардан бири ишлаб чиқариш қувватларининг сезиларли жисмоний ва маънавий эскириши бўлиб мазкур ҳолат, ҳатто ички бозорда хорижий ишлаб чиқарувчилар билан рақобатга қилиш имконини бермайди. Шу жиҳатдан, ёқилғи-энергетика тармоғининг барқарор ривожланишига салбий таъсир

⁵⁰³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

кўрсатаётган омил улардаги мавжуд технологияларнинг эскирганлиги ҳисобланади. муаммо энергия компанияларига нисбатан ҳам мавжуд. Мазкур ҳолат, мамлакатимиз ёқилғи-энергетика мажмуи корхоналарида самарали инновацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш заруратини юзага келтиради, унинг асосий вазифаси ушбу соҳанинг интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятини ошириш ва ишлаб чиқаришда максимал даражада фойдаланишга имкон берадиган тизимни яратишдир.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган истикболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши табиий равишда энергия истеъмолининг ошишига олиб келади. Энергия истеъмоли бирлигига тўғри келадиган ЯИМ индекси Ўзбекистонда 2009 йилда 1 кг нефт эквиваленти учун 1,5 АҚШ долларини ташкил этган. Худди шу йили мазкур кўрсаткич Россияда - 3, Туркменистонда - 1,7, АҚШда - 5,9, Швейцарияда - 10,6, Сингапурда - 12,5, Индонезияда - 4,3ни ташкил этган⁵⁰⁴. Бу технологик жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналардан фойдаланиш, мамлакат экспортида ёқилғи-энергетика ресурслари улушининг юқорилиги, электр энергияси ва ёқилғи турларининг нисбатан арзон нархлари, электр энергияси ва энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш тизимининг самарали йўлга қўйилмаганлиги ва бошқа омиллар таъсири туфайли юзага келган.

Юқорида келтирилган салбий омилларни ҳисобга олган ҳолда, умуман иқтисодиётни ва унинг алоҳида тармоқларини, хусусан ёқилғи-энергетика тармоғини инновацион ривожлантиришнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Ёқилғи-энергетика тармоғининг инновацион салоҳиятини ошириш ушбу соҳанинг иқтисодий фаолиятнинг барча соҳалари учун зарурлиги ҳамда миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдаги роли билан белгиланади. Шунингдек, мазкур соҳанинг аҳамияти миллий хўжаликни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини кучайтириш шароитида янада ортиб бормоқда.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ёқилғи-энергетика мажмуаларининг иқтисодий ва инновацион салоҳиятини ошириш истикболда дунё мамлакатлари ЯИМнинг кескин пасайишини олдини олишда муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатди. Глобал иқтисодиётнинг тузилмавий таркиби сифатида улар миллий ва жаҳон иқтисодий тизимларининг инновацион салоҳиятини ошириш орқали иқтисодий ўсишни юзага келтириш ва қўллаб-қувватлаш, камбағалликни камайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, қўшимча капитал қўйилмаларсиз табиий офатлар оқибатларини бартараф этишда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясига мувофиқ саноат ва савдо зоналари, эркин иқтисодий зоналар, логистика марказлари ва кластерлар инновацияларни рағбатлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий объекти бўлиши керак.

Кластер доирасида инновацияларни рағбатлантирувчи объектлар қаторига нафақат ишлаб чиқариш корхоналари, балки уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, ўқув муассасалари, молиявий ривожланиш институтлари, энг муҳими, ушбу иштирокчилар ўртасидаги самарали ўзаро таъсирчан механизмнинг шакллантирилиши киради. Ёқилғи-энергетика тармоғида юқори интеграциялашган тузилмаларнинг шакллантирилиши орқали ушбу тармоқнинг инновацион салоҳиятини оширишга эришиш мумкин, чунки интеграциялашган тузилмалар фаолиятида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш ва уларнинг натижаларини тармоқ корхоналари фаолиятига жорий этишга қулай шароит яратилади.

⁵⁰⁴ Кадыров А.М., Кадыров У. Инновационный потенциал развития промышленных предприятий республики в условиях рынка // «Новое качество экономического роста: инновации, конкурентоспособность, инвестиции». Материалы Республиканской научно-практической конференции. 1-й том. – Т.: Молия, 2009. – с. 53-54.

Замонавий шароитларда ёқилғи-энергетика соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантиришда интеграциялашган тузилмаларнинг ролини ошириш бўйича тизимли тадбирларни амалга ошириш лозим, мазкур ҳолат иқтисодиётда рақобат афзалликларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишга имкон беради. Бу борада чуқур тадқиқотлар олиб борилиши лозим бўлган масалалар қаторига қуйидагилар киради: ёқилғи-энергетика мажмуасининг муайян кластерини яратиш ва ривожлантириш стратегиясини асослаш; кластер ташаббусини амалга ошириш механизмини ва ёқилғи-энергетика мажмуаси кластери доирасидаги иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш механизмини яратиш; кластер ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари ва механизмларини асослаш; ёқилғи-энергетика мажмуи учун кластер моделини яратиш. Келтирилган масалаларнинг ижобий ечими миллий иқтисодиётда рақобатбардош тузилмаларнинг шаклланишида ва тармоқнинг молиявий барқарорлиги ошишида муҳим аҳамият касб этади.⁵⁰⁵

Умуман олганда, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика тармоғининг инновацион тизими қуйидаги муаммолар мавжудлиги билан тавсифланади:

- Инновацион тизимга кирувчи ҳар бир элемент бир бири билан ўзаро боғлиқ муаммолар таъсири остида бўлиб натижада бу ҳолат умумий тизимда инновацион ривожланишига салбий таъсир этади. Масалан, инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш жараёни давлат муассасалари томонидан ёки давлат маблағлари ҳисобидан яратилган интеллектуал мулкка ҳуқуқларни бериш механизмининг ноаниқлиги билан мураккаблашади;

- амалда инновацион тизимнинг алоҳида элементларининг фаолияти инновацион ривожланишнинг умумий мақсадига боғлиқ бўлмаган муайян муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлиб баъзи ҳолларда ҳатто қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Хусусан, маҳсулотни мажбурий сертификатлаш ва экспорт шартномасини рўйхатдан ўтказиш тизими инновацион натижаларни экспорт қилиш билан боғлиқ харажатларни оширади ва бу ҳолат маҳаллий маҳсулотларни чет элга чиқаришга салбий таъсир этади;

- тармоқда юқори илмий сифимли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган чора-тадбирларни ўз ичига оладиган ўрта ва узоқ муддатли истикболга мўлжалланган дастурий ҳужжат шаклида ишлаб чиқилган соҳада мақсадли инновацион сиёсат мавжуд эмас. Тармоқда амалга оширилаётган маҳаллийлаштириш ва ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник даражасини оширишни кўзда тутган ҳолда импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни талаб қилади. Бироқ, ушбу дастурларда маҳаллий илмий салоҳиятни оширишни рағбатлантириш, инновацион ишланмаларни яратиш ва жорий этиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни қўллаб-қувватловчи тузилмаларни фаолияти бўйича йўналишлар кўзда тутилмаган;

- ёқилғи-энергетика тармоғи доирасида фаолият кўрсатувчи корхоналар инновацион тизим доирасида янги ишланмаларни яратиш бўйича бир-бири билан тизимли алоқаларни йўлга қўймаганлар, бу эса заиф ахборот оқими, ишлаб чиқаришда инновацияларни илгари суриш ва иш берувчилар талабларига кадрлар тайёрлаш даражасининг мос келмаслигига олиб келади;

- тармоқни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилишга қаратилган чора-тадбирлар асосан тайёр ечимлар импортига яъни, ишлаб чиқаришда анча илгаридан фойдаланилаётган технологияларни жорий этишга асосланади. Бироқ, хорижий

⁵⁰⁵ Наумов В.А. Экономическая эффективность формирования кластерного образования в нефтегазовом регионе// «Нефтегазовое дело». 2006. №2.

технологияларни сотиб олиш ва жорий этиш орқали юқори инновацион салоҳиятга эришиш мушкул, шу боисдан миллий иқтисодиётнинг ривожланиш йўналишларига мувофиқ фаолият олиб бориш, миллий даражада инновацион ишланмаларни яратиш ва кенг жорий этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу жараёнда ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналарида инновацион фаолиятни рағбатлантиришга имкон берувчи ягона институционал тизимни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Албатта, қайд этиб ўтилганлар нафақат ёқилғи-энергетика компаниялари, балки республика иқтисодиётининг барча тармоқларида инновацион фаолиятни ривожланишига тўсқинлик қилувчи муҳим омиллар ҳисобланади.

Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарт ҳисобланади.

Барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида 2018 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони қабул қилинди.

Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш ҳамда инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш мазкур стратегиянинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.

Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашда инновацияларни яратиш ва уларнинг амалиётга жорий этишнинг мукамал тизимини, яъни такомиллашган инновацион тизимни йўлга қўйиш лозим. Ҳозирги кундаги мавжуд инновацион тизим миллий иқтисодиёт тармоқларининг инновацион салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни талаб қилади.

Ўзбекистонда инновацияларни ишлаб чиқиш кўлами ривожланган ва қатор ривожланаётган давлатлар билан таққослаганда унчалик катта эмас. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, инновациялар ва илм-фан соҳасидаги давлат сиёсатининг дастлабки босқичида давлат фанни молиялаштиришда етакчи рол ўйнаши керак, чунки бу ҳолат инновацион жараёни жадаллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Юқорида ёқилғи-энергетика мажмуаси билан боғлиқ бўлган инновацион ривожланиш муаммолари кўриб чиқилганлиги сабабли, мазкур мажмуанинг инновацион ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омилларни ҳам таҳлил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ўрта муддатли истиқболда ёқилғи-энергетика мажмуаси ривожланишини белгилайдиган қуйидаги асосий тенденцияларни кўрсатиш мумкин:

- миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръати ва унда амалга оширилаётган лойиҳаларга мос ҳолда мамлакат ичида ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талабнинг ошиши динамикаси;

- жаҳон иқтисодиётида ёқилғи-энергетикага бўлган талаб ҳолати ва бозор конъюнктурасининг ўзгариши;
- энергия секторида ҳам, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам ресурслар ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш кўлами;
- солиқ, нархлар ва божхона сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни назарда тутувчи қулай инвестиция муҳитини шакллантириш;
- ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги;
- ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналари билан илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларидан эришилган натижалар;
- ёқилғи-энергетика мажмуасининг илмий ва техник салоҳиятини модернизация қилиш ҳолати.

Миллий иқтисодиётда ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантиришнинг истикболли йўналишлари экологик стандартларга жавоб берадиган, илғор технологиялар ва юқори малакали кадрлар билан таъминланган, молиявий барқарор, иқтисодий жиҳатдан самарали ривожланаётган тузилма сифатида давр талабларига жавоб бериши лозим деган хулосага келишга имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги вақтда мамлакатимизда инновацион салоҳиятни ошириш, иқтисодиёт тармоқларига инновацион ишланмаларни кенг жорий этишга қаратилган ислохотлар кенг кўламда амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни самарали ташкил қилишга алоҳида эътибор бериш керак. Шунингдек, ёқилғи-энергетика компанияларини инновацион салоҳиятни ошириш учун имтиёзлар ва қулай шарт-шароитларни жорий қилиш орқали инновацион ишланмаларни жорий этиш фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш керак.

УПРАВЛЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТЬЮ ФИНАНСОВЫЙ МОНИТОРИНГ КАК МЕТОД КОНТРОЛЯ

*Аллаяров Ш.А.ТФИ к.э.н., доцент
Мирзиёев А.А.*

На сегодняшний день время наметилась активизация исследований вопросов обеспечения экономической безопасности. Всё большее внимание уделяется вопросам управления от индикативного подхода и исследования критериев измерения экономической безопасности в научных работах. Появились исследования, характеризующие обеспечение экономической безопасности в стратегическом развитии страны, предполагающие активные управленческие действия со стороны государства с целью развития экономики, доминирование профилактических мероприятий в обеспечении экономической безопасности, постоянное совершенствование методов борьбы с противоправной деятельностью в экономической сфере.

В этой связи обеспечение экономической безопасности страны в стратегическом измерении возможно лишь при условии сочетания целостного комплекса мер, который включает в себя широкий спектр аспектов жизнедеятельности общества как во внутренней, так и в международной экономической деятельности. Важнейшими элементами системы обеспечения экономической безопасности в настоящее время являются⁵⁰⁶:

- прогнозирование социально-экономического развития государства с учетом выявленных и могущих возникнуть факторов и явлений, представляющих угрозу экономической безопасности страны;

⁵⁰⁶ Гамоненко С.С. Финансовый мониторинг в системе обеспечения экономической безопасности // Ученые записки Российской академии предпринимательства. 2014. № 40. С. 131-135.

- мониторинг и анализ факторов и явлений, определяющих внешние и внутренние угрозы экономической безопасности для государства;

- разработка и осуществление органами исполнительной власти мероприятий по предотвращению возможных угроз экономической безопасности России в различных отраслях и сферах экономики;

- экспертиза проектов законодательных и нормативно-правовых актов по финансовым и хозяйственным вопросам с позиции обеспечения безопасности государства в области экономики.

На современном этапе развития можно выделить два направления в обеспечении экономической безопасности:

- обеспечение макроэкономической стабильности путем применения в основном экономических и административных мер, методов, средств;

- противодействие негативным, в том числе криминальным, теневым и другим проявлениям в экономике путем применения правоохранительных, в том числе оперативных, оперативно-розыскных и т.п. мер, методов и средств обеспечения экономической безопасности.

Таким образом, целями формирования системы обеспечения экономической безопасности являются, с одной стороны, создание условий обеспечения устойчивости национального хозяйства в ситуации неопределенности международных, социально-экономических, политических и других факторов, а также стабильности развития российской экономики, достижения достойного качества и уровня жизни граждан, а с другой, - обеспечение защищенности экономической сферы от угроз, инспирированных экономическими преступными элементами, которая достигается путем противодействия криминальным проявлениям в сфере экономики, включая профилактику, борьбу и устранение причин и условий их порождающих.

При усилении глобализационных процессов государственные органы, обеспечивающие экономическую безопасность, столкнулись с повышением уровня и ускорением информационных потоков в мировой экономической системе. Поэтому появилась необходимость анализа, своевременной оценки информации о состоянии экономики, региональных экономик и мировой экономики в целом, прогнозирования динамики экономических процессов и явлений. Без этого невозможно принимать правильные решения в экономической сфере, в том числе и в целях обеспечения экономической безопасности, прогнозировать важнейшие параметры социально-экономического развития, выбирать средства обеспечения экономической безопасности. На наш взгляд, представляется актуальным рассмотреть в данном случае возможности финансового мониторинга как средства государственных органов иметь четкое представление об экономической деятельности и как метод финансового контроля одновременно.

Системной целью государства в функционирующей в конкурентных условиях экономике является противодействие угрозам и вызовам со стороны внешней (мировое хозяйство или возможность неэкономических воздействий со стороны его участников) и внутренней среды, усиление устойчивости национальной экономической системы.

Снижение либо устранение государственного участия во многих сферах жизнедеятельности общества формирует экономические риски (угрозы) на ближайшую и отдаленную перспективу. Это относится к целому ряду социально-экономических сегментов, являющихся определяющими для экономического развития. Сюда можно отнести государственную промышленную, структурную и производственно-региональную экономическую политику. В данном случае можно говорить о возникновении стратегических и тактических угроз экономической безопасности.

Институт финансового мониторинга получил нормативно-правовое закрепление в большей степени в рамках противодействия легализации преступных доходов и финансированию терроризма, что не исключает возможности его применения в иных областях финансово-экономической сферы.

Научные взгляды на сущность категории «финансовый мониторинг» показывают то многообразие задач, которые он может решать для обеспечения экономической безопасности страны. Таким образом, финансовый мониторинг - это совокупность методов, приемов и средств сбора, обработки и анализа информации, прогнозирования динамики всех экономических процессов, явлений и операций, которая может использоваться в разных направлениях обеспечения экономической безопасности как для оценки состояния экономики государства, региона, так и для выявления условий, способствующих совершению правонарушений в экономической сфере, а также борьбы с этими правонарушениями, в том числе с легализацией доходов, полученных преступным путем.

Финансовый мониторинг осуществляется путем использования показателей экономической безопасности - индикаторов (около 150 основных показателей, например: объем ВВП, валовой сбор зерна, уровень безработицы, уровень инфляции, внешний долг, золотовалютные резервы, дефицит бюджета, доля импорта в продовольствии и др.)⁵⁰⁷.

Кроме самих индикаторов, важную роль играют пороговые значения показателей экономической безопасности. Это инструменты экономической безопасности, представляющие собой количественные характеристики, определяющие пределы между безопасными и опасными явлениями в различных областях экономики. В ходе финансового мониторинга осуществляется сравнение количественных значений индикаторов с их пороговыми значениями. Такая диагностика дает ответы на вопросы: какие сферы экономики находятся в опасной зоне; какова глубина вхождения в эту опасную зону; где и по каким индикаторам наиболее сильно действуют угрозы национальным интересам страны в области экономики?

Финансовый мониторинг как способ систематического наблюдения и анализа за «движением» денежных потоков является одним из инструментов борьбы с вышеперечисленными явлениями и проблемами, которые они порождают; позволяет обнаружить действия, являющиеся предпосылкой преступных деяний. В ходе такого мониторинга фиксируются и анализируются как уже совершенные явления, так и выявляются и диагностируются наиболее вероятные нарушения, которые могут появляться в будущем.

Важное место в системе обеспечения экономической безопасности занимает национальная система противодействия легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем и финансированию терроризма. Под термином легализация (отмывание) доходов, полученных преступным путем, понимается деятельность по сокрытию источника происхождения денежных средств или имущества, полученных в результате совершения какого-либо преступления, придание источнику видимости законного с целью избегания подозрения правоохранительных органов и предотвращения выявления следов уличающих доказательств.

Подводя итог, можно сказать, что финансовый мониторинг является важным инструментом государства для осуществления своих контрольных функций в сфере экономической безопасности.

⁵⁰⁷ Прошунин М.М. Финансовый мониторинг: субъекты, объекты и значение // Вестник РУДН. Серия Юридические науки. 2008. № 2. С. 43-50.

ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Курбанов Х.Р. – БМА тигловчиси.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари нафақат мамлакат ичкарасида, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам турли хил операцияларни олиб борадилар. Бундай операцияларга халқаро операциялар дейилади.

Халқаро операциялар халқаро савдода иштирок қилувчилар ўртасидаги муносабатларни, ссуда капитали бозорида инвестиция фаолиятини юритувчи субъектларни, туризм, хорижий қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, валютани айирбошлаш, чек, вексель, инкассация учун банк акцептларини қабул қилиш билан шуғулланувчи мижозлар томонидан талаб қилинадиган хизматларни ўз ичига олади.

Халқаро операциялардан банкларга тушадиган даромаднинг энг асосий қисмини кредит беришдан тушадиган даромадлар ташкил қилади. Халқаро савдони банк томонидан кредитлаш товар ва товар ҳужжатларини гаровга олиш асосида кредит бериш, вексель бўйича ва акцепт кредитларини, банк ссудаларини бериш шаклида амалга оширилади. Ташқи савдони кредитлашнинг янги шаклларига лизинг, факторинг ва форфейтинглаш кабиларни киритиш мумкин. Халқаро операцияларнинг яна бир тури бу банкларнинг валюта операциялари ҳисобланади. Банкнинг бир валютани бошқа валютага алмаштириш билан боғлиқ халқаро операциялари валюта операциялари дейилади. Уларни амалга ошириш зарурияти мавжудлигининг асосий сабаби халқаро савдо, халқаро кредит ва хизматлар бўйича ҳисоблашишларда ягона тўлов воситасига эга бўлиши зарурлиги ҳисобланади.

Банклар бир-бири билан бевосита (ёки брокерлар орқали) мижозлари билан валюта операцияларни халқаро банклараро валюта бозорида ва биржаларда олиб боради. Валюта шартномаларининг асосий қисми халқаро банклараро валюта бозорида тижорат банклари ўртасида имзоланади.

Валюта чекланишлари йўқ ёки сезиларли бўлмаган давлатларда (АҚШ, Япония, ГФР, Буюк Британия, Гонконг, БАА ва бошқ.) валюта операцияларини ихтиёрий банк амалга ошириш мумкин. Миллий валюта конвертирланмаган давлатларда валюта операцияларини фақатгина давлат руҳсат берган банклар амалга оширади. Улар нафақат валютани сотади ва сотиб олади, балки хорижий валюта захираларини сақлайди ва валюта курсларини аниқлайди.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг вужудга келиши ва такомиллашиб бориши биринчи навбатда, товар ишлаб-чиқариш хўжалик фаолиятининг ривожланиб миллий доирадан четга чиқиши ҳамда байналминаллашуви, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви билан боғлиқ. Халқаро ҳисоб-китобда товарларни ишлаб-чиқариш ва сотиш даврининг бир-бирига мос келмаслиги натижасида қийматларнинг алоҳида ҳаракати юзага келади. Халқаро ҳисоб-китоблар товар ва хизматлар бўйича ташқи савдони, мамлакатлараро кредит ва капиталлар ҳаракатини, чет элда объектларни куриш, ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ёрдам бериш ва бошқа турдаги нотижорат операцияларини ўз ичига олади.

Халқаро ҳисоб-китоб - бу турли мамлакатлардаги юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқа қилишлиги натижасида юзага келадиган пулли талаб ва мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга ошириш механизмидир. Халқаро ҳисоб-китоб, бир томондан, мамлакатлараро қабул қилинган қонуний ҳужжат ва анъаналарга риоя қилса, иккинчи томондан, тижорат банкларининг ҳар кунлик амалий фаолиятида муҳим ўрин тутади. Халқаро ҳисоб-китобларда асосий ролни жаҳонда етакчи ўринни эгаллаган йирик банклар ўйнайди. Уларнинг халқаро ҳисоб-китобга таъсир кўрсатиш даражаси ушбу банклар жойлашган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалар масштаби, миллий валютасининг жаҳон оборотида тутган

салмоғи, ихтисослашуви, молиявий ҳолати, бизнес оламида эришган обрўси каби муҳим иқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ. Банклар ўзаро ҳисоб-китоб операциясини бажариш учун “ностро” (ушбу банкнинг хорижий банкдаги) ёки “востро” (хорижий банкнинг ушбу банкдаги) ҳисобварағини очиш орқали чет эллик банклар билан ўрнатилган вакиллик муносабатидан ва чет элдаги бўлинмаларидан фойдаланадилар. Вакиллик келишувида ҳисоб-китоб юритиш тартиби, комиссия миқдори, сарфланган маблағларни тўлдириш усули каби муҳим масалалар ҳал қилинади. Халқаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун банклар турли валюталарда бажариш керак бўлган тўловларнинг таркиби ва муддатига мос равишда валюта позицияларини ташкил қиладилар, ўз валюта захиралари бўйича диверсификация сиёсатини олиб борадилар. Мумкин қадар юқори даромад олишга интилиш мақсадида банклар «ностро» ҳисобварағида минимал маблағ қолдиғини жойлаштириб, жаҳоннинг ссуда капиталлар бозорига, шу жумладан евробозорга, валюта активларини жойлаштиришни афзал кўрадилар.

Халқаро ҳисоб-китоб борасидаги банкларнинг фаолиятини, бир томондан, ички миллий қонунчилик меъёрлари бошқарса, иккинчи томондан, халқаро қонун-қоида ва анъаналар кўринишидаги ҳужжатлар ёки алоҳида мамлакатларнинг ўзаро келишуви асосида тартибга солинади. Ҳозирги даврда мамлакатлараро иқтисодий алоқаларда қўлланиладиган ҳисоб-китобларнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Банк ўтказмаси;
2. Очиқ ҳисобварағи бўйича ҳисоб-китоблар;
3. Инкассо;
4. Ҳужжатлаштирилган аккредитив;
5. Чек ва векселлар.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

1. Импортёрлар, экспортёрлар ва уларнинг банклари товар ҳамда тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш, жўнатиш, қайта ишлаш, шунингдек, тўловнинг ўзини амалга ошириш билан боғлиқ ташқи савдо шартномасидан мутлақо алоҳида, бироқ унга асосланган ҳолда ўзаро муносабат ўрнатадилар.

2. Халқаро ҳисоб-китоблар миллий қонунчилик норматив актлари ҳамда халқаро банк қоида ва анъаналари орқали тартибга солинади.

3. Халқаро ҳисоб-китоб операцияларини умумлаштириш зарурияти мавжуд.

Бунга объектив сабаб – хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви ва банк операцияларининг универсаллашув жараёни дунё бўйлаб юз бераётганидир. Масалан, 1930 ва 1931 йилларда Женева конференциясида Вексель ва Чек конвенцияси қабул қилинган. Бу конвенциялар халқаро ҳисоб-китобларда вексель ва чек муомаласи бўйича юзага келиши мумкин бўлган мураккабликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бундан ташқари Халқаро Савдо Палатаси томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлаштирилган аккредитив ва инкассо бўйича умумлаштирилган қоидалар ушбу операцияларни амалга оширишда турли мураккабликлардан ва рисклардан сақланиб операцияларнинг муваффақиятли кечишига ёрдам беради.

4. Халқаро ҳисоб-китоблар, одатда, ҳужжатлаштириш характериға эға бўлади, яъни молиявий ва тижорат ҳужжатларига асосида амалға оширилади. Молиявий ҳужжатларға қуйидагилар киради:

- оддий вексел;
- ўтказма вексел;
- чек;
- тўлов тилхати.

Тижорат ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- Ҳисоб-фактура;

- Транспорт ҳужжатлари (коносамент, темир йўл, автомобиль ва авиаташув ҳужжатлари, почта квитанцияси, юк ташишнинг аралаш транспорт ҳужжатлари);
- Суғурта ҳужжатлари (суғурта полиси, суғурта сертификати);
- Бошқа ҳужжатлар - келиб чиқиш ва сифат сертификати, спецификация, божхона ва консуллик ҳисобварақлари ва шу кабилар. Банк ушбу ҳужжатларнинг мазмунига ва тўлиқлигига жиддий эътибор билан текширади.

5. Халқаро ҳисоб-китоблар турли валюталарда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам улар валюта операциялари билан бевосита узвий боғлиқдир. Валюта курсларининг тебраниши халқаро ҳисоб-китоблар динамикасига таъсир кўрсатади.

Халқаро ҳисоб-китоб шакллариининг танланишига қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- товар тури (мисол учун асбоб-ускуна ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоб шакллари уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб бир-биридан кескин фарқ қилади);
- кредит шартномасининг мавжудлиги;
- ташқи савдо бўйича контрагентларнинг тўловга қобилияти ва бизнес оламидаги обрўси;
- жаҳон бозоридаги мазкур товарга бўлган талаб ва таклиф даражаси. Битимда халқаро ҳисоб - китобларнинг шarti ва шакли қатъий белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” тўғрисида ўқув қўлланма 2011 йил, Н.Г.Муминов
2. “Iqtisod-moliya” 2005 Ш. 3. Абдуллаева. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Т., “iqtisod-moliya”, 2005 йил.
3. library.ziynet.uz > book
4. nodirjumaev.com > wp-content > uploads > 2016/01 > Ozbekistonda-valut...

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВН; АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР,
МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР” МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

2019 йил 25 октябр

Мухаррир: З.Бердиназаров
Компьютерда саҳифаловчи: Р.Т.Ибрагимова

Босишга рухсат этилди. 24.10.2019 й. Бичими 60x84^{1/8}
«Times New Roman» ҳарфида терилди. Шартли б.т. 14.50
Адади 5.

Оригинал-макет БМА нашриёт бўлимида тайёрланди.
«Молия» нашриёти, 100000, Тошкент ш.
Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй